

MARCH 29-30

2024



O'zbekiston Respublikasi  
oliy ta'lim, fan va  
innovatsiyalar vazirligi



Toshkent davlat  
transport  
universiteti

*Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli  
integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati*

*Mutually Beneficial Integration of the  
Turkic States - a Guarantee of  
Sustainable Development*

*Взаимовыгодная интеграция тюркских  
государств – гарантия устойчивого  
развития*

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

International Scientific and Practical Conference

Международная научно-практическая конференция

Google Scholar indexed

CYBERLENINKA

Google  
scholar

TOSHKENT DAVLAT  
TRANSPORT UNIVERSITETI

TASHKENT STATE  
TRANSPORT UNIVERSITY

ТАШКЕНТСКИЙ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
ТРАНСПОРТНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

<http://tstu.uz/>



**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги**  
**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги**  
**Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги**  
**Тошкент давлат транспорт университети**  
**Uskudar университети**  
**ЭГЕ университети**  
**Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон давлат университети**  
**Баку давлат университети**  
**М.Аувезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети**  
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**  
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**  
**Тошкент давлат шарқшунослик университети**



*29-30 март 2024-йил*

**“ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ЎЗARO МАНФААТЛИ ИНТЕГРАЦИЯСИ  
– БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ”**  
халқаро илмий-амалий конференция

**«ВЗАИМОВЫГОДНАЯ ИНТЕГРАЦИЯ ТЮРКСКИХ ГОСУДАРСТВ –  
ГАРАНТИЯ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ»**  
международная научно-практическая конференция

**“MUTUALLY BENEFICIAL INTEGRATION OF THE TURKIC STATES - A  
GUARANTEE OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT”**  
international scientific-practical conference

**Тошкент – 2024**





Ўзбекистон Республикаси Олий таълим  
Фан ва инновациялар вазирлиги



Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи ишлар вазирлиги



Ўзбекистон Республикаси  
Транспорт вазирлиги



Тошкент давлат транспорт университети



ЭГЕ университети (Туркия)



Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон давлат  
университети (Қозоғистон)



Баку давлат университети (Озарбайжон)



М.Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон  
давлат университети (Қозоғистон)



Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети университети



Тошкент давлат иқтисодиёт университети



Тошкент давлат Шарқшунослик  
университети



Uskudar университети(Туркия)



**Turkiy davlatlarning o‘zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati.** Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari (Toshkent, 29-30 mart 2024 y.) – T.: TDTrU, 2024 –1188 s.

**Mutually Beneficial Integration of the Turkic States – a Guarantee of Sustainable Development.** Materials of International Scientific and Practical Conference. (Tashkent, March 29-30, 2024) – T.: TSTrU, 2024 – 1188 p.

**Взаимовыгодная интеграция тюркских государств – гарантия устойчивого развития.** Материалы международной научно-практической конференции (Ташкент, 29-30 марта 2024 г.) – Т.: ТГТрУ, 2024. – 1188 с.

Konferensiya koordinatori va tahrir hay’ati raisi: **Ramatov Jumaniyoz Sulstonovich - falsafa fanlari doktori, professor**

**Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya tahrir hay’ati a’zolari:**

**Salimov Bahriddin Lutfullayevich**  
falsafa fanlari doktori(DSc)

**Baratov Rashit O‘sarovich**  
falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori(PhD)

**Matkarimova Jamila Durdiyevna**  
falsafa fanlari doktori(DSc)

**Muxammadiyev Komiljon Burxonovich**  
Pedagogika fanlari doktori(DSc)

**Rajabov Habibulla Ibodullayevich**  
siyosiy fanlari doktori(DSc)

**Xaydarov Abror Xaydarovich**  
falsafa fanlari nomzodi

**Umarova Ro‘zigul Sheraliyevna**  
falsafa fanlari nomzodi

**Sultanov Sirojbek Xabibullayevich**  
falsafa doktori(PhD)

**Valiyev Lochin Azamatovich**  
falsafa doktori(PhD)

**Jumaniyazova Nasiba Saparbayevna**  
falsafa doktori(PhD)

**Tashkiliy qo‘mita a’zolari:**

**Kushakov Fayzulla Abdullayevich**  
**Madalimov Timur Abduvaliyevich**  
**Abdullayev Barxayotjon Bo‘riyevich**  
**Abdukarimova Gulchexra Baratovna**  
**Hasanov Mirshod Nu‘monovich**  
**Nazarova Nilufar Jo‘rayevna**  
**Cho‘lponova Xadicha Toshboyevna**  
**Erniyozov O‘rozboy Kuklanovich**  
**Nuriddinov Sardor Boboyorovich**

## КИРИШ СЎЗИ

Одил Абдурахманов, Тошкент давлат транспорт университети ректори,  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ассалому алайкум ҳурматли халқаро конференция иштирокчилари,  
азиз меҳмонлар! Университетимизга хуш келибсиз!**

Бугунги конференциямиз мавзуси бевосита ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бирига, яъни туркий давлатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, илмий, маданий алоқаларни ривожлантириш истиқболларига бағишланган.

Конференция ишини ташкил қилишдаги фаол иштирокчлари учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига, халқаро ҳамкорларимиз Туркиянинг Ускудар университетига, Қозоғистоннинг ал Форобий номидаги, Мухтор Ауэзов номидаги университетларига, Боку давлат университетига, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетига чуқур миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Туркий халқлар ўртасидаги қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида интилишлар минтақамиз мамлакатлари мустақилликка эришган даврдан бошлаб кўтарилиб келади ва турли даврларда Ўзбекистоннинг бундай тузилмаларда иштирокини турлича суръатлар билан амалга ошириб келмоқда.

2009 йилнинг 3 октябрида Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида бўлиб ўтган саммитида ташкил топган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ҳам сўнгги йилларда ғоятда самарали субминтақавий ташкилотга айланиб бормоқда.

**Қадрли анжуман иштирокчилари,**

Муҳтарам Президентимизнинг ташқи сиёсатдаги очиқлик, амалий ва конструктив шерикликка қаратилган сиёсати натижасида Янги Ўзбекистон дунёга тобора кенг очилмоқда. Шу маънода Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг 2019 йил 15 октябрда Боку шаҳрида бўлиб ўтган саммитида илк бор тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этди. Ўзбекистон унга қўшилгандан сўнг Туркий Кенгаш нуфуси, салоҳияти ва аҳамияти ортиб, нуфузли халқаро ташкилотга айланди, десак хато бўлмайди.

Кенгашининг Истанбулда бўлиб ўтган VIII саммити муҳим ўзгаришлар билан ёдда қолди. Олий машваратда 10 дан ортиқ ҳужжат, жумладан “Туркий дунё нигоҳи – 2040” дастуриламали имзоланди. Шунингдек, Кенгаш номи Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) деб ўзгартирилди. Турк дунёсининг келгуси



20 йиллик истиқболи акс этган “Туркий дунё нигоҳи – 2040” концепцияси ташкилотга аъзо ҳамда кузатувчи мамлакатлар ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида зарур чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Конференция таҳририятига жами 200 дан ортиқ мақола келган бўлса, шуларнинг 50 дан ортиғи хорижий давлатлар, хусусан, Туркия, Канада, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларнинг мутахассисларидан келган. Конференция натижалари бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади, мақолалар эса илмий тўплам шаклида нашр қилинади.

**Ҳурматли конференция иштирокчилари,**

бугунги халқаро конференция ва унинг якунлари бўйича ишлаб чиқилган амалий таклифлар ва тавсиялар ҳамкорлигимизни ҳар томонлама янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сўзим охирида анжуман иштирокчиларига соғлиқ-саломатлик тилайман ҳамда конференция иши самарали бўлишига ишонч билдираман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

## ТАБРИК СЎЗИ

Рахматилла Нуриббетов, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири ўринбосари,  
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

### **Ассалом алайкум ҳурматли тадбир иштирокчилари,**

Авваламбор, бугунги йиғилишимиз ташкилотчилари, хусусан, Тошкент давлат транспорт университети раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдириб, барча иштирокчиларни қутлашдан мамнунман.

Туркий давлатларнинг ўзаро манфаатли интеграцияси барқарор тараққиёт кафолати мавзусига бағишланган бугунги анжуман дунёдаги туб ўзгаришлар шароитида ўзининг долзарб аҳамиятига эга.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон туркий ҳамкорлик ташкилотлари бўлмиш – Туркий давлатлар ташкилоти, ТУРКСОЙ, Туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси, ТУРКПА каби қатор турли минтақавий тузилмалар билан алоқаларни босқичма босқич мустаҳкамлаб бормоқда.

Мазкур туркий ҳамкорлик ташкилотлари ичида нисбатан қисқа вақт ичида туркий давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик учун муҳим платформага айланган ҳамда **170** миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган улкан минтақани ўз ичига олган “Туркий давлатлар ташкилоти” алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг ушбу тузилмага 2019 йили октябр ойида Боку шаҳрида бўлиб ўтган саммитда тўлақонли аъзо бўлиши – табиий ва тарихий жараённинг ифодаси бўлди.

### **Ҳурматли анжуман иштирокчилари,**

Бугунги кунда Туркий давлатлар ташкилотида кўп қиррали ҳамкорлик тобора жадал тус олиб, чуқурлашиб бормоқда.

Хусусан, сиёсат ва иқтисодиёт, саноат ва технологик кооперация, энергетика ва транспорт, телекоммуникация, ёшлар, фан ва маданият соҳаларида ўзаро ҳамкорлик даражаси ортмоқда.

Ўтган йилларда шартнома-ҳуқуқий базани шакллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун институционал асос яратилди.

Будапештда ТДТнинг Европа офиси ва Қўрғоқчиликни олдини олиш институти очилди, Истанбулда Туркий инвестиция жамғармаси таъсис этилди.

Шу билан бирга, Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти, Коинот тадқиқотлари академияси, Жуғрофий кенгаш, Нотариуслар иттифоқи каби тармоқ ҳамкорлигининг янги механизмлари яратилди.

Туркий давлатлар ташкилоти доирасида алоқаларни янада кенгайтиришга туркий мамлакатларнинг барчаси бирдек қатта ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.



**Хурматли конференция иштирокчилари,**

Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлганлигига қисқа вақт ўтганлигига қарамасдан, туркий дунёнинг фаол иштирокчисига айланиб улгурди.

Жумладан, қадимий Самарқанд шаҳри 2022 йил 11 ноябрь куни Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи тарихий саммитига мезбонлик қилди. Учрашув туркий давлатлар ўртасидаги амалий ҳамкорлик учун янги уфқлар ва истиқболларни очиб берди.

Олий даражадаги учрашув якунлари бўйича жами **20** дан ортиқ амалий аҳамиятга эга турли ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон 2023 йилга Ташкилотда раисликни қабул қилди. “Туркий цивилизациянинг юксалиш йили” шиори остида ўтган раислик даврида **100** дан ортиқ турли даражадиги тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

**Қадрли тадбир қатнашчилари,**

Ҳозирга қадар Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўп томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни янада кенгайтиришга қаратилган **60** дан ортиқ таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Жумладан, 2023 йил 3 ноябрда Остона саммитида Давлатимиз Раҳбари муҳим ташаббусларни таклиф қилдилар.

- йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятининг иқтисодий йўналишини кучайтириш;

- сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда Туркий тараққиёт банкини ташкил этиш;

- стратегик муҳим йўналишлар бўлган транспорт ва логистика соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

- транспорт соҳасида ҳамкорликни жадаллаштириш мақсадида Туркий давлатлар ташкилоти мамлакатлари темир йўл муассасалари кенгашини ташкил этиш. Мазкур ташаббусни ишлаб чиқишда Тошкент давлат транспорт университети раҳбарияти ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, хурматли Одил Қаландаровичга ўз миннатдорчилигимни яна бир бор изҳор қилишдан бениҳоят мамнунман.

**Хурматли конференция иштирокчилари,**

Аминманки, бугунги конференция ва унинг якунлари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ва хулосалар ҳамкорлигимизни ҳар томонлама янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сўзим якунида барча йиғилиш қатнашчиларига чинакам сиҳат-саломатлик, анжуман ишига эса катта муваффақиятлар тилаб қоламан.

Эътиборингиз учун раҳмат.

## ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ДИАСПОРАЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Азамат Тошев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари  
қўмитаси раиси ўринбосари

### **Ассалому алайкум ҳурматли халқаро конференция иштирокчилари!**

Аввало анжуман ташкилотчиларига яратилган имконият учун катта раҳмат  
айтмоқчиман.

Сўнги йилларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилган туб ислохотлар  
натijasида халқимизга азал-азалдан хос бўлган дўстлик ва бағрикенглик каби  
эзгу қадриятлар асосида миллатлараро муносабатлар янги босқичга кўтарилиб,  
Марказий Осиёда яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатиш орқали барча  
масалалар бўйича конструктив мулоқот йўлга қўйилди.

Янги Ўзбекистон тараққиётнинг муҳим омили сифатида миллатлараро  
ҳамжихатлик ва хорижий мамлакатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга  
алоҳида эътибор қаратилиб, юртимизда яшаётган **16 та** диний конфессия, **130**  
тадан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари тенг ҳуқуқ ва эркинлигини  
таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Миллатлараро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида хорижий  
тажрибани ўрганиш натijasида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича  
**40** тадан ортиқ концептуал ҳужжат – **2 та** Қонун, Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг **9 та** фармони ва **8 та** қарори, Олий Мажлиснинг **3 та** қарори,  
Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан **2017 йил**  
**19 май** куни алоҳида давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар  
билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

Қўмита мамлакатимиздаги **157 та** миллий маданий марказ, **38 та** дўстлик  
жамияти ва хориждаги **98 та** ватандошлар жамияти билан ҳамкорликда  
миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлаш, хорижий мамлакатлар билан  
дўстона муносабатларни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистонда барча туркий давлатлар билан дўстлик жамиятлари ва миллий  
маданий марказлар фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда теле-радио кўрсатув ва эшиттиришлар **12 тилда** эфирга  
узатилмоқда, газета ва журналлар **14 тилда** чоп этилмоқда ҳамда



мамлакатимиздаги **10 000** тадан ортиқ давлат умумтаълим мактабининг **1 865** тасида таълим **6** тилда, яъни қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қирғиз ва қозоқ тилларида олиб борилмоқда.

Кенг кўламли ислохотлар давомийлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон–2030” стратегиясида **жамиятда миллатлараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш алоҳида устувор мақсад<sup>1</sup> сифатида белгиланди.**

Жумладан, “хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш йўналишида аниф мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичларга эришиш назарда тутилган.

Шу боис Миллатлараро муносабатлар кўмитаси томонидан Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Туркия, Озарбайжон Республикаларидан келган расмий делегациялар, шунингдек маданият ва санъат намоёндалари иштирокида қозоқ, қирғиз, туркман, турк, озарбайжон ва бошқа миллий маданий марказларининг юбилейлари Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобидан кенг нишонланди.

Миллатлараро муносабатлар кўмитаси Озарбайжон, Туркия, Қирғизистон ва Қозоғистондаги турдош ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Хусусан, 2022-2023 йилларда Қозоғистон Республикаси “Отандастар” фонди президенти А.Сапарбеков, Қирғизистон Республикаси давлат котиби С.Касмамбетов, Туркия Президентининг Бош маслаҳатчиси Ялчин Топчу, Туркиянинг Хориждаги турклар ва қардош жамиятлар кўмитаси раиси ўринбосари Турус Абдулҳадий, Туркий маданият халқаро ташкилоти Бош котиби С.Раев, Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси Бош котиби Эр Меҳмет Сурей, Озарбайжон Республикаси Диаспора билан ишлаш давлат кўмитаси раиси Ф.Мурадов, ЮНЕСКО ишлари бўйича Туркменистон Миллий комиссияси масъул котиби, Туркменистон Қаҳрамони Ч.Рустамова, Қозоғистон халқи ассамблеяси раиси ўринбосари М.Азилханов ва бошқалар раҳбарлигидаги расмий делегацияларнинг Ўзбекистонга ташрифлари давомида самарали мулоқотлар ўтказилди.

Қозоғистон халқи ассамблеяси раиси ўринбосари, Қозоғистон Республикаси Президенти Администрациясининг котибияти мудирини М.Азилханов раҳбарлигидаги делегациянинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи давомида 2023 йил 4 октябрь куни Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ҳамда Қозоғистон халқи Ассамблеяси ўртасидаги Англашув меморандуми имзоланди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ–158-сонли Фармони. 11.09.2023 йил. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг эзгу ташаббуси билан Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи мамлакатлар адабиётининг сара намуналаридан иборат **100** жилдлиқ “Туркий адабиёт дурдоналари” тўпламини ўзбек тилида нашр этилиши натижасида китобхонлар туркий мамлакатларнинг ёзувчи ва шоирлари асарларини ўз она тилларида ўқиш имкониятига эга бўлдилар.

Ушбу адабий хазина туркий тилли давлатлар орасида илк бор рўёбга чиқарилган йирик адабий лойиҳа бўлиб, умумтуркий адабиётнинг энг сара намуналари, ўзбек, қорақалпоқ, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман ва венгер адабиётининг XI-XXI асрларга мансуб **600** нафардан ортиқ атоқли шоир, адиб ва мутафаккирларининг асарлари киритилган **100** жилдли “Туркий адабиёт дурдоналари” жамланмаси қардош элларимизни, авваламбор, ёшларимизни ўзаро яқинлаштириш учун мустаҳкам замин яратади.

200 нафардан зиёд таржимон қатнашган мажмуада барча туркий тилли халқлар адабиёти вакилларига кенг ўрин берилган бўлиб, “Умумтуркий адабиёт намуналари” деб номланувчи дастлабки 5 жилддан Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” ва Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийнинг “Ҳикматлар”и ҳамда Носируддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” каби мумтоз асарлари жой олган.

Бугунги кунда Қозоғистон ва Қирғизистондаги ҳамкасбларимиз билан меморандумлар имзоланган бўлса, Озарбайжон ва Туркиядаги дўстларимиз билан ҳамкорликни кучайтириш режалаштирилмоқда. Қўмита Туркий давлатларнинг диаспоралар бўйича ташкилотлари форумларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 25 октябрдаги Қарорига асосан тасдиқланган Ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси хорижда истиқомат қилаётган юртдошларимиз билан доимий мулоқот ва ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Натижада Қўмита “халқ дипломатияси” кенгайтириш мақсадида хорижий мамлакатлардаги турдош ташкилотлар ва ватандошлар жамиятлари билан **40 тага** яқин ҳамкорлик меморандумлари имзолади.

**2021 йил 11 августда “Ватандошлар” жамоат фондинг** ташкил этилиши ватандошлар билан ҳамкорликнинг амалий механизмини яратди.

Ўзбекистон Президенти томонидан 2019 йил 15 ноябрда Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати



концепциясининг<sup>2</sup> қабул қилиниши миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янги босқичга кўтарди.

Мамлакатимизда **30 июлни “Халқлар дўстлиги куни”** этиб белгилаш тўғрисида 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг **Қонуни<sup>3</sup>** қабул қилинди.

Ўзбекистонда миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшган маҳаллий ва хорижлик ҳамкорларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йил 1 июнда **“Халқлар дўстлиги” кўкрак нишони<sup>4</sup>** таъсис этилди.

Ҳукуматнинг 2023 йил сентябрдаги қарорига асосан **таъсис этилган “Диний бағрикенглик” кўкрак нишони<sup>5</sup>** диний-маърифий соҳанинг самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари рағбатлантириш имконини беради.

Ўтган даврда миллий маданий марказларнинг **500 нафардан** ортиқ фаоллари давлат мукофотларига сазовор бўлиб, орден ва медаллар билан тақдирланди. Улардан **14 нафарига “Ўзбекистон Қаҳрамони”** юксак унвони берилди.

Миллий маданий марказларнинг этномаданий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида республиканинг барча ҳудудларида **“Дўстлик уйлари”** ташкил этилиб, уларда миллий маданий марказлар бепул асосда жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобидан сўнгги олти йил давомида миллий маданий марказларни қўллаб-қувватлаш учун жами 30 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Ўзбекистон етакчиси таклифига асосан 2018 йилда БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган **“Маърифат ва диний бағрикенглик”** деб номланган махсус резолюциясига мувофиқ ҳар йили **16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик кунига** бағишлаб юртимизда ўтказилаётган **“Бағрикенглик ҳафталиги”** дўстликни янада мустаҳкамлайди.

Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги оқилона сиёсатнинг изчил давоми сифатида 2023 йилда қабул қилинган **“Ўзбекистон-2030”** стратегиясининг 100-мақсадида жамиятда миллатлараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш ва хорижий

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5876-сонли Фармони. 15.11.2019 йил.  
<https://lex.uz/tu/docs/4597662>

<sup>3</sup> “Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 10.02.2021 йил.  
<https://lex.uz/docs/5277501>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 335-сонли қарори. 01.06.2021 йил.  
<https://lex.uz/docs/5441590>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 495-сонли қарори. 25.09.2023 йил.  
<https://lex.uz/docs/6616908>

мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланган.

“Ўзбекистон–2030” стратегиясининг 100-мақсадини<sup>6</sup> амалга оширишда миллатлараро муносабатлар соҳасида илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус мукофотини таъсис этиш режалаштирилган.

Шунингдек, Янги таҳрирдаги Конституция қоидаларини амалга ошириш мақсадида мамлакат ҳудудида яшовчи турли миллат ва элатларнинг маданияти, тили, урф-одати ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга устувор аҳамият берилган.

Аҳоли таркиби, аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси, миллатларнинг жойлашган ҳудудлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган Ўзбекистоннинг рақамли этноконфессионал атласи ишлаб чиқилади.

Хорижий мамлакатлар ва юртимиздаги бошқа миллат вакиллари билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш учун Дўстлик жамиятлари сонини 60 тага етказиш мўлжалланган.

Чет эл мамлакатларининг тегишли ҳудуд ва шаҳарлари билан мамлакатларимиз ҳудудлари ва шаҳарлари ўртасидаги биродарлик алоқаларини ўрнатиш жараёнини жадаллаштириш учун Биродарлашган ҳудуд ва шаҳарлар ассоциациясини тузиш назарда тутилган.

Таълим қардош тилларда олиб борилаётган мактаблардаги бадий адабиётлар фондини 2024 йилда 955 000 донага бойитиш топширилган.

### **Ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун қўйидагилар таклиф этилади.**

**Биринчидан**, миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида Тошкент шаҳрида 2024 йилда Туркий давлатларнинг диаспоралар бўйича ташкилотлари форумини ўтказиш лозим.

**Иккинчидан**, Туркий давлатлар олий таълим муассасалари томонидан ташкилотга аъзо мамлакатлар ёшларига мақсадли таълим грантлари ажратиш зарур.

**Учинчидан**, Туркий давлатлар турдош ташкилотлари биргаликда халқларимиз ўртасидаги тарихий ва маданий алоқаларга оид қўшма илмий конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирлар ташкил қилиш, илмий ишлар

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон-2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–300-сонли Қарори. 11.09.2023 йил. <https://lex.uz/uz/docs/6600390>

чоп этиш, биргаликда тадқиқотлар, шу жумладан, маданиятлараро мулоқот соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш таклиф этилади.

**Тўртинчидан,** Туркий давлатларда маданий-гуманитар соҳада “халқ дипломатияси” имкониятларидан фойдаланиш орқали миллатлараро муносабатлар ҳамда маданиятлараро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

**Бешинчидан,** 30 июль – Халқлар дўстлиги кунига бағишлаб ташкил этилаётган “Дўстлик ҳафталиги” ва унинг доирасида “Дўстлик” халқаро фестивалига барча ҳамкорларимизни чорлаймиз.

**Олтинчидан,** 16 ноябрь – “Халқаро бағрикенглик куни” муносабати билан юртимизда ўтказиш режалаштирилган “Бағрикенглик ҳафталиги” тадбирларига барча Туркий давлатлар вакиллари таклиф этамиз.

Туркий давлатлар турдош ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш, соҳада давлат сиёсатини янада такомиллаштиришга, кўп миллатли Ўзбекистон халқи ҳамда хориждаги ватандошларимиз саъй-ҳаракатларини Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш эзгу ғояси атрофида бирлаштиришга хизмат қилади.

Кенг кўламли ҳамкорлик ва мулоқотлар натижасида Туркий давлатларнинг барқарор тараққиёти мустаҳкамланишига ишонамиз.



## ХОЖА АХМАД ЯССАВИЙ - ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР МАЪНАВИЙ РАҲНАМОСИ

**Исмоил Саифназаров**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, фалсафа фанлари  
доктори, Тошкент, Ўзбекистон

### ANNOTATSIYA:

Maqolada Turkiy xalqlar tarixida keng shuhrat topgan va yuksak ma'naviy nufuzga erishgan ulug' zotlar ko'p bo'lgan, lekin Hoja Ahamad Yassaviyga o'xshab asrlar mobaynida turkiy qavmlar ruhoniyligini hayotiga rahnamolik qilgan va shu kunlarga qadar tasavvuf, adabiyot, madaniyat, hatto siyosat jabhasida ta'sirini o'tkazib kelgan buyuk siymolar keng tadqiq etilgan. Shuningdek, Alisher Navoiy o'z davrida hazrat Yassaviyga "Turkiston mulkining shayxul mashoyixi" deb yuksak baho berganligi, Ahmad Yassaviyning o'lmas merosi turkiy olamning buyuk vakillari – Jaloliddin Rumiy va Yunus Emro, Yusuf Xos Hojib, Nizomiy Ganjaviy, Maxtumlul, Firog'iy va Boborahim Mashrab kabi shoirlar qatorida turkiy xalqlarning umumiy ma'naviy boyligi sifatida ardoqlab kelinganligi ilmiy asoslab berilgan.

**Kalit so'lar:** tasavvuf, islom, shayx, turkiy dunyo, TURKSOY, ma'naviy meros, tarix, madaniyat, ma'rifat.

### АННОТАЦИЯ:

В статье научно обосновано, что в истории тюркских народов было много великих людей, получивших широкую известность и достигших высокого духовного авторитета, они, как и Ходжа Ахмад Яссави, веками руководили духовной жизнью тюркского народа, и оказавшие огромное влияние на развития суфизма, литературы, культуры. Также, необходимо учесть тот факт, что Алишер Навои в свое время высоко ценил Хазрата Яссави как «шейхуль машаи Туркестанского достояния». Бессмертное наследие Ахмеда Яссави почитался как общее духовное достояние тюркского народа, наряду с великими представителями тюркского мира – Джалалиддин Руми, Юнус Эмро, Юсуф Хос Хаджиб, Низами Гянджеви, Махтумкули, Фирогий и Боборахим Машраб.

**Ключевые слова:** суфизм, ислам, шейх, тюркский мир, ТЮРКСОЙ, духовное наследие, история, культура, просвещение.

**ABSTRACT:**

In the article in the history of the Turkic peoples there were many great people who became widely known and achieved high spiritual authority, but they, like Khoja Ahamad Yassawi, led the spiritual life of the Turkic people for centuries, and until now Sufism, literature, culture and even great figures, that had an impact on the political front have been carefully examined. Also, taking into account the fact that Alisher Navoi at one time highly valued Hazrat Yasawi as “sheikhul mashai of the Turkestan heritage”, the immortal legacy of Ahmed Yasawi is the great representatives of the Turkic world - Jalaluddin Rumi and Yunus Emro, Yusuf Khos Hajib, Nizami Ganjavi, Magtymguly. Firogi and It is scientifically substantiated that Boborakhim Mashrab was revered among poets as the common spiritual heritage of the Turkic people.

**Keywords:** sufism, islam, sheikh, Turkic world, TURKSOY, spiritual heritage, history, culture, education.

Ўзбекистон 2019 йил 14 сентябрь куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилди ва ўша йил октябрь ойида тузилмага расман қўшилди. Мамлакатимиз ташкилот ва унинг тузилмалари (Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси - ТуркПА, Халқаро туркий маданият ташкилоти - ТУРКСОЙ, Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси) фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ТТДХКнинг 2019 йил 15 октябрь куни Боку (Озарбайжон) шаҳрида ташкил этилган 7-саммитида, шунингдек, давлат раҳбарлари кенгашининг 2020 йил 19 апрель куни онлайн шаклда бўлиб ўтган “COVID-19 пандемиясига қарши курашда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик” мавзусидаги навбатдан ташқари йиғилишида ва 2021 йил ноябр ойида Истанбулдаги саммитида иштирок этди.

Мамлакатимиз ташкилотга аъзо бўлганидан буён ўтган қисқа даврда Ўзбекистон таклиф қилган қатор конструктив таклифлар ҳаётга изчил тадбиқ этилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу тадбирларда иштирок этиш доирасида иқтисодий масалалар билан бир қаторда ташкилотга аъзо давлатларнинг муқаддас қадамжолари бўйича «Табаррук зиёратгоҳ» лойиҳасини амалга ошириш, Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш каби ташаббусларини илгари сурди.

2021 йилнинг 23-24 июнь кунлари Қўқон шаҳрида ташкилотга аъзо давлатлар туризм вазирларининг 6-йиғилиши ўтказилгани, унинг якунида Қўқон шаҳри 2022 йилда «Туркий дунёнинг туризм пойтахти» деб эълон қилингани ҳам аввалроқ таклиф қилинган ташаббусларнинг амалий натижаси бўлди. Шунингдек, 15-16 сентябрь кунлари Хивада Халқаро туркий маданият ташкилотига аъзо давлатлар маданият вазирларининг 38-мажлиси ва «Хива 2020-2021 йилларда Туркий дунёнинг маданият пойтахти» дастурини амалга ошириш доирасидаги маданий тадбирлар ўтказилди.

2021 йилнинг 31 март куни бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг норасмий саммитида давлатимиз раҳбари буюк ўзбек шоири, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг туркий дунё маънавий-марифий ҳаётига қўшган беқиёс ҳиссасини инобатга олиб, фан, таълим, адабиёт, санъат, ижтимоий соҳалардаги ютуқлар ҳамда туркий дунё бирлигини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни рағбатлантириш мақсадида Туркий кенгаш доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис қилишни таклиф этди ва ташаббус бир овоздан қўллаб-қувватланган эди.

Туркистон мезбонлик қилган ўша учрашувда барча туркий халқларнинг маънавий юксалишига катта ҳисса қўшган буюк шоир ва мутафаккир Хожа Аҳмад Яссавий меросига алоҳида эътибор қаратилди. Давлат раҳбари диний-ахлоқий қарашлари билан минтақамизда улкан эътибор қозонган ҳазрат Яссавийга Соҳибқирон Амир Темур чин дилдан ихлос қўйгани, унинг хотирасига атаб муҳташам мақбара бунёд этганини таъкидлагани бежиз эмас. Маълумки, Мир Алишер Навоий ҳазрат Яссавийга “Туркистон мулкининг шайхул машойихи” деб юксак баҳо берганлар. Аҳмад Яссавийнинг ўлмас мероси туркий оламнинг буюк вакиллари – Жалолиддин Румий ва Юнус Эмро, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий Ганжавий, Махтумқули Фироғий ва Бобораҳим Машраб каби шоирлар қаторида туркий халқларнинг умумий маънавий бойлиги сифатида ардоқлаб келинади. Аҳмад Яссавий ўз даврида бутун мусулмон оламида “Ислом динининг қуввати” деб шуҳрат қозонган Бухорои шарифда Юсуф Ҳамадоний, Абдухолик Ғиждувоний каби машҳур уламолардан таҳсил олгани ота-боболаримизнинг доимо сафдош ва ҳамфикр бўлиб келганини кўрсатади. Бугунги кунда Аҳмад Яссавий зиёратгоҳини барча қардош халқларимиз табаррук қадамжой сифатида чексиз қадрлайди.

Туркий халқлар тарихида кенг шуҳрат топган ва юксак маънавий нуфузга эришган улуғ зотлар кўп бўлган, лекин Хожа Аҳмад Яссавийга ўхшаб асрлар

мобайнида туркий қавмлар руҳоний ҳаётига раҳнамолик қилган ва шу кунларга қадар тасаввуф, адабиёт, маданият, ҳатто сиёсат жабҳасида таъсирини ўтказиб келган буюк сиймолар бармоқ билан санарли.

«Яссавий – Исломга киришнинг охирги ва Исломиётнинг илк шоири – идеологи эдики, худди шу маънода буюк Шарқ реннесансининг юзага чиқишида Дантега ўхшаб иш кўрмак унинг қисматига тушди», — дейди профессор Яшар Қораев. Дарҳақиқат, Аҳмад Яссавий фақат янги тариқат яратувчиси сифатида эмас, балки туркий тасаввуф шеърятининг биринчи ижодкори сифатида ҳам қайтарилмас ва унутилмас тарихий вазифани амалга оширган эди. Туркий тил ҳам гўзал, ҳам қудратли, ҳам бағри кенг тилдир. Бу тилда қадим замонларда Буддизм ва Маний динига доир матнлар шарҳланган. Бу тилда яна бошқа динларнинг тушунчаларини ифодаловчи шеърлар ёзилган. Аммо Аҳмад Яссавий ўз она тилини биринчи бўлиб тариқат тили мақомига кўтарди. Шунинг учун унинг шеърларидаги ҳар бир сўз ва ҳар бир ибора ислом ҳақиқатлари қадар муқаддас, нузли ва илоҳийдир.

Аҳмад Яссавийнинг туркий адабиётдаги тарихий хизмати фақат ҳикматнавислик анъанасини бошлаб берганлиги билан чегараланмайди, албатта. «Девони ҳикмат»да муножат, қасида, мунозара жанри талабларига мувофиқ келадиган шеърлари билан бир қаторда, «Меърожнома» ҳам ўрин олган. Яссавийнинг Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом мадҳ этилган манзумалари яратилиш даврларидан бошлаб то ҳанузгача ўқувчи кўнглини илҳомлантириб келган ва ҳар қандай ижодкорга таъсир кўрсатишга қодир асарлардир.

Алишер Навоий бу улуғ турк пири ҳақида шундай сўзларни битиб қолдирган: «Аҳмад Яссавий – Туркистон мулкининг шайхул машойихидир. Мақомоти олий ва машҳур, каромати матаволий ва номахсур эрди. Мурид ва асҳоб ғоятсиз ва шоҳу гадо анинг иродат ва ихлоси остонасида ниҳоятсиз эрмиш».

Демакки, Хожа Аҳмад Яссавий барча туркий халқлар учун табаррук ва қадрли инсондир. Пири Туркистон Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг номлари, тариқатлари ва «Девони ҳикмат» номли асарлари барча туркий халқлар орасида маълум ва машҳурдир. Мана шунинг учун ҳам Аҳмад Яссавийнинг диний-тасаввуфий таълимоти ва шеърят асарлар мобайнида дунёнинг кўп минтақаларида ўқиб-ўрганилиб келинади.

Яссавийни билиш — бу энг аввало Шариат, Тариқат, Маърифат ва Ҳақиқатни билиш демак. Яссавийни билиш— бу инсон Ақли, Қалби ва Рух



сирларини теран англаб, комиллик мақомига юксалиш демак. Бизнинг аждодларимиз ахлоқий-маънавий ҳаётида ниҳоятда муҳим ўрин ишғол этган Аҳмад Яссавий нжодиёти собиқ шўро тузуми даврида таҳқирланиб, халқдан ажратиб қўйилган эди. Лекин шунда ҳам улуғ бобомизнинг муборак номи ва шеърлари халқимизнинг кўнглида ва хотирасида яшаб келди. Шунинг учун амалга оширилган савобли ишлардан бири «Девони ҳикмат»ни нашрга тайёрлаб, кенг ўқувчилар оммасига етказиш бўлганди. Бунинг учун «Девони ҳикмат»нинг Камол Эраслон томонидан чоп қилинган нашри асос қилиб олинганлиги ҳам бежиз эмас эди, албатта. Чунки ХХ асрнинг 20-йилларида Туркияда яссавийшунослик жабҳасида ниҳоятда эътиборга молик ютуққа эришилганди.

Бу - машхур турк олими М. Ф. Купрулининг «Турк адабиётида илк мутасаввифлар» номли китобининг яратилиши эди. Ана шундан буён қардош турк диёрида Яссавий меросини ўрганиш, асарларини нашр этиш ишлари тўхтагани йўқ. Хусусан, кейинги ўн йил ичида турк тадқиқотчилари бу соҳада катта ютуқларни қўлга киритдилар. Демокчимизки, бугун яссавийшуносликка маълум бир ҳисса бўлиб қўшиладиган илмий ишларни амалга оширишни кўзлаган ҳар бир олим ана шу тадқиқотлардан хабардор бўлмоғи лозим, албатта. Қолаверса, Яссавий ижодининг ўрганилмаган жиҳатлари ҳали кўп. Шу маънода Туркий Давлатлар Ташкилоти даражасида бу алломага эътибор қаратилса, унинг номидаги халқаро мукофот ёки халқаро хайрия жамғармаси таъсис этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ваҳоланки, тасаввуф илмининг шайхи, пири, беназир уламонинг туркий тилда ёзган барча асарларини туркий олам бирдек тушунади, бирдек қабул қилади. Унинг туркийчада ёзилган шеърлари тилининг оддийлиги, аммо ифодасининг ёрқинлиги ва пурмаънолиги билан ажралиб туради. Бу қарор туркий халқлар маданий яқинлашуви йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

Бошқа томондан, ёшларни илм-фанга меҳр-муҳаббат, она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш йўлида дин, тарих, фалсафанинг ўрни бекиёс. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур».

Айтиш керакки, Яссавий асарларида поклик, тўғрилиқ, камсуқумлик, меҳр-шафқат, ҳалол кун кечириш, нафсни тийишга интилиш, имонли бўлиш каби асл инсоний фазилатлар мақталган. Золимлар, порахўрлар, мутаассиб

шайхлар, жоҳил ва нодон кимсалар эса қораланган. Мана нима учун мустақиллик йиллари юртимизда Аҳмад Яссавий ҳикматлари қайта-қайта нашр этилмоқда.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, Туркий халқларнинг азиз авлиёларидан бўлмиш Хўжа Аҳмад Яссавий маънавий-диний меросининг барча туркий халқлар заминдаги замонавий ёшлар тарбиясидаги аҳамияти каттадир, уларнинг руҳини кўтаришга, ҳамкорлигини кучайтиришга муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

## REFERENCES

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. III том. – Тошкент: ФАН, 1984 – 624 б.
2. Абдурахмон, Гўзал. Яссавий «Фақрнома»си. – Тошкент: Наврўз, 2014 – 264 б.
3. Erginli Zafer. Metinlerle tacavvuf Terimleri Cözlüğü. – Istanbul: Kalem, 2006 – 1326 s.
4. Яссавий А. Девони ҳикмат. – Тошкент: Фафур Ғулом, 1992 – 208 б.
5. Ҳамадоний, Хожа Юсуф. Ҳаёт мезони, Одоби тариқат, Коинот ва инсон ҳақида рисолалар. //Таржимон ва сўзбоши муаллифлари: С.Сайфуллох, Н.Ҳасан. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018 – 224 б.
6. Baratov , R., Nuriddinov , S., Tokhtaboev , E., Achilova , G. "One Belt - One Road" Initiative - as a Modern Transport Logistics 2022AIP Conference Proceedings 2432,030058 <https://doi.org/10.1063/5.0089703>
7. Ramatov , J., Baratov , R., Jurabayev , N., Umarova , R., Mamajanova , G. Evolution of Railway Construction Development in Uzbekistan: Past and Prospects 2022AIP Conference Proceedings 2432,030011 <https://doi.org/10.1063/5.0090845>
8. Ramatov, J., Baratov, R., Jurabayev, N., Umarova, R., Mamajanova, G. 57767291700;57768752000;57768752100;57768501200;57767327400; Evolution of Railway Construction Development in Uzbekistan: Past and Prospects,(2022)<https://www.scopus.com/inward/record.uri?eid=2-s2.0-85133024672&doi=10.1063%2f5.0090845&partnerID=40&md5=97754046d6658aa51f8ab1abade4b424>
9. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Jurabayev, N., Artikova, B. 57767291700;57768501200;57768752000;57768752100;57767777700; Constructive and Optimal Solutions for the Formation of a Stable Ecological

Situation in the Aral Sea Region of Uzbekistan (2022)

10. Baratov, R. (2021). Prospects of Higher Education System (on the Example of Uzbekistan). *International Journal on Orange Technologies*,3(3), 128-131.

11. Baratov, R. U. (2019). INTEGRATION OF A SCIENCE, FORMATION, AND MANUFACTURE IN THE COURSE OF PROFESSIONAL TRAINING. In *ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ* (pp. 51-54).

12. Baratov, R., & Uzbekova, S. (2022). INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRODUCTION IN THE PROCESS OF TRAINING. *World scientific research journal*, 4(2), 7-11.

## DEVELOPMENT OF INTERNATIONAL TRANSPORT AND TRANSIT CORRIDORS

**Umidulla Ibragimov**

Head of the project office of the strategy for the development of international transport corridors of O'TY JSC, Doctor of Philosophy (PhD)

In the world, it is becoming important to stimulate transport systems based on the development of transit corridors, their effective use, improvement and unification of transportation documents, technical standards, infrastructure renewal, increasing the economic activity of regions, and creating a stable social environment.

A well-structured strategy for the formation and development of international transport and transit corridors ensures the development of world trade, integrating the transport networks of Eurasia with each other.

By integrating transport systems into cross-diametrical transit transport corridors of Eurasia, partner countries are lining up into one entire logistics supply chain, diversifying their trade relations.

At the present stage, there are various programs and committees for the formation of certain international transport corridors, routes and projects. The expert community, analyzing each of them, identifies the interests of countries in transport development. The process of forming transport and transit corridors in Eurasia can be compared by analogy with the concept of “Blue Ocean Strategy”<sup>1</sup>, where the boundaries of interests of partner countries are defined and agreed upon, and the rules of competition are known to everyone. In them, the task of international organizations and international financial institutions (backed by the interests of certain countries) is to dominate their rivals in order to take over most of the flow of transit cargo. Over time, the market becomes more crowded, opportunities for growth and profit are reduced, the export of transport services (logistics product) turns into consumer goods, and competitors “cut each other’s throats,” flooding the ocean with scarlet blood.

Considering the emerging international transport corridors and routes as independent projects, there is some uncompromising inconsistency between them,

<sup>1</sup> “Blue Ocean Strategy” is a business strategy book published in 2005 by Kim Chan and Renée Mauborgne of the Blue Ocean Strategy Institute at INSEAD, Europe's top business school. Electronic resource. Access mode: <https://www.blueoceanstrategy.com/>



however, if you look at them as one whole, you can imagine a single integrated transport system of Eurasia<sup>2</sup>.

Existing and successfully functioning International railway organizations UIC<sup>3</sup>, OTIF<sup>4</sup>, OSJD<sup>5</sup>, CRT<sup>6</sup>, CCTT, etc. are mainly aimed at regulating and solving problems of the member countries of the CIS, EU, EAEU and other regions related to: standards of moving units, railway width gauge, timing of cargo delivery, registration of passenger and cargo transportation documents, legal regulation and individual regional routes.

The activities of Council for Railway Transport of the Commonwealth Member States are aimed at the standards and norms of countries that produce rolling units (cars, locomotives) and track devices (switches, rails, station devices, etc.) in the space with a track gauge of 1520 mm.

According to Fortunatov V.V.<sup>8</sup> “Space 1520” is the most integrated railway complex in the world, the most important infrastructure for international cooperation at the junction of Europe and Asia.

However, existing international organizations will not be able to fully act as a regulator or organizer of transportation logistics through the Central Asian region, when forming railway corridors through Central Asia, for transporting goods from South and Southeast Asia to the CIS countries, and the European Union due to the differences in the transport mentality of the regions.

The railway transport network of Uzbekistan and other Central Asian countries was created in the Soviet years, and because of this, they were oriented in the northern direction, where the prevailing railway gauge was 1520 mm.

An obstacle to the integration of the Central Asian transport system into the global transport network, even after the implementation of the projects for the construction of the “Pakistan-Afghanistan-Uzbekistan” and “China-Kyrgyzstan-Uzbekistan” railway lines, is the different standards of railway gauge. In China, Iran, Turkey and the EU countries (with the exception of Spain - 1678 mm) the gauge is 1435 mm, in Pakistan, India and Bangladesh - 1676 mm; in the Asia-Pacific

<sup>2</sup> U.N. Ibragimov, M.M. Tokhirov, “Formation of a single and externally integrated transport space in Central Asia” - 2018, <https://doi.org/10.30932/1992-3252-2019-17-4-148-165>, <https://www.youtube.com/watch?v=qtqMjU0fmiQ>

<sup>3</sup> International Union of Railways (UIC) - 1922: <https://uic.org/>

<sup>4</sup> Intergovernmental Organization for International Transport by Rail (OTIF) - 1985: <https://otif.org/en/>

<sup>5</sup> Organization of the Commonwealth of Railways (OSJD) – 1956: <https://osjd.org/>

<sup>6</sup> Commonwealth Rail Transport Council (CRT) – 1992: <https://sovetgt.org/>

<sup>7</sup> International Coordinating Council for Trans-Eurasian Transport (ICTT) – 1997: <https://icctt.com/>

<sup>3</sup> International Union of Railways (UIC) - 1922: <https://uic.org/>

<sup>4</sup> Intergovernmental Organization for International Transport by Rail (OTIF) - 1985: <https://otif.org/en/>

<sup>5</sup> Organization of the Commonwealth of Railways (OSJD) – 1956: <https://osjd.org/>

<sup>6</sup> Commonwealth Rail Transport Council (CRT) – 1992: <https://sovetgt.org/>

countries, gauge standards even differ among themselves. At the same time, between Europe, China and the Hindustan Peninsula are the CIS countries, where the 1520 mm gauge constrains the integration of regions among themselves.

Today, different countries use the following methods for solving border railway crossings:

-transshipment of cargo manually or containers mechanically from flat cars with one gauge to cars with the required gauge (China – Kazakhstan Interstate jointing point for processing transit trains “Dustyk”, “Khargos”);

- changes in railway bogies, in which cars are raised to change bogies from one gauge to another (Iran – Turkmenistan Interstate jointing point for processing transit trains "Sarakhs", Belarus - Poland Interstate jointing point for processing transit trains "Brest").

Also, it should be noted that the rolling stock<sup>9</sup> itself differs in its external dimensions, carrying capacity, etc.

In addition, the analysis showed<sup>10</sup> that in the Euro-Asian space there are different standards for processing transportation documents for interstate transportation.

In road transport, there is a single transport document (CMR form), which is most widely used for international transport of goods in both Europe and Asia. For transportation of goods to/from China and Southeast Asian countries, a different sample of consignment note is used, which is integrated with a single international sample.

In railway transport, there is no single standard for a consignment note, and different regions of the Eurasian space use their own established consignment note, depending on the particular international organization to which they belong.

In this regard, there is a need to develop a unified standard for an international electronic transportation document - *a unified electronic consignment note - “railway-road-sea”* and unified Rules for transportation by rail, road and water transport integrated with customs and other border control authorities of South Asian countries.

In order to integrate the railways of China, Asia-Pacific countries, South and Southeast Asia with the countries of Central Asia, the Caucasus and the EU, the President of the Republic of Uzbekistan, at the 10th Summit of the Organization of Turkic States in Astana, proposed to establish an international “Council of Railway Departments<sup>11</sup>” ( hereinafter referred to as the Council) and locate its directorate in Tashkent. The Council, as an independent international body, can unite the transport

community of Eurasia. Members of the Council, in addition to the railway departments of the OTC countries, can also be other railway administrations, large transport and logistics automobile, shipping, port, stevedoring, forwarding companies, Eurasian countries through which transcontinental multimodal (railway, road, sea) corridors pass.

The creation of the Council will make it possible to:

1. Develop and adopt uniform standards for digital transportation documents, taking into account the specifics of transportation (rail, road, sea) of all countries participating in transportation;

2. Develop and adopt unified digital platforms for regulating and managing cargo transportation flows;

4. Develop unified Rules for transportation by rail, road and water transport, which will be introduced into the basis of digital platforms;

5. Integrate digital transportation systems between countries based on the developed new UN/CEFACT standards<sup>12</sup>;

6. Diversify regional transport systems and create a multiplier effect in the development of corridors;

7. Increase income from the export of transport services of participating countries located along transit corridors.

Under the Directorate of the Council, for the uninterrupted organization of cargo transportation, permanent commissions should function:

- according to the train formation plan;
- on unification of rolling stock;
- on the development of a regulatory legal framework for tariffs and the organization of mutual settlements between railway administrations, etc.;
- on the unification of transportation documents between carriers and customs authorities;
- on the unification of cargo transportation rules;
- to unify the rules for passenger transportation;
- on issues of operational and statistical accounting methodology;
- on the formation of international transport corridors;
- on issues of digital transport services for cargo owners, logistics operators and carriers.

Also, as a tool under the Council, it is necessary to create an International Center for Digital Transport Services with a separate data center.

For a full-fledged, seamless organization of transportation between the countries of OTC, Central Asia, South and Southeast Asia, it is necessary to develop in the International Center for Digital Transport Services:

- a digital platform-regulator of transit flows using satellite navigation technologies for the synergy of existing international transport corridors;
- a digital platform for processing transportation documents, and its integration with the digital systems of countries participating in transit corridors to provide services to cargo owners for processing unified (unified) electronic transportation documents.

Taking into account the specific problems of integration, it is necessary to follow a simplified and more modern path. Those the developed integration conditions for transportation should be immediately put into operation by implementing them on existing digital platforms of railway administrations with the integration of the system with other railways, members of other international organizations that have their own similar platforms. It is necessary to create an integrated personal account for the cargo owner, where the user will fill out the fields or columns of a single electronic document. In turn, the integrated system will have to send the necessary data online to the transportation operator (railway administrations), customs, border and phytosanitary authorities of the countries. In addition, by launching payment for services of railway administrations, customs and phytosanitary payments in convertible currency in the system integrated with international banks, the online platform eliminates the role of intermediary companies between the cargo owner and railway administrations. Exactly the same is possible between cargo owners, customs and other border authorities of the Council member countries, excluding the role of intermediary brokers. In general, this will simplify the transportation process, eliminating individual steps of banal bureaucracy. By installing GPS trackers on locomotives, tractor-trailers, ships and ferries, subsequently connecting them to an information system for monitoring and managing cargo flows based on satellite technologies, with electronic unified transportation documents attached to them, the cargo owner can monitor the location of his cargo in his personal account online. In turn, railway administrations, customs and other border authorities can monitor the movement of cargo flows, as well as plan and manage the existing transport infrastructure in advance.

Let us note the situation regarding the use of electronic digital signatures. After the launch of online payment for services of railway administrations, customs and other border payments, according to the author, the relevance of digital signatures



will be lost, since cargo owners, paying for services through online platforms, have already been identified by the tax and specialized authorities of their countries, as well as international payment systems.

Thus, today we recognize the fact of the necessary integration of the countries and regions of Eurasia among themselves. Global changes in trade increasingly show the need for multi-vector development of Central Asia, and more universally than our partners in individual regions and countries of the EU, EAEU, Caucasus, Middle East, Asia-Pacific region, South Asia.

The development of trade through Central Asia during the “Great Silk Road” from the second half of the first century BC until the 15th century showed that the region flourished in economic, political, technological, scientific, cultural and spiritual directions, thanks to the general unification of soft forcing between regions, and the Central Asian region had the status of the so-called historical “heart of the earth” (Heartland). The development of overland trade in Eurasia with shorter, faster and more convenient logistics between regions separated by about the last five centuries is not competitive, but on the contrary, in accordance with the “Blue Oceans Strategy”, are untouched areas of the market in which competition does not threaten anyone, gives opportunity to grow and make a profit. Mastery requires an expert, scientific and creative approach.

## REFERENCES

1. Fortunatov V.V. “The 1520 Space and Eurasian Integration: Problems, Trends, Solutions”/National Security and Strategic Planning/Volume 2017, Number 2: <https://futurepubl.ru/ru/nauka/article/35908/view>
2. Rasulov M.Kh., Ibragimov U.N., Rakhimov R.V. “Problems of increasing the competitiveness of domestic railway corridors” / Scientific proceedings of a scientific and technical conference with the participation of foreign scientists: Resource-saving technologies in railway transport, Tashkent IIT, December 6-7, 2013.
3. Report by Ibragimov U.N. at the 3rd meeting of the ECO/UNECE Coordination Committee on the Trans-Caspian Corridor and Corridor (Almaty–Tehran–Istanbul), Baku, 07/26/2023: [https://www.youtube.com/watch?v=1\\_mRoSOc-Ws](https://www.youtube.com/watch?v=1_mRoSOc-Ws)
4. Speech by the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev at a meeting of the Council of Heads of State of the Organization of Turkic States, Astana, November 3, 2023: <https://president.uz/ru/lists/view/6831>
5. Z.K. Brzezinski, Book, “The Great Chessboard” - 1997, p. 53.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ : ЎЗАРО МАНФААТЛИ ИНТЕГРАЦИЯ

**Жуманиёз Раматов**

Тошкент давлат транспорт университети кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бугун давлатларнинг интеграциялашуви заруратини даврнинг ўзи талаб этмоқда. Ўзаро манфаатли ҳамкорликсиз тараққиётга эришиб бўлмаслигини янги пайдо бўлаётган халқаро ташкилотларнинг сони ва кўламига қараб сезиш мумкин.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар” деб номланган бандида мамлакатнинг халқаро муносабатлар тўла ҳуқуқли субъекти сифатида ўрни ва ролини кучайтириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистон теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик минтақасини вужудга келтириш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилди.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган маърузасида “Бугун Марказий Осиё давлатлари олдида муҳим стратегик вазифа турибди. У ҳам бўлса, минтақамизнинг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлақларига чуқур интеграциясини таъминлашдир”–дея таъкидлагани мазкур масаланинг нақадар долзарблигини намоён этади.

Ҳар қандай интеграциянинг замирида муаян минтақавий, миллий ва бошқа муҳим асослар ётади. Шунга кўра, этник келиб чиқиши, тили, маданияти ва миллий хусусиятларидаги ўзаро умумийлик мавжуд бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатлар тез ривожланади.

2009 йилнинг 3 октябрида Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида бўлиб ўтган саммитида ташкил топган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг ҳам истиқболли халқаро ташкилот сифатидаги мавқеи ортиб борапти. Зеро, ўзаро мулоқотдаги умумийлик турк дунёси мамлакатлари мулоқоти ва ҳамкорлигини ривожлантириш учун етакчи омил ҳисобланади. Шу билан бирга, туркий тилли давлатларнинг ўзаро маданий, тарихий хусусиятлари ҳам бир-бирига жуда

яқинки, бу давлатлар ўзаро муносабатларининг мустақамланиб боришига хизмат қилади.

Муҳтарам Президентимизнинг ташқи сиёсатдаги очиклик, амалий ва конструктив шерикликка қаратилган сиёсати натижасида Янги Ўзбекистон дунёга тобора кенг очилмоқда. Шу маънода Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг 2019 йил 15 октябрда Боку шаҳрида бўлиб ўтган саммитида илк бор тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этди.

Ўзбекистон унга қўшилгандан сўнг Туркий Кенгаш нуфуси, салоҳияти ва аҳамияти ортиб, нуфузли халқаро ташкилотга айланди, десак хато бўлмайди.

Кенгашнинг Истанбулда бўлиб ўтган VIII саммити муҳим ўзгаришлар билан ёдда қолди. “Туркий дунё нигоҳи – 2040” дастуриламали имзоланди, Кенгаш номи Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) деб ўзгартирилди. Турк дунёсининг келгуси 20 йиллик истиқболи акс этган “Туркий дунё нигоҳи – 2040” концепцияси ташкилотга аъзо ҳамда кузатувчи мамлакатлар ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида зарур чоратadbирларни ўз ичига олади.

Айни вақтда аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янги қирраларини очишга эҳтиёж мавжуд. Мазкур эҳтиёжни қуйидаги омиллар билан асослаш мумкин:

Биринчидан, муштарак тарихий анъана ва ўтмишга эга халқлар ҳамда давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиришнинг ижобий жиҳатларини ҳисобга олиш.

Иккинчидан, туркий мамлакатларда яшовчи асосий аҳоли қатламининг ўзаро сўзлашувларида маҳаллий тил билан боғлиқ муаммоларнинг мавжуд эмаслиги.

Учинчидан, туркий мамлакатлар (Туркиядан ташқари) ўзаро чегарадош ҳудудларда жойлашганлиги ва ҳар томонлама интеграциялашув учун қулай географик маконнинг мавжудлиги.

Тўртинчидан, Марказий осие минтақасидаги туркий давлатларда ишлаб чиқарилган турли маҳсулотларни Европа ва узоқ хорижга экспортини ташкил этишда Туркия республикаси транспорт коридорлари орқали реализация қилишга қулай имкониятнинг мавжудлиги.

Бешинчидан, дунёда туризм соҳаси ривожланаётган бир шароитда туркий мамлакатлар ўртасида ҳам туристик имкониятларни оширишга (зиёрат туризми,

экотуризм, таълим туризми, гастрономик туризм) эҳтиёжнинг мавжудлиги каби омилларни санаб ўтиш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг очик, дўстона ва прагматик ташқи сиёсати натижасида. қўшни, яқин ва узоқ мамлакатлар билан мутлақо янги – соғлом сиёсий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди. Халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари, янги механизмлари жорий этилмоқда. Туркий давлатлар ташкилоти ҳам ана шундай янги платформалардан биридир.

Ташкилотга Ўзбекистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркия аъзо бўлиб, Венгрия кузатувчи мақомида иштирок этиб келади. Давлат раҳбарлари Кенгаши Туркий ташкилотнинг олий органи ҳисобланади ва ўз фаолиятини давлат раҳбарлари-ташкилот аъзоларининг доимий учрашувлари шаклида амалга оширади. Доимий фаолият юритувчи ижро органи бўлган Котибият Истанбул шаҳрида жойлашган.

Туркий тилли мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ва ишончни мустаҳкамлаш, савдо, иқтисодиёт, транспорт, энергетика, туризм ва маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ташкилотнинг асосий мақсадлари ҳисобланади. ТДТ шафелигида Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ), Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси (ТуркПА) ва Туркий маданият ва мерос фонди, Халқаро Туркий академия ва Ишбилармонлар кенгаши фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда туркий тилли давлатларда яшаётган халқларнинг умумий сони 160 миллиондан ошади. Ушбу Ташкилотга аъзо давлатлар ҳудуди қарийб 4 миллион квадрат километрни ташкил этади. Ўзбекистон қўшилгандан сўнг Туркий кенгаш нуфуси, салоҳияти ва аҳамияти жиҳатидан Евроосиё марказидаги йирик тузилмага айланди.

Ўзбекистоннинг ташкилотга қўшилиши бошқа аъзо-давлатларнинг Турк кенгаши фаоллигининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Унинг 2019-2021 йиллар мобайнида ўтказилган саммит ва онлайн учрашувларда Ўзбекистон Президенти томонидан Кенгаш доирасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 20 дан ортиқ ташаббусни илгари сурди ва улар амалга ошириб келиняпти.

Жумладан, Халқаро туркий маданий ташкилоти ТУРКСОЙ томонидан ҳар йили аъзо давлатларнинг машхур ва тарихий шаҳарларини “Туркий дунё маданияти пойтахти”, деб эълон қилиш лойиҳаси мавжуд бўлиб, 2020–2021 йилларда Хива шаҳри мазкур мақомга лойиқ кўрилди.



Ишбилармонлар кенгаши мажлисларидан бири Тошкент шаҳрида бизнес-форум шаклида бўлиб ўтди. Бундан ташқари, аъзо мамлакатлар аҳолисининг 40 фоизидан ортиғи ёшлар эканидан келиб чиқиб, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида Туркий Кенгаш доирасида Ёш тадбиркорлар форуми таъсис этилди. Ёш 2021 йилда унинг биринчи мажлиси, Ёшлар ва спорт ишлари бўйича Вазирлар Кенгашининг навбатдаги йиғилиши Торшкентда ўтказилди.

Транспорт ва божхона фаолиятини рақамлаштириш бўйича Ўзбекистон ва Туркия ўртасида “ePermit” , Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида “eTIR” ва “Яшил коридор” лойиҳалари йўлга қўйилди. “Юниверсал Логистикс Сервисес” (Тошкент), “Ахтачи” (Андижон) ва “Термиз Карго Марказ” (Сурхондарё) ўзбек логистик марказлари ҳамкорликнинг амалдаги механизми бўлган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлиги кенгашининг “Биродарлик портлари”нинг аъзосига айланди.

2021 йил июн ойида Қўқон шаҳрида кенгашга аъзо давлатлар туризм ишлари бўйича вазирларнинг 6-мажлиси ўтказилди ва 2022 йил Қўқон “Турк дунёсининг сайёҳлик маркази” деб эълон қилинди, муқаддас қадамжолар бўйлаб “Табаррук зиёрат” лойиҳасини амалга оширишга киришилди.

Буюк ўзбек шоири, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг туркий дунё маънавий-марифий ҳаётига қўшган беқиёс ҳиссасини инобатга олиб, давлатимиз раҳбари фан, таълим, адабиёт, санъат, ижтимоий соҳалардаги ютуқлар ҳамда туркий дунё бирлигини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни рағбатлантириш мақсадида Туркий кенгаш доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис қилишни таклиф этди. Бу ташаббус саммит иштирокчилари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди. Махмуд Кошғари, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Ал Хоразмий маданий меросига бағишланган халқаро илмий конференциялар ўтказилди.

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида туркий мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим жиҳати ҳисобланиши эътироф этилар экан, кенгаш доирасида иқтисодий алоқаларни кучайтириш асосий мақсадларимиздан бири бўлиши дарокорлигини шундай изоҳланади:

“ **Биринчидан.** Айни пайтда ишлаб чиқиладиган “Туркий дунё нигоҳи - 2040” концептуал ҳужжати асосида ҳозирги ва пандемиядан кейинги вазиятни инобатга олган ҳолда, аъзо давлатларга хос, яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган “Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси”ни тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Бунда асосий урғуни кечаётган глобал инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш, савдо, инвестиция, саноат, транспорт алоқаларини тиклаш ва янги шароитларда ривожлантириш, электрон тижорат ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, бизнес ва ҳудудлараро ҳамкорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга қаратиш лозим.

**Иккинчидан.** Кенгашга аъзо давлатлар ўртасида саноат кооперациясини кучайтириш ва йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Туркий Кенгашнинг ўз Инвестициявий жамгармаси ҳамда Тараққиёт банкига эга бўлиш фурсати етди, деб ҳисоблаймиз. Бу борада амалий ишларни бошлаш тарафдоримиз.

**Учинчидан.** Минтақамизнинг транспорт ва транзит салоҳиятини ошириш биз учун стратегик аҳамиятга эга. Марказий Осиё ҳудуди орқали дунёнинг асосий бозорларига, жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Осиёнинг бошқа мамлакатларига, Озарбайжон ва Туркиядан Европа давлатларига чиқиш муҳимдир.

Мазкур йўналишларда транспорт йўлакларини ривожлантириш ва йирик логистика инфратузилма лойиҳаларини Кенгашга аъзо давлатлар билан биргаликда амалга ошириш Ўзбекистон манфаатларига тўлиқ жавоб беради.”

## ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ТУРК ДИАСПОРАСИНИНГ ЎРНИ

**Ж. Шабанов**

Филология фанлари номзоди, доцент

*Ўзбекистон республикаси конституцияси V боб 18-моддаси*

*“Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.”*

Бугунги кунда Мустақил Ўзбекистонда 150 га яқин миллат ва элат Конституциямизда белгиланганидек, тенг ҳуқуқли бир оиланинг фарзанди каби яшашмоқда. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси қошида ўзларининг миллий маданият марказларига эгадирлар. Ўзбекистонда яшовчи турклар ҳам 1992 йилда биринчилар қаторида ўзларининг маданият марказларига асос солишган. Агар ўша 1992 йилда Ўзбекистонда яшовчи турклар нуфуси 21.000<sup>1</sup> бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб тахминан 50.000 га яқинлашди. (1992 йилдан кейин расмий статистика ўтказилмаган.)<sup>2</sup> Нима учун, Ўзбекистонда яшовчи туркларни баъзи бир манбаларда Месхети турклари, баъзиларида Ахиска турклари, баъзиларида Бунтурклар, баъзиларида Кавказликлар деб ёзишади? Сабаби нимада? Ўзи турклар кимлар? Ўзбекистон миллий энциклопедисига назар ташласак, унда шундай ёзилган:

*“ТУРКЛАР — халқ. Туркиянинг асосий аҳолиси (50 млн. киши). Умумий сони 53,3 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Турк тилида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар. Турклар антропологик жиҳатдан жанубий европеоид ирқининг Ўрта денгиз гуруҳига мансуб. Этник жиҳатдан турклар 2 асосий компонент: 11 — 13-асрларда салжуқийлар ва мўғуллар истилоси даврида Ўрта Осиё ва Эрондан Кичик Осиёга кўчиб келган кўчманчи турк чорвадор қабилалари (асосан, ўғузлар ва туркманлар) ва маҳаллий (Кичик*

<sup>1</sup> THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Tashkent. 1992.

<sup>2</sup> Шунини таъкидлаш жоизки, бу рақамлар аниқ эмас, чунки сургун қилинган туркларнинг жуда кўпчилиги, сургун азобларидан қутулиш учун ўз миллатларини Озарбайжон (1926 йилдан бошлаб Грузияда давлат томонидан мажбуран), Кавказ, Ўзбек деб ёздиришга мажбур бўлишган.

осиёлик) аҳолидан таркиб топган. Туркларнинг бир қисми (узлар ва бижанақлар) Болқон ярим ороли орқали Кичик Осиёга кириб келган. Турклар маҳаллий аҳоли (греклар, арманлар, грузинлар ва б.) билан аралашиб, уларнинг бир қисмини ўзига синдириб олди уларнинг хўжалиги ва маданиятининг жуда кўп белгиларини ўзлаштирди. Этногенезида, шунингдек, араб, курд, жанубий славян, румин, албан ва б. элементлар ҳам қатнашган. 14— 16-асрларда турклар Болқон я.о. ва Кипрни эгаллаганлар. Турк халқи тахминан 15-асрда таркиб топди. Турклар таркибида ярим кўчманчи этнографик гуруҳлар: юруклар, туркманлар, тахтажлар, абдаллар ва б. бор. Ярим кўчманчилар ўтроклашиб, турклар таркибига сингиб бормоқда. Ҳозирги туркларнинг кўпчилиги (65%) қишлоқ хўжалигида (деҳқончилик ва чорвачилик), 35% дан ошиқроғи саноатда банд”.<sup>3</sup>

Бас шундай экан, турк халқига бундай лақаб ёки тамға қаердан келиб қолди? Ахир 1989 йилгача бундай тушунчалар деярли йўқ эди. Қабиҳ Совет бошқаруви ва тузуми бу ерда ҳам ўз юзини кўрсатди. Фарғона воқеалари даврида Собиқ Иттифоқда яшовчи туркларни Туркия Республикасида яшовчи турклардан ажратиш учун юқоридаги тамғалар ўйлаб топилди. Ахир, Совет Иттифоқи Мудофаа қўмитасининг 31-июль 1944 йилдаги №5279 қарорида (туркларнинг Ўзбекистонга сургун қилиниши) бунақа тамға йўқку! Бу ҳақида кейинроқ яна тўхталамиз.

Турклар Ўзбекистонга қачон келиб қолишган? Бу саволга жавоб бериш учун жуда кўп ўйландик. 100 дан ошиқ манбаларни кўриб чикдик. Натижада турли хил жавоблар олдик. Туркларнинг дастлабки вакиллари бугунги Ўзбекистон ҳудудларида туркий халқларнинг Энасой атрофларидан бугунги кунда Туркия номи билан аталувчи давлат томон бораётганларида, ҳозирги Наманган вилояти ҳудудига тўғри келувчи Аҳси тупроқларида жойлашиб қолишган. Иккинчи бир қисми эса Амир Темур даврида, яъни 1400 йилларда келиб қолишган. Учинчи бир қисми эса 1873-78 йиллардаги Россия-Туркия уруши пайтида асир тушганларнинг кўпчилиги ҳозирги Андижон вилоятининг Булоқбоши, Хўжаобод, Марҳамат, Шаҳрихон туманлари ҳудудига келтирилган.

Ўзбекистонга турк миллатига мансуб халқларнинг энг катта қисми 1944 йилда кўчириб келтирилган. Совет Иттифоқи Мудофаа қўмитасининг 31-июль 1944 йилдаги №5279 қарорига асосан сургун қилинган бир қанча миллатлар ичида турклар ҳам Ўзбекистонга келиб қолишган. Ўша қарорга асосан,

<sup>3</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедиси. Тошкент ш. 2007 йил. 764-бет

Қозоғистон республикасига 40.000, Ўзбекистонга 30.000, Қирғизистонга 16.000 турк миллати вакиллари олиб келинган. Бу қарорга кўра, сургун қилинганларнинг саноғи 98.000 бўлиб, улардан 86.000 турклар, қолганлари таракамалар, хемшинлар ва бошқаларни ташкил этган.<sup>4</sup>

Гарчи қарор 1944 йил 31-июлда чиққан бўлсада, сургун 1944 йилнинг 14-ноябридан 15-ноябрга ўтар кечаси амалга оширилган. Ярим тунда ҳаммани уйқудан уйғотиб, тайёрланишга фақатгина 2 соат муддат беришган. Грузиянинг Месхетия ҳудудидаги Ахиска, Адигён, Аспинза, Ахалкалак ва Багдановка туманларидан жами 198 кишлоқ аҳолиси “студабеккер” машиналарига мингизилиб, марказга олиб келинади ва ҳайвонлар учун мўлжалланган ҳар бир вагонга 15-16 оила жойлаштирилиб, сургун қилинади.

Иккинчи жаҳон уруши давом этаётган, лекин ғалабага санокли ойлар қолган бир даврда, турк эркакларидан, 8 нафар “Совет иттифоқи қаҳрамони”, 3 нафар “Слава” (шон-шуҳрат) орденининг уччала даражаси соҳиблари<sup>5</sup>, 24 нафар офицер, 271 нафар сержант ва 40.000 га яқин мард ўғлонлар жанг-у жадалда Ватан учун қон кечаётган бир пайтда, уларнинг оилалари, қариялар, аёллар ва ёшларни ҳамда урушдан ногирон бўлиб қайтганларни вагонларда ўз она Ватанларидан бадарға қилишади. Сургун қилинган 88.881 нафар халқ орасида 17.218 эркак, 25.328 аёл, 46.335 нафар вояга етмаган болалар бўлиб, шулардан 36.781 киши меҳнатга лаёқатли бўлган.<sup>6</sup>

Ўзбекистонга сургун қилинган, 30.000 аҳоли вилоятларга қуйидагича тақсимланган. Андижон вилоятига – 1.769 оила, Бухоро вилоятига – 2.434 оила, Қашқадарё вилоятига – 364 оила, Наманган вилоятига – 1.853 оила, Самарқанд вилоятига – 4.007 оила Тошкент вилоятига – 5.547 оила, Фарғона вилоятига – 2.682 оила, Қорақалпоғистонга – 1 оила жойлаштирилган.

Сургунга юз тутган турклар жойлаштирилган вагонлар Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон томон йўл олган. Сургун қилинганларнинг баъзилари 13 кун, баъзилари 25 кунда етиб келган. Менинг раҳматли отам ва онам ҳам улар орасида бўлган. Раҳматли ойимнинг эслашича, улар минган вагонлар 1945 йил декабрь ойининг 23 чисида ўша пайтдаги Тошкент вилояти Мирзачўл тумани Мирзачўл (ҳозиги кундаги Сирдарё вилояти Гулистон тумани Гулистон шаҳри марказига) посёлкасига келиб тўхтаган. У ерда ойим, урушда бўлган акаларининг аёллари ва уларнинг фарзандлари жами 8 кишини от

<sup>4</sup> Турки из месхетии долгий путь к реабилитации. Н. Ф. Бугай. Москва. 1994 йил. 38-бет

<sup>5</sup> <https://articlekz.com/article/33288>

<sup>6</sup> Турки из месхетии долгий путь к реабилитации. Н. Ф. Бугай. Москва. 1994 йил. 88-бет



араваларда, ҳозирги Мирзаобод тумани Ёшлар қишлоғига (у пайтда Мирзачўл тумани Ёшлар қишлоғи бўлган) олиб келишган. Ҳаво жуда қаттиқ совуқ бўлиб, қор аралаш ёмғир ёғаётган бўлган. Уруш, очарчилик, йўқчиллик, ниҳоятда оғир дамлар. Лекин шундай бўлишига қарамадан ўзбек ҳалқи туркларни жуда яхши кутиб олишган. Ўзларининг иссиқ қамишдан ясалган уй ва капаларини туркларга бўшатиб беришган. Уйдан нима топишса, ҳаммасини баҳам кўришган. Ҳатто ўз фарзандларидан ҳам кўпроғини турк фарзандларига раво кўришган. Эртаси куни 24-декабрда ҳаммани пахта теришга чиқаришган. Ҳаётда пахта кўрмаган инсонлар кўсакларни мева деб ўйлаб оч қоринга ейишган ва натижада ҳалок бўлганлар ҳам бўлган. Буларнинг ҳаммаси ўша даврдаги разил тузумнинг разил оқибатларидир. Булар ҳақида жуда узоқ ва кўп ёзиш мумкин, ёзилган ҳам. Мен ўзим ўзбек халқининг бу даврдаги фидокорлиги ҳақида ўзбек телевидениясида ўнларча чиқиш қилганман.

Аслида туркларнинг Ўзбекистонга сургун қилиниши режалари 1943 йилларнинг охирларида бошланган. Бу ҳақида марҳум, ўз даврида Ўзбекистон коммунистик партиясининг биринчи секретари бўлган Н. А. Муҳиддинов ўзининг “Кремлда ўтган йилларим” (Тошкент. 1994 йил) китобида шундай эслайди. 1943 йил охирларида урушдан чақиртирилиб, Марказнинг ўта муҳим вазифаси бўйича Грузияга юборилади ва у ерда яшовчи, турклар, хемшинлар, таракамалар ва бошқаларнинг вазияти ўрганилиб чиқилади. Яъни сургун учун тайёргарлик ишлари ўша даврда бошланади. Марказга пахта керак бўлган. Буни ўша даврдаги Ўзбекистон раҳбарлари жуда яхши билишган. Дини ва маданияти ўзига яқин бўлган миллат вакилларини Ўзбекистонга қабул қилишга рози бўлишган. (акс ҳолда, балки уларнинг ҳаммаси машҳур врач, журналист, сургунда Ўзбекистонга келган Бинали (Бегали) Алиевнинг хотирлашича, денгизга чўктириб юборилармиди. Сургунлар ортилган вагонлар Озарбайжоннинг Балажир станциясида 3 кун тўхтатилган. Қаллоб Сталин ва Бериянинг тушунчалари бўйича вагонларни денгизга улоқтирмакчи бўлишган. Лекин, у даврдаги Ўзбекистон раҳбари Усмон Юсупов таклифига кўра вагонлар Ўзбекистонга қараб йўл олган.)

1944 йилда сургун қилинган туркларни Ўзбекистонга жойлаштириш бўйича Ўзбекистон ССР НКВД бошлиғи Бобожонов бошчилигида комиссия ташкил қилинган ва комиссиянинг кўрсатишича, турклар сургун қилинган охирги вагонларда 695 оила бўлиб, улар 1945 йилнинг 31-январиди Грузиядан

Ўзбекистонга йўлга чиққан.<sup>7</sup> Бунга алоҳида урғу берганимнинг боиси дунё таниган олим, таржимон, Халқаро Фирдавсий мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор, шарқшунос, университетимизнинг тамал тошини қўйганлардан бири Шоислом Шомухаммедов ҳам шу комиссия таркибида бўлиб, сургун қилинганларни ҳозирги Тошкент вилояти Тўйтепа шаҳрига (ҳозирда Нурафшон шаҳри) ва Тошкент вилояти Мирзачўл тумани марказига (Гулистон шаҳри) жойлаштиришда иштирок этганлар. Буни ойим менга бир неча бор такрор-такрор айтганлар.

1945-50 йилларда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг биринчи секретари бўлган Усмон Юсупов турк халқининг урф-одатларини жуда яхши билганлиги учун, уларни иложи борича Ўзбекистоннинг мева ва сабзавот етиштирувчи ҳудудларига жойлаштирган. Мисол учун, Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Халқобод совхозлар бирлашмаси, Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги Целинник совхози, Сирдарё вилояти Гулистон туманининг Октябрь колхози, Самарқанд вилояти Булунғур тумани, Бухоро вилоятининг Галаосиё тумани, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманлари.

Ўзбекистонга сургун қилинган турклар 1945 йилдан 1956 йилгача ҳар қандай инсон ҳуқуқларидан мосуво бўлишган. Жойлаштирилган ҳудудларидан бир қадам ҳам чиқиб кетиш имкони бўлмаган. Ҳар куни уларни ҳайвонларга ўхшаб, 3 марта санашган, уларда паспорт, метрка деган ҳужжатлар ҳам бўлмаган. Фақатгина 1956 йилдан кейингина улар Ўзбекистон ва Иттифоқ ҳудуди бўйича бориб келиш ва ўзларига керакли ҳужжатларни олиш ҳуқуқига эга бўлишган. Ана шу йилларда Ахиска турклари бирлашишга, сургун қилинган Она ватанларига қайтишга ҳаракат қилишган. Чунки сургун қарорида 25 йилдан кейин улар ўз Ватанига қайтиш ҳуқуқига эга деб айтиб ўтилган. Шу йилларда Анвар Одабашиев бошчилигида ташкилот тузилиб, туркларни Ватанига қайтаришга ҳаракат қилишади. Натижада 1956-58 йилларда минглаб турклар Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистондан Озарбайжонга бориб жойлашади. Кейинчалик бу ташкилот “Ватан” номини олади, раҳбар этиб Юсуф Сарвар сайланади. Бу ташкилот вакиллари Совет Иттифоқи раҳбарлари билан учрашиб, бир неча бор Москвада музокаралар олиб борилади. Бу музокараларнинг асосий мақсади туркларни она ватанига қайтариш бўлади. Совет давлатининг парчаланиши натижасида Сургун қилинган 25 га яқин миллатдан фақатгина турклар мақсадларига эриша олмадилар. Бу азоб-

<sup>7</sup> Турки из месхетии долгий путь к реабилитации. Н. Ф. Бугай. Москва. 1994 йил. 47-бет

укубатлар, ҳақоратланишлар ва эзилишлар етмаганидек, “қизил иблислар”, Шўро ҳукумати ва мустабид тузум бу халқнинг бошига 1989 йилнинг май-июнь ойларига келиб яна бир кулфатни келтирди. Бу Фарғона воқеалари... Бу ҳақида гапирилмаган гап, ёзилмаган сўз қолмади. Ҳамма айбни дини, дили, тили бир бўлган, қон-қариндош ўзбек ва турк халқига юкламоқчи бўлдилар. Мана орадан 30 йилдан ошиқ вақт ўтди. Вақт ва тарих ўз қарорини берди. Ҳақиқий айбдорлар Марказда, Кремлда эканлиги аниқ бўлди. Мен ўзим қатнашган ва гувоҳи бўлган бир нарсани айтмоқчиман. 1989 йилнинг 24-августида Ўзбекистонга янги раҳбар бўлиб келган Ислом Каримов бир мажлис ўтказдилар. Мажлисда ўша даврдаги Ўзбекистондаги барча олий ўқув юртлари ректорлари, тарбиявий ишлар бўйича проректорлари ва партия кўмита секретарлари қатнашишган эди. Улар қаторида мен ҳам бор эдим. Каримовнинг ўшанда айтган сўзлари мана 30 йилдирки эсимдан чиққани йўқ ва ҳеч қачон чиқмаса ҳам керак. “Ҳурматли раҳбарлар, биздаги маълумотларга кўра ҳозир олий ўқув юртларида 700 га яқин месхети турклари таълим олмоқда. Эртаиндин ўқиш бошланади. Агар уларнинг биронтасининг бурни қонаса, айбдорни мен шаҳсан ўзим жазолайман.” Иккинчи бир мисол 1990-йил февраль Паркент ва Бўка воқеалари. Халқлар дўстлиги саройида Ислом Каримовнинг қилган нутқларидан бир парча: “Ахир турклар ҳам одам-ку! Нима мен уларни ойга олиб чиқиб кўяманми?” Учинчи мисол. Фарғона воқеаларидан кейин Ўзбекистондан Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Украинага кетиб қолган туркларни қайтариш учун Ислом Каримов буйруғи асосида комиссия тузилади ва ўша республикаларга Ўзбекистон раҳбарияти томонидан тайинланган махсус гуруҳлар жўнатилади. Гуруҳлар уларни қайтариш учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради. Натижада оз бўлсада Фарғона, Сирдарё, Тошкент вилоятларига ҳамда Тошкент шаҳрига турклар қайтиб келади. Юқоридаги фикрлар Ўзбекистон давлатининг бор имкониятларини ишга солганлигини кўрсатиб турибди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, турклар сургун қилинган 3 та республикадан, бошқа республикаларни камситмаган ҳолда Ўзбекистонда туркларга бўлган муносабат ҳар томонлама жуда яхши бўлган. Туркларнинг меҳнатига муносиб баҳо берилган ва тақдирланган. Улар орасидан колхоз, совхозлар, ҳатто ундан юқори лавозимларга раҳбарлар тайинлана бошланган. Булар орасида бир неча йиллар Тошкент вилояти Чиноз тумани райком партиясининг биринчи секретари бўлиб ишлаган Кибар Мамедов, Янгийўл тумани райисполком раиси бўлиб ишлаган Исмоил Шубладзе, Сирдарё вилояти

област партия комитетининг котиби Исо Махмудович Аслановларни санаб ўтишимиз мумкин. Турк халқи фарзандларининг ўқишларига катта эътибор бера бошланди. Ўзбекистон телевиденияси ва радиосида Ўзбекистонлик турк санъаткорларининг куй-қўшиқлари янграй бошлади. Газета ва журналларда кўпроқ мақолалар ёзилди. Ўша даврда Ўзбекистонда яшовчи турк халқининг талаблари асосида 1988 йил 14-сентябрь куни Ўзбекистон Олий таълим вазири М. Зоҳидовнинг 5-сонли буйруғи имзоланди. Бу буйруққа асосан Тошкент вилоятининг баъзи бир мактабларида турк тилида дарслар ўтиш, турк тили мутахассисларини тайёрлаш, уларни керак бўлган ўқув дастурлари ва китоблар билан таъминлаш кўзда тутилган эди. Бундай ҳаракатлар фақатгина Ўзбекистонда бўлган. Шунинг учун бўлса керак, ҳозирги кунда ер юзида 800.000 га яқин Ахиска турклари 9 та давлатда яшаётган бўлсаларда, уларнинг ичида етишиб чиққан олимлар, қурувчилар, пахтакорлар, ўқитувчилар ва бошқа касб эгаларининг 60% га яқини Ўзбекистон нонини еганлардир. Қўлимиздан келганча ва билганимизча улар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ўзбекистон пахта ватани, халқининг қалби ҳам пахтадек оппоқ. Шунинг учун пахтакорлардан бошлай қолайлик.

Улар орасида Тошкент вилояти Бўка тумани Ҳамза колхозидан 1949 йилда 20 ёшларида Социалистик меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Саодат Гулаҳмедова, тўрт қаторли пахта териш машинасини ихтиро қилган, ўзи ўша машинада бир кунда 48 тонна пахта терган, итироси учун “Ленин мукофоти” лауреати бўлган, Ўзбекистон Олий мажлиси депутати Гулистон туманидаги Коммунизм колхозининг раиси Жавод Кўчиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакорлар, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Савай совхозидан Азизов Бинали, Сирдарё вилояти Гулистон тумани Октябрь колхозидан ака-ука Ансор (икки жаҳон уруши қатнашчиси, 1-даражали ногирон) ва Жаббор Оғолиевлар, Оққўрғон ва Бекобод туманларида кўп йиллар раҳбарлик қилган Халис Қаҳрамонов каби инсонлар бор эди.

Шунингдек, Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган агрономлар, Тошкент вилояти Қуйи-Чирчиқ туманидан техника фанлари номзоди Атамшоҳ Латипов, Фарғоналик, кўп йиллар Фарғона вилояти ўсимликларни химоя қилиш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган Копадзе Вейсал Жумали ўғли, пахтанинг тезпишар Бухоро 1-5 навларини яратган эр-хотин Мадина ва Муслим Баҳриевларни санаб ўтишимиз мумкин.

Турк халқи ҳам ўзбек халқи каби болажон халқ, боласига жонини беради, уй қуради. Қурилиш соҳасида элга танилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

курувчи унвони соҳиблари: Ўзбекистонда Бухоро шаҳрида биринчи бўлиб турк маданият марказининг асосчиси бўлган, Комил Шаҳриев, Ҳалил Аллазов, Эркин Илясов, Ҳамза Хасанов, Мустафо Илёсов, Осман Мазмановларни алоҳида таъкидлашимиз мумкин.

Нафақат Ўзбекистонга балки бутун дунёга донғи кетган олимлар, техника фанлари докторлари, Карим Нуриев, сейсмолог Алиев Исмоил, ядро-физикаси олими Вардиашвили Асқар Билолович, муҳандис-машинасоз Голиб Саидов, физик Муҳиддин Аҳмедов, технолог Элдор Мусаев, техника фанлари номзоди, узоқ йиллар Ўзбекистон Олий мажлисида ишлаган, 25 йил давомида “Ўқитувчи” нашриётининг директори бўлган Олим Мирзаев, техника фанлари номзодлари: Анвар Темурхонов, Афандил Вардиашвили, биолог Сейҳан Ахискали, иқтисод фанлари доктори профессор Расиқ Илясов, медицина фанлари докторлари профессорлар, машҳур кардиолог Акчуриннинг шогирди Фахратов Мавлут Аллазович, кардиолог Иброҳим Ишиқов, ортопед Аҳмад Дурсунов, педагог психолог Мусо Ҳалилов, болалар врачлари Нуреддин Дурсунов ва рафиқаси Мине Дурсунова, фармацевтлар Халис Сулаймонов ва Саид Церетели, профессор, ҳуқуқшунос Пўлат Бакунов.<sup>8</sup> Филология фанлари доктори Жумали Рамизов, математика фанлари доктори Жамол Рамизов, педагогика фанлари доктори Исо Вардиашвили, кўп йиллар Аграр университетда проректор лавозимида ишлаган, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Фаёз Жасимов, журналист ва врач, медицина фанлари номзоди Бинали (Бегали) Алиев ва бошқа бир қанча инсонларни мисол келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон давлати ва халқи яратиб берган муҳитда турклар спорт соҳасида ҳам ўзларини кўрсата олдилар. Кураш бўйича Бутун Жаҳон универсиадаси чемпионлари Нури Ибрагимов, Ақобир Каптанов, армреслинг бўйича 5 карра Жаҳон чемпиони Фарид Усмонов, машҳур оилавий футболчилар: мураббий Тохир Копадзе, Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида 120 мартадан кўпроқ майдонга тушган Тимур Копадзе, Камрон Копадзе, Айваз Агалиевлар шулар жумласидандир.

Турк халқи ўзбек халқи каби санъатни ҳам жуда севади. Ўзбекистонда ҳам турк халқига мансуб жуда кўп санъаткорлар етишиб чиқди.

Булар орасида давлат мукофоти совриндори, режиссёр Карим Ҳалилов, режиссёр, актёр, санъатшуослик фанлари номзоди Копадзелар сулоласининг яна бири Ойбек Вейсал ўғли Копадзе, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,

<sup>8</sup> Турки Ахыска 2. Бурса. 2019 йил



қўшиқчи Муҳаммаджон Баҳриев, “Юлдузли тунлар” филмида Озарбайжонлик Шоҳисмоил ролини моҳирона ижро этган актёр Шамиль Биналиев, 40 йилдан бери Фарғона драма театрида ажойиб роллар ижро этиб келаётган, моҳир актёр Муҳаммаджон Қарибов, Ахиска турклари ҳақида тарихда биринчи марта “Tatlı ruvar” (“Ширин булоқ”) фильмини яратган, “Бегона баҳор”, “Жийда гули” ва бир қанча бошқа фильмлар ҳаммуаллифи, актёр, режиссёр, сценарист, шоир, Ўзбекистондаги Ахиска туркларининг “Мико” театрининг раҳбари Микоил Афраз ўғли, Микоилнинг ўғли қўшиқчи Афраз Сулаймонов, машҳур қўшиқчилар: ота-бола Гулайдин ва Илёс Дўнмазлар, Саломат Жавдат қизи, Севиль Ансар ўғли ҳамда Мурод Мамедовларни мисол келтиришимиз мумкин.

Адабиётшуносликда, таржимашунослик ва шоирликда ҳам бир қанча халққа танилган инсонлар бор. Машҳур шоир ва таржимон, турк тилидаги бир қанча романларни ўзбек тилига ўгирган, кўп йиллар “Жаҳон адабиёти” журналида ишлаган Файз Шоҳисмоил, шоира, ўзбек радиосида суҳандонлик қилган Сиддиқа Аъзамова, адабиётшунос олим, “Беруний мукофоти” совриндори Мурод Абдуллаев, немисларни ўзбекчада сайратган, Эркин Воҳидов ва Ғайбулла Саломовларнинг меҳрига сазовор бўлган шоир, моҳир таржимон Пошали Усмон шулар жумласидандир.

Кўп йиллар Ўзбекистон ички ишлар вазирлигида фидокорона меҳнат қилиб, турли вазифаларда ишлаган полковниклар: Фаҳриддин Муштоқов, Заҳаддин Кўчиев, Нодир Маҳмудов, Ҳалим Асланов, прокуратура соҳасида элга танилган қонун ҳимоячилари: Ислон Жасимов, Аҳмед Аҳмедов, Мардали Маҳмудов, Ислон Умаров ҳамда Мудофаа вазирлигининг Чирчиқдаги ҳарбий билим юртида фидокорона меҳнат қилган полковник Алипошо Аҳмедовларни бутун Ўзбекистон танийди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига ўз хиссасини қўшаётган ишбилармон, тадбиркорлар: Нури Азизов, Юнус Сулаймонов, Олим Сейфатов, Амирхон Элисов, Меҳди Юсупов, Мухтор Амуршоев, Мерон Абдуллаев, Исрофил Сарваров, Шоисмоил Шахсатдинов, Мирза Ғофуров, Расул Сафаров ва бошқалар ёрқин мисол бўла олади.

Республикамизнинг мактабларида, лицей ва коллежларида ёшларга таълим бераётган, элга танилган қуйидаги устозларни тилга олмасликнинг имкони йўқ. Лимона Ниёзовна Аҳмедова, “Шухрат медали” соҳиби Жумали Катибов, “Дўстлик ордени” соҳиби Феруза Сиддиқова, Сайёра Исмоиловна. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Ўзбекистон Мустақилликка эришганидан кейин, Ўзбекистонда яшовчи миллатлар, элатлар орасида биринчи бўлиб “Турк маданият маркази” очилди. Марказни дастлабки кундан бугунга қадар “Дўстлик ордени” соҳиби Умар Салмон марказ раиси сифатида бошқариб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси конституциясининг VII боби 29-моддасида шундай ёзилган:

“Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.”<sup>9</sup>

Ҳур ва мустақил Ўзбекистонда яшаётган 50.000 га яқин Турклар юртимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этиб, ўзбек халқи билан елкама-елка Ўзбекистон давлатининг ривожланишига, тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

#### REFERENCES:

1. Ш. Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз.. Тошкент. 2017 й.
2. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Тошкент. 2019.
3. The Republic of Uzbekistan. Тошкент. 1992 й
4. 2 Международный научный симпозиум тюркских общин: Турки Ахыска. Бурса. 2019 й.
5. Н. Ф. Бугай. Турки из мечетии долгий путь к реабилитации. Москва. 1994 йил.
6. Rasim Bayraktar. Ahıska-çıldır beylerbeyliği. Истанбул. 2000 й.
7. Тофик Ашим-оглы Курдаев. Книга народной памяти. Алматы. Казахстан. 1996
8. Ахискали Миржджеват. Гурбеттен Инилтилер 1. Сюргюн. Бурса. 2006 й.
9. Ахискали Миржджеват. Гурбеттен Инилтилер 3. Карыш Карыш Фергана. Бурса. 2010 й.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Тошкент. 2019. 12-бет

## ТЮРКИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ДУХОВНО-КУЛЬТУРНОЕ РАЗВИТИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА

**Турсун Хафизович Габитов**

КазНУ им. аль-Фараби, доктор философских наук, профессор, Казахстан

**Елдос Нурланұлы Осербаяев**

докторант (PhD) КазНУ им. аль-Фараби, Казахстану

### АННОТАЦИЯ

Целью статьи является раскрытие тюркского вклада в развитие мировой цивилизации. В современном мире, в котором происходят значительные изменения, все большее значение приобретают процессы глобализации и унификации культур. В этой связи особую значимость приобретает вопрос поиска путей духовного обновления и переоценка приоритетов дальнейшего культурного развития тюркских народов, сохранение основополагающих духовных ценностей этнокультуры тюрков, уникальной и самобытной. Тюркоязычные мыслители всегда стремились к построению целостного философского образа человека.

Философский подход к человеку предполагает выявление его сущности, конкретно-исторической детерминации форм его активности, раскрытие различных исторически существовавших форм его бытия.

Антропоцентрическая философия центральноазиатских мыслителей средних веков выявляет место человека в мире и его отношение к миру, анализирует вопрос кем может стать человек, реализуя свои потенциальные возможности, каково в нем соотношение сакрального и профанного, кто такой «совершенный человек».

**Ключевые слова:** тюркская культура, Исламский Ренессанс, номадизм, средневековье, Великий шелковый путь.

### ABSTRACT:

In the modern world, where significant changes are taking place, the processes of globalization and unification of cultures are becoming increasingly important. In this regard, the search for ways of spiritual renewal and the re-evaluation of the priorities of the further cultural development of the Turkic peoples, the preservation

of the fundamental spiritual values of the ethnic culture of the Turks, unique and original, are of particular importance.

Turkic-speaking thinkers have always sought to build a holistic philosophical image of a person. The philosophical approach to man involves the identification of his essence, the concrete historical determination of the forms of his activity, the disclosure of various historically existing forms of his being. The anthropocentric philosophy of the Central Asian thinkers of the Middle Ages reveals the place of man in the world and his attitude to the world, analyzes the question of who a man can become, realizing his potential, what is the ratio of the sacred and profane in him, who is the "perfect man".

**Keywords:** Turkic culture, Islamic Renaissance, nomadism, Middle Ages, Great Silk Road.

## **ВВЕДЕНИЕ**

Древние тюрки внесли большой вклад в мировую цивилизацию, так как одомашнивание диких лошадей и верблюдов, изобретение телег, усовершенствование техники верховой езды, а также обработка металлов, изготовление глиняной посуды, ткачество, гончарное и ювелирное производства, астрологическая, музыкальная наука и др. показывают то, что у них существовала своя степная цивилизация. Ряд европейских ученых (А.Тойнби) долгое время не признавали существование древней цивилизации тюрков. Немало ученых, которые, напротив, утверждали, что у восточных кочевых народов существовала своя, развивавшаяся в определенных естественно-географических условиях, степная цивилизация. Например, Л.Н.Гумилев и др. доказали, что с IX в.н.э. до XI в.н.э., в сравнении с народами Средиземноморья и Дальнего Востока, тюркские народы пережили расцвет новой цивилизации [1, 3]. Исследователь культуры древних горно-алтайских кочевников С. И. Руденко отмечал, что из всех домашних животных у них «изображались только лошади», а в круглой скульптуре в виде лошадей оформлялись рукоятки кнутовищ, луки, седла. Изображения лошадей известны также из Средней Азии и Западной Сибири и в скифском искусстве.

Вершиной, а может быть, в известной мере историческим основанием кочевой цивилизации были достижения в духовно-мировоззренческой сфере. Свидетельство тому – высокая художественная традиция, именуемая как традиция «искусства звериного стиля» [2, 13], которым определяют характер искусства скифов и савроматов, – понятие это точно обозначает отражение в

изобразительных мотивах прикладного искусства этих народов лежащего в основе их бытия отношения к животным, прежде всего к лошади, или к оленю, или к верблюду [3, 96].

Время воспринималось тюрками-номадами как последовательная смена поколений.

Для каждого человека важно было знать свою генеалогию. Часто прародителем считали определенного культурного героя, историческую личность, животное (волк). Древность рода определяла социальную значимость его представителей. Например, Кюлтегин начинает свою родословную со времен сотворения мира. Номад не чувствовал себя случайно заброшенным в этот мир, он был продолжением длинной череды предков его рода и имел собственное продолжение в потомстве. «Нет такого дела, которое не под силу тюрку!» [3, 20].

В тот период историй ономастика кочевников с волчьей основой являлась самой распространенной. Родившегося младенца нарекают мудрые старцы: «Пусть вырастет жигит, подобным волку, и вместе с ним будет благоденствовать наш народ», – с такими пожеланиями и нарекали новорожденных. Следовательно, именно с волчьей символикой у кочевников означают мужество и воинственность, качества высоко оценивавшиеся всеми народами. Потому волк являлся тотемным символом тюрков.

Фрэнгер Д. Д. в своих исследованиях доказал, что сосредоточение высшей власти в руках одного человека дает ему возможность за время своей жизни провести такие преобразования, которые не смогли осуществить целые предшествующие поколения. В случае, если это умный и решительный человек, он создает сильное государство и становится грозным и опасным соседом для других. «Расширяя свою власть отчасти силой оружия, отчасти путем добровольного подчинения более слабых племен, это племя в скором времени приобретает богатство и рабов, которые, освобождая целые классы людей от постоянной борьбы за выживание, дают им возможность посвятить себя бескорыстному приобретению знаний – этого благороднейшего и сильнейшего орудия – с целью улучшить жребий человека» [4, 42-43].

Роль Центральной Азии в развитии мировой цивилизации очень хорошо показал Фредерик Старр, основатель и председатель Института Центральной Азии и Кавказа; автор и редактор 20 книг и более 200 статей по российской и евразийской тематике в своей работе «Утраченное Просвещение: золотой век Центральной Азии от арабского завоевания до времен Тамерлана» [10]:



- В 999 году двое молодых людей, живущих в 400 километрах друг от друга на территории современных Узбекистана и Туркменистана, вступили в переписку. Они могли бы использовать голубиную почту, как это часто делалось в то время, но письма были слишком объемными и тяжелыми. Переписка началась, когда старший из двух - ему было двадцать восемь - отправил своему восемнадцатилетнему знакомому список вопросов на научные и философские темы. Почти все они актуальны и сегодня. Так начался словесный поединок, вылившийся в четыре длинных письма от каждого автора и напоминающий современные научные дискуссии в интернет-пространстве.

Ученых занимал вопрос: есть ли другие солнечные системы там, среди звезд?

Шестьсот лет спустя Джордано Бруно (1548-1600) был сожжен на костре за то, что отстаивал принцип множества миров (фактически он обвинялся в пантеизме), но эти два человека уже тогда предполагали, что мы (земляне) не одни во Вселенной. Оба исповедовали ислам, а для мусульман, равно как и для христиан во времена Средневековья, столь открытое признание геологической эволюции приравнивалось к богохульству. Это беспокоило одного из двух ученых - Ибн Сину, поэтому он поспешил добавить замысловатый комментарий, который сделал его рассуждения более приемлемыми для богословов. Но, по сути, оба на восемь веков предвосхитили эволюционную геологию и даже ключевые моменты дарвинизма...» Соответственно, мы можем отметить роль Туркменстана в большом вкладе в развитии тюркской цивилизации, который в свою очередь, повлиял на развитие мировой культуры.

Как отмечает академик Кызласов, тюркские изваяния VI-VIII вв. имели портретное сходство с умершим, «многие сотни, пожалуй, тысячи тюркских скульптур известны ныне науке, но ни одно из них не повторяет лика другого. В этом индивидуализме проступает важное для нашей темы свидетельство осознания обществом отдельной личности и ее самооценности» [5, 120-122]. Одним из интересных и не до конца исследованных феноменов тюркской культуры является цветовая гамма. Для тюрков она также была связана с природой. То, что все оттенки синего играли важную роль для тюрков мы видим из надписи: «...Между (этими) двумя границами они так обитали (восседали), устраивая «голубых» тюрков, которые были (тогда) без господина и без родовых представителей... [6, 36]

Тюрки не отличали зеленого от синего цвета. Что значит этот цвет? Какой смысл заключен в нем? «Голубой безмятежный, спокойный,

понимающий, искренность, ясность, целостность, мир, широта, честность, речь, артикуляция, высокий интеллект, спокойствие, доверие, прозрачность, духовный, сострадающий, наполненный» [7, 43]. В понимании этих двух цветов мы видим некую значимую связь. Значение зеленого также близко описывает характер тюрков: «У зеленого есть тенденция морализировать. Зеленый для любви, целостности, прогресса, практичности, свободы мысли, равновесия, красоты, гармонии, побуждения, безусловной любви, сострадания, стабильности, удачи, роста, понимания, природный [8, 33]. В тюркской культуре человек живет в гармонии с природой. Он не подчиняет ее, а лелеет. Он не покоряет природу, а сливается с ней. Например, в эпосе «Огызнама» описывают избранниц Огуз Хана видя в ней природу: «Родинка во лбу избранниц Огуз хана подобна Полярной звезде, глаза – голубее неба, волосы подобны течению реки, зубы – словно жемчуг» [8, 122-123].

И. Ю. Крачковский писал: «Еще более поразительно, по-моему, когда в групповом сознании какого-либо общества происходит слияние ценностей двух цивилизаций в единое неразделимое целое, возникновение нового качества. Яркий пример – образование мусульманских государств в тюркском мире, когда тюркские кочевые народы (будь то Караханиды в X в., Сельджукиды в XI в. или даже подвластные монголам кочевые племена в XIV в.), принимая ислам, тем не менее не только не расставались с прежними представлениями, принципами и образом мышления, но создавали новое единство, в котором ценности исламской цивилизации и тюркской протоцивилизации были тесно сплетены в одно неразделимое целое» [9, 85].

Когда ученый-араб XI века составил список всех «достойных похвалы людей эпохи», которые писали на арабском языке, треть от общего числа перечисленных – 415 – оказалось выходцами из Центральной Азии. Из оставшихся двух третей более половины являлись персами из того региона, который сейчас является частью Ирана. Превосходство Центральной Азии наиболее заметно в области естественных наук, философии и математики – ученые из этого региона составляли до 90% от общего количества.

Большинство из них имели иранское происхождение и говорили на разных иранских языках, но много было и тюркоязычных. Таким образом, их родные языки принадлежали либо к иранской группе, либо к тюркской семье [10, 51]. «То, что языки коренных народов могли брать иностранное письмо и процветать, а не быть подавленными языками внешних сил, свидетельствует о фундаментальности центрально-азиатской цивилизации в обеих ее формах –

персидской и тюркской. Это еще раз подтверждает, что Центральная Азия была скорее не перекрестком культур, а культурой перекрестков, на которую повлияли все ее международные контакты. Но, в конце концов, еще больше ее определяли внутренние силы, которые она накапливала в течение веков» [10, 97].

О месте Центральной Азии, хорошо пишет автор, по его мнению исторически исконным центром мира был Алтай, но со временем он сместился на Запад и расширился. «Современный центр мира – Центральная Евразия (Центральная Азия). В этом регионе менялись этносы, языки и религии, в древности доминировали иранские языки, начиная с XI века – тюркские языки, но эта цивилизация всегда сохраняла свою уникальность и была единой, особенно для стороннего взора» [11, 198].

Большое число ученых, переводчиков и переписчиков из разных стран, многие из них уроженцы Средней Азии и Ирана работали в стенах Багдадского «Дома мудрости».

Ўтган асрда ҳам ҳар икки халқ, икки миллат ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар кўлами кенгайди. Бу эса XX асрдаги адабиётимизнинг етук намояндалари ижодида алоҳида ўрин тутгани ҳам айни ҳақиқат. Гафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Самад Вурғун, Мирза Иброҳимов сингари адиблар ана шу азалий дўстликни ўз асарларида тараннум этганлар.

Озарбайжон киноусталари томонидан яратилган “Аршин мол-олон”, “Қайнона”, “Аҳмад қаерда?” сингари ўлмас фильмларни ўзбек томошабинлари бугун ҳам айрича завқ-шавқ ила томоша қилишади. “Тоҳир ва Зухра”, Тошкент — нон шаҳри”, “Сен етим эмассан”, “Тўйлар муборак” каби ўзбек киноасарлари озарбайжонлик томошабинлар учун ҳам қадрдон бўлиб қолган.

Олдимизда илм, фан, техника, юксак технологиялар каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдек улкан вазифалар турибди. Бунинг учун ишга солинмаган имкониятлар кўп. Бизнингча, илм-фан, таълим соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш вақти келди.

Озарбайжон ва Ўзбекистон муносабатлари ўзининг сермаҳсуллиги билан ажралиб туради. 2023 йилнинг ўзида давлатларимиз раҳбарлари — Илҳом Алиев ва Шавкат Мирзиёев тўрт маротаба учрашди. Ўзбекистон Президенти уч марта Бокуга ташриф буюрган бўлса, мамлакатимиз етакчиси Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентда ўтказилган саммитига ташриф буюрди. Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 22-23 август кунлари Озарбайжонга ташрифи, Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида Олий давлатлараро кенгаш ташкил этиш тўғрисидаги шартномани имзолади.

Ўзбекистон етакчисининг Фузулий ва Шуша шаҳарларига ташрифи халқимиз кўнглини тоғдек кўтарди. Чунки Фузулий шаҳрида 960 нафар ўқувчига мўлжалланган замонавий мактаб қурилиши Ўзбекистон Президенти ташаббусининг амалий ифодаси бўлди. Мирзо Улуғбек номи билан аталган янги мактаб халқларимизни янада яқинлаштириш, ўсиб келаётган

озарбайжонлик ўғил-қизларни Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятига, буюк аждодларимизнинг меросига ошно қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Озарбайжон парламентлари ўртасида яқин ва кўп қиррали шериклик йўлга қўйилган. 2022 йилнинг апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида келишув имзолангани икки мамлакат қонун чиқарувчи органларининг тизимли алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қиляпти.

Парламентлараро ҳамкорлик изчил ривожланаётгани, икки давлат қонун чиқарувчи органларида дўстлик гуруҳлари фаолият кўрсатаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Биз, депутатлар олдида юқори даражадаги икки томонлама келишувларнинг амалга оширилишини, жумладан, парламентларнинг савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги қўшма лойиҳаларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш вазифаси турибди[6].

Умуман, халқларимизни бирлаштириб турган яқинлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик нақадар қадимий бўлса, ўтказилаётган маданий-гуманитар тадбирлар орқали унинг истиқболи ҳам шу қадар боқийлиги таъминланади.

## REFERENCES:

1. Users/Admin/Downloads/\_Xalq%20so'zi\_%20gazetasi-64-2024-03-29%20(2).pdf
2. <https://xs.uz/uzkr/post/madaniy-yutuqlarga-khalqlar-ortasidagi-ozaro-alloqalar-tufajli-erishiladi>
3. Ш.М.Мирзиёев. ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН - СТРАТЕГИК ШЕРИК ДАВЛАТЛАР Туркманистон Республикасига давлат ташрифи чоғидаги қабул маросимида сўзлаган нутқ. 2017 йил 6 март.
4. Ш.М.Мирзиёев. ЎЗБЕКИСТОН - ТУРКМАНИСТОН: ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА 2017 йил 7 март.
5. Ш.М.Мирзиёев. ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИКНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ 2017 йил 7 март.
6. Ш.М.Мирзиёев. «МАХТУМҚУЛИ - СЎЗЛАР ТИЛИ ТУРКМАННИНГ...» Махтумқулнинг ўзбек тилида нашр этилган китобига ёзилган сўзбоши . 2017 йил 7 март.

## ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАРДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Рашит Ўсарович Баратов**

Тошкент давлат транспорт университети доценти

### АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада Туркий давлатларнинг илм-фан, маданият соҳаларидаги ҳамкорликда амалга оширилиши юзасидан олиб борилган тадқиқотлар ўрин олган. Шунингдек, янгиланаётган Ўзбекистонда кейинги йилларда таълим тизимида амалга оширилган ишлар ҳам ёритилган.

**Калит сўзлар:** Таълим, фан, интеграция, трансформация, ҳамкорлик, олий таълим, ислоҳот, мобиллик.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье представлены исследования, проведенные в связи с сотрудничеством турецких государств в области науки и культуры. Также освещены работы, проведенные в системе образования модернизирующегося Узбекистана в последующие годы.

**Ключевые слова:** Образование, наука, интеграция, трансформация, сотрудничество, высшее образование, реформа, мобильность.

### ABSTRACT:

This article presents research conducted in connection with the cooperation of Turkish states in the field of science and culture. The work carried out in the education system of modernizing Uzbekistan in subsequent years is also covered.

**Keywords:** Education, science, integration, transformation, cooperation, higher education, reform, mobility.

Кейинги йилларда туркий халқларнинг ўзаро интеграциясида ижобий сидашлар кузатилмоқда. Геосийсий майдонда содир бўлаётган воқеликлар муштарак тарих, маданият ва урф-одатга эга халқларнинг ўзаро жипслашувини, ҳар томонлама яқинлашувини тақазо этади. Туркий давлатлар ташкилоти айнан шундай мақсадларни ўзида мужассам этган ташкилот сифатида фаолият юритмоқда деб бемалол айта оламиз.

Ҳозирги кунда Туркий давлатлар ташкилоти деб номланувчи халқаро тузилма туркий тилли халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида 2009 йил 3 октябрда имзоланган ҳамда 22 моддадан иборат «Нахчиван шартномаси» асосида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши номи билан Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркия ҳамкорлигида ташкил этилган эди.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи давлатларнинг аҳолиси тахминан 150 миллион кишини ташкил этади, улар 4 миллион 200 минг квадрат километрлик катта ва муҳим геосиёсий ҳудудда жойлашган. Ташкилотга аъзо давлатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ҳам жуда салмоқли ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотига қўшилишини барча аъзо мамлакатлар яхши муносабат билан қабул қилди. Расмий шахслар, экспертлар ўзбекларнинг туркийлар тарихидаги ўрни, бугунги салоҳияти ва аҳамиятини эътироф этди.

Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари Нахчиван шартномасининг 2-моддасида ташкилот;

- томонлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши кўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш;

- минтақада ва унинг ташқарисида тинчликни таъминлаш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш;

- ташқи сиёсат масалалари бўйича умумий позицияларни қабул қилиш;

- умумий мақсадларга тааллуқли барча соҳаларда самарали минтақавий ва икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш;

- аъзо давлатлар ўртасида савдо ва инвестициялар учун қулай шароитлар яратиш;

- қонун устуворлигини таъминлаш, самарали бошқарув ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини муҳокама қилиш;

- фан, техника, таълим ва маданият соҳаларида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш;

- оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни ва янада интенсив мулоқотни ривожлантириш;

- ҳуқуқий масалалар бўйича ахборот алмашинувига кўмаклашиш каби мақсад ва вазифаларни амалга ошириб боради.

Биз ушбу мақолада туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида фан, техника, таълим ва маданият соҳаларида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалага диққат қаратганмиз. Эътибор берилса,

ташкilotга аъзо давлатлар ичида Туркия республикаси фан, таълим масаласида етакчи давлат ҳисобланади. Бунинг ўзига хос сабаб ва омиллари мавжуд, албатта. Бизнинг фикримизча фан, таълим ва маданият соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ташкilot обрўсини ҳам янада юксалишига олиб келади. Айниқса, ташкilotга аъзо давлатлар олий таълим муассасалари ўртасида академик мобилликни янада кенгайтириш лозим деб ҳисоблаймиз. Шу ўринда Ўзбекистон олий таълими хусусида тўхталиб ўтамиз.

Бугунги кунда сир эмас юртимизда нафақат олий таълим тизими, шу билан бир қаторда барча таълим босқичларида кескин ислохотлар бўлаётганини барчамиз англаб турибмиз. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тараққиёт динамикасини кузатадиган бўлсак, улар таълимга ўзгача ёндашувни шакллантириш орқали ижобий самарадорликка эришиб келмоқда. Бу дегани таълим қачонки коррупциядан холи, очиқ, шаффоф баҳолаш тизими, қоғозбозликдан воз кечган ҳолда профессор-ўқитувчиларга ижод қилиши учун кенг имкониятлар яратилган шароитни ярата олсак, ўйлайманки, кўзланган мақсадга эришиш тез ва самарали бўлади. Демак биз таълим тизимида хориж тажрибаси кенг жалб қилишни кўзлар эканмиз, юқоридаги сифатларга алоҳида эътиборни қаратишни тақазо этади.

Айниқса, 2016 йилдан кейин таълим тизимида янгича ёндашув ва қарашларни шаклланиши кузатилмоқда. Кейинги йилларда олий таълимга қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш абитуриентларга яратилаётган кенг имкониятлар кириш имтиҳонларида коррупцион ҳолатларни бутунлай йўқ қилинишига олиб келди. Ўзбекистон шароитида ҳар йили бир миллиондан ортиқ ёшлар олий таълим муассасаларига кириш учун ҳужжатлар топширади. Бундан 5-6 йил олдин қабул квотаси 55-60 минг атрофида бўлиб, бу 6-7 фоизнигина ташкил этган. Бу эса ўз ўрнида коррупцияни янада авж олишга олиб келади. Таълимда коррупция ҳолатларини кўплаб кузатилиши жамият учун ҳам, давлат учун ҳам жуда хатарли ҳисобланади. Ижтимоий тармоқларда олинган хабарларга кўра, Жанубий Африка Республикасининг университетга кираверишда, “Ҳар қандай миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узоқ радиусга таъсир қиладиган ракетага ҳожат йўқ. Фақат таълим сифати пасайтирилса ва имтиҳонларда талабаларга алдаш учун имконият яратилса бас” – деб ёзиб қўйилган экан. Мазкур фикрлар барча жамиятлар учун бир хил ҳам аҳамиятлидир. Зеро, таълим, илм-фан, инновация каби соҳалар эътибордан четда қолган ҳар қандай давлат инқирозга юз тутиши айни ҳақиқат. Мамлакатимизда 2016 йил Президент сайловларидан сўнг ҳукуратимиз



биринчилардан бўлиб илм-фан, инновация, таълим, тарбия масалалари давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 апрель 2017 йилда қабул қилинган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида, “олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, олий таълим муассасаларида ўқитиш йўналишлари ва мутахассисликларини истиқболда минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга оширилаётган ҳудудий ва тармоқ дастурларининг талабларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш” – деб белгилаб қўйилгани фикримизни яна бир бор исботлайди.

Энг асосийси, юртимизда хорижнинг нуфузли олий таълим муассасаларининг филиалларини ташкил этилаётгани ўсиб келаётган ёш авлод олдида нафақат маҳаллий олий ўқув юртларида, шу билан бирга халқаро олий таълим муассасаларида ҳам ўқиш имкониятларини кенгайтириш билан бир қаторда ёшларимизда тил ўрганишга интилишни янада орттиради. Глобаллашувнинг шиддатли тус олаётгани бугун барчамизда замон билан ҳамнафас яшашдек улкан масъулиятни юкламоқда. Воҳалангки, кўплаб чет тилларини билиш инсон учун имконият эшикларини очишга хизмат қилади. Бугунги кунда қаерга иш сўраб мурожаат қилсангиз асосий талаблардан бири хорижий тилларни билиш кўникмаси ҳисобланади. Илм-фан чўққиларини эгаллаш хусусида яратилаётган мазкур имкониятлар вақт ўтиб шубҳасиз мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида, “Жамиятнинг ўтиш даврларида инновацион жамият шаклланиши ва инновацион фаолият ривожланиши анча секин суръатлар билан боради. Мамлакатнинг тобора дунё ҳамжамиятига кўшилиб бориши турли давлатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий ўзаро алоқаларнинг йўлга қўйилиши унда амалга ошаётган модернизация жараёнлари ва инновациялар тараққий этишига олиб келади”- деб таъкидланади. Мазкур Қарор ўз ўрнида ўсиб келаётган ҳар бир ёш авлодда замон талаби даражасида илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштиришдек масъулият юклайди.

Кейинги масала давлат таълим даргоҳлари билан бир қаторда хусусий таълим муассасаларини фаолиятига ҳам кенг имкониятлар яратиш бўлиб,

Республикамизда хусусий олий таълим муассасаларига рухсат берилаётгани нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш, таълимнинг юқори сифатини таъминлашда давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратишдан иборат. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги юридик шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2017 йил 15 сентябрда “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди ва унда нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналиш ва вазифаси сифатида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун анъанавий таълим хизматлари билан бир қаторда сифатли ва оммабоп таълим олишнинг муқобил имкониятларини яратадиган пуллик таълим хизматлари кўрсатиш бозорини жадал ривожлантириш ҳамда илғор халқаро тажрибаларни инобатга олиб, ўқитишнинг инновацион педагогик шакллари, услублари ҳамда замонавий технологияларидан фойдаланиш асосида таълим соҳасидаги самарадорлик ва натижавийликни ошириш кабилар белгилаб олинди.

Мустақиллик йилларида таълим тизимида баъзи хатоликларга йўл қўйилганлигини инкор этмаслик керак. Биз сифатли таълим орқали юртимиз келажагини кўрмоқчи бўлсак энг аввало, таълимнинг барча бўғинларида кескин ислохотлар бошлаш керак. Бунда таълим берувчида ҳам, таълим олувчида ҳам ўзига хос манфаатни шакллантириш зарур. Манфаатсиз жараён эса ўз самарасини бермаслиги барчага бирдай аён.

Хулоса сифатида мамлакатимизда таълим тизими том маънода янги босқичга чиқиб бормоқда. Бугун асосий муаммолардан бири таълим тизимида фаолият олиб бораётган кадрлар салоҳияти, қанча хунук бўлмасин таълимда ҳамон коррупция илллати учраётгани, таълим олувчилар ҳам ўз ўрнида берилаётган касбий билим ва кўникмаларни тўла эгаллашга интилишлари сушт эканлиги кабиларни келтириб ўтиш мумкин. Таълим ва тарбия шундай жараёнки, унинг самараси бир неча йилдан сўнг маълум бўлишини ҳисобга олсак, ушбу соҳа ниҳоятда нозик ва масъулиятли вазифа экалигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим экан.

## REFERENCES:

1. Мирзиёев Ш. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий

дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 2017 йил, 14 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Тошкент, 2017 йил 7 февраль.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Тошкент, 2017 йил 20 апрель.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. Тошкент, 2017 йил, 27 июль.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. Тошкент, 2020 йил 4 май.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60 сонли фармони. 2022 йил, 28 январь.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-60 сонли Қарори. 2021 йил 24 декабрь.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-61 сонли Қарори. 2021 йил 24 декабрь.

9. "One Belt - One Road" Initiative - as a Modern Transport Logistics Baratov, R., Nuriddinov, S., Tokhtaboev, E., Achilova, G. 2022 AIP Conference Proceedings 2432,030058 <https://doi.org/10.1063/5.0089703>

10. Evolution of Railway Construction Development in Uzbekistan: Past and Prospects Ramatov, J., Baratov, R., Jurabayev, N., Umarova, R., Mamajanova, G. 2022 AIP Conference Proceedings 2432,030011 <https://doi.org/10.1063/5.0090845>

11. Constructive and Optimal Solutions for the Formation of a Stable Ecological Situation in the Aral Sea Region of Uzbekistan Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Jurabayev, N., Artikova, B. 2022 AIP Conference Proceedings 2432,030113 <https://doi.org/10.1063/5.0091203>

12. Ramatov, J., Baratov, R., Jurabayev, N., Umarova, R., Mamajanova, G. Evolution of Railway Construction Development in Uzbekistan: Past and Prospects 2022 AIP Conference Proceedings 2432,030011 <https://doi.org/10.1063/5.0090845>
13. Ramatov, J., Baratov, R., Nazarova, N., Khasanov, M., & Valiev, L. (2022). MUTUALLY BENEFICIAL INTEGRATION OF TURKIC STATES. *Теория и практика современной науки*, (12 (90)), 35-39.
14. Ramatov, J., Baratov, R., Nazarova, N., Erniyozov, U., Khasanov, M., & Valiev, L. (2022). THE VIEWS AUROBINDO GHOSH OF THE INFLUENCE ANCIENT RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL IDEAS IN INDIA. *Теория и практика современной науки*, (12 (90)), 61-64.

## ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Наим Халимович Обломуратов**

Тарих фанлари доктори, Профессор TDIU, Тошкент. Ўзбекистон.

### АННОТАЦИЯ:

Мақолада туркий тилли давлатларнинг таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари тарихи ва истиқболлари ёритилган. Қардош туркий давлатларнинг тарихий муштарак жиҳатлари ва инсоният цивилизацияси ривожига ўрни ва аҳамияти таҳлил этилган. Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари ва унинг натижалари ижтимоий-тарихий жиҳатдан очиқ берилган. “Туркий дунё нигоҳи – 2040” концепцияси ҳамда “Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегияси” доирасида таълим йўналишида тарих фанлари доктори, профессор Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент, Ўзбекистон стратегик лойиҳалар ва уларнинг истиқболлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Ўрхун-Энасой обидалари, Турк хоқонлиги, “Девону лугатит турк”, “Нахчиван шартномаси”, “Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегияси”, “Туркий дунё нигоҳи – 2040”, Туркий университетлар Иттифоқи, Туркий дунё ёшларининг илм ва инновациялар халқаро

### АННОТАЦИЯ:

В статье освещены история и перспективы сотрудничества тюркоязычных стран в сфере образования. Анализируются исторические общие аспекты братских тюркских государств, их роль и значение в развитии человеческой цивилизации. Отношения сотрудничества в сфере образования между государствами-членами Организации Тюркских государств и его результаты раскрываются с социально-исторической точки зрения. В рамках концепции «Турецкий мир – 2040» и «Пятилетней стратегии Организации тюркских государств» освещаются стратегические проекты в сфере образования и их перспективы.

**Ключевые слова:** Памятники Орхун-Енасой, Тюркское ханство, «Девону Лугатит Тюрк», «Нахчыванский договор», «Пятилетняя стратегия Организации тюркских государств», «Взгляд на тюркский мир - 2040», Союз турецких



университетов, Международный конгресс науки и инноваций молодежи тюркского мира.

### ABSTRACT:

The article highlights the history and prospects of cooperation between Turkic-speaking countries in the field of education. The article analyzes the historical common aspects of the fraternal Turkic states, their role and importance in the development of human civilization. The relations of cooperation in the field of education between the member states of the Organization of Turkic States and its results are revealed from a socio-historical point of view. Within the framework of the Turkish World 2040 concept and the Five-Year Strategy of the Organization of Turkic States, strategic projects in the field of education and their prospects are highlighted.

конгресси.

**Keywords:** Monuments of Orkhun-Yenasoy, Turkic Khanate, "Devon Lugatit Turk", "Nakhchivan Treaty", "Five-year Strategy of the Organization of Turkic States", "A Look at the Turkic World - 2040", Union of Turkish Universities, International Congress of Science and Innovation of the Youth of the Turkic World.

Заминимизда инсоният цивилизациясининг илк босқчиларидан тортиб, бутун оламни ҳозиргача ҳайратга солиб келаётган ренессанслар силсиласи бардавом бўлган. Халқимизнинг аждодлари ўзларининг барча соҳалардаги буюклиги билан бутун башарият ривожига ва тараққиётига беқиёс хизмат қилган ва зиё таратган. Маълумки, туркий халқлар ўз давлатига эга бўлган энг қадимги дунё қавмларидан биридир. Ўрхун-Энасой обидалари ана шу тарихни бадиий тарзда ҳикоя қилади. Улар Ўрта Осиёдан бошлаб Дунайгача бўлган улкан ҳудудда ўз давлатларини идора қилишган. Ёдгорликлар, асосан, VI — VIII аср воқеаларини акс эттиради. V-VI аср ўрталарида дунё харитасида Турк хоқонлиги деган мамлакат юзага келган [1]. Бу мамлакат Ўрта Осиё, Еттисув, Шарқий Туркистон, Олтой ўлкаларидаги турли қабила ва халқларни бирлаштирган эди. Бу ерлар географик жиҳатдан ниҳоятда қулай, бунинг устига Европа ва Шарқий Осиёни боғлаб турувчи, “Буюк Ипак йўли”нинг устида эди. Шунинг учун ҳам туркийлар яшайдиган манзилларга қизиқиш катта бўлган [2].

Марказий Осиёда илк Ўрта аср маданиятининг буюк арбобларидан бўлган Маҳмуд Кошғарий туркий халқларнинг илк ўрта аср маданияти

арбобларидан бўлиб, тилшунослик, хусусан, туркий тилларни ўрганиш соҳасида машҳур бўлди ва тарихда ўчмас из қолдирди. Унинг “Девону луғатит турк” асарини ўша даврларда туркий халқлар ҳаёти ҳақидаги қомусий асар деб аташ мумкин. Муаллиф “Девон”ида бу ҳақда шундай дейди: “Худо давлат куёшини турклар бурчида яратди, фалакнинг ҳам шулар мулкига мослаб айлантирди. Уларни турк деб атади, мулкка эга қилди, уларни замонамизнинг ҳоқонлари этиб кўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жилловини шулар кўлига топширди, халққа бош қилди, буларни тўғри йўлга юришга қодир қилди. Буларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл – уларнинг тилларида сўзлашишдир. Чунки улар бу тилда гаплашувчиларга яхши қулоқ соладилар, уларга ўзларини яқин тутадилар, зарар бермайдилар. Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим” [3].

Бутун умрини туркий тил мавқеини юксалтириш, туркий адабиёт имкониятларини дунёга тан олдириш, жамиятда ҳақиқат ва адолат мезонларини қарор топтиришга бағишлаган бобокалонимиз Алишер Навоий бутун ижоди давомида улуғ бир мақсад – туркий тилни жаҳоннинг энг мукамал ва мумтоз тиллари даражасига етказишга интилди.

Шу ўринда Президентимиз таъкидлаганидек, - қадим туркий замин минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарбни туташтириб, жаҳон цивилизацияларини бир-бирига яқинлаштириб, дунё маданиятларини бойитиб келган. Биз Туркий дунё буюк тарихининг ёрқин саҳифалари улуғ аждодларимиз томонидан биргаликда яратилгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ана шундай бебаҳо меросни сақлаб қолиш, уни чуқур ўрганиб, келгуси авлодларимизга безавол етказиш барчамиз учун энг асосий вазифадир. Бугунги саммитимизнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, кўп минг йиллик тарихимиз давомида туркий оиламиз мана шундай тўлиқ шаклда, янгиланган ташкилотимиз доирасида йиғилиб турибди. Ҳеч шубҳасиз, “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” шиори остида барчамиз биргаликда мутлақо янги юксалиш босқичига қадам қўймоқдамиз [4].

Марказий Осиёнинг тўрт давлати — Туркменистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон қардош туркий давлатлар ҳисобланади. Бу халқларнинг илдизи табиийки бир. Буюк Турк хоқонлигидан бошланган минтақа туркийлари тарихи деярли XV-XVI асргача бўлинмаган эди. XVI асрдан ўзбек ва қозоқ халқлари миллат сифатида шакллана бошлади.

Туркманларда эса бу жараён бироз олдинроқ юз беришни бошлаганди. Шундай бўлса-да, минтақа халқлари Россия босқинига қадар тўлиқ миллий бирликларга ажралмаганди. Худуд аҳолиси уруғларига кўра фарқланган. Уч қозоқ жузи аҳолиси ўзларини қозоқлар, уч ўзбек хонлиги аҳолиси эса ўзларини ўзбеклар деб билган. Аммо хонликлар таркибидаги баъзи уруғлар бир пайтнинг ўзида ҳам ўзбек, ҳам қозоқ (жалойир, қипчоқ, найман) ёки ҳам ўзбек, ҳам туркман (баёт, қиник) уруғи бўлган. Уларни умумлаштирувчи жиҳат туркийлик ва мусулмонлик эди. Марказий Осиё жадидлари ҳам миллий республикалар эмас, умумий Туркистон давлати тузиш ҳақида ўйлаган.

1920 йилдан кейин бошланган минтақа аҳолисини миллатларга ажратиш сиёсати уруғлар ва одамларнинг ўтроқ ёки кўчманчилигига қараб олиб борилди. Ўтроқ, шаҳарда яшовчи уруғлар ўзбек ва тожик, кўчманчи, даштда яшовчи қабилалар эса қозоқ ва қирғиз деб қабул қилинди. Ўзбеклар кўчманчи, қирғизлар ўтроқ бўлиши мумкин эмас деб айтилди. Натижада янги миллий давлатлар чегаралари этник-миллий чегаралардан бошқачароқ бўлди. Сиёсий чегаралар халқлар узоқлашувига ҳам олиб келди. Исмоил Ғаспирали ташаббуси билан ташкил этилган бутунтуркий алифбо амалга киритилмади, бунинг ўрнига республикаларда кирилл алифбоси жорий қилинди. Адабий тил шакллантиришда ҳам жадидлар таклиф этган умумий қоидалар қабул қилинмади ва рус тилидан тўғридан тўғри кўчириш орқали тил қоидалари шакллантирилди. Масалан, ўзбек тилидан сингармонизм (унлилар мослашуви) ҳодисаси олиб ташланди (бирок шеваларда сақланиб қолган). Собик иттифоқ олий ҳокимияти минтақа давлатларини бир-биридан узоқлаштирувчи сиёсатни давом эттирди.

Ҳозирги кунда Туркий давлатлар ташкилоти деб номланувчи халқаро тузилма туркий тилли халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида 2009 йил 3 октябрда имзоланган “Нахчиван шартномаси” [5] асосида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши номи билан Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркия ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тошкентнинг туркий давлатлар оиласига қўшилган пайтдан буён ўтган қисқа даврда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш бўйича 30 дан зиёд ташаббус ва таклифлар илгари сурилди. Ушбу мақсадларга эришиш учун Туркий давлатлар ташкилоти қошида 6 та тузилма — Халқаро туркий маданият ташкилоти, Туркий давлатлар парламент ассамблеяси, Халқаро туркий академия, Туркий маданият

ва мерос фонди, Туркий савдо-саноат палатаси, Туркий давлатлар ташкилотининг Венгриядаги ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундай ташкилий тузилма Туркий давлатлар ташкилоти олдида қўйилган вазифаларни самарали амалга оширишга қаратилган.

Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги гуманитар йўналишдаги интеграция фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, спорт ва туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, туркий халқларнинг буюк маданий ва тарихий меросини оммалаштиришга қаратилган. Мустаҳкам дўстлик ва биродарлик ифодаси сифатида Ўзбекистон Президенти 2021 йил 31 март куни ўтган Туркий кенгашнинг норасмий саммитида Ўзбекистон Қорабоғ заминидаги ёдгорликлар, маданият ва маърифат масканларини қайта тиклашга ўз хиссасини қўшишга тайёр эканини таъкидлаган эди. Озарбайжоннинг Фузулий шаҳрида 960 нафар ўқувчига мўлжалланган замонавий мактаб қурилиши Президентимиз ташаббусининг амалий ифодаси бўлди [6].

Туркий мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Туркий кенгаш билан ҳамкорликнинг фаоллашуви юртимиз учун қўшни давлатлар билан ҳам, минтақадан ташқаридаги янги ҳамкорлар билан ҳам кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш учун янги имкониятлар эшигини очади.

Ўзбекистон мазкур ташкилотга раислиги даврида “Туркий дунё нигоҳи – 2040” концепцияси ҳамда “Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегияси”ни самарали амалга ошириш, 170 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган улкан минтақани ўз ичига олган Ташкилот нуфузини янада мустаҳкамлаш, ва энг асосийси – тарихи, тили ва маданияти муштарак бўлган қардош халқлар ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни юксак поғонага олиб чиқиш ниятида эканлигини қайд этди.

Қайд этиш жоизки, бугун Ташкилотга аъзо давлатлар доирасида Туркий университетлар Иттифоқи, 2018 йилда Баку шаҳрида Туркий кенгашнинг биринчи талабалар ўйинлари – Туркия Универсиадасини алоҳида таъкидлаш керак. Бундан ташқари, Ёшлар фестиваллари, Туркий ёшлар лагери ва Туркий давлатларнинг ёш дипломатлари учун курслар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Бу тармоқдаги эътиборни тортувчи муҳим натижалардан бири – туркий университетлар иттифоқини яратилиши бўлди. Бу иттифоқ ўзида 18 та олий таълим муассасасини жамлади. Бундан ташқари, ахборот агентликлари ўртасида алоқаларни кучайтириш, маълумот алмашиш ва халқаро туркий тилли янгиликлар каналини ташкил этиш борасидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Концепцияда илмий тадқиқотларни фаоллаштириш, туркий тилли университетлар иттифоқи ҳамкорлигини етакчи механизмга айлантириш, олимлар, тадқиқотчилар ва талабалар ихтиёрида бўлган илмий мақолалар манбаларини ва аъзо давлатлар илмий журналлари учун умумий халқаро индексни яратиш кўзда тутилгани ҳам аҳамиятли.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг илк саммитида ёшлар масаласига доир бир қатор таклиф ва ташаббуслар ҳам илгари сурилди. Ташкилотга аъзо давлатлар аҳолисининг 40 фоизини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласи Ташкилотнинг устувор йўналишларидан биридир. Мазкур саммитда ҳам давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонда туркий ёшлар илм-фан ва инновациялари халқаро Конгрессини ўтказиш таклифи илгари сурилди. Мазкур конгресс ўтказилиши мамлакатлар тараққиётининг асоси бўлган илм-фан соҳасини янада ривожлантириш ва келажак пойдевори бўлган ёшларни рағбатлантириш учун ажойиб имконият бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, таълим тизими ходимлари, университетлар, Ташкилот оқсоқоллари, ёшлар ўртасидаги ҳар томонлама кенг қамровли учрашувлар ташкил этишни кўзда тутди.

Туркий давлатлар ташкилотининг олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро мобиллик алоқаларини мустаҳкамлаш, нуфузли олимпиадалар ўтказиш, стартап лойиҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу ҳамкорлик орқали истиқболда Туркий давлатлар ташкилоти доирасида тармоқли университет таъсис этиш ҳамда жаҳон стандартларига мос етук мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйиш режалаштирилган. Туркий давлатлар ташкилоти доирасида мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш борасида ҳамкорликни кучайтириш, қардош мактаблар дастурларининг батафсил концепцияси ва йўл харитасини ишлаб чиқиш, туркий давлатлар ташкилоти ўртасида халқаро Ал-Хоразмий ёш математиклар олимпиадасини ўтказиш белгиланган [7].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Туркий давлатлар ташкилотининг илм-фан, таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари бўйича қуйидаги ташаббусларни амалга ошириш яқин истиқболда ижобий натижаларга олиб келади:

- ўзаро ҳамкорлик асосида ёшлар учун интеллектуал платформа яратиш, ёш олим ва тадқиқотчилар алмашинуви дастурларини янада ривожлантириш;



- ўз илмий ишларида салмоқли натижаларга эришган олимлар ва инноваторлар, илмий ва таълим муассасалари вакиллари ҳамда турли кўрик-танловларнинг ёш ғолибларини бирлаштириш;
- ёш мутахассис кадрларни тайёрлаш, илмий-тадқиқот сиёсатини олиб бориш, ёш авлодни илмий дастурлар ва жараёнларга жалб қилиш борасидаги ҳамкорлик дастурларини ривожлантириш;
- тадқиқотчиларнинг диссертацияларини туркий мамлакатларда ёқлаш амалиётини жорий этиш;
- ўзаро ҳамкорлик асосида қисқа муддатли стажировкалар, грантлар эълон қилиш ҳамда ёзги мактабларни ташкил этиш;
- ёш олимларнинг илмий-тадқиқот ва ўқув-англаш фаолиятини рағбатлантириш, ижодий қобилиятларини юзага чиқариш, шунингдек, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш.

#### REFERENCES:

1. <https://e-tarix.uz/vatan-tarixi/122-turk-haqonligi.html>
2. <https://xs.uz/uzkr/post/orkhun-enasoj-obidalari-haqida>
3. <https://zarnews.uz/post/turkiy-xalqlarning-barchasi-bir-millat-bir-oilaga-mansub>
4. <https://president.uz/uz/lists/view/5687>
5. <https://lex.uz/docs/4512282>
6. <https://yuz.uz/news/qorabogda-mirzo-ulugbek-nomidagi-maktab-ochildi>
7. <https://zarnews.uz/post/turkiy-davlatlar-tashkilotiga-azo-mamlakatlar-talim-tizimida-hamkorlikni-yolga-qoyadi>
8. Маткаримова, Ж. Д. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОДАВЛАТ ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ КАДРЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ИШТИРОКИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 1), 297-303.

## МУҚОБИЛ ТРАНСПОРТ КОРИДОРЛАРИНИ ЯРАТИШ СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИНИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

**Бахтиёр Эргашевич Юлдашев**

ТДТрУ “Халқаро оммавий ҳуқуқ” кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

[baxtiyor.yoldoshev@inbox.ru](mailto:baxtiyor.yoldoshev@inbox.ru)

### АННОТАЦИЯ

Муаллиф ушбу мақолада мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жаҳон бозорига чиқишни таъминлайдиган муқобил транспорт коридорларини излаб топиш борасида Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик йўлини таҳлил қилади.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье автор анализирует пути международного сотрудничества Узбекистана в поиске альтернативных транспортных коридоров, обеспечивающих выход на мировой рынок с первых дней независимости.

### ABSTRACT

In this article, the author analyzes the ways of international cooperation of Uzbekistan in the search for alternative transport corridors that provide access to the world market from the first days of independence.

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув ва интеграция жараёнларининг авж олиши давлатлар ўртасидаги савдо алоқаларининг кенгайишига олиб келди. Ушбу жараён, бир томондан транспорт коммуникациялар тизимини ривожлантириш, арзон ва қисқа трансконтинентал транзит коридорларини шакллантиришни талаб этаётган бўлса, иккинчи томондан, минтақа мамлакатларининг жаҳон транспорт тизими билан туташувчи транспорт тизимларини ўзаро мувофиқлаштиришни тақозо этмоқда. Бугунги кунда кўплаб транспорт лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. Хусусан, Хитой томонидан илгари сурилаётган “Буюк ипак йўли”ни қайта тиклашга қаратилган “Бир камар, бир йўл” глобал транспорт коридорларини яратиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳани алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бу каби транспорт коридорларининг ишга тушиши халқаро

ташувларда ҳам вақтни, ҳам ортиқча харажатларни тежалишига олиб келади. “Ер шари аҳолисининг 60 фоизидан ортигини қамраб олган минтақага оид ушбу кенг кўламли лойиҳанинг ҳаётга тадбиқ этилиши мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида ягона тинчлик, фаровонлик, тараққиёт, ҳамкорлик ва дўстлик маконини шакллантиришга хизмат қилишига, ..бепоён Евроосиё қитъасида барқарор ривожланиш, янги иқтисодий тузилмани қарор топтириш мақсадида бугунги куннинг кўплаб муаммоларини самарали ва ўзаро манфаатли тарзда ҳал этиш йўллари ишлаб чиқишни бошлаб беришга ишончим комил,” – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев<sup>1</sup>.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида транспорт коммуникацияларини жадал ривожлантиришга эътибор қаратилиб, мақсадли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, бу борада халқаро аҳамиятга эга транспорт коридорларини ривожлантиришда муайян натижаларга эришилди, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармон ҳамда махсус қарорлари асосида 2001 йилнинг охирида 633 километрлик “Навой-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус”, 2007 йил август ойида 223 километрлик “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон”, 2016 йил июнь ойида эса 123 километрлик электрлаштирилган “Ангрен-Поп” янги темир йўлларнинг фойдаланишга топширилиши нафақат ички ташувларни ортишига, балки Ўзбекистоннинг транзит имкониятларини яхшиланишига олиб келди<sup>2</sup>. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда Ўзбекистон манфаатларига зид муқобил транспорт коридорлари лойиҳаларнинг таклиф қилинаётгани ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни жадаллаштиришни тақозо этмоқда. Бу борада 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам транспорт тармоғи масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Стратегиянинг “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш”га оид давлат дастурида халқаро ҳамда минтақавий транспорт коридорларини ривожлантириш юзасидан алоҳида вазифалар белгиланган. Хусусан, “Транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш, ... Транспорт соҳасида ташқи савдо учун

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. “Бир макон, бир йўл” – манфаатларимиз муштарак. // Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Т., “Ўзбекистон”, 2018, 410-411-бетлар.

<sup>2</sup> Ж. С. Раматов, Б.Э. Юлдашев. Железные дороги Узбекистана: история, настоящее, перспективы. «Транспорт шёлкового пути, № 1, 2019, 11-бет.

“яшил коридорлар” ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш ва транзит юк ҳажмини 15 миллион тоннага етказиш”<sup>3</sup>.

Марказий Осиё минтақасининг географик жойлашувининг ўзига хослиги, яъни денгиз портларига ва катта транспорт узелларига тўғридан-тўғри уланиш имкониятининг йўқлиги туфайли транспорт тармоқлари ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари минтақа мамлакатлари учун ҳамisha устувор, стратегик, ҳаётий муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири транспорт соҳаси ҳисобланади. Агар минтақа мамлакатлари раҳбарлари иштирокида сўнгги ўн йил давомида бўлиб ўтган учрашувлар, йиғилишлар ва ўзаро ташрифлар таҳлил қилинса, деярли барча учрашувларда транспорт соҳасини ривожлантириш, транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш ҳамда муқобил транспорт коридорларини шакллантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиб келинаётганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни амалга оширишга қаратилган 130дан ортиқ турли шартномаларнинг 40 га яқини иқтисодий ҳамкорликка оид ҳужжатлардир. Шулардан транспорт соҳасидаги ҳамкорликни тартибга солувчи ҳужжатлар қаторига 1996 йилдаги “Автомобилда йўловчи ва юк ташуви ва халқаро темир йўллар соҳасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида”ги, “Транспорт ва коммуникациялар соҳасида келишилган сиёсат юргизиш тўғрисида”ги, “Транзит юкларини бошқариш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги келишувлар ва “Темир йўл транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида”ги шартнома ҳамда 1997 йилдаги “Темир йўл транспорти соҳасида тариф сиёсатини бошқариш тўғрисида”ги келишувларни киритиш мумкин. “Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой” темир йўли ТРАСЕКА дастури доирасида 1997 йил Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой расмийлари ўртасидаги ўзаро келишув асосида амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, 2001 йил лойиҳа иштирокчилари томонидан темир йўл магистралини куриш бўйича ҳукуматлараро меморандум имзоланган ва мазкур темир йўлни 2010 йилда куриб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган эди. Ҳисоб-китобларига кўра, ушбу лойиҳа амалга ошгандан сўнг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Хитой, Жанубий Корея, Япония ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатларига экспорт қилиш ҳажми йилига

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ – 60 – сонли “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони. Lex UZ on – line.

10-15%га ортиши кутилмоқда. Хусусан, темир йўл Ўзбекистон учун қўшимча муқобил йўл сифатида катта аҳамият касб этиб, Сарик денгиз портларигача бўлган масофани 1100 километрга қисқартиради, шунингдек магистраль орқали Қорақум шоссесидан Покистоннинг Карачи портларига чиқиш имконияти туғилади. Қуриладиган темир йўлдан Қирғизистон асосий манфаатдор бўлиб, ҳар йили темир йўлдан 12-14 млн тонна транзит юк ташиш, мамлакат учун фақат транзитдан тушадиган фойда 200-280 млн долларини ташкил қилиши айтилмоқда. Шу билан бирга, Қирғизистонлик экспертлар товарларни ушбу магистраль орқали ташиш вақти ва масофасини унга рақобатчи бўлган йўлларга таққослаганда, тегишли равишда, 7-8 кун ва 900 километрга камайтириш имконини беришини таъкидлашмоқда. Қолаверса, лойиҳа ишга тушса, мамлакатда қўшимча 50 минг ишчи ўрни яратилиши тахмин қилинмоқда<sup>4</sup>.

Бирок, 2004-2010 йй. давомида қуриб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган мазкур темир йўл лойиҳасини амалга оширишда айрим муаммолар мавжудлиги сабабли режадаги ишларнинг муддати ортга сурилмоқда, хусусан, тоғларида ўтадиган темир йўлнинг ҳар бир километри жуда катта пул. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, тоғларда бир километр темир йўлнинг нархи текисликда ётқизилган темир йўл нархидан тўрт-эtti баравар ошади. Бу жуда кўп сонли туннеллар, кўприклар ва бошқа инфратузилма. Яъни, ҳар сафар қурилиш нархи ошган. Ва агар дастлабки лойиҳа икки миллиард доллар ҳақида гапирган бўлса, Шимолий йўналишни амалга ошириш деярли олти миллиард долларга баҳоланмоқда. Бу жуда катта пул.

Қирғизистон таклифи кўпроқ шу лойиҳа орқали унинг раҳбарияти ички транспорт муаммоларини ҳал қилишга ҳаракат қилмоқда. Шу билан бирга, Хитой ва Ўзбекистон Жанубий йўлдан манфаатдор. Ахир, транспортда энг яхши вариант - бу қисқа маршрут: йўл қанчалик қисқа бўлса, уни тезроқ қуриш мумкин бўлса, у шунчалик арзон бўлади. Ҳозир жуда мураккаб жараён давом этмоқда ва Қирғизистоннинг бу жараёндаги алоҳида позицияси ҳар доим ҳам конструктив эмас.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларни таъкидлаш жоиз деб ҳисоблаймиз, хусусан, юртимизда транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, муқобил транспорт йўлакларини яратишга қаратилган улкан лойиҳаларнинг амалга оширилиши

<sup>4</sup> Зоҳидов А. А. Марказий Осиё транспорт тизимини самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация. Т., 2018, 133-бет.



нафақат мамлакат ичида юк ташишга бўлган талабни қондирди, шу билан бир қаторда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ўсишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

### REFERENCES:

1. Шавкат Мирзиёев. “Бир макон, бир йўл” – манфаатларимиз муштарак. // Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Т., “Ўзбекистон”.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ – 60 – сонли “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони.
3. Зоҳидов А. А. Марказий Осиё транспорт тизимини самарали бошқариш механизмининг такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация. Т., 2018.
4. Раматов Ж. С., Юлдашев Б. Э. Железные дороги Узбекистана: история, настоящее, перспективы. «Транспорт шёлкового пути, № 1, 2019.

## ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ АЛОҚАЛАРИ, ТАРИХИЙ-АДАБИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

**Зиёдулла Давронов**

Тошкент молия институти профессори.

**Ўрозбой Кукланович Эрнӣзов**

Тошкент давлат транспорт университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси  
ўқитувчиси

### **АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада инсоният тарихи тараққиётида ўрта асрда туркийларнинг муҳим ўрин тутганликлари, жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшганликлари, умумтуркий халқларнинг ўзига хос ёзувлари, адабиёти, санъати ва маданияти, урф-одат ва анъаналари, тарихий-адабий меросини ўрганишни айрим масалаларига эътибор қаратилиб, таҳлил қилинади. Қадимги турклар тарихини ўрганишда Ўрхун ёзма ёдгорликлари, унинг моҳиятини талқин этишнинг бугунги кунда аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Ёзув мантларидан мисоллар келтирилиб, уларнинг мазмунига эътибор қаратилади.

**Калит сўзлар:** Жаҳон цивилизацияси, тарих, тарихий-адабий мерос, санъат ва маданият, урф- одат ва анъаналар, ўрхун ёзуви, қадимги турклар, турк рунологияси, тошбитиклар.

### **АННОТАЦИЯ:**

В данной статье рассматривается значение тюрков в развитии истории человечества в средние века, их достойный вклад в мировую цивилизацию, особенности письменности, литературы, искусства и культуры, обычаи и традиции тюркских народов, их обычаи и анализируются традиции, а также некоторые вопросы изучения их историко-литературного наследия. При изучении истории древних тюрков говорят о значении письменных произведений Орхуна и интерпретации их сущности в наши дни. Приводятся примеры написания текстов и уделяется внимание их содержанию.

**Ключевые слова:** Мировая цивилизация, история, историко-литературное наследие, искусство и культура, обычаи и традиции, Орхун езуви, древние тюрки, турецкая рунология, петроглифы.

**ABSTRACT:**

In this article, the importance of the Turks in the development of human history in the Middle Ages, their worthy contribution to world civilization, the specific writings, literature, art and culture, customs and traditions of the Turkic peoples, their customs and traditions, and some issues of studying their historical-literary heritage are analyzed. . In the study of the history of the ancient Turks, there is talk about the importance of Orkhun's written works and the interpretation of its essence today. Examples of writing texts are given and attention is paid to their content.

**Keywords:** World civilization, history, historical-literary heritage, art and culture, customs and traditions, Orhun ʻezuvi, ancient Turks, Turkish runology, petroglyphs.

Қадимги туркий ʻезув Ўрхун-Енисей ʻезуви сифатида - Марказий Осиёда милоднинг VI-VIII-асрларида туркий тиллардаги сўзларни ифодалаш учун қўлланган ʻезув шакли деб айрим манбаларда аталсада, ʻезувнинг тадрижий босқичи милоддан аввалги IV-III-асрларга бориб тақалади. Бу ʻезув сиёсийҳарбий жараёнларда етакчи қабила диалекти сифатида ўша даврдаги давлат тили, яъни адабий тил мақомида бўлганлиги ва туркология фанига ЎрхунЕнисей ʻезувлари тили деб танилганлиги билан аҳамиятлидир. Қадимги туркий ʻезув ёдгорликлари асосан эпиграфия сифатида, тошбитиклар ҳолатида Марказий ва Ўрта Осиё, жумладан шарқий Туркистон, Сибир, Олтой ва Мўғулистон ҳудудида яратилган бўлиб, ушбу ʻезувлардан дастлабки ўрта асрларда Шарқий ва Ғарбий турклар, тургешлар, қарлуқлар ва уйғурлар томонидан фойдаланилган. Қадимги турк ʻезувларидан хонлар, сардорлар, қабила бошлиқлари, қаҳрамонлар ва турли мансабдорлар қабрлари устига тикланган устунларда, тошларда, метал идишларда, кулолчиликда ва бошқа майда буюмларда ва ниҳоят, кейинги давр қўлёзмаларида ушбу ʻезувлардан намуналар сақланиб қолган.[1]

Археологик қазилмалар натижасида аҳолининг саводхонлигининг сезиларли даражаси, ʻезувлар билан кўплаб уй-рўзғор буюмлари ва қабр устидаги кўплаб эпитафиялар топилган. Ёзма тил ва адабий тилнинг мавжудлиги кўп жанрли адабиётнинг ривожланишига асос бўлди, бу эса туркий халқларнинг юксак маданияти ва цивилизациянинг яна бир кўрсаткичидир. Ўрта асрларда, мутафаккирлар, ʻезувчилар, рухонийлар ижоди бошқарувчи хонлар томонидан қўллаб-қувватланган.[2]

Ўрта аср адабиёти дастлабки туркийликни, шу жумладан Аҳмад Югнакий, Юсуф Боласўғуний, Аҳмед Яссавий, Сулаймон Бақирғоний, Кул Гали ва бошқалардан бошланган болгар анъаналарини араб-форс мусулмонлари Шарқи, Имом Ғаззолий, Фирдусийнинг ёзма маданияти билан узвий боғлаган, Саъдий, Маарри, Абу Ҳамид, Навоий ва бошқалар).

Аҳмад Хўжа асСарой, Мавл Казий Мухсин, Мавлон Исҳак, Факих Берке ва бошқаларнинг лирик шеърлари ўрта аср давридаги улкан тарихий воқеалар ана шундай эпик афсонада акс этган, Ушбу асарлар туркий адабиётининг мумтозига айланди, унинг асосларини яратди ва ҳозирги кунгача мавжудлик ёъналишини белгилаб берди[3].

Ўрта аср шаҳарларида бадий адабиёт билан бир қаторда риторика, теософия, шариат қонуни, табиатшунослик (амалий ва назарий) ва тиббиётга оид илмий рисоалар яратилган. Ўрта асрда туркий олимлар мусулмонларнинг маънавий илмлари ривожлантириб, Қуръон таржимонлари, математиклар ва астрономлар этишиб чиқди. Қизиқарли бир мисол келтириш мақсадга мувофиқ: Сайф Сарой "Сухайл ва Гулдурсун" шеърида Николай Коперникнинг илмий гелиоцентрик контсепцияси пайдо бўлишидан тахминан 150 йил олдин, Ернинг Қуёш атрофида айланишини образли равишда эслатиб ўтади. Ўрта аср асарларда луғатлар, шу жумладан сарой, тарихий ва насабий анъаналар билан боғлиқ ёзувлар бизгача этиб келган. Мураккаб кўп қатламли Ўрта аср туркий маданиятини ривожлантириш ҳақида гап кетганда, давлатдаги ўта ўзига хос диний вазиятни эслатиб ўтмаслик мумкин эмас (шунингдек диний омил, албатта, сиёсат, мафкура ва иқтисод учун катта аҳамиятга эга эди). Аста-секин Ўрта аср туркий халқлар жамиятида дунё динларидан бири Ислом дини биринчи ўринга чиқди. Исломни танлаш ҳар иккала ички омил билан ҳам белгиланди - у Хоразм ва Волга-Кама Болгариясида VIII-X асрлардан бери тан олинган эди.

Кўчманчи задогонлар орасида Ислом кўпинча ҳарбий шараф кодекси ва анъанавий турмуш тарзини қамраб оладиган ташки маросим қобиғи бўлиб қолаверди. Тенгри культига келсак, Олтин Ўрда қадимги турклар ва мўғулларнинг ибтидоий динининг қолдиқ шакли сифатида Тенгриизм унсурларини ўзида мужассам этган модернизациялашган ислом шакли. Ўзбекхон ва Жонибек хонлари даврида Ислом императорлик мафкурасининг асосини ташкил этган Улус Жўчининг сиёсий ва маданий ривожланишида ҳал қилувчи кучга айланди. Мусулмон бўлмаганлар энди тахтга ва маъмурий идораларга рухсат берилмади. Кейинчалик 10-11 асрларнинг бошларида -

Олтин Ўрда расмий динига айланган Ислом ва мусулмон мамлакатлари санъати туркий халқлар маданиятига тобора кўпроқ таъсир қила бошлайдилар. Энди бадийий услуб мусулмонлар канонлари томонидан тартибга солиниб, хаттотлик ва безак рамзийлигини камайтиришга интилади. Халқ ижодида исломгача бўлган анъаналардан келиб чиққан тасвирлардан фойдаланиш анча узоқ сақланиб қолган. Ривожланаётган янги санъатда "туркий бадийий анъаналар Мўғулистон, Хитой, Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Россия ва Шарқий Европанинг бадийий техникалари билан ижодий мулоқотга киришди", бу туркий халқлар ва бутун дунё ўртасида мавжуд бўлган жонли моддий ва маънавий алоқаларни акс эттиради.". Бу даврда бадийий санъат асосан декоратив ва амалий жанрда ривожланди: заргарлик буюмлари, костюм деталлари, идиш-товоқлар, уй-рўзгор буюмлари, қурол-яроғлар, ҳарбий ва от жиҳозлари - буларнинг барчаси қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ва марваридлар, таъқиб қилиш, ўймакорлик, геометрик, ҳайвонот боғи ва антропоморфик ва арабча нақшлар билан безатилган тасвирлар ва безаклардир. ўрта аср туркий халқлар ижодкорларининг кўлидан чиққан буюмларнинг аксарияти ҳақиқий санъат дурдоналари ва бугунги кунда улар Россияда (хусусан, Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитаж музейида) ва чет элларда дунёнинг этакчи музейлари экспозициялари ва фондларида муносиб ўрин эгаллайди. Орта асрлардаги фаол шаҳарсозлик яна бир визуал жанрни ривожлантиришга асос бўлди - монументал, декоратив ва мозаик, ўймакорлик, фреск расмлари, безак тошлари ва гипсга ишланган буюмлар, кўринишидаги шоҳ асарларнинг пайдо бўлиши даври ҳисобланади. Бинонинг жабҳаси ва ички томонларини ва қабр тошларини қоплаш учун ишлатилган бой полихромли ва безакли, зарҳал билан бўялган декоратив ўзгача гуллаган ва ривожланган. Ўрта Осиёдаги туркий мусулмон давлатлари санъати кўплаб халқларнинг анъаналарини ўзида мужассам этган ва тадқиқотчилар ҳақли равишда унинг синкретик хусусиятини қайд этишган. Ўрта Осиё учун ўрта асрлар иқтисодий ва маданий юксалиш асри бўлди. Шаҳарлар бойиди, о'сди, зироат, хунармандчилик ва савдо гуллаб-яшнади. Суғудлар бу замонда тажрибали воситачи савдогарлар сифатида ўзларини кўрсатди. Улар Хитой ва ўрта Ер денгизи орасида мулоқот ўрнатдилар, бунинг учун қадимий карвон йўлларида фойдаланишди. Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларда туркий халқлар илмий-маданий юксалиш бутун дунё илм-фан соҳасининг ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшди. Ушбу ўлкадан етишиб чиққан илм-фан ва маданият соҳаси ривожига катта таъсир



кўрсатган етук сиймоларнинг бизга қолдирган илмий ва маънавий меъроси бугунги авлод учун бебаҳо хазина саналаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 15 октябрь куни Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммитида ташкилотга аъзо давлатлар адабиётининг энг сара намуналаридан иборат “Туркий адабиёт дурдоналари” деб номланган 100 жилдлик китоблар туркумини ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр этиш ғоясини илгари сурган эдилар.

2022 йил 11 ноябрида Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур мухташам тўплам ҳақида ҳам тўхталиб, жумладан, шундай дедилар: “Биз яқинда Ташкилотимизга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар адабиётининг сара намуналаридан иборат 100 жилдли “Туркий адабиёт дурдоналари” тўпламини ўзбек тилида нашр қилдик. Ушбу бебаҳо маънавий хазинани барча аъзо ва кузатувчи давлатлар тилларида ҳам чоп этсак, қардош элларимизни, авваламбор, ёш авлодларимизни ўзаро яқинлаштириш учун мустаҳкам замин яратган бўлар эдик”.

## REFERENCES

1. 1.ҚАДИМГИ ТУРКЛАР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ЎРХУН БИТИКЛАРИНИНГ ЎРНИ. Pedagogik ta'lim klasteri: muammo va yechimlar Pedagogical Education Cluster: Problems and Solutions Кластер педагогического образования: проблемы и решения. Chirchik, UzbekistanInternational Conference. Насриддин Атакулович Назаров Фалсафа фанлари доктори, сиёсий фанлар доктори, Тошкент Архитектура-қурилиш институти профессори.
2. ТАРИХДА ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ АЛОҚАЛАРИ. World scientific research journal. Volume-10\_Issue-1\_December 2022. Ўрозбой Кукланович Эрнийёзов Тошкент давлат транспорт университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси.
3. Ганиев Р.Т. Восточно-тюркское государство в VI-VIII веках. – Екатеринбург: Изд-во Урал.Ун-та, 2006. – С. 124 .
4. Давронов З. Илмий ижод методологияси. – Т.: “Iqtisod moliya”. 2007– 216 б.

## ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ЭЪТИҚОДИ: МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ МАНСУБЛИК

**Ж. Д. Маткаримова**

- ф.ф.д.(DSc), профессор в.б.,

Тошкент давлат транспорт университети (Ўзбекистон)

**А. К. Эшиев**

ф.ф.д, профессор Ош давлат университети (Қирғизистон)

**А. О. Жолдошева**

п.ф.н., доцент Ош давлат университети (Қирғизистон) [akchach@mail.ru](mailto:akchach@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада туркий халқлар дунё бўйлаб тарқалиб кетиши ва уларнинг бошқа халқлар билан аралашуви ҳамда уларнинг диний эътиқод масалалари ёритилган. Шунингдек, ғарб олимларининг тадқиқотлари асосида бахс келтириб чиқарувчи манбалар ва маълумотлар таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** туркий халқлар, диний эътиқод, мураса, халқлар аралашуви, кураш тамойиллари

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается распространение тюркских народов по миру и их смешение с другими народами и их религиозными верованиями. Также анализируются спорные источники и данные на основе исследований западных учёных.

**Ключевые слова:** турецкий народ, религиозные убеждения, компромисс, смешение народов, принципы борьбы.

### ABSTRACT:

This article covers the distribution of Turkic peoples around the world and their intermingling with other peoples and their religious beliefs. Also, controversial sources and data are analyzed based on the research of Western scientists.

**Keywords:** Turkish people, religious belief, compromise, mixing of peoples, principles of struggle

**“Туркий халқларнинг овози дунё бўйлаб янада баланд, янада кучлироқ янграмоқда” – Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев [1].** Шу муносабат Президент Туркий халқлар бирдамлигини, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий кадриятларини ифода этадиган **«Туркий дунё хартияси»**ни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Ушбу ўзига хос рамзий қомусни «соҳанинг етук олимлари ва экспертлар иштирокида тайёрлаш» таклифини берди.

**Тарихий манбаларда туркий халқлар турмуш тарзи, келиб чиқиши ва уларнинг эътиқодлари ҳақидаги маълумотларни ҳар доим ҳам топиб бўлмайди. Маълумки,** туркий халқларни дунёнинг барча ҳудудларида истиқомат қилишини биламиз ва улар ер юзига кенг тарқалиб кетган. Биз Байкалдан Болқон ярим оролигача бўлган кенг майдонда бошқа халқлар билан аралаш тарзда яшашини ҳам кузатишимиз мумкин. Мазкур майдоннинг шимолий чегараси Ўрта Сибир, Кавказ ўрталари, Қораденгиз қирғоқлари, Крим ва Бессарабиянинг бир қисми, жанубда эса у Олтой бўйлаб айрим жойларда Мўғулистонга қадар, жануби-ғарбгача ва Шарқий Туркистон, Эрон ва ундан Кичик Осиёга ча бўлган ҳудудларни қамарб олади. Туркий қавмлар бу ҳудуддан ташқарида ҳам бор. Масалан, Литва татарларини кўрсатишимиз мумкин; улар кўп замонлар ўз қабиладошларидан айри яшаганлиги туфайли, тилини унутишган ва ҳозирда поляк ё белорус тилида сўзлашади. Шу билан бирга, бошқача мисолларга ҳам дуч келамиз: мазкур майдон ичида туркий бўлмаган, аммо туркий тилда сўзлашадиган халқлар (сартлар) ҳам бор [2].

Этнограф И.Жабборов ўзининг **“Жаҳон этнологияси асослари”** номли китобида туркий халқларнинг давлатчилик тизимлари ташкил топганидан кейин тарқалиб кетганликларини келтириб ўтади: **“Масалан, турклар ўз давлатини ташкил қилганидан кейин (VI аср) бир неча аср давомида катта-катта гуруҳларга ажралиб, кўплаб юртларга тарқаб кетганлар”** [3].

Юқори Олтойда бир қанча майда туркий элатлар яшайди, уларнинг анчагинаси ненецлар билан қоришиб ҳам кетган. Олтойлар, телеутлар, шимоли-ғарбий Мўғулистонда урянхай, шунингдек, саян, сойот ва тувалар деб ҳам аталадиган элатлар ҳам яшайди ва улар бошқа туркийлардан фарқли ўлароқ милодий VIII асрда кириб келган ислом динига кирмай, қадимги шомонийлик дунёқарашида қолганлиги билан ажралиб туради. Шомонийликнинг моҳияти эса бутун табиатни жамлаштиришда кўринади. Уларнинг Г.Н.Потанин асарларида келтирилган афсона ва эртакларида бу нарса яққол акс этган. Бу асотирларда одам билан ҳайвонлар орасида, ўсимликлар билан тош-туپроқ

орасида ҳеч қандай чегара йўқ. Барча нарса тирик, барчаси ҳаракат қилади, барчасининг ўз руҳи бор. Шомоний халқлар дунёқарашида бутун табиат – жонли. Бирон-бир жиҳатдан диққатга сазоворроқ бўлган жой (дарё, тоғ, довон ва ҳоказо.)га эса алоҳида эътибор қўйилади. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ҳар қайси тоғ, дарё, дара ва ҳоказонинг руҳи шомоний турклар томонидан ЭГА, яъни хўжайин деб номланади. Шундай қилиб, анимистик дунёқараш бу ҳолда иқтисодий тус ҳам олади. Мана шу ибтидоий дунёқараш устига монавийлик, нестоинлик, буддавийлик ва сўнгги пайтларда шарқий православ йўналишидаги христианлик сингари бошқа, нисбатан кучлироқ тараққий этган динларга хос жиҳатлар ҳам қўшилган. Ана шу динлар таъсирида шомонийлик дунёқарашида янги худолар тўғрисида таълимот ва афсоналар пайдо бўлди [4].

Гўёки руҳлар олами билан мулоқотга киришиш жараёни ва унда биз эмоционал ҳолатларнинг атрофдагиларга таъсир кучини кўрамиз. Туркшунос филолог олим П.А.Фалёв ўзининг “Туркий халқларнинг сўз санъати” номли мақоласида шундай эслайди: “Буни академик Радлов алоҳида таъкидлаган эди. Шомоннинг қамлашини тасвирлаб кўрсатган миссионер Вербицкий ҳам бундай ҳолатда миссионер ўртага қўйиши табиий бўлган саволлар тўғрисида сўз очмайди, балки унинг назарида анча жиддий бир сабаб – иблиснинг мададига боғлаб тушунтиради [5].

Ўрта Осиё республикаларида тили, дини, маданияти ва дунёқараши турлича бўлган ҳар хил элат, халқ ва миллатлар яшайди. Бу регионда қадимги юксак маданият яратган халқлар узок мураккаб тарихий тараққиётни босиб ўтиб асрлар давомида яқин муносабатда бўлиб умумий маконни яратганлар. Марказий Осиё туркий халқлардан ташкил топганлигини тадқиқотчилар ўз асарларида турли хил далилларни келтириб ўтишади. “Маҳаллий аҳоли асосан икки йирик тил туркумига: ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ва уйғурлар олтой тил оиласининг туркий тил туркумига, тожиклар, белужийлар, курдлар ва форслар эса хинд-европа тил оиласининг эроний тил туркумига киради. Улар айрим, бир неча тил туркумига оид халқларнинг авлоди. Минтақадаги ҳозирги аҳолининг 60% и туркий тилларда гапирадиган халқлар, 27 % и славян халқларининг, 7% и эроний тил оиласининг вакиллари” [6]. Албатта, уларнинг этник таркибида бошқа халқлар билан аралашув мавжуд, лекин бу аралашув диний эътиқодни ўзгартириб юборадиган даражада эмас эди. Ўрта Осиёнинг энг қадимий халқларидан бири ҳисобланган

қирғизлар асосан Қирғизистонда, кўшни Ўзбекистан ва Тожикистонда, қисман Шимоли-Фарбий Хитойда ва Шарқий Афғонистонда яшайдилар.

Масалан, М.Осиё халқлари зардўштиғлик дини, насронийлик динига эътиқод қилганлари ҳақида ҳам манбаларда келтирилган. IX—XII асрларда араб тилида ижод қилган шарқ муаллифларидан Ибн Хурдодбек, Ал-Балхий, Ал-Истахрий, Ибн Ҳавкал, Масъудий, Ёқут сингари йирик географ ва саёхатчилар, файласуфлар Абу Наср Форобий, машхур энциклопедист олим Абу Райхон Беруний (айниқса, унинг “Х и н д и с т о н “ асари) ва буюк табиб Ибн Сино, географ ва тарихчи Ибн Мухаммад Саъмоний асарларида Ўрта Осиёда яшаган аҳоли ва уларнинг диний эътиқодлари ҳамда ижтимоий турмаш тарзи тўғрисида маълумотлар акс этган.

“Марказий Осиёни тадқиқ қилиш бўйича Европа маълумотномаси: тарих, сиёсат ва жамиятлар” тўплами тузувчилари кўрсатишича, Марказий Осиё минтақаси кўплаб маданий дунёлар чорраҳасида жойлашган ҳамда форсий, туркий, мўғул, чин, рус ва бошқа дунёлар асрлар давомида йиғилиб борган излар қолдирган. Шу маънода бир замонлар Тибет империяси тарихчиси ёзиб қолганидай, “Марказий Осиё Евроосиё тарихини тушуниш учун муҳим аҳамиятга эга (...) Бу бутун жаҳон тарихининг етишмаётган халқасидир” [7], дейилган. Бундан ташқари, мана шу халқлар динлар мозаикаси ҳосил бўлди ва бугунги кунда ушбу мерос глобаллашув, миллий ўзлик шаклланиши, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларнинг кўп сонли гуруҳлари ўртасидаги кураш тамойиллари (*тенденция*) билан ўзаро муносабатга киришмоқда ҳамда молиявий ресурслар олишга ёки ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилишга даъвогарлик қилмоқда.

Гент университети профессори Бруно Х. Де Кордйенинг “**Марказий Осиёнинг араб чегара колонияларидан “провинциал сулолалар”гача бўлган дастлабки исломлаштирилиши (160 – 1000 йй.)**” [8]деб аталувчи тўртинчи бобида М.Осиё халқларининг эътиқоди [ислом дини] 630 йилдан 1000 йилга қадар Марказий Осиёга олиб кирилган ва тарқалгани ҳамда пировардида ўша эътиқоднинг дастлабки ташувчилари ва ҳимоячилари дунёдан ўтиб кетгандан сўнг ҳам у кўп асрлар давомида минтақадаги аҳолининг аксарияти ва жамиятлар ўртасида ижтимоий ва маданий ўз-ўзини англашнинг марказий унсури бўлиб қолганини тадқиқ қилади.

М.Осиё халқларининг тарихи, фалсафаси ва диний эътиқоди тўғрисидаги олдиндан тўқиб чиқарилган унинг таъсирида пайдо бўлган ноҳолис илмий ва адабий-бадиий тасаввурлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун дискурсга сабаб



бўладиган воқеа ва ҳодисалар ҳам кўп, яъни илмий исботини топмаган ва қайсидир ҳукмрон гуруҳлар манфаати учун хизмат қиладиган ва ўша гуруҳлар мафқураси учун хизмат қилган ғоялар ҳам мавжуд. Бу масалада биз Ғарб олимлари, тадқиқотчилари, Рус олимлари ва Хитой манбаларини солиштирсак, хатоликлар келиб чиқади.

Себастьян Пейруз “Марказий Осиёнинг замонавий (постсовет) диний манзараси: оёққа туриш жараёнидаги “десекуляриза ция”ми?” [9] мақоласида Марказий Осиёда динга ва диндорликка қизиқиш ортиб бораётгани ҳақида сўз юритилади. Мақолада шундай дейилади: “Қирғизистонда 2007 – 2012 йиллар оралиғида ҳафталик диний хизматларда иштирок этувчи кишилар икки баробардан кўпроқ ортди. Совет тизими даврида таълим олган ва намозни мунтазам ўқимаган ота-оналардан фарқли ўлароқ, ёш авлод орасида диндорлик ва диний амалиётларни бажариш, айниқса, кўзга ташланмоқда. 2000-йиллардан бошлаб минтақада ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишича, сони тобора ортиб бораётган ёш авлод ислом динининг 5 та рукнига тобора кўпроқ ҳурмат билан ёндашмоқда [10], диний таълим бериш ортишини талаб қилмоқда, спиртли ичимликлар ичишдан воз кечмоқда ва ҳалол таомлар билан парҳез қилмоқда. Кўплаб ёшлар оила даврасидан ташқарида ўзлаштирган диний қоидалар билан маданият ва динни омухта қилувчи маҳаллий анъаналар ўртасида ўз диний ҳаётини мувозанатлашга ҳаракат қилмоқда; ота-оналар маҳаллий анъаналарни ўз кимлигининг ажралмас қисми деб билади.

## REFERENCES:

1. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/11/03/turk-states/>
2. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/11/03/turk-states/>
3. Жабборов И. Жаҳон этнологияси асослари.—Т.: 0‘qituvchi“ Н М И У , 2008. 143- бет
4. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/pyotr-falyov-turkiy-halqlarning-suz-sanati/>
5. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/pyotr-falyov-turkiy-halqlarning-suz-sanati/>  
Фридрих Вилгелм Радлофф (1837 - 1918 йй), немис шарқшунос-турколог, этнограф, археолог ва таржимон. Туркий тилларни қиёсий тарихий ўрганиш асосчиларидан бири
6. Жабборов И. Жаҳон этнологияси асослари.—Т.: 0‘qituvchi“ Н М И У , 2008. 146- бет
7. European Handbook of Central Asian Studies: History, Politics, and Societies. Stuttgart: ibidem Verlag, 2021. <https://www.uzanalytics.com/kitob/9722/>

8. Bruno H. De Cordier's "Early Islamization of Central Asia from the Arab Frontier Colonies to the 'Provincial Dynasties' (160-1000 AD)" <https://www.uzanalytics.com/kitob/9722/>
9. Sébastien Peyrouz "The Contemporary (Post-Soviet) Religious Landscape of Central Asia: "Desecularization" in the Process of Resurgence?" 2021. <https://www.uzanalytics.com/kitob/9722/>
10. European Handbook of Central Asian Studies: History, Politics, and Societies. Stuttgart: ibidem Verlag, 2021. <https://www.uzanalytics.com/kitob/9722/>
11. Маткаримова Ж.Д. Ижтимоий манфаатлар ва фуқароларни бирлаштирувчи омиллар. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences [https](https://cyberleninka.ru/article/n/ijtimoiy-manfaatlar-va-fuqarolarni-birlashtiruvchi-omillar) 2023й. 3-том. 839-844 б. //cyberleninka.ru/article/n/ijtimoiy-manfaatlar-va-fuqarolarni-birlashtiruvchi-omillar

## TURKIY DAVLATLAR TASHKILOTI DOIRASIDA O‘ZBEKISTON VA TURKIYA O‘RTASIDAGI INVESTITSYAVIY HAMKORLIK

**D. T. Qudratov**

T. f. f. D. (PhD)

Guliston davlat universiteti, Guliston, O‘zbekiston

### ANNOTATSIYA

Maqolada O'zbekiston va Turkiya o'rtasidagi munosabatlarning boshlanishi, ikki davlat o'rtasidagi o'zaro manfaatli investitsiya hamkorligi, shuningdek, ta'lim, qurilish va to'qimachilik sanoati sohasidagi o'zaro hamkorlik tahlil qilindi.

**Kalit so'zlar:** TDT, investitsiyalar, tovar ayirboshlash, hamkorlik, sanoat

### АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрено начало взаимоотношений Узбекистана с Турцией, проанализировано взаимовыгодное инвестиционное сотрудничество между двумя государствами, а также взаимодействие в сфере образования, строительства и текстильной промышленности.

**Ключевые слова:** ОТГ, инвестиции, товарооборот, сотрудничество, промышленность

### ABSTRACT

The article examines the beginning of relations between Uzbekistan and Turkey, analyzes the mutually beneficial investment cooperation between the two states, as well as interaction in the field of education, construction and the textile industry.

**Keywords:** OTG, investments, trade turnover, cooperation, industry

O'zbekiston Respublikasi o'zining zamonaviy tashqi siyosatining yangi prinsiplari va yondashuvlariga amal qilib, yangi ko'p tomonlama integratsiya tizimlari hamda tashqi hamkorlar bilan aloqalarni rivojlantirishning an'anaviy formatlari doirasida o'zaro manfaatli hamkorlik yo'llarini izlashda davom etmoqda.

Bunday muhim tuzilmalardan biri turkiy davlatlarni tashkil etish bo'lib, uning faoliyati tinchlik va barqarorlikni mustahkamlash, keng hamkorlikni rivojlantirish va unga a'zo davlatlarning umumiy rivojlanishi uchun salohiyatni ochishga qaratilgan.

O'zbekiston 2019-yil oktabr oyida tashkilotning Bokudagi 7-sammiti davomida

Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo bo'ldi. O'zbekiston turkiy kengashning to'la huquqli a'zosi bo'lganidan so'ng, uning tashqi siyosatidagi ustuvor yo'nalishlardan biri hamkorlikning ko'p tomonlama shakllarini mustahkamlash yo'nalishi ekanligini yana bir bor ko'rsatdi. Turkiy dunyoda birdamlik va ishonch muhitini yanada mustahkamlash yo'nalishiga sodiqligini va Kengash doirasida har tomonlama hamkorlikni rivojlantirishga tayyorligini ta'kidladi.

O'z navbatida, sobiq SSSRning ko'pgina respublikalari singari mustaqilligining dastlabki yillarida O'zbekiston Turkiya bilan aloqalarga aniq ustunlik berdi va yosh davlat rahbariyati Turkiya bilan munosabatlarni o'rnatish va chuqurlashtirishga qiziqish bildirdi [2].

Darhaqiqat, Anqara va Toshkent 1990-yillarning boshlarida yaxshi munosabat o'rnatildi: diplomatik munosabatlar o'rnatildi, ikki davlat fuqarolarining o'zaro sayohatlari boshlandi, o'zbekistonlik savdogarlar Turkiya bilan o'zaro tovar ayirboshlash savdosiga juda qiziqib qolishdi; O'zbekiston va Turkiya aviakompaniyalari ikki mamlakatni bog'laydigan reyslarni amalga oshirishni boshladilar; turk maktablari ochila boshladi va turk biznesi O'zbekistonda faol ish boshladi, bundan tashqari o'zbekistonlik talabalarga Turkiya universitetlarida o'qish imkoniyati ochildi.

1995-yil 31-yanvardagi ma'lumotlarga ko'ra, O'zbekiston umumiy qiymati 125 million dollar bo'lgan turk tovar kreditlaridan foydalangan. Bundan tashqari, Anqara Toshkentga 125 mln.dollar miqdorida investitsiya kreditlari berish majburiyatini oldi. O'zbekistonga qarz mablag'larining asosiy qismini ajratgan Turkiya Davlat Eksimbanki bu sohada xalqaro valyuta-moliya tashkilotlari va ayrim davlatlarning tegishli tuzilmalari bilan faol hamkorlik qilib kelmoqda.

Turkiya kapitali iqtisodiyotning xizmat ko'rsatish sohasi (shu jumladan mehmonxona biznesi), to'qimachilik, oziq-ovqat va boshqa ba'zi yengil sanoat tarmoqlari, yirik kapital qo'yilmalarni talab qilmaydigan qurilish kabi sohalarini qo'llab-quvvatladi.[5].

Ikki mamlakat o'rtasidagi munosabatlar va hamkorlikdagi yangi bosqich O'zbekiston prezidentligiga Shavkat Mirziyoyev kelishi bilan boshlandi. 2017 yil oktyabr oyida u Anqaraga prezident sifatida birinchi tashrifini amalga oshirdi. Aslida, ushbu tashrif bilan O'zbekiston-Turkiya munosabatlariga yangi dinamizm berildi, chunki 1999 yildan beri bunday tashriflar bo'lmagan[6]. Prezident Mirziyoyev O'zbekiston birodar xalqlarimizning farovonligi va tinchligi uchun an'anaviy do'stlik, barcha sohalarda keng qamrovli va uzoq muddatli hamkorlikni rivojlantirish uchun barcha kuch va vositalarni safarbar qilishga tayyorligini bildirdi[7].

Shuni ta'kidlash kerakki, O'zbekiston va Turkiya bugungi kunda strategik sheriklar darajasidagi hamkorlik bosqichiga chiqdi. 2017 yil oktyabr oyida Prezident Shavkat Mirziyoyevning Turkiyaga birinchi davlat tashrifi chog'ida mamlakatlarimiz hamkorligini strategik sheriklik darajasiga olib chiqadigan Qo'shma bayonot imzolandi. Unga muvofiq, hamkorlikni kuchaytirish maqsadida yuqori darajadagi strategik hamkorlik Kengashi tashkil etildi. Masalan, tomonlar yaqin kelajakda o'zaro savdo hajmini 5 milliard dollarga yetkazmoqchi (bu ko'rsatkich 2019 yilda 2 milliardga yaqin edi). Bundan tashqari, 2020 yilda Turkiya va O'zbekiston harbiy hamkorlik to'g'risidagi bitimni imzoladilar [9].

Shuni ta'kidlash kerakki, Turkiya O'zbekiston mintaqaviy rivojlanishga eng ko'p sarmoya kiritgan davlatlardan biridir [10]. O'zbekistonga umumiy investitsiyalar ko'rsatkichi, agar uchinchi mamlakatlar vositachiligida amalga oshirilgan ishlarning qo'shilishi hisobga olinsa, 1,0 milliard dollardan oshadi. O'zbekistonning Turkiya bilan o'zaro hamkorligining hozirgi darajasi siyosat, xavfsizlik va mudofaa, iqtisodiyot va savdo, investitsiyalar, turizm, energetika, transport va tranzit, qishloq va o'rmon xo'jaligi, madaniyat, ta'lim, fan va texnika, innovatsiyalar va sog'liqni saqlash sohalarida o'zaro manfaatli hamkorlikning izchil rivojlanishi bilan tavsiflanadi.

Xususan, 2020-yil 27-may kuni Turkiyaning "Chalyk xolding" kompaniyasi bilan Toshkent shahrida umumiy qiymati 100 million dollar bo'lgan biznes markazi va mehmonxona majmuasini qurish bo'yicha investitsiya bitimi imzolandi, 10-sentabr kuni esa "Jengiz xolding" kompaniyasi bilan 240 MVt quvvatga ega issiqlik elektr stansiyasini qurish bo'yicha shunga o'xshash investitsiya bitimi imzolandi. Shu bilan bir vaqtda Aksa Energy bilan birgalikda Toshkent shahrida qiymati 60 mln dollarlik issiqlik elektr stansiyasini qurish bo'yicha loyihani amalga oshirishning faol bosqichi boshlandi. Shuningdek, "O'zmetkombinat" AJ va Olmaliq KMKda ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish va kengaytirish bo'yicha loyihalarni amalga oshirishning faol bosqichida "Renesans Heavy Industries" kompaniyasi ishga tushdi.

2020-yil 29-iyul kuni Bosh vazir o'rinbosari S. Umurzakov boshchiligidagi O'zbekiston delegatsiyasining Anqaraga tashrifi bo'lib o'tdi, unda Turkiya Buyuk Milliy Majlisi reja-moliya komissiyasi raisi Lutfi Elvan, Adolat va rivojlanish hukmron partiya raisining o'rinbosari Jevdet Yilmaz, tashqi ishlar vaziri Mevlut Chavushog'lu, savdo vaziri Ruhsar Pekjon, Turkiya hamkorlik va taraqqiyot agentligi (TICA) rahbari Serkan Kayalar tomonidan. Turkiyaning yirik biznes rahbarlari va ishbilarmon doiralari vakillari bilan uchrashuvlar bo'lib o'tdi [13]

Shavkat Mirziyoyev Jizzax viloyatida quvvati 500 megavatt dan ortiq bo'lgan



yana bir elektr stansiyasini qurishni boshladi.

Turkiya kompaniyasi, shuningdek, umumiy qiymati 5 milliard dollardan ortiq bo'lgan yangi loyihalarni amalga oshirish rejalarini taqdim etdi. Ular orasida avtomobil yo'llari va tunnellarni modernizatsiya qilish va qurish, geologiya-qidiruv ishlarini olib borish va foydali qazilmalarning istiqbolli konlarini o'zlashtirish, davlat-xususiy sheriklik shartlari asosida energetika infratuzilmasini boshqarish kabi dolzarb masalalar doirasida loyihalar mavjud.

Prezident turk investorlari ishtirokida istiqbolli loyihalarni tezkor tayyorlash va keng miqyosda amalga oshirish bo'yicha topshiriqlar berdi.

O'z navbatida, 24-25 avgust kunlari Turkiya Buyuk Milliy Majlisi reja-moliya komissiyasi raisi L. Elvan O'zbekistonga amaliy tashrif bilan keldi. Nufuzli turk parlamenti a'zosi O'zbekistonda bo'lgan davrda O'zbekiston Respublikasi investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi, energetika vazirligi hamda geologiya va mineral resurslar davlat qo'mitasida muzokaralar o'tkazildi.

Bundan tashqari, 2023-yilda ikki mamlakat hukumatlari, vazirliklari va idoralari darajasida ko'p qirrali O'zbekiston-Turkiya hamkorligini yanada kengaytirishni nazarda tutuvchi 9 ta hujjat imzolandi. Shu jumladan:

- Imtiyozli savdo shartnomasi;
- Tovarlar va transport vositalarining davlat chegaralari orqali harakatlanishi to'g'risidagi ma'lumotlarni oldindan almashish to'g'risidagi protokol;
- Mehnat va bandlik sohasidagi hamkorlik to'g'risida o'zaro anglashuv memorandumi;
- Sud ekspertizasi sohasida hamkorlik memorandumi;
- Qurilish sohasida o'zaro anglashuv memorandumi;
- Sog'liqni saqlash vazirliklari o'rtasida 2022-2023 yillarga mo'ljallangan harakatlar rejasi;
- O'zbekiston Milliy axborot agentligi va Turkiyaning "Anadolu" agentligi o'rtasidagi hamkorlik to'g'risidagi bitim va boshqalar [14].

Shuni ta'kidlash kerakki, O'zbekistonga Turkiya ishbilarmon doiralari muntazam tashrif buyuradi, turli qo'shma tadbirlar tashkil etiladi, savdo va sanoat kooperatsiyasi sohasida ikki tomonlama munosabatlar yo'lga qo'yiladi. Shunday qilib, 2021-2023 yillarda ikki mamlakat ishbilarmon doiralari ishtirokida jami 30 dan ortiq qo'shma tadbirlar tashkil etildi. Mamlakatlarimiz o'rtasida ko'p qirrali hamkorlikni rivojlantirish istiqbollari rivojlanmoqda, bu ikki mamlakat ishbilarmon doiralari uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, investitsiya muhitini yaxshilash, qo'shma kooperatsiya loyihalari va madaniy-gumanitar almashinuvlarni amalga oshirish kabi

ko'plab faoliyat yo'nalishlarida o'z aksini topmoqda.

## REFERENCES

1. Ионова Е. П. Внешнеполитические приоритеты Узбекистана //Россия и новые государства Евразии. – 2018. – №. 2. – С. 80-96.
2. Белокреницкий Б.Я., «Центральная Азия в евразийской перспективе» // «Восток», № 6, 1996, с. 94-95
3. Ражабова К. Бекмуратова Х. Из истории экономического и культурного сотрудничества между Узбекистаном и Турцией. – Ташкент, 2017.–С.4.
4. Янборисов Н. Отношение Узбекистана с Турцией на современном этапе: цели сторон в сотрудничестве //Проблемы та перспективи розвитку науки на початку третього тисячоліття у крайнах СНД. – С. 84.
5. Мукиджанова Р.М., «Страны Центральной Азии. Азиатский вектор притяжения», М., 2010
6. Мирзиёев. Ш. «Мы будем продолжать наш путь национального развития решительно и вывести его на новый уровень». Т: «Узбекистан», 2017. –С. 390
7. Xidoyatov G. A. Jaxon tarixi. T., 2000.
8. Xalq so'zi, 28 aprelya 2018 goda, №85.
9. Uzbekiston va Turkiya //https://dzen.ru/a/Y1jyzQujcSUwlwe4
10. Turkish, Uzbek Defense Ministers Sign Military Agreement, Underline Further Defense Cooperation” (2020). Daily Sabah, (October 27, 2020). [https://www.dailysabah.com/politics/diplomacy/turkish-uzbek-defense-ministers-sign-military-agreement-underline-further-defense-cooperation?gallery\\_image=undefined#big](https://www.dailysabah.com/politics/diplomacy/turkish-uzbek-defense-ministers-sign-military-agreement-underline-further-defense-cooperation?gallery_image=undefined#big)
11. Nakan Fidan. Turkish Foreign Policy towards Central Asia, in Journal of Balkan and Near Eastern Studies, Vol.12, No.1, March 2010
12. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси // Новый Узбекистан-новые отношения.– Ташкент,2021.–С.72
13. Агзамходжаев А.А. Узбекистан –Турция: новый формат диалога.// Экономический вестник Узбекистана.-Т.; 2021.-с.70
14. Как выглядит новый этап узбекско-турецкого сотрудничества в цифрах // <https://nuz.uz/ekonomika-i-finansy/1239490-kak-vyglyadit-novyj-etap-uzbeksko-tureczkogo-sotrudnichestva-v-czifrah.html?ysclid=lrpe42wno489642010>
15. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – С. 2321-6247.

16. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
17. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. Digitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – T. 12. – C. 209-218.
18. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – C. 145-150.
19. Olimovich A. K., Butabaev M., Kh S. D. PROJECT MANAGEMENT IN THE SYSTEM OF STRATEGIC COMPANY MANAGEMENT //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – T. 11. – №. 7. – C. 40-44.
20. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – T. 3. – №. 06. – C. 138-145.
21. Suyunov D. X., Xoshimov E. A. The main directions of development of the corporate governance system in Uzbekistan in modern conditions //Economics and Innovative Technologies. – 2019. – T. 2019. – №. 4. – C. 11.

## O'ZBEKISTONDA YOSHLAR FAOLLIGIDAGI YANGICHA DUNYOQARASH

**Mahruya Abdulhayovna Xakimova**

siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD)

TIQXMMI – Milliy tadqiqot universiteti katta o'qituvchisi

### ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada fuqarolik jamiyati asoslari shakllanayotgan Respublikamizda yoshlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini yuksaltirish, ularda millat, xalq va jamiyat oldidagi burch hamda mas'uliyatini yurakdan his qilish tuyg'ularini kamol toptirish hamda ularning ongu shuurida mustahkam hayotiy pozitsiyasi e'tiqodini hamda maslagini shakllantirish haqida so'z boradi. Shu bilan birga yoshlar tafakkuridagi o'zgarishlar Yangi O'zbekistonni jahon hamjamiyatidan munosib o'rin olishida muhim ahamiyatga ega ekanligi aytib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** Yangi O'zbekiston, Yoshlar ishlari Agentligi, O'zbekistonning taraqqiyot Strategiyasi, Harakatlar Strategiyasi, fuqarolik jamiyati, qonun ustuvorligi, yoshlar tafakkuri, siyosiy faollik, jamoat tashkilotlari, milliy qadriyatlar, milliy o'zlikni anglash.

Rivojlangan jamiyatlar qatoridan aholi real daromadlarini izchil oshirib borish, ijtimoiy himoya va sog'liqni saqlash tizimini takomillashtirish, yoshlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, ijtimoiy infratuzilmalar tarkibini takomillashtirish, ta'lim, madaniyat, ilm-fan va sport sohalarini rivojlantirishga qaratilgan dasturlar tasdiqlanib, hayotga izchillik bilan tatbiq qilinmoqda. Bu o'z navbatida, yangicha dunyoqarash va demokratik tafakkurga ega bo'lgan yoshlarning yangi avlodi shakllanishi uchun mustahkam tayanch vazifasini bajaradi. Ayni paytda, "Yoshlarga oid davlat siyosati"da belgilab qo'yilgan dolzarb vazifalarni izchil va tizimli, bosqichma-bosqich amalga oshirishning yo'llari va vositalari ishlab turibdi. Bu haqda Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev: "Yoshlarimiz haqli ravishda Vatanimizning kelajagi uchun javobgarlikni zimmasiga olishga qodir bo'lgan, bugungi va ertangi kunimizning hal etuvchi kuchiga aylanib borayotgani barchamizga g'urur va iftihar bag'ishlaydi"[1] – deb ishonch bildirishi bejiz emas. Zero, mamlakatimiz kelajagi yoshlarimizga qaratilayotgan e'tibor yoshlarni fuqaro sifatida tarbiyalash va ularning vatanni muhofaza qilish yo'lidagi muqaddas burchini anglashga zamin yaratadi. Respublikamizda 2024 yilni "Yoshlar va biznesni qo'llab-quvvatlash yili" deb e'lon qilinishidan maqsad ham jamiyatimizda "Inson qadrini ulug'lash, aholimiz manfaatlarini ta'minlash, buning uchun kuchli iqtisodiyot barpo etish bizning asosiy vazifamiz" [2] deb ta'kidlanishi o'ziga xos ma'no kasb etadi.

Dunyo miqyosidagi murakkab jarayonlarni va jamiyatimizda yuz berayotgan o'zgarishlarni tahlil qilgan holda "Inson qadri uchun" tamoyili xalqimizning farovonligini

yanada mustahkamlash, iqtisodiyot yo‘nalishlarini transformatsiya qilishi va Respublikamizda tadbirkorlikni rivojlantirish, inson huquqlari va manfaatlarini ta‘minlash hamda qonun ustuvorligi asosida fuqarolik jamiyatini rivojlantirishga qaratilgan islohotlar O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan o‘ziga xos taraqqiyot strategiyasini vujudga keltirdi. Prezident ta‘kidlaganidek – “Inson qadri deganda, biz, avvalo, har bir fuqaroning tinch va xavfsiz hayot kechirishini, uning fundamental huquq va erkinliklarini ta‘minlashni nazarda tutamiz. Inson qadri deganda, biz har bir fuqaro uchun munosib turmush sharoiti va zamonaviy infratuzilma tashkil etishni ... tushunamiz” [3].

Fuqarolik jamiyati asoslari shakllanayotgan Respublikamizda, yoshlarimizning ijtimoiy-siyosiy faolligini yuksaltirish, ularda millat, xalq va jamiyat oldidagi burch hamda mas‘uliyatini yurakdan his qilish tuyg‘ularini kamol toptirish hamda ularning ongu shuurida mustahkam hayotiy pozitsiyasini e‘tiqod hamda maslakni shakllantirish bugungi kunning muhim vazifalaridan biridir.

Yoshlar va ijtimoiy taraqqiyot xususida o‘ylar ekanmiz, jamiyatda ijtimoiy faol, ijtimoiy-siyosiy jarayonlarga munosabat bildira oladigan, unda ishtirok eta oladigan, ushbu jarayonlar samaradorligini oshira oladigan, butun imkoniyatini ishga soladigan yoshlar qatlamini siyosiy tafakkurini o‘stirish lozim. Insonning murg‘ak yoshidan yetarli darajada biologik, fiziologik va intellektual rivojlanishini ta‘minlash jamiyatda aholining ijtimoiy-siyosiy faol qatlamining imkoniyatlarini kengayishiga yoki boshqacha qilib aytganda, jamiyat ma‘naviy qiyofasining barkamollashishiga, intellektual salohiyatining rivojlanishiga, aqliy qudratining takomillashishiga olib keladi. Koshifiy o‘zining Axloqi Muhsiniy asarida yozishicha, Parviz o‘z o‘g‘liga shunday nasihat qilgan ekan: “Ey farzand, sen ra‘iyatga hokimsan, huddi shunday aqling ham senga hokim. Ra‘iyat sening farmoningdan chiqmagani kabi, sen ham ulardek aqling hukmidin chetga chiqmagin. Muhim ishni bajarish senga to‘g‘ri kelsa, shoshilmay va aql hukmi bilan maslahat qilgin” [4].

Biz jamiyatga qarab istiqbolni belgilaydigan va ijtimoiy mo‘ljallarni aniq hisobga oladigan avlodga tayanamiz. Bu esa bevosita bilim va tafakkurni taqozo etadi. Chunki, hamma vaqt aqlli insongina mo‘ljallarni belgilashda adashmaydi, mavjud ijtimoiy jarayonlarni to‘g‘ri baholay biladi va unga munosabat bildira oladi. Ana shunday kishigina jamiyat oldidagi javobgarlikni va o‘z xatti-harakatlari uchun mas‘uliyatni chuqur anglaydi. Demak, intellektual jihatdan baquvvat shaxsda jamiyat ishi uchun dahldorlik tuyg‘usi, millat taqdiri uchun javobgarlik hissi, burch va mas‘uliyat tushunchalari yorqinroq namoyon bo‘ladi. Shu ma‘noda, Bedil “Aqlsiz iymon xuddi oynasiz javohirday asossiz (mavhumi) yo‘q naqshdir va aqlsiz hayo xuddi manbai bo‘lmagan suv kabi ma‘dum-yo‘qlikdir”[5], – deb ta‘kidlaydi.

Bugun biz yoshlar haqida, yoshlarning dunyoqarashi, ma‘naviy-axloqiy olami, odam va olam, inson va jamiyat xususidagi fikrlari haqida o‘ylar ekanmiz, ularning har tomonlama barkamol bo‘lishini ta‘minlashimiz zarur. Bu esa o‘z-o‘zidan yuksak bilim



saviyasini egallashni, fan yutuqlarini o'zlashtirishni, ma'rifatli va barkamol shaxs bo'lishini taqozo etadigan xodisa.

Har qanday mamlakatning taraqqiyoti davomida yosh avlod bilan bog'liq muammolar yuzaga keladi. Bunday muammolar ichida eng dolzarblari, eng muhimlari ajralib turadi va bular yoshlar muhitida mavjud turli moyillik va o'ziga hosliklarni ifodalaydi. Chunonchi, yoshlar o'z hayotlarini asosiy jihatlariga, ayniqsa, siyosiy jarayonlar, ijtimoiy maqom, madaniyatlilik darajasi, ta'lim-tarbiya, ijtimoiy muassasalarning ahvoriga bevosita ta'sir ko'rsatuvchi omillarga befarq emas. Shu bilan birga ularni ma'lum davr nuqtai nazaridan o'zgartirishga, rivojlantirishga, yangi mazmun kasb etishga o'zlarida moyillik sezishadi. Yoshlarda tashabbuskorlik, tashkilotchilik, siyosiy jarayonlarga sezgirlik, harakatlardagi ildamlilik va sog'lom fikrlashga intilish kabi fazilatlarini tarbiyalash ularning ijtimoiy-siyosiy faolligini ta'minlaydi.

Yoshlar muhitida mavjud bo'lgan bunday jihatlar aksariyat hollarda e'tibordan chetda qolib ketishi mumkin, ya'ni ko'pincha yoshlarga siyosiy bilimi, tajribasi yetarli bo'lmagan, har qanday ishni uddalay olmaydigan, hali pishib yetilmagan navnihol deb qaraladi va ularning real ijtimoiy-siyosiy faolligi, jamiyatni zamon talablariga mos ilg'or texnologiyani amaliyotga tadbiq etib, yangi kuch sifatidagi roli unutilib qoldiriladi. Shu bilan bir qatorda, yoshlarning jamiyatdagi barqarorlikka ziyon yetkazadigan xatti-harakatlari va faoliyatlariga ayrim hollarda beparvo qarashlar ham mavjud. Bunday qarama-qarshi tendensiyalar vaziyatini imkoni boricha o'rganish, tahlil va tadqiq etishni, shuningdek, ushbu jarayonda vujudga keluvchi muammolarni aniqlab, ularni hal etish yo'llari xususida tegishli xulosalar chiqarishni taqozo etadi.

Mamlakatimizda yoshlar hayotiga doir qonunlar qabul qilishi, ularning haq-huquqlari belgilab berilishi, va albatta, har bir yoshning mazkur jamiyat fuqarosi sifatida siyosatda faol ishtirok etishini e'tiborga olish yoshlarni barkamol avlod qilib tarbiyalash omili sifatida namoyon bo'lmoqda. Demak, yoshlarni siyosiy faolligini oshirish, siyosiy madaniyatlilik darajasining ko'tarilishi, ularning barkamol avlod sifatida shakllanishini ta'minlaydi. Shu o'rinda yoshlarni barkamol avlod darajasiga ko'tarilishi, siyosiy faol fuqaroga aylanishida siyosiy ta'lim-tarbiyaning to'g'ri amalga oshirilishi har jihatdan muhim. Siyosiy ta'lim-tarbiya – bu ijtimoiy-siyosiy faoliyatda amaliy iqtidorining tarkib topishi, siyosiy harakat, faol hayotiy pozitsiyani vujudga keltirishidir. Shu o'rinda, mamlakatda mavjud jamoat tashkilotlarini faoliyatini takomillashtirish zaruriyati paydo bo'ladi. Bu tashkilotlar yoshlarni qiziqishlari, intilishlari, turli sohalardagi qobiliyatlarini ro'yobga chiqarish imkoniyatini yaratib berish vositasi hisoblanadi.

Jamiyat hayoti sermazmun va murakkab ko'rinishga ega bo'lib, bu turli ijtimoiy qatlamlar o'rtasidagi munosabatlarda ular manfaatlarini ifoda etuvchi siyosiy tuzilmalar faoliyatida namoyon bo'ladi. Bu fikrlar xilma-xilligi va plyuralizm bilan bog'liq, albatta. Hayotimizning barcha soha va tarmoqlarida, Vatan himoyasidek sharaflil vazifani ado etishda millionlab yoshlarimiz sadoqat va fidoyilik bilan xizmat qilmoqda. Siyosiy saviyasi

etuk, mustahkam fuqarolik pozitsiyasiga ega yuzlab yigit-qizlar parlamentimiz va xalq deputatlari mahalliy kengashlarining a'zosi sifatida davlat va xo'jalik boshqaruvi organlari hamda mahalliy hokimiyat idoralarida rahbarlik lavozimlarida faoliyat ko'rsatmoqda[6].

Bu haqda Prezident Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganidek: “Bugungi tez o'zgarayotgan dunyo insoniyat oldida, yoshlar oldida yangi-yangi, buyuk imkoniyatlar ochmoqda. Shu bilan birga, ularni ilgari ko'rilmagan turli yovuz havf-xatarlarga ham duchor qilmoqda. G'arazli kuchlar sodda, g'o'r bolalarni o'z ota-onasiga, o'z yurtiga qarshi qayrab, ularning hayotiga, umriga zomin bo'lmoqda. Bunday keskin va tahlikali sharoitda biz ota-onalar, ustoz-murabbiylar, jamoatchilik, mahalla-ko'y bu masalada hushyorlik va ogohlikni yanada oshirishimiz kerak. Bolalarimizni birovlarining qo'liga berib qo'ymasdan, ularni o'zimiz tarbiyalashimiz lozim” [7]. Binobarin, Prezident ta'biriga ko'ra, milliy ma'naviyatimizga mutlaqo begona bo'lgan zararli g'oyalar, tushuncha va qarashlar chegarani buzmasdan, bildirmasdan, ta'bir joiz bo'lsa, “chaqirilmagan mehmon” bo'lib xonadonimizga, jamiyatimizga, eng yomoni, murg'ak bolalarimizning pokiza qalbi va yuragiga kirib kelmoqda. Bularning barchasi biz uchun ogohlik qo'ng'irog'i bo'lib yangrashni zarur.

Shuni alohida qayd etish joizki, ma'naviyatimiz uchun eng katta xavf – bu aksariyat odamlarimizdagi loqaydlik va beparvolik kuchayib borayotganida, desak, bu ham ayni haqiqat bo'ladi. Siyosatshunoslar o'rtasida: “Sen uxlaganingda, dushman uyg'oq bo'ladi”, degan gap bor. Ayniqsa, hozirgi zamonda, boshqa xalqlar katta-katta marralar sari intilayotgan bir paytda ma'naviy jihatdan g'aflatga botib, “uxlab yotish”ga, loqayd bo'lishga hech kimning haqqi yo'q. Barcha fojea va muammolar, Vatanga, millatga, kelajakka xiyonat aynan loqaydlikdan boshlanadi. Shu bilan birga Shavkat Mirziyoyev o'z fikrini davom ettirar ekan, yana bir bor aytaman, dunyodagi qaltis vaziyat, siyosiy “o'yin”lar barchamizni sergaklikka undashi kerak. Ma'naviy-ma'rifiy sohada oldimizda turgan eng muhim vazifa shuki, jahonda kechayotgan geosiyosiy va mafkuraviy jarayonlarni chuqur tahlil qilib, ulardan xulosa chiqargan holda, yo'limizni to'g'ri tanlashimiz zarur ekanligini barcha yurtdoshlrimizga ogohlik sifatida aytib o'tgani bejiz emas. Davlat va jamiyat qurilishi borasida bu yo'nalishlarda olib borilayotgan ishlar Taraqqiyot Strategiyasidan kelib chiqadigan vazifalarda o'z aksini topmoqda.

O'zbekistonda 30 yoshgacha bo'lgan yoshlar soni 18 milliondan ortiqligi ta'kidlagan holda, bu aholining qariyb 55 foizini tashkil etishini [8] aytib o'tish o'rinli. Zamon talablarini ilg'ash va amalga oshirish, soha va tarmoqlarni etakchi darajaga olib chiqishda bu juda katta tayanch, bebaho xazinadir.

Shu bilan birga, yoshlar jamiyatdagi ijtimoiy-siyosiy munosabatlarda ishtirok etish ko'nikmalarining endigina shakllanayotgan qatlam bo'lib, ularga ta'sir ko'rsatish osonroq kechadi. Ular jamiyatda amalga oshirilayotgan islohotlarning davomiyligi va barqarorligini ta'minlab beruvchi, uning istiqbolini belgilovchi yetakchi kuch sanaladi. Yoshlar jamiyatning serg'ayrat, shijoatkor, intiluvchan va tashabbuskor qatlami bo'lib, ular

faoliyatini to'g'ri yo'lga qo'yish jamiyatdagi islohotlarni yanada demokratlashishiga sabab bo'ladi.

Ko'rinib turibdiki, yoshlar jamiyat hayotida o'zining muhim o'rniga ega va o'z taqdiri haqida qayg'uradigan har bir millat, avvalo, yoshlar masalasiga alohida e'tibor qaratishi tabiiy. Shuning uchun har millat va har bir davlat o'z yoshlari ijtimoiy qiyofasining shakllanishiga befarq bo'lmagan. Hozirgi kunda ham yoshlar turli sohalardagi tadqiqotlarning ob'ektiga aylanib bormoqda.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash joizki, yuqorida keltirilgan fikrlar, shubhasiz, Yangi O'zbekiston sharoitida yoshlarning xarakterida, ularning ma'naviy ichki dunyosida shakllangan fazilatlar bo'lib, yoshlarimiz o'zlarining shu jihatlari orqali dunyoda o'zbek millatini namoyon etmoqdalar. Bu fazilatlarni yoshlarimizda yanada kengroq rivojlantirish va to'g'ri yo'naltirib borish barkamol avlodni tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi.

#### REFERENCES

1. Sh.Mirziyoyev. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. Toshkent - «O'zbekiston» - 2017. 145 – bet.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston xalqiga yangi yil tabrigi. <https://president.uz/uz/lists/view/4105>. 31.12.2023, 23:55
3. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi asosida demokratik islohotlar yo'lini qat'iy davom ettiramiz. Yangi saylangan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning lavozimga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalari qo'shma majlisidagi nutqi
4. Koshifiy H. V. Axloqi Muhsiniy. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi". Davlat ilmiy nashriyoti. 2010. -B. 122.
5. Mo'minov I.M. Tanlangan asarlar. T.1. – T., 1969. – B.94.

## ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ МАДАНИЙ СОҲАДАГИ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

**Нигора Сайдалиева**

Тошкент давлат шарқшунослик университети (ТДШУ),

Фалсафа фанлари номзоди

Шарқ фалсафаси ва маданияти кафедраси

ORCID 0000-0001-8884-8724 e-mail: [saidalieva\\_nigora@mail.ru](mailto:saidalieva_nigora@mail.ru)

**Махфурат Мурод кизи Омонова**

Тошкент давлат шарқшунослик университети (ТДШУ),

Фалсафа фанлари номзоди

Шарқ фалсафаси ва маданияти кафедраси

ORCID 0000-0001-5128-6553 e-mail: [mahisha92@mail.ru](mailto:mahisha92@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада туркий давлатлар ташкилоти аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақсадида минтақада ҳар томонлама ва мутаносиб иқтисодий ўсишга, ижтимоий ва маданий ривожланишга интилиши, фан-техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, спорт, туризм ва бошқа соҳаларда ҳамкорлиги, туркий халқларнинг буюк маданий ва тарихий меросини тарғиб қилиш ва оммалаштиришдаги стратегик мақсадлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар.** туркий давлатлар ташкилоти, ижтимоий ва маданий ривожланиш, маданий ҳақорлик, туркий халқларнинг буюк маданий ва тарихий меросини тарғиб қилиш, стратегик мақсадлар.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется деятельность организации турецких государств, которые стремятся к всестороннему экономическому росту, социальному и культурному развитию региона в целях повышения уровня жизни населения, сотрудничества в области науки и техники, образования, здравоохранения, культуры, молодежи, спорта, туризма и других областях. А также стремление к интеграции в развитии культурных и стратегических цели в продвижении и популяризации исторического наследия.

**Ключевые слова.** организация тюркских государств, социальное и культурное развитие, культурное наследие, пропаганда великого культурного и исторического наследия тюркских народов, стратегические цели.

### ABSTRACT.

This article analyzes the activities of the organization of Turkic states, which strive for comprehensive economic growth, social and cultural development of the region in order to improve the standard of living of the population, cooperation in the field of science and technology, education, healthcare, culture, youth, sports, tourism and other areas. As well as the desire for integration in the development of cultural and strategic goals in the promotion and popularization of historical heritage.

**Keywords.** organization of Turkic states, social and cultural development, cultural heritage, promotion of the great cultural and historical heritage of the Turkic peoples, strategic goals.

Туркий давлатлар ташкилоти (аввалги номи - Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши, ТДДТ) 2009 йил 3 октябрь куни Нахичеван (Озарбайжон) шаҳрида таъсис қилинган. Ташкилот фаолиятининг ҳуқуқий асосини Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим (2009 йил 3 октябрдаги Нахичеван битими) ташкил этади.

Ташкилотнинг мақсади аъзо давлатлар – Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Халқаро тузилмага аъзо давлатлар олдида ҳамкорликни муҳофаза қилиш ва чуқурлаштириш учун майдонча шакллантириш ва уни ривожлантириш, туркий тилли мамлакатлар ўртасидаги яқин муносабатлар истиқболларини белгилаш, ўзаро ишонч, дўстлик, яхши кўшничиликни мустаҳкамлаш, барқарорлик ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, минтақада ва бутун дунёда хавфсизликни таъминлаш, умумий манфаатларга эга бўлган ташқи сиёсат масалалари бўйича, шу жумладан халқаро ташкилотлар ва халқаро форумлар доирасида келишилган позицияларни ишлаб чиқиш, халқаро терроризм ва сепаратизм, экстремизм, одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштириш, наркотрафик ва трансмиллий жиноятларга қарши курашиш, сиёсий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ҳарбий-техник, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, кредит-молиявий ва маданий-гуманитар соҳаларда минтақавий ва икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, савдо ва инвестициялар, товарлар, маблағлар, хизматлар ва технологияларнинг эркин

ҳаракатланиши, молиявий ва банк операцияларини соддалаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш каби асосий вазифалар қўйилган.

Туркий давлатлар ҳамкорлик алоқалари замирида тарихий ришталар, тил, дин, маданият, анъаналар ва кадриятлар яқинлиги муҳим ўрин тутди. Шу сабабдан ҳам Туркий давлатлар ташкилоти дастлаб маданий-гуманитар соҳада ҳамкорликни янада ривожлантиришни асосий вазифалардан бири сифатида белгилаган эди. Бизнинг фикримизча, ТДТ деярли бутун Марказий Осиё, жумладан Туркия ва Венгрия маданий код бўйича максимал даражада бирлашган лойиҳадир. Бу сўнгги пайтларда ёрқин намоён бўлмоқда.

Туркий давлатлар ўзининг санъати, маданияти, адабиёти ҳамда соҳага беқиёс ҳисса қўшган буюк шахслари билан дунёга машҳурдир. Шу нуқтаи назардан Туркий давлатлар ташкилотининг ҳар бир саммитида маданий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бугунги кунгача ҳам ташкилот доирасида салмоқли ишлар амалга оширилиб келмоқда.

Мақолалар таҳлили ((**Literature review**)).

Мазкур мақолани тайёрлашда Тошкент тиббиёт педиатрия институти “Ижтимоий фанлар, педагогика ва психология” кафедраси ўқитувчиси Сагатова Зиёда Бахтияровнанинг “Туркий давлатлар ташкилотининг яратилиш тарихи хусусидаги мулоҳазалар”. Таълим ва инновацион тадқиқотлар (2023 йил №1) ISSN 2181-1709 (P) 20 Education and innovative research 2023 у. №1. [1] ҳамда Тожиев Достонжон Бекназар Ўғлининг “Туркий давлатлар ташкилоти: Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг бошланиши ҳамда янги босқичи” // Oriental Art and Culture. 2022. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/turkiy-davlatlar-tashkiloti-turkiya-va-zbekiston-rtasidagi-diplomatik-alo-alar-ni-g-boshlanishi-amda-yangi-bos-ichi> (дата обращения: 19.11.2023) [2] каби тадқиқотчиларнинг илмий мақолалари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Ушбу мақсадларга эришиш учун ТДТ қошида 6 та тузилма – Халқаро туркий маданият ташкилоти, Ташкилот таркибида Туркий тилли давлатлар оқсоқоллар кенгаши (Оқсоқоллар кенгаши) ва Котибияти, ТДТ шафелигида Туркий маданият халқаро ташкилоти (ТУРКСОЙ), Туркий давлатлар Парламент Ассамблеяси (ТуркПА), Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос фонди, Туркий савдо-саноат палатаси, ТДТнинг Венгриядаги ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундай ташкилий тузилма ТДТ олдида қўйилган вазифаларни самарали амалга оширишга қаратилган. ҳам мавжуд.



Асосий йўналиш – маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш. Тарихан ТДТ иштирокчи мамлакатлари халқлари бир хил илдизларга эга. Шу боис маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш ТДТ мамлакатлари учун алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, таълим ва илмий муассасалар ўртасидаги ҳамкорлик, академик алмашинув, қўшма маданий тадбирлар. Шу муносабат билан Туркий маданият ва санъатни биргаликда ривожлантириш ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик нуқталарини кенгайтириш лозим.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Мазкур мақолани тайёрлашда анализ, синтез, индукция, дедукция, умумлаштириш каби методлардан фойдаланилди.

Анализ ва таҳлиллар (Analysis and results). Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, туркий халқлар ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, умумий моддий ва маданий меросни асраб-авайлашни ўз олдига мақсад қилган — Турк маданияти халқаро ташкилоти (ТУРКСОЙ) фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга Турк дунёсини тадқиқ этиш, тил ва адабиётини кенг ўрганиш, илмий ва таълим фаолиятини чуқурлаштириш бўйича халқаро илмий марказ яъни Халқаро турк академияси ташкил этилган. Мазкур академия 40 га яқин илмий-тадқиқот институтлари, тарих ва маданият марказлари билан яқин алоқалар ўрнатган бўлиб, юздан ортиқ туркшунос олимлар лойиҳаларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Академия қошида 5 та илмий муассаса — Тарих ва этнология маркази, Тил, адабиёт ва атамашунослик маркази, Санъат ва маданият маркази, Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази, Халқаро тадқиқотлар маркази фаолият кўрсатмоқда.

Туркий халқлар ўзининг қадимий ва бой обидалари билан дунё эътиборини ўзига жалб этади. Туркий давлатлар ташкилоти томонидан анъана сифатида аъзо давлатлар шаҳарлари Туркий дунё маданий пойтахти, деб эълон қилиб келинади.

Маданий соҳада ҳамкорликнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унинг туризмни ривожлантиришдаги ҳиссаси жуда катта. Хусусан, сўнгги йилларда айниқса аъзо давлатлар туризмни ривожлантириш бўйича жиддий аҳамият қаратишмоқда. Мазкур йўналишни мамлакат иқтисодий ўсишда асосий таянч ва йўналишларга айлантиришга ҳаракат қилишмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Туркий давлатлар ташкилоти қардош халқлар ўртасидаги туризмни ривожлантириш айниқса катта аҳамият қаратади. Ушбу соҳада «Замонавий ипак йўли» махсус қўшма лойиҳаси ишга туширилган бўлиб, у аъзо мамлакатларнинг маданий ва тарихий шаҳарларига 14 кунлик

саёҳатни ўз ичига олади. Ташкилот ёшларга саёҳат қилиш, тенгдошлари билан учрашиш ва турли соҳаларда замонавий ва истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун янги имкониятлар яратди.

Биргаликда олға интилиш истиқболларини белгилаган ҳолда, шунингдек, халқларимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари, бой тарихи ва маданияти, кўп асрлик дўстлик, яхши кўшничилик ва ўзаро ишонч анъаналарига таяниш муҳим аҳамиятга эга.

Маданий-гуманитар соҳада алоқаларни мустаҳкамлаш Туркий давлатлар ташкилоти ҳамкорлигининг асосий вазифаларидан саналади. Хусусан, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, спорт ва туризм соҳасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш шулар жумласидан. Туркий халқларнинг бой тарихий-маданий меросини оммалаштириш ва тарғиб қилишда ОАВ ўртасидаги ўзаро алоқаларни кенгайтириш ҳам мақсад қилинган. ТДТ шафелигида маданий-гуманитар соҳада қатор ташкилотлар фаолият олиб бораётгани, мазкур йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилаётганини эътироф этиш даркор. Хусусан, 2012 йил 23 августда туркий халқлар тарихий-маданий меросини оммалаштириш, тарғиб этиш, қайта тиклашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватловчи Турк маданияти ва мероси жамғармаси тузилган (штаб-квартираси Боку шаҳрида).

Мамлакатимиз ТДТга аъзо бўлгач, ўтган қисқа муддатда давлатимиз раҳбари ўттиздан ортиқ савдо-иқтисодий ва инвестициявий, транспорт, туризм, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар, иқлим ўзгариши ва экология соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш борасида муҳим ташаббус ва таклифларни илгари сурди. Уларнинг аксарияти бугунги кунда амалий ифодасини топганини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон шерик давлатлар миқёсида туризмни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. 2021 йил июнда Қўқон шаҳрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши туризм вазирлари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қўқон туркий дунёнинг илк туризм пойтахти, деб эълон қилинди. Мамлакатларимиздаги муқаддас қадамжолар бўйлаб «Табаррук зиёрат» лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Туркий давлатлар ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган «Табаррук зиёрат» туризм концепцияси бўйича ташаббусни юқори савияда ташкил этиш, туризм соҳасидаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш, шунингдек, Қўқон шаҳри 2022 йили «Туркий дунёнинг туризм

пойтахти» деб эълон қилингани муносабати билан шаҳарнинг маданий ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туристлар учун қўшимча қулайликлар яратиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини такомиллаштириш ҳамда жозибдорлигини ошириш мақсадида 2022 йил 29 июль куни Президентимиз «Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади. Ушбу қарор билан Туркий дунё доирасида «Табаррук зиёрат» туризм концепцияси тасдиқланди.

«Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 349-бандида Туркий давлатлар ташкилоти саммитига Ўзбекистон раислигини самарали ва фаол амалга ошириш вазифаси алоҳида белгиланган. Шунингдек, йирик тадбирларда минтақавий ва халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон позицияси ҳамда глобал ташаббусларини илгари суриш каби фаолиятни ташкил этиш алоҳида белгиланганини таъкидлаш ўринли. Бугунга қадар Туркий давлатлар ташкилоти доирасида 20 дан ортиқ юқори даражадаги тадбирларда Ўзбекистон иштироки таъминланди.

Хулоса ва таклифлар: Ўзбекистон туркий халқлар тарихида асосий маданий марказларидан бири сифатида муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабдан мамлакатимизнинг мазкур ташкилотга аъзо бўлиши унинг нуфузини янада оширди. Мамлакатимиз Туркий давлатлар ташкилоти доирасида маданий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар илгари суриб келмоқда.

Туркий давлатлар ташкилотини ривожлантириш стратегияси асосини инклюзивлик ва очиқлик тамойилларига янада содиқлик ташкил этади. Туркий дунёнинг гуллаб-яшнаши доимо кенг кўламли мулоқотлар, халқларимизнинг ўз қўшнилари ва шерикларидан энг яхши фазилатларни ўзлаштиришга қодирлиги ва тайёрлиги туфайли таъминланган. Айнан шу нарса ташкилотнинг муваффақиятли ривож топиши, унинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори мустаҳкамланишининг гарови ҳисобланади.

Туркий давлатларининг тарихий тажрибаси, Осиё ва Европа чорраҳасидаги ноёб жойлашуви тамаддунлар, мамлакат ва халқларни конструктив ҳамкорлик ва умумий тараққиёт йўлида бирлаштирувчи кўприк вазифасини бажара олади ва бажариши керак.

## REFERENCES

1. Сағатова Зиёда Бахтияровнанинг “Туркий давлатлар ташкилотининг яратилиш тарихи хусусидаги мулоҳазалар”. Таълим ва инновацион тадқиқотлар (2023 йил №1) ISSN 2181-1709 (P) 20 Education and innovative research 2023 у. №1.
2. Тожиев Достонжон Бекназар Ўғлининг “Туркий давлатлар ташкилоти: Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг бошланиши ҳамда янги босқичи” // Oriental Art and Culture. 2022. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/turkiy-davlatlar-tashkiloti-turkiya-va-zbekiston-rtasidagi-diplomatik-alo-alarning-boshlanishi-amda-yangi-bos-ichi> (дата обращения: 19.11.2023)
3. Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. 11.11.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5689>
4. Ўзбекистон Президенти Туркий давлатлар ташкилоти саммитида муҳим ташаббусларни илгари сурди. 03.11.2023. <https://president.uz/uz/lists/view/6832>
5. Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. 11.11.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5689>

## "TURKIY DAVLATLAR TASHKILOTI" MAMLAKATLARINING KOSMOS BO'YICHA OLIB BORAYOTGAN HAMKORLIKLARI.

**F. A. Kushakov**

Ijtimoiy fanlar kafedrası katta o'qituvchisi

**Uralbek Faxriddin o'g'li Suyunov**

Aviatsiya transporti muxandisligi fakulteti HKTE-7gr talabasi.

### ANOTATSIYA:

Ushbu maqolada, turkiy davlatlar tashkilotining "Turkiy kengash" nomi bilan tuzilgan xalqaro kosmik hamkorlik masalasi muhikama qilinadi.

**Kalit so'zlar:** kosmik, kengash, sun'iy yo'ldosh, ekologiya.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье обсуждается вопрос международного космического сотрудничества, созданного организацией тюркских государств под названием «Турецкий Совет».

**Ключевые слова:** космос, совет, спутник, экология.

### ABSTRACT:

In this article, the issue of international space cooperation created by the organization of Turkic states under the name "Turkish Council" is discussed.

**Keywords:** space, council, satellite, ecology

Turkiy davlatlar tashkiloti 2009-yil 3-oktabrda "Turkiy kengash" nomi bilan tuzilgan xalqaro tashkilotdir. Tashkilot turkiy xalqlar o'rtasida har tomonlama hamkorlik qilish maqsadida turk tiliga mansub va unga yaqin davlatlarni birlashtiradi. 20 dekabr 2021 yili Ozarbayjon poytaxti Bokuda kosmik agentliklar va turkiy tilli



davlatlar Tashkilotining tegishli idoralarining kosmos sohasini rivojlantirish va shu sohada hamkorlik qilish bo'yicha birinchi uchrashuvi bo'lib o'tdi. Yig'ilish Ozarbayjon kosmik agentligi (Azercosmos) boshqaruvi raisi Janob Sameddin Asadov tomonidan tashkil etilgandi va unda azo va kuzatuvchi mamlakatlarning yuqori

shaxslari ishtirok etishgan.

Uchrashuvda tomonlar o'zlarining faoliyati va kosmik sohadagi istiqbolli loyihalari, shuningdek, turkiy davlatlar tashkiloti tomonidan hamkorlik qilish imkoniyatlari to'g'risida ma'lumot taqdim etdilar. Tomonlar, shuningdek, a'zo davlatlar resurslaridan sun'iy yo'ldosh ma'lumotlarini almashish ustida ishlashga kelishib; suv resurslarini boshqarish, tabiiy ofatlar monitoringi, ekologiya, qishloq xo'jaligi va boshqalar kabi turli yo'nalishlarda tajriba almashish; a'zo davlatlar tomonidan qo'shma sun'iy yo'ldoshni ishlab chiqish, ishlab chiqarish va ishga tushirish; kelajakdagi hamkorlikni muvofiqlashtirish maqsadida kosmik standartlarni ishlab chiqish masalasini o'rganish; shuningdek, aerokosmik tadqiqotlar va ishlanmalar sohasida salohiyatni oshirish va tajriba almashish dasturlarini targ'ib qilishgan.

25 aprel 2023 yil O'zbekiston poytaxti Toshkentda Turkiy davlatlar tashkilotining (TDT) va tegishli idoralarning kosmos sohasini rivojlantirish va shu sohada hamkorlik qilish bo'yicha ikkinchi yig'ilishi.

Uchrashuv O'zbekiston Vazirlar Mahkamasi huzuridagi kosmik tadqiqotlar va texnologiyalar agentligi ("O'zbekkosmos") bosh direktori Shuhrat Qodirov raisligida bo'lib o'tdi. Majlisda TDT bosh kotibi, elchi Kubanichbek Omuraliyev, shuningdek, Turkiya kosmik agentligi, Ozarbayjon, Qozog'iston, Qirg'iziston, Vengriya, Turkmaniston, Shimoliy Kipr mamlakatlarning tegishli muassasalarining yuqori martabali vakillari va boshqa mamlakatlardan yetakchi kosmik kompaniyalar va agentliklarning 250 dan ortiq eksperti ishtirok etdi.

Yig'ilishda so'zga chiqqan Kubanichbek Omuraliyev kosmik tadqiqotlar insoniyat oldida turgan ko'plab muammolarni hal qilishga yordam berishini va kosmik sohada qilinadigan ishlar kelajakka oydinlik kiritishini ta'kidlagan. Uning ta'kidlashicha, TDT kosmik hamkorlikka ahamiyat beradi va bu uchrashuv ishtirokchi mamlakatlarning kosmik tadqiqotlar sohasida qo'shma hamkorlikni rivojlantirishga qaratilgan sa'y-harakatlaridan dalolat beradi. Omuraliyev shu vaqtda Turkiyani tabriklagan edi, chunki taxminan 10 kun oldin kosmosga birinchi turk kuzatuv sun'iy yo'ldoshi submetr o'lchamlari bilan uchirilgan edi. TDTga a'zo davlatlar kosmik tadqiqotlar bo'yicha turli bilim va tajribaga ega, ularni birlashtirish juda muhim, dedi u.

O'z navbatida, Turkiya kosmik agentligi rahbari Serdar Xusein Yildirim kosmik texnologiyalar sohasidagi ishlarning ahamiyatini a'ytirof etdi. **"Kosmosda bo'lmaganlar xalqaro maydonda o'z so'zlarini aytolmaydilar"**, dedi u.



## **Turkiy mamlakatlar kosmosga Qo'shma sun'iy yo'ldosh uchirishni rejalashtirmoqda.**

Turkiya kosmik agentligi rahbari TDTga a'zo mamlakatlarga Turkiya kosmik agentligi bilan kelishilgan holda kubsat qo'shma loyihasini (10×10×10 sm o'lchamdagi, massasi 1,33 kg dan oshmaydigan kosmik tadqiqotlar uchun Yerning kichik sun'iy yo'ldoshlari formatida) amalga oshirishni taklif qildi. Uning so'zlariga ko'ra, bu texnik jihatdan ham, hamkorlik nuqtai nazaridan ham barcha tomonlar uchun juda muhimdir.

"Kengash natijalariga ko'ra, mamlakatlar milliy kosmik dasturlarni amalga oshirishda tajriba almashdilar, va shu tarzda, Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo davlatlarning qo'shma sun'iy yo'ldoshini uchirish imkoniyatini muhokama qilindi" Bo'lib o'tgan tadbirda O'zbekiston ta'lim uchun sun'iy yo'ldoshini uchirilishini e'lon qildi, davlat kosmik monitoringi doirasida ishlarning umumiy natijalarini taqdim etdi, ta'lim loyihalari doirasida hamkorlik memorandumlarini imzoladi va poytaxtdagi vakolat markazlari ishiga start berdi.

"Biz innovatsion rivojlanish agentligi bilan shartnoma imzoladik, uning doirasida O'zbekiston uchun o'zining alohida CubeSat ilmiy-ta'lim sun'iy yo'ldoshini kosmosga uchirish ishlari boshlandi", dedi kosmik tadqiqotlar va texnologiyalar agentligi direktori Shuhrat Qodirov. "Ushbu loyihaning asosiy maqsadi sun'iy yo'ldoshni yaratish, yig'ish, ishga tushirish va boshqarish bo'yicha zarur vakolatlar to'plamidir." Tadbirda mintaqada kosmik sohani rivojlantirishning keyingi yo'nalishi bo'yicha fikr almashildi, kosmosdan tinch maqsadlarda foydalanish doirasida o'zaro hamkorlik to'g'risida kelishib oldindi.

## **Turkiy davlatlar azolarining o'zaro kosmos sohasidagi kelishilshgan alohida hamkorliklari.**

Yuqorida keltirilgan umumiy hamkorliklardan tashqari har bir Turkiy davlatlarga a'zo mamlakatlarning bir biri bilan kosmos sohasida kelishilgan hamkorligi mavjud.

### **O'zbekiston va Turkiyaning kosmos yo'nalishidagi o'zaro hamkorligi.**

13 may 2022 yil O'zbekkosmos" agentligi hamda Turkiya kosmos agentligi (TUA) o'rtasida o'tkazilgan uchrashuvda hamkorlik aloqalarini rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etishi ta'kidlangan. Xususan, Turkiya kosmik agentligi rahbari va boshqaruv kengashi raisi Serdar Xuseyin Yildirim, Kosmik tizimlar va kosmik apparatlar boshqarmasi boshlig'i Ali Baygeldi, Xalqaro aloqalar boshqarmasi direktori Ayxan Inchirchi o'zaro hamkorlikni yo'lga qo'yishga qaratilgan memorandumni imzolash taklifini ilgari surilgan.

### **O'zbekiston va Ozarbayjon ortasidagi o'zaro hamkorlik.**

13-may 2022 yil Ozarbayjon kosmik agentligi "O'zbekkosmos" bilan hamkorlik to'g'risida memorandum imzoladi. Hujjatda aytilishicha, tomonlar kosmik



monitoring loyihalarini, shuningdek, kosmik texnologiyalar bilan bog'liq loyihalarni amalga oshirish, malakali mutaxassislarni tayyorlash va qayta tayyorlash bilan shug'ullanish niyatida ikki mamlakatda kosmik sanoatni rivojlantirish uchun kadrlar tayyorlanishi ko'rib chiqiladi.

2013 yil fevral oyida Ozarbayjon o'zining birinchi telekommunikatsiya sun'iy yo'ldoshi Azerspace-1 ni orbitaga chiqardi, bir yildan so'ng respublika yerni masofadan kuzatish uchun orbitaga sun'iy yo'ldosh yubordi. 2018 yilda Ozarbayjonning uchinchi Azerspace-2 sun'iy yo'ldoshi uchirilgan edi.

### **O'zbekiston va Qozog'iston hamkorligi.**

O'zbekiston Qozog'iston bilan hamkorlikda kosmosni o'zlashtiradi.

O'zbekiston va Qozog'iston hukumatlari o'rtasida kosmik fazoni tadqiq etish va tinch maqsadlarda foydalanish sohasida hamkorlik to'g'risida bitim 2022 yil may oyida tasdiqlangan.

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi ma'lumotlariga ko'ra, tomonlar 2021 yil dekabr oyida nur-Sultonda Prezident Shavkat Mirziyoyevning Qozog'istonga davlat tashrifi davomida tegishli hujjatni imzolaganlar.

Hamkorlik kosmik sohada o'zaro texnik yordamni, yer usti ob'ektlaridan foydalanish orqali xalqaro texnologiyalar bozorida hamkorlikni rivojlantirishni, shuningdek kosmik kemalarni uchirish va boshqarish tizimlarini nazarda tutadi. Shartnomani bajarish bo'yicha O'zbekiston tomonining vakolatli organi "O'zbekkosmos" agentligi hisoblanadi.

Hujjat ikki davlatning iqtisodiyoti, ilm-fani, xavfsizligi va ijtimoiy rivojlanishi taraqqiyoti uchun kosmik fazoni tadqiq etish va undan tinch maqsadlarda foydalanish, kosmik texnologiyalarni ishlab chiqish va joriy etish bo'yicha tomonlarning hamkorligini tartibga soladi.

### **Qozog'istonning Ozarbayjon va Turkiya bilan hamkorligi.**

15 may 2022 yilda Ozarbayjon va Qozog'iston sun'iy yo'ldoshlarni yaratish bo'yicha hamkorlik qilishga kelishuv bo'lib o'tgan. "Kazkosmos" Nur-Sulton va Boku o'rtasidagi kosmik sohadagi hamkorlik istisno qilinmasligini, yerni zondlash sohasida sheriklik to'g'risidagi bitim amal qilishini ta'kidlagan.

“Ozarbayjon va Qozog'iston sun'iy yo'ldosh guruhini yaratish sohasidagi hamkorlikni istisno qilmaydi” - "Kazkosmos" kompaniyasining xalqaro hamkorlik boshqarmasi boshlig'i Rustam Abdraxmanov.

2006 yil iyun oyida Bayqonur kosmodromidan birinchi qozoq



telekommunikatsiya sun'iy yo'ldoshi KazSat ishga tushirildi. Uchish dm-3 tezlashtirish bloki bilan proton-K raketa-yuklagichi yordamida amalga oshirilgan.

Uchinchi qozog'istonlik kosmonavt Aydin Aimbetov kosmik tadqiqotlar sohasidagi xalqaro hamkorlikning muhimligini ta'kidlab, Turkiya bilan bu borada hamkorlik qilishga tayyorligini ta'kidladi. Aydin Aimbetov kosmosda bo'lgan uchinchi qozog'istonlik kosmonavt va mustaqil Qozog'iston bayrog'i

ostida parvoz qilgan birinchi kosmonavt. Aydin Aimbetov birinchi turk kosmonavti Alper Gezeravchining xalqaro kosmik stansiyaga parvozi Turkiyaning kosmik dasturini muvaffaqiyatli amalga oshirilayotganining xabarchisi ekanligini aytdi.

SpaceX AX-3 missiyasining bir qismi sifatida turk astronauti Alper Gezeravjining xalqaro kosmik stansiyaga (XKS) parvozi Turkiyaning kosmik dasturini muvaffaqiyatli amalga oshirishning xabarchisi hisoblanadi. Aimbetovning so'zlariga ko'ra, u 2023 yilda Turkiyaning Bursa shahrida bo'lib o'tgan 34-Sayyora Kongressida Alper Gezeravji bilan uchrashgan va unga o'z missiyasida muvaffaqiyatlar tilagan. 2015 yil 2 sentabrda Aimbetov "Soyuz TMA-18m" ekipaj birinchi marta Bayqonur kosmodromidan xalqaro kosmik stansiyaga uchgan. U kosmosda 9 kun 20 soat 13 daqiqa 51 soniya bo'lgan Aymbetov kosmosga parvozini hali ham eslayotganini aytdi. "Kosmosdagi eng noyob va maftunkor lahza-bu yerni illyuminator orqali ko'rish. Yerga qaraganingizda chegaralarni ko'rmaysiz", deydi kosmonavt.

## REFERENCES:

1. <https://brightuzbekistan.uz/ru/v-baku-sostojalas-pervaja-vstrecha-kosmicheskikh-agentstv-i-sootvetstvujushchih-vedomstv-organizacii-tjurkojazychnyh-gosudarstv/>

<http://surl.li/rqosr>

2. [https://baigenews.kz/amp/news/sovместный-sputnik-planiruyut-zapustit-v-kosmos-](https://baigenews.kz/amp/news/sovместный-sputnik-planiruyut-zapustit-v-kosmos-3.tyurkskie-strany_152183/)

3.tyurkskie-strany\_152183/

4.<https://uzspace.uz/ru/news/view/174>

5.[https://www.inform.kz/amp/kazahstan-i-uzbekistan-dogovorilis-sovmestno-osvaivat-kosmos\\_a3931555](https://www.inform.kz/amp/kazahstan-i-uzbekistan-dogovorilis-sovmestno-osvaivat-kosmos_a3931555)

6.[https://amp.rbc.ru/rbcnews/technology\\_and\\_media/15/05/2022/6280e3999a7947a6984db41b](https://amp.rbc.ru/rbcnews/technology_and_media/15/05/2022/6280e3999a7947a6984db41b)

7.<https://az.sputniknews.ru/amp/20210210/varank-azerbaijan-turkey-cosmos-426188525.html>

8.<https://uzspace.uz/oz/news/view/239>

9.<https://www.yenisafak.com/ru/news/16398>

10.<http://surl.li/rqosh>

11.<https://uz.kursiv.media/2022-05-13/uzbekistan-i-azerbajdzhan-namereny-sotrudnicat-v-sfere-kosmicheskogo-monitoringa/amp/>

12.<https://uz.kursiv.media/2022-05-13/uzbekistan-i-azerbajdzhan-namereny-sotrudnicat-v-sfere-kosmicheskogo-monitoringa/amp/>

13.sotrudnicat-v-sfere-kosmicheskogo-monitoringa/amp/

14.[https://cis.minsk.by/news/23195/uzbekistan\\_v\\_sotrudnichestve\\_s\\_kazahstanom\\_budet\\_osvaivat\\_kosmos](https://cis.minsk.by/news/23195/uzbekistan_v_sotrudnichestve_s_kazahstanom_budet_osvaivat_kosmos)

## ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ИНСОНИЯТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИДА ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИГИ МИНТАҚАВИЙ ОМИЛИ

**Хайдаров Абдор**

ф.ф.н., доцент

Тошкент давлат транспорт университети, Ўзбекистон

э-mail: a.khaydarov1954@mail.ru

Мақолада глобаллашув, глобализм сиёсати, барқарор ривожланишнинг муаммоларини ҳал қилишда минтақавий ҳамкорлик, туркий давлатларнинг минтақавий ҳамкорлиги шароитлари ва истиқболлари таҳлил қилинган.

Таянч атамалар: глобаллашув, глобализм, барқарор ривожланиш, минтақачилик, минтақавийлик, идентиклик, мультикультурализм, шахс идентификацияси.

### THE REGIONAL FACTOR OF COOPERATION OF TURKISH STATES IN THE PROSPECTS OF GLOBALIZATION AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF HUMANITY

Глобаллашув, жаҳон миқёсида, биринчидан - ягона молиявий-иқтисодий маконнинг шаклланиши; иккинчидан - ягона ахборот маконининг шаклланиши; учинчидан – ягона ижтимоий-маданий маконнинг шаклланиши деб айтиш мумкин. Биринчи ва иккинчи маконлар табиий равишда, жамият томонидан қандайдир алоҳида тазйиқсиз ташкилланиб бораётганини кўришимиз мумкин. Аммо, ягона ижтимоий-маданий макон ташкил топиши қийинчилик билан рўй бермоқда. Сабаби бу ижтимоий-маданий маконнинг шаклланиши унда истиқомат қилувчи инсонларнинг цивилизациялар кодларига (тамаддун сифатлари-тарихан шаклланган ориентирлари)га дахл қилмоқда. Бу унсурларнинг трансформацияси(бошқага ўзгариши)нинг амалга оширилиши кўп ҳолларда мумкин бўлмапти ёки қийин кечаяпти ва шу тариқа ушбу жараён конфликт (низо)ларга туртки берапти. Глобаллашув инкор қилиб бўлмайдиган жараёнлиги, инсониятнинг бундан кейинги турмуш тарзини унингсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини ҳамма тушунмоқда. Хўш, глобаллашув жараёнлари табиий-тарихий жараён экан, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд экан, бу жиҳатларнинг рўй беришига инсон таъсир қила оладими? Ёки



кишилик жамиятининг тараққиёти бир эмас бир кун унинг таназзулига ва якунига (диний маънода охир замонга) олиб келадими? Инсоният барқарор ривожлана оладими ёки цивилизациялар тўқнашуви (С.Хантингтон) унинг ҳалокатига муқаррар олиб борадими? Зотан, глобаллашув тушунчасидан глобализм тушунчасини ажратиш керак.

Глобализм - бу маълум бир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, диний таълимотнинг глобал миқёсда ҳукмронлигини таъминлашга қаратилган ўзаро боғлиқ мафкуравий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, маданий, тарғибот, дипломатик, кибернетик, разведка ва бошқа фаолиятнинг ажралмас тизими деб қаралиши мумкин. Айтайлик, XX асрда глобаллашув сиёсати Америка Қўшма Штатлари, Совет Иттифоқи, Хитой ва фашистлар Германияси томонидан олиб борилди. Масалан, З.Бжежинский шундай ёзган эди: «Американинг қудратли давлат эканлиги у ҳақми ёки ноҳақ бўлишидан қатъий назар, унга ҳар қандай мавжуд қарама-қаршиликларни ҳал қилиш ҳуқуқини беради».[1, -С.175-176]. Бу каби ғояларнинг илгари сурилишини ўзи миллий давлатлар ўртасида қайсидир бир даражада ташвишлар уйғотиши табиий. Чунки дунё бир қутбли бўлиши керакми ёки кўп қутбли. Агар у бир қутбли бўладиган бўлса, миллий маданиятларнинг ҳолати қай даражада кечади?

Глобаллашув назарияси асосчилари бунга ҳам жавоб топадилар. Хусусан тадқиқотчи М.Кастельс бу хусусда қуйидаги фикрларни илгари суради: “Глобаллашувда давлатлар йўқ бўлиб кетмайди. Ахборотлар асрида улар фақат ўз мақомини ўзгартириши мумкин холос”.[2, - С.22]. Шунингдек, М.Кастельс глобал дунёни маълум бир модел асосида шакллантириш мумкин эмаслигини асослашга ҳаракат қилади. Бир гуруҳ жамиятшунослар жамиятда технотузилмавий жараён бошланди, - деган ғояларни илгари сурадилар. Технотузилмавийлик вакиллари – булар замонавий саноат ва режалаштиришда ўта катта эҳтиёж билан қабул қилинадиган турли хил техник билим, тажриба ва қобилиятга эга бўлган кишилар уюшмасидир. Социолог тадқиқотчи Ж.К.Гелбрейтнинг фикрига кўра, «деярли қарорлар қабул қилишдаги барча жараёнлар алоҳида имтиёзларга эга бўлган технотузилмавийлик ҳисобига амалга ошириладиган бўлинди». [3, -124].У фикрини давом эттириб ёзади, “давлат технотузилмавийликнинг ижроия қўмитаси бўлиб қолди холос”. Бироқ бу дегани давлат ўз мавқесини йўқотиб бормоқда дегани эмас. Фақат энди давлат ўз бошқарув вазифасини тубдан ўзгартириши керак бўлиб қолди. Бугунги кунда айтиш мумкинки кўплаб анъанавий жамиятлардаги асосий муаммо ҳам ана шунда. Яъни давлат тузилмаси ҳамон анъанавий бошқарув



стереотипларидан қутула олмаяпти ёки бу ҳолатдан воз кечиш унинг учун қийин кечмоқда. Шу сабабли ҳам глобаллашув жараёнида миллий кадриятларнинг трансформацияси (бир шаклдан бошқасига ўтиши) айнан шу жойда келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Чунки айнан постиндустриал жамият «қахрамонлари» бўлган интеллектуал салоҳият вакиллари ягона глобаллашувдаги кадриятлар тизимини яратиш бормоқдалар. Футуролог-социолог Д.Белл ўзининг “Яқинлашиб келаётган постиндустриал жамият” китобида ёзади: “постиндустриал жамиятда ҳокимият энди хусусий мулкга эмас, балки билимга таянади. Етакчи синф сифатида саҳнага олимлар, инженерлар ва техника мутахассислари чиқадилар; етакчи ўринларни интеллектуал ташкилотлар (университетлар, тадқиқот институтлари, саноат лабораториялари) эгаллайдилар. Иқтисодиёт биринчи навбатда моддий маҳсулотларга эмас, хизмат кўрсатишга асосланади. Сиёсий қарорлар фақат ратсионал-техник фикрларга асосланади, бу эса «мафқуранинг тамом бўлганлигини» билдиради. Кишилар ижтимоий кадриятлар муносабатларида умумий консенсусга (мунозарали савол ва низоларни келишув асосида ҳал этиш) эришадилар, мутахассислар ратсионал услубларга таяниб, тизимли таҳлил ва қарорлар қилишга мослашадилар. Қисқача қилиб айтганда бизни профессионал бошқарувчи ва технократлар даври кутмоқда”. [4,-С.119]. Шу сабабли ҳам бутун дунё бўйлаб истеъдодли ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган тадқиқотчи ва мутахассисларни бу жамиятлар тобора ўзларига жалб қилиб бормоқдалар. Бу эса уларнинг илмий ва ижодий фаоллиги асосида миллий кадриятларнинг трансформациялашувини янада тезлаштирмоқда. Ўзи аслида ахборотлар асрининг етакчи иштирокчилари ҳам аслида интеллектуал қатлам кишиларидир. Ижтимоий фан глобал ижтимоий макон ва ундаги глобал иштирокчилар жумладан сиёсий ва иқтисодий фаолиятнинг трансмиллий субъектлари, шунингдек "маҳаллий—глобал" ёки “глобал-маҳаллий” ўқида жойлашган акторлар - миллий давлатларнинг глобаллашув жараёнларидаги фаолиятини, ролларини фалсафий-социологик таҳлил ҳам қилиши лозим. Бу контекстда, глобаллашувнинг инсоният келажакига салбий таъсирини таъсири минималлаштириш ёки бартараф қилиш ҳақида сўз юритиш мумкинми? Бу саволларга шундай жавоб бериш мумкин. Бу муаммоларни идеалда узил-кесил ҳал қилиш ёки ҳеч бўлмаса уларни минималлаштириш инсониятнинг ўзининг қўлида.

Тадқиқотчилар фикрича, икки қутбли дунё барҳам топгандан кейин ижтимоий тараққиёт муаммоларига минтақавий ёндашув устувор аҳамият касб

этнода. Минтақа(регион), ушбу сўзнинг умумий маъноси сифатида, географик, табиий, иқтисодий ва бошқа хусусиятлари билан боғлиқ бўлган дунё худудининг бир қисмини намоён этади. Шунингдек, уни географик ўзаро муносабатлар ва муайян ўзаро алоқадорлик билан боғлиқ чекланган миқдордаги давлатлар уюшмаси сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Минтақани таҳлил этишда тадқиқотчилар, биринчи навбатда, унинг табиий-географик хусусиятларидан келиб чиқадилар. Минтақавийлашув (регионализация) ва минтақачилик (регионализм) минтақа сўзининг ҳосиласи ҳисобланади. Минтақавийлашув (регионализация)нинг маъноси - минтақа давлатлари ўртасидаги алоқаларнинг фаоллашуви, ривожлантирилиши ва мустақамланиши, ташкиллаштирилишидир. Минтақачилик (регионализм) эса – минтақанинг, тўғрироғи, унда мавжуд бўлган давлатларнинг ташкилотга уюшуви демақдир. Фан тилида минтақачилик минтақанинг функционал-институционал жиҳатдан намоён бўлишидир, яъни ташкилий тузилмаларда ифодаланишидир. Инсониятнинг яшаш эҳтиёжлари миллий, минтақавий, глобал(умумсайёравий) хавфсизлик тизимларини барпо этилишини тақозо этади. Шу жумладан, Туркий давлатлар ҳамкорлиги ташкилотининг вужудга келиши ҳам қайсидир маънода глобаллашув чақириқларига жавоблардан бири дейиш мумкин. Ташкилотнинг мақсади — расман туркий тилли давлатлар орасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатларини ривожлантириш, минтақада тинчликни таъминлаш, халқаро майдонда ўзаро қўллаб-қувватлаш ва барча соҳаларда ҳамкорлик қилишдан иборат деб таъкидланади.

Замонавий глобаллашув, агар инсониятни мураккаб ўзаро боғланган, ягона сайёравий тизимга интеграция қилиш жараёни деб тушунилса, тарихий ривожланиш самарасидир. У байналмилаллаштиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичи сифатида моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг замонавий даражаси, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ахборот инқилоби ютуқларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда энг катта муваффақиятларга эришган Ғарб цивилизацияси мамлакатлари глобализм етакчилари ҳисобланади. Шу билан бирга, бир-бирига боғлиқ дунёда глобаллашув турли маданият ва ривожланиш даражасидаги халқларни ўз орбитасига тортади. Дунёнинг етакчи мамлакатларининг ўсиб бораётган иқтисодий ва сиёсий ўзаро боғлиқлиги нафақат янги имкониятлар очади, балки янги минг йилликка кўплаб ҳал етилмаган муаммолар билан кириб келган мамлакатлар учун ҳам қийин муаммоларни келтириб чиқаради.

Замонавий глобаллашув одамларга умид ва кўрқув хиссини беради. Глобаллашув инсоният учун умумбашарий яхшиликка айланиши, адолат, эркинлик, ҳамжиҳатлик асосида барқарор тараққиётга йўл очиши мумкин. Лекин у умумбашарий фалокатга айланиши, инсон зотини умумий адоватга тортиши, турли фалокатлар гирдобига солиши ҳам мумкин. Аслида, гап глобаллашувда эмас, балки у амалга оширилаётган усуллар, унинг ютуқ ва имкониятларини амалга оширилиш сиёсатидадир. Инсон фаолиятининг барча соҳаларида жадал ўзгаришлар ижтимоий-маданий ўзгаришларга олиб келади. Планетар тафаккурнинг янги маданий ҳодиса сифатида шаклланиши субъектларнинг дунёқараши ва ўзлигини ўзгартиришга олиб келади. Бу жараён кризислар билан бирга, хавф ва хавфни оширади. Маданиятлараро кескинлик ва "цивилизацион тўқнашувлар"[Хантингтон] шароитида янги, глобал ахлоқни шакллантириш зарурати ҳозирги воқеликда намоён бўлмоқда. Бошқа томондан, глобаллашув идентиклик муаммосини четлаб ўтмайди. *Идентиклик* (лот. идентисус — тенг, бир хил) — - шахс томонидан ўзининг ижтимоий роллар ва ҳолатлар доирасида муайян ижтимоий-шахсий позитсияга мансублигини англашидир. Идентиклик, ижтимоий-психологик нуқтаи назардан, ҳар бир инсон ҳаёт циклининг қоқ маркази (эпицентри)дир. Глобаллашув одамларни “кўчманчи” қилиб қўймоқда. Индивид узига у ёки бу ижтимоий маконни танлар экан, шу билан узи учун аниқ идентикликни ҳам танлайди. Бирок нотурғун ҳаёт кишиларнинг социумдаги ўрнини ўзгарувчан, яъни - бугун турмушнинг социал пиллапояларида бирор нарса аҳамиятли бўлса, эртасига эса бошқа ҳолат “оммабоп, нуфузли, долзарб” бўлиши туфайли индивиднинг айни дамдаги жамиятда эгаллаган ўрнини ҳамма вақт ҳам нуфузли ва фойдали бўлишига кафолат беролмайди. Табиийки, индивид барқарор мансубликни истайди, чунки ўзгарувчан шарт-шароитлар унинг ижтимоий-руҳий барқарорлигини издан чиқариб юбориши мумкин. Шундан келиб чиқиб унда баъзан этник мансублик устуворлик килса, баъзида диний идентикликка эҳтиёж пайдо бўлади. Мутахассисларнинг эътироф этишларига кўра, бугунга келиб ер юзида 1600 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари истиқомат қиладилар. Географик харитага диққат билан назар ташлайдиган бўлсак, унда бор-йўғи 200 та атрофидагина давлатларнинг рўйхати келтирилганлигини кўриш мумкин. Агарда, улардаги диний эътиқод ҳолатини кузатадиган бўлсак, рақамлар янада қисқаради, балким у бор-йўғи бир нечта ўнтани ё ташкил қилади ёки йўқ. Глобаллашув идентиклик масаласини долзарблаштирди деб айтишимиз мумкин. Глобаллашув шароитида маданият тушунчаси таҳлили буни

тушунишга ёрдам беради. Маданиятнинг глобаллашуви икки зиддиятли жараён билан боғлиқ: биринчидан, демократияда маданий воситалардан эркин ва ошкора бахраманд бўлиш мумкин, иккинчидан, Ғарб бутун дунёда маданият тарқатишнинг асосий манбаи ҳисобланади (европамарказчилик ҳали ҳам муқимлигини тан олишга тўғри келади). Бундан ташқари, жаҳон жамиятида маданий хусусиятларнинг ривожланиши ҳақида гапирганда, маданиятнинг унификацияси (бирхиллашуви) – дунёнинг барча ижтимоий соҳаларини ривожлантиришнинг умумий тамойиллари ва стандартларини шакллантириш каби концепсияни таъкидлаш керак. Шунингдек, унификация маданиятнинг бирхиллашуви(гомогенлашуви)га, шунингдек, дунёда маданий хилма-хилликнинг камайишига олиб келади. Глобаллашув жараёни космополитизм тушунчасини – яъни, бутун инсоният манфаатларини муайян миллат ёки давлат манфаатларидан устун қўядиган жаҳон фуқаролиги мафкурасини ўз ичига олади. Мультикультурализм космополитизмнинг тескараси бўлиб, муайян мамлакатдаги маданий тафовутларни сақлаб қолиш, шунингдек, маданиятларнинг бойитилиши ва ривожланиши учун параллел равишда мавжудлигини талаб қилишдан иборат ҳисобланади. Мультикультурализм (кўпмаданиятчилик) билан боғлиқ турли нуқтаи назарлар мавжуд: баъзи олимларнинг фикрига кўра, бу давлатлараро тинч ривожланишнинг ажралмас қисмидир ва бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, кўп маданиятчиликни ортиқча қувватлаш бошқа миллат, ирқларни рад этишдан иборат ирқчиликнинг муайян кўриниши шаклланишига олиб келиши ҳам мумкин. Турли мамлакатлар ўртасида маданий ўзликни сақлаш ва ўзаро ҳамкорлик глобаллашувнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Бошқача айтганда, глобаллашув моҳиятан анча мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, нафақат бирлашишга қаратилган сиёсатни ифодалайди, балки маданий хилма-хиллик ва ҳамкорликни сақлаб қолиш истагини ҳам акс эттиради. Идентиклик ижтимоий ривожланиш жараёнида пайдо бўлиб, муайян яхлик структурага дахлдорлик ҳисси билан боғлиқ ҳолда, инсон томонидан ўзининг ана шу структурани бир қисми эканлиги ва унинг таркибида муайян аниқ ўринга эга эканлигини англашни билдиради. Идентиклик кишига ўз эҳтиёжларини қондириш ва жамиятда ўз урнини топишга ёрдам беради. Идентиклик воситасида инсон ўзи мансуб бўлган ижтимоий макондаги социомаданий эҳтиёжларини қондиради ва у орқали жамиятда ўз ўрнини топади. Жамиятда етакчи ва устувор ҳисобланган социомаданий идентификация одатда, нафақат шахсни, балки социумда истиқомат қилаётган авлодларнинг ҳам ўзини ҳар

томонлама ижобий баҳолаши ёки социал муҳитга муваффақиятли ижтимоийлашуви билан боғлиқ мутаносибликларни акс эттиради. У ёки бу идентификациянинг ижтимоий структурадаги ўрни социомаданий контекстнинг ўзгариши таъсирида алмашиши мумкин. Масалан, ҳар бир даврнинг бошқарув аппаратидаги ўзгаришлар янги шахсларро ёки авлодларро идентификацияни пайдо қилиши мумкин. Идентиклик инсонда «мен кимман», «менинг бошқалардан фарқим нима» деган саволлар асосида вужудга келтиради ва бунда инсон ўзликни англаш жараёнидаги мураккаб юлни босиб ўтади. Ижобий (позитив) идентиклик кўпчилик одамларга хос бўлиб, у кишида ўзи мансуб бўлган ва бошқа этник гуруҳларга нисбатан толерантлик мувозанатини намоён этади. Уни бир томондан, этник гуруҳнинг муस्ताкил ва барқарор ҳаёт кечирishiни таъминловчи шарт сифатида, иккинчи томондан, полиэтник дунёда осойишта маданиятларро мулоқотнинг шакли сифатида баҳолаш мумкин. «Ҳар бир инсон табиатига кўра ўз эҳтиёжларини қондириш ва камол топиши учун жуда кўп нарсаларга (кийим-кечак, озиқ-овқат, уй-жой, китоблар, устозларга, дўстларга) эҳтиёжи бор. Инсон барча зарур нарсаларни бир ўзи ҳосил қила олмайди, буларни топиш учун у турли касбдаги одамларнинг хизматида муҳтожлик сезади. Бошқа инсонлар ҳам шундай ҳолатда бўладилар. Инсонлар ўз эҳтиёжларини қондириш ва камол топиш учун жамоага ва жамиятга бирлашувлари зарур бўлади». [5, -Б.238]. Зеро, туркий давлатлар ташкилотининг вужудга келиши, шаклланиши аа ривожланишини ҳозирги глобал дунё чақириқларига жавоб ҳамда бир вақтнинг ўзида туркий халқларнинг идентиклигини, барқарор тараққиётини таъминловчи омил сифатида ҳам қараш мумкин.

## REFERENCES

1. Бзежинский З. Выбор: мировое господство и глобальное лидерство. М.: «Международные отношения», 2004. – С 175-176.
2. Кастельс М. Информационная эпоха. М.: 2000. – С. 22
3. Гелбрейт Дж.К. Новое индустриальное общество. М.: 1969. – С. 124.
4. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. - М.: 1999. – С. 119.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. - Б.238../ <https://www.studocu.com/row/document/o%CA%BBzbekiston-xalqaro-islom-akademiyasi/islamic-economics-and-finance/fozil-odamlar-shakhri-abu-nasr-farobiy/74685547>



6.Хайдаров Аброр. Ахборотлашган жамиятда ижтимоий-маданий муносабатларнинг трансформациялашув жараёнлари ЎзМУ хабарлари (2021,[1,6,3]. Б.230-232. <http://science.nuu.uz/UZMU.php>)

7.Хайдаров Аброр. Глобаллашув ва янги мустақил давлатларнинг барқарор ривожланиши: назарий социологик таҳлил . Tadqiqot UZ Ижтимоий тадқиқотлар журналі (2022, 1 - махсус сон. Б.22-29. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz))

8.Хайдаров Аброр. Мультикультурализм замонавий жамиятда миллий маданиятлар трансформациясининг назарий-методологик асоси сифатида. Tadqiqot UZ Ижтимоий тадқиқотлар журналі (2022, 2-сон.Б.14-21)да

9.Хайдаров Аброр. Детерминизм методологиясининг амалий жиҳатлари. Ўзбекистонда инновацион ва амалий социологик тадқиқотларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллар тўплами.Т.: ЎзМУ, 2022. Б.15-19 .

## ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ

**Лайло Упашевна Акбарова**

Тошкент давлат транспорт университети катта ўқитувчиси

### **АННОТАЦИЯ:**

Бозор ислохотлари нафақат мамлакат транспорт тизимини бошқаришга, балки унинг фаолияти натижаларини миллий иқтисодиётнинг муҳим қисми сифатида баҳолашга ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Ташиш жараёнининг самарадорлигини аниқлаш мезонлари ҳам мукамаллашиб бормоқда. Ҳозирда транспорт корхоналари ишидаги асосий ёъналиш халқ хўжалиги ва аҳолининг транспортга бўлган эҳтиёжларини энг кам харажат билан тўлиқ ва ўз вақтида қондиришдан ташқари, бозор иқтисодиётида асосий мезонлардан бирибўлган тижорат фойдаси - фойда олиш ҳамдир.

**Таянч сўзлар:** Транспорт, иқтисодий потенциал, таъриф ставкалари, иқтисодиёт, юк айланмаси, ёъловчи айланмаси, юк ташиш, ёъловчи ташиш, темир ёъл транспорти, автомобиль транспорти, ҳаво транспорти, метрополитан

### **АННОТАЦИЯ:**

Рынок влияет на страну не только в поддержку транспорта, но и в поддержку его движения как важной части национальной экономики. Также совершенствуются параметры транспортного процесса. В настоящее время основным направлением в работе транспорта является полное и своевременное производство продукции народного хозяйства и населения для транспорта с наименьшими затратами, а коммерческая прибыль - прибыль, что является одним из основных критериев в рыночной экономике.

**Ключевые слова:** Транспорт, экономический потенциал, тарифные ставки, экономика, грузовые перевозки, пассажирские перевозки, грузовой транспорт, пассажирский транспорт, железнодорожный транспорт, автомобильный транспорт, воздушный транспорт, метрополитен.

### **ABSTRACT:**

The market affects the country not only in support of transport, but also in support of its movement as an important part of the national economy. The parameters of the transport process are also perfected. Currently, the main direction in the work of transport is the full and timely production of the national economy and

the population for transport at the lowest cost, and commercial profit - profit, which is one of the main criteria in the market economy.

**Keywords:** transport, economic potential, tariff rates, economy, freight traffic, passenger traffic, cargo transport, passenger transport, railway transport, road transport, air transport, metropolitan.

Туркий тилли давлатлар кенгаши ривожланиб бораётган минтақалараро ташкилотлардан бири ҳисобланади. Ушбу ташкилот туркий тилли мамлакатларнинг этнолингвистик бирлиги асосида яратилган. Кенгаш 2009 йили Озарбайжонда Нахичеван Битимини имзолаш билан таъсис этилди. Таъсисчилар Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларидир.

Туркменистон туркий тилли давлат бўлса-да, нейтраллик статусига кўра, Кенгашга аъзо бўлмаган. Ўзбекистон ҳам аввалбошдан аъзоликни инкор қилган эди. 2016 йили Шавкат Мирзиёев Президент бўлгач, расмий Тошкент очик ташқи сиёсат юрита бошлади ва 2018 йилнинг апрелида ушбу ташкилотга кўшилиш нияти борлигини эълон қилди. Орадан сал кам бир ярим йил ўтиб, 2019 йилнинг сентябрь ойида Нахичеван Битимини ратификация қилиш ҳақидаги Қонун Президент томонидан имзоланди, Ўзбекистон Туркий Кенгашга аъзо бўлди.

Кенгаш Котибияти Истанбулда жойлашган. Унинг муҳим тузилмаларидан яна бири Анкарадаги туркий халқлар маданиятини тарғиб қилувчи халқаро ТУРКСОЙ ташкилотидир. Шу кунга қадар расмий равишда Кенгашнинг етита саммити бўлиб ўтди. Кенгашнинг биргаликдаги аҳоли нуфузи 144 миллиондан зиёд, худуди 4 млн. кв. км.дан зиёд ва умумий ЯИМ қиймати 1.13 триллион долларни ташкил қилмоқда.

Туркий давлатлар ташкилоти (илгари Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ёки Туркий кенгаш деб аталган) Нахичеван шаҳрида (Озарбайжон) ташкил этилган бўлиб, 2009 йил 3 октябрда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия ўртасида имзоланган Нахичеван битими ушбу ташкилот фаолиятига асос солган.

2018 йил сентябрь ойида Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган Туркий кенгаш саммитида Венгрия кузатувчи мақомига эга бўлди, шундан сўнг Будапештда ташкилотнинг Европа ваколатхонаси очилди. 2019 йил октябрь ойида Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий кенгашнинг VII саммитида Ўзбекистон Туркий кенгашнинг тўлақонли аъзоси бўлди. Туркменистон 2021 йилда кузатувчи давлат сифатида ташкилот билан ҳамкорлик қила бошлади.

2021 йил ноябрь ойида Истанбулда бўлиб ўтган Туркий кенгаш етакчиларининг VIII саммитида ушбу кенгаш Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) деб қайта номланди. Шунингдек, Истанбул саммитида «Туркий дунёнигоҳи – 2040» стратегик ҳужжати қабул қилинган бўлиб, унда ташкилот мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг келгуси йигирма йил учун устувор йўналишлари, жумладан, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида товарлар, капитал, хизматлар, технологиялар ва ишчи кучининг эркин ҳаракатланишига эришиш белгиланган.

2022 йил 11 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарларининг «Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари» мавзусидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилотга аъзо давлатлар – Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия президентлари, шунингдек, кузатувчи мамлакатлар – Туркманистон ва Венгрия етакчилари иштирок этди. Бу Ўзбекистон томонидан дунёнинг турли интеграция тузилмалари ва минтақалари билан фаол ҳамкорлик қилган ҳолда жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар самарадорлигининг яққол тасдиғидир.

Бир гуруҳ халқаро экспертлар мазкур ташкилотни туркий халқларни бирлаштирувчи ва уларни интеграцияга бошлаб боровчи тузилма сифатида баҳолайди.

Туркий тилли давлатлар билан алоқаларни Марказий Осиё минтақаси доирасида ривожлантириш, минтақа давлатларининг ўзаро ҳамкорлик муносабатларини шакллантириш Туркий Кенгаш фаолиятининг асоси ва барқарор истиқболи бўлиши мумкин. Минтақа давлатларининг Туркий Кенгашда иштирок этиши минтақавий интеграция жараёнларини тўлдиради ва бу жараённи янада фаоллаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, Туркий Кенгаш истиқболи қанчалик саволлар остида қолган бўлса, Марказий Осиё интеграцияси шунчалик реал ҳаётга яқин тушунчадир.

Маълумки, 90-йилларнинг бошларида Марказий Осиё давлатлари иттифоқини яратиш ташаббуси илгари сурилган эди. Аммо иқтисодий-сиёсий хусусиятдаги муаммолар бу ғояни амалга оширишга имкон бермади. Ҳозир эса бу ташаббусларни яна кун тартибига олиб чиқиш зарурати пайдо бўлганини инкор қилмаслик керак. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу борада муҳим қадамлар ташланди. Минтақа давлатлари ривожланиш бўйича бир қатор катта лойиҳаларни амалга оширишга киришган ҳозирги

даврда хорижий инвестицияларга зарурат сезади. Шунини ҳисобга олган ҳолда агар минтақа давлатлари Европа интеграцияси намунасида бирлашса, бу бирлашув донор давлатларни кўпроқ сармоя етказишга илҳомлантиради. Шу билан бирга минтақа иқтисодидаги ички ўсиш ҳам сезиларли даражада ортади. Эътироф этиш керакки, 2016 йилдан бошлаб, ҳудудий чегаравий масалаларни тўла бартараф қилиб олишдан бошлаб, транспорт соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришгача бўлган самарали қарорлар қабул қилинди. Бироқ шунини эътиборга олиш керакки, айтиш ташаббуслар, аслида, аллақачон ҳал қилиб олиниши керак бўлган ҳамкорликни ривожлантириш учун зарур инфратузилмани яратиш даражаси ҳисобланади. Ҳозир эса минтақа давлатлари том маънодаги интеграцияга тайёргарлик кўриши ва буни амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Туркий тилли давлатларнинг Марказий Осиёдаги ҳамкорлигини кучайтириш ҳақида гап борар экан, бу ердаги икки етакчи давлат сифатида Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳамкорлигини янада кучайтириш заруратини тан олиш лозим. Жорий йил ҳисоботларига кўра, Ўзбекистон ташқи савдо шериклари орасида Қозоғистон 3-ўринда, Қозоғистон ташқи савдо шериклари орасида эса Ўзбекистон 8-ўринда турибди. Икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳадаги алоқаларни ҳозиргидан кўра юқорироқ босқичга олиб чиқиш минтақадаги умумий интеграция жараёнларига катта таъсир кўрсатади. Шу билан бирга туркий тилли давлатларнинг ҳамкорлик платформаси ҳам бу алоқалардан катта фойда кўриши мумкин. Қозоғистонлик сиёсатчи Султанбек Султанғалиев Франция ва Германия Европа Иттифоқи асосини ташкил қилганидек, Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳам Марказий Осиё давлатлари интеграциясининг асосини ташкил қилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Хулоса қилиб айтганда, Туркий Кенгашининг иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий мулоқот соҳаларидаги кўрсаткичлари, эришилган натижалари ва аъзо давлатларнинг ташқи сиёсатида унинг аҳамияти қандай эканлигидан қаттиқ назар, Кенгаш туркий тилли халқларнинг ўзаро мулоқоти учун бир қўшимча платформа вазифасини бажариб келмоқда.



**REFERENCES**

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 Фармони.
2. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3851>.
3. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/3324>.
4. Қодиров А. Янгиланаётган Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишлари// <http://www.isrs.uz/uz/maqolalar/klucevye-prioritety-vnesnej-politiki-obnovlennogo-uzbekistana>
5. Шангараев Р.Н. ИНТЕГРАЦИОННОЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ ЕВРАЗИЙСКОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО СОЮЗА И ТУРЦИИ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ. Вестник Российской таможенной академии. №2. 2017.

## TURKIY DAVLATLARDA TRANSPORT LOGISTIKASI.

**Moxinur Ilox qizi Ermamatova**

TDTr.U. Iqtisodiyot fakulteti 1-kurs, TNR-2gr talabasi.

### ANNOTATSIYA:

Transport logistikasining turli sohalardagi o`rni: Iqtisodiy sohada – ish samaradorligini oshirish, daromadlarni oshirish va jamiyat faoliyatining barcha turlari bo`yicha xarajatlarni kamaytirish. Texnik sohada - mijozlarga xizmat ko`rsatishning ilg`or tizimlarini kengaytirish va joriy etish. Ilmiy va axborot xizmatlari sohasida – marketing taqdiqotlari doirasini kaengaytirish va transport ma'lumotlar bazasining hisob va hisobot tizimini takomillashtirish.

**Kalit so`zlar:** transport, logistika, texnika, iqtisodiyot, axborot, tadqiqot.

### ABSTRACT:

The role of transport logistics in various fields: In the economic field - to increase work efficiency, increase income and reduce costs for all types of social activities. In the technical field - expansion and implementation of advanced customer service systems. In the field of scientific and information services - expanding the scope of marketing research and improving the accounting and reporting system of the transport database.

**Keywords:** transport, logistics, technology, economy, information, research.

### АННОТАЦИЯ:

Роль транспортной логистики в различных сферах: В экономической сфере - в повышении эффективности труда, увеличении доходов и снижении затрат на все виды социальной деятельности. В технической сфере – расширение и внедрение передовых систем обслуживания клиентов. В сфере научно-информационных услуг – расширение сферы маркетинговых исследований и совершенствование системы учета и отчетности транспортной базы данных.

**Ключевые слова:** транспорт, логистика, технологии, экономика, информация, исследования.



Hozirgi kunda turkiy davlatlarda transport logistikasini samaradorligini oshirish mamlakat

raqobatdoshligini savdo-iqtisodiy rivojlanishini kuchaytirishda muhim rol o'ynaydi. Transport logistikasi yuklarni saqlash, ortish-tushurish, tez va sifatli tashib berish va shu kabi masalalarni hal etgan holda yuklar bilan bog'liq operatsiyalarini amalga oshiradi. Bu turdagi xizmatlar mijozlarning talablarini to'laqonli qondirish maqsadida xizmat ko'rsatish infrastrukturasi kompleksrivojlantirish, mijozlarga maqbul servis xizmatlarini ko'rsatish, aktsiyadorlar manfaatida daromadlarni oshirish tadbirlarini amalga oshiradi. Shu kompleks tadbirlar va dasturlar doirasida transport xizmatlari bozorida sog'lom raqobatni ta'minlash maqsadida ko'rsatilayotgan xizmatlar sifati tobora yaxshilanib, xizmat doirasi kengaymoqda.

Transport logistikasining turli sohalardagi o'rni: Iqtisodiy sohada – ish samaradorligini oshirish, daromadlarni oshirish va jamiyat faoliyatining barcha turlari bo'yicha xarajatlarni kamaytirish. Texnik sohada - mijozlarga xizmat ko'rsatishning ilg'or tizimlarini kengaytirish va joriy etish. Ilmiy va axborot xizmatlari sohasida – marketing taqdiqotlari doirasini kaengaytirish va transport ma'lumotlar bazasining hisob va hisobot tizimini takomillashtirish. Ijtimoiy sohada – mehnat unumdorligi va xizmat ko'rsatish samaradorligini o'sishini rag'batlantirish, bajariladigan ishlarni osonlashtirish. Bozor va savdo taqdiqoti – transport xizmatlari bozorni o'rganish jamiyatning kelgusi faoliyatini aniqlash uchun zarur bo'lgan ma'lumotlarni olish.

Bozor iqtisodiyoti transport xizmatlariga bo'lgan talabni o'rganishga, uning iste'molchilari bilan pul munosabatlarini tashkil etishga majbur qiluvchi iste'molchining ehtiyojlarini qondirishga qaratilgan bo'lib, bu xizmatlar, ayniqsa yuk tashishda boshqa yuk tashuvchilarga ustunlik beriladi. Shu bilan birga, potensial raqobatchilarning imkoniyatlarini hisobga olish muhimdir. Transport kompaniyalarining barcha tuzilmalari faoliyatining samaradorligi bu munosabatlarning qanday darajada tashkil etilganligiga bog'liq. Jamiyatning O'zbekiston Respublikasi hududida yuklarni tashish bo'yicha asosiy raqobatchilari xususiy va boshqa avtotransport kompaniyalari, xalqaro yo'nalishlarda yuk tashishda esa asosiy raqobatchilari temir yo'l va havo transporti hisoblanadi. Jamiyat faoliyatining muayyan bozor yoki uning segmentidagi raqobatbardoshligini baholash tashkilotning texnologik, ishlab chiqarish, moliyaviy va sotish imkoniyatlarini atroflicha tahlil qilishga asoslanadi. Jamiyat muayyan bozorda raqobat mavqeini ta'minlash uchun ko'rilishi zarur bo'lgan chora-tadbirlarni yilning har chorak yakunlarida ko'rib chiqiladi. Jamiyatning raqobatbardoshligi ham alohida, ham boshqa markazlarga nisbatan "miqdor-sifat-narx" siyosati bilan baholanadi. Mijozlarni transport kompaniyalarini tanlashida asosiy omil hali ham narx, sifat va o'z vaqtida yuklarini manzilga yetkazib berish omilidir. Turli markazlarda ichki

aloqaning bir xil yo'nalishlari bo'yicha tashish xarajatlarini taqqoslash natijalari shuni ko'rsatdiki, jamiyatning transport xarajatlari o'rtacha 1,1 barobar xususiy avtokorxonalariga nisbatan yuqori. Istisno faqat xususiy tadbirkorlarga tegishli bo'lgan xizmatlar bo'lishi mumkin, bu ham barcha xabarlarda muhim raqobatni anglatadi, chunki u yanada moslashuvchan va mijozlar so'rovlariga tez javob beradi. Jamiyat O'zbekiston Respublikasi hududi bo'ylab yuk tashishdagi faoliyati ko'lamini sezilarli darajada kengaytirishni rejalashtirgan.

Bozor munosabatlarini rivojlantirish erkin tadbirkorlikni yuriti tamoyillariga muvofiq amalga oshiriladi. Shu bilan birga xo'jalik yurituvch subyektlarning ziddiyatli manfaatlari bo'lishi mumkin, bu esa raqobatnin ortishiga va raqobatchilar xatti-harakatini aniq bashorat qila olmaslikka oli keladi. Doimiy o'zgarib turuvchi bozor sharoitida ichki transport tizimi xavfsizligiga ichki va tashqi tahdidlarning keng doirasi yaratiladi Transport xizmati kompaniyalari faoliyatiga ko'plab omillar ta'sir ko'rsatadi Ularning ba'zilar samaradorligini va shunga ko'ra, ularning iqtisodi xavfsizlik darajasini kamaytirish

va moliyaviy inqiroz ehtimoli va bankrotlik xavfini oshirishi mumkin. Bundan kelib chiqadiki, jamiyatning moliyaviy holatiga salbiy ta'sir etuvchi tavakkalchiliklar mavjud. Shuning uchun tavakkalchilikni uning sabablari va uni boshqarish usullarini o'rganishga ko'proq e'tibor beri lozim Tashqi va ichki omillar ta'sirida jamiyatning marketing rejasi bo'yicha choratadbirlar majmuini amalga oshirishga to'sqinlik qiluvchi tavakkalchiliklar payd bo'lishi mumkin Tavakkalchilikni belgilari va turlari bo'yicha baholash va tasnifla mijozlarga xizmat ko'rsatish uchun juda muhimdir.

Yaxshi, to'g'ri, keng imkoniyatlar bilan yo'lga qo'yilgan logistik tizim, davlatlarning o'zaro tovar-mahsulot aylanmasi, innovatsiyalarning keng kirib kelishi va eksport bo'lishida, umuman davlat-jamiyat rivojlanishida katta asoslardan biri bo'ladi. Bugun MO davlatlari va Ozarbayjon, Turkiya o'rtasida logistikani rivojlantirish bo'yicha dasturlar ishlab chiqilmoqda. Geosiyosiy harakatlar barcha turkiy davlatlar tomonidan yakdil shunga yo'naltirilgan. Bu barcha turkiy davlatlar uchun yaxshi iqtisodiy rivojlanish imkonini beradi. Bugungi logistika o'zaro savdo aylanmasini oshirar ekan qardosh davlatlar va undagi jamiyatlat birlashuv-integratsiyasiga sezilarli ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

**REFERENCES**

1. Salimov, B., Madalimov, T. (2023). Transport falsafasi. Globe Edit.
2. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. Бирдамлик ва ҳамжихатлик – ижтимоий муносабатларнинг келажагидир. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 3(3), March, 2023.
3. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. Ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва барқарорлигини белгиловчи муҳим тамойиллар. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 3(3), March, 2023.
4. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The Importance of Sea Transport in the Communication System. WEB OF SYNERGY: International Interdisciplinary Research Journal. Volume 2 Issue 1, Year 2023 ISSN: 2835-3013.
5. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The Influence of the Transport and Communication System on Social Relations. Web of Semantic: Universal Journal on Ie Education. Volume 2 Issue 2, Year 2023. ISSN: 2835-3048.
6. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. Reforms in the Fields of Communication and Transport and their Social Impact. Web of Semantic: Universal Journal on Ie Education. Volume 2 Issue 2, Year 2023. ISSN: 2835-3048.
7. Бахриддин Лутфуллаевич Салимов (2022). Жамиятнинг шаклланиши ва такомиллашувида бошқарув ва тарбия санъатининг ўрни. Academic research in educational sciences, 3 (11), 359-365.
8. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.
9. Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.
10. Салимов Бахриддин Лутфуллаевич. Йўлдошов Сардор Зокир ўғли. (2023).
11. Инсоният ҳаётидаги туб бурилишлар. Innovative Technologies in Construction Scientific Journal, 1(2992-8893).
11. Салимов Бахриддин Лутфуллаевич Равшанов Охунжон Тўймурод ўғли. (2023). 51. Техника тараққиётининг икки ёқлама таъсири. Innovative Technologies in Construction Scientific Journal, 1(2992-8893).
12. Baxriddin Lutfullaevich Salimov. NEGATIVE CONSEQUENCES OF SCIENCE AND TECHNOLOGY DEVELOPMENT. International Conference" Law, Economics and Tourism sciences in the modern world". 2023/5/1. С. 5-10.



## TURKIY DAVLATLAR TRANSPORT-LOGISTIKA MUNOSABATLARIDA O'RTA KORIDOR (TRASEKA) NING AHAMIYATI.

**Doston Axatjon o'g'li Nuridinov**

TDSHU “Sharq mamlakatlari siyosati va xalqaro munosabatlar” kafedrasida stajyor o'qituvchisi

[nuriddinovdoston07@gmail.com](mailto:nuriddinovdoston07@gmail.com)

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada, Transyevropa-Kavkaz-Osiyo (TRASEKA) transkontinental transport yo'lagi, shuningdek, uning Turkiya, Ozarbayjon va Turk dunyosiga mansub Markaziy Osiyo davlatlari uchun geosiyosiy va iqtisodiy ahamiyati ko'rib chiqiladi. Bu davlatlar doimo Yevropa va Osiyo o'rtasidagi asosiy savdo yo'llari uchun tabiiy ko'priklarni o'ynagan. Buyuk Ipak yo'li tashkil etgan ushbu yo'nalishlar o'tgan yillar davomida rang-barang va zamonaviylashtirildi. Yevropa va Osiyo o'rtasidagi savdo aloqalarining aksariyati hanuzgacha dengiz transporti orqali amalga oshirilayotganiga qaramay, Markaziy Osiyo, Kaspiy va Qora dengiz mintaqalarida dengiz transporti bilan raqobatlasha oladigan yangi transkontinental transport loyihasi TRASEKAni yaratish muhimligi muhokama qilinmoqda. Turkiy davlatlar mintaqadagi transport-kommunikatsiya loyihalari tufayli iqtisodiy va siyosiy integratsiya jarayonlarini tezlashtiradi.

**Kalit So'zlar:** turkiy dunyo mamlakatlari, savdo aloqalari, TRASEKA, transport yo'laklari.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье рассматривается трансконтинентальный транспортный коридор ТрансЕвропа-Кавказ-Азия (ТРАСЕКА), а также его геополитическое и экономическое значение для Турции, Азербайджана и стран Центральной Азии, принадлежащих к тюркскому миру. Эти страны всегда играли роль естественного моста на основных торговых путях между Европой и Азией. Эти маршруты, сформированные Великим Шелковым путем, с годами диверсифицировались и модернизировались. Несмотря на то, что большая часть торговых связей между Европой и Азией по-прежнему осуществляется морским транспортом, возрастает важность создания нового трансконтинентального транспортного проекта ТРАСЕКА, способного составить конкуренцию морскому транспорту в Центральной Азии,



Каспийском и Черноморском регионах. обсуждалось. Благодаря транспортно-коммуникационным проектам в регионе турецкие страны ускоряют процессы экономической и политической интеграции.

**Ключевые слова:** страны тюркского мира, торговые отношения, ТРАСЕКА, транспортные коридоры.

### **ABSTRACT:**

This article examines the TransEurope-Caucasus-Asia (TRACEKA) transcontinental transport corridor, as well as its geopolitical and economic significance for Turkey, Azerbaijan, and the Central Asian countries belonging to the Turkic world. These countries have always played the role of a natural bridge for the main trade routes between Europe and Asia. These routes formed by the Great Silk Road have been diversified and modernized over the years. Despite the fact that most of the trade links between Europe and Asia are still carried out by sea transport, the importance of creating a new transcontinental transport project TRACEKA, which can compete with sea transport in Central Asia, Caspian and Black Sea regions, is being discussed. Thanks to transport and communication projects in the region, Turkish countries accelerate the processes of economic and political integration.

**Keywords:** countries of the Turkic world, trade relations, TRASEKA, transport corridors.

**KIRISH.** Mintaqadagi hozirgi geosiyosiy voqeliklar va ularning transport sohasiga ta'siri obyektiv ravishda mintaqa davlatlari va xalqaro tashkilotlar o'rtasida mavjud yo'nalishlarning raqobatbardoshligini oshirish va yangi muqobil yo'nalishlarni ishlab chiqish uchun tobora yaqinroq va muvofiqlashtirilgan o'zaro hamkorlikni talab qilmoqda. Osiyodan Yevropaga va Markaziy Osiyo orqali orqaga olib o'tishni ta'minlaydigan "O'rta yo'lak" deb ataluvchi Transkaspiy xalqaro transport yo'nalishining raqobatbardoshligini oshirish masalasiga qaratilgan.

Transkaspiy xalqaro transport koridori yoki odatda ma'lum bo'lganidek, O'rta yo'lak - Ozarbayjon, Gruziya, Qozog'iston, Qirg'iziston, Turkiya va O'zbekiston bilan quruqlik orqali Osiyodan Yevropaga mamlakatlarni bog'laydigan transport yo'nalishidir. Markaziy koridor mintaqaviy miqyosda transport infratuzilmasini rivojlantirish orqali Turkiya bilan Kavkaz va Markaziy Osiyo davlatlari o'rtasidagi savdo va iqtisodiy aloqalarni yaxshilash va shu orqali mamlakatlar o'rtasidagi barcha sohalardagi hamkorlikni yanada mustahkamlash uchun muhim tashabbusdir.

Ma'lumki, hozirgi vaqtda Yevropa va Osiyo davlatlari o'rtasidagi savdoning asosiy qismi dengiz transporti orqali amalga oshiriladi. 2021-yilda Xitoydan temir yo'l orqali Yevropaga jo'natilgan yukning umumiy qiymati taxminan 74,9 milliard dollarni tashkil etadi, Evropadan Xitoyga jo'natilgan yuk miqdori esa 10 milliard dollarni tashkil qiladi. Bu ko'rsatkichlar yangi quruqlikdagi transport yo'nalishlari va so'nggi yillarda dengiz transportida muhim o'tish nuqtalarida yuzaga kelgan muammolar va geostrategik o'zgarishlar tufayli kelgusi yillarda yanada oshishi kutilmoqda.

Muhim global tashabbuslardan biri bo'lgan Yevropa-Kavkaz-Osiyo transport koridori (TRASEKA) 1993-yilda Bryusselda Ozarbayjon, Armaniston, Gruziya, Qozog'iston, Qirg'iziston, Tojikiston, Turkmaniston va boshqa davlatlar transport va savdo vazirliklari ishtirokida tashkil etilgan. Ushbu ikki tashabbusning asosiy maqsadi Osiyodan Yevropaga, xususan, Xitoy va Yevropa o'rtasidagi quruqlikdagi transport yo'nalishlari infratuzilmasini yaxshilash hamda temir yo'l va avtomobil yo'llari orqali yo'nalish bo'yicha ko'plab mamlakatlarga tashishni osonlashtirishdan iborat. Shunday qilib, quruqlikdagi transportni kuchaytirish va dengiz yo'llariga qaramlikni kamaytirishga qaratilgan [1,47-b].

Shu nuqtai nazardan, Markaziy koridor nafaqat markaz bo'lgan Turkiya bilan Kavkaz va Markaziy Osiyo davlatlari o'rtasidagi transport yo'li, balki KYG va TRACECA bilan o'xshash maqsadlarga ega bo'lgani uchun ham bu tashabbuslar uchun muhim bir tashabbusdir. O'rta yo'lak orqali amalga oshirilgan tashish operatsiyalarida Xitoydan kelayotgan yuk Qozog'iston orqali o'tib, Kaspiy dengiziga, so'ngra Ozarbayjonga, u yerdan esa Gruziya va Turkiya orqali Yevropadagi so'nggi manzil davlatlariga 10-15 kun ichida yetib boradi. Bu vaqt davri "Middle Lane"ning eng katta afzalliklaridan biridir. Chunki xuddi shu manzillarga quruqlik orqali tashish nuqtai nazaridan Xitoydan Yevropaga Rossiya orqali yetib boradigan Shimoliy koridorda tashish muddati 15-20 kun orasida. Dengiz transportida bu muddat 45-60 kungacha cho'zilishi mumkin. Shu nuqtai nazardan aytish mumkinki, O'rta koridor transport sektori eng muhim elementlardan biridir.

Dengiz yo'liga ham, Shimoliy koridorga nisbatan ham vaqt ustunligiga ega. Turk Davlatlari Tashkiloti (TDT) doirasida olib borilgan tadqiqotlar va bu vaqt ustunligini yanada rivojlantirish va Markaziy koridor yo'nalishida yuk tashishda duch keladigan muammolarni bartaraf etishga qaratilgan ikki tomonlama va ko'p tomonlama tashabbuslar koridorning funkcionalligini oshirishda muhim yutuqlarni ta'minlaydi. Boshqa tomondan, hozirgi global voqealarga nazar tashlaydigan bo'lsak, Rossiya tomonidan 2022-yil 24-fevraldan beri Ukrainaga qarshi boshlangan harbiy

amaliyotlar ham xavfsizlik, ham Moskvaga qarshi joriy qilingan sanksiyalar tufayli Shimoliy koridor orqali yuk tashishga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda[2, 42-b].

Savdo oqimi muammosiz davom etishi uchun ko'plab davlatlar, xususan, Xitoy muqobil yo'llarni izlamoqda. Bu holat Markaziy koridorning strategik ahamiyatini oshirib, Shimoliy koridorning transport bozoridan ulush olishi uchun qulay sharoit yaratadi. Bu o'zgarishlarning barchasi so'ngi yillarda rivojlana boshlagan "Markaziy yo'lakning transport imkoniyatlarini ham jadal rivojlantirishga zamin yaratmoqda. Shunga qaramay, 2021-yil holatiga ko'ra, ushbu yo'nalish bo'yicha 33,267 TEU (yigirma fut ekvivalenti) konteyner yuk tashish hajmi O'rta yo'lakning hozirgi salohiyatidan ancha past. Bu ko'rsatkich Shimoliy yo'lakdan ancha orqada, u muqobil hisoblangan va yiliga taxminan 1,1 million TEU (Xalqaro transport va logistika xizmatlarini ishlab chiqaruvchilar uyushmasi, 2022 yil).

Markaziy koridor bo'ylab joylashgan davlatlar o'rtasida turli ikki tomonlama va ko'p tomonlama shartnomalar mavjud. 2013-yilda Aqtau, Boku va Samsun portlari o'rtasida qardosh port munosabatlarini o'rnatuvchi anglashuv memorandumini imzolandi. Ushbu doirada amalga oshirilgan hamkorliklar portlar o'rtasida texnik tashriflar va savdo aloqalarini ko'paytirish va ular o'rtasida tovarlarni jo'natish uchun integratsiyalashgan dasturiy ta'minot tizimini yaratish kabi tashabbuslarni osonlashtiradi.[3]

2022-yil 11-noyabrda Samarqand shahrida bo'lib o'tgan TDTning 9-sammitida "Tashkil etish to'g'risidagi bayonnoma"ning ichki tartib-qoidalarini tayyorlash yakunlandi va "TDT hukumatlari o'rtasida soddalashtirilgan bojxona koridorini tashkil etish to'g'risida bitim" imzolandi. Ushbu shartnoma TDTga a'zo mamlakatlar bojxona organlari o'rtasida tovarlar va transport vositalarini olib o'tishni tartibga soladi. Bu mavzu bo'yicha ma'lumot almashishni osonlashtiradi va kelishilgan asosiy tovarlar bo'yicha ko'maklashuvchi chora-tadbirlarning amalga oshirilishini ta'minlaydi.

Markaziy koridor orqali tijorat tovarlarini tashish muddati va uzunligi taxminan 7 ming kilometr va 10-15 kunni tashkil qiladi. Yo'lakda birinchi sinov yuki 2015-yil 28-iyulda amalga oshirilgan va G'arbiy Xitoydan jo'nab ketayotgan Nomad Express konteyner poyezdi Aqtau portidan o'tib, 6 kun ichida Bokuga yetib kelgan. Bu boradagi muhim o'zgarishlardan biri shundaki, Qozog'istonda 2014-yilda qurib bitkazilgan 988 kilometrlik Jezkazgan-Beyneu temir yo'l liniyasi mamlakatning g'arbiy qismiga tashishni deyarli 1000 kilometrga qisqartirdi (Qozog'iston temir yo'li milliy temir yo'li liniyasi).

## MUHOKAMA VA NATIJALAR

Hozirda O'rta koridor orqali tijorat tovarlarini tashish vaqtini qisqartirish bo'yicha harakatlar olib borilmoqda va bu muddat 10 kungacha qisqartirilishi mumkinligi aytilmoqda. Bu davrni Shimoliy yo'lak va dengiz transporti yo'nalishlari bilan solishtiradigan bo'lsak, Shimoliy yo'lakda bosib o'tiladigan umumiy masofa 10ming kilometrgacha, yetib kelish vaqti esa 15-20 kungacha oshadi. Dengiz orqali masofa 20000 kilometr, yetib kelish vaqti esa 45-60 kungacha (Turkiya Transport va infratuzilma vazirligi, 2021 yil). bo'lgan vaqtni oladi. O'rta koridorning masofa va shuning uchun vaqt afzalligi qanchalik baland ekanligini aniq ko'rsatib turibdi. O'rta koridorning markazida joylashgan Ozarbayjon, Gruziya, Qozog'iston, Qirg'iziston, Turkiya va O'zbekistonning eksport dinamikasiga nazar tashlaydigan bo'lsak, 2021-yilda jami 22,9 milliard dollarlik hajm paydo bo'lmoqda. Bu miqdorning eng katta ulushi 7,9 ni tashkil qiladi.

Uning 9 milliard dollar bilan Turkiyaga tegishli, 6,1 milliard dollar bilan Qozog'iston, 3,5 milliard dollar bilan Ozarbayjon va 3,4 milliard dollar bilan O'zbekistonga tegishli. Gruziya va Qirg'iziston uchun bu ko'rsatkichlar mos ravishda 1 milliard va 712 million dollarni tashkil etadi. O'rta yo'lak mamlakatlari iqtisodiy salohiyatining yuksalishi hozirgi vaqtda amalga oshirilayotgan yuk tashish hajmini oshirishga o'z hissasini qo'shadi. Bu davlatlarning eksport hamkorlariga nazar tashlaydigan bo'lsak, Turkiya eksportida muvozanatli taqsimot kuzatilar ekan, Qozog'iston eksportining 85 foizi O'zbekiston va Turkiyaga, Ozarbayjon eksportning 79 foizi Turkiyaga yo'naltirilgani ko'rinmoqda[4]. Bu doirada Gruziyaning eng yirik eksport hamkori Ozarbayjon, Qirg'izistonniki esa Qozog'istondir. O'zbekiston ham Turkiya kabi muvozanatli eksport dinamikasiga ega. Bu ma'lumotlar bizga "Markaziy koridor" doirasidagi savdo aloqalarini, shuningdek, qaysi davlatlar ko'proq parvozlar tashkil etishi, shuningdek, kelajak istiqbollari haqidagi umumiy ma'lumotlarni yaxshiroq tushunish imkonini beradi.

Bu ko'rsatkichlar qayd etilgan mamlakatlarning faqat tanlangan yo'nalish davlatlari bilan savdo aloqalarini rivojlantirayotganligini ko'rsatsa-da, bu ko'rsatkichlar mamlakatlarning umumiy eksportida pastligicha qolayotganini ko'rsatadi. O'zbekistonda avvallari turli vazirliklar tasarrufida amalga oshirilgan transport faoliyati 2019-yil 1-fevraldan boshlab tashkil etilgan Transport vazirligi tarkibida amalga oshirila boshlandi. O'zbekiston transport infratuzilmasini rivojlantirish bo'yicha yetakchi davlatdasturlari qatoriga "2018-2022-yillarda transport infratuzilmasini takomillashtirish va tashqi savdo yo'nalishlarini

diversifikatsiya qilish kompleks dasturi” va “O‘zbekiston Respublikasi transport tizimini 2035-yilgacha rivojlantirish strategiyasi” misol qilish mumkin.

O‘rta koridor nuqtai nazaridan O‘zbekiston tomonidan amalga oshirilgan muhim loyihalardan biri bo‘lgan Xitoy-Qirg‘iziston-O‘zbekiston temir yo‘li qurilishi jarayoni davom etmoqda. O‘zbekiston Markaziy Osiyoning Markaziy koridor yo‘nalishidagi muhim bozorlaridan biridir. Uning geografik joylashuvi, aholisi va iqtisodiy kattaligi O‘zbekistonni Markaziy koridor uchun muhim bo‘lgan boshqa omillardir. Joriy rivojlanish rejalari va strategiya hujjatlarida O‘rta yo‘lak aniq qayd etilmagan bo‘lsa-da, O‘zbekiston KYG doirasida TDT va Xitoy bilan turli hamkorlik jarayonlarini davom ettirmoqda.

### **XULOSA.**

TRASEKA dasturining turkiy dunyo uchun asosiy strategik maqsadlari quyidagilardan iborat: Markaziy Osiyodagi turkiy davlatlar uchun G‘arb bozorlariga kirishni ta‘minlash va Janubiy Kavkaz; mintaqa davlatlari o‘rtasidagi savdo-iqtisodiy hamkorlikni rivojlantirish; mintaqa davlatlariga investitsiyalar oqimini tezlashtirish. TRASEKA marshrutlarida joylashgan turkiy dunyo davlatlarining manfaatlarini quyidagicha guruhlash mumkin:

1. Iqtisodiy manfaatlar. Buning natijasida yo‘lak turkiy mamlakatlarda yuk va yo‘lovchi tashishning umumiy hajmini oshiradi, transport kommunikatsiyalari tarmog‘i rivojlanadi, Bu hududga xalqaro moliya institutlari sarmoyalari kiritiladi, transport infratuzilmasi ham rivojlantiriladi.

2. Ijtimoiy nafaqa. Yo‘lak o‘tadigan mamlakatlarda ishsizlik muammosi qisman hal bo‘ladi, axborot almashinuvi va moddiy daromadlar, aholi soni ortadi.

3. Siyosiy manfaat. Turk dunyosi davlatlari jahonning buyuk davlatlarining diqqat markazida bo‘ladi, bu esa mintaqa davlatlarining manfaatlari to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni jahon hamjamiyatiga yetkazish, ushbu mintaqada umumiy xavfsizlik va barqarorlikni ta‘minlashga xizmat qiladi.

### **REFERENCES.**

1. Gasimov E.E. Mintaqaning iqtisodiy rivojlanishidagi transport omili // "Kavkaz" xalqaro konferentsiyasi va Markaziy Osiyo globallashuv jarayonida". - Boku, 2007.
2. "Ozarbayjon Kaspiy dengiz kemasi kompaniyasi" yillik hisoboti. - Boku, 2017.
3. Bjezinski Zbignev. Buyuk shaxmat taxtasi / Tarjima. O. Yu. Uralskaya. - 1998. –
4. <https://www.ebrd.com/> - Yevropa tiklanish va taraqqiyot bankining rasmiy sayti.

4. <https://ady.az/az/content/index/66/42> -"Ozarbayjon temir yo'llari" YoAJ rasmiy sayti.
5. <https://www.stat.gov.az/source/transport-Ozarbayjon> Davlat statistika qo'mitasining rasmiy sayti.
6. <https://www.imf.org> - Xalqaro valyuta jamg'armasining rasmiy veb-sayti.
7. <http://www.traceca-org.org/> - The official TRACECA website.
8. <https://www.eia.gov> - official website of the US Energy Information Administration, international energy statistics, 2018.



## ТУРК ДУНЁСИ АТОҚЛИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

**Немат Қахорович Мамадалиев**

фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти. Фарғона. Ўзбекистон.

### АННОТАЦИЯ:

Мақолада бугунги кунда ёш авлодни баркамол инсон бўлиб етишишида буюк мутафаккирларимизнинг илмий, ахлоқий, таълим ва тарбия тўғрисидаги қарашларининг роли ва аҳамияти ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Миллий қадрият, миллий мерос, миллий ғоя, миллий мафкура, миллий ғурур, миллий анъана, урф-одат, инсонпарварлик, ватанпарварлик, баркамол инсон.

### АННОТАЦИЯ:

В статье освещены роль и значение научных, нравственных и просветительских взглядов наших великих мыслителей в становлении молодого поколения совершенным человеком.

**Ключевые слова:** Национальная ценность, национальное наследие, национальная идея, национальная идеология, национальная гордость, традиция, обычай, гуманизм, патриотизм, идеальный человек.

### ABSTRACT:

In this article, the role and importance of scientific, moral, and educational views of our great thinkers in the development of the young generation as a complete human being is highlighted.

**Keywords:** National value, national heritage, national idea, national ideology, national pride, tradition, custom, humanitarianism, patriotism, perfect human being.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш”, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам

устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. **Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият**”, дейди. [ 1, 1-б ] Бугунги кунда янги Ўзбекистондаги энг муҳим вазифалардан бири янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, у ҳар томонлама камол топган жамиятда турмушга мослашган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис эта оладиган янги авлодни тарбиялаш назарда тутилади.

Таълим тарбия соҳасидаги янгиланишларда аждодларимиз меросини билиш, ўрганиш жуда муҳимдир. Шу ўринда Ўзбекистан Республикаси биринчи Президентга И.Каримов ҳам ўзининг “Юксак маънавият – энгилмас куч асарида бундай деган эди. “Ота боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик булмиш илм-маърифат, билим ва тарбияни инсон камолати ва миллат равнақининг энг асосий шarti ва гарови деб билган. Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битаклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минерология, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир.!” [ 3, 30-б ]

Албатта аждодларимиз меросини ўрганиш халқимиз босиб ўтган тарихий йўлни буюк зотларни, уларнинг жасорати, қахрамонликларини билиб олиш орқали миллий хис-туйғу, ғурур ва ифтихоримиз ортади. Мамлакатимиз равнақи ва келажаги ёш авлоднинг юксак даражадаги таълим тарбиясига боғлиқ. Ёш авлодни миллий ғояси руҳида тарбиялаш давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Шунинг учун ҳам бу масалага жиддий эътибор берилмоқда. Бу мақсадни амалга ошириш учун таълим-тарбия соҳасидаги ислохот бугунги энг долзарб масала, эртанги кунимиз тақдирини ҳал қилувчи муаммолардан биридир.

Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар қаторида бўлиши учун энг муҳим шартларидан бири халқнинг бой илмий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ва технологияларининг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантиришдир. Бунинг учун биринчидан, инсонийлик фазилатлар; инсонпарварлик, ватанпарварлик, иккинчидан, билимдон, ўқимишли, мушоҳадали, оламни аниқ қўра оладиган, ҳис қила оладиган хусусиятларини тарбиялашни мақсад қилиб олиш лозим бўлса, учинчидан, таълим тарбия

хақидаги фалсафа, педагогика ва психологик назарияларни амалиётга йўналтириш зарурдир.

**Натижа.** Ёш авлодни тарбиялашда халкимизнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналари, урф-одатлари, маънавий-маърифий кадриятлари чуқур ўрганишни таҳлил этиш ва унинг моҳиятини англаб етиш зарурияти талаб даражасига эмас. Шарқ фалсафаси, Марказий Осиёдан етишиб чиққан буюк аллома мутафаккирларнинг асарларида инсон таълим тарбияси одоб-ахлоқи хақида кўплаб фикрлар, қимматли маслаҳатлар борки, уларда инсонийлик, кадр қиммат, раҳм-шафкат, мурувват, диёнат каби фазилатлар уйғунлашиб кетган. Шарқона анъаналаримизга кўра, ёши кичиклар катталарга салом бериши, уларга самимий муносабатда бўлиши, биринчи бўлиб уларга йўл бериб ўтказиб юборишлари лозим деб ҳисобланган. Ҳаётимизда ўтадиган хар бир маросим кексалар маслаҳати билан ўтган. Аждодларимиз тажрибалари, йўл-йўриқлари, маслаҳатлари тарбия учун бойлик ҳисобланган. Катталар маслаҳатини бажармаслик катта хато ҳисобланган, уларнинг розилигисиз ёшлар бошқа бирон ишга қўл урмаганлар. Катталарга тик боқмаслик, уларнинг сўзини икки қилмаслик, ёшлар онгига сингдириб борилган. Бу ҳолат миллий тарбиянинг замини ҳисобланган ва ёшлар тарбиясида ижобий роль ўйнаган. Шундай анъаналаримиз бўлишига қарамай баъзи ҳолларда катталарни беҳурмат қилиш, уларни хурлаш, қаровсиз колдириш сингари худбин ҳолатларни учратиб турамыз. Бундай ҳолнинг учраши ўзбек халқи шаънига, кадриятларига доғ ҳисобланади. Ёш авлодни билимли, салоҳиятли қилиб тарбиялашда маърифий кадриятларимиздаги бой илмий меросдан фойдаланиш ижобий натижалар беришига ишонамыз.

Буюк алломаларимизнинг ижодий мероси, таълим ва тарбияга оид қарашларида комил инсонни тарбиялашга доир йўналиш (концепция) шакллантирилган.

Ҳозирги даврда таълим-тарбия соҳасида мутафаккирларимизнинг илмий меросини ўрганиш ва уни таълим-тарбия амалиётига киритиш замон талаби ҳисобланади. Уларда инсоннинг камолга етиши инсоний муносабатларнинг таркиб топишида илм-фаннинг аҳамияти алоҳида уқтирилади. Масалан, Ал-Хоразмий илмий билимни ўрганувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришга эътибор беришлари кераклигини уқтиради. Ал-Фаробий эса инсоннинг камолга етишида муҳим бўлган услубларни ёритиб берган. Инсон хақиқий камолга етиши учун аввало илмий билимларга эга бўлиши зарурлигини уқтиради. Бунинг учун инсон ақлий ҳислатларни эгаллаши лозим бўлиб, тарбиячи эса

шогирдида ана шу фазилатларни ривожлантиришга ёрдам беради. Ал Форобий инсон фахм-фаросати, фикрлаш, мулоҳаза юритишқобилиятини тўғри йўлга қўйиш орқали ақлий ва ахлоқий камолотга етади, табиат ва жамият қонунларини тўғри билиб олади, деб таълим беради.

Форобий таълим-тарбияга таъриф бериб “таълим” деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш, “тарбия” эса назарий фазилатни, маълум хунарни эгаллаш учун зарур булган хулқ меъёрларини ва амалий малакаларини ўргатишдир деган. Хулқ атворга сўз билан эмас, балки амалда эришиш мумкинлигини тушунтирган.

Абу Райҳон Беруний эса инсонни табиатнинг гултожиси сифатида қарар экан, хар бир инсон ақл-заковатли, юксак-ахлоқли, билим маърифатли бўлиши лозим дейди. Унинг барча асарларида инсон камолоти, тафаккурининг ривожланиши соғлом ва жисмонан бақувват бўлишига боғлиқлиги таъкидланади. Берунийнинг ақлнинг роли ҳақидаги қарашлари унинг илм олиш, билиш жараёни тўғрисидаги фикрларида ўз ифодасини топади. Беруний илмий билимларни эгаллаш жараёнида ўқувчиларни зериктирмаслик учун янги мавзуларни кизиқарли, асосли кургазмали баён этишни тавсия этади. Жамиятимизда ҳозирги кунда ёшларимиз орасидаги турли иллатларнинг келиб чиқаётганлиги ҳаммага маълум. Бугунги кунда ёшлар тарбиясига салбий таъсир этадиган ходисаларнинг ижтимоий илдизи сабабини топиш ва чора кўриш кун тартибидеги вазифамиздир. Бу ҳақда Беруний жамият равнақи маърифатнинг ривожланшига боғлиқ, деган ғояни илгари суради.

Буюк мутафаккир Абу Али Ибн Син инсонни камолотга эришишнинг мезони илм-фанни эгаллашдадир деб билади. Унинг фикрича, билимли киши мард, оқил, жасур ҳисобланади. Унинг таълимдаги тамойилларида кўрсатилишича таълим енгилдан оғирга қараб бориши, олиб бориладиган машғулотлар балоғат ёшига мос бўлиши, жамоа бўлиб ўқитилиши, билим беришда ёшларни, кизиқиши, қобилиятини ҳисобга олиш, ўқитишни жисмоний машғулот билан қўшиб олиб бориш керак. Бу талабларни ҳозирги даврдаги тамойилларига мос келиши қимматлидир. Унинг таълим-тарбияга оид қарашларида ёшларни ҳақиқий билим билан қуроллантириш, уларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олган билимларини амалиётга тадбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтириш каби ғоялар илгари сурилган.

Юқорида келтирилган фикрлар шуни кўсатиб турибдики, ёшларнинг таълим тарбиясида мутафаккирлару-уларнинг илмий меросидаги илгари

сурилган ғоялар, услублар ёшларнинг билимли ўткир мулоҳазали мустақил фикрлайдиган қобилиятларини ривожлантиришга манба бўлиб ҳисобланади. Ёшларимизнинг баркамол инсон бўлишининг муҳим асоси дунёвий кадриятлардан халқи ҳам замонавий кадриятларидан баҳраманд бўлиши маънавий ва маърифий жиҳатдан тарбияси кучли бўлишликка олиб келади. Зеро давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётини тушунча ва кадриятларига асосланган”. [ 2, 1-б ]

**Хулоса.** Буюк алломаларимиз томонидан яратилган илмий мерослари табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий қарашлари, инсон, улар ҳақидаги, илму-хунар, унга эришмоқ йўллари қимматбаҳо ғоялари ҳикмат хазиналаридан баҳраманд бўлиш, ҳар жиҳатдан камолот сари бошлайди. Мамлакатимиз тараққиёти, барқарорлиги ва хавфсизлиги учун кучли масъулият ҳиссини шакллантириб бориш лозим. Ёшларда меҳнатга иштиёқ уйғотиш, тиришқоқ ва серғайрат шахсни тарбиялаш, ўз устида кунт билан ишлашга ўргатиш, ўзига ишончни қарор топтириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Шунингдек миллий ғурури юксак масъулият ва бурч ҳиссига эга, интизомли, демократияни ҳаёт тарзига айлантирган, келажаги ўз қўлида эканига ишонган мустақил шахсни тарбиялашга аҳамият бериш зарур. Ёшлар ғояни ҳаётдан узилиб қолган, бегона ва мавҳум нарса сифатида тушунмаслиги керак. Миллий ғояни оддий ва юракка яқин ғоялар орқали сингдириш, яъни миллий ғоянинг инсон онгидан ўрин олиши билан қаноатланмай, балки унинг қалбига жо қилиш зарур. Бу соҳада, албатта амалга ошириладиган ишлар ўзининг самарасини бериши шубҳасиз.

Бугунги етишиб, ўсиб келаётган ёш авлод эзгулик йўлидаги бунёдкорлик ишларининг давомчиси бўлиб қолиши шубҳасиздир. Шундай экан бугунги маънавиятимиз қирралари келажак авлодимиз шуурида янада муҳим шаклланиши ва юксалиши йулида барчамиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз даркордир.

## REFERENCES.

1. Мирзиёев Ш.М. “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш”, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг

хамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши. 2019.19 январь.

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатноси. 2023й.

3. Каримов И.А. “Юксак маънавият - енгилмас куч” Т. Маънавият 2008й 30-бет4

4. Муминов И.М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиёти тарихидан. Тошкент. 1968й.

5. Ҳамидов Б.Н. Ўрта-Осиёлик буюк мутафаккирларнинг ижтимоий ахлоқий қарашлари. Тошкент. 1973й.



## **TURKIY XALQLAR O'RTASIDAGI MUNOSABATLARNI MUSTAHKAMLASHDA XALQ O'YINLARI VA MILLIY SPORT TURLARINI RIVOJLANTIRISHING O'RNI VA AHAMIYATI**

**Yangiboy Allamuratovich Turdimuratov**

t.f.b. falsafa doktori (PhD), dotsent

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

### **ANNOTATSIYA**

Mazkur maqolada xalq o'yinlari va miliy sport turlariga asoslangan etnosport turlarini rivojlantirishning turkiy xalqlar o'rtasidagi munosabatlarni mustahkamlashda tutgan o'rni va ahamiyati, turkiy mamlakatlarda milliy sport turlari va xalq o'yinlari bo'yicha o'tkazilayotgan turli tadbirlar va musobaqalar, ularning tinchlik, hamkorlik, hamjihatlik va boshqa o'zaro munosabatlarga ijobiy ta'siri tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** etnosport, milliy qadriyatlar, xalq o'yinlari, milliy sport, forum, ko'chmanchilar o'yinlari, festival, "Bahodirlar o'yini".

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматриваются роль и значение развития этноспорта, основанный на народных играх и национальных видах спорта, в укреплении связей между тюркскими народами различных мероприятий и соревнований, проводимых в тюркских странах по национальным видам спорта и народным играм, их положительное влияние на мир, сотрудничество, согласие и другие взаимоотношения.

**Ключевые слова:** этносport, национальные ценности, народные игры, национальный спорт, форум, игры кочевников, фестиваль, «Игры богатырей».

### **ABSTRACT**

This article discusses the role and importance of the development of ethnosport, based on folk games and national sports, in strengthening ties between the Turkic peoples of various events and competitions held in Turkic countries in national sports and folk games, their positive impact on peace, cooperation, consent and other relationships.

**Keywords:** ethnosport, national values, folk games, national sports, forum, nomad games, festival, “Games of Heroes”.

Dunyoda sportning an'anaviy turlari bilan birgalikda milliy sport turlari hamda xalq o'yinlari ham tobora rivojlanib bormoqda. Etnosport turlari va milliy o'yinlar har qanday xalq moddiy va ma'naviy madaniyatining ajralmas qismi hisoblanadi. Tarixda sport musobaqalari va turli bellashuvlar orqali mustahkam va uzoq muddatli ittifoqlarga erishilgan holatlar juda ko'p. Qonli, mashaqqatli urushlar esa o'tmishda qolib, ularning o'rniga urug'lar, xalqlar, davlatlar o'rtasida mustahkam savdo-iqtisodiy, madaniy va siyosiy aloqalar o'rnatilgan. An'anaviy sport musobaqalari ham tarixiy merosni, milliy xotirani asrab-avaylash, yoshlar qalbida Vatanga muhabbat, vatanparvarlik tuyg'ularini singdirishga xizmat qiladi. Shuningdek, milliy o'yinlarni o'tkazishning muhim vazifasi boshqa xalqlarning ma'naviy qadriyatlariga hurmat munosabatini shakllantirish hamdir.

YUNESKO tomonidan xalq o'yinlari insoniyat madaniy merosining ajralmas qismi sifatida e'lon qilingan bo'lib, ular etnik-madaniy o'ziga xoslik va madaniy xilma-xillikni qayta tiklashga xizmat qiladi. Etnosport – bu jismoniy faoliyatning an'anaviy turlari, jumladan, milliy sport turlari va mahalliy xalqlarning an'anaviy o'yinlarini o'zida mujassam etgan yangi institutsional shakl bo'lib, ular milliy qadriyatlar sifatida hamma joyda qayta tiklanmoqda [2, 43]. “Etnosport birlashtiradi” milliy o'yinlar festivali” loyihasi ko'p millatli xalqlarning an'anaviy o'yinlarini mustahkamlash va asrab-avaylashga qaratilgan.

Etnosport turlariga an'anaviy sport turlari, xalq o'yinlari kiradi va bu jismoniy faoliyat turlari insoniyatning madaniy merosini saqlashda katta rol o'ynaydi. So'ngi yillarda dunyoning bir qator mamlakatlarida etnosport turlarini rivojlantirish doirasida o'tkazilayotgan turli loyihalardan ko'zlangan asosiy maqsadlardan biri – bu jamiyat va davlat e'tiborini xalqlar o'rtasida tinchlik va totuvlikni saqlash, yosh avlod bilan tarbiyaviy ishlarda xalqlarning o'yin madaniy merosining ulkan salohiyati oshirishga qaratilgan bo'lib, turli xalqlarning urf-odatlar va madaniyatiga hurmat tuyg'usini shakllantirish borasidagi ishlarda madaniy muloqot va tarixning ko'p millatli hamjamiyatiga asoslangan holda mamlakatlar aholisida fuqarolik pozitsiyasini shakllantirishdan iboratdir [8].

Buyuk Ipak yo'li bo'ylab yashovchi turli xalqlar an'anaviy o'yinlari va musobaqalari hamda faol madaniyatlararo muloqot kontekstida ikki xil yo'naltirilgan tendensiyani kuzatish mumkin: 1) keng tarqalgan o'yin an'analari fonida qoidalar va

urf-odatlarining universallashtirilishi; 2) etnik guruhlarining mahalliy mavjudligi doirasida urf-odatlar tutashuvi [3, 10-11].

2015-yil 7-sentyabrda Bishkekda Qirg'iziston va Turkiya tashabbusi bilan Yevroosiyo davlatlarining etnik, an'anaviy va milliy sport turlari federatsiyalarini ("Kavkaz o'yinlari", "Erdin o'yinlari", "Maanchari o'yinlari", "Salburun" va boshqalar) o'z ichiga olgan Butunjahon etnosport konfederatsiyasi (WEC) tashkil etildi. 2017-yilda konfederatsiyaning bosh qarorgohi Istanbulga ko'chirildi. Ayni paytda Jahon etnosport konfederatsiyasiga Qozog'iston, Qirg'iziston, Turkiya, Ozarbayjon, Mo'g'uliston, Vengriya, Gruzziya, Rossiya, Argentina, Yaponiya, Meksika, Polsha, Qatar, Ruminiya, Tunis, Litva kabi jami 24 ta (2023-yilda 16 ta) davlat a'zo [16].

Konfederatsiya xalqaro miqyosda ming yillar davomida avlodlardan avlodga o'tib kelayotgan an'anaviy milliy sport turlarini faol rivojlantirib, qo'llab-quvvatlab, ularni qayta tiklash, kengaytirish va targ'ib etish bilan shug'ullanadi. Konfederatsiyaning muhim qadamlaridan biri madaniy va milliy merosni tiklash, dunyo bo'ylab turli jamiyatlar va madaniyatlarning milliy birligini tashkil etuvchi xalqlarning sport va madaniy o'ziga xosligini targ'ib qilish va rivojlantirish hisoblanadi. Shu nuqtai nazardan, etnosport turlari bo'yicha munosabatlar va odob-axloq qoidalarini kengaytirish va rivojlantirish, ushbu yo'nalishda barcha turdagi sport, ijtimoiy-madaniy tadbirlarni tashkil etish, ish olib borish va xalqaro hamkorlikni rivojlantirish konfederatsiyaning asosiy maqsadlaridan biridir.

Har yili Butunjahon Etnosport Konfederatsiyasi tomonidan ishtirokchilarga yangi strategiyalarni ishlab chiqish, muqobil yondashuvlarni taklif qilish va butun dunyo bo'ylab xalq o'yinlari va milliy sport turlari duch keladigan muammolarni hal qilish uchun platforma taqdim etish vositasi sifatida Etnosport forumi tashkil etiladi [7]. Etnosport forumining maqsadi turli hududlar, muassasalar va nodavlat notijorat tashkilotlari vakillari o'rtasida fikr va tajriba almashishga ko'maklashishdan iborat. Ilhom, motivatsiya va takliflarni rag'batlantirish maqsadida yuqori darajadagi vazirlik muhokamalari va onlayn davra suhbatlari o'tkazilmoqda.

2018-yilda Turkiyaning Antaliya shahrida I Etnosport forumi 56 davlatdan vazirlar, hukumat, uyushma/federatsiya vakillari va akademiklar ishtirokida "Milliy sport turlarini qayta tiklash" mavzusida o'tkazildi. 2019-yil aprel oyida Qozog'istonning Olmaota shahrida tashkil etilgan II Etnosport forumida 30 ta davlatdan 200 dan ortiq ekspertlar ishtirok etdi [6]. 2020-yil fevral oyida Turkiyaning Antaliya shahrida bo'lib o'tgan III Etnosport forumi 2 kunlik intensiv dasturdan so'ng Yakuniy deklaratsiyani e'lon qilish bilan yakunlandi. Forumda 49 davlatdan

200 nafar ishtirokchi ishtirok etdi. 2021-yil 10-aprelda pandemiya sababli onlayn tarzda o'tkazilgan IV Etnosport forumida 60 dan ortiq davlat vakillari ishtirok etdi [5, 5].

Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlari (WNG) o'zining noyoblighi bilan boshqa sport tadbirlaridan ajralib turadi. U milliy an'analarni asrab-avaylash, yosh avlodni tarbiyalash, qirg'izlar va Markaziy Osiyoning boshqa xalqlari madaniyatini ommalashtirishga qaratilgan. Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlari davlatlararo va diplomatik aloqalarni mustahkamlashda muhim ahamiyatga ega. Ular madaniyatlararo ijodiy muloqotning ijobiy namunasini ko'rsatishdi [1].

Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlari Qirg'iziston hukumati tashabbusi bilan 2012-yilda ko'chmanchi sivilizatsiya madaniyatini tiklash va saqlash maqsadida tashkil etilgan yirik xalqaro loyiha hisoblanadi. Mazkur loyiha muallifi va rahbari Asxat Akibaevich Akibayevdir [9]. Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlari – etnik sport turlari bo'yicha xalqaro sport musobaqalari bo'lib, mazkur musobaqalar Markaziy Osiyoning tarixan ko'chmanchi xalqlarining o'yinlari asosida tashkil etilgan. Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlarining hammuallifi Butunjahon etnik o'yinlar konfederatsiyasi hisoblanadi [1].

2012-yili Turkiy Kengash sammitida Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlarini o'tkazish to'g'risida qaror qabul qilindi. Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlarining vazifasi etnik guruhlar va xalqlar o'rtasida etnomadaniyatning o'ziga xosligini saqlab qolish bilan birga uni qayta tiklash va rivojlantirishdan iborat. Bu, shuningdek, etnik guruhlar va xalqlar o'rtasida bag'rikenglik munosabatlarining o'rnatilishini ham rag'batlantiradi [4, 7].

Mazkur xalqaro etnosport dasturi quyidagi bellashuv turlarini o'ch ichiga olgan: milliy o'yinlar, ot poygalari, otda, milliy kurash turlari, yakkakurash turlari, an'anaviy kamondan otish, milliy ov turlari bo'yicha bellashuvlar, an'anaviy aqliy o'yinlar. E'tiborlisi, ko'chmanchilar o'yinlarida Rossiya Federatsiyasi milliy kurashi – sambo ham namoyish etiladi [10].

Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlarining ahamiyati vaqt sinovidan o'tgan. Sababi mazkur loyihadagi ishtirokchilar va tomoshabinlar soni yildan yilga oshib bormoqda. Birinchi Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlari 2014-yilning 9-14-sentyabr kunlari Qirg'izistonning Issiqko'l viloyati Cho'lpon-Ota shahrida bo'lib o'tdi. Unda 19 davlatdan 583 nafar sportchi ishtirok etdi. Musobaqalar etnosportning 10 turi bo'yicha o'tkazildi. Televizion eshittirish 230 million kishilik auditoriyaga ega 40 mamlakatni qamrab olgan. Ikkinchi va uchinchi Ko'chmanchilar o'yinlari ham Cho'lpon-Ota shahrida bo'lib o'tdi: 2016-yilda 62 davlatdan etnosportning 26 turi

bo'yicha 1200 nafar sportchi ishtirok etgan bo'lsa, 2018-yilda esa 66 ta davlatdan etnosportning 37 turi bo'yicha 1500 dan ortiq sportchi ishtirok etdi [1].

Xalqaro etnosport konfederatsiyasi tashabbusi bilan 2022-yil 27-sentyabr – 2 oktyabr kunlari Turkiyaning Bursa viloyati Iznik shahrida IV Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlari bo'lib o'tdi. Ushbu nufuzli sport va madaniyat festivali dasturidan 20 ta sport turi joy olgan bo'lib, e'tiborlisi, ular qatoriga milliy sport turimiz kurash ham kiritilgan. Unda 102 mamlakatdan 3000 dan ortiq sportchilar ishtirok etdi. Mazkur tadbir “Biz an'analardan kelajakka qadar birmiz!” shiori ostida o'tkazildi. E'tiborli jihati mazkur xalqaro festivalga qiziquvchilar va ishtirokchilar sonining yildan yilga oshib borayotganligi xalq o'yinlarining jamiyat hayotida tobora ijtimoiy zaruratga aylanib borayotganligini yana bir bor tasdiqlamoqda [11].

Balki jahon amaliyotida madaniy va ilmiy tadbirlarning e'lon qilingan xilma-xilligi bo'yicha Ko'chmanchilar o'yinlariga teng keladigan xalqaro sport tadbirlari yo'qdir. Butunjahon ko'chmanchilar o'yinlarida sport musobaqalaridan tashqari boy etnomadaniy dastur – hikoya qilish, etnobozor, etnouy, etnomoda, etnoraqslar, etnoxit, ko'chma teatr va zamonaviy san'at ko'rgazmalari ham kiradi [1]. Shunisi e'tiborga loyiqki, mazkur loyihaning muhim tarkibiy qismi ilmiy tadbirlar dasturi bo'lib, u nafaqat ko'chmanchi sivilizatsiya madaniyati olamiga, balki tarixiy va madaniy bilimlar asosida Markaziy Osiyo xalqlarining milliy o'yinlari va etnosport turlarining mazmun-mohiyatiga kirib borish imkonini beradi.

2020-yilda Xiva “Turk dunyosi madaniyati poytaxti” deb e'lon qilindi. Mazkur qadimiy shaharda har yili Butunjahon bahodirlar o'yinlari federatsiyasi (WSF) ko'magida Pahlavon Mahmud nomini abadiylashtirish maqsadida “Bahodirlar o'yinlari” xalqaro turniri o'tkaziladi. Turnir o'zbek xalqining buyuk farzandi, o'z davrida Markaziy Osiyo, Eron, Ozarbayjon, Afg'oniston va Hindistonda mashhur kurashchi, ustoz, faylasuf va so'fiy bo'lgan Pahlavon Mahmud xotirasiga bag'ishlab tashkil etiladi [12].

2021-yil 8-oktyabrda Toshkent shahrida “O'zbekistonda etnosportning rivojlanish istiqbollari” mavzusida xalqaro konferensiya bo'lib o'tdi [15]. O'zbekistonda milliy sport turlarini rivojlantirish va ommalashtirish mamlakatimiz rahbariyati tomonidan ilgari surilgan muhim tashabbuslardan biri va nomoddiy madaniy merosni asrash, shuningdek, aholi orasida jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish va ommalashtirish sohasidagi asosiy masalalardan biridir. Shu maqsadda tashkil etilgan xalqaro konferensiya “O'zbekistonni etnosport va milliy qadriyatlar orqali kashf eting!” shiori ostida o'tkazildi. Mazkur xalqaro konferensiyada O'zbekiston Etnosport assotsiatsiyasi tashkil etilganligi barchaga ma'lum qilindi [17].



2023-yil 7-9-sentyabr kunlari Xivada Xalqaro etnosport festivali bo'lib o'tdi. Tadbirda 63 davlatdan 2 mingdan ortiq sportchi ishtirok etdi. Festivalda YUNESKO, butunjahon etnosport konfederatsiyasi va Islom hamkorlik tashkilotiga a'zo davlatlar vakillari ham ishtirok etdi. Festival dasturidan ko'plab, musobaqalar jumladan, belbog'li kurash bo'yicha xalqaro turnir, o'zbek jang san'ati bo'yicha jahon chempionatlari, ommaviy kurash va tosh ko'tarish, kamondan otish hamda ot sporti toifasidagi musobaqalari o'tkazildi. Shu bilan bir qatorda 8-sentyabr kuni horijdan kelgan etnosport vakillari ishtirokida xalqaro forum bo'lib o'tdi [13].

2024-yilning 16-18-fevral kunlari Antaliya shahrida Butunjahon etnosport konfederatsiyasi shafeligida "An'anaviy sport turlarining tiklanishi" mavzusida xalqaro forum va festival bo'lib o'tdi. 2025-yilda VII Xalqaro etnosport festivali Rossiyada o'tkaziladi. Tegishli qaror Turkiyaning Antaliya shahrida o'tkazilgan VI xalqaro etnosport festivali yakunlari bo'yicha qabul qilindi [14].

Ishtirokchilar Butunjahon etnosport konfederatsiyasini turli mintaqalar, mamlakatlar va madaniyatlar o'rtasidagi ko'prik sifatida tan oladilar. Miliy sport va o'yinlar xalqaro va o'zaro hamkorlikni mustahkamlash imkoniyatlariga ega. Miliy sport va xalq o'yinlarini targ'ib qilishni shunchaki sport tadbiri deb tushunmaslik kerak. Milliy sport va xalq o'yinlari xalqaro munosabatlar, turizm, madaniyatlararo muloqot va almashuvni rivojlantirish imkoniyatlarini beradi.

Etnosport ko'p millatli xilma-xil madaniy merosning birligini aniqlash uchun millatlararo muloqot shakllarini yaratish orqali millatlararo va dinlararo totuvlikni mustahkamlashga ham qaratilgan. Umuman olganda, an'anaviy o'yinlar turli madaniyatlar muloqoti uchun muhim asos hisoblanadi. Aynan milliy sport turlari va xalq o'yinlari madaniyati, musobaqalar an'analari xalqlar o'rtasidagi o'zaro hamjihatlikni mustahkamlash, yosh avlodni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash va madaniy jihatdan kamol toptirishda qudratli manba bo'lib xizmat qilmoqda.

## REFERENCES

1. Всемирные игры кочевников. Официальный сайт. URL: <http://www.worldnomadgames.com/ru/page/O-VIK-37/>
2. Кыласов А.В. Методология и терминология этноспорта // Массовая физическая культура и оздоровление населения. Журнал. 2011.
3. Кыласов А.В. Традиционные игры и состязания вдоль Шелкового пути // Этноспорт и традиционные игры. – 2019. – № 1.



4. Кыласов А.В. Роль этноспорта в современной игровой культуре. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора культурологии. – М., 2021.
5. Левент Акыджи и другие. Форум по этносportу - возрождение народных видов спорта // Педагогико-психологические и медико-биологические проблемы физической культуры и спорта. Том 16, № 2, 2021. – С. 5.
6. Turdimuratov Y.A. Yangi O'zbekistonda jismoniy tarbiya va sportga oid davlat siyosati // Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar. Journal of Advanced Research and Stability. 05/2023. – В. 578.
7. Турдимуратов Я. О 'zbekistonda etnosportni ommalashtirish va rivojlantirishning asosiy yo 'nalishlari //Актуальные проблемы спортивной науки. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 125-128.
8. Allamuratovich T. Y. YANGI O'ZBEKISTONDA JISMONIY TARBIYA VA SPORTGA OID DAVLAT SIYOSATI //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2023. – Т. 3. – №. 5. – С. 575-581.
9. Jumayev U. X. et al. ANALYSIS OF THE FINANCIAL POLICY OF THE RUSSIAN EMPIRE IN OFFICIAL DOCUMENTS //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 1202-1209.
10. Турдимуратов Я. А. КОЧЕВОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКОВ ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА В КОНЦЕ XIX–НАЧАЛО XX ВВ //Educational Research in Universal Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 546-557.
11. Turdimuratov Y. A. O 'ZBEKISTONDA BOLALAR SPORTINI RIVOJLANTIRISHGA OID DAVLAT SIYOSATI //Educational Research in Universal Sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 144-152.
12. Turdimuratov Y. A. NATIONAL VETERINARY MEDICINE IN TRADITIONAL UZBEK LIVESTOCK BREEDING //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 3. – С. 468-471.
13. Turdimuratov Y. A., Djo'rabayev A. M. STATE POLICY ON TRAINING SPECIALISTS IN THE FIELD OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN THE NEW UZBEKISTAN //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 141-146.
14. Turdimuratov Y. A. Etnosport–milliy sport turlari va xalq o 'yinlarini rivojlantirishning muhim omili //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 11. – С. 132-139.

15. Турдимуратов Я. О ‘zbekistonda etnosportni ommalashtirish va rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlari //Актуальные проблемы спортивной науки. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 125-128.

16. [www.olamsport.com](http://www.olamsport.com) – internet portali.

17. [www.olympic.uz](http://www.olympic.uz) – O‘zbekiston Milliy olimpiya qo‘mitasi rasmiy veb-sayti.

## **TURKIY DUNYO INTEGRATSIYASIDA YUMSHOQ KUCH VOSITALARINING ROLI: OMMAVIY DIPLOMATIYA VA XALQ DIPLOMATIYASI MISOLIDA**

**Adhamjon Baxtiyorjon o'g'li Mamadjonov**

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti tayanch doktoranti

[baxtiyorovich91@bk.ru](mailto:baxtiyorovich91@bk.ru)

**ORCID:** <https://orcid.org/0009-0006-8715-9023>

### **ANNOTATSIYA:**

Tez o'zgaruvchan va murakkab globallashuv sharoitida xalqaro munosabatlar va diplomatiyadagi o'zgarishlar mahsuli sifatida paydo bo'lgan madaniy va xalq diplomatiyasi siyosiy va harbiy nizolarning ortib borishi bilan yanada muhim ahamiyat kasb eta boshladi. Shu nuqtai nazardan rivojlangan mamlakatlar tashqi siyosatni amalga oshirishda yumshoq kuch konsepsiyasidan maksimal darajada foydalanishga e'tibor qaratmoqdalar. Yumshoq kuch siyosatining amalga oshiruvchi bir necha vositalaridan biri sanaladigan xalq diplomatiyasi va madaniy diplomatiya xalqaro munosabatlar rivojlanishining so'ngi tendensiyalarida eng samaralisi ekanligi o'z tasdig'ini topmoqda.

Maqolani asosiy obyekt sifatida turkiy davlatlar tashqi siyosatida diplomatik munosabatlar tanlab olingan bo'lib, predmet sifatida uni amalga oshiruvchi madaniy va xalq diplomatiyasi kabi vositalardan foydanishning xususatlari tadqiq etildi.

Shuningdek, Turkiyaning Turk dunyosiga qaratilgan madaniy va xalq diplomatiyasi siyosati tadqiqotda ko'rib chiqildi. Tadqiqot davomida Turkiya xalq diplomatiyasi Turk dunyosining munosabatlarida alohida o'rni borligi ochib berilgan. Bundan tashqari, maqolada madaniy va xalq diplomatiyasining samarali ta'siri hamda tashqi siyosatni amalga oshirishdagi yangi istiqbollari haqida nazariy takliflar ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** Diplomatiya, Yumshoq kuch, Turkiy davlatlar kengashi, xalq diplomatiyasi, madaniy diplomatiya, turkiy dunyo konsepsiyasi.

### **ABSTRACT**

Cultural and public diplomacy, which emerged as a product of changes in international relations and diplomacy in the conditions of fast-changing and complex globalization, began to gain more importance with the increase of political and military conflicts. In this regard, developed countries pay attention to the maximum

use of the concept of soft power in the implementation of foreign policy. People's diplomacy and cultural diplomacy, which are considered as one of the few implementing tools of soft power policy, are proving to be the most effective in the latest trends in the development of international relations.

As the main object of the article, diplomatic relations are selected in the foreign policy of the Turkic states, as the subject of which the benefits of such tools as cultural and public diplomacy are studied.

Also, the policy of cultural and public diplomacy of Turkey aimed at the Turkic world was considered in the study. During the research, it was revealed that Turkish public diplomacy has a special place in the relations of the Turkic world. In addition, the article developed theoretical proposals on the effective impact of cultural and public diplomacy and its new prospects for the implementation of foreign policy.

**Keywords:** diplomacy, soft power, Council of Turkic states, people's diplomacy, cultural diplomacy, Turkic world concept.

## АННОТАЦИЯ

Культурная и общественная дипломатия, возникшая как продукт изменений в международных отношениях и дипломатии в условиях быстро меняющейся и сложной глобализации, стала приобретать все большее значение с ростом политических и военных конфликтов. В связи с этим развитые страны обращают внимание на максимальное использование концепции «мягкой силы» при реализации внешней политики. Народная дипломатия и культурная дипломатия, которые рассматриваются как один из немногих инструментов реализации политики мягкой силы, оказываются наиболее эффективными в новейших тенденциях развития международных отношений.

В качестве основного объекта статьи выбраны дипломатические отношения во внешней политике тюркских государств, а в качестве предмета изучены особенности использования таких инструментов, как культурная и общественная дипломатия.

Также в исследовании рассмотрена политика культурной и общественной дипломатии Турции, направленная на тюркский мир. В ходе исследования выявлено, что турецкая общественная дипломатия занимает особое место в отношениях тюркского мира. Кроме того, в статье развиваются теоретические предложения об эффективном влиянии культурной и общественной дипломатии и новых перспективах реализации внешней политики.

**Ключевые слова:** дипломатия, мягкая сила, совет тюркских государств, Народная дипломатия, культурная дипломатия, концепция тюркского мира.

**KIRISH:** Zamonaviy xalqaro munosabatlar murakkablashuv davrida davlatlararo aloqalar, xususan, davlat va jamiyat o'rtasidagi munosabatlar globallashuv ta'sirida umumiy xususiyat kasb eta boshladi. Globallashuv va yangi axborot texnologiyalari ta'siri doirasida davlatlar xalq diplomatiyasi orqali boshqa mamlakatlar jamiyatlari bilan o'z munosabatlarini kommunikativ rivojlantirish siyosatini yurita boshladilar[1].

O'zgaruvchan global muhitga moslashish uchun davlatlar 1960-yilda ommaviy diplomatiya xalqaro hamjamiyatning o'zaro munosabatlari va siyosatini oydinlashtirishning strategik vositasi sifatida va uning yordamini olish. Bundan tashqari, XXI asr global siyosatida axborot kuchi muhim ahamiyat kasb eta boshladi[2].

Sovuq urush yakunidan so'ng tashkil topgan mustaqil davlatlarning aksariyat ko'pchiligi turiyzabon davlatlar bo'lib, ularning mushtarak maqsadlari ostida birlashtirish va o'zaro hamkorlikni amalga oshiruvchi vsita sifatida xalq diplomatiyasi va madaniy diplomatiya asosiy rol o'ynay boshladi.

Ommaviy diplomatiya strategik vosita sifatida, ayniqsa, global media maydonidagi axborot urushlarida ahamiyat kasb etdi. Boshqacha aytganda, ommaviy diplomatiya aloqa va axborot kuchi sifatida o'zgaruvchan global siyosatda kuchlar blokini yaratishning eng strategik vositalaridan biriga aylandi[3].

Shu nuqtai nazardan kelib chiqib qaralsa mustaqil bo'lgan turkiyzabon davlatlar yaqinlashuvi yuz berdi. "Turkiy dunyo" davlatlarini yagona integratsiyaga birlashuvda madaniy diplomatiya va xalq diplomatiyasi alohida ahamiyat kasb etdi. Turkiy davlatlar kengashining tashkil etilishi dastlab turkiy madaniyat va til yaqinligi asnosida qurilgan bo'lsa bu hamkorlik kelgusida iqtisodiy, siyosiy va gumanitar sohalarda ham faoliyatini yo'lga qo'ydi. Bugungi kunda turkiy davlatlar tashiloti tom ma'noda dunyoning to'laqonli subyekti sifatida o'zining salmoqli o'rniga ega bo'lgan xalqaro tashkilot sifatida rivojlanib bormoqda.

Maqolani yozish mobaynida ushbu mavzu yuzasidan tadqiqot olib borgan bir qator xorijiy va mahalliy olimlarning ilmiy izlanishlari va adabiyotlariga murojaat qilindi. Jumladan, turkiy davlatlar tashqi siyosati, ularni amalga oshiruvchi vositalari borasida tadqiqot olib borgan S.Jurayev, M.Muhammadsiddiqov, D.Sayfullayev, D.Madaminova, H.Azimov, S.Bo'ronov kabi mahlliy olimlar. Muharrem Ekşi, Xaluk Karadag, Tayyar Ary, Qodir Sanchak, Mehmet Seyfettin Erol, Yavuz Gürler

kabi turk tadqiqotchilarining ishlaridan. Shuningdek, maqolada rus tadqiqotchilaridan N.G.Kiryeva, S.Kudryashova, V.A.Avatkov va A.I.Zubkova kabi olimlarning ilmiy ishlariga murojaat qilindi. Qolaversa Turkiy davlatlar rahbarlari va siyosiy arboblarning nutq va ma'ruzalari hamda bayonotlaridan foydalanildi.[3]

Maqolani yozish davomida tarixiy qiyosiy tahlil, qiyosiy-siyosiy tahlil, kontent, event va SWOT tahlil usullaridan foydalanildi.

Ommaviy diplomatiya strategik aloqa vositasi sifatida xalq diplomatiyasi “davlatlar, tashkilotlar yoki shaxslar jamoatni tushunish, xabardor qilish va unga ta'sir o'tkazish”ni o'z ichiga oladi.[4] Ushbu jarayonning muhim qismi bo'lgan siyosiy kommunikatsiya “axborotni ishlab chiqarish, tarqatish, nazorat qilish, foydalanish va qayta ishlash” deb ta'riflanadi.[5] Xalq diplomatiyasining maqsadi tashviqot emas, balki obyektiv faktlar va haqiqatga asoslangan strategik muloqot tilini qurishdir.

Turk dunyosida Xalq diplomatiyasi va uning samarasi borasida Muharrem Ekşi quyidagi fikrlarni bildirgan, “Turk dunyosida Xalq diplomatiyasining g'oyaviy asoslari: Tarixan Turk dunyosida xalq diplomatiyasi tushunchasi doimo mavjud bo'lgan uning zamonaviy dunyoda qo'llanila boshlanishi Ismoil Gaspirali nomi bilan bog'lanadi. Gaspirali bundan 100 yil muqaddam “tilda, fikrda va ishda birlik” so'zlari bilan turk dunyosida zamonaviy jamoatchilik diplomatiyasi g'oyasining intellektual poydevorini qaysidir ma'noda qo'ygan edi. Shu ma'noda Gaspirali turk dunyosida xalq diplomatiyasining asoschisi deyish mumkin.[7]

Turk dunyosi birligining kalitlarini til, fikr va ishda birlik deb belgilagan Gaspirali, bu abadiy formula bilan Turk dunyosi uchun bugungi kunda ham fikriy darajada ham, amalda ham xalq diplomatiyasining poydevorini qo'ydi. Gaspirali tomonidan Turk dunyosida ifodalangan bu birlikka erishishning eng muhim usullaridan biri xalq diplomatiyasi ekanligini ta'kidlash mumkin. Gaspirali, Turk Dunyosida “Ijmon”ni boshlanish nuqtasi qilib, XX asr boshlarida Turk Dunyosining haqiqiy ma'noda mavjud bo'lishi uchun avvalo, yakdillikdan harakat qilish zarurligini ilgari surdi. Faoliyat nuqtai nazaridan Gaspirali hayotini xalq diplomatiyasi amaliyoti sifatida baholash mumkin[8]. Gaspiralining fuqarolik jamiyati darajasidagi faoliyati Turk dunyosi uchun fuqarolik jamiyatiga asoslangan xalq diplomatiyasi faoliyatini amalga oshirishiga zamin yaratdi[9].

Turkiy davlatlarning hamkorlik aloqalarida ommaviy va xalq diplomatiyaning o'rni beqiyos, buni davlatlari misolida ko'rib chiqish tadqiqot maqsadini amalga oshirishda qo'l keladi.



Sovet davlati parchalanishidan so'ng dunyo siyosiy xaritasi yangi mustaqil davlatlarning tashkil topishi bilan biroz o'zgarishga uchradi. Shu qatorda Markaziy Osiyo va Kavkaz mintaqalarida vujudga kelgan turkiyzabon Ozarbayjon, O'zbekiston, Qozog'iston, Turkmaniston, Qirg'iziston kabi davlatlar tez orada xalqaro munosabatlarning to'laqonli subyetga aylandi. Mustaqil davlatlar tashqi siyosat va davlatlarni munosabatlarini amalga oshirishda diplomatiyani asosiy vosita sifatida qo'lladilar. Shu nuqtai nazardan diplomatiyaning turli ko'rinishlari sanalgan xalq diplomatiyasi va madaniy diplomatiya etnik, til va madaniy jihatdan bir birlariga yaqin bo'lgan tur davlatlarini birlashuvi va o'zaro munosabatlarida juda samarali ishlay boshladi.

Turkiy dunyoning birlashuvi uchun dastlabki qadam Turk dunyosi uchun Turkiy tilli davlatlar davlat rahbarlari sammiti, Turkiy tilli davlatlar hamkorlik kengashi (2022-yildan boshlab Turkiy davlatlar kengashi) va Turkiy tilli mamlakatlar Parlament Assambleyasi (TURKPA) kabi yangi mintaqaviy tashkilotlarni tashkil etish bilan boshlandi.

1992 yilda Turkiy tilli davlatlar dastlabki sammiti o'tkazila boshlangan edi. Kengashni tashkil etish tashabbuskori Qozog'istonning birinchi prezidenti Nursulton Nazarboev hisoblanadi. 2009-yilning 3-oktabrida Ozarbayjonning Naxichevan shahrida Turkiya, Ozarbayjon, Qozog'iston va Qirg'izistondan iborat to'rt davlat ishtirokida Turkiyzabon davlatlarning hamkorlik kengashi tuzilgani e'lon qilingan bo'lib, uning faoliyati prinsiplari 2016 yil 16-sentyabrdagi Istanbul deklaratsiyasida e'lon qilingan. Birinchi bosqichda tashkilotga Turkiya, Ozarbayjon, Qozog'iston, Qirg'iziston a'zo, Vengriya va Turkmaniston kuzatuvchi davlatlar sanaladi. Ushbu kelishuvdan keyin TTDHK turkiy davlatlar manfaatini birlashtiruvchi xalqaro tashkilotga aylandi.[10]

Shuningdek, Turkiy tilli davlatlar davlat rahbarlarining 2006-yildagi sakkizinchi davlat rahbarlar sammiti yig'ilishida, Qozog'iston birinchi Prezidenti Nursulton Nazarboyevning Turk dunyosi parlamentlar assambleyasini tashkil etish taklifi bilan chiqdi. Bu tashabbus orqali 2008-yilda Istanbulda Turkiyzabon davlatlar parlament assambleyasi (TURKPA) tashkil etildi. Bu bilan Turk dunyosi davlatlari o'rtasida parlament diplomatiyasini amalga oshiradigan mexanizm amalga oshirildi.[11]

Xalqaro Turkiy Madaniyat Tashkiloti (TURKSOY) turkiy dunyoda mushtarak madaniy qadriyatlarni qayta tiklash maqsadida ilk bor 1993-yilda Turkiya, Ozarbayjon, Turkmaniston, Qozog'iston, Qirg'iziston va O'zbekiston o'rtasida tashkil etilgan.[12] Bundan tashqari, turkiy davlatlar tashqi ishlar vazirliklari hamda

qator institutlari orqali bu faoliyatlar huquqiy va institutsional tarzda mustahkamlandi.

### **XULOSA**

Zamonaviy tez o'zgaruvchan xalqaro munosabatlar kontekstida davlatlararo munosabatlarda diplomatiyaning ahamiyati tobora ortib bormoqda. Shu nuqtai nazardan xalq diplomatiyasi va ommaviy diplomatiya davlat tashqi siyosatini amalga oshirishning eng kam xarajatli va samarali vositasi sifatida ishlab kelmoqda. Nizolar va inqirozlar avj olishi, jahon siyosatida global muvozanatning izdan chiqishiga va yangi tartibotning shakllanishiga zamin tayyorlamoqda. Bugungi xalqaro munosabatlar sharoitida yagona davlatning o'zi hech bir davlat bilan munosabatlarga kirishmasdan va yoki faqat o'z manfaatlari nuqtai nazaridan harakat qilishi samarali ekanligi shubha ostiga olinmoqda. Shundan kelib chiqib aytish mumkinki, idealizm maktabi vakillari ta'kidlaganidek jamoaviylik va integratsiya yangi jahon tartibotida asosiy o'ringa chiqish ehtimoli tobora rellikka tomon harakat qilmoqda.

Shunday sharoitda turkiy dunyo davlatlari ham yagona integratsiya birlashib harakat qilishi kelajakda bo'lishi mumkin ehtimoliy iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy inqirozlarga qarshi tura olishiga yordam beradi. Birlashuv va integratsiya jarayonlarida diplomatiya xususan, madaniy va xalq diplomatiyasidan samarali foydalana olishi ularning ishonchli sherikchilikka asoslangan ittifoqchiligining bardavom bo'lishini ta'minlaydi.

### **REFERENCES**

1. Majid Tehranian, "Global Communication and International Relations: Changing Paradigms and Policies", The International Journal of Peace Studies, Vol. 2, No:1, Jan 1997.  
[http://www.gmu.edu/programs/icar/ijps/vol2\\_1/Tehreanian.htm](http://www.gmu.edu/programs/icar/ijps/vol2_1/Tehreanian.htm)
2. Nicholas J. Cull, "Public Diplomacy before Gullion", içinde Nancy Snow, Philip M. Taylor, Routledge Handbook of Public Diplomacy, Routledge, New York, 2009, s. 19.
3. Philip M. Taylor, "Public diplomacy and Strategic Communications", içinde Nancy Snow, Philip M. Taylor, Routledge Handbook of Public Diplomacy, Routledge, New York, 2009, s.15.
4. Peter Krause and Stephen Van Evera, Public Diplomacy: Ideas for the War of Ideas, Discussion Paper 09-10, Belfer Center for Science and International Affairs, Harvard Kennedy School, 2009.

5. Jarol B. Manheim, “The War of Images: Strategic Communication in the Gulf Conflict,” in Stanley A. Renshon (ed.), *The Political Psychology of the Gulf War. Leaders, Publics, and the Process of Conflict*, Pittsburgh, University of Pittsburgh Press, 1993, pp.155-171.
6. Jan Melissen, “The New Public Diplomacy: Between Theory and Practice”, in Jan Melissen (ed.), *The New Public Diplomacy: Soft Power in International Relations*, Basingstoke, Palgrave-Macmillan, 2005, pp. 3-25.
7. Muharrem Ekşi. Türkiye'nin Türk Dunyasına Yünelik Kamü Diplomasisi: Yeni Arac ve Mekanizmalar. *Türk Dünyası İncelemeleri Dergisi/Journal of Turkish World Studies*. 17/1 Yaz-Summer 2017. S.14-15.
8. Ayrıntılı bilgi için bk. Metin ARIKAN, “Gaspıralı'nın Türk Dünyası'na Tesirleri”, *Türk Dünyası İncelemeleri Dergisi*, Cilt V, Sayı 1, Yaz 2005, ss.13-20.
9. Ayrıntılı bilgi için bk. Murat DURAN, “Dilde Fikirde İşte Birlik: İsmail Gaspıralı”, *21. Yüzyıl*, Sayı 34, Ekim 11, ss.101-107.
10. A.Mamadjonov.,
11. Muharrem Ekşi. Türkiye'nin Türk Dunyasına Yünelik Kamü Diplomasisi: Yeni Arac ve Mekanizmalar. *Türk Dünyası İncelemeleri Dergisi/Journal of Turkish World Studies*. 17/1 Yaz-Summer 2017. S.18.
12. TÜRKSOY Antlaşma metni için.

[https://www.tbmm.gov.tr/tutanaklar/KANUNLAR\\_KARARLAR/kanuntbmmc077/kanuntbmmc077/kanuntbmmc07703973.pdf](https://www.tbmm.gov.tr/tutanaklar/KANUNLAR_KARARLAR/kanuntbmmc077/kanuntbmmc077/kanuntbmmc07703973.pdf)

## **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРАРО ҲАМДЎСТЛИК, ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ**

**Гулмира Жандаровна Туленова**

фалсафа фанлари доктори, профессор

Муҳаммад Аль Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари  
университети

### **АННОТАЦИЯ**

Мақолада сўнги йилларда Ўзбекистонда барқарорлик, тинчликни сақлаб ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни кучайтириш, уларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар кўтарилган.

**Калит сўзлар.** Маллат, элат, конфессиялар, халқ, тинчлик, тотувлик, бағрикенглик, ҳамдўстлик, барқарорлик, давлат, ривожланиш, демократия

### **АННОТАЦИЯ**

В статье поднимаются вопросы, связанные с процессами, осуществляемыми в Узбекистане по укреплению дружбы между нациями и народностями, усилению их сотрудничества в ускорении социально-экономического развития, обеспечения стабильности и мира в регионе

**Ключевые слова.** Нация, народность, конфессия, народ, мир, согласие, толерантность, содружество, стабильность, государство, развитие, демократия

### **ABSTRACT**

The article raises issues related to the processes carried out in Uzbekistan to strengthen friendship between nations and nationalities, strengthen their cooperation in accelerating socio-economic development, ensuring stability and peace in the region.

Keywords: Nation, nationality, confession, people, peace, harmony, tolerance, commonwealth, stability, state, development, democracy

Янги Ўзбекистонда миллатлар ва конфессиялараро тотувлик ва ўзаро бир-бирини тушуниш, ёш авлодни бағрикенглик, миллий ва умумбашарий қадриятларга хурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг

Энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди. Мамлакатимизда барқарорлик, тинчликни сақлаб ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни кучайтириш, уларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш катта аҳамият касб этади.

“Ўзбекистон, - дейди Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев, – улкан имконият ва ресурсларга эга бўлган мамлакат. Лекин бизнинг энг катта бойлигимиз – турли миллат ва конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликдир. ...Биз бундай бебаҳо бойлик билан ҳақли равишда фахрланамиз ҳамда давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини мамлакатимиздаги дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга йўналтирамиз”. [1]

Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ҳар бир миллий маданиятдаги ютуқлар, ижобий, фойдали томонларни доимий равишда ўрганиш, улардан кенг ва атрофлича фойдаланиш миллий маданиятларни ўзаро бойитишнинг, кишиларни байналмилал руҳда тарбиялашнинг зарурий йўллари билан ҳисобланади. Кейинги йилларда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ўзининг сифати ва маъно-мазмунига кўра янги, янада юксак босқичга кўтарилди.

Миллатлараро тинчлик, тотувликни таъминлашда ўзбек миллатининг бошқа суверен давлатларда яшаётган ўз этник қардошлари билан яқин муносабатда бўлиши катта аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, инсоният ўзининг минглаб йиллик меҳнат фаолияти натижасида буюк ижтимоий-техник тараққиётга, кўп қиррали маънавий-маданий юксалишга эришди. Бунинг меваси сифатида турмуш тарзида улкан бурилишлар рўй берди. Бу мураккаб ижтимоий тараққиёт жараёнини ўтиш даврида элатлар, халқлар ва миллатлар бирлашиб ёки алоҳида давлат шаклида, дунё харитасида ўзининг ўрнини топганлар. Ўзбек халқи ҳам, асрлар давомида тадрижий ривожланиш ва таркиб топиш даврида сак (сак), хун, қадимги турк, янги турк номлари билан яшаб, ўз тарихи, тили, маданияти, маънавияти, урф-одатларига эга бўлган миллат сифатида шаклланиб келган.

Ўзбек халқи қадим Туркистон ўлкасида қозок, қирғиз, туркман халқи билан 12 қавм (қабилла), 95 уруғ таркибида шаклланиб, ўзининг минглаб йиллик тарихий ривожланиш хусусиятларига эга. Тарихий ижтимоий тараққиётнинг ҳукмронли кучлари уларни муайян даврлар бир ҳоконлик тизимига бирлаштириб буюк давлат сифатида таркиб топтирган, бошқа бир даврда майда амирлик ва бекликларга бўлиб юборган. Шу сабабали туркий келиб чиқиш

илдизига эга қавм ва уруғ номларини биз бугунги кунда қозоқ, туркман, қирғиз, қорақолпоқ халқлари таркибида ҳам учратамиз.

Бу эса, мазкур халқларнинг тарихий ижтимоий келиб чиқиши бирлигини англантибгина қолмай, улар ўртасидаги жуда кўп муштаракликларга ишора қилади. Бу халқларнинг тили, урф-одат ва анъаналари, маданияти, турмуш тарзидаги ўхшашликлар, уларнинг тарихан илдизи бирлигини исботлайди. Айни пайта бу халқларнинг руҳиятида ҳам муайян умумийлик борлигини таъкидлаш керак. Туркий халқларга хос бўлган тафаккур тарзи туркий халқларнинг муайян муштарак зийнати борлигини ҳам билдиради. Бу эса, Марказий Осиёда яшаётган асосий миллатларнинг бир-бирини англаши, ҳамжиҳатлилиги ва бирдамлигига зарур маънавий асос бўлиб хизмат қила олади.

Мазкур қоидада миллий ҳаёт, фуқароларнинг миллий ҳис-туйғуларига дахлдор қуйидаги муҳим тамойиллар ўз ифодасини топган:

-биринчидан, фуқароларнинг миллий мансубликларидан қатъи назар, қонун олида тенглиги таъкидланган;

-иккинчидан, фуқароларнинг диний, эътиқодий фарқларидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги кафолатланган;

-учинчидан, фуқароларнинг ирқий тенглиги қайд этилган.

Тарихий тажриба кўпмиллатли давлатнинг барқарорлиги миллатлараро муносабатларга дахлдор булган ҳуқуқ ва эркинликларни тўғри белгилашга, шунингдек, амалиётда унга нечоғли риоя қилинаётганига ҳам боғликлигини кўрсатмоқда.

Республикамиз миллий сиёсатининг асосий тамойилларини ҳаётда ҳам, ўз ифодасини топаётганини таъкидлаш зарур. Хусусан, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги амалиёт ҳақида гап кетар экан, истиқлол юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва элат вакилларига ўзларининг тарихий ватанлари билан алоқалар ўрнатишга имкон берганини қайд этиш лозим. Бу, айниқса, камсонли миллий диаспоралар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу эса, ўз навбатида:

- тарихий Ватан билан ўрнатилган алоқалар, она тилини ўқитиш ва ўрганишни йўлга қўйиш, турли кўлланма ва адабиётларни ўз вақтида олиш, ёшларни тарихий Ватанга таълим олиш учун юбориш имкониятларини яратди;

- кенг қамровли маданий-маърифий дастурларни амалга ошириш учун шароит юзага келди;



- мамлакатда яшовчи диаспоранинг ҳаёти билан тарихий Ватан жамоатчилигини таништириш учун кенг йўл очилди. Мамлакатимизда ўтаётган турли учрашувлар ана шу жараённи икки томонлама манфаатли бўлишга хизмат қилмоқда.

Бундай алоқаларнинг мустахкамланишига фуқароларимизнинг ўз тарихий ватанларида бўлаётган қурултой ва конференциялардаги иштироки ҳам кенг йўл очмоқда, бошқирд, татар, тожик, қozoқ халқларининг умумжаҳон қурултойлари бўлиб ўтмоқда, бу эса миллатлараро алоқаларнинг кенгайиб бораётганини тасдиқлайди.

Ўрта Осиёда яшаётган халқларни, миллатларни янада жипслаштиришда, уларни дўстлик, ҳамкорлик, биродамлик руҳида тарбиялашда мазкур мамлакатлар маданият кунларининг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон, Қozoғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркия кунларининг ўтказилиши қадимдан бир маънавий-руҳий иқлимда нафас олиб келган халқларимиз ўртасидаги абадий дўстликнинг ёрқин ифодасидир. Улар ҳамisha бир-бирига оға-ини, куда-қудағай бўлганлар, ҳозир ҳам ягона оила фарзандлари каби тотув ҳаёт кечирмоқдалар. Халқимиз орасида бу дўстлик ва аҳилликни биз бениҳоя қадраймиз. Бу бизнинг энг катта бойлигимиз, қудрат ва шон-шавқатимиз манбаидир.

Маълумки, Туркистон халқларининг кўп асрлик тарихи, бой маданияти, ранг-баранг урф-одат ва анъаналари бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Улар Туркистонни ўзларининг муқаддас Ватани деб билганлар. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг “Туркистон-умумий уйимиз” ғояси минтақамизда истиқомат қилувчи миллий этник бирликни янада мустахкамлаб, барқарорлик, тинчликни сақлаб қолишда қўл келмоқда.

Минтақа мамлакатларининг интеграцияси, бирлашуви учун хизмат қиладиган бу ҳаракат мамлакатларнинг ўзаро бирлигини янада мустахкамлашга, қадим Туркистон заминида яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларни яқинлаштириш мақсадида юрган соғлом кучларни ўз сафига олишига шак-шубҳа йўқ.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, Республика байналмилал маданият маркази ҳамда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил этилган.

Миллатлараро муносабатлар – бутун жамият ҳаётини қамраб оладиган миллатлар ўртасидаги муносабатлар тизимидир. Миллатлараро муносабатлар миллатларнинг жамият ҳаётини турли соҳаларда ўзаро таъсир муносабатлари даражасида ҳамда турли этник гуруҳларга мансуб инсонларнинг шахслараро даражасидаги муносабатлар кўринишида намоён бўлади.

Миллатлараро муносабатлар тараққиётида икки тенденция, биринчиси, интеграция - бу жамият ҳаёти соҳалари орқали элат, миллат, халқларни узлуксиз бирлашиш жараёни, иккинчидан, дифференциация – миллий мустақилликка эришиш, такомиллашиш жараёни, шунингдек миллатлар ва элатларнинг қарама-қаршилиги кўринишидаги муносабатлари намоён бўлади.

Миллатлараро интеграция иқтисодий ва сиёсий иттифоқлар, трансмиллий корпорациялар, халқаро маданий ва миллий марказлар, маданият, динлар, қадриятлар уйғунлиги шаклларида мавжуд бўлади.

Миллатлараро интеграция омиллари сифатида глобаллашув ва иқтисодий интеграцияни чуқурлашуви натижаси ўлароқ, давлатларни мавжудлик даражасида яшай олмаслиги, давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик кабиларни кўрсатиш мумкин.

Миллатлараро дифференциация турли кўринишларда халқлар, миллатлар ва элатлар қарама-қаршилиги, бўлиниши ва ажралиши жараёнларида миллий маҳдудлик, иқтисодий протекционизм, диний фанатизм, сиёсат ва маданиятларнинг турли кўринишида намоён бўладиган миллатчилик каби шаклларда намоён бўлади.

Фикримизча, миллатлараро муносабатлар тараққиёти жараёнида диалектик ўзаро боғлиқ бўлган ҳамда бир бирига ўтиб турадиган иккита тенденция, биринчидан, иқтисодий интеграция ҳамда инсон ҳаёти турли соҳаларининг байналминаллашуви, иккинчидан, миллий ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини англаш ва намоён этиш жараёнлари сифатида жамиятлардаги муносабатларда юзага келади. Иккала тенденция ўртасида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий соҳаларда объектив ва субъектив омилларга асосланган жиддий фарқ ва қарама-қаршилиқ ётибди.

Ушбу иккита тенденция ижтимоий-этник жараёнларининг асосини ташкил этади. Улар мавжудлигини шунчаки назарий тан олиш эмас, балки пайдо бўладиган ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни енгиш талаб этилади.

Миллатлараро муносабатларнинг сиёсий соҳасига - миллий ўз-ўзини бошқариш, миллий ва байналминал манфаатларни уйғунлаштириш, миллатлар тенглиги, миллий тил, миллий маданиятларнинг ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш, ҳокимият тузулмаларида миллий кадрларнинг вакиллиги ва ҳ.қ каби масалалар киради.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида сиёсатни инсонпарвар тамойиллари сифатида: зўрлик ва тайзиқ ўтказишдан воз кечиш, барча томонларнинг иштирокида консенсус асосида келишувга эришиш, баҳсли низоларни тинч йўллар билан ҳал қилиш, инсон ҳуқуқларини ва эркинлигини тан олинishi, инсонпарварлик, демократия, яхши кўшничилик ва диний бағрикенглик ғояларини амалга ошириш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирда мамлакатимизда давлат ва нодавлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилади. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намоиш этади, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда. Шу билан бир қаторда ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўз кадриятлари ҳам бор. Ўзбекистон каби кўп миллатли мамлакатда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади.

Кўп миллатли таркибга эга давлатларда миллатлараро муносабатларда барқарорликни таъминлашни ўзига хос жиҳатлари сифатида:

- биринчидан, ички сиёсий аҳволнинг барқарорлиги, миллий хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикаси кўп миллатли давлатда яшаётган бошқа миллатлар вакилларининг сиёсий хайрихоҳлигига бевосита боғлиқ намоён бўлса,

- иккинчидан, миллатлар ёки этник гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда анъанавий уйғунлик вужудга келтирилсагина, кўп элатлилик омили давлатларнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали, рағбатлантирувчи таъсир этишини кўрсатади.

Акс ҳолатда, яъни кўп миллатли давлатлардаги миллатлараро муносабатларда уйғунликнинг йўқлиги бутун-бутун халқлар ва мамлакатларни таназзулга олиб келиши мумкин.

Диний бағрикенглик ғояси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга

таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади.

Ўзбекистон азалдан турли динларга эътиқод қилувчи халқлар тинч-тотув яшаган ўлка бўлиб келган. Азал-азалдан она юртимизда ислом, христиан, яҳудийлик, буддавийлик каби дин вакиллари ёнма-ён яшаб келган. Аждодларимиз турли дин вакилларига бағрикенг ҳамда доимо ҳурмат билан муносабатда бўлгани, Ватан тараққиёти йўлида елкадош бўлиб меҳнат қилгани тарихий манбаларда кўп қайд этилган. Асрлар мобайнида йирик шаҳарларда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамокда. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, халқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим роль ўйнамокда, турли эътиқодга мансуб ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик муҳити ўрнатилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган, бағрикенгликнинг муҳим омилларидан бири бўлган миллатлараро ва динлараро тотувликнинг тўла таъминланишига эришилган.

Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояси, мамлакатимизда истиқомат қилиб келаётган туб жой аҳоли негизини ташкил этган ўзбеклар ҳамдаюртимизда яшаётган бошқа миллат ва элатлар ўртасида кўп йилларга мўлжалланган эзгулик, ишонччилик, дўстлик, яқдиллик, қариндошлик, маънавий-ахлоқий ва мафкуравий яқинлик ва бирдамлик, конфессиялараро муросалилик ва бошқа инсонийлик муносабатлари мавжудлигини ва келажақда ҳам у янада камол топишини ифодалайди.

Янги Ўзбекистонда қарор топган миллатлараро тотувлик диний-маънавий жараёнлар билан ҳам, узвий боғлиқдир. Бугунги кунда юртимизда турли динларга мансуб кадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга имкон берадиган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

## REFERENCES:

1. ЎзР Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Халқлар дўстлиги  
куни муносабати билан байрам табриги (30.07.2021)//  
<https://president.uz/uz/lists/view/4522>

## ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИГИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Т. Куйлиев**

ф.ф.н., доцент

ТошДАУ “Гуманитар фанлари ва ҳуқуқ кафедраси” доценти

### АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада жаҳон сиёсий ҳаётида вужудга келган янги тарихий бирлашма туркий тилли давлатлар ташкилотининг вужудга келиши ва истиқболлари билан боғлиқ ривожланиш босқичлари ҳақида мулоҳазалар баён қилинади.

**Таянч сўзлар:** глобаллашув жараёни, барқарор ривожланиш, моддий ва маданий интеграция, туркий дунё, Марказий Осиё давлатлари.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье описаны этапы развития, связанные с возникновением и перспективами организации тюркоязычных стран, нового исторического объединения, возникшего в мировой политической жизни.

**Ключевые слова:** процесс глобализации, устойчивое развитие, материальная и культурная интеграция, тюркский мир, страны Центральной Азии.

### ABSTRACT:

This article describes the stages of development associated with the emergence and prospects of the organization of Turkic-speaking countries, a new historical association that has emerged in world political life.

**Keywords:** globalization process, sustainable development, material and cultural integration, Turkic world, Central Asian countries.

XXI асрнинг дастлабки тугаб бораётган биринчи чораги бутун дунёда глобаллашув жараёнини янада жадаллашиб янги босқичга ўтишига кенг замин яратди. Буни барча соҳаларда содир бўлаётган кенг қамровли ўзгаришларда яққол сезиш мумкин.

Бутун жаҳонда кўзатилаётган кўплаб моддий ва маданий интеграция ва унификация жараёнини кузатиб бораётган соҳа мутахассислари бот-бот



такрорлашмоқда. Бу давр ўзининг халқаро меҳнат тақсимоти, капитал, ишчи кучи ва ишлаш чиқариш ресурсларининг эркин ҳаракатлари, конунчилик, иқтисодий ва технологик жараёнларнинг стандартлашиши, шу қаторда, турли минтақалардаги мамлакатларнинг маданиятлари кўшилиш ҳамда яқинлашувининг олдинги даврларга нисбатан фарқли кўриниши асосий хусусиятлар сифатида эътироф этилмоқда.

Жумладан, глобаллашув жараёнидан Марказий Осиё ҳам четда қолган эмас. Айни даврда туркий тилли мамлакатларнинг янада яқинлашуви тезлашиб бормоқда. Бу ҳолат туркий дунё учун қувонарли ҳамда узоқ кутилган тарихий-сиёсий воқеяликдир.

Аmmo бу ҳодиса реал воқеяликка айланиши учун узоқ ва машаққатли синов ҳамда кураш йўлларида ўтиши керак эди. Унинг биз эътиборимизни қаратган қисқача тарихи қуйидаги давр ва саналардан иборат эди:

1991 йилнинг охирига қадар жаҳонда туркий тилда сўзлашувчи ягона мустақил давлат Туркия бўлган, бошқа бешта давлат эса собиқ Иттифок таркибидаги республикалар эди. Шунинг учун ҳам мазкур республикалар билан биргаликда туркий тилли давлатлар ташкилотини тузиш тўғрисида фикр юритиш ҳам мумкин бўлмаганлиги барчага аён. 1991 йилнинг охирига келиб Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон мустақилликка эришиб, ўзининг суверенитетини эълон қилди ҳамда халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айланди.

Шундан сўнг 1992 йил 30 октябрда Туркиянинг ташаббуси билан биринчи “Туркий тилли давлатлар саммити” Анқара шаҳрида ўтказилди. Унда Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон раҳбарлари иштирок этишди. 1993 йил 12 июль куни Олмаота шаҳрида **Халқаро туркий маданият ташкилотини** тузиш ҳақидаги Битим имзоланди.

2010 йил 15 сентябрга қадар, яъни доимий фаолият кўрсатувчи халқаро ташкилот сифатида ўз фаолиятини бошлагунга қадар **10 та** “Туркий тилли давлатлар саммити” бўлиб ўтди. Уларда туркий тилли давлатлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган кўплаб масалалар муҳокама қилиниб, тегишли ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, 2008 йилда Истанбул шаҳрида **Туркий тилли мамлакатлар парламентлар ассамблеяси** ташкил этилди.

2009 йил 3 октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида бўлиб ўтган тўққизинчи “Туркий тилли давлатлар саммити”да **Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши**ни тузиш тўғрисидаги **Нахичеван битими** имзоланди.

Шу тариқа “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши” халқаро бирлашмаси БМТда рўйхатдан ўтган халқаро ҳукуматлараро ташкилот сифатида ўз фаолиятини бошлади. Ташкилотнинг бош қароргоҳи Истанбул шаҳрида жойлашган. Туркий Кенгашнинг ташкилий тузилмаси доирасида ташкил этилган **биринчи саммит** Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида 2011 йил 20-21 октябрь кунлари ўтказилган бўлиб, унда **иктисодий ва савдо соҳаларида ҳамкорлик** масалалари муҳокама қилинган. **Иккинчи саммит** 2012 йил 22-23 август кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида “**Таълим, илмий ва маданий ҳамкорлик**” мавзусида ташкил этилган. 2013 йил 15-16 август кунлари Озарбайжоннинг Габала шаҳрида ўтказилган **учинчи саммит “Транспорт ва алоқа”** мавзусида бўлган. 2014 йил 4-5 июнь кунлари Туркиянинг Бодрум шаҳрида “**Туризм соҳасидаги ҳамкорлик**” шиори остида **тўртинчи саммит** бўлиб ўтган. 2015 йил 11 сентябрда Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтган **бешинчи саммитда “Медиа ва ахборот”** мавзуси муҳокамалар марказида бўлган. **Олтинчи саммит** 2018 йил 3 сентябрда Чўлпон-ота шаҳрида “**Ёшлар ва миллий спорт**” мавзусида ўтказилган. Унда қозоғистонлик элчи Боғдод Амреев Туркий Кенгашнинг Бош котиби этиб сайланган. **Венгрия Туркий Кенгашда кузатувчи мақомини олган.** Учрашув якунида Давлат раҳбарлари томонидан **Чўлпон-ота декларацияси** имзоланган. Туркий Кенгаш тўғрисидаги Нахичеван битимининг 10 йиллигига тўғри келган **еттинчи саммит** 2019 йил 15 октябрда Озарбайжоннинг Боку шаҳрида “**Кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш**” мавзусида бўлиб ўтди. Унда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев – Элбоши, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жеенбеков, Туркия Республикаси Президенти Ражаб Таййиб Эрдўған, **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев**, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Пурли Агамирадов қатнашди. Саммитда **Ўзбекистон ташкилотга янги аъзо сифатида** иштирок этди.

2020 йил 10 апрелда онлайн шаклда Туркий кенгашнинг **фавқулодда саммити** бўлиб ўтди ва унда “**Коронавирус пандемиясига қарши курашиш чора-тадбирлари**” муҳокама қилинди. 2021 йил 12 ноябрда “**Рақамли даврда яшил технологиялар ва ақлли шаҳарлар**” мавзусига бағишланган Саммитда етакчилар кун тартибидаги долзарб масалалар бўйича биргаликда ҳаракат

қилиш муҳимлигини таъкидлаб, ташкилотнинг келажаги билан боғлиқ қатор муҳим масалалар юзасидан қарорлар қабул қилдилар.

Аввало, Туркий кенгаш номи **Туркий давлатлар ташкилоти** деб ўзгартирилди. Саммит туркий давлатлар мустақиллигининг 30 йиллигига тўғри келди ва **Туркманистон ташкилотнинг янги кузатувчи аъзоси мақомини олди**. Шундай қилиб, ҳозирги кунда **Туркий давлатлар ташкилотига** аъзомамлакатлар: **Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон** билан бир қаторда 2018 йилдан **Венгрия**, 2021 йилдан эса **Туркманистон** ҳам ташкилот фаолиятида **кузатувчи-аъзо** сифатида фаол иштирок этиб келмоқда.

Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисига (саммитга) мезбонлик қилувчи томон кейинги шундай мажлисга қадар **Туркий давлатлар ташкилоти раиси** саналади. Самарқанд саммити доирасида Туркий давлатлар ташкилотига раислик қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевга ўтди. Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати чуқур ўйланганлиги, прагматик ва аниқ ечимларга асосланганлиги, демократик руҳда фуқароларнинг эҳтиёж ва манфаатларига жавоб бериши билан халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлмоқда. Дарҳақиқат, **2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида еттинчи устувор йўналиш** – “Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш” деб номланган бўлиб, унда бу соҳадаги аниқ мақсадлар белгилаб олинди. Уларда мамлакатнинг халқаро муносабатлардаги тенг ҳуқуқли субъект сифатида ролини ошириш, Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқиш, анъанавий ҳамкорларимиз билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратилиб, иқтисодий дипломатияни кучайтиришга алоҳида эътибор берилган. Хусусан, туркий мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Туркий кенгаш билан ҳамкорликнинг фаоллашуви юртимиз учун қўшни давлатлар билан ҳам, минтақадан ташқаридаги янги ҳамкорлар билан ҳам кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш учун янги имкониятлар эшигини очади. Бу, ўз навбатида, нафақат ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга, балки туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг халқаро мақомини юксалтиришга хизмат

қилади. Ташкилот ишида доимий аъзо сифатида иштирок этиш бизга халқаро майдонда ўз ташаббусларимизни илгари суриш, шунингдек, мамлакатимизнинг туркий-исломий тараққиёт марказларидан бири сифатидаги жаҳондаги нуфузи ва мақомини мустаҳкамлаш учун қўшимча сиёсий-дипломатик ресурсларни яратади.

2019 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилди ва бу ташкилотнинг тўлақонли аъзосига айланди. Мазкур Кенгашнинг Чўлпон-ота саммитида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан **“Ўзбекистон ва Туркий кенгаш мамлакатларини азалдан нафақат маданият, тил, маънавият муштараклиги, балки анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган муносабатлар боғлаб туради”**, - дея эътироф этилганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Мазкур ташкилот доирасидаги бундай кўп томонлама ҳамкорлик Ўзбекистоннинг ўзаро ҳурмат, дўстона ва яхши кўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳозирги очик, конструктив ва амалий ташқи сиёсатини илгари суришда қўшимча омил бўлиб хизмат қилади. Бу борада ташкилот фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг 8-саммитида **“Туркий дунё нигоҳи – 2040”** дастурий ҳужжати давлат раҳбарлари томонидан имзоланди. Мазкур саммит давомида келгуси саммитни ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди ва 2022 йил 11 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммити бўлиб ўтиши белгиланди ва у муваффақиятли ўтганлиги жаҳон оммавий ахборот воситаларида муносиб баҳоланди.

Самарқанд саммити доирасида сиёсий-иқтисодий, транспорт, маданият ва туризм каби соҳаларда ҳамкорликни янада жадаллаштириш масалалари муҳокамаси ҳамда халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашиш кўзда тутилган. Тадбирнинг асосий ҳужжати – бу аъзо мамлакатларнинг энг муҳим минтақавий ва глобал муаммолар бўйича мужассамлашган позициялари ўз ифодасини топган **Туркий давлатлар ташкилоти Самарқанд саммити декларациясидир**. Унда минтақавий барқарорлик, хавфсизлик ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, маданий мулоқотни чуқурлаштириш бўйича қўшма ёндашувлар белгилаб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ташкилот доирасида азалий қардошликни мустаҳкамлаш баробарида глобал ва минтақавий муаммолар бўйича сиёсий маслаҳатлашувларни кучайтириш, иқтисодий ва техникавий ҳамкорликни, илм-фан, санъат ва маданият соҳасида ҳамда туркий тилли дунёнинг моддий, маънавий маданиятини асраш ва янада ривожлантириш борасида ҳамкорликни юқори савияга кўтариш доимий эътиборда бўлиб қолади.

### REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Мазкур янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган. “O'zbekiston” Тошкент -2023.
2. Ш.Мирзиёев. Асарлар: 1-6-жилдлар. Т,: “O'zbekiston”. 2017-2023-йиллар.
3. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Т. ”O'zbekiston” нашриёти, 2022.

## TURKIY DAVLATLAR SAMARALI HAMKORLIGINI TA'MINLASHNING KONTESTLI TAHLILI

**D. A. Raxmonov**

Toshkent amaliy fanlar universiteti Ijtimoiy fanlar kafedrasini mudiri, falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Toshkent, O'zbekiston

**N. J. Nazarova**

Toshkent davlat transport universiteti Ijtimoiy fanlar kafedrasini katta o'qituvchisi

### ANNOTATSIYA:

Turkiy xalqlarning etnogenezi tushunchasi xronologik, hududiy va ayrim etnoslarga bo'linish dinamikasi nuqtayi nazaridan bugun yaxlit ilmiy muammo holatidan kengroq ma'no kasb etmoqda. Binobarin, turkiy xalqlar tarixiy ildizlari tutash o'nlab etnik tarmoqlardan tashkil topganki, ularning har biri alohida etnogenetik masalani tashkil qiladi. Shu boisdan ham turkiy davlatlar hamkorlik aloqalari zahirida tarixiy rishtalar, til, din, madaniyat, an'analar va qadriyatlar yaqinligi muhim o'rin tutadi. Shu sababdan ham Turkiy davlatlar tashkiloti dastlab madaniy-gumanitar sohada hamkorlikni yanada rivojlantirishni asosiy vazifalardan biri sifatida belgilaganki, maqolada bu tashkilotning maqsad va vazifalaridan kelib chiqib, uning quyidagi nazariy modeli: "yaxshi qo'shnichilik munosabatlarini mustahkamlash - tinchlikni ta'minlash va xavfsizlikni mustahkamlash - umumiy pozitsiyalarni qabul qilish - hamkorlikni rivojlantirish - savdo va investitsiyalar uchun qulay sharoitlar yaratish - qonun ustuvorligini ta'minlash - fan, texnika, ta'lim va madaniyat sohalarida o'zaro hamkorlikni kengaytirish - intensiv muloqotni rivojlantirish - axborot almashinuviga ko'maklashish" ko'rinishida kontekstli bayon etilgan.

**Kalit so'zlar:** etnogenez, genesis, hamkorlik, xavfsizlik, pozitsiya, fan, texnika, ta'lim, intensiv, axborot.

### ANNOTATSIYA:

Концепция этногенеза тюркских народов сегодня приобретает более широкое значение, чем целостная научная проблема с точки зрения хронологического, территориального и динамики разделения на отдельные этносы. Следовательно, тюркские народы состоят из десятков этнических групп, имеющих свои исторические корни, каждая из которых представляет собой отдельную этногенетическую проблему. По этой причине исторические



связи, язык, религия, культура, традиции и ценности играют важную роль в основе сотрудничества между тюркскими странами. По этой причине организация тюркских государств изначально определила дальнейшее развитие сотрудничества в культурно-гуманитарной сфере в качестве одной из главных задач, которая в статье основывается на целях и задачах организации, ее следующей теоретической модели: "укрепление добрососедских отношений - обеспечение мира и укрепление безопасности-принятие общих позиций - развитие сотрудничества -создание благоприятных условий для торговли и инвестиций - развитие интенсивной коммуникации - помощь в обмене информацией" рассматривается в контексте.

**Ключевые слова:** этногенез, генезис, кооперация, безопасность, положение, наука, техника, образование, интенсив, информация.

#### **ABSTRACT:**

The concept of ethnogenesis of the Turkic peoples today acquires broader significance than a holistic scientific problem in terms of chronological, territorial and dynamics of division into separate ethnic groups. Consequently, the Turkic peoples consist of dozens of ethnic groups with their own historical roots, each of which represents a separate ethnogenetic problem. For this reason, historical ties, language, religion, culture, traditions and values play an important role in the basis of cooperation between the Turkic countries. For this reason, the Organization of Turkic States initially identified the further development of cooperation in the cultural and humanitarian sphere as one of the main tasks, which in the article is based on the goals and objectives of the organization, its following theoretical model: "strengthening good-neighborly relations - ensuring peace and strengthening security -adopting common positions - developing cooperation -creating favorable conditions for trade and investment - the development of intensive communication - assistance in the exchange of information" is considered in the context.

**Keywords:** ethnogenesis, genesis, cooperation, security, position, science, technology, education, intensive, information.

#### **Kirish**

Tarixning o'z qonuniyatlari bor, bu qonuniyat shundan iboratki, har bir jamiyat o'z tarixi davomida tug'ilish, o'sish, avj nuqtaga erishish va sekin-asta tanazzulga yuz tutish jarayonlarini boshdan kechiradi. Kishilik jamiyati taraqqiyotiga xos bo'lgan bu jarayonning qator obyektiv va subyektiv sabablari ularoq ijtimoiy

oqibatlari ham mavjud bo'lgan [4, 5, 9, 10, 11, 12, 13, 14]. Turkiy davlatlarning birlashish g'oyasi aynan tarixiy qonuniyat ularoq vujudga kelayotgan zaruriyat sifatida qarash maqsadga muvofiq. Negaki, bugungi globallashuv jarayonlarning shiddatli kechishi va dunyoning turli hududlarida ro'y berayotgan voqea va hodisalar, tinchlik va barqarorlikni ta'minlash masalasining yanada dolzarblashtirmoqda. Shu boisdan ham gegemonizmning salbiy oqibatlarini olidini olish, ayniqsa rivojlanayotgan davlatlarga nisbatan turli xavf va xatarlarning kuchayishi, etnik genezisi bir bo'lgan davlatlarni turli sohalarida hamkorlik qilish ehtiyojini kuchayib borishiga sabab bo'lmoqda. Hozirgi kunda Turkiy davlatlar tashkiloti deb nomlanuvchi xalqaro tuzilma turkiy tilli xalqlar o'rtasidagi aloqalarni mustahkamlash maqsadida 2009 yil 3 oktyabrda imzolangan «Naxchivan shartnomasi» asosida Turkiy tilli davlatlar hamkorlik kengashi nomi bilan Ozarbayjon, Qirg'iziston, Qozog'iston va Turkiya hamkorligida tashkil etilgan tashkilot ham aynan yuqorida zikr etilgan ehtiyojlar tufayli vujudga kelgan tashkilot deyishimiz mumkin.

Vengriya mazkur tashkilotga 2018 yilda kuzatuvchi maqomi bilan qo'shildi. 2018 yilning 30 aprelida O'zbekiston ham bu kengashga a'zo bo'lish istagini bildirdi va 2019 yil 14 sentyabrda tashkilotning to'laqonli a'zosiga aylandi. 2021 yil 12 noyabrda Istanbulda bo'lib o'tgan Turkiy tilli davlatlar hamkorlik kengashining VIII Istanbul sammitida tashkilot nomi Turkiy davlatlari tashkiloti deb o'zgartirildi va Turkmaniston ham tashkilotda kuzatuvchi davlat maqomiga ega bo'ldi. Hozirgi vaqtda tashkilot faoliyatini koordinatsiyalash bo'yicha bosh kotibiyat Turkiyaning Istanbul shahrida joylashgan. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2023 yil 3 noyabr kuni Turkiy davlatlar tashkiloti Davlat rahbarlari kengashi yig'ilishidagi nutqda: "Tili, dini va yuraklari bir-biriga chambarchas bog'langan qardosh xalqlarimiz ovozi endilikda dunyo bo'ylab yanada baland, yanada kuchliroq yangramoqda»[3] deya, bu tashkilotning faoliyatiga o'z munosabat bildirdi.

### **Natijalar**

"Turkiy xalqlarning etnogenezi tushunchasi xronologik, hududiy va ayrim etnoslarga bo'linish dinamikasi nuqtayi nazaridan bugun yaxlit ilmiy muammo holatidan kengroq ma'no kasb etmoqda. Binobarin, turkiy xalqlar tarixiy ildizlari tutash o'nlab etnik tarmoqlardan tashkil topganki, ularning har biri alohida etnogenetik masalani tashkil qiladi. Lekin shunga qaramay muammoning qadimiy asoslari haqida gap ketganda, ilk mushtarak davrni chuqurroq tadqiq etish zarurati dolzarbligicha qolmoqda"[2] deb yozadi tarixchi olim M.Is'hoqov.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra, turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo va kuzatuvchi davlatlarning aholisi taxminan 150 million kishini tashkil etadi, ular 4 million 200 ming kvadrat kilometrlik katta va muhim geosiyosiy hududda joylashgan. Tashkilotga a'zo davlatlarning jahon iqtisodiyotidagi o'rni ham juda salmoqli hisoblanadi[7]. Shu o'rinda aslida bu tashkilotning amaliy ahamiyatini anglash va uning nima sababdan tuzilganini bilish uchun uning maqsad va vazifalariga e'tibor qaratish lozim.

Tashkilotning huquqiy asosini tashkil etuvchi 22 moddadan iborat «Naxchivan shartnomasi» mazmuniga nazar tashlansa, eng avvalo, xalqlar o'rtasidagi tarixiy rishtalar, umumiy til, madaniyat va an'analardan kelib chiqib, har tomonlama hamkorlikka kirishish va bu munosabatlarni chuqurlashtirishga qaratilgani ko'rinib turadi. Tashkilotning maqsad va vazifalari Naxchivan shartnomasining 2-moddasida bayon qilingan bo'lib, jumladan quyidagilarni qamrab oladi:

- tomonlar o'rtasida o'zaro ishonch, do'stlik va yaxshi qo'shnichilik munosabatlarini mustahkamlash;
- mintaqada va uning tashqarisida tinchlikni ta'minlash va xavfsizlikni mustahkamlash;
- tashqi siyosat masalalari bo'yicha umumiy pozitsiyalarni qabul qilish;
- umumiy maqsadlarga taalluqli barcha sohalarida samarali mintaqaviy va ikki tomonlama hamkorlikni rivojlantirish;
- a'zo davlatlar o'rtasida savdo va investitsiyalar uchun qulay sharoitlar yaratish;
- qonun ustuvorligini ta'minlash, samarali boshqaruv va inson huquqlarini himoya qilish masalalarini muhokama qilish;
- fan, texnika, ta'lim va madaniyat sohalarida o'zaro hamkorlikni kengaytirish;
- ommaviy axborot vositalari bilan o'zaro hamkorlikni va yanada intensiv muloqotni rivojlantirish;
- huquqiy masalalar bo'yicha axborot almashinuviga ko'maklashish[7].

Agarda yuqorida ko'rsatib o'tilgan bu tashkilotning maqsad va vazifalaridan kelib chiqib, uning nazariy modelini quyidagi tarzda: "yaxshi qo'shnichilik munosabatlarini mustahkamlash - tinchlikni ta'minlash va xavfsizlikni mustahkamlash - umumiy pozitsiyalarni qabul qilish - hamkorlikni rivojlantirish - savdo va investitsiyalar uchun qulay sharoitlar yaratish - qonun ustuvorligini ta'minlash - fan, texnika, ta'lim va madaniyat sohalarida o'zaro hamkorlikni kengaytirish - intensiv muloqotni rivojlantirish - axborot almashinuviga

ko'maklashish" ko'rinishida ko'rsatib o'tishimiz mumkin. Bu esa tashkilotning funksional ahamiyatini anglashimiz uchun xizmat qiladi.

Tadqiqotchi olimlar R.H.Sharipov va F.Muhiddinova kishilik jamiyatining ko'p asrlilik tarixida xilma-xil harakatlar, ta'limot va siyosiy oqimlar mavjud bo'lganligiga e'tibor qaratib, "Bularning zamirida adolatli, fuqarolarning tengligi asosiga qurilgan, insonparvar jamiyatni yuzaga keltirish uchun, zulm va zo'ravonlikdan, qullik va istibdoddan, tengsizlik va jaholatdan qutulish uchun tinimsiz izlanish istagi yotgan"[8, 20-bet] deya ko'rsatib o'tadi.

Darhaqiqat, moziyning qay lahzasiga razm solmaylik, inson faoliyatini diqqat markazida doimo borliqni bilish istagi yotganini ko'ramiz. Bilishgina emas, balki olingan bilim va tajriba asosida uni o'zgartirishga intilish jamiyat hayotidagi (ijtimoiy, siyosiy, iktisodiy, ilmiy texnikaviy, madaniy sohalardagi) yangilanishlarga zamin yaratganining shohidi bo'lamiz. Demak, insoniyat taraqqiyotining yana bir bosh omili borliqni bilishga intilish, uni chuqur tahlil va idrok etish, olingan bilimlar zamirida hayotbaxsh xulosalar yasash va kashf etilgan g'oyalarni hayotga tadbiiq etish dan iboratdir[8, 19-bet]. Xuddi shunday, Turkiy xalqlarni birlashtirish g'oyasi ham bugun paydo bo'lgan emas. Bu g'oya sohibqiron Amir Temur orzularida ham turkiy xalqlarni birlashtirishni nazarda tutuvchi "Turon" tushunchasi mavjud bo'lgan [6, 90-bet]. Shuningdek, do'stlik masalasiga ham alohida munosabat bildirib, "Temur tuzuklari"da shunday yozadi: "Yana o'z tajribamdan bildimki, sodiq va vafodor do'st o'lkim, o'z do'stidan ranjimaydi, do'stining do'shmanini o'z dushmani deb biladi. Agar kerak bo'lsa, do'sti o'chun jonini ham ayamaydi"[6, 90-bet].

Tadqiqotchi Sh.Ikromovning yozishicha, hozirgi davrda "Turkiy xalqlarni birlashtirish g'oyasi"ning tashabbuskori Turkiya sanaladi. Mazkur mamlakatning sobiq Prezidenti Sulaymon Demirel ta'biri bilan aytganda, "Adriatikadan Buyuk Xitoy devorigacha cho'zilgan turk dunyosi"ni birlashtirish mas'uliyatini Turkiya o'z zimmasiga olishi kerak"[1]. Bunda Turkistonning, ya'ni Markaziy Osiyoning o'rnini ham unutmash lozim. Bu xususida Xalqaro Turkiy Madaniyat Tashkiloti "Turksoy" bosh kotibi o'rinbosari, professor, doktor Sayid Yusuf e'tirof etganidek: "Turkiy xalqlar tarixidan Turkiston yulib olinsa, unda qiymatga ega boshqa hech narsa qolmaydi. Hatto, dunyo madaniyati tarixidan Turkistonni chiqarsak, undan ham hech narsa qolmaydi", deya munosabat bildirganda haq edi.

Davlatimiz rahbari ta'kidlaganidek: "Turkiy davlatlar tashkiloti bugungi kunda shakllanayotgan yangi dunyo tartiboti va xalqaro institutlar tizimida o'ziga xos muhim o'ringa ega bo'lib bormoqda. 160 million aholini qamrab olgan tashkilot hududi katta iqtisodiy imkoniyatlar makoni hamdir"[3]. Biroq statistik ma'lumotlarga

e'tibor qaratadigan bo'lsak, turkiy davlatlar hali o'z imkoniyatlaridan yetarlicha foydalanmayotganini ko'rsatadi.

Darhaqiqat, moziyning qay lahzasiga razm solmaylik, inson faoliyatiniig diqqat markazida doimo borliqni bilish istagi yotganini ko'ramiz. Bilishgina emas, balki olingan bilim va tajriba asosida uni o'zgartirishga intilish jamiyat hayotidagi (ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy, ilmiy texnikaviy, madaniy sohalaridagi) yangilanishlarga zamin yaratganining shohidi bo'lamiz. Demak, insoniyat taraqqiyotining yana bir bosh omili borliqni bilishga intilish, uni chuqur tahlil va idrok etish, olingan bilimlar zamirida hayotbaxsh xulosalar yasash va kashf etilgan g'oyalarni hayotga tadbiiq etish dan iboratdir[8, 19-bet]. Xuddi shunday, Turkiy xalqlarni birlashtirish g'oyasi ham bugun paydo bo'lgan emas. Bu g'oya sohibqiron Amir Temur orzularida ham turkiy xalqlarni birlashtirishni nazarda tutuvchi "Turon" tushunchasi mavjud bo'lgan [6, 90-bet]. Shuningdek, do'stlik masalasiga ham alohida munosabat bildirib, "Temur tuzuklari"da shunday yozadi: "Yana o'z tajribamdan bildimki, sodiq va vafodor do'st o'lkim, o'z do'stidan ranjimaydi, do'stining do'shmanini o'z dushmani deb biladi. Agar kerak bo'lsa, do'sti o'chun jonini ham ayamaydi"[6, 90-bet].

Tadqiqotchi Sh.Ikromovning yozishicha, hozirgi davrda "Turkiy xalqlarni birlashtirish g'oyasi"ning tashabbuskori Turkiya sanaladi. Mazkur mamlakatning sobiq Prezidenti Sulaymon Demirel ta'biri bilan aytganda, "Adriatikadan Buyuk Xitoy devorigacha cho'zilgan turk dunyosi"ni birlashtirish mas'uliyatini Turkiya o'z zimmasiga olishi kerak"[1]. Bunda Turkistonning, ya'ni Markaziy Osiyoning o'rnini ham unutmazlik lozim. Bu xususida Xalqaro Turkiy Madaniyat Tashkiloti "Turksoy" bosh kotibi o'rinbosari, professor, doktor Sayid Yusuf e'tirof etganidek: "Turkiy xalqlar tarixidan Turkiston yulib olinsa, unda qiymatga ega boshqa hech narsa qolmaydi. Hatto, dunyo madaniyati tarixidan Turkistonni chiqarsak, undan ham hech narsa qolmaydi", deya munosabat bildirganda haq edi.

Davlatimiz rahbari ta'kidlaganidek: "Turkiy davlatlar tashkiloti bugungi kunda shakllanayotgan yangi dunyo tartiboti va xalqaro institutlar tizimida o'ziga xos muhim o'ringa ega bo'lib bormoqda. 160 million aholini qamrab olgan tashkilot hududi katta iqtisodiy imkoniyatlar makoni hamdir"[3]. Biroq statistik ma'lumotlarga e'tibor qaratadigan bo'lsak, turkiy davlatlar hali o'z imkoniyatlaridan yetarlicha foydalanmayotganini ko'rsatadi.

## **Xulosa**

1. Turkiy davlatlarning birlashish g'oyasi aynan tarixiy qonuniyat ularoq vujudga kelgan zaruriyat sifatida qarash maqsadga muvofiq. Negaki, bugungi globallashuv jarayonlarning shiddatli kechishi va dunyoning turli hududlarida ro'y



berayotgan voqea va hodisalar, tinchlik va barqarorlikni ta'minlash masalasining yanada dolzarblashtirmoqda.

2. Turkiy tilli davlatlar bilan aloqalarni Markaziy Osiyo mintaqasi doirasida rivojlantirish, mintaqa davlatlarining o'zaro hamkorlik munosabatlarini shakllantirish Turkiy Kengash faoliyatining asosi va barqaror istiqbolidir. Mintaqa davlatlarining Turkiy Kengashda ishtirok etishi mintaqaviy integratsiya jarayonlarini to'ldiradi va bu jarayonni yanada faollashtirishga xizmat qiladi.

3. Ma'lumki, 90-yillarning boshlarida Markaziy Osiyo davlatlari ittifoqini yaratish tashabbusi ilgari surilgan edi. Ammo iqtisodiy-siyosiy xususiyatdagi muammolar bu g'oyani amalga oshirishga imkon bermadi. Hozir esa bu tashabbuslarni yana kun tartibiga olib chiqish zarurati paydo bo'lganini inkor qilmaslik kerak. O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan bu borada muhim qadamlar tashlandi. Mintaqa davlatlari rivojlanish bo'yicha bir qator katta loyihalarni amalga oshirishga kirishgan hozirgi davrda xorijiy investitsiyalarga zarurat sezadi. Shuni hisobga olgan holda agar mintaqa davlatlari Yevropa integratsiyasi namunasida birlashsa, bu birlashuv donor davlatlarni ko'proq sarmoya yetkazishga ilhomlantiradi. Shu bilan birga mintaqa iqtisodidagi ichki o'sish ham sezilarli darajada oshadi.

4. Turkiy davlatlarning samarali hamkorligini ta'minlashda "yaxshi qo'shnichilik munosabatlarini mustahkamlash - tinchlikni ta'minlash va xavfsizlikni mustahkamlash - umumiy pozitsiyalarni qabul qilish - hamkorlikni rivojlantirish - savdo va investitsiyalar uchun qulay sharoitlar yaratish - qonun ustuvorligini ta'minlash - fan, texnika, ta'lim va madaniyat sohalarida o'zaro hamkorlikni kengaytirish - intensiv muloqotni rivojlantirish - axborot almashinuviga ko'maklashish" ko'rinishida nazariy modeli hayotga faol tadbiq etish lozim.

5. E'tirof etish kerakki, 2016 yildan boshlab, hududiy chegaraviy masalalarni to'la bartaraf qilib olishdan boshlab, transport sohasidagi aloqalarni rivojlantirishgacha bo'lgan samarali qarorlar qabul qilindi. Biroq shuni e'tiborga olish kerakki, ayni tashabbuslar, aslida, allaqachon hal qilib olinishi kerak bo'lgan hamkorlikni rivojlantirish uchun zarur infratuzilmani yaratish darajasi hisoblanadi. Hozir esa mintaqa davlatlari tom ma'nodagi integratsiyaga tayyorgarlik ko'rishi va buni amalga oshirish strategiyasini ishlab chiqishi maqsadga muvofiqdir.

## REFERENCES



1. Икромов Ш. Туркий Кенгаш – туркий халқларни бирлаштирувчи платформа бўла оладими? <https://www.uzanalytics.com/siyosat/8405/>
2. Исҳоқов М. Туркий халқларнинг келиб чиқиши ва маконига доир баъзи мулоҳазалар. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих». Республика илмий-назарий семинар материаллари. - Тошкент, 2004. <https://shosh.uz/turkiy-halqlarning-kelib-chiqishi-va-makoniga-doir-bazi-mulohazalar/>
3. Мирзиёев Ш. «Туркий халқларнинг овози дунё бўйлаб янада баланд, янада кучлироқ янграмоқда». <https://www.gazeta.uz/uz/2023/11/03/turk-states/>
4. Назарова, Н. (2023). STRUCTURAL-FUNCTIONAL ANALYSIS OF ENSURING PROFESSIONAL COMPETITIVENESS OF YOUTH OF UZBEKISTAN. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, 6(2).
5. Назарова, Н. Ж. (2022). ФОРМИРОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ МОЛОДЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ В СФЕРЕ ТРАНСПОРТА. In *Транспорт России: прошлое, настоящее и будущее (к 185-летию открытия первой отечественной железной дороги)* (pp. 165-170).
6. Темур тузуклари / форсчадан тарж. А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов. – Тошкент: Шарқ, 2005. –160 б.
7. Ҳақбердиев Қ., Азимов Ҳ. Туркий давлатлар ташкилоти қандай ташкилот ва у нима учун керак? <https://daryo.uz/k/2022/11/08/turkiy-davlatlar-tashkiloti-qanday-tashkilot-va-u-nima-uchun-kerak>
8. Шарипов Р.Ҳ, Муҳиддинова Ф. Ўзбекистон халқлари сиёсий - ҳуқуқий таълимотлари тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари) - Тошкент: Тошкент Давлат юридик институти, 2004. - 298 б.
9. Abdinazarovich, R. D., Saparbayevna, J. N., & Jo'rayevna, N. N. (2023). OILALARNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARINI SOTSIOLOGIK TAHLILI (HARBIY XIZMATCHILARNING OILASI MISOLIDA). *World of Science*, 6(5), 29-33.
10. Jo'rayevna, N. N. (2023). GIYOHVANDLIK DELINKVENT XULQ SIFATIDA NAMOYON BO 'LISHI. *FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES*, 2(22), 186-189.
11. Saparbayevna, J. N., Jo'rayevna, N. N., & Abdinazarovich, R. D. (2023). YOSHLARDA MAS'ULIYAT HISSINI TARBIYALASHNING IJTIMOY-FALSAFIY MOHIYATI. *World of Science*, 6(5), 25-28.
12. Rakhmonov, D., & Nazarova, N. (2024). Socio-Philosophical Reflection of the Social Sphere Model. *Modern Science and Research*, 3(1), 1-6.

13. Rakhmonov, D., & Nazarova, N. (2023). Analysis of the results of the empirical study of ethnocultural aspects of social service provision in Uzbekistan. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 452, p. 05016). EDP Sciences.

14. Nazarova, N. (2022). GLOBALLASHUV DAVRIDA YOSHLARDA RAQOBATBARDOSHLIK SAMARADORLIGINI TA 'MINLASH MASALASI (YAPONIYA DAVLATI MISOLIDA). *ББК 74.00 (5У36)*, 68(1), 247.

## TURKIY DAVLATLAR INTEGRATSIYASIDA YOL – KOMMUNIKATSIYA MASALALARINING AHAMIYATI

**B. L. Salimov**

F.f.d., dotsent.Toshkent davlat transport universiteti

### ANNOTATSIYA:

Maqolada so'ngi yillarda davlatlarning yo'l – kommunikatsiya tizimida tub o'zgarishlar ro'y berayotganligi, boshlangan o'zgarishlar qisqa muddatlar ichida o'zining ijobiy natijasini ko'rsatishi, xususan, yangi yo'l – kommunikatsiya kooridorlarining ochilishi turkiy davlatlar integratsiyasida muhim ahamiyat kasb etishi tahlil etilgan.

**Kalit so'zlar:** integratsiya, kommunikatsiya, davlatlar, transport kooridorlari.

### АННОТАЦИЯ:

В статье анализируется тот факт, что в последние годы в дорожно-коммуникационной системе страны происходят принципиальные изменения, что начатые изменения покажут свои положительные результаты в короткий период времени, в частности, открытие новых дорожно-коммуникационных сетей. коридоров имеет большое значение в интеграции тюркских стран.

**Ключевые слова:** интеграция, коммуникации, государства, транспортные коридоры.

### ABSTRACT:

The article analyzes the fact that fundamental changes have been taking place in the country's road-communication system in recent years, that the initiated changes will show their positive results in a short period of time, in particular, that the opening of new road-communication corridors is of great importance in the integration of the Turkic countries.

**Keywords:** integration, communication, states, transport corridors.

Hech ikkilanmasdan aytishimiz mumkinki yo'llarning ko'pligi, maqbul kommunikasion tizimning mavjudligi shaharlar uchun suv va havodek zarurdir.

Kishilik jamiyati rivojidadagi ko'p asrlik ushbu tarixiy haqiqat, ayni kunda ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan. Hozir ham, zamonaviy dunyoda yo'l – kommunikasiya masalalari o'z ustuvorligini saqlab kelmoqda. Dunyo siyosiy xaritasiga nazar tashlasak, ushbu mulohazamiz o'z tasdig'ini topadi. Ma'lumki, hozirgi kunda jahonda 230 ortiq davlatlar mavjudligi ta'kidlab kelinadi. Bu davlatlarning maydoni, aholisining soni, rivojlanish darajasi har-xil. Masalan: AQSh, Xitoy, Rossiya, Fransiya, Buyuk Britaniya, Germaniya, Yaponiya, Ispaniya, Italiya, Janubiy Koreya,

Singapur, Malaziya, Saudiya Arabistoni, BAA, Quveyt va boshqalar. Sobiq ittifoq o'rnida vujudga kelgan Latviya, Litva, Estoniya kabi davlatlar. Ushbu davlatlarning hammasida yo'l – kommunikasiya masalalari to'liq o'z echimini topgan. Ya'ni, bu davlatlar to'g'ridan-to'g'ri dengizga chiqish imkoniga ega. Va aytish mumkinki, bunday imkoniyatning mavjudligi ushbu davlatlarning bugungi mavqeyiga erishishida hal etuvchi omillardan biri bo'lgan. Ayni damda ham juda katta imkoniyalarga ega bo'lgan jahonning etakchi davlatlari qo'shimcha yo'l – kommunikasiya yo'laklarini ochish bo'yicha ham raqobatlashishmoqdalar. Negaki, yangi transport koridorlarini ochilishi iqtisodiy salohiyatini oshishiga va siyosiy ta'sir doirasini kengayishiga olib boradi. Bunday kurashlar Evropada, Kavkazda va Osiyo mintaqasida keskin tus olmoqda. Albatta, yangi transport koridorlarini ochilishi, ozmi ko'pmi mintaqadagi rivojlanayotgan davlatlarning ijtimoiy – iqtisodiy taraqqiyotiga o'z ta'sirini ko'rsatadi. Tabiiyki, bu ta'sir ko'proq ijobiy xarakterda bo'ladi. Buning boisi, yo'llarning qurilishi va yo'llarda transportlarning gavjum bo'lishi, yo'l bo'yidagi hududlar rivojiga qulay sharoit yaratadi. Shu sababli, rivojlanayotgan mamlakatlar ham, yangi transport koridorlarini yaratish loyihalarida ishtirok etishni ma'qul ko'rmoqdalar.

Ana shunday loyihalardan biri, Xitoy tomonidan ilgari surilgan «Bir makon, bir yo'l» deb nomlanadi.

Mazkur loyihaning Turkiy davlatlar uchun, xususan, O'zbekiston uchun ahamiyati katta. Chunki, «Bir makon, bir yo'l» loyihasi O'zbekistonga jahon bozoriga chiqish, shu maqsadda yangi kommunikasiya yo'llarini ochish uchun keng imkoniyatlar eshigini ochmoqda. Buni to'g'ri anglagan O'zbekiston dastlabki kunlardanoq, «Bir makon, bir yo'l» loyihagini ma'qulladi va uning faol a'zosiga aylandi. Loyiha miqyosida amalga oshirilishi kerak bo'lgan mahalliy va xalqaro transport yo'llarini qurish ishlarini jadal sur'atlarda olib bormoqda. 2016 yilda Farg'ona vodiysi bilan bog'lovchi Angren – Pop elektrlashtirilgan temir yo'lining ishga tushirilishi ezgu maqsad yo'lida olg'a tashlangan katta qadam bo'lgan. Ushbu yo'lining qurilishi bilan Xitoygacha bo'lgan masofa 270 kilometrqa qisqaradigan bo'ldi. Endigi asosiy vazifa Xitoy – Qirg'iziston – O'zbekiston temir yo'lining qurilishidir. Kelgusida mazkur temir yo'l liniyasining ishga tushirilishi mamlakatimiz iqtisodiyoti uchun keng imkoniyatlar eshigini ochishiga shubha yo'q. Bu imkoniyatlar quyidagi omillar bilan belgilanadi: birinchidan, ushbu temir yo'l orqali O'zbekiston Xitoyga, Xitoy orqali O'rta va Uzoq Sharq mamlakatlariga to'g'ridan-to'g'ri chiqish imkoniga ega bo'ladi; ikkinchidan, mazkur mintaqalararo o'zaro yuk tashish vaqti 5 – 6 sutkaga qisqartiriladi; uchinchidan, O'zbekiston hududidan Sharq

bilan G'arbni bog'lovchi xalqaro yo'l o'tadi. Natijada tranzit yuklardan olinuvchi mablag'lar byudjetni yanada to'ldirishga xizmat qiladi.

Biroq, bu hozircha, kelgusidagi rejalar bo'lib turibdi. Ushbu temir yo'l qurilishi uchun ma'lum bir tayyorgarlik ishlarini ko'rish taqozo etiladi. Temir yo'l liniyasi o'tadigan dovonlarda tunellar, ko'priklar qurish, elektr liniyasini ulash, vokzallar va stansiyalar barpo etish va boshqa ishlar rejalashtirilmoqda. Eng avvalo, mazkur loyihani ruyobga chiqarish uchun mablag' topish, sarmoya kiritish vazifalarini hal etish jarayoni ketmoqda. Shu maqsadda Xitoy, Qirg'iziston va O'zbekiston tomonlari o'zaro maslahatlashgan holda, kelajakda bunyod etilishi kerak bo'lgan, Sharq va G'arbni bog'laydigan yana bir muhim ko'prik bo'lishi kutilayotgan yo'l qurilishi bo'yicha qilinishi lozim bo'lgan ishlarni kelishib olishmoqda. Zero, bunday yirik loyihalar faqat hamkorlikdagina amalga oshiriladi va shundagina kutilgan natijani beradi.

Kommunikasiya tizimini rivojlantirish borasidagi hal etilishi lozim bo'lgan keyingi muhim vazifa – g'arbiy, janubiy g'arbiy va janubiy transport koridorlarini ochish masalasidir. Bunda quyidagi yo'nalishlardagi yo'llarda muntazam transport aloqalarini yo'lga qo'yish rejalashtirilmoqda:

- Turkmaniston orqali Kaspiy dengiziga, undan Kavkaz, Eron, Turkiya va Evropa davlatlari bilan bog'laydigan g'arbiy va janubiy g'arbiy yo'nalishlar;
- Afg'oniston orqali Erondagi dengiz portlariga olib boradigan janubiy yo'nalish;
- Afg'oniston orqali Pokiston dengiz portlariga ulanishi kerak bo'lgan janubiy – Transafg'on transport yo'nalishi.

Ishga tushirilishi rejalashtirilayotgan xalqaro ahamiyatga molik ushbu yo'nalishlarning barchasi ijtimoiy munosabatlarning takomillashuvida va zamonaviylashuvida beqiyos ahamiyatga egadir. Shu bois, ularni ro'yobga chiqarishning asosiy shartlaridan biri – xalqaro hamkorlikning amalda o'rnatilishidir. Agarda davlatlar o'z zimmalariga yuklatilgan majburiyatlarini to'liq ado etib, hamkorlar bilan bamaslahat ish tutsalar rejalashtirilayotgan transport koridorlarining faoliyatini yo'lga qo'yilish jarayoni ham tezlashadi. Ta'kidlash joizki, O'zbekiston tahsinga loyiq ishlarni amalga oshirmoqda. Avvalo, mamlakatimiz hududidagi avtomobil va temir yo'llari jahon andozalari asosida qurilmoqda va ta'mirlanmoqda. Turkmaniston va Afg'oniston hududiga kirib chiqadigan nuqtalar avtomobil va temir yo'llar bilan bog'langan.

Mintaqalararo transport koridorlarini yaratish, davlatlararo kommunikasiya tizimini tuzish oson ish emas. albatta, buning uchun ahillik, juda katta matonat,

mashaqqatli mehnat va uzoqni ko'zlab qilingan harakat kerak bo'ladi. Shu ma'noda oladigan bo'lsak, ko'p sohalarda bo'lgani kabi, yo'l – kommunikasiya borasidagi olamshumul o'zgarishlar avvalo millatimiz, xalqimizning yutug'idir.

«Yo'l – bu hayotdir» degan mazmundagi qadimgi yunon hikmati bor. Ta'kidlash joizki, ana shu uchta so'zdan iborat qisqagina iborada ijtimoiy voqelikda yo'llar benihoyat ulug'vor ahamiyatga molik ekanligi o'z ifodasini topgan. Ta'kidlash jozki, bu ulug'vorlik birgina Rim imperiyasi hukmronligi davrida emas, balki undan keyingi barcha zamonlarda, xususan, bugungi kunda o'z maqomida qolmoqda. Shu narsa aniqki, mamlakatlar rivoji, yo'l – kommunikatsiya tizimi bilan chambarchas bog'liqdir. Yo'llarni qiyosan tirik organizmdagi qon tomirlarga o'xshatsak xato qilmagan bo'lamiz. Zero, qon tomirlari organizmdagi tiriklikni kafolatlasa, yo'llar esa mamlakatlarning barqaror taraqqiyotini ta'minlab beradi. Yo'llarning ko'pligi, sifatli va ishonchli ekanligi mamlakat taraqqiyotining asosiy mezoni hisoblanadi. Ushbu jihat barcha sohalar uchun birdek muhim ahamiyatga ega. Masalan, siyosiy sohani oladigan bo'lsak, bu davlat hududiy yaxlitligini va xavfsizligini ta'minlashda juda kerak. Iqtisodiy sohada, mamlakatdagi barcha ma'muriy-hududiy birliklarni bir tekisda taraqqiy etishida, ular o'rtasidagi integratsiya jarayonlarining maromida ketishida, ichki va tashqi turizmning rivojlanishida juda zarur. Zero ijtimoiy munosabatlarning takomillashishi yo'llar faoliyatiga ham bog'liq.

Albatta, yo'llar bo'lishi kerak. Shaharni boshqa hududlar bilan bog'lovchi yo'llari qancha ko'p bo'lsa va shahar mintaqalararo yo'l bo'yida joylashgan bo'lsa, shak-shubhasiz bu shahar rivojlanadi. Shunda, Aflotun aytganidek, bunday shaharlarga hayot uchun, taraqqiyot uchun kerak bo'ladigan hamma narsalarni keltirish imkoniyati bo'ladi. Bunday shaharlarda, hayotiy zarur bo'lgan narsalarga tanqislik ko'zatilmaydi. Chunki istalgan hududdan kerakli mahsulotlar peshma-pesh keltirilaverilgan. Buni isbotlash uchun ortiqcha urinish ham shart emas. Oddiygina, tarixda mashhur bo'lgan va hozirgi kunda ham mavjud bo'lgan, bir necha ming yillik tarixga ega bo'lgan shaharlarning geografik joylashuviga, ichki va xalqaro yo'llar silsilasida tutgan o'rniga qarasaq bas, hammasi oydinlashadi. Negaki, ma'lum va mashhur shaharlarning hammasi geografik qulay hududda va tranzit yo'llar kesishgan nuqtada joylashgan. Jumladan, Samarqand, Buxoro, Toshkent, Termez kabi shaharlarimiz xuddi shunday muhim chorralarda joylashganini ko'rishimiz mumkin. Birinchidan, ushbu shaharlar hududdagi mahalliy ichki yo'llar markazida joylashgan. Ikkinchidan, Sharq va G'arbni bog'lagan, insoniyat tarixidagi eng uzun karvon yo'li bo'lgan «Buyuk ipak yo'li»ning tarmoqlari ham mazkur shaharlardan



o'tgan. O'z navbatida, bu omillar shaharlarning gullab-yashnashiga imkon bergan. Ushbu omillar, boshqa mamlakatlardagi yirik sanoat va madaniy markazlarga aylangan shaharlarning shakllanishida ham hal qiluvchi ahamiyat kasb etganligini ishonch bilan aytishimiz mumkin. Demak, yo'llarning ko'pligi, maqbul kommunikatsion tizimning mavjudligi turkiy davlatlarning integratsiyasi uchun suv va havodek zarurdir.

## REFERENCES

1. Salimov B. L. (2023). *TEXNIKA TARAQQIYOTI BORASIDAGI FALSAFIY KONSEPSIYALAR*. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3 (11), 333-337.
2. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Muhammaddiyor Oybekovich Abdukhalikov. [DEVELOPMENT OF COMMUNICATIONS AND TRANSPORT IN UZBEKISTAN OVER THE YEARS OF INDEPENDENCE](#). *ILM FAN TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY METODLARNING QO'LLANILISHI*. 2023. №3/31. 76-80.
3. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Quvonchbek Turg'unovich Normamatov. [TECHNICAL PHILOSOPHY AS A PART OF THE HISTORY OF HUMAN DEVELOPMENT](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 98-103.
4. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Dmitriy Vladimirovich Shushakov. [STAGES OF DEVELOPMENT OF TECHNICAL KNOWLEDGE](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 126-131.
5. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Yevgeniy Viktorovich Remenyuk. [PHILOSOPHICAL FEATURES OF TECHNICAL EXISTENCE](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 173-178.
6. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Hojiakbar Olimjonovich Odilov. [SOCIO-PHILOSOPHICAL IMPACT OF ENGINEERING THINKING](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 142-146.
7. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Davlet Rashidovich Gaipov. [IMPORTANT PROBLEMS OF TECHNICAL PHILOSOPHY](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 152-158.
8. Salimov, B., Madalimov, T. (2023). *Transport falsafasi*. Globe Edit.
9. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. *The Importance of Sea Transport in the Communication System*. *WEB OF SYNERGY: International Interdisciplinary Research Journal*. Volume 2 Issue 1, Year 2023 ISSN: 2835-3013.

10. Salimov Bakhridin Lutfullaevich. The Influence of the Transport and Communication System on Social Relations. Web of Semantic: Universal Journal on Ie Education. Volume 2 Issue 2, Year 2023. ISSN: 2835-3048.

## TURKIY DAVLATLAR TASHKILOTI A'ZOLARINING TRANSPORT SOHASIDAGI O'ZARO HAMKORLIGI

**Dostonjon Beknazar o'g'li Tojiyev**

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi

Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti II bosqich tayanch doktoranti

[dostonjontojiyev26@gmail.com](mailto:dostonjontojiyev26@gmail.com)

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada Turkiy davlatlar tashkiloti doirasida a'zo va kuzatuvchi mamlakatlarning o'zaro transport, logistika va savdo-investitsiyaviy hamkorliklariga doir ishlar haqida ma'lumotlar keltiriladi. "Bir kamar, bir yo'l" loyihasi va Transkaspiy yo'lining rivojiga doir ishlar, hujjatlarning amaliyotga joriy qilinishi masalalari, transport vazirlarining o'zaro majlislari xususida ham fikrlar bildirilgan.

**Kalit so'zlar:** Transport vazirlari, Samarqand sammiti, Transkaspiy yo'li, Mersin, Samsun, Aktau, Boku, Axtachi portlari "Bir kamar, bir yo'l" loyihasi, "Boku-Tbilisi-Kars" temiryo'l liniyasi.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье представлена информация о деятельности стран-членов и стран-наблюдателей по взаимному транспортному, логистическому и торгово-инвестиционному сотрудничеству в рамках Организации Турецких Государств. Также были высказаны мнения о проекте «Один пояс, один путь» и развитии Транскаспийской дороги, реализации документов, взаимных встречах министров транспорта.

**Ключевые слово:** Министры транспорта, Самаркандский саммит, Транскаспийская дорога, Мерсин, Самсун, Актау, Баку, Ахтачинские порты, проект «Один пояс, одна дорога», железнодорожная линия «Баку-Тбилиси-Карс».

### ABSTRACT:

This article provides information on the activities of the member and observer countries on mutual transport, logistics and trade-investment cooperation within the framework of the Organization of Turkic States. Opinions were also expressed about the "One Belt, One Road" project and the development of the Trans-Caspian road, the implementation of the documents, and the mutual meetings of the transport ministers.

**Keywords:** Ministers of Transport, Samarkand summit, Trans-Caspian road, Mersin, Samsun, Aktau, Baku, Akhtachi ports “One belt, one road” project, railway line “Baku-Tbilisi-Kars”.

Turkiy davlatlar tashkiloti a'zolari o'rtasida har tomonlama hamkorlikni rivojlantirish maqsadidan kelib chiqib, Transkaspiy xalqaro Sharq-G'arb O'rta transport yo'lagi (Trans-Kaspiy yo'lagi) bo'ylab a'zo davlatlar o'rtasida transport aloqalarini mustahkamlashga alohida e'tibor qaratildi [1]. Samarali, barqaror va uzluksiz tashish-o'tkazish yo'lidagi mavjud to'siqlarni bartaraf etish, shu bilan birga barcha turdagi transport faoliyatini to'la tartibga solishning zamonaviy talablar asosidagi yangi mexanizmlarini o'rnatish [2] bu boradagi hamkorlikning asosini tashkil etadi.

Shu munosabat bilan Davlat rahbarlaridan keyingi o'rinda transport vazirlarining oltita navbatdagi yig'ilishi [3], COVID-19 pandemiyasiga qarshi hamkorlikka bag'ishlangan transport vazirlari o'rtasida bitta onlayn uchrashuv [4], vazir o'rinbosarlari darajasidagi transport bo'yicha Muvofiqlashtiruvchi kengashning uchta yig'ilishi, o'n bitta ishchi A'zo davlatlarning tegishli vazirliklari yetakchi ekspertlari bilan guruh uchrashuvlari [5], Transkaspiy yo'lagi bo'yicha xalqaro seminar [6] va Boku, Oqtov, Samsun va Kurik portlari o'rtasida barcha transport turlari va bojxona organlari vakillarining kengroq ishtirokida beshta qardosh portlar uchrashuvi [7] hozirgacha tashkil etilgan. Transkaspiy yo'lagi bo'ylab a'zo davlatlarning milliy loyihalari haqida xabardorlikni oshirish maqsadida Turkiy davlatlar tashkiloti transportga ixtisoslashgan xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlik va sheriklikni kuchaytirdi, jumladan: UNECE-EATL, UNESCAP, TITR va OSJD [8] bilan turli xalqaro konferensiyalarda qatnashgan.

Bu jarayonda a'zo davlatlar transport vazirlari Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo davlatlar transport vazirlarining birinchi yig'ilishida “Transportni rivojlantirish bo'yicha qo'shma hamkorlik protokoli”ni imzoladilar [9, 31-b]. Shuningdek, ekspeditorlar duch kelayotgan muammolarni joyida amaliy yechimlar bilan hal etish maqsadida vazir o'rinbosarlari darajasida Muvofiqlashtiruvchi kengash tuzildi. Turkiy Davlatlar Tashkiloti Kotibiyati a'zo davlatlar o'rtasida “Turkiy tilli davlatlar hamkorlik kengashiga a'zo davlatlar o'rtasida xalqaro qo'shma yuk tashish to'g'risidagi bitim” loyihasi [10, 8-b.] bo'yicha muzokaralarga rahbarlik qildi [11, 541-b.].

2013-yilda a'zo davlatlar hamkorlikni kengaytirish maqsadida Boku, Samsun va Oqtov portlari o'rtasida “Birodar portlar aloqasi va hamkorligi to'g'risida memorandum” [12, 38-b.] imzolagan edi. 2019-yil 17-aprelda Bishkek shahrida

bo'lib o'tgan transport vazirlarining IV yig'ilishida Qozog'istonning Kurik porti Qardosh portlar hamkorligiga qo'shildi [13], Turkiyaning Mersin porti esa 2021-yilda bo'lib o'tgan transport vazirlarining 5-yig'ilishida bu jarayonga qo'shildi. Shu qatorda Turkmanboshi porti ham Turkiy davlatlar tashkilotining Qardosh portlari safiga taklif qilindi. Memorandumda belgilangan munosabatlar portlar o'rtasida texnik tashriflar va savdo aloqalari almashinuvini, shuningdek, portlar o'rtasida tovarlarni jo'natish uchun integratsiyalashgan dasturiy ta'minot tizimini yaratish bo'yicha urinishlarni kuchaytirdi. Qardosh portlarning to'rtinchi yig'ilishi 2021-yil 8-oktabrda Samsun shahrida bo'lib o'tdi va Qardosh portlar jarayoni a'zo va kuzatuvchi davlatlarning boshqa portlarini kiritish bilan kengaytirildi.

2022-yil 27-oktabr kuni Toshkent shahrida Boku (Ozarbayjon), Aktau va Kurik (Qozog'iston) va Mersin (Turkiya) portlari hamda “Universal Logistics Services”, “Axtachi” va “Termiz Cargo” (O'zbekiston), shuningdek, “Ozarbayjon Kaspiy dengiz transporti kompaniyasi” (ASCO, Ozarbayjon) uchrashuvi bo'lib o'tdi [14]. Bosh kotib o'rinbosari Mirvohid Azimov moderatorligida bo'lib o'tgan uchrashuvda dengiz va quruq portlar vakillari qardosh portlar o'rtasidagi hamkorlikni kengaytirish yo'llari yuzasidan fikr almashdilar va ularning raqamli portlarini yanada integratsiyalashtirishga qaratilgan onlayn axborot almashish platformasini rivojlantirish, tizimli ilg'or tajriba almashish, yo'lak bo'ylab rejalashtirilgan blokli poyezdlarni birgalikda ishga tushirish va qo'shma raqamli ilovalarni amalga oshirish bo'yicha qo'shma chora-tadbirlar ko'rishga kelishib oldilar [15]. Tomonlar Turkiyaning eng yirik konteyner porti Mersin portiga sayohat uyushtirish va dunyodagi eng yirik port operatorlaridan biri “PSA International” ishtirokida qo'shma loyihalarni amalga oshirish imkoniyatlarini o'rganishga kelishib oldilar. Uchrashuv yakunida delegatsiyalar “Universal Logistics Services” logistika markaziga tashrif buyurib, uning imkoniyatlari va infratuzilmasini rivojlantirish bilan yaqindan tanishdilar.

TDT doirasida Turkiyaning Transport vazirligi bilan hamkorlikda 2016-yilda Istanbulda yuqori darajali tahlilchi va ekspertlar hamda a'zo davlatlarning xususiy kompaniyalari vakillari ishtirokida “Transkaspiy intermodal yo'nalishi bo'yicha seminar” tashkil qildi [16, 8-b.]. A'zo davlatlar transport vazirlari uchinchi yig'ilishida taqdim etilgan seminar yakunlari ma'ruzasida ekspertlar G'arbiy transport yo'lagingining mamlakatlar iqtisodiy yutuqlari uchun muhimligini va Sharq uchun ham samarali ekanligini ta'kidladilar.

Turkiy davlatlar tashkiloti Osiyo va Yevropa o'rtasida yuk va konteynerlarni tashish bo'yicha Ipak yo'li bo'yidagi mamlakatlarning o'zaro hamkorligini

muvofiglashtirishga qaratilgan xalqaro assotsiatsiya bo'lmish Transkaspiy xalqaro transport yo'nalishi (TITR) bilan munosabatlariga alohida e'tibor qaratdi. Kotibiyat TITRga a'zo davlatlarning tegishli tashkilotlari bilan aloqalarni rivojlantirishda yordam berdi. Kotibiyat ko'magida tashkil etilgan uchrashuvda Transkaspiy yo'lagi bo'ylab istiqbolli temiryo'l transporti tashuvlari va Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo davlatlarni ham o'z ichiga olgan TITR doirasidagi hamkorlikni so'nggi o'zgarishlarni hisobga olgan holda kuchaytirishga kelishib olindi.

Kotibiyatda Qozog'iston-Xitoy chegarasida joylashgan "Xorgos Gateway/Logistic" markazi Kaspiy dengizida joylashgan Kurik porti va Istanbuldagi Turkiyaning Xalqaro ekspeditorlar uyushmasi (UND) o'rtasida ikkita alohida anglashuv memorandumlari imzolandi [9, 66-b.]. Xitoyning "Bir kamar, bir yo'l" tashabbusi doirasida Xitoydan Turkiyaga va Yevropaga birinchi poyezd (Xian-Anqara-Praga poyezdi) 2019-yil 6-noyabrda Transkaspiy yo'nalishi bo'yicha Boku-Tbilisi-Kars temir yo'li (BTK) doirasida Turkiyaga yetib keldi [17]. Poyezd o'z faoliyatida TITR yo'nalishidan foydalangan.

Yuqorida qayd etilgan sa'y-harakatlar, shuningdek, Transkaspiy yo'lagining strategik ahamiyatini oshirgan boshqa mintaqaviy o'zgarishlarni hisobga olgan holda, so'nggi 10 yil ichida yo'l bo'ylab sezilarli o'zgarishlar ro'y berdi. A'zo davlatlar o'rtasida daromadli savdo va rivojlangan iqtisodiy munosabatlarga asosiy to'siq bo'lgan logistika xarajatlari tranzit o'tish va Kaspiydan o'tish xarajatlarining kamayishi tufayli qisqardi. Institutsional kelishuvlar ba'zi a'zo davlatlarda tranzit yuklarni muvofiglashtirishda muhim rol o'ynadi. Boku-Tbilisi-Kars temir yo'lining (BTK) yakunlanishi va Turkiya bilan Xitoy o'rtasidagi avtomobil transporti shartnomasining ishga tushirilishi Transkaspiy yo'lagi orqali o'tadigan yuk oqimini yanada osonlashtirdi. Xitoyning "Bir kamar, bir yo'l" tashabbusiga tayyorgarlikning jadallashishi va unga yaqin davlatlar bilan imzolangan ikki tomonlama transport shartnomalari koridorning samaradorligiga katta ahamiyat berdi.

Shuningdek, a'zo davlatlar "Xorgos logistic" markazi (Qozog'iston Respublikasi) va Irkeshtam (Qirg'iz Respublikasi) nazorat punktidan Istanbulgacha bo'lgan Transkaspiy xalqaro Sharq-G'arbiy o'rta yo'lagi bo'ylab yo'lakning samaradorligini dunyoga ko'rsatish, shuningdek, yo'l bo'ylab transport operatsiyalariga to'sqinlik qilishi mumkin bo'lgan qiyinchiliklarni aniqlashga yordam berish maqsadida "Yo'l ko'rgazmali sayohati (Yo'l savdo karvoni)" tashkil etish ustida ishlamoqda. Ekskursiya 2020-yildagi pandemiya sababli qoldirildi. Boshqa tomondan, transport operatsiyalarini soddalashtirish va logistika xarajatlarini kamaytirish maqsadida hozirda a'zo davlatlar e-Permit tizimi ustida ishlamoqda.



Turkiy davlatlar tashkiloti doirasida Turkiya va O'zbekiston o'rtasida mavjud bo'lgan "e-ruxsat" pilot loyihasini amalga oshirish rejalashtirilgan [18].

Bundan tashqari, Turkiy davlatlar tashkiloti va IRU (Xalqaro avtomobil transporti ittifoqi) o'rtasida 2021-yil 8-oktabrda Istanbul shahrida memorandum imzolangan [19].

2021-yil 14-oktabr kuni Vengriya poytaxti Budapesht shahrida Turkiy Davlatlar Tashkilotiga a'zo va kuzatuvchi davlatlarning transport masalalari bo'yicha mas'ul vazirlarining 5-yig'ilishi bo'lib o'tdi. Unda vazirlar transport va tranzitni yengillashtirish bo'yicha ko'riladigan chora-tadbirlarni muhokama qildilar. Transkaspiy yo'lagi bo'ylab pandemiyadan keyingi davrda amalga oshirilayotgan operatsiyalar, Transkaspiy yo'lagi bo'ylab o'tkazilishi rejalashtirilgan "Yo'l ko'rgazmali sayohati" "Hamkorlikka a'zo davlatlar o'rtasida xalqaro qo'shma yuk tashish to'g'risidagi bitim" loyihasi yuzasidan fikr almashildi, shuningdek, eTIR, ePermit va eCMR ilovalarini amalga oshirish orqali a'zo davlatlar o'rtasida transport va tranzit tartiblarini raqamlashtirishni faollashtirishga kelishib oldilar [20]. Tomonlar, shuningdek, qardosh portlar jarayonini sifat jihatidan oshirish yo'llariga to'xtalib o'tdilar. Yig'ilish yakunida Turkiyaning Mersin porti va "Universal Logistics Services" (Toshkent), "Axtachi" (Andijon) va "Termiz Cargo Center" (Surxondaryo) Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo davlatlar portlari o'rtasida qardosh port munosabatlari va hamkorlik to'g'risidagi memorandum tarkibiga kirishi to'g'risidagi hujjatlarni imzolash marosimi tashkil etildi.

2022-yilning 18-mart kuni O'zbekistonda TDT doirasida O'zbekiston va Qirg'iziston o'rtasida Turkiy davlatlar tashkiloti doirasida raqamli TIR loyihasini ishga tushirish marosimi bo'lib o'tdi [21].

2022-yil 28-oktabr kuni O'zbekiston poytaxti Toshkent shahrida Turkiy Davlatlar Tashkilotiga a'zo davlatlar transport bo'yicha mas'ul vazirlarning 6-yig'ilishi bo'lib o'tdi. Delegatsiyalar rahbarlari haydovchilar uchun ma'muriy va viza tartib-qoidalarini soddalashtirish, Ro-ro va Ro-pax transportida chegirmalar hamda zarur qo'shimcha transport vositalarini taqdim etish orqali O'rta yo'lak bo'ylab transport va tranzit operatsiyalarini osonlashtirish, milliy tashuvchilarni rag'batlantirish orqali tranzit ruxsatnomalari, shuningdek, Kaspiy dengizida yuk paromlarini birgalikda ishga tushirish bo'yicha zarur choralarni ko'rish bo'yicha sa'y-harakatlarini davom ettirish istagini bildirdi [3].

Tomonlar vazirlar uchrashuvi doirasida o'tkazilgan temir yo'l ma'muriyatlari rahbarlarining birinchi yig'ilishi va TDT qardosh portlarining beshinchi yig'ilishi yakunlarini ma'qulladilar hamda ular o'rtasida ilg'or tajribalar almashish, transport

va logistika sohasida qo'shma loyihalarni amalga oshirish sifatida shuningdek, o'zaro amaliy hamkorlikni rag'batlantirishdi.

Vazirlar "Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo davlatlar hukumatlari o'rtasida xalqaro qo'shma yuk tashish to'g'risidagi bitim" va "Turkiy davlatlar tashkilotining transport aloqasi dasturi" hujjatlarini ma'qulladilar va ularni kelgusida, noyabr oyida Samarqandda bo'lib o'tadigan TDT sammitida imzolashga kelishib olgandilar.

2022-yil noyabr oyida bo'lib o'tgan TDTning Samarqand sammitida davlat rahbarlari 2022-yil 12-avgustda Istanbulda va 2022-yil 28-oktabrda bo'lib o'tgan Transportni muvofiqlashtirish qo'mitasining vaqtinchalik yig'ilishi va transport vazirlarining 6-yig'ilishi yakunlarini qo'llab-quvvatladilar. Toshkent shahrida a'zo davlatlarning tegishli muassasalariga a'zo davlatlar o'rtasida yaxshi rivojlangan va o'zaro bog'langan qattiq va yumshoq transport infratuzilmasi loyihalari bilan mintaqalararo ulanishni ta'minlash uchun investitsiyalarni ko'paytirishga ustuvor ahamiyat berish bo'yicha topshiriqlar berish; "Turkiy tilli davlatlar tashkilotiga a'zo davlatlar o'rtasida xalqaro qo'shma yuk tashish to'g'risidagi bitim" va "Transport aloqasi dasturi"ning imzolanganini Transkaspiy xalqaro Sharq-G'arb O'rta koridor va O'rta yo'lak orqali transport operatsiyalarini osonlashtirish; a'zo va kuzatuvchi davlatlar o'rtasida transport hamkorligini mustahkamlash; a'zo davlatlarning Zanguzer koridorini tezroq ochish, "Boku-Tbilisi-Kars" temiryo'l liniyasining o'tkazish qobiliyatini oshirish; "O'zbekiston-Qirg'iziston-Xitoy" va "Termiz-Mozori Sharif-Kobul-Peshovar temir yo'l liniyalari Yevropa va Osiyo o'rtasidagi transport aloqalarini yaxshilash va diversifikatsiya qilishni yaxshilashga yordam beradi [22].

2022-yil 3-dekabr kuni Turkiyadan O'zbekistonga birinchi yuk poyezdi Toshkentga yetib keldi [23]. 2022-yil 27-oktabrda Toshkent shahrida bo'lib o'tgan Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo davlatlar temir yo'l ma'muriyatlari rahbarlarining birinchi yig'ilishida qabul qilingan qarorlar ijrosi doirasida maishiy texnika yuklangan 40 vagon dan iborat yuk poyezdi qatnovi yo'lga qo'yildi. 2022-yil 11-noyabrda bo'lib o'tgan TDTning Samarqand sammiti chog'ida davlat rahbarlari temir yo'llarning tranzit salohiyatini yanada rivojlantirish, transport operatsiyalarini raqamlashtirish va temir yo'l ma'muriyatlari o'rtasida tarmoqni kengaytirish bo'yicha a'zo davlatlar o'rtasida yaqin hamkorlikni rag'batlantirdilar. Shu munosabat bilan O'zbekistonning TDTga raisligi doirasidagi temir yo'l ma'muriyatlari o'rtasida yuqorida qayd etilgan sa'y-harakatlar Turkiy mintaqadagi mavjud transport-kommunikatsiya tarmoqlari va infratuzilmasidan samarali foydalanishga, shuningdek, vaqtni, jahon va mintaqaviy bozorlar yo'nalishidagi transport xarajatlarini sezilarli darajada qisqartirishga xizmat qilmoqda.

Tashkilot doirasida turkiy tilli davlatlar o'rtasidagi chuqur munosabatlar va birdamlikni rag'batlantirish orqali Yevroosiyo qit'asida, xususan, Markaziy Osiyo va Kavkazda xalqaro hamkorlikni rivojlantirish uchun yangi mintaqaviy birlik maqsadida xizmat qilmoqda.

## REFERENCES

1. «Trans-caspian international transport route» – today. 26.01.2024. <https://middlecorridor.com/en/>
2. Iqtisodiy va siyosiy diversifikatsiya: Ko'rfaz bilan yaqinlashish nima uchun muhim? 23.07.2023. <https://kun.uz/news/2023/07/27/iqtisodiy-va-siyosiy-diversifikatsiya-korfaz-bilan-yaqinlashish-nima-uchun-muhim?q=%2Fuz%2Fnews%2F2023%2F07%2F27%2Fiqtisodiy-va-siyosiy-diversifikatsiya-korfaz-bilan-yaqinlashish-nima-uchun-muhim>
3. TDT transport vazirlarining 6-yig'ilishi bo'lib o'tdi. 29.10.2022. <https://mintrans.uz/news/tdt-transport-vazirlarining-6-jigilishi-bolib-otdi>
4. Turkiy kengash davlatlari xalqaro transport yo'lagida o'zaro imtiyozlar berishga kelishib oldi. 01.05.2020. <https://www.gazeta.uz/oz/2020/05/01/transport/>
5. Turkiy davlatlar tashkilotining Investisiya jang'armasi tashkil etiladi. 09.11.2022. <https://darakchi.uz/oz/155747>
6. Markaziy Osiyo iqtisodiyoti global ahamiyatga molik o'zaro bog'liqlik markazi. Yangi O'zbekiston. № 248 (1037), 29.11.2023. <https://yuz.uz/file/newspaper/0bd6115a4fc178ad5416c78b769db106>
7. Samsun shahrida turkiy kengashning qardosh portlarining yig'ilishi bo'lib o'tdi. 10.09.2021. <https://brightuzbekistan.uz/uz/samsun-shahrida-turkiy-kengashning-qardosh-portlarining-yigilishi-bolib-otdi/>
8. Areas of Cooperation. OTS transport cooperation. <https://www.turkicstates.org/en/isbirligi-alanlari>
9. Activity report. September 2014/2018. Transport cooperation. Ankara – 2018. P. 31.
10. Samarkand declaration of the ninth summit of the Organization of Turkic States. [https://www.turkicstates.org/assets/pdf/temel\\_belgeler/ninth-summit-declarataion-16-en](https://www.turkicstates.org/assets/pdf/temel_belgeler/ninth-summit-declarataion-16-en)
11. Donaboyeva H.G'. Turkiy tilli davlatlar hamkorlik kengashiga a'zolik – o'zaro ishonch va do'stlik aloqalarining yangi davri. "Scientific progress" scientific journal, Volume: 1, ISSUE: 5. 2021. B. 541.
12. "MoU on the Sister Ports Relation and Cooperation". Declaration of the Third

Summit of the Cooperation Council of Turkic Speaking States 16 August 2013, Gabala, Azerbaijan. Diplomatiya aləmi world of diplomacy journal of the ministry of foreign affairs of the republic of Azerbaijan № 56, 2020. P. 38.

13. The 4th meeting of Ministers of Transport of the Turkic Council was held in Bishkek. 17.04.2019. <https://orasam.manas.edu.kg/index.php/en/kirgizistan-2/1905-the-4th-meeting-of-ministers-of-transport-of-the-turkic-council-was-held-in-bishkek>

14. Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo mamlakatlar o'rtasida bitim imzolandi. 01.04.2022. <https://www.trt.net.tr/uzbek/turk-dunyosi/2022/11/01/turkiy-davlatlar-tashkilotiga-a-zo-mamlakatlar-o-rtasida-bitim-imzolandi-1900699>

15. Turkiy davlatlar tashkiloti: transport-logistika sohasidagi istiqbolli hamkorlik. 04.11.2022. <https://yuz.uz/uz/news/turkiy-davlatlar-tashkiloti-transport-logistika-sohasidagi-istiqbolli-hamkorlik>

16. UTIKAD. Uluslararası taşımacılık ve lojistik hizmet üretkenleri derneği. nisan i mayis i haziran 2016, I SAYI: 4. P. 8.

17. Turkey to benefit more from BRI as China-Europe freight trains through subsea Bosphorus tunnel. 11.08.2019. [http://www.xinhuanet.com/english/2019-11/08/c\\_138540302.htm](http://www.xinhuanet.com/english/2019-11/08/c_138540302.htm)

18. O'zbekiston Prezidenti Turkiy davlatlar tashkiloti doirasida qanday tashabbuslarni ilgari surgan? 09.11.2022. <https://yuz.uz/uz/news/ozbekiston-prezidenti-turkiy-davlatlar-tashkiloti-doirasida-qanday-tashabbuslarni-ilgari-surgan>

19. OTS and IRU discussed further steps to enhance transport connectivity in the region. 17.01.2024. [https://www.turkicstates.org/en/haberler/ots-and-iru-discussed-further-steps-to-enhance-transport-connectivity-in-the-region\\_3173](https://www.turkicstates.org/en/haberler/ots-and-iru-discussed-further-steps-to-enhance-transport-connectivity-in-the-region_3173)

20. Organization Of Turkic States (OTS). International Organization Profile. <https://www.mfa.gov.tr/turk-konseyi-en.en.mfa>

21. O'zbekiston va Qirg'iziston o'rtasida diplomatik munosabatlar o'rnatilganiga 30 yil to'ldi. 18.03.2022. <https://www.trt.net.tr/uzbek/turk-dunyosi/2023/02/17/o-zbekiston-va-qirg-iziston-o-rtasida-diplomatik-munosabatlar-o-rnatilganiga-30-yil-to-ldi-1947953>

22. TDT sammiti yakunlari bo'yicha 10 dan ortiq hujjat qabul qilindi. 11.11.2022. <https://www.gazeta.uz/oz/2022/11/11/documents/>

23. "Turkiya — Eron — Turkmaniston — O'zbekiston" yo'nalishida yo'lga chiqqan ilk yuk tashishga mo'ljallangan poyezd Toshkent shahriga yetib keldi. 03.12.2022. <https://uzreport.news/society/turkiya-eron-turkmaniston-o-zbekiston-yo-nalishida-yo-lga-chiqqan-ilk-yuk-tashishga-mo-lja>

## TURKIY DAVLATLAR TRANSPORT-LOGISTIKASINING O'ZARO BOG'LIQLIGINI RIVOJLANTIRISH

**A. X. Yoqubov**

Bakalavr, 2-kurs

Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O'zbekiston

### ANNOTATSIYA:

Mazkur maqolada turkiy davlatlarning integratsiyalshuvi, o'zaro transport-logistik bog'liqligining ahamiyati, Markaziy Osiyo mintaqasi davlatlarining dengiz yo'llariga chiqish uchun qo'shni turkiy davlatlar bilan olib borayotgan hamkorliklari hamda mahsulot aylanmasi hajmini oshirishda qilinayotgan islohotlar va ularning turkiy davlatlar iqtisodi uchun zarurligi haqida so'z yuritiladi. Turkiy davlatlar tashkilotining tuzilishi va uning istiqboli, oldinga qo'ygan maqsadlari borasida fikr yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** integratsiya, anklav, logistika, globallashuv, transport, transport yo'laklari;

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье рассматривается интеграция тюркских стран, важность взаимной транспортно-логистической зависимости, сотрудничество стран Центральноазиатского региона с соседними тюркскими странами для доступа к морским путям, а также реформы, которые проводятся для увеличения Говорится об объёмах товарооборота и их необходимости для экономики тюркских стран. Обсуждается структура организации тюркских государств, ее перспективы и будущие цели.

**Ключевые слова:** интеграция, анклав, логистика, глобализация, транспорт, транспортные коридоры.

### ABSTRACT:

In this article, the integration of Turkic countries, the importance of mutual transport-logistics dependence, the cooperation of the countries of the Central Asian region with the neighboring Turkic countries to access the sea routes, and the reforms that are being made to increase the volume of product turnover and their necessity for the economy of the Turkic countries is talked about. The structure of the organization of Turkic states, its perspective, and its future goals are discussed.



**Keywords:** integration, enclave, logistics, globalization, transport, transport corridors.

## **Kirish**

Hozirgi kunda post-sovet hududidagi hamda bevosita dengiz yo‘liga chiquvchi bir necha turkiy davlatlarning o‘zaro savdo-iqtisodiy, siyosiy munosabatlarda transport-logistikasining o‘rni beqiyos hisoblanadi. Davlatni har tomonlama mustaqil deya ayta olishimiz uchun ham qo‘shni davlatlar bilan yaxshi munosabatlar o‘rnatilishi, uning tashqi munosabatlarda dadillik bilan so‘z ayta olishi, xavf-xatarlarni minimallashtirish uchun sa‘y harakatlar olib borilishi zarur. Globallashuv zamonida har bir davlat transport-logistika sohasida rivojlangan bo‘lishi darkor. Chunki bu davrda har qanday tashqi xavfga munosib javob bera olish millat oldida turgan eng katta vazifadir. Yuqoridagilarni amalga oshirish uchun transport-logistikaning o‘rni juda katta ahamiyatga ega.

Turkiy davlatlarning bir qanchasi dengiz portlariga chiqish imkoniga ega emas. Bularga misol qilib, Markaziy Osiyo davlatlarini keltirishimiz mumkun. Jumladan, O‘zbekistonning dengizga chiqishi uchun har tomondan (shimol, sharq, janub, g‘arb) ikkita davlat chegaralaridan o‘tishi zarur. Bu esa qo‘shni davlatlar bilan logistika sohasida qilinadigan ishlar ko‘pligini anglatadi. Lekin bu uddalasa bo‘ladigan jarayon bo‘lib, uni amalga oshirish uchun davlat rahbarlari tomonidan muhim shartnomalar imzolanishi lozim.

Markaziy Osiyo davlatlari nuqtayi nazaridan qaralsa, bu davlatlarining tarixan bir davlat ostida bo‘lganligi, u yerda yashovchi etnik xalqlar bir-birlari bilani og‘a-ini bo‘lishganligini ko‘rishimiz mumkun. Chor Rossiyasi bosqinidan so‘ng esa, bu hududda bir qancha davlatlar tashkil topishi, millatlarning bo‘linishi kabi mudhish fojealar ro‘y bergan. Ularning geografik bo‘linishi ham anchagina ziddiyatli bo‘lgan. Bir necha hududlarda anklavlar yuzaga kelgan.

Garchi, Sho‘ro davrida integratsiya munosabatlari bu davlatlar orasida yaxshi kechgan bo‘lsada, keyinchalik davlatlarning bunday chegaralarga ega bo‘lishi katta muammolarga olib keldi. Mustaqillikka qadar, Markaziy Osiyo davlatlari orasida integratsiya masalasida to‘yinish\* ya‘ni barcha jabhalarda bir-biriga muxtoj bo‘lib, hukumatlar aro transport-logistika borasida deyarlik muammo bo‘lmagan. Ma‘lumki, mustaqillikka erishilgandan so‘ng, O‘rta Osiyodagi turkiy davlarning birinchi hokimiyatlar davrida bir muncha yopiq siyosat olib borilib, o‘zaro aloqalarda keskinlik mavjud bo‘lgan. Bu esa transport sohasidagi o‘zaro hamkorliklarning amalga oshishida to‘siq bo‘lib kelgan.



Bugungi kunda hokimiyatlar o'zgarganidan so'ng, mamlakatimiz tomonidan xalqimiz manfaatlaridan kelib chiqqan holda ko'p vektorli siyosat olib borilmoqda. Bu esa, O'zbekistonni dunyoning boshqa davlatlari bilan amaliy hamkorlik qilishi uchun katta zamin yaratmoqda. Qo'shni davlatlar bilan munosabatlarimiz yaxshilanmoqda. Tojikiston, Qirg'iziston kabi davlatlar bilan chegara muammolari tizimli ravishda bartaraf etilib, transport-logistika sohasida hamkorliklar jadal ravishda o'sib bormoqda. Transport sohasida, bir nechta yuqori ahamiyat kasb etadigan xalqaro transport koridorlarida mamlakatimiz faol ishtirok etmoqda.

Turkiy davlatlarning barchasi bilan ya'ni Qozog'iston, Ozarbayjon, Turkmaniston, Qirg'iziston hamda Turkiya davlatlari bilan amaliy ishlar qilib kelmoqdamiz. Turkiy davlatlar tashkiloti deb nomlanuvchi xalqaro tuzilma turkiy tilli xalqlar o'rtasidagi aloqalarni mustahkamlash maqsadida 2009-yil 3-oktabrda imzolangan "Naxchivan shartnomasi" asosida Turkiy tilli davlatlar hamkorlik kengashi nomi bilan Ozarbayjon, Qirg'iziston, Qozog'iston va Turkiya hamkorligida tashkil etilgan edi. O'zbekiston ham bu kengashga a'zo bo'lish istagini bildirdi va 2019-yil 14-sentabrda tashkilotning to'laqonli a'zosiga aylandi. 2021-yil 12-noyabrda Istanbulda bo'lib o'tgan Turkiy tilli davlatlar hamkorlik kengashining VIII Istanbul sammitida tashkilot nomi Turkiy davlatlari tashkiloti deb o'zgartirildi. Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo va kuzatuvchi davlatlarning aholisi taxminan 150 million kishini tashkil etadi, ular 4 million 200 ming kvadrat kilometrlik katta va muhim geosiyosiy hududda joylashgan. Turkiy xalqlar uchun ancha istiqbolli bo'lgan bu tashkilot doirasida xalqlarning birlashuvi va shu o'rinda deyarli barcha iqtisodiy yo'nalishlarda o'zaro hamkorlik olib borish ko'zda tutilgan. Tashkilot doirasida transport-logistika sohasida erishiladigan yutuqlar barcha davlatlarning iqtisodiy barqarorligini ta'minlaydi va bundan tashkilotga a'zo hamma davlatlar manfaatdor hisoblanadi.

Transport salohiyati ulkan bo'lgan O'zbekiston va Turkiya temir yo'l ma'muriyatlari o'rtasidagi ikki tomonlama hamkorlikni yanada kengaytirish maqsadida, onlayn-video-konferensiya orqali muzokaralar o'tkazilmoqda. "Turk dunyosining nigohi – 2040" strategik loyihasi doirasida turkiy xalqlarning bu masalalarda sherikchilik qilishi kerakligi aytib o'tilgan.

Turkiy davlatlar tashkilotining Samarqandda bo'lib o'tgan 9-sammiti doirasida prezidentlar tomonidan Kaspiy dengizi orqali o'tuvchi transport yo'laklaridan samarali foydalanish kerakligi aytiladi. Xalqaro transport yo'laklaridan anchagina istiqbolli ko'rinayotgan "Markaziy Osiyo-Kavkaz-Yevropa" avtomobil va temir yo'lining qurilishi hisoblanadi. Mazkur yo'lak Qirg'iziston hududidan boshlanib,

O'zbekiston, Qozog'iston, Turkmaniston kabi quruqlik hududlaridan Kaspiy dengiziga va dengiz orqali Ozarbayjonning Baku temir yo'l stansiyasidan Gruziya bo'ylab Yevropaga yoki Ozarbayjondan to'g'ridan-to'g'ri Turkiya temir yo'llariga o'tadi va Istanbul porti orqali Yevropa davlatlariga qadar yetkaziladi. TRACECA - Yevropani Kavkaz orqali Osiyo bilan bog'laydigan avtomobil va temir yo'llari majmui bo'lib, dastlab Bryusselda 1993 yil may oyida O'rta Osiyo respublikalari hamda Kavkaz davlatlari o'rtasida bu yo'lakni qurish bo'yicha kelishilindi. Dasturni amalga oshirish maqsadlari quyidagilar:

- Markaziy Osiyo va Kavkaz respublikalarining Yevropa va jahon bozorlariga muqobil transport yo'laklari orqali chiqishiga imkoniyat yaratish bilan ularning siyosiy va iqtisodiy mustaqilligini qo'llab-quvvatlash;
- Bu respublikalar o'rtasida mintaqaviy hamkorlikni yanada rivojlantirishga ko'maklashish;
- Bu yo'lakni TransYevropa tarmoqlari (TENs) bilan bog'lash va boshqalardan iborat;

“Markaziy Osiyo-Kavkaz-Yevropa” yo'lagi Markaziy Osiyodan yuklarni jahon bozorlariga xizmat ko'rsatadigan yirik tonnajli dengiz kemalariga yetkazib berish uchun eng qisqa va eng arzon yo'ldir. Mazkur transport yo'lining umumiy uzunligi 10 ming km.dan ortiq. Uning 677 km (Olot — Buxoro — Navoiy — Samarqand — Jizzax — Toshkent — G'ishtko'prik yo'nalishi) O'zbekiston hududidan o'tadi. Yevropa ittifoqi joriy yilda TransKaspiy yo'lagingining samaradorligini oshirish uchun 10 mlrd dollar miqdoridagi mablag' kiritdi. Bu mablag'lar Kaspiy dengizidagi yetishmovchiliklarni to'ldirish, tor yo'llarni ijobiy tomonga o'zgartirish uchun sarflanadi. Bu Turkiy davlatlarning transport qudratini oshirish uchun ham zarur hisoblanadi.

Markaziy Osiyo davlatlari dengiz portlariga chiqish uchun yana bir loyiha amalga oshirilishi kerak. Bu loyiha “Trans-Afg'on” temir yo'lining qurulishi bilan bog'liq. Ushbu yo'lining qurulishida 2 xil tashabbus mavjud. Birinchisi Termiz shahridan Afg'onistonning Mozori-Sharif shahriga va u yerdan Hirot shahri orqali Eronning Chobahor dengiz portiga olib chiqish ko'zda tutilgan. Mazkur loyiha asosan ikki davlat o'rtasida qurilishi kelishib olingan. Eron hukumati tomonidan Kahf shahridan Hirotgacha temir yo'li qurish, O'zbekiston hukumati tomonidan esa, Afg'onistonning Mozori-Sharif shaharidan Hirotga qadar temir yo'l qurilishi zarur. Eron orqali dengizga chiqish loyihasi anchagina samaraliroq hisoblanadi. Buning sababi, u yerdan o'tadigan transport yo'laklari qurilishida hech qanday dengizni bosib o'tish ko'zda tutilmaydi ya'ni barcha yo'llar quruqlik orqali o'tkaziladi. Misol uchun

Kaspiy dengizi orqali quriladigan yo'llarga bo'lgan talab katta bo'lishiga qaramay, bu talabni qondirish ancha qiyin kechadi. Sababi Kaspiy dengizida bir necha kemalar, paromlar yetishmaydi. Bu ham Eron bilan hamkorlik qilish Markaziy Osiyo davlatlari uchun ancha samarali hisoblanishini ko'rsatadi. Istiqbolli transport yo'lagining yana biri O'zbekistondan Afg'oniston orqali transport yo'laklari markazi bo'lmish Pokistonga chiqadigan "Kobul koridori" bo'lsa, bundan ko'zlangan asosiy maqsad esa, savdo yo'lagini tashkil etish, port shaharlarga chiqish hisoblanadi.

Bugungi kunda O'zbekiston uchun o'ta muhim ahamiyat kasb etadigan yana bir transport yo'lagi bu Xitoy-Qirg'iziston-O'zbekiston temir yo'li hisoblanadi. Bu yo'lning qurilishi TransKaspiy yo'lagida O'zbekistonning salohiyatini oshirishga xizmat qiladi. Statistik ma'lumotlarga ko'ra 2023-yil Transkaspiy yo'lagi orqali O'zbekistondan o'tgan tranzit mahsulotlar hajmi 11.3 mln tonnani tashkil qilgan. Lekin buni Qozog'iston bilan solishtirsak, bu davlatda tranzit yuklarni tashish miqdori bizdan salkam 8 barobar katta ya'ni taxminan 80 mln tonnadan oshgan. Xitoy Qirg'iziston va O'zbekistondan o'tishi ko'zda tutilgan "Qashg'ar-Torugart-Arpa-Makmal-Jalolobod" yo'lagi mamlakatimizdagi yuklar tashish hajmini oshirishga qaratilgan. Bu yo'lning qurilishidan Qirg'iziston ham manfaatdor. Chunki Qirg'izistonda transport sohasida qilinadiga ishlar ko'p va bu ularning kun talabi hisoblanadi.

### **Xulosa**

Turkiy davlatlarning Transport-logistika masalasida Markaziy Osiyo davlatlari o'rtasida sog'lom raqobat ham kechmoqda. Qozog'iston, O'zbekiston transport infratuzilmasiga nisbatan olganda Turkmanistonning salohiyati ham oshib bormoqda. Uning Geosiyosiy qulay nuqtada joylashganligi ya'ni Eron bilan bevosita chegaraga ega ekanligi transport yo'laklari masalasida faol pozitsiyada bo'lishini ta'minlamoqda. Qirg'iziston ham O'zbekistonning bu jabhadagi salohiyatidan unumli foydalangan holda bir necha loyihalarni ijrosini ta'minlashga kirishmoqda. Bu esa turkiy davlatlarning rivojlanishiga zamin yaratmoqda. O'zbekistonning bu boradagi eng katta yutug'i Termiz-Mozori Sharif temir yo'lining qurilishi hisoblanadi. Sababi bu yo'l orqali kelajakda bir qancha xalqaro ahamiyatdagi transport yo'laklari o'tishi mumkin. Markaziy Osiyo davlatlarining hamkorliklari doirasida Ozarbayjon hamda Turkiyaning transport salohiyatidan foydalanish ko'zda tutilgan hisoblanadi. Zero Turkiy xalqlarning birdamligi bilan juda katta geosiyosiy masalalar o'z yechimini topadi, ya'ni turkiy xalqlarning og'riqli bo'lgan bir necha muamolarni hal qilishda bir tanu bir jon bo'lib xarakatlar olib borilishi kerak. Transport-logistika masalasi turkiy xalqlarning integratsiyalashuvini, madaniy aloqalarini, xalqlarning turmush

darajasining oshishini ta'minlaydi. Jahonda yuz berayotgan geosiyosiy urushlar hammamizga ma'lum. Shu o'rinda Afg'onistonning tinch bo'lib, uning iqtisodiy rivojlanishi Markaziy Osiyodagi davlatlar uchun juda muhim hisoblanadi. Undan o'tadigan transport yo'laklarining rivojlanishi biz uchun muhim rol o'ynaydi.

## REFERENCES

1. Butaev Sh.A., Sidiqzazarov Q.M., Murodov A.S., Qo'ziev A.U. "Logistika" (Yetkazib berish zanjirida oqimlarni boshqarish), Monografiya, T.: "EXTREMUM-PRESS" nashriyoti, 2012
2. G.A.Samatov, B.I.Kamil'djanov, F.R.Galimova. Logistik boshqaruv kontseptsiyalari va modellari. T.: «Fan va texnologiya», 2015, 227 b.
3. Salimov Bakhriddin Lutfullaevich. The Importance of Sea Transport in the Communication System. WEB OF SYNERGY: International Interdisciplinary Research Journal. Volume 2 Issue 1, Year 2023 ISSN: 2835-3013.
4. Salimov Bakhriddin Lutfullaevich. The Influence of the Transport and Communication System on Social Relations. Web of Semantic: Universal Journal on Education. Volume 2 Issue 2, Year 2023. ISSN: 2835-3048.
5. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Yevgeniy Viktorovich Remenyuk. [PHILOSOPHICAL FEATURES OF TECHNICAL EXISTENCE](#). Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal. 2023. №1/8. 173-178.
6. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Hojiakbar Olimjonovich Odilov. [SOCIO-PHILOSOPHICAL IMPACT OF ENGINEERING THINKING](#). Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal. 2023. №1/8. 142-146.
7. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Davlet Rashidovich Gaipov. [IMPORTANT PROBLEMS OF TECHNICAL PHILOSOPHY](#). Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal. 2023. №1/8. 152-158.
8. Salimov, B., Madalimov, T. (2023). Transport falsafasi. Globe Edit.
9. "O'zbekiston temir yo'llari" AJ ning rasmiy elektron sayti.
10. Wikipediya.uz sayti.

## TURKIY XALQLAR AVTOMOBIL YO'LLARI RIVOJLANTIRISHNING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI

**Mahmudjon Toshpo'latov**

Toshkent davlat transport universiteti  
Avtomobil yo'llari muhandisligi fakulteti  
YMAL 8-guruh talabasi

### ANNOTATSIYA:

Turkiy xalqlarning avtomobil yo'llari rivojlanishining davlatlararo aloqalarni o'rnatishda muhim ahamiyatga ega. Xususan Respublikamizda oxirgi yillarda amalga oshirilayotgan va mintaqalarning sanoat salohiyatini oshirishga, shaharlar va qishloq aholi punktlari qiyofasini tubdan o'zgartirishga qaratilgan keng ko'lamli ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar iqtisodiy aloqalar intensivligini oshirishning va mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishning muhim omili sifatida yo'l-transport infratuzilmasini yanada jadal rivojlantirishni talab qiladi.

**Tayanch so'zlar:** “Bir kamar va yo'l” tashabbusi, Avtomobil yo'llari Bosh boshqarmasi(KGM) , “G'ildirak aylansin” tamoyili , Istanbul halqa yo'li , 15 iyul shahidlar ko'prigi, infratuzilma, rekonstruksiya, aqlli svetofor.

### АННОТАЦИЯ:

Развитие автомобильных дорог тюркских народов имеет важное значение для налаживания межгосударственных связей. В частности, масштабные социально-экономические реформы, реализованные в нашей республике в последние годы и направленные на повышение промышленного потенциала регионов, коренное изменение облика городов и сельских поселений, а также как важный фактор повышения интенсивность экономических связей и развитие экономики страны, дорожно-транспортная инфраструктура стали более интенсивными.

**Ключевые слова:** инициатива «Один пояс и путь», Главное управление автомагистралей (КГМ), принцип «Пусть колесо вращается», Кольцевая дорога Стамбула, Мост Мучеников 15 июля, инфраструктура, реконструкция, «умный» светофор.



**ABSTRACT:**

The development of the highways of the Turkic peoples is important for the establishment of interstate relations. In particular, large-scale socio-economic reforms that have been implemented in our Republic in recent years and are aimed at increasing the industrial potential of the regions, fundamentally changing the appearance of cities and rural settlements, and as an important factor for increasing the intensity of economic relations and developing the country's economy, the road transport infrastructure has become more intensive. requires development.

**Keywords:** "One Belt and Road" initiative, General Administration of Motorways (KGM), "Let the wheel turn" principle, Istanbul Ring Road, July 15 Martyrs' Bridge, infrastructure, reconstruction, smart traffic light.

Turkiy mamlakatlarda avtomobil yo'llarining rivojlanishi so'nggi yillarda iqtisodiy o'sish va infratuzilma investitsiyalari hisobiga sezilarli bo'ldi. Turkiya, Qozog'iston, Ozarbayjon va O'zbekiston kabi davlatlar o'z chegaralari ichida va undan tashqarida savdo, turizm va aloqani osonlashtirish uchun avtomobil yo'llari tarmoqlarini kengaytirishda ayniqsa faol bo'ldi. Ushbu loyihalar ko'pincha transport samaradorligini oshirish va iqtisodiy rivojlanishni rag'batlantirish uchun ichki byudjetdan ham, xalqaro tashkilotlardan ham moliyalashtiriladi. Bundan tashqari, "Bir kamar va yo'l" tashabbusi ba'zi turkiy mamlakatlarda avtomobil yo'llari infratuzilmasini yaxshilash, mintaqaviy hamkorlik va aloqalarni kengaytirishda ham muhim rol o'ynadi. 1923 yilda Turkiya Respublikasi e'lon qilinganida; Davlat chegaralarida jami 18350 kilometr yo'l va 94 ta ko'prik bo'lib, shundan 13900 kilometri barqarorlashtirilgan avtomobil yo'llari, 4450 kilometri esa tuproqdir.

Respublikaning dastlabki yillarida transportda o'sha davrning eng zamonaviy texnologiyasi bo'lgan temir yo'l qurilishi ahamiyat kasb etdi; Biroq oradan biroz vaqt o'tgach, birgina temir yo'l yetarli emasligi ko'rinib, 1929-yilda Xalq xo'jaligi vazirligi tarkibida yo'l va ko'priklar boshqarmasi tashkil etildi. Ushbu sanadan keyin kuchga kirgan yo'l qonuni bilan avtomobil yo'li qurilish ishlari jadallashtirildi va avtomobil yo'lining uzunligi 1923-1947 yillar orasida 43.743 km ga yetdi.

1948-yilda yangi bir yutuq amalga oshirildi va shu vaqtgacha qazish, belkurak va inson kuchiga asoslangan ishlardan mexanizatsiyalashgan ish davriga o'tish amalga oshirildi va Turkiyaning transport ehtiyojlarini qondiradigan yo'l tarmog'i aniqlandi. mavjud yo'llarni inventarizatsiya qilish.

Avtomobil yo'llari Bosh boshqarmasi (KGM) 1950 yilda tashkil etilganidan buyon belgilangan avtomobil yo'llari siyosati doirasida rejalashtirilgan va



dasturlashtirilgan ishlarini muvaffaqiyatli davom ettirdi. Tashkil etilgan yillarda “G‘ildirak aylansin” tamoyili bilan mavjud yo‘llarni saqlash va ta‘mirlash ishlarini olib borgan muassasa asosiy yo‘nalishlarda yangi yo‘llar qurishga ham ustuvor ahamiyat qaratdi.

Ushbu tadqiqotlar bilan 1960-yillarda 60 ming kilometrlik avtomobil yo‘llari tarmog‘i yaratildi va 1960-1970 yillar orasida asfalt qoplamali yo‘l tarmog‘ini kengaytirish maqsadi birinchi o‘ringa chiqdi.

1970-yillarda avtomototransport sanoatining yo‘lga qo‘yilishi bilan yuqori standartli, ko‘p polosali ekspress yo‘llar va avtomobil yo‘llari og‘ir harakatlanuvchi yo‘llarda va yirik shaharlar atrofidagi avtomobil yo‘llari qurilishi birinchi o‘ringa chiqdi. Istanbul halqa yo‘li va Istanbul-Izmit ekspress yo‘li qurildi va bugungi kunda 15 iyul shahidlar ko‘prigi sifatida tanilgan 15 iyul shahidlar ko‘prigi 1973 yilda harakatga ochildi va tarixda Yevropa va Osiyo o‘rtasidagi birinchi uzluksiz avtomagistral aloqasini ta‘minladi.

1980-yillarda yuqori standartli avtomobil yo‘llari qurilishiga e‘tibor qaratildi va foydalanish imkoniyatini oshirishga qaratilgan avtomagistral ishlari bilan birga avtomobil yo‘lini ko‘chirish boshlandi. Gebze-Izmit, Tarsus-Pozanti, Kapikule-Edirne avtomobil yo‘llari qurildi va Fotih Sulton Mehmet ko‘prigi 1988 yilda foydalanishga topshirildi.

90-yillarda avtomobil yo‘li qurilishi davom ettirilib, 1990 yilda 241 km bo‘lgan umumiy avtomobil yo‘li uzunligi 2000 yilda 1674 km, 2002 yilda esa 1714 km ga oshirildi.

2003 yil boshida tayyorlangan Favqulodda harakatlar rejasi bilan avtomobil transportida imkoniyatlarning etishmasligi, milliy va xalqaro tarmoq yaxlitligi va harakat xavfsizligini hisobga olgan holda bo‘lingan yo‘l ishlari jadallashtirildi. 2007 yil 30 avgustda Transport vazirligiga qarashli bo‘lgan Avtomobil yo‘llari bosh boshqarmasining ish tartibi va tamoyillari, shuningdek tashkil etilishi va vazifalari to‘g‘risidagi qoidalar kuchga kirgan 6001-sonli qonun bilan belgilanadi. Vazirliklar tarkibiga kiruvchi muassasa va tashkilotlar, tegishli, mutasaddi muassasalar hamda boshqa muassasa va tashkilotlar 15.07.2018 yildagi 30479-sonda e‘lon qilingan. Uni tashkil etish to‘g‘risida Prezidentning 4-son qarori bilan tartibga solinadi. 2010-yillarda belgilangan transport siyosatiga muvofiq, davlat resurslari va muqobil moliyalashtirish usullaridan foydalangan holda avtomobil yo‘llari tarmog‘ini rivojlantirish doirasida davlat-xususiy sektor hamkorligi modeli bo‘lgan qurish-ishlash-topshirish tizimi amalga oshirildi. . Qurilish-ishlatish-tashish tizimi bilan qurilishi boshlangan loyihalar orasida butun Istanbul-Izmir avtomagistrali 2019-yilda,

Menemen-Aliaga-Chandarli avtomobil yo'li va Anqara-Niğde avtomobil yo'li 2020-yilda yakunlanadi; Shimoliy Marmara avtomagistrali 2021 yilda foydalanishga topshirildi, 38 kmlik Bashakshehir-Bahcheshehir-Hadımköy qismi bundan mustasno.

2021 yilda; Mamlakatimizning sharqi va g'arbi o'rtasida uzluksiz bo'lingan yo'l yaxlitligini ta'minlovchi Kömürhan ko'prigi, Malatiyani Sivasga qulay tarzda bog'laydigan Tohma (shahid Gaffari Güneş) ko'prigi, Hasankeyfning yangi kampusiga kirishni ta'minlovchi Hasankeyf-2 ko'prigi Anqaraning sanoat hududlarini asosiy magistral o'qlariga. Ko'plab avtomobil yo'llari investitsiyasi amalga oshirildi, ayniqsa Yenikent-Temelli yo'li, Siirt va Eruh o'rtasida xavfsiz transportni ta'minlovchi Zarova ko'prigi, Shirnak va chegara darvozalari va Pirinkayalar tuneli. Erzurumdan Kavkazga. Shuningdek, 2021-yilda ajdodlar merosi bo'lgan jami 33 ta tarixiy ko'priklar ta'mirlanib, madaniy merosimizga qo'shildi.

2022-yilda qurish-ishlat-ko'chirish usuli bilan qurilgan 1915-yildagi Chanoqqal'a ko'prigi va Malkara-Chanakkale avtomagistrali foydalanishga topshirildi va tarixda birinchi marta Evropa va Osiyoni bog'laydigan uzluksiz avtomobil yo'llari tarmog'i tashkil etildi. qit'alar. Zonguldak - Kilimli yo'li va Prof. Dr. Shaban Teoman Duralı tunnelleri va Zonguldak-Ereğli yo'li shaharning transport tarmog'iga qo'shildi. Malatya halqa yo'lining birinchi bosqichini yakunlash orqali Malatya shahar transporti engillashtirildi, Phaselis tuneli har yili millionlab sayyohlar tashrif buyuradigan Antaliyaning g'arbiy qismidagi aholi punktlariga va Eğiste Hadimi Viyadukiga kirishni osonlashtirdi. , mamlakatimizdagi eng baland oyoqli eng uzun muvozanatli konsol ko'prigi transport harakati uchun ochildi.

Bundan tashqari; Mamlakatimiz va Yevropadagi eng uzun qo'sh trubkali avtomobil yo'li tuneli bo'ladigan Zigana tunnelida qazish ishlari yakunlandi va yorug'lik paydo bo'ldi. Aydin-Denizli avtomagistrali, Shimoliy Marmara avtomagistralining Bashakshehir-Bahcheshehir-Hadımköy qismi va Mersin (Cheshmeli)-Erdemli-Silifke-Tashucu avtomobil yo'lining Cheshmeli-Kizkalesi qismida qurilish ishlari davom etmoqda. Mersin va Antaliya o'rtasidagi sayohat vaqtini sezilarli darajada qisqartiradigan O'rta er dengizi qirg'oq yo'li kabi mamlakatimizning har bir geografiyasiga tarqalgan loyihalarda qurilish ishlari davom etmoqda. Avtomobil yo'llari bosh boshqarmasi; 2022-yil dekabr holatiga ko'ra, umumiy yo'l tarmog'i 68761 kilometrni tashkil etadi, shundan 29862 kilometri bitumli issiq aralashma (BSK), 36877 kilometri yer usti qoplamasi (SK) va 2022 kilometri boshqa yo'llardir. Ushbu yo'l tarmog'ining 3633 km.i avtomobil yo'llari, jami 28906 kmi (42 foizi) bo'lingan yo'llardir. O'zbekistonda fuqarolar va yuklarning mamlakat bo'ylab yanada samarali harakatlanishini ta'minlash maqsadida

avtomobil yo'llari faol rivojlanmoqda. So'nggi yillarda avtomobil infratuzilmasini yaxshilash bo'yicha bir qator muhim chora-tadbirlar amalga oshirildi. Asosiy loyihalardan biri yangi yo'nalishlar qurish va mavjudlarini rekonstruksiya qilishdir. Ushbu jarayon doirasida transport qulayligi va xavfsizligini oshirish maqsadida asosiy avtomobil yo'llari yangilanib, kengaytirilmoqda. Aholi siyrak hududlarda ham yangi yo'llar barpo etilayotgani turizmni rivojlantirish, chekka hududlarni rivojlantirishga xizmat qilmoqda.

Poytaxt Toshkentda yo'l infratuzilmasini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Bu yerda yangi ko'priklar va chorrahalar qurilib, yoritish, yo'l belgilari yaxshilanmoqda. Ushbu ishlardan maqsad transport oqimini yaxshilash va tirbandlikni kamaytirishdan iborat.

O'zbekistonda ham yo'l harakati nazoratining elektron tizimi faol rivojlanmoqda. Ko'proq tezlikni nazorat qiluvchi kameralar va tizimlar joriy etilmoqda, ular yordamida xavfsizlikni yaxshilash va yo'l harakati qoidalarini buzish holatlarini kamaytirish mumkin. Shuningdek, yo'llarni yoritishni yaxshilash, aqlli svetofor kabi yangi texnologiyalarni joriy etish bo'yicha ishlar olib borilmoqda.

Yo'llarni sifatli qoplamalar bilan ta'minlashga ham katta e'tibor qaratilmoqda. Asfalt-beton qoplamalarni ta'mirlash va qurish bo'yicha ishlar olib borilmoqda, bu eskirishni kamaytiradi va harakat qulayligini oshiradi.

O'zbekiston Respublikasida mavjud avtomobil yo'llarining uzunligi 184 000 kmni tashkil qiladi. Bular quyidagicha: Umumiy foydalanishdagi avtomobil yo'llar – 42 695 km.ni tashkil qiladi (Avtomobil yo'llari qo'mitasi balansida). Shu jumladan: xalqaro ahamiyatdagi – 3 981 km, davlat ahamiyatidagi – 14 100 km, maxalliy ahamiyatdagi – 24 614 km.

### **Xulosa**

Umuman olganda, O'zbekistonda avtomobil yo'llarini rivojlantirish ustuvor vazifa bo'lib, zamonaviy texnologiyalar va ilg'or jahon tajribasi asosida amalga oshirilmoqda. Bu transport qulayligini oshiradi va mamlakat iqtisodiy rivojlanishiga hissa qo'shadi. Avtomobil yo'llari davlatning yurak qon tomirlari desak mubolag'a bo'lmaydi. Avtomobil yo'li davlat iqtisodiyoti, savdo va turizm kabi yo'nalishlarda ahamiyatli hisoblanadi. Bizda avtomobil yo'llarini rivojlantirish uchun zamonaviy texnologiyalar va ilg'or jahon tajribasi qo'llanilmoqda, bu esa transport qulayligini oshiradi va mamlakat iqtisodiy rivojlanishiga katta hissa qo'shadi. Mamlakatimizda sanoat korxonalarining soni va ular tomonidan turli xil tovarlar ishlab chiqirilishi ko'payishi, aholining farovonlik darajasi o'sib borгани sari shaxsiy transportlar soni ko'payishi logistika, yuk tashuvchi texnikalar turi, soni va qatnovi ortayapti. Shu bois

yo'l infratuzilmasini takomillashtirish doirasida amalga oshirilayotgan ishlarni yanada jadallashtirish talab etilmoqda. Prezidentimizning tegishli farmon va qarorlariga muvofiq, mamlakatimizda yo'l infratuzilmasini xalqaro standartlarga muvofiq takomillashtirishdan pirovard maqsad – aholi uchun yo'l harakati qulayligi va xavfsizligini oshirish, zamonaviy avtomobil yo'llari tarmog'ini rivojlantirish, mamlakatimiz iqtisodiyotining raqobatbardoshligini oshirish, respublika transport salohiyatini rivojlantirish va eksport imkoniyatlarini kengaytirish zarur. So'nggi yillarda mamlakatimizda yo'l harakati xavfsizligi sohasida mavjud muammolarni bartaraf etish, xalqaro standartlarga muvofiq yo'l-transport infratuzilmasini yaxshilash, avtomobil yo'llarini rekonstruksiya qilish, yo'l harakati qulayligi va xavfsizligini oshirishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

## REFERENCES

1. Salimov B. L. (2023). **TEXNIKA TARAQQIYOTI BORASIDAGI FALSAFIY KONSEPSIYALAR**. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3 (11), 333-337.
2. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Muhammaddiyor Oybekovich Abdukhalikov. [DEVELOPMENT OF COMMUNICATIONS AND TRANSPORT IN UZBEKISTAN OVER THE YEARS OF INDEPENDENCE](#). *ILM FAN TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY METODLARNING QO'LLANILISHI*. 2023. №3/31. 76-80.
3. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Quvonchbek Turg'unovich Normamatov. [TECHNICAL PHILOSOPHY AS A PART OF THE HISTORY OF HUMAN DEVELOPMENT](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 98-103.
4. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Dmitriy Vladimirovich Shushakov. [STAGES OF DEVELOPMENT OF TECHNICAL KNOWLEDGE](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 126-131.
5. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Yevgeniy Viktorovich Remenyuk. [PHILOSOPHICAL FEATURES OF TECHNICAL EXISTENCE](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 173-178.
6. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Hojiakbar Olimjonovich Odilov. [SOCIO-PHILOSOPHICAL IMPACT OF ENGINEERING THINKING](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 142-146.

7. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Davlet Rashidovich Gaipov. [IMPORTANT PROBLEMS OF TECHNICAL PHILOSOPHY](#). Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal. 2023. №1/8. 152-158.
8. Salimov, B., Madalimov, T. (2023). Transport falsafasi. Globe Edit.
9. Salimov Bakhriiddin Lutfullaevich. The Importance of Sea Transport in the Communication System. WEB OF SYNERGY: International Interdisciplinary Research Journal. Volume 2 Issue 1, Year 2023 ISSN: 2835-3013.
10. Salimov Bakhriiddin Lutfullaevich. The Influence of the Transport and Communication System on Social Relations. Web of Semantic: Universal Journal on Ie Education. Volume 2 Issue 2, Year 2023. ISSN: 2835-3048.
11. [www.kgm.gov.tr](http://www.kgm.gov.tr) web sayti.
12. [adilet.zan.kz/kaz](http://adilet.zan.kz/kaz) internet nashri.
13. [direksiya.uz](http://direksiya.uz) axborot nashri.
14. [Lex.uz](http://Lex.uz) qonunchiliklar haqida axborot beruvchi internet nashri.

## ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ НЕФТЬ САНОАТИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ТАРИХИ

Эргашева Хуснида

Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистон тарихи кафедраси таянч докторанти

### АННОТАЦИЯ:

Мақолада туркий давлатларнинг нефть саноати соҳасидаги ҳамкорлик тарихини ёритишни мақсад қилиб олинган. Мавзуни ёритишда Ўзбекистон Миллий Давлат архиви фондларидаги архив хужжатларидан, нефть саноати соҳаси тарихига оид илмий адабиётлардан фойдаланиб, нефть саноати соҳасига таъсир кўрсатган омиллар ўрганилиб, мавзуга доир хулосалар қилинган.

**Калит сўзлар:** нефть саноати соҳасидаги ҳамкорлик, нефтни қайта ишлаш, нефть саноати, нефть казиб олиш суръатлари динамикаси, нефтдан мақсадли фойдаланиш.

### АННОТАЦИЯ:

Цель статьи – осветить историю сотрудничества тюркских стран в сфере нефтяной промышленности. При освещении темы с использованием архивных документов Национального государственного архива Узбекистана, научной литературы по истории нефтяной отрасли изучены факторы, повлиявшие на нефтяную отрасль, и сделаны выводы по теме.

**Ключевые слова:** сотрудничество в нефтяной промышленности, нефтепереработка, нефтяная промышленность, динамика темпов добычи нефти, целевое использование нефти.

### ABSTRACT:

The article aims to cover the history of cooperation of the Turkic countries in the field of the oil industry. In covering the topic, using archival documents from the National State Archives of Uzbekistan, scientific literature on the history of the oil industry, the factors that influenced the oil industry were studied, and conclusions were drawn on the topic.

**Keywords:** cooperation in the oil industry, oil refining, oil industry, dynamics of oil production rates, targeted use of oil.



XX аср нефть ва “углеводород одами” асри деб номланиши мазкур табиий ресурсинг бу асрда юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнларга хал қилувчи таъсир кўрсатгани билан боғлиқ. Америкалик маданиятшунос олим Лесли Уайтнинг ўз даврида маданият тараққиётини аҳоли сонига нисбатан энергия истеъмоли ҳажмига қараб белгилаш зарурлиги ҳақидаги қарашлари, технологик детерминизм нуктаи назаридан ўзини оқлаб, инсониятнинг шу асрдаги тарихини тасаввур этиш учун муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади [8.].

Ёқилғи энергетикаси ҳисобланган нефть қадимдан инсон эҳтиёжлари учун фойдаланиб келинган. Нефть қадимдан шимолий Кавказ, Месопатамия, Миср, Бирма, Малайзия, Хитой, Руминия, шу жумладан Ўзбекистоннинг Фарғона водийси ва бошқа бир қанча мамлакатларда қазиб олинган ҳамда турли мақсадларда фойдаланилган. Фарғона водийсида нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш саноати XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, Қўқон хонлигида яшайдиган маҳаллий ҳунармандлар, тадбиркорлар томонидан саноат даражасига кўтарилган бўлса, XX аср бошларига келиб ушбу соҳага бўлган эътибор янада ортиб борди.

Нефть ва газ саноатининг ривожланиши аҳоли фаровонлигини ошишига сабаб бўлади. Саноатнинг мазкур муҳим соҳаси шаклланиши ва ривожланиши тарихини ўрганиш бир томондан шу даврдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни чуқурроқ таҳлил қилиш, шунингдек, халқ хўжалигининг барча тармоқлари, хусусан саноат ва ишлаб чиқариш, транспорт тараққиётининг суръатлари ҳамда мантиғини тарихий нуктаи назаридан ёритиб бериш имконини беради.

1904 йилнинг сентябрь ойида Фарғона вилояти ҳудудида жойлашган Чимён нефть конларидан бирида биринчи марта 278 метр чуқурликдан нефть фонтани отилиб чиқади. Ушбу нефть қудуғидан бир сутка давомида 130 тоннагача нефть қазиб олинган. Нефть фонтанининг отилиши нефтни қайта ишлаш заводини барпо қилиш учун асос бўлади. Шу йилнинг ўзида Ўзбекистонда биринчи марта Фарғона водийсида нефтни қайта ишлаш заводи Ванновский номидаги темир йўл станцияси яқинида қурилиш ишлари амалга оширила бошланди. Бу заводнинг қурилиш ишлари билан темир йўл инженери А.Н.Ковалевский шуғулланган. Ушбу завод асосан керосин ва ёқилғи мазути ишлаб чиқаришга мўлжалланган. 1906 йилга келиб қурилиш ишлари якунланган ва завод ишга туширилган.

Фарғона водийсида нефть саноатининг ривожланиши саноатнинг бошқа тармоқларини юксалишига туртки бўлди. Шу муносабат билан Фарғона

водийсига чет эл капиталлари кириб кела бошлади. Фарғона водийсидаги Чимён нефть конини ва Ванновский нефтни ҳайдаш заводини 1907 йилга келиб Россия империяси ҳудудида жойлашган Азарбайжоннинг Боку шахридаги нефть саноати билан шуғулланадиган “Ака-ука Нобеллар” фирмасига сотилди ҳамда ушбу нефть саноати фирмаси 1918 йилгача яъни нефть саноатини миллийлаштириш давригача фойдаланиб келган[12.].

Халқаро нефть саноати тарихини ўрганган англиялик тадқиқотчи профессор Паул Стевенс Ака-ука Нобеллар компаниясининг фаолиятини америкалик миллиардер Дж.Д.Рокфеллер эгалик қилган Стандарт Ойл трести (Standard Oil Trust) фаолияти билан қиёслаб, уни европа ва Россия империяси ҳудудидаги рақобатчи деб баҳолайди[14.]. Ака-ука Нобеллар компанияси жаҳон нефть саноати тарихида 1878 йилда Швецияда нефтни ташиш учун мўлжалланган “Зороастр” (Zoroastr), “Будда”, “Норден скнолд” деб номланган юк ташиш қуввати 242 тонна бўлган дунёдаги биринчи нефть ташувчи танкерларини қуриб Азарбайжоннинг Баку шахридан Россиянинг Царицин (Волгоград) шахрига[14.] ва Баку кўрфазидидаги “Зороастр” (Zoroastr) танкери Каспий денгизидида Ўрта Осиё нефтини ташиш учун хизмат қилган[11.].

Нобеллар 1874 йилиёқ Туркманистоннинг Каспий денгизи соҳилидаги нефтга бой бўлган Челекен ярим оролига келишиб, 1876 йили илк маротаба нефтни саноат миқёсида ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Қазиб олинган нефтни танкерларга қуйиб Бакуга олиб кетилган. Лекин қуруқликда нефтни от-араваларда ташилиши ширкат эгаларига қимматга тушган[3.].

Улар Туркистон марказига олиб борувчи темир йўл қуриш лозимлигини бир қатор карчалонлар билан чор ҳукуматига айтадилар. Натижада 1880, 1884 йиллардан бу йўл қурилади. “Ака-ука Нобеллар” ширкати ҳар бир темир йўл бекатида керосин, нефт резевуарларини бунёд этадилар. 1888 йили Людвигнинг вафотидан сўнг унинг ишини ўғли Эммануэл (1859-1932) давом эттиради. У 1918 йилгача, Швецияга кўчиб кетгунгача Россиядаги Нобелларга тегишли бўлган барча корхоналарнинг айниқса, Фарғона водийсида кенг фаолият олиб борган. “Ака-ука Нобеллар” ширкатини бошқарган ягона ворис бўлиб қолган[3. 108-б.].


Ванновский керосин заводи 1906 йилда битказилиб ишга туширилгандан сўнг, бу заводда нефтдан керосин ажратиб олинадиган бўлди. Қолган маҳсулот мазут ёки қора мой деб аталган. Мазут сув қозонлари ўчоқларида (печларида) ёқилган, араваларнинг ғилдиракларини мойлаш учун ишлатилган. Енгил фракциялар (бензин) ёқиб юбориларди. Чунки бензин билан ишлайдиган

двигателлар ҳали мавжуд эмас эди. Заводда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Ўрта Осиё, Россия, Ҳиндистон, Афғонистон бозорларида сотилган[6.].

Завод йилига атиги уч ой ишлар эди. Завод ишга тушган дастлабки вақтда қазиб олинган нефтни аравалар ёрдами билан заводга келтирилди. Кейинчалик ишни янада осонлаштириш ва кўпроқ натижага эришиш мақсадида Чимён-Ванновский нефть қувури қурилди ҳамда нефтни қувур орқали узатиладиган бўлди. Нефтни қайта ишлашдан олинган керосин маҳсулоти маҳаллий аҳолига сотиларди ва бундан ташқари четга жумладан, Афғонистон, Ўш орқали Қашқарга экспорт қилинарди[5.].

Бундан ташқари 1908 йилга келиб Фарғона водийсида янги нефть конлари аниқланди. Бу кон ҳозирги Тожикистон Республикасининг Сел-Рохо қишлоғи яқинида жойлашган. Ушбу конни 245 метр чуқурликда қазилиб, ундан нефть олинади бошланди. 1909 йилда ушбу кондан олинган нефтни қайта ишлаш учун корхона барпо этилди. 1912 йилга келиб бир гуруҳ савдогарлар Сел-Рохо нефть кони базасида “Ўрта Осиё нефтни сотиш жамияти”ни туздилар. Бу жамиятни қисқача САНТО деб номланди. Ўша даврда бу жамият Петербургдаги бошқармага қарарди[5. 20-б.]. 1915 йилларда барпо этилган САНТО жамияти Мельникова темир йўл станцияси яқинида нефтни қайта ишлаш заводини барпо қилади. Ушбу завод ҳам янги қурилган вақтларда нефтни қазиб олиншига қараб, Ванновский заводига ўхшаб бир йилда бирикки ой ишлар эди. Ушбу заводда нефтдан ажратиб олинган керосин ҳамда мазутларни трубалар орқали Мельникова станциясига юборилган. Ушбу САНТО нефтни қайта ишлаш заводи 1930 йилгача иш фаолиятини олиб боради ва 1930 йилга келиб эса унинг номи “КИМ” деб атала бошланади[5. 22-б.]. САНТО нефтни қайта ишлаш заводи Тожикистоннинг Исфара тумани ҳудудида қурилган бўлиб, ушбу завод 1952 йилгача ўз фаолиятини олиб борган[6. 99-б.].

Фарғона водийсида жойлашган ҳар иккала завод таркибида бўлган нефть конларидан нефтни қазиб олиш ҳажми биринчи жаҳон уруши йилларида пасайиб борган. Бу ҳолатни қуйида келтирилган диаграмма асосида кузатишимиз мумкин[13.].



Диаграммадан кўриниб турибдики, биринчи жаҳон урушига қадар нефть қазиб олиш ҳажми ўсиб борган, лекин уруш йилларида қудуқлар сони ортиб борсада ҳам ашё ҳажми пастлаб борган. Бунга темир йўл ва денгиз транспорти ҳамда логистикасининг фронт учун жалб қилиниши натижасида катта ҳажмдаги маҳсулот йирик нефть саноати марказлари ҳисобланган Баку, Грозний шаҳарларида туриб қолганлиги сабаб бўлган[7.]. Россияда амалга оширилган давлат тўнтариллиши ҳам шу даврда нефть саноати кўрсаткичларининг пасайишида ҳал қилувчи омил бўлди.

Дунё давлатларида нефть маҳсулотларига бўлган талаб биринчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда ортиб борган. Нефть саноати ривожланиб, нефтни қазиб олиш ва фойдаланиш жараёнлари юқори даражага кўтарилган. Лекин, 1917-1924 йилларда, яъни миллий ҳудудий чегараланиш ўтказилгунига қадар бўлган вақтда Фарғона водийсида ва бутун Туркистон ўлкасида нефтни қазиб олиш, қайта ишлаш жараёнлари адабиётларда монография ва рисолаларда, архив маълумотларида 1913 йилга нисбатан кескин пасайиб борганлиги кўрсатилади. Бунга бир нечта омиллар сабаб қилиб келтирилади.

Бундан ташқари четдан нефть маҳсулотларини Туркистон ўлкасига олиб келиниши ҳам бу соҳанинг пасайишига сабаб бўлган. Туркистон ўлкасига, жумладан Фарғона водийсига Россия империясининг таркибида бўлган Азәрбайжоннинг Боку шаҳридан келтирилган нефть маҳсулотлари, керосин, мазутлар Ўрта Осиё темир йўли билан олиб келиниб, аҳолига арзон нархларда сотилган. Шу сабабли ҳам нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнлари пасайиб борган[5. 22-б.].

1925-1929 йилларда Ўрта Осиё жумладан Ўзбекистонда ёқилғига бўлган эҳтиёж ортиб борди. Қазиб олинган нефть маҳсулотлари ёқилғига бўлган

эҳтиёжни тўлиқ қондирмаганлиги сабабли 1924-1925 йилларда четдан кўплаб микдорда ёқилғи ташиб келтирилган. Ташиб келтирилган ёқилғи тахминан 70 фоизни ташкил этган. 1929-1930 йилларга келиб эса бу кўрсаткич 65 фоизни ташкил этади. Бу даврда Ўзбекистонга ташиб келтирилган ёқилғининг асосий қисмини Азарбайжоннинг Боку шаҳрида жойлашган нефть конларидан қазиб олинган нефть ташкил қилган[4.].

Фарғона водийсининг Қирғизистон, Тожикистон республикаларига қарашли бўлган Майлисув, Избоскан, Оқмачит, Оқсарой, Қоратепа каби ҳудудларида 1946-1950 йилларда нефть қидирув ишлари амалга оширилди. Натижада Қирғизистон республикасига қарашли бўлган Избоскан ва Майлисув IV ҳудудларида катта нефть захиралари борлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида Қирғизистон республикасида нефть саноатини ривожлантиришда асосий базага айланди. Ушбу даврга келиб Фарғона водийсидан қазиб олинган ва қайта ишланган нефть бутун Совет Иттифоқидаги нефть саноати ривожланган ҳудудларидаги нефть микдорига тенглашди[5. 27-б.].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида нефть саноати ривожланиб борган. Чунки уруш туфайли Ўзбекистонга Грозний, Баку шаҳарларидан нефть саноати корхоналари ускуналари, технологиялари, малакали мутахассислар, мутахассис тайёрлайдиган ўқув юртлари кўчириб келтирилган. Бунинг натижасида нефть конларини аниқлаш ва қазиб олиш жараёнлари сезиларли даражада ўсиб борган. Ўзбекистонда 1945 йилда нефть қазиб олиш 2,5 бароварга ортган бўлса, Фарғона водийсида 3,3 марта ортганлигини кўрсатилган[9.].

Иккинчи жаҳон уруши йилларига келиб эса заводга уруш майдонида бўлган нефтни қайта ишлаш заводларининг асбоб ускуналарини кўчириб келтирилиши иш самарадорлигини оширишга сабаб бўлди. Уруш йилларида Батуми нефтни қайта ишлаш заводининг асбоб-ускуналари Олтариқдаги Ванновский заводига кўчириб келтирилди. Уруш туфайли нефт маҳсулотларига айниқса ёқилғига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши, кўп микдорда нефтни қайта ишлашга сабаб бўлган. Иккинчи жаҳон урушигача бўлган вақтда Ванновский нефтни қайта ишлаш заводида йилиги 176 минг тонна нефть қайта ишланган бўлса, уруш йилларида ундан ярим ҳисса ошириб ишлаш талаб қилинарди[6. 98-б.].

Соҳа мутахассисларининг тадқиқотлари натижасида XX асрнинг 50-60 йилларида Марказий Осиё республикаларида нефть ва табиий газ ресурсларининг энг кўпи Туркманистон ССР да, ундан кейин Ўзбекистон ССР, Қирғизистон ва Тожикистон ССРда жойлашганлиги аниқланган. Минтақанинг



умумий тасдиқланган нефт захираларининг 4/5 қисми Марказий Осиёнинг асосий нефт истеъмолчиларидан анча узоқда жойлашган Ғарбий Туркменистон худудида жойлашган. Табиий газнинг тасдиқланган захиралари минтақада қулайроқ жойлашган ва асосан Ғарбий Ўзбекистон ва Шарқий Туркменистонда жойлашганлиги аниқланди.

Марказий Осиё табиий газининг деярли 8/10 қисми Ўзбекистон ССРда, 1/5 қисми Туркменистон ССРда ва атиги 2 фоизи Қирғизистон ва Тожикистон ССРда ишлаб чиқарилади. Марказий Осиё нефтининг 9/10 қисми Туркменистон ғарбида, 1/10 қисми Ўзбекистонда ва атиги 3% Қирғизистон ва Тожикистонда қазиб олинган ҳамда нефтни қайта ишлашнинг катта қисми Туркменистон ССР ва Ўзбекистон ССРда амалга оширилади[1.].

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда нефтни қайта ишлаш саноати катта муваффақиятларга эришди. Ванновский (ҳозирги Олтариқ) нефтни қайта ишлаш заводи реконструкция қилинди ва кенгайтирилди. Лекин шунга қарамадан завод Ўзбекистон ва қўшни республикаларнинг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга ожизлик қила бошлади. Шунинг учун собиқ совет ҳукумати Ўзбекистонда яна битта замонавий нефтни қайта ишлаш заводи қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Янги заводни қурилиш ишлари 1949 йилда бошланиб, 1958 йилда тугалланди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 1959 йилнинг январь ойидан маҳсулот чиқара бошлади[6. 99-б.].


1959 йил январь ойида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидан биринчи нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошлади. Жумладан, бензин, ёритувчи керосин ҳамда дизель ёқилғиси ишлаб чиқарилди. Ушбу завод қайта ишланган нефтдан маҳсулотларнинг 13 дан ортиқ турини ишлаб чиқаради[10.].

1960 йилгача Ванновский ва Фарғона нефти қайта ишлаш заводларида фақат Фарғона водийси нефти қайта ишланган бўлиб, у асосан қувур орқали таъминланарди. 1960 йилдан бошлаб Туркменистон ССР нефти ҳам Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида қайта ишлана бошланган. 1960-1961 йилларда Туркменистондан келтирилган нефтнинг қайта ишланган миқдори нисбатан кам бўлган. 1960 йилда республикада қайта ишланган умумий нефть ҳажмининг 1,6 ва 4,2 фоизига тўғри келади. 1962 йилдан Туркменистондан келтирилган нефтнинг миқдори кескин равишда ўсиб борди. Бу кўрсаткич 1962 йилда 25,7 фоизга, 1963 ва 1964 йилларда эса 36,6 ҳамда 43,5 фоизгача ортиб борди. Шу билан бирга 1960 йилдан 1964 йилгача бўлган даврда Туркменистон нефтининг 70 фоизидан ортиғини Ванновский (Олтариқ) нефтни қайта ишлаш заводида қайта ишланган. 1964 йилдан бошлаб Ванновский (Олтариқ) нефтни



қайта ишлаш заво­дига Бухоро неф­ти ҳам оқиб кела бошлади, бу заводда қайта иш­ланадиган неф­тнинг умумий ҳаж­мини 3,5 фоизини таш­кил қилган бўлса, 1965 йилда унинг улу­ши 14 фоизга етган. 1966 йилдан бошлаб бу заводга Фарғона мойларини ет­казиб беришни тўх­тати­либ, уни фақат Турк­ман ва Бухоро ёғ­ла­ри­га асослаш режа­ла­штирилган[2].

Қуйида кел­тирилган диа­грам­ма­да 1962-1970 йил­лар­да Ўзбекистон ССР заводларида Турк­ма­нистон неф­тини қай­та ишлаш ҳаж­ми (неф­тни қай­та ишлашнинг умумий ҳаж­ми­га нис­ба­тан фоиз ҳисобида кўрсати­лган) [2.54-6.]



Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, туркий давлатларнинг нефть саноати соҳасидаги ҳамкорлиги XX асрнинг бошларида Ўзбекистоннинг Фарғона вилояти ҳудудида таш­кил этилган Ванновский (ҳозирги Олтиариқ) неф­тни қай­та ишлаш заво­дининг бунёд этилиши билан боғлиқдир. Ушбу заводда неф­тни қай­та ишлаш нати­жа­сида керосин, бензин аж­ра­тиб олиниб, ёқил­ғи сифатида фой­даланилган ҳамда чет дав­лат­ларга экспорт қилинган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йил­лар­да рес­пуб­ликадан қа­зиб олинган неф­тни қай­та ишлаш учун Ванновский(ҳозирги Олтиариқ) неф­тни қай­та ишлаш заво­дининг ўзи етарли бўлмай қолганлиги сабабли Фарғона вилоятида яна битта неф­тни қай­та ишлаш заво­дини бунёд этишга киришилди. Бунёд этилган янги завод фақатгина рес­пуб­ликадан қа­зиб олинган неф­тни қай­та иш­ла­масдан, балки қўшни дав­лат­лардан, жумладан, Тур­ма­нистон ССР, Қозоғис­тон ССР ва Си­бирь ҳудудларидан қа­зиб олинган неф­тни ҳам қай­та иш­ла­ган. Бундан кўри­ниб

турибдики, нефть саноати соҳасида туркий давлатлар ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Бу эса соҳанинг ривожланишига сабаб бўлган десак муболага бўлмайди.

## REFERENCES

1. Бедринцев К.Н., Жмуйда Б.Б. (ответственный редактор) Копанев Г.В., Нарзикулов И.К., Павленко В.Ф.-редакционная коллегия: Академия наук СССР Госплан СССР совет по изучению производительных сил.Среднеазиатский экономический район. Издательство “Наука” Москва 1972г. С.52.
2. Газизов Х.Г., Батйгин А.Г. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Иытисодиёт институти. Ўзбекистон ёкилги саноатининг ривожланиши. – Тошкент: Фан, 1966. –153-154 бетлар.
3. Жамолхожи И.Н. Фарғона водийсида нефть саноатининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1860-1917 йиллар): тарих фанлари номзоди илмий дарасини олиш учун тайёрлаган диссертация. – Тошкент. 2004. – 107,108 б.
4. Минц И.Е. Ўзбекистон ёкилги саноати – Тошкент: Ўзбекистон, 1969. – 7 б.
5. Муҳидов А.Р., Тожиев Т.Т. Ўзбекистоннинг қора олтини – Тошкент: Фан, 1972. – 20, 22 б.
6. Раҳимов А.К. Ўзбекистон нефт-газ кончилар қиссаси. –Тошкент: Фан ва технология, 2004. – 98, 99- б.
7. Сулумов З.Х. Нефтяная промышленность Грозного в период Первой мировой войны. Каспийский регион: политика, экономика, культура № 1 (50). 2017 г. URL: [https://www.elibrary.az/docs/JURNAL/jrn2017\\_387.pdf](https://www.elibrary.az/docs/JURNAL/jrn2017_387.pdf) (Мурожаат санаси: 12.02.2022) Караваева И. Российская промышленная политика накануне и в годы первой мировой войны // Вестник Института экономики Российской академии наук. 2007. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rossiyskaya-promyshlennaya-politika-nakanune-i-v-gody-pervoy-mirovoy-voyny> (Мурожаат санаси: 12.02.2022)
8. Уайт Л.А. Энергия и эволюция культуры. Вопросы социальной теории. Том IX. 2017. URL: <https://iphras.ru/uplfile/root/biblio/vst/2017/2017-9-04.pdf> (Мурожаат санаси: 10.02.2022).
9. Ходжаев А.Р., Савченко П.К., Азимов П.К. Минеральные топливные ресурсы Узбекистана и экономика их использования. – Ташкент: Фан, 1972. – С.107.
10. Шамсуддинов Ф. Фарғона области. (тарихий-иқтисодий справочник) – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 61 б.

11. Эвентов Л.Я. Иностранный капитал в нефтяной промышленности России. (1874-1917) – Москва: Издательство “Плановое хозяйство” госплан СССР Ленинград, 1925. –С.15.
12. Эргашев И. Абдуллаев Ғ.С. Қодиров М.Х. Холисматов И.Х. Нефть ва газ конлари геологияси. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 19 б.
13. ЎзМА, Р-27-фонд, 1-рўйхат, 1119- йиғмажилд, 67-71-варақ.
14. Stevens P. History of the International Oil Industry. In: Dannreuther R., Ostrowski W. (eds) Global Resources. Palgrave Macmillan, London. [https://doi.org/10.1057/9781137349149\\_2](https://doi.org/10.1057/9781137349149_2).  
[https://link.springer.com/chapter/10.1057/9781137349149\\_2](https://link.springer.com/chapter/10.1057/9781137349149_2) (Мурожаат санаси: 12.02.2022)

## **TURKIYA RESPUBLIKASIDA GENDER TENGLIGINI TA'MINLASH BORASIDAGI MILLIY MEXANIZMLAR SAMARADORLIGI HAMDA TURKIY XALQLAR UCHUN IJTIMOY AHAMİYATI**

**G'ulomovna Mashhura Normayeva**

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti tayanch doktoranti

### **ANNOTATSIYA**

Ushbu tahlil natijasida ayollar uchun teng huquq va imkoniyatlar yaratilishi yo'lida Turkiya Respublikasining siyosatini amalga oshirish vazifasini bajaradigan milliy mexanizmlar haqida batafsil ma'lumotga ega bo'lamiz. Shu bilan bir qatorda, ushbu milliy mexanizmning tarixiy rivojlanishi, uning huquqiy asoslari, qaysi institutlardan iboratligi, qanday ishlashi bo'yicha to'plagan ma'lumotlarimiz asosida ushbu mexanizm qanday ishlashini tushunishga harakat qilamiz. Ushbu tadqiqot natijasida Turkiyadagi gender tengligini ta'minlash borasidagi milliy mexanizm faoliyatini hamda turk ayollarining bugungi imkoniyatlarini baholash imkoniga ega bo'lamiz.

**Kalit so'zlar.** Gender tenglik, gender siyosat, "Xotin-qizlarni kamsitishining barcha shakllariga barham berish to'g'risida"gi konvensiya (CEDAW), Kadının Statüsü Genel Müdürlüğü (KGSM) - Ayollar maqomi bosh boshqarmasi, TCE (Toplumsal Cinsiyet Eşitliği), Global gender tafovut indeksi, Gender tengligi bo'yicha milliy harakat rejasi.

### **АННОТАЦИЯ.**

В результате данного анализа мы получим подробную информацию о национальных механизмах, выполняющих задачу реализации политики Турецкой Республики по созданию равных прав и возможностей для женщин. Кроме того, мы анализируем тенденцию национальных механизмов на основе собранной информации об историческом развитии этого национального механизма, его правовых и институциональных основах. В результате данного исследования у нас будет возможность оценить деятельность национального механизма по обеспечению гендерного равенства в Турции и текущее положение турецких женщин.

**Ключевые слова.** Гендерное равенство, гендерная политика, Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин (CEDAW), Kadının Statüsü Genel Müdürlüğü (KGSM) - Главное управление по положению

женщин, ТСЕ (Toplumsal Cinsiyet Eşitliği), Глобальный индекс гендерного разрыва, Национальный План действий по гендерному равенству.

## ABSTRACT

As a result of this analysis, we will get detailed information about the national mechanisms that perform the task of implementing the policy of the Republic of Turkey in order to create equal rights and opportunities for women. In addition, we will try to understand how this mechanism works on the basis of the information we have collected on the historical development of this national mechanism, its legal foundations, which institutions it consists of, and how it works. As a result of this research, we will have the opportunity to evaluate the activities of the national mechanism for ensuring gender equality in Turkey and the current opportunities of Turkish women.

**Keywords.** Gender Equality, Gender Policy, Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination against Women (CEDAW), Kadının Statüsü Genel Müdürlüğü (KGSM) - General Directorate of the Status of Women, TCE (Toplumsal Cinsiyet Eşitliği), Global Gender Gap index, National Action Plan on Gender Equality.

Turkiyada gender tengligi va ayollar huquqlarini himoya qilish 1980-yillarning ikkinchi yarmida kuchaydi. Xotin-qizlar huquqlari va gender tengligini himoya qiluvchi kuchli fuqarolik tashkilotlarining rivojlanishi va umummilliy kun tartibiga ega “xotin-qizlar harakati”ning paydo bo‘lishi aynan shu davrga to‘g‘ri keladi. Bu siyosiy rivojlanish dunyoda rivojlanayotgan ayollar huquqlari harakati bilan bir vaqtda sodir bo‘ldi va Turkiyaning xalqaro miqyosda ishlab chiqilgan gender tengligi normasi, strategiyasi va siyosatini belgilash jarayonlariga qo‘shilishiga imkon berdi.

Turkiyada gender siyosatini amalga oshirish uchun davlat ichida institutsional mexanizm yaratish zarurati 1980-yillarning oxirida Turkiya tomonidan “Xotin-qizlarni kamsitishining barcha shakllariga barham berish to‘g‘risida”gi konvensiya (CEDAW) imzolanishi bilan paydo bo‘ldi. Chunki, Birlashgan Millatlar Tashkilotining “Xotin-qizlarni kamsitishining barcha shakllariga barham berish to‘g‘risida”gi konvensiyasining 2-moddasi C-bandida quyidagi qayd etilgan: “Ishtirokchi-davlatlar ayollar huquqlarini erkaklar bilan teng ravishda himoya qiladigan huquqiy mexanizmlarni yaratishi va vakolatli milliy sudlar va boshqa jamoat institutlari orqali ayollarni har qanday kamsitishlardan samarali himoya

qilishni ta'minlashi shart"<sup>1</sup>. Turkiya Respublikasida bu institutsional asoslar 1990-yillarning boshidan yaratila boshlandi.

Institutsional tuzilma dastlab Bosh vazirlik huzuridagi Xotin-qizlar va oila masalalari bo'yicha davlat vazirligi sifatida tashkil etildi. Xotin-qizlar masalalari bosh boshqarmasi (KSSGM) va Oila ilmiy-tadqiqot instituti (AAK) ham bu vazirlikka ikki xil va unchalik bog'liq bo'lmagan birlik sifatida kiritilgan. Boshqa ijro etuvchi hokimiyatga ega vazirliklardan farqli o'laroq, ushbu muassasalar Bosh vazirlikka bog'liq bo'lgan faqat muvofiqlashtirish vazifalarini bajaruvchi bosh boshqarma va vazirlik sifatida faoliyat yurita boshladi. Uzoq vaqt davomida muassasaning huquqiy asoslari va vazifalarini belgilaydigan ta'sis to'g'risidagi qonun qabul qilinmagan, yetarli moliyaviy resurslar va mutaxassis kadrlar ham ajratilmagan<sup>2</sup>.

Ushbu cheklangan imkoniyatlarga qaramay, KSGM bu davrda universitetlarda ko'plab ayollar huquqlarini himoya qiluvchi tashkilotlar va olimlar bilan birga ishladi va ayollar tadqiqotlari sohasidagi ko'plab mutaxassislar tomonidan ixtiyoriy ravishda qo'llab-quvvatlandi. Ushbu tadqiqotlar Yevropa Ittifoqi, Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) va Jahon Banki (JB) kabi xalqaro manbalardan loyiha moliyaviy mablag'lari bilan doimiy siyosatga aylantirildi. Ushbu dastlabki bosqichda jiddiy resurslar va vakolatlar yetishmasligiga qaramay, Turkiyada ayollarning fundamental huquqlari buzilishi bilan bog'liq muammolar hal qilindi.

Ushbu ijobiy o'zgarishlarga qaramay, KSGMning byurokratiyadagi beqaror va marjinal pozitsiyasi va unga asoslangan rasmiy qonunchilikning yo'qligi tufayli yuzaga kelgan noaniqlik 2004 yilgacha davom etdi.

2010-yildan keyin KSGM bo'ysunivchi vazirlik faqat ayollar huquqlari va oilani himoya qilish siyosati uchun javobgarlikni to'xtatdi. Vazirlik keng ko'lamli vazifalar va moliyaviy resurslarga ega bo'lgan ijro etuvchi davlat organiga aylandi. Oradan ko'p o'tmay vazirlik nomidan "ayol" so'zi olib tashlandi. Bunga parallel ravishda u Mehnat vazirligi bilan birlashtirildi. Vazirlikning asosiy vazifasi oilani himoya qilish, ijtimoiy yordam ko'rsatishni tartibga solish va ko'proq mehnat hayotiga oid siyosatni amalga oshirishdan iborat bo'ldi<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. <https://www.un.org/womenwatch/daw/cedaw/cedaw36/cc/uzbek/0647842R.pdf>

<sup>2</sup>Kardam, N. ve Acuner, S. National women's machineries: structures and spaces. Shirin M. Rai (ed.), Mainstreaming gender, democratizing the state? Institutional mechanisms for the advancement of women. Manchester University Press. 2018. P. 96-113. <https://www.manchesteropenhive.com/view/9781526137494/9781526137494.00014.xml>;

<sup>3</sup> Bakanlıđı kurumsal geliřim kronolojisi. <https://www.aile.gov.tr/ksgm>



KSGM vazirlik tarkibidagi bosh boshqarma sifatida o'z vazifasini davom ettirdi. Vazirlik hukumatning asosiy siyosiy maqsadlaridan biri hisoblangan ijtimoiy yordam va xizmatlarni boshqaradigan hamda ijtimoiy mablag'lar taqsimlanadigan muassasa sifatida katta va qudratli tashkilotga aylandi. Ammo bu kengayish va kuchayish bilan bir qatorda ayollar huquqlarini himoya qilish siyosati kuchaymadi. Aksincha, turg'unlik va asta-sekin tanazzul davriga kirdi. Aynan shu davrdan boshlab, KSGM oldida ayollarga nisbatan zo'rvonlikning oldini olishga qaratilgan siyosatni ishlab chiqish masalasi ustuvorlik kasb etdi<sup>4</sup>. Quyidagi Turkiya gender siyosatini amalga oshiruvchi milliy mexanizmning huquqiy va institutsional o'zgarishlar bosqichlari keltirilgan.

- 2004-yilda KSGMning tashkil etilishi va vazifalarini belgilovchi 5251-sonli qonun qabul qilindi;
- 2008-yilga kelibgina, gender tengligi bo'yicha Birinchi Milliy Harakat rejasi tayyorlandi;
- 2011-yilda Ayollar va oila masalalari bo'yicha davlat vazirligi tugatilib, vazirlik nomidan "ayol" so'zi chiqarib tashlandi va uning nomi Oila va ijtimoiy siyosat vazirligiga o'zgartirildi;
- 2018-yilda Prezidentning 4-son qarori bilan Oila va ijtimoiy siyosat vazirligi hamda Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi birlashtirilib, ularning nomi Mehnat, ijtimoiy xizmatlar va oila vazirligiga o'zgartirildi; Keyinchalik Prezidentning 15-son qarori bilan vazirlik nomi Oila, mehnat va ijtimoiy xizmatlar vazirligiga o'zgartirildi<sup>5</sup>.

KSGM – markazlashtirilgan muassasa bo'lib, uning vazifalari 2004-yilda 5251-sonli Tashkilot to'g'risidagi qonun qoidalariga muvofiq qayta belgilangan. Ta'sis qonuniga ko'ra, KSGM bilvosita vakolatlariga ega bo'lgan va muammolarga bevosita aralashish huquqiga ega bo'lmagan holda faoliyat yuritadi.

5251-sonli Qonunning 3-moddasida KSGMning vazifalari quyidagilardan iboratligi belgilangan:

- Ayollarga nisbatan har qanday kamsitishning oldini olish, ayollar huquqlarini yaxshilash bo'yicha barcha turdagi tadqiqotlarni qo'llab-quvvatlash, bu masalalar bo'yicha strategiyalarni ishlab chiqish, rejalar va dasturlarni yaratish va asosiy siyosatlarni belgilashga hissa qo'shish;

<sup>4</sup> Tarihçe. Aile ve Sosyal Hizmetler Bakanlığı. <https://www.aile.gov.tr/bakanlik/hakkinda/tarihce/>

<sup>5</sup> Tarihçe. Aile ve Sosyal Hizmetler Bakanlığı. <https://www.aile.gov.tr/bakanlik/hakkinda/tarihce/>

- O'z vakolatlari doirasida qonunlar va me'yoriy hujjatlarni monitoring qilish orqali ayollarning teng huquq va imkoniyatlardan foydalanishini ta'minlash bo'yicha tadqiqotlar olib borish;

- Ayollarga nisbatan har qanday zo'ravonlik, ta'qib va kamsitilishlarning oldini olishga harakat qilish va ayollarning oila va ijtimoiy hayotdan kelib chiqadigan muammolarini hal etishga ko'maklashish;

- Ayollarga qonun bilan berilgan huquqlardan to'liq va teng foydalanish, erkaklar va ayollar o'rtasidagi tenglik ijtimoiy rivojlanish muammosi sifatida qabul qilinishi haqida jamoatchilikni xabardor qilish;

- O'z vakolatlari doirasidagi masalalar bo'yicha davlat muassasalari va tashkilotlari, oliy o'quv yurtlari, mahalliy davlat hokimiyati organlari, nodavlat notijorat tashkilotlari va xususiy sektor bilan hamkorlik qilish va muvofiqlashtirishni ta'minlash;

- Xalqaro tashabbuslardan olingan natijalarni ekspertiza, tadqiqot orqali amalga oshiruvchi muassasalar va tashkilotlarga o'tkazish orqali tashkilotlar xizmatlarini rivojlantirish va yangi xizmat modellarini yaratishga hissa qo'shish<sup>6</sup>.

Chuquqroq tahlil qiladigan bo'lsak, muassasaning vazifalari “qo'llab-quvvatlash”, “hissa qo'shmoq”, “ma'lum qilmoq” fe'llari bilan belgilangan. KSGMning ijro etuvchi hokimiyati faqat Oila, Mehnat va Ijtimoiy Xizmatlar Vazirligi orqali amalga oshirilishi mumkin, bu keng ko'lamli va siyosiy xususiyatga ega vazirlik bo'lib, o'zining asosiy vazifasi tufayli ayollar huquqlarini himoya qilishni ko'pincha ikkinchi planga qo'yishining guvohi bo'lamiz. Shu ma'noda, KSGM CEDAW qoidalarida qayd etilgan yuqori darajadagi va zarur vakolatlarga ega muassasa talablariga to'liq mos keladi deb baholab bo'lmaydi.

Ushbu muassasadan tashqari Turkiya Respublikasida Milliy mexanizmga jalb qilingan boshqa ixtisoslashgan tashkilotlar ham mavjud bo'lib, ular quyidagilardir:

✓ Turkiya Statistika organi (Türkiye İstatistik Kurumu) – genderga asoslangan ma'lumotlarni to'playdi va nashr etadi;

✓ Jamoatchilik nazorati organi (Kamu Denetçiliği Kurumu) ombudsman instituti sifatida gender asosidagi kamsitish shikoyatlarini baholaydi;

✓ Turkiya Buyuk Millat Majlisining Ayollar va erkaklar uchun teng imkoniyatlar komissiyasi (Kadın Erkek Fırsat Eşitliği Komisyonu) qonunchilik faoliyatida gender tengligini ta'minlashni qo'llab-quvvatlaydi;

<sup>6</sup> 5251 sayılı “Kadının Statüsü Genel Müdürlüğü Teşkilat ve Görevleri Hakkında Kanun”.  
<https://www.resmigazete.gov.tr/eskiler/2004/11/20041106.htm>

✓ Turkiya Inson huquqlari va tenglik organi (Türkiye İnsan Hakları ve Eşitlik Kurumu) gender tengligining boshqa inson huquqlari bilan birgalikda amalga oshirilishini ta'minlaydi;

✓ Oliy Ta'lim Kengashi (Yükseköğretim Kurulu) oliy ta'lim muassasalari va ta'lim amaliyotlarida gender tengligini ta'minlanishiga xizmat qiladi;

✓ Din ishlari vazirligi (Diyanet İşleri Başkanlığı) Oila bo'yicha maslahat bo'limlari diniy tadbirlarni o'tkazishda ayollar va oilalar haqida diniy fikrlar va tavsiyalarni yetkazish uchun mas'ul muassasalardir<sup>7</sup>.

**Gender tenglikni ta'minlash bo'yicha milliy mexanizm va milliy harakat rejalari.** Turkiya Respublikasi Konstitutsiyasining 10, 41 va 90-moddalari Turkiya Respublikasi siyosatini qanday yo'naltirish kerakligini ko'rsatib beradi. 10-modda: "Ayollar va erkaklar teng huquqlarga ega. Davlat bu tenglikning amalga oshirishini ta'minlashga majburdir...", 41-modda: "Oila turk jamiyatining asosidir va er-xotin o'rtasidagi tenglikka asoslanadi", 90-modda: "Agar asosiy huquq va erkinliklarga oid xalqaro shartnomalar va milliy qonunchilikda bir mavzu bo'yicha turli qoidalar mavjud bo'lsa, xalqaro shartnomalar qoidalari ustuvor hisoblanadi"<sup>8</sup>. Konstitutsiyaviy qoidalar nafaqat KSGM uchun, balki TCE asosiy siyosatini amalga oshirish vazifasi yuklangan barcha institutlar uchun ham rioya qilinishi kerak bo'lgan asosiy normalarning manbalarini belgilaydi.

KSGM davlat va nodavlat institutlar ishtirokida tayyorlangan Milliy harakatlar rejalari orqali gender tenglikni ta'minlashga oid asosiy siyosatini belgilaydi va amalga oshiradi. Gender tengligiga erishishni maqsad qilgan ushbu milliy rejalarda, KSGMdan tashqari qaysi davlat muassasalarining qaysi siyosatni amalga oshirishi, qanday vazifalarni bajarishi va qanday ishlarni bajarishi ko'rsatilgan. Shu ma'noda, harakat rejalari Turkiya gender siyosatining asosiy strategiyasini belgilaydi va amalga oshiradi.

KSGM rejalashtirish va amalga oshirish mas'uliyatini o'z zimmasiga oladigan harakatlar rejalari maqsadlariga ko'ra turli miqyosda tayyorlanadi. Umumiy maqsadli gender tengligi bo'yicha harakatlar rejalardan tashqari, ayollarga nisbatan zo'ravonlikning oldini olish kabi maxsus maqsadli harakatlar rejalari ham mavjud. Qolaversa, qishloq ayollarining imkoniyatlarini kengaytirish bo'yicha chora-tadbirlar

<sup>7</sup> Prof. Dr. Serpil Sancar. Siyasal Kararlara Katılımda Toplumsal Cinsiyet Eşitliği Haritalama ve İzleme Çalışması. Türkiye'de Katılımcı Demokrasinin Güçlendirilmesi: Toplumsal Cinsiyet Eşitliğinin İzlenmesi Projesi. Ankara. 2018. S.65.

<sup>8</sup> Türkiye Cumhuriyeti Anayasası

<https://www.icisleri.gov.tr/kurumlar/icisleri.gov.tr/IcSite/illeridairesi/Mevzuat/Kanunlar/Anayasa.pdf>

rejasi rasmiy hujjatlar qatoriga kiritilgan bo'lsa-da, biz ushbu rejaning amalga oshirilishi haqida hech qanday ma'lumot topmadik.

Gender tengligi bo'yicha birinchi milliy harakat rejasi 1996-yilda Turkiya IV Jahon ayollar kongressida ishtirok etib, Pekin harakat rejasini qabul qilganidan keyin ishlab chiqilgan<sup>9</sup>. Bu reja qanday amalga oshirilganligi haqida rasmiy ma'lumot yo'q. Rejaning bajarilishi yuzasidan monitoring va baholash o'tkazilmagan. Reja matnining siyosiy ahamiyati shundaki, u Turkiyaning demokratik davlatlar yaratgan platformalarda mavjud bo'lish istagini ko'rsatadi xolos.

Navbatdagi reja 12 yil o'tib, 2008-yilda I Gender tengligi bo'yicha milliy harakat rejasi (2008-2013) nomi bilan e'lon qilindi. Reja 2013-yil oxiridan keyingi besh yillik davrda davom etish rejasini o'rganish orqali yakunlandi. Loyiha matni siyosiy tasdiqlash organi tomonidan imzolanmay turib to'xtatib qo'yildi. Bu reja 2018-yilgacha tasdiqlanmagan, ammo boshqa reja ham tuzilmagan. Shu sababli, ushbu sanalar orasida milliy harakatlar rejasi mavjud emas.

2018-yilda kuchga kirgan TCE bo'yicha besh yillik milliy harakatlar rejasi sarlavhasida "gender tengligi" tushunchasi o'rniga "ayollarning imkoniyatlarini kengaytirish strategiyasi" atamasining kiritilgani ayollarning huquqlarini belgilovchi tushunchalar qanchalik ko'p ekanligini ko'rsatadi.

TCE bilan bog'liq barcha tarmoq va institutsional siyosat va tadbirlar joylashgan umumiy xarakterdagi so'nggi ikkita harakat rejasida mavjud bo'lgan asosiy me'yorlar, siyosat maqsadlari va monitoring usuli quyidagi jadvalda taqqoslangan<sup>10</sup>:

**Milliy mexanizm harakat rejalarining normalari va maqsadlari  
qiyoslamasi:**

	<b>2008-2013-yillarga mo'ljallangan Gender tengligi milliy harakat rejasi</b>	<b>2018-2023-yillarda Ayollar imkoniyatlarini kengaytirish strategiyasi hujjati va harakatlar rejasi</b>
<b>Asosiy normalar</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Gender yondashuvi</li> <li>• Ijtimoiy gender tengligi</li> <li>• Genderni hisobga olish</li> </ul>	Ayollar imkoniyatlarini kengaytirish

<sup>9</sup> Ulusal ve yerel eylem planları. CEİM E-kütüphanesi. <http://dSPACE.ceid.org.tr/xmlui/handle/1/50>

<sup>10</sup> Prof. Dr. Serpil Sancar. Siyasal Kararlara Katılımda Toplumsal Cinsiyet Eşitliği Haritalama ve İzleme Çalışması. Türkiye'de Katılımcı Demokrasinin Güçlendirilmesi: Toplumsal Cinsiyet Eşitliğinin İzlenmesi Projesi. Ankara. 2018. S.61.

<b>Asosiy siyosat maqsadlari</b>	7 ta asosiy maqsad: ta'lim, sog'liqni saqlash, iqtisodiyot, hokimiyat va qarorlar qabul qilish jarayonlarida ishtirok etish, qashshoqlik, ommaviy axborot vositalari va atrof-muhit.	5 ta asosiy maqsad: ta'lim, sog'liqni saqlash, iqtisodiyot, qaror qabul qilish mexanizmlarida ishtirok, ommaviy axborot vositalari.
<b>Kuzatuv mexanizmi</b>	TURKSTAT tomonidan indikator ma'lumotlari bilan amalga oshiriladi.	Oila, mehnat va ijtimoiy xizmatlar vazirligi faoliyat ko'rsatkichlari asosida yillik hisobotlarni tayyorlaydi.

Xotin-qizlarga nisbatan zo'ravonlikning oldini olish bo'yicha milliy harakatlar rejasini tayyorlash 2007-yilda boshlangan va bir yil (2010-2011-yillar)dan tashqari, uch marta to'xtovsiz amalga oshirishga yo'naltirilgan chora-tadbirlardan iborat reja sifatida ishlab chiqilgan.

Quyida ayollar Turkiya Respublikasida gender tenglikni ta'minlash borasidagi muhim hujjatlar keltirilgan.

- Gender tengligi milliy harakat rejasi (1996);
- Gender tengligi bo'yicha I milliy harakatlar rejasi (2008-2013);
- Ayollar imkoniyatlarini kengaytirish strategiyasi hujjati va harakatlar rejasi (2018-2023 yillar);
- Ayollarga nisbatan zo'ravonlikning oldini olish bo'yicha I Milliy harakatlar rejasi (2007-2010);
- Ayollarga nisbatan zo'ravonlikka qarshi kurashish bo'yicha II Milliy harakatlar rejasi (2012-2015);
- Ayollarga nisbatan zo'ravonlikka qarshi kurashish bo'yicha III Milliy harakatlar rejasi (2016-2020);
- Qishloq joylarda ayollarning imkoniyatlarini kengaytirish bo'yicha Milliy harakatlar rejasi (2012-2016)<sup>11</sup>.

Ayollarga nisbatan zo'ravonlikka qarshi kurashish bo'yicha harakatlar rejalariga kiritilgan muassasalarni ularning asosiy vazifalari bo'yicha qiyosiy ko'rib

<sup>11</sup> Ulusal ve yerel eylem planlari. CEİM E-kütüphane. <http://dspace.ceid.org.tr/xmlui/handle/1/50>



chiqsak, shu paytgacha nodavlat notijorat tashkilotlari yoki mahalliy hokimiyatlar tomonidan olib borilayotgan ayollarga nisbatan zo'rvonlikka qarshi kurash harakatlari endilikda asosan davlat institutlari tomonidan amalga oshirayotganini ko'ramiz. Ayniqsa, so'nggi yillarda Xavfsizlik Bosh boshqarmasi (Emniyet Genel

Müdürlüğü), Jandarm Bosh qo'mondonligi (Jandarma Genel Komutanlığı) va Din ishlari vazirligi (Diyanet İşleri Başkanlığı) kun tartibida bu boradagi masalalarni uchratamiz. Aytishimiz mumkinki, ayollarga nisbatan zo'rvonlikning oldini olishga qaratilgan siyosat erkaklar hukmronligini o'zgartiruvchi siyosatdan ko'ra, xavfsizlikni ta'minlash va diniy e'tiqodlar orqali zo'rvonlikning oldini olish sifatida belgilanishi mumkin bo'lgan yangi strategik maqsad sari bosqichma-bosqich o'zgarib borayotganligini ko'rishimiz mumkin<sup>12</sup>.

Gender tenglikni ta'minlash milliy mexanizmining asosiy strategiyasi va siyosat hujjatlarini (harakat rejalari, va hokazo) tahlil qilar ekanmiz, Turkiyaning asosiy xalqaro me'yorlarni belgilovchi kelishuvlarga rioya qilish irodasida tubdan kamchilik yo'qligini ko'rish mumkin. Bu holat Turkiyadagi tengsizliklarning manbai qonuniy va strategik tanlovlarning ishlab chiqilmaganligi emasligini ko'rsatadi. Mazkur qarorlarning ijro etilmagani bu borada yetarli va barqaror siyosiy iroda yo'qligi, mas'ul muassasalarning salohiyati yetarli emasligidan dalolat beradi.

Ushbu fikrni Jahon iqtisodiy forumi tomonidan 2006-yildan buyon tashkil etilib kelinayotgan mamlakatlarning gender nomutanosiblikni bartaraf etishdagi sa'y-harakatlarini to'rt asosiy mezon: iqtisodiy ishtirok va imkoniyatlar, ta'lim darajasi, salomatlik va siyosiy vakolatlari doirasida baholovchi Global gender tafovut indeksining 2023-yilgi hisoboti natijalariga ko'ra, 146 mamlakat orasida Turkiya 129-o'rinda bo'lib, ushbu ko'rsatkich bilan oldingi yilgi ko'rsatkichdan besh pog'ona pastlagani ham tasdiqlaydi<sup>13</sup>.

Turkiya Respublikasida gender tenglikni ta'minlashni ko'zda tutuvchi milliy mexanizmlar tahlili hamda ushbu yo'nalishda izlanishlar olib borayotgan olimlar tadqiqotlariga tayanib, bu borada kuzatilayotgan muammolarni sabablari quyidagilar degan xulosaga kelindi:

**Birinchidan**, Turkiya TCEni amalga oshirish uchun yaratgan milliy mexanizmda ayollar huquqlari va oilani himoya qilish siyosati boshidanoq birga

<sup>12</sup> Prof. Dr. Serpil Sancar. Siyasal Kararlara Katılımda Toplumsal Cinsiyet Eşitliği Haritalama ve İzleme Çalışması. Türkiye'de Katılımcı Demokrasinin Güçlendirilmesi: Toplumsal Cinsiyet Eşitliğinin İzlenmesi Projesi. Ankara. 2018. S.96.

<sup>13</sup> Global Gender Gap Report 2023 by the World Economic Forum. June 2023. <http://reports.weforum.org/globalgender-gap-report-2023>. Table 1.1. The Global Gender Gap Index 2023 rankings. P.11.



bo'lib, bu ikki siyosat sohasi ba'zan bir-biridan butunlay ajralgan holda, ba'zan esa o'zaro bog'langan holda amalga oshirilgan. Aytishimiz mumkinki, bu siyosatning o'zaro kuchlar muvozanati doirasida mos yoki ziddiyatli bo'lishi Turkiyada hukumatni boshqarayotgan siyosiy partiya(lar)ning mafkuraviy imtiyozlari va o'sha davrdagi ayollar huquqlarini himoya qiluvchi tashkilotlarning siyosiy kuchiga qarab o'zgaradi.

**Ikkinchidan**, TCEni amalga oshirish uchun tayyorlangan va amalga oshirilgan milliy harakat rejalari vaqt o'tishi bilan tobora ko'proq davlat institutlarini o'z ichiga oldi. Shu bilan birga, mahalliy davlat hokimiyati organlari va fuqarolik tashkilotlari bilan hamkorlik siyosati zaiflashganini va asosiy oqim faqat markaziy davlat institutlari tomon kengayganini ham ko'ramiz. Boshqacha qilib aytganda, TCE siyosati davlatning asosiy institutlariga kiritilgani va siyosatning asosiy yo'nalishiga aylanganligi sababli, fuqarolik jamiyati bilan hamkorlik kamroq namoyon bo'ladi.

**Uchinchidan**, siyosiy irodaning o'zgarishi, siyosiy qaror qabul qiluvchilarning salbiy munosabati va byurokratik salohiyatning yetarli emasligi bosqichma-bosqich ishlab chiqilishi kerak bo'lgan harakatlar rejalari o'rtasida uzoq vaqtlik tanaffuslarni keltirib chiqardi. Ushbu kechikishlar, vaqt bo'shliqlari va yondashuvdagi tub o'zgarishlar TCE siyosatining amalga oshirishdagi beqarorligining muhim ko'rsatkichidir. Bu holat asosiy siyosatning uzluksiz va beqaror xarakterini, shuningdek, institutsional tuzilmadagi beqarorlikni keltirib chiqardi.

**To'rtinchidan**, milliy harakatlar rejalaridagi siyosat tili bilvosita aralashuv va ijro hokimiyati yo'qligi sababli maslahat xarakteriga ega. Harakat rejasi tadbirlarini ogohlilikni oshirish, mentalitetni o'zgartirish, ogohlilikni oshirish va shunga o'xshash nomlar sifatida belgilash bunga misol bo'la oladi. Ushbu bilvosita va passiv tilni boshqa tengsizliklar sohalarida ham ko'ramiz. Bunday yondashuv ayollarga nisbatan zo'ravonlikning oldini olish bo'yicha harakatlar rejasida ham ko'zga tashlanadi. Xususan, ayollarga nisbatan zo'ravonlik sodir etgan erkaklarga nisbatan hech qanday ta'rif va ehtiyot choralari yo'q. Garchi genderga asoslangan tengsizlik harakat rejalarda belgilab qo'yilgan va davlat siyosati sifatida belgilangan bo'lsa-da, to'g'ridan-to'g'ri institutsional yoki siyosiy aralashuv orqali muammolar yechimi ko'zda tutilmagan; Yechim mentalitetni o'zgartirish sifatida ko'riladi. Biroq, mentalitet, madaniy amaliyot va odatlarni hech qachon butunlay yo'q qilib bo'lmaydi. Mentalitetni o'zgartirish muhim maqsad bo'lsa-da, kamsitishning oldini oladigan choralarni ko'rish va kerak bo'lganda jabrlanuvchilarni himoya qilish uchun jamoat kuchidan foydalanish muhimdir. Xususan, ayollarning siyosiy qarorlar qabul qilishdagi ishtirokini oshirish harakatlar rejalariga kiritilgan siyosat maqsadidir,

bunga mentalitetni o‘zgartirish orqali erishib bo‘lmas ekan, samarali gender siyosat va maqsadli kvotalarni qo‘llash orqali teng vakillik va qo‘llab-quvvatlash siyosatiga qaratilgan institutsional o‘zgarishlarni hal qilish muhimdir.

**Beshinchidan**, Turkiyadagi gender tengsizliklari bilan kurashishga harakat qilayotgan huquqqa asoslangan fuqarolik tashkilotlari o‘z faoliyatlari uchun moliyaviy manbalar topish va milliy mexanizmga kiritilgan davlat muassasalari tomonidan moliyaviy yordam ko‘rsatilmashligi muammosi davom etmoqda. Ushbu institutlarning aksariyati xalqaro jamg‘armalar va BMT, Yevropa Ittifoqi va Jahon banki kabi institutlarning loyihalarga asoslangan moliyaviy mablag‘lariga tayangan holdagina faoliyat yurita olishi ularning imkoniyatlarini cheklab qo‘ymoqda.

### REFERENCES:

1. Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. Нью-Йорк, 18 декабря 1979 года. <https://lex.uz/docs/2685526>
2. Global Gender Gap Report 2023 by the World Economic Forum. June 2023. <http://reports.weforum.org/globalgender-gap-report-2023>. Table 1.1. The Global Gender Gap Index 2023 rankings. P.11.
3. Kardam, N. ve Acuner, S. National women’s machineries: structures and spaces. Shirin M. Rai (ed.), Mainstreaming gender, democratizing the state? Institutional mechanisms for the advancement of women. Manchester University Press. 2018. P. 96-113. <https://www.manchesteropenhive.com/view/9781526137494/9781526137494.00014.xml>
4. Türkiye Cumhuriyeti Anayasasi <https://www.icisleri.gov.tr/kurumlar/icisleri.gov.tr/IcSite/illeridairesi/Mevzuat/Kanunlar/Anayasa.pdf>
5. Türkiye Cumhuriyeti 5251 sayılı “Kadının Statüsü Genel Müdürlüğü Teşkilat ve Görevleri Hakkında Kanun”. <https://www.resmigazete.gov.tr/eskiler/2004/11/20041106.htm>
6. Türkiye Cumhuriyeti Ulusal ve yerel eylem planları. CEİM E-kütüphane. <http://dSPACE.ceid.org.tr/xmlui/handle/1/50>
7. Prof. Dr. Serpil Sancar. Siyasal Kararlara Katılımda Toplumsal Cinsiyet Eşitliği Haritalama ve İzleme Çalışması. Türkiye’de Katılımcı Demokrasinin Güçlendirilmesi: Toplumsal Cinsiyet Eşitliğinin İzlenmesi Projesi. Ankara. 2018. 113 s.

## MARKAZIY OSIYO TRANSPORT KORIDORLARI TURKIY DAVLATLAR INTEGRATSIYASI GAROVI

**M. Z. Aymatov**

Toshkent Davlat transport universiteti talabasi

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada Markaziy Osiyo va turkiy davlatlarning integratsiya g'oyalarining o'sishi hamda rivojlanishi bilan bog'liq sabab va zaruriyatlar taklif hamda mulohazalar, integratsiya masalalari oldida turgan yechim va imkoniyatlar, turkiylarning o'zaro integratsiya bilan bog'liq savdo iqtisodiy transport koridorlari va ularning rivojlanib boorish natijasida ko'rsatadigan yechimlari bilan bog'liq vaziyatni tushunish imkonini beradi

**Tayanch so'zlar:** integratsiya, geostrategiya, transport koridori, transport-logistika, pragmatik siyosat.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье рассматриваются причины и потребности, связанные с ростом и развитием идей интеграции Центральной Азии и тюркских стран, предложения и соображения, решения и возможности, стоящие перед интеграционными проблемами. Это позволяет понять ситуацию, связанную с торгово-экономическими транспортными коридорами, связанными со взаимной интеграцией турок, и решения, которые они демонстрируют в результате своего развития.

**Ключевые слова:** интеграция, геостратегия, транспортный коридор, транспортно-логистика, прагматическая политика

### ABSTRACT:

In this article, the reasons and needs related to the growth and development of the ideas of integration of Central Asia and Turkic countries, proposals and considerations, solutions and opportunities facing integration issues. It allows to understand the situation related to the trade economic transport corridors related to the mutual integration of Turks and the solutions they show as a result of their development.

**Keywords:** integration, geostrategy, transport corridor, transport-logistics, pragmatic policy.

Dunyoda ikki qutblilikning tugatilishi hamda iqtisodiy o'sish natijasi o'laroq dunyodagi yirik sivilizatsiya vakillarining siyosat maydoniga chiqishi, va boshqa xalqlarning milliy o'zlikni anglashga bo'lgan qiziqishi ortishi, intilishi va anglash natijasi o'laroq turkiy xalqlariga tegishli "buyuk turon davlati" kabi g'oyalari qayta uyg'ondi va o'sib bormoqda. Dunyo tajribasidan ma'lumki davlatlar o'zaro ittifoqlari vujudga kelishi uchun ularning hohish istaklari hamda ma'nfatlaridan tashqari madaniy diniy yaqinligi ham katta ahamiyat kasb etadi. Bugungi kundagi turkiy davlatlarining birlashishi yuqoridagi me'zonlarga ancha mos keladi. O'zbekiston Respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoyev olib borgan ochiqlik va pragmatik siyosat tufayli Markaziy Osiyoda muhit o'zgardi aloqalar yaxshilandi. Undan tashqari turkiy davlatlarida yasho'vchi davlatlarning xavfsizlik masalalari yanada birlashtirayapti. Misol tariqasida dunyoda kuchayotgan imperialistik va shovinistik qarashga ega bo'lgan kuchlarning mavjudligi hamda o'sib borishi aytaylik turkiylarning uyg'onishiga qarshi kuchlar tomonidan yangrab turgan bayonotlar yaqin yoki o'rta kelajakda Markaziy Osiyo shu jumladan turkiy davlatlarga bo'ladigan tahdidlarga qarshi turish kabi vazifalarni o'z oldiga qo'yadi

Hozirgi kunda turkiylar yashab kelayotgan Markaziy Osiyo davlatlarining geostrategik nuqtada joylashgan bo'lib asosiy savdo yo'llari shimoliy hududlardan o'tgan bu ko'p jihatidan mintaqa mahsulot tovarlari yevropa bozorlariga chiqishida muqobil yo'llarning yo'qligi shimolga bog'liqlikni oshirmoqda, bu esa shovinistik imperialistik qarashga ega davlatlarning mintaqa taraqqiyotini nazorat qilishi qisqacha Markaziy Osiyo davlatlarining rivojlanishini o'zligini anglab qayta uyg'onmasligini hohlaydi. Agarda minatqa boy rivojlanib taraqqiy etib borsa ularning hududiy birligiga putur yetkazishi mumkun deb hisoblaydilar, bunga sabab ushbu davlatlarning hududida yashovchi turkiy elat va xalqlarning mavjudligi va ular yashayotgan hududlarda yirik neft gaz konlari va boshqa asosiy tabiiy boyliklari joylashgan hududlar hisoblanadi. Mintaqa davlatlarining jahon hamjamiyatiga yanada chuquroq kirib borishi, o'zaro savdo aloqalarni rivojlantirilishi uchun yangi savdo yo'llari savdo karidorlaridan foydalanish zarur bo'ladi. Buning uchun Markaziy Osiyo va turkiy xalqlar manfaatlariga mos keluvchi transport koridorlaridan foydalanish va rivojlantirish kerak bo'ladi. Yirik davlarning ta'siriga tushib qolishidan cheklanishi, umumiy manfaatli pragmatik siyosat yurgizish mintaqa davlatlari manfaatiga mos Markaziy Osiyo to'qnashadigan mavjud muammolar hal etilishi Akademik V. Bartold qayd etganidek: "Turkiston kelajagi u jahon savdosida qaysi o'ringa ega bo'lishiga bog'liq. Turkistonning savdoga oid mohiyati quruqlikdagi

hamda dengiz savdosi mohiyatini qayta tiklovchi temir yo'llari rivojlanishiga bog'liq". SSSR inqirozga uchraganidan so'ng, dengizga chiqishga ega bo'lmagan davlatlar soni 29 ga yetdi va O'zbekiston Respublikasi bunda alohida o'rin tutadi, chunki u dunyo okeanidan kamida ikkita davlat hududi bilan ajratilgan jahondagi ikkita davlatdan biri hisoblanadi.

Mutaxassislarning fikricha, yuk tashish hajmini oshirishning ijobiy omillari Markaziy Osiyo mamlakatlari va ularning qo'shnilari, shuningdek, boshqa global o'yinchilar bilan iqtisodiy aloqalarni rivojlantirishdir. Avtomobil yo'llari, temir yo'llar, portlar va yuk terminallarini qurish yoki modernizatsiya qilish, mintaqa davlatlari yoki boshqa davlatlar bilan savdo shartnomalarini imzolash kabi infratuzilmaga sarmoya kiritish Markaziy Osiyo orqali yuk tashish va tranzitni rag'batlantirishi mumkin. Mintaqadagi siyosiy barqarorlik yuk tashish xavfsizligi va prognozligini ta'minlashda ham muhim rol o'ynaydi.

Shunisi e'tiborga loyiqki, dunyodagi geosiyosiy notinchliklar Markaziy Osiyo davlatlarining yangi sarmoya manbalarini jalb qilish va Yevropa Ittifoqi bilan transport shartnomalarini tuzish imkoniyatlarini kengaytirdi. Kelishuvlar to'plami nafaqat transport mavzularini, balki sug'urta, xavfsizlik, axborot ta'minoti va boshqa kapital talab qiluvchi hamkorlik sohalarini ham o'z ichiga oladi.

### **Transport koridorlaridan foydalanish.**

Turkiy davlatlarning integratsiyalashuvida Markaziy Osiyo davlatlarinig o'rni katta. Shuning uchun ushbu mintaqada tinchlik va iqtisodiy barqarorlik muhim. mintaqa davlatlarini shimoldan boshqa muqobil yo'llardan topishi va foydalanishi mintaqa ma'nfatlariga har tomonlama mos keladi Markaziy Osiyo davlatlari logistika sohasida katta o'zgarishlarga tayyor, chunki yangi transport yo'laklarini yaratish rejalari jadallashib bormoqda. Muhimi, jumladan, multimodal yuk tashish uchun Xitoy-Qirg'iziston-O'zbekiston temir yo'li qurilishining boshlanishi mintaqaviy aloqalarni rivojlantirish va savdoni osonlashtirishda muhim bosqich bo'ladi.

“Hozir butun dunyoda resurslardan tashqari, transport-logistika imkoniyatlaridan foydalanish uchun kurash kuchaymoqda. Bu strategik hudud. Qozog'iston ham, Ozarbayjon ham bu yerda tabiiy sheriklar sifatida yaqindan o'zaro hamkorlik qilayotgani quvonarlidir. Bugungi kunda Sian portidan Qozog'iston hududi orqali Ozarbayjonga temir yo'lining ochilish marosimi ham ko'p narsadan dalolat beradi”, — deydi Qozog'iston Respublikasi prezidenti Qosim Jomart Toqayev

Markaziy Osiyo mamlakatlarida yuk tashish hajmi ortib bormoqda Birgina 2023-yilning yanvar-noyabr oylarida Qozog'iston hududi orqali yuk tranziti 2022-yilga nisbatan 21 foizga oshdi va 29 million tonnani tashkil etdi. 2023-yilda jami



*DOI:*

980,7 million tonna yuk tashilgan, bu 2022-yilga nisbatan 4,4 foizga ko‘pdir. Sohaga yo‘naltirilgan investitsiyalar hajmi bir yarim barobardan ko‘proq oshib, 1,8 trillion tengega yetdi. Ularning asosiy qismi yuk tashish hajmi va sifatini oshirish uchun infratuzilmani rivojlantirishga yo‘naltiriladi.

O‘zbekistonda 2023-yilda xalqaro yuk tashish hajmi 59,2 million tonnaga yetdi, ya’ni 2022-yilga nisbatan 110,4 foizni tashkil etdi. Shu bilan birga, import qilinadigan tovarlar oqimi eksportdan deyarli ikki baravar ko‘p. O‘zbekiston Respublikasiga 29,7 million tonna yuk yetkazib berildi, 15,5 million tonnasi eksport qilindi. Ko‘rsatkichlarning o‘shishi mos ravishda 114,1 va 100,8 foizni tashkil etadi. O‘zbekiston hududi orqali tashilgan tranzit yuklar hajmi 13,9 million tonnani tashkil etdi.

Qirg‘izistonda 2023-yilda barcha transport turlarida tashilgan yuklarning umumiy hajmi 51 million tonnani tashkil etdi, bu o‘tgan yilga nisbatan 6,7 million tonnaga ko‘pdir. Yuklarning umumiy hajmidan 41,2 million tonnasi avtomobil transportida tashilgan, bu esa avtomobil transporti harakatining yuqori faolligini tasdiqlaydi. Temir yo‘l transporti ham salmoqli ulushga ega bo‘lib, 9,3 million tonna yuk tashildi.

2023-yilda Turkmaniston iqtisodiyotining eng jadal rivojlanayotgan tarmoqlaridan biri transport kompleksi bo‘ldi. 2023-yilning 11 oyida bu boradagi ishlar va xizmatlar hajmi sezilarli darajada – 21,3 foizga oshgani qayd etildi. “Vestiabad.ru” xabariga ko‘ra, yuk tashish hajmi 3,9 foizga oshgan. Barcha tarmoqlar yuqori o‘shish sur‘atlarini ko‘rsatdi: temir yo‘l transporti – 6,5 foiz, avtomobil transporti – 17 foiz, havo transporti – qariyb 2 barobar, dengiz va daryo transporti – 5,2 foiz. Natijalar shuni ko‘rsatadiki mintaqada davlatlari yuk tashish yoki yirik export import salohiyatiga ega Markaziy Osiyoda ikkita xalqaro transport yo‘lagi mavjud – Transkaspiy xalqaro transport yo‘li (TITR yoki O‘rta yo‘lak, Qozog‘iston orqali o‘tadi) va Janubiy yo‘lak (Qirg‘iziston, Tojikiston, O‘zbekiston va Turkmaniston orqali o‘tadi), ularning ekstremal ta‘minlanish nuqtalari mamlakatlar hisoblanadi

Yamanning Eron tomonidan qo‘llab-quvvatlangan hussiy isyonchilari tomonidan Qizil dengizdagi savdo kemalariga 2023-yilning noyabr oyidan beri davom etayotgan hujumlari “ O‘rta yo‘lak ” deb nomlanuvchi yangi rivojlanayotgan Markaziy Osiyo savdo tarmog‘iga yangi turtki berdi Dastlab 2000-yillarning oxirida ishlab chiqilganidek, O‘rta koridorning asosiy tranzit savdo yo‘li Yevropadan Turkiya, Kavkaz tog‘lari, Kaspiy dengizi va Qozog‘iston orqali Xitoyga o‘tgan. Ushbu yo‘nalish bo‘ylab joylashgan mamlakatlar uni Transkaspiy xalqaro transport yo‘nalishi (TITR) deb atashgan. O‘shandan beri ular uni Evroosiyo boshqa



*DOI:*

asosiy sharq-g'arbiy savdo yo'llariga – Rossiyadagi Trans-Sibir temir yo'liga (yoki «Shimoliy yo'lak») va Hind okeaniga (yoki «Janubiy koridor») munosib muqobil qilish ustida ishladilar. TITR bo'yicha hali ko'p ish qilinishi kerak bo'lsa-da, Rossiyaning 2022 yilgi Ukrainaga bostirib kirishi unga xalqaro e'tiborni qaratdi. To'satdan Evropa Sharqiy Osiyoga Rossiyani chetlab o'tadigan yangi quruqlikdagi savdo yo'lini qidirdi va O'rta koridor bu qonunga mos keladi. Rivojlantirishni tezlashtirishga harakat qilishdi. Ulardan Turkmaniston-O'zbekiston yo'nalishi eng ko'p o'sishga erishdi. Shubhasiz, bu ikki davlatning iqtisodiy rivojlanishiga va Rossiyaga qaramligini kamaytirishga yordam beradi..

Yoki yana shunda muhim transport koridorlaridan biri Zangezur ushbu yo'l ishga tushadigan bo'lsa Markaziy Osiyodagi katta yuklar Yevropa bozorlariga kirib borishi mumkin bo'ladi Zangezur yo'lagi Janubiy Kavkazdagi strategik darvoza sifatida ajralib turadi. Bu yo'lak Ozarbayjonning Naxichevan Muxtor Respublikasini o'zining asosiy hududi bilan bog'laydigan va Armanistonni mintaqaviy hamda iqtisodiy integratsiyasini qamrab oluvchi transport va savdo yo'li hisoblanadi. Zangezur yo'lagining ahamiyati mintaqadagi siyosiy, iqtisodiy va xavfsizlik dinamikasida ulkan ahamiyatga ega. Sovet Ittifoqiga qadar Zangezur asosan musulmon turklar yashaydigan hudud edi. 1920-yillarda Sovet Ittifoqi tomonidan Armanistonga qo'shilgach, mintaqaning demografik tuzilishi o'zgarib boshladi. Zangezur yo'lagi tarixan mintaqadagi turli madaniyatlar, etnik guruhlar va davlatlar o'rtasidagi bog'lovchi yo'lak bo'lib kelgan.

Ozarbayjon energiya resurslariga boy davlat bo'lib, u Rossiya bilan energiya resurslarini eksport qilish va tranzit qilish bo'yicha ko'plab shartnomalar imzolagan. Zangezur yo'lagidan Ozarbayjon energetika resurslarini Naxichevanga tashish uchun foydalanish mumkin, bu esa kelajakda Rossiya bilan energiya eksporti sohasida raqobatbardosh mavqeni yaratishi mumkin. Zangezur yo'lagining ochilishi va undan foydalanish mintaqaviy kuchlar o'rtasidagi muvozanatga ta'sir qiladi. Rossiya mintaqadagi siyosiy va iqtisodiy o'zgarishlarni diqqat bilan kuzatib bormoqda va bu koridorning ochilishi bilan mintaqaviy muvozanat o'zgaradi.

Yana bir yirik loyihalardan biri bu “Bir kamar, bir yo'l” tashabbusidir

“Bir kamar, bir yo'l” tashabbusi 2013-yil sentabr oyida Xitoy rahbari Si Zinpin tomonidan ilgari surilgan edi. U Janubi-Sharqiy Osiyo, Afrika, Yaqin Sharq va Yevropa mamlakatlariga tovarlarni tez va arzon yetkazib berish uchun quruqlik va dengiz savdo yo'llarini birlashtirishni taklif qildi. Buning uchun ikkita loyiha – bir nechta iqtisodiy yo'laklarni o'z ichiga olgan “Ipak yo'li iqtisodiy kamari” va “XXI

**DOI:**

asr dengiz ipak yo'li'ni birlashtirish taklif etilmoqda. Ayni paytda ushbu dastur doirasida 150 dan ortiq davlat Xitoy bilan hamkorlik shartnomalarini imzolagan.

"Ipak yo'lining iqtisodiy kamari" Loyiha Xitoy va Yevropani Markaziy Osiyo orqali bog'lagan qadimgi Ipak yo'li karvon yo'li sharafiga nomlangan. "Ipak yo'li iqtisodiy kamari" loyihasi doirasida bir nechta iqtisodiy yo'laklarni yaratish rejalashtirilgan: Yevroosiyo, Xitoy-Mo'g'uliston-Rossiya, G'arbiy Osiyo, Xitoy-Pokiston, Xitoy-Hindiston, Xitoy-Janubiy-Sharqiy Osiyo. Loyihaning taxminiy muddati - 30 yil. iqtisodiy kamarining asosiy nuqtalari Sian (Xitoy), Olmaota (Qozog'iston), Bishkek (Qirg'iziston), Samarqand (O'zbekiston), Tehron (Eron), Istanbul (Turkiya), Moskva va Duysburg (Germaniya) bo'ladi. Si Tszinpinning so'zlariga ko'ra, yer loyihasi beshta asosiy muammoni hal qilishga yordam beradi:

- mintaqaviy iqtisodiy integratsiyani mustahkamlash;
- yagona trans-Osiyo transport infratuzilmasini qurish;
- investitsiya va savdo to'siqlarini bartaraf etish;
- milliy valyutalarning rolini oshirish;
- gumanitar sohadagi hamkorlikni chuqurlashtirish.

"Bir kamar va yo'l" tashabbusi (BRI) infratuzilma loyihalari savdo xarajatlarini kamaytirishi hamda Markaziy Osiyo va Janubiy Kavkazda xorijiy sarmoyalarni ko'paytirishi kutilmoqda.

**Xulosa**

Turkiy davlatlarning integratsiyalashuvida transport koridorlari o'rni katta bo'lib muqobil savdo yo'llarining ochilishi mamlakatlarning o'zaro savdo va daromadning o'sishi, iqtisodiy taraqqiyot bilan birga madaniy o'zlikni anglash darajasi kuchayishi iqtisodiy bog'liqlik hamda turkiylarni birlashtirishga va rivojlantirishga asoslangan har qanday ijobiy loyihalarni kengaytirish va qo'llab quvatlash, har qanday tashqi va ichki tahdidlarga birgalikda javob berish mamlakatlar orasida o'zaro madaniy, iqtisodiy aloqalarni kuchayishi yaqin kelajakda turkiy davlatlarni integratsiyalashuvi bilan birlashishiga asos bo'lib xizmat qiladi. Bunda turkiylarning bajarishi kerak bo'lgan ishlardan biri iqtisodiy bog'liqlikni kuchaytirish savdo aloqalarini rivojlantirish va davlatlarning investitsiyalarni jalb qilish iqtisodiy aloqalarida faollashuvi va ko'maklashuvidan iborat. Ushbu hozirgi jarayonlarni har bir davlat mohiyatan anglab yetmog'i lozim.

**REFERENCES**

1. <https://gov.uz/miit/> Министерство инвестиций, промышленности и торговли Республики Узбекистан.

---

*DOI:*

2. inform.kz Страны Центральной Азии строят новые транспортные коридоры и меняют логистику 2024.
3. eurasiatoday.ru Транспортные коридоры Центральной Азии — новые возможности для бизнеса 2024.
4. www.vsemirniybank.ru Инициатива «Один пояс и один путь» в Центральной Азии и на Кавказе 2019.
5. uzsm.uz Transport yo'laklari haqida 2020.

## TURKIY DAVLATLAR TRAMVAY YO‘LLARINING RIVOJLANISH TARIXI VA ISTIQBOLLARI

**X. K. Umarov**

PhD, dotsent, Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O‘zbekiston

**A. Q. Aliqulov**

Magistr, Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O‘zbekiston

### **АННОТАЦИЯ:**

Turkiy davlatlarning shahar transportning o‘ta muhim ahamiyati ularning o‘ziga xos xususiyatlari - katta hudud, odamlar transportining yuqori zichligi va yer usti transport tarmog‘ining past zichligi bilan bog‘liq. Turkiy davlatlarning yo‘lovchi tashish sohasidagi xorijiy tajriba shuni ko‘rish mumkinki mamlakatlarning geografik joylashuvi va rivojlanish darajasiga qarab bir-biridan tubdan farq qiladi. Shu munosabat bilan ushbu maqolada turkiy davlatlar tramvay yo‘llarining rivojlanish tarixi va istiqbollari taxlili keltiriladi.

**Tayanch so‘zlar:** tramvay yo‘li, infrastruktura, turkiy davlatlar, O‘zbekiston, Turkiya, Vengriya, Ozarbayjon, Qozog‘iston

### **АННОТАЦИЯ:**

Чрезвычайное значение городского транспорта тюркских государств обусловлено их специфическими особенностями - большой территорией, высокой плотностью движения людей и низкой плотностью наземной транспортной сети. Зарубежный опыт в сфере пассажирских перевозок тюркских государств показывает, что страны принципиально отличаются друг от друга географическим положением и уровнем развития. В связи с этим в данной статье будет представлен анализ истории и перспектив развития трамвайных путей тюркских государств.

**Ключевые слова:** трамвай, инфраструктура, тюркские страны, Узбекистан, Турция, Венгрия, Азербайджан, Казахстан

### **ABSTRACT:**

The extraordinary importance of urban transport in the Turkic states is due to their specific features - a large territory, high density of human traffic and low density of the land transport network. Foreign experience in the field of passenger

transportation of the Turkic states shows that the countries fundamentally differ from each other in their geographical location and level of development. In this regard, this article will present an analysis of the history and prospects of the development of tramways in the Turkic states.

**Keywords:** tram, infrastructure, Turkic countries, Uzbekistan, Turkey, Hungary, Azerbaijan, Kazakhstan

**Kirish.** Markaziy Osiyoning qadimgi xalqlari madaniyati avvalgi davrlar madaniyati ta'siri ostida rivojlangan. Qadim zamonlardan beri Markaziy Osiyoning keng hududlarida katta va kichik xalqlar yashagan, jahon tsivilizatsiyasining rivojlanishiga hissa qo'shgan davlatlar mavjud edi. Ular orasida edi Markaziy Osiyo xalqlarining ko'chmanchi kuchlari umumiy "turkiylar" nomi bilan tanilgan. Bugungi kunda kelib ushbu halqlar Turkiy davlatlar tashkilotinomi bilan iqtisodiy, siyosiy, madaniy integratsiya va unifikatsiya jarayoniga kirib bormoqda. Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo va kuzatuvchi davlatlarning aholisi 150 million kishini tashkil etadi, ular 4 million 200 ming kvadrat kilometrlik katta va muhim geosiyosiy hududda joylashgan. Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo davlatlarning jahon iqtisodiyotidagi o'rni ham juda salmoqli hisoblanadi.

Tramvay eng istiqbolli shahar transporti bo'lib, qurilish va ekspluatatsiya uchun iqtisodiy xarajatlardan avtobus transporti va metro o'rtasida oraliq yo'lovchilarni tashish qobiliyatini egallaydi. Tramvay shaharning zarur hisoblangan transport ehtiyojlarini ta'minlashga imkoniyatiga ega [1-2]. Turkiy davlatlarda yuz yildan ortiq faoliyat davomida o'ziga xos afzalliklar, kamchiliklar, shuningdek rivojlanish yo'nalishi tahlili keltiriladi. Turkiy davlatlar tramvay yo'lining tahliliy tajriba ko'rastishicha atrof-muhit parametrlari bo'yicha shahar uchun eng maqbul bo'lgan infrastrukturalar bir ekanligini ko'rsatadi. Turkiy davlatlar tramvay yo'lining rivojlanish tarixi va istiqbollari keltiriladi.

**O'zbekiston:** 1896 yilda Toshkentda tramvay infrastrukturasi barpo etish boshlandi va 1912 yilning 30 dekabrda birinchi tramvay harakatlana boshlandi. 1990 yillargacha tramvay infrastrukturasi poytaxt Toshkentda jadal rivojlandi va uzunligi 270 kmni tashkil etib tramvaylar soni esa 500 dan oshdi. Ammo mustaqillik yillarida tramvay infrastrukturasi e'tibor kamligi sababli avtobus va metro transportlar bilan raqobatda imkoniyatni boy berdi. Bu esa tramvay infrastrukturasi Toshkent xokimiyati tomonidan moliyalashtirish qimmatga tushdi. Bundan tashqari tramvay yo'lini takomillashtirmaslik, innovasion va istiqbolli konstruksiyalaridan foydalanmaslik sababli Toshkent shahri avtomobil va tramvay yo'li kesishmalarida

ko‘plab tirbandliklarga olib keldi [1]. Xuddi shunday sabablar tufayli aholi va davlat xukumati tomonidan qarama-qarshi fikrlar rivojlandi va 2016 yilning 2 may kuni Toshkent shaxrida tramvay infrastrukturasiidan voz kechildi va shu bilan poytaxt tramvayining 115 yillik tarixi yakunlandi (1-rasm).



1-rasm. Toshkentda tramvay yo‘li

Toshkentda tramvay infrastrukturasiidan voz kechishini “Moskva iqtisodiyoti oliy maktabining transport siyosati instituti” direktori professor Mixail Blinkin “tramvay infrastrukturasiidan voz kechish – bu 1970-1980 yillarda dunyoning o‘nlab shaharlarida yo‘l qo‘yilgan odatiy xato” deb ta’riflaydi [1-2]. Takidlab o‘tish lozimki, hozirgi vaqtgacha rivojlangan davlatlar shaharlari ko‘chalarida tramvay infrastrukturasi paydo bo‘lganidan beri shaxarsozlik mutaxassislari tomonidan har xil qarama-qarshi munosabat mavjud bo‘lib kelmoqda. Hozirgi vaqtda kelib elektrobuslarning paydo bo‘lishi va ulardan jamoat transporti sifatida keng foydalanish tramvay infrastrukturasi rivojlantirish bo‘yicha shaxarsozlik mutaxassislari tomonidan qarama-qarshi ya’na kuchayishiga olib kelmoqda.

Birinchi tramvay yo‘li rels osti konstruksiyalari tosh asosdan foydalanish tramvay qatnovi mavjud bo‘lgan ko‘chalarda joylashgan aholining e’tirozlarga sabab bo‘lagan. Ammo tez orada tramvay yo‘li konstruksiyalari yog‘och shpaldan foydalanish orqali tramvay harakatidan paydo bo‘layotgan shovqin va tebranishlarni keskin kamaytirish imkonini berda va tramvay yo‘lining holatini barqarorligini oshirishga olib keldi. 2022 yilning 10 fevralda O‘zbekiston respublikasini prizedenti Sh.M. Mirziyoyev Samarqandda tashrifi davomida hududdagi amalga oshirilishi rejalashtirilgan yangi loyihalar taqdimoti bilan tanishdi va poytaxt Toshkentda ham tramvay infrastrukturasiini qaytarish ko‘rsatmasini berdi. Shu munosabat bilan



Toshkent shaxrida tramvay infrastrukturasi barpo etish bo'yicha bir qancha ishlar olib borilmoqda. Toshkent shaxrida istiqbolli tramvay yo'l konstruksiyalarining texnik-iqtisodiy asoslash dolzarb hisoblanadi [1].

Bundan tashqari, Samarqand tramvay infrastrukturasi 2016-2018 yillarda qurilgan. Shaharda tramvay yo'li infrastrukturasi ikki yo'lli bo'lib uning uzunligi 23,2 km ni tashkil qiladi.

**Turkiya:** 1871 yilda Istanbulda tramvay infrastrukturasi barpo etilgan va 1966 yilda kelib tramvay infrastrukturasiidan voz kechilgan. 1990 yilda kelib Istanbulda tramvay infrastrukturasiiga ehtiyoj sezildi va qayta ochildi. 1992 yildan boshlab shahar tramvay infrastrukturasiini zamonaiylashtirish boshlandi. 1871 yilda faoliyat ko'rsatishni boshlagan ot aravali tramvay yo'l kengligi 1000 mm ni tashkil etgan. Keyingi yillarda yangi liniyalar qurildi, otlar soni 430 taga, vagonlar soni 45 taga yetdi, shu jumladan 15 ta ochiq yozgi vagonlar va bir nechta ikki qavatli vagonlar mavjud edi. 1912 yilda Bolqon urushi sabab Istanbuldagi ot aravali tramvaylardan voz kechildi va Turkiya mudofa vazirligining buyrug'i bilan barcha otlar Bolqon urushi uchun rekvizitsiya qilindi. 1913 yilda kelib Istanbulda tramvay infrastrukturasiini elektrlashtirish boshlangan. 1928 yil 8 iyun kuni shaharning Osiyo qismida elektr tramvay ishlay boshladi. 1950-yillarga kelib Istanbul tramvay tarmog'ining umumiy uzunligi 130 km ga yetdi, ammo tez orada tramvay infrastrukturasiidan asta-sekin voz kechib borildi. Shaharning Yevropa qismida tramvay infrastrukturasi 1961 yilning 12 avgustgacha, Osiyo qismida 1966 yil 11 noyabrgacha ishladi va birinchi Turkiya tramvay infrastrukturasi tarixiga yakun yasadi [3-4].

1990 yil oxiri 29 dekabrda shaharning Yevropa qismida 1,6 km uzunlikdagi tarixiy tramvay liniyasi ochildi va Istiqlol bulvari bo'ylab, Taksim maydoni va tunel yer osti funikulyor stansiyasi o'rtasida o'tadi. Tramvay infrastrukturasi piyodalar gavjum ko'chalariga yurishni boshladi. Ilgari tramvay 1961 yilgacha ushbu ko'chalarda yurgan. Ushbu tarixiy yo'nalish har kuni olti ming yo'lovchini tashiydi. Yo'lning kengligi 1000 mm.

Birinchi bilan bog'liq bo'lmagan yana bir tarixiy tramvay liniyasi 2003 yil 1-noyabrda Istanbulda ochilgan. U shaharning Osiyo qismida joylashgan. Ushbu yo'nalish 2,6 km uzunlikda va o'nta bekatga ega bo'lgan. Tramvay infrastrukturasi halqa shaklda bo'lib, uning qarama-qarshi tomonlarida Qodikey avtovokzali va Moda tumani joylashgan. Turkiya tramvay infrastrukturasiida asosan Germaniya ishlab chiqarilgan harakatlanuvchi tarkiblardan foydalaniladi.

1992 yildan boshlab shaharning Yevropa qismida zamonaviy ko'cha shahar tramvaylari mavjud. Dastlab tramvay Sirkeji va Topkapini birlashtirgan, 1994 yil mart oyida liniya Sirkejidan Zeytinburnugacha uzaytirilgan, 1996 yil aprel oyida Sirkejidan Eminenyugacha uzaytirish ishga tushirilgan. 2005 yil 30 yanvarda liniya Sirkejidan Kabatashgacha uzaytirildi, 44 yil ichida birinchi marta tramvay yana Oltin Shox ko'rfazini kesib o'tishni boshladi. Hozirgi vaqtda liniya 14 km uzunlikka ega va yigirma to'rtta bekatga ega. Butun yo'l bo'ylab sayohat vaqti 42 minut. Har kuni liniya 155 000 yo'lovchini tashiydi.

**Vengriya:** Budapesht tramvay infrastrukturasida dunyodagi eng ko'p yulovchi tashiydigan va istiqbolli hisoblanadi. 1866 yil 30-iyunda Vengriyada birinchi tramvay infrastrukturasiga asos solindi va 1887 yildan boshlab tramvay infrastrukturasida elektrlashtirilish boshlandi. Bugungi kunda kelib tramvaylarning harakatlanish oralig'i 10 daqiqadan oshmaydi va tig'iz soatlarda tramvaylar har bir daqiqada harakatlanadi. Budapeshtda dunyodagi eng uzun tramvaylarni mavjud. Ko'pgina liniyalarda Vengriyada ishlab chiqarilgan Ganz KCSV7 tramvay tarkiblaridan foydalaniladi. Bundan tashqari eng eski sovet tramvay tarkiblaridan foydalaniladi. Ushbu sovet tramvaylari hali ham modernizatsiya qilinganidan keyin juda yaxshi holatda. Boshqa narsalar qatorida, aynan shu model Dunay daryosi bo'ylab sayohat uning har ikki tomonida [5-6].

Bugungi zamonaviy Vengriya tramvay infrastrukturasida past qavatli va shovqinsiz Germaniyaning Siemens Combino Supra tramvaylaridan foydalanilmoqda. Birinchi tarkiblar Budapeshtga 2006 yilda yetkazib berilgan va 2007 yildan beri shahar ko'chalarida 40 ta tarkib qatnaydi. Budapeshtda yo'lovchi tramvaylari orasida jahon rekordi 54 metr bo'lib 8 ta eshik va 6 seksiyadan iborat (2-rasm).



## 2-rasm. Siemens Combino Supra tramvay tarkibi

**Ozarbayjon:** 1924 yilning 8-fevralda Bokuda birinchi tramvay ishga tushirildi. Bokuda tramvay tashkil etilgan yil 1924 yil deb hisoblanishiga qaramay, aslida Bokuda tramvay liniyasi birinchi marta 1884 yilda paydo bo'lgan, ammo bu uning uchun maxsus qurilgan Chernogorod liniyasida bug' tramvay liniyasi edi. U yo'lovchi tashish bilan shug'ullanardi, ammo umumiy tarmoqdan ajratilgan alohida ot aravali tramvay yo'l mavjudligi bu liniyani samarali bo'lmadi va bu 1889 yilda kelib ot aravali tramvay yo'lga berilgan. 1910 yildan boshlab tramvay infrastrukturasi elektrlashtirilashtirish boshlandi. Boku tramvayining birinchi yo'nalishi Vokzal-Azneft maydoni bo'lib, umumiy uzunligi 6,6 km rasmiy ochilish 1924-yil 8-fevralda bo'lib o'tdi. 1939 yilda Boku tramvay tizimi maksimal 117 km uzunlikka yetdi.

1960-yilda Bakuda tramvay rivojlanishi jamoat transportining boshqa turlariga qaraganda sekinroq sur'atlarda davom etdi, asosiy e'tibor metropoliten, shuningdek trolleybuslar va avtobuslarni qurish va rivojlantirishga qaratildi. 1960-yildan boshlab tramvay tarmog'i asta-sekin kamayib bordi. Shunday qilib, Boku markazining gavjum ko'chalarida va uzoq chekkalariga boradigan tramvay liniyalari yopildi va butunlay demontaj qilindi. 1980 yilga kelib Boku tramvay tarmog'ining umumiy uzunligi taxminan 70 km ni tashkil etdi [5-6].

Bugungi kelib Baku bosh rejasiga ko'ra 2027 yilgacha 17,3 km uzunlikdagi tramvay yo'llarini yotqizish va ushbu yo'l davomida 26 ta to'xtash joyini yaratish taklif etilmoqda. 2040 yilgacha yo'llarning uzunligi 54,6 kmga to'xtash joylari soni esa 78 ga ko'tarilishi kerak. Markaziy transport markazi Boku temir yo'l stantsiyasi hududida tashkil etilishi mumkin, u yerda temir yo'llardan tramvay yo'llariga o'tish ham ta'minlanadi.

Ozarbayjon tramvay infrastrukturasi qayta tiklashdan maqsad shahar aholisining kundalik hayotiga ta'sir qiluvchi bir qator afzalliklarni berishi, bularga ekologik barqarorlik, yuqori o'tkazuvchanlik va sig'im, harakat jadvalining barqarorligi, shahar qiyofasini yaxshilash va uzoq masofalarga tashishda samaradorlik.

**Qozog'iston:** 1937 yil 7-noyabrdan o'z faoliyatini boshlagan Olma-ota shahridagi tramvay infrastrukturasi 2015 yilga kelib o'z faoliyatini yakunladi. Olma-ota shahridagi tramvay 1990-yillarning o'rtalaridan boshlab yulovchilar hajmi kamayib bordi va shundan so'ng ko'plab ko'chalarda tramvay yo'llari asta-sekin demontaj qilib borildi. 1999 yildan 2015 yil 30 oktyabrgacha faqat ikkita yo'nalish

faoliyat ko'rsatdi. 2015 yilning 31-oktyabrda kelib tramvay harakati butunlay to'xtadi va Olma-ota shahrida 78 yillik tarixiga yakun yasaydi [5-6].

Bugungi kundagi zamonaviy Qozog'istonda faqat uchta tramvay infrastrukturasi saqlanib qolgan.

1. Pavlador tramvay yo'li.
2. Temirtau tramvay yo'li.
3. Ust-Kamenogor tramvay yo'li.

Pavlodar shahridagi tramvay infrastrukturasi rivojlangan va zamonaviy hisoblanadi. Ushbu shahrida harakat tarkiblari Belarusda ishlab chiqargan BKM-802e vagonlaridan foydalanib kelinmoqda (3-rasm). Tramvay infrastrukturasi shahar yo'lovchilarning 39 foizini foydalanib kelmoqda.



3-rasm. Belarusda ishlab chiqargan BKM-802e tramvay

Ust-Kamenogorsk tramvay yo'lida har kuni 3 ta yo'nalishga 17 ta tramvay chiqadi. Parkda jami 40 ga yaqin tramvay mavjud, ularning katta qismi ta'mir talab.

2013 yildan Temirtau tramvay yo'li bitta yo'nalishli yagona liniyani foydalanib kelinmoqda. Temirtau tramvay liniyasida 18 ta tramvay mavjud. Shahardagi tramvay idoraviy bo'lib, ArselorMittal Temirtau AJga tegishli. Korxonada xodimlari bepul sayohat qilish huquqiga ega. Shaharda eski KTM-2 vagoni saqlanib qolgan, u yaqinda shaharning Markaziy bog'ida yodgorlik sifatida o'rnatilgan.

## REFERENCES

1. Aliqulov A.Q., Umarov X.K. O'zbekiston va rivojlangan davlatlarning istiqbolli tramvay yo'llarining tahlili/ "Yosh ikmiy tadqiqotchi" mavzusidagi xorijiy olimlar ishtirokidagi xalqaro ilmiy – texnika anjumani. – Toshkent: TDTrU, 2023 – 91-94 b;
2. Султанов Н.Н. Техничко-экономическое обоснование перспективных конструкций трамвайных путей: дис. – Н.Н. Султанов, – СП, 2015. – 270 с.

3. Khalfin G. A., Umarov K. The work of intermediate rail fasteners on mountain sections of railways //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing, 2023. – Т. 2612. – №. 1.
4. Umarov Xasan, Botirov Otanur ASSESSMENT OF THE DECISION-MAKING IN JUSTIFICATION OF STRENGTHENING THE CAPACITY OF RAILWAYS IN UZBEKISTAN UNDER CONDITIONS OF UNCERTAINTY AND RISKS // Universum: технические науки. 2022. №5-11 (98). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/assessment-of-the-decision-making-in-justification-of-strengthening-the-capacity-of-railways-in-uzbekistan-under-conditions-of> (дата обращения: 20.03.2024)
5. Умаров Х. К., Свинцов Е. С. Обоснование мероприятий по усилению мощности линии Ангрэн-Пап //Вестник Ростовского государственного университета путей сообщения. – 2015. – №. 2. – С. 104-110.
6. Umarov K. et al. Mathematical model for prediction of cargo flow during the construction of the railway line Uzbekistan-Kyrgyzstan–China //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 401. – С. 03018.



## TURKIY DAVLATLARDA YOSHLAR IJTIMOY MOBILIGINING SOTSIOLOGIK TAHLILI

**B. O. Ernazarov**

O'zMU o'qituvchisi

[ernazarov.b.nuu@mail.ru](mailto:ernazarov.b.nuu@mail.ru)

**Ch. Ochilboyeva**

O'zMU 4 – bosqich talabasi

[charosochilboyeva@gmail.com](mailto:charosochilboyeva@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ushbu maqolada Turkiy davlatlarda yoshlar siyosatini amalga oshirish va ularga berilayotgan imkoniyatlarning yoshlar sotsial mobilligiga ta'sirini sotsiologik indikatorida ochib berilgan. Yoshlarda sotsial mobillikning shakllari turkumlangan va mazmun mohiyati tahlil qilingan. Bugungi kunda yoshlar faolligi, sotsial mobilligi masalalari juda ham dolzarb masala ekanligini inobatga olgan holda, ularning jamiyatda faol qatlami sifatida shakillanishlarida sotsial mobillikning ahamiyati ochib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Turkiy davlatlar, yoshlar siyosati, strategiya, jamiyat, sotsial mobillik, ijtimoiy jarayonlar, ijtimoiy maqom

### АННОТАЦИЯ

В данной статье в социологическом показателе описывается влияние реализации молодежной политики в турецких странах и предоставляемые им возможности на социальную мобильность молодежи. Категоризированы формы социальной мобильности молодежи и проанализированы их содержание. Признавая, что вопросы молодежной активности и социальной мобильности сегодня являются весьма актуальными вопросами, важность социальной мобильности раскрывается в их воплощении как активного слоя общества

**Ключевые слова:** Тюркские государства, молодежная политика, стратегия, общество, социальные лифты, социальные процессы, социальный статус.

### ABSTRACT

This article describes in a sociological indicator the impact of the implementation of youth policy in Turkish countries and the opportunities given to



them on youth social mobility. The forms of social mobility in young people are categorized and the essence of the content is analyzed. Recognizing that the issues of youth activity and social mobility are a very pressing issue today, the importance of social mobility is revealed in their questioning as an active layer in society

**Keywords:** Turkish countries, youth policy, strategy, society, social mobility, social processes, social status

Prezident Shavkat Mirziyoyev Samarqanddagi Turkiy davlatlar tashkiloti I sammitidagi nutqida kelasi yili O'zbekistonda "Turk dunyosi yoshlarining ilm-fan va innovatsiyalar xalqaro Kongressi"ni o'tkazilishi tashabbusini ilgari surdi. O'zbekiston rahbari ushbu xalqaro Kongress doirasida Turkiy Davlatlar Tashkilotiga a'zo mamlakatlar innovasiya va ta'lim vazirlari, oliy o'quv yurtlari rektorlari va yoshlar yetakchilari, iqtidorli yigit-qizlar, oqsoqollar ishtirokida uchrashuvlarni tashkil etish, shuningdek, Turkiy Davlatlar Tashkiloti Bosh kotibining yoshlar bo'yicha o'rinbosari lavozimini tashkil etishni taklif qildi.

Ta'kidlash lozimki, yoshlar yurtning kelajagini, uning ertangi taqdirini hal qiluvchi katta kuchdir, ularni ilm-fanga faol jalb qilish muhim ahamiyatga ega. Hozirda Turkiy Davlatlar Tashkilotiga a'zo mamlakatlar hududida **68** milliondan sal ko'proq yoshlar istiqomat qiladi, bu esa tashkilotga a'zo mamlakatlar aholisining taxminan **40%** tashkil qiladi[1].

Shu bois, O'zbekiston taklifi bilan 2022-yil Turkiy Davlatlar Tashkiloti hududida "Yoshlar tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash yili" deb e'lon qilindi, Buxoro shahri esa "Turkiy dunyoning Yoshlar poytaxti" maqomini oldi. Shubhasiz, ilm-fan va innovatsiyalarning rivojlanish darajasi jamiyat va davlat taraqqiyotining asosiy ko'rsatkichlaridan biri bo'lib xizmat qiladi. Turkiy Davlatlar Tashkilotiga a'zo mamlakatlar o'rtasida madaniy-gumanitar aloqalarni kengaytirish bugungi kunda dolzarb va ustuvor vazifa bo'lib, buning uchun barcha imkoniyatlar yaratilgan. Yoshlar siyosati jamiyatni rivojlantirish va ijtimoiy o'zgarishlarning muhim omili sifatida turli mexanizm, uslub va strategiyalarni ishlab chiqishni hamda izchil ravishda amaliyotga tadbiiq etishni taqozo etadi. Davlatdagi ijtimoiy barqarorlik ko'p jihatdan yoshlarning barcha qatlamlariga yo'naltirilgan kuchli ijtimoiy himoyaga, ularning tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash hamda imkoniyatlarini yuzaga chiqarishda yetarli shart-sharoit yaratilganiga bog'liqdir.

Shu jihatdan, 2016-yilda qabul qilingan "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"[2] gi Qonun mamlakatimizning ushbu yo'nalishdagi asosiy tamoyillarini belgilab berib, yosh avlodni har tomonlama barkamol etib tarbiyalash, iste'dodini

yuzaga chiqarish va ularni qo'llab-quvvatlashda muhim o'rin tutmoqda. Prezident SH.Mirziyoev bugungi kunda mamlakatimizning yoshlarga oid siyosati haqida to'xtalib, “Eng muhimi, yoshlar bilan doimiy muloqot olib borish, ularning bandligini ta'minlash, hayotda o'z o'rnini topishi, jamiyatning munosib a'zolariga aylanishi, mehnat va turmush sharoitlarini yaxshilash vazifasi barchamizning kundalik faoliyatimiz mezoniga aylanib bormoqda”[3] -deb ta'kidlab o'tdi.

Bugungi kunda globallashuv jarayonlari shiddatli rivojlanib borayotgan davrda barcha jabhalarda bo'lgani kabi yoshlar siyosatini amalga oshirish, ular bilan ishlash sohasida ham yangicha qarashlar, munosabatlar tizimini ishlab chiqish hamda xorijiydavlatlarning ilg'or texnologiyalaridan foydalanish taqozo etilmoqda. Zero, ushbu tajribalarni tahlil qilish, ulardan mamlakatimiz amaliyotida unumli foydalanish yo'llarini o'rganish orqali ijobiy natijalarga erishish mumkin. Xorijiy mamlakatlarning aksariyatidavlatning yoshlar siyosati sohasidagi asosiy printsiplari, vazifalari aks etgan huquqiy hujjatning ishlab chiqish masalasiga katta e'tibor qaratiladi. Misol uchun, Ozarbayjon, Belarus, Finlandiya, Qozog'iston, Qirg'iziston, Latviya, Litva, Janubiy Koreya kabi davlatlarda Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida qonunlar qabul qilingan.Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risidagi qonun mamlakatning ushbu sohadagi asosiy faoliyati, vazifalari hamda asosiy tamoyillarni o'zida aks ettiradi. Biroq, ushbu qonunlarda yoshlarga oid siyosatni amalga oshirishning aniq mexanizmlari ko'zda tutilmaydi.

Yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishda alohida vazirlik tashkil etgan yana bir davlatlardan biri Ozarbayjon Respublikasi hisoblanadi. Mazkur davlat yoshlar siyosatini amalga oshirishda strategiyalar bilan bir qatorda dasturiy siyosiy texnologiyalardan foydalanishga katta e'tibor qaratgan. Jumladan, Yoshlarning imkoniyatlaridan to'liq foydalanish, ish bilan band qilish hamda davlat boshqaruvidagi ishtirokini ta'minlash bo'yicha “2005-2009 yillarda Ozarbayjonda Yoshlarga oid davlat dasturini tasdiqlash to'g'risida”gi, “2006-2010 yillarda Alohida iqtidori bo'lgan bolalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish bo'yicha davlat dasturi”, “2007-2012 yillarda Ozarbayjon Respublikasida professional-texnik ta'limni rivojlantirish bo'yicha davlat dasturi” va “2007-2015 yillarda ozarbayjonlik yoshlarni xorijda ta'lim olishini ta'minlash bo'yicha davlat dasturi” qabul qilingan. Shuningdek, “Ozarbayjon yoshlari 2011-2015 yillarda” nomli Davlat Dasturi” va “2015-2025 yillarda Ozarbayjon yoshlarini rivojlantirish strategiyasi” hamda “Ozarbayjon yoshlari 2017-2021 yillarda” nomli davlat dasturlari yoshlarga oid davlat siyosatining uzoq muddatli istiqbollari belgilab bergan.

“Ozarbayjon yoshlari 2011-2015 yillarda” nomli davlat dasturiga muvofiq Yoshlar fondi tashkil etilib, fan, ta'lim, madaniyat va yoshlar siyosatini samaradorligini ta'minlashga qaratilgan bir qator ijtimoiy loyihalarni moliyalashtirish, faol yoshlarga o'z imkoniyatlarini namoyon etishlariga ko'maklashish vazifalari belgilangan. Ushbu Fond o'tgan yetti yil mobaynida 4 mingdan ortiq yirik ijtimoiy loyihalarni moliyalashtirishga erishgan. Bundan tashqari, Ozarbayjon Prezidenti Administratsiyasida yoshlar va sport masalalari bo'yicha xizmat faoliyati yo'lga qo'yilgan. Ozarbayjon Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruv akademiyasida rahbar kadrlarni malakasini oshirish yo'nalishi mavjud bo'lib, unda “Ozarbayjon Respublikasida yoshlar siyosati” nomli maxsus kurs o'tilishi tashkil etilgan.

Bugungi kunda yoshlar o'rtasidagi sotsial mobillik darajasi kengayib bormoqda va bu daraja ko'rsatkichlari turlariga bog'liqdir. Yoshlarning ijtimoiy harakatchanligi jamiyatda bir qancha sohalarga o'z ta'sirini o'tkazadi.

**Mobillik-** lotincha “mobilis”- harakatchanlik degan ma'noni anglatib, jamiyatni tashkil etuvchi sotsial guruhlar a'zolari, ijtimoiy jarayonlar ishtirokchilari, individlar, tabaqa vakillarining bir sotsial pozitsiyadan boshqasiga o'tishlari sotsilogiyada sotsial mobillik,- deyiladi. Sotsial mobillik tushunchasini sotsiologik tadqiqotlar doirasiga P.Sorokin 1927- yilda kiritgan. Sotsial mobillik kishilarning muayyan ijtimoiy guruh va tabaqalardan boshqalariga o'tishlarini, shuningdek ayni bir sotsial tabaqa doirasida mashg'ulotlarining o'zaro almashtirilishini anglatadi[4].Ijtimoiy mobillikni o'rganish davlatlar uchun katta strategik muammo, yoshlar uchun esa kuchli imkoniyat deyish mumkin.

Yuqoridagi fikrlarga tayangan holda quyidagi taklif va tavsiyalarni keltirish mumkin:

- demokratik jarayonlarni mustahkamlashda yoshlarning faol ishtirokini ta'minlash;
- yoshlarning bilim, malaka va kasbiy mahoratini oshirgan holda hamda axloqiy tarbiyasini yaxshilagan holda ularning, shu jumladan, imkoniyati cheklangan yoshlarning jamiyatga ijtimoiylashuvi uchun sharoit yaratish;
- yoshlarning tadbirkorlik faoliyatidagi imkoniyatlarini oshirgan holda ularning bandligini ta'minlash, bu borada imkoniyati cheklangan yoshlarga alohida e'tibor qaratish;
- yoshlar tashkilotlarining infratuzilmasini yaxshilash hamda yoshlar bilan ishlash sohasida ta'sirchan mexanizmlarni qo'llash vazifalari asosida strategik yo'nalishlar belgilab olish;
- yoshlarning mehnat qobiliyatini va bandligini oshirish;

- yoshlarning o'z mutaxassisligi bo'yicha malakalarini oshirish va ularning innovatsiyalar sohasidagi bilimlarini rivojlantirish;
- yoshlarning jamiyat hayotidagi faol ishtirokini ta'minlash;
- yoshlarning salomatligini mustahkamlash;
- yoshlarning o'z xavfsizligi sohasida madaniyatini yuksaltirish;
- jamiyatdan ajralib qolish xavfi bo'lgan yoshlar guruhlarini ijtimoiylashuviga yordamlashish;
- yoshlar o'rtasida xalqaro hamkorlikni rivojlantirish va yosh migrantlarni qo'llab-quvvatlash;
- yoshlarni ijtimoiy-siyosiy jarayonlardan xabardor qilishni takomillashtirish;
- madaniyat sohasidagi dasturlarni yaratishda yoshlarni faol jalb qilish.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, hozirgi davrning keskin globallashuvi, voqealarning tezkorligi va biz yashayotgan zamonning sifat o'zgarishlari shubhasiz yoshlar hayotiga bevosita ta'sir qilmoqda. Hozirgi davrdagi olib borilayotgan kengko'lamli islohotlar o'z natijasini berishi, mamlakatda fuqarolik jamiyati qurish vazifalari yoshlarning ijtimoiy jarayonlarda nechog'lik ishtirok etayotganligiga bog'liqdir.

## REFERENCES

1. <https://m.aniiq.uz/uz/yangiliklar/turk-dunyosi-yoshlari-urtasida-ilm-fan-va-innovatsiyalar-sohasida-hamkorlikni-rivojlantirishning-yangi-bosqichi>
2. <https://lex.uz/docs/-3026246?ONDATE=26.01.2022>
3. <https://asianforum.uz/uz/menu/mechanisms-for-implementing-state-youth-policy-in-foreign-countries>
4. Методологические проблемы социологического исследования мобильности трудовых ресурсов / Под ред. Т.И.Заславской, Р.В. РЫБКИНОЙ. – Новосибирск: Наука, 2.изд., 2010. - С. 289; - С.185.
5. Хайдаров Аббор. Ахборотлашган жамиятда ижтимоий-маданий муносабатларнинг трансформациялашув жараёнлари ЎзМУ хабарлари (2021,[1,6,3]. Б.230-232. <http://science.nuu.uz/UZMU.php>)

## ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРИНИ СПОРТ ЁРДАМИДА ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАЙЁРЛАШ

**Р. Д. Ахметов**

Қурулди кучлар академияси, Ички ишлар кафедраси, муҳандис-техник  
воситалар цикли, подполковник.

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада туркий халқларининг жанговор ҳаракатлари, ватанпарварлик руҳи, сиёсий-ҳарбий ҳаракатлари, ҳарбий санъат тарихи ҳақида, туркий халқларининг ҳарбий санъат соҳасига қўшган ҳиссалари ҳақида қисқача маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** ватанпарварлик, ҳарбий, туркий халқлар, санъат, спорт

### АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены краткие сведения о боевых действиях тюркских народов, духе патриотизма, политических и военных действиях, истории военного искусства, вкладе тюркских народов в область военного искусства.

**Ключевые слова:** патриотизм, военное дело, тюркские народы, искусство, спорт.

### ABSTRACT

This article provides brief information about the military actions of the Turkic peoples, the spirit of patriotism, political and military actions, the history of military art, and the contribution of the Turkic peoples to the field of military art.

**Keywords:** patriotism, military affairs, Turkic peoples, art, sports.

Кириш. Жаҳон ҳарбий санъати тарихида туркий халқларининг ҳам салмоқли улуши бор. Бу ҳақда қадимги ва ўрта аср муаррихлари яқдилдирлар. Қўплаб тарихий манбалар, илмий адабиётлар асосида тўпланган бой манбаларга таянган ҳолда Туронзамин халқларининг милоддан аввалги 1-минг йилликдан милодий XV асргача, яъни, Амир Темур давригача бўлган вақт оралиғида ҳарбий санъат соҳасида эришган ютуқлари, олиб борган жанглари тафсилоти, қурул-яроғлари, қўшин тузилиши, сиёсий-ҳарбий тизими ҳақида ноёб илмий маълумотларни китобхонларга тақдим этиб келинмоқда.



Маълумки туркий қавмлар жаҳондаги энг қадимги халқлардан саналиб, улар яшаган ҳудуд фақат ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудини қамраб олмасдан, балки шарқда Тинч океани, ғарбда Дон ва Днепр дарёларига қадар бўлган улкан ҳудудни эгаллаганди. Бу бепоён ерларда сон-саноксиз қавмлар яшаб ўтган. Шуниси эътиборга моликки улар ўзаро маданий, иқтисодий ва баъзан ҳарбий-сиёсий алоқада бўлганлар. Ўзбекистон заминига қадимда ва ўрта асрларда кўпроқ Шарқ томондан юришлар қилинган. Бу халқимизнинг этник қиёфасига маълум даражада таъсир кўрсатган, албатта. Лекин шу билан бир вақтда ҳарбий санъат соҳасида Турон заминида яратилган кашфиётлар, жанг қилишнинг янги усуллари барча туркий халқлар томонидан тезда ўзлаштириб олиниб, янги босқичга кўтарилган. Шу туфайли алоҳида қадимги Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳарбий санъати деб аташ илмий жиҳатдан нотўғри. Улар қадимда буюк Туроннинг бир қисмини ташкил этганлар, холос.

Ҳарбий санъат тарихи ҳарбий тарихнинг таркибий қисми сифатида қуролли кураш олиб бориш шакллари, уларнинг вужудга келиши ва тараққиётини ўрганади. Ҳарбий санъат тараққиётини тўғри тушунмоқ учун аниқ, ҳарбий тарихий воқеа ва фактларни хронологик тартибга риоя қилган ҳолда ўрганиш лозим. Бунда ижтимоий-иқтисодий фанлар томонидан кўриладиган тарихий ва сиёсий характердаги умумий масалалар қайтарув бўлмаслиги учун қисқа, ҳарбий санъат тараққиёти қонуниятларини аниқлашда лозим бўладиган ҳажмдагина баён этилади. Ҳарбий санъат тарихининг ҳар бир даври бўйича олдинги даврга нисбатан кейинги даврда ҳарбий санъатда қандай ўзгаришлар бўлганлигини билиб олиш муҳимдир. Бу эса ҳарбий ишда диалектик ворисликни белгилаш, ана шу асосда уни ижодий суратда мукамаллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш имконини беради.

Қадим замонда кўшиннинг пиёда, отлик, жанг аравасида, фил ва туяларда жанг қилган турлари бўлган. Пиёда кўшин кўчманчи халқлардан бошқа барча халқларда энг қадимги ва оммавий кўшин тури бўлган. У мунтазам ва энгил пиёдага бўлинган. Мунтазам пиёда кўшин кўп сонли бўлиб, душманга ҳужум қилиш ва уни тор-мор қилишга мўлжалланган, зарба берувчи қуроллар (найза, қилич) ва ҳимоя аслаҳаларига эга бўлган. Жанг араваларида жанг қилувчи кўшинлар милоддан аввалги III минг йиллик ўрталарида Месопотамияда пайдо бўлиб, давр ўтиши билан бошқа мамлакатларга тарқалган. Аммо жанг араваларидан фойдаланиш учун текис ерлар зарур бўлган. Бунинг устига пиёда кўшинлар бундай кўшин билан муваффақиятли курашиш усулини топганлар. Шунинг оқибатида замонлар ўтиши билан жанг араваларида жанг қилувчи



кўшинлар ўз ўрнини аста-секин отлик кўшинга бўшатиб бериб, сўнгра умуман йўқ бўлиб кетган.

Милоддан аввалги III минг йиллик охири – II минг йилликда шарқий кўчманчи халқларда отлик кўшин пайдо бўлгнн. Дастлаб ундан алоқа, разведка ва кўриқлаш ишларида фойдалмнилган. Аммо чавандозлик маҳоратининг ўсиши билан отлик кўшиннинг аҳамияти борган сари орта бошлаган. У жанг араваларини сиқиб чиқариб кўшиннинг зарбдор ва ҳаракатчан кучи бўлиб қолган. Бир пайтлар отлик кўшин бир турли бўлиб, сўнгра у оғир, енгил ва ўрта отлик кўшинга бўлинган. Чавандоз махсус ўриндик (жўл, мовутдан қилинган ёстик, хайвон териси ёки мўйнаси)да ўтирган [1].

Ҳарбий санъат тарихи ҳарбий тарихнинг таркибий қисми сифатида курулли кураш олиб бориш шакллари, уларнинг вужудга келиши ва тараққиётини ўрганади. Ҳарбий санъат тараққиётини тўғри тушунмоқ учун аниқ, ҳарбий тарихий воқеа ва фактларни хронологик тартибга риоя қилган ҳолда ўрганиш лозим. Бунда ижтимоий -иқтисодий фанлар томонидан кўриладиган тарихий ва сиёсий характердаги умумий масалалар қайтарув бўлмаслиги учун қисқа, ҳарбий санъат тараққиёти қонуниятларини аниқлашда лозим бўладиган ҳажмдагина баён этилади. Ҳарбий санъат тарихининг ҳар бир даври бўйича олдинги даврга нисбатан кейинги даврда ҳарбий санъатда қандай ўзгаришлар бўлганлигини билиб олиш муҳимдир. Бу эса ҳарбий ишда диалектик ворисликни белгилаш, ана шу асосда уни ижодий суратда мукаммаллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш имконини беради.

Мақсади. Ватанпарварлик – бу инсоннинг, она Ватанига, ўз миллати ҳамда туғилиб ўсган маданий муҳитига бўлган муҳаббатидир. Ватанпарварликнинг бу табиий асослари, табиий туйғу сифатида унинг ахлокий аҳамиятини ҳар бир инсонда бурч ва фазилат сифатида бирлаштиради. Бугунги кунда жамият ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммоси айниқса долзарб мавзу сифатида давлат сиёсати сифатида қаралмоқда. Давлатимиз томонидан олий таълим муассасалари талабаларида ватанпарварликни шакллантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани бунинг яққол далилидир. Ўсиб келаётган ёш авлодни, айниқса олий таълим муассасаларининг ҳарбий таълим факультети талабаларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, айниқса миллий қахрамонларимиз, ота-боболаримизнинг ватан, юрт учун фидойиликлари тарбия жараёнига ижобий таъсир кўрсатувчи омил сифатида хизмат қилади. Ҳар бир ёш авлоднинг онгу-шуурига, буюк аждодларимиз Жалолоддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Бобур каби буюк

саркардаларимизнинг ватан равнақи, юрт тинчлиги учун қахрамонликларини сингдира олсакгина, ҳақиқий милатпарвар, жонкуяр, шаъни, қадр-қиммати, миллатини улуғлай оладиган инсонларни тарбиялай оламиз. Миллат фарзандларининг томирида оқаётган қони, уларни ўтмишдаги ота-боболари билан бевосита боғлаб турувчи ришта ҳисобланади. Ёш авлод тарбиясида доимий равишда ўтмишимизга суянамиз ва таянамиз. Шу ўринда, бобоқалонимиз шох ва буюк саркарда Бобурнинг жасорати ёш авлоднинг тарбиясида муҳим рол ўйнашини кўришимиз мумкин. Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Хиндистон учун аҳамияти ҳақида Жавоҳарлал Неру шундай ёзган эди: “Бобур Хиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига туташиб кетди”. Бундан ташқари “Хиндистоннинг кашф этилиши” китобида Жавоҳарлал Неру Бобур ҳақида ушбу сўзларни эътироф этган: “Бобур дилбар шахс эди. Уйғониш даврининг ажойиб султони, кучли, тадбиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севарди”.

Кейинги йилларда мамлакатимизда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш, маънан етук ва жисмонан соғлом шахсни камол топтириш соҳасида муайян ишлар амалга оширилди, спорт, шу жумладан, унинг техник ва амалий турлари билан шуғулланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Шу билан бирга, Қуролли Кучларни жиҳозлаш учун келтирилаётган замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар даражаси фан-техника тараққиёти ютуқларига тезкор ва муносиб равишда эътибор қаратиш зарурлигини ҳамда чақирувгача бўлган ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда [2].

Ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, унда мамлакат суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилиш бўйича бурч туйғусини шакллантириш борасидаги тадбирлар лозим даражада олиб борилмаяпти.

Спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор камчиликлар мавжуд, хусусан:

спортнинг мазкур турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг пухта тизими йўлга қўйилмаган;

спорт кадрларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими жорий этилмаган;

терма жамоаларни тайёрлаш ва мусобақалар ўтказиш учун спорт инфратузилмаси ва моддий-техник базаси етарли даражада ривожланмаган;

аҳоли, айниқса, ёш авлод ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмаяпти, қизиқишлари камайиб бормоқда.

Хулоса. Юқоридагиларни инобатга олиб айтиш мумкинки, спорт орқали ҳар бир ёшларни тарбиялаш, уларни ватанпарварлик руҳида тайёрлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, тарихий манбаалар, кўлёмалардан келиб чиқиб ҳарбий санъатни ўргатиш, спортга қизиқтириш ишларини янада кучайтириш талаб этилади.

## REFERENCES

1. Фахриддин Ҳасанов. Турон халқлари ҳарбий санъати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2018, - 440 б.
2. Akhmetov Rustam, & Rahmatov Jasur. (2023). SECURITY TOOLS. The Computing Science and Technology International Journal, 12(3), 136–140. Retrieved from

## TURKIY DUNYONING YANGI RENESSANSINI YOSHLAR BILAN BARPO ETAMIZ

**Xamidjon Karimjonovich Qosimov**

Yangi Namangan tuman ixtisoslashtirilgan maktabi,  
ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha direktor o'rinbosari, tarix fani o'qituvchisi

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada O'zbekistonning azaldan madaniyati, ma'naviyiy mushtarakligi, tili, dini va yuraklari bir-biriga chambarchas bog'langan Turkiy tilli davlatlar bilan ilm-fan, ta'lim, yoshlar masalasida hamkorligi, respublikamizning Turkiy tilli davlatlar tashkiloti doirasidagi tashabbuslari, faol tashqi siyosati yo'nalishlari haqida ma'lumot berilgan.

**Tayanch so'zlar:** Turkiy davlatlar tashkiloti, Naxichivan shartnomasi, "1-o'qituvchilar almashinuv dasturi", "O'rxun" almashinuv dasturi, Cho'lponota sammiti, TURKSOY.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье представлена информация о сотрудничестве Узбекистана в области науки, образования, молодежи, инициативах в рамках Организации, направлениях активной внешней политики с тюркоязычными государствами, с которыми издавна тесно связаны не только культура, духовность, язык, религия и сердца.

**Ключевые слова:** Организация тюркских государств, Нахичеванский договор, Центральная Азия, "Программа обмена первыми учителями", "Орхун" программа обмена, Чолпонота саммит, ТЮРКСОЙ.

### ABSTRACT:

This article provides information about Uzbekistan's cooperation in Science, Education, Youth, Initiatives within the organization, active foreign policy areas, and not only culture, spirituality, language, religion, and relations with Turkic-speaking countries, where Hearts have long been closely connected

**Keywords:** Organization of Turkic states, Nakhchivan Agreement, Central Asia, "1st teachers exchange program", "Orkhun" exchange program, Cholpon-Ata summit, TURKSOY.

O'zbekistonning tashqi siyosiy va iqtisodiy sohalarida shuningdek, o'zbek diplomatiyasining yangi bosqichga ko'tarilishi va erishilayotgan muvaffaqiyatlari, yurtimizda amalga oshirilayotgan keng ko'lamli islohotlar, inson huquqlari va erkinliklarini tiklash borasidagi demokratik o'zgarishlari hamda o'ziga xos geografik tuzilishi bilan Markaziy Osiyo mintaqasidagi davlatlar orasida alohida ajralib turadi. Bunday geografik joylashuvning qulay va noqulay tomonlari mavjud bo'lib, ular respublikaning geosiyosiy vaziyati va geostrategik manfaatlari, uning ichki va tashqi siyosatini tanlash hamda belgilashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Mamlakatimizning tashqi siyosat sohasidagi ustuvor yo'nalishlari barqaror, adolatli va demokratik davlat qurishga, uning tashqi dunyoga ochiqligini ilgari surishga hamda mintaqaviy va ko'p tomonlama o'zaro hamkorlikni rivojlantirishga qaratilgan. O'zbekiston Respublikasining mustaqil tashqi siyosiy faoliyatining huquqiy asoslari, prinsiplari, mazmuni, maqsad va vazifalari O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining IV bobida o'z ifodasini topgan: "O'zbekiston Respublikasi davlatning, xalqning oliy manfaatlaridan, uning farovonligi va xavfsizligidan kelib chiqqan holda ittifoqlar tuzish, hamdo'stliklarga va boshqa davlatlararo tuzilmalarga kirishi hamdan undan chiqishi mumkin" [1, 12-b.]. Davlatimiz ana shu qat'iy tamoyillar asosida do'stona, ochiq va pragmatik faol tashqi siyosat olib bormoqda. Buning natijasida so'nggi yillarda O'zbekiston Respublikasining mustaqil davlat sifatida xalqaro hamjamiyati doirasida munosib o'rin olishida xalqaro va mintaqaviy tashkilotlarga a'zo ekanligi, qo'shni, yaqin va uzoq mamlakatlar va ular bilan hamkorlik aloqalarini yo'lga qo'yilishi katta ahamiyatga ega.

Yangi O'zbekistonning tashqi siyosati mintaqaviy va xalqaro tashkilotlar bilan o'zaro manfaatli hamkorlikning yangi davrini boshlab berdi. Bugungi kunda O'zbekistonning BMT, SHHT, MDH, Turkiy davlatlar tashkiloti va boshqa xalqaro tashkilotlar, institutlar bilan istiqbolli, real, katta sarmoyalarga asoslangan hamkorlik o'rnatib, ulkan iqtisodiy konstruktiv islohotlarni olib borayotganligi dunyo hamjamiyati tomonidan e'tirof qilinmoqda.

Dastlab, 2009-yil 3-oktyabrda Ozarbayjonning Naxichivan shahrida tuzilgan, "Naxichivan shartnomasi" [2] asosida faoliyat olib borayotgan, azaldan tili, dini va yuraklari bir-biriga chambarchas bog'langan O'zbekiston, Ozarbayjon, Qozog'iston, Qirg'iziston va Turkiya respublikalarini o'zida jamlagan, Turkiy davlatlar tashkilotining nufuzi va salohiyati har qachongidan ham ko'proq yuksalmoqda. Shuni alohida ta'kidlash joizki, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining ilk bor 2018-yil 3-sentyabr kuni Qirg'izistonning Cho'lponota shahrida bo'lib o'tgan Turkiy tilli

davlatlar hamkorlik kengashining sammitda faxriy mehmon sifatida ishtirok etishi, Mazkur Cho'lonota sammitida Prezident Shavkat Mirziyoyev tomonidan *“O'zbekiston va Turkiy kengash mamlakatlarini azaldan nafaqat madaniyat, til, ma'naviyat mushtarakligi, balki an'anaviy do'stlik va o'zaro manfaatli hamkorlikka asoslangan munosabatlar bog'lab turadi”* [3, 390-b.], – deya e'tirof etilganligi ham fikrimizning yorqin dalilidir.

2019-yil 14-sentyabrda O'zbekiston Respublikasi Turkiy tilli davlatlar hamkorlik kengashini tuzish to'g'risidagi Naxchivan bitimini ratifikatsiya qildi va bu tashkilotning to'laqonli a'zosi aylandi. 2019-yil 5-oktyabrda Toshkentda Turkiy tilli davlatlar Ishbilarmonlar kengashi majlisi hamda Investitsiya forumining o'tkazildi. 2019-yilda Turkiy davlatlar tashkilotiga O'zbekiston a'zo bo'lib kirganidan buyon mamlakatimiz tomonidan turkiy mamlakatlar o'rtasida do'stlik, yaxshi qo'shnichilik va ko'p qirrali hamkorlikni mustahkamlashga qaratilgan 50 dan ortiq taklif va tashabbuslar ilgari surildi.

O'zbekistonning Turkiy tilli davlatlar hamkorlik kengashiga qo'shilishini barcha a'zo mamlakatlar mamnuniyat bilan qabul qildi. Respublika Prezidentining siyosiy irodasi, mintaqa davlatlari o'rtasida do'stona aloqalar natijasida Markaziy Osiyoda vaziyat o'zgardi. Bugungi kunda Markaziy Osiyo mintaqasidagi tarixi, tili, dini, madaniyati, yashash turmush tarzini ayro tasavvur etib bo'lmaydigan beshta qardosh davlatlar bilan yaqin qo'shnichilik muhitini tobora mustahkamlanayotganligi yurtimizning xalqaro nufuzini yanada ortib borishiga sabab bo'lmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganidek, *“O'zbekiston tashqi siyosatida Markaziy Osiyo – bosh ustuvor yo'nalish”* tamoyilini amalga tatbiq etishga kirishdik. Mushtarak siyosiy irodamiz va birgalikdagi sa'y-harakatlarimiz natijasida mintaqamiz yaxshi qo'shnichilik, o'zaro manfaatli hamkorlik hamda barqaror rivojlanish makoniga aylanib bormoqda [3, 399-b.].

Turkiy mamlakatlar bilan aloqalarni rivojlantirish Yangi O'zbekiston tashqi siyosatining muhim jihati hisoblanadi. Tashkilotning huquqiy asosini tashkil etuvchi 22 moddadan iborat *“Naxchivan shartnomasi”*ning 2-moddasi mazmuniga nazar tashlanadigan bo'lsa, Turkiy davlatlar tashkilotining missiyasi – ko'pgina bloklardan farqli o'laroq mintaqada, avvalo, tinchlikni ta'minlash, savdo-iqtisodiy aloqalarni rivojlantirish, tabiat va atrof-muhitni muhofaza qilish, energetika, transport, investitsiya sohalarini taraqqiy ettirish, yashil iqtisodiyot va yashil makon umummilliy dasturlarini jadallashtirish, oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash, qo'shimcha qiymat yaratish, madaniy merosni asrab-avaylash hamda ilmiy-texnik, fan va ta'lim sohalarini integratsiyalashtirishdan iborat[4].



O'z mamlakatlarida aholining ko'p sonli yoshlariga ega bo'lgan Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo davlatlar ta'lim, madaniy va iqtisodiy rolini hisobga olgan holda yoshlar va ta'limga oid siyosatning muhimligini ta'kidlamoqdalar. Hozirgacha Turkiya va Qozog'istonning turli shaharlarida tashkil etilgan to'rtta Xalqaro yoshlar oromgohlarida nafaqat a'zo davlatlar, balki mintaqa davlatlaridan 1500 dan ortiq bir xil tarix, madaniyat va tilga ega bo'lgan yoshlar o'rtasida ijtimoiylashuvni rag'batlantirish, bo'lajak yosh liderlarning shaxsiy kamolotiga hissa qo'shish, shuningdek, kelajak avlodni shakllantirishga ko'maklashish maqsadida yoshlar faoliyatiga alohida e'tibor berilmoqda.

Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo davlatlar maktablari o'rtasidagi hamkorlik uchta asosiy yo'nalishni o'z ichiga oladi: Talabalar uchun almashinuv dasturi, ta'lim mutaxassislari uchun almashinuv dasturi va Qardosh maktab loyihasi. Turkiy davlatlar tashkiloti tegishli ta'lim vazirliklari ko'magida Turkiya (2016-yil) va Ozarbayjondagi (2018-yil) o'rta maktab va litsey o'quvchilari uchun ikkita almashinuv dasturi tashkil qilingan. Bu dasturlar doirasida talabalar qardosh turkiy davlatlarning madaniy qadriyatlarini, ularning tarixi, boshqa turkiy tillar bilan yaqindan tanishish imkoniga ega bo'lgan [5].

2022-yilda Turkiyaning Anqara va Istanbul shaharlarida ilk marotaba tashkil etilgan Turkiy tilli davlatlarning "1-o'qituvchilar almashinuv dasturi"da Turkiy tilli davlatlar tashkilotiga a'zo mamlakatlar Turkiya, Ozarbayjon, Qozog'iston, Qirg'iziston, Turkmaniston va Vengriya davlati o'qituvchilar bilan bir qatorda O'zbekistonlik o'qituvchilar ham ishtirok etishdi. 2023-yil martda Ozarbayjon poytaxti Boku shahrida joylashgan 53-umumta'lim maktabi delegatsiyasi ushbu mamlakatning Fan va ta'lim vazirligi, Milliy Olimpiya qo'mitasi tomonidan amalga oshirilayotgan OSEP loyihasi doirasida yurtimizga tashrif buyurdi. Ahil qo'shnichilik munosabatlarini yanada mustahkamlash borasidagi birgina misol taqsiq loyiq. 2023-yil aprelda Qirg'izistonning Botken viloyati "Margun" qishlog'ida O'zbekiston tomonidan umumiy qiymati qariyb 3,5 million dollar tashkil etgan 330 o'rinli qurib bitkazildi. Maktab ochilish marosimida ishtirok etgan Qirg'iziston Vazirlar Mahkamasi raisi Akilbek Japarov "Mazkur maktabning ochilishi ikki xalq o'rtasidagi buyuk do'stlik ramzi ekanini hamda bugungi tadbir birodarlik rishtalarimiz yanada mustahkamlanib, rivojlanib borayotganidan dalolatdir. Ikki davlat o'rtasidagi ikki tomonlama hamkorlik rivoji ko'p yillik tarixiy qardoshlik, do'stlik va yaxshi qo'shnichilik rishtalari samarasidir." [6] – deb ta'kidlab o'tgan. Ma'lumot o'rnida bugungi kunda yurtimizda 47 ta, shundan 21 ta faqat qirg'iz tilida,

26 ta esa (qirg‘iz) aralash tillarda darslar olib boriladigan maktablar faoliyat olib bormoqda [7].

Yangi O‘zbekiston siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri ham aynan, ilm-fan, maktab ta‘limi va yoshlar siyosatiga qaratilayotganligidir. Chunki, ilm-fan, ta‘limga e‘tibor – yoshlar ta‘lim-tarbiyasi, mamlakat taraqqiyoti, uning ravnaqi va taqdiriga bevosita daxldor masaladir. Bu masalada ham Turkiy davlatlar tashkiloti yosh turkiy avlodlarning mavjud ta‘lim tizimiga qo‘shilishiga yordam beruvchi maxsus dasturlar ishlab chiqish va amalga oshirish maqsadida 2010 yildan beri ta‘lim masalalari bo‘yicha vazirlar yig‘ilishlarini o‘tkazib kelmoqda.

2023-yil 14-iyunda Samarqand shahrida navbatdagi Turkiy davlatlar tashkiloti Xalq ta‘limi vazirlarining VII yig‘ilishi o‘tkazildi. Samarqanddagi yig‘ilishda vazirlar OTM doirasida xalqaro tanlov va olimpiadalarni o‘tkazish, YUNESKOning Toshkent deklaratsiyasida belgilangan vazifalarni amalga oshirish, Turkiy tilli universitetlar ittifoqining “O‘rxun” almashinuv dasturi bo‘yicha mavjud vaziyat yuzasidan fikr almashilinish mazkur dasturni mustahkamlash va takomillashtirishga qaratilgan chora-tadbirlar bo‘yicha umumiy kelishuvga erishildi. Yig‘ilishda, O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta‘limi vaziri H.Umarova tomonidan Turkiy davlatlar tashkiloti doirasida maktabgacha ta‘lim tizimini yanada rivojlantirish istiqbollari borasidagi hamkorlikni kuchaytirish, qardosh maktablar dasturlarini batafsil konsepsiyasi va yo‘l xaritasini ishlab chiqish, turkiy davlatlar tashkiloti o‘rtasida xalqaro Al-Xorazmiy yosh matematiklar olimpiadasini o‘tkazish kabi tashabbuslar ilgari surildi [8]. Bir so‘z bilan aytganda yosh avlodga yaxshi tarbiya hamda ilm-fan va zamonaviy texnika va texnologiyalarni puxta egallashi, xalqaro maydonlarda yurtimizning nufuzi va obro‘-e‘tiborini tobora yuksaltirishi, hamda davlatimiz rahbari ta‘kidlaganidek, “... mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini barpo etishdek ulug‘ maqsadni qo‘ygan ekanmiz, buning uchun yangi Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar, Ulug‘beklar, Navoiy va Boburlarni tarbiyalab beradigan muhit va sharoitlarni yaratishimiz kerak” [9, 10-b.]. Shuning uchun ham mamlakatimizda istiqbol yo‘lidagi islohotlar va yangilanishlar jarayonida ta‘lim sohasiga, ertangi kunimiz egalari yoshlar kamoliga alohida yuksak e‘tibor qaratilmoqda. “Yosh avlodni har tomonlama barkamol etib voyaga yetkazish uchun sarflanayotgan sarmoya jamiyatga o‘n, yuz barobar foyda keltiradi. Chunki, Yoshlar – O‘zbekistonning eng katta boyligi, bebaho xazinasini” [8, 32-b.]. Mana shunday ezgu maqsadni ro‘yobga chiqarish yo‘lida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2023-yil 2-3-noyabr kunlari Qozog‘iston poytaxti Ostona shahrida bo‘lib o‘tgan Turkiy davlatlar tashkiloti (TDT) Davlat rahbarlari kengashining navbatdagi

yig'ilishida ijodiy fikrlaydigan, iste'dodli va shijoatli yoshlarimiz istiqbolda turkiy dunyoning yangi Renessansini barpo etishiga ishonch bildirib, yangilikka intilib yashaydigan, tashabbuskor o'g'il-qizlarni rag'batlantirish uchun O'zbekistonda Turkiy dunyo kreativ yoshlari markazini ochish, qolaversa, o'tgan asrda yashagan jadid bobolarimizning ibratli faoliyati, ilmiy-ijodiy merosini chuqur o'rganish yuzasidan 2023-yilning dekabr oyida yurtimizda bo'lib o'tadigan "Jadidlar: milliy o'zlik, istiqbol va davlatchilik g'oyalari" mavzuidagi xalqaro anjumanda Turkiy davlatlar tashkiloti (TDT)ga a'zo mamlakatlar vakillarini faol ishtirok etish taklifi bilan chiqdi [10, 1-b.]. Buning natijasi o'laroq, 2023-yil 11-12-dekabr kunlari azim Toshkent shahrida o'tkazilgan "Jadidlar: milliy o'zlik, istiqbol va davlatchilik g'oyalari" mavzusidagi xalqaro ilmiy anjuman yuqori darajada tashkil etilib, unda O'zbekistonlik taniqli jadidshunoslar bilan bir qatorda Qozog'iston, Qirg'iziston, Tojikiston, Turkmaniston, Ozarbayjon, Turkiya, Rossiya Federatsiyasi, Vengriya, AQSH, Germaniya, Niderlandiya, Shvetsiya, Yaponiya kabi mamlakatlardan 40 dan ziyod ko'zga ko'ringan olimlar, davlat va jamoat arboblari ishtirok etdilar. Konferensiyada Turkiy dunyoning g'oyaviy kelishuvi, istiqboli, turkiy dunyo farzandlarining ma'naviy qiyofasini saqlab qolish va yangi iste'dod egalarini izlab topish, maktab, teatr, kutubxona, nashriyot, gazeta-jurnallar faoliyatida, yoshlarni ilg'or davlatlarga o'qishga yuborish, jamiyat a'zolarining dunyoqarashi va turmush tarzini o'zgartirish amaliyotida jadidlar kabi milliy taraqqiyot yo'lidan og'ishmaslik kabi ko'plab masalalarga to'xtalib o'tildi. Albatta, davlatimiz rahbari tomonidan ta'kidlangan Jadidlarning "Tilda, fikrda, ishda birlik!"-degan g'oyasi doimiy shiorimizga aylansa, Turkiy tilli davlatlar tashkiloti a'zolarining hamjihatligi va birdamligi natijasida biz o'z oldimiga qo'ygan maqsadlarimizni ro'yobga chiqarishga qodirmiz. Xalqaro turkiy madaniyat tashkiloti TURKSOY Bosh kotibi Sulton Rayev ham jadidlarning "Tilda, fikrda, ishda birlik!" g'oyasi hamma vaqt dolzarbligini e'tirof etib, bu bizning Turkiy davlatlarning birlashuvi va kelajakdagi ulug'vor maqsadlariga tom ma'noda uyg'un keladi" [11, 3-b.] – degan edi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, Dunyo hamjamiyati tarixida Renessans – Uyg'onishning ahamiyati mislsiz ekanligini barcha ziyolilar yaxshi biladi. O'zbekistonning Turkiy tilli davlatlar bilan ilm-fan, ta'lim va yoshlar siyosatidagi hamkorligi Turkiy dunyoning Yangi Renessansi tomon tashlangan dasklabki qadamlar desam mubolag'a bo'lmaydi. 2022-yil 11-noyabr kuni **Turkiy davlatlar tashkiloti davlat rahbarlarining "Turkiy sivilizatsiyaning yangi davri: umumiy taraqqiyot va farovonlik sari" mavzusidagi yig'ilishida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev "Turkiy dunyomizning havas qilsa**

arziydigan buyuk tarixi, ulug' ajdodlari va beqiyos boyliklari bor. Va men ishonaman, turkiy dunyoni buyuk kelajak kutmoqda. Bu kelajakni, hech shubhasiz, mehnatkash, bag'rikeng va olijanob xalqlarimiz bilan birgalikda yaratamiz” – deya ta'kidlagan edi. Darhaqiqat, Ko'ha Samarqand shahridagi sammit esa turkiy dunyo sivilizatsiyasining zamonaviy tarixida yangi yuksalish bosqichini boshlab beradi.

## REFERENCES:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – T.: O'zbekiston, 2023.
2. Nakhchivan Agreement. On the establishment of the cooperation council of turkiy speaking states // [https://turkicstates.org/assets/pdf/temel\\_belgeler/nakhchivan-agreement-on-the-establishment-of-the-cooperation-council-of-turkic-speaking-states-1-en.pdf](https://turkicstates.org/assets/pdf/temel_belgeler/nakhchivan-agreement-on-the-establishment-of-the-cooperation-council-of-turkic-speaking-states-1-en.pdf)
3. Mirziyoyev Sh. M. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi. – T.: O'zbekiston, 2023.
4. Nakhchivan Agreement. On the establishment of the cooperation council of turkiy speaking states // [https://turkicstates.org/assets/pdf/temel\\_belgeler/nakhchivan-agreement-on-the-establishment-of-the-cooperation-council-of-turkic-speaking-states-1-en.pdf](https://turkicstates.org/assets/pdf/temel_belgeler/nakhchivan-agreement-on-the-establishment-of-the-cooperation-council-of-turkic-speaking-states-1-en.pdf)
5. Cooperation among the Schools // <https://www.turkicstates.org/en/isbirligi-alarlari#6-education-cooperation>
6. Главы правительств Кыргызской Республики и Республики Узбекистан открыли школу в селе Маргун Баткенской области. // <https://www.gov.kg/ru/post/s/21134-kyrgyz-respublikasynyn-zhana-uzbekstan-respublikasynyn-okmt-bashchylary-batken-oblusunun-margun-aylynda-mektep-achyshty>
7. Respublikamizdagi umumiy o'rta ta'lim maktablarining ta'lim olish tili bo'yicha tasniflanishi haqida ma'lumot (2023-2024-o'quv yili misolida). // <https://uzedu.uz/uz/news/1285>
8. Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo mamlakatlar ta'lim tizimida hamkorlikni yo'lga qo'yadi. // [Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo mamlakatlar ta'lim tizimida hamkorlikni yo'lga qo'yadi - zarnews.uz](https://zarnews.uz)
9. Mirziyoyev Sh. M. Yangi O'zbekistonda erkin va farovon yashaylik (Oliy Majlisga murojaatnomasi hamda O'zbekiston yoshlar forumida so'zlagan nutqidan iqtiboslar). – T., 2021.
10. Мирзиёев Ш. Туркий Давлатлар Ташкилоти давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи. 2023 йил 4 ноябрь. № 235.

11. “Jadid” gazetasi tahririyatiga // Jadid. 2024-yil 1-yanvar. – № 1.

12. Matkarimova, J. (2020, August). Participation of Non Governmental Non Profit Organizations in Providing Human Rights International Experience. In *Archive of Conferences* (Vol. 5, No. 1, pp. 46-49).

13. Saparbayevna, J. N., Jo‘rayevna, N. N., & Abdinazarovich, R. D. (2023). YOSHLARDA MAS‘ULIYAT HISSINI TARBIYALASHNING IJTIMOIIY-FALSAFIY MOHIYATI. *World of Science*, 6(5), 25-28.

## TURKIY XALQLAR INTEGRATSIYASIDA SPORTNING O'RNI

**S. R. Uraimov**

p.f.b.f.d (PhD) dotsent

Farg'ona davlat universiteti, Farg'ona, O'zbekiston

**Sh. Sh. Qodirova**

1-bosqich maqsadli tayanch doktorant

Jismoniy tarbiya va sport ilmiy tadqiqotlar instituti, Chirchiq, O'zbekiston

### ANNOTATSIYA.

Ushbu maqolada Turkiy davlatlarda jismoniy tarbiya va sportning paydo bo'lishi, rivojlanishi, ommalashuvi hamda hozirgi kunda jismoniy tarbiya va sportning Turkiy xalqlar integratsiyasidagi ahamiyati haqidagi ma'lumotlar bayon etilgan. Bundan tashqari Turkiy xalqlar jang qilish san'ati namunasi sifatida qadimdan mashhur bo'lgan Turon yakka kurash sport turi haqida ma'lumotlar keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** jismoniy madaniyat, jismoniy tarbiya, sport, jismoniy mashq, harahatli o'yin, integratsiya, jang san'ati, raqib, poyga.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье изложена информация о возникновении, развитии, популяризации физической культуры и спорта в тюркских государствах, а также о значении физической культуры и спорта в настоящее время для интеграции тюркских народов. Кроме того, тюркские народы издавна славились как образец боевых искусств. Турон представлены сведения о единоборствах.

**Ключевые слова:** физическая культура, физическое воспитание, спорт, физические упражнения, подвижная игра, интеграция, боевые искусства, соперничество, гонки.

### ABSTRACT

This article describes the emergence, development, popularization of physical education and sports in the Turkic states and the importance of physical education and sports in the integration of Turkic peoples at present. In addition, Turkic peoples



have been cited as an example of the martial art of Turan Solo Wrestling, a sport that has been popular since time immemorial.

**Keywords:** Physical Culture, physical education, sports, physical training, Competitive Play, integration, martial arts, rival, racing.

**Kirish.** Turkiy ellar Turkiy tillarda so'zlashuvchi, shimoliy va markaziy Yevroosiyoda yashovchi xalqlar guruhidir. Bu xalqlar u yoki bu darajada umumiydashgan madaniyat va an'analarga ega. Turkiy xalqlar tayinli bir irqqa tegishli emas, ularni bog'lovchi unsur asosan etnogenezlarda joy olgan Turk urug'lari va tillaridir. Ayni kunda bu unsurlar tarkibida Turkiy xalqlar integratsiyasiga sabab bo'lgan va Turkiy xalqlarni dunyoga tanitayotgan sport va turizm aosiyo'rinni egallaydi.

**Natijalar.** Jismoniy tarbiya va sport jahon xalqlari singari turkiy xalqlar madaniy tarixining ajralmas qismidir. Milliy madaniyat taraqqiyotida O'zbekiston dunyo davlatlari, xatto butun Markaziy Qsiyo mamlakatlari orasida o'ziga xos xususiyatlari, o'zining geografik va tabiiy qulayliklariga ko'ra qadimdan insoniyat tarixining ilg'or madaniy markazlaridan joy olib kelgan. Qadimgi Sharq hududidagi Misr, Eron, Bobil, Assuriya, Hindiston, Xitoy kabi davlatlardagi jismoniy tarbiya vositalarining xilma-xilligi haqida haykallar qurilish yodgorliklaridagi devoriy suratlar, turli madaniy ashyolar, qo'lyozmalar guvohlik beradi. Jismoniy madaniyatning ilk izlari, namunalari, O'rta yer dengizi atrofida, eradan avvalgi IV asrlarda vujudga kelgan davlatlarda (Mesopotamiya) ko'proq uchraydi. Jismoniy mashqlarning mazmuni va shakllari xarbiy faoliyatlarda o'z ifodasini topgan. Bunda, asosan, merganlik (kamon-yoy), bel ushlab kurashish, mushtlashish, g'ildirakli aravalarda poyga qilish va merganlik san'ati kabi faoliyatlar muhim o'rinni egallaydi. Tarixchilarning e'tirof etishicha, greklar Olimpiya bayramlarini o'z xudosi Zevsga bag'ishlab o'tkazgan bo'lsalar, parfiyonlar, skitlar, eroniylar, rimliklar, arablar o'z o'yin va an'alarini mesopotamiyaliklardan o'rganganlar. Hindlar va eroniylar hayotida ham turli tuman jismoniy mashqlar va o'yinlar vujudga kelgan. Ular tarkibida otda (tuyada, xachir va h.k.) yurish va ov qilish, qilichbozlik, aravachalarda poyga, kamondan o'q otish, to'plar va tayoqlar bilan o'ynash keng rivojlangan. Qadimgi Eronda maxsus tashkil qilingan maktablarda zodagon yoshlarni tarbiyalash tizimi mavjud bo'lgan. Bunda yuqorida tilga olingan mashqlami (nayza sanchish, qilich ishlatish, otdan ag'darish) o'rgatish dastur asosida olib borilgan. Qadimgi Misrda harbiy aslzodalarni xarbiy-jismoniy jihatdan maxsus tayyorlash uchun kurash, qilchbozlik, kamondan o'q otish, nayza uloqtirish kabl mashqlardan foydalanishgan.

Buni eramizdan avvalgi XVIII-XII asrlarda Beni-Gassan degan joydagi fir'avnlarning qabristonidan topilgan yodgorliklarda tasvirlangan 400dan ortiq jismoniy mashqlar va o'yinlarni asoslab beradi. Misr davlatida dinlarning ko'pilgi tufayli ularning xudolariga hamda urf-odatlariga bag'ishlangan ko'pgina bayramlar, an'anaviy xalq musobaqalari o'yinlar va raqslar bilan birga qo'shib olib borilgan. Keyinchalik ulardan ko'proq ideologik (g'oyaviy) maqsadda foydalanilgan. Hukmron doiralar xalq o'yinlari va jismoniy mashqlardan o'z kamoloti va manfaatlari yo'lida foydalanganlar. Qadimgi Sharq davlatlarida quldorlik tuzumi davrida ozod dehqonlar, kasb-hunar egalari, savdo-tijorat xodimlari orasida rasm bo'gan xalq jismoniy tarbiyasi shakllari va xalq mashqlarining turlari quldorlar tomonidan o'z obro'yi hamda hukmronligini kuchaytirish maqsadida o'zlashtirilgan va ulardan keng foydalanilgan. [1, 3-10-b]

Hozirgi O'zbekistonning hududlari va unga yaqin bo'lgan qo'shni mamlakatlarning (Qozog'iston, Qirg'iziston, Tojikiston, Turkmaniston, Afg'oniston va h.k.) deyarli ko'p joylarida istiqomat qilgan qadimgi ajdodlarimizning ijtimoiymadaniy turmushi, ayniqsa, turli marosimlar, an'analar, bayram-sayllami o'tkazishda kurash, ot o'yinlari, dorboz, harakatli o'yinlardan keng foydalanganlar. Ular haqida «O'zbekiston xalqlari tarixi», «O'zbekiston xalqlari madaniyati tarixi» va boshqa ko'pgina darsliklar, ilmiy tadqiqotlarning natijalarida batafsil bayon qilingan. Bunda atoqli arxeolog olim Y.G'ulomov, akademik Qori Niyoziy va boshqalarning ilmiy tadqiqotlari muhim ahamiyatga egadir. Qadimgi ajdodlarimizning ijtimoiy-madaniy turmush sharoitida jismoniy tarbiya vositalarining (turli o'yinlar, otda yurish, kurash, nayza uloqtirish va h.k.) qo'llanilishi haqida «Avesto», «Alpomish», «Go'ro'g'li», «Qirqqiz», «Manas», «To'maris» kabi tarixiy manbalar hamda xalq og'zaki ijodi guvohlik beradi. Hozirgi Markaziy Osiyo hududlarida yashagan ajdod va avlodlarimizning ijtimoiy-madaniy turmushi haqida ma'lumotlarga oid doimiy ashyolar ko'p uchraydi. Ularning eng muhimlari Toshkent, Samarqand, Termiz va boshqa shaharlardagi tarix, arxeologiya va san'at muzeylarida saqlanib kelinmoqda. Ajdodlarimizning ijtimoiy hayotida turli xil jismoniy mashqlar, o'yinlar ko'p qo'llanilgan. Ular asosan ijtimoiy mehnat va tarbiya jarayonida keng qo'llanilgan. Rasmiy manbalarga qaraganda mamlakatimizda yashab, hayot kechirgan ilk ajdodlarimiz bundan 40 ming yillar avvalgi davrga to'g'ri keladi. Ajdodlarimizning ijtimoiy hayotida turli xil jismoniy mashqlar, o'yinlar ko'p qo'llanilgan. Ular haqidagi ma'lumotlar Samarqand shahrining janubidagi tog'lar orasidagi Omonqo'ton g'ori (1940 y.y.da ochilgan), Surxondaryoning Dalvarzin tepa, Teshik tosh, Afrosiyob (Samarqand), Toshkent viloyatining Sirdaryo sohillari va

boshqa joylarda o'tkazilgan arxeologik topilmalar guvohlik beradi. Qurama tog' tizmalari (Toshkent viloyati), Nurota, Turkiston, Hisor tog' tizmalari oraliqlaridagi yassi va silliq toshlarga chizilgan tasvirlarda (rasmlar) kishilarning ov qilishdagi shakl va harakatlari, ov qurollari, hayvonlar aks ettirilib, ularning tarixi ham bir necha o'n ming yillik davrlarni o'z ichiga oladi. Lekin afsuski, ular jismoniy madaniyat mutaxassislari tomonidan ilmiy-nazariy va pedagogik va tarixiy jihatdan izchil o'rganilmagan. Professor Y.S.Sholomitskiy rahbarligida o'tkazilgan ba'zi bir tadqiqotlar ajdodlarimiz jismoniy madaniyati haqida mulohazalar bildirishgan. Bir qator tadqiqotchilar, yosh ijodkorlar ham o'zlarining o'quv-uslubiy qo'llanmalarida qadimgi ajdodlar jismoniy madaniyatini yoritib berganlar. [1, 17-22-b]

Bir necha ming yilliklar davomida turkiy qabilalar ko'p marta birlashgan va parchalanganligi tufayli ularning qabilaviy tarkibi o'zgarib turgan. Balki shuning uchundir ularning urf-odatlarini, an'analarini milliy va harakatli o'yinlari jismoniy tarbiya va sport tizimi bir-biriga uzviy bog'liq va va ayni paytda o'xshash. Misol sifatida, Turkiy xalqlar jang qilish san'ati namunasi sifatida qadimdan mashhur bo'lgan Turon yakka kurash milliy sport turini ayta olamiz. Bu turdagi yakkama-yakka kurash usuli Amir Temur davrida takomiliga yetgan. "Turon" yakka kurashining zamonaviy qonun-qoidalarini xalqaro miqyosdagi sport ustasi B.Saidov ishlab chiqdi (1991). Kurashchilar peshonaband belbog' bog'lab, yaktak, keng ishton kiyib musobaqalashadilar. Raqiblar maydonga chiqqanda qo'llarini yuqoriga ko'tarib, bir-birlariga kaftlarini ko'rsatishadi. Bu "ko'rib qo'y, qo'limda hech narsa yo'q, halol kurashaman" degan ma'noni bildiradi. "Turon" yakka mashq yo'nalishi bor. Jang yo'nalishi bo'yicha bellashuv 2 qismdan iborat bo'lib, har bir qismi 5 daqiqadan bo'ladi. Katta yoshdagi sportchilar uchun 1 raund kurashining ikki: jang va erkin 5 daqiqani tashkil qiladi. Qolgan yoshdagilar uchun 1 raund 2-3 daqiqa davom etadi. Bu yo'nalishda g'alaba va sof g'alaba bor. G'alaba raqibiga ko'p zarba berib eng ko'p ball yiqqan jangchiga, sof g'alaba esa raqibi zarba olganda gangisa, behol holatga tushib qolsa yoki bo'g'ma usuli bilan yutganda berilishi mumkin. Erkin mashq yo'nalishi bitta va bir necha sportchi (jamo) bilan bajariladigan maigklar bo'lib, 1,5 daqiqa davom etadi. Mashqlar buyumsiz va buyumlar bilan bajariladi. Eng ko'p ball to'plagan jangchi yoki jamoa g'olib chiqadi. Qilich, gimnastika tayog'i, arqon kabi buyum bilan bajariladigan ko'rgazmali mashqlar bilan chiqishlari mumkin. U sportchining texnik usullarni qanchalik egallaganligi va jismoniy chiniqqanligini namoyish etadi. Bu chiqishlar ham ball bilan baholanadi.[2, 3-5-b; 3,4]

**Xulosa.** Qadim-qadimdan jahon xalqlarining urf-odatlarini, an'analarini, madaniyatlarini va rasm-rusmlarini singari jismoniy tarbiya, sport ham davrlar va millatlarni bir-biriga bog'lash, bir-birini o'rganish va tajriba almashish natijasida davlat va xalqlarning rivojlanishiga xizmat qilgan. Xuddi shunday an'ana Turkiy xalqlar o'tmishida ham mavjud bo'lgan. Bugungi kunda jismoniy tarbiya va sport barcha xalqlar singari turkiy xalqlar integratsiyasiga ham xizmat qilmoqda.

## REFERENCES

1. L.A.Djalilova Jismoniy tarbiya va sport tarixi o'quv-uslubiy qo'llanma. Tashkent-2013.
2. Ruzmatovich, U. S. Qodirova Shahlo Shavkatjon qizi (2022). ANALYSIS OF THE RESULTS OF PHYSICAL TRAINING OF FERGANA STATE UNIVERSITY STUDENTS. ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(09), 85-96.
3. Ruzmatovich, U. S. Qodirova Shahlo Shavkatjon qizi (2022). Organization And Content Of Professional And Practical Physical Training Of Students Of Pedagogical Higher Education Institutions. INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876, 16(06), 29-35.
4. Ruzmatovich, U. S. Qodirova Shahlo Shavkatjon qizi Content of Professional and Practical Physical Training of Students of Higher Education Institutions. Best Journal of Innovation in Science, Research and Development 2023/5/23 205-217.

## ТУРКИЙ ХАЛКЛАРДА ҚАРИЛИК ВА ҚАРИШ МУАММОЛАРИ ТАЛҚИНИ

**Г. Б. Абдукаримова**

катта ўқитувчи

Тошкент давлат транспорт университети, Тошкент, Ўзбекистон

### АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада туркий халқларнинг қариш ва қариллик тўғрисидаги фикрлари таҳлил қилинган. Инсонни қариши ва қариллик диний-фалсафий таълимотлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканлиги, инсоннинг ҳаёти ва умрининг ўтиб бориши уннинг нафақат тафаккур қобилятини балки, жисмоний заифлигини ҳам тақозо этиши, шундай экан инсон ҳаётини асосий қадрият сифатида қадрлаши кераклиги таъкидлаб ўтилган.

**Калит сўзлар:** қариллик, қариш, табиий қариш, жисмоний заифлик, кексайиш, ўлим, узок умр кўриш, ислом маданияти.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье анализируются взгляды тюркских народов на старение и старость. Подчеркнуто, что старение и старость человека тесно связаны с религиозно-философскими учениями, что для прохождения человеческой жизни и необходимы не только умственные способности, но и физическая слабость, поэтому жизнь человека следует ценить как главную ценность

**Ключевые слова:** старение, старение, естественное старение, физическая слабость, старение, смерть, долголетие, исламская культура

### ABSTRACT:

This article analyzes the views of Turkic peoples on aging and old age. It has been emphasized that human aging and old age are closely related to religious and philosophical teachings, that the passing of human life and life requires not only mental ability, but also physical weakness, therefore, human life should be valued as the main value

**Keywords:** spiritual heritage, culture, civilization approach, Arab Renaissance, world civilization



Дунё цивилизациясининг ривожланишида Шарқ ва Ғарб илм-фан маданияти, адабиёт ва санъати, файласуф олимларнинг тафаккур тарзи диалектик ва ўзаро ва боғлиқ ҳолда шаклланган. Шундай бўлишига қарамай тарихий маълумотларга кўра, Шарқ тамаддуни Ғарб илм-фанини маданиятнинг шаклланишида муҳим рол ўйнаган. Иккала минтақанинг маданиятига назар солсак ижобий ва салбий томонларига гувоҳ бўламиз. Лекин, ўзгаришларни маданиятлар эмас, балки одамларнинг дунёқараши ва ижтимоий воқеаларга ёндашуви ўзгартиради. Шу ўринда, У.Саидов, “Ҳар бир халқнинг ўз асотирлари, эртагу афсоналари бор. Ҳар бир халқ алоҳида тарих йўлини босиб ўтган. Ҳар бирининг ўз урфи, ўз одати, оламини ўзгача хис этиши бор. Гўзаллик, бахт, муҳаббат ва бирдек риё, ғамноклик, нафрат ҳақидаги тасавури ўзгача. Лекин одамзот учун миллати ва ирки, маданий даражасидан қатъий назар ҳақиқат ва эзгуликка интилинган руҳий ишланишлари умумий”[1]. Бизнингча, Шарқ ва Ғарб халқлари тафаккурининг жамият тараққиётидаги ўрни, қарилик ва қариш тўғрисидаги қарашлари таснифи, авлодлараро ворисийлик каби мезонлар келажак ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият керак.

Бизга маълумки, шу кунга қадар инсоннинг пайдо бўлиши ҳақида турли қарашлар мавжуд. Уларни икки катта гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси инсонни эволюцион йўл билан пайдо бўлганини эътироф этса, иккинчиси бирдан пайдо бўлганини, дунё яратилганлигини тарғиб қилади. Дунёдаги деярли барча диний таълимотлар иккинчи қарашни олға суради. Бу жиҳатдан христиан ва ислом динлари ҳам умумийликка эга. Шу нуқтаи назардан, инсоннинг яшаши ва унинг қариши Яратган томонидан инсониятга берилган табиий ҳолат ҳисобланади.

Қадимги шарқ халқларининг тарихи ва маданияти, илк сиёсий, ҳуқуқий, диний, бадий, фалсафий қараш ва тасавурлари, уларнинг мазмун ва моҳияти археологик манбаларда, халқ оғзаки ижодиёти, афсона, миф, дoston ва ривоятларда акс этган. Шарқ халқлари жумладан, ислом маданиятида инсоннинг қариши ва қарилик муаммолари нисбатан турли ёндашувлар шаклланган. Жумладан, ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Каримда “Айтинг: “Сизлар қочаётган бу қарилик, албатта, сизларга йўлиқувчидир. Сўнгра сизлар ўлимга йўлиқиб, ғайбу шаҳодатни билувчи Зотга қайтарилурсизлар. Бас, У зот сизларга қилиб ўтган. амалларингизнинг хабарини берур!”[2] – дейилган. Мадомики шундай экан, инсоннинг қарилик ва қариши билан боғлиқ қарашлар ислом динининг асосий муамоларидан бири ҳисобланади. Зеро, кексайиш, абзоларнинг қариши мавжуд экан, бу албатта



инсонни ўлимга олиб боради.

Шарқда инсонни қариши ва қарилик диний-фалсафий таълимотлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Жумладан, Пайғамбаримиз (с.а.в.) умрлари давомида кексаларга алоҳида эътибор берганлар. Ҳадисларидан бирида у зот (с.а.в.): “Ким кичикларга раҳм-шафқат қилмаса, катталарга иззат-ҳурмат кўрсатмаса, у биздан эмас”, дедилар. (Термизий ривояти) Ибн Умардан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ таоло Қуръони каримда яхши бандаларни “аброр” деб мақтади, чунки улар оталарига яхшилик қилганларидек, болаларига ҳам яхшилик қилган эдилар. Сенинг бўйнингда отангнинг ҳаққи бўлганидек, болангнинг ҳам ҳаққи бор, дедилар.

Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Абу Ҳомид Ғаззолий, Жалолиддин Румий, Абдулла Авлоний каби буюк алломаларимиз ҳам қарилик ва қариш муаммоларига ўз фикрларини билдиришган. Жумладан, Форобийнинг фикрича, “Ҳар бир инсон табиати шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун энг кўп нарсаларга муҳтож бўлади, бир ўзи бундай нарсаларни кўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиши учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади”. Биз, Форобий қарашларига қўшилиш баробарида жамиятнинг инсонга нисбатан муносабати ҳам оқилона бўлмоғи лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳар бир инсонга оқилона муносабатимиз уни турли хил ножўя хавф-хатарлардан холи бўлишга ундайди. Зеро, ушбу ножўя ҳаракатлар маълум бир маънода инсонга салбий таъсир кўрсатиб уни табиий қариши жараёнларини тезлаштириши мумкин. Абу Ҳомид Ғаззолий, “Одам билан инсон уни англаш орқали танишади ва инсондаги ҳар бир ақлий англаш қобилияти унга моддий дунёни тушуниши учун ёрдамлашишга берилган. Онг ортидан эса “янги пағона” келади. Бунда инсоннинг янги назари очилади ва назарида инсон онги эришиши мумкин бўлмаган яширин ҳолатларни кўради. Инсон умрининг ўтиб бориши ушбу ҳолатларни аста секинлик билан заифлаштиради ва у табиий қариш жараёнларини тобора яқинлаштирди” деб таъкидлайди. Бизнингча, инсоннинг ҳаёти ва умрининг ўтиб бориши уннинг нафақат тафаккур қобилиятини балки, жисмоний заифлигини ҳам тақозо этади. Шундай экан, инсон ҳаётини асосий қадрият сифатида қадрлаши керак.

Қарилик ва қариш тўғрисидаги қарашлари барча даврларда турли соҳа олимлар яратган янги илмларни ўзида мужассамлаштиради. Масалан, қадим замонлардан геронтология инсоннинг қариши ва қарилик тўғрисидаги таълимот геронтологиянинг ривожини тиббиёт ва фалсафа таъсири остида бўлган. Бу мавзуга бағишланган рисоаларнинг энг биринчиларидан Марк Тулий

Цицероннинг “Кексалик ҳақида”[3]биринчи китоби ва Абу Али Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”ни келтириб ўтиш мумкин. Ушбу асарларни даврлар ажратиб туради, аммо кексалик муаммоларига бағишланган махсус ва илк тадқиқотлардан бўлганлиги уларни бирлаштиради. Абу Али Ибн Синонинг тиббий тавсиялари кўп асрлар давомида дунё шифокорлари учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумлдан, Абу Али Ибн Сино қариялар жисмидан ўзгаришлар сабаби миждозларга боғлиқ эканлигини таъкидлаб, уни учта турга ажратган. “Айрим қарияларимиз тўладан келган, оқ рангли, сочлари малла бўласа, совуқ миждоз бўладилар. Совуқ миждозлилар қариганларида кўпроқ касалликларига чалинадилар. Бел ва оёқлари оғрийди. Кексайган сари совуқликка мойил бўлиб қоладилар. Шунинг учун ҳар хил касалликларга чалиниб турадилар. Иссиқ миждозлилар қариганларида совуқликка мойил бўлиб борсаларда, хасталикларга камроқ учрайдилар, чунки улар қорачадан келган, сочлари қора, озгин бўладилар. Думиждозлилар ҳар икки миждоз ўртасидагилар ҳисобланади. Касалликлар ҳам ҳар иккала миждоз ўртасидагидек бўлади. Улар буғдой ранг, сочлари ҳам ўртача рангда бўлади”. Ибн Синонинг фикрларидан, асосан касалликлар, хасталиклар инсон умрининг қисқаришига олиб келади, деган хулоса келиб чиқади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки туркий халқларда қарилик ва қариш муаммоларини тахлили шуни кўрсатадики инсоннинг қариши табиий жараёндир, Зеро, кексайиш, аъзоларнинг қариши мавжуд экан, бу албатта инсонни ўлимга олиб боради.

Шундай экан инсон ҳаётини асосий қадрият сифатида қадрлаши кераклиги таъкидлаб ўтилган.

## REFERENCES

1. Саидов У. Шарқ ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 4-5.
2. Абу Ҳомид Ғаззолий. Ўлимни эслаш китоби (араб тилидан таржима). Таржимон ва луғат тузувчи. Рашид Зоҳид. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 9.
3. Цицерон М.Т. О старосте. – М.: Наука, 1973. – 456 с.
4. Ибн Сино Тиб қонунлари 3 жилд. Тошкент: Маънавият, 2016.

5. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – С. 2321-6247.
6. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – С. 2321-6247.
7. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. Digitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – Т. 12. – С. 209-218.
8. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – Т. 9. – С. 145-150.
9. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 06. – С. 138-145.
10. Suyunov D. X., Xoshimov E. A. The main directions of development of the corporate governance system in Uzbekistan in modern conditions //Economics and Innovative Technologies. – 2019. – Т. 2019. – №. 4. – С. 11.
11. Suyunov D., Kenjabaev A. Achievements And Problems in Further Development of The Digital Economy in UzbekistanScientific Considerations //Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 38-45.
12. Умарова, Р. Ш., Абдукаримова, Г. Б., & Тухтабоев, Э. А. (2019). Вклад Абу Райхана Беруни в развитие философии Ближнего, Среднего Востока и мировой науки. Проблемы науки, (12 (48)), 65-66.
13. Умарова, Р. Ш. (2019). Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни. Проблемы науки, (4 (40)), 56-57.
14. Ramatov, J., Umarova, R., Sultanov, S., Nazarova, N., & Khasanov, M. (2022). THE IMPORTANCE OF FORMING HIGH MORALITY AND SPIRITUALITY IN YOUNG PEOPLE. Теория и практика современной науки, (12 (90)), 78-81.
15. Ramatov, J., Umarova, R., Sultanov, S., Nazarova, N., & Khasanov, M. (2022). MORALITY: AS A SOCIAL-SPIRITUAL PHENOMENON. Теория и практика современной науки, (12 (90)), 27-30.
16. Раматов, Д., Султанов, С., Назарова, Н., Эрниязов, У., Хасанов, М., & Валиев, Л. (2022). ПРАГМАТИЗМ ПРОТИВ ФИЛОСОФИИ ОБЩЕСТВА. Теория и практика современной науки, (12 (90)), 193-197.

17. Ramatov, J., Umarova, R., Sobirova, S., & Rakhimova, M. (2022). THE PROCESS OF CIVILIZATION AND IMPORTANT CHANGES IN LIFE. Web of Scholars: Multidimensional Research Journal, 1(6), 243-246.
18. Абдукаримова Г.Б., *Yoshlar ta'lim tarbiyasida qariyalarning o'rni* // Scientific-methodical journal of «Scientific progress», Uzbekistan – 2021, Б. 7 – 9. (09.00.00; №29)
19. Абдукаримова Г.Б., *Геронтология: инсон қарилик даврининг фалсафий жиҳатлари* // Polish science journal, №12 (90) декабрь 2022 – С. 193 – 197. ISSN 2412-9682
20. Абдукаримова Г.Б., *Ёшлар маънавиятининг шаклланишида кексаларни ўрни* // Тошкент давлат транспорт университети транспорт соҳасида юксак малакали кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари мавзусидаги университет илмий-амалий конференция, Тошкент -2021, С. 150 – 155. ISSN 2412-9682
21. Абдукаримова Г.Б., *Қарилик – ижтимоий-фалсафий ҳодиса сифатида* // Eurasian journal of academic research, Ўзбекистон – 2021, Б. 38 – 40. (09.00.00; № 22.
22. Абдукаримова Г.Б., *Геронтологиянинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари* // Илм сарчашмалари, Ўзбекистон – 2022, С. 188 – 192. ISSN 2412-9682

## МИГРАЦИЯ ТЮРКСКИХ НАРОДОВ: СОЦИАЛЬНО - ФИЛОСОФСКИЙ АСПЕКТ ВЛИЯНИЯ НА КУЛЬТУРУ И ИДЕНТИЧНОСТЬ

**Э. А. Тухтабаев**

докторант. Тошкент давлат транспорт университети, Тошкент. Ўзбекистон.

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada turkiy xalqlar migratsiyasining madaniyat va o'ziga xoslikka ta'siri tahlili, bu migratsiya tarixiga umumiy nuqtai nazar, bu jarayonning iqtisodiy, siyosiy va ijtimoiy oqibatlari ko'rib chiqiladi. Maqolada turkiy xalqlar migratsiyasining hozirgi tendentsiyalari va muammolari, shuningdek, migratsiya jarayonida duch keladigan muammolar muhokama qilinadi. Muallif ushbu masalaning turli jihatlarini, jumladan, iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy jihatlarini ko'rib chiqadi. Maqolada turkiy xalqlar migratsiyasini boshqarishda davlatning istiqbollari va roli tahlil qilinadi. Muallif migratsiyani boshqarish bo'yicha turli strategiya va yondashuvlarni muhokama qiladi, shuningdek, ushbu sohadagi davlat siyosatini takomillashtirish bo'yicha tavsiyalar beradi.

**Kalit so'zlar:** Migratsiya, tarix, turkiy xalqlar ta'siri, sivilizatsiya, iqtisodiyot, siyosat, jamiyat, davlat boshqaruvi.

### АННОТАЦИЯ:

Эта статья включают в себя анализ влияния миграции тюркских народов на культуру и идентичность, обзор истории этих миграций, а также рассмотрение экономических, политических и социальных последствий этого процесса. В статье обсуждается современные тенденции и вызовы в миграции тюркских народов, а также вызовы, с которыми они сталкиваются в процессе миграции. Автор рассматривает различные аспекты этой проблематики, включая экономические, социальные и политические аспекты. В статье анализирует перспективы и роль государства в управлении миграцией тюркских народов. Автор обсуждает различные стратегии и подходы к управлению миграцией, а также предлагают рекомендации по улучшению политики государства в этой области.

**Ключевые слова:** Миграция, история, влияние тюркских народов, цивилизация, экономика, политика, общество, государственное управление.

### ABSTRACT:

This article includes an analysis of the impact of migration of Turkic peoples on culture and identity, an overview of the history of these migrations, and consideration of the economic, political and social consequences of this process. The article discusses current trends and challenges in the migration of Turkic peoples, as well as the challenges they face in the migration process. The author examines various aspects of this issue, including economic, social and political aspects. The article analyzes the prospects and role of the state in managing the migration of Turkic peoples. The author discusses various strategies and approaches to migration management, and also offers recommendations for improving government policy in this area.

**Keywords:** Migration, history, influence of Turkic peoples, civilization, economics, politics, society, public administration.

Исторический обзор миграции тюркских народов имеет древние корни и оказала значительное влияние на культуру и идентичность как самих тюркских народов, так и других этносов, с которыми они взаимодействовали. Исторический обзор миграции тюркских народов позволяет увидеть множество примеров такого влияния.

Одной из самых значимых периодов миграции тюркских народов было их вхождение в Великую Шелковую Дорогу, которая стала поистине международным торговым путем, способствующим не только обмену товарами, но и культурным взаимодействиям. Тюркские племена в течение нескольких столетий вели активную торговлю, участвуя в обмене товарами и новыми технологиями. Это привело к внедрению новых предметов, идей и обычаев в их культуру.

Тюркская миграция также внесла значимый вклад в распространение и развитие ислама. Мусульманская вера стала существенной частью тюркской идентичности, а племена, принявшие ислам, принесли с собой новые культурные, религиозные и социальные обычаи

Миграция тюркских народов является одним из важных исторических событий, которые оказали значительное влияние на культуру и идентичность не только самих мигрантов, но и населения территорий, на которые они переселялись. Века назад тюркские племена распространялись по просторам Евразии, проникая в различные регионы от Сибири до Балканского полуострова. Это привело к формированию уникальных обычаев, традиций и



ценностей, которые стали неотъемлемой частью культурного наследия этих территорий.

Одним из ключевых аспектов влияния миграции тюркских народов является языковое разнообразие. В результате контактов с другими этническими группами происходил процесс ассимиляции и обмена лингвистическим опытом. Так возникли новые диалекты, языки и письменности, отображая богатство культурного многообразия мигрантов. Каждый этап миграционных потоков представлял собой своеобразный "языковой феномен", который способствовал сохранению особенностей каждого этноса.

Вместе с этим следует упомянуть также о влиянии миграции на формирование религиозной и социальной структуры общества. Многие тюркские народы исповедуют различные вероисповедания - буддизм, христианство, ислам - что создает основу для интеркультурных связей с другими этническими группами. Пересечение культурных границ способствует расширению знаний о различных религиях и системах верований, а также формированию новых социальных норм.

Учитывая все вышеперечисленное, можно заключить, что миграция тюркских народов имела огромное значение для формирования культуры и идентичности не только для самой этнической группы, но также для всех регионов по всему маршруту движения мигрантов. Это подчеркивает уникальность каждого этапа переселений и необходимость изучения данного феномена для более полного понимания прошлого человечества.

Миграция тюркских народов имеет глубокое влияние на культуру и идентичность не только самих народов-мигрантов, но и на те общества и культуры, с которыми они вступают в контакт. Культура тюркских народов проявляется в различных аспектах.

Во-первых, мигранты приносят с собой свой язык и литературу, которые становятся частью местной культуры и обогащают ее. Таким образом, местные жители получают возможность познакомиться с новыми языками и культурными выражениями тюркских народов.

Во-вторых влияние миграции также заметно в сфере религии и верований. Тюркские народы, переселяясь, несут с собой свои религиозные и культовые обычаи, которые влияют на верования и практики местного населения. Адаптация тюркских традиций может изменить религиозный ландшафт региона и способствовать распространению новых верований.

Миграция тюркских народов также оказывает влияние на идентичность местных обществ

Миграции тюркских племен и народов часто сопровождалась формированием новых политических образований. Например, в результате миграции тюркских племен на территории Средней Азии возникли мощные государства, такие как Гунны, Гоктюрки, Карлуки, Кипчаки и другие. Эти государства оказали значительное влияние на формирование политической карты региона.[2]

Тюркские народы повлияли на традиции, обычаи и обряды населения регионов, куда они приходили. Например, многие праздники, традиционные одежды и кулинарные привычки во многих странах до сих пор отражают тюркские влияния. Они имеют богатое культурное наследие, которое также оказало влияние на культурную жизнь других народов. Сложно переоценить важность и разнообразие влияния миграции тюркских народов на развитие и идентичность различных народов и цивилизаций.

Социальное значение миграции тюркских народов имели и продолжают иметь значительное социальное значение в истории и современности. Вот некоторые аспекты, которые можно выделить:

1. Миграции тюркских народов способствовали формированию мультикультурных обществ в регионах, где они поселились. Это привело к разнообразию языков, религий, культур и традиций, что в свою очередь обогатило социокультурную среду и способствовало развитию толерантности и взаимопонимания между различными этническими группами.

2. В результате миграций тюркских народов произошло смешение культурных элементов и традиций. Этот процесс способствовал формированию уникального культурного наследия, которое объединяет различные этнические группы и вносит свой вклад в общую социокультурную картину региона.

3. Тюркские народы способствовали разнообразию этнических групп и возникновению новых форм самоидентификации. Люди, проживающие в регионах с тюркским наследием, могут чувствовать себя частью большего этнического сообщества и одновременно сохранять свои уникальные идентичности.

4. Миграция стимулировала взаимодействие и обмен культурой между разными этническими группами. Этот процесс способствует расширению горизонтов, обогащению культурного опыта и созданию новых форм и выражений в искусстве, литературе, музыке и других сферах. В целом,

социальное значение миграций тюркских народов заключается в их вкладе в формирование разнообразных и взаимосвязанных культурных сообществ, сохранении и трансформации культурного наследия и способствии социокультурному развитию различных регионов.[3]

Экономические, политические и социальные последствия миграции тюркских народов оказывают значительное влияние на культуру и идентичность как государств, принимающих мигрантов, так и на население, переселяющееся.

Одним из основных экономических последствий миграции тюркских народов является вклад в экономику страны-приемницы. Многие тюркские народы являются непосредственно связанными с переселенческой экономикой, так как обладают определенными навыками и специализацией, которые могут быть полезными в конкретной стране. В результате, мигранты способствуют развитию различных отраслей экономики, таких как сельское хозяйство, строительство, производство и услуги. Кроме того, они могут стать источником новых предпринимательских идей и вносят вклад в развитие местного предпринимательства.

Миграции тюркских народов имели и продолжают иметь значительное экономическое значение как для стран-источников, так и для стран-приемников. Вот несколько аспектов, которые можно выделить:

- Миграция тюркских народов могут способствовать экономическому развитию как стран-источников, так и стран-приемников. Например, эмигранты могут отправлять деньги в свои родные страны, что способствует развитию экономики и улучшению условий жизни в этих регионах.

- Тюркские народы могут предоставлять странам-приемникам доступ к квалифицированной и неквалифицированной рабочей силе. Эмигранты могут работать в различных отраслях экономики, что в свою очередь может решать проблемы с дефицитом рабочей силы и способствовать экономическому росту.

- Миграция может способствовать развитию туризма и культурного обмена между разными странами. Туристический поток, связанный с тюркскими народами, может быть значительной составляющей экономики некоторых стран.

- Также, способствовать обмену знаниями, технологиями и инновациями между разными странами. Эмигранты могут вносить свой вклад в различные сферы деятельности, стимулируя технологический прогресс и экономическое развитие. В целом, экономическое значение миграций тюркских народов

состоит в их способности стимулировать экономический рост, решать проблемы дефицита трудовых ресурсов, улучшать условия жизни и способствовать развитию различных отраслей экономики.

Современные тенденции и вызовы в миграции тюркских народов имеет значительное влияние на культуру и идентичность как самих мигрантов, так и стран, которые принимают их. Современные тенденции в миграции тюркских народов включают не только экономические и политические факторы, но также и социокультурные изменения.

Одним из основных вызовов, связанных с миграцией тюркских народов, является сохранение своей культуры и традиций в новой среде. Многие мигранты сталкиваются с проблемой сохранения своей языковой и культурной идентичности, особенно если они живут в странах с ассимиляционной политикой или недостаточной поддержкой мигрантов. В то же время, миграция тюркских народов вносит свой вклад в культуру стран-приемников. Они приносят с собой свои традиции, кулинарные особенности, музыку и обычаи, обогащая местную культуру и способствуя ее разнообразию. Мигранты также могут стать посредниками в культурном обмене между своей родиной и страной, в которой они проживают, способствуя взаимопониманию и толерантности.

Перспективы и роль государства в управлении миграцией тюркских народов имеет огромное влияние на культуру и идентичность как самих мигрантов, так и стран, в которые они переселяются. Но какие множество факторов могут повлиять на успешное управление этим процессом?

1. Перспективы и роль государства в управлении миграцией тюркских народов играют важную роль в обеспечении интеграции и смягчении возможных негативных последствий.

2. Государство должно предоставить мигрантам достаточные возможности для образования, трудоустройства и социальной адаптации. Это позволит им интегрироваться в новое общество, сохраняя при этом свою культуру и идентичность. [1]

Однако роль государства не ограничивается только обеспечением базовых условий для мигрантов. Важно, чтобы государство также проводило информационные кампании и образовательные программы, направленные на преодоление межкультурных различий и способствующие межкультурному диалогу. Это поможет создать толерантное и включающее общество, где мигранты смогут осуществлять свою культурную идентичность, не подвергаясь

дискриминации. Государство также должно принимать законодательные меры для защиты прав и интересов мигрантов

### REFERENCES:

1. Президент республики Узбекистана Ш.М. Мирзиёев СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО И ОБЩЕСТВЕННОГО СТРОИТЕЛЬСТВА. Обеспечение безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, а также осуществление взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики. - <https://strategy.uz/files/news/45467/rus.pdf>
2. М. Л. Лифшиц. Влияние миграции и естественного воспроизводства трудовых ресурсов на экономический рост в странах мира - <https://bookmood.com.ua/vlijanie-migracii-i-estestvennogo-voisproizvodstva-trudovyh-resursov-na-jekonomicheskij-rost-v-stranah-mira-m-l-lifshic>
3. М. К. Кирилловой, Н. В. Мкртчяна и др. «Миграция и рынок труда» - <https://www.litres.ru/book/mariya-kirillova/migraciya-i-rynok-truda-19431836/>

## TURKIY XALQLAR HAYOTIDA XALQ OG‘ZAKI IJODINING O‘RNI

**Qobiljon Komiljon o‘g‘li Abduvohidov**

Namangan davlat pedagogika instituti magistranti

Namangan davlat pedagogika instituti, Namangan, O‘zbekiston

### ANNOTATSIYA

Maqolada turkiy davlatlar xalq og‘zaki ijodining o‘ziga xos xususiyatlari, ularning o‘xshash jihatlari, og‘zaki ijodning namunasi hisoblanmish xalq maqollari millat taraqqiyotiga ta’siri tahlil etilib, ularning mohiyatiga doir fikr va mulohazalar bayon etilgan.

**Kalit so‘zlar:** xalq og‘zaki ijodi, maqollar, turkiy xalqlar, milliy madaniyat, milliy o‘zlik, milliy tarbiya, ma’naviy-madaniy meros.

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются особенности устного народного творчества тюркских государств, их сходства, влияние народных пословиц, считающихся образцом устного творчества, на развитие нации, излагаются мысли и размышления об их сущности.

**Ключевые слова:** фольклор, пословицы, тюркские народы, национальная культура, национальное самосознание, национальное воспитание, духовно-культурное наследие.

### ABSTRACT

The article analyzes the peculiarities of folk oral creativity of the Turkic states, their similarities, the influence of folk Proverbs, which are considered an example of oral creativity, on the development of the nation, and describes thoughts and reflections on their essence.

**Keywords:** folklore, proverbs, turkic peoples, national culture, national identity, national upbringing, spiritual and cultural heritage.

### KIRISH

Mustaqilligimiz sharofati bilan turkiy davlatlarning qadim-qadim zamonlarga borib taqaladigan adabiy, ilmiy va madaniy merosini o‘rganishga keng imkoniyatlar yuzaga keldi. Buning natijasi o‘laroq turkiylardan bo‘lgan xalqlar asos solgan davlatlarning xalq og‘zaki ijodini o‘rganish uchun tadqiqotlar boshlab



yuborildi. Tarixdan ma'lumki "turk" so'zi bir qavmga mansub bo'lgan xalqlarning umumiy nomi sifatida qo'llanilib kelingan va "kuchli quvvatli", "bilimdon", "yetuk" kabi ma'nolarni ifodalagan. Bugungi kunda dunyo xaritasida 6 ta mustaqil turkiy davlatlar mavjud bo'lib. Bular: Turkiya, Ozarbayjon, Qozog'iston, Qirg'iziston, Turkmaniston va O'zbekiston hisoblanadi. Shunisi ahamiyatga molikki bugungi kunda bu davlatlarning aholisining asosiy qismini turkiy xalqlar tashkil etadi. Va bu omil turkiy davlatlar xalq og'zaki ijodini o'rganishni davr taqozosiga aylantirdi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan 2019-yil 14-sentabrda "Turkiy tilli davlatlar hamkorlik kengashini tuzish to'g'risidagi Naxichevan bitimini ratifikatsiya qilish to'g'risida"gi qonun imzolanganidan keyin Turkiy davlatlar orasida ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy sohalaridagi hamkorlik yangi bosqichga ko'tarildi desak mubolag'a bo'lmaydi. Xususan, muhtaram prezidentimiz tomonidan Turkiy davlatlar tashkiloti davlat rahbarlari kengashi majlisidagi nutqini qadimgi turk davlati asoschilaridan biri Bilga Xoqonning "Ey turkiy elim, o'zligingga qayt, o'zligingni angla-yanada yuksalgaysan" degan so'zi prezidentimizning "Bugungi shiddatli zamonda — Turkiy davlatlar tashkiloti o'z faoliyatini tobora takomillashtirib borayotgan bir davrda albatta chuqur ma'noga ega. Tili, dini va yuraklari bir-biriga chambarchas bog'langan qardosh xalqlarimiz ovozi endilikda dunyo bo'ylab yanada baland, yanada kuchliroq yangramoqda"[1] degan so'zlariga mutanosib hisoblanadi.

**Tahlillar va natijalar.** Barchamizga ma'lumki har bir millatning qadriyatlarini, milliy o'zligini milliy ma'naviyatini va madaniyatini ifodalovchi eng asosiy omillardan biri bu xalq og'zaki ijodi hisoblanadi. Xalq og'zaki ijodining insonlar orasiga chuqur kirib borgan shakli bu - maqollardir. Chunki, maqollar til, falsafa va badiiy ijodiyotning o'ziga xos shakli hisoblanib hajman katta bo'lgan ma'nolarni mantiqiy jihatdan kichraytirilgan jummalarda o'z ifodasini topadi. Maqol atamasi arabcha – qavlun – gapirmoq, aytmoq so'zidan olingan bo'lib, aytilib yuriladigan ifoda va iboralarga nisbatan qo'llaniladi. Barcha tomonidan deyarli bir xilda aytilib, bir xilda tushuniladigan ibora, ifodalar, asosan, maqol janrini tashkil qiladi [2,91-b.]. Maqollar o'z tabiatiga ko'ra xalqaro janr hisoblanadi. Dunyoda o'z maqollariga ega bo'lmagan xalqning o'zi yo'q. Chunki har bir xalq hayotiy tajribalarini maqollar shaklida avlodlarga qoldiradi. Shuning uchun ham turli xalqlar og'zaki ijodida mazmun va shakl jihatidan bir-biriga yaqin hamda hamohang maqollar ko'p uchraydi. Chunki har bir xalq hayoti va tarixida juda ko'p o'xshashliklar, umumiyliklar mavjud [2,91- b.]. Turkiy davlatlar xalq maqollariga murojaat etar ekanmiz, ulardagi tarixiylikni hisobga olish lozimdir. Chunki bugungi

kunda nutqimizda ishlatilayotgan maqollarning ko'pchiligi ma'lum bir davrlardagi xalqlar psixologiyasini, dunyoqarashidagi cheklanganliklarni va ziddiyatlarni aniq ifodalab keladi. Shuning uchun ham, xalq maqollarini to'plash va ular orasida tahlil o'tkazishdan avval ularning tabiatdagi turli davrlarga xos qatlamlar bilan izchil sinfiylikni e'tibordan chiqarmasligimiz kerak. Misol uchun o'zbek xalq maqollaridan biri "O'zingni er bilsang, o'zgani sher bil" maqolini jamiyatning qaysi sinf vakillari uchun qaysi davrda aytilganligini anglash qiyin, lekin bu maqol orqali insonlarni kamtar bo'lishga chorlov mavjud. Buning sababi shuki inson qachon o'zini kamtar deb bilsa unda rivojlanish va yuksalish bo'ladi, yoinki inson qachonki manmanlikga girdobiga tushib qolar ekan u oxir oqibat bundan aziyat chekishi mumkinligi ham eslatib o'tiladi. Shu bilan birga, qozoq xalqining "O'zingni kuchli sanama, sendan kuchlilar ham bor" maqolidagi ma'no ham yuqoridagi o'zbek xalq maqoliga sinonim sifatida qo'llasak bo'ladi. Chunki bu maqollardagi "kuchli" so'zi "er" so'ziga, "kuchlilar" so'zi "sher" so'ziga qo'llanilgan ma'nosi jihatidan yaqin hisoblanadi.

Turkiy xalq maqollarida ota va o'gil orasidagi munosabatlarga ham alohida urg'u berilgan bo'lib, o'gil bola otasiga o'xshashligi, undan o'rnak olishligi kerakligi uqtiriladi. Turk xalq maqollaridan: "Babanin sanati o'gula mirastir" (Ota san'ati/kasbi o'g'liga meros), "O'g'lan babaya, kiz anaya yar olur" (O'gil otaga, qiz onaga do'st bo'ladi), "O'g'lan atadan o'g'renir sofra acmayi, kiz anadan o'g'renir bic'ki bic'meyi" (O'gil otadan dasturxon ochishni, qiz onadan tikish-bichishni o'rganadi) kabi maqollari o'zbek xalq maqollaridagi "Ota hunari, bolaga meros", Olti kun och qolsang ham, Otang odatini qo'yma, "Onadan ko'rgan to'n bichar, Otadan ko'rgan o'q yo'nar", "Ota g'ayratli bo'lsa, Bola ibratli bo'lar" [3,b-156.] kabi maqollarga mutanosib hisoblanadi. Va bu maqollar orqali farzandlarni ota-onasiga o'xshashlari va ularni kasb-u korlarni yaxshi o'zlashtirishlari va ulardan odob-axloq masalalarida alohida o'rnak olishlari lozimligi uqtiriladi.

Turkiy xalqlar azaldan mehmondo'stligi bilan boshqa xalqlardan ajlarib turadi. Ayniqsa bir necha yillik orzu umidlar bilan farzand o'stirgan ota-ona ayniqsa o'z farzandlarini uylantirish va turmushga berish oldidan xalqga katta to'y-u tomosha berishni istaydi. Va buning natijasida turkiy xalqlar orasida to'y, mehmondorchilikka oid turli-tuman xalq maqollari vujudga keladi. Misol uchun quyidagi uyg'ur, turkman, qirg'iz va o'zbek xalq maqollarida ushbu jarayonlarga oid bir nechta maqollarni ko'rishimiz mumkin:

- To'yga otlansang to'yib bolalarni uyda qoldirib bor [4,187-b.]
- Bazmga yaxshi kiyinib va to'yib bor
- Azaga och, to'yga esa to'yib bor [4,273-b.]

➤ To'yga borsang, burun bor, Burun borsang, o'rin bor.

➤ To'yga borsang, to'yib bor, To'y to'ningni kiyib bor.

Ushbu xalq maqollarini o'ziga xos to'y-u tomoshalarga borish yo'riqnomasi deb olsak bo'ladi. Chunki insonlar to'yga faqatgina qornini to'ydirish uchun emas balki do'st-u qarindoshlari bilan ko'rishish va ular bilan birgalikda vaqtini xush kayfiyatda o'tkazish uchun boradi. Axir to'y bayram va shodiyona kun hisoblanadi. Yoinki to'yga xizmat qilish maqsadida boruvchilar farzandini uyga qoldirib ketishi orqali to'yxonada sodir bo'lishi mumkin bo'lgan ayrim bir ko'ngilni xira qiluvchi hodisalardan saqlanishlari mumkinligi aytib o'tiladi. Shu bilan birgalikda, to'y ko'pchilik bilan o'tkaziladiga tadbir bo'lganligi bois unga keluvchi qarindosh-urug'lar, qo'ni-qo'shnilar do'st-u birodarlarning hamasi uchun ham yetarli joy tayyorlash qiyinchilik tug'dirishi mumkin. Vaholangki yaxshi joyda o'tirmagan odamning ko'ngli xira bo'lishi ham tabiiy hol. Lekin bunday ko'ngli xiralikdan qutlishning onson yo'li bu: "burun" borish ya'niki "ertaroq", "oldinroq" borish hisoblanadi va buning natijasida, to'yga ertaroq borgan kishi yaxshi joyda, ko'ngliga xush yoqqan joyda o'tirish imkoniga ega bo'ladi.

**Xulosa.** Xulosa qilib aytganda bugungi davr talablaridan biri bu xalq og'zaki ijodi namunalaridan biri bo'lmish maqollarni o'rganish va tahlil qilib borish turkiy xalqlarning madaniy hamkorligida muhim omil bo'lib xizmat qiladi. Chunki bu maqollarda bizning ajdodlarimiz tomonidan qoldirilgan ulkan ma'naviy meros, ularning hayot tajribalaridan kelib chiqqan holda sodda ko'rinishda mujassamlashgan hikmatlar xazinasi hisoblanadi va mana shunday ulkan ma'naviy me'rosni nafaqat o'zbek xalq maqollari ichidan balki boshqa turkiy xalq maqollari orasidan topishimiz mumkin bo'ladi.

## REFERENCES

1. Imomov K, Mirzayev T, Sarimsoqov B, Safarov O. O'zbek xalq og'zaki poetik ijodi. -T.: O'qituvchi, 1990. –B.303b
2. Sh.Turdimov. O'zbek xalq maqollari.-T.: Sharq, 2005.-B.512
3. A.Fathullayeva. Dunyo xalq maqollari–T.:O'zbekiston, 2018.-B.287
4. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. Digitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – T. 12. – C. 209-218.
5. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – C. 145-150.

6. Olimovich A. K., Butabaev M., Kh S. D. PROJECT MANAGEMENT IN THE SYSTEM OF STRATEGIC COMPANY MANAGEMENT //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – Т. 11. – №. 7. – С. 40-44.
7. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State Regulation of the Digital Transformation of the Economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – Т. 9. – С. 145-150.
8. Суюнов Д., Хошимов Э. Замонавий шароитларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг асосий йўналишлари //Экономика и инновационные технологии. – 2019. – №. 4. – С. 197-210.
9. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 06. – С. 138-145.
10. Suyunov D. X., Xoshimov E. A. The main directions of development of the corporate governance system in Uzbekistan in modern conditions //Economics and Innovative Technologies. – 2019. – Т. 2019. – №. 4. – С. 11.
11. Suyunov D., Kenjabaev A. Achievements And Problems in Further Development of The Digital Economy in UzbekistanScientific Considerations //Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 38-45.
12. <https://ziyonet.uz/>
13. <https://unilibrary.uz/>

## TURKIY XALQLARNING MADANIYATLARARO MUNOSABATLARI

**Shoxida Nusratilloevna Miraxmedova**

Chirchiq davlat pedagogika universiteti, Gumanitar fanlar fakulteti

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasida o'qituvchisi

### ANNOTATSIYA:

Tarixiy va arxeologik tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, taraqqiyot ustunlari, ayniqsa, turkiy dunyodagi tsivilizatsiya shaharlari va markazlarini bog'laydigan jamiyat madaniyati edi. Turkiy sivilizatsiyaning aloqa va taraqqiyotdagi eng qadimiy vositalardan biri sifatidagi o'rni shubhasizdir. Buyuk Ipak yo'li va karvonsaroylar yo'l qurilishining bir necha ming yillik tarixiga bag'ishlangan xotiradir. Bu orada odamlar qiyin, xavfli va notekis yo'lga g'amxo'rlik qila olmadilar. Hududdagi qishloqlar va shaharlar bir-biridan uzoq bo'lishiga qaramay, ma'muriy qoidalar va turkiy qabilalarning qat'iyati barcha muammolarni engib o'tdi. Ushbu maqolada turklarning davlatchilik masalalari va rivojlanish madaniyati, uning periferik hududlari, ayniqsa Evrosiyoning rivojlanishidagi ahamiyatini qisqacha o'rganishga harakat qilindi.

**Kalit so'zlar:** Ipak yo'li, "vahshiylar", "ko'chmanchi qabilalar", san'at va hunarmandchilik, aloqalar, Madaniyat, Arab-fors poetika, Iqtisodiyot, "Turk omili".

### АННОТАЦИЯ:

Исторические и археологические исследования показывают, что столпами развития, особенно в тюркском мире, была культура общества, связывающая города и центры цивилизации. Роль тюркской цивилизации как одного из древнейших средств общения и развития неоспорима. Великий Шелковый путь и караван-сарай-память о нескольких тысячелетиях строительства дорог. Тем временем люди не могли позаботиться о сложной, опасной и ухабистой дороге. Несмотря на то, что деревни и города в этом районе были далеко друг от друга, административные правила и настойчивость тюркских племен преодолевали все проблемы. В данной статье была сделана попытка кратко изучить вопросы государственности и культуры развития тюрков, их значение в развитии периферийных территорий, особенно Евразии.

**Ключевые слова:** Шелковый путь, "Варвары", "кочевые племена", декоративно-прикладное искусство, связи, культура, Арабо-Персидская Поэтика, экономика, "турецкий фактор".



**ABSTRACT:**

Historical and archaeological studies show that the pillars of progress were, in particular, the culture of society that linked the cities and centers of civilization in the Turkic world. The role of Turkic civilization as one of the most ancient tools in communication and development is beyond doubt. The Great Silk Road and caravanserais are a memory of several millennia of road construction. In the meantime, people could not take care of a difficult, dangerous and uneven road. Despite the fact that the villages and cities in the region were far from each other, administrative rules and the determination of the Turkic tribes overcame all problems. In this article, an attempt was made to briefly explore the importance of the Turks in the development of statehood issues and the culture of development, its peripheral regions, especially Eurasia.

**Keywords:** Silk Road," savages"," nomadic tribes", Arts and crafts, communications , culture, Arab-Persian poetics, Economics,"Turkish factor".

**Kirish.** Qadimgi turklar insoniyat sivilizatsiyasining tarixiy rivojlanishiga shubhasiz hissa qo'shgan. Dunyoning eng ko'zga ko'ringan olimlari va tadqiqotchilari turklarni "Tarix yaratgan xalqlar" deb hisoblashgan.

Buyuk ajdodlarimiz nafaqat tarixning shonli sahifalariga imzo chekkanliklari, balki ilg'or davlatchilik an'alarini, yuksak moddiy va ma'naviy madaniyat yodgorliklarini yaratganliklari haqiqatdir. Turklar qadimiy madaniyat soyalarini saqlashdan tashqari, insoniyatga o'sha davrning eng mukammal ixtirolari, jasorat, jang san'ati va ritsarlikni ato etgan. Biroq, turklarning yovuz odamlari, ayniqsa bizning qo'shnilarimiz bo'lgan armanlar har doim buyuk turkiy millatning insoniyat tarixi oldidagi xizmatlarini kamsitishga harakat qilishgan. Ammo xayriyatki muvaffaqiyatga erishmadi.

Buyuk qirg'iz shoiri Oljas Sulaymenov g'urur bilan yozadi: Turklar har doim jasorati, qo'rqmasligi va adolati bilan ajralib turishgan. Afsuski, turklarning jahon tsivilizatsiyasiga qo'shgan ulkan hissalarini kamsitishga, ularni "vahshiylar", "ko'chmanchi qabilalar" deb ta'riflashga urinishlari davom etmoqda. Bunday asossiz va adolatsiz urinishlarning oldini olishda Lev Gumilyov, Ziyo Bunyodov, Murod Adji va boshqa dunyoga mashhur olim va tadqiqotchilarning rolini qadrlashimiz kerak.

Turkiya tarixidagi eng qudratli Sulton sifatida tanilgan muhtasham Sulaymon o'zining ko'plab va eng muhim xizmatlari bilan esda qoladi. Turkiy xalqlarning jahon



tarixidagi o'rni o'zgarmasdir. Shunday qilib, turk tarixining jahon tarixi, madaniyati va ilm-faniga qo'shgan hissalar tarixiy obidalar bo'lib, o'zlarini dunyoga mashhur shaxslar va vatanparvar shaxslar bilan isbotladilar. Ilmiy, diniy, ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy jihatdan doimiy ravishda yuksalib borayotgan turklar Osiyo va Evropa xalqlarini aralashtirib, umuminsoniy madaniyatni yaratishda bebaho xizmatlar ko'rsatdilar.

Turklar haqiqat va adolat yo'lida millionlab odamlarni o'ldirgan xalqdir. Tarixiy jihatdan Arab xalifaligi va Vizantiya imperiyasi tomonidan ezilgan va ta'qib qilingan ko'plab xalqlar, ayniqsa nasroniylar o'zlarining milliy o'ziga xosligi va dinini saqlab qolish uchun O'rta asrlarda turklarga panoj topdilar, turklarni o'zlarining qutqaruvchisi deb hisobladilar va turk hukmronligini ixtiyoriy ravishda qabul qildilar. Xristian manbalarining o'zi turklarning qutqaruvchi ekanligini tasdiqladi. Turklarning adolat, insonparvarlik va ular boshqargan xalqlarning intilishlariga tayanishi natijasida ular Hindistonni to'qqiz yuz yil, bu davrda inglizlar yuz yil va Arab mamlakatlarida ming yil hukmronlik qildilar. bu erda G'arbiy evropaliklar ellik yoki oltmish yil ushlab turishgan.

Chunki, boshqalardan farqli o'laroq, turklar mahalliy xalqlarni ikkinchi darajali xalq deb hisoblamadilar va ularni o'z tillarini yoki o'zlari mansub bo'lgan dini qabul qilishga majburlamadilar. Bu tuyg'ular va his-tuyg'ular turklarning Islom dini va madaniyatini egallashi bilan yanada mustahkamlandi. Turklar parchalanib borayotgan imperiyadan respublika tuzishga muvaffaq bo'lishdi, dedi taniqli tarixchi va yangi mamlakat geografik jihatdan qisqargan bo'lsa-da, Turkiyaning iqtisodiy va siyosiy qudratini tiklaganini qo'shimcha qildi. (Ortayli, 2012)

Qadim zamonlarda ham, keyingi davrlarda ham turkiy xalqlar orasida yo'llar va aholi punktlari doimo muqarrar zarurat hisoblangan.. Karvonsaroylar Osiyoning bir necha ming yillik yo'l qurilishi tarixini yodga oladi. Eski kunlarda, insonlar qattiq edi yo'llar uchun g'amxo'rlik olmadi, xavfli, va tengsiz. Ular qattiq cho'llardan o'tib, qattiq tog'larda yurishgan, ammo omon qolish uchun barcha muammolarni engishgan. Turkiy hududdagi qishloqlar va shaharlar bir-biridan uzoqda. Karvonlar, ularni ko'chiradigan odamlar, kiyim-kechak, karvonsaroylar, savdo shaharlari, tovarlar, valyutalar, aloqa tillari, savdo yo'llari, saroylar, imperiyalarni nazorat qiluvchi amaldorlar o'zgartirildi va yangilariga almashtirildi. Biroq, savdo madaniyatining bitta "oltin qoidasi" o'zgarmadi: barcha tarixiy davrlarda odamlar bir-birlarini yaxshiroq bilish, eng yaxshi moddiy va ma'naviy ne'matlarni bir-birlari bilan bo'lish uchun munosabatlarning yuqori darajasiga, kengroq miqyosga erishdilar. Bu masalalarning barchasi umuminsoniy qadriyatlarni shakllantiruvchi asosiy stimul

bo'lgan. Shunday qilib, Buyuk Ipak yo'li madaniyati ham bizning zamonaviy dunyomizda, bugungi kunda global tsivilizatsiyaning asosiy umumbashariy yutuqlari hisoblanadi.

Maqolada ipak yo'lining shahar turkiy madaniyatlari tarixidagi foydali o'rni haqida hikoya qilinadi. Ipak yo'li jahon globallashuvining birinchi tajribasi, ko'plab tsivilizatsiyalarning gullab-yashnashi manbai edi. Maqolada turkiy davlatchilik madaniyati hamda antik davr va klassik O'rta asr Islomining qadriyat va gumanistik jihatlari qiyosiy ko'rib chiqilgan. Ipak yo'lining eng boy madaniyati bilan aloqalar tufayli, uning mumtoz gullab-yashnashi davrida turkiy matnning, birinchi navbatda, an'anaviy va marosim va marosim tabiatiga ega bo'lgan butun rasmiy mazmundagi tabiati o'zgarganligi ajablanarli emas. Lekin Arab-fors poetika kuchli ta'siri ostida, o'z vaqtida mos yangi mafkuraviy va tematik mazmun bilan, yuqori klassik shakllarini qozongan. Ipak yo'lining qadriyatlar dunyosi 8-asr turkiy matnlarida va Islom klassiklarining gullab-yashnashi davrida shahar madaniyatining turkiyzabon she'rlarida, shuningdek, Shimoliy Kavkaz, o'rta va o'rta Osiyo va Janubiy Sibir dostonlarida, O'g'uz lirik va epik merosida o'z aksini topgan va XI asrdan Saljuqiylar merosi. Ipak yo'lining akademik va ma'naviy-axloqiy muhitini shakllantirishda turkiy madaniyat tarixining taniqli vakillarining munosib o'rni g'oyasi oltin yo'l kabi ishlaydi.

Ushbu asar zamonaviy ilm-fan va madaniyatda turklarning insoniyat madaniyatini barpo etishdagi o'rni bilan bog'liq holda shakllangan ko'plab stereotiplarga javob bo'ldi. Buyuk Ipak yo'lidagi turklarning rolini xolisona o'rganish uchun ularning madaniy va tarixiy xususiyatlarini, tarixiy, ma'naviy va iqtisodiy hayotining o'zgarishi tabiatini Ipak yo'li klassik madaniyatining o'ziga xos tarixiy gullab-yashnashi sharoitida ochib berish muhimdir. Ipak yo'lining evolyutsiya jarayonini uning himoyachilari turklarning ishtiroki nuqtai nazaridan o'rganish bu jarayonda Evrosiyodagi trans-tsivilizatsiya voqealarining tarixiy voqeligi va umumiy qonuniyatlarini ob'ektiv ravishda aniqlashtirishni anglatadi. Turk tsivilizatsiyasining Ipak yo'li jarayoniga qo'shilishi sharoitida bu erdagi xalqaro siyosiy va madaniy aloqalarning transformatsion fazilatlarini bilmasdan turib, Evrosiyoning tarixiy va geosiyosiy tabiatini o'rganish mumkin emas. Bu ham zarur, chunki bir qator tadqiqotlarda "Turk omili" buyuk Ipak yo'li faoliyatidagi buzg'unchi-vahshiy pozitsiya bilan noto'g'ri bog'langan; aksincha, bu jarayonda "Hind-Evropa omili" bo'rttirilgan va bo'rttirilgan. Ammo tarix butunlay boshqacha haqiqatni ochib beradi: Agar turklar minglab turkiy xalqlarning vatani orqali o'tadigan va asosiy birikmalari turkiy toponimlar deb ataladigan Buyuk Ipak yo'lga to'sqinlik qilganlarida edi, agar

ular bu yo'llarda bosqinchilik va talonchilik bilan shug'ullanganlarida edi, bu hech qachon ishlamas edi. Aksincha, tarixning ko'p davrlarida Buyuk Ipak yo'lga to'sqinlik qilganlarni aynan turklar zararsizlantirgan va bu yo'lni qayta tiklash uchun sharoit yaratgan. Biz Ipak yo'lining o'ziga xos xususiyatlari va dinamikasini shakllantirgan aloqalar va tipologik munosabatlar haqida gapiramiz. Qadimgi she'riyatning tuzilishi va mazmunini tahlil qilib, turkiy og'zaki va she'riy musiqiy an'analarning folklor, marosim, marosim, og'zaki xalq muhiti, jangchi epos va madaniyatning asosiy asoslari bilan uzviy bog'liqligini qayd etamiz.

Al-Farobiy taniqli faylasuf edi, haqiqatan ham musulmonlarda mavjud bo'lgan eng buyuk; u mantiq, musiqa va boshqa fanlarga oid bir qator asarlar yaratdi. Hech bir musulmon hech qachon yetib bormagan falsafa fanlari u bilan bir xil darajaga ega; va uning uslubiga taqlid qilish orqali Ibn-Sino malakaga erishdi va o'z ishini shu qadar foydali qildi.(Aydin, 1986)

Atrof - muhitning roli ko'rsatilgan: Ipak yo'lining turli madaniyatlari bilan aloqalar tufayli va Arab-fors poetikasining kuchli ta'siri ostida turkiy she'riyat yangi janr shakllari bilan juda mustahkamlandi, yuqori klassiklarning xususiyatlari va pafosiga, haqiqiy dunyo she'riy san'atiga ega bo'ldi. Dastlab faqat an'anaviy va marosim jihatlariga ega bo'lgan turkiy matnning barcha she'riy, rasmiy ravishda mamnun tabiati o'zgardi. Ipak yo'li muhiti zamonning yangi talablari, g'oyaviy va estetik talablari asosida ijod qilgan atoqli turkshunos olimlar, shoirlar, gumanistlarning yorqin guruhi bilan ajralib turadi. Yangi ijtimoiy-iqtisodiy, diniy, lingvistik va boshqa omillar yangi turkiy adabiy tilni va shunga mos ravishda klassik o'rta asrlar turklarining yangicha tafakkurini shakllantirdi. Aloqalarni tahlil qilish uchun biz qadimiy va o'rta asr shaharlari madaniyati, shuningdek, adabiyot va san'at, falsafa va estetika haqidagi ma'lumotlardan foydalandik.

Va taniqli qozoq faylasufi Nurjanovning so'zlariga ko'ra, buyuk Ipak yo'li jahon globallashuvi tajribasi bo'lgan. Shuning uchun turkiy she'riy madaniyatning qadriyat gumanistik jihatlarini, antik davr va klassik o'rta asrlar davri sifatida nisbatan qaraladi, ularning o'zgarishi tabiati ko'rsatiladi, ularning intilish dunyosi batafsil taqdim etiladi. Bundan tashqari, ushbu tadqiqotda ishlatiladigan barcha manbalar o' yozma manbalar va kamroq og'zaki manbalarni muhokama qilish muhimligi sababli.

**Muhokama.** Dan yuqori berilgan tahlil yo'llar jihatidan, u teng metodologiyasi oldinga qaytib, deb juda Ravshan bo'ldi. Bu shahar klassik madaniyati bilan taqqoslaganda nafaqat islomgacha bo'lgan roving madaniyatining kichik nashrlarini sovg'a qilishga yordam berdi, ammo uning musulmon klassiklari madaniyatini shakllantirishdagi ijobiy rolini o'rganish, fors va Arab an'analari bilan taqqoslaganda

uning o'ziga xos variantlarini ochib berish. Tarixiy va maqsadli metodologiya turkiy arxaik madaniyatning mohiyatiga, she'riy matnga, uning asl mansubligiga nafaqat hikoya, marosim va marosim bilan, balki o'ziga xos ijtimoiy funktsiyalar bilan birgalikda zamonaviy qarashni talab qilishga yordam berdi. so'nggi kunlarda turkiy she'riy matn yangi ma'naviy va mafkuraviy mazmunga nisbatan meros qilib bo'lmaydigan yangi ijtimoiy vazifalarni bajaradi..

Davlatchilik doim jinni; bu, albatta, o'zgartirildi, uning turli maxsus harbiy va bint shakllari remodeled, biroq u yuz nur yo'q. bir xil O'g'uz (turkiy) tili bilan bog'liq bir xil bo'ladi, deb ko'rsatib marta buyon ko'p tahrirlangan va erishilgan emas 20th asr, o'z asosiy bazasini ushlab, bu ba'zi olimlar O'g'uz tilining rivojlanmaganligi haqida asossiz xulosalar chiqarish uchun ruxsat, bu barcha boy tillarda biridir. hozirgi kunda Sayyora. Ilg'or va konsentrik metodologiyaning mohiyati shundan iboratki, tahlil maqolasi umumiy "munosabat" yadrosi bo'lib, uning atrofida bir butun maydon birligining barcha tarkibiy nuqtalari to'plangan, bu hatto ularning umumiyli va tizimida tahlil qilish uchun subj va hokazo bo'lishi kerak. Ular orasida yaxshi turkiy yozuvchilar, shoirlar va sarkardalar Eron shohi Ismoil va buyuk Turk Sulaymonni sanab o'tamiz. ular bir nechta iste'dodlarga ega edilar va xalq, xalq san'ati, olimlarga juda yaqin edilar. Ba'zi talabalar ta'sirli Sulaymon tomonidan yaratilgan edi saroyi va shakli taklif etildi, deb bundan tashqari, bugungi kunga omon qolgan grand Turk Sulaymon tomonidan there uchastka maydoni birligi ko'p ishlari. va shuni tushunamizki, Eron shohi Ismoil she'rlar yozish bilan birga shoirlar va talabalar uchun "Divan" ni tashkil qilgan. Biz bilganimizdek, Safavy va Usmonli imperiyalari Sharq va G'arb o'rtasidagi 2 ta yaxshi davlat edi va ular hamma yoki har qanday odamlarga, xususan Birlashgan Millatlar tashkilotining agentligi mintaqada yashaganiga ibratli misollardir.

Halil Inalcikning so'zlariga ko'ra, Islom dunyosidagi turk davlatlarida torn (ture, tuzuk), yasa yoki kanun, ya'ni qonunlar va qoidalar to'plami Islom qonunlaridan mustaqil ravishda mavjud bo'lgan va jamoat hayotini davlat va jamiyatning eng yuqori manfaatlari yo'lida olib borgan, davlat siyosatini tayyorlashda elastiklik bergan. Islom huquqi talablarini eng liberal usulda talqin qilish.(Inalcik, 1998)

**Xulosalar.** Ba'zi tarixiy tahlil savdo yo'li ekanligini ko'rsatadi, deb sayyoramizning qadimiy sivilizatsiyalar o'rtasidagi eng muhim tarixiy aloqa yo'li, bir tarix turli sivilizatsiyalar shakllantirishda kith va qarindosh qator uyg'unlashtirish ko'rib bo'lishi mumkin. Tarix davomida Millatlar va qabilalar ushbu yo'l matolari ustida va ularning madaniy matolarida ushbu eng uzoq potentsial vositalar davomida o'zgarib turdilar va natijada ular eng katta va eng intensiv madaniy tarqatish

dasturlarini yaratdilar. Yo'l savdo-iqtisodiy hamkorlik natijalari sifatida rivojlandi va yuzlab yillar davomida ular o'rtasidagi madaniy aloqalar usuli doirasida turli millatlarning yashashi uchun zarur bo'lgan narsa sifatida rivojlandi. O'rta asrlarda uning asosiy dunyoviy bo'lmagan tarkibi-adabiy fors tili va Arab klassik madaniyati birgalikda fan, san'at va iqtisodiyot sohasidagi foydali aloqalar natijalariga aylandi. fanlarning asosiy yo'nalishi, bitta ma'naviyat sohasidagi madaniyatlar savdo yo'lining intellektual sohasida tarixiy model va o'zaro madaniy mavjudotga go'shtli talab sifatida paydo bo'ldi. Turli madaniyatlar bilan aloqalar natijasida va birinchi navbatda Arab - fors adabiy tadqiqining kuchli ta'siri ostida turkiy she'riyat yangi janr shakllari, to'plangan variantlar va yuqori klassiklarning pafoslari Sayyora she'riy san'atining miqdoriga erishdi. Turkiy matnning she'riy va rasmiy go'shtli tabiati o'zgartirildi, bu dastlab faqat standart va marosim va marosim tomonlariga ega edi. Arab-fors klassiklarining ta'siri ostida u yangi, klassik shakllarga ega bo'ldi va yangi, tematik tarkibga ega bo'ldi. Ular orasida Fuzuliyning "Dede Qo'rqu", "Shikayyetname" kabi asarlari "tarixi Ali Selchuk" ning boshlang'ich o'rni bor edi. Sevgi va so'fiy lirikasi, bunga e'tibor qahramonlik estetikasida to'lanmaydi, akademik adabiy kompozitsiya bilan birga gullab-yashnaydi. Fors-Arab adabiy tadqiqotining turklarning janr uslubidagi tuzilishiga va ularning o'rta asrlarga ta'siri tufayli. Savdo yo'li ushbu strategik va sanoat vositalari atrofida yaratilgan ko'plab boy shaharlarning kelib chiqishi bo'lgan. Ushbu yo'lining gullab-yashnashi bilan juda katta maydon botqoqlanib, chirigan edi. Yo'llardagi xalqaro tarmoq ichidagi tsivilizatsiyalar bugungi kunda mahalliy turk tarkibiy qismlarining bir nechta madaniy qismlarini muqobil qabilalardan olgan, ular bilan yo'lda sanoat aloqalari bo'lgan. O'rta er dengizini Janubiy ko'lning bir qismi orqali Xitoyga bog'laydigan yo'l faqat burjua savdogarlarining yo'li emas edi, biroq davlatlar almashinuvi organlari va qo'shnilar o'rtasidagi tinchlik va munosabatlar xabarlarini tufayli yagona rahmat.

Buyuk Ipak yo'lining zamonaviy xalqaro hayotda qayta aktuallashuvi dunyo taraqqiyotining tarixiy muntazamligi: bu Buyuk siyosatga qaytgan turkiy dunyoning zamonaviy Evrosiyoning siyosiy, iqtisodiy va madaniy hayotidagi o'rni ekanligini anglatadi. Bugungi kunda Buyuk Ipak yo'lining tarixiy himoyachilari bo'lgan turklar uning asoschilari missiyasida. Mustaqil turkiy davlatlar: Turkiya, Ozarbayjon, Qozog'iston, Qirg'iziston, O'zbekiston, Turkmaniston va Shimoliy Kipr Turk Respublikasi turkiy dunyo tushunchasini tasdiqlaydi. Turkiy xalqlar dunyosi va ularning tarixdagi o'rni o'zgarmasdir. Shunday qilib, turk tarixining jahon tarixi, madaniyati, ilm-faniga, ya'ni tarixiy obidalarga, dunyoga mashhur shaxslarga, vatanparvar shaxslarga qo'shgan hissalarini o'zini isbotladi. Islom yoki yahudiylik



uchun G'arb uslubidagi retsept bo'lishi mumkin emas, chunki ruhoniylar yo'q, cherkov ierarxiyasi yo'q.(Ortayli, 2012)

Zamonaviy Turkiyada tarix faqat darsliklardan ommaga o'qitiladigan rasmiy davlat tarixiga murojaat qilgan. (Ortayli,2015).Tarix va hozirgi zamonda turkiy dunyo olimlari adabiyot va aniq fanlar sohasidagi asarlari bilan o'zlarini butun dunyoda isbotladilar. Shuningdek, ular orasida harbiy muhandislik sohasida ishlaydigan Selcuk Bayraktar ham bor.

Xulosa qilib aytganda, TAP, TANAP va Zangazur loyihalari, shuningdek, ishtirok etayotgan mamlakatlar o'rtasida huquqiy, iqtisodiy, madaniy aloqalar va o'zaro tushunishni mustahkamlaydi, mintaqaviy hamkorlik va xavfsizlik uchun yangi platformalarni joriy etadi. TANAP Janubiy gaz koridorining asosiy segmenti sifatida Kaspiy dengizining Ozarbayjon sektoridagi Shah dengiz-2 gaz kondensati konidan gazni yevropalik iste'molchilarga yetkazib beradi. TANAP Evropaga ulanadi, Ozarbayjon, Gruziya, Turkiya yo'nalishidan teging va Bolgariya, Gretsiya, Makedoniya, Albaniya, Serbiya va Bosniya-Gertsegovinani jalb qilishda davom etmoqda. (Museyibov, 2019) shunday qilib, Buyuk Ipak yo'li to'liq tiklanadi va undan butun insoniyat foyda ko'radi.

## REFERENCES

1. Inalcik, Halil (1998), "Turkiya Evropa va yaqin Sharq o'rtasida". Idrok: xalqaro ishlar jurnali, 3(1): 0-0, Chikago
2. Ortayli, Ilber (2012), "Turkiya respublika bilan o'z modelini qurdi". Hurriyetga hisobot kundalik Yangiliklar, Istanbul
3. Ortayli, Ilber (2015), "ilber Ortayli: tarixni ommaviy madaniyat bilan tanishtirgan odam". Daily Sabah, Istanbulga hisobot
4. Museyibov, Ayaz (2019), "energiya Ipak yo'li" ishga tushirildi. To'p hozir Evropada".Kundalik Sabahga hisobot, Boku
5. Oydin, Mehmet (1986), "turklarning falsafiy madaniyatga qo'shgan hissalar". 1-sahifa, Anqara



## XXI ASRDA TURKIY XALQLARNING MADANIYATLARARO MUNOSABATLARI

**Elnora Shermuhammad qizi Abduvohidova**

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston

Milliy universiteti Ijtimoiy fanlar fakulteti

Sotsiologiya yo'nalishi 4 -kurs talabasi

### ANNOTATSIYA:

Dunyo tarixida, insoniyat taraqqiyotida turli davrlarda yuzaga kelgan sivilizatsiyalar, saltanatlarning o'rni va ahamiyati katta bo'lgan. Ular orasida turkiy xalqlar tomonidan asos solingan qadimiy davlatlar, ularning madaniyat va tamaddunlari alohida o'rin tutadi. Tarixga nazar tashlasak, buyuk sulolalar o'z hukmronligi davrida davlatni haq va adolat bilan boshqarishga, ilm-fan, me'morchilik, madaniyat va san'atni rivojlantirishga harakat qilgan. Bugun sayyoramizda yashayotgan turkiy tilli xalqlarning umumiy soni 250 milliondan oshadi. E'tirof etish joizki, hozirgi kunda ham turkiy tilli davlatlar o'rtasida har tomonlama hamkorlik aloqalari tobora rivojlanmoqda. Muhtaram Prezidentimizning tashqi siyosatdagi ochiqlik, amaliy va konstruktiv sheriklikka qaratilgan siyosati natijasida yangi O'zbekiston dunyoga tobora keng ochilyapti. Shu ma'noda O'zbekiston Turkiy tilli davlatlar hamkorlik kengashining 2019-yil 15-oktabrda Boku shahrida bo'lib o'tgan sammitida ilk bor to'la huquqli a'zo sifatida ishtirok etdi. Kengashning asosiy maqsadi qardosh mamlakatlar o'rtasidagi aloqalarni mustahkamlash, savdo-iqtisodiyot, transport, energetika, turizm va madaniy-gumanitar sohalaridagi hamkorlikni rivojlantirish, tinchlik va xavfsizlikni mustahkamlash bo'yicha sa'y-harakatlarni muvofiqlashtirishdan iborat.

**Kalit so'zlar:** Turkiy xalqlar kelib chiqishi, din va til va madaniyat, turkiy xalqlar tashkiloti, sammit, turkiylar o'rtasidagi hamkorlik, global logistika

### АННОТАЦИЯ:

В мировой истории, в развитии человечества большое место и значение имели цивилизации и царства, возникшие в разные периоды. Среди них особое место занимают древние государства, основанные тюркскими народами, их культура и цивилизации. Если мы посмотрим на историю, великие династии во время своего правления пытались править страной правдиво и справедливо, а также развивать науку, архитектуру, культуру и искусство. Сегодня общая

численность тюркоязычных народов, проживающих на нашей планете, превышает 250 миллионов человек. Надо признать, что и сейчас всестороннее сотрудничество между тюркоязычными странами развивается все больше. В результате политики нашего уважаемого Президента, ориентированной на открытость, практическое и конструктивное партнерство во внешней политике, новый Узбекистан все больше открывается миру. В этом смысле Узбекистан впервые принял участие в качестве полноправного члена в саммите Совета сотрудничества тюркоязычных стран, состоявшемся в Баку 15 октября 2019 года. Основная цель Совета – укрепление отношений между побратимскими странами, развитие сотрудничества в торгово-экономической, транспортной, энергетической, туристической и культурно-гуманитарной сферах, а также координация усилий по укреплению мира и безопасности.

**Ключевые слова:** происхождение тюркских народов, религия, язык и культура, организация тюркских народов, саммит, сотрудничество между тюрками, глобальная логистика.

#### **ABSTRACT:**

In world history, in the development of mankind, civilizations and kingdoms that arose in different periods had a great place and importance. Among them, a special place is occupied by the ancient states founded by the Turkic peoples, their culture and civilizations. If we look at history, great dynasties during their reign tried to rule the country truthfully and fairly and also develop science, architecture, culture and art. Today, the total number of Turkic-speaking peoples living on our planet exceeds 250 million people. It must be admitted that even now comprehensive cooperation between Turkic-speaking countries is developing more and more. As a result of the policy of our respected President, focused on openness, practical and constructive partnership in foreign policy, the new Uzbekistan is increasingly opening up to the world. In this sense, Uzbekistan took part for the first time as a full member in the summit of the Cooperation Council of Turkic-Speaking Countries, held in Baku on October 15, 2019. The main goal of the Council is to strengthen relations between sister countries, develop cooperation in the trade, economic, transport, energy, tourism, cultural and humanitarian spheres, as well as coordinate efforts to strengthen peace and security.

**Keywords:** origin of the Turkic peoples, religion, language and culture, organization of the Turkic peoples, summit, cooperation between the Turks, global logistics.

Turkiy olamning ajralmas qismi bo'lgan O'zbekiston mustaqillikka erishganidan buyon barcha sohalarda uzoq taraqqiyot yo'lini bosib o'tdi, xalqaro maydonda muhim rol o'ynadi. O'zbekistonning 2019-yilda turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo bo'lishi turkiy xalqlar integratsiyasi, ularning birligi va hamjihatligini kuchaytirish, shuningdek, turkiy davlatlar o'rtasidagi hamkorlik aloqalarini mustahkamlash nuqtai nazaridan muhim tarixiy voqeadir. Turkiy Davlatlar Tashkiloti Samarqand sammiti doirasida "Bright Uzbekistan" jamoasi qator mehmonlar bilan uchrashuvlar o'tkazdi. Ular orasida haqiqiy turkiy mamlakatlar madaniyatini globallashtirishga jon kuydirayotgan, Xalqaro Turk Madaniyati va Merosi Fondi Prezidenti Guney Efendiyeva bilan bo'lib o'tdi. Xalqaro Turk Madaniyati va Merosi fondi turkiy dunyoning daho shaxslari yubileylariga katta ahamiyat beradi. 2021-yilda umumturkiy adabiyotning atoqli namoyandalaridan biri, turkiy til she'riyatining asoschisi Alisher Navoiy tavalludining 580 yilligi munosabati bilan Fond tomonidan buyuk mutafakkirning asarlari Ozarbayjon tilida nashr etildi. Bundan ko'zlangan maqsad Ozarbayjonda o'zbek adabiyotini, Alisher Navoiy ijodini targ'ib qilish, shuningdek, o'zbek va ozarbayjon xalqlari o'rtasida madaniy-ma'naviy yaqinlashuvni kengaytirishga hissa qo'shishdan iborat.

Muhtaram Prezidentimizning tashqi siyosatdagi ochiqlik, amaliy va konstruktiv sheriklikka qaratilgan siyosati natijasida yangi O'zbekiston dunyoga tobora keng ochilyapti. Shu ma'noda O'zbekiston Turkiy tilli davlatlar hamkorlik kengashining 2019-yil 15-oktabrda Boku shahrida bo'lib o'tgan sammitida ilk bor to'la huquqli a'zo sifatida ishtirok etdi. Kengashning asosiy maqsadi qardosh mamlakatlar o'rtasidagi aloqalarni mustahkamlash, savdo-iqtisodiyot, transport, energetika, turizm va madaniy-gumanitar sohalardagi hamkorlikni rivojlantirish, tinchlik va xavfsizlikni mustahkamlash bo'yicha sa'y-harakatlarni muvofiqlashtirishdan iborat. Davlatimiz rahbari o'tgan yili Istanbul shahrida bo'lib o'tgan sammit davomida turkiy tilli xalqlarning dunyo sivilizatsiyasi rivojiga qo'shgan beqiyos hissasi va nihoyatda boy yozma merosini birgalikda chuqur o'rganish kerakligini alohida ta'kidlagan edi. Shu bilan birga, Prezidentimizning Yangi O'zbekiston strategiyasida kitobida belgilangan "O'zbekiston xalqaro tuzilmalar bilan amaliy muloqotni rivojlantirish, o'zaro manfaatli hamkorlik va amaliy sheriklikni kengaytirish" tamoyiliga binoan, O'zbekistonda yangi siyosiy tizim yaratilgani, amalga oshirilayotgan xalqaro hamkorlik bo'yicha ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, madaniy aloqalar o'zaro ishonch, yaxshi qo'shnichilik asosidagi integratsiya va hamkorlik aloqalari mustahkamlanayotganining omillari ochiqlik siyosati ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy

tomonidan tahliliy tadqiq etish bo'yicha qo'yilgan vazifalarni amalga oshirishga qaratilgan. Simpoziumning bosh maqsadi xalqaro munosabatlar, turkiy tilli davlatlar falsafasi, madaniyati, hamkorligi va xavfsizligi masalalari, turdosh fan yo'nalishlarida turkiy tilli davlatlar integratsiyasi omillari hamda qonuniyatlarini o'rganish sohasida to'plangan tajribani umumlashtirishdan iborat Bundan tashqari, turkiy tilli davlatlar falsafasi, madaniyati, tarixining yangi qirralari, hamkorlikni rivojlantirishning ijtimoiy, siyosiy jihatlariga ta'sir etuvchi omillar kabi ilmiy-nazariy masalalar muhokama qilindi. Turkiy xalqlar, ularning davlatlari, turkiy sivilizatsiya Buyuk Ipak yo'lining markaziy qismida joylashgan. Turkiy xalqlarning tillari rivoji masalalari hozirgi zamonda dolzarb va ahamiyatli masalalardir, – **deydi O'zbekiston Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti falsafa fanlari doktori, professor Baxtiyor Karimov.** – Ming yillar davomida turkiy til yagona bo'lib kelgan. Garchi yagona turkiyning shevalarga bo'linishi o'rta asrlarda boshlangan bo'lsa-da, faqat XX asrda alohida tillar darajasidagi tafovutlar vujudga keldi. Bu bo'linib ketish jarayonida XX asrning birinchi choragida avj olgan turkiy dunyo birligi uchun harakat stalinchi qatag'on orqali tor-mor qilingani hal qiluvchi ahamiyatga ega bo'ldi. Asrlar davomida tarixan shakllangan va "turkiy til" nomi bilan ma'lum bo'lgan tilni turkiy xalqlar uchun umumiy adabiy til sifatida ishlatish sari harakat shu vahshiy qatag'onlar natijasida tugatildi. Simpoziumda "Turkiy tilli davlatlar tashkiloti kengashiga a'zo mamlakatlar ahlini yurtimiz tarixiy madaniy merosiga bo'lgan e'tiborlarini jalb qilish masalalari", "Turkiy xalqlarning tillari rivoji masalalari", "Milliy madaniyatning oliy namunasi", "O'rta osiyo va Qozog'iston xalqlari siyosiy madaniyati", "Vengriya va turkiy davlatlar tashkiloti munosabatlari borasida", "Turkiy davlatlar tashkiloti doirasidagi faoliyat – davlat imijining yetakchi omili sifatida" kabi ma'ruzalar tinglandi.

E'tirof etish joizki, yurtimiz bugungi kunda Uchinchi Renessans davri ostonasida turibdi. Uchinchi Renessans mustahkam poydevorini yaratish uchun, avvalo, ajdodlarimiz qoldirgan bebaho tarixiy, ilmiy va madaniy merosini o'rganish nihoyatda zarur. Tadbirda ma'ruzachilar tomonidan qardosh turkiy xalqlarning jahon sivilizatsiyasiga qo'shgan bebaho hissasi, mushtarak xalqlarning ko'p asrlik milliy va diniy qadriyatlarni asrab-avaylash va yoshlarni komil inson etib tarbiyalash jamiyatda barqaror ijtimoiy-ma'naviy muhitni shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etishi ta'kidlandi. Simpozium davomida birgalikda ilmiy izlanishlar olib borish, bugungi davrdagi dolzarb masalalar borasida samarali yechimlarini hamkorlikda ishlab chiqish kerakligi qayd etildi. O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi "Xalqaro munosabatlar va ijtimoiy fanlar" kafedrasiga Muxtor Avezov nomidagi Janubiy

Qozog'iston davlat universiteti nomidan samarali hamkorlik uchun minnatdorlik maktubi hamda esdalik sovg'asi topshirildi. Qizg'in munozara, mavzu yuzasidan o'rtaga tashlangan masalalar bo'yicha yig'ilganlar o'zlarini qiziqtirgan savollar bilan murojaat qilishdi.

Muxtasar aytganda, turkiy xalqlarda buyuk ajdodlarga nisbatan hurmat-ehtirom, ularning boy ilmiy merosini o'rganishga qiziqish hamisha yuqori bo'lgan. Bu kabi xalqaro darajadagi ilmiy anjumanlar esa tarixiy, madaniy va ilmiy yo'nalishlarda o'zaro munosabatlarni sifat jihatidan yangi bosqichga olib chiqib, mavjud juda katta imkoniyat va salohiyatdan to'liq va unumli foydalanish uchun mustahkam zamin yaratishi shubhasiz. Bundan ko'rinib turibdiki, XXI asrga kelib turkiy xalqlar o'rtasidagi munosabatlar hamda madaniyat, din shu qatorda turkiy davlatlar o'rtasidagi hamkorliklar rivojlanmoqda. Bu borada muhtaram prezidentimiz olib borayotgan islohotlardan ko'rishimiz mumkin.

## REFERENCES.

1. Turkiy halqlarning kelib chiqishi va makoniga doir ba'zi mulohazalar – Shosh.uz | Nafaqat Toshkent haqida... <https://shosh.uz/uz/turkiy-halqlarning-kelib-chiqishi-va-makoniga-doir-ba-zi-mulohazalar/>
2. Turkiy davlatlar tashkiloti qanday tashkilot va u nima uchun kerak? — Uzbekistan News | DARYO.UZ <https://daryo.uz/2022/11/08/turkiy-davlatlar-tashkiloti-qanday-tashkilot-va-u-nima-uchun-kerak>
3. Xalqaro Turk Madaniyati va Merosi <https://brightuzbekistan.uz/uz/xalqaro-turk-madaniyati-va-merosi/>
4. Qardosh xalqlar madaniyati uyg'unligi timsoli <https://xabar.uz/uz/madaniyat/qardosh-xalqlar-madaniyati-uygunligi-timsoli>



## **TURKIY DAVLATLAR TEMIR YO‘L TARMOG‘INI MULTIMODAL TRANSPORT KORIDORLARI RIVOJLANISHIDA YANGI EVOLYUTSION MODELNING SHAKILLANISHI**

**X. K. Umarov**

PhD, dotsent

Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O‘zbekiston

**Y. K. Tursunaliyeva**

aspirant

Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O‘zbekiston

Maqolada turkiy davlatlarning temir yo'l transporti o'zaro ta'sirining evolyutsion rivojlanishining asosiy yo'nalishlari, shu jumladan tranzit makonining shakllanishi muhokama qilinadi. Eksport-import va tranzit yuk tashish uchun foydalaniladigan turkiy davlatlar temir yo'llarining kuchli va zaif tomonlari batafsil bayon etilgan. Turkiy davlatlar o'rtasidagi transport koridorining yangi yo'nalishlarini evolyutsion shakllantirish muammolarini hal qilishga yondashuvlar aniqlandi.

**Tayanch so‘zlar:** evolyutsion rivojlanish, tranzit potentsiali, xalqaro transport koridorlari, quvvatni oshirish, konteyner tashish

### **АННОТАЦИЯ**

В статье рассматриваются основные направления эволюционного развития железнодорожного транспортного взаимодействия Тюркских государств, включая формирование транзитного пространства. Дано подробное описание сильных и слабых сторон железных дорог Тюркских государств, используемых для экспортно-импортных и транзитных перевозок грузов. Определены подходы к решению проблем эволюционного формирования новых направлений транспортных коридора между Тюркских государств.

**Ключевые слова:** эволюционное развитие, транзитный потенциал, международные транспортные коридоры, усиление мощности, контейнерные перевозки

### **ABSTRACT**

The article examines the main directions of the evolutionary development of railway transport interaction between the Turkic states, including the formation of a transit space. A detailed description of the strengths and weaknesses of the railways of the Turkic states used for export-import and transit transportation of goods is given. The approaches to solving the problems of the evolutionary formation of new directions of the transport corridor between the Turkic states are defined.



**Keywords:** evolutionary development, transit potential, international transport corridors, capacity enhancement, container transportation

XXI asrning dastlabki yigirma to'rt yilidayoq butun dunyoda globalizatsiyalashuv tezlashib ketdi. Barcha sohalar keng qamrovli evolyusion o'zgarishlarga uchradi va shu bilan birga temir yo'l transporti. Shu jumladan turkiy davlatlar iqtisodiy, siyosiy, madaniy integratsiya va unifikatsiya jarayoniga kirib bormoqda. Turkiy davlatlar ishlab chiqarishda yangi nanotexnologiyalarning joriy etilishi keng rivojlanmoqda. Ayni davrda turkiy davlatlar mamlakatlarning yanada yaqinlashuvi tezlashib bormoqda. Shuningdek multimodal transport koridorlari rivojlantirish turkiy davlatlar o'rtasida iqtisodiy aloqalarni rivojlanishiga ya'nada turtki beradi. Ma'lumki Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo va kuzatuvchi davlatlarning aholisi 150 million kishini tashkil etadi, ular 4 million 200 ming kvadrat kilometrlik katta va muhim geosiyosiy hududda joylashgan. Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo davlatlarning jahon iqtisodiyotidagi o'rni ham juda salmoqli hisoblanadi.

Turkiy davlatlar o'rtasidagi temir yo'l tarmog'ini multimodal transport koridorlari rivojlantirishning yangi evolyusion modeli mamlakat va butun dunyo iqtisodiy rivojlanishining quyidagi omillarini hisobga olishi kerak:

- turkiy davlatlarning jahon savdo tashkilotiga a'zo bo'lishi;
- turkiy davlatlarning yagona iqtisodiy makonni yaratish;
- Transafg'on temir yo'l koridorini rivojlantirish va Termiz – Mozori-Sharif – Gerat –temir yo'l liniyasi qurish hamda Eron orqali Turkiya bilan temir yo'l orqali bog'lash;
- Markaziy Osiyo davlatlari Turkiya orqali Yevropa bozorlariga chiqish tendensiyalarini rivojlantirish;
- O'zbekiston-Qirg'iziston-Xitoy temir yo'li qurilish;
- temir yo'l tarmog'ini texnik ko'rsatkichlarning bir hil emasligi;
- temir yo'l tarmog'ini loyihalashda texnik normalar farqlari;
- turkiy davlatlarning temir yo'l kadrlarining o'zaro a'loqalarning kuchsizligi;
- Markaziy Osiyoda temir yo'l logistik markazlarning kamligi.

O'zbekiston transport koridorlarini rivojlantirish, jahon bozorlariga tez va erkin chiqish juda muhim shu bois mamlakatimiz rahbari xalqaro anjumanlarda bu masalani doim ko'tarib amaliy tashabbuslarni ilgari surmoqda. Qo'shni va manfaatdor mamlakatlar bilan til topishib loyihalar jadallashtirilmoqda. Ulardan biri 454 kilometrlik O'zbekiston-Qirg'iziston-Xitoy temir yo'li qurilishidir (1-rasm). Ushbu loyihaning texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlari bo'yicha 1421 ta transport inshootlar mavjud bo'lib, shulardan 29 ta – tonnel, 90 ta – katta va kichik ko'priklar, 6 ta – yo'l o'tkazgich va 1296 ta suv o'tkazuvchi quvurlar qurish mo'ljallanmoqda [1-3].



1-rasm. Markaziy va Janubiy Osiyo davlatlari temir yo‘l koridori

Halqaro temir yo‘l koridorini rivojlantirishdagi ya’na bir mintaqaviy loyiha Termiz – Mozori-Sharif – Qobul – Peshovor temir yo‘lidir. Termiz – Mozori-Sharif – Qobul – Peshovor temir yo‘l liniyasi uzunligi 765 kilometr bo‘lib Markaziy Osiyoga Hind okeani va fors ko‘rfazi portlariga eng qisqa chiqish imkoniyatini beradi, hamda Janubiy va Janubiy-Sharqiy Osiyoni Xitoy bozorlari bilan bog‘laydi (1-rasm). Ushbu loyihaning texnik-iqtisodiy ko‘rsatkichlari bo‘yicha 912 ta transport inshootlar mavjud bo‘lib ularning umumiy uzunliklari 111,5 kilometr bo‘lib, shulardan 7 ta – tunnel, 264 ta – ko‘prik va yo‘l o‘tkazgichlar va 641 ta suv o‘tkazuvchi quvurlar qurish mo‘ljallanmoqda. Termiz – Mozori-Sharif – Qobul – Peshovor temir yo‘l liniyasi joylashuv geografik jixatdan tog‘li hududdan o‘tishi sababli umumiy uzunlikda 78,5 kilometr tunnel qurish rejalangan [4-6].

Termiz – Mozori-Sharif – Qobul – Peshovor temir yo‘l loyihasi to‘liq amalga oshirilgach, Pokistonning «Karachi», «Qasim» va «Gvadar» dengiz portlariga chiqishni ta’minlaydigan yangi transafg‘on temir yo‘li Janubiy Osiyo temir yo‘l tizimini Markaziy Osiyo va Yevroosiyo temir yo‘l tizimlari bilan bog‘laydi hamda Markaziy Osiyoning tranzit salohiyatini keskin oshirishga, katta hajmdagi tranzit yuk oqimlarini jalb qilishga, shuningdek, Yevropa va Osiyoni eng qisqa quruqlik yo‘li bilan bog‘laydigan ko‘prik sifatida mintaqaning tarixiy rolini tiklashga yordam beradi. Ushbu loyiha Pokistondan O‘zbekistonga yuk tashish uchun 30-35 kun emas, atigi 3-5 kun vaqt sarflanadi. O‘z navbatida, yo‘nalish masofasini qisqartirish yuk tashish xarajatlarini kamaytirishni anglatadi. Dastlabki hisob-kitoblarga ko‘ra, loyihani amalga oshirish 20 funtlik konteynerni tashish narxini deyarli 3 barobarga kamaytiradi [7].

Markaziy va Janubiy Osiyo mintaqasida halqaro temir yo‘l koridorini loyihalashda bir qancha muammolar mavjud. Markaziy Osiyo davlatlari Xitoy, Eron hamda Yevropa

Ittifoqidagi davlatlar bilan temir yo'l orqali iqtisodiy aloqalarni rivojlantirishga tushiq bo'ladigan faktorlardan biri bu hududlarni hajmi, aholisi, iqtisodiy o'sish ko'rsatkichlari va shu jumladan temir yo'l infratuzilmasi zichligi, harakatlanuvchi tarkiblarning texnik holati va temir yo'l xizmat ko'rsatishning raqobatdoshligini aks ettiradi.

### **O'zbekiston xududidan o'tadigan mavjud halqaro temir yo'l koridorlari**

Dunyoda Yevropa va Osiyoning 18 ta davlatini birlashtiruvchi 13 ta xalqaro temir yo'l koridorlari Yevropa davlatlari, Rossiya, Qozog'iston temir yo'l tarmoqlari orqali Xitoy va Osiyoning boshqa mamlakatlariga chiqishini taminlab beradi. O'zbekiston respublikasi hududidan temir yo'llar hamkorlik tashkiloti xalqaro koridorlari ro'yxatiga muvofiq ikkita koridorlar o'tadi [1, 2, 4, 5, 7].

Bulardan, **Shimol-Janub temir yo'l koridoridir**. Ushbu koridor Yevropani O'rta er dengizi va Janubiy-Sharqiy Osiyo bilan bog'laydi. Shimol-Janub temir yo'l koridori umumiy uzunligi 4550 kmni tashkil etadi. O'zbekiston temir yo'l orqali Qozog'iston, Rossiya, Ukraina, Boltiqbo'yi davlatlari va Yevropa davlatlariga yo'l ochadi. Hozirgi vaqtga kelib Rossiya va Ukrainadagi siyosiy inqiroz sababli Shimol-Janub koridoridan izchil foydalanish bir muncha qiyinlashgan.

Keyingi temir yo'l koridori **TRASEKA koridori** deb atalib uning uzunligi 8847 kmni tashkil etadi. Ushbu koridor Markaziy Osiyo hududi bo'ylab Qozog'istonning shimoli-sharqidagi Drujba punktidan Turkmanistonning Turkmanboshi kaspiy portigacha temir yo'l orqali boradi va Turkmanboshi portidan parom orqali Ozarbayjonning Boku portiga kiradi va Ozarbayjon, Armaniston hamda Gruziyaga bozorlariga yo'l ochadi. So'ngra Gruziyaning Poti va Batumi portlari orqali qora dengiz orqali Yevropa bozorlariga kirish imkonini beradi. Bundan tashqari ushbu temir yo'l koridori orqali Ruminiyaning Konstansa va Bolgariyaning Varna borish imkoniyatini ochadi. Markaziy Osiyo va Yevropani bog'laydigan qismi Kavkaz qismidan o'tganligi sababli Transkavkaz koridori deb ham ataladi. Ushbu TRASEKA koridori O'zbekiston va Yevropa davlatlariga eng qisqa yo'l hisoblansada ikkita dengizdan parom orqali o'tishi uzoq vaqt talab qilishi va iqtisodiy tarafdin qimmatga tushadi. TRASEKA koridori Qozog'iston shimoli-sharq hududidan Do'stlik-Alashankou chegara temir yo'l o'tish orqali O'zbekiston Xitoy bozorlari va sharqiy portlariga chiqish imkoniga ega.

### **Temir yo'l koridorini loyihalashda texnik normalar farqlarini tahlili**

Rossiya, Mongoliya, Afg'oniston, Markaziy Osiyo va Kavkaz davlatlari temir yo'l izi koleya kengligi 1520 mmni tashkil etadi va ushbu davlatlarning umuman shunga o'xshash texnik normalar O'zbekiston temir yo'l normalariga mos keladi (1-jadval). Bu esa turli mamlakatlar lokomotivlari va harakatlanuvchi tarkibning o'zaro ishlashiga texnik to'siqlar deyarli mavjud bo'lmaydi [7-9].

Turkiya, Xitoy, Eron va Yevropa Ittifoqidagi temir yo'l izi koleya kengligi 1435 mmni tashkil etadi va ushbu mamlakatlarning temir yo'l infratuzilmasi texnik jihatdan mos kelmaydi va O'zbekiston temir yo'llari bu mamlakatlarda lokomotivlar va harakatlanuvchi tarkibning o'zaro ishlashi uchun katta texnik to'siqlar mavjud (1-jadval).

1-jadval. Davlatlar temir yo'l izi koleya kengligi

№	Davlatlar	Temir yo'l izi koleya kengligi
1	Rossiya	1520 mm
2	Markaziy Osiyo davlatlari	1520 mm
3	Afg'oniston	1520 mm
4	Mongoliya	1520 mm
5	Kavkaz davlatlari	1520 mm
6	Eron	1435 mm
7	Xitoy	1435 mm
8	Yevropa ittifoqi	1435 mm
9	Pokiston	1676 mm
10	Hindiston	1676 mm
11	Turkiya	1435 mm

Hindiston va Pokiston temir yo'l izi koleya kengligi 1676 mmni tashkil etadi. Bu esa O'zbekiston temir yo'llari bu mamlakatlarda lokomotivlar va harakatlanuvchi tarkibning o'zaro ishlashi uchun katta texnik to'siq bo'lib qolmoqda. Bu esa o'zbek yuklarini Xitoy, Eron, Yevropa Ittifoqi, Hindiston va Pokiston davlatlariga temir yo'l orqali yetkazish yukni yetib borish vaqti sekinlashishiga va o'zbek yukining qiymatini qimmatlashishiga olib kelmoqda. Markaziy Osiyo davlatlari temir yo'l bilan Pokiston orqali Hindiston davlati bilan iqtisodiy a'loqa qilish imkoniyati mavjud, lekin Pokiston va Hindiston o'rtasidagi siyosiy kelishmovchiliklar sababli cheklangan temir yo'l yuklari amalga oshirilmoqda.

#### **Turkiy davlatlarning temir yo'l kadrlarining o'zaro a'loqalari tahlili**

Temir yo'l koridorlarini rivojlantirishda davlatlarning temir yo'llarning o'zaro a'loqalari, temir yo'l tarmog'ining rivojlanganligi va mutaxassislarining salmog'i katta ahamiyatga ega. O'zbekiston va Qozog'iston temir yo'llari Xitoyning g'arbiy Shinjon Uyg'ur avtonom viloyati bilan temir yo'l transporti va uning mutahassislari bilan yaxshi a'loqaga ega. Ushbu temir yo'llar birgalikda Shinjon Uyg'ur avtonom viloyati transport tarmog'ining 65%ni, 71% - temir yo'l mutahassislari, 93% - yuk aylanmasi, 71% yo'lovchi aylanmasini tashkil etadi. Gruziya, Ozarbayjon, Turkmaniston va Mo'g'uliston temir yo'llari juda katta temir yo'l tarmog'iga va o'rtacha darajadagi transport va xodimlarga ega. Ushbu davlatlar temir yo'l tarmog'ining 20% ni, 13% - temir yo'l xodimlari, 5% - yuk

hajmini aylanmasi va 6% - yo'lovchi oqimi aylanmasining tashkil etadi. Qirg'iston va Tojikiston temir yo'llari zichligi ko'rsatkichlar juda kichkina. Qirg'iston va Tojikiston transporti temir yo'l tarmog'i va mutahassislari 2% ni tashkil etadi. Shu bilan birga yuk aylanmasi va yo'lovchi oqimini hajimi 1% dan oshmaydi. Afg'oniston temir yo'l tarmog'ini rivojlantirishning dastlabki bosqichida, shuning uchun uning hozirgi tarmoq hajmi, kadrlar va transort hajmi juda kichik. Agar Afg'oniston taklif qilingan temir yo'l rivojlantirsa katta hajmdagi tranzit yuklarini uzlashtiradi. Pokiston temir yo'li tarmog'i mintaqada uzunligi bo'yicha 13% va 15% - temir yo'l mutaxassislarini va 27% - umumiy yuk aylanmasining tashkil etadi [8, 9]. Bugungi kunda kelib Pokiston va Mo'g'uliston temir yo'llari investisiyani yetishmasligi sababli temir yo'l izini texnik xolati yomonlashgan. Shu sababli Pokiston va Mo'g'uliston temir yo'llari koridorlarini rekonstruksiya qilish va quvvatini oshirish uchun katta sarmoya talab qiladi. Markaziy Osiyo davlatlari temir yo'l koridorlariga raqobatbardoshligiga ta'sir qiluvchi ya'na bir faktor bu har xil bojxona bloklariga a'zoliq hisoblanadi.

## **XULOSA**

Turkiy davlatlar temir yo'l tarmog'i bo'yicha yuklarni tashishning muqobil va bir-birini to'ldiruvchi yo'nalishlarini tahlil qilish ularning raqobatdosh ustunliklarini (kuchli tomonlarini) va muammoli (zaif tomonlarini) aniqlashga imkon berdi, bu ularning istiqbollarini evolyutsion rivojlanishini belgilaydi. Bunda evolyutsion rivojlanish modelida quyidagilarni kiritish lozim:

- Turkiy va Janubiy Osiyo davlatlar temir yo'llarini temir yo'l izi texnik normalarini bir xillashtirish va mintaqada dasturini ishlab chiqish;
- Afg'oniston temir yo'l izi koleyasini 1520 mm loyihalash, siyosiy muhitni yaxshilash va temir yo'l kadrlarini tayyorlash;
- Turkiy va Janubiy Osiyo davlatlar davlatlari chergaradan o'tkazish xujjatlarini bir xillashtirish. Turkiy davlatlari investisiya muxitini yaxshilash va temir yo'l koridorlarini rivojlantirish uchun ko'proq investisiya jalb qilish lozim.

## **REFERENCES**

1. Tursinaliyeva Y.K., Umarov X.K. Dastlabki noaniq ma'lumotlar sharoitida transport inshootlarining loyihaviy yechimlarini asoslashdagi dolzarbligi. "Yosh ikmiy tadqiqotchi" II- Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani, 27-28 aprel 2023 y. – 122 -125 b;
2. Umarov Xasan, Botirov Otanur ASSESSMENT OF THE DECISION-MAKING IN JUSTIFICATION OF STRENGTHENING THE CAPACITY OF RAILWAYS IN UZBEKISTAN UNDER CONDITIONS OF UNCERTAINTY AND RISKS // Universum: технические науки. 2022. №5-11 (98). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/assessment->



of-the-decision-making-in-justification-of-strengthening-the-capacity-of-railways-in-uzbekistan-under-conditions-of (дата обращения: 12.03.2024);

3. Umarov K. et al. Mathematical model for prediction of cargo flow during the construction of the railway line Uzbekistan-Kyrgyzstan-China //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 401. – С. 03018;

4. Умаров Х. К. Принятие решений при обосновании усиления мощности железных дорог Узбекистана в условиях неопределенности исходной информации //Diss. ХК Умаров, –СП. – 2019. – Т. 171;

5. Умаров Х. К. Анализ возможности развития международных транспортных коридоров в условиях Республики Узбекистан/III Международной научнопрактической конференции:«Развитие экономической науки на транспорте» //СПб: ПГУПС-2014. – 2015. – С. 275-279;

6. Умаров Х. К., Свинцов Е. С. Обоснование мероприятий по усилению мощности линии Ангрен-Пап //Вестник Ростовского государственного университета путей сообщения. – 2015. – №. 2. – С. 104-110;

7. Umarov Xasan, Xurramov Islom. Markaziy va Janubiy Osiyo mintaqasida xalqaro temir yo'l koridorini loyihalashda texnik normalar farqlari tahlili. Milliy standart ilmiy-texnik jurnali. – 2023. – №.2. – 55-57 b;

8. Зоидов, К. Х. Эволюционно-институциональный подход и методология проведения антикризисных мероприятий в переходной экономике // Экономика и математические методы. 2004. Т. 40. № 3. С. 16;

9. Свинцов Е. С. и др. Методы определения и оценки рисков при принятии решений в инвестиционных проектах сооружения транспортных объектов: доклад //Проблемы разработки национальных железнодорожных стандартов республики Эфиопия. – 2014. – С. 154-163.



## ILMIY IZLANISHLAR DOIRASIDA QOZOQ ETNOPSIXOLOGIYASINING TADQIQI

**Damegul Kurbanovna Arapbayeva**

Xalqaro Nordik universiteti dotsenti, psixologiya fanlari nomzodi;

O'zMU mustaqil izlanuvchisi (DSc).

Toshkent, O'zbekiston

### ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada mutafakkir, davlat arboblari hamda olimlar tomonidan qozoq etnopsixologiyasi oid olib borilgan bir qator tadqiqotlar atroflicha yoritiladi. Shuningdek, qozoq etnik psixologik xususiyatlari muammolari va masalalari talqin etiladi. Etnik xususiyatlarni milliy ongdan, milliy yo'nalishdan, milliy qadriyatlardan, milliy andozalardan ko'rib chiqish, ularning ilmiy-nazariy asoslarini aniqlash zarurligi ta'kidlanadi.

**Kalit so'zlar:** qozoq etnik psixologik xususiyatlari, milliy til, urf-odat va an'analari, etnografiya, etnopsixologiya

### АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно изложен ряд исследований по казахской этнопсихологии, проведенных мыслителями, государственными деятелями и учеными. Также освещаются проблемы и вопросы этнопсихологических особенностей казахов. Подчеркивается необходимость учета этнических особенностей с точки зрения национального сознания, национального направления, национальных ценностей и национальных стандартов, а также определения их научных и теоретических основ.

**Ключевые слова:** этнопсихологические особенности казахов, национальный язык, обычаи и традиции, этнография, этнопсихология

### ABSTRACT

In this article, a number of studies on Kazakh ethnopsychology carried out by thinkers, statesmen and scientists a number of detailed studies. Also, problems and issues of Kazakh ethnic psychological characteristics are interpreted. It is emphasized the need to consider ethnic characteristics from national consciousness, national

direction, national values, and national standards, and to determine their scientific and theoretical foundations.

**Keywords:** Kazakh ethnic psychological characteristics, national language, customs and traditions, ethnography, ethnopsychology

Har bir xalqning o'ziga xos milliy tili, dini, urf-odat va an'analari bilan etnopsixologik xususiyatlarini o'rganish bir qator olimlarning tadqiqot obyektiga aylangan.

Jumladan, qozoq psixologiyasining ta'lim-tarbiyaviy taraqqiyoti XIX asrning 2-yarmida sezilarli darajaga ko'tarila boshladi. Bu davrga kelib qozoq zaminining tabiiy, ma'naviy va madaniy rivojlanishiga katta qiziqish bildirgan rus tadqiqotchilari va boshqa davlatlarning olimlari ko'zga tusha boshladi.

Qozoq yerlarida savdo-sotiq, sanoat va pul ayirboshlash keng rivojlandi. Shahar madaniyati ta'sirida oddiy muhitida ulg'aygan odamlarning ilm-fanga, ma'rifatga bo'lgan ishtiyoqi oshdi [4].

Sehri tabiatga ega, iqtidorlilarga boy qozoq zaminida o'z yurtining buyuk jamoat arboblari, mutafakkirlari dunyoga keldi. Ularni siyosiy-ijtimoiy, madaniy tushunchalarga ko'ra «demokratlar» deb atashdi [4]. Ulardan I.Oltinsarin, A.Qunanboyev, U.Tileuqobil o'g'li, Sh.Ualixonov, S.Kobeyev, M.Kopeyev, G.Qarashyev, S.To'rayg'irov va boshqalarni keltirishimiz mumkin.

Ularning asarlarida milliy ong, o'zlikni anglash masalalari katta o'rin tutadi. Shoqan Ualixonov qozoq shoirlarining xususiyatini xalqning alohida xususiyati sifatida baholagan. Olim qozoq xalqi etnik psixologiyasining o'ziga xosligini quyidagicha ta'riflagan: “Qozoq xalqi o'zining barcha e'tiqodlari, urf-odatlari, o'yin-kulgilari bilan ham, tarixiy ahamiyatga boy afsonalari, sheru qo'shiqlari bilan ham, oyin-kulguga ixlosi bilan ham, xalq qonunchiligining ko'plab kodekslariga rioya qilishi, sud qarorlari hamda chora-tadbirlari bilan ham eng donolar qatorida turadi” [8].

Shoqan Ualixonovning etnopsixologik qarashlaridan ko'rish mumkinki, u shaxs shakllanishiga ta'sir etuvchi omillarni geografik, tabiiy-landshaft, ijtimoiy nuqtai nazardan aniq ko'rsata olgan. Bundan tashqari, u diniy xurofotlarning kelib chiqishini ilmiy jihatdan tushuntirdi: “Ba'zi qozoqlarning fikricha, yulduzlar, qimmatbaho toshlardan hosil bo'lgan tog'lar shu qadar olis masofadan nuqtadek ko'rinadi. Qozoqlar yulduzlar er yuzidagi baxtga ta'sir qilishiga ishonishadi, odamlar orasida ko'k gumbaz haqida hikoyalar ham mavjud. Ba'zi olimlarning fikricha, har

bir yulduz yerdagi biror insonning ruhi bilan uyg'un bo'lib, inson vafot etsa, uning osmondagi yulduzi ham erga tushadi. Osmondan yulduz tushayotganini ko'rgan qozoqlar...bir xo'rsinib qo'yishadi. Baxti bekamu ko'st insonni "yulduzi yarqiragan: deyishadi. Shaman afsonalariga ko'ra, mo'g'ullar ham yulduzlarga qurbonlik qilishadi, ular ham qozoqlar singari baxt, boylik va qudrat borasida yulduzlarga umid bilan qarashadi, ularning mo'jizalariga ishonishadi" deydi [8].

Shoqan Ualixonovning ham ushbu tushunchalari "eskichaga ishonish" tamoyillaridir [4]. Bu erda ishonchli xulosalar yo'q. Biroq, o'sha paytdagi stereotiplar ma'lum e'tiqodlarga asoslanganligini sezamiz. Shuning uchun e'tiqodlar muhim masalalarni asos etishni talab qiladi.

Abay asarlari psixologiya fanida, qozoq tilining ilmiy-nazariy rivojlanishida alohida o'rin tutadi [1]. Bugungi kunda Abay asarlarining psixologiya, falsafa va boshqa fanlar doirasida o'rganilishi buning isboti bo'la oladi. Shu sababli, etnik e'tiqodlarni shaxsning o'z-o'zini ongining boshlang'ich tarkibiy qismi sifatida o'rganishning ilmiy-nazariy asoslarini o'rnatishda uning kognitiv tamoyillari – inson ongining rivojlanish yo'llarini, undagi munosabatlarning o'rnini, ya'ni shaxs kamolotida ijtimoiy muhitning o'rnini yaqqol ifodalagan asarlarining beqiyos ahamiyatga ega ekanligini ta'kidlash mumkin.

XX asrning 80-90-yillarida Qozog'istonda psixologiya fani, jumladan etnopsixologiya fani fundamental o'rin egalladi [3]. Bu davrlarda mamlakatda ilmiy izlanishlar keng quloch yoyib, ilmiy-tadqiqot laboratoriyalari va markazlari ochila boshlandi. Ilm-fanning murakkab davrlardan o'tib, bardavom bo'lishi va rivojlanishiga asos bo'lgan olimlar: X.Arg'inbayev, A.Aldamuratov, K.Jariqboyev, K.Rahimbekovlarning mehnati beqiyos. Ular orasidan psixolog-pedagog, olim-tadqiqotchi Qubig'ul Jariqboyevning qozoq psixologiyasining rivojlanish tarixini ifodalash va tizimlashtirish, o'z vaqtida nomlari e'tibordan chetda qolgan alloma olimlarning asarlarini jonlantirish borasidagi ishlarini alohida qayd etish mumkin, ular psixologiya fanining ilmiy-nazariy va ilmiy-uslubiy asoslarini, etnik psixologik tadqiqotlar yo'nalishlarini belgilashda katta rol o'ynaydi [5].

Olim Qozog'istondagi qozoq etnik guruhining psixologik xususiyatlari muammolarini quyidagicha ko'rsatadi [5]:

- etnopsixologik tadqiqotlarning mintaqalararo dasturlarini yaratish;
- bir millatli va aralash millatli oilada bolaning ijtimoiylashuv jarayonini tavsiflovchi, oilaning tarbiyadagi rolini ko'rsatadigan, shuningdek, ijtimoiy-psixologik fazilatlarini belgilovchi xususiyatlarni ko'rib chiqish vazifasini qo'yish;

- ko'p millatli jamoalarda millatlararo munosabatlarning xususiyatlarini o'rganish bo'yicha etnopsixologik dasturlarni yaratish;
- konflikt va qarama-qarshiliklarning kelib chiqish shartlarini aniqlash maqsadida tadqiqot olib borish;
- bolalikning etnopsixologik jihatlarini o'rganish va ta'lim va tarbiyaning yangi konsepsiyalarini yaratish;
- ikki tillilik, ko'p tillilikning shakllanishi masalalarini ko'rib chiqish, qozoq-rus, rus-qozoq ikki tilliligining etnopsixologik asoslarini ko'rsatish;
- ona tilining shakllanish hodisasini tushuntirish va ikkinchi tilni o'rganishdagi psixologik xususiyatlarni ko'rsatish

Shuningdek, qozoq oilasining etnik xususiyatlari X.Arg'inbayev tadqiqotlarida atroflicha yoritiladi [2].

Xususan, qozoq oilasida yangi tushgan kelin qaynota va qaynog'alaridan yashirinib yurishini, ba'zan umr bo'yi qochib, yashirinib yuradigan kelinlar ham uchrashini olim X.Arg'inbayev o'z tadqiqotlarida ta'kidlab o'tadi [2].

Qozoq oilasidagi kelinlarning xatti-harakatida quyidagicha ta'qiqlar mavjud:

- ro'molsiz yurmaslik;
- katta kishilar oldidan kesib o'tmaslik;
- katta kishilar o'tirgan uyga kirmaslik;
- kattalar suhbatlashganda ularning suhbatiga qo'shilmasslik;
- kuyov qarindoshlarining ismini aytib murojaat etmaslik;
- xonadon sohiblari oldida baland ovozda gapirmaslik;
- yosh bolani urishmaslik va hokazo [2].

Ushbu fikrlarga qo'shimcha sifatida shuni ham ta'kidlashni istardikki, oila a'zolari o'rtasidagi bunday munosabatlar qadriyatga aylanib ulgurgan. Yuqoridagi odob-axloqqa amal qiluvchi kelinlar, oila a'zolari hamda mahalla oldida alohida hurmat va e'tiborga sazovor bo'ladilar.

Qaynota, qaynonasidan alohida istiqomat qiladigan kelinlar, ular yashaydigan uyning to'riga chiqmaydi, to'shagiga o'tirishmaydi. Hatto, ular olamdan o'tgan kundan boshlab, uyning to'ri, to'shaklari kelinlar uchun muqaddas hisoblanganligi bois, bu odatni buzganlar qattiq kasalga chalinadi, deb hisoblashadi [2]. Kelinlarga kuyov qarindoshlarining ismini aytib murojaat etish qattiq ta'qiqlanadi. Bu odat xususida ilk marotaba N.I.Ilminskiy: "Qozoq oilasida kelin-kuyov qarindoshlarining ismini aytib murojaat etmaydi. Kuyovning aka-ukalariga, opa-singillariga alohida yangi ism bilan murojaat etiladi", deb ta'kidlaydi [2].

Kelin tomonidan yangi ism bilan murojaat etish, kuyov qarindoshlarining yoshiga, jinsiga, qarindoshlik munosabatlarining uzoq-yaqinligiga bog'liq. Bunda kelinning so'zga chechanligi, hozirjavoblighi, e'tiborli va eng muhimi farosatli bo'lishi unga katta yordam beradi. Sababi, har bir insonning tashqi, ichki kechinmalari, xarakterini e'tiborga olib, ularga yoqadigan ismlar qo'yish har bir kishining qo'lidan keladigan ish emas.

Yangi tushgan yosh kelin oila a'zolari, oiladagi qonun-qoidalar, urf-odatlar va milliy qadriyatlarga moslasha borib, o'zi ham shu oilaning a'zosiga aylanadi. Urf-odatlariga ko'ra, yangi tushgan kelin turmush o'rtog'ining katta otasini "ota", onasini "эже" deydi. Kuyovning o'z otasi va uning aka-ukalariga "katta ota", "ota", "kichik ota" deb murojaat qiladi. Kuyov akalarini "katta aka", "yaxshi aka", "ag'akem" desa, inilarini "sal jigit", "mulla jigit", "mirza jigit", "ortanshim", "kenje" va hokazo; qayinsingillariga "shiraylim", "yerkejan", "yerkeshim", "molda qiz" kabi ismlar bilan murojaat etish har bir kelinning burchidir [2].

Kuyov qarindoshlariga jamiyatdagi o'rni va maqomiga qarab, ism qo'ygan kelinlarni xalq qadrlaydi, hurmat qiladi. Masalan, bi, bolis (hokim) bo'lib ishlaydigan qaynog'alarini "bi ata", "bolis ata", "bolis ag'a", deb atashadi. Odobli kelinlar ism qo'yishga e'tibor qaratib, katta odamlarning ismini aytmaslikka alohida e'tibor beradi. Shuningdek, qaynota, qaynog'alariga adash bo'lgan begona kishilarga duch kelib qolsa, ularning ismini aytishni o'ziga ep ko'rmay "qaji attas", "qaji atam attas", "ag'akem attas" deb atashadi [2].

Bizga ma'lumki, qozoq millatida yer, suv, hayvonlar, qushlar nomlari bilan bog'liq ismlar ko'pchilikni tashkil etadi. Bunday vaziyatda kelinlar ismlarni qaysi nomga tegishli ekanligiga qarab, o'ziga xos tarzda o'zgartirib aytishga harakat qiladi. Masalan, kuyov qarindoshlarining ismlari Sariqboy, Suluvsoch, Burgutboy deylik. Bunda kelinlar Sariqsuv daryosini – shikilsuv desa, Suluv tepa degan joyni – chiroyli tepa, Burgutni – qiran deb o'zgartirib aytadi. Ba'zan kelinlar ismini aytib murojaat etmaydigan kishilarga adash bo'lgan begona ismlar uchrab qolsa, ularni ham o'zgartirib aytishga harakat qilishadi. Masalan, Mambetni – Sambet, Alini – Sali, Tursunni – Mursin, Axmetni – Saxmet, Jaqibni – Maqib, Nog'ayboyni – Abziboy deb o'zgartirib aytishga harakat qiladi. Kelinlar urf-odatga ko'ra, mahalladagi yoshi katta kishilar va qaynog'alarining ismlarini aytmaslik uchun ularga mos keladigan tushunchalar bilan ifodalashga harakat qiladi. Masalan, Qasqirboyni – Bo'ri ota, Qaziboyni – Top ota, Oytuqqanni – Tungi yorug', Oltinboyni – Beshdan ortiq deb nomlaydilar [2].



Bugungi kunda etnopsixologik tadqiqotlarning dolzarbligi shubhasizdir. Keyingi yillarda shaxs muammolari, umumiy etnik-psixologik xususiyatlar, ta'lim va tarbiya psixologiyalarining etno-psixologik xususiyatlarini o'rganish borasida katta ishlar amalga oshirildi.

Zamonaviy psixolog-olim S.Jaqipov o'zining “Qozog‘istonda eksperimental psixologiyaning rivojlanishi” nomli maqolasida va “Психологическая структура процесса обучения” monografik asarida so‘nggi yillarda Qozog‘istonda olib borilgan psixologik va etnopsixologik tadqiqotlarni tahlil qiladi [6]. Unda 1991-1998-yillarda etnopsixologik tadqiqotlarda yangi yo‘nalish boshlanganligi, etnik xurofot psixologik hodisa sifatida o‘rganilganligi va bu yo‘nalish hozirgi kunda tadqiqotning dolzarb muammosi ekanligi qayd etilgan [6].

“...etnik stereotiplar tushunchasi dinamik o‘zgarishlarga uchragan zamonaviy milliy o‘zlikni anglash hodisasi bo‘lgan etnik stereotiplarni farqlash, shuningdek, millat mazmunidagi qadriyat yo‘nalishlarini farqlash imkonini berdi” – deydi [6].

S.M.Jaqipovning “Ma’no tarkibining umumiy asoslari konsepsiyasi” etnik xurofotlarning paydo bo‘lishi va rivojlanishi genezini aniqlashda va uning shakllanish omillari va mexanizmlarini ko‘rsatishda asosiy metodologik tizim bo‘ladi [4].

Xulosa qilib aytganda, etnopsixologik tadqiqotlarning asosiy masalasi – millatning o‘ziga xos xususiyatlarini aniqlashdan iborat. Binobarin, o‘sha xususiyatlarni milliy ongdan, milliy yo‘nalishdan, milliy qadriyatlardan, milliy andozalardan ko‘rib chiqish, ularning ilmiy-nazariy asoslarini aniqlash zarur.

Hozirgi vaqtda psixologik, etnografik, tarixiy-madaniy tadqiqotlar asosida etnopsixologik tadqiqotlarning metodologik asoslari individuallashtirilmoqda. Chunki, hozirgi davrda qozoq etnopsixologik xususiyatlarini tadqiq etish muhim muammolardan biri bo‘lib hisoblanadi.

## REFERENCES

1. А.Қўнанбаев Шығармаларының 2 томдық толық жинағы. – Алма-Ата, 1985. – Т1. – 424 б. – Т. 2. –309 б.
2. Арғынбаев Х. Қазақтың отбасылық дәстүрлері. – Алматы: “Қайнар”, 2005. – 216 б.
3. Әмірова Б.Ә. Этнопсихология: Оқу құралы. – Қарағанды: “Ақ Нұр”, 2012. – 202 б.
4. Әмірова Б.Ә. Этностық жаңсақ нанымдар: теориясы мен практикасы / Монография. – Қарағанды, 2009. – 346 б.



5. Жарықбаев Қ. Жантану негіздері // Оқулық. – Алматы, 2002. – 415 б.
6. Жақыпов С.М. Психологическая структура процесса обучения. Моногр. – Алматы: «Қазақ университеті», 2004. – 310 с.
7. Елікбаев Н. Ұлттық психология. – Алматы: “Қазақ университеті”, 1992. – 97 б.
8. Уалиханов Ш. Таңдамалы шығармалары. – Алма-Ата: “Жазушы”, 1985. – 557 б.
9. Arapbaeva D.K. [The Role of Individual-Typological Characteristics In The Process of Family Adaptation of Young Brides](#). SPAST Reports, Vol. 1 No. 1 (2024): [PAMIR One Preprints](#). Retrieved from <https://spast.org/ojspath/article/view/4632>

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — 2030” ДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ БЎЙИЧА ИСЛОҲОТЛАР

**А. Мухтаров**

ТДИУ “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси мудири, фалсафа фанлари  
доктори, профессор

“Ўзбекистон — 2030” стратегия доирасида илм-фан ва инновациялар соҳаси, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ёшларга оид давлат сиёсати ва спортни оммалаштириш, маънавий тараққиётни таъминлаш ва маданият соҳасини янги босқичга олиб чиқиш бўйича амалга ошириладиган барча ислоҳотларда инсон, инсоннинг қадри, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфатлари устувор аҳамият касб этади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ана шундай тарихий лаҳзаларда қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан бири бўлди, десак асло янглишмаймиз.

Бинобарин, келгуси 7 йилда мамлакатимизнинг асосий ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи мазкур дастуриламал ҳужжатлар халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мақсади — қаерда истиқомат қилишидан қатъи назар Ўзбекистонда яшовчи барча инсонлар учун муносиб турмуш шароитларини яратишдан иборат. Унда Стратегиянинг мақсадлари ва самарадорлик кўрсаткичлари қулай шаклда ифодаланган бўлиб, унда 5 та устувор йўналиш бўйича 100 та мақсад назарда тутилди. Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш, “хавфсиз ва тинчликсевар

давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш ана шулар жумласидандир.

Қайд этиш керак, Стратегиянинг салмоқли қисми айнан бутун Ўзбекистон бўйлаб, шу жумладан, олис жойлар ва ҳудудлар аҳолисининг турмуш даражаси ҳамда шароитларини тенглаштиришга, шу билан бирга, таълим соҳасига устувор аҳамият қаратилгани билан эътиборга молик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида аҳоли саломатлигини таъминлаш, ёшларга оид давлат сиёсати ва спорт йўналишлари бўйича ҳам қатор ислохотлар белгиланган.

Хусусан, юртимизда аҳоли саломатлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2023 йилгача аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш мақсад қилинган. Шунингдек, тиббиётга йўналтириладиган маблағлар ҳажми 2 баробарга оширилади. Бундай катта саромоялар аҳолимизнинг нафақат саломатлиги, балки тиббий маданиятини ҳам ошришга хизмат қилади.

Онкология, юрак-қон томир, диабет ва нафас йўллари касалликлари бўйича эрта ўлимни 2,5 баробарга камайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, сил касаллиги билан касалланиш даражасини 100 минг нафар аҳолига нисбатан ҳозирги 34 нафардан кескин камайтириш режалаштирилган. Бундан ташқари, 7 йил ичида тиббиёт муассасаларини рақамлаштириш даражасини 100 фоизга етказиш кўзланган.

Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш имконини берадиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, соғлом авлод тарбияси учун шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Шу ўринда, мазкур йўналишда ислохотларни давом эттириш ва санитария-эпидемиология хизмати муассасалари моддий-техника базасини яхшилаш, лабораториялар имкониятини кенгайтириш учун асбоб-ускуналар хариди учун зарур бўлган маблағларни жалб қилиш мақсадида, Осиё тараққиёт банки ҳамда Осиё инфратузилма инвестиция банки билан Ўзбекистон ўртасида 200 млн АҚШ доллари миқдорига қарз шартномаси имзоланди.

Шунингдек, 178-банд мазмунида қайд этилишича, Президентнинг 2021 йил 27 майдаги “Осиё тараққиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида “Ўзбекистон Республикасида коронавирус

СОВИД-19 инфекциясига қарши шошилиш чораларни кўриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5129-сонли қарори<sup>1</sup> қабул қилинди.

180-бандда келтирилишича, 6,1 млн нафар 2-10 ёшдаги болаларга гелминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар етказиб берилди ва дегелминтизация тадбирлари ўтказилди. Андижон вилоятидаги 358 минг нафар ва Жиззах вилоятидаги 137 минг нафар 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларга “А” витамини етказиб берилди. 440 минг қадоқ микронутриент кукуни етказиб келинди ва ҳудудларга тақсимот асосида тарқатилди.

181-бандга асосланганидан бўлса, режалаштирилган 224 нафар бола ўрнига 315 нафар (141%)ида кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 декабрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва патронаж тизиминг сифат, самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 328-сонли буйруғига асосан, 14202 та тиббиёт бригадаси ташкил этилиб, 8214 нафар шифокор ва 24326 нафар ҳамшира ўқитилди, дейилади 182-бандда.<sup>2</sup>

184-банд мазмунида акс этирилишича, аҳолига давлат томонидан бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари билан кафолатланган пакет доирасида тиббий хизмат кўрсатиш тизимини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 3 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланганидан тиббий ёрдамнинг кафолатланган пакетини тасдиқлаш тўғрисида”ги 47-сонли буйруғи билан “Кафолатланган пакет” тасдиқланди.

Шунингдек, 186-банд аҳоли саломатлигини сақлаш борасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Президентнинг 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сонли Фармони билан 2021 йил 1 июлдан бошлаб ҳамширалик иши ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига киритилганлигини тасдиқлайди.

<sup>1</sup> ПҚ-5129-сон 27.05.2021. Осиё тараққиёт банки ва LEX.UZ <https://lex.uz/docs>

<sup>2</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 12.11.2020 yildagi PF-6110-son. Birlamchi tibbiy-sanitariya yordami muassasalari faoliyatiga mutlaqo yangi mexanizmlarni joriy qilish va sog'liqni saqlash tizimida olib borilayotgan islohotlar samaradorligini yanada oshirish chora-tadbirlari to'g'risida. <https://lex.uz/uz/docs/-5100677>

Ихтисослаштирилган тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш, шошилиш тиббий ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш ҳисобига фуқаролар ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг фаол меҳнат қобилиятини тиклашга имконият яратиш, болалар, туғиш ёшидаги, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларни профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш ҳамда нефрология ва гемодиализ ёрдамни кўрсатиш тизимини янада яхшилаш мақсадида Президентининг 2021 йил 26 июлдаги “Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5198-сонли қарори билан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибида 35 та туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ташкил этилиши белгиланди, дейилади 191-бандда.

192-банд мазмунига кўра, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказишни йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди ҳамда 01.0.2021 йил ҳолатига жами 12 та буйрак трансплантацияси ўтказилди.

196-бандга асосан, Абу Али ибн Сино номидаги 47 та Жамоат саломатлиги техникумларининг 34 575 нафар ва 28 та тиббиёт коллежларининг 18 400 нафар ўқувчилари ўз ихтисослигидан келиб чиқиб, 22 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказига, 2 та илмий-тадқиқот институти ва 12 та тиббиёт олий таълим муассасасига бириктирилди.

Чунончи, дастуриламал ҳужжатга кўра, ёшларга оид давлат сиёсати ва спорт йўналишларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, 2024 йил 1 январдан давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига оқсил, витамин ва минераллар билан бойитилган сут, ёд билан тўйинтирилган нон маҳсулотлари берилиши йўлга қўйилади. Бу, ўз навбатида, келажагимиз бўлган ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб улғайишларини таъминлайди. Шу билан бирга, болалар ўртасида турли хасталиклар билан касалланиш даражасини камайтиришга хизмат қилади. Чунки фарзандларимиз соғлиғига ўз вақтида кўпроқ эътибор қаратилса, бу кўзланган самарани беради.

Шунингдек, Хоразм вилоятининг Қўшқўпир ва Хонқа туманларида эксперимент тариқасида, барча бошланғич синф ўқувчилари таълим планшетлари билан таъминланиб, келгусида мазкур тажриба республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич жорий этилади.

Юқоридаги ҳолатлар олдимизга спорт соҳасини бошқариш тизимини тубдан ўзгартириш, жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш ишини янада кучайтириш вазифаларини қўяди.

Бу муҳим вазифани бажариш йўлида қуйидагиларга аҳамият бериш лозим:

- биринчидан, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини ва жисмоний тарбияни фаол тарғиб қилиш орқали жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, спорт соҳасидаги самарадор инфратузилмани шакллантириш ва халқаро майдонда муносиб ўрнимизни топишга хизмат қиладиган концептуал дастурларни яратиш;

- иккинчидан, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида спортни тобора оммалаштириш ишида жисмоний тарбия ва спорт ишлари муассасалари билан биргаликда таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш идоралари, қолаверса маҳаллий ҳокимият органларининг мустаҳкам ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

- учинчидан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда спорт комплексларини кўпайтириш, спорт таълими сифатини ошириш, болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларига эришиш орқали болалар спортини юқори даражага олиб чиқиш;

- тўртинчидан, мамлакатимиз вакилларининг халқаро ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда муносиб қатнашиши учун истеъдодли спортчиларни танлаб олиш, уларни тайёрлаш ва орасидан мамлакат терма жамоаси заҳирасини шакллантиришнинг самарали тизимини яратиш;

- бешинчидан, юртимизда профессионал ва оммавий спортнинг барча турларини ривожлантиришга шарт-шароитлар яратилиб, улар бўйича миллий чемпионатлар савиясини ошириш, миллий ва халқаро миқёсда турнирлар ташкил қилиш, спорт оламида учрайдиган ножўя ишларга йўл қўймаслик, жаҳон тажрибаларидан фойдаланган ҳолда киши спорт турларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;

- олтинчидан, спорт ва соғломлаштириш ташкилотлари моддий-техник базасини спорт йўналишлари бўйича бойитиш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимизда спорт анжомлари ва инвентарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

- еттинчидан, соҳада фаолият юритадиган малакали кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш самарадорлигини ошириш, жисмоний



тарбия ва спорт ташкилотларини малакали мураббий ва тренерлар билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш;

- саккизинчидан, соҳадаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, спортга доир илмий ва оммавий адабиётларни кўпайтириш, ТВда оммабоп спортга оид дастурларни кўпайтириш, видео ва кино маҳсулотларини яратиш ҳамда бу йўналишдаги хорижий инвестицияларни жалб қилиш каби вазифалар амалга оширилиши зарур.

Хулоса қилинса, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ижобий ўзгаришлар ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида, айниқса маънавият соҳасида янгилашишга олиб келади. Шунинг учун олиб бораётган ислохотларимиз келгусида ҳам узлуксиз давом этади. Бу йўлда бутун давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, маҳаллалар, ёшлар ташкилотлари ўзаро уйғунликда фаолият юритиб, жамиятимизда фаол ва соғлом турмуш тарзининг устуворлиги, ёшларимизнинг жисмонан бақувват бўлиб ўсиши, аҳоли умр кўриш кўрсаткичининг ошиши кабиларга эришилмоғи лозим.

Халқимиз Учинчи Ренессанс ва Янги Ўзбекистон пойдеворини кўйишга киришган ушбу тарихий онларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги янгилашиш ва ютуқлар ҳам давр шукуҳига мос бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса ўз навбатида соҳадаги ходимлари ва мутасаддилардан зиммасидаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қилиш лозимлигини эслатади.

## REFERENCES:

1. Ш.Мирзиёев – Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.: Ўзбекистон, 2020.– 508 бет
2. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O'zbekiston” нашриёти, 2021. 464 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, ПҚ-5129-сон 27.05.2021. Осиё тараққиёт банки ва ва осие инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида «Ўзбекистон республикасида коронавирус covid-19 инфекциясига қарши шошилиш чораларни кўриш» лойиҳасини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида <https://lex.uz/docs/5436182>
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 12.11.2020 yildagi PF-6110-son. Birlamchi tibbiy-sanitariya yordami muassasalari faoliyatiga mutlaqo yangi mexanizmlarni joriy qilish va sog'liqni saqlash tizimida olib borilayotgan islohotlar

## GENDER TENGLIK: TURKIY DAVLATLAR MISOLIDA

**L. A. Valiyev**

Ijtimoiy fanlar kafedrası v.b.dotsenti

**V. N. Bahodirov**

Sotsiologiya yo'nalish talabasi

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqola orqali xotin gizlarning huqua va erkinliklari mustahkamlab qo'yilgan qarorlar bilan,jamiyatda ayollarga bolgan munosabatlar hamda davlat boshqaruvida ayollarning orni va ro'li bilan tanishib chiqishingiz mumkin.

**Kalit so'zlar:** Gender tengligi, jamiyat, gender statistikasi, zoravonlik, bezorilik, siyosat, saylov, jinsiy tenglik.

Yillar davomida ayollar zorliklar va ta'zyiqlar natijasida qiylanib kelmoqda. Hamma ayollarga ojiza sifatida, hech narsaga kuchi yetmaydi, davlat boshgaruvini ayollar eplay olmaydi deb bilishadi. Ammo bunday davrlar tugadi.Bilamizki bugun butun dunyoda bir jumla keng rivojlanmoqda gender tengligi. Hozirda rivolanib borayogan O'zbekistonda ham bu jumlag a'e'tibor kuchaytirildi.

Gender tengligini rivolantirish maqsadida Xotin-qizlar huquqlarini kamsitilishini barcha shakllariga barham berish to'g'risidagi, Xotin qizlarning siyosiy huquqlari to'g'risidagi, Bir xil qiymatga ega bolgan mehnat uchun erkaklar va xotin qizlarni rag'batlantirish to'g'risidagi,Onalikni muhofaza qilish to'g'risidagi 2030 yilga qadar mo'jjallangan strategik dasturi ishlab chiqildi.

Bundan tashqari Ilk bor O'zbekiston tarixida 2019-yil 2-sentabrda 562-sonli qarori bilan "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq va imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida"gi [1] va "Xotin-qizlarni tazyiq va zoravonlikdan himoya gilish" [2] to'g'risidagi qonunlar qabul qilindi.Ushbu gonunda ayollarga munosib hayot ta'minlab berish, ularni munosib turmush kechirishi uchun quay bolgan ish o'rinlarini yaratib berish,ularni ijtimoiy himoyalash, siyosiy-huquqiy faolligini oshirish, davlat boshqaruvida rahbar ayollar safini kengaytirish,jamiyatda faola qatlamiga aylantirish shuningdek,xotin-qizlar ham erkaklar bilan teng huqua va imkoniyatlarga ega ekanligini ta'kidlab o'tiladi. "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq va imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida"gi qonunning 4- moddasida Xotin-qizlar va

erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlarini ta'minlashning asosiy prinsiplari keltirilgan: gonuniylik, demokratizm, xotin qizlar va erkaklarning teng huquqliligi, jins bo'yicha kamsitishga yo'goymaslik, ochiqlik va shaffoflik kabi prinsiplarini keltiradi. Demakki bundan ko'rinib turibdiki Demokratik davlatlarda gender tengligi asosiy belgilari sifatida ekan. Shu jumladan, ushbu gonunda ish joyida, turmushida, ta'lim muassasalari ayollarga qilinayogan tazyiq va zo'ravonliklardan himoya qilish munosabati ham mustahkamlab ketilgan. Bilamizki oilada erkaklar moddiy taminlab beruvchi ayollar esa doimo uy ishlari bilan shugullanuvchi inson hisoblangan. Shu tufayli ayollar ozi hoxlagan kasbni egallay olmagan. Songi on yillikka nazar tashlasek butun dunyoda gender tengligiga erishish global muammo sifatida qaralmoqda va uni ta'minlanishi uchun muhim vazifalar belgilab ketilmoqda. Bu yuzasidan davlatlar birgalikda ish olib borishmoqda. 2000-yil sentyabr oyida BMT a'zo davlatlar sammitida qabul qilingan "Mingyillik" deklaratsiyasida gender tengligini ta'minlash nafaqat qashshoqlik balki ochlikni kamaytirishgashuningdek davlatni rivolantirishga ko'maklashadi deb ta'kilab ketilgan. [3]"Mingyillik" sammitida 147 davlat rahbarlari ushbu jumlani ma'qullashgan ular qatorida O'zbekiston respublikasining birinchi prezidenti Islom Abduganiyevich Karimov ham shular qatorida edi. Ushbu hujjat butun dunyoda muhim vazifalar qatoridan joy olgan. "Mingyillik" sammitida davlatlar o'lariga 8 ta maqsadni belgilab olishdi. Uchinchi maqsadga nazar tashlasek "ayollarga nisbatan kamsitishni kamaytirish va gender tengligini ta'minlash " Yugorida O'zbekiston respublikasi 2030 yilga qadar strategik dastur ishlab chiqqan deb aytib otdim. Ushbu dastur Mingyillik sammitida qatnashgan davlatlar bilan kelishgan holatda gender tengligini taminlash 17ta global maqsadlardan biri sifatida aytilgan.

Dunyo rivojlanib borayotgan sababli ayollar va qizlarga zo'ravonliklar hamda tazyiqlar tobora kamayib bormoqda. Butun dunyoda jinsiy tenglik vujudga kelmoqda hamda mehnat yuzasidan ham jinsiykamsitishlar kamaymoqda. Gender tengligi bo'yicha dunyoda muammolar qolmadi deb ayta olmimiz muammolar barcha hududlarda majud ammo yildan yilga ushbu muammolar kamayib bormoqda. Muammolarga barham berish uchun barcha davlat o'rganlari ish olib bormoqda. Shu o'rinda O'zbekiston respublikasida Gender tengligini yuzaga keltirish uchun davlat organlarining fikrlari qanday? degan savol yuzaga keladi. Davlatimizning uchinchi hokimiyati bolgan Sud hokimiyatiga yuzlanadigon bolsek. 2020 yil 18 sentyabrda poytaxtimizda O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi, AQSh Xalqaro taraqqiyot agentligi (USAID) va BMT Taraqqiyot dasturining "O'zbekistonda gonun ustuvorligi

yo'lida hamkorlik" qo'shma loyihasi doirasida tashkil etilgan "Gender tenglikni ta'minlashda sud tizimining o'rni" mavzusida amaliy seminar bo'lib o'tdi. Tadbirda gender balansga erishish hamda milliy sud tizimida gender jihatlarni qamrab olgan yo'l xaritasini ishlab chiqish kabi masalalar muhokama qilindi. Gender komponentlarini sud tizimiga joriy qilishda qo'llaniladigan xalqaro andozalar va amaliyot o'rganildi.

Odil sudlovni amalga oshirishda gender tenglikni ta'minlanishini kafolatlash, gender tenglikni ta'minlash va gender diskriminatsiyani bartaraf etishda sudyalarning o'rni, ayollarning odil sudlovga erishish darajasini oshirish va sud tizimida ayollar ishtirokini yanada ko'paytirish bo'yicha O'zbekiston tajribasi kabi masalalarga alohida urg'u berildi. Seminarda "Ayollarning odil sudlovga erishish darajasini oshirish: eng yaxshi algaro tajriba va milliy amaliyot", "Sud tizimida ayol-sudyalar sonini oshirish bo'yicha xorijiy tajribani o'rganib chiqish", "Ayollar huquqlarini ta'minlash va himoya qilish sohasida sudlar faoliyati samaradorligini baholash uchun gender ko'rsatkichlarini ishlab chiqish va joriy etish", shuningdek, "Sudyalarning odob-axloq kodeksi" misolida O'zbekiston qonunchiligida gender-huquqiy ekspertizasini o'tkazish" mavzularida tahliliy tadqiqotlar tagdim qilindi. [4] Shuningdek hokimiyat ustida ayollarning roli ham ortib bormoqda.

Qozog'iston gender tengligi reytingida dunyoning 144 mamlakati orasida 52-o'rinni egalladi. Bu haqda «Gender farqi bo'yicha global hisobot - 2017» Butunjahon iqtisodiy forumining yangi hisobotida aytiladi. Markaziy Osiyo mamlakatlaridan: Qirg'iziston 85-pog'onadan joy olgan bo'lsa, Tojikiston 95-o'rinda joylashdi. Turkmaniston va O'zbekiston esa reytingda taqdim etilmagan. Mo'g'uliston reytingning 53-o'rnini egalladi.

Tadqiqot to'rtta asosiy yo'nalish: sog'liqni saqlash, ta'lim, iqtisodiy imkoniyatlar va ayollarning siyosiy faoliyati bo'yicha o'tkazildi. Ayollar uchun eng yaxshi imkoniyatlar yaratilgan davlatlar orasida Islandiya, Norvegiya, Finlyandiya, Ruanda va Shvetsiya bor. Gender tengligi reytingidagi eng so'nggi pog'onani Yaman egalladi. Tadqiqotchilarning fikricha, u yerda ayollarning o'z huquqlaridan foydalanishi biroz mushkulroq. Ekspertlarning hisob-kitoblariga ko'ra, gender muammolarini hal etishning hozirgi tezligida erkaklar va ayollar o'rtasidagi tenglikka faqatgina 100 yildan so'ng erishish mumkin. O'tgan yilda bu ko'rsatkich biroz kamroq edi – 83 yil.

Ko'p yillar davomida dunyoning aksariyat mintaqalarida ayollar davlat boshqaruvida turli to'siqlarga uchradi. Hatto 1900- yillarning boshlarida ham

siyosatga faqat erkaklar sohasi sifatida qaraldi. [5] Biroq, ayollar harakati va Ikkinchi Jahon urushi kabi madaniyatni o'zgartiruchi voqealar ayollarning huquqlari va siyosatdagi rollarini asta-sekin oshirdi. [5] Shunga garamay, ayollarning davlat boshqaruvidagi ishtiroki juda kam. Hatto bugungi kunda ham dunyoning hech bir davlatida milliy gonun chiqaruvchi organda ayollarning 50% yoki undan yugoriroq ishtiroki yoq, 73% mamlakatlarda esa 20% dan kam ayollar siyosatda ishtirok etadi. [5] Hukumatda mahalliy darajadan tortib to milliy darajagacha bolgan bir necha darajali lavozimlarmavjud. Shunga kora, ayollarning ushbu vakolatlarga ega bo'lishi va munosib bolishi ahamiyatlidir. Misol uchun, Hindistonda olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, ayollarning mahalliy kengashlarga keng miqyosli'zoligi ularning yugori darajadagi rahbarlik lavozimlarida bo'lishidan ko'ra, samaraliroq. [6] Shu bilan birga, ayollarning manfaatlarini ifodalash va amalga oshirishni ta'minlash uchun davlat hokimiyatining barcha darajalarida ayollarningbolishi muhim ahamiyatga ega. [7] Shu orinda Ozbekiston ham rahbar ayollar soni ortib bormoqda. Bunga misol qilib mamlakatimiz se'natini ayol kishiboshqarmoqda shuningdek ko'plab davlat boshqaruvida ayollar rol oynamoqda.

2021-yil mamlakatimiz tarixida milliy parlamentda ayollar soni 32 foizgayetgan. [8] Ushbu korsatkich ikki baravarga ortgan. Bu korsatkich bilandunyodagi 190ta davlat parlamenti orasidan 37-o'rinni egallaganmiz. [8] Davlat organlarining samarali va oqilona ishlashi uchun tosqinlik gilishi mumkin bolgan "korrupsiya" tushunchasi mavjud. Korupsiyani oldini olish uchun butun dunyodaishlar olib borilmoqda. 2000-yildagi gender va korrupsiya bo'yicha o'tkazilgan yana bir tadqiqot shuni ko'rsatdiki, ayollar parlamentdagi o'rinlarda va hukumat byurokrtiyasidagi yugori lavozimlarda ko'proq ulushga ega bolganda, ya'niishchi kuchining katta ulushini ayollar tashkil etganda korrupsiya unchalik jiddiy xavf tug'dirmagan[9]. Bilamizki har bir inson tug'ilishi va muomila layoqatiga yetganidan song huquqlarga ega boladi. Ammo oldinlar ayollarn bazi huquqlardan foydalanishincheklab qoyishgan. Birgina misol qilib "saylov huquqi"ni olsek. Saylov huquqiberilgunga qadar ayollar har bir mamlakatda siyosiy hokimiyatni amalga oshirishdan mahrum edilar. Ovoz berish huquqini qo'lga kiritgandan so'ng, ayollar o'zlarining erkak hamkasblariga mutanosib ravishda saylov uchastkalaridaqatnashishi va bunga ko'nikishi uchun o'nlab yillar kerak boldi. [10]

Bugungi kunda AQShda ayollar statistik jihatdan erkaklarga qaraganda ko'proq ovoz berishadi [10], bu Skandinaviya mamlakatlari kabi ba'zi mamlakatlarda uchraydi, Hindiston kabi boshqa mamlakatlarda esa aksinchSkandinaviya



mamlakatlari davlat lavozimlarida ayollarning eng ko'p vakilibolgan davlatlar qatoriga kiradi. [5] Saylov huquidan foydalanish ayollarning siyosiy tizimlarida o'z kuchlarini va siyosatdagi o'rinlarini his qilishdir. Bugungi kunda Saudiya Arabistonidan boshqa qonun chiqaruvchi organga ega bolgan barcha mamlakatlarda ayollarga siyosiy huquqlar berilgan. 2006-yilda o'tkazilgan tadqiqot shuni ko'rsatdiki, dunyoning deyarli barcha mamlakatlarida ayollar saylov va saylanish huquqiga ega bolishsa-da, ayollarning o'z siyosiy huquqlaridan foydalanishlaridagi madaniy to'siqlar, jumladan, oilaviy qarshilik vasavodsizlik saqlanib qolmoqda. [10] O'zbekistonda Gender tenglik bo'yicha Komissiya 2019-yildan boshlab ish yuritib keladi. Oliy Majlis Senati Raisi Tanzila Narbaeva O'zbekiston Respublikasi Gender tenglikni taminlash masalalari boyicha komissiyasining raisi hisoblanadi. [11] Bu ham gender tengligini rivojidan habar beradi. O'zbekiston ham boshqa davlatlar kabi 2019-yildan buyon gender tengligi ko'rsatkichi ro'yxatida qatnashishni boshladi. Bu ro'yxatda qatnashish ham gonunda gender statistikasi deb belgilab ketilgan. Gender statistikasini shakllantirish uchun vazifalar belgilab ketilgan. Ushbu vazifalar orgali 2019-yil holati boyicha Ozbekistonning gender tengligi ko'rsatkichi ro'yxatdagi 189 mamlakat ichida 62-o'rinni egalladi.

Birlashgan Millatlar Tashkilotining Aholishunoslik jamgarmasi (UNFPA) ekspertlarining fikriga kora, Ozbekistondagi har 100 000 dan 29 ayol gender tengsizlik tufayli vafot etishi va 15-19 yoshdagi har ming o'spirin qiz uchun tugish ko'rsatkichi 23,8 ni tashkil qiladi. [12] Gender tengligi ko'rsatkichi ro'yxati bo'yicha 62-o'rinda O'zbekiston bilan bir qatorda Kosta-Rika va Urugvay ham 0,288 ko'rsatkichi bilan qayd etilgan. Orta Osiyo davlatlari ortasida Qozogiston 44-chi, Qirgiziston 82-chi, Tojikiston 70-chi o'rinlarni egallashgan, Turkmaniston esa bu ro'yxatda mavjud emas. [13]

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki gender tengligini rivojlantirish bu butun dunyoda davlatning rivojlanishiga sharoit yaratish deganidir. Chunki ayol nafaqat ona balki, jamiyatning asosiy bir bolagidir. Ayollar ham erkin yashashga oqib organib rivojlanishga xaqli. Davlat qachon rivojlanadi? Qachonki fuqarolarda davlat rivoji uchun bor kuchi bilan xarakat qilganida. Endi erkaklar xarakat qilsayu ayollar bir chetda qolib ketsa davlat qanday rivojlanadi. Ozbekiston aholisini nafaqat ozbekiston balki dunyo aholisining 50% dan ortiq qismini ayollar tashkil qiladi. bu kuchni to'g'ri ishlata bilgan, ayollarning qadr qimmatini, ularning xurmatini o'z orniga qo'yg'an davlat albatta rivojlanadi. Bungatarida xam hozirgi zamonda xam misollar tola. Gender tengligini



rivojlantirishoz golimizda uni yaxshi rivolantira olsek oz oylagan niyatlarmiziga albattaerishamiz.

### REFERENCES:

1. Paxton, P., & Hughes, M. M. (2007). Women, politics, and power: A global perspective. Pine Forge Press
2. Ramatov, J., Umarova, R., Sultanov, S., Nazarova, N., & Khasanov, M. (2022). THE ROLE OF THE SCIENCE OF PROFESSIONAL ETHICS IN THE TRAINING OF SPECIALISTS AND RELATIONSHIP WITH OTHER DISCIPLINES. *Теория и практика современной науки*, (12 (90)), 23-26.
3. Abdinazarovich, R. D., Jo'rayevna, N. N., & Saparbayevna, J. N. (2023). MARKAZIY OSIYO MINTAQASIDA IJTIMOIIY XIZMATNING SHAKLLANISH GENEZISI. *JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH*, 6(4), 1005-1009.
4. Ramatov, J., Baratov, R., Sultanov, S., Nazarova, N., Erniyozov, U., & Valiev, L. (2022). THE ROLE OF AUROBINDO GHOSH'S CONCEPT OF EDUCATION. *Теория и практика современной науки*, (12 (90)), 57-60.
5. Jo'rayevna, N. N. (2023). GIYOHVANDLIK DELINKVENT XULQ SIFATIDA NAMOYON BO 'LISHI. *FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES*, 2(22), 186-189.
6. Ramatov, J., Umarova, R., Sultanov, S., Nazarova, N., & Khasanov, M. (2022). LEADERSHIP FACTOR IN PROVIDING YOUTH COMPETITIVENESS. *Теория и практика современной науки*, (12 (90)), 40-44.
7. Saparbayevna, J. N., Jo'rayevna, N. N., & Abdinazarovich, R. D. (2023). YOSHLARDA MAS'ULIYAT HISSINI TARBIYALASHNING IJTIMOIIY-FALSAFIY MOHIYATI. *World of Science*, 6(5), 25-28.
8. Matkarimova, J. (2020). Scientific approaches to the impact of civil society and democracy. *Theoretical & Applied Science*,(2), 421-425.
9. Matkarimova, J. (2017). Obscuration and unnoticeable threats. *BRIDGE TO SCIENCE: RESEARCH WORKS*, 13.
10. Жуманиёзова, Н. С. (2023). ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ХАЛҚАРО ХАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ. *World scientific research journal*, 11(1), 22-33.

11. Назарова, Н. (2023). STRUCTURAL-FUNCTIONAL ANALYSIS OF ENSURING PROFESSIONAL COMPETITIVENESS OF YOUTH OF UZBEKISTAN. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, 6(2).
12. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Sultanov, S., Nazarova, N., & Khasanov, M. (2022). WAYS OF REGULATING FAMILY RELATIONS AND PREVENTING CONFLICTS (IN THE EXAMPLE OF THE STATE OF UZBEKISTAN). *Теория и практика современной науки*, (12 (90)), 45-48.
13. Matkarimova, J. D. (2019). Civil society and third sector: global aspect. *Евразийское Научное Объединение*, (5-6), 392-394.
14. JD, M. (2023). SOCIAL USEFUL PURPOSES OF NON-PROFIT ORGANIZATIONS. *Deutsche Internationale Zeitschrift für Zeitgenössische Wissenschaft*, (57).
15. Saparbayevna, J. N., Jo'rayevna, N. N., & Niyazmatovich, R. Z. (2023). YOSHLAR INTELLEKTUAL BILIMINI OSHIRISHDA PRAGMATIK FIKRLASHNING AHAMIYATI. *Scientific Impulse*, 1(10), 136-140.
16. Ramatov, J., Baratov, R., Nazarova, N., Khasanov, M., & Valiev, L. (2022). MUTUALLY BENEFICIAL INTEGRATION OF TURKIC STATES. *Теория и практика современной науки*, (12 (90)), 35-39.
17. Abdinazarovich, R. D., Saparbayevna, J. N., & Jo'rayevna, N. N. (2023). OILALARNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARINI SOTSIOLOGIK TAHLILI (HARBIY XIZMATCHILARNING OILASI MISOLIDA). *World of Science*, 6(5), 29-33.

## IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSIYA, FAN VA DAVLATNING ROLI

**A. B. Djumanova**

Iqtisodiyot fanlari nomzodi (PhD), professor  
Toshkent davlat transport universiteti

### ANNOTATSIYA:

Bugungi kunda innovatsiyalar har qanday mamlakatning har tomonlama rivojlanishida katta rol o'ynaydi va davlat raqobatbardoshligining kafolati hisoblanadi. Aynan innovatsiyalarni davlat tomonidan rag'batlantirish va ularni amalga oshirish jarayonida uning bevosita ishtirok etishi mamlakat iqtisodiy o'sishining yuqori sur'atlarini ta'minlaydi. Ushbu maqolada bilim va innovatsion ishlanmalarga asoslangan innovatsion iqtisodiyotni yaratishda davlatning roli tasvirlangan.

**Kalit so'zlar:** innovatsiya, fan, innovatsion iqtisodiyot, sarmoya, innovatsiya, ilmiy-texnik salohiyat, jahon iqtisodiyoti, yaratilish, global innovatsion indeks, innovatsion faollik, raqobatbardoshlik.

### ABSTRACT:

Currently innovations play a major role in the economic development of any state and are the key to the country's competitiveness. It is the state support of innovations and its direct participation in the process of their implementation that ensure the high rates of economic growth of the country. This article describes the current role of the state in creating an innovative economy based on knowledge and innovative developments.

### АННОТАЦИЯ:

Сегодня инновации играют главную роль во всестороннем развитии любой страны и считаются гарантом конкурентоспособности государства. Именно государственное стимулирование инноваций и его прямое участие в процессе их внедрения обеспечивают высокие темпы экономического роста страны. В данной статье описывается современная роль государства в создании инновационной экономики на основе знаний и инновационных разработок.

**Ключевые слова:** инновации, наука, инновационная экономика, инвестиции, новшества, научно-технический потенциал, глобальная экономика, создание, глобальный индекс инновации, инновационная деятельность, конкурентоспособность.

Hozirgi vaqtda innovatsiyalar va texnologik innovatsiyalar jamiyat hayotining barcha jabhalarini asosiy bog'lovchi mexanizmdir. Zamonaviy dunyoni bugungi kun holati va kelajakdagi innovatsiyalarsiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Ilmiy hamjamiyat innovatsiyalar iqtisodiy rivojlanishning asosiy harakatlantiruvchi kuchiga aylanganini tan oladi. Innovatsion jarayonlar jahon hamjamiyatini rivojlanishning yangi, yuqori pog'onasiga olib chiqdi. Innovatsiyalar deyarli barcha sohalarida qo'llaniladi, professional darajada muhokama qilinadigan mavzu bo'lib, shu jumladan. hukumatlar, xalqaro tashkilotlar va boshqalar darajasida. Innovatsiya deganda bozorga kiritilgan yangi yoki takomillashtirilgan mahsulotda mujassamlangan innovatsion faoliyat natijasi sifatida tushunish mumkin.


O'zbekistonda faoliyatning barcha sohalariga zamonaviy innovatsion texnologiyalarni jadal joriy etish uning jadal rivojlanishining muhim sharti sifatida belgilandi. Bunda asosiy vazifa mamlakatimiz ilm-fanning salohiyatidan to'liq foydalanish va zamonaviy texnologiyalarning jahon bozoriga, shu jumladan, ilmiy-texnikaviy ishlanmalarni transfer va tijoratlashtirish yo'li bilan chiqishni ta'minlashdan iborat.

O'zbekistonda strategik hujjat qabul qilingan bo'lib, strategiyadan ko'zlangan asosiy maqsad inson kapitali sifatini mustahkamlash va respublikani 2030 yilga borib Global Innovatsiyalar indeksi reytingi bo'yicha jahonning yetakchi 50 davlati qatoriga kiritishdan iborat.

Ilmiy sohani bosqichma-bosqich rivojlantirish rejasi (O'zbekiston Respublikasi ilm fanni 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi):

- fanga ajratilayotgan mablag'lar ulushini yalpi ichki mahsulotdagi 0,2 foizdan 2 foizgacha oshirish;
- Scopus va Web of Science xalqaro ilmiy ma'lumotlar bazasida indekslangan xalqaro ilmiy jurnallarda chop etilgan maqolalar umumiy sonida O'zbekistonning ulushini 0,008 foizdan 0,2 foizga oshirish;
- yosh mutaxassislarni fanga keng jalb etish va olimlarning o'rtacha yoshini 39 yoshga yetkazish;
- oliy toifali yosh ilmiy mutaxassislar tarkibini 39 yoshgacha bo'lgan talabgorlar umumiy sonining 11 foizidan 30 foizigacha oshirish;

Iqtisodiyotni rivojlantirishda ilmiy tadqiqotlarning roli bir necha asosiy jihatlarni o'z ichiga oladi:



**Rasm 1. Iqtisodiy rivojlanishning asosiy jihatlari**

Yangi texnologiyalar ko'proq mahsulot ishlab chiqarish yoki kamroq resurslar va vaqt bilan xizmatlar ko'rsatish imkonini beradi, bu esa umumiy ishlab chiqarish va iqtisodiy o'sishning oshishiga olib keladi. Innovatsiyalar mutlaqo yangi sanoat va bozorlarning paydo bo'lishiga imkon berishi mumkin. Yangi texnologiyalar odamlar hayotining qulaylik va xavfsizlik darajasini oshirishi mumkin, bu esa o'z navbatida iste'mol va iqtisodiy o'sishni oshirishga yordam beradi. Texnologik innovatsiyalarning rivojlanishi ko'pincha yangi texnologiyalarni tadqiq qilish, ishlab chiqish va texnik xizmat ko'rsatish sohalarida yangi ish o'rinlarini yaratish imkonini beradi. Texnologik innovatsiyalarni muvaffaqiyatli amalga oshiruvchi kompaniyalar ko'pincha bozorda raqobatdosh ustunlikka ega bo'lib, ularning o'sishi va rivojlanishiga hissa qo'shadi.

Texnik innovatsiyalarni joriy etish bilan bog'liq tadqiqot natijalari:

1. mehnat unumdorligini oshirish: Texnologik yangiliklarni joriy etish odatda mehnat va resurslar unumdorligini oshirishga olib keladi. Bu jarayonni avtomatlashtirish, ish jarayonini optimallashtirish yoki mahsulot sifatini yaxshilash orqali sodir bo'lishi mumkin.

2. Xarajatlarni kamaytirish: Innovatsion texnologiyalar tovarlar va xizmatlarni ishlab chiqarish, tashish va saqlash xarajatlarini kamaytirishga yordam beradi, bu esa kompaniyalarning rentabelligini oshiradi va iste'molchilar uchun yakuniy narxlarni pasaytiradi.

3. Mahsulot va xizmatlar sifatini yaxshilash: Yangi texnologiyalarni joriy etish ko'pincha mahsulot va xizmatlar sifatini yaxshilashga olib keladi, bu esa mijozlar ehtiyojini qondirishni oshiradi va sotish va bozor ulushini oshiradi.

4. Yangi bozorlarni yaratish: Texnologik innovatsiyalar bozorlarni rivojlantirish va ilgari mavjud bo'lmagan yangi turdagi mahsulot va xizmatlarning paydo bo'lishi uchun yangi imkoniyatlar yaratishi mumkin.

5. Iqtisodiyotning yangi tarmoqlarini rivojlantirish: Innovatsion texnologiyalarni joriy etish iqtisodiyotning mutlaqo yangi tarmoqlarini, masalan, raqamli iqtisodiyot, Internet industriyasi, qayta tiklanadigan energiya va boshqalarni rivojlantirishga yordam berishi mumkin.

6. Ish o'rinlarini yaratish: yangi ish o'rinlarini yaratishga imkon bersdi.

Mamlakatimizda ilk bor startap loyihalari bo'yicha tanlov e'lon qilish tizimi yaratildi, ularni dastlabki bosqichda qo'llab-quvvatlash va mahsulotning bozorga chiqishga tayyorligiga asoslangan holda moliyalashtirish mexanizmlari joriy etildi. Ilmiy-innovatsion loyihalarni tanlov asosida sifatli tanlash uchun mamlakatimizda ilk bor texnik va ilmiy ekspertiza o'tkazishning yangi vositalari joriy etildi.

2024-2025-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlari prognozlari 1-jadvalda keltirilgan.

### 1-jadval

#### O'zbekiston Respublikasini 2024-2025-yillarda rivojlantirishning asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlari prognozlari

N	Ko'rsatkichlar	Maqsadlar:	
		2024 yil	2025
1.	Yalpi ichki mahsulot, mlrd	1 235 398	1 411 965
2.	Yalpi ichki mahsulotning o'sish sur'ati, foiz	5.6	6.0
3.	O'tgan yilning dekabriga nisbatan iste'mol narxlari indeksi, foizlarda	5 - 6	5
4.	Sanoat ishlab chiqarishining o'sish sur'ati, foiz	6.0	7.2
5.	Qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligida mahsulot ishlab chiqarishning o'sish sur'ati, foiz	3.7	3.9
6.	Xizmat ko'rsatishning o'sish sur'ati, foiz	6.2	6.0



Iqtisodiyotning innovatsion rivojlanish darajasini oshirish mamlakat, tarmoqlar va alohida korxonalar darajasida innovatsion iqlimni belgilovchi omillar holatini baholash, innovatsion rivojlanish tendentsiyalarini tahlil qilish va ikkala omilga ega bo'lgan omillarni o'z ichiga olgan ilmiy yondashuvni talab qiladi.

Innovatsion faoliyatni rivojlantirishda katta rol davlatga tegishli bo'lib, u birinchi navbatda rivojlanishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, innovatsion muhitni yaratish va ilg'or innovatsion texnologiyalarni qo'llab-quvvatlashdan iborat bo'lishi kerak. Innovatsion rivojlanish omillarini aniqlashning eng aniq usuli bu mehnat unumdorligini baholash va uni iqtisodiyotning tahlil qilinayotgan sektori yetakchilari bilan solishtirishdir. O'tkazilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, mehnat unumdorligi darajasidagi tafovut ilmiy tadqiqotlar va ishlanmalar sohasida kuzatilganligi, bu esa, birinchi navbatda, iqtisodiyotning ushbu tarmog'ini qo'llab-quvvatlash lozimligini ko'satdi.

Turli tarmoqlardagi kompaniyalar faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari, innovatsiyalarning paydo bo'lishi va rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlari, ularning rivojlanishiga omillar ta'sirining ahamiyati va yo'nalishi ularning faol innovatsion rivojlanishi uchun eng qulay shart-sharoitlarni yaratishga boshqacha yondashuvni talab qiladi.

Kompaniyalarning innovatsion faoliyati muvaffaqiyatini belgilovchi asosiy omillar innovatsion rivojlanish strategiyasini shakllantirish, biznesni rivojlantirish uchun yangi imkoniyatlarni tizimli ravishda izlash, kompaniyada innovatsion infratuzilmani shakllantirish, innovatsion jarayonlarni boshqarish tizimini ishlab chiqish va joriy etishdir, korporativ madaniyatni yaratish. Korxonalar rivojlanishining innovatsion yo'nalishini shakllantirishga tizimli yondashuvning mavjudligi ularning iqtisodiy samaradorligi darajasini oshiradi, bozordagi raqobatdosh mavqei mustahkamlaydi, faoliyati barqarorligini oshiradi.

## REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 29 oktabrdagi "Ilm-fanni 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-6097-son Farmoni.
2. Yo'ldoshev N.Q. va boshqalar. «Innovatsion menejment». Darslik. TDIU. 2011y. — 312 b
3. A.B. Bektemirov, N.X. Ruzibayeva, R.I. Azimova Investitsiya va innovatsiyalar. O'quv qo'llanma – Toshkent: 2020. – 432 b.

4. Djumanova A.B., Kushakova M.N, “O’zbekistonda uzluksiz ta’limni rivojlantirishning dolzarb masalalariga oid ilmiy-amaliy tadqiqotlar” mavzudagi ilmiy-nazariy onlayn konferensiya, “Pandemiya sharoitida masofaviy ta’limning dolzarbligi, uning xususiyatlari va muammolari”, 8-iyun 2020 yil, 101 va 102 b.

## РАЗВИТИЕ СОВРЕМЕННЫХ НАУЧНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И ПРОБЛЕМА ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА

**И. Г. Файзуллаева**

докторант Ташкентского Государственного транспортного университета

### ANNOTATSIYA

- Планируется активизировать сотрудничество между регионами стран Центральной Азии (в том числе приграничными регионами).

Кроме того, в этом году отношения Узбекистана со странами Центральной Азии укрепляются механизмами многостороннего сотрудничества, включая Организацию Объединенных Наций (ООН), Содружество Независимых Государств (СНГ), Шанхайскую организацию сотрудничества (ШОС), Совет сотрудничества стран Центральной Азии. Тюркоязычные страны. Предназначено развивать не только политико-дипломатические отношения, но и экономическую дипломатию, межпарламентскую дипломатию и народную дипломатию в рамках Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ) и других структур.

Кроме того, в период председательства Республики Узбекистан в ШОС в 2021-2022 годах были определены приоритетные задачи и основные направления деятельности в рамках сотрудничества государств-членов и последовательно реализуются. Можно отметить, что Узбекистан, Таджикистан, Казахстан и Кыргызстан являются членами ШОС наряду с Россией, Китаем, Пакистаном и Индией из стран Центральной Азии, и ускорение сотрудничества в рамках этой международной организации имеет особое значение. .

В заключение следует отметить, что проведение открытой, прагматичной, продуманной и взаимовыгодной внешней политики остается главным приоритетом внешней политики Узбекистана. Это отражается в том, что Узбекистан является единственной страной в регионе, граничащей со всеми странами Центральной Азии, что любые политические, экономические и культурные изменения в стране напрямую затрагивают регион, и что стабильное развитие Центральной Азии служит интересам всех стран региона. Сегодняшняя внешняя политика Узбекистана, в частности добрососедская и прагматичная региональная политика, служит повышению международного престижа страны, превращению Центральной Азии в стабильное и геополитическое пространство сотрудничества с большими возможностями.

#### **REFERENCES:**

1. Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», 7 февраля 2017 года.
2. Конституция Республики Узбекистан, (новая редакция Конституции Республики Узбекистан принята всенародным голосованием на референдуме Республики Узбекистан, состоявшемся 30 апреля 2023 года) Ташкент, 2023 год.

3. Ш.М. Мирзиёев. «Мир и процветание Центральной Азии зависят от нашего единства». Выступление лидеров стран Центральной Азии на четвертой консультативной встрече. Кыргызстан, 21 июля 2022, Политика.

4. Ш.М. Мирзиёев. Выступление на международном культурном форуме «Центральная Азия на перекрестке мировых цивилизаций». Хива, 15 сентября 2021 г.

5. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на V Консультативной встрече лидеров стран Центральной Азии, г. Душанбе, 14 сентября 2023 года.

## ЎЗБЕКИСТОНДА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ МУХОФАЗА ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**Н. Ю. Жўрабоев**

тарих фанлари номзоди, доцент.

Тошкент давлат транспорт университети, Тошкент. Ўзбекистон

E-mail: [juraboyevnosir4@gmail.com](mailto:juraboyevnosir4@gmail.com)

### **АННОТАЦИЯ:**

Мақолада қаламга олинган мавзу сўнги йилларда мамлакатимиздаги мавжуд номоддий маданий меросни муҳофаза ва тарғиб қилиш борасида олиб борилган саъй-ҳаракатлар ва ЮНЕСКО билан ҳақорликда амалга оширилган тадбирлар, соҳага доир қабул қилинган қарор ва фармонлар ҳамда ижтимоий тармоқ материаллари асосида ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон, номоддий, маданий, мерос, репрезентатив, муҳофаза, дорбоз, Аския, Лапар, Палов, “Шашмақом”, “Лазги”.

### **АННОТАЦИЯ:**

Тема, обсуждаемая в статье, освещена на основе предпринятых в последние годы усилий по охране и популяризации существующего нематериального культурного наследия в нашей стране и мероприятий, проводимых в сотрудничестве с ЮНЕСКО, решений и постановлений в этой области, а также социальных сетевые материалы.

**Ключевые слова:** Узбекистан, нематериальное, культурное, наследие, представитель, охрана, привратник, аския, лапар, плов, «Шашмаком», «Лазги».

### **ABSTRACT:**

The topic discussed in the article is highlighted on the basis of efforts made in recent years to protect and popularize the existing intangible cultural heritage in our country and activities carried out in cooperation with UNESCO, decisions and regulations in this area, as well as social networking materials.

**Keywords:** Uzbekistan, intangible, cultural, heritage, representative, security, gatekeeper, askia, lapar, pilaf, “Shashmakom”, “Lazgi”.



Кейинги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳамда мамлакатимизнинг янги, очиқ ташқи сиёсати унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ижобий имижини ва обрўсини мустақамлашга хизмат қилмоқда. Маълумотларга кўра, давлатлар маъқеини белгилаб берадиган 100 дан ортиқ халқаро рейтинг ва индекслар бор. Минг афсуски, узок йиллар мобайнида баъзи бир рейтингларда умуман бирон бир ўринга эга бўлмай келдик ёки қуйи поғоналардан ўрин олган эдик. Сабаби, бу борада яхлит тизим ва фаолият олиб борувчи органлар бўлмаганидир.

Эндиликда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига шиддат билан интеграциялашиб бораётган экан, бу соҳадаги энг долзарб вазифалар бу - мамлакатимизнинг бетакрор имиж хусусиятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, хусусан, бой маданий, тарихий, маънавий ва интеллектуал мерослар, кўп асрлик давлатчилик, минтақанинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасининг эътирофи, самимий даражадаги миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ижтимоий тотувлик, бой табиий ресурслар, ривожланган транспорт ва коммуникация инфратузилмалари, мафкуравий дунёқарашлардан қатъий назар тенг ҳуқуқли ҳамкорликка тайёрлиги кабилардир.

Бу ўринда, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистоннинг номоддий маданий меросини муҳофаза ва тарғиб қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, ўзбек халқи нафақат моддий, балки бой номоддий маданий меросга ҳам эга. Келинг, шу ўринда, аввало, номоддий мерос нима, деган саволга жавоб берсак. Номоддий мерос – бу муайян бир халқнинг асрлар давомида шаклланган оғзаки ижоди, ижрочилик санъатлари, жамиятнинг урф-одат, маросим ва байрамлари, табиат ва коинот билан боғлиқ билимлари, анъанавий ҳунармандликка оид малака ва кўникмаларидир. Ўтган йиллар ичида, аниқроғи, мамлакатимиз 1993 йилда ЮНЕСКОга аъзо бўлгач, Бойсун маданий муҳити, “Шашмақом”, Катта ашула, Наврўз байрами, Бахшичилик, Аския, Палов маданияти ва анъаналари, Адрас тўқиш, Каштачилик, "Лазги" рақси, "Миниатюра санъати" ва бошқалар номоддий меросимиз намуналари сифатида ЮНЕСКО репрезентатив рўйхатига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ номоддий маданий мерос объектлари (дорбоз, аския ва лапар)ни асраш ҳамда улардан фойдаланиш

фаолияти ўзини-ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган фаолият (хизмат, иш) турлари рўйхатига киритиладиган бўлди. 2022 йили Марокаш давлатининг Работ шахрида бўлиб ўтган ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Ҳукуматлараро қўмитасининг 17-сессиясида Ўзбекистон номидан иккита элемент - “Ипакчилик ва тўқув учун анъанавий ипак ишлаб чиқариш” ҳамда “Хўжа Насриддин ҳақидаги латифаларни такрорлаш анъаналари” инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилди. Шу йили Ўзбекистон ЮНЕСКО Бош қароргоҳида (Парижда) бўлиб ўтган “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги конвенцияга аъзо бўлган давлатлар Бош ассамблеясининг 9-сессиясида Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмига аъзоликка сайланди [1].

Таъкидлаш жоизки, “Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Давлат дастурида жаҳон номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатига киритиш учун тавсия этилган номоддий маданий мерос объектлари ҳақидаги маълумотларни ЮНЕСКОга тақдим этиб бориш вазифаси қўйилган. Унга кўра, номоддий маданий мерос объектлари бўйича маълумотлар базаси шакллантирилган бўлиб, сўнгги даврда уларни сақлаш ва муҳофаза қилиш, тарғиб этиш борасида ҳукумат, маҳаллий бошқарув органлари, нодавлат ва жамоатчилик ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотлар жамланади. Барча янги маълумотлар асосида таклифлар тайёрланади ва ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси орқали ЮНЕСКОнинг марказий қароргоҳига жўнатилади.

Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан олиб борилган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон томонидан бир қатор номоддий маданий мерос объектлари ЮНЕСКО хузуридаги Инсониятнинг номоддий маданий мерос репрезентатив рўйхатига киритилди. Булар жаҳон миқёсида Ўзбекистоннинг обрўсини янада ошириб, инсониятнинг маданий мероси тарихидаги ўрнимизни янада юксалишига хизмат қилиб келмоқда.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, 2019 йилнинг 10–15 сентябрь кунлари Қўқон шахрида ЮНЕСКО шафелигида биринчи Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг ўтказилиши, халқаро ҳунармандлар ташкилоти томонидан Қўқон шахрига “Дунё ҳунармандлари шахри” мақомининг

берилиши, шунингдек, Термиз шаҳрида ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати, Шаҳрисабзда бўлиб ўтган Халқаро мақом санъати халқаро фестиваллари, Бухоро шаҳридаги “Ипак ва зираворлар” ҳамда Марғилон шаҳридаги “Атлас байрами” каби форумлар ўзбек халқ амалий санъатининг халқаро миқёсдаги юксак эътирофи бўлди.

Ўзбекистонда миллий маданиятини янада ривожлантириш, мамлакат янги тарихини яратиш, халқимизнинг маънавий-маърифий савияси ва билимини ошириш, моддий ва номоддий маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ҳамда оммалаштириш, жаҳон маданияти майдонига фаол интеграцияни олиб кириш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маданият соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президент Ш. Мирзиёвнинг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (ПҚ-4038-сон. 28.11.2018 й.), “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ПҚ-4068-сон. 19.12.2019 й.), “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ПҚ-4730-сон. 26.05.2020 й.) қарорлари ҳамда “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ПФ-6000-сон. 26.05.2020 й.) Фармони, шубҳасиз, маданият соҳасидаги ўзгаришларга ва ислохотларга ҳуқуқий асос ва турки бўлди [2].

Мамлакатимизда номоддий маданий меросни, хусусан, мақом ва бахшичилик санъатини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилиш ҳамда миллий кадриятларимизни кенг намоён этиш билан боғлиқ фаолиятни янада такомиллаштириш, шунингдек, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида (ПҚ-405-сон. 25.12.2023 й.) эса олдимизда турган вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилди. Мазкур қарорга мувофиқ, номоддий маданий мерос намуналарини “тайёрлаш–ўргатиш–тиклаш–оммалаштириш” яхлит узлуксиз тизим асосида ривожлантирилади. Номоддий маданий мерос

намуналарини комплекс ривожлантириш бўйича илмий-амалий ва ижодий мактаблар фаолияти йўлга қўйилади [3].

Хулоса қилиб айтганда, халқимизнинг юксак салоҳияти ва ижодкорлиги маҳсули ўлароқ юзага келтирилган мавжуд номоддий маданий мероси ёш авлодни миллий кадриятлар ва аждодларимизнинг бебаҳо анъаналари руҳида тарбиялаш, жамиятда ватанпарварлик ва ўз халқи билан ғурурланиш туйғусини шакллантириш асосида миллий ўзликни англаш ҳиссини мустаҳкамлаш ва ватандошларимиз дунёкарашини кенгайтиришга беминнат хизмат қилиб келмоқда.

### REFERENCES:

1. Ўзбекистон илк бор ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос бўйича ҳукуматлараро қўмитасининг аъзосига айланди. - <https://anhor.uz/uz/news/andizhon-vilojatida-fastfuddan-ommavij-za-arlanish-sodir-b-ldi/>
2. <https://lex.uz/docs/4084926>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. - <https://lex.uz/docs/6713096>
4. Умарова, Р., Жўрабоев, Н. Ю., Собирова, С. Т., Темирова, С. В., & Рахимова, М. И. (2022). ИНСОННИНГ ТАБИИЙ ҲУҚУҚИ ВА УНИНГ МАФКУРАСИ ТАХЛИЛИ. Uzbek Scholar Journal, 9, 125-127.
5. Жўрабоев, Н. Ю., Ўралов, Э. И., & Усмонов, Б. Ў. (2023). Жаҳон конституциялари тарихи ва конституциявий ислохотлар. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(1-2), 191-196.
6. Nosirov, R., Yunusova, N., Nazarova, N., & Shamsiddinova, E. (2023, June). Occupational problems in youth competitiveness. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2789, No. 1). AIP Publishing.
7. Ramatov, J., Umarova, R., Sultanov, S., Nazarova, N., & Khasanov, M. (2022). THE IMPORTANCE OF FORMING HIGH MORALITY AND SPIRITUALITY IN YOUNG PEOPLE. Теория и практика современной науки, (12 (90)), 78-81.
8. Ramatov, J., Umarova, R., Sultanov, S., Nazarova, N., & Khasanov, M. (2022). THE ROLE OF THE SCIENCE OF PROFESSIONAL ETHICS IN THE TRAINING OF SPECIALISTS AND RELATIONSHIP WITH OTHER DISCIPLINES. Теория и практика современной науки, (12 (90)), 23-26.

9. Ramatov, J., Umarova, R., Sultanov, S., Nazarova, N., & Khasanov, M. (2022). LEADERSHIP FACTOR IN PROVIDING YOUTH COMPETITIVENESS. Теория и практика современной науки, (12 (90)), 40-44.
10. Ramatov, J., Baratov, R., Sultanov, S., Nazarova, N., Erniyozov, U., & Valiev, L. (2022). THE ROLE OF AUROBINDO GHOSH'S CONCEPT OF EDUCATION. Теория и практика современной науки, (12 (90)), 57-60.
11. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Sultanov, S., Nazarova, N., & Khasanov, M. (2022). WAYS OF REGULATING FAMILY RELATIONS AND PREVENTING CONFLICTS (IN THE EXAMPLE OF THE STATE OF UZBEKISTAN). Теория и практика современной науки, (12 (90)), 45-48.
12. Раматов, Д., Умарова, Р., Султанов, С., Назарова, Н., & Хасанов, М. (2022). ФИЛОСОФИЯ И БУДУЩЕЕ. Теория и практика современной науки, (12 (90)), 208-211.
13. Ramatov, J., Baratov, R., Nazarova, N., Erniyozov, U., Khasanov, M., & Valiev, L. (2022). THE VIEWS AUROBINDO GHOSH OF THE INFLUENCE ANCIENT RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL IDEAS IN INDIA. Теория и практика современной науки, (12 (90)), 61-64.
14. Ramatov, J., Baratov, R., Nazarova, N., Khasanov, M., & Valiev, L. (2022). MUTUALLY BENEFICIAL INTEGRATION OF TURKIC STATES. Теория и практика современной науки, (12 (90)), 35-39.
15. Раматов, Д., Султанов, С., Назарова, Н., Эрниязов, У., Хасанов, М., & Валиев, Л. (2022). ПРАГМАТИЗМ ПРОТИВ ФИЛОСОФИИ ОБЩЕСТВА. Теория и практика современной науки, (12 (90)), 193-197.

## УЧЕНИЯ БАХАУДДИНА НАКШБАНДИ НАСЛЕДИЯ ТЮРКСКОГО НАРОДА

**Насиба Шарифовна Юнусова**

Ташкентский государственный транспортный  
университет к.ф.н., доцент

**Шолпан Курбангалиевна Кенесбаева**

студент TVL-19 группы

### АННОТАЦИЯ

Наши великие предки непосредственно участвовали в создании общечеловеческой цивилизации. Учения Бахауддина Накшбанди заложены: сочетание идеалистической метафизики (ирфан) с особой аскетической практикой; учение о постоянном приближении прозелита (шурид) через мистическую любовь к познанию бога и конечному слиянию с ним. Основой Накшбандийского тариката является познание Аллаха, стремление к Его удовлетворению и поминание Аллаха скрыто, сердцем.

**Ключевые слова:** Суфизм, мусульманская община, аскетизм, идеалистическая метафизика, прозелит, ритуалы, Кубравия, Накшбандия, Яссавия

### ANNOTATSIYA

Umumjahon sivilizatsiyasining yaratilishida buyuk ajdodlarimiz ishtiroki beqiyosdir. Bahouddin Naqshbandiy ta'limoti quyidagilarga asoslanadi: idealistik metafizika (irfon) bilan maxsus zohidlik amaliyoti uyg'unligi; prozelitning (shuridning) Xudoni bilishga mistik sevgi orqali doimiy yondashishi va u bilan yakuniy birlashishi haqidagi ta'limot. Naqshbandiya tariqatining asosi Alloh taoloni bilish, uning roziligiga intilish va qalbdagi yashiringan Allohni zikr qilishdir.

**Kalit so'zlar:** Tasavvuf, musulmon jamoasi, zohidlik, idealistik metafizika, prozelit, marosimlar, Kubraviylik, Naqshbandiya, Yassaviylik

### ABSTRACT



Our great ancestors directly participated in the creation of universal civilization. The teachings of Bahauddin Naqshbandi are based on: a combination of idealistic metaphysics (irfan) with a special ascetic practice; the doctrine of the constant approach of the proselyte (shurid) through mystical love to the knowledge of God and the final merger with him. The basis of the Naqshbandi tariqa is the knowledge of Allah, the desire for His satisfaction and the remembrance of Allah hidden, in the heart.

**Keywords:** Sufism, muslim community, asceticism, idealistic metaphysics, proselyte, rituals, Kubrawiyya, Naqshbandiya, Yassawiyya

**Введение.** Центральная Азия издревле является одним из очагов науки, культуры, духовности и просвещения, взрастившим тысячи всемирно прославленных великих деятелей. Наши предки непосредственно участвовали в создании общечеловеческой цивилизации, внесли огромный вклад в развитие духовности и просветительства региона. [1, 32-с.] Культурное наследие Центральной Азии считается неделимой частью мировой культуры и просвещения.

**Основная часть.** Суфизм – одно из сложнейших и значительнейших явлений в духовной жизни народов Востока, в том числе и Средней Азии. Возникло в мусульманских странах и широко распространилось среди народов Ближнего и Среднего Востока, от северо-запада Африки до Северного Китая и Индонезии.

Причины возникновения суфизма:

1. социально-политические неурядицы первых двух столетий существования мусульманской общины
2. общее усложнение религиозной жизни
3. влияние других религиозно-философских систем (в первую очередь христианства)

Для суфизма характерны призыв к аскетизму, проповедь отказа от мирских благ. В целом для суфизма характерны: сочетание идеалистической метафизики (ирфан) с особой аскетической практикой; учение о постоянном приближении прозелита (шурид) через мистическую любовь к познанию бога и конечному слиянию с ним. Отсюда стремление суфиев к интуитивному

познанию, “озарениям”, достигаемому путем особых ритуалов и “умерщвления плоти”.

Основы учения суфизма заложены в IX веке багдадцем Абу Абдаллахом аль-Мухассиби. В X – XI вв. суфистское учение приобретает законченную форму, но только в результате реформаторской деятельности Газали оно получает известное признание со стороны ортодоксального мусульманского духовенства. [2, 44-с.]

Суфии различают два вида разума.

Божественный (всеобщий) разум – чистая духовная сущность, соответствует платоновскому “мировому разуму”. Этот разум порожден непосредственно Аллахом, его еще называют “первоначальным разумом”. Суфии, кроме того, называли его “истиной Мухаммеда”. Из божественного разума происходит божественная душа, которая соответствует платоновской мировой душе. [3, 30-с.]

Человеческий (единичный) разум – подразделяется на два подвида:

- высший разум избранных – разум, воспитанный на вдохновении и вере; его функция напоминать и предупреждать человека о последнем дне и божьей каре;

- повседневный разум – его функция познавать бытие и понимать жизнь.

“Высший разум” присущ только искренне верующим, а повседневный – всем.

Главная и конечная цель суфиев – достичь божественного образа, соединиться с ним, достичь вечности, слиться с абсолютным. Для достижения его необходимо преодолеть ступени совершенства: закон, нравственность, знание и истину.

Шариат (закон) – значит следование установлениям сунны пророка Мухаммеда.

Тарикат (мораль) – т. е. “путь” нравственного совершенствования. В него входит изучение и усвоение мусульманских нравственных ценностей.

Маърифат (знание) – т. е. победа над плотскими желаниями и достижения божественного знания. На этой ступени человек полностью постигает сущность божества, достигает духовного и нравственного совершенства. Человек, достигший этого, называется ориф – мудрец.

Хакикат (истина) – ступень слияния с истиной, последняя ступень совершенствования. Влюбленный в божество суфий, отказавшись от самого

себя, соединяется с Господом. Истинным разумом обладают люди, отвергнувшие качества человека и принявшие качества божества.

Для них шариат – слово, трактат – путь, маърифат – любовь, хакикат – состояние.

Представители суфизма аль-Газали, Накшбанди, Хафиз, Джами, Омар Хайям, Руми, Саади, Ираки, Дехлеви, Низами, Яссави, Кубро и др.

Основные направления в суфизме: «Яссавия» путь к совершенствованию лежит через аскетизм и отречение от мира и земных наслаждений.

«Кубравия» к совершенствованию ведет неустанный труд, что не исключает пользования жизненными благами.

«Накшбандия» духовное совершенствование достигается путем труда и богослужения.

Один из представителей суфизма Бахауддин Накшбанди считается основателем самого значительного суфийского ордена Накшбандия. Он родился 14 числа месяца Мухаррам в 717 году по Хиджре в селении под названием Каср уль-Арифан недалеко от Бухары.

Его отец был ткачом и чеканщиком («накшбанд» — чеканщик). Первый его учитель был шейх Мухаммад Баба Симаси.

Согласно традиции «накшбандия», свое духовное посвящение Бахауддин получил от Гиждувани. Накшбанди увидел Гиждувани во сне, и тот велел ему стать учеником бухарского шейха Саид Кулола. Бахауддин пришел к Саид Кулолу как «увайси» — тот, кто начал свой путь самостоятельно, без руководства шейха.

После этого он воспитывался у знаменитых турецких шейхов Кусамы и Халиля Атаа. Он трижды совершал паломничество. По возвращении из Хаджа он посетил Мерв, после чего, до последних дней своих жил в Бухаре.

Основой Накшбандийского тариката является познание Аллаха, стремление к Его удовлетворению и поминание Аллаха скрыто, сердцем.

Он был сторонником простоты и непритязательности вплоть до аскетизма, и отвергал обряды и показную набожность. Он сформулировал 11 правил медитации (мушахида). [4, 45-с.] Накшбанд распространил «тихий зикр» (совместное ритуальное бдение) с определённой методикой дыхания. Он при этом отрицательно относился к показным сорокадневным постам, бродяжничеству, публичным радениям (сама) с музыкой и танцами и громкому

зикру, считал бесполезным принцип силсилат Богом, но не от шейха или патрона.

Его принципами были - духовная чистота, отказ от роскоши и стяжательства, неприязнительность, отказ от контактов с властями, затворничество в обители и узком кругу. При этом суфий должен строго следовать сунне и выполнять все предписания шариата.

Общество Накшбандийа изначально опиралось на городское население, но впоследствии распространилось и среди кочевников, деятельность общества привела к распространению ислама по всей Средней Азии. Постепенно общество распространило свою деятельность на османскую Турцию, Индию, а потом и мусульманское Поволжье.

Эмблемой общества является сердце с вписанным в него словом «Аллах».

Накшбанди принадлежат следующие слова: «Наш путь к Богу лежит не через отшельничество, отшельничество приносит славу, и за славой кроится смерть. Добрые дела обнаруживаются среди людей».

После смерти Бахауддин стал считаться покровителем Бухары. Бухарцы очень часто произносят следующее заклинание: «Бахауддин болло гордон» (отведи беду, Бахауддин). [5, 1-с.]

Начиная с XV века, накшбандия постепенно превратилась в самое распространенное духовное братство во всем мусульманском мире. Основные взгляды накшбандия оставались едиными для всех приверженцев этого учения в течение многих последующих веков. Считалось не только допустимым, но и обязательным контакт с властями, для того чтобы, “завоевать их души”, активно влиять на их политику.

## **ЗАКЛЮЧЕНИЕ**

Учения Бахауддин Накшбанди является великим наследием не только для тюркского мира, но и для мусульман всего мира. Наши ученые непосредственно участвовали в создании общечеловеческой цивилизации, внесли огромный вклад в развитие просветительства и духовности региона. Культурное наследие Центральной Азии считается неделимой частью мировой культуры и просвещения.

## **REFERENCES**

1. Matkarimova, J. (2020). Scientific approaches to the impact of civil society and democracy. *Theoretical & Applied Science*,(2), 421-425.
2. Matkarimova, J., & Yunusova, N. (2022). Non-Government Non-Profit Sector Is An Important Power For The Global Economy. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 1842-1845.
3. Matkarimova, J. (2020, August). Participation of Non Governmental Non Profit Organizations in Providing Human Rights International Experience. In *Archive of Conferences* (Vol. 5, No. 1, pp. 46-49).
4. Abdinazarovich, R. D., Saparbayevna, J. N., & Jo'rayevna, N. N. (2023). OILALARNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARINI SOTSIOLOGIK TAHLILI (HARBIY XIZMATCHILARNING OILASI MISOLIDA). *World of Science*, 6(5), 29-33.
5. Раматов, Д., Султанов, С., Назарова, Н., Эрниязов, У., Хасанов, М., & Валиев, Л. (2022). ПРАГМАТИЗМ ПРОТИВ ФИЛОСОФИИ ОБЩЕСТВА. Теория и практика современной науки, (12 (90)), 193-197.
6. Nosirov, R., Yunusova, N., Nazarova, N., & Shamsiddinova, E. (2023, June). Occupational problems in youth competitiveness. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2789, No. 1). AIP Publishing.
7. ЮНУСОВА, Н., НАЗАРОВА, Н., & ЖУМАНИЯЗОВА, Н. СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ (УЗБЕКИСТАН). СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ (УЗБЕКИСТАН) Учредители: Общество с ограниченной ответственностью "Центр инновационных технологий",(6), 9-16.
8. Saparbayevna, J. N., Jo'rayevna, N. N., & Abdinazarovich, R. D. (2023). YOSHLARDA MAS'ULIYAT HISSINI TARBIYALASHNING IJTIMOY-FALSAFIY MOHIYATI. *World of Science*, 6(5), 25-28.
9. Юнусова, Н. Ш., Алимухаммедов, Ж., & Суяров, М. (2022). Транспорт Соҳасида Мутахассисларни Тайёрлашда Дин Ва Ахлоқ Масалалари. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 1), 222-226.
10. Sharifovna, Y. N. (2022). The characteristics of cyberterrorism. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(11), 21-24.
11. Khodjaeva, N. S., & Yunusova, N. S. (2022). KONSTITUTSIY–BAXTIMIZ KAFOLATI. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 442-448.

12. Юнусова, Н., & Ходжаева, Н. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ЭТНОМАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1-2), 464-468.
13. Юнусова, Н. (2023). ҲОЗИРГИ ЗАМОН ВА ОММАВИЙ МАДАНИЯТ. *World scientific research journal*, 11(1), 14-21.
14. Sharifovna, Y. N., & Manapovna, G. Z. (2022). Milliy Ma'naviy Madaniyat Tizimida Xalq Ta'lim-Tarbiyasi Va Ma'rifiy Izlanishlar. *Pedagog*, 5(5), 64-68.
15. Khodjaeva, N. S., & Yunusova, N. S. (2021). Spiritual and moral education of youth in makhalla. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12(104), 685-688.



## YUSUF XOS HOJIBNING “QUTADG‘U BILIG” ASARINING VUJUDGA KELISHI VA UNDAGI IJTIMOIIY-FALSAFIY G‘OYALAR

**Asror Muhamedov**

Falasca fanlari bo'yicha falsafa doktori, Alfraganus universiteti

<https://orcid.org/0009-0007-9499-5828>

### ANNOTATSIYA:

O'zligimizni anglagan, o'z taraqqiyot yo'limizga ega bo'lgan bugungi kunimizda Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u Bilig” asarining ahamiyati katta. Shuningdek maqolada, Mintaqadagi XI asrning ijtimoiy-siyosiy, madaniy jarayonlari ham tahlil qilingan bo'lib, Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u Bilig” asari bu davrda zaruriy bilimlarga bag'ishlangan edi. Xususan asarda jamiyat, siyosat, axloq, falsafa, tilshunoslik, adabiyot, riyoziyotga doir bilimlarga batafsil to'xtalib, komil inson g'oyasi markaziy o'ringa qo'yilgan.

**Kalit so'zlar:** Turkiy xalqlar, Yusuf Xos Hojib, “Qutadg‘u bilig”, axloq, komil inson, jamiyat, falsafa, ma'naviy olam.

### ABSTRACT

The work of Yusuf Khos Hajib “Kutadgu Bilig” is very important in our time, when we have realized our identity and have our own path of development. The article also analyzes the socio-political and cultural processes of the 11th century in the region, and the work of Yusuf Khos Hajib “Kutadgu Bilig” was devoted to the necessary knowledge during this period. In particular, the work focuses on the knowledge of society, politics, ethics, philosophy, linguistics, literature and mathematics, and the idea of the ideal person takes center stage.

**Keywords:** Turkic peoples, Yusuf Khos Hajib, “Kutadgu Bilig”, ethics, perfect person, society, philosophy, spiritual world.

Bugungi davlatchiligimiz siyosati, komil inson tarbiyasi va buyuk kelajak qurish yo'lidagi sa'y-harakatlarimiz albatta ota-bobolarimizning yo'l-yo'riqlari, pandunasihatlari va boy madaniy merosiga asoslangan. Darhaqiqat, xalqning dahosi, kuch-qudrati, salohiyati, ma'naviy olami, birinchi navbatda, u yaratgan san'at asarlarida, ayniqsa, adabiyotida ko'proq aks etadi. Turkiy xalqlarning qadimiy madaniyati, san'at asarlari, og'zaki va yozma adbiyoti bu fazilatlarga yanada

boyroqdir. Ularni o'rganish, tadqiq etish, ularda mujassamlashgan ma'naviy imkoniyatlardan bugungi ma'naviy-ma'rifiy jarayonlarda foydalanish jamiyatimiz a'zolarini, ayniqsa, yoshlarni har tomonlama komil insonlar qilib tarbiyalashda ayricha ahamiyat kasb etadi.

“Biz haqqoniy tariximizni tiklashimiz, xalqimizni, millatimizni ana shu tarix bilan qurollantirishimiz zarur” degan gaplari bejiz emas. Yirik adib va mashhur adabiyotshunos, Maqsud Shayxzoda shunday deb yozadi: “Badiiy madaniyatning qimmatbaho qismi bo'lgan she'r va she'riyat jamiyatimizning a'zolarida olijanoblik hislatlarini tarbiyalashga qaratilgan ekan, buyuk so'z san'atkorlarining merosini tadqiq qilib, uning barcha ma'naviy va umumbashariy boyliklarini egallash va dohiy ustodlarning ijodiy mahoratidan ta'lim olish – adabiyotshunoslarning hamda barcha badiiy qalamkashlarning vazifasidir”<sup>1</sup>.

Bu vazifani amalga oshirishda qadimiy yozma manbalarimiz alohida mavqe tutadi Yusuf Xos Hojib (asl ismi Yusuf) (taxminan 1020/21, Bolosog'un —?) — turkiy shoir, mutafakkir, davlat arbobi. “Qutadg'u bilig” dostoni muallifi. Qoraxoniylar saroyida xizmat qilgan. 1069-70-yillarda yozib tugallangan “Qutadg'u bilig” (“Saodatga boshlovchi bilim”) asari qoraxoniylar davlatining mustahkam qaror topishiga xizmat qilgan nizomnomadir. Uch nusxasi (Vena, Qohira va Namangan) mavjud. Nisbatan to'lig'i Namangan nusxasi bo'lib, 1923-yili Fitrat tomonidan qo'lga kiritilgan, u O'RFASHda saqlanadi. 6520 baytdan iborat, masnaviy (ya'ni aruzning “mutaqoribi musammani mahzuf”) vaznida yozilgan<sup>2</sup>. Uning hayoti va faoliyati haqida ma'lumotlar beruvchi yagona manba ham “Qutadg'u bilig” kitobidir.

Ushbu kitobga ko'ra, u zamonasining barcha asosiy ilmlarini atroflicha o'rgangan, arab va fors tillarini mukammal bilgan. Mahmud Koshg'ariy kabi turkiy tilning mavqeini oshirish, uning madaniyadabiy hayotdan o'ziga munosib o'rin egallashi uchun kurashgan. Yusuf Xos Hojibning “Qutadg'u bilig” (“Saodatga yo'llovchi bilim”, 1069—70) asari islomiy turkiy adabiyotni boshlabgina bermay, uni yangi taraqqiyot bosqichiga ham ko'tardi. U nafaqat turkiy xalqlar adabiyoti an'analari, balki qardosh xalqlar, jumladan, forsiy adabiyot tajribalarini ham ijodiy o'zlashtirgan holda yaratilgan. “Shohnoma” kabi mutaqorib vaznida yozilgan va “Turkiy Shohnoma” nomi bilan shuhrat qozongan (73 bob, 6520 bayt va to'rtliklardan iborat).

<sup>1</sup> Мақсуд Шайхзода. Устоднинг санъатхонасида. Биринчи мақола. Мақсуд Шайхзода. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. ғазал мулкининг султони. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, -216-б.

<sup>2</sup> Fitrat. Qutadg'u bilig. «Tanlangan asarlar». (nashrga tayyorlagan. H.Boltaboev). 2-jild. - T.: Ma'naviyat, 2000.

“Qutadg‘u bilig” — XI asr so‘z san‘atining nodir namunasi bo‘lib, unda o‘z davrining ilg‘or ijtimoiy-siyosiy, ma‘naviyaxloqiy masalalari badiiy talqin qilingan, turkiy xalqlar tarixi, madaniyati, ilm-fani, urf-odat va an‘analari, turmush tarzi, qadriyatlari xususida batafsil ma‘lumot berilgan. Yusuf Xos Hojib uni Bolosog‘unda boshlab, Qashqarda yozib tugatgan va qoraxoniylar hukmdori Tavg‘och Bug‘roxonga takdim etgan. Bug‘roxon muallifni taqdirlab, unga “Xos Hojib” (“Eshik og‘asi”) unvonini bergan. Shundan keyin shoir “Yusuf Xos Hojib” nomi bilan mashhur bo‘lgan. Lekin dostonning oxiridagi shikoyat ohanglariga qaraganda, shoir umrining oxiri bu davlatning tanazzuli davriga to‘g‘ri kelgan, shunga muvofiq hayoti ham og‘ir kechgan. Shoirning Qashqardagi maqbarasi ziyoratgohga aylangan.

Davlat va jamiyat qurilishi masalalari, komil inson va ilm-ma‘rifat targ‘iboti asardagi to‘rt ramziy qahramon Kuntug‘di (adolat), Oyto‘ldi (baxt), O‘gdulmish (aql) va O‘zg‘urmish (qanoat) timsollari orqali ifoda qilingan. Jahon turkologiyasida asarga ilk turk didaktik dostoni sifatida yondashish mavjud (Iosif Fon Xammer, V. Radlov, A. Kononov, I. Stebleva). Martin Xartman, A. Vamberi, F. Ko‘prulu, Zaki V. To‘g‘on, Rashid Rahmati Arat va boshqalar tomonidan nashr va tarjima qilingan. O‘zbekistonda asarning to‘la matni izoh va hozirgi tilga tarjimasi bilan nashr etilgan. Fitrat, Q. Karimov, G. Abdurahmonov, B. To‘xliyev va boshqa olimlar tadqiq etgan<sup>3</sup>.

Bizning xalqimiz shunday axloqiy-didaktik, adabiy-qomusiy asari borligidan har ancha faxrlansa arziydi. “Qutadg‘u bilig” - baxt va saodatga eltuvchi bilim, ta‘lim degan ma‘noni bildiradi. Demak, asar nomidan ham uning pand-nasihatlarini, ta‘lim-tarbiyaga oid, har tomonlama komil insonni tarbiyalaydigan yetuk ma‘rifiy asar ekanligi yaqqol ko‘rinib turibdi. “Qutadg‘u bilig” – XI asr so‘z san‘atining nodir namunasi bo‘lib, unda o‘z davrining ilg‘or ijtimoiy-siyosiy, ma‘naviy-axloqiy masalalari badiiy talqin qilingan, turkiy xalqlar tarixi, madaniyati, ilm-fani, urf-odat va an‘analari, turmush tarzi, qadriyatlari xususida batafsil ma‘lumot berilgan.

Asarda ilgari surilgan axloqiy xislatlarni sanab o‘tish olimning ta‘lim-tarbiya, axloq masalalarini qay darajada chuqur bilganligi adolat, ishonch, sadoqat, xushmuomalalik, shirin so‘zlik, saxovat, mardlik, hurmat va ehtirom, tadbirkorlik, aql-zakovat, halollik, ezgulik kabi, xislatlar ulug‘lanadi. “Qutadg‘u bilig”da bosh masalalardan biri komil insonni tarbiyalashdir. Yusuf Xos Hojib bu asari orqali o‘z tasavvurida eng komil, jamiyatning o‘sha davrdagi talablariga javob bera oladigan insonni qanday ko‘rgan bo‘lsa, shu asosda o‘z prinsiplarini bayon etadi. Mana

<sup>3</sup> Кононов А. Слово о Юсуфе из Болосогуна и его поэмы «Кутадгу билиг». Журн. "Советская тюркология". 1970. № 4

shunday axloqiy masalalardan biri oila va farzand tarbiyasi masalasidir. Bu umuminsoniy axloqiy normaga Sharq etikasiga ahamiyat berib kelgan. Sharq xalqining ulug' an'anasini, oilaviy hayotini, turmush tarzi va tarbiya usullarini chuqur bilgan shoir mazkur muhim axloqiy muammoni o'ziga xos falsafiy talqin qiladi. Yusuf Xos Hojibning uqtirishicha, har bir kishi jamiyatga munosib bo'lib kamol topmog'i kerak.

Qutadg'u bilig'da yana jumboqlarni yechish usullaridan ham foydalanilgan. Bu uslub o'quvchini asarga qiziqtiradi, uni o'qimishli qiladi. Hozirgi davrda bu muammoli ta'lim deb yuritiladi. Ammo tarbiya va ta'lim merosimizda jumboq-muammoli ta'lim o'ziga xos xususiyatga ega. Masalan, asardagi Kuntug'mish (Elig) bilan Oyto'ldi munozarasini olaylik. Bu munozarada olim quyidagi fikrni ilgari suradi: Elig Oyto'ldiga o'rin berganda o'tirmagani, xon yonida menga o'rin yo'q, - degan edi. Yerga ko'ptok qo'ygani va unga o'tirgani bilan Oyto'ldi - davlat ko'ptok kabi barqaror emas, bir joyda turmaydi, degani. Elig boqqanda ko'zini yumib olgani-davlat ham ko'r kishi kabi bo'ladi, kinga ilashsa, unga qattiq yopishib oladi, degan edi. Yuzini yashirgani esa, barcha qilmishlarim – ya'ni davlat jafo, unga ishonma, degani, deb kishi davlat va baxtga quvonib ketmasligi, ulardan quvonib, ortiqcha g'ururlanib ketmay, aksincha, o'zini ehtiyot qilishi, yig'ilgan narsalarni me'yorida sarflashi, bexud bo'lib, ichkilikka berilmasligi, narsalarni sovurmasligi kerak deb ko'rsatadi. Demak, Yusuf Xos Hojibning mazkur asari insonni har tomonlama kamolga yetkazishda yirik ta'limiy-axloqiy asardir.

Shuning uchun ham bu asar o'zining ilmiy, ma'rifiy, tarbiyaviy ahamiyatini shu paytgacha saqlab kelmoqda Bu kitobni o'qir ekanman bir necha qahramonlar orasidan O'gdulmishning xislatlari va o'g'itlari menda katta taassurot qoldirdi. U ko'z oldimizda bilimli va aqlli inson sifatida g'aydalanadi. U boylik ramzi bo'lgan Oyto'ldining o'g'li bo'lib, otasining vafotidan so'ng vazir etib tayinlanadi. Demak, bu holni ko'rib molu dunyo o'tkinchi, aql va zakovat esa abadiy degan fikr uyg'onadi. Bilimli insonlar har qanday zamonda e'zoz va qadr egasi bo'lganlar. Shu o'rinda xalqimizning erkatoiy shoiriga aylangan Muhammad Yusufni misol qilib keltirishimiz mumkin. Muhammad Yusuf mustaqillik yillarida o'zining bir –biridan go'zal she'rlari bilan xalqimiz orasida e'zoz topdi. U o'zbek xalqi, uning o'tmish va buguni haqida o'zbekona ohangda yoza oldi. Sodda, samimiy va ma'nodor, shu bilan birga betakror go'zal she'rlari yoshu qarining qalbidan birday joy oldi.

1998-yilda Muhammad Yusuf "Xalq shoiri" unvoniga sazovor bo'ldi. Bilim-insoniy fazilatlarining asosi. Shu o'rinda ko'z o'ngimizda zamonlar osha bizgacha

sogʻ-omon yetib kelgan asar gavdalanadi. Nega u hech qachon oʻz qimmatini yoʻqotmadi? Chunki ilmu maʼrifat doimo inson hayot yoʻlini yorituvchi chiroq vazifasini oʻtaydi. Qoraxoniylar davrida yaratilgan boʻlsada bugungi kunda ham oʻz qimmatini yoʻqotmagan. Nega? Bu asarda umumbashariy mavzular qalamga olingan. Davlat, boylik, ilm, zohidlik kabi timsollar qiyofasida Yusuf Xos Hojib har bir davlat va zamon uchun dolzarb mavzularni qalamga oldi va ularni negizini ilm deb bildi. Shu oʻrinda oʻquv, idrok, bilim haqida alohida toʻxtash joiz. Oʻquv, idrok qorongʻu tundagi mashʼalga oʻxshaydi. Bilim esa mashʼaladan taralayotgan nurga oʻxshaydi. Oʻquv qut beradi, bilim- sharaf-shon, Shu ikkovi tufayli ulugʻdir inson. Bilimli kishi ikki dunyo saodatining egasi. Aqlu idrok egasi boʻlgan kishilar hayotda turli sinovlar va qiyinchiliklar oldida oʻzlarini mardona tutadilar. Bilim olish va uni insonlar orasida yoyish muqaddas dinimizda ham eʼzozlanadi. Zero paygʻambarimiz Muhammad s.a.v ham oʻz hadislarida “Ilmni Xitoyda boʻlsa ham oʻrganing”,- deganlar.

Mirzo Ulugʻbek esa oʻz madrasasining peshtoqiga “Ilm olmoq har bir muslim va muslima uchun farzdir”, degan hadisi sharifini yozdirgan edi. Demak, ilmli insonlar azaldan ardoqlangan. Zero, “Qissai Rabgʻuziy”da keltirilishicha, Alloh taolo 40 ta obiddan koʻra 1 ta olimni afzal bilgan, chunki obid kishi koʻrkoʻrona ibodat qiladi, olim esa oʻz ilmu ziyosini yon atrofdagi kishilarga ulashadi.

Yuqoridagi keltirilgan fikrlardan kelib chiqib shunday xulosaga kelish mumkin, Yusuf Xos Hojibning “Qutadgʻu bilig” asari didaktik ruhdagi badiiy asar, ushbu asarda inson hayotidagi qiyin damlarda qoʻl keluvchi asosiy kuch bilim va hunar deb koʻrsatiladi. Koʻrsatilgan masalalar orasida aynan bilim insonni baxt-saodatga eltishi taʼkidlanadi. Men oʻz fikrimni quyidagi hikmatli soʻz bilan yakunlamoqchiman. Bilimdon oʻz bilimi tufayli baloofatlardan omon qoladi. Turkiy adabiyot xazinasidagi bitmas-tuganmas javohirlardan biri Yusuf Xos Hojibning “Qutadgʻu bilig” asaridir. Bu asar bilan men dars davomida tanishgan boʻlsamda, unga mehrim tushib, toʻliq oʻqib chiqdim va baxt-saodat qasrini ochuvchi kalit bilim ekanligini yana bir bor tushunib yetdim.

Yusuf Xos Hojib jahonning ulugʻ adiblari bilan bir qatorda turadigan, jahondagi ijtimoiy-siyosiy hamda badiiy-estetik tafakkur tarixi va taraqqiyotiga munosib hissa qoʻshgan ijodkordir. Adibning nodir isteʼdodi natijasi boʻlgan “Qutadgʻu bilig” faqat XI asrning emas, balki butun turkiy adabiyot tarixining ham eng nodir va porloq badiiy durdonasidir. U yozma adabiyotimiz tarixidagi ilk yirik asar namunasidir.



Adib bu bilan turkiy o'g'itnoma - didaktik yo'nalishni nihoyatda yuqori darajaga olib chiqdi. Adib haqidagi ma'lumotlar, asosan, dostonning o'zidagina saqlangan. U o'zi tug'ilgan joyni Quz O'rdu deb ko'rsatgan. Bu manzil qadimgi Yettisuvning markazi - Bolosog'unning ko'plab nomlaridan biridir. Hozirgi Qirg'izistonning To'qmoq shahri yaqinida uning xarobalari saqlanib qolgan. Adib Bolosog'undan Qashqarga ko'chib borgan. Dostonni shu yerda tugatgan. Doston nihoyasiga yetganida adibning yoshi ellikdan yuqori ("Tegurdi manga algi ellik yashim") bo'lgan. Har holda u "(qora) quzg'un tusiteg boshim (sochlarim) qug'u (oqqush)" bo'ldi deb ta'kidlaydi. Yana bir o'rinda "O'ttiz (yosh) yiqqanlarini ellik (yosh) qaytarib oldi, agar oltmish (yosh) qo'l tegizsa, nimalar qilar ekan?" degan qayd ham borki, bular asar yozilib bo'lgan chog'larda muallifning ellikni to'ldirib, oltmishga yaqinlashib qolganini ko'rsatadi<sup>4</sup>.

"Qutadg'u bilig' Qutga, ya'ni baxt va saodatga erishtiruvchi bilim demakdir. Bu asarning maydonga kelishi nihoyatda kuchli hayotiy zarurat va ma'naviy ehtiyoj bilan bog'liq. Ijtimoiy-siyosiy maydonda arablar hukmronligining yemirilishi va mahalliy mustaqil davlatlarning qaror topishi uning ma'naviy asoslarining ham yangilanishi va mustahkamligini taqozo etar edi. U o'sha paytdagi Qoraxoniylar davlatining falsafiy-axloqiy yo'riqnomasi sifatida paydo bo'lgan. Adib asarida turkiy xalqning badiiy estetik tafakkurining kuchi va qudratini ko'rsatib bera olgan. Uni bobokalon shoirimiz Yusuf Xos Hojib bundan sal kam 1000 yil oldin 1069-yilda yozgan. Asar Tavg'achxon huzuriga keltirilgan va uni qadrlab shoirga Xos Hojib unvonini bergan. Asarning bir nusxasi 1439-yilda Hirot shahrida qayta ko'chirilgan. Bu davrda Hirot madaniyatning gullab yashnagan davri edi. Xuddi shu davrda bu yerda Atoyi, Sakkokiy, Lutfiy singari "so'z mulkining malik-ul kalomlari" ijod qilardi. Tabiiyki, badiiy asarga nisbatan nihoyatda baland talablar qo'yiladigan bu yerda "Qutadgu bilig'" ning ko'chirilishi, bir tomondan, ma'naviy ehtiyoj natijasi bo'lsa, ikkinchi tomondan asar badiiy qimmatining qonuniy e'tirofi edi<sup>5</sup>.

Rahbar - bu o'zini jamiyat xizmatiga yollagan kishi bo'lib, undan unutilmas nom, so'z hamda buzib bo'lmas amaliy ishlar, ya'ni bilim - qonunlar, urf-odatlar, an'analar, tartiblar, madaniy, ma'naviy-axloqiy yuksak ko'nikmalar, ezgulik va rivojlanishga undovchi mafkura, ruhiy jo'shqinlik qolmog'i kerak. Davlat va uning boshqaruviga daxldor masalalar ijodida ham katta o'rin tutgan. U "Qutadg'u bilig'"

<sup>4</sup> N.Rahmonov, X.Hamroqulova. 11-sinf Adabiyot 1-qism. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti. Toshkent-2018. – (71)198 b.

<sup>5</sup> Yusuf Xos Hojib (Boqijon To'xliyev tarjimasi). "Qutadg'u bilig'". Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa uyi. Toshkent-2007. – (6) 199 b



dostonida davlatni boshqarish amallari, qoidalari va siyosiy-axloqiy munosabatlarni jamiyatda qaror toptirishga qaratilgan qarashlari bilan e'tiborlidir. U davlat boshqaruvi va xizmatini tashkil etish turlarini hamda shu darajalarga muvofiq sifatlarini tasniflaydi.

Jumladan, “Shohlikka davogarlardan onadan ajib bir iste’dod bilan tug‘iladilar va ular darhol yaxshi-yomonni ajratish fitratiga ega bo‘ladilar. Bundaylarga Xudo idrok, farosat va yumshoq bir ko‘ngil ato etadi, qolaversa yaxshi ish yuritish o‘quvi bilan ham siyolaydi”, - deb ko‘rsatgan. Shuningdek, Yusuf Xos Hojib o‘z asarida ko‘rsatgan barcha ishlarda tajribali, yomonlikni darhol sezuvchi, oqillik bobida ibratli, zakovatli, maorifatga tashna, kichiklarga tayanuvchi, adolatparvar, sadoqat kabi sifatning sohibi bo‘lishi shartligini ta’kidlaydi. Buyuk alloma faqat bu bilan chegaralanib qolmaydi, balki jamiyat rivoji va taqdiri uchun mas’ul bo‘lgan shaxslarning davlat boshqaruvidagi sifatleri tasnifini rivojlantirishning adolatli tamoyillarining muhimligiga qaratgan.

Ayni paytda, u jamiyatda ilmiy va madaniy salohiyatni adolatli davlat asoslarini yaratuvchi omil deb bilgan. Masalan, u, ziyolilar to‘g‘risida shunday deydi: -“Haqiqiy ziyoli haqiqat tayanchi bo‘ladi. Agarki olamda donishlar bo‘lmaganda, yerda rizq-ro‘z unmas edi. Ularning ziyosi xalq yo‘lini yorituvchi mash’aldir. Donishlarga shirin so‘z bilan baqra ber, moddiy manfaatini qoldirishga harakat qil”. Zero, agar biz demokratiyani jamiyatning yuksak madaniy shakli deb qaraydigan bo‘lsak, unda ajdodlarimiz yaratgan meros bevosita adolatli davlatning poydevoriga asos bo‘la oladi. Yusuf Xos Hojib insonlarning ulug‘likka yetishuvida bilimdan keyingi o‘ringa til, muomala va tilga ehtiyotkorlikni qo‘yadi. Til barcha odamlarga birdek taqdir (obro‘) yoki tahqir (beobro‘lik) keltirishi mumkin. Til maqsad va g‘oyalarni ifodalovchi vosita ekan, undan oqilona foydalana bilish kerak. Muallifning fikricha, tilga erk berish va qo‘pol so‘zlik, sergaplik rahbarni tinglayotgan xalqni uning g‘oyalari, jamiyatni rivojlantirish dasturlari (garchi ular ezgulikka qaratilgan bo‘lsada) asl mohiyatidan chalkashtirib yuboradi.

Bir farmonning ma’nosi muomalaning noloyiqligi tufayli xalqqa yetib kelmasa, undan keyingi farmonni fuqaro mohiyatan qabul qila olmaydi va bu hol oxir-oqibatda davlat tuzumi, rahbar va xalq, rahbar va xizmatchi orasida kelishmovchilik, adovat va ajralishni yuzaga keltirishi mumkin. Ayni shu mavzularni o‘zida mujassam etgan bir necha bayt bilan tanishib chiqamiz. Yomonga qo‘shilma, yomon bo‘lma sen, Yomon ish qiluvchi yonin olma sen. Mudom ezgu bo‘lsin siyosat, feling, Yana isnod aro sira qolma sen. Ushbu baytga izoh beradigan bo‘lsak, har qachon va har davrda yomon

xulqli, yomon amalliy insonlar xalq orasida isnotda qolganlar. Bunday turdagi insonlar xalqdan o'z-o'zidan ajralib qoladi. Shu boisdan har qanday vaziyatdan qat'iy nazar yomon xulqli va amalli insonlar yonini olish, ular sabab yaxshilar bilan nizoga borish xato ekanligi g'oyasi ilgari surilgan. Nafaqat Yusuf Xos Hojib balki qator alloma va shoirlarimiz ham yomonlikning illat ekanligi, uning inson va jamiyat hayotiga salbiy ta'siri, millat kelajakning vayron bo'lishi haqida o'zlarining asarlarida yozib qoldirishgan.

Umuman olganda, Yusuf Xos Hojib qadimgi an'anaviy turkiy falsafa bilan islom falsafasini qorishtirish, uyg'unlashtirish yo'lidan bordi va bunga erishdi ham. Lekin u turkiy ana'anaviy falsafiy dunyoqarash qobig'idan chiqib keta olmaganligini, dostondagi qahramonlarga Oyto'ldi, Kuntug'di, O'gdulmish, O'zg'urmish deb nom qo'yganidan ham bilsa bo'ladi. Shunga qaramay, bizningcha, Yusuf Xos Hojib o'z oldiga qo'ygan maqsadiga yetishgan, qadimgi turkiy falsafa bilan islom falsafasini uyg'unlashtira olgan.

Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asarining ijtimoiy falsafiy ahamiyati haqida so'z borganda asarning ilmiy jamoatchilikka e'lon qilinishi va uning talqini bilan bog'liq qator masalalarni ham ko'rib chiqish zarur. Yuqoridagilardan ma'lum bo'ldiki, Yusuf Xos Hojibning ushbu yagona asari dunyoning turli mintaqalarida va turli tillarda ko'chirilgan nusxalari mavjud. Ushbu nusxalarning e'lon qilinishi ilmiy jamoatchilik tomonidan juda katta qiziqish bilan kutib olingan. Asarning tarixiy, tilshunoslik va adabiyotshunoslik nuqtai nazaridan juda ko'p talqin va tadqiqotlari mavjud. Lekin asardagi ijtimoiy-falsafiy g'oyalarning mazmuni yangi O'zbekistondagi ijtimoiy jarayonlar prizmasidan turib tahlil etilishiga doir tadqiqotlar mavjud emas. Bu esa kelgusida mazkur yo'nalishdagi ilmiy ishlarni yanada kuchaytirish zaruratini vujudga keltiradi.

Yusuf xos Hojib falsafiy merosining yana bir jihati – olamni anglashda inson tafakkuriga nisbatan ishonch, ilm-ma'rifatning jaholat va zalolatdan chiqishda yagona yo'l sifatida talqin qilinganligidir. Shu sababli ham alloma asarlariga bo'lgan qiziqish qariyb yuz ellik yildan buyon tinmay kelmoqda. Bu esa Uchinchi Renessans jarayonining ma'naviy asosi bo'lib xizmat qilishi mumkin bo'ladi.

## REFERENCES:

1. Каримов Қ. Илк бадий дoston. –Тошкент: Фан. -1976.
2. Каримов Қ. Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг". – Т: Фан, 1971.
3. Каримов Қ. "Юсуф Хос Ҳожиб ва "Шохнома" Ўзбекистонда ижтимоий

фанлар. 1965 йил, №8, 58-62 б.

4. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М., 1965.

5. Арат Р.Р. Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу билиг” таржимаси. II нашр, Турк тарих куруми, Турк тарих куруми нашрети. Анқара. 1959 йил. – Б. 135.

6. Muhamedov A. (2023) Қутадғу билигда билимдан тўғри фойдаланиш масалалари . Шарқ фалсафаси. Илмий-услубий журнал. 7-сон. 39-42 б.

7. Muhamedov A. Michel Montaigne is a renaissance creative. Necmettin Erbakan University Press (NEU PRESS) Yaka Mah. Yeni Meram Cad. Kasım Halife Sok. B Blok No: 11 Meram / KONYA / TÜRKİYE 0332 221 0 575 - [www.neupress.org](http://www.neupress.org)

8. Muhamedov A. (2024) Sharq Renessansining vujudga kelishidagi ijtimoiy omillar. "Экономика и социум" №2(117)

9. Muhamedov A. (2023) Маънавий тараққиётнинг ҳозирги босқичида юсуф Хос Ҳожиб маънавий меросига эҳтиёж. Тафаккур манзиллари. Илмий-услубий журнал. 7-сон. 78-82.

10. Muhamedov A. (2022) Юсуф хос Ҳожибнинг ижтимоий адолат ҳақидаги қарашлари. // International Conference on Developments in Education. – Bursa, Turkey.

11. Muhamedov A. (2022) Учинчи Реннесанс пойдеворини яратишда Юсуф Хос Ҳожиб фалсафий меросининг ўрни. “Фан, таълим ва ишлаб чиқариш муаммоларининг инновацион ечимлари” номли илмий конференция материаллари. – Тошкент.

12. Muhamedov A. (2009) “Ахлоқий тафаккур тарихида “Қутадғу билиг” асарининг тутган ўрни”. “Шарқ фалсафаси қадриятлари ва уларнинг Ўзбекистон маънавий ҳаётида тутган ўрни” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси, Тошкент

## ВЕКТОРЫ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ КАЧЕСТВА ТРАНСПОРТНОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ ПАССАЖИРСКИХ ПЕРЕВОЗОК

**Ж. М. Давлетов**

соискатель АО «Ўзтемирйўлийўловчи»

Ташкент, Узбекистан

### АННОТАЦИЯ:

The mission of the Organization of Turkic States is, unlike many blocs, primarily to ensure peace in the region, institutional development of trade and economic integration, in addition, to protect nature and the environment, to accelerate national programs of green economy and green space, to preserve cultural heritage, scientific - integration of technical, scientific and educational spheres, development of energy, transport, investment spheres, as well as ensuring food security, creating added value. Within the framework of its program, the Organization of Turkic States intends to integrate sectors, widely introduce investments and cooperation to increase the welfare of the population, simplify the customs policy for the development of entrepreneurship, continuously connect transport infrastructures to facilitate trade, and open a convenient way to international markets. It is worth noting that in recent years, the activities of the Organization of Turkic States, where more than 60 percent of the population are young people, have been revived by the initiative of high-level leaders in the fields of science and technology, education, health, culture, youth, sports and tourism, and values are being restored and popularized. Therefore, in September 2018, the President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev participated as an honored guest in the 6th summit of the member states of the Organization of Turkic States in the city of Cholponota, Kyrgyzstan, for the first time in the history of the organization. After the head of our state spoke at the summit about Uzbekistan joining the Organization of Turkic States, on September 14, 2019, Uzbekistan ratified the Nakhichevan Agreement on the establishment of the Organization of Turkic States and became a full member of the organization. President Shavkat Mirziyoyev, while participating in the regular meeting of the Council of Heads of State of the

Organization of Turkic States held in November of this year, highly appreciated the good neighborliness and economic stability brought to a new level by the member states and observer countries of the Council, and the pragmatic and open policy in diplomatic relations. It was recognized that the new Uzbekistan is carrying out enormous constructive economic reforms to further strengthen its position not only in the region, but also in the world community. It was recognized that our country has been establishing promising, realistic, large-investment-based cooperation with the UN, SCO, CIS, Organization of Turkic States and other international organizations and institutions. In the words of the world community, the head of our country Shavkat Mirziyoyev brought the spirit of rapid implementation of promising projects to the Organization of Turkic States.

An example of this is that Uzbekistan is promoting multi-vector reforms with SCO and CIS, which are regional international organizations, through its own initiative within the framework of TDT programs. The fact that this council will be called the Organization of Turkic States from 2021 has given impetus to the positive revival of the organization in the region. What do you see as the economic potential of New Uzbekistan in this process?

- The cooperation of the Organization of Turkic States creates huge numbers in the economy of Uzbekistan, if we take the year 2021 alone, this year Uzbekistan conducted trade with the TDT countries in the amount of 9.3 billion US dollars. These numbers make up about 23 percent of Uzbekistan's foreign trade, and in the past period, mutual trade operations between Uzbekistan and the CIS countries have increased almost 4 times. These indicators do not appear by themselves, effective economic achievements are the result of more than a hundred programs and measures aimed at strengthening cooperation between the Turkic countries during the period when Uzbekistan chaired the organization.

Therefore, the main macroeconomic indicators of Azerbaijan, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Turkey and Uzbekistan, which are members of the Organization of Turkic States, increased significantly in January-March 2022. For example, according to the statistical bulletin "Economic Prospects of Turkey", the total area of Turkish states is 4244000 km<sup>2</sup>, the population is 155.1 million people, the gross domestic product is 1001.4 billion dollars, and the volume of trade is 536.08 billion dollars. The member states of the Organization of Turkic States make up 0.8 percent of the world's geographical area, 2 percent of the population, 1.2 percent of the gross domestic product, and 2.5 percent of the turnover, making it a region with a huge



share. According to the data, in the first quarter of 2022, the economy of Turkey will grow by 7.3%, in Azerbaijan by 6.8%, in the economy of Uzbekistan by 5.8%, in Kyrgyzstan by 4.5%, and in the economy of Kazakhstan by 4.4%. A transparent economic environment has been created in the region and our country. In the 3rd place, he took the economic initiative. In particular, according to the results of the Organization of Turkic States for the 9th month of 2022, the foreign trade turnover of Uzbekistan with the TDT countries increased by 10.2% and amounted to 7.4 billion dollars. In particular, export - 3.2 billion dollars (10.6% increase), import - 4.2 billion dollars (9.9% increase). Last year, the foreign trade turnover of Uzbekistan and Turkey was 8.3 billion dollars, and the export volume was 3.1 billion dollars.

Another aspect. The shortest transcontinental routes between Europe and Asia pass through the territories of the Turkic states. Therefore, their unification and integration will not only increase the volume of transit cargo, but also actively contribute to the development of all countries of the Eurasian continent. What is interesting for us is that Uzbekistan is active in organizing cargo transportation from the ports of the member countries of the Organization of Turkic States. If we pay attention to statistical data, compared to the 9th month of 2021, the volume of cargo transportation with the participation of the ports of Kazakhstan and Turkmenistan has more than doubled, that is, from 337 thousand tons to 701 thousand tons. In 2022, the volume of trade between Turkic countries amounted to 33 billion dollars. Of this, 3.8 billion dollars is accounted for by agricultural products. Last year, the total export value of the member states of the Organization of Turkic States exceeded 537 billion dollars. Uzbekistan exports the main volume of finished products to the markets of the countries of the organization - textiles, electrical engineering, automotive and fruit and vegetable products, as well as non-ferrous metals. From the countries of the Organization of Turkic States, the products necessary for industrial enterprises are imported to our country: rolled metal, aluminum, as well as various mechanical tools, construction materials, oil products, the main part of grain and other food products.

**Conclusion:** Today it was proposed to develop a Turkic world charter that expresses the unity of the Turkic peoples, their great past and rich culture, ancient values. In addition, the importance of activating the establishment of the Turkish Development Bank in order to strengthen industrial cooperation and the implementation of large joint investment projects was noted, a proposal was made to locate this financial institution in Tashkent, and the issues of developing and

diversifying global logistics chains and transport corridors, forming a single transit network are urgent. put forward that.

## REFERENCES

1. Tulaboyeva G.T Mother-daughter relations in the novel "The Jou Luck club" by Amy Tan. Eurasian Journal of Humanities and Social Science. -60x84 1/8b/m12.5, 2022-yil. ISSN(E) 2795-7683. May 2022. <https://geniusjournals.org/index.php/ejhss/article/view/1496>
2. Tulaboyeva G.T Multicultural literature of the USA. Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching. -60x84 1/8b/m12.5, 2022-yil. ISSN(E) 2795-739. May 2022. <https://geniusjournals.org/index.php/ejlat/article/view/1507>
3. Tulaboyeva G.T Grammar and utility functions of pronouns. Eurasian journal of learning and academic teaching, 2022. <https://geniusjournals.org/index.php/ejlat/article/view/2153>
4. Tulaboyeva G. T. The Theme of Racial Discrimination in “The Weary Blues”Langston Hughes.
5. Tulaboyeva G.T Common mistakes in learning english. International Bulletin Of Engineering And Technology, 2(9), 51–53, 2022.
6. Tulaboyeva G.T The role of computers in education. ICPPMS-2021.
7. Tulaboyeva G.T Some interactive methods of teaching module system. ICPPMS-2021.
8. Tulaboyeva Gulorom Tulaboyevna, Saidaliyeva Dilfuza Zairzhanovna.
9. THE IMPORTANCE OF THE PROCESS OF USING LITERARY TEXTS IN LANGUAGE TEACHING  
<https://uzbekscholar.com/index.php/uzs/article/view/308>
10. Tulaboyevna, T. G., & Zairzhanovna, S. D. (2022). STUDENT INTEREST CRITERIA IN THE PROCESS OF LEARNING ENGLISH. Uzbek Scholar Journal, 9, 206-207. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/5PH4B>
11. Tulaboyeva G.T PROBLEMS OF TEACHING TECHNICAL TERMINOLOGY IN THE NON-PHYLOLOGICAL UNIVERSITIES  
<http://www.newjournal.org/index.php/new/issue/view/58>

12. Tulaboyeva, Gulorom Tulaboyevna. TA'LIM TIZIMI ORQALI YOSHLARNI ERKIN FIKRLASHGA YO'NALTIRISH. 348-353 [https://oriens.uz/media/journals/ORIENS\\_Volume\\_3\\_\\_ISSUE\\_4.2.pdf](https://oriens.uz/media/journals/ORIENS_Volume_3__ISSUE_4.2.pdf)
13. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
14. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
15. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. Digitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – T. 12. – C. 209-218.
16. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – C. 145-150.
17. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
18. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
19. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. Digitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – T. 12. – C. 209-218.
20. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – C. 145-150.
- Olimovich A. K., Butabaev M., Kh S. D. PROJECT MANAGEMENT IN THE SYSTEM OF STRATEGIC COMPANY MANAGEMENT //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – T. 11. – №. 7. – C. 40-44.

## XALQARO TRANSPORT KORIDORLARINING RIVOJLANISHIDA YEVROPA ITTIFOQI TAJRIBASI

**Nuriddinov Sardor Boboyarovich, doktorant,**  
Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Markaziy Osiyo davrlari xususan, O'zbekiston uchun ushbu Yevropa ittifoqi transport tizimini tahlil natijasida quyidagilarni ta'kidlash muhimdir. ko'plab transport koridorlari Respublikamiz hududi orqali o'tishi muhim albatta. O'zbekistonning dunyo okeanidan uzoqligi juda asosiy kamchilik emas, balki afzallik bo'lishi kerak, chunki Yevropa va Osiyoni bog'laydigan eng qisqa transport koridorlari hozirda bizning hudud orqali o'tadi. Bu haqda ko'p yozilgan, ammo konvertatsiya tezligi hali yetarli emas. Shuni tushunish kerakki, transport infratuzilmasini modernizatsiya qilish bo'yicha o'z vaqtida bajarilmagan ishlar va zamonaviy texnologiyalarning to'g'ri joriy etilmaslik mintaqani tashqi cheklovlar va sanksiyalar sharoitida yanada orqaga qaytarishi mumkin.

**Kalit so'zlar:** transport koridorlari, yuk va yo'lovchi oqimlari, transport siyosati, multimodal yo'nalish, transport, savdo yo'llari, transport integratsiyasi, transport-logistika infratuzilmasi.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье важно отметить следующее в результате анализа транспортной системы Европейского Союза для Центральной Азии, в частности, Узбекистана. Важно, что через территорию нашей Республики проходит множество транспортных коридоров. Удаленность Узбекистана от мирового океана не должна быть большим недостатком, а преимуществом, поскольку через нашу территорию сейчас проходят кратчайшие транспортные коридоры, соединяющие Европу и Азию. Об этом написано много, но коэффициент конверсии все еще недостаточно хорош. Следует понимать, что несвоевременная работа по модернизации транспортной инфраструктуры и неправильное внедрение современных технологий могут еще больше отбросить регион в условиях внешних ограничений и санкций.

**Ключевые слова:** транспортные коридоры, грузопассажирские потоки, транспортная политика, мультимодальный маршрут, транспорт, торговые пути, транспортная интеграция, транспортно-логистическая инфраструктура.

## ABSTRACT

In this article, it is important to note the following as a result of the analysis of the European Union transport system for Central Asia, in particular Uzbekistan. It is important that many transport corridors pass through the territory of our Republic. The distance of Uzbekistan from the world ocean should not be a big disadvantage, but an advantage, since the shortest transport corridors connecting Europe and Asia now pass through our territory. A lot has been written about this, but the conversion rate is still not good enough. It should be understood that untimely work to modernize transport infrastructure and improper implementation of modern technologies can set the region back even further in the face of external restrictions and sanctions.

**Keywords:** transport corridors, cargo and passenger flows, transport policy, multimodal route, transport, trade routes, transport integration, transport and logistics infrastructure.

## KIRISH

Tarixiy rivojlanish bosqichidan qat'i nazar, transport tizimining rolini baholash murakkab hisoblanadi, chunki u uzluksiz tovarlar oqimini va aholi uchun harakatlanish imkoniyatlarini ta'minlaydi.

Qoida tariqasida, bu ko'p qirrali va ko'p darajali tizimdir. Mamlakatning boshqaruv tizimida transport tizimi odatda har qanday davlat siyosatining asosiy yo'nalishi sifatida eng muhim o'rinni egallaydi, chunki bunday tizimning sifati va samaradorligi iqtisodiy o'sish va fuqarolar farovonligi uchun hal qiluvchi ahamiyatga ega.

Hozirgi kunda dunyoda ko'p sonli xalqaro iqtisodiy, mintaqaviy va hamkorlik tashkilotlari tashkil etilgan bo'lib, ularning asosiy vazifasi sifatida o'zaro savdo aloqalarini yaxshilash, ikki tomonlama soliqdan ozod etish, xorijiy investitsiyalarni himoyalash, bojxona ittifoqlarini tuzish kabi maqsadlar belgilangan bo'lsada, savdo ittifoqlarining faoliyati har doim ham samarali bo'lavermaydi. Shu sababli xalqaro tashkilotlarning transport integratsiyasi bo'yicha olib borilayotgan islohotlar a'zo mamlakatlarga qay darajada ta'sir ko'rsatayotganini aniqlash uchun ma'lum tahliliy tadqiqotlar o'tkazish taqozo qilinadi. Shuning uchun, quyidagi bir nechta xalqaro

tashkilotlarning transport integratsiyasini rivojlantirishi yuzasidan ba'zi tahlillarni keltirib o'tamiz:

Umumyevropa koridori kontsepsiyasi Yevropa Ittifoqi mamlakatlari va ushbu ittifoqning potentsial ishtirokchilari hududlari o'rtasidagi bog'liqlikni oshirish zarurligiga javoban paydo bo'ldi.

“Umumyevropa transport integratsiyalari rivojlanish tarixi bir necha bosqichlarni ajratish mumkin”[1,2,4]:

Birinchi bosqich - 1991 - 2010 yillar, Praga (1991), Krit (1994), Xelsinki (1997) konferentsiyalari doirasida umumyevropa transport tarmog'i kontsepsiyasining imzolandi va xalqaro transport koridorlari belgilandi. Markaziy va Sharqiy Yevropadagi transport koridorlar sifatida, keyingi o'n-o'n besh yil ichida katta sarmoyalar ajratildi.

2-bosqich – 2011-2013 yillar, Yevropa Ittifoqi tomonidan Yevropani bog'lovchi transport koridorlar mexanizmni yaratildi.

3-bosqich - 2014 yildan hozirgi kungacha. Yangi transport siyosatini amalga oshirish boshlandi. Uning asosini G'arbdan Sharqqa Trans-Yevropa transport tarmog'i (TEN-T) tashkil etadi, Ushbu siyosatning bir qismi sifatida umumyevropa transport koridorlarini ishtirokchi davlatlarning transport yo'nalishlari bilan integratsiyalashuvi amalga oshirilmoqda.

Yevropa Ittifoqining transport tizimi, bu bizga mozaik formatdan odamlar va tovarlarni yetkazib berish vaqtini minimallashtiradigan yagona va izchil tizimga o'tishga imkon beradi.

Yevropa ittifoqi davlatlari transport koridorlari avtomobil, temir yo'l va suv yo'llarini qamrab olgan bo'lib, turli mamlakatlar chegaralarini kesib o'tuvchi yirik (tuzilma) va kichikroq nuqtalarni qamrab oladi.

Zamonaviy transport koridorlari ko'plab fazoviy masshtablarni o'z ichiga oladi: shaharlardan tortib yuqori tezlikdagi shaharlararo temir yo'l yo'laklari va global darajadagi yuk koridorlari. Ba'zi mualliflar transport koridorlarini ““marvarid marjon” bilan taqqoslab, ularning dengiz portlariga kirishni ta'minlashdagi rolini ta'kidlaydilar. Transport koridorlari infratuzilmani rivojlantirishning tarkibiy modeli, shaharni rivojlantirish rejalari, yuk va yo'lovchi tashishni ta'minlash tarmog'i tuzilmasi, Yevropa birlashuv siyosatini siyosiy konsepsiya va iqtisodiy rivojlanishni tetiklash vositasi”[2,3] sifatida ko'rib chiqiladi.



Shunday qilib, transport koridor kontsepsiyasi o'zining tarixiy rivojlanishi davomida infratuzilma, urbanizatsiya va iqtisodiy rivojlanish sohasidagi siyosiy-iqtisodiy integratsiyasining asosiy modeli shaklini oldi.

**Tahlillar va natijalar.** Hozirgi vaqtda Yevropa Ittifoqi mamlakatlari 2018 yilda transport-logistika infratuzilmasi bo'yicha global reytingda yetakchi o'rinlarni egallab turibdi (1.1-jadval).

Transport-logistika infratuzilmasi bo'yicha global reyting, 2018yil[3,5,].

Davlatlar	Bojxona	Infrastruktura	Xalqaro tashish	Logistika malakasi	O'z vaqtidalik	LPI bo'yicha reytingi
Germaniya	4,09	4,37	3,86	4,31	4,39	1
Shvetsiya	4,05	4,24	3,92	3,98	4,28	2
Belgiya	3,66	3,98	3,99	4,13	4,41	3
Avstriya	3,71	4,18	3,88	4,08	4,25	4

Ko'rinib turibdiki, Yevropa davlatlari transport-logistika infratuzilmasi bo'yicha jahon reytingida birinchi to'rtta o'rinni egallab turibdi. Ushbu reytingda ham yetakchi o'rinlarni Niderlandiya, Daniya, Finlyandiya, Shveytsariya, Fransiya va boshqa davlatlar egallagan.

Yevrokommesiya ekspertlarning 2013 yilda bergan hisobotida “Yevropa Ittifoqi hududidan o'tuvchi transport koridorlari orqali eksport va import savdo oqimlarini jalb qilish muvaffaqiyatining asosiy omillari orasida quyidagilarni ajratib ko'rsatish mumkin”[6,7]:

- bog'langan va ko'p bosqichli transport-logistika tizimi orqali odamlar va yuklarning harakatchanligi va harakat tezligini ta'minlay olishi;
- davlatlarning barcha jabhalarida: hukumat, mintaqalar, mahalliy boshqaruv organlarida samarali hamkorlikni jalb qilinganligi;
- Yevropa davlatlarining jahon iqtisodiyotiga integratsiyalashuvining ochiqligi va raqobatbardosh darajasini saqlab qolinishi;
- barcha ishtirokchi davlatlar uchun tushunarli bo'lgan transport koridorlarini kelgusida rivojlantirish modeli;
- foydalanuvchilarning ehtiyojlari va transport xizmatlari sifatini tushunish;

•investitsiyalar va ilmiy-texnikaviy taraqqiyotdan to'liq foydalanish, xarajatlarni kamaytirish uchun raqamli va intellektual texnologiyalardan foydalanishga o'tish, odamlar va tovarlarni belgilangan manzilga yetkazish tezligi va sifatini oshirilganligi.

Deyarli butun Yevropa qit'asi va 500 milliondan ortiq fuqarolarning ehtiyojlarini qondirish uchun Yevropaning sharqiy va g'arbiy qismlarida transport tizimlarining integratsiyasi davom etmoqda. Albatta, buning natijasida birgina YeI va O'zbekistonning 2016-2021 yillar oralig'ida savdo-iqtisodiy aloqalarini ko'rishimiz mumkin[7,8].

## **XULOSA.**

Yuqoridagilarni tahlil qilish natijasida quyidagicha xulosa qilib, transport koridorlari tizimini rivojlantirish transportni boshqarishda yangi texnologiyalardan foydalanishni kengaytirishda davom etmoqda, Yevropa Ittifoqida transport chiqindilarini kamaytirish eng muhim ahamiyatga ega. Yevropa transport tizimi modeli: “xavfsiz, barqaror va uzviy bog'langan transport tizimini o'z ichiga oladi”[6,10].

Markaziy Osiyo davrlari xususan, O'zbekiston uchun ushbu Yevropa ittifoqi transport tizimini tahlil natijasida quyidagilarni ta'kidlash muhimdir:

Birinchidan, barqaror harakatlanish uchun poyga global miqyosga aylandi. Rivojlangan transport tizimi va samarali logistika mamlakat raqobatbardoshligining asosiy omillaridandir;

Ikkinchidan, ko'plab transport koridorlari Respublikamiz hududi orqali o'tishi muhim albatta. O'zbekistonning dunyo okeanidan uzoqligi juda asosiy kamchilik emas, balki afzallik bo'lishi kerak, chunki Yevropa va Osiyoni bog'laydigan eng qisqa transport koridorlari hozirda bizning hudud orqali o'tadi. Bu haqda ko'p yozilgan, ammo konvertatsiya tezligi hali yetarli emas.

Uchinchidan, shuni tushunish kerakki, transport infratuzilmasini modernizatsiya qilish bo'yicha o'z vaqtida bajarilmagan ishlar va zamonaviy texnologiyalarning to'g'ri joriy etilmaslik mintaqani tashqi cheklovlar va sanksiyalar sharoitida yanada orqaga qaytarishi mumkin.

## **REFERENCES**

1. European Commission (2011), Connecting Europe: The new EU core transport network. MEMO/11/706, Brussels, 19 October 2011.

2. Banister D., Capello R., Nijkamp P. European Transport and Communications Networks: Policy Evolution and Change //Transportation Research Part A. – 1996. – Т. 6. – №. 30. – С. 476.

3. The World Bank. International LPI. Индекс эффективности логистики 2018. URL: <https://lpi.worldbank.org/international/global?sort=asc&order=LPI%20Rank#datatable>

4. Nuriddinov S.B. Motivation for china's “One belt - one way” initiative // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD),05 (03): Tamil Nadu. – INDIA, 2020. – P. 315-318. (№23; SJIF – 6.2).

5. Nuriddinov S.B. Priorities of uzbek-chinese cooperation in “The one belt – one way” initiative // International journal of consensus. – Tashkent, 2020. -№2. – P. 142-146. (№23; SJIF – 4.9).

6. Nuriddinov, Sardor Boboyarovich Theoretical and methodological approaches of international strategic cooperation in world politics // Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – Тошкент, 2023. - №.3. – P. 657-660. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/theoretical-and-methodological-approaches-of-international-strategic-cooperation-in-world-politics>. (№23; SJIF – 6.1).

7. Sardor Nuriddinov, Rashid Baratov Usarovich, Eldor Tokhtaboev, Gulhayo Achilova, “One belt - one road” initiative - as a modern transport logistics” // The 1st international conference on problems and perspectives of modern science: ICPPMS-2021, AIP Conference Proceedings 2432, 030058 (2022); <https://doi.org/10.1063/5.0089703>.

8. Раматов Ж., Нуриддинов С. Ўзбекистон Республикаси транспорт коридорларининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни // Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2023. – Тошкент, – №.6. – Б. 986-993.

9. Nuriddinov S., Avazov B., Hasanov F., Qarshiyev K. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш асослари // Academic research in educational sciences. – Тошкент. – №.10. 2022, – Б. 506-510.

10. С.Б. Нуриддинов, Б.К. Авазов, К.Т. Каршиев, И.Б. Курбонов, Ф.Ф. Хасанов, Политико-экономическая сущность транспортных коридоров // Теория и практика современной науки, международный научно-практический журнал, 2023, – Саратов. – №.1(91). – С. 124-128.

## **TURKIY DAVLATLAR MADANIY MUSHTARAKLIGINING O'ZIGA XOS JIHATLARI**

**Islomjon Isroiljon o'g'li Karimov**

Namangan davlat pedagogika instituti magistranti  
Namangan, O'zbekiston

**Ibrohimjon Xolmuhammad o'g'li Ja'farov**

Namangan davlat pedagogika instituti o'qituvchisi  
Namangan davlat pedagogika instituti, Namangan, O'zbekiston

### **ANNOTATSIYA:**

Maqolada turkiy davlatlar madaniyatining o'xshash xususiyatlari, ular o'rtasidagi munosabatlarning hozirgi kundagi holati, madaniy soha bo'yicha turkiy davlatlar o'rtasida hamkorlik doirasida amalga oshirilayotgan ishlar, turkiy mamlakatlardagi madaniy me'rosning ushbu davlatlar taraqqiyotidagi o'rni to'g'risida batafsil mulohaza yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** turkiy madaniyat, folklor, modernizatsiyalash, globallashuv, islom ma'rifatparvarligi, qadriyatshunoslik.

### **АННОТАЦИЯ:**

В статье подробно рассматриваются сходные особенности культуры тюркских государств, современное состояние взаимоотношений между ними, работа, проводимая в рамках сотрудничества тюркских государств в культурной сфере, роль культурного наследия тюркских стран в развитии этих государств.

**Ключевые слова:** тюркская культура, фольклор, модернизация, глобализация, Исламское просвещение, ценностные исследования.

### **ABSTRACT:**

The article discusses in detail the similar features of the culture of Turkic states, the current state of relations between them, the work carried out within the framework of cooperation between Turkic states in the cultural sphere, the role of cultural me'ros in Turkic countries in the development of these states.

**Keywords:** turkic culture, folklore, modernization, globalization, Islamic Enlightenment, value studies.

## KIRISH

Hozirgi kunda turkiy kelib chiqishga ega millatlar aholisi til, madaniyat, qadriyatlar o'xshashligi bilan borgan sari bir-biri bilan manfaatli do'stona munosabatlarni rivojlantirish yo'lida dadil qadamlar tashlamoqdalar. Aynan madaniy mushtaraklik ularning taraqqiyotiga o'ziga xos hissa qo'shib, ushbu mamlakatlarning o'zligini saqlab qolishi, global hayot sur'atlari jadal kechayotgan davrda ko'plab masalarda hamkorlikka yo'l beradi. Jahon bo'ylab 200 milliondan ortiq turklar yashashab kelmoqda va ularning aksariyat qisimi O'zbekiston, Qirg'iziston, Turkmaniston, Qozog'iston, Ozarbayjon, Turkiya davlatlarida istiqomat qiladi.

## Tahlillar va natijalar

XXI asrda Turkiy davlatlar madaniy munosabatlari kuchayishida integratsiyalashuvga xizmat qiluvchi ko'plab harakatlar amalga oshirilib kelmoqda. 200 milliondan ortiq turkiy xalqlar yashab kelayotgan hozirgi davrda ularning madaniy hamkorligi yo'lida tashkil etilgan TURKSOY tashkiloti muhim tadbirlar amalga oshirib kelmoqda.

TURKSOY dastlab Turk xalqlari madaniyati va san'ati umumiy boshqarmasi (turk. *Turk Kültür ve Sanatları Ortak Yönetimi*) sifatida tashkil etilgan va keyinchalik Xalqaro Turkiy madaniyat tashkiloti deb o'zgartirilgan. Shunga qaramay, uning qisqartmasi o'zgarishsiz qoldi.[1] Tashkilot har yili turkiy davlatlar tarixi va madaniyati bilan mashhur bo'lgan shaharlardan birini tanlagan holda turkiy madaniyat poytaxti deb e'lon qiladi. Turli yillarda Qozon, Xiva, Turkiston, O'sh, Annau shaharlari turkiy davlatlar madaniyatining markazlari sifatida e'lon qilinib kelmoqda. Turizm osori atiqalarini namoyish etish va ularni asrash borasida salmoqli ishlar qilish yo'lida turkiy davlatlarni bir maqsad yo'lida birlashtiradi. TURKSOY tashkiloti bilan turkiy davlatlardan biri hisoblanuvchi O'zbekiston Respublikasi ham hamkorlik qiladi. TURKSOY tuzilmasi va faoliyat ko'rsatish prinsiplari to'g'risidagi shartnomani (Almati, 1993-yil 12-iyul) ratifikatsiya qilish haqida O'zbekiston Respublikasi Qonuni 2022-yilda qabul qilingan. Hozirgi kunda turkiy xalqlarga mansub bo'lgan turli millatlar o'z mamlakatlariga asos solgan holda boshqa xalqlardan madaniy jihatdan ajralib turadilar.

Globalashuv natijasida dunyoda "Milliylik chegaralarining yuvilib ketish" xavfi ko'plab xalqlarda o'z tasdig'ini topgani holda qadriyatlar muqaddas

hisoblanadigan turkiy xalqlarda bu jarayonlar sekinlik bilan ta'sir qilmoqda. Ayni paytda turkiy xalqlar o'z madaniyatlari negizida mustahkam do'stlik va ijtimoiy-iqtisodiy hamkorlikni yo'lga qo'yganlar. Turkiy xalqlar madaniy o'xshashligining bir qator muhim omillari mavjud.

Avvalambor, turkiy xalqlarning aksariyat qismi uzoq davrlardan beri islom diniga e'tiqod qilib keladi, jahon dinlaridan biri sanaluvchi bu din ularning hayot tarzi, mafkurasi va dunyoqarashiga katta ta'sir ko'rsatgani uchun ham madaniyat jihatidan o'xshashliklarni kuzatamiz.. Turkiylar sharq va g'arbgga mashhur bo'lgan ulkan madaniyat tarqatuvchilari bo'lganlarini va islom dini dastlab arablarda tarqalgan bo'lsada, uning dunyo miqyosida shuhrat topishida turkiy xalqlarning beqiyos hissasi bor. Ikkinchidan, til va qiyofalar o'xshashligi asosida turkiylar bir-birlariga madaniy jihatdan ta'sir o'tkazib bir-biri bilan chambarchas bog'liq holda yashab kelganlar. Folklor namunalarda ham bu o'xshashlik o'z ifodasini topadi. Birgina Xo'ja Nasriddin Afandi obrazida bu ayniqsa seziladi. Ushbu qahramon kelib chiqishi va qaysi millatga mansubligi to'g'risida bir qator mulohazalar ilgari suriladi va deyarli barcha turkiy xalqlarda ham u turli nom va qiyofalarda ko'rinsada, uning xarakteri insofsiz boylar va zolimlar ustidan kuluvchi hamda xalqning dardiga malham bo'lishni o'z hayotiy maqsadiga aylantirgan inson qiyofasida gavdalanadi.

Qadimdan bir madaniy makon shakllanishi yo'lida urinishlar temuriylar, somoniylar, usmonlilar davlatlarida ko'ringan madaniy islohotlar davrida ham seziladi. Turkiy davlatlar o'rtasida manfaatli hamkorlik aloqalari turizm sohasi misolida ko'rsak, sharq madaniyatiga mansub bo'lgan turkiylar tomonidan bunyod etilgan tarixiy shaharlar va me'morchilik obidalarining qurilish uslublari hamohangliga guvoh bo'lamiz. Ma'lim bir hududda bunyod etilgan tarixiy obida faqatgina o'sha hududda yashovchi xalqning emas, balki butun turkiy elatlarning tarixi, madaniyatiga aloqador bo'ladi desak yangilishmagan bo'lamiz. Ularning me'morchilik ana'alariga Islom madaniyati natijasida kirib kelgan o'ziga xos qurilish va bunyodkorlik ana'analari kuchli ta'sir ko'rsatgan va turli masjid, madrasa, maqbaralar to'liq yoki qisman hozirgi davrgacha yetib kelgan. Tarixiy shaharlarning dunyoga tarannum etilishi va sayyohlar va turizm ixlosmandlarini o'ziga jalb qilishi turkiy madaniyatga jahon e'tibori qaratilishining muhim xususiyatlaridan biri hisoblanadi. Turkiyada "Ayya Sofiya" masjidi, O'zbekistonda "Ichan qal'a" Qozog'istonda "Ahmad Yassaviy" maqbarasi kabi qadimiy obidalar nafaqat o'z yurtida balki jahon me'rosi sifatida qadrlanadi va ularning ayrimlari hattoki YUNESKO ro'yhatiga kiritilgan.



Har bir millat milliy oshxonasi bilan ham turistlarni jalb qilishi hisobga olinsa, bu milliy an'analarni jahonga yoyishning o'ziga xos namunasidir. Pazandachilik an'analari bo'yicha uyg'ur turklari go'shtli va hamirli taomlar tayyorlashda yuksak mahoratga ega bo'lib, ularning mahorati ko'plab turkiy davlatlarida yuqori baholanadi. Nafaqat uyg'ur, balki o'zbek, turk va boshqa xalqlar milliy oshxonalari o'z an'analari amal qiladilar. Hattoki bir mamlakatdagi turli hududlarga qarab ham ushbu madaniyatlar farqlanadi. Masalan, palov taomi o'zbek milliy taomi hosoblanadi va turli viloyatlarda turli tayyorlash uslublariga ega.

Musiqiy me'ros namunalari ham til xususiyatlari, tarixi va boshqa jihatlari o'xshash bo'lgan turkiy davlatlarini madaniy umumlashtiruvchi muhim omildir. Folklor namunalari va madaniy uchrashuvlar esa, san'atning va ma'rifatni rivojlantirishning muhim omili bo'la olishi tabiiy. Sobiq Sovet Ittifoqi davrida bir qator turkiy o'lkalarda ozodlik va taraqqiyotni o'ziga shior qilgan jadidchilik davrida san'at va madaniyatning taraqqiyoti natijasida muhim ahamiyatga molik hodisalarga zamin yaratildi. Ozarbayjon turklarida teatr va opera san'ati sahna tomoshasi sifatida yuksak dramatik asarlari bilan mashhur bo'lgan holda qo'shni turkiy xalqlarda ham bunday o'garishlarga asos bo'ldi. O'zbek jadidlaridan Behbudiy, Avloniy, G'ulom Zafariylar kabilar turkiy madaniy me'rosni qayta "jonlantirdi" va natijada millat ilm olish, vatanparvarlik yo'lida sidqidildan jon kuydiruvchi sifatida mafkuraviy immunitet hosil qila boshladi. Garchi jadidchilik faoliyati tugatilib, kommunistik mafkura hukmronligi ma'lum vaqt hukmron bo'lsada, jadidlarning turkiy boy madaniy me'rosdan foydalangan holda erishgan natijasida o'z sohasida yetuk kadr bo'lgan vatanparvar insonlar yetishib chiqdi. Jumladan, jadidlarning ko'pchiligi musiqaga ixlosli va san'atning folklor namunalari to'plash bo'yicha muhim ishlarni amalga oshirga edilar. So'nggi yillarda musiqiy me'rosi durdonalarining namoyish etilishida Samarqand shahrida o'tkazilib keluvchi "Sharq taronalari" musiqiy festivali muhim amaliy qadam bo'ldi. Tarixiy Samarqand shahrining Registon ansamblida o'tkazilishi an'anaga aylanib ulgurgan bu festival doirasida turli Sharq xalqlari madaniy yaqinlashib bormoqdalar.

Turkiy davlatlar faqatgina o'z madaniyatlari bilangina cheklanib qolmasdan xalqaro madaniy munosabatlarda ham faol bo'lishga intilib kelmoqdalar. [1996-yilda Turksoy va YUNESKO](#) o'rtasida o'zaro maslahatlashuvlar va o'zaro vakilliklarni o'z ichiga olgan rasmiy hamkorlik o'rnatildi.[2] Bugungi kunda boy madaniy me'rosni o'rganishda turkiy xalqlarning til xususiyatlari yaqinligi muhim omil bo'la oladi.

## XULOSA

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki turkiy davlatlar o'zaro manfaatli hamkorlikni kengaytirishda madaniyat umumiylik fenomeni muhim ahamiyat kasb etadi, millatlarni yaqinlashtirib, boshqa jabhalarda ham rivojlanishga xizmat qiladi. Madaniy munosabatlarda turli festivallar tashkil etilishi, turizm obyektlarini barpo etish hamda ularni ta'mirlashda hamkorlik qilinishi jadal do'stlik munosabatlarini mustahkamlab, turkiy davlatlarni yaqinlashtirishga xizmat qiladi. Bunday hamkorlik aloqalari iqtisodiy jonlanishga, modernizatsiyalashish jarayonlarini jadallashtirishga xizmat qilib turkiy xalqlarni o'zaro yaqinlashishga olib keladi.

## REFERENCES

1. [https://en.wikipedia.org/wiki/International\\_Organization\\_of\\_Turkic\\_Culture](https://en.wikipedia.org/wiki/International_Organization_of_Turkic_Culture)
2. UNESCO Web Site (1996). "Relations with the Joint Administration of the Turkic Culture and Arts (TÜRKSÖY), and Draft Agreement between that Organization and UNESCO" (PDF). Archived (PDF) *from the original on 2016-03-03*. Retrieved 2009-12-04.
3. Dybo A.V. (2007). "ХРОНОЛОГИЯ ТЮРКСКИХ ЯЗЫКОВ И ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ КОНТАКТЫ РАННИХ ТЮРКОВ" [Chronology of Turkish Languages and Linguistic Contacts of Early Turks] (PDF) (in Russian). p. 766. Archived from [the original](#) (PDF) on 11 March 2005. Retrieved 1 April 2020.
4. Abdurahmonov. Turkiy xalqlar og'zaki ijodi. Smarqand. – 2006. 346 b.
5. Salimov, B., Madalimov, T. (2023). Transport falsafasi. Globe Edit.
6. Salimov Bakhridin Lutfullaevich. The Importance of Sea Transport in the Communication System. WEB OF SYNERGY: International Interdisciplinary Research Journal. Volume 2 Issue 1, Year 2023 ISSN: 2835-3013.
7. Salimov Bakhridin Lutfullaevich. The Influence of the Transport and Communication System on Social Relations. Web of Semantic: Universal Journal on Ie Education. Volume 2 Issue 2, Year 2023. ISSN: 2835-3048.

## XXI ASRDA TURKIY DAVLATLARNING MADANYATLARARO MUNOSABATLARI

**Nilufar Mamarajabova**

Qarshi davlat universiteti talabasi

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье рассматривается значений формирования межкультурного общения нашей молодежи, одновременно история языковых и литературный связей, туркских народов Центральной Азии в рамках общественных связей, а также результаты проведенных работа и культурной сфере предусмотрены.

**Ключевые слова:** философия культуры, языкознание, литературоведение, многообразии, общественные отношения

### ABSTRACT

In this article, the importance of forming the intercultural communication of our youth, at the same time, the history of the linguistic and literary relations of the Turkic peoples of Central Asia within the framework of social relations, and the results of the works carried out in the intimate and cultural spheres are provided.

**Keywords:** philosophy of culture, linguistics, literary studies, diversity, social relations

Turkiy xalqlarning ijtimoiy-madaniy aloqalari tarixi, Turk dunyosi tadqiqotlari, turkiy tillar dialektologiyasi, folklorshunoslik, qiyosiy tilshunoslik va adabiyotshunoslik, adabiy aloqalar va tarjimashunoslik, turk dunyosi geopolitikasi sohasida olib borilayotgan ishlar XXI asrdagi turkiy xalqlarning madaniyatlararo munosabatlariga yaqqol misol bo'la oladi. Madaniyatlararo muloqot – madaniyatlararo o'zaro ta'sirga asoslangan subektlar (shaxslar, ijtimoiy guruhlar, jamoalar, madaniyatlar, sivilizatsiyalar) o'rtasidagi munosabatlarga asoslangan qadriyatlar va ularning o'zaro almashinuvi jarayoni. Ba'zan madaniyatlararo muloqot haqida gap ketganda, "madaniyatlar muloqoti" va "sivilizatsiyalar muloqoti" atamaları qo'llaniladi. 1990 yilda madaniyatlararo muloqot muammolari individual va jamoaviy madaniy yo'nalishlar doirasida ko'rib chiqila boshlandi<sup>1</sup>.

Madaniyatlararo muloqot jarayonida turli madaniyat vakillari ushbu madaniyatning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda, ijtimoiy munosabatlardagi tushunmovchilik holatlarini kamaytirishga hissa qo'shadilar. Ba'zi sotsiologlar eng yaxshi jamoaviy va individual qadriyatlarni birlashtirishga umid qilib, kommunitarizm konsepsiyasini yaratishga harakat qilmoqdalar, bu shaxsning huquqi va jamiyat farovonligiga bo'lgan jamoaviy huquqni muvozanatlashi kerak.

Zero, madaniyatlararo muloqot madaniyatlar o'rtasidagi o'zaro ta'sir va muloqot g'oyalaridan tug'iladi. Vaqt o'tishi bilan muammo shaxslararo madaniy muloqot darajasiga o'tadi. Madaniyatlararo muloqot muammosiga bugungi kunda globallashuvning o'zaro hamkorlik va tushunish nuqtai nazaridan qarash juda dolzarb. Interfaol jarayonlar dunyoni o'zaro bog'laydi va birlashtiradi. Madaniyatlararo muloqot xalqaro menejment va marketing, media xizmatlari, transmilliy korporatsiyalar va transmilliy siyosat sohalarida, shuningdek, madaniyatlararo aloqalarni o'rganishga sabab bo'lgan madaniyat sohasida qo'llanilishi mumkin.

Turkiy dunyoda o'zaro aloqalarni jadallashtirish bo'yicha ishlab chiqilgan "Turkiy dunyo nigohi – 2040" konsepsiyasi, "Turkiy davlatlar tashkilotining besh yillik strategiyasi"ni amalga oshirish, eng asosiysi – tarixi, tili va madaniyati mushtarak bo'lgan qardosh xalqlar va davlatlar o'rtasidagi ilmiy hamkorlikni yuksak pog'onaga olib chiqishga, 170 millionga yaqin aholi yashaydigan ulkan mintaqani o'z ichiga olgan Turkiy Davlatlar Tashkiloti nufuzini yanada mustahkamlashga hamda mamlakatimizning xalqaro miqyosdagi imidjini yuksaltirishga munosib hissa qo'shishayotganligini ko'zdan qochirmasligimiz kerak. Prezident Shavkat Mirziyoyev 2022-yil 11-sentabrda Samarqandda bo'lib o'tgan Turkiy Davlatlar Tashkilotining Birinchi Sammitida ta'kidlaganidek, "Bebaho ma'naviy xazinani barcha a'zo va kuzatuvchi davlatlar tillarida ham chop etsak, qardosh ellarimizni, avvalambor, yosh avlodlarimizni o'zaro yaqinlashtirish uchun mustahkam zamin yaratgan bo'lar edik"<sup>2</sup>.

Dunyo tarixida, insoniyat taraqqiyotida turli davrlarda yuzaga kelgan sivilizatsiyalar, saltanatlarining o'rni va ahamiyati katta bo'lgan. Ular orasida turkiy xalqlar tomonidan asos solingan qadimiy davlatlar, ularning madaniyat va tamaddunlari alohida o'rin tutadi. Tarixga nazar tashlasak, buyuk sulolalar o'z hukmronligi davrida davlatni haq va adolat bilan boshqarishga, ilm-fan, me'morchilik, madaniyat va san'atni rivojlantirishga harakat qilgan.

Bugun sayyoramizda yashayotgan turkiy tilli xalqlarning umumiy soni 250 milliondan oshadi. E'tirof etish joizki, hozirgi kunda ham turkiy tilli davlatlar o'rtasida har tomonlama hamkorlik aloqalari tobora rivojlanmoqda. Muhtaram Prezidentimizning tashqi siyosatdagi ochiqlik, amaliy va konstruktiv sheriklikka qaratilgan siyosati natijasida yangi O'zbekiston dunyoga tobora keng ochilyapti. Shu ma'noda O'zbekiston Turkiy tilli davlatlar hamkorlik kengashining 2019-yil 15-oktabrda Boku shahrida bo'lib o'tgan sammitida ilk bor to'la huquqli a'zo sifatida ishtirok etdi. Kengashning asosiy maqsadi qardosh mamlakatlar o'rtasidagi aloqalarni mustahkamlash, savdo-iqtisodiyot, transport, energetika, turizm va madaniy-gumanitar sohalardagi hamkorlikni rivojlantirish, tinchlik va xavfsizlikni mustahkamlash bo'yicha sa'y-harakatlarni muvofiqlashtirishdan iborat. Davlatimiz rahbari o'tgan yili Istanbul shahrida bo'lib o'tgan sammit davomida turkiy tilli xalqlarning dunyo sivilizatsiyasi rivojiga qo'shgan beqiyos hissasi va nihoyatda boy yozma merosini birgalikda chuqur o'rganish kerakligini alohida ta'kidlagan edi.

Shu bilan birga, Prezidentimizning Yangi O'zbekiston strategiyasida kitobida belgilangan "O'zbekiston xalqaro tuzilmalar bilan amaliy muloqotni rivojlantirish, o'zaro manfaatli hamkorlik va amaliy sheriklikni kengaytirish" tamoyiliga binoan, O'zbekistonda yangi siyosiy tizim yaratilgani, amalga oshirilayotgan xalqaro hamkorlik bo'yicha ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, madaniy aloqalar o'zaro ishonch, yaxshi qo'shnichilik asosidagi integratsiya va hamkorlik aloqalari mustahkamlanayotganining omillari ochiqlik siyosati ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy tomonidan tahliliy tadqiq etish bo'yicha qo'yilgan vazifalarni amalga oshirishga qaratilgan<sup>3</sup>.

Shu maqsadda O'zbekiston xalqaro islom akademiyasida "Xalqaro munosabatlar va ijtimoiy fanlar" kafedrasidan "Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak" mavzusida III xalqaro ilmiy amaliy simpozium o'tkazildi. Mazkur tadbir Muxtor Avezov nomidagi Janubiy Qozog'iston davlat universiteti, Al-Forobiy nomidagi Chimkent universiteti hamda Akademik Bobojon G'ofurov nomidagi Xo'jand davlat universiteti bilan hamkorlikda tashkil etildi. Simpoziumning bosh maqsadi xalqaro munosabatlar, turkiy tilli davlatlar falsafasi, madaniyati, hamkorligi va xavfsizligi masalalari, turdosh fan yo'nalishlarida turkiy tilli davlatlar integratsiyasi omillari hamda qonuniyatlarini o'rganish sohasida to'plangan tajribani umumlashtirishdan iborat.

Joriy yilning noyabr oyida Samarqand shahrida Turkiy tilli davlatlar tashkiloti kengashining navbatdagi sammiti bo'lib o'tishi, unda yoshlar muamolari, "yashil"



iqtisodiyot, raqamli texnologiyalar, ta'lim va madaniyatni rivojlantirish masalalarini muhokama qilish ko'zda tutilgani anjuman ishtirokchilari tomonidan qayd etildi. Bu chora-tadbirlarni o'tqazishdan maqsad ham turkiy davlatlar o'rtasidagi o'zaro munosabatlar, samimiy aloqalarni, tolerantlikni, shuningdek samarali integratsiyani amalga oshirishdan iboratdir.

2022-yil 29-iyul kuni O'zbekiston Prezidentining "Turkiy davlatlar bilan turizm sohasidagi hamkorlikni jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori qabul qilinishi turizm rivojini yangi bosqichga olib chiqish uchun amalga oshirilishi lozim bo'lgan ishlarni belgilab berdi, – **deydi "Xalqaro munosabatlar va ijtimoiy fanlar" kafedrasini mudiri Muhammadolim Muhammadsidiqov.** –

Xususan, Kengashga a'zo mamlakatlar ahlini mamlakatimizning tarixiy madaniy merosiga jalb qilish hamda umumiy madaniy merosimizni barcha a'zo va kuzatuvchi davlatlar tillarida targ'ib qilish, turistik mahsulot va xizmat turlarini diversifikatsiya qilish, ziyorat turizmi uchun qulay muhit yaratish respublikamizning ushbu yurtlar bilan turizm hamkorligini mustahkamlash barobarida, mintaqaning turistik jozibadorligini ham oshiradi. Tadbirda xalqaro munosabatlar va ijtimoiy fanlarning tarkibiy qismlariga oid ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-nazariy dolzarb ahamiyat kasb etadigan aloqalarga oid masalalar haqida so'z bordi. Bundan tashqari, turkiy tilli davlatlar falsafasi, madaniyati, tarixining yangi qirralari, hamkorlikni rivojlantirishning ijtimoiy, siyosiy jihatlariga ta'sir etuvchi omillar kabi ilmiy-nazariy masalalar muhokama qilindi.

Turkiy xalqlar, ularning davlatlari, turkiy sivilizatsiya Buyuk Ipak yo'lining markaziy qismida joylashgan. Turkiy xalqlarning tillari rivoji masalalari hozirgi zamonda dolzarb va ahamiyatli masalalardir, – **deydi. O'zbekiston Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik instituti falsafa fanlari doktori, professor Baxtiyor Karimov.** Ming yillar davomida turkiy til yagona bo'lib kelgan. Garchi yagona turkiyning shevalarga bo'linishi o'rta asrlarda boshlangan bo'lsa-da, faqat XX asrda alohida tillar darajasidagi tafovutlar vujudga keldi. Bu bo'linib ketish jarayonida XX asrning birinchi choragida avj olgan turkiy dunyo birligi uchun harakat stalinchi qatag'on orqali tor-mor qilingani hal qiluvchi ahamiyatga ega bo'ldi. Asrlar davomida tarixan shakllangan va "turkiy til" nomi bilan ma'lum bo'lgan tilni turkiy xalqlar uchun umumiy adabiy til sifatida ishlatish sari harakat shu vahshiy qatag'onlar natijasida tugatildi.

Simpoziumda "Turkiy tilli davlatlar tashkiloti kengashiga a'zo mamlakatlar ahlini yurtimiz tarixiy madaniy merosiga bo'lgan e'tiborlarini jalb qilish masalalari",



“Turkiy xalqlarning tillari rivoji masalalari”, “Milliy madaniyatning oliy namunasi”, “O‘rta osiyo va Qozog‘iston xalqlari siyosiy madaniyati”, “Vengriya va turkiy davlatlar tashkiloti munosabatlari borasida”, “Turkiy davlatlar tashkiloti doirasidagi faoliyat – davlat imijining yetakchi omili sifatida” kabi ma’ruzalar tinglandi<sup>4</sup>.

E’tirof etish joizki, yurtimiz bugungi kunda Uchinchi Renessans davri ostonasida turibdi. Uchinchi Renessans mustahkam poydevorini yaratish uchun, avvalo, ajdodlarimiz qoldirgan bebaho tarixiy, ilmiy va madaniy merosini o‘rganish nihoyatda zarur. Tadbirda ma’ruzachilar tomonidan qardosh turkiy xalqlarning jahon sivilizatsiyasiga qo‘shgan bebaho hissasi, mushtarak xalqlarning ko‘p asrlik milliy va diniy qadriyatlarni asrab-avaylash va yoshlarni komil inson etib tarbiyalash jamiyatda barqaror ijtimoiy-ma’naviy muhitni shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etishi ta’kidlandi.

Muxtasar aytganda, turkiy xalqlarda buyuk ajdodlarga nisbatan hurmat-ehtirom, ularning boy ilmiy merosini o‘rganishga qiziqish hamisha yuqori bo‘lgan. Bu kabi xalqaro darajadagi ilmiy anjumanlar esa tarixiy, madaniy va ilmiy yo‘nalishlarda o‘zaro munosabatlarni sifat jihatidan yangi bosqichga olib chiqib, mavjud juda katta imkoniyat va salohiyatdan to‘liq va unumli foydalanish uchun mustahkam zamin yaratishi shubhasiz.

Madaniyatlararo aloqalar qadimgi davlatlar o‘rtasidagi diplomatik va savdo shartnomalari davrida sodir bo‘lgan. Ammo qadimgi dunyoda milliy identifikatsiya vujudga kelgan davrda ko‘p xalqlar bir-birining madaniyatini tushunishga intilmagan. Lekin qadimgi davr olimlari, ayniqsa, yunon olimlari asarlarida, shuningdek, Buyuk geografik kashfiyotlar davridagi sayohatchilar sayohatnomalarida ko‘plab xalqlarning tarixi va madaniyati haqida ma’lumotlar berilgan. Boshqa xalqning madaniyatini tushunish uchun uning tilini bilishning o‘zi yetarli emas. Chunki madaniyat nafaqat etnik guruhning tili, balki qadimdan shakllangan meyorlar, xulq-atvor, urf-odatlar, dunyoqarashlar tizimidir. Boshqa madaniyat vakili bilan muloqot qilish yoki ishbilarmonlik suhbatini o‘tkazish uchun nafaqat uning tilida gaplashish, balki o‘sha madaniyat vakiliga xos bo‘lgan xatti-harakatlarga ham e’tibor berish kerak. ya’ni, og‘zaki bo‘lmagan muloqot turli madaniyatlarda turli darajalarda shakllanadi. Bir millat vakillari so‘zlashda his-tuyg‘ular va mimikalardan ortiqcha foydalanishi, boshqalari esa o‘z fikrlarini xotirjam ritmda yetkazishi mumkin. Bularni nazorat qilish bugungi kundagi davlatlararo va davlatlararo munosabatlarda juda muhim<sup>5</sup>.

Ma’lumki, yoshlarni o‘z tarixi, madaniyati, o‘sib-ulg‘aygan muhitiga qaramaqarshi qo‘yib, xalq manfaatini g‘oyasini yo‘q qilish orqali ularni jamiyatdan

ajratishga qarshi borish muhim ahamiyatga ega. Bunday salbiy mafkura ta'sirida inson pozitsiyasi, tushunchasi, munosabati o'zgaradi. Ayniqsa, pozitsiya ijtimoiy muhitga zid kela boshlaydi. Jamiyatda bunday holatlarning yuzaga kelishi shaxslar o'rtasidagi o'ziga xoslikni buzadi. Shundan so'ng jamiyatda milliy o'ziga xoslik zaiflasha boshlaydi.

Insoniyatning asrlar davomida ezgulikka intilishining mazmuni va sabablarini ma'rifat darajasi bilan ko'rish mumkin. Chunki insonlar farovonlik tushunchasini o'rganishda ko'plab bilim turlarini shakllantirganlar. An'anaviy dinimiz hamisha avloddan bilimli, savodli, madaniyatli bo'lishni talab qilib kelgan. Bu yerda milliy qadriyat va an'analarimizni asrab-avaylash orqali globallashuv davrida jahon madaniyatidan o'rin olishimiz mumkin. Zamon o'zgargani sari milliy o'zlikning tabiati ham o'zgarib boradi. Lekin uning ildizlari milliy tarix, ma'naviyat, madaniyat va millatga muhabbat qanchalik mustahkam bo'lsa, milliy o'zlikni anglash masalasi millatning immunitetiga aylanadi<sup>6</sup>.

Xulosa qilib, bugun yangilanayotgan O'zbekiston Uchunchi Renessans davrida fuqorolik jamiyati, davlatchilik va davlat boshqaruvi shakli hamda inson huquqlarini ta'minlanishi haqidagi qarash va ta'limotlari uziga xos o'ringa ega. Buyuk mutafakkirlar fikricha, inson kamolotiga ta'sir etuvchi eng muhim kuch – bu ta'lim-tarbiyadir. Ulug' bobomizning ta'lim-tarbiya uyg'unligi haqidagi g'oyalari asrlar osha hayot haqiqatidan tug'ilgan tamoyilga aylandi. Shunday ekan, yosh avlodga nafaqat bilim, ilm o'rgatish, balki har tomonlama ta'lim-tarbiya berish, insoniy fazilatlarni singdirish hamda komil inson etib tarbiyalash g'oyat muhim vazifalardan hisoblanadi. Bunday ezgu intilishdan, avvalo, davlat manfaatdor va mas'ul bo'lishi kerak. Shu nuqtai nazardan, tegishli boshqaruv idoralari bir vaqtning o'zida kadrlar tayyorlash ishlarini samaradorligini oshirish va yanadajadallashtirish muhi ijtimoiy masalalardan biri hisoblanadi.

## REFERENCES

1. Elektron manba :[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)
Ijtimoiy tizimdagi o'zgarishlarning qiyin kechishini qator omillar bilan tushuntirib berish mumkin. Talabalarning kredit-modul tizimini o'zlashtirish bilan bog'liq jarayon juda murakkab va ko'p qirrali kechadi. Misol uchun, talabalar bilan birga ularning ota-onalari, professor- o'qituvchilari, oliy ta'lim muassasasidagi funkcionerlar ham shunga yarasha yangi tartib - qoidalarni o'zlashtirib olishlari kerak bo'ladi. Shu bilan birgalikda yangi qoidalarni tushunib olish va talqin qilish bilan bog'liq masalalar ham mavjud bo'lib, bu jaryonni yanada murakkablashtiradi.

**Kalit so'zlar:** kredit-modul, islohot, transformatsiya, respondent, ta'lim sifati, bakalavr, magistr.

### АННОТАЦИЯ

Сложный ход изменений в социальной системе можно объяснить рядом факторов. Процесс освоения студенческой кредитно-модульной системы очень сложен и многогранен. Например, вместе со студентами новые правила должны будут усвоить их родители, преподаватели и функционеры вуза. В то же время существуют проблемы, связанные с пониманием и интерпретацией новых правил, что еще больше усложняет процесс.

**Ключевые слова:** кредитный модуль, реформа, трансформация, респондент, качество образования, бакалавр, магистр.

### ABSTRACT

The difficult course of changes in the social system can be explained by a number of factors. The process of mastering the student credit-module system is very complex and multifaceted. For example, along with students, their parents, professors, and functionaries of the higher education institution will have to learn the new rules. At the same time, there are issues related to the understanding and interpretation of the new rules, which complicates the process even more.



**Keywords:** credit module, reform, transformation, respondent, quality of education, bachelor, master.

Bolonya jarayoni O'zbekistondagi 1 million atrofidagi talabalar va o'n minglab professor – o'qituvchilarning kundalik hayotiga ta'sir ko'rsatib kelmoqda. Joriy etila boshlagan yangiliklarni qabul qilish va uni rivojlantirish bilan bog'liq tabiiy qiyinchiliklar ham vujudga kelishi kuzatiladi. O'zbekistonda oliy ta'lim sohasida islohotlar o'tkazishning qanday ijtimoiy omillari mavjud? Chunki, yoshlarga ilmiy yondashish ularga jamiyatning o'ziga xos guruhi sifatida qarashni, hayotning turli jihatlari va xususiyatlarini kompleks o'rganishni talab etadi[1, 75-b].

Birinchidan, O'zbekiston hozirgi oliy ta'lim tizimi RSFSR oliy ta'lim tizimining bir modeli sifatida shakllangan va rus universitetlari namunasidagi oliy o'quv yurtlari tashkil etilgan. Dastlabki universitetlarda asosan ittifoqning markaziy shaharlaridan ko'chirib keltirilgan professorlar faoliyat ko'rsatgan. Bu esa oliy ta'lim tizimining mutlaqo yangi asosda rivojlanishiga olib keldi va shiddatli transformatsiya natijasida vujudga kelgan yangi tizim o'zbek xalq ma'naviy hayotining ajralmas qismiga aylanishiga zamin yaratib berdi.

Ikkinchidan, o'tgan asrning XX asrining boshidagi oliy ta'lim tizimidagi transformatsiya O'zbekistondagi an'anaviy madrasalar tizimiga qattiq zarba berdi va ularning tugatilishiga va keyinchalik diniy, o'rta maxsus bilim yurti sifatida qayta tashkil etilishiga olib keldi. Bu esa ming yillar davomida shakllangan ta'lim qadriyatlari: ustoz-shogird an'alarining zavol topishiga sabab bo'ldi. Tarixiy taraqqiyot natijasida qo'lga kiritilgan yutuqlar ma'lum bir davrda o'zining ahamiyatini yo'qotdi va undan foydalanish imkoniyatlari cheklab qo'yildi.

Uchinchidan, O'zbekistonda oliy ta'lim tizimi mustaqillik yillarida jadal o'zgardi va o'zgarishlar shiddati ijtimoiy ongdan ancha ilgari ketdi. Oliy ta'lim tizimidagi o'zgarishlarni ba'zan tizimda faoliyat ko'rsatayotgan professor-o'qituvchilar va talabalar ham tushunib olishi qiyin bo'lgan vaziyatlar vujudga keldi. Bu esa yangiliklarga bo'lgan ishonchni so'nishiga, kiritilayotgan o'zgarishlar muqarrar ravishda amalga oshmay qolishiga bo'lgan ishonchning paydo bo'lishiga sabab bo'ldi. Shu sababli tajribali professorlar orasida islohotlarga shubha bilan qarash kayfiyati vujudga keldi,


To'rtinchidan, mustaqillik yillaridagi o'zgarishlar dunyoning eng ilg'or deb hisoblangan turli ta'lim modellarini o'zlashtirish yo'li bilan amalga oshirildi. Bu esa ta'lim tizimidagi nomutanosibliklarni keltirib chiqardi. Jumladan, oliy ta'lim ikki



bosqichdan: bakalavriat va magistraturadan iborat bo'lgan holda, oliy ta'limdan keyingi ta'lim ham ikki bosqichli: fan nomzodi va fan doktori darajasi saqlanib qoldi. Holbuki, O'zbekistondagi kabi dunyoning biror bir mamlakatida 4 bosqichli tizim butun mamlakat bo'ylab amal qilmaydi. Yoki oliy ta'lim ikki bosqichli bo'lgan holda talabalar bilimni baholashning juda ko'p tajribalri o'tkazildi va 2016 yildan keyingina kredit-modul tizimiga o'tish ishlari boshlandi. Unga qadar baholashning o'ta murakkab va tez-tez o'zgarib turadigan modellari joriy etildi va bu borada ham ma'lum bir an'analar va qadriyatlar shakllanishiga to'sqinlik qildi.

Beshinchidan, oliy ta'lim tizimidagi o'zgarishlar oxir-oqibatda yangiliklarni qabul qilish ko'nimalarini rivojlantirishga olib keldi. Joriy etilayotgan kredit-modul tizimini qabul qilish jarayoni yengillashdi va uni o'zlashtirishga kuchli intilish sezilib turibdi.

O'zbekiston oliy ta'lim tizimida Bolonya jarayoni qoidalarining joriy etish bilan bog'liq jarayonlar, professor-o'qituvchilarni bu boradagi fikrlarini o'rganish maqsadida so'rovnoma o'tkazildi. So'rovnoma onlayn shaklda, google form platformasida 2023 yilning 5 sentyabridan, 2023 yilning 5 noyabr kuniga qadar Andijon davlat pedagogika instituti, Andijon davlat universiteti, Andijon iqtisodiyot va qurilish instituti va Farg'ona vodiysidagi qator oliy o'quv yurtlarining 511 nafar professor-o'qituvchilari ishtirok etdi.




**1-rasm. Respondentlarning lavozimi.**

Respondentlarning 46 foizdan ortig'ini o'qituvchilar, 25 foizini katta o'qituvchilar, 21 foizini dotsent va 7 foizini professorlar tashkil qildi. Bu

ko'rsatkichlar O'zbekistonda professor-o'qituvchilar ilmiy salohiyatiga mos keladi. Aksariyat ma'lumotlarda hozirgi kunda ilmiy salohiyat 30 foiz atrofida ekani qayd etib o'tilgan.


Shuningdek, so'rovnoma professor-o'qituvchilarni yangiliklarni qabul qilish darajasi bilan ilmiy salohiyati o'rtasidagi o'zaro bog'liqni aniqlash maqsadida ilmiy salohiyatga doir ham savollar berildi. Dastlabki ikki savol so'rovnomaning pasport qismiga tegishli bo'lib, respondentlar haqidagi to'liq ma'lumotlarni qamrab olishga qaratilgan.



**2-rasm. Respondentlarning ilmiy darajasi.**

O'tkazilgan so'rovnoma natijasida Bolonya jarayonining o'zagini tashkil etadigan kredit-modul tizimining ta'lim sifatiga ta'siri ham aniqlandi. Respondentlarning "Ta'lim sifatiga qanday ta'sir ko'rsatadi?" degan savolga 82 foizi "Ijobiy" deb javob berdi. 14 foizi esa "Deyarli ta'sir ko'rsatmaydi", 2-3 foizi esa "Salbiy ta'sir ko'rsatadi", deb javob bergan. Bu savolning o'ziga xos xususiyati shundan iboratki, hozirgi kunda professor-o'qituvchilar avvalgi nomsiz, duragay va ma'lum bir modelga tegishli bo'lmagan ta'lim shakli bilan Bolonya jarayoni komponentlarini o'zida jalb etgan ta'lim o'rtasidagi farqni solishtirish imkoniyatiga egadir. Bu esa kredit-modul tizimini jadallik bilan joriy etish uchun qo'shimcha motivatsiya beradi va muvaffaqiyatlarni baholash uchun imkoniyat yaratadi. Ayrim professor-o'qituvchilarning "Nima uchun ta'lim sifatiga deyarli ta'sir ko'rsatmaydi?", deb javob berganligining sababi hanuzgacha barcha oliy ta'lim muassasalarida kredit-modul tizimini to'liq joriy etilmagani bilan izohlash mumkin.

Kredit-modul tizimi bilan bog'liq qoidalarni joriy etishda sustkashlikka yo'ql qo'yilayotgan holatlar ham mavjud. Bu o'ziga xos jarayon bo'lib katta ijtimoiy tizimlardagi o'zgarishlar mana shunday qarma-qarshiliklar bilan, asta-sekin yuz berishini ko'rsatadi.



**3-rasm. Kredit-modul tizimining ta'lim jarayoniga ta'siri.**

Professor-o'qituvchilardan kredit-modul tizimining talabalar dunyoqarashiga ta'siri xususida ham so'raldi. Ma'lumki, har qanday ta'lim paradigmasi oxir-oqibat mamlakat siyosiy hayotiga ta'sir ko'rsatadigan muhim atributdir. Chunki davlat hokimiyatining asosiy qismini oliy o'quv yurtlarida tahsil olgan kadrlar tashkil etadi. Ularning dunyoqarashi qanday shakllantirilgani, qanday fikrlashga o'rgantilgani va qanday siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy mo'ljal olishi keyinchalik mamlakat taqdirini hal etadigan masalalardandir. O'tgan asrning 20- yillarida Yevropaning eng yaxshi oliy o'quv yurtlarida o'qigan talabalarning ommaviy qatag'on qilingani ham buning yaqqol dalildir [2, 256-b]. Shu nuqtai nazardan ham hozirgi murakkab va tahlikali zamonda ta'lim tizimini isloh qilish milliy mustaqillik va milliy o'zlikni saqlab qolishning yagona yo'lidir. Chunki, turli qarama qarshiliklar avj olayotgan bir vaziyatda geosiyosiy maydonda kuchlar muvozanati o'zgarmoqda, buyuk davlatlar atrofidagi nisbatan kichik davlatlarga nisbatan siyosatini o'zgartirib, ularni ta'sir doiralari olishga bo'lgan intilishini yanada zo'r berib namoyon qilmoqda.

## REFERENCES

1. Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли. (ижтимоий- фалсафий таҳлил) Фалсаф. фан. док. ...дисс. – Тошкент: 2006. – Б. 75.
2. Турдиев Ш. Улар германияда ўқиган эдилар. Тошкент, 2006 й. – Б. 256.
3. Суюнов Д. Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография //Т.: Академия. – 2007. – Т. 200.
4. Суюнов, Д., and Элмурод Абдусатторович Хошимов. "Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг методологик жиҳатлари." Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали 2 (2018).
5. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – С. 2321-6247.
6. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – С. 2321-6247.
7. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. Digitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – Т. 12. – С. 209-218.
8. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – Т. 9. – С. 145-150.
9. Суюнов Д. Х. Бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмини жорий этишни такомиллаштириш. и. ф. д. дисс //И. ф. д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – 2008. – Т. 261.
10. Olimovich A. K., Butabaev M., Kh S. D. PROJECT MANAGEMENT IN THE SYSTEM OF STRATEGIC COMPANY MANAGEMENT //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – Т. 11. – №. 7. – С. 40-44.
11. Суюнов Д., Хошимов Э. Замонавий шароитларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг асосий йўналишлари //Экономика и инновационные технологии. – 2019. – №. 4. – С. 197-210.
12. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. STATE REGULATION OF THE DIGITAL TRANSFORMATION OF THE ECONOMY //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – Т. 9. – С. 145-150.

13. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 06. – С. 138-145.
14. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State Regulation of the Digital Transformation of the Economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – Т. 9. – С. 145-150.
15. Суюнов Д., Хошимов Э. Замонавий шароитларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг асосий йўналишлари //Экономика и инновационные технологии. – 2019. – №. 4. – С. 197-210.
16. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 06. – С. 138-145.
17. Suyunov D. X., Xoshimov E. A. The main directions of development of the corporate governance system in Uzbekistan in modern conditions //Economics and Innovative Technologies. – 2019. – Т. 2019. – №. 4. – С. 11.
18. Suyunov D., Kenjabaev A. Achievements And Problems in Further Development of The Digital Economy in UzbekistanScientific Considerations //Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 38-45.

## **BOBURNING HARBIY SARKARDALIK FAOLIYATI, TAKTIKA VA JANG SAN'ATINING XALQARO DOIRADA O'RGANILISHI**

**A. S. Qo'qonboyev**

Qurilish vakulteti, GGI 1 talabasi

Toshkent davlat transport universiteti, Tashkent, O'zbekiston

[ahmadxonqoqonboyev@gmail.com](mailto:ahmadxonqoqonboyev@gmail.com)

### **ANNOTATSIYA.**

Ushbu maqolada Zahiriddin Muhammad Boburning qaysi sulloladan ekanligi uning hayot yo'llari yosh bo'lishiga qaramay o'zi yurtini asrash uchun kechgan qonli to'qnashuvlari bu to'qnashuvlar ortidan o'z harbiy salohiyatini yaxshilashi, davlatini mustahkam poydevorlar ila qurishi va bobosidan qolgan jang uslublarni mohirona o'rganib o'zi uchun ibrat bilishi avlodlar aro kelayotgan qilichdagi so'zlarni o'zi uchun ishyor sifatida qo'llashi, askar va qomondonlariga beriladigan unvonlari, janglardagi harakatlari, tayyorgarligi, qo'shin tuzilishlari haqida yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** qo'shin tarkibi, harbiy tayyorgarligi, unvonlari.

### **АБСТРАКТ**

В этой статье Захириддин Мухаммад Бабур из какой династии, несмотря на свою молодую жизнь, кровавые конфликты, которые он вел, чтобы защитить свою страну, после этих конфликтов он улучшил свой военный потенциал, построил свою страну на прочных основах и умело освоил методы ведения боя. оставленный дедом, он использовал слова на мече как знак для себя, звания, данные своим солдатам и командирам, действия в боях, учебе, армейских формированиях.

**Ключевые слова:** состав армии, военная подготовка, звания.

### **ABSTRACT**

In this article, Zahiriddin Muhammad Babur is from which dynasty, despite his young life, the bloody conflicts he fought to protect his country, after these conflicts, he improved his military potential, built his country with strong foundations, and skillfully learned the fighting methods left by his grandfather. He used the words on the sword as a sign for himself, the titles given to his soldiers and commanders, actions in battles, training, and army formations.



**Keywords:** composition of the army, military training, ranks.

**Kirish.** Jahon tarixida o'chmas iz qoldirgan betakror siymolardan biri Zahiriddin Muhammad Bobur buyuk shoir, qomusiy olim, davlat arbobi va mohir sarkarda sifatida butun dunyoda ma'lum va mashhurdir. Zahiriddin Muhammad Bobur otasi Umarshayx Mirzo tomonidan Amir Temurning beshinchi avlodi, onasi Qutlug' Nigoraxonim tomonidan Chingizxonning o'n to'rtinchi avlodi. Ikki buyuk sulola tutashgan nuqtada hijriy 888-yil muharram oyining 6-kunida milodiy 1483-yil 14-fevralda Andijonda dunyoga keladi<sup>1</sup> [1,38-b.] Otasining fojiali halokati tufayli taqdir taqozosi bilan 12 yoshida mo'jazgina Farg'ona davlatining taxtiga o'tiradi. Shu paytlar Boburning tog'a va amakilari Umarshayx Mirzoning saltanatiga hujum uyushtirib turgan vaqt edi. Zahiriddin Muhammad Bobur yosh bo'lishiga qaramay ana shunday musibatli onlarida ham tog'alarining hujumini to'xtatib qolishga erishadi. 15 yoshida bobo meros Samarqandni zabt etadi. 16 yoshida bu azim shaharni tashlab chiqishga majbur bo'ladi. Yo'lda ketayotib Qutlug' Nigoraxonim Boburga Andijonda ko'ch yig'ishtirgan paytida Umarshayx Mirzodan qolgan bir paytlar vaqti kelganda topshiraman degan sandig'ini topib va ko'rsatdi uni ochib ichida nafis ipak matoga o'ralgan oltin sopli qilich edi, uni olib Boburga berdi bu bobongiz Sohibqiron Amir Temur qilichlari dedi.

Bobur qilich qinidagi yozuvga ko'zi tushib uni o'qidi unda "Biz kim malik Turon, podshohi Turkiston Amir Temur Ko'ragon farzandimiz Mironshoh Mirzoga To'xtamish bilan muhoribada ko'rsatgan jasorati uchun o'z qilichlarimizdan birini in'om etdik" deb yozilgan edi. Bobur bu qilichni Amir Temur janglarda ishga solganini ko'z oldiga keltirdi va qilichni qinidan chiqardi. Unga ham shunday so'zlar yozilgandi "Rosti-rast" "Kuch-adolatdadir" deyilgandi. Qilich yonida Amir Temurning hayoti davomida ko'rgan kechirganlari janglarda qo'llagan jang uslublari haqidagi bitiki edi. Bu narsalar Boburga yangi bir ruh ato etadi va janglarda bobosi qo'llagan jang uslublarni qo'llaydi. Ikkinchi bor katta qiyinchiliklar bilan Bobur yana Samarqandni egallaydi. Biroq taxtni 100 kungacha qo'lda tutib turadi xolos. 1504-yilda Bobur Kobulga hujum qilib, deyarli qarshiliksiz qo'lga kiritadi. 1507-yil u yerda o'zini "shoh" deb e'lon qiladi. Ancha vaqt o'tgach o'zida kuch to'plab Hindistonga 5 marta yurish qiladi. Tarixda iz qoldirgan jangi 1526-yil 21-aprelda Ibrohim Lordiga qarshi jangi bu tarixga "Panipan jangi" nomi bilan kirgan. Bu jangda

<sup>1</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т., 2002. –Б.38.

Ibrohim Lordining 100 ming qo'shiniga Bobur o'zini 12 ming qo'shini bilan janga chiqadi.<sup>2</sup> [2, 296-b.] Bobur yoshligidan janglarda chiniqqan va ko'plab jang uslublarni o'rgangan edi. Bu jangda u g'olib chiqadi, bunga sabab bo'lgan asosiy omillar bir tomondan uning qo'shinidagi artilleriyaning "To'lg'ama" usulida urush olib borishi va bunga Bobur mohirona rahbarlik qilishi edi. Oradan 3-4-yil o'tgach 1530-yilning 26-dekabrida Bobur olamdan o'tadi. Bunga asosiy sabab kasallanishi uning bosib o'tgan mashaqqatli hayot yo'li, Hindistonning ortiqcha issiqligi va o'ta nam iqlimidir.

**Muhokama va natijalar.** Zahiriddin Muhammad Bobur ko'proq davlat boshqaruvida bobosi Amir Temurning siyosiy va harbiy g'oyalari qo'llagan. Ularning g'oyalari chingiziylar qo'llagan yasoq (qonun)lar o'rtasida ko'p o'rinlarda o'xshashlik bo'lsa-da, hal qiluvchi o'rinlarda Amir Temurning g'oyalari o'zning yaktoligi bilan alohida ahamiyat kasb etadi. Uning bu boradagi qarashlari "Temur tuzuklari"da mufassal bayon etilgan<sup>3</sup>. [3, 56-b.] Temuriylar davlati, albatta harbiy yurushlar asosida yuzaga kelgan davlat u harbiy ma'muriyat tomonidan boshqarilgan. Temuriy shahzodalarning va mansabdorlarning ismiga qo'shib aytiladigan harbiy unvonlar soddagina -"amir"(amir qiluvchi, qo'mondon)deb aytilgan.

Boburning qo'shin tarkibi. O'rta asrlar Musulmon sharqining buyuk davlatlaridan biri bo'lgan Boburiylar davlatining boshqarish va saqlab turish uchun qudratli va temir intizomga ega qo'shin lozim bo'lib, saltanat hukmdori qo'lida juda katta hajmdagi qo'shin bo'lgan. Harbiy qo'shin harbiy malakani aniqlash va takomillashtirish maqsadida har yili ko'rikdan o'tkazilgan. Hind tarixchisi V.D. Moxajaning ta'riflashicha, Boburiylar davlatida qurolli kuchlar asosan 5 toifaga bo'lingan. Ular:

1. Suvoriylar
2. Jangchi fillar kavaleriyasi
3. Piyoda askarlar
4. To'pchilar
5. O'qchilar<sup>4</sup>.

Asosan shulardan iborat bo'lgan. Lekin Boburning qo'shnini tashkil etuvchi qisimlar avloddan-avlodga o'tib kelayotgan udum asosida yoki o'zning qo'mondon yoki qabila boshlig'iga bo'lgan. Shaxsiy sadoqati asosida uning atrofida birikkan.

<sup>2</sup> G'ofurjon Satimov. Markaziy Osiyo va Hindiston tarixida Boburiylar davri. "Гафур Гулом" – Т., 2008. –В.296.

<sup>3</sup> Темур тузуклари. Форсчадан А.Согуний ва Х.Кароматов таржимаси. – Т., 1996.-Б. 56

<sup>4</sup> Jumaboyeva Nilufar va boshqalar "Eurasian Journal of Academic Research" <https://doi.org/10.5281/zenodo.6228808>

Harbiy tayyorgarligi. Harbiy yurishlarga tayyorlangan qo'shin odatda quydagi tartibda tashkil etilgan: O'ng qanot (barong'or), markaz (qo'l) va chap qanot (javong'or) naftangdoz (neftni yondirib otuvchi) va (tosh otuvchi) qurollar asosan shahar yoki qal'alarni qamal qilishda shuningdek dushman qo'shining safni to'zg'itib yuborishda qo'llanilgan. To'fang (miltiq bilan qurollantirilgan guruh) to'fangdoz deb atalgan. Ushbu bo'linmalarga hukmdorning o'zi va yaqin ishongan kishilari yoki o'g'illari tayinlangan. Shunday harbiy tayyorgarligi bo'lgani uchun ham u ko'p sonli qo'shinlar bilan bemalol jang qilgan va muvaffaqiyatga erishgan.

**Xulosa** qilib shuni aytish kerakki, Zahiriddin Muhammad Bobur davlat boshqaruvi va harbiy salohiyati bugungi kunda ham dunyo miqyosida keng o'rganilmoqda. Ular o'zlarining serqirra faoliyati va ijod durdonalari bilan jahon madaniyati tarixiga munosib hissa qo'shgan. Zahiriddin Muhammad Boburning umr yo'llari o'z avlodlariga ibrat namunasidir. U 47 yoshli qisqa, ammo ijodi barakali, barkamol hayotida 100 yil yashab ham uddalab bo'lmaydigan ishlarni ado etdi. Bobur davlatchilik siyosatining negizida tom ma'noda shaxs turadi. U imkon qadar har bir askar, zobit, amirlar oddiy kosibdan tortib aniq nuqtani mo'ljalga olishga qodir to'plarni yaratgan usta Aliquliga ham davlatdan ag'darmoqchi bo'lgan yaqin qarindoshlariga hattoki, Ahmad Tanbal va boshqa dushmanlariga ham maqsadiga qarshi yurmasliklarini ta'kidlagan. Ular bilan sulhni hamkorlik darajasidagi davlat boshqaruvini taklif etib ko'rgan, iloji bo'lmagach, ularni ham ma'naviy ham harbiy jihatdan mag'lub etgan. Boburning jang sa'natida ustaligi u o'zi uchun janga tayyorgarlik strategiyasi va taktikasini yaxshi ishlab chiqanligidan dalolat beradi. U ko'plab amirlari va qomondonlari bilan jang uslublarini o'rganib mulohaza va tuzatishlar olib borgan. Bobur belgilangan tartibdagi jangovar jihozlarni tekshirish paytida yoki ko'rik chog'ida kamchilik sezilsa, unutilgan ish narsa ahamiyatiga qarab ulfa ulusi ya'ni maoshni kamaytirgan. Har bir jangchi va qo'mondon o'z mas'uliyati va burchni chuqur anglab, shunga yarasha harakat qilgan. Qo'shinini to'ldirish chog'idagi safarbarlik, joylarda aniq bir vaqtda to'planish va bir joydan ikkinchi joyga ko'chish, ko'chish jarayonidagi qat'iy tartib intizom "Temur tuzuklar" da belgilab qo'yilgan qat'iy qoidalar asosida olib borilgan.

## REFERENCES

1. Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Т. 2002.
2. G'ofurjon Satimov. "Markaziy Osiyo va Hindiston tarixida Boburiylar davri" "Гафур Гулом" – Т. 2008.

3. Темур тузуклари. Форсчадан А. Согуний ва Х.Кароматов таржимаси. - Т.,1996.

4. Jumaboyeva Nilufar va boshqalar “Eurasian Journal of Academic Research”  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6228808>

5. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – С. 2321-6247.

6. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – С. 2321-6247.

## JAMIYAT AXBOROTLASHUVINING YOSHLAR TARBIYASIGA TA'SIRI

**G'iyosiddin Najmiddin o'g'li Akramov**

University of Business and Science nodavlat oliy ta'lim muassasasi  
o'qituvchisi

University of Business and Science nodavlat oliy ta'lim muassasasi, Namangan,  
O'zbekiston

### ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada axborotning jamiyat hayotidagi yuz berayotgan o'zgarishlardagi o'rni, jamiyat axborotlashuvining yoshlar dunyoqarashiga ta'siri, yoshlar orasida keng tarqalayotgan axborot madaniyatsizligi muammolarini keltirib chiqarayotgan omillar batafsil yoritilgan.

Shuningdek, globallashuv jarayonida mamlakatimizda olib borilayotgan axborot siyosati, sohada amalga oshirilgan tub o'zgarishlar, jamiyatdagi ma'naviy-ma'rifiy muhitni yaxshilashga qaratilgan normative-huquqiy hujjatlarga ham alohida to'xtalib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** axborot, axborotlashgan jamiyat, tarbiya, integratsiya, ommaviy madaniyat, globallashuv, internet tarmog'i.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно освещается роль информации в происходящих изменениях в жизни общества, влияние информатизации общества на мировоззрение молодежи, факторы, провоцирующие проблемы распространяющейся среди молодежи информационной некультурности.

Особое внимание было уделено проводимой в нашей стране в процессе глобализации информационной политике, кардинальным изменениям в отрасли, нормативно-правовым актам, направленным на улучшение духовно-просветительской среды в обществе.

**Ключевые слова:** информация, информированное общество, воспитание, интеграция, массовая культура, глобализация, сеть Интернет.

### ABSTRACT

This article details the role of information in the changes in the life of society, the impact of society informatization on the worldview of young people, and the

factors that are causing the problems of Information Non-culture, which are widespread among young people.

Also, in the process of globalization, special attention is paid to the information policy carried out in our country, fundamental changes made in the field, regulatory legal acts aimed at improving the spiritual and educational environment in society.

**Keywords:** information, informed society, upbringing, integration, mass culture, globalization, internet network.

## **KIRISH**

Hozirgi dunyoda qadriyatlarning ahamiyati barcha sohalarda tan olinayotganligi va qabul qilinayotganligi masalasini o‘rgangan tadqiqotchilar axborot – texnikaviy yoki axborot – kompyuter sivilizatsiyasi haqida fikr yuritmoqdalar. Shu asosda “axborotlashgan jamiyat” tushunchasi vujudga keldi.

Shu narsaga e’tibor qaratish kerakki, aslida “axborot” tushunchasi dunyoqarashni ifodalaydigan bilimlarda qadimda mavjud bo‘lgan. Kibernetikaning paydo bo‘lishi va rivojlanishi bu tushunchani “aloqa” va “boshqaruv” tushunchalari bilan birga keng qo‘llanishiga sabab bo‘ldi.

Hozirgi davrda axborotlarni hosil qilish, qayta ishlash, saqlash, ko‘paytirish va tarqatish sohasiga oid bilimlar-media va axbobot savodxonligini vujudga keltirdi. Bu esa kelajak avlodlarning ma’naviy-axloqiy tarbiyasiga turli xil zamonaviy ko‘rinishdagi ta’sirlarga ham qaram bo‘lish ham ulardan saqlash imkonini beruvchi ta’sirchan chora va yo‘llarini yaratishga imkon bermoqda.

Buni alohida ta’kidlash joizki, axborotlar sohasining tez sur’atlar bilan o‘sishi, uni avtomatlashtirish usullarining rivojlanishi kompyuterlarning yaratilishi va kishilar hayotining turli sohalarini kompyuterlashtirishga olib keldi. Masalan, hozirgi kunda har qanday jamiyatning iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy, madaniy-ma’naviy sohalarida kompyuterlardan keng miqyosida foydalanilmoqda. Ta’lim-tarbiya, ilm-fan, adabiyot, san’at, tibbiyot, bank tizimi kabi sohalarning kompyuterlashtirish jamiyat taraqqiyoti uchun muhim ahamiyatga ega ekanligi namoyon bo‘lmoqda.

Yuqorida ta’kidlangan fikrlar asosida, o‘z navbatida, kelajakda “axborotli jamiyat” nazariyasi vujudga keldi.

## **TAHLILLAR VA NATIJALAR**

Axborotli jamiyat nazarariyasi Dj.Bell, U. Rostou, Z. Bjezinskiy va boshqalar tomonidan yaratilgan industrial jamiyat to‘g‘risidagi ta’limotlar asosida vujudga



kelgan. Axborotli jamiyat nazariyasining mualliflari O. Teffler, Dj. Pelon, Dj. Martin hisoblanadi. Bu mualliflar insoniyat hayot tarzi modelini an'anviy industrial (sanoatlashgan) va past industrial ko'rinishda qarab, so'nggi bosqich kelajagini axborotli-texnikaviy yoki axborotli-ekologiyaviy tarzda yuz berishini taxmin qilganlar.

Yuqorida ta'kidlanganidek, "axborot" atamasi qadimdan qo'llaniladi. Axborotlashuv sohasidagi dastlabki jahon inqilobi milodiy birinchi ming yillik boshida yashagan Ptolemeyning dunyoning geosentrik qarashlarida, ikkinchi inqilob N.Kopernikning (XVI asr o'rtalarida) geosentrik nazariyasi yaratilishi bilan vujudga kelgan edi. Bular axborotning ilmiy va ma'naviy ravnaqini ifodalagan.

Axborotlashuv sohasidagi uchinchi jahon inqilobi 1969-yillardan, ya'ni kompyuterlar davridan boshlanadi. 80-yillar o'rtalariga kelib jahondagi ko'pgina mamlakatlar axborot rivojlanishi yo'liga – Internet, multimedia, kosmonavtika, OAV, rivojlangan sim o'tkazuvchi, uyali, radio va sun'iy yo'ldosh aloqasiga asoslangan axborot tizimiga o'tdilar.

#### **Axborot texnologiyasi quyidagi bir qator tayanch jihatlariga ega:**

- inson faoliyatini maqsadga muvofiq yo'lga qo'yishi;
- turli tabiatga ega bo'lgan ob'ektlar o'rtasidagi o'zaro muvofiqlikni bildirish;
- EHMga tadbiquan uning inson miyasi bilan umumiylikni anglatish;
- texnika;
- siyosiy va ma'naviy sohalar. Masalan, demokratiya va ozodlik g'oyalari rivojlanmagan joyda axborotlashganlik texnologiyasi vujudga kelmaydi.

Ma'naviy-madaniy sohadagi tub o'zgarishlar ommaviy ruhiyatda, ta'lim tizimida, har bir inson saviyasida o'z ifodasini topmoqda. Shu narsani alohida ta'kidlash joizki bu sohadagi o'zgarishlar boshqa sohadagi o'zgarishlarga zamin tayyorlaydi.

2003 yilda jahon miqyosida 130 million yangi Internet foydalanuvchilari qayd etilgan bo'lsa, hozirgi kunda bu ko'rsatkich yildan-yilga ortib borganligini ko'ramiz. 2003 yilda ilk bor dunyoda mobil telefon abonentlari soni oddiy telefon abonentlari sonidan oshib ketdi. [1]

Yana shu masalaga e'tibor qaratish kerakki, globallashtirish va axborotlashuv biz uchun quyidagi umumbashariy muammolarni jahon hamjamiyati bilan birgalikda hal etishni ham vazifaga aylantiradi. Ular quyidagilar:

- yer yuzida yalpi tinchlikni saqlash, termoyadro urushining oldini olish va adolatli iqtisodiy tartibot o'rnatish;

- atrof-muhitni samarali muhofaza qilish (ekologik muammo);
- odam savdosiga qarshi kurash olib borish;
- xalqaro iqtisodiy inqirozning oldini olish;
- aholi soni va tarkibi bilan moddiy va ma'naviy qadriyatlar yaratilishi mutanosibligiga erishish (demografik muammo);
- yer yuzi aholisini zarur oziq-ovqat manbalari bilan ishonchli ta'minlash;
- ochlik, qashshoqlik va qoloqlikni tugatish uchun yuksak rivojlanish va ulardan keyinda qolgan mamlakatlar o'rtasidagi keskin farqni bartaraf etish;
- turli xavfli kasalliklarni tugatish, olidini olish;
- inson haq-huquqlari va erkinligini himoya qilish;
- jahon ma'naviya muhiti sofliqini ta'minlash (etikologiya muammosi);
- terrorizm, diniy ekstremizm va fundamentalizmga, narkobiznesga qarshi kurash va boshqalar.

Umumiy tarzda shu narsani aytish mumkinki, globallashtirish va axborotlashuv barcha mamlakatlarning iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy, ma'naviy-madaniy taraqqiyotiga ta'sir o'tkazadi. Bu ta'sir kuchidan foydalanish, tovar ishlab chiqarish, xizmatlar ko'rsatish, ishlab chiqarish va investitsiyalarni jalb etish, ularni bir mamlakatdan boshqasiga ko'chishi kabi omillarni o'z ichiga oladi. Bularning barchasi ishlab chiqarish samaradorligini, mehnat unumdorligini, xalqaro teng huquqlar asosidagi rivojlanishni talab qiladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev «Ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish to'g'risida»gi qarorida yoshlarimiz ongiga salbiy ta'sir etuvchi, ularni g'oyaviy jihatdan qaram etishga yo'naltirilgan harakatlarga qarshi samarali kurash olib borish hamda irodali, fidoyi, vatanparvar va o'z mustaqil fikriga ega avlodni tarbiyalash bo'yicha amaliy chora-tadbirlar dasturlarini ishlab chiqish masalasini alohida e'tibor qaratib, "aholining Internet jahon axborot tarmog'idan foydalanish madaniyatini oshirish, g'oyaviy va axborot xurujlariga qarshi mafkuraviy immunitetini kuchaytirish"ni Ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirishning ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida belgilab berdi[2].

Bundan shuni anglash mumkinki yoshlarning tarbiyasi masalasi davlat siyosati darajasigacha ko'tarilgan. Jahon internet tarmog'i va axborotlardan foydalanish madaniyatini shakllantirish tizimli ravishda yo'lga qo'yilmada Shuningdek bugungi axborot zamonida yoshlar o'rtasida keng yoyilayotgan internet o'yinlariga bo'lgan qaramlikni ham oldini olish dolzarb vazifalardan biridir.

Jamiyat axborotlashuvining keng yoyilishi ma'naviy tahdidlarning ham ko'payishigaga olib kelmoqda. Buning natijasida ma'naviyatni yosh avlod ongi va qalbiga chuqur singdirishga qaratilgan ishlarni samarali ravishda olib borish bu sohadagi faoliyatni yanada kuchaytirishni talab etmoqda.

“Zarur axborotlarga ega bo‘lishga intilish – davr talabi. Biroq, axborotlarga ko‘r-ko‘rona ergashish, ularni noto‘g‘ri talqin etish, G‘arbdan kirib kelayotgan “ommaviy madaniyat”ga taqlid qilish aslo mumkin emas. Internet orqali juda ko‘p ijobiy ma‘lumotlar bilan birga, Sharq madaniyatiga, xususan, yoshlarning axloq-odobiga salbiy ta’sir etuvchi axborotlar ham kirib keladi. Bularning oldini olish uchun, kishilarda, ayniqsa, yoshlarda axborot iste’moli madaniyatini shakllantirib borish lozim” [3].

## **XULOSA**

Xulosa sifatida shu narsani aytish mumkinki, jahon miqyosida o‘zaro integratsiya jarayonlari davom etayotgan hozirgi davrda axborot texnologiyalarining ijobiy tomonlari katta. Shu bilan birga, axborot texnologiyalari asrining inson va jamiyat uchun salbiy jihatlari ham yo‘q emas. Shuning uchun undan ehtiyotkorlik bilan foydalanish talab etiladi.

## **REFERENCES**

1. Matnazarova Sh. Globallashuv dunyoga nazar. “Xalq so‘zi” 2004-yil 18-mart
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Ma’naviy–ma’rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi №PQ-5040 sonli Qarori. 2021 yil 26 mart.
3. G.I.Yuldasheva., M.Yo‘ldosheva. Axborotlashuv va yoshlar tarbiyasi. Multidisciplinary Scientific Journal, Volume 1 (Issue 32), 205-209.
4. A.U. Shermuxamedova O‘zbekistonda ijtimoiy tarmoqlarning shakllanishi tendentsiyalari va xususiyatlari. Diss.Avtoreferat T.: 2021.
5. Media va axborot savodxonligini shakllantirishning pedagogik jihatlari. O‘quv-amaliy qo‘llanma. - **Extremum-press**, 2017-142.B
6. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) - O‘zbekiston Respublikasi ta’lim portal.
7. "Xalq so‘zi" gazetasi- [www.info XS.Uz](http://www.infoXS.Uz).
8. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.

9. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
10. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. Digitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – T. 12. – C. 209-218.
11. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – C. 145-150.
12. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. STATE REGULATION OF THE DIGITAL TRANSFORMATION OF THE ECONOMY //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – C. 145-150.
13. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – T. 3. – №. 06. – C. 138-145.
14. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State Regulation of the Digital Transformation of the Economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – C. 145-150.
15. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – T. 3. – №. 06. – C. 138-145.
16. Suyunov D. X., Xoshimov E. A. The main directions of development of the corporate governance system in Uzbekistan in modern conditions //Economics and Innovative Technologies. – 2019. – T. 2019. – №. 4. – C. 11.
17. Suyunov D., Kenjabaev A. Achievements And Problems in Further Development of The Digital Economy in UzbekistanScientific Considerations //Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. – 2023. – T. 1. – №. 7. – C. 38-45.

## ILMIY-TEXNIK TARAQQIYOT JAMIYAT RIVOJIGA TA'SIR QILUVCHI MUHIM OMIL SIFATIDA

**Nozimjon Nurullajon o'g'li Aliyev**

Toshkent davlat transport universiteti doktoranti

Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O'zbekiston

### ANNOTATSIYA

Maqolada ilmiy-texnik taraqqiyotning jamiyat rivojiga turli yo'llar bilan ta'sir qilishi va ushbu taraqqiyot tibbiyot, transport, aloqa va qishloq xo'jaligi kabi bir qator sohalarda sezilarli yutuqlarga olib kelishi mumkinligi haqida so'z yuritiladi. Ushbu yutuqlar sog'liqni saqlashni yaxshilash, yanada samarali transport tizimlari, tezkor aloqa usullari va oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarishni ko'paytirish orqali butun dunyo bo'ylab odamlarning hayot sifatini yaxshilash kabi ijobiy oqibatlarni keltirib chiqarishi batafsil yoritilgan.

Shuningdek, ilmiy va texnikaviy fanlar sohasidagi kashfiyotlar natijasida jamiyatda vujudga keladigan ba'zi ijtimoiy muammolar – ishsizlik, ijtimoiy tengsizlik, ekologik muhitning buzilishi, yaratilgan texnik vositalarning inson salomatligi uchun zararli ta'sirlari kabi global muammolar haqidagi fikrlarga ham alohida to'xtalib o'tiladi.

**Kalit so'zlar:** ilmiy-texnik taraqqiyot, texnologiya, axborot kommunikatsiya texnologiyasi, jamiyat, ijtimoiy hayot, sog'liqni saqlash, transport, sun'iy intellekt, ekologik muhit, ishsizlik, ijtimoiy tengsizlik.

### АННОТАЦИЯ

В статье говорится о том, что научно-технический прогресс по-разному влияет на развитие общества, и что этот прогресс может привести к значительному прогрессу в ряде областей, таких как медицина, транспорт, связь и сельское хозяйство. Подробно описано, что эти достижения приведут к положительным последствиям, таким как улучшение здоровья, более эффективные транспортные системы, более быстрые методы связи и улучшение качества жизни людей во всем мире за счет увеличения производства продуктов питания.

Особое внимание уделяется и представлениям о некоторых социальных проблемах, возникающих в обществе в результате открытий в области научно –

технических наук-таких глобальных проблемах, как безработица, социальное неравенство, деградация экологической среды, пагубное воздействие созданных технических средств на здоровье человека.

**Ключевые слова:** научно-технический прогресс, технологии, информационно-коммуникационные технологии, общество, социальная жизнь, здравоохранение, транспорт, искусственный интеллект, экологическая среда, безработица, социальное неравенство.

### ABSTRACT

The article says that scientific and technological progress affects the development of society in different ways, and that this progress can lead to significant progress in a number of areas such as medicine, transport, communications and agriculture. It is described in detail that these achievements will lead to positive consequences such as improved health, more efficient transport systems, faster communication methods and improved quality of life for people around the world through increased food production.

Special attention is also paid to the ideas about some social problems that arise in society as a result of discoveries in the field of scientific and technical sciences – such global problems as unemployment, social inequality, environmental degradation, and the harmful effects of created technical means on human health.

**Keywords:** scientific and technological progress, technologies, information and communication technologies, society, social life, healthcare, transport, artificial intelligence, environmental environment, unemployment, social inequality.

### KIRISH

Kishilik jamiyatidan to hozirgi kunga qadar jamiyat taraqqiyoti bir bosqichdan ikkinchi bosqichga rivojlanib borar ekan bu jarayonda ilmiy-texnik yutuqlarning, ilmiy sohadagi islohotlarning o'zni muhim va hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Ilmiy va texnikaviy sohasidagi rivojlanish, yangi tekshiruvlar va o'rganish usullarini qo'llash, yangi texnologiyalar va innovatsiyalarni rivojlantirish, yangi mahsulotlarni yaratish va tajribali loyihalarni amalga oshirish kabi jarayonlar hozirgi zamonaviy jamiyat taraqqiyotiga hissa qo'shayotgan muhim xususiyatlardir.

Ijtimoiy, iqtisodiy, madaniy va siyosiy taraqqiyotning hozirgi tarixiy bosqichida, fan va texnikaning zamonaviy yutuqlaridan ijtimoiy ishlab chiqarishda, inson faoliyatining barcha sohalarida muntazam ravishda foydalanmay turib olg'a



rivojlanib bo‘lmaydi. Moddiy ishlab chiqarishning rivojlanishi, mehnat unumdorligining o‘sib borishi ham bevosita shunga bog‘liq ekanligi hozirgi kundagi o‘zgarishlardan ham ko‘rinib turibdi [2, 263 b.].

Ilmiy-texnik taraqqiyot jamiyatni harakatlantiruvchi asosiy tarmoqlardan biri ekanligini mamalakatimizda mazkur sohada amalga oshirilayotgan islohotlar misolida ham ko‘rishimiz mumkin. Jumladan, 2020-yil 29-oktabrda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-6097-son qarori bilan tasdiqlangan “Ilm-fanni 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiya” bu sohada amalga oshirilishi kerak bo‘lgan ishlar uchun dasturilamal bo‘lib xizmat qiladi. Mazkur konsepsiyada ifodalangan ilm-fanni rivojlantirishning zamonaviy infratuzilmasini yaratish, ilm-fan va ilmiy faoliyatni moliyalashtirish tizimini takomillashtirish hamda moliyalashtirish, ilmiy va muhandis kadrlar tayyorlash masalalari sohaga alohida e‘tibor berilayotganidan dalolat beradi.

### **Tahlil va natijalar**

Hozirgi kunda jahon iqtisodiyotining ilm-fan bilan aloqasi keng va ko‘p qirrali ekanligi hech kimga sir emas. Ilm-fan va texnologiya iqtisodiy o‘shishni boshqarishda, hosildorlikni oshirishda, yangi ishlab chiqarish texnologiyalarini yaratishda va turmush darajasini oshirishda hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Ushbu aloqadorlikning muhim xususiyatlaridan biri sifatida iqtisodiy raqobatbardoshlikni oshirish uchun ilmiy tadqiqotlar va texnologik innovatsiyalarga bo‘lgan ishonchning ortishini keltirish mumkin. Tadqiqot va ishlanmalarga sarmoya kiritadigan va innovatsiya madaniyatini targ‘ib qiluvchi mamlakatlar ko‘pincha jahon iqtisodiyotida raqobatlashish uchun yaxshiroq darajada bo‘ladilar. Bu iqtisodiy o‘shishni ta‘minlaydigan yangi mahsulotlar, xizmatlar va sohalarni yaratishga olib keladi.

Bundan tashqari, ilmiy yutuqlar ko‘pincha jahon iqtisodiyotiga bevosita ta‘sir qiladi. Masalan, biotexnologiya, axborot texnologiyalari va qayta tiklanadigan energiya kabi sohalardagi yutuqlar yangi bozorlar va ish joylarining rivojlanishiga olib kelishi mumkin. Ushbu yangiliklar, shuningdek, iqlim o‘zgarishi, sog‘liqni saqlash inqirozi va resurslar tanqisligi kabi global muammolarni hal qilish imkoniyatiga ega.

Ilm-fanda yaratilgan yangiliklar, texnika va texnologiyalarning zamonaviy ko‘rinishlari jamiyatning iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy sohalariga jadal taqdim etilmoqda va bu orqali jamiyat va inson farovonligini ta‘minlanishiga ijobiy ta‘sir ko‘rsatmoqda. Bu jarayonlar zamonaviy axborot almashinuvi, yangi kommunikatsion texnologiyalarning salmoqli imkoniyatlari bilan bog‘liq holda global miqyosda tarqalmoqda va yangicha mohiyat kasb etmoqda. Bu esa, insonning texnika va

texnologiyalarni yaratish bilan bog'liq imkoniyatlari ko'lamining jadal kengayib borayotganligini ko'rsatadi [3, 169 b.].

Jamiyatda ilmiy-texnik taraqqiyot dolzarbligining eng ahamiyatli jihatlaridan biri ilmiy va texnikaviy taraqqiyotning natijasida aholi yashash sharoitida kelib chiqadigan ijobiy o'zgarishlarni keltirish mumkin. Jumladan, ilm-fan, texnika sohasidagi taraqqiyot sog'liqni saqlash, transport, aloqa kabi tizimlarida ham sezilarli o'zgarishlarni keltirib chiqaradi va natijada aholining ijtimoiy xizmatlardan foydalanish imkoniyatlari yanada kengayadi. Quyida ilmiy-texnik taraqqiyotning jamiyatga ta'sirini turli sohalarga ko'rib chiqish mumkin:

➤ tibbiyot va sog'liqni saqlash tizimidagi ilmiy-texnik taraqqiyot ilg'or tibbiy muolajalar, jarrohlik texnikasi, diagnostika va farmatsevtika vositalarini rivojlantirishga, bemorlarni parvarish qilish va kasallikni oldini olish natijalarini yaxshilashga, aholining salomatlik darajasi va umr ko'rish davomiyligini oshirishga xizmat olib keldi.

➤ qishloq xo'jaligi sohasiga oid fanlardagi ilmiy yutuqlar ekinlar hosildorligini oshiradi, chorvachilik sohasining yaxshilaydi va oziq-ovqat ishlab chiqarish usullarini takomillashtiradi va global oziq-ovqat xavfsizligi muammolarini hal qiladi.

➤ axborot kommunikatsiya texnologiyalarining rivoji esa internet va raqamli texnologiyalar yordamida axborot olish imkoniyatlarining kengayishiga, aholining jamiyatda bo'layotgan o'zgarishlardan xabardorlik holatini oshirishga imkon yaratadi.

➤ transport sohasidagi imkoniyatlarning kengayishi jamiyat a'zolari uchun qulay transport infratuzilmasi, tovar va xizmatlar aylanmasini yaxshilashga asos bo'lib xizmat qiladi.

➤ elektr-energiya sohasidagi amalga oshirilgan yangiliklar, yaratilgan texnologiya va vositalar hozirgi kunda global muammoga aylanayotgan resurslar yetishmovchiligi, yerosti va yerusti resurslarni qazib olishning yangi imkoniyat va texnologiyalarini yaratishga xizmat qiladi. Mazkur sohadagi kahsfiyotlarning ahamiyatini hozirgi kungacha amaliyotga tadqiq etilgan ilm-fan yutuqlarning keltirib chiqargan natijalaridan ham ko'rish mumkin: ushbu yutuqlar qayta tiklanadigan energiya manbalarini rivojlantirishga, quyosh energiyasi, shamol energiyasi kabi zararsiz energiya manbalaridan foydalanishga olib keldi.

Ammo ilm-fan va texnika sohasidagi yutuqlar faqat ijobiy oqibatlarni keltirib chiqaradi degan xulosaga kelish noo'rin. Rivojlanishning hozirgi bosqichida sanoat inqilobi boshlanganidan beri fan va texnika ijtimoiy-iqtisodiy jarayonga nafaqat

ijobiy, balki jiddiy salbiy hissa qo'shganligi ayon bo'ladi. Ekologik inqirozni kuchaytirish va ijtimoiy rivojlanishning beqarorligini oshirish urushlar va texnogen ofatlar bilan birgalikda barcha turdagi qurollarni sinovdan o'tkazishga yordam berdi. Bor ilm-fanning asosiy maqsadi tabiiy resurslarni iste'mol qilishga qaratilgan murakkab texnologiyalarni yaratishga aylanib qoldi. Natijada, sayyoramizning uchdan bir qismini jahon ishlab chiqarish tuzilishi va ekologiyasiga sezilarli ta'sir ko'rsatadigan sanoat va postindustrial rivojlanish turiga ega mamlakatlar egallay boshladi [4, 284 b.].

Quyida hozirgi kunda ilmiy-texnik inqilob natijasida yaratilgan kashfiyotlarning jamiyatga keltiradigan salbiy natijalaridan ba'zilarini ko'rib chiqamiz:

❖ avtomatlashtirish va sun'iy intellektidagi yutuqlar jamiyat a'zolari bo'lgan insonlar o'rtasida ishsizlikning kuchayishi va natijada aholi yashash sharoitining yomonlashuvi, insonlar shaxsiy hayotidagi notinchliklar, turli xil ruhiy zo'riqishlarga olib keladi. Dasturlash sanoati jadal taraqqiy etayotgan bir davrda, sun'iy intellekt tez orada ko'plab ta'lim xodimlarini ham o'rnini egallashi mumkin. Ma'muriyatni boshqarishdan tortib o'qitishgacha, u hamma narsa uchun yechimga aylana boshlaydi hamda ishsizlar soni yanada ortadi.

❖ ba'zi ilmiy va texnologik yutuqlar atrof-muhitning buzilishi va iqlim o'zgarishiga hissa qo'shadigan ifloslanishning ko'payishiga, yashil hududlar va tabiiy resurslarning kamayishiga olib keladi.

❖ ilmiy-texnik taraqqiyotning afzalliklari jamiyat bo'ylab teng taqsimlanmasligi mumkin, bu esa ilg'or texnologiyalarga ega bo'lganlar va bo'lmaganlar o'rtasida ijtimoiy tengsizlikning kuchayishiga olib keladi.

❖ texnologiyaning keng qo'llanilishi harakatsiz turmush tarzining ko'payishi, ekranga qaramlik, ruhiy salomatlik muammolari va zararli elektromagnit nurlanish kabi bir qator salomatlik bilan bog'liq muammolarni keltirib chiqaradi.

### **Xulosa**

Ilmiy faoliyat natijasida vujudga kelgan texnik vositalar, jamiyat a'zolarining farovon turmush tarzini ta'minlash uchun xizmat qiluvchi ilmiy-texnik taraqqiyot natijalarini amaliyotga tatbiq etishda ilmiy-texnik yutuqlarning salbiy oqibatlaridan kelib-chiqib yangi texnologiyalarni bekor qilish shart emas, aksincha, texnik yutuqlarni amaliy hayotga joriy qilayotgan vaqtda ijtimoiy omillariga murojaat qilmasdan qaror qilish mumkin emas.

## REFERENCES

1. “Ilm-fanni 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-oktabrdagi PF-6097-son farmoni. <https://lex.uz/ru/docs/-5073447>
2. J.Tulenov, G.Tulenova, K.Tulenova. Falsafa. To‘ldirilgan ikkinchi nashr. - T.: «Fan va texnologiya», 2016, 344 bet.
3. D.A.Alibekov. “Jamiyat taraqqiyotida ta’lim tizimiga innovatsion yondashuvning strategik ahamiyati”. Zamonaviy ta’limda pedagogika va psixologiya fanlari jurnali. 2023-yil 3-son.
4. Tsvyk AV. Scientific and technological development of modern society: the ethical aspect. RUDN journal of Philosophy. 2018; № 3: 281—290. (In Eng).
5. Azizov, Shodmonqul. Shaxs va jamiyat: Akad. lit. va kasb-hunar kollejlari uchun darslik /Mas’ul muharrir prof. I. Saifnazarov. – T.: «Sharq», 2010. – 240 b.
6. Ramatov, J., & Umarova, R. (2020). Theoretical and ideological sources of beruni's philosophical views. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11), 1974-1980.
7. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Khasanov, M., Sultonov, S., & Kushakov, F. (2022). MODERN REQUIREMENTS FOR THE SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE AND ITS MANIFESTATION IN PRACTICE. Academic research in educational sciences, 3(10), 582-586.
8. Ramatov, J., & Umarova, R. (2020). Theoretical and ideological sources of beruni's philosophical views. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11), 1974-1980.
9. Ramatov, J., & Umarova, R. (2021). Central Asia in IX-XII Centuries: Socio-political Situation, Spiritual and Cultural Development. Academicia Globe: Inderscience Research, 2(04), 148-151.
10. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Jurabayev, N., & Artikova, B. (2022, June). Constructive and optimal solutions for the formation of a stable ecological situation in the Aral Sea region of Uzbekistan. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2432, No. 1, p. 030113). AIP Publishing LLC.
11. Умарова, Р. (2015). Некоторые аспекты взаимоотношений природы, человека и общества во взглядах Абу Али Ибн Сино и Абу Райхан Беруни. Theoretical & Applied Science, (10), 127-129.

12. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
13. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
14. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. DIgitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – T. 12. – C. 209-218.
15. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – C. 145-150.
16. Olimovich A. K., Butabaev M., Kh S. D. PROJECT MANAGEMENT IN THE SYSTEM OF STRATEGIC COMPANY MANAGEMENT //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – T. 11. – №. 7. – C. 40-44.
17. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – T. 3. – №. 06. – C. 138-145.
18. Suyunov D. X., Xoshimov E. A. The main directions of development of the corporate governance system in Uzbekistan in modern conditions //Economics and Innovative Technologies. – 2019. – T. 2019. – №. 4. – C. 11.
19. Suyunov D., Kenjabaev A. Achievements And Problems in Further Development of The Digital Economy in UzbekistanScientific Considerations //Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. – 2023. – T. 1. – №. 7. – C. 38-45.

## SPORT MENEJMENTIDA RAQAMLI TEXNALOGIYALARNING O'RNI

**Azizbek Abdullajonovich Raxmonov**

f.f.d. (PhD)

“Alfraganus university” jismoniy tarbiya va sport fakulteti dekani

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada sport menejmentida raqamli texnologiyalarning o'rni va uning bugungi kundagi rivoji haqida so`z boradi.

**Kalit so`zlar:** menejment, sport, raqamli texnologiyalar

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье говорится о роли цифровых технологий в спортивном менеджменте и его развитии сегодня

**Ключевые слова:** менеджмент, спорт, цифровые технологии

### ABSTRACT:

This article talks about the role of digital technologies in sports management and its development today

**Keywords:** management, sports, digital technologies

Menejment – bu inglizcha so‘z bo‘lib, ingliz tilining Oksford lug‘atida berilgan ta’rifga binoan u: -insonlarning har qanday faoliyatidagi, shu jumladan, jismoniy tarbiya va sport faoliyatidagi boshqaruv hokimiyati va san’ati; -har qanday korxonalar, tashkilotlarda, shu jumladan, jismoniy tarbiya va sport tashkilotlarida resurslarni boshqarish bo‘yicha alohida mohirlik va ma’muriy ko‘nikmalar tushuniladi. Boshqaruv tushunchasi turli manbalarda turlicha talqin etiladi, lekin ularning umumiy ma’nosi tabiatda, jamiyatda, xalq xo‘jaligida, korxonalarda, tashkilotlarda, iqtisodiytexnikaviy sistemalarda, qo‘yinginki hayotimizda uchraydigan barcha taraddudlarni amalga oshirishda «tashkilot faoliyatida, shu jumladan, jismoniy tarbiya va sport faoliyatida natijaga samarali erishish uchun undagi barcha jarayonlarga maqsadli ta’sir ko‘rsatib borishni bildiradi». Boshqacha so‘z bilan aytganda, menejment — bu boshqaruv, ya’ni resurslarni, personal (odam)larni boshqarish, samarali faoliyat olib borish va foyda olishni bilish, uni ko‘paytirish jarayonidir, shu nuqtai nazardan boshqaruv bu o‘ziga xos yuksak san’at va mahoratni talab qiluvchi



tanlov, shu tanlov asosida qaror qabul qilish va uning bajarilishini nazorat qilishdir. Menejment ham yuqorida keltirilgan jarayonlarni amalga oshirishda maqsadli ta'sir ko'rsatib boradi, lekin uning boshqaruvdan tubdan farqi shundaki: «Menejment jamoadagi har bir personal (shaxs)ning jismonan va aqlan sog'lomligi, bilim, madaniyat, tajriba darajalarini, tashkiliy xulqining qay darajada rivojlanganini, qaysi shijoat (temperament)ga mansub ekanligini, insonga taalluqli barcha individual, psixologik, tashkilotchilik, jamoada o'zini tuta olish, o'z-o'zini topa olish va boshqa xususiyatlarini hisobga olgan holda, unga nisbatan faoliyat turlarini belgilaydi, rasmiy va norasmiy ishchi guruhlarini shakllantirishda uning bo'lajak a'zolarining barcha yutuq va kamchiliklaridan samarali foydalanish masalalarini hal etadi. Menejment har qanday jamoada uning a'zolari orasidagi o'zaro munosabatlar, jamoa bilan boshqa jamoalar orasidagi munosabatlar, jamoa bilan rahbar o'rtasidagi munosabatlar, boshqa korxonalar, hattoki xorijdagi hamkasblar orasida bo'ladigan ishchi munosabatlarni qanday bo'lishini ilmiy asoslab beradi». Jismoniy tarbiya va sport menejmentini jamiyatning iqtisodiy negizi bilan bog'lab, shu bilan birga boshqaruvning ikki: tashkiliy texnikaviy va ijtimoiy-iqtisodiy tomonlarini hisobga olgan holda o'rganish lozim.[4]

Bugungi kunda jamiyatimizning zamonaviy axborotlashgan sharoitida, ommaviy axborot vositalari va globallashtirish sodir bo'layotgan bir sharoitda inson faoliyatining barcha jabhalarida: iqtisodiyot, ishlab chiqarish, tibbiyot, sport va ta'limda qo'llaniladigan raqamli texnologiyalarni rivojlantirish davlat siyosatining muhim ustuvor yo'nalishiga aylanmoqda. Ushbu sohalarni raqamli transformatsiya qilish zarurati asosiy yo'nalishlarni ochib beradigan ommaviy axborot vositalari va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 27 iyundagi "Ommaviy axborot vositalari mustaqilligini ta'minlash hamda davlat organlari va tashkilotlari axborot xizmatlari faoliyatini rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori mamlakatning mazkur sohasini yanada rivojlantirishda g'oyat muhim qadam bo'ldi.[1]

Ma'lumki, jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanish odam organizmini har tomonlama jismonan rivojlanishi va mustahkamlanishi, fiziologik funksiyalarning takomillashtirishi va sog'lomlashtirishga olib keladi. Yurtimizda ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy taraqqiyoti istiqbolini belgilash, jahon hamjamiyati mamlakatlari safidan munosib o'rin egallashga intilish yo'lidagi keng ko'lamlil islohotlarni amalga oshirish bilan kechmoqda. Jahonning rivojlangan mamlakatlari tajribalarini o'rganish, mahalliy shart-sharoit, iqtisodiy va intellektual resurslarni inobatga olgan holda

jamiyat hayotining barcha sohalarida tub islohotlarning amalga oshirilayotganligi yangidan-yangi yutuqlarga erishishni ta'minlamoqda. Turli sohalarda yo'lga qo'yilayotgan xalqaro hamkorlik garchi o'z samarasini berayotgan bo'lsa-da, biroq, milliy mustaqillikni har jihatdan mustahkamlash, erishilgan yutuqlarni boyitish, mavjud kamchiliklarni tezkor bartaraf etish jamiyat a'zolaridan alohida fidokorlik, jonbozlik, shijoat va qat'iyat ko'rsatishni talab etmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli Farmoni, 2017 yil 20 apreldagi "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2909-son, 2017 yil 24 maydagi "Qishloq va suv xo'jaligi tarmoqlari uchun muhandis-texnik kadrlar tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3003-sonli, 2017 yil 30 iyundagi "Respublikada axborot texnologiyalari sohasini rivojlantirish uchun shart-sharoitlarni tubdan yaxshilash chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5099-sonli Qarorida belgilangan maqsad va vazifalar ta'lim sifatini yuksaltirishga qaratilgan. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 3 iyundagi "Jismoniy tarbiya va ommaviy sportini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori, shuningdek Prezidentning 2017 yilning 31 oktabr kunidagi "Jismoniy tarbiya va sport sohasida boshqarish tizimini takomillashtirish, ommaviy sportni rivojlantirish, iqtidorli sportchilarni tanlash va tarbiyalash, sohani malakali kadrlar 5 bilan mustahkamlash hamda zamonaviy sport inshootlarini barpo etish" masalalariga bag'ishlangan yig'ilishida belgilangan chora-tadbirlarda ko'rsatib o'tilgan talaba-yoshlarning darsdan bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazish bo'yicha o'rtasida voleybol sport turini yanada rivojlantirish va uning ommaviyligini oshirish, ular o'rtasida o'tkaziladigan musobaqalarning muntazamligini ta'minlash kabi vazifalarni belgilaydi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 5 martdagi "Jismoniy tarbiya va sport sohasidagi davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora - tadbirlari to'g'risida"ti PF - 5368 - sonli Farmoni hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 6 apreldagi "Davlat ta'lim muassasalari huzurida sport klublarini tashkil etish chora - tadbirlari to'g'risida"gi 542 - son qarorida belgilangan vazifalarini ijrosini ta'minlash hamda O'zbekiston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport vazirining 2018 yil 18 iyuldagi 14 - sonli q/q O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirining 2018 yil 18 iyuldagi 54 - sonli q/q ijrosini ta'minlash yuzasidan qabul qilingan qarorlar ommaviy sport turlarini rivojlantirishga xizmat qildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 20-iyundagi “Qo‘l jangi sport turini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PQ-287-sonli qarori hamda 2023 yil 3 noyabrdagi “Karate (wkf) sport turini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi ,PQ-356-son qarori ushbu sport turlarini rivoji uchun katta turtki bo‘lmoqda.

Jamiyatimizda zamonaviy axborot texnologiyalar orqali raqamli ta'limning tendentsiyasini yanada rivojlantirish hamda ishlab chiqarishning sifat jihatidan yangi modellarini yaratish, ta'lim, sog'liqni saqlash, davlat boshqaruvi, odamlar o'rtasidagi aloqa formatini o'zgartirish imkonini beradigan va butun jamiyat taraqqiyotini yangi paradigmasini belgilaydi. Jamiyatning hozirgi rivojlanish darajasida raqamli texnologiyalardan foydalanish jarayoni, birinchi navbatda, faoliyatdagi asosiy funksiyalarning raqamli transformatsiyasini nazarda tutadi, ya'ni, ishlab chiqarish va boshqaruvda yangi raqamli operatsion va biznes modellariga o'tish. Xuddi shunday, ta'limdagi raqamli transformatsiya nafaqat o'qitish usullari va vositalarini, balki kompetentsiya modelidagi o'zgarishlarni, ta'lim dasturining semantik modelidagi o'zgarishlarni, o'qituvchi faoliyatini baholashga yondashuvlarni o'z ichiga olgan ta'lim jarayonini to'liq qayta qurish deb tushunilishi kerak. Shuningdek, ta'lim muassasasida muntazam jarayonlarni raqamli boshqarish: kadrlar nazoratlari, o'quv yuklamalarini boshqarish, moliyaviy menejment, hujjatlarni boshqarish, ya'ni ta'lim tashkiloti bo'linmalarining barcha faoliyati: o'quv, uslubiy, ilmiy tadqiqot va boshqalar.

Mamalakatimizda koronavirus infeksiyasi (COVID-2019) tarqalishi munosabati bilan umumta'lim muassasalari va xususan, jismoniy tarbiya va sport oliy ta'lim muassasalri uchun zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish zarurati tug'ilganda va ularni masofaviy ta'lim shakllariga o'tkazilishi jiddiy sinov bo'ldi. O'quv jarayonidagi zamonaviy raqamli axborot texnologiyalari, ular nafaqat o'quv jarayonini, balki imtihonlarni o'tkazish, bitiruv malakaviy ishini himoya qilish va boshqa tadbirlarni qamrab olishi kerak edi. Bu esa ko'p hollarda universitetlar va ayniqsa o'qituvchilar o'quv jarayonida raqamli axborot resurslarini yaratish va ulardan foydalanish bilan bog'liq qiyinchiliklarga duch kelishdi. Shuning uchun jismoniy tarbiya va sport sohasini raqamli o'zgartirish tajribasini tahlil qilish va umumlashtirish masalalari, birinchi navbatda, zamonaviy raqamli ta'lim resurslarini (yangi avlod didaktik materiallari) yaratish va ulardan foydalanish bilan bog'liq masalalar. jismoniy tarbiya oliy o'quv yurtlarining o'quv jarayonida ham, umuman jismoniy tarbiya va sport sohasida ham bo'lajak mutaxassislar tayyorlanadigan ishlar uchun alohida ahamiyat kasb etadi. Bu sohadagi tadqiqotning asosiy maqsadi

jismoniy tarbiya va sport sohasini raqamli o'zgartirish tajribasini tahlil qilish va umumlashtirishdan iborat bo'ldi. Jismoniy tarbiya va sport sohasidagi tadqiqotni quyidagi usullardan foydalanildi: ilmiy va uslubiy adabiyotlarni tahlil qilish, jismoniy tarbiya va sport sohasidagi raqamli axborot texnologiyalarini yaratish va ulardan foydalanish bo'yicha metodlari o'rganilindi. Zamonaviy raqamli axborot texnologiyalarining paydo bo'lishi pedagogikaning kontseptual apparatining rivojlanishiga turtki bo'ldi, chunki bu sohaning yetakchi mutaxassislaridan biri, Rossiya Ta'lim Akademiyasi akademigi I.V.Robert pedagogika: raqamli axborot texnologiyalari".[2] Rossiya Ta'lim Akademiyasi akademigi I.V.Robert maqolalar, monografiyalar va ilmiy konferensiyalarda "ta'limni raqamlashtirish" iborasini ishlatishdan ogohlantirib, buni "...raqamli" sifatdoshining mohiyati faqat ba'zi ma'lumotlar yoki ma'lumotlarni taqdim etishni anglatishi mumkinligi bilan asoslaydi ( matnli, yoki audiovizual, yoki jadvalli va hokazo) raqamli shaklda, lekin hech kim raqamli formatda o'qitish, tarbiyalash va ma'rifat jarayonlarini o'rganuvchi pedagogika fanini ifodalay olmaydi".[3]

Tez sur'atlar bilan rivojlanayotgan sport dunyosida innovatsiyalar va moslashish qobiliyati jamoani muvaffaqiyatli boshqarishning muhim omilidir. Doimiy ravishda yangi texnologiyalarni joriy etish, o'qitishning ilg'or usullarini qo'llash va zamonaviy boshqaruv amaliyotini rivojlantirish nafaqat joriy natijalarni yaxshilash, balki jamoaning uzoq muddatli rivojlanishi va raqobatbardoshligini kafolatlaydi.

Bugungi kunda Sport **raqamli texnologiyalar**siz tasavvur qilib bo'lmaydi. Chunki zamonaviy texnologiyalar yordamida sportchilar natijasi yana oshib bormoqda, murabbiylar ishi yengillashmoqda. Xar bir musobaqa jarayoni bo'ladimi, mashg'ulot jarayoni bo'ladimi, unda albatta **raqamli texnologiyalar** ishtirok etmoqda. Xar bir sportchini jismoniy tayyorgarligini, natijasini va tahminiy kutilayotgan natijani **raqamli texnologiyalarni** orqali analiz qilib boriladi.

Sportdagi **raqamli texnologiyalarning** kirib kelishi eng avvalo murabbiy va sport menegerlariga, hamda sport hakamlariga yaqindan yordam berib, ularning ishlari engillashtirib va mukammallashtirib kelmoqda.

Sportchi ma'lumotlari va ish faoliyatini o'rganish uchun tahliliy vositalardan foydalanish zamonaviy sport olamida odatiy holga aylanib bormoqda. Bunga o'yin strategiyalarini tahlil qilish:

- o'yin strategiyalarini tahlil qilish uchun dasturlardan foydalanish
- jismoniy tayyorgarlik monitoringi,

- sportchilarning psixologik holatini baholash.

Bunday yondashuv murabbiylar va menejerlarga nafaqat sezgi, balki aniq ma'lumotlarga asoslangan holda qaror qabul qilish imkonini beradi.

O'quv jarayoniga **raqamli texnologiyalarni joriy etish** innovatsiyalarning yana bir jihati hisoblanadi. O'yin lahzalari va simulyatsiyalarini vizualizatsiya qilish uchun VR texnologiyalaridan foydalanish, shuningdek, taraqqiyotni kuzatish va mashg'ulot rejimlarini boshqarish uchun mobil ilovalar ko'nikma va taktikani takomillashtirish uchun yangi ufqlarni ochadi.

Bundan tashqari, moslashuvchan boshqaruv va murabbiylik kabi zamonaviy boshqaruv amaliyotlarini o'zlashtirish muhimdir. Bu sport muhitidagi o'zgarishlarga va jamoaning ehtiyojlariga tezda javob bera oladigan yanada moslashuvchan va sezgir boshqaruv tuzilmasini yaratishga yordam beradi.

Sport jamoasini boshqarishda yangilik va moslashish qobiliyati nafaqat tendentsiyalarga rioya qilish, balki sportning kelajagini shakllantirishda faol ishtirok etishdir. Bu yangi g'oyalarga ochiqlikni, tajriba o'tkazishga tayyorlikni va doimiy ravishda yaxshilash istagini talab qiladi.

Top-menejerlar tomonidan tavsiya etilgan sport jamoalarini boshqarish strategiyalari yuqori natijalarga erishish uchun kompleks yondashuvni ifodalaydi. Maqsadlarni belgilashdan tortib innovatsiya va moslashishgacha bo'lgan boshqaruvning har bir jihati o'ziga xos ahamiyatga ega. Ushbu strategiyalarni qo'llash orqali siz jamoangizning ish faoliyatini sezilarli darajada yaxshilashingiz va sport sohasida yangi cho'qqilarni zabt etishingiz mumkin.

Xulosa qilib aytganda ilmiy-metodik adabiyotlar tahlili va jismoniy tarbiya va sport sohasida raqamli axborot texnologiyalaridan foydalanish tajribasini umumlashtirish shuni ko'rsatdiki, bugungi kunda jismoniy tarbiya rivojlanishining asosiy tendentsiyasi ta'lim texnologiyalarining raqamli transformatsiyasi bilan bog'liq. ta'lim maqsadlari, mazmuni, usullari va tashkiliy shakllariga sezilarli ta'sir ko'rsatadigan zamonaviy raqamli axborot texnologiyalarini ishlab chiqish va o'quv jarayonida foydalanishni nazarda tutadi. Ta'lim jarayonida yaratilgan va foydalanilayotgan raqamli ta'lim resurslari jismoniy tarbiya va sport bo'yicha mutaxassislar tayyorlash tizimida o'z samaradorligini ko'rsatdi, biroq bu yo'nalishdagi dastlabki qadamlardir, chunki jismoniy tarbiyaning raqamli transformatsiyasi ta'lim tizimini jiddiy qayta qurishni talab qiladi. jarayon, uning raqamli transformatsiyasi, bu nafaqat ta'lim jarayonida raqamli ta'lim resurslarini ishlab chiqish va ulardan foydalanishni, balki axborot ta'lim muhitini, shu jumladan



texnik resurslarni (kompyuterlar, planshetlar, mobil qurilmalar, Internet, video) yaratishni ham o'z ichiga oladi. tizimlar, multimedia proyektorlari va boshqalar), jismoniy tarbiyaning o'ziga xos xususiyatlarini aks ettiruvchi raqamli ta'lim resurslari va universitetdagi ishning asosiy yo'nalishlarida, masalan, o'quv yuklamasi, nashrlar, moliyaviy menejment, hujjat aylanishi, o'quv , ilmiy-uslubiy faoliyat, talabalarni ishga qabul qilish tizimi va hokazo.. O'quv va o'quv jarayonini tezkor baholash va sozlash imkonini beruvchi zamonaviy dasturiy-texnik tizimlardan foydalanish.

## REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 27-iyundagi "Ommaviy axborot vositalari mustaqilligini ta'minlash hamda davlat organlari va tashkilotlari axborot xizmatlari faoliyatini rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4366-son qarori. <https://lex.uz/docs/-4390513>
2. Роберт И.В. Теория и методика информатизации образования (психологопедагогический и технологический аспекты). ИИО РАО. М.: - 2007
3. Роберт И.В., Козлов О.А. Концепция комплексной многоуровневой и многопрофильной подготовки кадров информатизации образования. – М.: ИИО РАО, 2005, 4 п.л.
4. Nabiullin R.X. Sport menejmenti asoslari. O'quv qo'llanma. –Т., 2023. – 354b.



## O'ZBEKISTONDA YOSHLAR FAOLLIGIDAGI YANGICHA DUNYOQARASH

**Mahruya Abdulhayovna Hakimova**

siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD)

TIQXMMI – Milliy tadqiqot universiteti katta o'qituvchisi

### ANNOTATSIYA:

Mazkur maqolada fuqarolik jamiyati asoslari shakllanayotgan Respublikamizda yoshlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini yuksaltirish, ularda millat, xalq va jamiyat oldidagi burch hamda mas'uliyatini yurakdan his qilish tuyg'ularini kamol toptirish hamda ularning ongu shuurida mustahkam hayotiy pozitsiyasi e'tiqodini hamda maslagini shakllantirish haqida so'z boradi. Shu bilan birga yoshlar tafakkuridagi o'zgarishlar Yangi O'zbekistonni jahon hamjamiyatidan munosib o'rin olishida muhim ahamiyatga ega ekanligi aytib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** Yangi O'zbekiston, Yoshlar ishlari Agentligi, O'zbekistonning taraqqiyot Strategiyasi, Harakatlar Strategiyasi, fuqarolik jamiyati, qonun ustuvorligi, yoshlar tafakkuri, siyosiy faollik, jamoat tashkilotlari, milliy qadriyatlar, milliy o'zlikni anglash.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье в нашей республике, где формируются основы гражданского общества, ставится вопрос о повышении общественно-политической активности молодежи, развитии у нее чувства долга и ответственности перед нацией, народом и обществом. , и о формировании в их сознании убеждений и идеала сильной жизненной позиции. При этом отмечалось, что изменения в мышлении молодежи важны для того, чтобы Новый Узбекистан занял достойное место в мировом сообществе.

**Ключевые слова:** Новый Узбекистан, Агентство по делам молодежи, Стратегия развития Узбекистана, Стратегия действий, гражданское общество, верховенство закона, молодежное мышление, политическая деятельность, общественные организации, национальные ценности, осознание национальной идентичности.

**ABSTRACT:**

In this article the word goes on increasing the social and political activity of young people in our Republic, where the foundations of civil society are being formed, about developing their sense of duty and responsibility towards the nation, the people and society, and about forming the belief and ideal of a strong life position in their consciousness. At the same time, it was mentioned

o‘rin olib borayotgan O‘zbekistonda ijtimoiy sohani rivojlantirish, that changes in the thinking of young people are important for New Uzbekistan to take a worthy place in the world community.

**Key words:** New Uzbekistan, Youth Affairs Agency, Development Strategy of Uzbekistan, Strategy of Actions, civil society, rule of law, youth thinking, political activity, public organizations, national values, awareness of national identity.

Rivojlangan jamiyatlar qatoridan aholi real daromadlarini izchil oshirib borish, ijtimoiy himoya va sog‘liqni saqlash tizimini takomillashtirish, yoshlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, ijtimoiy infratuzilmalar tarkibini takomillashtirish, ta‘lim, madaniyat, ilm-fan va sport sohalarini rivojlantirishga qaratilgan dasturlar tasdiqlanib, hayotga izchillik bilan tatbiq qilinmoqda. Bu o‘z navbatida, yangicha dunyoqarash va demokratik tafakkurga ega bo‘lgan yoshlarning yangi avlodi shakllanishi uchun mustahkam tayanch vazifasini bajaradi. Ayni paytda, “Yoshlarga oid davlat siyosati”da belgilab qo‘yilgan dolzarb vazifalarni izchil va tizimli, bosqichma-bosqich amalga oshirishning yo‘llari va vositalari ishlab turibdi. Bu haqda Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev: “Yoshlarimiz haqli ravishda Vatanimizning kelajagi uchun javobgarlikni zimmasiga olishga qodir bo‘lgan, bugungi va ertangi kunimizning hal etuvchi kuchiga aylanib borayotgani barchamizga g‘urur va iftihar bag‘ishlaydi”[1] – deb ishonch bildirishi bejiz emas. Zero, mamlakatimiz kelajagi yoshlarimizga qaratilayotgan e‘tibor yoshlarni fuqaro sifatida tarbiyalash va ularning vatanni muhofaza qilish yo‘lidagi muqaddas burchini anglashga zamin yaratadi. Respublikamizda 2024 yilni “Yoshlar va biznesni qo‘llab-quvvatlash yili” deb e‘lon qilinishidan maqsad ham jamiyatimizda “Inson qadrini ulug‘lash, aholimiz manfaatlarini ta‘minlash, buning uchun kuchli iqtisodiyot barpo etish bizning asosiy vazifamiz” [2] deb ta‘kidlanishi o‘ziga xos ma‘no kasb etadi.

Dunyo miqyosidagi murakkab jarayonlarni va jamiyatimizda yuz berayotgan o‘zgarishlarni tahlil qilgan holda “Inson qadri uchun” tamoyili xalqimizning farovonligini yanada mustahkamlash, iqtisodiyot yo‘nalishlarini transformatsiya

qilishi va Respublikamizda tadbirkorlikni rivojlantirish, inson huquqlari va manfaatlarini ta'minlash hamda qonun ustuvorligi asosida fuqarolik jamiyatini rivojlantirishga qaratilgan islohotlar O'zbekistonda amalga oshirilayotgan o'ziga xos taraqqiyot strategiyasini vujudga keltirdi. Prezident ta'kidlaganidek – “Inson qadri deganda, biz, avvalo, har bir fuqaroning tinch va xavfsiz hayot kechirishini, uning fundamental huquq va erkinliklarini ta'minlashni nazarda tutamiz. Inson qadri deganda, biz har bir fuqaro uchun munosib turmush sharoiti va zamonaviy infratuzilma tashkil etishni ... tushunamiz” [3].

Fuqarolik jamiyati asoslari shakllanayotgan Respublikamizda, yoshlarimizning ijtimoiy-siyosiy faolligini yuksaltirish, ularda millat, xalq va jamiyat oldidagi burch hamda mas'uliyatini yurakdan his qilish tuyg'ularini kamol toptirish hamda ularning ongu shuurida mustahkam hayotiy pozitsiyasini e'tiqod hamda maslakni shakllantirish bugungi kunning muhim vazifalaridan biridir.

Yoshlar va ijtimoiy taraqqiyot xususida o'ylar ekanmiz, jamiyatda ijtimoiy faol, ijtimoiy-siyosiy jarayonlarga munosabat bildira oladigan, unda ishtirok eta oladigan, ushbu jarayonlar samaradorligini oshira oladigan, butun imkoniyatini ishga soladigan yoshlar qatlamini siyosiy tafakkurini o'stirish lozim. Insonning murg'ak yoshidan yetarli darajada biologik, fiziologik va intellektual rivojlanishini ta'minlash jamiyatda aholining ijtimoiy-siyosiy faol qatlamining imkoniyatlarini kengayishiga yoki boshqacha qilib aytganda, jamiyat ma'naviy qiyofasining barkamollashishiga, intellektual salohiyatining rivojlanishiga, aqliy qudratining takomillashishiga olib keladi. Koshifiy o'zining Axloqi Muhsiniy asarida yozishicha, Parviz o'z o'g'liga shunday nasihat qilgan ekan: “Ey farzand, sen ra'iyatga hokimsan, huddi shunday aqling ham senga hokim. Ra'iyat sening farmoningdan chiqmagani kabi, sen ham ulardek aqling hukmidin chetga chiqmagin. Muhim ishni bajarish senga to'g'ri kelsa, shoshilmay va aql hukmi bilan maslahat qilgin” [4].

Biz jamiyatga qarab istiqbolni belgilaydigan va ijtimoiy mo'ljallarni aniq hisobga oladigan avlodga tayanamiz. Bu esa bevosita bilim va tafakkurni taqozo etadi. Chunki, hamma vaqt aqlli insongina mo'ljallarni belgilashda adashmaydi, mavjud ijtimoiy jarayonlarni to'g'ri baholay biladi va unga munosabat bildira oladi. Ana shunday kishigina jamiyat oldidagi javobgarlikni va o'z xatti-harakatlari uchun mas'uliyatni chuqur anglaydi. Demak, intellektual jihatdan baquvvat shaxsda jamiyat ishi uchun dahldorlik tuyg'usi, millat taqdiri uchun javobgarlik hissi, burch va mas'uliyat tushunchalari yorqinroq namoyon bo'ladi. Shu ma'noda, Bedil

“Aqlsiz iymon xuddi oynasiz javohirday asossiz (mavhumi) yo‘q naqshdir va aqlsiz hayo xuddi manbai bo‘lmagan suv kabi ma‘dum-yo‘qlikdir”[5], – deb ta‘kidlaydi.

Bugun biz yoshlar haqida, yoshlarning dunyoqarashi, ma‘naviy-axloqiy olami, odam va olam, inson va jamiyat xususidagi fikrlari haqida o‘ylar ekanmiz, ularning har tomonlama barkamol bo‘lishini ta‘minlashimiz zarur. Bu esa o‘z-o‘zidan yuksak bilim saviyasini egallashni, fan yutuqlarini o‘zlashtirishni, ma‘rifatli va barkamol shaxs bo‘lishini taqozo etadigan xodisa.

Har qanday mamlakatning taraqqiyoti davomida yosh avlod bilan bog‘liq muammolar yuzaga keladi. Bunday muammolar ichida eng dolzarblari, eng muhimlari ajralib turadi va bular yoshlar muhitida mavjud turli moyillik va o‘ziga hosliklarni ifodalaydi. Chunonchi, yoshlar o‘z hayotlarini asosiy jihatlariga, ayniqsa, siyosiy jarayonlar, ijtimoiy maqom, madaniyatlilik darajasi, ta‘lim-tarbiya, ijtimoiy muassasalarning ahvoriga bevosita ta‘sir ko‘rsatuvchi omillarga befarq emas. Shu bilan birga ularni ma‘lum davr nuqtai nazaridan o‘zgartirishga, rivojlantirishga, yangi mazmun kasb etishga o‘zlarida moyillik sezishadi. Yoshlarda tashabbuskorlik, tashkilotchilik, siyosiy jarayonlarga sezgirlik, harakatlardagi ildamlilik va sog‘lom fikrlashga intilish kabi fazilatlarini tarbiyalash ularning ijtimoiy-siyosiy faolligini ta‘minlaydi.

Yoshlar muhitida mavjud bo‘lgan bunday jihatlar aksariyat hollarda e‘tibordan chetda qolib ketishi mumkin, ya‘ni ko‘pincha yoshlarga siyosiy bilimi, tajribasi yetarli bo‘lmagan, har qanday ishni uddalay olmaydigan, hali pishib yetilmagan navnihol deb qaraladi va ularning real ijtimoiy-siyosiy faolligi, jamiyatni zamon talablariga mos ilg‘or texnologiyani amaliyotga tadbiiq etib, yangi kuch sifatidagi roli unutib qoldiriladi. Shu bilan bir qatorda, yoshlarning jamiyatdagi barqarorlikka ziyon yetkazadigan xatti-harakatlari va faoliyatlariga ayrim hollarda beparvo qarashlar ham mavjud. Bunday qarama-qarshi tendensiyalar vaziyatini imkoni boricha o‘rganish, tahlil va tadqiq etishni, shuningdek, ushbu jarayonda vujudga keluvchi muammolarni aniqlab, ularni hal etish yo‘llari xususida tegishli xulosalar chiqarishni taqozo etadi.

Mamlakatimizda yoshlar hayotiga doir qonunlar qabul qilishi, ularning haq-huquqlari belgilab berilishi, va albatta, har bir yoshning mazkur jamiyat fuqarosi sifatida siyosatda faol ishtirok etishini e‘tiborga olish yoshlarni barkamol avlod qilib tarbiyalash omili sifatida namoyon bo‘lmoqda. Demak, yoshlarni siyosiy faolligini oshirish, siyosiy madaniyatlilik darajasining ko‘tarilishi, ularning barkamol avlod sifatida shakllanishini ta‘minlaydi. Shu o‘rinda yoshlarni barkamol avlod darajasiga ko‘tarilishi, siyosiy faol fuqaroga aylanishida siyosiy ta‘lim-tarbiyaning to‘g‘ri

amalga oshirilishi har jihatdan muhim. Siyosiy ta'lim-tarbiya – bu ijtimoiy-siyosiy faoliyatda amaliy iqtidorining tarkib topishi, siyosiy harakat, faol hayotiy pozitsiyani vujudga keltirishidir. Shu o'rinda, mamlakatda mavjud jamoat tashkilotlarini faoliyatini takomillashtirish zaruriyati paydo bo'ladi. Bu tashkilotlar yoshlarni qiziqishlari, intilishlari, turli sohalardagi qobiliyatlarini ro'yobga chiqarish imkoniyatini yaratib berish vositasi hisoblanadi.

Jamiyat hayoti sermazmun va murakkab ko'rinishga ega bo'lib, bu turli ijtimoiy qatlamlar o'rtasidagi munosabatlarda ular manfaatlarini ifoda etuvchi siyosiy tuzilmalar faoliyatida namoyon bo'ladi. Bu fikrlar xilma-xilligi va plyuralizm bilan bog'liq, albatta. Hayotimizning barcha soha va tarmoqlarida, Vatan himoyasidek sharaflil vazifani ado etishda millionlab yoshlarimiz sadoqat va fidoyilik bilan xizmat qilmoqda. Siyosiy saviyasi etuk, mustahkam fuqarolik pozitsiyasiga ega yuzlab yigit-qizlar parlamentimiz va xalq deputatlari mahalliy kengashlarining a'zosi sifatida davlat va xo'jalik boshqaruvi organlari hamda mahalliy hokimiyat idoralarida rahbarlik lavozimlarida faoliyat ko'rsatmoqda[6].

Bu haqda Prezident Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganidek: “Bugungi tez o'zgarayotgan dunyo insoniyat oldida, yoshlar oldida yangi-yangi, buyuk imkoniyatlar ochmoqda. Shu bilan birga, ularni ilgari ko'rilmagan turli yovuz havf-xatarlarga ham duchor qilmoqda. G'arazli kuchlar sodda, g'o'r bolalarni o'z ota-onasiga, o'z yurtiga qarshi qayrab, ularning hayotiga, umriga zomin bo'lmoqda. Bunday keskin va tahlikali sharoitda biz ota-onalar, ustoz-murabbiylar, jamoatchilik, mahalla-ko'y bu masalada hushyorlik va ogohlikni yanada oshirishimiz kerak. Bolalarimizni birovlarining qo'liga berib qo'ymasdan, ularni o'zimiz tarbiyalashimiz lozim” [7]. Binobarin, Prezident ta'biriga ko'ra, milliy ma'naviyatimizga mutlaqo begona bo'lgan zararli g'oyalar, tushuncha va qarashlar chegarani buzmasdan, bildirmasdan, ta'bir joiz bo'lsa, “chaqirilmagan mehmon” bo'lib xonadonimizga, jamiyatimizga, eng yomoni, murg'ak bolalarimizning pokiza qalbi va yuragiga kirib kelmoqda. Bularning barchasi biz uchun ogohlik qo'ng'irog'i bo'lib yangrashi zarur.

Shuni alohida qayd etish joizki, ma'naviyatimiz uchun eng katta xavf – bu aksariyat odamlarimizdagi loqaydlik va beparvolik kuchayib borayotganida, desak, bu ham ayni haqiqat bo'ladi. Siyosatshunoslar o'rtasida: “Sen uxlaganingda, dushman uyg'oq bo'ladi”, degan gap bor. Ayniqsa, hozirgi zamonda, boshqa xalqlar katta-katta marralar sari intilayotgan bir paytda ma'naviy jihatdan g'aflatga botib, “uxlab yotish”ga, loqayd bo'lishga hech kimning haqqi yo'q. Barcha fojea va muammolar, Vatanga, millatga, kelajakka xiyonat aynan loqaydlikdan boshlanadi.



Shu bilan birga Shavkat Mirziyoyev o'z fikrini davom ettirar ekan, yana bir bor aytaman, dunyodagi qaltis vaziyat, siyosiy “o‘yin”lar barchamizni sergaklikka undashi kerak. Ma'naviy-ma'rifiy sohada oldimizda turgan eng muhim vazifa shuki, jahonda kechayotgan geosiyosiy va mafkuraviy jarayonlarni chuqur tahlil qilib, ulardan xulosa chiqargan holda, yo‘limizni to‘g‘ri tanlashimiz zarur ekanligini barcha yurtdoshlrimizga ogohlik sifatida aytib o‘tgani bejiz emas. Davlat va jamiyat qurilishi borasida bu yo‘nalishlarda olib borilayotgan ishlar Taraqqiyot Strategiyasidan kelib chiqadigan vazifalarda o‘z aksini topmoqda.

O‘zbekistonda 30 yoshgacha bo‘lgan yoshlar soni 18 milliondan ortiqligi ta’kidlagan holda, bu aholining qariyb 55 foizini tashkil etishini [8] aytib o‘tish o‘rinli. Zamon talablarini ilg‘ash va amalga oshirish, soha va tarmoqlarni etakchi darajaga olib chiqishda bu juda katta tayanch, bebaho xazinadir.

Shu bilan birga, yoshlar jamiyatdagi ijtimoiy-siyosiy munosabatlarda ishtirok etish ko‘nikmalarining endigina shakllanayotgan qatlam bo‘lib, ularga ta’sir ko‘rsatish osonroq kechadi. Ular jamiyatda amalga oshirilayotgan islohotlarning davomiyligi va barqarorligini ta’minlab beruvchi, uning istiqbolini belgilovchi yetakchi kuch sanaladi. Yoshlar jamiyatning serg‘ayrat, shijoatkor, intiluvchan va tashabbuskor qatlami bo‘lib, ular faoliyatini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish jamiyatdagi islohotlarni yanada demokratlashishiga sabab bo‘ladi.

Ko‘rinib turibdiki, yoshlar jamiyat hayotida o‘zining muhim o‘rniga ega va o‘z taqdiri haqida qayg‘uradigan har bir millat, avvalo, yoshlar masalasiga alohida e’tibor qaratishi tabiiy. Shuning uchun har millat va har bir davlat o‘z yoshlari ijtimoiy qiyofasining shakllanishiga befarq bo‘lmagan. Hozirgi kunda ham yoshlar turli sohalardagi tadqiqotlarning ob’ektiga aylanib bormoqda.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki, yuqorida keltirilgan fikrlar, shubhasiz, Yangi O‘zbekiston sharoitida yoshlarning xarakterida, ularning ma’naviy ichki dunyosida shakllangan fazilatlar bo‘lib, yoshlarimiz o‘zlarining shu jihatlari orqali dunyoda o‘zbek millatini namoyon etmoqdalar. Bu fazilatlarni yoshlarimizda yanada kengroq rivojlantirish va to‘g‘ri yo‘naltirib borish barkamol avlodni tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi.

## REFERENCES:

1. Sh.Mirziyoyev. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. Toshkent - «O‘zbekiston» - 2017. 145 – bet.



2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston xalqiga yangi yil tabrigi. <https://president.uz/uz/lists/view/4105>. 31.12.2023, 23:55
3. Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi asosida demokratik islohotlar yo‘lini qat’iy davom ettiramiz. Yangi saylangan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning lavozimga kirishish tantanali marosimiga bag‘ishlangan Oliy Majlis palatalari qo‘shma majlisidagi nutqi
4. Koshifiy H. V. Axloqi Muhsiniy. “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”. Davlat ilmiy nashriyoti. 2010. -B. 122.
5. Mo‘minov I.M. Tanlangan asarlar. T.1. – T., 1969. – B.94.
6. Shavkat Mirziyoyevning Yoshlar kuni munosabati bilan O‘zbekiston yoshlariga tabrigi. 29.06.2020.
7. Mirziyoyev Sh. Milliy tarqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. – T.: “O‘zbekiston”, 2017. 124-bet.
8. Mirziyoyev Sh. Milliy tarqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. – T.: “O‘zbekiston”, 2017. 124-bet.

## MODERN METHODOLOGY OF FOREIGN LANGUAGE TEACHING

**Latofat Uktamovna Halikova**

Tashkent State transport University

Teacher of the Department “foreign languages”

### ABSTRACT:

This article discusses the methodology of foreign language teaching and the types of modern creative methods used in the methodology of foreign language teaching and their use.

**Keywords;** Foreign language, teaching, methods, teaching methods, speaking skills, innovation, methodology, innovation, foreign language, communication, skills, competence, didactics, intercultural communication.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье рассматривается методика преподавания иностранного языка, виды современных творческих методов, используемых в методике преподавания иностранного языка, и их использование.

**Ключевые слова:** Иностранный язык, преподавание, методы, методы обучения, разговорные навыки, инновации, методика, инновации, иностранный язык, общение, навыки, компетентность, дидактика, межкультурное общение.

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada chet tilini o'qitish metodikasi va chet tilini o'qitish metodikasida qo'llaniladigan zamonaviy ijodiy metodlar turlari va ulardan foydalanish masalalari muhokama qilinadi.

**Kalit so'zlar:** Chet tili, o'qitish, metodlar, o'qitish usullari, nutq mahorati, innovatsiya, metodologiya, innovatsiya, chet tili, muloqot, malaka, kompetentsiya, didaktika, madaniyatlararo muloqot.

### INTRODUCTION

Modern educational development has given rise to a new direction of innovative pedagogy. Innovative - means "introduction (dissemination) of innovation" in English. The socio-psychological aspect of innovation was developed by the American researcher E. Rogers. He studied the classification of innovation

process participants, their attitude to innovation, etc. The concepts of novelty and innovation are mutually different in scientific areas. "Innovation" means a tool, a new method, methodology, technology. "Innovation" is a process that develops according to certain stages of education. The development of world science is growing and developing day by day. It is this positive development that has had an impact on our country. Advanced innovative technologies are being applied to our world of science. As a result of this, our President named this year as "Year of Youth Support and Public Health", which increased the responsibility of our country's youth. It would not be wrong to say that the widespread application of advanced, modern innovative technologies in the fields of education has opened the door to many opportunities and achievements for young people learning foreign languages.

Our literature consists of foreign and domestic literature, and is mainly collected on the basis of the topic of our article. Whether we learn a foreign language at school or independently from audio, video or various Internet sites, the goal is directed to one thing, that is, to speak, think, and exchange information in our new language. meet the need. At this point, it is possible to cite a number of hypotheses of Stefan Krashen, professor of the University of Southern California, theoretician on teaching foreign languages, in the development of speaking skills.

Language learning is one of the most important areas in human society. Language, which is a means of communication, can be acquired practically in a natural environment, i.e. in the family, in the community or in an organized manner. Knowledge of language phenomena is taught theoretically. Knowledge of languages, especially multilingualism, is of great importance in our time of increased international relations. Pupils and students studying in our country usually study three languages. These languages are referred to by special names. These are: mother tongue, second language, and foreign language. The mother tongue is the first language that plays a special role in the formation of thinking. When talking about the second language, it is considered as the language of brothers and neighbors of other nationalities..

A foreign language is the language of a foreign country. Western European languages (English, Spanish, German, French) and Eastern languages (Arabic, Turkish, Persian, Chinese, Indian) are taught in our republic. These languages are included in the curricula of educational institutions. The process of teaching all three languages is different. The mother tongue and the second language are learned in a natural situation, and a foreign language is learned in an artificial environment.

Communication in a foreign language mainly takes place in the classroom under the guidance of the teacher. Among the three languages, learning and teaching a foreign language differs sharply in certain aspects. This, in turn, requires the use of appropriate foreign language teaching technology. By carefully mastering the achievements of the methodical science, the foreign language teacher is able to clearly know the standard of language experience of the student and to improve it further. Effective teaching of foreign languages requires knowledge of its methodology. Learning and teaching foreign languages largely depends on the theoretical development of foreign language teaching methodology issues and the creative application of theory in practice.

The subject of the methodology is the process and methods of education through the subject of a foreign language, the science of teaching a foreign language, the study of teacher and student activity is considered the subject of the methodology.

The main concepts of methodology - method, method, principle. Didactics - what do we teach? is the content of teaching. Methodology – how do we teach? means educational methods and methods. Method - the concept of methodology is derived from the Greek-Latin word "methodos-"methodus" and means the means of ways leading to a certain goal, a method. The narrow and broad meaning of the term can be found in various literature. The term "methodology" in a narrow sense means the concept related to the concrete lesson process of education. It is defined as a controlled teaching process that includes instructions related to the planning of lessons and the preparation of teaching materials. The term "method" broadly refers to the selection, classification and distribution of teaching materials. "Didactics" and "methodology" have been used in the narrow sense in the Federal Republic of Germany since the 1960s. Accordingly, what is the content of didactic education taught? And how are teaching methods taught? He deals with his issues. Learning foreign languages is not only a means of intellectual education, but it is a process of formation of a person's personality by getting to know the educational resources and values of a foreign culture and applying them to one's own cultural life. In Europe, foreign language learning has long been considered a privilege in higher education, and public schools are seen as educating the privileged few. The methodology of foreign language teaching as a science has more than 200 years of history. During this period, it can be observed that different attitudes towards foreign language teaching methodology were expressed. One of these views belongs to academic LVShcherba. In his opinion, although the methodology of teaching any subject is a

subject, it is not considered a theoretical subject<sup>1</sup>. It solves practical issues. In particular, the methodology of foreign language teaching does not rely only on psychological evidence, but is based on general and specific linguistic studies. Foreign language teaching method means a set of teacher and student activities that ensure achievement of practical, general educational, educational and developmental goals of foreign language teaching. The term method is used in the sense of "set of educational methods" and "direction of education". First, in the theory of education, the process is used in the sense of methods, and in the second sense, we can find it in works on the history of teaching methods. For example, the translation method, the correct method, the conscious-comparative method, the traditional method, the intensive method, etc.

The phenomena of nature and society are interconnected and develop in a continuous relationship. Since the sciences are reflections of objective reality, none of them exists in isolation from the others. At the same time, the phenomenon and the subject can be a source of research for many sciences, for example, linguistics (linguistics), psychology (psychology), pedagogy (didactics) study the social phenomenon "language" from its own point of view. The term "foreign language methodology" evokes a "connection" in the mind of a person as follows: first of all, a set of methods and methodical methods aimed at teaching a language is understood, or scientific knowledge about teaching methods, and finally, an independent pedagogical science comes before our eyes. The methodology of foreign language teaching has developed in harmony with didactics. It is undoubtedly known to all of us that the teaching theories of all educational subjects are based on didactics science and receive scientific nutrition from it. Foreign language teaching is also based on didactics. Didactics is the general theory of education, methodology is the science of teaching a specific subject, linguodidactics is the general theory of language teaching, and linguomethodology is the science of teaching a specific language. The term "Method" means the method of work of the teacher-pedagogue and the student in order to acquire knowledge, skills, and create worldviews and knowledge opportunities in students. This concept has countless definitions. The application of methods in foreign language teaching has been around for a long time, and principles are relatively new methodological terms. Historically, the methods were grouped into four groups, and their names were called "translation", "correct", "comparative", "mixed".

<sup>1</sup>Passov E. Uslovno-rechevye upravneniya dlya formirovaniya grammaticskikh navykov. - M: 1978

**CONCLUSION.**In conclusion Learning a foreign language is a multifaceted discipline, in which a person undergoes complex psychological changes. In particular, the process of comparing the native language with a foreign language occurs. Various teaching methods and technologies are used in this process. With the help of modern pedagogical technologies, teaching by comparing the foreign language with the mother tongue gives an effective result. Teaching a foreign language requires knowledge of its methodology. Methodology and technologies are important in the process of learning a foreign language. There are various methods of teaching methodology. The widely used methods in foreign language teaching methodology are: communicative didactic method, intercultural dialogue organization method and exercise organization method. All three methods are closely related and complement each other. Since the science of methodology is related to the science of didactics, it is based on communicativeness during foreign language learning and the method of communicative didactics is created.

## REFERENCES

1. Joraboyev, B. (2020). Nemis tilida juft otlar va ularning o'zbek tilida ifodalanishi. *Science and Education*, 1(Special Issue 4).
2. Жалолов Ж. Чет тилини ўқитиш методикаси – Тошкент: 1996.
3. Муҳаммаджон Ходжаев, Мавлуда Қаҳҳорова. Чет тили ўқитиш методикаси. – Т.: «Fan va texnologiya», 2012, 148 бет
4. Вайсбруд М. Методы обучения. Выбор за вами. 2000, № 2
5. Пассов Е. Условно-речевые упражнения для формирования грамматических навыков. – М: 1978.
6. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Yevgeniy Viktorovich Remenyuk. [PHILOSOPHICAL FEATURES OF TECHNICAL EXISTENCE](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 173-178.
7. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Hojiakbar Olimjonovich Odilov. [SOCIO-PHILOSOPHICAL IMPACT OF ENGINEERING THINKING](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 142-146.
8. Baxriddin Lutfullaevich Salimov, Davlet Rashidovich Gaipov. [IMPORTANT PROBLEMS OF TECHNICAL PHILOSOPHY](#). *Zamonaviy fan va ta'lim yangiliklari xalqaro ilmiy jurnal*. 2023. №1/8. 152-158.
9. Salimov, B., Madalimov, T. (2023). *Transport falsafasi*. Globe Edit.



10. Salimov Bakhriddin Lutfullaevich. The Importance of Sea Transport in the Communication System. WEB OF SYNERGY: International Interdisciplinary Research Journal. Volume 2 Issue 1, Year 2023 ISSN: 2835-3013.

## INNOVATSION TA'LIM RIVOJLANISH TENDENSIYALARINING HOZIRGI KUNDAGI AHAMIYATI

**R. K. O'dayev**

“Ijtimoiy fanlar” kafedrası o'qituvchisi  
Toshkent Farmatsevtika instituti

**B. X. Boltayeva**

“Ijtimoiy fanlar” kafedrası katta o'qituvchisi  
Toshkent Farmatsevtika instituti

### ANNOTATSIYA

Ushbu ilmiy maqolada Respublikamizda uzluksiz ta'lim tizimida innovatsion muhitning yaratilishi barobarida ta'lim muassasalarining innovatsion faoliyatini, innovatsion ta'limning rivojlanishi, tendentsiyalar va istiqbollari, innovatsion ta'limni rivojlantirishda innovatsion faoliyatni amalga oshirish masalalari haqida fikr yuritilgan.

**Tayanch so'zlar:** innovatsiya, innovatsion muhit, innovatsion faoliyat, innovatsion ta'lim, innovatsion tendentsiyalar, ilm-fan, ta'lim tizimi.

### АННОТАЦИЯ

В данной научной статье рассмотрены вопросы инновационной деятельности образовательных учреждений, развития, тенденций и перспектив инновационного образования, внедрения инновационной деятельности в развитие инновационного образования, создания инновационной среды в системе непрерывного образования в нашей республике.

**Ключевые слова:** инновации, инновационная среда, инновационная деятельность, инновационное образование, инновационные тенденции, наука, система образования.

### ABSTRACT

This scientific article discusses the issues of innovative activities of educational institutions, the development of innovative education, trends and prospects, the implementation of innovative activities in the development of innovative education,

along with the creation of an innovative environment in the system of continuing education in the country.

**Keywords:** innovation, innovative environment, innovative activity, innovative education, innovative trends, science, education system.

Bozor shart-sharoitlarida o'z hayotiy layoqatini barqaror saqlashga intiladigan har qanday ta'lim muassasasi pirovard natijada ilm-fan sohasida yoki kadrlar tayyorlash tizimida biron bir yangilikni yaratishga, yangi g'oyalarni amalga oshirishga, ya'ni g'oyalarning moddiylashtirilishiga hamda bozorlarda salohiyat xaridorlarga sotilishiga erishishi lozim. Ta'lim muassasalarining faoliyatini tijoratchilik asosida yo'lga qo'yilishi ularni funktsional vazifalaridan birmuncha chalg'itishi mumkin albatta, ammo ilmiy-innovatsion faoliyat bilan shug'ullanish oxir oqibatda o'quv yurtlariga moddiy jihatdan o'z-o'zini ta'minlash imkoniyatini yaratib beradi. Respublikamiz miqyosida amal qiluvchi innovatsion muhitning yaratilishi barobarida ta'lim muassasalarining innovatsion faoliyatini faollashtirish ob'ektiv ehtiyojga aylangan. Innovatsiyalarni yaratish va amalga oshirish jarayonlari ham muayyan sikllardan iboratdir. Ushbu nuqtai nazardan olib qaralsa, innovatsion sikl vaqt o'lchamlarida izchil davom etuvchi, ahamiyati jihatidan bir xil bo'lgan turli xil bosqichlarda funktsional jihatdan alohida mazmun kasb etib bir-biridan farqlanadigan faoliyat majmuasidir. Ta'lim muassasasining innovatsion faoliyatini joriy etishda innovatsiyalarni yaratish va amalga oshirish jarayonlari ham muayyan sikllardan iboratdir. Ushbu nuqtai nazardai olib qaralsa, innovatsion jarayon vaqt o'lchamlarida izchil davom etuvchi, ahamiyati jihatidan bir xil bo'lgan turli xil bosqichlarda funktsional jihatdan alohida mazmun kasb etib bir-biridan farqlanadigan faoliyat yig'indisidir.

Innovatsiya uchun asos bo'lib xizmat kiluvchi fundamental g'oya va bilimlarning, ularni amalda ko'llash quyidagi natijalarga olib keladi:

- istiqbolli bo'lmaydigan loyihalarni aniqlab olish va to'g'ri qaror chiqarish;
- innovatsion g'oyani amaliyotga tatbiq etish jarayonida yanada takomillashtirish;
- yangilikni texnologik xususiyatlariga, boshqaruv va tashkiliy faoliyat yuritish uchun mas'ul bo'lgan tizimlarning xarakteriga moslashtirish imkoniyati bo'ladi.

Innovatsion potentsialning moliyaviy resurslardan foydalanish funktsiyalari esa:

- innovatsionlarni joriy etish uchun talab etiladigan moliyaviy resurslarning kelib tushishini ta'minlash;

- moliyaviy resurslarning innovatsion jarayonlarning mos holda ta'minlanish sharoitini yaratish;
- innovatsion jarayonlarning amalga oshirilishi takomillashtirish;
- innovatsiyalarning yaratilishi uchun shart-sharoit yaratib berish, va rag'batlantirish;
- mavjud innovatsion tizimning funktsional faoliyati va rivojlanishi bilan bog'liq turli xil ehtiyojlarga mos keladigan innovatsion loyihalarning yaratilishiga ko'maklashish;
- innovatsion loyihalarni xarajatlarning optimal va samaradorligini ta'minlash.

Y.Shumpeter innovatsion sohada faoliyat yurituvchi sub'ektlarning quyidagi funktsional vazifalarini belgilab beradi:

- innovatsiyalarni o'zlashtirishdan manfaatdor bo'ladigan potentsial iste'molchilarni aniqlash maqsadida tijorat tahlilini amalga oshirish;
- istiqbolli g'oyalar mualliflarini, funktsional faoliyat yuritish uchun imkoniyat beruvchi manbalarni izlab topish;
- yangiliklarni yaratish va ularni amaliyotga joriy etish jarayonlarini tashkillashtirish; - yangiliklarning amaliyotga joriy etilishini qo'llab-quvvatlash.
- ilm-fan sohasida kashf etilgan yangi g'oyalarning moddiy tusga kiritilishi bosqichida innovatsion faoliyat sohasidagi novatorlik mehnati yaxshilash;

Guruhdagi o'zaro shaxsiy munosabatlarni o'qituvchi, jamoa shakllanishiga qadar bo'lgan bosqichda maqsadli tashkil etishi lozim. Buning uchun u yuqori darajada rivojlangan kommunikativ o'quvga-munosabat va aloqalar o'rnatishga moyillik va iqtidor, ta'lim oluv-chilarni tushuna bilishga ega bo'lishi kerak. S.V.Kondrat'evaning ma'lumotlariga ko'ra o'qituvchining ta'lim oluvchilarni tushunish darajasi va uning ularga ta'siri qandayligi o'rtasida muayyan o'zaro bog'liqlik mavjud. Tushunish darajasi yuqori bo'lgan o'qituvchida xarakterni shakllantiruvchi ta'sir birinchi o'rinda turadi, tushunish darajasi past bo'lgan o'qituvchida esa-intizomiy ta'sirdir. O'zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta'lim-tarbiya va ilm-fan sohasini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi 2020 yil 6 noyabrdagi PF -6108-sonli O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmonida mamlakatimizda ta'lim muassasalarining innovatsion faoliyatini joriy etish xususiyatlari, uning ahamiyati va zaruriyatidan kelib chiqqan holda vazifalar belgilangan. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 6 noyabrdagi "Ta'lim-tarbiya tizimini yanada takomillashtirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4884-sonli qarorida ta'lim sifatini oshirish

masalalari bo'yicha vazifalar uzluksiz ta'lim tizimining har bir bo'g'ini uchun alohida ajratib ko'rsatilgan bo'lib, bu vazifalarni amalga oshirishda ta'lim texnologiyalarini qo'llash asosida o'qitish jarayonini tashkil etish ham o'z ahamiyatiga ega. Amaliyotga joriy etiladigan innovatsiyalar jamiyat tomonidan e'tirof etilishi oqibat natijada vujudga keladi. Bu xususda quyidagi global tendentsiyalarni alohida ko'rsatib o'tamiz:

1. Ta'lim tizimini demokratlashtirish, ta'lim tizimining barcha bosqichlarida uzluksizlik va uzviyligni ta'minlash, ta'lim muassasalari mustaqilligini mustahkamlash.

2. Aholining barcha qatlamlari uchun ta'lim olishga teng imkoniyatlar yaratish.

3. Ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning ta'lim oldiga yangi vazifalar qo'yishi. Kasb o'rganish uchun ta'lim olish bilan birga kelajakda ishlash uchun emas, balki o'z shaxsiy ehtiyoji uchun ta'lim olishning rivojlanib borishi va boshqalar.

Ularni amalga oshirishda innovatsion ta'limning quyidagi rivojlanish printsiplari asosida ish olib borilishi lozim.

- Ta'lim va amaliyotning o'zaro uzviy bog'liqligini ta'minlash, kadrlarni amaliyotda ishlashga tayyorlash;

- Ilm-fan yutuqlarini ta'limga keng joriy qilib borish:

- Ta'limning uzluksizligi va uzviyligini ta'minlash, hayot mobaynida uzluksiz ta'lim;

- Bitiruvchilarning korporativ hamkorligini ta'minlash, ta'lim muassasalari an'analarini shakllantirish va rivojlantirib borish;

- Ta'lim va tarbiyani qo'shib olib borish, yuksak ahloqiy fazilatlarni tarbiyalash;

- Yuksak ma'naviy fazilatlarga ega bo'lgan intelligentsiyani tarbiyalash.

Innovatsiyalarni ta'lim jarayonlariga tatbiq etishning istiqbollari:

- Ta'lim muassasalari moddiy-texnika bazasini modernizatsiya qilish, axborotkommunikatsiya texnologiyalari imkoniyatlaridan ta'lim jarayonida samarali foydalanish, masofaviy ta'limni joriy etish.

- Ta'lim muassasalarining mintaqaviy va xalqaro miqyosda integratsiyalashuvi, ta'lim sohasidagi xalqaro hamkorlikning rivojlanib borishi;

- Ta'lim muassasalarini moliyalashtirish manbalarining ko'payib borishi, byudjetdan tashqari moliyalashtirish;

- Ta'lim sifatini boshqarishga xalqaro standartlar talablarini joriy etishni tashkil etadi.

O'quv yurtlari o'rtasidagi integratsion aloqalar o'rnatish natijasida innovatsion faollikning ahamiyati quyidagicha:

1. Amaliy tadqiqotlarning shakllanish ko'nikmalari, professional yechimlarni qabul qilishga yordam beradi;

2. Bilimlarni samarali o'zlashtirish imkonini yaratadi ;

3. Bilimlarni to'plashdan mustaqil ta'lim olish mexanizmlarini yaratish va tadqiqot faoliyati ko'nikmalariga o'tish jarayoni rivojlantirish imkonini yaratadi:

4. O'quvchilarning qobiliyatlarini shakllantirish va ularda bilim ko'nikmalarini mustahkamlaydi;

5. Ijodiy va kasbiy bilim qobiliyatini rivojlantiradi;

6. O'quvchilarning sotsial moslashuvi uchun psixologik shart sharoitlar yaratadi.

Milliy ta'lim tizimlari innovatsion faollik ular faoliyatiga ta'sir kursatib kelmoqda, ular bir-biridan taraqqiyot darajasi, maqsad va vazifalari, milliy va tarixiy xususiyatlari, an'analari, aholini qamrab olish darajasiga ko'ra keskin farqlanadi. Ta'lim tizimini rivojlantirish uchun mamlakatimizning ilmiy-texnik va innovatsion potentsialini barqaror saqlash xamda rivojlantirish zarur. Buning uchun quyidagi yunalishlar bo'yicha chora-tadbirlar amalga oshirilishi kerak: - mavjud konunchilikka innovatsion sohadagi faollikni yanada jadallashtirish uchun qulay shart-sharoit yaratib beradigan yangi takliflar kiritish; - ilm-fanni rivojlantirish va innovatsiyalarni yaratish uchun, ilm-fan yutuklaridan keng ko'lamda foydalanish asosida innovatsion faoliyat sub'ektlarini va ulardagi faollarni qo'llab-quvvatlash; - yaratiladigan innovatsion loyihalarni ro'yobga oshirish bilan bog'lik bo'lgan barcha ishlarni muvofiqlashtirib boshqarib boradigan maxsus innovatsion guruhlarni yaratish; - bilimli, tajribali professional ilmiy-texnik xodimlari, olimlari va mutaxassislaridan tarkib topadigan innovatsion loyixalarni ishlab chiqib ularni ro'yobga oshirish bilan bog'liq chora-tadbirlarni rejalashtiradigan, keyinchalik ushbu faoliyatni boshqarib turadigan ta'lim muassasalariaro Forsayt markazlarini tashkil qilish.

Innovatsiyalarni ta'lim jarayonlariga joriy etilishi natijasida ta'lim sifatiga ta'sir etishi hammaga ma'lum. Innovatsion guruhlarni tashkil etgan ta'lim muassasalari raqobatbardoshlikka ega. Bu esa o'z navbatida turli xil dasturlarni tashkil etishda va integratsiya qilinishida xizmat qiladi. Innovatsion guruhlarni tashkil etgan muassasalar – bu lider, ya'ni bu ta'lim muassasalarining faol ishtirokini bildirib, chet ellik hamkorlar bilan mustahkam tashqi munosabatlarni bildiradi. Bu - muassasalar qulay bo'lib, ya'ni xavfsizlikni ta'minlaydi va to'liq infratuzilma bilan



(meditsina, sport, mediateka, psixolog – pedagogik kuzatuv, informatsion markaz va boshqalar) ajralib turadi. Bunda muassasalar innovatsion faoliyatni ham samarali yuritadi, ya'ni yangi tashkillashtirilgan texnologiyalarni, yangi dasturlarni va uslublarni ishlab chiqadi.

### REFERENCES:

1. Abdurahmonov, H. I. (2020). ROLE AND IMPORTANCE OF EDUCATIONAL MODELS IN THE FORMATION OF INNOVATIVE THINKING IN THE WORLD OF YOUTH. In *Актуальные вопросы современной науки* (pp. 6-8).
2. Hasan, A. (2023). DISTINCTIVE FEATURES OF THE FORMATION OF INNOVATIVE THINKING. *Intent Research Scientific Journal*, 2(8), 75-82.
3. Ibrohimovich, A. H. (2023). MODERN FACTORS FOR RAISING STUDENT-YOUTH INNOVATIVE THINKING IN THE HIGHER EDUCATION. *American Journal of Pedagogical and Educational Research*, 15, 202-206.
4. Ibroximovich, A. K. (2022). Youth outlook and innovative thinking.
5. Ботировна С.Л., Анварович А.П. (2023). Методы и значение формирования творческого мышления у подрастающего поколения. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ СИСТЕМ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ И МЕДИЦИНСКИХ НАУК*, 2 (5), 252-254.
6. Хашимова, Г. Ф., & Султанова, Л. Б. (2021). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СОЦИАЛЬНОЙ СФЕРЫ В РАМКАХ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SI-1).
7. Болтаева, Б. Х., Султонова, Л. Б., & Юсупова, Н. О. ВЕБ-КВЕСТ КАК СРЕДСТВО РАЗВИТИЯ НАВЫКОВ ИНФОРМАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА УРОКАХ ТЕХНОЛОГИИ WEB QUEST IS A DEVELOPMENT OF INFORMATIONAL SOURCE IN TECHNOLOGY. *BBC 94 Z 40*, 152.
8. Болтаева, Б. Х., & Султанова, Л. Б. ПРИМЕНЕНИЕ МЕТОДА ПРОБЛЕМНОГО ОБУЧЕНИЯ В ВЫСШЕМ УЧЕБНОМ ЗАВЕДЕНИИ. *Zbiór artykułów naukowych recenzowanych.*, 186.
9. Хашимова, Г. Ф., & Султанова, Л. Б. (2022). НАМКORLIK PEDAGOGIKASI ASOSIDAGI INTERFAOL METODLARNING SAMARADORLIGI. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, 5(2).

10. Abduraximova, D. (2023). FUQAROLIK JAMIYATINI SHAKLLANTIRISHDA HUQUQ TIZIMINING O'RNI VA ANAMIYATI. *Евразийский журнал академических исследований*, 3(3), 159-162.
11. Болтаева, Б. Х., & Абдукодиров, П. А. (2022). ОБРАЗОВАНИЕ КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, 5(2).

## TA'LIM JARAYONIDA INNOVATSION YONDOSHUVNING SAMARADORLIGI

**Xadicha Toshbaevna Cho'lponova**

Toshkent davlat transport universiteti

**Rejap Satvaldievna Sadikova**

Kirgiziston, Osh mamlakat universiteti o'qituvchisi

### ANNOTATSIYA:

Ijtimoiy fanlarni o'qitishda innovatsion texnologiyalarni qo'llash o'qituvchi va talabaning etakchi faoliyatini samarali tashkil etishga xizmat qiladi. Innovatsion texnologiyalardan foydalanish ham o'qituvchi, ham talabada ijodiy fikrlash, tashkilotchilik va perseptiv (o'zaro tushunish) qobiliyatlarini shakllantirishga hamda ichki imkoniyatlarini ro'yobga chiqishga zamin hozirlaydi.

**Tayanch so'zlar:** Innovatsiya, innovator, perseptiv qobiliyat, o'quv motivlari, individuallik, innovatsion texnologiyalar, hamkorlik.

### ABSTRACT:

The use of innovative technologies in teaching social studies server to effectively organize the leading activities of teachers and students. The use of innovative technologies prepares the ground for the formation of creative thinking, organizational and perceptual(mutually understanding) skills of both the teacher and the student, as well as the realization of their internal potential.

**Keywords:** Innovation, innovator, cognitive ability, educational motivation, individuality, innovative technologies, cooperation.

Bugungi kunda mamlakatimizda oliy ta'lim islohatlari davlat siyosati darajasiga ko'tarilishi munosabati bilan oliy ta'lim muassalarini samarali boshqarishning jahon standartlariga asosan ta'limda sifatli boshqaruv usullarini samarali qo'llash, zamonaviy globallashuv sharoitida innovatsiyalarni qo'llash asosida ta'lim tizimi sifatini oshirish va kadrlarni tayyorlashda oliy ta'lim muassalarini samarali innovatsion strategiyalar yo'nalishlarini ishlab chiqish, fan, ta'lim va ishlab chiqarish o'rtasida aloqalarni mustahkamlash, talaba-yoshlarni

internetdan, elektron adabiyotlardan ko'proq foydalanishlarini yo'lga qo'yish, ilg'or xorijiy tajribani keng targ'ib etish kabi masalalarni hal etilishini ko'zda tutadi.

Pedagogik jarayonining samarali va natijali bo'lishini ta'minlash va unga innovatsion yondoshuvda interfaol uslublardan foydalanish maqsadga muvofiqdir. "Interfaol"- inglizcha so'z bo'lib, "interact"; "inter"- "o'zaro" va "act"- "harakat qilmoq", ularni umumlashtirganda esa, "Interfaol" - "o'zaro harakat qilmoq" ma'nosini anglatadi. Interaction- hamkorlikni (boshqalar bilan) bildiradi – talaba (yoki o'quvchi); o'qituvchi - talaba (yoki o'quvchi)lar; Interfaol metod - ta'lim jarayonida talabalar hamda o'qituvchi o'rtasidagi faollikni oshirish orqali talabalarning bilimlarni o'zlashtirishini faollashtirish, shaxsiy sifatlarini rivojlantirishga xizmat qiladi.

Innovatsion yondashuv talabalarni mustaqil fikrlashga, bilimlarni oson o'zlashtirish yo'l-vositalari bilan qurollanishga imkon yaratadi. Innovatsiyalar uzluksiz ta'lim tizimi takomillashuvining muhim omillaridan hisoblanib, mazkur jarayonda o'zgarishlar vujudga kelishida, o'qitish mazmuni, sifati, samarasi ortishida, turli tashabbuslar, yangiliklar majmuasi tarzida namoyon bo'ladi.

Ta'limning psixologik muammolari echimi sifatida hamkorlik, o'z-o'zini baholash va qiyoslash mashg'ulotlari, bahs-trening, "Aqliy hujum", "O'quv loyihasi", "Keys-stadi" kabi didaktik o'yinlaridan foydalanish to'g'risida mulohaza bildirish maqsadga muvofiq. Bunday innovatsion ta'lim tizimining mazmuni va mohiyati shundan iboratki, o'qitish jarayonida o'quvchining o'rni, roli, faolligi, hamkorligi, ijodiy fikrlashi orta boradi, o'qituvchi esa auditoriyadagi vaziyatni kuzatuvchi, yo'l-yo'riq ko'rsatuvchi, o'zaro yordam uyushtiruvchi vazifasini bajaradi. Innovator o'qituvchining asosiy vazifasi ta'lim sub'ektlari (talabalar)ni fikrlash faoliyatini faollashtirish, ijodiy, vizual tafakkurlarini rivojlantirish, ularda, kognitiv uslubni shakllantirishdan iboratdir.

Noan'anaviy mashg'ulotlar birdan yaratiladigan, favquloddagi o'quv jarayoni bo'lib, odatdan tashqari, rejada belgilanmagan tuzilishga ega, shuning uchun an'anaviy o'qitish uslubiga o'xshab uning bosqichlari, tarkibiy qismlari qat'iy belgilab qo'yilmaydi. O'qituvchi bilan talabalar hamda talabalararo ta'limiy munosabatlar tenglik, sheriklik, "sub'ekt-sub'ekt" ifodasi negizida amalga oshiriladi.

"Psixologiya fanining predmeti" degan mavzu noan'anaviy, ya'ni hamkorlik faoliyati uslubi yordamida amalga oshirish rejalashtirilsa, quyidagi uzluksiz texnologiya tizimi yaratiladi, chunonchi, auditoriyadagi talabalar taxminan uch yoki

to'rt guruhga ajratiladi (dastlabki mashg'ulot diagnostik metodikalarsiz tashkil qilinadi) va ular mana bunday nomlanadi:

1) tinglovchilar guruhi,

2) ma'ruzachi yoki innovator guruhi (ma'ruzani tashkillashtiruvchi, o'qituvchi funksiyasini bajaruvchi shartli; guruh a'zolari hamkorligida ma'ruza o'qishga tayyorlanadilar),

3) ekspert yoki baholash guruhi: bu guruh a'zolarining pedagogik faoliyati, ijodiy salohiyati, auditoriyani egallash o'quvchi, shaxslararo munosabatdagi muomala maromi, izchil iliq psixologik, xayrihoh muhit yaratish qobiliyati kabi mezonlar bo'yicha baholashga harakat qilishadi; baholash muhokama jarayonida oshkora tarzda oqilona, odilona, omilkorlik bilan amalga oshiriladi.

Innovator yoki lektor guruhi a'zolari mavzuga tayyorlanish davomida o'qituvchi bilan bamaslahat davlat ta'lim standartlari talabiga rioya qilgan holda ma'ruza matnini yaratishadi (qo'shimcha manbalar bilan yaqindan tanishishiga yo'naltiriladi).

Bunda muammoli vaziyat, tezkor mulohazada bildirish, mustaqil qaror qabul qilish, savollar tizimini shakllantirish, faollikni inobatga olish singari ilmiy-uslubiy majmua vujudga keltiriladi.

Innovatsion yondashuv mazmun-mohiyatiga binoan ajratilgan guruhlar navbati bilan o'z rollarini almashtirib turishlari taqozo etiladi, buning natijasida o'qituvchilar o'z-o'zini anglash orqali kasbiy mahoratni egallab boradilar, yangi pedagogik jamoada shaxsiy o'rnini tantanavor topish uchun muhit yaratiladi.

Interfaol metodlardan biri sifatida hamkorlik faoliyatiga asoslangan ma'ruzada psixologiya fanining predmeti to'g'risidagi mulohazalar innovator tomonidan talabalarga birdaniga tayyor holda berilmaydi, aksincha ma'lumotlar talabalar tomonidan beriladi. Talabalarning aqliy darajasi, o'quv motivlari, fikrlash sur'atlari, intilishi, xarakterologik xususiyatlari, layoqati, mayli tabiiy ravishda ishga tushiriladi, buning natijasida hamkorlik faoliyati vujudga keltiriladi. Bu o'rinda materialni ko'rgazmali qurollar, natural namunalar, videoqo'llanmalar, kompyuter texnologiyasi (dasturi)ni jonli nutq orqali namoyish qilish hamkorlikni barqarorlashtiriladi.

Psixologiya fanining tadbqiqiy, amaliy jihatlari yuzasidan ma'lumotlar ko'lamini kengaytirish va bu yo'nalishda nazariya bilan amaliyot birligi prinsipini tarkib toptirish imkoni vujudga keltiriladi.

“Aqliy hujum» noan'anaviy, innovatsion o'qitish shaklidan foydalanishda tanlangan mavzu bo'yicha muayyan ssenariy yaratish maqsadga muvofiq: jumladan,

psixologiya nimadan bahs yuritadi, uning lug'aviy ma'nosi nimani anglatadi, fanning ijtimoiy-tarixiy taraqqiyotida qanday o'zgarish yuz bergan, qanday nazariyalar, yondoshuvlar, ilmiy maktab ta'limotlari, hozirgi zamondagi ahvoli, unga nisbatan talqin, tahlil, munosabat qay yo'sinda mushohadalashga ega bo'lishi mumkin va hakazo. Bunday mashg'ulotlar muayyan talab asosida, yaxlit tizimi ichida, g'oyaviy "raqibchilik" prinsipi bo'yicha boshqarib turishligi joiz. O'qituvchining o'z-o'zini anglashi boshqaruv mahorati, oqilona baholosh uquvi, qat'iyatligi hamkorlik faoliyati samaradorligini oshirishga xizmat qiladi, ta'lim sub'ektlarida ichki imkoniyatlarini ro'yobga chiqishiga zamin hozirlaydi, o'zaro ta'sir, o'zaro tushunuv, empatiya tuyg'usi o'qitishning faolligini ta'minlaydi, mustaqil ijodiy tafakkurni rivojlantiradi.

Interfaol mashg'ulotning samarali bo'lishi uchun talabalar yangi mashg'ulotdan oldin uning mavzusi bo'yicha asosiy tushunchalarni va dastlabki ma'lumotlarni bilishlarini ta'minlash zarur. Interfaol mashg'ulotda o'quvchilarning mustaqil ishlashlari uchun an'anaviy mashg'ulotga nisbatan ko'p vaqt sarflanishini hisobga olish zarur. SHularga o'xshash farqlarning ijtimoiy hayotdagi ta'siri to'rg'isida bir necha asr muqaddam A.Navoiy o'zining mashhur "Mahbub ul-qulub" asari muqaddimasida shunday yozgan edi: "Umid ulkan, o'quvchilar saodat va e'tibor ko'zi bila nazar solgaylar va har qaysi o'z fahmu idroklariga ko'ra baxra olgaylar..". Bunda shu asarni har kim turlicha, ya'ni o'z fahmu idroki darajasidagina tushunishi, o'zlashtirishi, foyda ola bilishi va amalda qo'llay bilishi ko'rsatib o'tilgan bo'lib, bundan biz interfaol ta'lim usullarining an'anaviy usullardan asosiy farqlari to'g'risida yuqorida aytgan xulosalarimizni yanada qiska qilib, talabalarning fahmu- idroklarini o'stirishdan iborat, deb ifodalashimiz mumkin. Bundan ta'kidlash lozimki, interfaol ta'lim usullari O'zbekistonda qadim zamonlardan beri ta'lim-tarbiya jarayonida muallim bilan talabalar hamda talabalar bilan talabalar o'rtasidagi muloqotlarda muhokama, munozara, muzokara, mushohada, taqlil, mashvarat, mushoira, mutolaa kabi shakllarda qo'llab kelingan.

Bu usullar talabalarning hushyorlik, tafakkur, mulohaza, zehn, iste'dod, zakovatlarini o'stirish orqali ularning mustaqil fikrlaydigan, komil insonlar bo'lib etishishlariga xizmat qilgan.

Ta'lim jarayonida innovatsion yondashuvning tadbiqu mutaxassis-o'qituvchida nutq qobiliyati, tashkilotchilik, ijtimoiy faollik yaqin ko'zga tashlansa, o'zgalarda mehr tuyg'usi uyg'onadi, o'zaro tushunish, insonni inson tomonidan idrok qilish iliq



taassurotlar negiziga quriladi va ta'lim faoliyati sub'ektlarini avtoritardan insonparvar-muloqatli o'zaro faol harkatlanishiga zamin hozirlaydi.

## REFERENCES:

1. Azizxo'jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. – T.: TDPU, 2003.
2. Artemeva T.I. Metodologicheskiy aspekt problemy sposobnostey. M.2009.
3. Klemesheva L.S., Kozlovskaya L.A. i dr., Osnovy organizatsii obucheniya v vuze: Ucheb. posobie. T.: 1999
4. Fayzullaeva D.M., Ganieva M.A., Ne'matov I. Nazariy va amaliy o'quv mashg'ulotlarda o'qitish texnologiyalari to'plami. Metodik qo'llanma / O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limida innovatsion ta'lim texnologiyalari seriyasidan – T.: TDIU, 2013.
5. Xadicha C. Psychological Bases of Improving Professional Competence of Young Specialists //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2020. – T. 8. – №. 3. – S. 73-77..
6. SHarifbaeva X. YA., CHO'lpanova X. T. Texnik ta'lim tizimi mutaxassislik fani o'qituvchisi: talab va taklif //Academic research in educational sciences. – 2022. – T. 3. – №. TSTU Conference 1. – S. 334-338.
7. CHulponova X. T. Sushnost professionalnogo samosoznaniya budushchego pedagoga //Academic research in educational sciences. – 2022. – T. 3. – №. TSTU Conference 1. – S. 666-671.
8. CHulponova X. T. Sushnost professionalnogo samosoznaniya uchitelya //Innovatsii v pedagogike i psixologii. – 2018. – №. 1. – S. 83-86.
9. Matkarimova, J. (2020, August). Participation of Non Governmental Non Profit Organizations in Providing Human Rights International Experience. In *Archive of Conferences* (Vol. 5, No. 1, pp. 46-49).
10. Matkarimova, J. D. (2022). *НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ ОШИРИШ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 189-194.*
11. Ramatov, J., Umarova, R., Sultanov, S., Nazarova, N., & Khasanov, M. (2022). THE IMPORTANCE OF FORMING HIGH MORALITY AND SPIRITUALITY IN YOUNG PEOPLE. *Теория и практика современной науки*, (12 (90)), 78-81.

12. Ramatov, J., Umarova, R., Sultanov, S., Nazarova, N., & Khasanov, M. (2022). MORALITY: AS A SOCIAL-SPIRITUAL PHENOMENON. *Теория и практика современной науки*, (12 (90)), 27-30.
13. Чулпонова, Х. Т. (2024). РОЛЬ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ ПРИ РАЗВИТИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СПЕЦИАЛИСТА. *HOLDERS OF REASON*, 2(3), 89-94.
14. Чулпонова, Х. Т. (2023). Развитие профессиональных компетенций-продуктивность профессиональной деятельности. *Science Promotion*, 2(1), 206-210.
15. Чулпонова, Х. Т. (2023). ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ПОДДЕРЖКА В ПЕРИОД АДАПТАЦИИ МОЛОДЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ К ТРУДОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. *Философия и право*, 25(2), 121-125.
16. Chulponova, H. T. (2023). PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF PROFESSIONAL ADAPTATION OF YOUNG SPECIALISTS IN THE SOCIAL AND LABOR SPHERE. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1-2), 231-236.
17. Чулпонова, Х. Т. (2018). Сущность профессионального самосознания учителя. *Инновации в педагогике и психологии*, (1), 83-86.
18. Чўлпонова, Х. Т. (2022). ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ МУТАХАСИСЛАРГА КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДОШУВНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 276-280.

## IMPROVING LINGUISTIC COMPETENCES OF STUDENTS IN NON PHILOLOGICAL FIELDS

**Shakhlo Khakimovna Kharatova**

Associate Professor of Tashkent State Transport University

Email: [shahlo-70@mail.ru](mailto:shahlo-70@mail.ru)

<https://orcid.org/0000-0002-6535-0197>

### ABSTRACT:

Neophilology is a field related to the study of languages, but different from philology. In this article, it is stated that various methods and approaches can be used to improve the linguistic competence of students in neophilological fields.

**Keywords:** linguistic, specialized, philological, introspection, communicative, position, competence.

### INTRODUCTION

Among the many factors that determine the professional skills of a modern specialist, linguistic competence, communication strategy, communicative culture skills, including a critical approach to discussions, play an important role when communicating in a foreign language. In this regard, the scientific theories and practice-oriented concepts of the last decade offer many methods and approaches to the formation of linguistic competence of students in a non-linguistic university. In fact, the integration of Uzbek and European higher education involves revising the principles of education at a non-linguistic university in terms of the use of technologies and methodologies, taking into account the real opportunities for students to enter the common European linguistic communicative space. In this regard, the task of determining the level and criteria of linguistic competence in the field of foreign language communication is relevant in the work strategy of these universities. In order to find a solution to this situation, first of all, it is necessary to correlate the conditions of education in the educational system of Uzbekistan with European models of language education, to form a strategy for the development of intercultural relations, the content of education and its educational and methodological education. It will be necessary to change the mortar. This allows, first of all, to achieve simultaneous learning of the language and the relevant culture, the formation of a high level of communicative competence of students, including the

experience of conducting various trainings on socio-psychological communication in the field of future professional activity. Today, wide opportunities are being created for practical actions on the formation of students' linguistic competence. These are variable forms of communicative education, scientists divide many communicative forms and methods into two classes:

**the first** - forms and methods aimed at developing special communication skills (for example, the ability to conduct a conversation, resolve interpersonal conflicts);

**the second** - forms and methods aimed at deepening the experience of analyzing communicative situations - increasing the adequacy of the analysis of communicative situations in general, making communication meaningful through partner communication [2: 102].

When classifying the methods of communicative forms of education, the main attention is focused on the development of active methods that can be divided into two large and partially intersecting groups. Group discussions and games. the group discussion method is mainly used in the form of analysis of specific situations and in the form of group introspection (group discussions, analysis of situations in practice, analysis of moral choice situations, etc.). Among communicative training game methods (role-playing games, non-verbal psycho-gymnastics, behavioral training, etc.), the method of role-playing games is the most common [2: 442]. The above-mentioned methods are often an integral part of comprehensive educational programs of teaching and are characterized, firstly, by their orientation to the wide use of the learning effect of group interaction, and secondly, they by introducing research elements into the educational elements, they implement the principle of student activity, that is, the participants of the educational process must achieve any positive educational results themselves.

Traditional methods of teaching at a non-language university are mainly focused on the transfer of ready-made knowledge, that is, the teacher uses declarative (explanatory and illustrative) education, in which his activity consists in presenting information through oral explanations, in this case, the importance of communicative skills and abilities in the process of formation of linguistic competence in non-linguistic Profile students is often underestimated. In turn, communicative forms and methods of language teaching imply the variability of this process: teaching is direct and contextual; education and research; individual and collective, etc., which creates different communicative situations for the participants of the learning process. there

is a transition to group work of students, their exchange of information, skillful construction of texts on various topics, dialogic and polylogical discussion, educational interaction aimed at persuasion. Observations show that group communication is interactive, if its participants to a certain extent use the methods and directions of discussion, encourage equal participation of the parties, and thus quality new meaningful communication in language teaching. forms will be more effective. This is important for the personal direction of education, the activation of the student's position in the educational activity.

Based on the theoretical foundations, we will consider some practical aspects of the regional model of teaching foreign languages at a non-linguistic university, where one of the criteria for achieving linguistic competence of students is the communicative aspect of educational and methodological support of the educational process. moaning As an example of a regional model, we have chosen the State Technical University of Uzbekistan, where a number of measures have been developed for adequate educational and methodological support of communicative education. For more than 80 specialties of the university, developed educational and methodological complexes of the "English language" subject, various professionally differentiated training manuals, programs and courses, their content corresponds to the standards and modern context of studying a foreign language at a university that does not specialize in language. It includes the integration of this subject into the general vocational training course. Having received a positive external expert assessment, the study guides are successfully tested in a number of faculties and specialties of this university, as well as used in the educational process of other state universities. The main characteristic of UMKD "English language" is the orientation to language teaching in the context of future professional activities reflected in linguistics.

One of the methodological features of these educational materials is that they are oriented to the communicative needs of students, taking into account some features specific to technical university students. Among them we name the following: dominance of technocratic thinking; low level of humanitarian training; high level of development of non-verbal intelligence; trivial methods of independent work with a foreign language text, etc. Therefore, one of the important features of educational and methodological support for education at a university that does not specialize in language is the communicative direction, taking into account the individual communicative requirements and capabilities of students.

We consider it important to pay attention to one more aspect. It is about the need to ensure all levels of continuous language education and mechanisms of continuity of education based on uniform standards, programs, teaching forms and methods. This principle in the activity of the regional educational model is important for the formation of a communicative educational environment, in which students will have a practical opportunity to further enrich linguistic basic knowledge while expanding communicative and speech practice. In other words, in the study of the educational and cognitive activities of students, continuity, adequacy and repetition of the material, linguistic, psychological, pedagogical and cultural training should be ensured, which will increase the transfer component of the knowledge and skills of the future specialist. allows. In connection with the recent initiatives of the Ministry of State Education of Uzbekistan to include the subject of "foreign language" in the list of subjects for passing a single state exam that is mandatory for admission to certain specialties at universities, this problem is especially relevant. remains. The formation of linguistic competence in some types of speech activities and the monitoring of the development of students' communication abilities and skills show that the inclusion of students in the types of linguistic knowledge based on communicative activities, corresponding to the content and forms of future professional activities [1: 15] significantly increases the motivation to master develops, in addition, these situations create conditions for the manifestation of creativity for students, help them to understand themselves in the language environment.

From here we come to the following conclusion: in the process of teaching a foreign language, it is necessary to create stimulating communicative situations that help overcome social psychological factors that limit students' communicative intentions. simulated communicative situations, in our opinion, help to correct existing linguistic knowledge and skills; creates opportunities for identifying and considering individual typological, especially student composition. In this case, along with the subjective experience, communicative experience, group cooperation experience developed on the basis of reflexive abilities of the person, they are the main factors of the success of forming linguistic competence from the communicative aspect. thus, the following should be included in the system of practical training for teaching at a non-linguistic, that is, non-philological university: the basics of communication theory; educational system based on the student's knowledge of individual - typological characteristics of his personality; the strategy of forming



communal skills, which is implemented on the basis of the holistic formation of linguistic competence and the development of emotional and communicative qualities of the future specialist.

In this regard, the task of bringing the educational process as close as possible to real communal conditions (case study) is being implemented. It is preferable to use situational exercises in specially selected language and speech material that are meaningfully identified with real-life and professional situations that students may encounter. Situational communicative education is built mainly on the basis of dialogue and includes practical work with dialogues of various purposeful and meaningful directions, which, in our opinion, helps to develop students' motivational readiness for speech activity, contributes to its appropriateness. The teacher, at the same time, develops individual teaching tools. Let's define general methodological methods used in different modifications:

1) organization of free communication groups to increase the level of psychological culture of communication;

2) joint discussion of educational work and its quality assessment, creating an atmosphere of trust, freedom and responsibility in the educational process;

3) to create different types of feedback that help to develop reflection between the teacher and students during the teaching process [3].

We believe that such preparation for students to enter the personal and professional communicative environment will ensure the successful fulfillment of their individual communicative intentions and tasks. Based on the above, we came to the conclusion that the basic rules of linguistic competence in the communicative aspect are as follows:

1) motivation, demand and interest in learning a foreign language, giving personal meaning to cognitive activity;

2) a set of operational skills that are the basis for the organization of forms of interaction that ensure the interaction of interpersonal interaction, the development of its subjects;

3) experience of cooperation in the collective activity of interaction-oriented communication that actualizes the development of moral and value relations;

4) active personal development in the context of creative self-awareness, self-knowledge and self-development.

Thus, in the process of formation of communication abilities and skills, we consider it important to pay attention to solving the following problems: - increasing

students' awareness of the relevance, goals and tasks of developing individual intentions to communicate in English;

Various methods and approaches can be used to improve the linguistic competence of students in neophilological areas:

**Integrating language into the context of specialization:** creating courses and programs that integrate language learning into the context of students' specialization. For example, international relations students may study the language with a focus on political and diplomatic discourse.

**Project-oriented learning:** the organization of projects and tasks that require students to use language to solve specific problems in the field of specialization. For example, writing and presenting research papers in language related to the field of study.

**Using authentic materials:** using authentic texts, audio and video materials from students' professional fields to teach the language. This includes articles from specialized journals, lecture notes, professional webinars, and more.

**Exchange and practice:** organize language exchanges or events where students can practice the language with native speakers or students of other languages. It helps students develop confidence in using the language and improve their communication skills.

**Use of technology:** Using modern technology such as online courses, mobile apps and web resources to teach the language. It can be useful for independent language learning and expanding students' vocabulary.

**Specialized courses and seminars:** conducting specialized courses and seminars aimed at developing linguistic skills in the context of specific specialization. For example, business English courses for business students.

**Feedback and assessment:** providing students with feedback on their language skills and progress in language learning. This includes assessment of written works, speaking and other language tasks.

**Integrating the cultural aspect:** It is important to consider the cultural aspects when learning a language. Students need to be informed about the culture of the country they are learning the language in order to better understand the context and social norms.

### ***Conclusion:***

These approaches help neo-philological students to develop their linguistic skills and apply them in specialized situations.

**REFERENCES:**

1. Vorkachev, S. G. lingvokulturologiya, lingvistik shaxs, kontsepsiya: tilshunoslikda antropotsentrik paradigmaning shakllanishi [matn] /S. G. Vorkachev// filologiya fanlari.– 2001.– № 1. 64-sahifa.
2. Lvov, M. R. til normasi va nutq madaniyati (nazariy jihat) [matn] /M. R. Lvov //rus tili va nutq madaniyati. — 2006. — № 4. 6-sahifa.
3. Maslova, V. A. Lingvokulturologiya: Darslik. talabalar uchun qo'llanma. yuqori. darsliklar, muassasalar. [Matn] / V. A. Maslov Tomonidan. M.: Akademiya nashriyot markazi, 2001. - 208s.
4. Piskunova E. N. [himoya joyi: Ulyan. davlat ped. un-t nomi bilan I. N. Ulyanov Tomonidan]. Dimitrovgrad, 2010 yil - 231.
5. S. Sepir, E. tilshunoslik va Madaniyatshunoslik bo'yicha tanlangan asarlar [matn] /E. Sepir.- M.: Taraqqiyot, 1993 Yil. 259-sahifa.

## YOSHLAR MA'NAVIYATINING SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARI

**Tuxtasin Xudayberganovich Tashmetov**

Chirchiq davlat pedagogika universiteti dotsenti falsafa doktori (PhD)

E-mail:toshmetovtuxtasin@gmail.com

### ANNOTATSIYA:

Hozirgi davr butun dunyoda g'oyaviy qarama-qarshiliklar murakkab tus olgan, mafkura poligonlari yadro poligonlaridan ham kuchliroq bo'lib borayotgan davrdir. Bunday sharoitda har bir xalq o'z milliy qadriyatlarini xavfsizligini ta'minlashga, tarixiy negizlaridan uzoqlashib ketmaslik va o'zгалar ta'siriga tushib qolmaslikka intiladi. Davlatlar global axborot maydonida o'z manfaatlarini himoya qilishi, turli axborot xurujlariga qarshi tura olishi esa yanada muhim hisoblanadi.

**Kalit so'zlari:** Bag'rikenglik, umuminsoniy qadriyatlar, madaniyat, ma'naviyat, ma'rifat, qadriyat, tarbiya, madaniyat, meros, axloq, g'oya, immunitet, ta'lim, texnologiya, targ'ibot, tashviqot, globallashuv, axborot-kommunikatsiya, manipulyatsiya, geosiyosat.

### АННОТАЦИЯ:

Настоящее время-это время, когда идеологические противоречия во всем мире приобретают сложный характер, когда идеологические полигоны становятся еще сильнее, чем ядерные полигоны. В этих условиях каждый народ стремится обеспечить сохранность своих национальных ценностей, не отступать от своих исторических устоев и не попадать под влияние других. Еще более важным является то, что государства могут отстаивать свои интересы в глобальном информационном пространстве, противостоять различным информационным атакам.

**Ключевые слова:** Толерантность, общечеловеческие ценности, культура, духовность, просвещение, ценность, воспитание, культура, наследие, мораль, идея, иммунитет, образование, технологии, пропаганда, пропаганда, глобализация, информация и коммуникация, манипуляции, геополитика.

**ABSTRACT:**

The present time is a time when ideological contradictions around the world are becoming complex, when ideological landfills are becoming even stronger than nuclear landfills. In these conditions, each nation strives to ensure the preservation of its national values, not to deviate from its historical foundations and not to fall under the influence of others. Even more important is that States can defend their interests in the global information space and resist various information attacks.

**Keywords:** Tolerance, universal values, culture, spirituality, enlightenment, value, upbringing, culture, heritage, morality, idea, immunity, education, technology, propaganda, globalization, information and communication, manipulation, geopolitics.

Bugun biz tez sur'atlar bilan o'zgarib borayotgan murakkab bir zamonda yashamoqdamiz. Davrimizning murakkabligi, bevosita, dunyoning globallashuvi va axborot kommunikatsiyalarining rivojlanishi bilan bog'liq. Shu ma'noda, murakkab ijtimoiy va siyosiy munosabatlarni yumshatish hamda jamiyat manfaatlari yo'lida undan maqsadli foydalanish uchun uning rivojlanish qonuniyatlari va o'ziga xos xususiyatlarini tadqiq etish talab etiladi. Bunday sharoitda davrning eng muhim xususiyati bo'lgan madaniyatlar to'qnashuvi va milliy chegaralarning yuvilishiga qarshi tabiiy ravishda, tarbiyaviy usullar samaradorligini oshirish, bunda ma'naviyat targ'iboti usulidan foydalanish asosiy vosita sifatida maydonga chiqadi. Ma'naviyatni yoshlarning qalbi, ongi va ichki dunyosiga singdirishda axborot-kommunikatsion texnologiyalarning innavatsion vositalaridan foydalanishga nisbatan zaruratning paydo bo'lishi, ma'lum ma'noda qonuniydir. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning "Taraqqiyotga erishish uchun raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarini egallashimiz zarur va shart. Bu bizga yuksalishning eng qisqa yo'lidan borish imkoniyatini beradi. Zero, bugun dunyoda barcha sohalarga axborot texnologiyalari chuqur kirib bormoqda"[1], deb aytgan mulohazalari fikrimizni tasdiqlaydi. Chindan ham biz o'ta murakkab, ziddiyatlarga to'la axborot asrida yashayapmiz. Bugun dunyoda zamonaviy axborot texnologiyalari tizimi orqali istagan odam har qanday ma'lumotni qabul qilishi yoki uzatishi mumkin. Albatta, uning kishilar dunyoqarashi, bilimi va saviyasining kengayishidagi ahamiyatini inkor etmagan holda, xuddi shu tizim orqali oddiy axloqiy me'yorlarga zid bo'lgan axborot axlatlari o'rin olgani, ushbu innavatsion axborot texnologiyasi mahsulidan transmilliy jinoyatkorona guruhlar, terrorist va aqidaparastlar o'zlarining g'arazli

maqsadlarini yoshlar ongiga singdirish orqali g'oyaviy ta'sir o'tkazish imkoniyatlari tobora kengaymoqda.

Ana shunday sharoitdagi, g'oyaviy-mafkuraviy jarayonlarning yo'nalishlari progressiv va reaksiyon ko'rinishda namoyon bo'lmoqda. Progressiv yo'nalishlarni tinchlik, barqarorlik va taraqqiyot, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik, inson erkinligi va shaxs kamoloti, umuminsoniy qadriyatlar ustuvorligi tashkil etadi. Reaksiyon yo'nalishlarni esa, urush, qurollanish, terrorizm va ekstremizm, irqchilik, millatchilik, diniy aqidaparastlik, totalitarizm, mustabidlik g'oyasi asosidagi faoliyatlar, egoizm, mahalliychilik, tor manfaatlar ustuvorligi, kabi salbiy xususiyatlar tashkil etadi. Hozirgi davr-dunyoda g'oyaviy qarama-qarshiliklar murakkab tus olgan, mafkura poligonlari yadro poligonlaridan ham kuchliroq bo'lib borayotgan davrdir. Bunday yondashuv o'ta xavfli ekanligi hech kimga sir emas. Shu boisdan bularning barchasi, xalqlarning madaniyatiga kuchli ta'sir etuvchi hodisa sifatida o'rganiladi. Bu borada tadqiqotchi N.Umarova shunday yozadi: "Globallashuv yalpi, kompleks tabiat kasb etib, uning ta'siri axborot sohasiga, ma'naviy hayotga, siyosat, iqtisod, ijtimoiy sohalarga yoyilganligini ta'kidlab, bu sohalarda globallashuvning salbiy jihatlari sifatida madaniy gegemoniya, yevrotsentrizm, ongni boshqarish - manipulyatsiya kabi ijtimoiy hodisalarni keltiradi"[2]. Hozirgi kundagi eng katta xavf insonlarning qalbi va ongini egallash uchun uzluksiz davom etayotgan mafkuraviy kurashdir. "Endilikda yadro maydonlarida emas, mafkura maydonlarida bo'layotgan kurashlar ko'p narsani hal qiladi. Bu achchiq haqiqatni hech qachon unutmaslik lozim"[3]. "Demokratiya niqobidagi tahdidlar halqaro maydondagi turli siyosiy kuchlar tomonidan ongli ravishda uzoqni ko'zlab amalga oshirilmoqda"[4]. Darhaqiqat, ijtimoiy hayotning barcha sohalarida global o'zgarishlar tobora kuchayib borayotgan hozirgi davrda, ma'naviy tahdidlar ko'lami ham jadal kengayib bormoqda. Natijada millat madaniyatiga ta'sir etuvchi ma'naviy tahdidlar insoniyat oldiga yangi muammolarni keltirib chiqarmoqda. Chetdan kirib kelayotgan, mamlakatimiz fuqarolari, ayniqsa, yoshlar ongi va ichki dunyosini individualizm, axloqiy buzuqlik, zo'raonlik, egotsentrizm g'oyalari bilan zaharlovchi ushbu ma'naviy-mafkuraviy tahdidlarga qarshi turishimiz bugungi kun davr talabidir.

Bizning fikrimizcha, tahdidlarning oldini olish va ularga qarshi kurashishda quyidagilar yordam beradi:

- ma'naviyatni yoshlar ongiga turli xil innovatsion texnologiyalar orqali singdirish;



- globallashtirish davrining turli g'oyaviy tahdidlaridan ogoh bo'lish;
- bugungi dunyoning mafkuraviy manzarasini izchillikda o'rganib borish;
- ma'naviyatni yuksaltirishga yo'naltirilgan targ'ibot-tashviqot ishlarini innovatsion texnologiyalar asosida yanada kuchaytirish.

Yoshlar yot g'oyalar ta'siriga tushib qolmasligi uchun quyidagi jihatlarga e'tibor qaratishi maqsadga muvofiq:

- “milliy mafkuraning har bir g'oyasini amalga oshirish;
- mukammal ta'lim-tarbiyaga intilish;
- milliy va umuminsoniy qadriyatlarni yanada e'zozlash;
- axloq qoidalariga doimiy amal qilish;
- bilimlarga asoslanib, mustaqil fikrli va qat'iy etiqodli bo'lish”[5].

Yuqoridagi tahliliy fikrlardan kelib chiqib, shuni aytish mumkinki, ijtimoiy hayotning barcha sohalarida global o'zgarishlar tobora kuchayib borayotgan hozirgi davrda, ma'naviy tahdidlar ko'lami ham jadal kengayib bormoqda. Bunday sharoitda har bir xalq o'z milliy qadriyatlari xavfsizligini ta'minlashga, tarixiy negizlaridan uzoqlashib ketmaslik va o'zgarishlar ta'siriga tushib qolmaslikka intiladi. Davlatlar global axborot maydonida o'z manfaatlarini himoya qilishi, turli axborot xurujlariga qarshi tura olishi esa yanada muhim hisoblanadi. Bunday sharoitda milliy manfaatlarimizni himoya qilishda axborot omili ustuvor ahamiyat kasb etadi. Shu ma'noda, milliy qadriyatlarimizni himoyalashga yo'naltirilgan kuchli axborot siyosatini yuritish talab etiladi. Demak, axborot yetkazishning yangicha, zamonaviy texnologiyalarini qo'llash hozirgi kunning dolzarb masalalaridan biriga aylandi. Xususan, birgina axborot-kommunikatsiya sohasidagi global o'zgarishlarni kuzatar ekanmiz, uning ta'siri jahonda g'oyaviy va madaniy gegemonlik uchun asosiy qurolga aylanayotganini ko'ramiz. Axborot texnologiyalari yuksalgan davlatlar esa, bu jarayonning harakatga keltiruvchi kuchlari bo'lmoqda. Bizningcha, global o'zgarishlar bilan bog'liq ziddiyatlar, avvalo, ma'naviy sohada yaqqol namoyon bo'lmoqda.

Bu, o'z navbatida, global o'zgarishlar davrida mamlakat milliy madaniyatiga rahna soluvchi ma'naviy-mafkuraviy tahdidlarning oldini olishda insonlarning yuksak ma'naviyatli bo'lishi uchun muhim omil hisoblanadi. Buning uchun jamiyatda ma'naviy-mafkuraviy ishlarni zamon talablari asosida tashkil etish talab etiladi. Bu borada: birinchidan, mamlakat kelajagi bo'lmish yoshlarni turli mafkuraviy tahdidlardan himoya qilish; ikkinchidan, ma'naviy tahdidlarni aynan

nimaga qaratilganligini har tomonlama anglab etish; uchinchidan, atrofimizda yuz berayotgan voqea-hodisalarga befarq bo'lmagan, daxldorlik hissini yanada oshirish lozim.

Tadqiqotchilar mafkuraviy, ma'naviy tahdidlariga qarshi kurashning oldini olish yo'llari sifatida quyidagilarni taklif qilishadi:

1. "Milliy tarbiyani takomillashtirish orqali tahdidbardosh yoshlarni voyaga yetkazish.

2. Targ'ibot-tashviqot ishlarini innovatsion usullar bilan yuqori bosqichga ko'tarish.

3. Jamiyatimiz hayotining turli sohalarida halol mehnat qilib, mamlakat taraqqiyotiga o'zining munosib hissasini qo'shayotgan fidoyi, elga va vatanga sadoqatli, vatanparvar insonlarni zamonamiz qahramonlari sifatida yurtga tanitish maqsadga muvofiqdir"[6].

Ma'naviy-mafkuraviy tahdidlar yosh avlod uchun o'ta xatarli hisoblanadi. Uni yoshlar shunchaki yolg'iz o'zi yengib ketishi dargumon. Bu jarayonda faqat hamjihatlik, ya'ni birlashish asosida, milliy ma'naviyatimizning mohiyatini chuqur o'rgangan holda amalga oshirish lozim bo'ladi. Faqat ma'naviyatgina o'z manfaatini umummanfaat bilan birlashtira olishga yo'l ko'rsatuvchi omil bo'lib xizmat qiladi.

Shunday ekan, zamonaviy texnologiyalar orqali ma'naviyat, milliy g'oya, milliy mafkura, milliy g'urur kabi oliy insoniy tushunchalarni targ'ibot-tashviqot qilish jarayonida yoshlarning ongi, qalbi va ichki dunyosiga singdirish maqsadga muvofiqdir. Chunki, vayronkor g'oya va buzg'unchi mafkuralarning har qanday ko'rinishlariga qarshi kurashish orqali yoshlarda mafkuraviy immunitetni zamonaviy texnologiyalardan foydalanish asosida singdirish maqsadga muvofiqdir.

Yoshlar ma'naviyatini yuksaltirishda g'oyaviy omillardan foydalanish bo'yicha quyidagi innovatsion texnologiyalarni ilgari surish mumkin:

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, bugungi global o'zgarishlar davrida ma'naviyatni har bir inson, ayniqsa, yoshlarning qalbi, ongi va ichki dunyosiga zamonaviy usullar orqali targ'ib qilish ularda ma'naviy, axloqiy, tarbiyaviy sifatlarni har tomonlama shakllantirish hozirgi kunning talabidir. Zero, millat taraqqiyoti, ma'naviyati va madaniyati yuksak bilimli yoshlarga bog'liq. Buning uchun bugungi yangilanayotgan jamiyatda nafaqat erkin harakat qilishi, balki uni rivojlantirishi uchun yagona ma'naviyat ostida birlashish talab etiladi. Shundagina yoshlarni globallashuvning salbiy oqibatlaridan va ma'naviy tahdidlardan omon saqlash

mumkin. Bu ularning qalbida yurtga sadoqat, Vatanga muhabbat tuyg‘ularinining takomillashuvi uchun zamin yaratadi.

## REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi // Xalq so‘zi, 2020 yil 26 yanvar. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>.
2. Umarova N. Madaniy vasvasa yoxud axloqning globallashuvi // Jamiyat va boshqaruv. –Toshkent, -№2. –B. 37.
3. Karimov I.A. Ozod va obod vatan, erkin va farovon hayot pirovard maqsadimiz. –Toshkent: O‘zbekiston, 2000. –B. 491.
4. Ochilov X. Demokratiya niqobidagi tahdid. – Toshkent: Muharir. 2010. – 4 b.
5. Bozorov O. Milliy g‘oya va targ‘ibot samaradorligi. Toshkent: Ma’naviyat, 2018. –B. 14-15.
6. Tashmetov T.X. Yoshlarni yot va zararli g‘oyalardan himoyalashda axborot kommunikatsiya tizimidan foydalanish texnologiyalari. –Toshkent: O‘zR Fanlar Akademiyasi Asosiy kutubxonasi, 2021. – B. 37.

## FOUR SAMPLE STEPS TO FOSTERING ACCURACY IN ESL LEARNERS

**Mukambar Ahmetovna Tashpulatova**

Teacher at “Foreign languages-2 “Department Tashkent State Transport University

### ABSTRACT:

This article is devoted to the description of sample steps to fostering accuracy in ESL learners. The author is dwelling on automaticity in language as one of the ways directly affecting fluency. It's also concerned that lesson should be restricted partly to short sentences that narrowly focus on the target grammar and/or vocabulary and partly including short games which gives wide opportunity to practice not only accuracy but fluency in language.

**Keywords:** fluency, unfamiliar material, the target language, grammar, pronunciation, fluency (pausing), and vocabulary (repeating words)

### АННОТАЦИЯ:

Данная статья посвящена описанию примеров шагов по повышению точности обучения обучающихся английскому языку как иностранному. Автор останавливается на автоматичности в языке как одном из способов, непосредственно влияющих на беглость речи. Он также обеспокоен тем, что урок должен быть ограничен частично короткими предложениями, которые узко сфокусированы на целевой грамматике и / или словарном запасе, а частично - короткими играми, что дает широкие возможности практиковать не только точность, но и свободное владение языком.

**Ключевые слова:** беглость, незнакомый материал, целевой язык, грамматика, произношение, беглость (пауза) и словарный запас (повторяющиеся слова).

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqola o'quvchilarni ingliz tilida chet til sifatida o'qitishning aniqligini yaxshilashga qaratilgan qadamlar namunalarini tavsiflashga bag'ishlangan. Muallif tilning avtomatligi haqida nutqning ravonligiga bevosita ta'sir qiladigan usullardan biri sifatida qaraydi. U shuningdek, darsning qisqacha qisqacha jumlar bilan chegaralangan bo'lishi kerak, chunki bu maqsad grammatika va / yoki so'z

boyligiga qisqacha e'tibor berish va qisman qisqacha o'yinlar, bu nafaqat adolatni emas, balki tilni ravon o'rganishni ham ta'minlaydi.

**Kalit so'zlar:** ravonlik, noma'lum materiallar, maqsadli til, grammatika, talaffuz, ravonlik (pauza) va lug'at (takrorlangan so'zlar).

There are a number of factors which affect fluency. To start, unfamiliar material results in less smooth, less quick language production. This is especially evident when the teacher first presents the target language (grammar, vocabulary, phrases, etc.). Students of all levels, when faced with new material, must process and practice it. A certain level of automaticity must be achieved before also gaining a level of fluency. And what is automaticity? The term refers to the recall time on the target language. Students work towards producing the new structures naturally and with less thought. When students repeatedly practice a word, phrase, or sentence structure, then the new material becomes automatic. Students require less time to think about how to produce the language. Improved automaticity directly affects fluency. It's important to note that too much information presented and practiced at once hinders fluency. For example, as students must become familiar with new material in the earlier stages of a lesson, they struggle with longer and richer sentences. In short, there's simply too much to juggle all at once. Of course the whole of the lesson shouldn't be restricted to short sentences that narrowly focus on the target grammar and/or vocabulary. However, restrictive practice at the start improves productive fluency later in the lesson. As the lesson progresses and students become comfortable and familiar with the target language, additional information for longer, richer sentences can be worked into the lesson plan. Below is a variation of a fluency game you might have played in class. Not easy, but good fun. It's actually a very popular game in Britain, based on BBC radio comedy programmed of the same name: Just a minute. The game is played in groups of four or five. One person in each group is the 'chair', the others are the players. First of all, a topic is chosen – someone takes the floor and has to keep talking for one minute; the speaker must not hesitate / deviate from the subject / repeat words – the listeners can challenge the speaker at any time by calling out

– Repetition.

– Deviation.

– Hesitation

The chair decides whether a challenge is successful or unsuccessful. If the challenge is successful, the challenger takes over and continues to speak on the topic for however much time remains. If unsuccessful, the player continues talking on the

same topic for the time remaining. The winner is the speaker speaking after one minute. The game is most challenging even for native speakers, so it may be a good idea to simplify the rules: how about ignoring hesitation to start with? There are more suggestions for other possible adaptations in the vid bellow. This is a great game to help you improve your speaking. Two or more people can play together. The first person chooses a topic, the second person has to start talking about the topic and cannot stop or pause. The other people listen for mistakes, if you spot a mistake, it is your turn to speak. Mistakes can be in your grammar, pronunciation, fluency (pausing), and vocabulary (repeating words) The person talking at the end of a minute gets a point, then you start again, To conclude, the teacher must not only consider accuracy, fluency, and the balance of the two, but he must also consider both sides to language use. Focus too much on accuracy, and students are disengaged and unable to connect to the content. Focus too much on fluency, and students make so many mistakes that they cannot be clearly understood.

**Conclusion** To conclude, the teacher must not only consider accuracy, fluency, and the balance of the two, but he must also consider both sides to language use. Focus too much on accuracy, and students are disengaged and unable to connect to the content. Focus too much on fluency, and students make so many mistakes that they cannot be clearly understood. There are a number of factors which affect fluency. To start, unfamiliar material results in less smooth, less quick language production. This is especially evident when the teacher first presents the target language (grammar, vocabulary, phrases, etc.). Students of all levels, when faced with new material, must process and practice it. A certain level of automaticity must be achieved before also gaining a level of fluency. And what is automaticity? The term refers to the recall time on the target language. Students work towards producing the new structures naturally and with less thought. When students repeatedly practice a word, phrase, or sentence structure, then the new material becomes automatic. Students require less time to think about how to produce the language. Improved automaticity directly affects fluency. It's important to note that too much information presented and practiced at once hinders fluency. For example, as students must become familiar with new material in the earlier stages of a lesson, they struggle with longer and richer sentences. In short, there's simply too much to juggle all at once. Of course the whole of the lesson shouldn't be restricted to short sentences that narrowly focus on the target grammar and/or vocabulary. However,



restrictive practice at the start improves productive fluency later in the lesson. As the lesson progresses and students become comfortable and familiar with the target language, additional information for longer, richer sentences can be worked into the lesson plan.

## REFERENCES

1. The Importance Of Accuracy And Fluency English Language. StudyMode.com. Retrieved 09, 2014, from <http://www.studymode.com/essays/The-Importance-Of-Accuracy-And-Fluency-59678643.htm>"The Importance Of Accuracy And Fluency English Language" StudyMode.com. 09 2014. 2014. 09 2014 <<http://www.studymode.com/essays/The-Importance-Of-Accuracy-And-Fluency-59678643.html>>.
2. "The Importance Of Accuracy And Fluency English Language." StudyMode.com. StudyMode.com, 09 2014. Web. 09 2014. <<http://www.studymode.com/essays/The-Importance-Of-Accuracy-And-Fluency-59678643.html>>.CHICAGO
3. "The Importance Of Accuracy And Fluency English Language." StudyMode.com. 09, 2014. Accessed 09, 2014. <http://www.studymode.com/essays/The-Importance-Of-Accuracy-And-Fluency-59678643.html>.
4. Suyunov D. X., Xoshimov E. A. The main directions of development of the corporate governance system in Uzbekistan in modern conditions //Economics and Innovative Technologies. – 2019. – T. 2019. – №. 4. – C. 11.
5. Suyunov D., Kenjabaev A. Achievements And Problems in Further Development of The Digital Economy in UzbekistanScientific Considerations //Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. – 2023. – T. 1. – №. 7. – C. 38-45.
6. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. STATE REGULATION OF THE DIGITAL TRANSFORMATION OF THE ECONOMY //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – C. 145-150.
7. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – T. 3. – №. 06. – C. 138-145.
8. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. Digitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – T. 12. – C. 209-218.

9. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – Т. 9. – С. 145-150.
10. Чулпонова Х. Т. Сущность профессионального самосознания будущего педагога //Academic research in educational sciences. – 2022.Т., TSTU Conference 1. – С. 666-671.
11. Xadicha C. Psychological Bases of Improving Professional Competence of Young Specialists //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2020. – Т. 8. – №. 3.
12. Чўлпонова Х. Т Роль профессиональных компетенций при развитии профессиональной деятельности специалиста HOLDERS OF REASON, Vol.2 No.3(2024) 89-94 <https://ciencepromotion.uz>

## PEDOGOGIK FAOLIYATDA INNAVATSION TEXNOLOGIYALARNING ROLI

**Yulduz Xusanovna Raxmonova**

Mustaqil izlanuvchi, assistant, “Xorijiy Tillar”

Toshkent Davlat Transport Universiteti, Toshkent, O'zbekiston

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqola bugungi kunning dolzarb masalalaridan bo'lgan o'qitilishning inovatsion texnologiyalarini, oliy ta'lim tizmiga tadbiq etishning yoritilib beradi, shu bilan bir qatorda namunalar ham keltirilgan.

**Tayanch so'zlar:** pedagogik texnologiya, o'qitish texnologiyasi, tarbiya texnologiyasi, interfoal metod, grafik organayzerlar.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье будут освещены актуальные на сегодняшний день вопросы внедрения инновационных технологий обучения в систему высшего образования, а также приведены примеры.

**Ключевые слова:** Педагогическая технология, технология преподавания, образовательная технология, интерактивный метод, графический органайзер

### ABSTRACT:

This article will highlight the current issues of introducing innovative learning technologies into the higher education system, as well as provide examples.

**Keywords:** Pedagogical technology, teaching technology, educational technology, interactive method, graphic organizer

Ayni kunda mamlakatimizda har bir sohada bo'lgani kabi ta'lim tizimi soxasida ham «Innovatsiya tushunchasi» juda keng qo'llanilmoqda. Shu qatorida pedagogik faoliyatda ham o'z ifodasini aks etirmoqda. Pedagogik faoliyatning mazmuni bo'lgan yosh avlodni hayotga va mehnatga tayyorlash murakkab, nihoyatda katta diqqat-e'tiborni talab qiladigan, ichki ziddiyatli jarayondir. Shu boisdan, o'qituvchi o'quvchiningakllanish jarayonini zo'r havas va sinchkovlik bilan kuzatishi lozim. U dars jarayonida pedagogik jarayonni boshqarar ekan, pedagogik bilim va mahorat egasi bo'lishi kerak. SHundagina o'qituvchi pedagogik hodisalarning

mohiyatini va pedagogik vaziyatni, pedagogik mehnat metodi, kasb va texnologiyasini va professional pedagogikani tushunib yetadi. Pedagogik bilim va mahorat egasi bo'lgan o'qituvchi, avvalombor, pedagogika fanining metodologik asoslarini, shaxs rivojlanishining qonuniyatlari va omillarini, kadrlar tayyorlash milliy dasturining mohiyati, maqsad va vazifalarini bilishi kerak. Hozirda ta'lim tizimida yosh avlod kelajagi uchun qayg'uradigan, axloqiy fazilatli, o'z kasbiga sodiq fidoyi ustozlar faoliyat ko'rsatib, ular bugungi kunning yuksak talablariga mos zamonaviy bilim va tajribalarni o'zlashtirishga, ijodiy mehnat qilishga intilmoqdalar. Kadrlar tayyorlash sohasidagi davlat siyosati insonni intellektual va ma'naviy - axloqiy jihatdan tarbiyalash bilan uzviy bog'liq bo'lgan uzluksiz ta'lim tizimi orqali har tomonlama barkamol shaxs – fuqaroni takomillashtirishga asoslanadi. Albatta bu maqsadni amalga oshirishda o'qituvchilarning roli kattadir. Respublikamizda ta'lim jarayonida innovatsion texnologiyalarni qo'llashga doir keng ko'lamda ishlar olib borilmoqda. Ushbu muammoning ilmiy-nazariy asoslari, har bir pedagogik texnologiyaning o'ziga xos jihatlarini ishlab chiqilib, yetarli darajada tajribalar o'zida mujassam etadi. Bugun biz yangi texnologiyalarga sarflanayotgan mablag'lar qay darajada o'zini oqlashini, ularning ta'lim sifatini oshirish va axborot hamda kommunikatsiya texnologiyalari, shuningdek, masofaviy ta'limni rivojlantirishga ta'sir qanday ko'rsatishini tasavvur qila olishimiz kerak. Shu o'rinda, biz axborot texnologiyalarini ta'lim jarayonida qo'llashning afzalliklarini e'tirof etishni xohlardik.

**Birinchidan**, ta'lim jarayonida kompyuterlar va axborot-kommunikatsiya vositalarining qo'llanilishi, talabalarning ular bilan bema'lol ishlay olishlari pedagogik jarayondagi eng muhim kamchiliklardan hisoblangan sub'ektivizmni cheklaydi.

**Ikkinchidan**, kompyuter orqali bolaga etkazilayotgan ma'lumotni zarurat bo'lganida, qayta - qayta chaqirish va takrorlash imkoniyati ham bor. Bu narsa ayrim talabalarda, guruh sharoitida ishlaganda kuzatiladigan iymanish kabi sifatning namoyon bo'lmashini ta'minlaydi. Uchinchidan, har bir professor-o'qituvchining o'zigagina xos bo'lgan tushuntirish uslubi, metodik yondashuvi mavjud. Ta'limning zamonaviy texnik vositalaridan foydalanish pedagogik jarayonlar ichidagi samarasiz uslubiyotlarga barham beradi, talabalarning o'quv materiallarini elektron nusxalarini olishi va ularni mustaqil o'rganishini ham ta'minlaydi. Nihoyat, ular "axborot asri" deb e'tirof etilayotgan yangi asrda yashab ijod qiluvchi yoshlarning ongini o'stiradi, ulardagi texnik vositalardan cho'chish hissini yo'qotadi.

Xullas, ta'lim muassasalarining bu narsaga sarflangan mablag'lari behuda ketmasligi ehtimoldan xoli emas. SHunday qilib, pedagogik texnologiyada didaktik masalalarning o'z echimlarini topishi - milliy dasturni ro'yobga chiqarishning muhim bosqichidir. Agar pedagog qo'lida bilimga chanqoq talabalar, fan maqsadiga mos mazmundagi dastur, darslik va qo'llanmalar mavjud bo'lsa, u didaktik jarayonni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun bilish faoliyatining tashkiliy shakllaridan samarali foydalanib innovatsion texnologiyalarni amaliyotga izchil va ketma-ket joriy etishi mumkin. SHu boisdan, o'qituvchi mahoratiga ko'p narsa bog'liqligi, uning pedagogik tizimda tutgan o'rnini haqida batafsil to'xtalish zarurati tug'iladi. SHu o'rinda, o'qitish jarayonida yangi metodlar haqida to'xtalsak, shaxmat metodi, innovatsion dars metodining tartibi, guruh talabalarini 2 jamoaga bo'linishadi, doskaga shaxmat doskasi chiziladi, talabalar ichidan 2 ta talaba yordamga olinadi, metod talabalarga yangi mavzuni tushuntirib bo'lganda amalga oshirilsa, maqsadga muvofiqroq bo'ladi. 2 gurux qarama-qarshi tomondan tosh surishadi. Raqamlar yozilgan maxsus qog'ozchalar orqali talabalar o'zlariga kerakli kataklarni topishadi, o'qituvchi tomonidan yangi o'tilgan mavzu bo'yicha savol beriladi, savolga javob bera olgan guruh toshlarni surish imkoniyatiga ega bo'ladilar, ketma-ket 3 marotaba oq katakka tushgan gurux vakillari raqib guruhdan 1 o'yinchini tanlab olish imkoniyatiga ega bo'ladilar, 3 marotaba qora katakka tushgan gurux vakillari 1 o'yinchini raqib guruhga beradilar, metod shu tartibda amalga oshiriladi, yurish boshlagan tomondan kim birinchi bo'lib oxiriga etib borsa, o'yin o'z nihoyasiga etadi va guruxdagi talabalar soni ko'p bo'lgan jamoa g'olib hisoblanadi.

1. O'qituvchi ta'lim - tarbiya maqsadini aniq va ravshan belgilashi kerakki, natijada, ma'lum vaqt ichida unga erishishni ta'minlaydigan didaktik jarayonni tuzish va joriy etish to'g'risida xulosa qilish mumkin bo'lsin.

2. O'qituvchi pedagogik tizimda belgilangan maqsadga to'g'ri keladigan o'quv - tarbiyaviy jarayon mazmunini o'quv dasturi bo'yicha chuqur egallashi, muntazam ravishda o'z pedagogik mahoratini ilmiy - texnikaviy taraqqiyot talablariga mos holda mustaqil ravishda kengaytirib borishi zarur.

3. Pedagogik texnologiyani yaxshi biladigan, uning yangi-yangi yo'llarini yarata oladigan, izlanuvchan, ijodiy ishlaydigan pedagogik mahorat egasi bo'lish lozim.

4. O'qituvchi didaktik jarayonni amalga oshirishda o'qitishning samarali shakllaridan foydalana olishi kerak. Ta'lim jarayonini takomillashtirish, o'zining kasb mahoratini oshirish, o'quvchilarda bilimga qiziqish va ishtiyoqni tarbiyalash,

o'qish motivlarini rivojlantirishi lozim. SHunday qilib, yuqorida keltirilgan fikrlar tahlili asosida quyidagicha xulosa qilish mumkin: Zamonaviy pedagogik texnologiya o'zining pedagogika va boshqa fan yutuqlari bilan bog'liq xususiy nazariyasiga ega; u birinchi galda o'quv- tarbiyaviy jarayonini ilmiy asosda qurishga yo'naltirilgan, o'qitishning axborotli vositalaridan va didaktik materiallardan, faol metodlardan keng foydalanishga asoslangan o'qituvchi va o'quvchilarning birgalikdagi hamkorligi asosida innovatsion texnologiyalar ta'lim oldida turgan vazifalarni muvaffaqiyatli amalga oshirishning asosiy shartidir. Demak, innovatsion texnologiyalar - ta'limga yangi tartib-qoidalarni kiritish uchun eng muhim komponentlardan biri hisoblanadi. Biroq ularni qanday qilib tatbiq etish va amalda foydalanishni bilib olish, aslida, hal qiluvchi ahamiyatga egadir. Buning uchun maxsus tayyorgarlik, katta kuch va ko'p vaqt sarflash lozim, ya'ni ta'limda innovatsion jarayonlarning tatbiq qilinishi bilan o'qituvchining roli pasayadi emas, balki o'quv-tarbiya jarayonining yuksak bosqichlarida yana ham ortadi. Bu esa pedagogdan o'z ilmini yangidan va tanqidiy tahlil etishni talab etadi.

## REFERENCES

1. Махсудов П. М. и др. Использование метода «ассесмент» при предварительной оценке знаний студентов //Высшая школа. – 2015. – №. 9. – С. 52-54.
2. Rahmonova, Y. (2023). Boshlang'ich ta'limda ingliz tilini o'rgatish texnologiyasi (qo'shiqlar orqali). *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 5(5).
3. RAXMANOVA, Y., & SHADIYEVA, S. ISSUES OF TEACHING UZBEK STUDENTS ENGLISH. *ЭКОНОМИКА*, 252-255.
4. Rahmonova, Y. (2021). TILLARGA IXTISOSLASHMAGAN OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA CHET TILINI O'QITISH MAQSADI.
5. Rahmonova, Y. (2019). TEACHING LARGE CLASSES
6. Фармонов У.М. Методика преподавания предмета физики студентам направления естествоведения//Образование и наука в России и за рубежом, С- 314-317. 2019, №16 (Вол.64)
7. Rahmonova, Y. (2019). МУЛЬТИМЕДИА КАК ВЕДУЩЕЕ СРЕДСТВО МЕДИАОБРАЗОВАНИЯ ПРИ ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ ТЕХНИЧЕСКОГО ВУЗА
8. Farmonov, U. (2020). Teaching of physics for students of natural direction with innovation technologies. *Физико-технологического образование*, (1).



9. Rahmonova, Y. (2018). ZAMONAVIY SHAROITDA O 'QITUVCHI SHAXSIGA QO 'YILADIGAN TALABLAR
10. Rahmonova, Y. (2020). WAYS OF TEACHING VOCABULARY ACCORDING TO INNOVATIVE TECHNIQUES
11. Farmonov, U. (2020). Geografiya yo'nalishi talabalariga fizikani o'qitish jarayonini innoyatsion texnologiyalar asosida takomillashtirish. Физикотехнологического образование, (1).
12. Rahmonova, Y. (2020). TO TEACH VOCABULARY THROUGH GAMES.
13. Rahmonova, Y. (2019). HOW TO DEVELOP THE READING SKILL.
14. Чулпонова Х. Т. Сущность профессионального самосознания будущего педагога //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. – №. TSTU Conference 1. – С. 666-671.
15. Xadicha C. Psychological Bases of Improving Professional Competence of Young Specialists //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2020. – Т. 8. – №.3
16. Чўлпонова Х. Т Роль профессиональных компетенций при развитии профессиональной деятельности специалиста HOLDERS OF REASON, Vol.2 No.3 (2024) 89-94 <https://ciencepromotion.uz>

## TEXNIKUMLARDA ILMIIY-USLUBIY ISHLARNI OLIY TA'LIM MUASSALARI BILAN HAMKORLIKDA TASHKIL QILISHNING O'ZIGA XOSLIGI

**O. S. Tursunov**

Toshkent davlat transport universiteti katta o'qituvchisi

### ANNOTATSIYA:

Texnikumlarda ilmiy-uslubiy hamkorligini tashkil etish texnikum professor-o'qituvchilari va oliy ta'lim muassalari professor-o'qituvchilari bilan hamkorlikda tashkil etishni talab etadi. Chunki texnikum o'quv rejasida o'tiladigan o'tiladigan maxsus fanlar oliy ta'lim muassalarida o'tiladigan fanlarni takrorlamasligi kerak yoki oliy ta'limda 2 kursda o'tiladigan maxsus fanlar texnikumning 1-2 kursida bo'lmasligi 2 kursdan so'hat asosida oliy ta'lim muassalariga o'qishga qabul qilinganlar fanlar farqini topshirishga majbur bo'ladi.

Hozirgi kunda texnikumlar uchun o'quv rejalar, dasturlar tuzish hamda adabiyotlar yetishmasligi, texnikum professor-o'qituvchilari va oliy ta'lim professor-o'qituvchilari bilan hamkorlikda ishlashga olib keladi.

**Kalit so'zlar:** professional ta'lim, professional standart professional ta'lim muassalari, professional ta'lim dasturi, malak talablari, o'quv reja, o'quv dastur.

### АННОТАЦИЯ:

Организация научно-методического сотрудничества в техникумах требует сотрудничества с профессорами и преподавателями техникумов и высших учебных заведений. Потому что специальные предметы, преподаваемые в программе техникума, не должны повторять предметы, преподаваемые в высших учебных заведениях, или специальные предметы, преподаваемые на 2-м курсе высшего образования, не должны быть на 1-2 курсах техникума. по этому поступающие в высшие учебные заведения будут вынуждены сдавать различие предметов.

В настоящее время отсутствие учебных планов, программ и литературы для техникумов приводит к сотрудничеству с преподавателями техникумов и преподавателями высшей школы.

Ключевые слова: профессиональное образование, профессиональный стандарт профессионального образовательного учреждения, программа

профессионального образования, квалификационные требования, учебная программа, учебная программа.

### ABSTRACT:

Organization of scientific-methodological cooperation in technical schools requires cooperation with professors and teachers of technical schools and higher education institutions. Because the special subjects taught in the curriculum of the technical school should not repeat the subjects taught in higher education institutions, or the special subjects taught in the 2nd year of higher education should not be in the 1st-2nd year of the technical school. based on this, those admitted to higher education institutions will be forced to pass the distinction of subjects.

Currently, the lack of curricula, programs and literature for technical schools leads to cooperation with technical school professors and professors of higher education.

**Keywords:** professional education, professional standard professional educational institutions, professional education program, qualification requirements, curriculum, curriculum.

Hozirgi kunda texnikumlar uchun o'quv rejalar, dasturlar tuzish hamda adabiyotlar yetishmasligi, texnikum professor-o'qituvchilari va oliy ta'lim professor-o'qituvchilari bilan hamkorlikda ishlashga olib keladi.

Oliy ta'lim professor-o'qituvchilari texnikumlarning ilmiy uslubiy ishlariga o'quv rejalar, dasturlar tuzish hamda adabiyotlar yaratishda kumaklashishi maqsadga muvofiq.

Ta'lim dasturining umumiy tuzilishi va bu dasturni tashkil qiluvchi malaka talabi o'quv reja hamda o'quv dasturlar (modul) tushunchalarining mazmun va mohiyati ochib berilgan. Undan tashqari hozirgi professional ta'lim dasturlarig bugungi zamon talablariga mos tarzda o'zgartirishlar kiritilishi, umuman olganda yaxlitlash (umumiy bitta hujjat ko'rinishiga keltirish) va buning afzalliklari hususida so'z yuritilgan. Shuningdek, kelgusida xorijiy tajribalarga tayangan holda ishlab chiqiladigan va umuman yangi ixcham ko'rinishdagi ta'lim dasturlari va ushbu professional ta'lim dasturlari asosida tayyorlashning pirovard natijalari yoritib berilgan.

Texnikumlarda: kadrlar tayyorlash Xalqaro tasniflagichning kamida 3 yoki 4-darajasiga mos ta'lim dasturlarini tamomlagan, «Hayot davomida ta'lim olish»

prinsipi asosida kamida umumiy o'rta ma'lumotga ega bo'lgan shaxslar hisobidan shakllantirilgan guruhlarda kasblar va mutaxassisliklarning murakkabligidan kelib chiqqan holda 2 yildan kam bo'lmagan muddatda kunduzgi, kechki va sirtqi ta'lim shakllarida davlat buyurtmasi hamda to'lov-kontrakt asosida amalga oshiriladi.<sup>[2]</sup>

O'zbekiston Respublikasida uzluksiz boshlang'ich, o'rta va o'rta maxsus professional ta'lim tizimini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to'g'risida.<sup>[3]</sup>

- Tizimida o'rta va o'rta maxsus professional ta'lim bosqichida kadrlar tayyorlaydigan kollejlari va texnikumlar bo'lgan vazirliklar, idoralar va xo'jalik birlashmalari tasdiqlangan namunaviy ustav asosida ta'lim muassasalarining ustavlarini ishlab chiqsinlar hamda ularning faoliyati yo'lga qo'yilishini ta'minlasinlar.

- tegishli oliy ta'lim muassasalari bilan birgalikda:

texnikum bitiruvchilari kelgusida oliy ta'lim muassasalarining tegishli yo'nalishlarida ta'limni davom ettirishini hisobga olgan holda tayyorlanadigan mutaxassisliklar ro'yxatini shakllantiradilar;

texnikumlarning kamida 2 yillik muddatga mo'ljallangan ta'lim dasturlarini ishlab chiqadilar va Vazirlikka tasdiqlash uchun taqdim etadilar;

kunduzgi ta'lim dasturlari bitiruvchilari oliy ta'lim muassasasining 2-kursidan to'lov-kontrakt asosida ta'limni davom ettirishini tashkil etadilar.

Texnikumlarda Xalqaro tasniflagichning 5-darajasiga mos keluvchi va oliy ta'lim tizimi bilan integratsiya-lashgan ta'lim dasturlari asosida kadrlar tayyorlanadi. O'quvchilarning o'qishlari kasblar va mutaxassislik-larning murakkabligidan kelib chiqqan holda kamida ikki yil muddatda kunduzgi, kechki va sirtqi ta'lim shakllarida to'lov kontrakt yoki davlat buyurt-masi bo'yicha davlat granti asosida amalga oshiriladi. <sup>[3]</sup>

Professional ta'limda xalqaro tajriba asosida ta'lim sifatini ta'minlash, yoshlarda tadbirkorlik ko'nikmalarini, shaxsiy kompetensiyalarni shakllantirish, amaliyotga alohida urg'u berish, daromad olishga yo'naltirish ustuvor o'rin tutadi. Buning uchun yangi standartlar, yangi o'qitish metodologiyasi, yangi darslik va adabiyotlar, zamonaviy innovatsion ta'lim texnologiyalari va baholash tizimini joriy etiladi.

Ta'lim tizimining transformatsiyasi jarayonida professional ta'limni har tomonlama rivojlantirish mehnat bozori talablari asosida malakali o'rta bo'g'in mutaxassislarini tayyorlash imkoniyatini oshiradi. Ushbu jarayon davlat va jamiyat

manfatlariga mos kelgan holda shaxslarning bilim olish bo'yicha huquqlarini amalda ta'minlash bilan ham ajralib turadi.

Xalqaro ta'lim tizimi bilan O'zbekiston ta'lim tizimini o'zaro uyg'unlashuvini ta'minlash orqali bitiruvchilarning malakalarini xalqaro mehnat bozorida ham tan olinishiga olib keladi. Ta'lim tizimi transformatsiyasi jarayonida yangi professional ta'lim tiziming o'rni va ahamiyatini oshirish uchun quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq bo'ladi.

- Professional ta'lim tizimini mehnat bozoridagi ulushi yuqori ekanligidan kelib chiqib oliy ma'lumot talab etilmaydigan ish o'rinlariga mazkur yangi tizimda kadrlar tayyorlashni bosqichma-bosqich oshirib borish.

Texnikumlarda o'qish davomiyligi kasblar va mutaxassisliklarning murakkabligidan kelib chiqib belgilanadi. O'qish muddati kollejlardagi kabi kamida 2 yilni tashkil qiladi.

Texnikumlarda ta'lim kunduzgi, kechki va sirtqi shakllarda, qolaversa, davlat granti va to'lov-shartnoma asosida amalga oshiriladi.

O'quv yili davomiyligi ta'lim dasturi asosida belgilanadi. Akademik davr davomida o'quvchi tomonidan to'planishi lozim bo'lgan kreditlar miqdori o'quv rejasida ko'rsatilgan majburiy va tanlov fanlarni o'z ichiga oladi.

Professional ta'lim-o'quv metodik muvofiqlashtirish bosh boshqarmasi negizida Professional ta'lim muassasalari faoliyatini muvofiqlashtirish departamenti tashkil etildi.<sup>[3]</sup>

Professional ta'lim muassasalarida mutaxassislar tayyorlash sifatini, ta'lim dasturlari mazmuni va darajasini Ta'limning xalqaro standart tasniflagichi va milliy malaka ramkalari talablariga mosligini ta'minlaydi.

Texnikumlar, o'quv reja va dasturlar, o'quv-me'yoriy hujjatlar tayanch oliy ta'lim muassasalari tomonidan tajribali professor-o'qituvchilar va tegishli mutaxassislarni jalb etgan holda ishlab chiqiladi hamda vazirlik tomonidan tasdiqlanadi;

- oliy ta'lim muassasalari o'zlariga biriktirilgan texnikumlarni o'quv-metodik hujjatlar (o'qitish materiallari to'plamlari, didaktik materiallar, praktikumlar, texnologik xaritalar, elektron resurslar, xorijiy o'quv, ilmiy va badiiy adabiyotlar, davriy nashrlar, lug'atlar, ensiklopediyalar, axborotnomalar hamda boshqalar) bilan ta'minlaydi; O'quv jarayonini tashkil etish va ta'lim sifatini ta'minlash.<sup>[6]</sup> O'quv jarayoni o'quv va nazorat tadbirlari majmuini o'z ichiga oladi. O'quv tadbirlarida

barcha turdagi auditoriya mashg'ulotlari, amaliyot va mustaqil ishlarning tashkil etilishi nazarda tutiladi.

- O'quv jarayoni o'quvchilar, pedagog xodimlar va ma'muriyat o'rtasida ochiq muloqot shaklida o'quvchiga yo'naltirilgan yondashuv asosida ta'lim dasturlarini inobatga olgan holda rejalashtiriladi. Ushbu jarayonda o'quvchilarning talab va istaklari muhokama qilinadi. Barcha manfaatdor tomonlar ta'lim dasturining yaratilishi va o'zlashtirilishining asoslangan hamda yechimga yo'naltirilgan muhokamasiga jalb etilishi mumkin. Muhokamada o'quvchilar vakillari ovoz berish huquqi orqali ishtirok etadi.

- O'quv jarayonini rejalashtirish quyidagi bosqichlardan iborat bo'ladi:

o'quv rejasi va o'quv dasturini ishlab chiqish;

ishchi o'quv rejasi hamda fanlarning ishchi o'quv dasturini ishlab chiqish;

tanlov fanlari ro'yxatiga mos ravishda o'quv-metodik bo'lim (yoki bo'lim boshlig'i) nazorati ostida o'quvchilarning shaxsiy ta'lim traektoriyasini shakllantirish;

akademik guruhlar bo'yicha o'quv mashg'ulotlari jadvalini tuzish.

O'quv rejasiga o'quvchilar tomonidan ixtiyoriy ravishda o'zlashtiriladigan qo'shimcha kreditlar ajratiladigan ta'lim elementlari kiritiladi. O'quvchining jamoat ishlaridagi faolligi, kasbiy tadbirlar, kasbiga oid faoliyatdagi ishtiroki hamda soha mutaxassislari tomonidan o'tkaziladigan qisqa muddatli kurslardagi ishtiroki rag'batlantirilib, kreditlar ajratiladi.

O'quv yuklamasi auditoriya soati va mustaqil ta'lim soatiga bo'linadi.

Kechki, sirtqi va dual ta'lim shakllari hamda ta'lim sohasi xususiyatidan kelib chiqqan holda, semestr va bir o'quv yilidagi kreditlar miqdori texnikum pedagogik kengashining qarori bilan o'zgarishi mumkin.

Texnikumning hamkor tashkilotlar bilan birgalikda ishlab chiqilgan ta'lim dasturlari doirasida akademik mobillik uchun ta'lim to'g'risidagi kelishuvlar tuzishi talab etilmaydi.

Ta'lim dasturi - professional ta'lim muassasasi bitiruvchisiga muayyan egallagan kasb yoki mutaxassislik bo'yicha kasbiy faoliyatni malakali bajarish imkonini berishga qaratilgan professional ta'lim tayyorgarligining asosiy mazmunini aniqlovchi davlat ta'lim standartlari, o'quv rejasi, o'quv fanlari (modullar) dasturlari, malaka amaliyot dasturlaridan iborat hujjatlar to'plami;<sup>[3]</sup>

Shuningdek, tabaqalashtirilgan ta'lim dasturi - Xalqaro tasniflagichning tegishli darajalariga muvofiq boshlang'ich, o'rta va o'rta maxsus professional



ta'limda kadrlar tayyorlash uchun kasb yoki mutaxassisliklarning murakkablik darajalari, o'qitish muddatlari birbiridan farq qiladigan ta'lim dasturi deb aniq ifodalangan.

Bugungi kunda ta'lim dasturi, ya'ni malaka talabi, o'quv reja va o'quv dasturlari kasbiy standartlar asosida ishlab chiqilmoqda va yildan yilga takomillashtirilib amalga joriy qilib borilmoqda. Jumladan joriy o'quv yili uchun 3-darajada 108 ta, 4-darajada 136 ta va 5-daraja 81 ta kasb va mutaxassisliklarning o'quv reja, malaka talabi va fan (modul) dasturlari ishlab chiqilgan.

Biroq professional ta'lim dasturlarining hozirgi amaldagi tartibda ishlab chiqilishi ta'lim tizimida qog'oz hajmini ortib ketishiga va o'quv me'yoriy hujjatlarning tarqoqligiga olib kelmoqda. Bundan tashqari, ta'lim dasturlarining tarkibi: malaka talabi, o'quv reja va o'quv dasturining yaxlit alohida shakldaligi tasdiqlash jarayonida vaqtni samarasiz sarflanishiga va ish beruvchi tashkilotlarga ham noqulayliklar tug'dirmoqda. Chunki ta'lim dasturlarining bu tartibda ishlab chiqilishi o'quv me'yoriy hujjatlarning bir-biriga muvofiqligini, ya'ni, integratsiyasini ta'minlashda qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi.

Umuman olganda, rivojlangan mamalakatlar tajribasi tahlilida ulardagi ta'lim dasturlarining tarkibiy qismlari tarqoq holatda kuzatilmaydi. Ya'ni professional ta'lim dasturlari sodda va yaxlit bitta hujjat ko'rinishida ishlab chiqilgan. Masalan, Qozog'iston Respublikasining professional ta'lim standartlariga nazar soladigan bo'lsak, ta'lim dasturlarining yaxlitlangan strukturada tuzilaganini ko'rishimiz mumkin.

Ko'p yillar mobaynida bugungi kunga qadar takomillashtirib kelingan ushbu ta'lim standarti asosida ta'lim olayotgan Qozog'iston o'rta bo'g'in kadrlari nafaqat mahalliy mehnat bozorida balki, boshqa xorijiy mamlakatlarda ham nufuzli tashkilotlarda munosib ish haqiga ega bo'lib, o'z o'rinlarini topib kelmokda.

Hozirgi professional ta'lim dasturlari tarkibidagi malaka talabi, o'quv reja va o'quv dasturlarining bir-biriga nomutanosibliigi va rivojlangan mamlakatlarda sinovdan o'tgan professional ta'lim dasturlarining ijobiy natijalarini hisobga olib, O'zbekistondagi professional ta'lim dasturlarini yangicha qiyofada unifikatsiya qilingan, yaxlit bitta hujjat shaklida ishlab chiqishni taklif qilamiz. Professional ta'lim dasturlari strukturasi ishlab chiqishdagi bunday yangicha yondashuv mamlakatimiz professional ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirishda o'z samarasini ko'rsatadi deb hisoblaymiz. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad shuki, birinchidan qog'oz hajmini qisqartirish va o'qituvchilar vaqtini ortiqcha

qog'ozbozlikka emas balki, butun e'tiborini o'quvchilarga ta'lim berishga qaratishdir. Ikkinchidan, bu yondashuv ish beruvchi tashkilot xodimlarining ta'limga oid bo'lgan hujjatlardagi tushunmovchiliklarini bartaraf etadi va pedagog xodimlar bilan hamkorlikda mahalliy va tashqi mehnat bozori talablariga mos bo'lgan malakalarni o'zlashtirishga yo'naltirilgan professional ta'lim dasturlarini yaratishda eng maqbul yo'l hisoblanadi.

Bundan tashqari, professional ta'lim dasturining yangi strukturasi ishlab chiqish va tasdiqlash jarayoni oldingidek uzoq vaqt talab qilmaydi. Eng asosiysi malaka talabi, o'quv reja hamda o'quv dasduarlari o'rtasidagi muvofiqlik va uzviylikni saqlab koladi. Shu bilan birga, yangi professional ta'lim dasturlarini joriy etilishi xorijiy professional ta'lim muassasalar bilan birgalikda kelugusida qo'shma dasturlarni joriy etish imkoniyatlarini kengaytiradi. Bularni inobatga olib, ilg'or xorijiy tajribalar asosida (masalan: Amerika, Finlandiya, Rossiya va Qozog'iston) yangi professional ta'lim dasturlarini ishlab chiqishni yo'lga qo'yish va amalga joriy qilinishini taklif qilamiz.

Xulosa: Xulosa va takliflar olib borilgan tahlillar asosida xulosa qilib aytish mumkinki, texnikumlarda oliy ta'lim muassalari bilan ilmiy-uslubiy hamkorligini tashkil etish texnikum professor-o'qituvchilari va oliy ta'lim muassalari professor-o'qituvchilari bilan hamkorligi texnikum o'quv rejasida o'tiladigan fanlar oliy ta'lim muassalarida o'tiladigan fanlarga muvofiqlikni ta'minlash. Tizimda mehnat bozoridagi kadrlarga bo'lgan ehtiyojlarni shakllanishida va ish beruvchilarning talablarida bitiruvchining ma'lumot darajasiga qo'shimcha ravishda bitiruvchilarda amaliy ko'nikmalar ya'ni tegishli kompetensiyalar mavjudligiga ishon xosil qilish uchun har tomonlama puxta o'ylangan ta'lim tizimini yaratishni taqozo etadi.

## REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasining 2020 yil 23 sentabrdagi "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Professional ta'lim tizimini yanada takomillashtiri-shga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" 2019 yil 6 sentabrdagi PF-5812-son Farmoni.
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 07.08.2020 yildagi 466-son qarori
4. Prezidentning 16.06.2022 yildagi «Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi boshqaruvi tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-284-son qarori.

5. Prezidentning 16.06.2022 yildagi «Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi boshqaruvi tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-284-son qarori.
6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 07.12.2023 yildagi 648-son qarori 2-bobiga muvofiq
7. Abdurahmonov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti: nazariya va amaliyot. Darslik. Qayta ishlangan va to'ldirilgan 3-nashri. – T.: O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "FAN" nashriyot davlat korxonasi, 2019. – 140-b.
8. Abdurahmonov Q.X. Inson taraqqiyoti. Darslik. – T.: «Fan va texnologiya», 2013 yil. - 476 b.
9. Ramatov, J., Umarova, R., Sultanov, S., Nazarova, N., & Khasanov, M. (2022). THE IMPORTANCE OF FORMING HIGH MORALITY AND SPIRITUALITY IN YOUNG PEOPLE. Теория и практика современной науки, (12 (90)), 78-81.
10. Ramatov, J., Umarova, R., Sultanov, S., Nazarova, N., & Khasanov, M. (2022). MORALITY: AS A SOCIAL-SPIRITUAL PHENOMENON. Теория и практика современной науки, (12 (90)), 27-30.

## **YANGI O'ZBEKISTON TARAQQIYOTI BOSQICHIDA YOSHLARNING TA'LIM-TARBIYANI YUKSALTIRISHNING USTIVOR VAZIFALARI**

**Mamura Baxtiyarovna Yo'ldosheva**

Toshkent davlat transport universiteti dotsent v.b.

e-mail:mbaxtiyarovna@gmail.com

**Xurshida Eminjonova**

ATM fakulteti, EAM-6 guruhi

### **ANNOTATSIYA:**

Maqolada Yangi O'zbekiston taraqqiyoti bosqichida yoshlarning ma'naviy va madaniyatini yuksaltirishning ustivor vazifalari va amalga oshirilgan bir qator amaliy chora-tadbirlar ta'lim sohasidagi islohotlar tahlil etilgan.

**Kalit so'zlar:** Yosh avlodlar, ma'naviy sohada, madaniy markaz, madaniy-gumanitar aloqalar, millatlararo munosabatlar, do'stlik aloqalari, o'zaro tashriflar, ta'lim-tarbiya.

Har bir jamiyat va davlatning taraqqiyotini, uni amalga oshirishga qaratilgan strategik dastur yoki konsepsiyalar bo'lmasin ularning barchasini amalga oshiruvchi kuch bu inson omilidir. Bunda bu omilning ta'lim-tarbiya jihatdan qo'llab-quvvatlanishi va uning imkoniyatlari har tomonlama kafolatlanishi muhim shart hisoblanadi. Xususan, shaxs ma'naviy madaniyati o'z o'rnida insonning ham ma'nan, ham jismonan va moddiy jihatdan yuksalishini ta'minlovchi muhim omil bo'lib xizmat qiladi. Bu borada ma'naviy madaniyat jamiyatning barcha sohalarini va tarmoqlarini rivojlantirishga hissa qo'shish bilan birga ulardan ma'naviy kuch oladi, ijobiy ma'noda ta'sirlanadi. Masalan, jamiyatning badiiy sohasi intellektual muammolarni funksional ravishda hal qiladigan madaniyatning ixtisoslashgan sohalaridan biridir. San'at madaniyati uning muvaffaqiyatli ishlashini ta'minlaydigan barcha jarayonlarni o'z ichiga oladi. Dunyoga estetik munosabat jamiyat hayotining har qanday sohasidagi badiiy faoliyat uchun zarur shartdir. Aslida, badiiy madaniyat xayoliy voqeliklar dunyosini loyihalashtiradi, bunda odamlar e'tiborini ma'naviy madaniyatning ushbu mavzuda aktual bo'lgan axloqiy, estetik va boshqa muammolarga qaratadilar. Jamiyatning ma'naviy hayotini tahlil qilish hozirgi paytda falsafaning eng muhim muammolaridan biridir. Bundan tashqari inson biotizimini

intellektual bilish, uning ishlashi, himoyasi va saqlanishi ma'naviy madaniyatning turli shakllari orqali ma'naviy madaniyatning tibbiy sohasidagi eng muhim vazifalardir. Jismoniy va ma'naviy madaniyatning shakllari insonning madaniyatda qabul qilingan meyorlar, qadriyatlar va talablarga ega bo'lgan qobiliyatlarini shakllantirish, rivojlantirish va ulardan foydalanish bilan bog'liq inson faoliyatini tartibga soladi. Shaxs jismoniy madaniyatining ma'naviy qadriyatlariga har tomonlama jismoniy rivojlanish sohasidagi maxsus bilimlar, jismoniy barkamollik g'oyalari, ularga qanday erishish mumkinligi haqidagi g'oyalar, muayyan sport turlarining xususiyatlari, uning tarixi, rivojlanish istiqbollari va boshqalar kiradi. Jismoniy madaniyat - bu iqtisodiyot, ekologiya, siyosiy boshqaruv, tibbiyot, pedagogika, san'at madaniyati, fan bilan chambarchas bog'liq bo'lgan ijtimoiy hodisadir.

O'zbekistonda davlatning barqarorligini, tinchligi, taraqqiyoti, harbiy qudrati, iqtisodiy o'sish ko'rsatkichlari, milliy manfaatlari xavfsizligi masalalari jamiyat va davlatning asosiy faoliyati manbalari, ya'ni inson omiliga bog'liq ekanligini alohida ta'kidlab o'tish lozim. Bu zamonaviylashuv jarayonida muhim rol o'ynaydi. Inson omilining ongi, madaniyati, fikrlash darajasi shu davlat va jamiyatning manfaatlari, qadriyatlarini, tarixiy o'tmishini o'zida mujassamlashtirgan milliy g'oya va mafkuralar, qarashlar sifatida aholiga yetkaziladi va singdiriladi. Bu vazifa esa avvalo ijtimoiy institutlar, ayniqsa oila, qadriyatlar, urf-odatlar orqali amalga oshiriladi. Sharq xalqlari, xususan, O'zbekiston misolida bu ibora jamiyatning asosiy negizi sifatida hanuzgacha katta ahamiyat kasb etmoqda.

Umuman olganda, ma'naviy taraqqiyotni ta'minlashning ijtimoiy manbalariga quyidagilarni kiritish mumkin: oilani, bolalar bog'chasini, maktabni, kutubxonalarini, muzeylarni, madaniy markazlarni, teatr, kino, OAV, ijtimoiy tashkilotlarni (ijodiy uyushmalar), ishlab chiqarish korxonalarini, davlat organlarini, xalqaro institutlar va boshqalar shular jumlasidandir. Ularning barchasi turli darajada va turli tomonlardan inson dunyoqarashining rivojlanishi va ma'naviy kamolotiga ta'sir ko'rsatadi. Shuning uchun ham R.A.Umrzoqova "Tarbiya shakllariga jamiyatdagi turli maxsus bo'g'inlar mas'ul bo'lsa-da, oila barcha shakllardagi tarbiya jarayonida to'ldiruvchi, mustahkamlovchi bo'g'in sifatida namoyon bo'ladi. Yoshlarga singdirila boshlangan yangi g'oya va qarashlar oila muhitida mazmunan boyitiladi", deb ta'kidlaydi. Kutubxonalar va muzeylar ma'naviy qadriyatlarni amalga oshirilishiga yo'naltirilgan ijtimoiy tashkilotlar sifatida tashkil qilingan. Ular bugungi kunda ham shu qadriyatlarni amalga oshirilishiga imkon yaratishi mumkin, biroq bu

yo'naltirilganlikni doimiy ravishda yangilab turish zarur. Hozirgi kunda an'anaviy ma'naviy tashkilotlarda ko'ngilochar tijorat manfaatlari ustun bo'lib, ularning ishida qoloq, davr talabidan yiroq narsalar juda ko'p. Shuningdek postmodernizm xavfi ham mavjud, u ruhan to'liq shakllanmagan odamlarga sindiruvchi ta'sir ko'rsatadi. Postmodernizm faqatgina ma'nolarning rivojlangan ma'naviy tizimlarinigina mustahkamlashi mumkin. Insonga jamiyat tomonidan taqdim qilinadigan ma'nolar: o'z istaklarini qondirish, iste'molchilik, nasl qoldirish, tanlangan kasbida muvaffaqiyatga erishish va hokazo.

Agar milliy taraqqiyotning ibtidosi ta'lim-tarbiya, ma'naviy yetuklik va jamiyatda yangicha tafakkurning shakllanishi siyosiy va huquqiy madaniyatning o'zgarishi bilan bog'liq bo'lsa, uning davomiyligi Vatan va yurt manfaatining ustuvorligi hamda ta'minlanishi bilan uyg'unlashib ketadi. "Madaniyati hoziradan mahrum qolub, sanoye' va maorif salohi ila qurollanmagan millat esa, dunyoda rohat va saodat yuzini ko'rolmas. "Muborizai hayot" maydonida mutlaqo mag'lub bo'lur, oyoqlar ostida ezilur, diniy, iqtisodiy ishlarda o'zgalarning asiri bo'lub, bora-bora milliyat va diyonatini ham qo'ldan berur. Ana ushbu yo'llar ila oxiri mahv va nobud bo'lub ketar. Binoan alayh, yer yuzidagi barcha millatlar o'z bolalarini ibtidoiy tarbiyasig'a va maktablarning har jihatdan intizom va akmolig'a ahamiyat berub bolalarini milliy va diniy ruhda mukammal suratda yetushdurarlar. Shuning uchun Turkiston musulmonlarig'a ibtidoiy maktablarni ko'paytirmoq lozimdur. Shunday ekan, ijtimoiy taraqqiyot jarayoni ko'proq yoshlar va ularning ma'naviy, intellektual salohiyati, siyosiy va huquqiy bilim darajasiga bog'liqdir. Bu omillarni to'g'ri anglagan holda mamlakatimizning hozirgi taraqqiyot bosqichida 2018 yil 30 sentabrda PQ-3955 sonli "Maktabgacha ta'lim tizimini boshqarishni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori, 2019 yil 8 mayda "Maktabgacha ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi" qabul qilinishi, yoshlarimizga bolalikdanoq ona Vatanga muhabbat va sadoqat ruhini shakllantirishdan iboratdir.

Darhaqiqat, har bir mamlakatda aholining ijtimoiy-siyosiy faolligi ma'naviy intellektual salohiyati jamiyat taraqqiyotini belgilovchi muhim omillardan biridir. Davlat va jamiyat boshqaruvida fuqarolarning ayniqsa, yoshlarning ishtiroki ularning obyektiv voqelikka munosabatida to'la namoyon bo'ladi. Boshqaruv jarayonidagi bunday munosabat har bir insonning jamiyat siyosiy hayotida o'z o'rniga ega bo'lishi, ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy maqsad va manfaatlarini qondirishi hamda, ularni amalga oshirish yo'lidagi harakatlari asosida yuz beradi. Jamiyatda yangicha



munosabatlar tarkib topayotgan hozirgi davrda yoshlarning ijtimoiy-siyosiy hayotda ishtirok etish imkoniyatlari kengaygan.

Bizga ma'lumki, hozirgi kunda dunyodagi har qanday davlatning obro'si va nufuzi, kuch-qudrati, uning moddiy boyliklari, iqtisodiy taraqqiyoti, harbiy quvvati bilan emas, balki avvalo, yuksak ma'naviy salohiyati bilan ham belgilanadi. Xalqning, millatning ma'naviy-ma'rifiy boyligi esa har tomonlama yetuk iste'dodli va qobiliyatli, axloqli va bilimli yoshlar tomonidan rivojlantiriladi. Lekin shunday bo'lsada masalaning yana bir tomoni hozirgi tez sur'atlar bilan dunyo hamjamiyatida rivojlanib borayotgan davlatlarning barkamol avlod tarbiyasida ularga salbiy ta'sir qilishi mumkin bo'lgan omillardan doimiy ravishda himoyalash dolzarb masaladir. O'zbekistonda aholining o'rtacha yoshi 24 yoshni tashkil etadi. Biz uchun hech qachon kun tartibidan tushmaydigan yana bir o'ta muhim masala borki, unga alohida to'xtalib o'tishni zarur. U ham bo'lsa, unib-o'sib kelayotgan yosh avlodimiz, farzandlarimiz tarbiyasi bilan bog'likdir. Buyuk bobomiz Abdulla Avloniy aytganidek, bu masala biz uchun haqiqatdan ham yo najot, yo halokat, saodat, yo falokat masalasidir va o'z dolzarbligi va ahamiyatini hech qachon yo'qotmaydigan, ta'bir joiz bo'lsa, masalalarning masalasidir. Demak, mamlakatimizda yoshlarning jamiyat taraqqiyotiga nisbatan ongli munosabati, undagi ishtiroki va faolligisiz milliy taraqqiyotni tasavvur qilish qiyin. O'zbekiston sharoitida yoshlarga ijtimoiy taraqqiyotning muhim «katalizatori» sifatida qaralishining eng asosiy sabablaridan biri ham ular tarkibi, ongi va dunyoqarashi bilan bog'liq. Negaki, yoshlar dunyoqarashi bugungi yangilanishlar jarayonida shakllanib bormoqda. Shu sabab ham davlat siyosatida bu masalaga alohida yondashilmoqda.

Huquqiy demokratik davlat va fuqarolik jamiyati sharoitida siyosiy faollik ko'proq yoshlar tashkilotlari, ma'naviyat va ma'rifatga daxldor jamoat tashkilotlari, ta'lim muassasalari, mahalla, oila kabi fuqarolik jamiyati institutlari o'rtasida o'zaro mustahkam aloqa bog'lanishini talab etadi. Umuman bugungi demokratik jarayonlar chuqurlashayotgan, fuqarolik jamiyati institutlari mavqei kuchayayotgan sharoitda har qanday masalaning yechimida davlat va jamiyat o'rtasida uyg'unlik ta'minlanmas ekan, islohotlarda kerakli natijalarni qo'lga kiritish mushkul. Demak, islohotlar va ularning samarasi avvalo aholiga, O'zbekiston sharoitida esa yoshlarga, ularning davlat va jamiyat boshqaruvidagi ishtirokining, ya'ni siyosiy faolligining darajasiga bog'liqdir. Jamiyat taraqqiyotida inson omili xususida dunyo tajribasidan misol keltirsak, ikkinchi jahon urushida honavoyran bo'lgan Germaniya va Yaponiya kabi

davlatlar bugungi kun taraqqiyotida inson omilining naqadar katta kuch bo'la olishini isbotladi.

Inson ma'naviy madaniyatiga salbiy ta'sir ko'rsatadigan eng katta tahdidlardan biri bu – korrupsiyadir. Bugun dunyo tajribasi shuni ko'rsatadiki, davlat doirasidagi yirik korrupsion jinoyatlardan ko'ra maishiy korrupsiya katta yo'qotishlarga olib keladi. Jumaladan, ta'lim tizimidagi oddiygina sessiyadagi “baho olish” jarayoni kelgusida katta-katta ijtimoiy larzalarga sabab bo'lishi mumkin. Janubiy Afrika Respublikasi Stellenboss universiteti peshtoqiga quyidagi ibora yozib qo'yilgan: «Har qanday millatni yo'q qilish uchun atom bombasi yoki uzoq masofali raketa shart emas. Buning uchun ta'lim sifatini tushirib, imtihonlarga aldov aralastirishning o'zi kifoyadir. Bu tarzda ta'lim olgan shifokorlar qo'ldan bemorlar o'lim topadi, quruvchilar qurgan uy va binolar vayron bo'ladi, iqtisodchi va hisobchilar qo'lida moliyaviy resurslar sovriladi, adolat ham shunday huquqshunos va sudyalari qo'lida zavol topadi». Taasufki, oliy ta'lim tizimida asosan talabalik safiga qabul qilish, o'qish jarayonida topshiriladigan turli sinovlar, talabalarning bitiruv malakaviy ishi yoki magistrlik dissertatsiyasini tayyorlash va himoya qilish, magistraturaga qabul, shuningdek, talabalarning o'qish joyini ko'chirish, o'qish yo'nalishini o'zgartirish hamda o'qishga qayta tiklashda korrupsiya holatlari kuzatilmoqda.

Davlatimiz rahbari bu kabi muammolarning oldini olish borasida quyidagi mulohazani ilgari surgan edi: “Korrupsiyaga qarshi kurashishda aholining barcha qatlamlari, eng yaxshi mutaxassislar jalb qilinmas ekan, jamiyatimizning barcha a'zolari, ta'bir joiz bo'lsa, “halollik vaksinasi” bilan emlanmas ekan, o'z oldimizga qo'ygan yuksak marralarga erisha olmaymiz. Biz korrupsiyaning oqibatlari bilan kurashishdan uning barvaqt oldini olishga o'tishimiz kerak”. Chunki, korrupsiya davlatni ichidan yemiruvchi hamda milliy xavfsizligimizga ta'sir o'tkazadigan xatarli tahdid va unga qarshi kurashish barchamizni oldimizdagi vazifadir.

Nemis va yapon xalqi urushdan keyingi och-nahorliklarga, muhtojliklarga qaramay, barcha topganlarini yoshlar kamolotiga, ularning ta'lim va tarbiyasi uchun sarflagan. Buning ustiga g'olib davlatlar ko'rgan zararlarni ham ana shu xalqlar to'lashi kerak bo'ldi. Ana shunday og'ir sharoitda Yaponiyada siyosiy, iqtisodiy inqirozga uchragan mamlakatni tushkunlikdan olib chiqishning birdan-bir yo'li sifatida xalq milliy ruhiyatini tiklash, ta'lim tizimini yangi asosda yo'lga qo'yishga e'tibor qaratildi. «Xalqning qornini to'ydirish uchun, avvalo uning miyasini to'ydirish kerak» degan o'ziga xos shior va g'oya ilgari surildi. Bu g'oya «miyasi to'ygan xalqning qorni o'z-o'zidan to'yadi» degan tamoyil asosida amalga oshirila

boshlangan. «Miyasi to‘ygan» xalqning e‘tiqodi, mamlakat istiqboliga ishonchi, vatanparvarlik va millatparvarlik tuyg‘usi, ilmiy, madaniy saviyasi, kasbiy mahorati, mamlakat oldidagi burch va mas‘uliyatini anglash tuyg‘usi qanchalik yuqori va mustahkam bo‘lishini nemis va yapon xalqlarining tarixiy tajribasi tasdiqlamoqda. Demak, jamiyat taraqqiyotning qaysi bosqichida bo‘lmasin, uning rivoji yuksak darajadagi ijtimoiy-siyosiy faollik hamda fuqarolarning ma‘naviy kamoloti orqali amalga oshadi.

Dunyo tajribasi shuni ko‘rsatmoqdaki, qachonki demokratik tamoyillar ko‘proq quyidan yuqoriga qarab takomillashib borsa, u o‘ziga xos qadriyat darajasiga ko‘tariladi. Zero jamiyat a‘zolari kundalik hayotida aks etmaydigan demokratiya turmush tarzimizning tarkibiy qismiga ham aylana olmaydi. Bu esa uzoq muddatli jarayon. Jamiyat siyosiy hayotini erkinlashtirish va demokratlashtirish shoshma-shosharlik bilan amalga oshiriladigan jarayon emas. Agar ushbu holat bosqichma-bosqich muntazam amalga oshirilmaydigan bo‘lsa, turli xavfli, noxush oqibatlarni keltirib chiqarishi mumkin. Yoshlar ijtimoiy-siyosiy ongini o‘stirish va yangicha dunyoqarashini shakllantirish masalalari ma‘naviy yetuklikka asoslangan hamkorlik, hamjihatlilik, hamfikrlilik omillari turli inqirozli holatlar, to‘qnashuvlarning oldini olish jarayonida namoyon bo‘ladi. Bu esa taraqqiyotning tadrijiyligi va samaraliligiga olib keladi.

## REFERENCES

- 1.O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi.// 25.01.2020. <http://www.uza.uz>.
- 2.Umurzakova R. O‘zbekistonda oila mustahkamligining sotsial omillari.//Sots. fan. nomz. diss. avtoref. – Toshkent: O‘zMU, 2006. -19 b.
- 3.Mirziyoyev SH. Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. 2-jild. –Toshkent: O‘zbekiston, 2018. -195 b.
- 4.I.A.Karimov Yuksak ma‘naviyat – engilmas kuch, T.: “Ma‘naviyot” 2008 yil..
- 5.«O‘zbek tilining izohli lug‘ati»
6. Xadicha C. Psychological Bases of Improving Professional Competence of Young Specialists //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2020. – T. 8. – №. 3.
7. Чўлпонова Х. Т Роль профессиональных компетенций при развитии профессиональной деятельности специалиста HOLDERS OF REASON, Vol.2 No.3(2024) 89-94 <https://ciencepromotion.uz>

## LOTIN GRAFIKASIDAGI O'ZBEK TILI AXBOROT KO'RSATGICHLARI

**V. M. Zakirov**

t, f. n, dotsent

Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O'zbekiston

**Odilbek Ravshan o'g'li Norsoatov**

talaba

Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O'zbekiston

### ANNOTATSIYA

Maqola lotin grafikasiga asoslangan o'zbek tili matnlarining axborot ko'rsatgichlarini o'rganishga bag'ishlangan. Lotin alifbosidagi matnlar tahlil qilinib, harflarning takrorlanish ehtimolligi aniqlangan. Uning asosidagi matnlarning axborot miqdori, entropiyasi va ortiqchaligi hisoblab chiqilgan. Harflarning takrorlanishi bir hil bo'lganda bitta harfga to'g'ri keladigan axborot miqdori 4.857 bitni, haqiqiy takrorlanishida esa 4.3085 bitni tashkil qilishi hisoblab topilgan.

Olingan natijalar lotin grafikasidagi o'zbek tili matnlarini axborot uzatish tarmoqlari orqali uzatish, ularni saqlash va ular ustida amallar bajarish samaradorligini oshirish imkonini beradi.

**Kalit so'zlar:** lotin grafikasi, axborot miqdorini, ortiqchalik, harflarning takrorlanishi, axborotning paydo bo'lish ehtimolligi, manba entropiyasi.

### АННОТАЦИЯ

Статья посвящена изучению информационных показателей текстов узбекского языка на основе латинской графики. Проанализированы тексты латинского алфавита, выявлена вероятность повторения букв. На его основе рассчитаны количество, энтропия и избыточность текстов. Установлено, что при равновероятной повторяемости букв количество информации, приходящей на одну букву, составляет 4.857 бит, а при фактическом повторении - 4.3085 бит.

Полученные результаты позволят повысить эффективность передачи текстов узбекского языка в латинской графике через сети передачи информации, их хранения и выполнения операций над ними.

**Ключевые слова:** латинская графика, количество информации, избыточность, повторяемость букв, вероятность появления информации, энтропия источника.

### ABSTRACT

The article is devoted to the study of information indicators of the texts of the Uzbek language based on Latin graphics. Texts of the Latin alphabet were analyzed, the probability of letter repetition was revealed. On its basis, the number, entropy and redundancy of texts were calculated. It was found that with equally probable repetition of letters, the amount of information arriving per letter is 4.857 bits, and with actual repetition - 4.3085 bits

The results obtained make it possible to transfer the Mats of the Uzbek language in the Latin graph through information transmission networks, save them and increase the efficiency of performing actions on them.

**Keywords:** Latin graph, amount of information, redundancy, duplication of letters, probability of occurrence of information, source entropy

### KIRISH

O'zbekiston mustaqillikka erishgandan so'ng, respublikada o'zbek yozuvini kiril grafikasidan yana lotin grafikasi asosidagi yozuvga o'tkazish haqida fikr-mulohazalar o'rta ta'lim tashlandi. Bu masala bir yil davomida ommaviy axborot vositalarida keng jamoatchilik ishtirokida atroflicha muhokama qilinib, 1993 yil 2-sentyabrda O'zbekiston Respublikasining «Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish to'g'risida»gi qonuni e'lon qilindi [1]. Qabul qilingan qonun O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi tomonidan bir-necha marta takomillashtirilib, amaldagi o'zbek alifbosida 28 (24 harf, 3 harf brikmasi va bitta belgi) bor [2,3].

Kiril va lotin grafikalariga (alifbosidagi) asoslangan o'zbek tili axborot ko'rsatgichlari tubdan farq qiladi [4,5]. Bu esa o'z navbatida axborot uzatish tizimi ko'rsatgichlariga ta'sir qiladi. Chunki har qanday aloqa tizimining asosiy vazifasi – ma'lum vaqt oralig'ida manbadan iste'molchiga iloji boricha ko'proq axborotni xatolarsiz uzatishdan iborat. Axborotni uzatish nazariyasi yordamida turli aloqa tizimlarining samaradorligini aniqlash, hamda axborot nuqtai nazaridan axborot manbai bilan aloqa kanalini va aloqa kanali bilan axborotni qabul qiluvchi iste'molchining axborot ko'rsatgichlarini muvofiqlashtirish mumkin. Bunday

masalalarni tadqiq qilish uchun eng avvalo axborotning kelib chiqish tabiatiga bog'liq bo'lmagan holda uning miqdoriy qiymatni aniqlash zarur.

Amaldagi ma'lumotlarning aksariyati til orqali xabar qilinadi. Og'zaki nutqdagi tovushlar elementar belgi bo'lib, yozuvda esa so'zlar harflardan iborat bo'ladi. Muayyan ketma-ketlikda tashkil etilgan harflar va belgilar o'zida ma'lum bir voqea yoki hodisa to'g'risida axborot tashiydi. Demak, axborotni o'zida mujassamlashtirgan belgilar va harflar ketma-ketligi avvalambor qo'llanilayotgan alifboga bog'liq. Axborot manbai alifbodan foydalanilgan holda xabarga mos ravishda belgilar va harflar ketma-ketligini ishlab chiqaradi. Bu ketma-ketlik aloqa kanallari orqali uzatilishi kerak. Aloqa kanalining samaradorligini oshirish uchun kanalning axborot uzatish ko'rsatgichlari bilan axborot manbasining axborot ko'rsatgichlarini o'zaro moslashtirish zarur.

### Muammoni yechish usuli.

Ushbu muammoni yechish uchun manba bilan kanalning axborot ko'rsatgichlarini aniqlash zarur. Axborot ishlab chiqaruvchi manba axborot miqdori, entropiyasi va ortiqchaligi bilan tafsiflanadi. Bu ko'rsatgichlarni lotin grafikasiga asoslangan o'zbek tilidagi matnda aniqlaymiz. Uzatilishi zarur bo'lgan xabarlar ansambli (matn)  $m$  harflardan iborat alifbodan iborat bo'lsin. Alohida olingan axborot miqdori deb  $I(a_i)$  shu axborotning  $a_i$  paydo bo'lish ehtimolligiga  $P(a_i)$  teskari bo'lgan qiymatiga aytiladi va logarifmik birliklarda hisoblanadi [6]:

$$I(a_i) = -\log_b P(a_i), \quad (1)$$

bu erda  $b$  - logarifm asosi bo'lib, uning qiymatiga qarab axborot miqdori turli birliklarda o'lchanadi. Telekommunikatsiyada asosan ikkilik son qo'llanilgani uchun  $b=2$  bit bilan o'lchaniladi.

Bitta manba xabariga to'g'ri keladigan o'rtacha axborot miqdori  $I(a_i)$  matematik kutilish bilan aniqlanadigan kattalikka axborot manbasi entropiyasi (noaniqligi) deyiladi [6]:

$$H(a) = \overline{I(a_i)} = \sum_{i=1}^m P(a_i) I(a_i) = -\sum_{i=1}^m P(a_i) \log P(a_i) \frac{\text{ikkilik son}}{\text{xabar}}. \quad (2)$$

Bu ifoda shuni ko'rsatadiki, axborotdagi harflar soni oshgan sari, axborot miqdori ham oshib boradi. Alifbodagi harflar soni qancha ko'p bo'lsa noaniqlik shuncha ko'p bo'ladi. Chunki  $m$  harflardan qaysi birini tanlashga nisbatan noaniqlik yuzaga keladi va bu esa o'z navbatida uzatiladigan xabarda axborot miqdori shuncha ko'p bo'lishiga olib keladi.



Axborotlar nazariyasida  $H(a)$  entropiya manbaning qaysi xabar to'plamidan (ansamblidan) xabar uzatilishini uzatilishiga qadar noma'lum bo'lishini tafsiflaydi. Manba entropiyasi, ya'ni u ishlab chiqarayotgan xabarning "noaniqligi" ("kutilmaganligi", "avvaldan bashorat qilina olmasligi") qancha katta bo'lsa, bitta xabar tashiydigan axborot miqdori shuncha katta bo'ladi.

Haqiqatda, alifbodagi harflar o'rtasida ma'lum bog'liqlik mavjud. Chunki matnda harflarning takrorlanish (paydo bo'lish) ehtimolligi bir hilda emas. Bundan tashqari, real sharoitlarda xabarlar o'rtasidagi statistik bog'liqliklar sababli manba ko'rsatgichlari murakkab bog'loqliklarga ega bo'ladi. Misol uchun matndagi harflarning paydo bo'lish (yozilishi) ehtimolligi oldingi so'zga (harflar birikmasiga) bog'liq bo'ladi. Yoki kompyuter va yozuv mashinkasi klaviaturasini tartibsiz bossak mustaqil (o'zaro bog'liq bo'lmagan) har bir xabar o'zaro bir biriga bog'liq bo'lmagan holda paydo bo'ladi. Aslida har bir harfni bosish oldingi harflar turkumi (so'zga) bog'liq holda amalga oshiriladi.

Xabarlarida o'zaro statistik bog'liqlikning oshib borishi natijasida manba entropiyasi kamayishini xabarning axborot tashish hajmi kamayishi deb qarash mumkin. Bir hilda xabar statistik bog'liqlik mavjud bo'lganda shunday bog'liqlik bo'lmagan holatga nisbatan o'rtacha kam axborot tashiydi. Shuning uchun agar manba o'zaro bog'liq xabarlar ketma-ketligini hosil qilsa va bu bog'liqlik ma'lum bo'lsa, xabarning ma'lum qismi "ortiqcha" bo'ladi, chunki xabarning bu qismini statistik bog'liqlik asosida qayta tiklash mumkin. Bundan xabarni axborotni yoqotmasdan qisqartirilgan holda uzatish imkoniyati kelib chiqadi. Masalan, telegramma matnini uzatishda ma'lum belgilarni (bog'lovchilar, tinish belgilarini) tashlab uzatishga qaramasdan, ularni qabul qilish manzilida grammatik qoidalar (statistik qonunuyati – bog'liqligini) asosida tiklanadi.

Demak, har qanday manba o'zaro bog'liq xabarlar ketma-ketligini hosil qilsa unda albatta "ortiqchalik" mavjud bo'ladi. Xabarlar orasidagi o'zaro bog'liqlikni hisobga olish uchun quyidagi ifoda bilan aniqlanadigan ortiqchalik koeffitsiyenti kiritilgan

$$\chi = 1 - \frac{H_n}{H_0}$$

bu yerda  $H_0$  va  $H_n$  mos ravishda axborot manbasining eng katta va haqiqiy entropiyasi.

Lotin grafikasiga asoslangan o'zbek alofbosi uchun yuqorida keltirilgan ko'rsatgichlarni aniqlaymiz. Buning uchun o'zbek alifbosidagi harflarning ishlatilish

darajasini ko'rib chiqamiz. Lotin grafikasiga asoslangan o'zbek alifbosida 28 harf, harflar brikmasi va belgilarning umumiy soni 29, ya'ni  $m=29$ . Agar barcha harflarning matnda paydo bo'lish ehtimolligini bir hil deb olsak, unda bitta harfga (simbolga) to'g'ri keluvchi axborot miqdori  $H_0 = \log m = \log 29 = 4.8579$  bit. Bu entropiyaning eng katta maksimal qiymatini tashkil qiladi. Lekin harflarning paydo bo'lish ehtimolligi o'zaro statistik bog'liq bo'lgani uchun har bir simbolning axborot tashish miqdori o'zining maksimal qiymatidan kichik bo'lib, harflarning paydo bo'lish ehtimolligiga bog'liq. Har bir harfning paydo bo'lish ehtimolligini aniqlash uchun lotin alifbosida yozilgan badiiy adabiyotlar o'rganilib, undagi harflarning paydo bo'lish ehtimolligi aniqlandi va har birining o'rtacha qiymati hisoblab topildi. Olingan natijalar jadvalda keltirilgan va ular o'zbek harflarining badiiy maqolalarda paydo bo'lish ehtimolligining hisoblangan dastlabki natijalari asosida bitta harfga (simbolga) mos keluvchi axborot miqdori 2-ifoda bilan hisoblanadi va u  $H_{29} = 4,3085$  bit/simbolga teng bo'ladi.

Demak, harflarning paydo bo'lish ehtimolligi bir tekis bo'lmasdan turlicha bo'lganda bitta harfga (simbolga) mos keluvchi axborot miqdori  $H_{29} = 4,3085$  bit/simbolni tashkil qiladi.

Lotin alifbosiga asoslangan o'zbek harflarining takrorlanish ehtimolligi

Jadval

Harflar	a	b	d	e	f	g	h	i	j	k
Takrorlanish ehtimolligi	0.14	0,03	0,04	0,02	0,00	0,03	0,01	0,12	0,004	0,02
i	41	95	16	35	42	72	29	24	3	82

Harflar	l	m	n	o	p	q	r	s	t	u
Takrorlanish ehtimolligi	0,05	0,03	0,07	0,06	0,00	0,02	0,04	0,03	0,032	0,03
i	74	39	71	51	43	26	99	94	7	52

Harflar	v	x	y	z	o'	ch	sh	g'	'	
Takrorlanish ehtimolligi	0,00	0,00	0,02	0,01	0,02	0,00	0,02	0,00	0,00	
i										

ish ehtimolligi	94	50	63	90	24	89	39	80	15	
-----------------	----	----	----	----	----	----	----	----	----	--

Hisoblangan  $H_{29}$  qiymatni  $H_0 = 4.8579$  bit/simbol qiymati bilan solishtirish shuni ko'rsatadiki, alifbodagi harflar orasidagi bog'liqlik bitta harfga (simbolga) to'g'ri keladigan axborot miqdorini 0,5494 bit/simbolga kamaytiradi. Bu holat axborot uzatishda uzatish hajmini kamaytirishga yordam beradi.

O'zbek tilidagi lotin grafikasida ortiqchalik koeffitsiyenti quyidagicha aniqlanadi

$$\chi = 1 - \frac{H_{29}}{H_0} = 1 - \frac{4,3085}{4,8579} = 0,1131.$$

Yuqorida hisoblangan ko'rsatgichlar kiril alifbosiga asoslangan o'zbek yozuvida quyidagi qiymatlarga teng [7]

$$H_0 = \log 35 = 5.129 \text{ bit/simbol};$$

$$H_{35} = -0,152 * \log 0,152 - 0,1381 * \log 0.1381 - \dots - 0.00019 * \log 0.00019 = 2.385 \text{ bit/simbol}$$

$$\chi = 1 - \frac{H_{35}}{H_0} = 1 - \frac{2,3852}{5,129} = 0,5349.$$

## XULOSA

Lotin alifbosiga asoslangan o'zbek yozuvida ortiqchalik 10% ko'proqni tashkil qiladi. Bu shuni anglatadiki, uzatiladigan axborotning 10 % ortig'i hech qanday axborot tashimaydi. Kiril alifbosiga asoslangan yozuvda esa ortiqchalik 50% ko'proqni tashkil qiladi. Bu ko'rsatgich boshqa xalqlarning tillarida ham shu ko'rsatgichga yaqin [4,8,9] va matnlarni siqishning nazariy chegarasini ko'rsatadi.

O'zbek tilida lotin alifbosini qo'llanishi harflar (simbollar) ortiqchaligini 5 marttagacha qisqartiradi. Ortiqchalikni tilning nomukammalligi yoki xabarlar qurilishining nomukammalligi belgisi sifatida ko'rib bo'lmaydi. Odatda, tilning ortiqchaligi uning lingvistik xususiyatlarining natijasidir. Ortiqchalik ijobiy va salbiy xususiyatlarga ega. Bir tomondan, ortiqchalik axborotni uzatish vaqtini va xotirada saqlashga xotira hajmini oshirish uchun qo'shimcha xarajatlarni talab qiladi va hokazo. Ammo, boshqa tomondan, ortiqchalik halaqitbardoshlikni oshiradi, chunki u xatolarni aniqlash va hatto tuzatishga imkon beradi. Odamlarning tabiiy muloqot tillarining haddan tashqari ko'pligi (ortiqchalikning ko'pligi), agar turli odamlar

nutqida nuqsonlar bo'lishiga qaramasdan, nutqning ma'nosi asosida uni tushunishni ta'minlaydi.

## REFERENCES

1. "O'zbekiston Respublikasining "Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish to'g'risida"gi Qonuni.
2. O'zbekiston Respublikasining Qonuni: "Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish to'g'risida". (Toshkent sh. 1993-yil, 12-sentabr) "Toshkent oqshomi" gazetasi. 1993, 12-oktabr.
3. Husanov N., Rasulova Z. Lotin yozuviga asoslangan yangi o'zbek alifbosi va imlosi. O'quv qo'llanma. Toshkent Moliya instituti nashriyoti, 2004, 92 bet.
4. Некипелова И.М. Энтропия языковой системы как основной показатель её развития// Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал). 2013. № 12 (32). DOI: //http:dx.doi.org/10.12731/2218-7405-2013-12-4.
5. Zakirov V.M., Norsoatov O.R., Karimberdiyev U.A. Lotin grafikasidagi o'zbek tili axborot miqdorini hisoblash masalalari // The scientific heritage. № 66 (2021), 36-39p.
6. Zakirov V.M. Signallarni uzatish nazariyasi. Darslik. Toshkent, "Sirdaryo Print", 2023, 330 bet.
7. Усманов З.Д., Шарипов Ш.А. О статических инвариантах узбекского литературного языка. Доклады АН Республики Таджикистан. 2006. Т. 49, № 1. с. 10-14.
8. Некипелова И.М. Признаки энтропии и неэнтропии в языковой системе // Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал). 2013. № 9 (29). DOI: //http:dx.doi.org/10.12731/2218-7405-2013-9-58.
9. Некипелова И.М., Зарифуллина Э.Г. Язык как информационная система: избыточность и оптимизация// Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал). 2015. № 9 (53). DOI: //http:dx.doi.org/10.12731/2218-7405-2015-9-24. .uz

## ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ҲАЁТИДА ГЕНДЕР АССИМЕТРИЯСИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

**Диларом Нигматуллаевна Абдуллаева,**  
Ўзбекистон Миллий университети докторанти

### АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақола Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётида гендер ассиметриясини бартараф этиш йўлларини ўрганadi. Муаллиф жамият ҳаётининг турли соҳаларида жинслар ўртасидаги тенгсизлик билан боғлиқ мавжуд муаммоларни таҳлил қилади. Гендер тенглигига эришиш ва камситишларни бартараф этишга ёрдам берадиган турли стратегия ва чора-тадбирлар кўриб чиқилади. Мақолада янада адолатли ва инклюзив жамият яратиш бўйича амалий тавсиялар ва қадамлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон, гендер ассиметрияси, гендер тенглиги, дискриминация, жамият ҳаёти, стратегиялар, чора-тадбирлар, инклюзия, тенгсизлик, муаммолар.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье исследуются пути устранения гендерной асимметрии в общественной жизни Узбекистана. Автор анализирует существующие проблемы и вызовы, связанные с неравенством между полами в различных сферах общественной жизни. Рассматриваются различные стратегии и меры, которые могут способствовать достижению гендерного равенства и устранению дискриминации. В статье предлагаются практические рекомендации и шаги для создания более справедливого и инклюзивного общества.

**Ключевые слова:** Узбекистан, гендерная асимметрия, гендерное равенство, дискриминация, общественная жизнь, стратегии, меры, инклюзивность, неравенство, проблемы.

### ABSTRACT:

This article explores ways to eliminate gender asymmetry in the public life of Uzbekistan. The authors analyze existing problems and challenges associated with inequality between the sexes in various spheres of public life. Various strategies and measures are considered that can help achieve gender equality and eliminate

discrimination. The article offers practical recommendations and steps to create a more just and inclusive society.

**Keywords:** Uzbekistan, gender asymmetry, gender equality, discrimination, public life, strategies, measures, inclusion, inequality, problems.

Жамиятда хотин-қизларнинг ролини тобора ошириб бориш, оилада ижтимоий ролларнинг ўзгариши давлатнинг гендер сиёсатига ҳар томонлама боғлиқдир. Чунончи сўнгги йилларда жамиятимизда ҳам оиладаги зўравонликлар, хотин-қизларнинг ҳуқуқларининг поймол қилиниш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Масалан, хотин-қизлар учун 197 та зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш, ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича 200 дан ортиқ инновацион мактаблар ташкил этилди. Давлат раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлагани каби, юртимизда оила институтини, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилада зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишни ҳуқуқий, ижтимоий- иқтисодий ва бошқа йўللар билан қўллаб-қувватлаш даражасини ошириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади [1, 72-73 б.]. 2019 йилнинг 2 сентябрда Президент Ш.Мирзиёев томонидан Ҳаракатлар стратегияси доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг имзоланиши гендер тенгликни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мазкур қонунига асосан ушбу соҳадаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, шунингдек давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилиши белгиланди. Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ-манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ҳамда турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш жараёнлари ислохотлар шиддатидан ортида қолаётгани ҳам сезилмоқда. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, кейинги йиллардаги Ўзбекистон



Республикасининг гендер сиёсатининг устувор вазифалари белгилаб олинди [2, 247-249 б.].

Ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг умумий белгилари ва қонуниятлари борлиқнинг ўзига хос шакллари махсус ва алоҳида, хилма-хиллик орқали жамият ҳаёти, мавжудлиги ва ривожланиши учун энг барқарор ва зарур омиллар асосида ўрганилади. Шунинг учун гендер муносабатлари тизимининг фаолияти ва такомиллашувини ўрганиш шахснинг ахлоқий ва фуқаролик фазилатларини шакллантиришнинг тарихий, аксиологик ва когнитив манбаларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишни талаб қилади.

Фалсафий жиҳатдан инсон салоҳияти ҳақиқатини тушуниш, шу жумладан шахсий ўзини ўзи англашнинг гендер жиҳатлари, жинс билан боғлиқ муносабатларни ўрганиш ижтимоий макон ва вақтдаги махсус қиёсий методологик ёндашувни талаб қилади. Бундай тадқиқот таҳлили пировардида турли тарихий даврлардаги одамларнинг идрокидаги ҳодисалар, урф-одатлар ва анъаналар, стереотиплар ва инновациялар, авлодлар ва ҳудудлар ижтимоий ва маданий муносабатларнинг ўзига хослиги ва фарқини ўрганишга имкон беради. Маданий ҳодисаларга нисбатан қиёсий ёндашув методологиясининг ўзига хослиги ҳам унинг ҳодисаларда бир хил ва ҳар хилликни сақлаб қолиш имкониятини бериши билан изоҳланади.

Гендер муносабатларидаги жинсий ролларнинг ўзига хос хусусиятлари ўзбек менталитети ва маданиятининг таъсири, шунингдек, жамиятимизда истиқомат қилаётган умумий барча этник гуруҳлар учун ижтимоий ҳаётнинг тарихий шартлари, умумий ва миллий маданияти остида шаклланди. Минтақамизда яшаган одамларнинг ўзига хос тарихий тақдири кўп асрлар ва минг йиллар давомида кўплаб халқлар ва цивилизациялар яшайдиган ва аралашиб кетадиган, ўзлаштириладиган ҳудуд бўлганлиги билан ажралиб турган.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай минтақада гендер муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, ўзига хосликнинг маънавий синтези ва маданият ривожланишидаги фарқлар, эркаклар ва аёлларнинг ижтимоий хулқ-атворининг табиатини, улар ўртасидаги муносабатларни белгилайдиган умумий ва ўзига хос кадриятлар тизимида намоён бўлади. Ижтимоий амалиётда одамлар томонидан идрок этилган минтақавий ижтимоий-маданий ўзига хослик эркаклар ва аёлларнинг ҳаёт

йўналишларини, гендер стратегияларини, ҳаётий мақсадларга эришиш йўллари ва воситаларини танлашга сезиларли таъсир кўрсатади.

Аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини оширишга қарамай, уларнинг жамиятдаги анъанавий роли, унинг оила ва болалар тарбияси учун масъулиятига оид патриархал стереотипларнинг мавжудлиги ҳали ҳам сақланиб қолмоқда, бу эса кўпинча аёлларнинг шахсий ва касбий ўзини ўзи англашига, уларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга тўсқинлик қилади. Аксарият ҳолларда мавжуд гендер стереотиплари эса рқакларнинг ижтимоий хулқ-атвориға салбий таъсир кўрсатади, уларнинг болалар тарбиясида, уй ишларида ва бошқаларда иштирокини чеклайди.

Гендер салоҳиятининг ижтимоий аҳамиятини оширишнинг замонавий шароитлари ва омиллари ҳақида гапирганда, бу жараёнға шахс тарбияланаётган ва яшаётган ижтимоий муҳит ҳал қилувчи таъсир кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунга нафақат оилаларнинг ҳар куни «кундалик ҳаёти» ва маданий микро муҳити, балки уларнинг ҳаётиға шиддат билан кириб бораётган виртуал олам ҳам киради. Аксарият тадқиқотчилар бугунги кунда оммавий ахборот воситалари, интернет бизни стереотипларимизни сақлаш ёки ўзгартириб юборишида катта ижтимоий аҳамиятға эға экани ва антисоциал гендер хулқ-атвори, замонавий эрқаклар ва аёлларнинг мода қиёфасини ҳам шакллантиришиға ишонишади. Бирок, айрим тадқиқотлар натижалари кўрсатмоқдаки, аксарият халқларда ҳақиқий эрқак ва ҳақиқий аёллар идеали тобора мавҳумлашиб, йўқолиб бормоқда.

Хотин-қизлар жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги муҳим ролларни фаол ўзлаштирмоқда. Бу, бир томондан, таълим даражасининг ошиши, шахсий қадр-қиммат туйғуси, ўзини ўзи англаш қобилиятиға ишончи ва бошқа томондан эса гендер ролларининг шундай қайта тақсимланиши билан кечадиган иқтисодий инқироз шароитида омон қолиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида гендер ассиметриясини бартараф этиш йўлларидан бири аввало, уларнинг ижтимоий фаоллиги ошириш ҳисобланади. МДХ мамлакатларининг айрим олимлари ижтимоий фаолликни маданий, ҳуқуқий индивидуал муносабатларнинг ўзаро муштараклигида юзаға келувчи ижтимоий ҳодиса тарзида тушунтиришға уринадилар. Жумладан, Н.Кейзеров, «ижтимоий фаоллик деганда, шахснинг турли соҳадаги, яъни ишлаб чиқариш, меҳнат, ижтимоий-сиёсий, маданий-мафқуравий соҳадаги фаоллиги йиғиндиси

деб тушунади» [3, 167 б.] Ижтимоий фаолликни, маданий борлиқнинг бир бутун яшаш усули сифатида қараган айрим олимлар унинг ҳуқуқий маданиятнинг унсури сифатида талқин этадилар. Ҳуқуқий фаолликни шахс ҳуқуқий маданиятини муайян шакли сифатида қараш юзасидан илмий адабиётларда турлича фикрлар берилган. Аммо ҳуқуқий маданият муаммоси билан шуғулланувчи баъзи бир мутахассислар кўплаб ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқий фаоллик алоҳида ўрин беришган. Хатто, айрим муаллифлар ижтимоий фаолликни ҳуқуқий маданиятнинг асосий элементи сифатида қарашган. Шундай қилиб ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий билимларга эга бўлиш ҳуқуқий маданиятнинг базасини ташкил этади ва жамиятда инсонларнинг хулқ-атвориға ўзига хос таъсир кўрсатади [4, 26 б.] Шу ўринда О.Балзакнинг «Ғожиамиз шундаки, ҳеч нарсани қонунларни билганчалик ёмон билмаймиз»-деган фикрлари бизнинг ёшларимизга ҳам тааллуқлидир.

Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлаш масаласи инсоннинг маънавий дунёси, руҳияти, эътиқоди ва идеали асосида жамиятга ўзгаришлар, давлат ҳаётидаги, миллат тақдиридаги муҳим ҳаётий масалаларга фаол муносабат асосида юзага келади. Ижтимоий фаоллик муаммоси юзасидан юқоридаги таҳлиллар, илмий-назарий қарашларга таяниб, унга ўзимизни қуйидаги илмий таърифимизни беришга ҳаракат қилдик: «Ижтимоий фаоллик инсоннинг билими, савияси, маънавият даражаси билан белгиланадиган, унинг дунёқарашини муайян ғояга эътиқоди асосида такомиллашиб борадиган, жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тамойилларга таяниб фаолият юритишга рағбат берадиган, кишидаги ички руҳий эҳтиёж ҳамда манфаат уйғунлигида юзага чиқадиган амал ва ҳаракатлар мужассамидир».

Фаоллик ва ташаббускорлик тушунчалари ҳам бир-бири билан узвий боғлиқдир. Чунки ташаббускорлик унинг асосини ташкил этувчи фаолликсиз юзага келмайди. Бу ерда маълум маънода ташаббускорликни фаолликнинг ривожланган шакли сифатида қараш мумкин. Фикримизча, ташаббускорлик шахс ижтимоий фаоллигининг конкрет намоён бўлишини олий шаклидир.

Аёллар фаоллигини ошириш бугунги куннинг энг муҳим, таъбир жоиз бўлса, глобал муаммоларидан биридир. Фаоллик аслида, биз юқорида қайд этганимиздек, муайян ижтимоий гуруҳ ёки қатламнинг жамият ва давлат ишларига муносабати, унга ёндашуви, масъулият ҳисси, фуқаролик туйғуси сифатида намоён бўлади. Фаоллик – айна пайтда ўзликни англаш ҳамдир [5, 14

б.]. Демак, бугунги кунда, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида шахс фаоллигини ошириш энг муҳим масалалардан биридир.

Миллий юксалишимизнинг муҳим қисми бўлган миллий маданият, санъат, спорт ва ёшларимиз туризми, илм-фан, тадбиркорлик каби соҳалардаги ютуқларимизни республика ҳамда халқаро миқёсда кенг тарғиб этиб ва ташвиқ қилиш, эркин фикрловчи, ижтимоий фаол, ташаббускор ва иқтидорли ёшларни янги миллий ғоя атрофида жипслаштириш тараққиётнинг муҳим шартидир. Бу масаладаги барча муаммоларимизнинг ягона ечими эса ёшларимизнинг илмга интилишлари, фаол бўлишлари, энг муҳими, замонавий билимларни эгаллашга интилишларидан иборатдир.

Одамларнинг ҳатти-ҳаракати, воқеликка ва ҳар қандай янгиликка нисбатан муносабати, энг аввало юксак ахлоқ-одоб шарқона заминлик, ота-боболаримизга хос мулоҳазамандлик, қийин ва мураккаб вазиятларда шахсий манфаатлардан умумдавлат ва умумхалқ манфаатларини устун қўйиш, жамоа учун яшаш каби инсоний фазилатларга қаратилган. Бу ва шунга ўхшаган миллий қадриятлар даражасига кўтарилмоқда. Ўз навбатида, бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда мустақил турмуш ва меҳнатга шай туриш зарурияти янги шароитда барча давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг барча муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхоналар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларининг ёшлар муаммоларига эътиборни тубдан кучайтиришларини талаб этоқда.

Айни пайтда Ўзбекистонда хотин-қизлар ташаббуси билан юзага келган ноҳукумат хотин-қизлар ташкилотлари ҳам мавжуд. Бу эса жамиятимизда ижтимоий муносабатларнинг янги куртаклари пайдо бўлганлигидан далолат беради. Бундай нодавлат ташкилотлар хотин-қизлар аҳволи уларни оиладаги фарзанд тарбияси билан боғлиқ муаммолари ҳамда эҳтиёжларини ўрганишга асосланган янги ижтимоий хизматлар моделларини ишлаб чиқади ҳамда синовдан ўтказади. Шу йўналишда энг фаол иш олиб бораётган ташкилотлар Ўзбекистон ишбилармон аёллари уюшмаси ҳамда унинг вилоятлардаги бўлинмалари, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Нукусда хотин-қизлар ресурс маркази, «Сабр», «Аёл ва жамият» ташкилотлари тузилган. Улар мунтазам равишда таълим семинарлари мақсадли гуруҳларнинг мунозара учрашувларини, давра суҳбатлари, клублар маслаҳатлар, ахборот кунларини уюштиради, плакатлар, тақвимлар, рисолалар, бюллетенлар чоп этади, тадқиқот ишлари олиб борадилар.

Нодавлат ташкилотлар, ҳалқаро алоқаларни ривожлантириш асосида «ЕвроАзия» ва бошқа фондлардан мадад олиш имконияти мавжуд. Ана шу имкониятлардан маҳалла фуқаролар йиғинлари унинг жойлардаги бўлимлари самарали фойдалана олишлари мумкин. сирасини айтганда, нодавлат, ноижорат ташкилотлари воситасида фуқароларнинг ўзларини сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги эҳтиёж ва манфаатларини қондириш ва ҳимоялаш, умумий муаммоларни биргаликда ҳал этиш имкониятларига эга бўладилар. Манфаати рўёбга чиққан ҳар бир шахс ўз фаолияти ҳатти-ҳаракати, баҳолайди, ишлаб чиқариш, яратувчанлик меҳнатига масъулият билан ёндошиш кўникмаларига ҳам эга бўлиб беради. Манфаат масъулиятни шакллантирувчи энг асосий омилдир. Аммо бу фикрга бир томонлама юзаки қарамаслик керак. Чунки кўп ҳолларда айрим ёшлар индивидуал манфаатни деб ижтимоий масъулиятни унутиш, умумманфаатни назар писанд қилмаслик каби ҳатти-ҳаракатларга ҳам йўл кўяди. Бунинг замирида эса тарбиядаги нуқсон, жамоатчилик таъсиридаги узулишлар, диний-ахлоқий кадриятлардаги имонинсоф, диёнат тушунчаларини уларни руҳиятига сингдиришдаги уқувсизлик туради. Худди шу сабабли ҳам маҳалла, оила, мактаб ва нодавлат ташкилотларини авлод тарбиясидаги фаоллигини юксалтириш, уларни бу борадаги фаолиятини ўзаро уйғунлаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

### REFERENCES:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси –Тошкент, Ўзбекистон, 2021. – Б. 72-73.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси –Тошкент, Ўзбекистон, 2021. – Б. 247-249
3. Кейзеров Н. Политическая и правовая культура (методологические проблемы). – Москва, 1983. – 167 с.
4. Зорченко Е.Н. Воспитание правовой культуры молодежи. Беларусь: 1986. – 26 б.
5. Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари: ижтимоий қиёфага чизгилар // Фуқаролик жамияти. –Тошкент: 2004. - №1. – 14 б.

## ГЕНДЕР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ МАФКУРАВИЙ ВА ФАЛСАФИЙ ЖИХАТЛАРИ

Гульноза Хакимовна Аминова

Ўзбекистон Миллий университети докторанти

### АННОТАЦИЯ:

Мақолада гендер муносабатларининг мафкуравий ва фалсафий жиҳатлари ёритилган. Унда гендер стереотипларининг турли жиҳатлари, гендер ўзига хослиги шаклланишига ижтимоий-маданий таъсирлар, шунингдек, гендер муносабатларининг ижтимоий мақом ва эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгликка таъсири кўриб чиқилади. Мафкуравий ёндашув гендер муносабатларини эркаклар ва аёлларнинг жамиятдаги ўрни, функцияси ва хулқ-атвори ҳақидаги ғояларни шакллантирадиган муайян ижтимоий ва маданий меъёрларнинг таъсири натижасида кўриб чиқишга имкон беради. Мақоладаги фалсафий ёндашув гендер тенгсизликларининг тарихий, фалсафий ва ахлоқий асосларини таҳлил қилиш ва замонавий жамиятда ушбу жиҳатларни қандай энгиш мумкинлиги ҳақида фикр юритишга қаратилган.

**Калит сўзлар:** гендер муносабатлари, мафкура, фалсафа, стереотиплар, ижтимоий сиёсат, тенглик, социал-маданий таъсир, гендер ўзига хослиги.

### АННОТАЦИЯ:

Статья освещает идеологические и философские аспекты гендерных отношений. В нем рассматриваются различные аспекты гендерных стереотипов, социокультурного влияния на формирование гендерной идентичности, а также повлиание гендерных отношений на социальное положение и равенство между мужчинами и женщинами. Идеологический подход позволяет рассмотреть гендерные отношения как результат воздействия определенных социальных и культурных норм, которые формируют представления о роли, функции и поведении мужчин и женщин в обществе. Философский подход в статье призван анализировать историческое, философское и этическое основание гендерных неравенств и вызывать размышления о том, как эти аспекты могут быть преодолены в современном обществе.



**Ключевые слова:** гендерные отношения, идеология, философия, стереотипы, социальная политика, равенство, социокультурное влияние, гендерная идентичность.

### ABSTRACT:

The article covers the ideological and philosophical aspects of gender relations. It examines various aspects of gender stereotypes, sociocultural influences on the formation of gender identity, as well as the impact of gender relations on social status and equality between men and women. The ideological approach allows us to consider gender relations as a result of the influence of certain social and cultural norms that shape ideas about the role, function and behavior of men and women in society. The philosophical approach in the article is intended to analyze the historical, philosophical and ethical basis of gender inequalities and provoke reflection on how these aspects can be overcome in modern society.

**Keywords:** gender relations, ideology, philosophy, stereotypes, social policy, equality, sociocultural influence, gender identity.

Замонавий жамиятда жинсий ўзига хосликни танлаш ҳар қандай жамиятни либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш, шахс ҳуқуқларига риоя қилишнинг зарурий шarti сифатида тобора кўпроқ эътиборга олинмоқда. Шу билан бирга, агар бундай эркинлик инсониятнинг репродуктив қобилиятини рўёбга чиқаришга таҳдид сола бошласа, фуқаролик жамияти бефарқ қола олмайди. Ижтимоий тартибни сақлаш механизмлари нафақат жинсий ўзини идентификация қилиш, мос келадиган ташқи белгилар, эркаклар ва аёлларнинг ижтимоий ҳулқ-атворининг ўзига хос хусусиятлари асосида шахснинг маълум бир жинсга мансублиги, балки ўзини-ўзи идентификация қилиш учун ҳам муҳимдир. Гендер идентификациясининг феноменологик талқинига риоя қилувчи назарийетчилар ўзаро таъсир жараёнида гендер хусусиятлари қандай намоён бўлиши ва бу жараён қандай сабаб содир бўлиши билан қизиқишади.

Гендернинг иккита асосий микроижтимоий назарияси - гендер муносабатларининг ижтимоий қурилиши ва рамзий интеракционизм Г.Гарфинкелнинг этнометодологик парадигма бўлган учинчи манба билан тўлдирилади. Инсоннинг бошқалар томонидан эркак ёки аёл сифатида тан олинishi жуда муҳимдир. Чунки, жинсни белгилаш ижтимоий мулоқотнинг зарурий шarti бўлиб хизмат қилади. К. Вест ва Д.Зиммерман фикрича: «Жинс

ва жинсга мансуб тоифаларни аналитик фарқлаш «мавжудлик» жамиятдаги гендер идентификатори» каби элементлар ўртасидаги муносабатларни тушуниш ва ўзаро таъсир қилиш иши қандай амалга оширилишини тушуниш учун жуда муҳимдир [1, 195 б.].

Феноменология вакиллари кундалик ҳаётни ўз таълимотининг асоси деб билишади, бунда ижтимоий ҳаёт, тинчлик, соғлом фикр асосида инсон ўзининг барча ҳаракатларини, фаолиятини қуради, ўз ижтимоий дунёсини ўз-ўзидан равшан ҳақиқат, воқелик сифатида қабул қилади. «Жинс эса, - бу эркак ва аёл ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кундалик дунёси бўлиб, унда ғоялар, ахлоқ, амалиётлар мужассамланган; - бу ижтимоий тузумнинг тизимли хусусияти бўлиб, уни тарк этиб бўлмайди; -у онг тузилмаларида ҳам, ҳаракат тузилмаларида ҳам доимий равишда такрорланади» [2, 17 б.]. Кундалик ҳаётда бир вақтнинг ўзида субъектив ва объектив элементлар - ижтимоий тизимлар, шахсларнинг жинсини аниқлаш бир томондан, уларнинг биологик хусусиятлари билан боғлиқ организм бошқа томондан ҳамда ижтимоий ва индивидуал онг амалий характер касб этади. Жамоатчилик фикрида ҳукмронлик қилувчи эркак ва аёл моҳияти, эркаклик ва аёллик ҳақидаги ғоялар макон ва вақтнинг ўзгаришига қараб ўзгариши мумкин, чунки кундалик ҳаётда шахс характер хусусиятлари гендер идентификатори нафақат ассимиляция қилади ва кўпайтиради, балки ўзини ҳам фаол равишда қуради гендер муносабатлари ва улар билан аёллик ва эркаклик ҳақидаги ғоялар ҳам ривожланиб боради.

Гендер муносабатларининг ижтимоий қурилиши концепцияси тарафдорлари «жинс» фарқига эътибор бертиладиган биологик категория сифатида нима табиий, нима ўзгармаслигини тушунтириш тадқиқотларни олиб бордилар. Натижада институционал даражада эркак ва аёл табиатини ифодаловчи ижтимоий назорат қилинадиган ҳаракатлар мажмуасини амалга оширишди.

Гендер ижтимоий ўзаро таъсир ва тузилмалар орқали эришилган мақомни ифодалайди, турли жинсдаги одамлар ўртасидаги муносабатлар эҳтиёжларга қараб эркаклик ва аёллик тушунчаларини қамраб олади. Кундалик мулоқотда инсоннинг гендер ўзига хослиги бошқалар томонидан талқин қилинишида намоён бўлади ва ижтимоий назорат механизми билан белгиланади. Шундай қилиб, Т.О. Вест ва Д.Зиммерман фикрича, ижтимоий ҳаётда жинснинг яратилиши эркаклар ва аёллар ўртасидаги ижтимоий муносабатларга

нормаллик ва табиийлик мақомини беради, уларнинг иерархик муносабатларини ташкил этишнинг қонуний усулларига айлантиради.

Гендер идентификациясининг феноменологик талқинининг иккинчи манбаи И. Хоффманнинг рамзий, драматик интеракционизмидир. Ушбу парадигма гендернинг ижтимоий қурилишининг субъектив характерини очиб беради [3, 301-311 б.]. Шахслар ижтимоий ўзаро таъсир жараёнида, бир-бирлари билан мулоқот қилишда, бир-бирига кундалик таъсир кўрсатишда, бир-бирига нисбатан, уларнинг жинсий ўзига хослиги, муносабатлар ва гендер хулқ-атвори нормаларида тўғри ва мақбул бўлган нарсалар ҳақида ғояларни шакллантириш орқали шахслараро муносабатларни курадилар.

Ижтимоий тенгсизлик, ҳукмронлик ва бўйсунуш муаммоларини эътиборсиз қолдирганлиги учун структуравий функционализмни танқид қилган феминистик назариётчилар тизимли функциядан фойдаланиш зарурлигини тан оладилар. Улар қуйидаги гендер масалаларини таҳлил қилиш учун функционал ёндашув: экспрессив (аёл) ва инструментал (эркак) жинсий рол функцияларининг нисбати; уланиш оила бошқа ижтимоий институтларга эга институт сифатида; тизимли равишда-функционал хусусиятлари уларнинг ривожланиши ва барқарорлигини таъминловчи ижтимоий тизимлар (мақсадга эришиш, мослашиш ва интеграция) ва бошқалар.

Шундай қилиб, М. Жонсон, тизимли равишда функционалистик ёндашувдан фойдаланиб аёлларнинг оилада ҳам, иқтисодий ҳаётда ҳам ифодали ролининг аҳамияти ва ижтимоийлигини таҳлил қилишга катта эътибор беради. Лекин айни пайтда аёлларнинг тобелигининг сабаблари сифатида эркакнинг экспрессив табиати ва патриархал жамиятда шаклланган маданиятнинг хусусиятлари, бу эр томонидан таъминланган иқтисодий хавфсизлик кадриятларининг устунлигини тасдиқлаши, оилада ташувчиси она бўлгани, шундай тарзда ўғил болалар ва қизлар тарбиялаши ва бошқаларни келтиради. М. Жонсон хулоса қиладики, «Чунки болалар оилада аёлнинг «заиф хотин» сифатида намоён бўлишини, улар патриархатга ҳурматли муносабатда бўлишни ўрганадилар ва аёл билан солиштирганда эркакларнинг янада кучли ва аҳамиятли томонлари кўринади [4, 357 б.]. Эرкак усуллари ва имкониятини аёлларникига қараганда самаралироқ, деб билиш маданиятга кириб боради.

П. Ленгерман ва Ж. Ниебругге-Брантлининг фикрича, бу нуқтаи назар амалда тасдиқланмаган, аммо улар буни тасдиқламайдилар ҳам. Унда буни қандай изоҳлаш мумкинки, бу дунё аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил

қиладиган ва эгалик қиладиган эркаклар билан тенг ҳуқуқли ривожланган мамлакатларда аёллар кўп ҳолларда ўзини ўзи англаш ва юксалиш учун тенг имкониятларга эришмаган. Гуманистик экспрессив қадриятлар қарор топмаган. Шубҳасиз ўфил болалар ва қизлар катта бўлиб, иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятнинг ўзгармас ҳолатлари босими остида бошқаларга ҳамдардлик каби инсонпарварлик қадриятларига амал қилишидан кўра, прагматик, худбин қадриятларни афзал кўришни бошлайдилар.

Бизнингча, бу муаллифлар бунда полемик, шахс ва жамият манфаатлари диалектикасини, уларнинг тўлиқ мос келишининг мумкин эмаслигини ҳисобга олмайдилар. Жамиятнинг элементи сифатида шахс нафақат уни ўзига боғлаб турадиган манфаатларга эга жамият билан, уни амалга ошириш зарур ҳар бир шахс, балки ўзининг шахсий манфаатлари шахсий бахт ва шахсий қобилиятларни ўз-ўзини амалга оширишдан ўз шахсийлигини таъминлашга қадар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шу сабабли, К.Б. Уорд, фикрича, кўплаб концепциялар аёлларнинг уй хўжалигидаги мавқеини эътиборсиз қолдиришда давом этаверади, бу эса деярли дунёдаги барча мамлакатларида «ташкилот меҳнат каби» тартибга солинган, ҳуқуқий, иқтисодий асосларини топа олмайсиз. Шу муносабат билан, тадқиқотчиларга кўра аёлларнинг эркин меҳнати жаҳон иқтисодиётига кўшган ҳиссаси ва эркаклар ҳукмронлигига доир муаммолар гендер соҳасидаги наққат анъанавий, балки замонавий муаммолари қаторида ҳам сақланиб қолмоқда.

Этнометодология издошлари гендер муносабатларининг барқарорлигининг асосий сабаби меҳнат тақсимооти анъанавий тарзда эркаклар ҳам, аёллар ҳам худди шундай вазиятда адолатли ва тенг деб ҳисобланган уй хўжалиги, деб ҳисоблашади. Бунинг сабаби, иккала томон ҳам кундалик ҳаётда ролларни тақсимлаш бўйича меъёрий талабларни бажонидил қабул қилади ва уларга риоя қилади [5, 366 б.].

Сўнгги йилларда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиш жараёни Ўзбекистонда ҳам гендер муаммоларининг турли жиҳатларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу тадқиқотларнинг аксарияти Ғарб ижтимоий-маданий контексти билан боғлиқ бўлиб, улар онтологик, сиёсий, гносеологик ва когнитив фарқлар кўринишида олиб борилмоқда.

Гендер тадқиқотларининг онтологик асослари ўзбек ментал хусусиятларига асосланган аёллик ва эркаклик муносабатлари тажрибасини акс

этиради. Айрим ҳолларда тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёлларнинг иш фаолияти ва уй бекалиги Ғарб мамлакатларидан сезиларли даражада фарқ қилади. Айрим тадқиқотларида шаклланаётган ёндашувларни батафсил кўриб чиққанимизда тадқиқот сифатида белгиланган йўналиш аёллар, кўпинча феминология, аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ҳақидаги фан номи остида пайдо бўлади. Ушбу тадқиқот соҳаси остида гендер - рол ёндашувининг таъсири ва танқидни ўз ичига олади. Аёллар гендер муаммоларининг сабалари қолиб, эркакларнинг танқид остига олиниши кузатилади.

Ҳозирги МДХнинг айрим мамлакатларида бу йўналиш позиция феминология билан солиштирганда «гендер тадқиқотлари» ном остида анча радикал тус олади. Жамоатчилик фикри ва академик доираларда бу ёрликнинг салбий маъносига қарамай, унинг вакиллари очикчасига ўзларини феминистлар деб аташади. Гендер муносабатларига бундай ёндашув айрим тилларнинг аёл ҳаракатни ифодалайдиган феминистик тармоғининг когнитив амалиётидан ажралмас қисмига айланиб қолди. Кўпчилик олимлар замонавий Ғарб феминистик ҳаракатига қаратилган ва феминистик парадигма билан боғлиқ таҳлил категорияларидан фойдаланишни афзал кўра бошлашди. Ғарб билан яқин алоқада бўлган, унга тақлид қилаётган аёллар ҳаракати фақат жамиятдаги аёллар позициясининг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг муаммолари ва амалиётлари ўртасидаги Ғарбдаги ҳамкасбларидан фарқларини ҳам кўрсатиб бериши керак.

Асрлар давомида шаклланган ва инсоннинг фаолият йўналишини белгилаб берадиган ижтимоий меъёрлар турли жинс вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабат ни изга солган ҳолда жамият аъзолари турмушини енгилаштиради, гендер муаммоларини тезликда ҳал этиш имкониятини яратади, энг асосийси, ҳар бир жинсга хос вазифаларни англаш жараёни миллий, маданий кадриятларнинг ўзлаштирилишига хизмат қилади [6, 115 б.].

Ўзбекистонда сўнгги йилларда гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугунги кунга келиб соҳага оид 25 та қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати таркибида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши каби янги тузилмаларнинг ташкил этилиши Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглигини таъминлашнинг ягона яхлит механизмига айланди.

Ўзбекистон тарихида илк мартаба миллий парламентда хотин-қизлар сони Бирлашган Миллат Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Давлатимизда аёлларнинг ҳуқуқлари ва гендер тенглигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг давоми сифатида жорий йилда бўлиб ўтган Сенатнинг XV ялпи мажлисида қабул қилинган «Ўзбекистонда 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси»ни кўришимиз мумкин.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонуни, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мамлакатни ривожлантиришнинг устувор вазифалари ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлар ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Шунингдек, мазкур Стратегия Пекин Декларацияси, Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция ҳамда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришга кўмаклашади.

Ўзбекистонда 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси қарорлар қабул қилиш ва ижро этишнинг барча соҳаларида ҳамда бўғинларида хотин-қизлар ва эркеклар ўртасида тенглик тамойилини татбиқ этишга кенг қамровли ёндашувни назарда тутади. Шунингдек, Стратегия эркеклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш ҳамда инсоннинг фундаментал ҳуқуқларига риоя қилиш мақсадида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда гендер тенглик тарғиб қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

## REFERENCES:

1. Вест К., Зиммерман Д. Жинсни яратиш // Гендер дафтарлари. Феминистик матнларни ўқувчи. Таржималар / остида. эд. Э. Здравомыслова ва А. Темкина.- СПб.: Дмитрий Буланин, 2000 йил.-С.195.
2. Здравомыслова Е.А., Темкина А.А. Социология гендерных отношений и гендерный подход в социологии -М.: // Социологические исследования. – 2000. – № 11. – С. 17.



3. Goffman E. The arrangement between sexes //Theory and society. 1977. – № 4. – P. 301–331.
4. Ритцер Дж. Современные социологические теории. – 5-е изд. – СПб.: Питер, 2002. – С. 357.
5. Замонавий социологик назариялар / Эд. Ж. Ритцер. - 5-э эд.-Санкт-Петербург: Пётр, 2002 йил.-С. 366.
6. Маънавият асосий тушунчалар луғати. –Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2009. –Б.115

## ЎЗБЕК-ҚИРҒИЗ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ

**Н. Ю. Жўрабоев**

тарих фанлари номзоди, доцент.

Тошкент давлат транспорт университети,

E-mail: juraboyevnosir4@gmail.com

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон билан Қирғиз республикаси ўртасида сўнгги йилларда маданий-гуманитар йўналишларда олиб борилган муносабатлар ва амалга оширилган бир қатор амалий чора-тадбирлар таълим соҳасидаги ҳамкорлик мисолида таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон, Қирғизистон, маданий марказ, маданий-гуманитар алоқалар, миллатлараро муносабатлар, дўстлик алоқалари, ўзаро ташрифлар, таълим.

### АННОТАЦИЯ:

В статье анализируются отношения между Узбекистаном и Кыргызской Республикой в культурно-гуманитарном направлении за последние годы и ряд практических мер, реализованных на примере сотрудничества в сфере образования.

**Ключевые слова:** Узбекистан, Кыргызстан, культурный центр, культурно-гуманитарные отношения, межнациональные отношения, дружеские отношения, взаимные визиты, образование.

### ABSTRACT

The article analyzes the relations between Uzbekistan and the Kyrgyz Republic in the cultural and humanitarian direction in recent years and a number of practical measures implemented through the example of cooperation in the field of education.

**Key words:** Uzbekistan, Kyrgyzstan, cultural center, cultural and humanitarian relations, interethnic relations, friendly relations, mutual visits, education.

Ўзбекистон диёри азалдан кўп миллатли, кўп конфессияли бўлиб, бу ерда турли миллат ва элат вакиллари ўзаро иноқликда яшаб келмоқда. Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон заминидаги миллатлар, маданиятлараро ҳамжиҳатлик ва тотувлик

мустақиллигимизнинг маънавий асосларидан бири, бизнинг энг катта ютуғимиз саналади. Бинобарин, мамлакатимиздаги тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир.

Ўзбек ва қирғиз халқларининг ўтмиши ва бугуни тарихан таркиб топган ҳамда тарих синовларида тобланган мустаҳкам ришталар билан боғланган, десак муболаға бўлмайди. Бугун юртимизда 300 мингдан зиёд қирғиз миллати вакиллари истиқомат қилмоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари орасида бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва тотувлик ришталарини ривожлантириш, хусусан, қирғиз халқининг ноёб маънавий мероси, маданияти, урф-одатлари, анъаналари, тили, тарихи ҳамда ўзлигини сақлаш ва ёш авлодга етказиш мақсадида Ўзбекистонда қирғиз миллий маданий маркази (1992 й.) ташкил этилган эди. Мана, 30 йилдирки, бу марказ, кейинроқ Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида юзага келган ҳудудий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматнинг тегишли фармойишига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази билан ҳамкорликда 2022 йилнинг 22-24 октябрь кунлари мамлакатимизда марказ ташкил этилганининг 30 йиллигини нишонлашга бағишланган байрам тадбирлари ҳам ўтказилди.

Тадбирда икки мамлакат ўртасидаги маданият, спорт, санъат ва туризм соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболлари муҳокама этилди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги алоқалар сўнгги 6 йилда янги босқичга кўтарилгани қайд этилди. "Ўзбекистон – дўстлик ва қардошлик улуғланган макон" номли тантанали концерт дастурида Ўзбекистон ва Қирғизистон санъат усталари иштирокида дўстлик, тинчлик, ҳамжиҳатликни, самимий туйғуларни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилди.

2023 йилнинг июнида Ўзбекистонда фаолият юритаётган «Ўзбекистон-Қирғизистон» дўстлик жамияти раиси Зухриддин Исомиддинов бошчилигидаги бир гуруҳ маданият ва таълим соҳаси вакиллари Қирғизистонга, қадимий Ўш шаҳрига ташриф буюрди. Улар орасида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Ҳумоюн Акбаров, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умидахон Тешабоева, Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро

муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси бўлим мудирини Феруз Беков, шунингдек, таълим қирғиз тилида юритиладиган мактабларнинг раҳбарлари - Тошкент вилояти, Бўка туманидаги 34-ўрта мактаби директори Амангелди Аҳмедов, Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги 50-ўрта мактаб директори Сатибалди Ушумбаев, Тошкент вилояти Паркент туманидаги 33-ўрта мактаб директори Жаматов Қуваничбек ва бошқалар бор эди. Мазкур ташриф 2022 йили “Ўзбекистон-Қирғизистон” дўстлик жамияти ташаббуси ва таклифи билан 16 кишидан иборат Қирғизистон делегациясининг Тошкентга буюрган ташрифга жавобан амалга оширилди. Бу, албатта, ўртага ташланган ғоя ва режаларнинг амалга ошиши, истиқболдаги муҳим алоқаларнинг янада мустаҳкамланиши учун замин яратди.

Ўзро мулоқотлар чоғида маориф ва маданият соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар билан ўртоқлашилди, икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистонлик меҳмонлар ўзлари билан олиб келган, қирғиз ва ўзбек тилларида чоп этилган 600 дана китобларни ўшдаги мактаблар ва кутубхоналарга тақдим этдилар. Маълумки, Ўзбекистонда қирғиз мактабларини ўқув қўлланмалари ва дарсликлар билан таъминлаш давлат даражасида йўлга қўйилган бўлиб, бу масалада деярли муаммо йўқ. Қирғизистонда эса, дарсликларнинг етишмаслиги бугунги кунда таълим ўзбек тилида бериладиган мактаблар сонининг қисқаришига сабаб бўлаётган омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Шунга қарамай, маориф соҳасида ўзбек-қирғиз ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Масалан, ўшдаги Алишер Навоий номидаги 18-ўрта мактаб биносини ўзбекистонликлар томонидан реконструкция қилиб берилгани ҳамда Боткен вилоятидаги иккита ўрта мактаб биноларини қуриб, фойдаланишга топширилгани фикримизга яққол далил бўла олади.

Бундай дўстона ҳамкорликларнинг мантиқий давоми сифатида жорий йилнинг апрель ойида Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги ўш ўзбек академик мусиқали драма театри биносининг тўлалигича қайта реконструкция қилиб топширилгани қирғизистонлик театр мухлислари, умуман, ўзбек халқи учун катта тухфа бўлди [1].

Бугунги кунда икки қардош халқ ва мамлакатлар ўртасида иқтисодий-сиёсий йўналишда, маориф, маданият, санъат, адабиёт, фан, туризм ва бошқа кўплаб соҳаларда изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган, кўп йиллар давомида ёпик

турган чегара постлари навбати билан очилиб, икки давлат ўртасидаги қатнов тобора фаоллашиб бормоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш” вазифаси алоҳида устувор мақсад сифатида қайд этилгани ҳаммамизга маълум [2].

2023 йил бошида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан шу мамлакатда бўлгани ҳамда мазкур ташриф доирасида имзоланган тарихий ҳужжатлар мазур мақсадларнинг амалий ифодаси бўлди. Унда кўп қиррали ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари батафсил муҳокама қилиниб, уни чуқурлаштириш бўйича аниқ қарорлар қабул қилинди. Мазкур қарорлар икки қардош ва ёндош мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожига, шу билан бир қаторда таълим соҳасидаги ҳамкорлик истиқболига ҳам хизмат қилиб келмоқда [3]

Маълумки, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг Тошкентга давлат ташрифи чоғида Қирғизистон ватандошларига Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ўқиш учун 100 та грант ўрни ажратиш бўйича келишувга ҳам эришилган эди. Ўшанда таълим ва фан соҳасидаги долзарб масалалар юзасидан икки томонлама музокаралар ўтказилди, таълим ҳақидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича ҳукуматлараро битим тузиш учун ишчи гуруҳи тузилди. Амалий тадбирлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистон ва Қирғизистон ёшлари учун кўшни давлатлардаги ОТМ ва профессионал лицейларда таълим олишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

2023 йил Ўзбекистон ва Қирғизистон муносабатлари ривожига тарихий давр бўлди. Хусусан, гуманитар ҳамкорлик масалалари бўйича амалга оширилган ишларнинг ўзиёқ сўзимиз тасдиғи бўла олади. Шу ўринда ўзбек ва қирғиз халқлари анъаналари, маданияти ва кадриятлари муштараклигини алоҳида қайд этиш жоиз. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Ш.Сирожиддиновнинг таъкидлашича, шу кунгача Қирғиз Республикасининг 8 та университети билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Мана шу эзгу ишларнинг давоми сифатида 2023 йилнинг 3-4 октябрь кунлари Қирғизистоннинг Ўш шаҳридаги Б.Сидиков номидаги Қирғиз-Ўзбек университетиде “Олий таълим тизимида интеграция,

хамкорлик ва инновациялар” мавзусидаги Ўзбекистон-Қирғиз Республикаси олий таълим муассасалари ректорларининг I халқаро форуми ўтказилган, университет ташаббуси билан Қирғиз Республикасининг Ўш давлат университетида Ўзбек тили ва маданияти маркази очилган. Университет томонидан мазкур марказга 209 номда ўзбек тилидаги бадиий ва илмий китоблар, бир нечта тасвирий санъат намуналари ва кўплаб ўзбек миллий ҳунармандчилик буюмлари совға қилинган [4].

Бу ўринда яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, 2018 йили Фарғона давлат университетининг қўшни Қирғизистон Республикаси ОТМлари билан қалин ҳамкорлик алоқлари йўлга қўйилган эди. Кўп вақт ўтмай Ош давлат университети, Қирғиз-Ўзбек университети, Жалолобод давлат университети, Токтомаматов номидаги Жалолобод халқаро университети ва Баткен давлат университетлари Фарғона давлат университетининг энг яқин ҳамкорларига айланганди. Пировард натижада икки давлатнинг олий таълим муассасалари ўртасидаги академик алмашинувлар ҳар икки томон учун манфаатли бўлди [5].

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун комплекс чоралар кўриш бўйича Ўзбекистон томони изчил ташаббуслар билан чиқмоқда. 1996 йил 24 декабрда имзоланган “Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома” ва 2017 йил 5 октябрда имзоланган “Стратегик шериклик, дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Декларация” Қирғизистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларга мустаҳкам пойдевор қўйган асосий ҳужжатлар сифатида хизмат қилиб келмоқда.

#### REFERENCE:

1. <https://oqbura.org/?p=4338>
2. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.
3. <https://uzlidep.uz/news-of-uzbekistan/13847>
4. “Хуррият”, 10.11. 2023 й.
5. Ўзбекистон–Қирғизистон: таълим соҳасидаги истиқболли ҳамкорлик. - [https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-qirgiziston-talim-sohasidagi-istiqbolli-hamkorlik\\_254478](https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-qirgiziston-talim-sohasidagi-istiqbolli-hamkorlik_254478)



## **BUYUK IPAK YO'LINING XALQARO IJTIMOIIY-IQTISODIY MUNOSABATLARNI RIVOJLANTIRISHDAGI O'RNI**

**Xasanovna Shakhzoda Sharipova**

mustaqil izlanuvchi

Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti

Samarqand, O'zbekiston

### **ANNOTASIYA**

Ushbu maqolada xalqaro ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarni rivojlanishi jarayonida Buyuk Ipak yo'li an'alarining tiklanishi masalalari tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** xalqaro, ijtimoiy, iqtisodiy munosabatlar, turizm madaniyati, Buyuk Ipak yo'li, madaniyatlararo muloqot.

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье анализируются вопросы возрождения традиций Великого Шелкового пути в процессе развития международных социально-экономических отношений.

**Ключевые слова:** международные социально-экономические отношения, туристическая культура, Великий Шелковый путь, межкультурный диалог.

### **ABSTRACT**

This article analyzes the issues of the revival of the traditions of the Great Silk Road in the process of developing international socio-economic relations.

**Keywords:** international socio-economic relations, Tourism Culture, The Great Silk Road, intercultural dialogue.

Markaziy Osiyodagi mintaqaviy va xalqaro ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarning rivojlanishida, turizm madaniyati hamda sayyohlik aloqalarining taraqqiy etishida Buyuk Ipak yo'li muhim ahamiyat kasb etib kelgan. XX asr oxiri va XXI asrning boshlarida zamonaviy xalqaro munosabatlarda Ipak yo'lini qayta tiklash va shu asosda davlatlar o'rtasidagi o'zaro iqtisodiy-siyosiy, madaniy, transport-kommunikasiya munosabatlarini Ipak yo'li kontsepsiyasi doirasida muvofiqlashtirish masalasiga katta e'tibor qaratila boshlandi. Hozirgi davrda Buyuk Ipak yo'li o'tgan hududlarni o'zaro bir-biri bilan iqtisodiy, transport-kommunikasiya jihatidan

bog'laydigan xalqaro hamkorlik dasturi TRASEKA qabul qilingan bo'lib, "Evropa-Kavkaz-Osiyo" transport yo'lagi O'zbekistonda ichki va tashqi turizmning rivojlanishiga katta ta'sir ko'rsatmoqda. TRASEKA dasturining amalga oshishi Xitoyning "Bir makon – bir yo'l" strategiyasini amalga oshirish rejalari bilan bog'liq bo'lib, Xitoydan Evropaga yuklar va yo'lovchilar harakat qiladigan transport marshruti – "Yangi Ipak yo'li"ning ochilishi Sharq va G'arb mamlakatlari o'rtasidagi turizmning rivojlanishiga bevosita ta'sir ko'rsatmoqda.

Turizm sohasida madaniyatlarni muloqotni rivojlantirishda "Buyuk Ipak yo'li" qadimdan mintaqalar, qit'alar, tsivilizatsiyalar tarixida turli madaniyatlarining sintezi bo'lib kelgan.

O'zbek halqining tarixiy moddiy va ma'naviy merosi, urf-odat va an'analari, marosim va bayramlari, tarixiy taraqqiyot jarayonida shakllanib, takomillashib, ajdodlardan avlodlarga o'tib hozirgi davrga qadar etib kelgan bo'lib, bu jarayonga madaniyatlararo muloqotning muhim omili sifatida Buyuk Ipak yo'li katta ta'sir ko'rsatgan.

Pekin shahridagi "Bir makon – bir yo'l" ikkinchi xalqaro forumida Shavkat Mirziyoev shunday ta'kidlagan: "turizm sohasida almashinuvlarni rivojlantirish, buning uchun "Ipak yo'li" brendi ostida qo'shma dastur va mahsulotlarni ilgari surish maqsadida dunyo tamaddunlari va madaniyatlarining tarixiy chorrahasida joylashgan Samarqandda Ipak yo'li xalqaro turizm assosiasiyasini tashkil etish tarafdorimiz. Ushbu tashabbus doirasida mamlakatlarimizda har yili "Bir makon – bir yo'l" turistik forumlarini o'tkazishni taklif qilamiz"[1. 308-309].

Buyuk Ipak yo'lining tsivilizatsiyalar tarixida o'ziga xos o'rnini xisobga olgan holda YUNESKO "Ipak yo'li – muloqot yo'li" dasturini qabul qilib, 1990 yil oktyabrda Samarqandda "O'tmishda va o'rta asrlardagi Markaziy Osiyo Buyuk Ipak yo'lining rivojlanishi va shakllanishi", 1994 yil oktyabrda "Buyuk Ipak yo'lida turizm taraqqiyoti", 1996 yil 21-22 fevralda Buxoroda "Ipak yo'lini qayta tiklash", 2019 yil 21-23 fevral kunlari Buxoro va Samarqandda I xalqaro ziyorat turizmi forumi, 2019 yil 11-13 iyul kunlari Marg'ilonda "Buyuk Ipak yo'li" xalqaro musiqa festivali, 2019 yil 24-25 may Samarqandda "Buyuk Ipak yo'li chorraxasida ziyorat turizmining Renessansi" kabi xalqaro siyosiy va ilmiy anjumanlar tashkil etildi. O'zbekiston tarixiy va zamonaviy Ipak yo'lining markazidagi, geosiyosiy va geoiqtisodiy muhim makonda joylashgan bo'lib, turizmni rivojlantirish masalasida katta salohiyatga egadir. O'zbekiston Ipak yo'li va ipak yo'li an'alarini qayta tiklash va rivojlantirishning yirik tashabbuskori va tarafdori bo'lib kelmoqda.

Buyuk tarixda hech narsa izsiz ketmaydi. U xalqlarning qonida, tarixiy xotirasida saqlanadi va amaliy ishlarida namoyon bo'ladi. Shuning uchun ham u qudratlidir, - deydi Shavkat Mirziyoev, - tarixiy merosni asrab-avaylash, o'rganish va avlodlardan avlodlarga qoldirish davlatimiz siyosatining eng muhim ustuvor yo'nalishlaridan biridir[2.29].

O'zbekiston tarixiy va zamonaviy Ipak yo'lining markazidagi, geosiyosiy va geoiqtisodiy muhim makonda joylashgan bo'lib, turizmni rivojlantirish masalasida katta salohiyatga egadir. O'zbekiston Ipak yo'li va ipak yo'li an'analarini qayta tiklash va rivojlantirishning yirik tashabbuskori va tarafdori bo'lib kelmoqda[3.191]. Turizm madaniyati xalqaro iqtisodiy-ijtimoiy aloqalarni rivojlantirish omili sifatida Buyuk ipak yo'li ma'naviy ko'priki vazifasini bajargan.

Bugungi kunda O'zbekistonda turizm madaniyatining asosi hisoblangan tarixiy moddiy va ma'naviy meros, folklor, milliy kiyim-kechaklar, urf-odat va an'analar, marosim va bayramlar, me'moriy obidalar, milliy hunarmandchilikni tiklash masalasiga katta e'tibor qaratilmoqda. O'zbek halqining tarixiy moddiy va ma'naviy merosi, urf-odat va an'analari, marosim va bayramlari, tarixiy taraqqiyot jarayonida shakllanib, takomillashib, ajdodlardan avlodlarga o'tib hozirgi davrga qadar etib kelgan bo'lib, bu jarayonga madaniyatlararo muloqotning muhim omili sifatida Buyuk Ipak yo'li katta ta'sir ko'rsatgan.

“Bir makon bir yo'l” loyihasining asosiy maqsadlaridan biri global erkin savdo tartibini qo'llab-quvvatlash, Osiyo, Evropa va Afrika mamlakatlari o'rtasida integratsiyani kengaytirishga qaratilgan. Hisob-kitoblarga ko'ra, butun loyihaning taxminiy iqtisodiy ko'lami 21 trillion AQSh dollarini tashkil qiladi. Bugungi kunda 100 dan ortiq davlat loyihada qatnashish istagini bildirgan, 40 dan ziyodi Xitoy bilan hamkorlik qilish bo'yicha bitim imzolagan[4. 355]. “Bir makon bir yo'l” loyihasining hayotga tatbiq etilishi bugungi kunda xalqaro maydonda turizmning rivojlanishiga o'zining ijobiy ta'sirini ko'rsatmoqda.

Xulosa qilib aytganda, Buyuk Ipak yo'lining diaxronik va sinxronik jihatdan o'rganish muhim hisoblanib, uning jahon tarixida, tsivilizasiya taraqqiyotida xalqaro ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarni rivojlantirishdagi tutgan o'rni, qo'lga kiritgan ulkan yutuqlari, boshqa xalqlar bilan olib borgan boy va manfaatli hamkorlik aloqalari to'g'risida ma'lumot berib, bugungi kunda O'zbekistonning jahon hamjamiyatiga integratsiyalashuvida, O'zbekistonda turizm madaniyatini rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etmoqda. Turizm madaniyatini yuksaltirishda Buyuk Ipak yo'li o'tgan

hududlarda madaniyatlararo muloqotning muhim omili sifatida konstruktiv ahamiyatga ega bo'lmoqda.

#### REFERENCES:

1. Mirziyoev Sh.M. Niyati ulug'xalqning ishi ham ulug', hayoti yorug'va kelajagi farovon bo'ladi. 3-jild, Toshkent, O'zbekiston, 2019. – B. 308-309
2. Mirziyoev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. 1-jild. Toshkent, O'zbekiston, 2017. – B. 29.
3. Xashimov Sh.J. Buyuk Ipak yo'li milliy turizm rivojlanishining muhim asosi. // Buyuk Ipak yo'lida umuminsoniy va milliy qadriyatlar: til, ta'lim va madaniyat. Xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. Samarqand-Shanxay, 2019, - B. 598.
4. Abbasov B.S., Meliev M., Eshmamatov E.D. Buyuk Ipak yo'li: o'tmish, bugun va kelajak. Sharqiy Osiyo gumanitar jamiyatining 20-xalqaro konferentsiyasi. Osiyo mamlakatlari tamadduni va Ipak yo'li. Xalqaro ilmiy anjuman materiallari. Samarqand 2019. – B. 490.

## YANGI O‘ZBEKISTON IJTIMOYIY-MA’NAVYI HAYOTIDA ADOLATNING O‘RNINI OSHIRISH ISTIQBOLLARI

**Shaxnoza Tolkinovna Israilova**

O‘zbekiston Milliy universiteti doktoranti

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada Yangi O‘zbekistonning ijtimoiy-ma’naviy hayotida adolatning o‘rnini oshirish istiqbollari yoritilgan. Muallif o‘zbek jamiyati duch kelayotgan zamonaviy muammolarni adolat va tenglikni izlash kontekstida ko‘rib chiqadi. Maqolada fuqarolar hayotining turli sohalarida adolat tamoyillarini mustahkamlash va rivojlantirishga yordam beradigan turli strategiya va tashabbuslar tahlil qilinadi. Vaziyatni yaxshilash va tenglik, birdamlik va har bir shaxsning huquqlarini hurmat qilish qadriyatlariga asoslangan yanada adolatli jamiyat yaratish bo'yicha tavsiyalar taklif etiladi.

**Kalit so'zlar:** Yangi O'zbekiston, adolat, tenglik, jamiyat, tashabbuslar, tamoyillar, taraqqiyot, qadriyatlar, birdamlik, huquqlar.

### АННОТАЦИЯ:

Данная статья исследует перспективы повышения места справедливости в социальной и духовной жизни Нового Узбекистана. Авторы рассматривают современные вызовы и проблемы, с которыми сталкивается узбекское общество в контексте поиска справедливости и равенства. В статье анализируются различные стратегии и инициативы, которые могут способствовать укреплению и развитию принципов справедливости в различных сферах жизни граждан. Предлагаются рекомендации по улучшению ситуации и созданию более справедливого общества, основанного на ценностях равенства, солидарности и уважения к правам каждого индивида.

**Ключевые слова:** Новый Узбекистан, справедливость, равенство, общество, инициативы, принципы, развитие, ценности, солидарность, права.

### ABSTRACT:

This article explores the prospects for increasing the place of justice in the social and spiritual life of New Uzbekistan. The authors examine modern challenges and problems faced by Uzbek society in the context of the search for justice and

equality. The article analyzes various strategies and initiatives that can help strengthen and develop the principles of justice in various spheres of citizens' lives. Recommendations are offered to improve the situation and create a more just society based on the values of equality, solidarity and respect for the rights of each individual.

**Keywords:** New Uzbekistan, justice, equality, society, initiatives, principles, development, values, solidarity, rights.

Butun dunyoda yuz berayotgan globalashuv, ya'ni, umumiydashuv jarayonlarining mushtarak qismi sifatida namoyon bo'layotgan G'arbona demokratlashuv Sharq xalqlari hayotiga muayyan qiyinchiliklar orqali tomir otmoqda. Bu yo'lda xar bir davlat o'ziga xos murakkab davrni o'tashiga, ba'zan esa kutilgan natijalarning mutlaqo teskari holatlariga ro'para bo'lib qolishiga ham to'g'ri kelmoqda. Agar demokratiyaning asosiy talablaridan bo'lgan inson haq-huquqlarini teng ta'minlash va uni adolatli himoyalash zarurati an'anaviy buddaviylik diniga sig'inuvchi mamlakatlarda, xususan, Yaponiya, Koreya, Malayziya, Tailand singari davlatlarda bir qadar silliq kechayotgan bo'lsa, islom qonunlari barqaror bo'lgan Sharq mamlakatlarida bu jarayon jiddiy kataklizmlar, siyosiy bo'hronlar, og'ir yo'qotishlar hisobiga amalga oshirilmoqda.

Hozirgi globalashuv davrida, inson ongi va qalbi uchun kurash kuchaygan bir paytda turli g'oyaviy tahdid va xurujlar jamiyatimizning ma'naviy hayotiga ta'sir ko'rsatishning kuchli quroli sifatida namoyon bo'lmoqda [1, 273 b.]. Sharqning ijtimoiy-madaniy xulq-atvor (amaliy va mafkuraviy) tajribasiga asoslangan, G'arb falsafasining uyg'un g'oyalari bilan kesishgan "to'g'ri xulq-atvor" olamini ochish o'zbek jamiyati uchun ham muhimdir.

Bizning fikrimizcha, Sharqning zamonaviy voqealari uzoq tarixiy davrni qamrab olgan milliy tafakkur paradigmasi va unga asoslangan xulq-atvor modelining faoliyatini kuzatish uchun ham yetarlicha material berishi mumkin. Tafakkur, odatlar, urf-odatlar va urf-odatlardan kelib chiqqan sotsial-madaniy arxetipik xususiyatlar ma'lum darajada yangi bosqichlarda ko'payish, zamonaviy postmodern sharoitda omon qolish, ijtimoiy hayotning turli sohalarida faoliyat yuritish, ularda o'zining kirish izini qoldirish qobiliyatiga ega.

Bizning kuzatishlarimiz donishmand Sharq intellektual an'analarda axloqning bo'linmasligi, uning barcha tamoyil va tushunchalari dunyoqarash va ijtimoiy-siyosiy, shuningdek iqtisodiy nuqtai nazarining keng doirasi bilan birlashishi bilan



ajralib turishini ko'rsatadi. Agar G'arb odamini yuqoriga, shaxsiy erkinlikka intilayotgan deb tasavvur qilsak, sharq odami jamiyatga uyg'un bo'lish uchun atrofdagilar bilan to'g'ri gorizontal munosabatlar o'rnatish bilan ko'proq band bo'ladi.

Biz jamiyatimizda ijtimoiy munosabatlarni axloqiy-huquqiy tartibga solishda adolatning axloqiy mohiyati tahlil qilar ekanmiz, bu o'rinda rivojlangan jamiyatlardagi tajribalarni ham qiyosiy o'rganish foydali deb hisoblaymiz. Biz sharq dunyosining ajralmas qismi sifatida axloqiy qadriyatlar jamiyatni regulyatsiya va integratsiya qiluvchi muhim omillardan biri ekanini yaxshi bilamiz. Garcha jamiyat barqarorligini ta'minlashda qonunlarning roli ortib borayotgan bo'lsada, mavjud yozilmagan qoidalar – axloqiy qadriyatlar ham o'z ta'sirini to'la yo'qotgaib bo'ldi deb bo'lmaydi.

O'zbekiston o'zining demokratik huquqiy davlat qurish strategik maqsadidan kelib chiqib "Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to'g'risida"gi hujjatda ta'kidlanadiki, aholiga mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar, qabul qilinayotgan qonun hujjatlari va davlat dasturlarining mazmuni va mohiyatini izchil etkazish tizimini shakllantirish, fuqarolar ongida "Jamiyatda qonunlarga hurmat ruhini qaror toptirish – demokratik huquqiy davlat qurishning garovidir!" [2], - degan hayotiy g'oyani mustahkamlash ustuvor vazifalar etib belgilangan. Jamiyat va davlat taraqqiyotining hozirgi holati huquqiy munosabatlar barcha ishtirokchilarining huquqiy madaniyatini, huquqiy savodxonligini har tomonlama oshirishni talab qilmoqda. Huquqiy madaniyat huquqiy bilim, huquqiy e'tiqod va izchil amaliy faoliyat majmui sifatida jamiyat va davlat oldida turgan vazifalarning muvaffaqiyatli hal etilishini ta'minlaydi. Bu o'rinda ilg'or xorijiy tkajribalar, huquqiy bilim (savodxonlik), huquqiy e'tiqod va huquqiy xulq – atvor (amaliy faoliyat) haqida to'xtalish o'rinlidir.

Tadqiqotchi R.Benedikt sharq madaniyati misolida yapon madaniyatini uyatga asoslangan madaniyat sifatida tavsiflaydi [3, 184 b.]. Uning tadqiqot amaliyotidagi taklifiga ko'ra, Sharq va G'arb odamlari ongi va xulq-atvorining o'ziga xos xususiyatlarini aks ettiruvchi madaniyatlarning "uyat madaniyati" va "ayb madaniyati" sifatidagi tipologik farqi qo'llaniladi. R.Benedikt shunday tezisni ilgari suradiki, "uyat madaniyati"da odam boshqa odamlarning tanqididan qo'rqib, bu tuyg'uni boshdan kechiradi. Inson dunyoviy hukmdan qo'rqadi, u yo'q bo'lsa, uning uyaladigan joyi yo'q. Biror kishi tomonidan umume'tirof etilgan me'yorning

buzilishi oshkor qilingan yoki mashhur bo'lgan taqdirda, u e'tiborsiz qolishi mumkin. Buni S.Xakamadaning Yaponiyada shaxs jamiyatdan chetlashtirishdan va psixologik bosimdan eng ko'p qo'rqanligi, unga norma va qoidalarga bo'ysunish osonroq va odatiy holga kelganiga ishorasi bilan tasdiqlanadi. Ko'rinib turibdiki, shuning uchun jamiyatda ijro intizomi daxlsizligi, xususan, mamlakatda “qochoqlar, nafaqadagi rohiblar, zohidlar, sarson rohiblar, ot savdogarlari, oilasi bo'lmagan dehqonlarga va boshqa joylardan qochib ketgan qarindoshlarga ham bir kecha-kunduz bo'lsa ham turar joy berish” qat'iy taqiqlangan [4, 17 b.].

Yapon me'yoriy-qiymatli paradigma amaliyoti misolida “uyat madaniyati”ning o'ziga xos tarkibiy qismlarini ko'rib chiqqach, boshqa sharq va g'arbiy xalqlarda ham bu muhim qadriyatlar hisoblanadi. Chunki qadimgi asarlar va falsafiy bitiklarda ham uyat bilan yaxshilik, fazilatlar bog'lanib ketgan. O'zbek xalqi donishmandligida ham uyat hissi oliy insoniy tuyg'ulardan hisoblanadi. Masalan, xalq maqollarida “Uyat - o'limdan qattiq”, “Uyalganing o'lganing” kabi qoidalar mavjud. Axloqning ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishdagi ahamiyati yangi mavzu emas. Aflotun “Fedon” asarida to'g'ri (ilohi boricha eng yaxshi va oqilona) xulq-atvor me'yorlariga rioya qilishni zarur, deb hisoblaydi [5, 69 b.]. U odam yomon xulq-atvoriga bo'lishi mumkin bo'lgan zavq-shavq uchun emas, balki haqiqiy ezgulik nima ekanligini bilmasligidan noliydi: “Ezgulik va yomonlik o'rtasida tanlashda adashmoq haqiqiy bilim etishmasligidir. Shunday qilib, abadiylikda har bir kishi uchun tayyorlangan muqarrar adolatli mukofot haqidagi bilim to'g'ri axloqiy xulq-atvorning oqilona asosiga aylanadi. Bilim, Platonning fikricha, axloqiy me'yorlarni belgilaydigan, to'g'ri va noto'g'rini ajratib turadigan asosdir. Biz yana Platonik uyg'unlik, bo'ysunish, mo'tadillik, jasorat va donolik g'oyalari asoslangan to'g'ri xulq-atvor haqida o'ylashga va fikr berishga harakat qilamiz. Aflotunga ko'ra, insonda uchta komponent uyg'un kombinatsiyani talab qiladi: ratsional prinsip boshqaradi, ta'sirchan himoya qiladi, shahvatga bo'ysunadi [6, 212-219 b.]. Faylasuf uchun inson dunyo hayoti davomida to'g'ri xulq-atvoriga rioya qilishi, zavqlanishda o'zini tuta bilishi, boyluk orttirishdan ko'ra, o'z-o'zidan fazilat bilan bog'liq ishlar bilan, agar u umumiy qabul qilingan me'yorlardan uzoqlashmasa ham jamiyat manfaatini o'ylash bilan rag'batlantirishi muhim.

Falsafiy-huquqiy manbalarni o'rganish shuni ko'rsatadiki, huquqiy xulq-atvor substansional negiziga ko'ra, jamiyat va shaxsning ehtiyojlari, manfaatlari, qiziqishlariga muvofiqdir. “Shaxs o'z ehtiyojlari, manfaatlari, fikrlariga muvofiq o'z xulq-atvorini huquqda belgilab qo'yilgan namunaga ongli suratda moslaydi yoki

zohiran qonuniy bo'lgan, ichki ishonchga va sabablarga tayanadigan harakatlar qiladi. Uning o'ziga taklif qilinayotgan huquq va majburiyatlar shaklida ifodalangan namunali xulq-atvordan farqlanadigan variantni ijobiy baholash qonuniy huquqdan samarali foydalanishga hamda majburiyatni bajarishga asos bo'ladi. Boshqacha qilib aytganda, qonuniy xulq-atvoriga asos bo'ladi" [7, 148-149 b.]. Shaxs ushbu tanlashda eng avvalo xususiy ehtiyoj va qiziqishlardan kelib chiqsa-da, ularni ijtimoiy ehtiyoji va manfaatlariga ham muvofiq kelishini unutmaydi, albatta. Aks holda nafaqat qiziqishlar, balki huquqlar to'qnashuvi ham muqarrar bo'lardi.

Yaponlar ular uchun umuminsoniy axloq qoidalari kerak emas, deyishadi. G'arbda kuch belgisi an'analarga qarshi isyon ko'rsatish va to'siqlarga qaramasdan ishlarni bajarish qobiliyatidir. Yaponlar o'z baxtini hisobga olmagan va o'z burchini bajarganlarni kuchli deb biladi. Xarakterning kuchi, yapon tilida, isyon emas, qoidalarga bo'ysunishdan iborat. Ustozga sadoqat va farzandlik taqvosining yagona mohiyati haqidagi ta'limot shukronalik g'oyasi bilan chambarchas bog'liq edi, bu tamoyil yaxshilik qilgan odamlarga nisbatan majburiyat tuyg'usini va ko'rsatilgan foyda uchun munosib haq to'lash zarurligini ifoda etdi.

Mashhur yapon axloqshunosi Shibusava zamonaviy Yaponiya moliyaviy-iqtisodiy tizimining asosini o'rganganlardan biri edi. U ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarning butun spektrining tartibga soluvchisi sifatida axloqning hayotiy zarurligini ta'kidlab, jamiyatning normal faoliyat yuritishi uchun faqat huquqiy normalarning etarli emasligi haqida gapiradi. Erkin fikr yuritib, men shunday xulosaga keldim: ijtimoiy va mehnat muammolari faqat qonun asosida to'la hal qilinishi mumkin emas. Masalan, ota-ona va farzandlar, katta va kichik aka-ukalarning tegishli huquq va majburiyatlari mavjud bo'lgan oilada uning a'zolari faqat qonunga tayansa, ularning axloqi buzilib, bir-biridan uzoqlashib, har qanday vaziyatda va amalda janjallashib qoladi.

Normativ-huquqiy hujjatlar loyihalarini umumxalq muhokamasi mexanizmlaridan faol foydalanish qonun ijodkorligining adolatliligini ta'minlashning muhim vositasidir. Normativ-huquqiy hujjatlar, shu jumladan ulardan foydalanish bilan qonun loyihalarini jamoatchilik ekspertizasidan o'tkazish bazasini xolisona kengaytirish imkoni yaratiladi. Buning sababi shundaki, qonun ijodkorligi va qonunchiligi kuchayib, adolatli bo'lib, jamiyatning ezgulik va yomonlik, or-nomus va vijdon haqidagi axloqiy g'oyalari, xalq manfaatlarini kabi ma'naviy-axloqiy qadriyatlarni to'liq aks ettiradi. Qonun ijodkorligi adolatli bo'lishi uchun mavjud voqelikni aks ettirishi va uni taraqqiyot yo'liga o'zgartirishi kerak.

Adolat qonunning asosiy axloqiy tamoyili bo'lib, Yangi O'zbekiston davlatining butun huquqiy tizimiga kirib borishi kerak va davlat hokimiyati organlarining qonun ijodkorligi faoliyatini amalga oshirishda muhim ahamiyatga ega. Qonun ijodkorligi adolatli huquqni shakllantirishda muhim rol o'ynaydi, chunki aynan shu bosqichda adolatning ma'naviy kategoriyasi huquqiy mustahkamlanishni oladi va normativlik xususiyatiga ega bo'ladi. Afsuski, qonun ijodkorligi nazariyasi va amaliyotida ijtimoiy tuzilmaning fundamental axloqiy paradigmasi sifatida adolatni amalga oshirishga etarlicha e'tibor berilmayapti. Binobarin, qonun ijodkorligida odil sudlovni amalga oshirish va qonun ijodkorligining adolatli huquqiy tartibotni shakllantirishdagi ahamiyatini aniqlash masalalari hozirgi davrda nihoyatda dolzarb bo'lib, ularning amalda tatbiq etilishi qonun ijodkorligi jarayoni va qonunchilik sifatiga ijobiy ta'sir ko'rsatishi shubhasiz.

Mamlakatimizda 2023-yil 30-aprel kuni o'tkazilgan referendumda ishtirok etgan fuqarolarning 90,21 foizi yangi tahrirdagi Konstitutsiyamizni yoqlab ovoz bergani ham bu fikrni yaqqol tasdiqlaydi, shu bilan bir qatorda, Bosh qomusimizda xalqimizning Yangi O'zbekistonni barpo etish bo'yicha orzu-umidlari va intilishlari o'z aksini topganini ifoda etadi.

“Yangi tahrirdagi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi davlatchilik, ijtimoiy-siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va sud-huquq sohalarini bundan keyin ham barqaror rivojlantirish uchun mustahkam zamin yaratdi”. Ushbu haqqoniy e'tirof O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2023-yil 16-noyabrda imzolagan “O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni bayramiga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish to'g'risida”gi farmoyishda alohida ta'kidlandi.

Konstitutsiyamiz Muqaddimasida davlat va jamiyat taraqqiyotining huquqiy mafkurasi, xalqimiz Yangi O'zbekistonni bunyod etish yo'lida tayanadigan konstitutsiyaviy qadriyatlar va tamoyillar aniq belgilab berilgan.

Konstitutsiyamizning avvalgi tahriridan farqli o'laroq, uning yangi tahririning asosiy g'oyasi shaxsning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini, inson sha'ni va qadr-qimmatini ta'minlash, ilgari mavjud bo'lgan “davlat — jamiyat — shaxs” paradigmasini yangi: “inson — jamiyat — davlat” tamoyiliga o'zgartirishdan iborat.

Davlatimiz rahbari ta'rifiga ko'ra, inson qadri — mamlakatning har bir fuqarosi uchun tinch va xavfsiz hayot, fundamental huquq va erkinliklar, malakali tibbiy xizmat, sifatli ta'lim, kuchli va manzilli ijtimoiy himoya hamda sog'lom ekologik muhit ta'minlanishini, munosib turmush sharoiti va zamonaviy

infratuzilmaning bosqichma-bosqich yaratilishini anglatadi. Bugungi kunda inson qadr-qimmatini, uning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ta'minlash g'oyasi davlatimizning butun ichki va tashqi siyosatining tamal toshiga, Yangi O'zbekistonda olib borilayotgan demokratik islohotlarning eng muhim harakatlantiruvchi kuchiga hamda ushbu ezgu sa'y-harakatlarni o'zaro bog'lab turuvchi muhim omilga aylandi.

Yangi O'zbekistonni bunyod etish yo'lida tayanadigan konstitutsiyaviy tamoyillardan biri bu demokratiya, erkinlik va tenglik, ijtimoiy adolat va birdamlik g'oyalariga sadoqatdir. Inson huquqlari bo'yicha xalqaro huquqda "inson qadr-qimmatini" tushunchasi har bir inson hurmatga loyiq ekanini tushunishga asoslangan tenglik va shaxsiy erkinlik tushunchalari bilan uzviy bog'liq.

Yangi tahrirdagi O'zbekiston Konstitutsiyasida davlatning ijtimoiy sohadagi majburiyatlariga taalluqli normalar 3 barobar ko'paydi. Eng muhimi, Asosiy Qonunimizda birinchi marta "O'zbekiston — boshqaruvning respublika shakliga ega bo'lgan suveren, demokratik, huquqiy, ijtimoiy va dunyoviy davlat" (1-modda), degan norma belgilandi. Ijtimoiy davlat, deganda, avvalo, o'z fuqarolariga muayyan minimal farovonlikni kafolatlaydigan davlat tushuniladi. Yangi O'zbekistonning asosiy maqsadi — har bir fuqaroga g'amxo'rlik qilish, inklyuziv rivojlanish, aholining barcha qatlami uchun teng huquq va imkoniyatlarni ta'minlashdan iborat. Ushbu o'zgarish va qo'shimchalarda axloqiy tamoyillarning salmog'i ham anchaginadir.

Xullas, Yangi O'zbekistonda ijtimoiy munosabatlarni huquqiy va va axloqiy jihatdan tartibga solishda huquq va axloq uyg'unligi, qonun ustuvorligi va adolat tushunchalari muhim rol o'ynaydi. Ayniqsa, huquqiy davlat yaratish, butun jamiyat, aholining alohida qatlamlari irodasini keng ma'noda qonunga bo'ysundirish jarayoni ham u omillar bilan bog'liq.

#### REFERENCES:

1. Mirziyoev Sh.M. Yangi O'zbekiston strategiyasi. – T.: O'zbekiston, 2021. - B.273.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to'g'risida"gi Farmoni. Xalq so'zi, 2019-yil, 10-yanvar. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Бенедикт Р. Хризантема и меч: модели японской культуры / пер. с англ. Н.М. Селиверстова, под ред. А.В.Говорунова. – СПб.: Наука, 2007.

4. Хакамада Сигэки. Самоорганизация и стихийность: опыт сравнительного социально-психологического анализа Японии и России. – СОЦИС, 1999. – № 4. – 17 с.
5. Платон. Федон / Сочинения. Т.2. – М: Мысль, 1993. – 69 с.
6. Платон. Государство / Сочинения: в 4 т. Т.3. – М.: Мысль, 1993. – 212-219 с.
7. Таджихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1. – Тошкент: ИИВ Академия, 1998. – Б.148-149.



## ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ЦЕННОСТИ ТЕХНИКИ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ

**К. Ж. Туленова**

д. филос. наук, профессор, Ташкентский Государственный Педагогический  
Университет им. Низами

[karima\\_t@mail.ru](mailto:karima_t@mail.ru)

### ANNOTATSIYA

Maqolada raqamli texnologiyalar va texnologiya qadriyatlari raqamli ta'lim muhitida ko'rib chiqiladi, bu erda qadriyatlar muammosi zamonaviy jamiyatda tobora muhim ahamiyat kasb etayotgan, texnik ishlab chiqarishning ustunligi nafaqat ijobiy tomonlari bilan ham dominant xususiyat kasb etmoqda. , balki salbiy oqibatlariga olib keladi

**Kalit so'zlar:** ta'lim, bilim, raqamlashtirish, axborot texnologiyalari, innovatsion ta'lim, insonparvarlashtirish, texnologiya qadriyatlari va normalari, tipologiya, texnik bilim, ijtimoiy voqelik, shaxs, tizim

### АННОТАЦИЯ:

В статье рассматриваются цифровые технологии и ценности техники в условиях цифровой образовательной среды, где проблема ценностей приобретает все большую значимость в современном обществе, господство технического производства приобретает доминирующий характер со своими не только позитивными, но и негативными последствиями.

**Ключевые слова:** образование, знание, цифровизация, информационные технологии, инновационное образование, гуманизация, ценности и нормы техники, типология, технические знания, социальная реальность, человек, система.

### ABSTRACT:

The article examines digital technologies and the values of technology in a digital educational environment, where the problem of values is becoming increasingly important in modern society, the dominance of technical production is acquiring a dominant character with its not only positive, but also negative consequences.

**Keywords:** education, knowledge, digitalization, information technology, innovative education, humanization, values and norms of technology, typology, technical knowledge, social reality, person, system

В цифровом обществе вся жизнедеятельность людей связана с мультимедиа и информационными технологиями. Информационные технологии занимают одно из центральных мест в современном образовании. Цифровые технологии становятся неотделимой частью как экономики, политики, так и системы образования. В основе современной трансформации образования лежит научный, технический, технологический прогресс в эпоху информационного общества. Характерная тенденция этой новой эпохи – формирование общества знаний, цифровой экономики, развитой информационной и коммуникативной инфраструктуры, новой технологической основы для решения проблем управления, социальной сферы. Формирующаяся цифровая образовательная среда включает открытую совокупность информационных систем, предназначенных для обеспечения различных задач образовательного процесса. В условиях цифровизации появляются новые вызовы к системе образования. Одним из необходимых элементов новаций в системе образования становится развитие и стимулирование научно-исследовательской и методической деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику образования, создание при высших образовательных учреждениях и научно-исследовательских институтах научно-экспериментальных специализированных лабораторий, центров высоких технологий, технопарков.[1].

Реализация данных стратегических задач обеспечит поступательное развитие всей системы непрерывного образования укреплению международного авторитета образовательной системы Узбекистана.

Реалии XXI века заставили резко изменить положение науки в обществе, наука и образование стали элементами производства, где развитие научного знания обуславливается духовными, экономическими, социальными, техническими факторами, что в свою очередь определяется техническим производством.

Сегодня прогресс в материальной и духовной сферах Нового Узбекистана связан с развитием и освоением тех достижений мировой технологии, которые

и приведут к третьему Ренессансу. Современный мир, взятый в глобальном измерении, имеет различные характеристики. Наиболее часто его называют техногенным обществом. И если в прошлом проблемы науки интересовали лишь узкий слой причастных к ней интеллектуалов, а отношение к технике было сугубо прикладным, то в наше время и то и другое выдвинуло в центр всеобщего внимания проблему человека в техногенном мире. Осмысление этого стало насущной задачей философской мысли. Важно подчеркнуть одно: нет человека и общества вне "техносферы", техника исторична, не стоит на месте, обновляется. Технические новинки служат катализатором, импульсом коренных изменений во всей системе общественной жизни. Вывод, который вытекает из анализа работ, посвященных философии техники: «Человек XXI века должен быть не только более интеллектуальным, профессиональным, креативным, но и гуманным, нравственным». [2]

Парадигмы измерения техногенного мира во многом неоднозначны. Так, до наших дней дошли идеи недоверия, враждебности к технике, так называемая - технофобия. В древнем Китае старцы-мудрецы не пользовались колесом для водочерпания, предпочитая носить воду из реки в бадейках. Свои действия они мотивировали тем, что, технические приспособления отнимают у человека свободу действий. Техника, рассуждали они, облегчает жизнь и делает ее комфортнее, но плата за это непомерна - поработается человеческое "Я". Достижения техники огромны. Открытия в психологии, в социальной психологии направляются на манипулирование сознанием и поведением социальных групп. Психофармакология нацеливается на изготовление средств манипулирования психическими свойствами личности, составляются планы применения генетической инженерии для изменения наследственности человека. Механизация и моторизация проникают в нашу жизнь, подчас превращают человека в своеобразный гибрид биологического и технического устройства. Автомобиль во многих странах стал показатель уровня престижности, это - вожденная цель, символ успеха. Автомобильная промышленность и транспортная система, поглощая нефтяные ресурсы, металлы, сегодня во многом формируют внутреннюю и международную политику, финансовые отношения, быт и нравы.

Вторжение техники во все сферы жизни общества - от глобальных до сугубо интимных - порождает безудержную апологию техники, психологию техницизма. Такое упоение техническими перспективами, на наш взгляд,

опасно и антигуманно. Технический и технологический фетишизм в наши дни отнюдь не редкость. Им сильно заражено общество, он проникает не только в сферу хозяйственного и политического общества, но и в личную жизнь, появляется зависимость. Современная социальная реальность, связанная с абсолютизацией техники, утверждает ее автономность и самодостаточность. Она формирует мнение, что можно решить любые социальные коллизии, минуя человека как активного субъекта социальной жизни.

Существует опасность технологической мифологии, стремления все, и вся "машинизировать". Человек и человечество — это не машина, не техническая система. «Не человечество технично, а техника человечна» - этот тезис не может иметь срока давности. Стремительное развитие техномира опережает эволюционно сложившиеся приспособительные, адаптивные возможности человека. Развитие техники, подчас порождает ситуацию абсурда. Так, например, стремительное распространение коммуникационных технических сетей опережает возможность их значимого и ответственного наполнения. Могучие технические средства распространяют банальности, забываются мелочной, пустой, бессодержательной информацией. Многие технические инновации (изобретения, конструкторские разработки) подчас опережают свое время, оказываются экономически невыгодными. Массовое количество технических приспособлений, их внедрение в производство и быт опережают интеллектуальный (и особенно нравственный) уровень массового сознания. Возникает необходимость включения в технические системы ограничителей, обеспечивающих то, что мы знаем, как "foolproof" (защита от ошибки). Забитость техникой всего потока жизни умножает катастрофы, аварии, трагические происшествия.

В силу этого с особой остротой встает вопрос о соотношении (и взаимодействии) техники и технологии с одной стороны, и ценностей, с другой стороны. Вместе с тем становится очевидным вся сложность и многогранность этого вопроса. Отсюда – возникновение задачи разработки оптимальной парадигмы взаимоотношения техники и ценностей.

Для этого требуется решение следующих положений. Во-первых, вопрос ценностей в технических знаниях и технологиях. В рамки этого входят такие проблемы как место ценностей в содержании современных технологий, роль ценностей в деятельности технолога, проблема этоса техники, т.е. ценности и нормы, на которые опирается функционирование техники и технологии как

социального института.

Во-вторых, вопрос ценностей для технических областей знания, т.е. влияние функционирующих систем ценностей в обществе на развитие техники, на изменение ее внутренней структуры.

В-третьих, вопрос ценностей техники, т.е. проблема ценностно-творческих и ценностно-разрушающих функций техники в социальной жизни.

На каждом этапе своего исторического развития техническое знание вырабатывает собственные ценности и нормы. Это, прежде всего методологические принципы, используемые для определения того, что является продуктивным, а что – непродуктивным способом применения достижений техники. До второй половины XX века технологи были убеждены в том, что регуляторами их технологической деятельности являются в основном внутри технические нормы. Они в отличие от всех других общественных норм, считались объективными, так как следование им вело к достижению прогресса. А абсолютизация внутри технических ценностей способствовало возникновению взглядов техногенного подхода.

Одних лишь методологических принципов зачастую оказывается недостаточно для принятия конкретных решений в ходе технической деятельности. Такая ситуация проявляется, например, при выборе определенной технологии из множества альтернативных, которые представлены с позиции полезности и продуктивности, как равноценные. В таких случаях, решающую роль может играть ориентация технолога на парадигму, как оптимального пути для общественного и технического роста в данный исторический период.

Из всего многообразия взаимоотношений техники и ценностей можно выделить пять основных видов таких взаимоотношений, которые и определяют суть требуемой парадигмы.

1. Ценности в техническом знании, или внутри технические ценности, выполняющие определенные регулирующие и ориентирующие функции. Это – этос науки со своими нормами. В технической деятельности это признанные методологические нормы и процедуры технического поиска, проведение экспериментов и т.д.

2. Ценности для технического знания, или внешние по отношению к технике, ценности. Их непосредственное влияние распространяется главным образом на институционально понимаемую технику и на техническую

деятельность. Такие ценности выступают в качестве внешних регуляторов технической деятельности, а также в роли факторов, изменяющих технические ценностные системы.

3. Ценность техники. Здесь следует понимать активность техники как регулятора в других областях человеческой деятельности и влияние техники на изменение в общей системе ценностей.

4. Ценность как объект изучения с позиций техники. Здесь ценности тоже оказываются внутренним элементом техники, но не в той мере и не в том смысле как представлено по первому пункту.

5. Техника как элемент ценностных систем. В этом случае техническая деятельность и технические знания выступают в качестве «ценности», признаваемой в той или иной ценностной системе.

Сегодня перед человечеством в целом и перед Новым Узбекистаном стоит вопрос о дальнейшем совершенствовании системы безопасности применения техники и технологий XXI века.

Это подтверждается и проводимой политикой в области применения новых технологий Президентом Узбекистана Ш.М.Мирзиёевым, как утверждение, что любая новая технология требует всестороннего подхода, а «для этого нужна глубоко продуманная программа технологического развития Узбекистана...» [4], которая должна исходить из системы ценностей имеющих место в Новом Узбекистане, которая нашла свое воплоение и в Указе Президента Узбекистана Ш.М. Мирзиёева «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы».

## REFERENCES:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»: lex.uz
2. Малькова Т.П. Философия техники: современные проблемы развития теории// Теория и практика общественного развития. 2015. №20. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/filosofiya-tehniki-problemy-aksiologii-ehnicheskogo-mirovospriyatiya>.
3. Послание Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева Олий Мажлису. Т. 2022. С 47.



## СИНТЕТИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ВОПРОСАМ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ СОЦИАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВА

**Ш. Р. Кубатов**

доктор философии (PhD), Университет журналистики и массовых  
коммуникаций Узбекистана

### АННОТАЦИЯ:

В статье рассматривается синтетический подход к теории и практике социального государства. Автор предлагает системный взгляд на социальное государство, объединяющий теоретические и практические аспекты. Представляется анализ современных подходов к социальному государству и выделяются ключевые элементы и принципы его функционирования. Также рассматриваются проблемы и вызовы, с которыми сталкиваются современные социальные государства, и предлагаются рекомендации по их решению на основе синтетического подхода. Полученные результаты могут быть полезными для разработки и улучшения политик и программ социального государства.

**Ключевые слова:** социальное государство, синтетический подход, теория, практика, функционирование, проблемы, вызовы, политики, программы.

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada ijtimoiy davlat nazariyasi va amaliyotiga sintetik yondashuv muhokama qilinadi. Muallif nazariy va amaliy jihatlarni o'zida mujassam etgan holda ijtimoiy davlatning tizimli ko'rinishini taklif etadi. Ijtimoiy davlatga zamonaviy yondashuvlar tahlili keltirilgan va uning faoliyatining asosiy elementlari va tamoyillari yoritilgan. Shuningdek, zamonaviy ijtimoiy davlatlar duch kelayotgan muammolar ham o'rganilib, ularni sintetik yondashuv asosida hal etish bo'yicha tavsiyalar berilgan. Olingan natijalar ijtimoiy davlat siyosati va dasturlarini ishlab chiqish va takomillashtirish uchun foydali bo'lishi mumkin.

**Kalit so'zlar:** ijtimoiy davlat, sintetik yondashuv, nazariya, amaliyot, faoliyat, muammolar, muammolar, siyosat, dasturlar.

**ABSTRACT:**

This article discusses a synthetic approach to the theory and practice of the welfare state. The author offers a systematic view of the social state, combining theoretical and practical aspects. An analysis of modern approaches to the social state is presented and the key elements and principles of its functioning are highlighted. The problems and challenges faced by modern welfare states are also examined and recommendations are offered for solving them based on a synthetic approach. The results obtained can be useful for developing and improving policies and programs of the welfare state.

**Keywords:** social state, synthetic approach, theory, practice, functioning, problems, challenges, policies, programs.

Предложенный в настоящем исследовании синтетический подход к пониманию идеи социального государства требует провести сопоставление с ранее обозначенной проблематикой для выяснения, может ли он способствовать разрешению как теоретических, так и практических вопросов, поставленных в науке.

Во-первых, данный подход рассматривает идею социального государства через призму достижения гармоничного сочетания частного и публичного интереса и установление соответствующих этому сочетанию политических форм, в то время как либералы, консерваторы и даже социал-демократы отдают предпочтение либо какому-то одному интересу, либо строят форму в отрыве от правосознания народа.

Так, для либералов и консерваторов приоритетным является общество (вернее, рынок), олицетворяющее все частные интересы, а для социал-демократов — государство (публичные интересы). Подобные подходы, полагаем, не позволяют должным образом обнаружить то действительное значение, которое дает «гармоничное понимание» идеи социального государства, они порождают проблемы, основанные на односторонней оценке явлений, в то время как лишь взаимодействие и взаимозависимость дают возможность адекватно оценить происходящие в человеческой жизни изменения. Не достижение развития всех частных интересов и не их компромисс, и не приоритет публичного интереса как единство всех, а лишь их гармоничное сочетание дают возможность индивиду реализовать свое предназначение.

Общеизвестным можно считать факт, что рыночные механизмы сами по себе приводят к несвободе неимущих классов, так как это положение заложено в самой природе общества (определяемой собственностью), поэтому отдавать все на откуп обществу (рынку), значит не понимать, что этим воспроизводится состояние, в котором «каждый за себя» (К. Полэн) или «человек человеку волк», оценивающий все только с позиций личной выгоды. Кроме того, и социализм, и либерализм ставят цель преодолеть государство.

Концепция же социального государства, имея исторически общие черты с этими направлениями политической мысли, расходится с ними в своей сути, так как и в концепции Л. фон Штейна, и в предлагаемом нами подходе, государство (а, следовательно, и политика, понимаемая нами не как борьба за власть, а как согласие) не исключается. Ближе всех к данному представлению те ученые, которые отмечают взаимозаменяемость публичного и частного интересов (Р. Рейч).

Во-вторых, если мы считаем, что собственность в силу противоречивости своей природы не может быть источником свободы для всех, что начало свободы надо искать не в материальном мире, а в духовном развитии человека, то изменение политических форм при неразвитом правосознании никогда не даст надлежащего результата. Поэтому те направления политико-правовой мысли, которые в рамках концепции социального государства видят ее реализацию лишь посредством внешних установлений, заведомо обречены на провал предлагаемых ими реформ.

В-третьих, думаем, что социальный вопрос, рассматриваемый группой исследователей как либерального, так консервативного и социал-демократического направлений, неоправданно сужен в своем содержании лишь до рабочего вопроса, до противостояния частных интересов, в то время как его действительное содержание заключается в равноценности человека и общества (государства), и трансформируется на уровне идеи социального государства до необходимости создания политической формы, отражающей приоритет развития публичного интереса при гармонии частных интересов, что характерно не только для эпохи рабочих и капиталистов, но было на повестке дня всегда, начиная с момента образования государства.

Следующий блок вопросов, прямо вытекающий из вышеизложенного, это определение понятия и признаков социального государства. Эти определения грешат наличием категорий, которые нет возможности адекватно раскрыть с

позиций сложившихся представлений о теории социального государства. Например, в перечисленных определениях часто употребляется выражение, что социальное государство «обеспечивает каждому гражданину достойное существование» - оно же «благосостояние».

При этом достойное существование (благосостояние) в основном оценивается либо с позиции уровня дохода (Р. Дарендорф), либо ученые определяют, что «достойная жизнь - такой уровень жизни человека, который позволяет ему свободно трудоустроиться, получать достойную и справедливую зарплату, иметь и содержать семью, получать необходимые, доступные и достаточные для него пищу, одежду, жилище, медицинские услуги, социальное обслуживание и другие блага для поддержания жизни и здоровья его и его семьи, иметь возможность для реализации своих духовных потребностей» [1, С.59-60].

Но не секрет, что понятие о достойном существовании в материальном смысле у каждого человека разное, кому-то надо много, кому-то мало, чтобы оценить свое существование как достойное. Даже те стандарты, которые выработаны в науке, по мнению ученых, не выдерживают зачастую никакой критики в силу своей неопределенности.

Стандарты необходимы только в той мере, чтобы определить физиологический уровень существования. Поэтому помощь от государства свыше этого уровня также нарушает свободу гражданина, как и прямое вмешательство в его личную жизнь. Вот почему понимание достойного существования в материальном смысле никогда не сможет дать положительного эффекта. Это достоинство жизни надо искать не вне человека, а в нем самом, тогда, и только тогда тот материальный уровень, которого сможет достичь индивид самостоятельно, будет восприниматься им как достойный.

И здесь правильное понимание достойной жизни раскрывает, на наш взгляд,

И.А. Ильин. Для него это «внутренне-самостоятельная и внешне-свободная жизнь всего множества индивидуальных духов, составляющих человечество», что в нашем случае возможно, когда внешняя государственная форма и правовые установления соответствуют оптимально развитому правосознанию. В то же время необходимо понимать, что по идее социальное государство не должно и не обеспечивает саму эту жизнь, оно гарантирует лишь право на нее,

что не одно и то же. Обратное означало бы, что государство насильно должно всех «затаскивать в рай».

С учетом этого снимается и другой вопрос, который больше всего беспокоит либералов и консерваторов, а именно, проблема социального равенства, стремление к достижению которого, по мнению многих исследователей, составляет главную задачу социального государства.

Однако, подобный вывод не может быть признан верным. Формальное уравнивание, как в материальном, так и в духовном смысле противоестественно: государство как духовный союз не заинтересовано в устранении духовных различий, а лишь в обеспечении этим различиям творческого исхода и полноты; материальное же уравнивание невозможно из-за природы собственности.

Кроме того, это представление противоречит и взглядам основателя теории социального государства Л. фон Штейна, на которого исследователи ссылаются в обоснование своих воззрений. Немецкий мыслитель утверждал буквально следующее: «...борьба в обществе по своей истинной сущности никогда не бывает борьбой против неравенства, но всегда есть борьба против юридического порядка, который делает принципиально невозможным, чтобы индивидуум посредством своего труда достигнул равенства с членами высших классов». Это не оставляет возможности для иных интерпретаций его идей. Возможно, конечно, что основанием для подобного пересмотра теории социального государства явились мероприятия, направленные на ее реализацию, цель которых сводилась к достижению материального равенства (поначалу гарантированного минимума), либо выступления политических деятелей, провозглашавших себя сторонниками социального государства, но при этом, в силу политической необходимости, требовавших равенства для всех. В общем, это конечно важно, но важнее другое, а именно, чтобы никакие политические амбиции или соображения сиюминутной практической пользы не давали бы возможности, при неверной интерпретации, отклоняться от действительных взглядов того или иного мыслителя, тем самым, подталкивая людей к негативному восприятию теории, суть которой перед ними даже не была правильно раскрыта, а также ученых, вложивших в ее разработку много труда.

Что касается такого признака как «обеспечение социальным государством свободного развития каждого человека», где «свободное развитие» - это такие

условия и возможности человека свободно определять пути собственной жизнедеятельности, которые позволяют ему на равных условиях с другими выбрать и занять определенное место в обществе: получить образование, профессию, физически и духовно развиваться и многое другое» [1, С. 61], то данный признак действительно мог бы характеризовать конкретное государство, при прочих равных условиях, как социальное. Но при формировании понятия необходимо учитывать, что он не сочетается с таким признаком, как «обеспечение достойного существования» в материальном смысле и уж тем более, с признаком «социального равенства». Поэтому понятия, содержащие все эти признаки вместе, не могут отражать сущности концепции социального государства, а лишь вводят в заблуждение.

Особое внимание следует обратить на такой признак социального государства, предлагаемый учеными, как «наличие в нем институтов гражданского общества». В нашем понимании «гражданское общество» есть не что иное, как «общество», а следовательно, является необходимым началом для жизни общезжития. Поэтому для предложенного подхода неприемлемо считать, что в период становления социальных государств значение гражданского общества было несущественным. Оно было, есть и будет существенным, так как является необходимым элементом для всестороннего развития личности (необходимо наличие и государства, и общества). Однако, данный признак не позволяет отграничивать социальное государство от несоциального, так как наличие институтов гражданского общества не констатирует развитого правосознания (его оптимального уровня).

В рассматриваемых определениях часто фигурирует и такой признак, как «обеспечение государством специальных мер поддержки социально уязвимых слоев общества». В данном случае, чаще всего имеется в виду деятельность государства, которая связана, говоря словами фон Штейна, «с поддержкой бедных» [2, С. 500-512]. Уязвимыми слоями в таком понимании правильно считать всех тех, кто не может помочь себе собственными силами (попадают в состояние, которое угрожает «бытию и жизни» личности).

Поэтому мы предлагаем различать «бедность неспособных к приобретению», которым и должна оказываться государственная поддержка, и «бедность способных к приобретению», которым требуется не поддержка, а работа и приобретение (обеспечивается возможность самопомощи).



В первом случае деятельность государства есть отражение публичного интереса, так как сохранение каждого члена правового союза задача всего союза: «один за всех и все за одного». Государство в отношении этой категории граждан выступает как учреждение, навязывая свою опеку по необходимости, но для сохранения человека, а следовательно, и самого себя. Этот вариант бедности существовал всегда, и люди всегда осознавали необходимость такой помощи, как акта справедливости [3, С.503-505].

Во втором случае деятельность государства направлена на установление классовой гармонии, как отражения необходимости достижения компромисса частных интересов.

Деятельность государства и в том, и в другом смысле характеризует конкретное государство именно как «социальное», но при условии осознания ее необходимости гражданами. В целом, есть все основания полагать, что данный признак в его двух ипостасях является составным элементом признака — «достойное существование», так как последний без первого невозможен.

#### **REFERENCES:**

1. Иваненко В.А., Иваненко В.С. Указ. соч. С. 59-60, 61.
2. Элкок П. Создание бедности // Социология. Хрестоматия для вузов. М.: Академический Проект, Екатеринбург: Деловая книга, 2002. С. 500-512.
3. Лешков В.Н. Русский народ и государство: История русского права до XVIII века. СПб.: Юридический центр Пресс, 2004. С. 503-505.

## 10-12 YOSHLI FUTBOLCHILARINING MAYDONNI KO'RISH XUSUSIYATLARINI RIVOJLANTIRISH YO'LLARI

**K. B. Muxammadiyev**

p.f.d (DSc), professor v.b. Toshkent davlat taransport universiteti.

**D. N. Ermatov**

magistrant. Alfraganus universiteti.

### ANNOTATSIYA

Sportni ko'rish – oftalmologiyaning rivojlanayotgan sohasi bo'lib, u ham vizual funktsiyani, ham sport faoliyatini yaxshilashga qaratilgan. Mavjud adabiyotlarda ko'rishning sport ko'rsatkichlarida muhimligini ko'rsatadigan turli xil tadqiqotlar o'tkazildi. Maqolada ko'rish va ko'rish qobiliyati zaif sportchilar o'rtasida tajriba o'tkazish orqali ko'rishning postural barqarorlikka ta'siri bo'yicha qiziqarli natijalar keltirilgan .

**Kalit so'zlar:** futbol, mashg'ulot, ko'rish, rivojlanish, jismoniy faollik, muvaffaqiyat.

### АННОТАЦИЯ

Спортивное зрение – это новая область офтальмологии, которая фокусируется на улучшении как зрительных функций, так и спортивных результатов. В существующей литературе были проведены различные исследования, показывающие важность зрения для спортивных результатов. В статье представлены интересные результаты влияния зрения на стабильность позы в экспериментах на зрячих и слабовидящих спортсменах.

**Ключевые слова:** футбол, тренировка, видение, развитие, физическая активность, успех.

### ABSTRACT.

Sports vision is an emerging field of ophthalmology that focuses on improving both visual function and athletic performance. In the existing literature, various studies have been conducted showing the importance of vision on athletic performance. The article presents interesting results of the influence of vision on postural stability in experiments on sighted and visually impaired athletes.

**Keywords:** football, training, vision, development, physical activity, success.

10-12 yoshli bolalarda vizual e'tiborning uchta jihati sinovdan o'tkazildi: maqsadni qidirish uchun vizual e'tiborni maydon bo'ylab taqsimlash qobiliyati, diqqatni nishonga yo'naltirilgandan keyin tiklanish vaqti va soni. diqqatni bir vaqtning o'zida yo'naltirish mumkin bo'lgan ob'ektlar. Ma'lumotlar bir xil ishtirokchilar guruhida vizual e'tiborning ushbu tarkibiy qismlarining turli xil rivojlanish traektoriyalarini taklif qiladi. Bu shuni ko'rsatadiki, ma'lum darajada fazoviy, vaqtinchalik va ob'ekt e'tibor jarayonlari turli sur'atlarda rivojlanadigan turli nerv resurslari tomonidan ta'minlanadi.

Ushbu tadqiqot 10-12 yoshli tajribali futbolchilar guruhi o'rtasida vizual qidiruv va motor harakatidagi farqlarni o'rganib chiqdi. Ishtirokchilar katta ekranda taqdim etilgan 4v4 o'yinining videolarini tomosha qilishdi. Ishtirokchilardan qafasdagi o'yinchilardan biri tomonidan uzatilgan to'pni qabul qilish uchun eng yaxshi pozitsiyani tanlash orqali o'yinda ishtirok etishlari so'ralgan. Ishtirokchilarning vizual qidiruvi va motor harakati klip davomida doimiy ravishda to'plangan. Guruh ichidagi taqqoslashlar ishtirokchilarni kesish baholari asosida amalga oshirildi, ya'ni. ko'proq to'g'ri pozitsiyada. Natijalar shuni ko'rsatadiki, yuqori ko'rsatkichlarga ega bo'lgan guruh ko'proq to'p maydoniga e'tibor qaratgan bo'lsa, past ko'rsatkichli guruh esa qabul qiluvchi o'yinchi va o'tib ketayotgan o'yinchining son/yuqori tanasi sohasiga e'tibor qaratgan. Yuqori ko'rsatkichli guruhdagi o'yinchilar past ko'rsatkichlarga ega bo'lgan guruhga nisbatan ancha ko'proq masofani bosib o'tishdi. Vizual qidiruv va harakatchanlikdagi farqlar iqtidorli yosh futbolchilarni aniqlash uchun ko'rsatkich sifatida foydalanish mumkin degan xulosaga keldi.

Bolalarning diqqatini jamlash qobiliyati erta rivojlanish davrida ancha cheklangan; Yoshi bilan e'tibor qobiliyati yaxshilanadi, bu sizga diqqatni bir vazifaga yaxshiroq jamlash va samaradorlikni oshirish imkonini beradi. Biroq, bu rivojlanishga hissa qo'shadigan omillar va uning aniq vaqti haqida kam narsa ma'lum. Ushbu tadqiqot sohasi diqqat bir hil tushuncha emas, balki bir xil tezlikda yoki bir xil sharoitlarda rivojlanishi mumkin bo'lgan bir nechta turli ko'nikmalarni o'z ichiga olganligi bilan murakkablashadi. Ushbu tadqiqotda biz uchta o'ziga xos diqqat qobiliyatini - vizual diqqatni kosmosda taqsimlash, diqqatni vaqt bo'yicha taqsimlash va diqqatni vizual ob'ektlarga taqsimlash qobiliyatini taqqoslaymiz. Kesimli dizayndan foydalanib, biz ushbu ko'nikmalarning rivojlanish tezligini, shuningdek,

ularning atrof-muhit omiliga nisbatan sezgirlikini taqqoslaymiz: video o'yinlardan foydalanish.

Futbol har doim butun dunyoda eng keng tarqalgan sport turi bo'lgan, shunday bo'lib qoladi va shunday bo'lib qoladi. Yuqori ko'rsatkich yoshidan qat'i nazar, barcha futbolchilar uchun mashaqqatli mehnatni anglatadi. Shu munosabat bilan mashg'ulot uslublari zamonaviy futbol talablariga moslashtirilib, texnik-taktik, jismoniy, nazariy va psixologik saviyasi yaxshi futbolchilarni muvaffaqiyatli yetishtirishni maqsad qilgan. Zamonaviy futboldagi hozirgi tendentsiyalar uchun davra usuli mos omil hisoblanadi. Bizning tadqiqotimiz shuni ko'rsatdiki, doira usuli 10-12 yoshli bolalar uchun futbol mashg'ulotlarining aniq maqsadlariga javob beradi. Ushbu tadqiqot uchun taklif qilingan usul yangi emas edi, lekin birinchi marta bolalar va o'smirlarning yosh xususiyatlarini va zamonaviy dunyo talablarini hisobga olgan holda qo'llanildi. Uni amalga oshirish adabiyotlarni ko'rib chiqish, faol kuzatish va amaliy usullardan foydalanishni o'z ichiga oladi. Tadqiqotda foydalanilgan mashqlar ham 10-12 yoshni, ham shu darajadagi futbolni hisobga olgan holda ishlab chiqilgan.

Mavsumning birinchi yarmida o'tkazilgan mashg'ulotlar texnik-taktik mazmunga ega bo'lib, darvoza tomon zarba berish bilan yakunlanadigan oddiy mashqlarga asoslangan edi (masalan: a. to'pni 20 m masofaga to'p bilan urish va darvozaga zarba berish; b. ikki futbolchi o'rtasida to'p uzatish). 25 m masofada va darvozaga zarba). Ushbu bosqichning maqsadi o'yinchining darvozaga zarba berish qobiliyatini oshirish edi. Mavsumning ikkinchi yarmida o'quv mashg'ulotlarining murakkabligi, dozasi va qiyinligini oshiruvchi sxema usuli amalga oshirildi. Bu bosqichning maqsadi ham o'yinchining darvozaga zarba berish qobiliyatini yaxshilash bo'lsa, bu safar asosiy e'tibor tezlik, o'yinchilar o'rtasidagi hamkorlik va o'yin maydonidagi orientatsiyaga qaratildi.

Ta'lim va tarbiyaning ushbu innovatsion usuli jamoaga vosita ko'nikmalari, o'zaro ta'sir qilish, tanqidiy fikrlash, tezkor qaror qabul qilish, strategik ko'rib chiqish va hokazolarda yaxshi miqdoriy natijalarga olib keldi.

Mashqlarning davomiyligi, intensivligi va murakkabligi bo'yicha dinamikasi o'yinchilardan rasmiy o'yindan kam emas edi. Ushbu tadqiqot jismoniy tarbiya o'qituvchilari va murabbiylarni (ayniqsa, futbol bo'yicha murabbiylarni) doimiy ravishda tayyorlash uchun muhim bo'lib, ular futbolchilarning o'ziga xos kuchli tomonlarini rivojlantirishi kerak.

## REFERENCES

1. Futbol. Bolalar murabbiyi uchun qo'llanma. – M.: Prof. nashr etilgan , 2020 yil.
2. K.B. Muxammadiev. [Jismoniy tarbiya va sport va talabalar salomatligi omili](#). Berlin tadqiqotlari Transmilliy fanlar jurnali va , 2021 .
3. Muhammadev K.B. [Jismoniy tarbiya va sport va talabalar salomatligi omili](#). 1-jild No 1.5 Pedagogik Fanlar (2021): Berlin tadqiqotlari Transmilliy fan va gumanitar fanlar jurnali. - Bilan. 442-447

## ҲАЗРАТ НАВОИЙ МЕРОСИДА МАВЛОНО ЖОМИЙ ТИМСОЛИ ВА АДОЛАТЛИ ҲУКМДОР ҒОЯСИ

**Лутфилло Караматиллоевич Ахатов**

Чирчиқ давлат педагогика университети, Тошкент. Ўзбекистон.

### АННОТАЦИЯ

В статье описывается наследие хазрата Навои, его труды, его взгляды на справедливость и ее критерии для общества и его развития, а также его учителя и его значение в воспитании современной молодежи.

**Ключевые слова:** наследие, человек, общество, труд, вывод, введение, размышление, статья.

### ABSTRACT:

The article describes Hazrat Navoi's legacy, his works, his views on justice and its criteria for society and its development, as well as his teachers and his importance in the education of today's youth.

**Keywords.** Heritage, human, society, work, conclusion, introduction, reflection, article.

Жамият ва унинг тараққиёти учун адолат ва унинг мезонлари алоҳида аҳамиятга эга. Шундай экан, бу борада мутафаккирлар илмий мероси орқали таҳлил қилинган баъзи мулоҳазаларни тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ҳазрат Навоий пири, устози Абдурахмон Жомий хотирасига бағишланган “Хамсату-л-мутаҳаййирин” (“Беш ҳайрат”) номли асар ёзади. Муаллиф кириш қисмида асар мундарижасини келтиради. Унга кўра, мазкур асар муқаддима, уч мақолат ва хотимадан иборат.

Асар муқаддимасида Алишер Навоий Абдурахмон Жомийнинг насл-насаби, болалиги, умр йўли ҳақида тўхталади. Шунингдек, мавлоно Жомийнинг хизматига қачон келганлиги ҳақида ҳам хабар беради. Шоир муқаддимада мавлоно Жомийнинг болалиги ҳақида ҳикоя қилиш асносида қизиқ воқеани келтиради. Бир куни замонасининг пири муршидларидан ҳисобланмиш Фахриддин Луристоний Жом вилоятига – Абдурахмон Жомийнинг уйларига келади. Ўша пайтларда тўрт-беш ёшлар атрофида бўлган Абдурахмон жуда сезгирлик билан улуғ муршиднинг ҳаракатларини кузатади



ва шайх бармоқлари билан “Умар” ва “Али” сўзларини ҳавога ёзса, илғаб олиб, ўқиб беради. Буни кўриб, Фахриддин Луристоний боладаги зийракликдан ҳайратга тушади. Ҳазрат Навоий Жомийнинг умр йўли билан боғлиқ маълумотларни келтириб, устозининг Шоҳрух Мирзо замонидан Абусаид замонигача Ҳирот шаҳрида яшаганлигини айтади. Сўнг авлиё Саъдиддин Кошғарий мозори қошида маскан тутди. Шундан сўнг умрининг охиргача шу ерда яшайди.

Асарнинг иккинчи қисми “Аввалғи мақолот” деб аталиб, ҳазрат Навоий ўзи ва устози ўртасида бўлиб ўтган қизиқ ва ибратли воқеалар, маънавий суҳбатлар хусусида маълумот беради. Мазкур қисмда Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий иштирокидаги ўн тўрт воқеа келтирилган. Уларнинг барчаси турли вақт ва ҳолатларда рўй берган бўлса-да, устоз ва шогирднинг, балки икки дўстнинг меҳру муҳаббати, садоқати, ҳамфикрлиги ҳақидаги хулосаларни беради. Масалан, Навоий келтирган воқеалардан бирида котиб Абдуллоҳнинг Алишер Навоийга шайх Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома” китобини кўчириб келтирилганлиги қаламга олинади. Котиб китобни ташлаб кетгач, Алишер Навоий бир варақлаб кўриш баҳонасида икки қисмдан иборат йирик асарни бир ўтиришда ўқиб тугатиб қўяди. Эртаси куни котиб Абдуллоҳ шоирдан китобни қайтаришини ёки ҳақини тўлашини сўрайди. Шунда атрофдагилар унга Алишер Навоий китобни қўлига олиб, бир зарб билан ўқиб тугатганлигини айтадилар. Ҳайратга тушган котиб: “Кеча китобни ҳазрати Махдуми Нуран – Абдурахмон Жомийга ҳам элтиб эдим, ул зот ҳам худди шу тарзда уни хатм қилиб эдилар”, - дейди.

Шунингдек, яна бир қизиқ воқеа келтирилади: Бир мажлисда Удий исмли ҳофиз Хожа Ҳасан Дехлавийнинг ғазалини куйлайди. Шунда ғазалнинг

*Мисоли қатри борон сиришки ман ҳам дур шуд,*

*Чунин асар диҳад, алҳақ, тулуи чун ту суҳайле*

“Менинг ёмғир томчиси каби кўзёшларим инжуга айланди, ҳақиқатан, сенинг суҳайл юлдузидай чиқишинг шундай таъсирлантиради” байтига келганда мажлис аҳли мисрадаги “дур” сўздан кўра кўзёшни қонга ўхшатирилганлиги бадиий таъсирчанликни оширади, дейишади. Ҳамма шундай фикр айтиб, Навойдан ҳам фикр сўрайдилар. Шоир ғазалдаги ифоданинг ўзи чиройли, лекин буни исботлаб беролмайман, келинлар, бир кишини ҳакам қиламиз, у тўғри фикрни айтсин, гаров ўйнаймиз, дейди. Ҳамма рози бўлади ва

газал байти Абдурахмон Жомийга юборилади. Байтдаги “дур” ёки “хун” (“қон”) сўзларининг қайси бири маъқул эканлигини сўрашади. Шунда Жомий:

*Сухан дурр асту тааллуқ бу гўши шаҳ дорад –*

“Сўз – дур, шоҳнинг қулоғига тегишли” мазмунидага бир мисрани битиб юборади. Давра аҳли жавобнинг нозик ва қисқалигидан, Навоий ва Жомийнинг шу қадар ҳамфикр эканлигидан ҳайратга тушадилар. Бу воқеа бутун Ҳиротга тарқалиб кетади, мажлисларда узоқ вақт айтиб юрилади.

Яна бир воқеада бир қурилишга сарв дарахтлари кесилиб олиб кетилаётгани билан боғлиқ ҳолат тилга олинган. Аравада қурилишга сарв дарахтларини олиб кетилаётганини кўрган Жомий аравақашдан сарв дарахт қолдими, нечта ёғоч олиб кетяпман, деб мутойиба билан савол берса, бир юз тўртта дейди. Навоий адад, ахир, сарв ёрнинг қаддига қиёсдир, “қад” сўзининг адади ҳам бир юз тўртдир дейди. Жомий Навоийнинг заковатига қойил қолади.

Асарнинг иккинчи мақолати Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий бири-бирига ёзган хатлари хусусида. Бу мактублар Жомий ҳам, Навоийнинг ҳам баъзи асарлари таркибишга киритилган. Айнан шу қисмда Алишер Навоий ўзининг “Тухфату-л-афкор” қасидасининг ёзилиши тарихига ҳам тўхталиб ўтади. Мақолатда ёзилишича, бир куни Алишер Навоий ва Жомий суҳбатлашиб ўтирганларида Хусрав Дехлавийнинг “Дарёйи аброр” қасидасидан сўз кетади. Сўз асносида Навоий Хусрав Дехлавийнинг “*Агар афлок ҳаводиси ва рўзигор навоийбидин менинг борча назмим замона саҳифасидан маҳв бўлса ва бу қасидам қолса, менг басдир, невчунким, ҳар киши ани ўқиса билурким, назм мулкида менинг тасарруф ва иқтидорим не мартабада эркандур*” мазмунидаги фахриясини эслаб ўтади. Бироз вақт ўтиб Жомий Маргва равона бўлади. Ҳазрат Навоий Жомий ҳузурига борганида Жомий “Дарёйи аброр”га татаббу тарзида ёзилган “Лужжату-л-асрор” қасидасини Навоий эътиборига ҳавол қилади. Навоий қасидани ўқиб, ғоят таъсирланганлигидан йўлда бу қасидага татаббу тарзида матлаъни битиб, агар Жомийга маъқул келса, уни давом эттириши мумкинлигини айтади. Жомийга бу матлаъ маъқул келиб, уни якунлашга Навоийни илҳомлантиради.

“Учинчи мақолат”да Жомий яратган асарлар таърифига бағишланган бўлиб, мазкур фаслни жомийшуносликнинг пойдевори деб айтиш мумкин. Унда Навоий Жомийнинг 38 асарининг номини келтирган.

“Хотима”да Навоий устози Жомий ҳузурига ўқиган асарлари рўйхатини келтиради. Бу асарларнинг баъзилари Абдурахмон Жомий қаламига мансуб

бўлса (“Рисолаи қофия”, “Рисолаи муаммо”нинг иккинчи дафтари, “Рисолаи аруз”, “Лавоеҳ” (“Ялтироқликлар”), “Лавомеъ” (“Равшанликлар”), “Шарҳи рубоийёт”, “Нафаҳоту-л-унс” (“Дўстлик таровати”), “Ашиъату-л-ламаот” (“Порлоқ шуълалар”), “Шавоҳиду-н-нубувват” (“Пайғамбарлик шоҳидлари”), “Ҳафт авранг”), қолганлари Хожа Муҳаммад Порсонинг “Қудсия”, Фахриддин Ироқийнинг “Ламаот”, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг фақр ва фано тўғрисидаги рисолалари, Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома” асари ва бошқалар эди. Шунингдек, хотимада Жомийнинг хасталиги, вафоти, давн қилиниш тафсилотлари ҳам келтириб ўтилади. Абдурахмон Жомий вафотидан бир йил кейин Навоий устози қabri устига катта мақбара қурдиради, Султон Ҳусайн Бойқаро иштирокида катта маросим ўтказиб, бу маросимда ўзининг вафотига бағишлаб ёзган таърих ва марсиясини ўз даврининг машҳур нотиғи Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийга ўқитдиради. Мазкур марсия кейинчалик “Девони Фоний” таркибидан ўрин олган.

“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” маноқибии Саййид Ҳасан Ардашер вафотидан икки йил кейин – 1490-91 йилларда яратилган. Алишер Навоий Саййид Ҳасан Ардашер билан биринчи марта ҳижрий 860 йил – милодий 1455-56 йилларда Султон Иброҳим Мирзо тахтга ўтирган йили учрашиб, танишган. Буюк шоирнинг бу зотга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан қараганлигини йигитлик даврида унга бағишлаб шеърӣ мактуб – маснавий битганлиги, унинг номини “Мажолису-н-нафоис”, “Насойиму-л-муҳаббат” асарларига киритганлиги, “Ҳазойину-л-маоний”даги таркиббанд-марсияни буюк зот вафотига бағишлаганлиги, “Соқийнома”да унинг номини алоҳида эслаб ўтганлиги ҳам кўрсатади.

Ҳазрат Навоий шоҳлар ҳақида сўзлар экан, адолатли султонларни олқишлайди, уларнинг хайрли тақдирини мамнуният билан ҳикоя қилади, золим ва мустабид ҳукмдорларга салбий муносабат билдириб, уларнинг аянчли кечмишига ибрат назари билан боқишга ундайди. Масалан, Жамшид ҳақидаги ҳикояда шоҳ Жамшид дастлаб адолатли ҳукмдор бўлганлигини, кейинчалик эса ўз қудратига ишониб, кибру ҳавога берилганлигини ва одамлардан ўзига сиғинишини талаб қилганлигини қоралайди.

Алишер Навоий Нўширавони Одил ҳақида маълумот берар экан, унинг сосонийлар сулоласига мансуб ўн тўққизинчи ҳукмдор эканлигини, отасининг исми Қубод бўлганлигини айтиб, Нўширавоннинг адолатига алоҳида урғу беради ва бир қатор машҳур ҳикоятларни илова қилади. Ҳикоятлардан бирида

айтилишича, Нўширавон даврида бир киши боғ сотиб олади. Бу боғдан хазина топиб олгач, боғ сотган кишининг олдига бориб, олтинларни унга бермоқчи бўлади. Боғни сотган одам: “Боғга кўшиб, ерни ва ундаги ҳамма нарсани сенга сотганман, олтинлар сенга тегишли”, – деб жавоб беради. Уларнинг бу “можароси” Нўширавоннинг қулоғига ҳам етиб боради ва у икки кишини чақириб, қуда бўлишни ва хазинани барпо этилажак янги оилага беришни маслаҳат беради. Бу ҳикоятда ҳукмдор адолатли бўлса, халқда ҳам инсофу иймон бўлади, деган фалсафий хулоса мавжуд.

Алишер Навоий Искандар ҳақида тўхталар экан, унинг тарихи ихтилоfli эканлигини айтади ва гарчи, у каёнийлар сулоласи вакили сифатида келтирилса-да, бу борада ҳам турли тахминлар мавжуд, деб таъкидлайди. Шоир Искандар ва унинг туғилиши, насл-насаби тўғрисида гапира туриб, Хусрав Дехлавийнинг “Ойнайи Искандарий” ва Низомий Ганжавий “Искандарномаси”даги маълумотларни ўзининг “Садди Искандарий”сида келтирган маълумотлари билан қиёслади. Ўртадаги фарқларни айтиб ўтади. Самарқанд, Ҳирот, Марв ва Исфаҳонни Искандар бунёд қилгани билан боғлиқ маълумотларни ҳам келтириб ўтади.

Навоий номларини келтирган 63 ҳукмдор ичида уч аёл подшоҳ исми ҳам зикр этилган бўлиб, улардан бири каёнийларнинг олтинчи ҳукмдори Ҳумой ёки Ҳумондур. У каёнийлар ҳукмдори Баҳманнинг аёли бўлиб, шоҳ вафот этганда ҳомиладор эди. Баҳман жон бериш пайтида тожини аёлининг қорнига қўяди ва оламдан ўтгач, аркони давлат Ҳумойни подшоҳ қилиб кўтаради. Ҳумой ўғил фарзанд кўргач, салтанатга меҳри зўрлиги ёки ўғлининг хавфсизлигини ўйлаб, уни сандиққа солиб дарёга оқизади ва сандиққа ўғлининг подшоҳзода эканини англатувчи ёқутларни ҳам солади. Тақдир тақозоси билан ўғли улғайиб, онасини топади. Ҳумой унга давлат бошқарувини топширади.

Алишер Навоий тилга олган кейинги икки аёл подшоҳ сосонийларнинг 27- ва 28-ҳукмдорлари Турондўхт ва Озармдўхтдир. Шоир уларнинг тахтга чиқиши ва ҳукмдорлик даври билан боғлиқ қизиқарли фактларни келтиради. Бу икки аёл подшоҳ опа-сингил бўлиб, 23-подшоҳ Хусрав Парвизнинг қизлари эди.

Алишер Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асари орқали тарих билимдони қиёфасида намоён бўлади. Асардаги юзлаб географик номлар, юзлаб шахсларнинг исми-шарифи ҳамда юзлаб воқеалар муаллифнинг кучли хотирасидан ҳам дарак беради.

Асарнинг хотимаси маснавий тарзида бўлиб, 50 байтдан иборат. Унда Навоий бевосита Шох Ғозий – дўсти Султон Ҳусайн Бойқарога мурожаат қилади. Унинг адолати ва саховатини, инсон сифатидаги юксак хулқини мадҳ қилади. Шохни ягона жавҳарга қиёслайди ва шунинг учун ҳам унга “Назму-л-жавоҳир” асарини бағишлаб ёзганини айтади. Ва айнан Ҳусайн Бойқаро тарихини битиш нияти борлигини билдиради:

*Вале азмим эмди будурким худой,  
Агар бўлса умрумга муҳлат физой.  
Чекиб турфа тарихингга хомани,  
Қилиб нуктага тез ҳангомани...  
...Валодат кунидан тутуб то бу дам,  
Борин шарҳ ила айлагаймен рақам.*

Шу тарика хотима-маснавийнинг сўнги байтларида Навоий шохсиз жаҳонга омонлик бўлмаслигини айтиб, Ҳусайн Бойқарога яхши тилаклар билдиради, дуосини йўллайди ва ўзи ҳам дуолардан умидвор эканини айтиб, асарни якунлайди.

## REFERENCES

1. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Khasanov, M., Sulstonov, S., & Kushakov, F. (2022). MODERN REQUIREMENTS FOR THE SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE AND ITS MANIFESTATION IN PRACTICE. *Academic research in educational sciences*, 3(10), 582-586.
2. Ramatov, J., & Umarova, R. (2020). Theoretical and ideological sources of beruni's philosophical views. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1974-1980.
3. Умарова, Р. Ш. (2019). Бытие и философские взгляды Абу Райхана Беруни. *Достижения науки и образования*, (3 (44)), 32-33.
4. Ramatov, J., & Umarova, R. (2021). Central Asia in IX-XII Centuries: Socio-political Situation, Spiritual and Cultural Development. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2(04), 148-151.
5. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Jurabayev, N., & Artikova, B. (2022, June). Constructive and optimal solutions for the formation of a stable ecological situation in the Aral Sea region of Uzbekistan. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 030113). AIP Publishing LLC.



6. Умарова, Р. (2015). Некоторые аспекты взаимоотношений природы, человека и общества во взглядах Абу Али Ибн Сино и Абу Райхан Беруни. *Theoretical & Applied Science*, (10), 127-129.
7. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – С. 2321-6247.
8. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – С. 2321-6247.
9. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. Digitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – Т. 12. – С. 209-218.
10. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – Т. 9. – С. 145-150.
11. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. STATE REGULATION OF THE DIGITAL TRANSFORMATION OF THE ECONOMY //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – Т. 9. – С. 145-150.
12. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 06. – С. 138-145.
13. Маткаримова, Ж. Д. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОДАВЛАТ ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ КАДРЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ИШТИРОКИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 1), 297-303.
14. Juraevna, N. N., & Saparbaevna, J. N. THE ROLE OF FAMILY ON PREVENTING THE YOUTH'S DEVIANT BEHAVIOURS.
15. Жуманиёзова, Н. С. (2022). МОДЕРНИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА УМУММЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. *PEDAGOGS journali*, 24(2), 22-34.
16. Abdinazarovich, R. D. (2023). PATRIOTIC HYMN IN THE NATIONAL SPIRITUAL HERITAGE (AS AN EXAMPLE OF UZBEK FOLK PROVERBS). *Academia Science Repository*, 4(5), 1049-1058.



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ

**Равшанбек Жалилович Маҳмудов**

фалсафа фанлари номзоди, профессор,  
Гулистон давлат университети (Ўзбекистон)

### АННОТАЦИЯ:

Бугунги кунда илм-фан тараққиётида турли давлатлар билан илмий алоқалар олиб бориш энг долзарб вазифалардан биридир. Мамлакат тараққиёти илм-фанга, таълим-тарбияга, инновацияга боғлиқ. Туркий давлатлар қадимдан бир-бири билан турли соҳаларда ўзаро манфаатли алоқа қилиб келишган. Мақолада бу соҳадаги ютуқлар ва муаммоаларга муносабат билдирилган.

**Таянч сўзлар:** илм-фан, таълим-тарбия, маънавият, маърифат, Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс, нодавлат таълим муассасалари.

### АННОТАЦИЯ:

Сегодня в развитии науки налаживание научных связей с разными странами является одной из наиболее актуальных задач. Развитие страны зависит от науки, образования и инноваций. Тюркские страны издревле находились во взаимовыгодных отношениях друг с другом в различных областях. В статье описаны достижения и проблемы в этой области.

**Ключевые слова:** наука, образование, духовность, просвещение, Новый Узбекистан, Третье Возрождение, негосударственные образовательные учреждения.

### ABSTRACT:

Today, in the development of science, conducting scientific relations with different countries is one of the most urgent tasks. The development of the country depends on science, education and innovation. Turkic countries have been in mutually beneficial relations with each other in various fields since ancient times. The article describes the achievements and problems in this field

**Keywords:** science, education, spirituality, enlightenment, New Uzbekistan, Third Renaissance, non-state educational institutions.

Бугунги кунда Ўзбекистон бир юзи қирқ бешта давлат билан барча соҳаларда дипломатик алоқалар ўрнатган, яъни элчихоналар, дипломатик консулхоналар фаолият кўрсатмоқда. Доно халқимизда ёлғиз отни чанги чикмас, чикса ҳам донғи чикмас деган ҳикматли гапи бор. Ўзбекистон жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар билан айниқса, туркий давлатлар ўртасида турли соҳаларда ўзаро яқинлик, ўзаро манфаатлар интеграцияси пайдо бўлди. Чунки, Ўзбекистонда илм-фан, таълим ва тарбия, маънавият устивор вазифага айланмоқда. “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонунни қабул қилингани “Мақом”, “Бахшичилик”, “Хунармандчилик”, “Лазги” каби халқаро фестиваллар ўтказилаётгани қувонарлидир. Ўтган йилларда 24 та хорижий ва қўшни давлатларда “Ўзбекистон маданият кунлари” бўлиб ўтди. “Туркий адабиёт дурдоналари”нинг 100 жилдлик китоблари биринчи марта чоп этилди. Туркий давлатлар халқлари ҳам баҳраманд бўлишлари мумкин. “Истиклол даври ўзбек навоийшунослиги” 30 жилдда, “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари”нинг нашр этилгани илм-фан, таълим тараққиётига қўшилган катта ҳиссадир. Янги Ўзбекистон пойдеворини илм-фан, таълим-тарбия ташкил этади. Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун илм-фанга, таълимга алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади. Илм-фан, таълимнинг тараққиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш, амалиётда қўллашга аҳамият берилмоқда. Яқин йилларгача ҳам ИТ-парклар, технопарклар, барча соҳаларни рақамлаштириш, рақамли иқтисодиёт, яшил ва инновацион технологиялар, электрон бошқарув тизими, тиббиёт, илм-фан кластрлари ҳақида яхши маълумотга эга эмас эдик. Мамлакатимизнинг барча соҳаларини янада ривожлантириш учун “Ўзбекистон-2030” стратегияси қабул қилинди. 2024 йилда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун 141 триллион маблағ йўналтирилмоқда. Бу маблағ анчагина катта, фалсафада сабаб ва оқибат деган тушунча бор. Илм-фанга, таълимга эътибор бугунги кунда давлат сиёсатининг энг асосий тамойилларидан бири саналади. Натижа қандай. Тўғри, айрим оддий мактаб ўқувчилари ҳам ўз билими, салоҳияти оқибатида ривожланган мамлакатлар олий ўқув юртларига грант ғолиби бўлиб талаба бўлишмоқда. Айрим ўқувчилар бир пайтни ўзида 3-4 та чет эл олий ўқув юртлари талабалари бўлишмоқда. Танлов имкониятини қўлга киритишмоқда. Сабаби нимада? Мамлакат етакчисининг ташаббуси билан “Ёш китобхон”, “Китобхон талаба”,

“Китобхон оила”, “Китобхон мактаб директори” каби танловларни ўтказиш йўлга қўйилди.

Бизга маълумки, китоб-маънавият манбаи ҳисобланади. Илм-фан, таълим-тарбия воситаси китобдир. Миллий ғоя маънавият ва маданият, таълим-тарбия учун асос бўлади.

“Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳамияти катта”,-деб ёзган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида[1.287]. Антик даврда яшаб ўтган мутафаккир Аристотел Барча фанларнинг отаси фалсафадир” деган эди. Илм-фан, таълим-тарбия тараққиётида фалсафа фанининг аҳамияти беқиёс. Афсуски сўнгги 20-30 йил ичида фалсафа фанига панжа орасидан қараш пайдо бўлди. Ижтимоий-гуманитар фанларга, жумладан фалсафа фанини ўқитмасликка интилиш кучайди. 1990 йилларда 140 соатлик фалсафа фани ўқитиларди. Ахлоқ 40, нафосат 42, мантиқ 40, диншуношлик 40 соатлик дарслар ўқитилар эди. Афсуски, олий ўқув юртлари ўқув режалари билан шуғулланадиган турли мутахассислар, масъуллар бу 262 соатлик дарслар, фанлар ўттиз соат маъруза ва ўттиз соат амалий машғулот-семинарга келтирилди. Натижа нима бўлди? Мамлакатимиздаги 13-15 ёшлардаги мактаб ўқувчиларининг 1.7 фоизи тамаки чекади. Ўсмирларнинг 7.7 фоизи нос чекиши, 12 нафар ўқувчи(Сирдарё вилоятида) қиз она бўлган. Улардан 2 нафари 9-синф, 10 нафари 10-синф ўқувчиларидир. (Хуррият газетаси 2024 йил 21 феврал. Б.Боймуродовнинг “Прокурор оталарни нега огоҳликка чақирди мақоласи [2.5] ёки Сирдарё вилоят прокурори Савиз Иматов томонидан берилган маълумотга кўра ўтган 2023 йилда 1500 нафардан ортиқ оила ажрашган ва 1000 нафардан ортиқ болалар ё онасиз ё отасиз қолганлар. 77 нафар вояга етмаганлар орасида содир этилган жиноятларнинг 43 нафари мактаб ўқувчилари бўлиб улар ўғирлик, безорилик, тан жароҳати етказиш, одам ўлдириш ва бошқа жиноятлар содир этишган. Назорат тадбирлари давомида мактаб ўқувчиларидан 48 та совуқ қуроллар мавжудлиги аниқланган. Ўрганиш жараёнида вилоят мактабларида ҳафтасига 318 та дарсларга қатнашмаганлар. Демак бир кунда 3200 нафар ўқувчи дарсларда бўлишмаган, шундан 1000 нафардан ортиғи сабабсиз. Бу далиллар шуни кўрсатадики, демак, илм-фан, таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган ишларимиз кўнгилдагидек эмас. Вазифалар кўп. Бугун Президент мактаблари, ижод мактаблари, фанларни чуқур ўргатишга ихтисослашган мактабларни

фаолият кўрсатаётганликлари яхши албатта. Аммо ёшларга илм олишга меҳр уйғотиш, қизиқтириш ишлари менинг назаримда қоникарли эмас. Агар Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобурларнинг ғоялари бугун мактаб партасида ўтирган болани юрагига кириб борганида, кўнглига ўтирганида улар ўртасида юқорида айтилганидек жиноятчилик юз бермаган бўларди. Бугун таълимга фақат мактаб, таълим муассасалари жавобгар деб ўйлайдиганлар жуда қаттиқ адашадилар. Болага аввало таълим уйда, оилада ота-она томонидан берилади, сингдирилади. Афсус билан айтиш керакки, бугунги ота-оналарни фарзанди ўқиши, юриш-туриши, ўртоқлари камлиги, олаётган билимлари ҳақида қайғуриш ҳолати бир хил эмас. Ота-оналарни асосий вазифаси оилани иқтисодий масаласини ҳал қилиш биринчи ўринга чиққан. Шунинг учун ҳам айрим ота-оналар фарзанди келажаги учун қайғурса, маблағни аямаётган бўлсалар, айримлари ўзлари йўллари топиб кетишади деган нотўғри тушунчага эгалар.

Учинчи Ренессанс буёдкорларини тайёрлашда ота-оналар ўз бурчларини, ўқитувчи касб маънавиятига эга бўлиб фаолият кўрсатса мамлакат етакчиси 2023 йил 22 декабрдаги Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида барча зиёлилар олдига қўйган вазифалар амалга ошади,[3.1]. Учинчи Ренессанс пойдеворини маънавияти юксак халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деди Ўзбекистон Президенти. Илм-фанни миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган маданият, адабиёт, санъат билан бирга олиб бориш керак бўлади.

### **Таклифларим:**

**Биринчидан**, нодавлат мактабларни очилгани яхши. Лекин айрим фанларни чуқур ўргатишга ихтисослашган мактабларда ҳам Она тили ва адабиёти, география, маънавият асослари, Ўзбекистон тарихи фанларини ўқитилиши зарур.

**Иккинчидан**, нодавлат мактаблардаги фанлар дастурлари бугунги кун талабига жавоб бериши шарт.

**Учинчидан**, нодавлат мактаблари бизнесга айланмаслиги керак. Фақат мутахассислиги тўғри келадиган, билимли, салоҳиятли ўқитувчилар ишлаши, уларни кимлардир назорат қилиб бориши керак.

**Тўртинчидан**, ўқувчиларни илм-фанга меҳрини ошириш керак. Илм-фанни жамият тараққиётидаги роли аниқ, равшан кўрсатиб берилиши керак.

**Бешинчидан**, мактабларда, техникумларда, лицейларда, олий таълимда фаолият олиб борадиган ўқитувчилар касб маънавиятига эга бўлганларинигина ишлашига рухсат берилиши лозим.[4.25]

**Олтинчидан**, таълим-тарбия берадиган ҳар бир ўқитувчи аввало нотиклик санъатига, нутқ маданиятига эга бўлиши зарур. [5.36]

**Еттинчидан**, айрим нодавлат мактаблари ташкилотчилари, муассасалари даромадини ўйлайдилар халос. Олий ўқув юртларида кундуз куни 4.5 йил ўқимаган синглиси, укаси, жиянидан ўқитувчиси сифатида фойдаланиш ҳолларига йўл қўйилмаслиги керак.

**Саккизинчидан**, пул тўлаб ўқитаётган фарзандини қайси фанлар ким томонидан ўқитилиши бари-бир назоратга олиниши зарур.

**Тўққизинчидан**, нодавлат мактаб очиш бу тадбиркорлик эмас. Бу жаҳидлик эканлигини маблағи кўп муассислар билиши керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, туркий давлатларнинг ўзаро манфаатли интеграцияси ҳақиқатдан ҳам барқарор тараққиёт кафолати ҳисобланади. Чунки, бугунги глобаллашув даврида қайси мамлакатда, қайси соҳаларда янгиликлар, кашфиётлар амалга оширилган бўлса улардан фойдаланиш мумкин бўлади. Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистонда барча соҳаларда бўлгани каби илм-фан, таълим-тарбия соҳаларида ҳам янги инновациялар қўлланилмоқда. Таълим-тарбия соҳасида жаҳонда етакчи ҳисобланган давлатларнинг ютуқларини, тажрибаларини қўллаш анъанасига амал қилинмоқда.

## REFERENCES

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. “Ўзбекистон” 2021. 287-бет
2. Баҳром Боймуродов. Прокурор оталарни нега огоҳликка чақирди. Хуррият газетаси 2024 йил 21 феврал 5-бет
3. Шавкат мирзиёев. Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак. Янги Ўзбекистон газетаси. 2023 йил 23 декабр 1-бет
4. Равшанбек Маҳмудов. Нотиклик санъати ва нутқ маданияти. Дарслик. Тошкент 2021й
5. Равшанбек Маҳмудов. Касбий маънавият. Ўқув қўлланма. Тошкент. “Инновация-Зиё” 2023й

## АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ ВОСИТАЛАРИНИ МАРШРУТЛАРГА САМАРАЛИ ТАҚСИМЛАШНИ КОМБИНАТОРИК УСУЛИНИНГ ХОССАЛАРИ

М.Н. Жураев, И.А.Мадрахимова

### АННОТАЦИЯ:

Мақолада турли юк кўтарувчанликдаги автотранспорт воситаларини маршрутларга самарали тақсимлаш масаласининг қўйилиши ва мазкур масаланинг дискрет ечимларини аниқлашга имкон берувчи комбинаторик усулнинг назарий хоссалари асосланган.

**Калит сўзлар:** маршрут, транспорт воситаси, тақсимлаш, комбинаторика, усул, дастур, хосса.

### ABSTRACT:

The article sets the task of efficient distribution of motor vehicles of various load capacities along routes and substantiates the theoretical properties of the combinatorial method, which allows us to determine discrete solutions to this issue.

**Keywords:** route, vehicle, distribution, combinatorics, method, program, property.

Худудларнинг юк ташишга бўлган эҳтиёжини қондириш унга автомобил транспорти воситалари (АТВ)да юк жўнатувчи (ёки олувчи) манзиллардан (га) ташиш йўналишлари орқали етказилаётган юк оқимларининг жадаллик параметрлари билан аниқланади. Худудларга ташиш хизмати кўрсатувчи маршрутлар турли масофага эга бўлган ташиш йўналишларидан ташкил топади. Юк ташиш йўналишининг масофаси ва унда ташилувчи юк тури, бир томондан бу йўналишларда самарали ишлатилиши мумкин бўлган АТВларини турлари ва юк кўтарувчанлигини белгиласа, иккинчи томондан эса чекланган сондаги автомобил транспорти воситаларини йўналишларга тақсимланишига қараб олувчига етказиладиган ёки жўнатувчидан олиб чиқиладиган юк ҳажмларини белгилайди. Маршрутларни алоҳида йўналишларига тақсимланадиган АТВ сони исталганча катта ёки кичик бўлиши мумкин эмас. Чунки, йўналишларга тақсимланган АТВ сони уларга тегишли манзилларнинг юк жўнатиш (ортиш) ва қабул қилиш (тушириб олиш) имкониятларидан



ошмаслиги ҳамда шу имкониятлардан тўлароқ фойдаланадиган даражада бўлиши керак[1,3].

Шу туфайли АТВни маршрутларга тақсимлаш масаласини йўналишларда ишлайдиган маълум сондаги хизмат каналларини иш куни мобайнида АТВ билан самарали юклайдиган вариантларни турли комбинацияларини шакллантириш ва таҳлил этишга асосланган масаласини қўйиш ва уни ечиш усуллари ишлаб чиқиш талаб этилади.

Бундай масалаларни дискрет дастурлаш усуллари орқали ечиш мумкин [4,5]. Дискрет дастурлашнинг мавжуд усуллари (шоҳлар ва чегаралар усули, тасодифий қидирув усули ва комбинаторик усуллари) таҳлили, улардан комбинаторик усули кўрилатган масаланинг моҳиятига мос келишини кўрсатди. Шу билан бирга ушбу усулни самарали қўллаш учун уни такомиллаштириш зарурияти туғилади. Қуйида комбинаторик усулининг назарий хоссаларини кўриб чиқамиз.

Масалани қўйилишида берилган автомобиллар ( $A_3^i$ ) дан маршрутларда шундай фойдаланиш режасини аниқлаш лозим бўладики, бунда истеъмолчи манзилни ташиб келтирилиши лозим бўлган юклар ҳажмларига бўлган эҳтиёжи қондирилсин, юк жўнатиш (қабул қилиш) механизмларини вақт мобайнида иш билан самарали юклашга эришилсин ва ташиш энг кам ҳаражатларда амалга оширилсин.

Масалани ечиш усули ва алгоритминини ишлаб чиқиш учун бир қатор дастлабки тушунчаларни киритамиз[2,3].

Дискрет тарзда қўйилган мазкур масалани ечими - бу  $X_{j\sigma}^i$  элементларни маълум талабларга жавоб берувчи кетма-кетлиги йиғилмасидан иборат бўлади. Шу туфайли  $X_{j\sigma}^i$  элементлар йиғилмаси деб, уларни матрицасидан олинган ҳар қандай кетма-кетлигига айтилади. Йиғилмани мумкин бўлган йиғилма деб аташ учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:

- йиғилмада фақат  $i$  индекси бир хил қийматига эга бўлган элементлар қатнашади;
- йиғилмадаги  $X_{j\sigma}^i$ - элементлар сони туташма манзилга келувчи (чиқувчи) маршрутлар сонига тенг бўлади;
- йиғилмада  $j$  индекси бир хил қийматига эга бўлган иккита элемент қатнашмайди.

АВни  $X_{j\sigma}^i$ - йиғилмаси элементларини турли комбинацияларини шакллантириш ва таҳлил этишда уларнинг йиғилмалари ўрнига рақамларидан фойдаланиш масалани анча соддалаштиради. Шу туфайли йиғилмани рақами тушунчасини киритамиз.

Мумкин бўлган йиғилма рақами – бу унинг кетма-кетлигида 1-чи, 2-чи, ...,  $e$ -чи... $c$ -чи ўринларда турувчи элементлар қийматларини кўрсатувчи  $\psi_1^i, \dots, \psi_e^i, \dots, \psi_c^i$  индекслар тўпламидан иборатдир. Ўз-ўзидан маълумки йиғилмалар бир-бирларидан уларни рақамларида ҳеч бўлмаганда битта  $\psi_e^i$  индексни турлича қиймати билан фарқланадилар.  $X_{j\sigma}^i$  элементлар йиғилмасини, агар унинг рақами берилган бўлса аниқланган деб ҳисобланади.

Эксплуатацияга чиқарилувчи автомобил транспорти воситаларнинг кун мобайнида тўлақонли фойдаланиш учун  $A_3^i$  сондаги АТВни маршрутларга тўла тақсимланиши, яъни тегишли  $X_{j\sigma}^i$  АТВни йиғилмаси кўринишида тақсимланиши лозим. Шу туфайли автомобил транспорти воситаларидан тўла фойдаланиш талабига жавоб берувчи – талаб доирасидаги АВни ( $mg$ ) йиғилмаси тушунчасини киритамиз. АВни  $i$ -тури бўйича талаб доирасидаги ( $mg$ ) йиғилма деб қуйидаги шартга жавоб берувчи йиғилмага айтилади:

$$\sum_{j \in J} X_{j\sigma}^i = A_3^i$$

Қўйилган масалани ечими- бу АВ ни талаб доирасидаги йиғилмалари  $X_{j\sigma}^i$ ни унинг барча турлари бўйича шундай бирлашмасини аниқлаш лозимки, бу бирлашма учун қуйидаги шарт бажарилсин:

$$Q_{\min} \leq \sum_{i \in I} \sum_{j \in J} X_{j\sigma}^{img} \cdot Q_{ij} \leq Q_{\max}, \quad (1)$$

бу ерда,  $X_{j\sigma}^{img}$ -талаб доирасидаги йиғилма элементлари.

АВ ни талаб доирасидаги йиғилмаларини шакллантиришни икки хил усули бор: биринчиси, бу йиғилмаларни мумкин бўлган барча вариантларини шакллантириш ва уларни ҳар бири учун (1) шартни бажарилишини текшириш ва мазкур шартни бажарувчи йиғилмаларни ажратиб олишдир. Иккинчи йўл эса, масалани турли хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабга доир йиғилмаларни аниқлашни қисқа усулини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Автомобил транспорти воситаларини маршрутларга самарали тақсимлаш масаласини турли хусусиятларини ҳисобга оладиган масаласи ечимини шакллантиришга оид хоссаларни кўриб чиқамиз.

**1-хосса.** Автотранспорт воситаларини ҳар бир  $i$ - тури бўйича талабга доир йиғилмалар учун  $\sigma_j$  - индекслар ёки уларни рақамларида  $\psi_1^i \dots \psi_e^i \dots \psi_c^i$  - индекслар йиғиндиси бир хил  $A_j^i / \gamma_i$  қийматига эгадир. Ҳақиқатан ҳам

$\sum_{j \in J} X_{j\sigma_j}^i = A_j^i$ ,  $X_{j\sigma_j}^i$  элементлар матричасига кўра  $X_{j\sigma_j}^i = \sigma_j \cdot \gamma_i$ . Шундай қилиб

$\sum_{j \in J} X_{j\sigma_j}^i = \sum_{j \in J} \sigma_j \cdot \gamma_i = \gamma_i \sum_{j \in J} \sigma_j = A_j^i$ . Бундан  $\sum_{j \in J} \sigma_j = A_j^i / \gamma_i$  эканлиги келиб чиқади. Хосса

исботланди.

**2-хосса.** Талаб доирасидаги биринчи йиғилмаларни мумкин бўлган бирлашмалари учун  $\sum_{i \in I} \sum_{j \in J} X_{j\sigma_j}^i Q_{ij}$  йиғиндининг қийматлари ичида

$(\sum_{i \in I} \sum_{j \in J} X_{j\sigma_j}^i Q_{ij})_{\text{сум}}^{\text{бош}}$  йиғинди энг катта қийматга  $(\sum_{i \in I} \sum_{j \in J} X_{j\sigma_j}^i Q_{ij})_{\text{сум}}^{\text{ох}}$  - эса энг кичик

бўлади.

Бу хоссани тўғрилигини “бошидан” тартибида шакллантирилган бирлашма учун исботлаймиз. Маълумки “бошидан” тартибида шакллантирилган бирлашма  $H(X_{j\sigma_j}^i)_{\text{лmg}}^{\text{бош}}$  йиғилмаларидан ташкил топади. Бу йиғилмани элементлари  $X_{j\sigma_j}^i$  маршрутдаги тўла қатнов вақтини  $t_1$  ошиб бориш тартибида жойлашган. Бу эса  $Q_{ij}$  параметри қийматини камайиб бориш тартибига мос келади. Энди “бошидан” тартибида шакллантирилган биринчи талабга доир йиғилмада, унинг бошида келувчи  $X_{j\sigma_j}^i$  элементлар, ўзининг энг катта қийматини қабул қилади ва уларга  $Q_{ij}$  параметрларнинг энг катта қиймати мос келади. Чунки,  $Q_{ij}$  қиймати йиғилманинг бошидан охирига йўналишида камаювчи  $X_{j\sigma_j}^i$  элементларга мос келувчи  $Q_{ij}$  қийматлари энг каттадан бошланиб, кейин камая боради. “Бошидан” тартибида шакллантирилган бирлашма фақат  $H(X_{j\sigma_j}^i)_{\text{лmg}}^{\text{бош}}$  йиғилмалардан иборат бўлганлиги учун ва бу йиғилмалар учун  $\sum_{i \in I} \sum_{j \in J} X_{j\sigma_j}^i Q_{ij}$  йиғинди мумкин бўлган катта қийматлар ичида энг катта қийматга эга бўлганлиги туфайли мазкур бирлашма учун ҳам бу йиғинди энг катта қийматга эга бўлади.

2- хоссадан қуйидаги натижавий хосса келиб чиқади:

**1-нативжавий хосса.** Агар синовчи бирлашма куйидаги шартга жавоб бера олса, яъни  $(\sum_{i \in I} \sum_{j \in J} X_{j\sigma_j} Q_{ij})_{син}^{бон} < Q_{мин}$  ёки  $(\sum_{i \in I} \sum_{j \in J} X_{j\sigma_j} Q_{ij})_{син}^{ок} > Q_{мак}$ , унда масала берилган дастлабки параметрлар қийматлари доирасида ечимга эга бўлмайди.

Юқоридаги 2-хоссани ҳисобга олсак, 1-нативжавий хоссани тўғрилигини ўз-ўзидан маълум бўлади. Ҳақиқатан ҳам “бошидан” шакллантирилган синовчи бирлашма учун йиғинди  $(\sum_{i \in I} \sum_{j \in J} X_{j\sigma_j} Q_{ij})_{син}^{бон}$  мумкин бўлган йиғиндилар ичида энг каттаси ҳисобланади. Агар бу йиғинди  $Q_{мин}$  қийматидан кичик бўлса, унда бошқа ҳар қандай бирлашма учун юқоридаги шарт ўринлидир. Демак, масала ечимга эга эмас.

Шундай қилиб, масалани ечиш учун биринчи навбатда талаб доирасидаги барча 1- йиғилмалар “бошидан” ёки “охиридан” тартибида шакллантирилади ва уларни тегишли синовчи бирлашмаси учун йиғинди  $(\sum_{i \in I} \sum_{j \in J} X_{j\sigma_j}^i Q_{ij})_{син}^{бон}$  ёки  $(\sum_{i \in I} \sum_{j \in J} X_{j\sigma_j}^i Q_{ij})_{син}^{ок}$  қийматлари аниқланади. Бу йиғинди қиймати  $Q_{мин}$  ва  $Q_{мак}$  қийматлари билан солиштирилади. Агар солиштириш натижасида 1- нативжавий хоссада кўзда тутилган ҳоллар юз берса, унда масала ечимга эга бўлмайди. Агар бундай ҳоллар юз бермаса, унда дастлабки бирлашма йиғилмаларида “ўнг” ёки “чап” йўналишида кўчиришлар ўтказиш лозимлиги ҳақида хулоса қилинади.

Шундай қилиб, туташма манзилни маршрутларига автотранспорт воситаларини самарали тақсимлаш масаласини дискрет ечимларини аниқлашга имкон берувчи комбинаторик усулнинг назарий хоссалари асосланди. Келтирилган хоссаларга асосан масаланинг умумий ечимини шакллантириш механизми, босқичлардаги процедураларнинг алгоритмлари шакллантириш мумкин.

## REFERENCES

1. Бутаев Ш.А., Мирзааҳмедов Б.М., Жўраев М.Н., Дўрмонов А.Ш., Баҳодиров Б. Ташиш жараёнларини моделлаштириш ва оптималлаштириш. Тошкент: ФАН, 2009. -268 б.
2. Струченков В.И. Динамическое программирование в примерах и задачах. – М.-Берлин: Директ-медиа, 2015. -275 с.

3. Бугаев Ш.А., Жураев М.Н. Автотранспорт воситалари ташиш имкониятларини маршрутларга самарали тақсимлаш моделлари ва усуллари. Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2012. -186 б.
4. Ватулин Э.И., Титов В.С., Емельянов С.Г. Основы дискретной комбинаторной оптимизации. М.: Аргамак-Медиа, 2016. -270 с.
5. Сигал И.К., Иванов А.П. Введение в прикладное дискретное программирование: Модели и вычислительные алгоритмы. –М.: Физматлит, 2007. -304 с.

## НОТИҚЛИК МАҲОРАТИ ВА ГРАММАТИК ТАЛАБЛАР

**Ш. Р. Юсупов**

ТДТрУ “Ўзбек(рус) тили” кафедраси катта ўқитувчиси.

### **АННОТАЦИЯ:**

Мақолада ўзбек тилининг грамматик асосларига тўлиқ амал қилинмаслигининг нутқий компотентлик ҳамда таржима асарларининг лингвистик номутоносибликларига олиб келиши масаласи ёритилган.

**Калит сўзлар:** лингвистика, миллий тил, жамият, туркий тилли давлат, сарҳадлар, ҳудудлар, гуруҳлар, интеграция, адабий алоқалар, жараён, коммуникатив, компонент, интеллектуал, функционал.

### **АННОТАЦИЯ:**

В статье проблема не полного соблюдения грамматических основ узбекского языка приводит к языковым несоответствиям речевой компетенции и переводных произведений.

**Ключевые слова:** языкознание, национальный язык, общество, тюркоязычное государство, границы, регионы, группы, интеграция, литературные связи, процесс, коммуникативный, компонентный, интеллектуальный, функциональный.

### **ABSTRACT:**

In the article, the problem of not fully following the grammatical foundations of the Uzbek language leads to linguistic inconsistencies in speech competence and translated works.

**Keywords:** linguistics, national language, society, Turkic-speaking state, borders, regions, groups, integration, literary relations, process, communicative, component, intellectual, functional.

“Ўзбек тили туркий тиллар оиласига мансуб энг йирик тиллардан биридир. Дунё миқёсида бу тилда 50 миллионга яқин одам сўзлашади”<sup>1</sup>. Тилининг коммуникатив имкониятини тан оламузу аслида коммуникативликнинг моҳиятига кам эътиборлигимизни амалий ёндошувларимиз жараёнида кўрсатиб қўямиз. Бунда дойимгидек муайян



грамматик камчиликларга нисбатан муносабатларимизнинг кўникмага айланиб кетганлиги асосий омил сифатида намоён бўлади. Айнан мазкур лингвистик неъмат инсонлар, гуруҳлар, миллатлар, жамиятлар, ижтимоий ҳудудлар, сарҳадлар мувофиқлашуви ҳамда интеграциялашувининг самарали воситаси ҳисобланиши жамоатчиликка маълум. Унинг функционал имкониятидан фойдалана олиш қобилияти ҳам шахснинг интеллектуал зийнатидир. Аксарият матнларни кузатганимизда баёндаги ғализлик, имловий нўноқликлар, баъзан фикрнинг мазмун ифодасига путир етказиб, контекста номувофиқликларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Шундай грамматик манзаралар интеграцион жараёнларда англашилмовчиликларни келтириб чиқаради. Бунинг учун аввало, она тилимизда САВОДЛИ нутқ сўзлаш ва матн яратиш имкониятига эга бўлишимиз лозим.

Туркий тилларга хос бўлган бу каби лингвистик ҳолатларни тўғри англаб етиш ҳамда фаолиятда қўллай олиш истиқболдаги лингвотафаккур имкониятини белгилайди. Лексемаларда мавжуд бўлган мана шу товушдошлик тилдаги гўзаллик ҳосил қилувчи нисбатнинг бир тури. Аммо бунинг ўзи бир неча кўринишларга эга бўлиб, булар нутққа турли миқдор ва даражада имконият бағишлайди. Буларнинг энг кўп фойдаланиладигани сўз охиридаги товушдошлик бўлиб, бундан сўз усталари назмда қофия ва насрда сажъ ясайдилар. Масалан, «иш» билан «қиш», «сўзла» билан «кўзла», «тошир» билан «ошир», «ер» билан «тер» сўзлари товушдошлик билан тугаган сўзлардир. Халқ буларнинг товушдошлигини ҳисобга олиб, «гапни кам сўзла, ишни кўп кўзла», «дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар», «деҳқоннинг хазинаси ер, унинг калити тер» деган сажъли мақолларни яратган. Айнан шу ҳолат нафақат ўзбек, туркман, озарбайжон, турк, татар тилларида ҳам ўзини намоён қилади. Ўзаро таржималарида бу умумийлик мутаржимлар учун муайян маънода қўл келади, ҳам.

Аслида “Адабиёт тилдан бошланади. Рангсиз тасвирий санъат, оҳангсиз мусиқа бўлмаганидек, тилсиз адабиёт ҳам бўлмайди. Адабиётнинг инсоншунослик дейдилар. Дарҳақиқат, ёзувчи хилма-хил инсоний характерларни тадқиқ қилиб, жамият ривожига ёрдам берадиган салмоқли ҳақиқатларни кашф этади. Бироқ буларнинг ҳаммаси адабиётда тил орқали рўёбга чиқарилади”<sup>2</sup>. Бадиий ижодкорлар шундай сўзлар билан оҳангдош бўлиб тугаган мисраларни вужудга келтирадилар. Масалан, «ниҳол», «бол», «қол», «ол» сўзларидан фойдаланиб таниқли шоир Эркин Воҳидов ўзи эккан

олманинг ҳосилини кўриб ва бу меванинг номи буйруқ маъносидаги «олма» билан шаклдошлигини ўйлаб шундай шеър яратган:

Мева берди етилиб бу йил  
Мен боғимга ўтказган ниҳол.  
Меваларки, чўғдай қип-қизил,  
Ҳусни ёқут, ширинликда бол.

Ўзбек адабиётида бадий маҳоратларнинг амалий мезони сифатида кўплаб имкониятлар жорий этилган. Айнан шу ҳолат бадий тафаккурнинг баёнида катта ютуқ бўлиб хизмат қилган. Масалан, «Ёш» шаклига эга бўлган кўз сувини, умрни ва кўк ўсимликни билдирадиган сўзлар бор. Улуғ шоирларимиздан Лутфий мана шу учта шаклдош сўздан фойдаланиб туюқ ясаган:

Гарчи қурутмас кўзумнинг ёшини,  
Ҳақ узун қилсун ул ойнинг ёшини,  
Йиғлама кўп вужуднинг ишқ ўти  
Не қуруғин қайғуси, не ёшини.

“Савдо» шаклига эга бўлган иккита сўз бор, бири олди-сотдини, иккинчиси қорани ва кўчма маънода ташвишни билдиради. Бундан фойдаланиб шоир:

Зихе ҳуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо  
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз ғавғо  
дейди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тилдаги товушдошлик нутқ гўзаллигининг манбаларидан бири бўлиб, моҳир сўзчилар бундан чексиз равишда фойдаланишлари мумкин экан. Шунинг ҳам эрдан чиқармаслик керакки товушдош сўзларни танлаб ишлатишда асл маънога зарар етиши керак эмас. Маъно бирламчилигини эрдан чиқармаслик лозим. Акс ҳолда нотик моҳиятдан узоклашиб кетади.

Сўзларнинг маъно муносабати товушдагига нисбатан анча мураккаб бўлиб, бу ўй, фикрни талаб қилади. Бунинг сабаби шундаки, тилнинг товуш жиҳати эшитиш билан чекланган бўлса, унинг маъно жиҳати, биринчидан, эшитишдан ўзга ҳиссиётни, иккинчидан, ҳис қилиб бўлмайдиган нарсаларни ҳам ўз ичига олади. Бинобарин тилнинг ўзга имкониятлари қатори бадий имконияти ҳам унинг маъно жиҳати товуш жиҳатига нисбатан ортиқдир. Бу

имкониятнинг асосий манбалари тил бирликларининг кўп маънолилиги, маънодошлилиги ва ясаиш қобилиятидир.

Тилдаги мавжуд сўз ва қўшимчалар, бирикма ва гаплар фақат муайян бир нарсани билдириш билан чекланмайди. Масалан, «-лар» қўшимчасини олсак, у кўпликни ифодалаши билан бирга хурмат ва муболағани билдириши ҳам мумкин. «От» деган сўз маълум ҳайвонни билдириш учун ясалган бўлса ҳам, баъзи ҳолларда бошқа нарсаларга, ҳатто инсонга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Сўзларни турли муносабат билан турли нарсаларга қўллаш мумкин. Масалан, ўткирлигини назарда тутиб, тилни «тиғ» деса бўлади, айёрликни эътиборга олиб, кишини «тулки» ки» деб атаса бўлади, равшанликни ҳисобга олиб, юзни «куёш» ёки «ой» деб аташ жойиздир. Бу ҳолда биз бир нарсани билдириш учун ясалган сўзни ўхшашликка асосан бошқа нарсани билдириш учун фойдаланган бўламиз. Таомни «дастурхон», чойни «пиёла», оилани «уй» деб аташимиз мумкин. Бунда биз нарсани унинг макони учун ясалган сўз билан ифодалаган бўламиз. Бутунни унинг бўлагининг номи билан ва бўлагини бутуннинг оти билан, буюмни уни ясайдиган асбобнинг исми билан, натижани унинг сабабчиси билан ва сабабчисини унинг натижаси билан аташ мумкин. Тилда бир нарсанинг ўзини турлича аташ имконияти ҳам кўпдир. Бунда маънодош сўзлардан ва сўзларнинг кўп маънолигидан ва янги сўз ясаш имкониятларидан фойдаланилади. Турлича таъбир бирикма, гап, фасл, боб ва китоб доирасида ҳам амалга оширилади ва бу билан санъатнинг муҳим асосларидан бири бўлмиш турлилик, ранг-баранглик вужудга келади.

Санъатга завқи бор киши тилнинг мазкур имкониятларидан фойдаланиб, ўз нутқига ёки адабий асарига бадийлик, эшитувчи ёки ўқувчига лаззат бағишлайди.

Шундай қилиб, ҳам шаклга, ҳам мазмунга асосланган бадий воситаларни вужудга келтиришда тилнинг имконияти чексиздир. Бундан бутун халқ фойдаланади, лекин бири кўпроқ, бири озроқ. Аммо ном қўйилган ва ҳали ном қўйилмаган ва мутахассислар ҳануз пай. қамаган кўпдач кўп нутқ санъатларининг вужудга келишида соқов бўлмаган барча кишиларнинг иштироки бор.

Нутқ санъатлари моҳият эътибори билан тил ва нутқнинг ўзи сингари ижтимоийдир. Нутқ санъатларидан моҳирона фойдаланувчи сўз усталарининг асосий манбаи ҳам халқ нутқидир. Сўз устаси халқдан ва бошқа сўз усталаридан ўрганган санъатларини биров бойитади ва уларнинг янги ва баъзан

гўзалроқ наму наларини яратади, холос. Масалани равшанлаштириш учун тахминий ва содда бир мисол келтирайлик.

Айрим кишиларга, дейлик, тажриба кўрсатдики, ўтин яхши ёниши учун уни маълум тартибда қалаш керак экан. Қишилар бу ҳақиқатни бир-бирига, айниқса шу соҳада тажрибаси йўқ кишига ўргатишлари керак бўлади. Шу фикрни ҳар ким ўзича тил нуқтаи назаридан тўғри гап тузиб ифодалай беради. Ҳаммамизга маълумки, бу фикрни жуда кўп вариантда айтиш мумкин. Шулардан бирини олайлик, «қаловини топсанг ўтин яхши ёнади» дейиш мумкин, кўп марталаб шундай дейилган ҳам бўлиши керак. Шу гапда ҳеч қандай камчилик йўқ, чунки у тил қоидаларига мувофиқ тузилган ва ўз вазифасини тўлиқ адо этадиган шаклдадир. Бироқ инсон таъби бу билан тўла равишда қониқмайди. Аммо нутқ маданияти тақозосига кўра, юқоридаги воситаларнинг ўринли қўлланиши инсон таъбидаги гўзалликка бўлган эҳтиёжи туфайли гапни гўзаллаштиришни талаб қила бошлайди. Бу бир йўқ буюмнинг олдин ўзини ясаб, кейин уни чиройли қилишга бўлган интилишнинг айнан ўзи. Шу талаб билан «ўтин» сўзини «қор» сўзи билан алмаштиради-да «қаловни топсанг қор ёнар» дейди. Шу билан у мазкур гапга гўзал тус беради. Киши ўзига ёққан нарсани йўқотмасликка ҳаракат қилади ва халқ буни мақол қилиб асраб юради.

Бунинг мақул жиҳати, гўзаллаштирган нарса, биринчидан, «қор» сўзининг «қалов» сўзига уйғунлиги, яъни товушдошлиги, иккинчидан, қорнинг оловга зидлиги, учинчидан бўрттириш, яъни муболаға борлигидир. Ёшлигидан табиий равишда бунга ўхшаш гаплар қулоғига ёқиб қолган киши беихтиёр шундай жумлаларни ярата бошлайди.

Ана шундан кейингина бунга қизиққан олимлар, бу ҳодисани текшириб, уни системага солиб от қўя бошлайдилар. Товуш томонидан назар солиб, «қор» билан «қалов» ўртасидаги товушдошликни, масалан, ставзиъ» деб атайдилар. «Олов» билан «қор» орасидаги зиддиятни «тазод» деб номлайдилар ва «қалов»нинг аҳамиятини бўрттириб кўрсатишга «муболаға» деб от қўядилар. Бу ҳол айниқса Ё.Тожиев, Э.Бегматов, Н.Жиянова, Ш.Раҳматиллаев, Н.Махмудов, С.Имомхўжаев каби қатор олимларнинг эътиборини тортган.

Шундан кейин мутахассислар, халқнинг ўзининг ижодини унинг ўзига олимлар тавсия қилган илмий шаклда етказдилар. Бу эса шубҳасиз кўпчиликнинг нутққа илмий муносабатда бўлиши, унинг ривожига сабаб бўлади. Олимга халқ, олим халққа хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда нутқда кўп учрайдиган ва ёзув билан боғлиқ бўлган икки хил тафовут мавжуд. Бири катталар нутқида бўлиб, эски ёзувдаги ҳарфларни тўғри ўқимаслик натижасида вужудга келган. Бу «келади»ни «келоди», «келгон»ни «келган» деб «а» ўрнида «о» талаффуз қилишдир. Иккинчиси ёшлар нутқида учрайди ва ҳозирги имломизнинг номукамаллиги, талаффузга мос келмайдиган қоидаларнинг мавжудлиги туфайли пайдо бўлган. Масалан, ҳозир баъзи ёшлар «ишка»ни «ишга» деб, «келипти»ни «келибди» деб «кеткан»ни «кетган», «очкан»ни «очган» деб айтадилар. Ҳатто «боққа»ни «боғга» деб талаффуз қиладилар. Бу айбнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган имлодаги камчилик йўқолмагунга қадар унинг олдини олиш ўқитувчиларимиз зиммасига тушади. Тилшуносларимиз эса тил табиатига хилоф қоида ўқувчи нутқида айб пайдо қилишини ҳам ҳисобга олишлари керак.

Тил воситалари, сўзлар, грамматик шакллар, сўзларнинг уланиш, қўшилиш моделлари, сўзларнинг маъно ва шаклий томони тез-тез ва асосиз равишда ўзгаравермайди. Шу сабабли ўзбек адабий тилида ҳозирда қўлланувчи кўпгина сўзларнинг маънолари ҳамда синтактик қолипларнинг бундан бир неча асрлар олдин ҳам ўша шакл ва маънода қўлланганини кўрамиз. Чунончи, XV аср эски ўзбек адабий тилида қўллаган ва Алишер Навоий тилида учрайдиган: аввалги, авж, авлиё, авлод, адиб, адоват, ажаб, ажнабий, бағир, баҳор, баҳс, вазифа, вайрон, васият, вафодор, дўкон, душман каби кўпгина сўзлар ҳозирги адабий тилда ҳам ўша маъно ва ўша шаклда ишлатилмоқда. Мана шундай турғунлик хусусиятини ўзбек адабий тилнинг бошқа барча яруслари – фонетика, морфология, синтаксис, талаффуз, имло бўйича ҳам келтириш мумкин. Ўзбек адабий тили нормаларини келтирилган нуқтаи назардан, яъни тилнинг ҳозирги ҳолатига солиштирилса, тилда қандайдир турғун ва доимий воситалар борлигини пайқаш мумкин. Бундай далиллар адабий тил тизими учун қандайдир турғунлик, ҳолати хослигини кўрсатади.

Адабий тил нормасидаги турғунлик, барқарорлик, ҳозирги адабий тил материалларини ушбу тилнинг ўтмиш даври билан солиштирганда янада равшан кўринади. Чунончи, қадимий туркий тилнинг қадимий манбалари асосида тузилган “Древнетюрский словарь” луғатида изоҳланган сўзлардан 25000 дан ортиғи ўз шакл маъносига кўра ҳозирги ўзбек тилида учрайди. Худди шунингдек, Алишер Навоий асарлари тилида 2600 та асл туркий сўз мавжуд бўлиб, улардан 1920 таси ҳозирги ўзбек тилида қўлланилади.

Шунингдек бу сўзликлар бадиий санъатларда ўринли ифодасини топиб, ўзига хос тасвирий манзарани яратади.

Масалан, шоир «Хамса»нинг «Низомий Ганжавий»га бағишланган қисмларининг бирида:

Ганжа ганжуриким чекиб кўп ранж,  
Қўймиш эрди жаҳонда беш ганж дейди.

Бу байтда «иштиқоқ» деб аталган санъат ҳам бор.

«Иштиқоқ» сўзининг бадиий термин бўлишига унинг грамматик маъноси асос бўлган. Сўз ясалиши иштиқоқ дейилади. Шунга асосан гапда бир ўзакдан ясалган сўзларни келтиришни, «иштиқоқ» деб атаганлар. Биз бу ҳодисани ўзакдошлик ва уни вужудга келтиришни ўзакдошлаштириш деб атасак ҳам бўлади. Лекин иштиқоқ сўзини ёдимиздан чиқармасак яхшироқ бўлади. Демак, Навоий мазкур байтда сўзларни ҳам товушлаштирган, ҳам ўзакдошлаштирган. Бу байтда «ранж», «ганж», «жаҳон» сўзлари эътибори билан товушдошлик, «ганжа», «ганж» ва «ганжур» сўзлари эътибори билан ўзакдошлик бор. Чунки буларнинг ҳам- маси хазина маъносидаги «ганж» ўзак сўздан ясалган. «Ганжур»нинг маъноси «ганж» эгасидир. Тавзиъ ва иштиқоқ санъатлари сувратга, яъни шаклга оид бўлишига қарамасдан Навоий қаламида улар маънога сингиб ва маънони тасдиқлашга хизмат қилган. Бунда Ганжавийнинг Ганжада ҳақиқий ганж эгаси эканлиги ва унинг жаҳон аҳамиятига эга бўлган беш ганжни қолдирганлигининг ҳақиқатлиги товушдошлик ва ўзакдошлик билан таъкидланган. Натижада байт жуда муҳкам байтга айланган.

Бу санъатлардан рус журналистлари ҳам фойдаланмоқдалар. Масалан, «Известия» газетасида босилган бир мақоланинг сарлавҳаси «Острый вопрос об остроте инструмента». Бу сарлавҳада ҳам иштиқоқ бор ва ҳам тавзиъ бор. «Острый» билан «острота» иштиқоқ ҳосил қилган, «об» сўздан бошқа ҳамма сўзларда мавжуд бўлган «с» товуши тавзиъ ҳосил қилган. Агар бу жумлани ўзбекчага санъатини сақлаб таржима қилсак, «Асбоб кескирлигининг кескин масаласи» бўлади.

Шундай қилиб таржима материалларини яратишда тилнинг табиатига ҳос ҳамда грамматик компонетлигига ҳос жиҳатларини назарда тутиш керак ва бу масалада ҳар икки тилнинг (айниқса, грамматик уйғун табитли туркий тилларнинг) ўзига ҳос жиҳатларини назарда тутиш керак. Мазкур ҳолат туркий тилли миллий адабиётларнинг алоқалари ҳамда интеграциялари фаоллашувида кенг имконият бўлиб хизмат қилади. Натижада адабиётлар дўстлиги, халқлар



дўстлиги, миллатлар дўстлиги ўзаро манфаатли муносабатлар асосига шаклланади.

### REFERENCES.

1. Ш.М.Мирзиёев “Ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир”. “Халқ сўзи” 21-октябрь 2021 йил.
2. О.Шарафиддинов “Адабёт тилдан бошланади, адабиёт ва санъат”. Т.: Гофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети 1997 й. 29-б.

## ZAMONAVIY TA'LIMOTLARDA INTUITSIYA TO'G'RISIDAGI FIKRLAR RIVOJI

**O' . K. Erniyozov**

TDTTrU katta o'qituvchisi.

### ANNOTATSIYA

Ilmiy bilish olamni anglashning eng murakkab va muhim ko'rinishi hisoblanadi. Ilmiy bilimlarni qo'lga kiritishda hissiylik, ratsionallik va irratsionallikning o'rni epistemologiyaning muhim muammosi hisoblanadi. Ular ilmiy bilimlarni hosil qilish mexanizmlarini anglash imkonini beradi. Ilmiy bilish, ayniqsa yangi bilimlarni hosil qilish insondan uning barcha intellektual kuch va imkoniyatlarini safarbar etishni talab qiladi. Bu jarayonda intuitsiya shubhasiz, muhim o'rin tutadi.

**Kalit so'zlar:** Hissiylik, ratsionallik, irratsionallik, ilmiy tafakkur, intuitsiya, intuitsionizm, jonli mushohoda, bilish jarayoni.

### АННОТАЦИЯ

Научное познание – наиболее сложный и важный способ познания мира. Роль эмоций, рациональности и иррациональности в приобретении научного знания является важной проблемой эпистемологии. Они позволяют понять механизмы создания научного знания. Научное познание, особенно создание новых знаний, требует от человека мобилизации всех своих интеллектуальных сил и возможностей. Несомненно, важную роль в этом процессе играет интуиция.

**Ключевые слова:** Эмоциональность, рациональность, иррациональность, научное мышление, интуиция, интуиционизм, живое наблюдение, познавательный процесс.

### ABSTRACT

Scientific knowledge is the most complex and important way of understanding the world. The role of emotion, rationality and irrationality in acquiring scientific knowledge is an important problem of epistemology. They allow to understand the mechanisms of creation of scientific knowledge. Scientific knowledge, especially

creation of new knowledge, requires a person to mobilize all his intellectual powers and capabilities. Undoubtedly, intuition plays an important role in this process.

**Keywords:** Emotionality, rationality, irrationality, scientific thinking, intuition, intuitionism, live observation, cognitive process.

**Kirish.** Bilish jarayoni jonli mushohoda va abstrakt tafakkurning uzviy birligidan tashkil topadi. Garchi jonli mushohoda va hissiylik bir-biriga yaqin tushunchalar hisoblansa-da, ularni bir xil ma'no anglatadi, deb ta'riflash mumkin emas. Hissiylik tushunchasi "Jonli mushohoda"ga nisbatan keng ma'noni ifodalaydi. Jonli mushohoda bilish jarayonining dastlabki bosqichi va o'z ichiga sezgi, idrok, tasavvur kabi hissiy tafakkur shakllarini qamrab oladi.

Aql (aql-zakovat) – ratsional bilishning yuqori oliy darajasi, o'rganilayotgan obyektning mohiyati, kelib chiqish sabablari, taraqqiyot mexanizmlarini aniqlash jarayoni bo'lib, bu bosqichda nazariy bilim shakllanadi. Aql yuritish bilishning anglash, tushunishdan iborat bo'lgan yuqori bosqichi bo'lib, bu bosqichda tadqiqot obyektining mohiyati, xususiyatlari, aloqa va munosabatlari qonun, nazariya, ta'limot, ilmiy bashoratdan iborat nazariy bilim shakllarida ifodalanadi, narsa, hodisa, jarayonlar mantiqiy tushunchalar, fikrlar mantiqida o'z ifodasini topadi. Ilmiy tafakkur taraqqiyoti uzluksiz kechadigan "fikrlashdan, aql yugurtirish" bosqichiga o'tish jarayonidir. Bu jarayonning eng muhim tomoni shundaki, tadqiqotchi aql yugurtirish orqali avvaldan qabul qilingan bilimlar, shakllardan voz kechadi, ularni inkor qiladi va ularning o'rniga yangi ilmiy g'oyalarni ilgari suradi, ya'ni tadqiqot obyektini tushuntiradi, bashorat qiladi. Bilish yaxlitlikni ifodalovchi dialektik ziddiyatli jarayon bo'lib, ratsionallikdan ajralgan hissiylik yo'q va hissiylik muayyan ratsionallikni talab qiladi. Ular faqat birgalikda, o'zaro bir-biriga ta'sir va aks ta'sir etish holatidagina mavjud bo'lishi mumkin.

Yangi bilimlarni hosil qilishda mantiqiy tafakkur albatta muhim o'rin tutadi. Lekin ko'p hollarda u yoki bu ilmiy muammoni hal qilishda mantiqning imkoniyatlari kamlik qiladi. Ilmiy bilish, ayniqsa yangi bilimlarni hosil qilish insondan uning barcha intellektual kuch va imkoniyatlarini safarbar etishni talab qiladi. Bu jarayonda intuitsiya shubhasiz, muhim o'rin tutadi. Fizik olim Lui de Broyl ta'kidlaydiki, agar fan asoslari faqat ratsionallikdan iborat bo'lganda edi, nazariyalarni rivojlanishi va almashinuvi mumkin bo'lmas edi. Olim insonning individual tafakkur xususiyatlariga e'tibor qaratib, ular orasida intuitsiyaning alohida o'rin tutishini ta'kidlaydi. Uning, intuitsiya murakkab reallikni aniqlashga yordam

beradi, u fanning paydo bo'lishida muhim rol o'ynagan va bugungi kunda ham shunday rol o'ynamoqda. Nisbiylik nazariyasi kashfiyotchisi A. Eynshteyn intuitsiyaning yangi ilmiy tasavvurlar, yangi g'oyalarning shakllanishidagi o'rniga alohida e'tibor qaratgan.

Irratsionallik deganda bilishga inson hayotining tafakkurdan tashqari tomonlari (iroda, fahm-farosat, bevosita mushohoda, xayolotning ta'siri) nazarda tutiladi. Ilmiy bilishda irratsionallik intuitsiyada yaqqol namoyon bo'ladi. Umumiy tarzda olganda, intuitsiya isbotga tayanmagan holda haqiqatga bevosita erishish yo'li, biron-bir muammo yechimining to'satdan topilishi, degan ma'noni ifodalaydi.

Hozirgi zamon matematikasida intuitsionizm yo'nalishi shakllangan bo'lib, Epistemologiya va fanda bevosita ilmiy ijod amaliyotida, avvalambor matematika, kimyo, nazariy fizikada ko'plab ajoyib kashfiyotlar intuitsiya yordamida vujudga kelganligi ma'lum. Anre Puankare, Leon Brauer, German Veyl va boshqalar matematik ijodni intuitsiyasiz tasavvur etolmaganlar. A.Puankare yangilikning intuitsiya orqali yaratilishini, matematik g'oyalar ilgari eski matematik g'oyalardan keltirib chiqarilmaganligini qayd etadi. Matematikada mantiqiy isbotlardan tashqari, bilimlarni umumlashtirib, yangi mulohaza va g'oyalarning ilgari surilishini Puankare intuitsiya deb ataydi[1]. Shuningdek, L. Brauer matematika sohasidagi barcha umidlarini nafaqat mantiq, balki intuitsiya bilan ham bog'lagan. «Matematik ijodda u intuitsiyani matematikaning yagona manbai, matematikani uzil-kesil asoslash negizi va matematik nazariyalarning haqqoniyligi mezoni deb e'lon qilgan»[2].

V.Penfild boshchiligidagi kanadalik fiziologlarning tadqiqotlari sezgi fiziologiyasini ochish imkoniyatlari nuqtai nazaridan istiqbolli hisoblanadi. Ularning tadqiqotlari shuni ko'rsatdiki, miyaning ba'zi joylari elektrodlar tomonidan tirnash xususiyati bo'lganda, his-tuyg'ular uyg'onadi va odam hech qanday hodisani eslamasdan faqat qo'rquv kabi hissiy holatni boshdan kechiradi. Tajribalar shuni ko'rsatadiki, miyaning ma'lum sohalari voqealarni takrorlash uchun "mas'ul"; bunday reproduksiya hissiyotlarning paydo bo'lishi bilan birga keladi, ikkinchisi hodisaning ma'nosiga bog'liq.

Sezgi harakat tezligi sirli. Ko'pgina eksperimental ma'lumotlar, jumladan, V. Penfild tomonidan olingan ma'lumotlar bu jihatni yoritib beradi. Tajribalar shuni ko'rsatdiki, nutqning uchta komponenti - g'oyaviy (konseptual), verbalizatsiya va motor - nisbatan mustaqil ravishda lokalizatsiya qilinadi. Ushbu ma'lumotlarni sezgi nuqtai nazaridan baholab, A.A. Nalchadjyan shunday deb yozadi: "Agar biz ushbu sxemani qabul qilsak, unda motorning yo'qligi yoki zaifligi bilan so'zsiz o'ylash

mumkin degan xulosaga kelishimiz mumkin. Va bu ongsiz yoki ongli, balki majoziy (Eynshteyn va Vertgeymer tomonidan qayd etilgan) fikrlashdan boshqa narsa emas "(Nalchadjyan A.A. "Intuitiv bilimning ba'zi psixologik va falsafiy muammolari (ilmiy ijod jarayonida sezgi)", 149-bet) [3]. A.A. Nalchadjyan ilmiy muammoni ongli ravishda tahlil qilish to'xtatilgandan so'ng, uni hal qilish jarayoni ongsiz sohada davom etishi, tegishli elektrofiziologik jarayonlar ham to'xtamaydi, balki o'zgaradi, oqimda davom etadi, degan pozitsiyani tasdiqlash uchun juda ishonchli dalillar keltiradi. , lekin faqat o'zgartirilgan xususiyatlar bilan. Intuitiv qaror qabul qilish jarayonida estetik omil ham ishtirok etadi. Har qanday sezgi bilan - eydetik yoki konseptual - go'yo yaxlitlikka rasmning (vaziyatning) tugashi mavjud.

Intuitsiyaning mumkin bo'lgan mexanizmi va tarkibiy qismlari haqidagi savolni ko'rib chiqish sezgi hissiy-sezgir yoki mavhum-mantiqiy bilishga kamaytirilmasligini ko'rishga imkon beradi; u bilishning ikkala shaklini ham o'z ichiga oladi, lekin bu chegaralardan tashqariga chiqadigan va uni na u yoki boshqa shaklga tushirishga imkon bermaydigan narsa ham bor; u boshqa hech qanday yo'l bilan erishib bo'lmaydigan yangi bilimlarni beradi.

Pereverzeva N.Y. tahlilida "Intuitsiya bilishda jarayon, sabab va oqibat sifatida namoyon bo'ladi. Intuitsiyaning gnoseologik tahlili jarayon sifatida uning turli shakllarining insonning kognitiv faoliyatidagi ta'sirini tahlil qilishga qisqartiriladi. Natijada, intuitiya intuitiv bilim shaklida namoyon bo'ladi"[4].

"Falsafa-fandan ko'ra yuksak, chunki u-hikmat ilmi, hikmatga esa mantiqiy tafakkurdan-da yuksak bo'lgan intuitiya (g'ayrushuuriy ong, ilhom) orqali erishiladi". Hikmat deb atalgan ummon sohiliga yetishib, uning bag'riga o'zini otish o'rniga atigi bir qultum suv ichib ortga qaytish juda achinarli holatdir"[5]- deydi, falsafa fanlar doktori, professor SH.Qahhorova.

Tafakkurgagina asoslangan fandan o'zining behad teranligi va ko'lamdorligi bilan ajralib turadigan hikmat ilmi- intuitiya asl falsafa doirasida esa inson hayotining ma'no-mohiyati uning komil insonga aylanishi bilan bog'liq masala sifatida teran yechim topgan.

## REFERENCES

1. Anri Puankare - O nauke. Per. s frans. - Pod red. L.S. Pontryagina. - M.: Nauka, 1990. - 736 s
2. Brauer L. E. Y. Matematika, nauka i yozik // Vestnik RGGU. Seriya Filosofi. Sotsiologi. 2010. №13(56). S. 249-258
3. Nalchadjyan A.A. "Intuitiv bilimning ba'zi psixologik va falsafiy muammolari (ilmiy ijod jarayonida sezgi)", 149-bet, 1976, 324 s.
4. Pereverzeva N.Y. Intuitsiya v prinyatii resheniy: sotsialno- filosofskiy aspekt. M.: Izd-vo SGU, 2010. S. 69.
5. SH. Qahhorova, Falsafa – hikmatdir. Tafakkur jurnali.4/ 2010 20-bet.
6. Erniyozov Urazbay Kuklanovich, PROBLEMS OF INTUITION IN SUFISM the teacher of Tashkent State transport university TJE - Tematics journal of Social Sciences-AQSH.2022.-P.59-62
7. Erniyozov O'K. YANGI DAVR G'ARB MUTAFAKKIRLARINING INTELLEKTUAL INTUITSIYA – HAQIDAGI QARASHLARI // Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 2022. - № 2. – B. 5. (№ 5; SJIF : 5.947)
8. Matkarimova, J. D. (2023). DAVLAT VA MANFAATDOR GURUHLAR O 'RTASIDAGI O 'ZARO MUNOSABATLAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1-2), 65-70.
9. Saparbayevna, J. N., Jo'rayevna, N. N., & Abdinazarovich, R. D. (2023). YOSHLARDA MAS'ULIYAT HISSINI TARBIYALASHNING IJTIMOY-FALSAFIY MOHIYATI. *World of Science*, 6(5), 25-28.
10. Matkarimova, J. (2020). Scientific approaches to the impact of civil society and democracy. *Theoretical & Applied Science*,(2), 421-425.
11. Rakhmonov, D., & Nazarova, N. (2023). Analysis of the results of the empirical study of ethnocultural aspects of social service provision in Uzbekistan. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 452, p. 05016). EDP Sciences.



## ИЛМИЙ БИЛИМ РАЦИОНАЛЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ МАДАНИЙ, МАНТИҚИЙ ЖИХАТЛАРИ

**А. К. Рамазанов**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент,  
Ўзбекистон

### АННОТАЦИЯ

Рационализм - ҳақиқатни ақл-идрок, ақл-идрок орқали билиш усули. Ушбу мақолада воқеа-ҳодисалар моҳиятини тушуниш, реал фактларни ўрганиш, мантиқий далиллар ва тушунтиришлар бериш, содир бўлаётган воқеага ҳолис баҳо бериш учун далилларни излаш муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланади.

**Калит сўзлар:** Билиш рационализм, ақил оқилоналик, фалсафа, ҳақиқат.

### АННОТАЦИЯ

Рационализм – это способ познания истины посредством разума. В данной статье подчеркивается, что важно понимать суть событий, изучать реальные факты, давать логические аргументы и объяснения, искать доказательства, чтобы дать беспристрастную оценку происходящему событию.

**Ключевые слова:** Познание, рационализм, рациональность, философия, истина.

### ABSTRACT

Rationalism is a way of knowing truth through reason. This article emphasizes that it is important to understand the essence of events, study real facts, give logical arguments and explanations, and look for evidence in order to give an impartial assessment of the ongoing event.

**Keywords:** Cognition, rationalism, rationality, philosophy, truth.

XXI аср мафкурасининг, маънавий-ахлоқий тамойилларининг бугунги замон кишисининг руҳияти, қалб ва шурурига яқинлини ҳаётийлигидадир.

Рационализм - билим олиш усули сифатида инсон ақлига мурожаат сифатида - антик даврдан бошлаб фалсафий тарихга эга. Кўпгина фалсафий изланишларнинг аналитик табиати, математика каби билимларнинг априори

соҳаларини англаш, рационал қобилиятлардан фойдаланиш орқали билим олишга урғу бериш билан биргаликда рационалистик мавзуларни кенг куламда ўрганилди. Инсонлар ўзлари объектив ўйлагандан кўра тез-тез рационализатсия қилишлари мумкин, аммо улар асосли рационал мавжудотлар бўлгани учунгина улар рационализация қилишга қодир ёки бунга эҳтиёж сезадилар. Инсон ўзининг барча хатти-ҳаракатларида оқилона бўлади, аммо улар ақл бовар қилмайдиган даржада ҳам бўлиши мумкин; у ўзининг ҳис-туйғулари ва интилишларида, онгсиз истаклари ва мотивларида онгли мақсадларида ҳам оқилонадир. Унинг оқилоналиги орзуларининг рамзийлигида ўзини намоён қилади. Шу сабаб инсон билим ақил, ҳақиқат ходисаларни, моҳиятини билиш учун илмнинг ҳамма турларини билишга киришади. Билишнинг қуйи даражаси барча тирик мавжудотларга хос бўлиб, ҳиссий билиш дейилади. Ҳиссий билиш сезгилар воситасида билишдир. Билишнинг юқори босқичи фақат инсонларгагина хос бўлиб, ақлий билиш (рационал билиш) дейилади. Агар инсон ўз сезгилари ёрдамида нарса ва ходисаларнинг фақат ташқи хосса ва хусусиятларини билса, тафаккур воситасида нарса ва ходисаларнинг ички моҳиятини билиб олади.

Фалсафада ратсионализм "ақлни билимнинг бош манбаи ва синови деб ҳисоблайди" ёки "билим ёки асослаш манбаи сифатида ақлга мурожаат қиладиган ҳар қандай қараш" гносеологик қарашидир. Расмийроқ айтганда, рационализм "ҳақиқат мезони ҳиссий эмас, балки интеллектуал ва дедуктив бўлган" методология ёки назария сифатида таърифланади.

Қадимги мунозарада рационализм эмпиризмга қарши эди, бунда рационалистлар воқеликнинг ички мантиқий тузилишга эга эканлигига ишонилган. Шу сабабли, рационалистлар маълум ҳақиқатлар мавжудлигини ва ақл бу ҳақиқатларни бевосита англай олишини таъкидладилар. Яъни, рационалистлар мантиқ, математика, этика ва метафизикада маълум ратсионал тамойиллар мавжудлигини таъкидладиларки, улар шу қадар тубдан ҳақиқатки, уларни инкор этиш одамни қарама-қаршиликка олиб келади. Рационалистлар ақлга шунчалик юқори ишончга эга эдиларки, эмпирик далиллар ва жисмоний далиллар маълум ҳақиқатларни аниқлаш учун кераксиз деб ҳисобланган - бошқача қилиб айтганда, "бизнинг тушунчаларимиз ва билимларимиз ҳиссий тажрибадан мустақил равишда олинадиган муҳим усуллар мавжуд".<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Audi, Robert, The Cambridge Dictionary of Philosophy, Cambridge University Press, Cambridge, UK, 1995. 2nd edition, 1999, p. 771

Ушбу усул ёки назарияга турли даражадаги эътибор бир қатор рационалистик нуқтаи назарга олиб келади, "ақл билим олишнинг бошқа усулларида устун туради" деган мўътадил позициядан тортиб, ақл "билимнинг ягона йўлидир" деган экстремал позицияга қадар <sup>2</sup>. Ақл ҳақидаги замонавий тушунчани ҳисобга олган ҳолда, рационализм фалсафа, Сократик тадқиқот ҳаёти ёки ҳокимиятнинг зететик (скептик) аниқ талқини билан бир хилдир (нарсаларнинг асосий ёки асосий сабабларига очик) . Сўнгги ўн йилликларда Лео Штраусс "Классик сиёсий рационализм" ни фикрлаш вазифасини асос сифатида эмас, балки маиеутик сифатида тушунадиган интизом сифатида қайта тиклашга ҳаракат қилди.

Рационализм - билим олиш усули сифатида инсон ақлига мурожаат сифатида - антик даврдан бошлаб фалсафий тарихга эга. Кўпгина фалсафий изланишларнинг аналитик табиати, математика каби билимларнинг априори соҳаларини англаш, рационал қобилиятлардан фойдаланиш орқали билим олишга урғу бериш билан биргаликда рационалистик мавзуларни жуда кўп қилди. Маърифатпарварлик давридан бошлаб рационализм одатда Декарт, Лейбниц ва Спиноза асарларида кўриниб турганидек, фалсафага математик усулларни киритиш билан боғлиқ.<sup>3</sup> Бу одатда континентал рационализм деб аталади, чунки у Европанинг континентал мактабларида устунлик қилган, Британияда эса эмпиризм ҳукмронлик қилган.

Ўшанда ҳам рационалистлар ва эмпиристлар ўртасидаги фарқ кейинги даврда пайдо бўлган ва у иштирок этган файласуфлар томонидан тан олинмаган. Шунингдек, иккала фалсафа ўртасидаги фарқ баъзан тақлиф қилинганидек аниқ эмас; масалан, Декарт ва Локкнинг инсоний ғоялар табиати ҳақидаги қарашлари ўхшашдир<sup>4</sup>.

Рационализмнинг баъзи турлари тарафдорлари, геометрия аксиомалари каби асосий асосий тамойиллардан бошлаб, барча мумкин бўлган билимларнинг қолган қисмини дедуктив тарзда олиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Бу фикрни энг аниқ тутган таниқли файласуфлар Барух Спиноза ва Готфрид Лейбниц бўлиб, уларнинг Декарт томонидан кўтарилган гносеологик ва метафизик муаммолар билан курашишга уринишлари рационализмнинг фундаментал ёндашувининг ривожланишига олиб келди. Спиноза ҳам, Лейбниц ҳам, принципиал жиҳатдан, барча билимларни, шу

<sup>2</sup> Oakshott, Michael, "Rationalism in Politics," The Cambridge Journal 1947, vol. 1. Retrieved 2013-01-13

<sup>3</sup> Bourke, Vernon J., "Rationalism," p. 263 in *Reason* (1962)

<sup>4</sup> Audi, Robert, *The Cambridge Dictionary of Philosophy*, Cambridge University Press, Cambridge, UK, 1995. 2nd edition, 1999, p. 771

жумладан илмий билимларни фақат ақл ёрдамида олиш мумкинлигини таъкидладилар, гарчи улар математика каби аниқ соҳалардан ташқари, бу одамлар учун амалда мумкин эмаслигини кузатишди. Бошқа томондан, Лейбниц ўзининг "Монадология" китобида "биз барчамиз ҳаракатларимизнинг тўртдан уч қисмида оддий эмпирикмиз" деб тан олган.

Рационализм кўпинча эмпиризмга қарама-қарши қўйилади. Кенг маънода бу қарашлар бир-бирини инкор этмайди, чунки файласуф ҳам рационалист, ҳам эмпирик бўлиши мумкин.<sup>5</sup> Ҳаддан ташқари қабул қилинган эмпирик қараш барча ғоялар бизга *a posteriori*, яъни тажриба орқали келади, деб ҳисоблайди; ташқи сезгилар орқали ёки оғриқ ва қониқиш каби ички ҳислар орқали. Эмпирист, моҳиятан билимга асосланган ёки бевосита тажрибадан олинган деб ҳисоблайди. Рационалистнинг фикрига кўра, биз априори билимга - мантиқдан фойдаланиш орқали эришамиз ва шунинг учун ҳиссий тажрибадан мустақилмиз. Бошқача қилиб айтганда, Гален Строусон ёзганидек, "сиз ўз хонингизда диванда ётганингизда ҳам бу ҳақиқат эканлигини кўришингиз мумкин. Сиз дивандан туриб, ташқарига чиқишингиз ва жисмоний дунёда нарсалар қандайлигини текширишингиз шарт эмас. Сиз илм билан шуғулланиш шарт эмас"<sup>6</sup>. Билиш, илим маърифат ҳам тарбияга муҳтож. "...Потенциал(имконият) сифатида инсоннинг ичида яхши хулқлар мояси бўлиши мумкин. Унинг миждо, зуваласида бордир бу "моя", бу асос. Аммо уни ривожлантириш керак. Бу эса оқилоналик, таълим-тарбия билан бўлади", - дейди тасаввуфшунос олим, доктор Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратлари. Ҳудди шундай етук ва камолотга етган инсонни тарбиялаш ўз-ўзидан бўлмайди. Етук шахслар тўғрисидаги яхши тасаввурлар, илм-маърифат, одоб-ахлоқ, оқилоналик маънавияти, хушёрлиги ҳар бир даврда ривожланиб амалда тадбиқ этилиб келинмоқда.<sup>7</sup> Фалсафа, билиш назарияси билан қаралганда иккала фалсафа ҳам гносеология соябони остида бўлса-да, уларнинг аргументи асослаш назариясининг кенгроқ эпистемик сояси остида бўлган илим, билиш ишонч, ҳақиқат аниқликларини тушунишда ётади. Билиш ҳақиқат – бу инсон билимларида борлиқнинг тўғри инъикос этиши, предмет ва ҳодисалар асли

<sup>5</sup> Lacey, A.R. (1996), A Dictionary of Philosophy, 1st edition, Routledge and Kegan Paul, 1976. 2nd edition, 1986. 3rd edition, Routledge, London, 1996. p. 286

<sup>6</sup> Stanford Encyclopedia of Philosophy, The Intuition/Deduction Thesis First published August 19, 2004; substantive revision March 31, 2013 cited on May 20, 2013

<sup>7</sup> Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва гўзаллик.-Т.: Адолат,2004.-134 б.

қандай бўлса, уларни инсон ўз миясида, худди шундай тўғри бошқарган яъни йўналтира олган билимлардир

## REFERENCES

1. Audi, Robert, The Cambridge Dictionary of Philosophy, Cambridge University Press, Cambridge, UK, 1995. 2nd edition, 1999, p. 771
2. Oakeshott, Michael, "Rationalism in Politics," The Cambridge Journal 1947, vol. 1. Retrieved 2013-01-13
3. Bourke, Vernon J., "Rationalism," p. 263 in Runes (1962)
4. Audi, Robert, The Cambridge Dictionary of Philosophy, Cambridge University Press, Cambridge, UK, 1995. 2nd edition, 1999, p. 771
5. Lacey, A.R. (1996), A Dictionary of Philosophy, 1st edition, Routledge and Kegan Paul, 1976. 2nd edition, 1986. 3rd edition, Routledge, London, 1996. p. 286
6. Stanford Encyclopedia of Philosophy, The Intuition/Deduction Thesis First published August 19, 2004; substantive revision March 31, 2013 cited on May 20, 2013
7. Махмуд Асъад Жўшон. Тасввуф ва гўзаллик.-Т.: Адолат,2004.-134 б.
8. Хусенов, Н., Хонимкул, С., Нурмаматов, Т., & Маткаримова, Ж. Д. ВОПРОСЫ АКТИВИЗАЦИИ УЧАСТИЯ МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА В ЖИЗНИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА. *Zbiór artykułów naukowych recenzowanych.*, 36.
9. Abdumannapovna, M. D., & Juraevna, N. N. (2022). THE ROLE OF SOCIAL INSTITUTIONS IN THE DEVELOPMENT OF YOUNG PEOPLE. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10 (6), 67–70.

## AXBOROT MAYDONIDA MA'NAVIY TAHDIDLARGA QARSHI KURASHISHNING IJTIMOY MASALALARI

**Azamat Orziqul O'gli Ro'zimurotov**

Toshkent davlat transport universiteti talabasi

**Fayzulla Abdullayevich Kushakov**

TDTTrU "Ijtimoiy fanlar" kafedrasida katta o'qituvchisi.

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada dunyo axborot maydonida kechayotgan ma'naviy tahdidlarga qarshi kurashishning ijtimoiy jixatlari ochib berilgan. XXI asr insoniyat tamadduniga axborot texnologiyalari va intellektual salohiyat asri sifatida kirdi. Bu asrda inson aqlli va tafakkuri yordamida aql bovar qilmas darajadagi texnika va texnologiyalar yaratildi, aynan mana shu texnika va texnologiyalar yordamida hayotning barcha sohalarida yuksak natijalarga erishishi ilmiy jihatdan ochib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Axborot, g'oyaviy tahdidlar, globallashuv, texnologiya.

### АННОТАЦИЯ:

В статье раскрываются социальные аспекты борьбы с духовными угрозами в мировом информационном поле. XXI век вошел в человеческую цивилизацию как век информационных технологий и интеллектуального потенциала. В этом столетии с помощью человеческого интеллекта и мышления созданы невероятные техники и технологии, и с помощью этих приемов и технологий научно выявлено, что высоких результатов можно достичь во всех сферах жизни.

**Ключевые слова:** Информация, идеологические угрозы, глобализация, технологии.

### ABSTRACT

This article reveals the social aspects of combating spiritual threats in the world information field. The 21st century entered human civilization as the age of information technologies and intellectual potential. In this century, with the help of human intelligence and thinking, incredible techniques and technologies have been



created, and with the help of these techniques and technologies, it has been scientifically revealed that high results can be achieved in all spheres of life.

**Keywords:** Information, ideological threats, globalization, technology.

Bugungi insoniyat turli xil g'oyalar va siyosiy kurashlar butun jahon miqyosida avj olayotgan, g'oyaviy qarama-qarshiliklar keskinlashayotgan bir sharoitda yashamoqda. Bunday vaziyatda g'oyaviy loyallik siyosiy kurashda yutqazishga olib boradi. Ayniqsa, hozirgi globallashuv sharoitida har qanday mafkuraviy yo'ldan voz kechishni, mafkurasizlik yo'lini targ'ib etishni maqsad qilib olgan siyosiy kuchlar, mafkurasizlashgan toifalarning ongiga o'zlarining usti yaltiroq kosmopolitik g'oyalarini singdirishga va shu asosda turli toifadagi missionerlik g'oyalari uchun, diniy-fundamentalistik, ekstremistik, terroristik mazmundagi g'oyalar uchun yo'l ochib berishga erishishadi.<sup>1</sup> Bunday sharoitda ma'naviy tarbiyaning ikki muhim jihatiga muhim e'tibor qilishga to'g'ri keladi. Birinchidan, g'oyaviy bo'shliqni bunyodkor g'oyalar bilan to'ldirish masalasi va ikkinchidan, harbiylar ongida mafkuraviy immunitetni shakllantirish masalasi. Bugungi kunda butun dunyoda globallashuv, madaniyatlar aralashuvi jarayoni kechmoqda. Bu murakkab jarayon nafaqat yoshlarga, balki kattalar dunyoqarashiga ham ta'sir etyapti. Bir tomondan, axborot texnologiyalari kundalik hayotimizga shu qadar shiddat bilan kirib kelyaptiki, buni har qanday raqamlarsiz ham kuzatishimiz mumkin<sup>2</sup>. Yoshlarda milliy iftixor, milliy g'ururni shakllantirish va mustahkamlash asosida ularning ijtimoiy faolliklarini oshirishga alohida ahamiyat berish boshlandi. Ana shu fazilatlarni yoshlarimizda shakllantirish bugungi kunning muhim vazifasidir. Hozirgi globallashuv jarayonida intizomli, mas'uliyatli, sabr-bardoshli, diyonatli, vijdonli, iymonli, e'tiqodli, bag'rikeng, insonparvar, ijtimoiy faol va shu kabi oliyjanob fazilatlar egasi bo'lgan yoshlarga yashash uchun zarur bo'lgan barcha qulayliklarni vujudga keltirishga qodir bo'la oladilar. Ijtimoiy taraqqiyotning demokratik rivojlanish jarayoni shaxsning o'z-o'zini anglashi, qadr-qimmatini qay darajada e'zozlashi, jamiyat uchun xizmat qila olish imkoniyati va harakatlariga ham bevosita bog'liq. Bularning barchasi shaxsning ijtimoiy faolligi bilan bog'liq. Mamlakatimiz rahbari ta'kidlaganidek, "Bizning asosiy vazifamiz yoshlarning o'z salohiyatini namoyon qilishi uchun zarur sharoitlar yaratish, zo'ravonlik g'oyasi "virusi"

<sup>1</sup> Ochil'diev A. Globalashuv va mafkuraviy jarayonlar. T.: Muharrir, 2009, - B.54.

<sup>2</sup> <https://www.uza.uz> yoshlar-manaviyatini-yuksaltirish-ularning-bosh-vaqtini-mazmunli-tashkil-etish-boyicha-muhim-vazifalar-belgilab-berildi.html.

tarqalishining oldini olishdir. Buning uchun yosh avlodni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, uning huquq va manfaatlarini himoya qilish borasidagi ko'p tomonlama hamkorlikni rivojlantirish lozim, deb hisoblaymiz. Texnologiyalari jadal rivojlanib borayotgan bugungi sharoitda yoshlarga oid siyosatni shakllantirish va amalga oshirishga qaratilgan umumlashtirilgan xalqaro huquqiy hujjat – BMTning Yoshlar huquqlari to'g'risidagi xalqaro Konvensiyasini ishlab chiqishni taklif etadi." Shuningdek, aynan Prezident Shavkat Mirziyoyevning taklifi va tashabbusi bilan, ShHTga a'zo davlatlar rahbarlari kengashida "ShHT davlat rahbarlarining yoshlarga qo'shma murojaati" qabul qilindi. Mazkur muammoga oid turli nuqtai nazarlar, fikr mulohazalarni umumlashtirgan holda qayd etish mumkinki, yoshlarning daxldorlik fazilati ta'lim, tarbiya uyg'unligida, intellektual, emotsional va amaliy faoliyati bilan bog'liqlikda shakllantirilishi kerak

Dunyo tajribasidan ma'lumki, budget taqchilligi va inqirozli holatlarning vujudga kelishi davlat qarzini oshishidagi sezilarli ahamiyatga ega bo'lgan omillardan bo'lib hisoblanadi. Bizning asrimizda geosiyosiy vaziyatning keskinlashuvi va iqtisodiy globallashtirishning chuqurlashuvi ortidan davlat qarzining ortishi tendensiyalari kuchayib bormoqda. Shu bilan birga, turli epidemik va pandemiya holatlarining ham tarqalishi davlatlarning favqulodda xarajatlarini ortishiga sabab bo'lmoqda<sup>3</sup>. Masalan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 19 martdagi "Koronavirus pandemiyasi va global inqiroz holatlarining iqtisodiyot tarmoqlariga salbiy ta'sirini yumshatish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5969-sonli Farmoni asosida O'zbekiston 1 mlrd. AQSh dollari hajmidagi tashqi qarzni jalb etishi ko'zda tutildi. Mazkur hujjatga ko'ra, O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzurida Inqirozga qarshi kurashish jamg'armasi tashkil etildi. Ushbu jamg'armaning fondi 10 trln. so'm etib belgilandi. Holbuki, ushbu jamg'arma global epidemik vaziyatning keskinlashuvi ortidan tashkil etilishiga zarurat tug'ildi. Ushbu jamg'arma doirasidagi xarajatlar favqulodda xususiyatga ega bo'lib, davlatning tashqi qarz jalb etishi bilan moliyalashtirilishi mumkinligi ko'zga tashlanadi. Mazkur farmonga ko'ra quyidagi yo'nalishlarda mablag'lar sarf etilishi ko'zda tutilgan<sup>4</sup>:

1. Koronavirus infeksiyasining tarqalishiga qarshi kurashish bo'yicha quyidagi tadbirlarni moliyalashtirish, shu jumladan: – davolash va boshqa muassasalarni

<sup>3</sup> Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. – Toshkent: "O'zbekiston" NMIU, 2017. – B.97.

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/4770761>.

koronavirus infeksiyasi tarqalishiga qarshi kurashish uchun zarur bo'ladigan dori vositalari va tibbiy buyumlar, himoya vositalari va test tizimlari bilan ta'minlash; – xavf-xatar ostida bo'lgan yoki virus yuqtirganlar bilan muloqotda bo'lgan shaxslarni karantinda saqlash bilan bog'liq xarajatlarni qoplash; – koronavirus infeksiyasi tarqalishiga qarshi kurashishda ishtirok etayotgan tibbiyot xodimlarini moddiy rag'batlantirish, respublika sanitariya-epidemiologiya xizmati tomonidan himoya choralari amalga oshirish xarajatlari uchun qo'shimcha mablag'lar ajratish; – yuqumli kasalliklarni aniqlash, profilaktika qilish va davolash bo'yicha tadbirlarga jalb etilgan davolash va boshqa muassasalarni qurish, ta'mirlash, rekonstruksiya qilish va jihozlash.

2. Quyidagilar orqali tadbirkorlikni va aholi bandligini qo'llabquvvatlash: – kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish agentligi huzuridagi «Tadbirkorlikni rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash» davlat jamg'armasi tomonidan birinchi navbatda ijtimoiy ahamiyatga ega iste'mol tovarlarini ishlab chiqarish, sotib olish va sotish uchun berilgan kreditlar bo'yicha foiz xarajatlarini qoplashga kafillik hamda kompensatsiya taqdim etishni kengaytirish; – respublika hududlarida iqtisodiy faollikni va bandlikni kengaytirishga qaratilgan qo'shimcha infratuzilma loyihalarini amalga oshirish, shuningdek, eng avvalo, kichik sanoat zonalarida muhandislik kommunikatsiyalarini qurish.

3. Aholini ijtimoiy qo'llab-quvvatlashni kengaytirish, shu jumladan, quyidagilar uchun qo'shimcha mablag'lar ajratish: – O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Kengashi orqali kam ta'minlangan oilalarni qo'llab-quvvatlash bo'yicha choralarni kuchaytirish va nafaqa oluvchilar sonini oshirish; – O'zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi huzuridagi Jamoat ishlari jamg'armasida jamoat ishlarini kengaytirish.

4. Quyidagilar orqali iqtisodiyot tarmoqlarining barqaror faoliyat yuritishini ta'minlash: – O'zbekiston Respublikasining davlat kafolati ostida jalb etilgan kreditlarni so'ndirish, shuningdek, birinchi darajali xarajatlarni amalga oshirish uchun foizsiz budjet ssudalari ajratish yo'li bilan strategik korxonalarini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash choralari ko'rish; – tashqi savdo faoliyatini amalga oshiruvchi tadbirkorlik sub'ektlari transport xarajatlarining bir qismini kompensatsiya qilish; – koronavirus infeksiyasi tarqalishining salbiy ta'siriga eng ko'p uchraydigan iqtisodiyot tarmoqlari va sohalarini, shuningdek, kredit portfeli sifati yomonlashgan hollarda tijorat banklarini qo'llab-quvvatlashning qo'shimcha choralari taqdim etish; – uch yilgacha bo'lgan muddatga foizsiz budjet ssudalarini ajratish orqali soliq

to'lash muddatlari bo'yicha kechiktirish taqdim etilishi hamda tadbirkorlik faolligining sustlashishi munosabati bilan Qoraqalpog'iston Respublikasi budjeti, viloyatlar va Toshkent shahar mahalliy budjetlarida olinmay qolinadigan daromadlar o'rnini to'ldirish. Demak, davlat qarzining yuzaga kelishi bevosita budget xarajatlarini ortishi natijasida ro'y berishi mavjud ekan<sup>5</sup>. Ushbu holatning yuzaga kelishi makroiqtisodiy muvozanatni saqlab qolish uchun davlatning bosh islohotchi vazifasini bajarishi bilan izohlanadi<sup>6</sup>. Ta'kidlash lozim, davlat qarzi va budget defitsiti o'rtasida uzviy bog'liqlik mavjud bo'lib, yirik defitsitlar qarzning asosiy omili bo'lib qolaveradi. Jahonning yirik suveren kredit reytinglarini aniqlash va baholash bilan shug'ullanuvchi agentliklari ham ushbu ko'rsatkichga alohida e'tibor qaratadi. Umuman, Xalqaro valyuta jamg'armasi O'zbekiston tashqi qarzini YaIMga nisbatan 55 foizgacha jalb etishni mo'tadil yoki barqaror deb baholashini ma'lum qilgan. Demak, hozirgi kunda O'zbekistonning tashqi qarz jalb etish imkoniyati bor. Zero, O'zbekistonning ayni paytda tashqi qarz olishi masalasi muhim. Chunki pandemiya davridagi iqtisodiy harakatsizlik holatida yalpi talab va yalpi taklifni ta'minlash orqali iqtisodiy faollikni minimal darajasida saqlab turishga imkon beradi. Ta'kidlash lozimki, hukumat tomonidan olib borilayotgan chora-tadbirlar ushbu olinadigan qarzlarni samarali ishlatilishiga kafolat bo'la oladi.<sup>7</sup>

Maxatma Gandi aytganidek, "Men uyimning darvoza va eshiklarini mahkam berkitib o'tira olmayman. Chunki unga toza havo kirib turishi kerak. Va shu barobarida eshik va derazalarimdan kirayotgan havo dovul bo'lib, xonadonimni ag'dar-to'ntar qilib, o'zimni yiqitib tashlashini ham xohlamayman"- deydi.

Hozirda taraqqiy etgan davlatlar qatoriga qo'shilishimiz uchun avvalo ilg'or zamonaviy axborot-kommunikatsiya, internet hamda raqamli texnologiyalar sohasidagi bilimlarni chuqur egallash orqali yuksalishning eng qisqa yo'lidan borishimiz kerak. Buning uchun jamiyatimizning barcha qatlamlarida innovatsion texnologiyalarni qo'llash borasidagi savodxonlikni uzluksiz ravishda oshirib borishimiz zarur. Raqamli iqtisodiyot atamasi ikki xil tushunchalarni ifodalash uchun ishlatiladi. Birinchidan, raqamli iqtisodiyot – bu rivojlanishning zamonaviy bosqichi hisoblanib, u ijodiy mehnat va axborot ne'matlarining ustuvor o'rnini bilan tavsiflanadi. Ikkinchidan, raqamli iqtisodiyot – bu o'ziga hos nazariya bo'lib, uning o'rganish ob'ekti, axborotlashgan jamiyat hisoblanadi. Boshqacha qilib aytgancha,

<sup>5</sup> <https://www.uza.uz> yoshlar-manaviyatini-yuksaltirish-ularning-bosh-vaqtini-mazmunli-tashkil-etish-boyicha-muhim-vazifalar-belgilab-berildi.html

<sup>6</sup> Erkaev.A: Globallashuv: axborot xuruji va ommaviy madaniyat. Tafakur. 2008, 4 son, 12- b.

<sup>7</sup> Erkaev.A: Globallashuv: axborot xuruji va ommaviy madaniyat. Tafakur. 2008, 4 son, 12- b.

raqamli iqtisodiyot bu onlayn xizmatlar ko'rsatish, elektron to'lovlarni amalga oshirish, internet savdo, kraudfanding va boshqa turdagi sohalarni raqamli kompyuter texnologiyalarini rivojlanishi bilan bog'langan faoliyatdir. Buning natijasida mamlakat YaIM tarkibida ishlab chiqarishdan ko'ra xizmatlar sohasining jadal sur'atlar bilan o'sishi yuzaga keladi<sup>8</sup>. Axborot texnologiyalarini rivojlanishi va tatbiq qilinishi evaziga kundalik hayotimizda juda ko'plab qulayliklar paydo bo'lmoqda. Raqamli texnologiyalar rivojlanishi ortidan inson, unga kerakli xizmatdan tezroq foydalanishi, internet orqali o'ziga kerakli mahsulotlarni arzon sotib olish bilan ko'plab pul mablag'lari va vaqtini tejashi mumkin. Albatta, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanishi, zamonaviy texnologiyalarning hayotimizga tadbiq etilishi har bir inson hayotida ko'plab ijobiy imkoniyatlar berishi mumkin.

#### REFERENCES:

1. Ochildiev A. Globalashuv va mafkuraviy jarayonlar. T.: Muharrir, 2009, - B.54.
2. Mirziyoyev Sh.M. Milliy tarqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib , yangi bosqichga ko'taramiz. – Toshkent: “O'zbekiston” NMIU, 2017. – B.97.
3. Erkaev.A: Globallashuv: axborot xuruji va ommaviy madaniyat. Tafakur. 2008, 4 son, 12- b.
4. <https://lex.uz/docs/4770761>.
5. <https://www.uza.uz> yoshlar-manaviyatini-yuksaltirish-ularning-bosh-vaqtini-mazmunli-tashkil-etish-boyicha-muhim-vazifalar-belgilab-berildi.html
6. <https://www.uza.uz> yoshlar-manaviyatini-yuksaltirish-ularning-bosh-vaqtini-mazmunli-tashkil-etish-boyicha-muhim-vazifalar-belgilab-berildi.html.

<sup>8</sup> Ochildiev A. Globalashuv va mafkuraviy jarayonlar. T.: Muharrir, 2009, - B.54.

## СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ АДАПТАЦИИ МОЛОДЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ В ТРУДОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**Режап Сатвалдиевна Садыкова**

Старший преподаватель, Ошский государственный университет, Киргизстан

E-Mail: [rezhap.sadikova@gmail.com](mailto:rezhap.sadikova@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ:

В статье рассматриваются социально-психологические основы адаптации и адаптивного потенциала личности молодых специалистов в контексте жизнедеятельности. Раскрываются особенности и психологические механизмы адаптации как процесс выбора и реализации способов поведения и форм общения личности, позволяющим согласовать требования и ожидания участников адаптивной ситуации в условиях, соответствующих или же, напротив, несоответствующих базовым ценностям личности и группы.

**Ключевые слова:** адаптация, адаптация специалиста, приспособления, социобильность, эмпатия, микросоциального взаимодействия, эффективность адаптации.

### ABSTRACT:

The article examines the socio-psychological foundations of adaptation and adaptive potential of the personality of young specialists in the context of life. The features and psychological mechanisms of adaptation are revealed as a process of choosing and implementing methods of behavior and forms of communication of a person, which makes it possible to coordinate the requirements and expectations of participants in an adaptive situation in conditions that correspond or, on the contrary, do not correspond to the basic values of an individual and a group.

**Keywords:** adaptation, specialist adaptation, adaptation, social stability, empathy, adaptation efficiency.

Одной из наиболее острых проблем в организациях Киргизистана на сегодняшний день является создание условий для успешной социализации и полноценной самореализации молодых специалистов. В системе профессиональном труде нуждается в компетентному, ответственному



специалисту, действующем в соответствии с государственной политикой и принципами психолого-педагогической науки.

Проблема психологического обеспечения адаптации и адаптивного потенциала личности молодых специалистов в контексте жизнедеятельности, особенности адаптации персонала в трудовой деятельности особенно актуальна при отсутствии достаточно разработанной концепции воспитательной работы в учреждениях. Можно рассматривать адаптацию как процесс выбора и реализации способов поведения и форм общения личности, позволяющим согласовать требования и ожидания участников адаптивной ситуации в условиях, соответствующих или же, напротив, несоответствующих базовым ценностям личности и группы.

Термин "адаптация" применяется в различных областях науки. Адаптация – это взаимное приспособление специалиста и организации, основывающееся на постепенной выработке сотрудника в новых профессиональных, социальных и организационно-экономических условиях труда.

Под адаптивностью обычно понимают наличие некоторых индивидуальных характеристик, позволяющих личности наиболее быстро и эффективно решать проблемные ситуации, нормализуя своё взаимодействие со средой. Традиционно адаптивные качества трактуются в контексте черт личности или же контексте эффективного поведения и навыков. Здесь рассматриваются личностные диспозиции, установки, черты характера, а так же взаимодействия со средой и стратегии поведения.

Одна из центральных проблем исследования адаптивного потенциала личности мозаичность получаемых данных и трудность согласования результатов, описанных разных авторами. Огромные массивы эмпирических данных, накопленные к настоящему времени не позволяют прийти к какому-то заключению относительно состава качеств, которые можно трактовать как адаптивные.

В поиске причин такого разнообразия мы находим два положения:

- 1) Во-первых, об относительности адаптивных качеств;
- 2) Во-вторых, о существовании разных (возможно индивидуальных) стилей адаптации.

Проблема адаптации персонала на предприятии и ее влияние на эффективность работы персонала в различных аспектах рассматривалась в

научных публикациях Т. Н. Вершининой, А.Я. Кибановой, Е.А. Аксеновой, К. Яковлевой, Щ.Г. Бринцевой и других авторов.

Большое внимание трудовой адаптации уделялось в 70-80-е гг. ведущими теоретиками: А.А. Дикаревой, О.И. Зотовой, В.Н. Ивановым А.Ф. Филипповым. Их исследования основывались на том, что работник должен адаптироваться к условиям производства, а управление адаптацией заключалось преимущественно в воздействии на поведение работника. Вместе с тем рыночные преобразования, изменение форм собственности, общее ухудшение экономического состояния Узбекистана привели к тому, что во второй половине 80-х и в 90-х гг. вопросы управления трудовой адаптацией как способа повышения эффективности использования персонала, отошли на второй план. Только в некоторых работах трудовая адаптация работника к производственной среде предприятия рассматривается как элемент системы управления персоналом (Кибанов А.Я., Веснин В.Р.). Среди ученых, исследующих данную проблему в настоящее время, можно выделить Шекшня С.В., Аксенова Е.А., Яковлева К., Чеверик В.Е.. Несмотря на большое разнообразие исследований в данной области, все авторы сходятся в одном: помочь сотруднику успешно влиться в новую организацию - важнейшая задача его руководителя и специалистов по кадрам.

Молодой специалист входя в организацию сталкивается с социальной и производственной адаптацией. В определенной мере эти два вида адаптации пересекаются друг с другом, но каждая из них имеет и самостоятельные сферы приложения: социальная деятельность не замыкается на производстве, а производственная - включает и технические, и биологические, и социальные аспекты.

Важнейшими компонентами адаптации специалиста являются согласования самооценок и притязаний специалиста с его возможностями, с одной стороны, с другой стороны реальностью производственной среды, в которой он адаптируется. Здесь возможны противоречия, от глубины и разрешимости которых зависит успешность адаптации.

Адаптация специалиста в организации представляет собой многосторонний процесс его приспособления к содержанию и условиям трудовой деятельности, к непосредственной социальной среде, совершенствования деловых и личных качеств специалиста. Это процесс,

который требует как от специалиста, так и от коллектива взаимной активности и заинтересованности друг в друге.

Цель адаптации заключается в:

- возможности более быстрого достижения специалистами показателей, приемлемых для организации;
- вхождении специалиста в рабочий коллектив, в его неформальную структуру и ощущение себя членом команды;
- развитию у нового специалиста удовлетворенности работой, позитивного отношения к работе и реализма в ожиданиях.;
- уменьшении стартовых издержек, так как пока новый специалист плохо знает свое рабочее место, он работает менее эффективно и требует дополнительных затрат;
- снижении озабоченности и неопределенности у новых специалистов;
- экономии времени руководителя и сотрудников, так как проводимая по программе работа помогает экономить время каждого из них;
- развитию позитивного отношения к работе, удовлетворенности работой.

Способы включения новых сотрудников в жизнь организации могут существенно активизировать творческий потенциал уже работающих сотрудников и усилить их включенность в корпоративную культуру организации. Для руководителя же информация о том, как организован в его подразделении процесс адаптации новых работников, может многое сказать о степени развития коллектива, уровне его сплоченности и внутренней интеграции.

Таким образом, специалист, который недостаточно адаптировался к работе в организации, требует значительно больше времени на помощь в процессе выполнения возложенных на него обязанностей. А процесс взаимного приспособления, или трудовой адаптации, сотрудника и организации будет тем успешнее, чем в большей степени нормы и ценности коллектива являются или становятся нормами и ценностями отдельного сотрудника, чем быстрее и лучше он принимает, усваивает свои социальные роли в коллективе.

Одной из задач адаптации в настоящее время является установление взаимодействия между учреждениями профессиональной подготовки, ВУЗами и предприятиями, которые в свою очередь должны иметь возможность оперативно выявлять ресурсы рабочей силы необходимой квалификации и

удовлетворять потребности в кадрах. Профессиональная ориентация и адаптация должны содействовать быстрым структурным сдвигам в занятости при одновременном поддержании безработицы на возможно низком уровне. Однако практическое решение этой задачи тормозится неразвитостью рынка труда. Государственная служба занятости пока не в состоянии эффективно управлять профориентацией и адаптацией. Главной задачей адаптации должно стать преодоление дисбаланса потребности в профессиональном труде между работником и организацией. Ведь организация заинтересована в повышении конкурентоспособности своей продукции, а это требует отбора как высокоэффективных технологии и техники, так и наиболее способных работников.

Таким образом, можно сделать вывод, что в Киргизистане адаптация персонала – первичный и важнейший аспект развития и процветания организации. От того, как будет поставлена система адаптации персонала в организации, в дальнейшем будет зависеть, насколько эффективно будет работать сотрудник, насколько будет возможным использовать его потенциал в правильном направлении.

## REFERENS

1. Балл Г.А. Понятие адаптации и его значение для психологии личности //Вопросы психологии. - 1989. - № 1. -С.92-100.
2. Березин Ф.В. Психическая и психофизиологическая адаптация человека - М.: Знание, 1988. - 156 с.
3. Вершинина Т.Н. Взаимосвязь текучести и производственной адаптации рабочих. - Новосибирск: Наука, 2006. - 202 с.
4. Chulponova H.T. Psychological aspects of professional adaptation of young specialists in the social and labor sphere. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences SJIF 2023=6,131/ ASI Factor=1,7, Jan., 2023. 3(1/2) 231-236с.
5. Кибанов А. Я. Управление персоналом организации. – М. : Высшее образование, 2007. – 508 с.
6. Чулпонова Х. Т. Сущность профессионального самосознания будущего педагога //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. TSTU Conference 1. – С. 666-671.
7. Чулпонова Х. Т. Сущность профессионального самосознания учителя

//Инновации в педагогике и психологии. – 2018. – №. 1. – С. 83-86.

8. Nazarova, N. J. R., & Jumaniyazova, N. S. (2023). YANGI O 'ZBEKISTONDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISH VA UNDA MALAKALI KADRLARNI TAYYORLASH MASALASI. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(4), 138-143.

9. Jumaniyozova, N. S. (2023). GLOBALASHUV DAVRIDA YURTIMIZDA TA'LIM TIZIMIDA AMALGA OSHIRILAYOTGAN O'ZGARISHLAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(10), 464-469.

10. Маткаримова, Д. Д., & Пулатов, М. (2018). ОТ СИЛЬНОГО ГОСУДАРСТВА ДО СИЛЬНОГО ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА. *Теория и практика современной науки*, (4 (34)), 402-405.

11. Saparbayevna, J. N., Jo'rayevna, N. N., & Abdinazarovich, R. D. (2023). YOSHLARDA MAS'ULIYAT HISSINI TARBIYALASHNING IJTIMOIIY-FALSAFIY MONIYATI. *World of Science*, 6(5), 25-28.

12. Хусенов, Н., Хонимкул, С., Нурмаматов, Т., & Маткаримова, Ж. Д. ВОПРОСЫ АКТИВИЗАЦИИ УЧАСТИЯ МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА В ЖИЗНИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА. *Zbiór artykułów naukowych recenzowanych.*, 36.

13. Назарова, Н. Ж. (2022). ФОРМИРОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ МОЛОДЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ В СФЕРЕ ТРАНСПОРТА. In *Транспорт России: прошлое, настоящее и будущее (к 185-летию открытия первой отечественной железной дороги)* (pp. 165-170).

## СОЦИАЛ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА УНИНГ СОЦИУМДАГИ ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТГА ТАЪСИР ЭТИШ ОМИЛЛАРИ

**А. К. Хакимова**

таянч докторант (PhD)

Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент

### АННОТАЦИЯ

Мақолада жамиятдаги бошқарув фаолияти маданиятининг ривожланиш тарихи – қадимги даврлардан тортиб то ҳозирги замон цивилизацияси ютуқларигача бўлган ривожланиш йўллари кўриб чиқилган, таниқли файласуфларнинг бошқарувнинг моҳияти ва табиати ҳақидаги қарашлари акс этирилган. Ундан ташқари муаллиф томонидан илмийсоциологик тадқиқот натижаларидан кенг фойдаланган бўлиб, мазкур мақолада Фарғона вилоятида фаолият юритаётган тегишли давлат хизматчилари ҳамда корхона, муассаса ва ташкилот ходимлари ўртасида ижтимоий маънавий муҳитнинг бошқарув фаолиятига таъсир қилиш омиллари кенг ёритилган.

**Таянч сўзлар:** маданият, бошқарув фаолияти, бошқарув маданияти, жамиятдаги бошқарув фаолияти маданияти

### ABSTRACT

The article examines the history of the development of the culture of governance in society - the path of development from ancient times to the achievements of modern civilization, reflects the views of prominent philosophers on the nature and essence of governance.

In addition, the author made extensive use of the results of scientific and sociological research.

Apart from this article describes in detail the factors influencing the management of the social and spiritual environment among the relevant civil servants and employees of enterprises, institutions and organizations operating in the Fergana region.

**Keywords:** culture, management activity, management culture, culture of management activity in the society.



## АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается история развития культуры управления в обществе - путь развития от древнейших времен до достижений современной цивилизации, отражены взгляды выдающихся философов на сущность и природу управления. Кроме того, автор широко использовал результаты научных и социологических исследований.

В данной статье подробно описаны факторы, влияющие на управление социальной и духовной средой у соответствующих государственных служащих и работников предприятий, учреждений и организаций, действующих на территории Ферганской области.

*Ключевые слова:* культура, управленческая деятельность, культура управления, культура управленческой деятельности в обществе.

Ижтимоий фалсафада маданият муаммоси ўзига хосдир, чунки ижтимоий фалсафанинг бошқа ҳеч бир категорияси маданият каби жуда бой ва ранг-баранг хусусиятларга эга эмас. Маданият ҳодисасининг кўпқирралигини тан олиб, ижтимоий файласуфларнинг кўплаб назарий тадқиқотларига таянган ҳолда, жамиятдаги бошқарув фаолияти маданияти тарихини ўрганишга тўхталиб ўтамиз.

Жамиятда бошқарув асосларнинг пайдо бўлиши "диний-тижорат" деб номланган "биринчи бошқарув инқилоби" ни назарда тутди. Бу қадимги жамиятларда - Шумер, Миср ва Аккада - руҳонийлар юқори табақаси томонидан диний таълимотга асосланган бошқарувнинг асосий тамойилларини шакллантирганлиги билан боғлиқ.

Милоддан аввалги 4 мингйиллик ўрталарида инсониятнинг ибтидоийликдан цивилизацияга, инсоният жамияти тараққиётининг юқори босқичига ўтиши бошланган. Бу ўтишнинг кўрсаткичлари биринчи давлатларнинг вужудга келиши, шаҳарларнинг ривожланиши, ёзув, диний-маданий ҳаётнинг янги шаклларида намоён бўлди. Ўша давр бошқарувини кўрадиган бўлсак, Шумер шаҳарлари ҳукмдорлари ўз хазинасига эга бўлиб, мулк ҳисобини юритган, қонун чиқариш ҳуқуқига эга бўлган. Худди шу даврда давлатнинг давлат чегаралари белгиланиши ҳамда армия тузилиши бошланган.

Биринчи инқилоб натижасида бошқарув тижорат ва диний фаолият қуроли сифатида шаклланди, кейинчалик ижтимоий институт ва касбий машғулотга айланди. Шу ўринда ёзувнинг ихтиро қилиниши ҳам инсониятнинг энг катта ютуқларидан бири бўлди.

Давлатлараро муносабатларда жамиятни бошқариш маданиятига келсак, давлат чегаралари муаммосига оид бизгача етиб келган дастлабки ҳужжатлардан бири милоддан аввалги 2260 йилда тузилган Элам ва Аккада давлатларини иттифоқи тўғрисидаги шартномадир. Ушбу шартномага биноан давлатлар ўртасидаги келишувга мувофиқ чегара белгиланиб ўтган [1, 35 б].

Иккинчи бошқарув инқилоби қирол Ҳаммурапи (милоддан аввалги 1792 - 1750) даврида содир бўлган. Бу даврда Бобил подшолиги деярли бутун Месопотамияни ўзига бўйсундирган бўлиб, Ҳаммурапи ўз халқини қатъий тартиб-интизом ва яхши хулқ-атворга ўргатиш учун бизгача деярли тўлиқ етиб келган қонунлар тўпламини чиқарди. Қонунлар тўпламида жамият ҳаётининг турли масалаларига оид 282 та модда мавжуд бўлган. Тахминларга кўра, бу даврда бошқарув маданиятининг концептуал асослари яратилган, улар давлат ишларини ҳал қилиш, ташқи ва ички сиёсатни олиб бориш услубларида ўз ифодасини топган.

Жамиятни бошқаришдаги иккинчи инқилобнинг моҳияти бошқарувнинг соф дунёвий услубининг вужудга келиши, одамлар муносабатларини ташкил этиш ва тартибга солишнинг расмий тизимининг шаклланиши ва ниҳоят, раҳбарлик услуб и асосларининг ҳамда хулқ-атворни рағбатлантириш усуллариининг пайдо бўлишидадир. Бинобарин, ижтимоий муносабатларнинг ёввойиликдан аграр шаклларига ўтиш даврида бошқарув фаолияти маданиятининг асослари шаклланиши юз берган.

Жамият цивилизацияси ривожланишининг навбатдаги босқичи фалсафий фикрнинг олдинга чиқиши туфайли янги бошқарув ғояларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Дунёнинг турли минтақаларида (Қадимги Хитой, Қадимги Ҳиндистон ва Юнонистон) фалсафий мактабларнинг вужудга келиши, учинчи бошқарув инқилобининг бошланиши учун асос бўлди.

Милоддан аввалги 6-аср фалсафаси инсонга ҳаётда одат ёки анъанага эмас, балки таълим ва интеллектуал изланиш жараёнида тўпланган ўз ақли ва билимига асосланган янги ҳаётий позицияни таклиф қилади. Бу ёндашув бошқарув жараёнига ҳам тааллуқли бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, қадимги дунёнинг учта марказида фалсафа генезисини умумийлиги қадимги Ҳиндистон ва қадимги Хитойда, Юнонистоннинг кўплаб полисларида тизимли фалсафий билимларнинг шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини истисно этмади.

Хитой қадимий цивилизация ва бой фалсафий меросга эга мамлакатдир. Хитойда фалсафа қадимги Хитой тарихининг учинчи даври охирида пайдо бўлади ва ўзининг энг юқори чўққисини эгалайди. Ўша даврда ижодий жиҳатдан олти асосий фалсафий мактаблар мавжуд бўлган: конфуцийлик, моизм, ҳуқуқ мактаби ("фа - цзя") (Европа терминлари билан – легизм), даосизм, "инь-ян" мактаби (табиий файласуфлар), номлар мактаби ("минг цзя").

Уруғ-аймоққа асосланган тузилманинг бузилиши ва Хитой давлатчилигининг шаклланиши савдо алоқаларини кучайтирди, авваллари алоҳида бўлган жамоалар маданиятини бирлаштирди. Натижада жамиятнинг мулкӣ табақаланиши кузатила бошланди: “сяо” меъёри – ёши улуғларни эъзозлаш – узоқ вақт давомида Хитой ижтимоий ҳаётининг бузилмас қадрияти тез-тез моддий фойда талабларига алмаштирила бошлади.

Шундай қилиб, Хитойда ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг янги тамойилларини ишлаб чиқиш қадимги Хитой файласуфлари асарларида асосий муаммолардан бирига айланади. Бундай шароитда ижтимоий бошқарувнинг моҳиятига оид асосий қарашлар шаклланди: патриархал-патерналистик бошқарув, анъана ва маросимлар, ахлоқий қоидаларга риоя қилиш орқали бошқариш (Конфуций); "доноликка ҳурмат" каби бошқарув (Мо-цзы); ҳаракат қилмаслик тамойилига асосланган бошқарув (Лао-цзы, Ян Чжу, Чжуан-цзыу); қонунга риоя қилиш, жазодан қўрқиш орқали бошқарув (Шан Ян, Хань Фэй-цзы ва бошқа легистлар) [2, 56 б].

Конфуций халқни бошқариш калитини юқоридагиларнинг қуйидагилар олдидаги ахлоқий намунаси кучлилигида кўрди. Бундан ташқари, у ижтимоий бошқарувнинг асосини маросим ва анъаналарга риоя қилиш деб ҳисоблади.

Даосизм мактабининг ижтимоий бошқаруви асосида хулқ-атворнинг энг юқори шакли (у вэй) сифатида ҳаракат қилмаслик тамойили ётади. Доно ҳукмдор ҳамма нарсани ўз табиий йўлида боришига имкон беради (дао). Шунинг учун “энг яхши ҳукмдор - бу халқ унинг мавжудлигининг биладиган ҳукмдордир”. Халқни илм билан бошқариш юртга бахтсизлик келтиради, илмнинг ёрдамисиз бошқариш эса юртни саодатга етаклайди [3, 67 б]. Бироқ, бу тамойил жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз функцияларини аниқ ва қатъий тартибга солишини назарда тутади.

Жамият хавфсизлигини таъминлаш муаммосига келсак, Конфуций зўравонлик усулларига қарши, аммо тинч йўллар асосида "Самовий империя"

чегараларини кенгайтириш тарафдори эди. Масалан, ассимиляция қилмаган ҳолда, кўшни ҳудудларга фаол равишда жойлашиш таклифини берди.

Моистлар ўз таълимотларида бошқарувни такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқдилар. Улар хукмдорлар доноликни ҳурмат қилишлари, хизматчиларни иш жойига ва хушомад қилиш қобилиятига қараб эмас, балки ишбилармонлик фазилатларига қараб танлашлари, уларга ҳақиқат айтилганда ҳурмат билан тинглашлари керак деб ҳисоблашган.

Тадқиқот методологияси. Давлатни бошқариш, унинг чегаралари ва уларни ҳимоя қилиш муаммосига ижтимоий-фалсафий ёндашувлар ҳам Қадимги Ҳиндистонда шакллантирилган ва улар соф динийидеалистик нуқтаи назарга эга бўлган. Ўша даврнинг энг йирик рисоаларидан бири "Артхашастра ёки сиёсат фани"да (милоддан аввалги III аср) қадимги Ҳиндистон давлатларидан бирининг чегарасини кўриқлаш тартиби, жумладан, "чегара кўшинлари бошлиғининг вазифалари" ва "чегара кўриқчилари" батафсил тавсифланган [4, 78 б].

Антик (қадимги юнон) фалсафаси милоддан аввалги 7-6 асрларда вужудга келган. У муайян иқтисодий, ижтимоий, маданий ва тарихий шароитларда шаклланган. Бу даврга келиб, Қадимги Юнонистонда анча ривожланган кулдорлик жамияти мавжуд бўлиб, ихтисослашган хусусиятга эга мураккаб ижтимоий синфий тузилма ва меҳнат тақсимооти шаклларига эга эди. Масалан, Афлотун жамият ва давлат бошқарувини файласуфларга – ўша даврнинг энг ўқимишли одамларига ўтказиш ғоясини асослаб берган. Бу ғоянинг маъноси илмий базага асосланган бошқарув қарорини ишлаб чиқишдан иборат бўлган [5, 88 б].

Учинчи бошқарув инқилоби Ҳаммурапи вафотидан минг йил ўтгач содир бўлди. Бобил ўзининг аввалги шон-шухратини тиклайди ва ўзини дунёга бошқарув амалиётини ривожлантириш маркази сифатида эслатади.

Навуходоносор II нинг ютуқлари - қурилиш фаолияти ва техник жиҳатдан мураккаб лойиҳаларни ишлаб чиқиш, бошқарувнинг самарали усуллари ва маҳсулот сифатини назорат қилиш - бошқарувдаги учинчи инқилобни тавсифлайди.

Қадимги Римда ҳам бошқарув инновацияларига катта аҳамият берилган. Улардан энг машхурлари Диоклетианнинг (эрализнинг 243 - 316 йиллари) ҳудудий бошқарув тизими ҳамда 2 асрданоқ функционализм тамойилларидан фойдаланган Рим-католик черковининг маъмурий иерархиясидир [6, 96 б].

Ҳозирда ҳам ушбу ташкилот Фарб оламидаги энг мукаммал расмий ташкилот деб ҳисобланади. Унинг ҳиссалари бошқарув назарияларида юқори баҳоланади.

Шундай қилиб, Қадимги Хитой, Ҳиндистон ва Антик давр фалсафаси фалсафанинг алоҳида ижтимоий-маданий турлари бўлиб, улар доирасида бошқарувнинг фундаментал муаммолари кўтарилган, фалсафанинг асосий муаммолари шаклланган ва унинг ривожланишининг асосий йўналишлари очиқ берилган. Фалсафанинг ушбу социал-маданий типлари жамият тараққиётига инқилобий таъсир кўрсатди ва шу билан жамиятда ижтимоий бошқарув маданияти ҳақидаги фалсафий қарашларнинг аҳамиятини тасдиқлади.

Ўрта аср фалсафий тафаккури яккахудолик (монотеизм) дини – яҳудийлик, насронийлик, ислом динига асосланади. Черков доирасида жамиятда ижтимоий бошқарув усуллари тизими ишлаб чиқилган: бошқарув субъектларини тайёрлаш, диндорларнинг интизомини "мафкуравий" асосда шакллантириш, инсон маънавий ҳаётига таъсир қилиш усуллари ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Уйғониш даврида фалсафий тафаккурнинг диққат марказида инсон бўлган. Худо ҳамма нарсанинг боши, лекин бутун дунёнинг маркази – инсондир деган тамойилга асосланган. Ижтимоий адолат ва тенглик ҳақидаги асосий ғоялар Т.Мор, Т.Кампанелла, Т.Мюнцер, Н.Макиавелли, Э.Роттердамский ва М.Монтенларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Унинг доирасида субъектнинг оқилона фаолият ташувчиси сифатидаги билимларнинг бошқарувдаги роли ҳақидаги ғояларни шакллантириш давом этилган.

XVII-XVIII асрлардаги тўртинчи бошқарув инқилоби капитализмнинг туғилиши ва Европа цивилизациясининг саноат тараққиётини бошланиши билан бир вақтга тўғри келди. Бу даврнинг бошқарув соҳасидаги асосий инқилобий ўзгаришлари унинг мулкчиликдан ажралиб чиқиши ва профессионал бошқарувнинг пайдо бўлиши эди [7, 45 б].

Бешинчи бошқарув инқилоби 19-аср охири ва 20-аср бошларида содир бўлди. Аксарият ҳолларда уни бюрократик деб аташади, сабаби жамиятда ижтимоий бошқарувнинг йирик иерархик тузилмаларини шакллантиришга, меҳнат тақсимотини амалга оширишга, меъёрлар ва стандартларни жорий этишга, бошқарувчиларнинг иш вазифалари ва масъулиятини белгилашга имкон берган бошқарув соҳасидаги ўзгаришларнинг назарий платформаси бюрократия концепцияси бўлди.

Шундай қилиб, бошқарув инқилобларининг юқоридаги таснифи уларнинг ривожланиш мантиғини кузатиш имконини беради, яъни: биринчи тўртта инқилоб даврида бошқарув санъат сифатида тушунилган, яъни бошқарувчиларнинг тўплаган тажрибасини амалиётда самарали қўллаш қобилиятини акс эттирган; бешинчи бошқарув инқилоби эса бошқарув тушунчасини инсон билимининг мустақил соҳасига, яъни фанга айланиши бошланишини англаган [8].

### REFERENCES

- 1.Хинц В. Государство Элам. М., 1977.
- 2.Чанышев А.Н. Курс лекций по древней философии. Учеб. Пособие. М., 1981.
- 3.Древнекитайская философия. Собр. текстов. В 2-х т. М., 1972-1973 гг.
- 4.Артхашастра, или Наука политики. М., - Л., 1959 г.
- 5.Герейханов Г.П. Философско-методологические проблемы управленческой деятельности. Учеб. пособие. М., 2010г.
- 6.URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Diokletian> (дата обращения 15 апреля 2011 г.).
- 7.Основы социального управления. Учеб. пособие. / Под ред. В.Н. Иванова. М., 2001 г.
- 8.URL:<http://www.litres.ru/static/OR/or.html?data=/static/trials/00/32/04/00320462.gur.html&art=320462&user=0&trial=1> (дата обращения 25 апреля 2011 г.).
- 9.Хайдаров Аброр. Глобаллашув ва янги мустақил давлатларнинг барқарор ривожланиши: назарий социологик таҳлил . Tadqiqot UZ Ижтимоий тадқиқотлар журнали (2022, 1 - махсус сон. Б.22-29. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)



## АНЪАНАВИЙ ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Хадича Тошбаевна Чўлпонова**

“Ижтимоий фанлар” кафедраси и.б.доценти

### АННОТАЦИЯ:

Мақолада инновацион ва анъанавий таълимни ташкиллаштиришда ҳам ўқитувчида, ҳам талабаларда намоён бўладиган ички имкониятларнинг қиёсий хусусиятлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Инновацион таълим, анъанавий таълим, синф-дарс тизими, технологик ёндошув.

### АННОТАЦИЯ:

В статье дана сравнительная характеристика внутренних возможностей как преподавателя, так и учащихся в организации инновационного и традиционного образования.

**Ключевые слова:** Инновационное образование, традиционное образование, классная система, технологический подход.

### ABSTRACT:

The article provides a comparative description of the internal capabilities of both teachers and students in organizing innovative and traditional education.

**Keywords:** Innovative education, traditional education, classroom system, technological approach.

Мустақил Ўзбекистонимизда таълим жараёнини самарадорлигини оширишда, ўқувчилардаги билим ва тушунчаларни шакллантириш, ижодий қобилиятлари ва шахсий фазилатларини ривожлантиришда, уларни билим ва кўникмаларини амалиётга тадбиқ эта олиш малакаларини такомиллаштиришда инновацион таълимнинг имкониятлари ва муваффақиятларини ўрганиб чиқиш, анъанавий таълимнинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини мувофиқлаштириш мақсадга мавофиқдир.

“Анъанавий таълим” тушунчаси остида буюк чех педагоги Ян Амос Коменский томонидан шакллантирилган, XVII асрда дидактик принциплар

остида мустаҳкамланган, ҳозирги кунга қадар дунё мамлакатларида кенг тарқалган синф-дарс шаклини ташкил этиш тушунилади.

Анъанавий синф-дарс тизими технологиясининг қиёсий белгилари:

- Таълим жараёнида асосий таркибий тузилишни сақлаб қолган, бир хил ёшдаги ва даражадаги ўқувчилар гуруҳининг мавжудлиги;
- Йиллик режа ва дастурга асосланиб, жадвал бўйича ишлайдиган синф;
- Машғулотларни асосий бирлиги дарс ҳисобланади;
- Дарс қоидага кўра битта предметнинг битта мавзусига оид бўлиши лозим;
- Таълим жараёнини ўқитувчи бошқаради: бунда у ўқувчининг ўзлаштиришини баҳолайди, унинг мустақил ишларига раҳбарлик қилади ва йилнинг охирида ўқувчиларни кейинги босқичга ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади;
- Ўқув адабиётлари асосан уйда мустақил ишлаш учун қўлланилади.

Синф-дарс тизимининг атрибутлари ўқув йили, чорак, куни, дарс жадвали, ўқув таътили, танаффус, уй вазифаси ва баҳолар ҳисобланади. Анъанавий таълим ўзининг фалсафий асосига кўра педагогик мажбурлаш хусусиятига эга. Бунда таълимнинг асосий мақсади: таълим стандартида акс эттирилган фаннинг асосларини ўзлаштириш, билимлар тизимини шакллантиришдир. Анъанавий технология мактаби шахснинг маданий ривожланганлигига эмас, балки унинг илмий билимлар, ахборотлар билан таъминланганлигига қаратилган билимлар мактаби бўлиб сақланиб қолган.

Анъанавий таълимнинг асосини қуйидаги Ян Амос Коменский томонидан талқин принциплар ташкил қилади.

1. Илмийлик принципи (ёлғон билимлар бўлиши мумкин эмас, улар фақат тўлиқ бўлмаслиги мумкин).
2. Кетма-кетлик ва тизимлилик (таълим ўқувчининг ривожланганлик даражасини белгилайди).
3. Тушунарлилик принципи (ноаниқдан аниқликка, осондан-қийинга ўтиш).
4. Мустаҳкамлаш принципи (такрорлаш- билимлар онасидир).
5. Онглилик ва фаоллик принципи (ўқитувчи томонидан қўйилган вазифани ўрганиш, уни бажаришда фаол бўлиш талаб этилади).

6. Кўргазмалилик принципи (таълимнинг кўргазмалилиги 55% самарадорликка эга).

7. Назария ва амалиётнинг бирлиги принципи (назария амалиётсиз бўлмайди ва унинг акси).

8. Ёш даврлар ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш принципи (ҳар ёш даврининг психологик хусусиятлари билиш тақазо этилади).

Анъанавий технология авторитар хусусиятга эга бўлиб, шахснинг ижодий намоён бўлиши, индивидуал қобилиятларини намоён қилиши учун шарт-шароитнинг амалий тарзда мавжуд эмаслиги билан ажралиб туради. Бошқа технологиялар каби анъанавий таълимнинг ҳам кучли ва заиф томонлари мавжуд. Анъанавий таълимнинг ижобий томонларига:

- Таълимнинг тизимлик хусусияти;
- Материални мантиқий ва кетма-кет берилиши;
- Аниқ ташкиллаштирилганлиги;
- Оммавий таълимда мавжуд ресурсларнинг оптимал тарзда тақсимланиши.

XX асрнинг охирида педагогикада шахсга йўналтирилган, ҳаётнинг турли вазиятларига онгли ёндошадиган ва маъсулиятли мактаб битирувчисига муҳтож бўлган таълим тизими зарур бўлиб қолди. Бу мақсадни амалга ошириш учун анъанавий технологиядаги билимлар ва ижтимоий меъёрларни расмий узатишдан фарқли ўлароқ, ўзига хос бўлган таълим-тарбия тизимини яратиш мақсадга мувофиқ эди.

Ҳозирги кунда ўқув жараёнини самарадорлигини ошириш борасида таълимни инсонпарварлаштириш, ўқувчининг имкониятларини ривожлантириш каби муаммолар мавжуд. Ўқитиш мотивациясининг пасайиши, ақлий зўриқишлар, ўқувчиларнинг оммавий “касалланиши” педагоглар учун нафақат таълимни ташкил этишни қийинлаштиради, ҳаттоки таълимдан йироқлаштиради ҳам. Таълим жараёнининг мазмунини ўзгартириш ва унга хос методологияни танлаш ўқитувчи ҳал этадиган асосий вазифалардан биридир. Таълимнинг алоҳида шакллари ва методлари ўрнини хусусий хусусиятга эга бўлган яхлит таълим технологияси эгаллади. Бу технология аниқ қийинчиликлар ва муаммоларни ўзида мужассамлаштирган технология ҳисобланади. Бу ўз навбатида “таълим технологияси”, “ўқитиш технологияси”, “таълимда технологик ёндошув” каби тушунчаларни ўзида акс эттирган фан сифатида юзага келди.

Инновацион таълимнинг мазмунини “Ўтмишни изламанг, келажакни куринг!”-деган ибора билан ёритиш мумкин. Ўқув жараёнига инновацион ёндошув талабалардаги ижодий ва танқидий тафаккурни шакллантирилишига йўналтирилган янги тажрибаларни ўзлаштириб олиш имкониятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Инновацион таълимда педагог фақат ўқув-тарбиявий жараёни таъминлаб қолмасдан, балки ўқувчини бутун таълим жараёни давомида ҳар томонлама муваффақиятли ўзлаштиришини таъминловчи психолого-педагогик, ижтимоий-психологик шароитларини ҳам яратади. Бунда инновацион технологиянинг анъанавий технологиядан фарқли томони, ҳар томонлама ривожланган, ҳаётнинг янги шартларига мослаша оладиган, ўзининг касбий хусусиятларини аниқлай биладиган ва ижодий тафаккурини ривожлантира оладиган шахснинг индивидуаллик хусусиятини намоён қилиш ётади. Бу йўналиш ўқув қидирув ва тадқиқот фаолиятини, таълимни ўйин сифатида – фаол фикр алмашиши жараёнини, ижодий мунозара каби таълим моделларини ташкил этиш ва қайта ишлаб чиқиш билан узвий боғлиқдир.

Қуйида инновацион ва анъанавий таълим муносабатларининг қиёсий тавсифини кўриб чиқамиз.

Хусусиятлари	Анъанавий таълим	Инновацион таълим
1. Мақсади	1.Билим бериш	1.Билимларни шакллантириш
2. Тавсифи	2.Назарий	2. Амалий муносабат
3. Ўзаро муносабатлар ва ундаги лидерлик хусусияти	3.Мулоқотни баланддан куриш	3. Мулоқотни ёнма-ён куриш
4. Педагогнинг шиори	4.Маълумот узатиш	4. Маълумотни муҳокама қилиш
5. Ўзаро ҳамкорлик	5.Бир томонлама	5. Қайтар алоқа
6. Ташкил этиш шакли	6.Синф-дарс	6. Тренинг
7. Таълим шакли	7.Оммавий	7. Гуруҳларда ишлаш
8. Етакчилик принципи		8. Тизимлилиқ
9. Ўқувчининг етакчи фаолияти		
10. Ўзлаштириш йўли		

<p>11. Ўқитувчининг вазифаси</p> <p>12. Ўқувчининг позицияси</p>	<p>8. Илмийлик</p> <p>9. Қабул қилувчи</p> <p>10. Ўқиб ўрганиш</p> <p>11. Ўқитиш</p> <p>12. Тинглайди, ёзиб олади.</p>	<p>9. Ўзи синаб кўради, таҳлил қилади, хулоса чиқаради</p> <p>10. Билганини ўргатади</p> <p>11. Маслаҳат беради, йўналтиради</p> <p>12. Мунозарада катнашади</p>
--	--	--

### REFERENCES:

1. Ишмухаммедов Р, Абдуқодиров А Таълимда инновацион технологиялар. – Т., 2012
2. Омонов Н.Т педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат Т., -2012
3. Клемешева Л.С., Козловская Л.А. и др., Основы организации обучения в вузе: Учеб. пособие. Т.: 1999
4. Файзуллаева Д.М., Ганиева М.А., Неъматов И. Назарий ва амалий ўқув машғулотларда ўқитиш технологиялари тўплами. Методик қўлланма / Ўрта махсус, касб-хунар таълимида инновацион таълим технологиялари сериясидан – Т.: ТДИУ, 2013.
5. Xadicha C. Psychological Bases of Improving Professional Competence of Young Specialists //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2020. – Т. 8. – №. 3. – С. 73-77..
6. Шарифбаева Х. Я., Чўлпанова Х. Т. Техник таълим тизими мутахассислик фани ўқитувчиси: талаб ва таклиф //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. TSTU Conference 1. – С. 334-338.
7. Чулпонова Х. Т. Сущность профессионального самосознания будущего педагога //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. TSTU Conference 1. – С. 666-671.
8. Чулпонова Х. Т. Сущность профессионального самосознания учителя //Инновации в педагогике и психологии. – 2018. – №. 1. – С. 83-86.

9. Matkarimova, J. D. (2023). DAVLAT VA MANFAATDOR GURUHLAR O'RTASIDAGI O'ZARO MUNOSABATLAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1-2), 65-70.
10. Yunusova, N., & Matkarimova, J. (2023). Factors Forming the Basis of National Spiritual Culture. *SPAST Abstracts*, 2(02).
11. Nosirov, R., Yunusova, N., Nazarova, N., & Shamsiddinova, E. (2023, June). Occupational problems in youth competitiveness. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2789, No. 1). AIP Publishing.
12. Matkarimova, J. (2020). Scientific approaches to the impact of civil society and democracy. *Theoretical & Applied Science*, (2), 421-425.
13. Чулпонова, Х. Т. (2024). РОЛЬ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ ПРИ РАЗВИТИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СПЕЦИАЛИСТА. *HOLDERS OF REASON*, 2(3), 89-94.
14. Чулпонова, Х. Т. (2023). Развитие профессиональных компетенций-продуктивность профессиональной деятельности. *Science Promotion*, 2(1), 206-210.
15. Чулпонова, Х. Т. (2023). ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ПОДДЕРЖКА В ПЕРИОД АДАПТАЦИИ МОЛОДЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ К ТРУДОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. *Философия и право*, 25(2), 121-125.
16. Chulponova, H. T. (2023). PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF PROFESSIONAL ADAPTATION OF YOUNG SPECIALISTS IN THE SOCIAL AND LABOR SPHERE. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1-2), 231-236.
17. Чўлпонова, Х. Т. (2022). ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ МУТАХАСИСЛАРГА КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДОШУВНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 276-280.



## ЎЗБЕКИСТОНДА ЯХШИЛ ИҚТИСОДИЁТНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ИШЛАР ВА ҲАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКЛАР

**Мафтуна Рустамовна Тошева**

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари  
институту” Миллий тадқиқот университети таянч докторанти

### **АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада миллий иқтисодиётнинг илғор соҳаларини модернизация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигига эришиш бўйича иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириб, ишлаб чиқариш жараёнида энергия тежайдиган яшил технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш фоизларини сезиларли даражада ошириш мақсад ва вазифалари ёритилган. Шу билан биргаликда бугунги кундаги нафақат юртимизда, балки жаҳон иқтисодиётидаги энг долзарб вазифалардан бири бўлган “яшил” иқтисодиёт сабабли бу борада юртимизда ва жаҳонда яшил иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилиб келинаётган ишлар ҳамда ҳалқаро ҳамкорликлар таҳлили ёритилади.

**Калит сўзлар:** Ҳалқаро ҳамкорлик, барқарор ривожланиш, яшил иқтисодиёт, яшил технологиялар, барқарор ривожланиш мақсадлари

### **АННОТАЦИЯ:**

В статье цели и задачи снижения потребления энергии и ресурсов в экономике, внедрения энергосберегающих зеленых технологий в производственный процесс и существенного увеличения процента использования возобновляемых источников энергии с целью достижения ее конкурентоспособности за счет модернизации. В то же время, в связи с «зеленой» экономикой, которая является одной из наиболее актуальных задач не только в нашей стране, но и в мировой экономике, ведется работа по развитию зеленой экономики в нашей стране и в мире, а также анализу международного сотрудничества.

**Ключевое слово:** Международное сотрудничество, устойчивое развитие, зеленая экономика, зеленые технологии, цели устойчивого развития

### **ABSTRACT:**

The article contains goals and objectives of reducing energy and resource consumption in the economy, introducing energy-saving green technologies into the production process and significantly increasing the percentage of use of renewable energy sources in order to achieve its competitiveness through modernization. At the same time, in connection with the “green” economy, which is one of the most pressing tasks not only in our country, but also in the world economy, work is underway to develop the green economy in our country and in the world, as well as to analyze international cooperation.

**Keywords:** International cooperation, sustainable development, green economy, green technologies, sustainable development goals.

Иқлим муаммолари барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланиб улгурди. Бу хавф-хатарлар ҳатто дунё геосиёсий архитектурасига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари Орол фожиаси туфайли Марказий Осиёда айниқса жиддий сезилмоқда. Минтақамизда ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар кўпдир. Фавқулодда иссиқ кунлар сони 2 марта ортди, музликлар майдонининг учдан бир қисми йўқолди. Тупроқ емирилиши жараёнлари 30 миллион аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кучли чанг ва қум бўронлари одатий ҳолга айланди. Ичимлик суви тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, биохилма-хиллик йўқолиши, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги пасайиши каби муаммолар тобора авж олмоқда. Бу глобал хавфлар кенг минтақамизда хатарли нуқтага етиб келмоқда[1].

Шу муносабат билан юртимизда “Яшил” иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида аниқ қадамлар қўйилди. Хусусан:

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПП-436-сон қарори қабул қилинди. Қарор билан қуйидаги стратегик ҳужжатлар ва тизимлар тасдиқланди:

- стратегик мақсадларга эришишга мўлжалланган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш Дастури;

- саноат тармоқларида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш бўйича Концепция;

- 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш бўйича Ҳаракатлар режаси;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг энергия сифими кўрсаткичини 2026 йилга келиб 2022 йилга нисбатан 20 фоизга камайтиришга қаратилган 2022–2026 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг Мақсадли параметрлари;

- Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш чораларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш таркиби янгиланди;

- “Яшил” иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсиш бўйича Донорларнинг мувофиқлаштириш гуруҳи тасдиқланди.

- Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида қўшимча 4 та штат бирлигидан иборат Донорларнинг мувофиқлаштириш гуруҳи фаолиятини ташкил қилувчи, “Яшил” иқтисодиёт Стратегияси, Дастури ва Ҳаракатлар режасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда уни Идоралараро кенгаш билан ўзаро мувофиқлаштиришга кўмаклаш ишчи органи вазифасини бажарувчи лойиҳа офиси Техник котибияти ташкил этилди. [2].

“Яшил” иқтисодиётга ўтиш ва углерод нейтраллигига эришиш Янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик вазифасидир. Сўнгги йилларда юртимизда муқобил энергия улуши икки бараварга кўпайди. Биз 2030 йилга бориб 25 гигаватт қайта тикланувчи энергия қувватларини барпо этамиз. “Яшил” водород ишлаб чиқариш бўйича илк амалий қадамларни ташладик. “Яшил макон” ташаббуси доирасида мамлакатимизда 1 миллиард туп кўчат экилмоқда. Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда ўрмонлар барпо этдик. Биз Иқлим ўзгаришига қарши фақат бирдамлик ва кенг халқаро ҳамкорлик орқали самарали курашишимиз мумкин [3].

Биз нима учун “яшил” энергетика ривожига бу қадар катта рағбат ва эътибор қаратяпмиз? Чунки, биз, энг аввало, 2030 йилга бориб саноат ҳажмини икки карра оширишни, металлургия, нефть-кимё ва машинасозлик каби соҳаларни сифат жиҳатдан мутлақо янги даражага кўтаришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Умумий қиймати 150 миллиард долларлик 500 дан зиёд йирик саноат ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишни кўзлаяпмиз Бу улуғвор ниятларимизга эришиш учун бизга кафолатли ва барқарор энергия ресурслари сув билан ҳаводек зарур. Ҳисоб-китобларимизга кўра, келгуси олти йилда мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талаб

hozirgi 83 milliarddan 120 milliard kilovatt soatga ўsiши кутилмоқда. Буни, биринчи галда, қайта тикланадиган энергия ҳисобидан қолаймиз [4].


Юқорида таъкидланганидек “яшил” иқтисодиётга ўтиш, тежамкор технологияларни қўллашнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Аҳоли сони ортиб бориши, иқлимнинг ноодатий ўзгариб туриши, барқарор тараққиётга эришиш учун ҳаракатларни жадаллаштириш ҳар бир жамият аъзосининг масъулиятли вазифаси ҳисобланади. “Барқарор” деган сўз дунё олимларининг тез-тез қўллайдиган атамасига айланиб қолди. Унинг асл моҳияти нима ўзи, изоҳи билан танишиб чиқсак. Барқарор сўзи - қарор топган, қатъий, узил-кесил ўрнашган; устувор, ҳеч қандай ўзгариш таъсир этмайдиган, доим бирдек турадиган; ўзгармас деган маъноларни англатади. Шундай келиб чиқадики тараққиётни ривожлантириш , иқтисодий эркинликка эришишда атроф – муҳитга зарар етказмаслик, ижтимоий имкониятларни таҳлил қилган ҳолатда энергияни “яшиллаштириш” ҳисобига йўлга қўйилса келажак авлодга, кутилаётган иқтисодий муаммолар, экология муаммолар таъсири камайиши кўзда тутилган. .

“Яшил иқтисодиёт ” энергия ҳамда ресурсни тежашга, озон қатламини емирилишига сабаб бўлувчи ёқилғилардан фойдаланишни камайтиришга, ҳар бир соҳада табиий энергиядан фойдаланувчи транспортга, энергиянинг муқобил манбааларига органик қишлоқ хўжалигига, аосланган ҳолатга эришилади. бу ўз навбатида атроф-муҳитга зарар етказмасдан ривожланиш, жамият соғлиги ҳамда экологик фаровонлигини сақлаш имконини беради. “Яшил иқтисодиёт” тушинчаси тарғиботи эса ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмол қилувчини барча ресурслардан оқилона фойдаланишга , анъанавий истеъмолдан эса , тежамкор , оқилона истеъмолга ўтишга ўргатади.

Дунё миқёсида ресурсларда тақчилликлар сезиларли кузатила бошлагандан сўнг. олимлар “яшил технологияларни ”, “яшил иқтисодиё” бўйича илмий изланишлар олиб бордилар , қатор тадиқиқотлар ўтказиб , илмий мақолалалар чоп этила бошладилар.



Диаграммаларга эътибор қаратсак айнан “яшил технологиялар”ни қўллаш бўйича Scopus баъзасидаги журналларда 2018 йилда 85 та , 2019 йилда 124 та , 2020 йилда 174 , 2021 йилда 229 та ҳамда 2022-2023 йилларда 350 дан ортиқ илмий мақолалар нашр этилган. Мақолаларда яшил технологияларни жорий қилишни таҳлил қилиш билан бир қаторда .унинг иқтисодиётга, атроф – муҳитга таъсири кенг ёритилиб ўтилади . Ушбу соҳада энг кўп тадқиқотлар олиб борган ва мақолалар чоп этишга муваффақ бўлган мақолаларнинг сони Хитой давлатига тўғри келади. Уни қуйидаги кўринишдан кўришимиз мумкин [5].



Хулоса қилиб айтганда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳавсизликни таъминлайш борасида белгиланган ва амалга оширилаётган чоратadbирлар билан бир қаторда, жамият учун долзарб бўлган вазифаларни бажариш, жумладан:

- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари ҳамда экологик-инновацияон технологияларини яратиш, инвестицияларни жалб қилган ҳолда иқтим ўзгаришларининг иқтисодиётга таъсирини камаётиришга асос бўлувчи механизмларни ишлаб чиқиш;

- Солиқларни жорий этишда экологик талабларни ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан ҳарид қилиш ҳамда яшил технологияларни ривожлантириш учун молиявий воситаларни жорий этиб бориш;

- фуқароларни иш билан бандлигини таъминлашда хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “яшил иш ўринлари”ни яратиш ҳамда бу борада ишлаб чиқилган лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқалар [6].

#### REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясидаги (COP28) нутқи <https://president.uz/uz/lists/view/6897>
2. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “Яшил” иқтисодиётни ривожлантириш бўйича йиллик ҳисобот [https://api.mf.uz/media/document\\_files/yillik\\_hisobot](https://api.mf.uz/media/document_files/yillik_hisobot).
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясидаги (COP28) нутқи <https://president.uz/uz/lists/view/6897>
4. Ш.Мирзиёевнинг “яшил” энергетика соҳасидаги йирик қўшма лойиҳаларни ишга туширишга бағишланган тантанали маросимдаги нутқи <https://president.uz/uz/lists/view/6952>
5. VOSviewer-scopus.csv
6. Исаджанов А.А. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг экологик жиҳатлари. Монография.ТДИУ.Илмий тадқиқот маркази.2020.137-138б.



## KEKSA YOSHLILARGA QULAY IJTIMOYIY XIZMAT KO'RSATISHDA MILLIY QADRIYAT VA ANA'ANALARNING O'RNI

**Isomiddinova Iroda Umid qizi**

O'zbekiston Milliy universiteti Ijtimoiy fanlar fakulteti Sotsiologiya yo'nalishi  
4-kurs talabasi

### ANNOTATSIYA

Maqolada aholining keksa yoshli qatlamiga qaratilgan e'tibor, davlat tomonidan keksalarni qo'llab-quvvatlash xalqimizning hayotida azal-azaldan shakllanganligi, ularga ko'rsatilayotgan qulay ijtimoiy xizmat haqida ma'lumotlar keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** keksalik, qadriyat, milliy qadriyat, diniy qadriyat, an'ana, qulay ijtimoiy xizmat.

### АННОТАЦИЯ

В статье приведены сведения о внимании, направленном на пожилое население, государственной поддержке пожилых людей, которая формировалась в жизни нашего народа с незапамятных времен, и удобных социальных услугах, предоставляемых им..

**Ключевые слова:** старость, ценность, национальная ценность, религиозная ценность, традиция, удобный социальный сервис.

### ABSTRACT

The article provides information about the attention directed at the elderly population, government support for the elderly, which has been formed in the life of our people since time immemorial, and convenient social services provided to them.

**Key words:** old age, value, national value, religious value, tradition, convenient social service.

Turkiy xalqlar orasida keksalarni qadrlash asrlar davomida xalqimiz qoniga singib ketgan milliy, diniy va umuminsoniy qadriyatlarimiz hisoblanadi. "Keksalik" atamasiga aniq, bir ma'noli ta'rif berishning o'zi imkonsiz. Chunki mazkur tushuncha turli davrlarda, turli sotsiomadaniy tizmlarda turlicha ta'riflanadi. Shuningdek, keksalik hodisasiga tibbiyot, iqtisodiyot, sotsiologiya huquqshunoslik fanlari nuqta'i-nazaridan ham bir-biridan farqlanuvchi qarashlarni keltirish mumkin. Masalan, Tibbiyot nuqtayi nazaridan qarilik tanada qaytarilmas o'zgarishlar sodir

bo'lganda boshlanadi, bu ko'pincha o'rta yoshda boshlanadigan biologik qarilik deb ataladi. Iqtisodiy nuqta'i-nazardan qarilikni pensiya yoshining boshlanishi bilan hisoblash mumkin. O'zbekiston Respublikasida amal qiluvchi huquqiy me'yoriy xujjatlarga muvofiq keksalik –keksa yoshli fuqarolar, aholining keksa yoshli qatlami, pensiya yoshidagi fuqarolar kabi atamalar bilan tavsiflanadi. Shuningdek O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi[1] 57-moddasida keksalikga doir fikrlar keltirilgan. Mehnatga layoqatsiz va yolg'iz keksalar, nogironligi bo'lgan shaxslar hamda aholining ijtimoiy jihatdan ehtiyojmand boshqa toifalarining huquqlari davlat himoyasidadir.

Turkiy xalqlar orasida keksa yoshlilarga ijtimoiy xizmat ko'rsatishdagi muammolarni yoritish, ularni amalga oshirishning samarali mexanizmlarini ishlab chiqish ilmiy xulosalarga tayangan tadqiqotlarni taqozo etadi. Shu bois keksalarga ijtimoiy xizmat ko'rsatishda jamiyatdagi sotsiomadaniy xususiyatlarning ta'sirini ilmiy nazariy hamda empirik tadqiqotlar asosida o'rganish dolzarbligicha qolmoqda.

O'zbekiston aholisi soni 2022-yil 1-yanvar holatiga O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlariga ko'ra, 35,3 million kishini tashkil qildi. Aholining o'rtacha yoshi 29,1 yoshni tashkil etadi, bu uning boshqa mamlakatlarga nisbatan yosh tarkibini tavsiflaydi. O'zbekiston aholisining 18,9 million kishi 30 yoshgacha bo'lganlar, 11,7 million kishi 30 yoshdan 54 yoshgacha bo'lganlar va 4,6 million kishi 55 yoshdan kattalarni tashkil etgan[2].

Bugungi kunda jamiyatimizda keksalarga yetarli darajada e'tibor qaratilmoqda. Buning yaqqol isboti sifatida bir qancha ishlarni ko'rib chiqishimiz mumkin. Mamlakatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev 2020-yil 30-oktabrdagi PF-6099-son Farmonlar ijrosini ta'minlash, shuningdek, aholi sog'ligini mustahkamlashga ko'maklashadigan aniq dasturlarni amaliyotga joriy etish, yoshlar, ayollar va keksalarni sog'lom turmush tarziga keng jalb qilish va ularni jismoniy faolligini oshirish uchun qo'shimcha shart sharoitlar yaratildi. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 27-sentabrdagi "Keksa avlod vakillarining jamiyatdagi o'rni va ijtimoiy faolligini yanada oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 816-son Qarorida[3] keksa avlod vakillarini ijtimoiy himoya qilish, ularga e'tibor va g'amxo'rlikni kuchaytirish, ularning turmush sharoitini yaxshilash, faol va mazmunli hayot kechirishlarini ta'minlash, boy hayotiy tajribasidan keng foydalanish maqsadida qator vazifalar belgilangan. Jamiyatning keksa yoshli qatlamiga har tomonlama yordam ko'rsatilmoqda.

Qadriyatlar xalqimizning bebaho boyligi sifatida madaniy-ma'rifiy hodisalar, urf-odatlar, an'analari zamirida inson qadr-qimmatini oshishiga xizmat qiladi.

Keksalarga qaratilayotgan e'tiborning isboti sifatida Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 1990-yil 14-dekabrda A/RES/45/106-son rezolyusiyasi bilan e'lon qilingan 1 oktabr – “Xalqaro keksalar kuni”ni O'zbekiston Respublikasida ham har yili ushbu sanada keng nishonlashini keltirish mumkin.

Shu sababli oktabr oyining birinchi haftasini “Keksalar haftaligi” etib belgilangan. 4–10-oktabr kunlari bo'lib o'tadigan haftalik doirasida nuroniylarning holidan xabar olish, ularni manaviy va jismoniy qo'llab-quvvatlash, hurmat-ehtirom ko'rsatish va e'zozlash bo'yicha chora-tadbirlar amalga oshiriladi. Ushbu haftalikni “mahallabay” o'tkazishga tayyorgarlik ko'rish va yuqori saviyada tashkil etish bo'yicha chora-tadbirlar rejasi ishlab chiqilgan holda amalga oshirilishini ta'minlashga e'tibor qaratiladi.

An'analar nafaqat turkiy xalqlar O'zbekiston xalqi turmush tarzi va milliy madaniyatining ham ajralmas qismi bo'lib, qadriyatlar va munosabatlar tizimida yuksak o'rin tutadi. Eng mustahkam oilalar mahalliy urf-odat va an'analar asosida tashkil etilgan oilalardir. Tarixiy madaniy qadriyatlar va o'ziga xos milliy an'analar, jumladan, oila instituti bilan bog'liq bo'lgan an'analar jamiyatimizda nafaqat saqlanibqolgan, balki yanada rivojlanib bormoqda. O'zbek xalqiga xos, yoshlar ongiga singdiriladigan milliy qadriyatlardan, albatta o'z uyini, ona yurtini ulug'lash, kattalarga hurmat, axloq – tarbiya, kamtarlik, mehmondo'stlik, bolalarga bo'lgan muhabbat va boshqalardir. O'zbekistonda urf-odat va an'analarga rioya qilish, kelib chiqishi va ijtimoiy mavqeidan qat'i nazar, azaldan har bir insonning burchi bo'lib kelgan.

Bugungi kunda keksa yoshlilarga namunali tarzda ijtimoiy yordam ko'rsatishda ijtimoiy yordamga muhtoj keksalarni yetarli darajada nazorat qilmaslik muammosini aniqlash zarur. Barcha qariyalar ham ijtimoiy xizmatlar uchun ijtimoiy himoya organlariga murojaat etmaydi. Bundan tashqari, ushbu muammo keksalar o'zlarini topadigan qiyin hayotiy vaziyatlarning oldini olish bilan ham bog'liq. Oldini olish maqsadida va ijtimoiy himoyaning dolzarb chora-tadbirlari samarali bo'lib, aholining keksa yoshdagi bolalar bilan bog'liq muammolarini kompleks o'rganish lozim.

Shuningdek keksa yoshlilarning hayotiga turli xil ijtimoiy xavflar ham xalaqt berishi mumkin. Boshqacha qilib aytganda, keksalar turmush darajasining pasayishining oldini olish va ularni samarali ijtimoiy qo'llab-quvvatlash maqsadida

keksa yoshdagi kishilarning ijtimoiy xavf-xatarlari, ularning namoyon bo'lish chastotasi va muntazamligini uzluksiz o'rganish zarur. Ularni bartaraf etish bo'yicha tegishli ijtimoiy mexanizmlarni ishlab chiqish lozim.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, bugungi kunda keksa avlodning jamiyatdagi roli va o'rnini o'rganish butun jamiyat va uning istiqboli uchun juda katta ahamiyatga ega. Shuningdek qadriyatlar tizimini har tomonlama o'rganish jamiyatning rivojiga va kelajak avlodning tarbiyasiga ham ulkan ijobiy xissa qo'shadi. Yillar mobaynida to'plangan bitmas-tuganmas milliy qadriyatlar amal qiladigan mamlakatimizda voyaga yetayotgan avlodning ma'naviy jihatdan qashshoqlashishiga yo'l qo'ymaslik muhimdir. Yoshi ulug' insonlarning nasihatlari bilan hech qachon kam bo'lmaymiz. Shu boisdan, jamiyatdagi keksa yoshlilarning tinch va qulay sharoitda yashashlari uchun ham harakat qilishimiz zarur. Ularga ko'rsatilayotgan ijtimoiy xizmatning darajasini doimo nazorat qilish zarur.

## MAHATMA GANDI HAYOTI VA MA'NAVIY MEROSI

**Sherdor Nematjonovich Pulatov**

Alfraganus university

Ijtimoiy fanlar kafedrasini mudiri

Falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori PhD v.b. dotsenti

<https://orcid.org/0009-0002-1665-0545>

### ANNOTATSIYA

Mohandas Karamchand Gandhi Hindistonning buyuk siyosiy arbobi va millat otasi – Mahatma Gandhi nomi bilan butun insoniyat tarixida o'z nomini qoldirgan buyuk shaxsdir. Uning hayoti va faoliyatini to'rt davrga ajratish mumkin. Birinchisi, tug'ilganidan 18 yoshga to'lgunga qadar, ikkinchisi, Londonda o'qigan davri, uchinchisi, Janubiy Afrikadagi faoliyati, Gandining shakllanish bosqichi, to'rtinchisi, Janubiy Afrikadan Hindistonga qaytganidan keyingi, ya'ni 1915 yildan 1948 yilgacha bo'lgan davr. Aynan shu davrda Gandhi Mahatmaga aylandi, ijtimoiy-falsafiy nazariyalarini yaratdi.

**Kalit so'zlar:** Mahatma Gandhi, Hindiston, Inson, gumanizm, insonparvarlik, veda, upanishada, sankhya, ahmisa, satyagraha, kuch ishlatmaslik.

### ABSTRACT

Mohandas Karamchand Gandhi is a great politician of India and a great man who left his name in the history of mankind as Mahatma Gandhi, the father of the nation. His life and work can be divided into four periods. The first is from birth to 18 years of age, the second is the period of his studies in London, the third is his work in South Africa, the period of Gandhi's formation, the fourth is after his return to India from South Africa. that is, from 1915 to 1948. It was during this period that Gandhi became Mahatma and created his social and philosophical theories.

**Keywords:** Mahatma Gandhi, India, Man, humanism, humanism, Vedas, Upanishads, Samkhya, Ahmisa, Satyagraha, non-violence.

Mahatma Gandhi kechinmalarga boy hayoti bilan Hindiston xalqi uchungina emas, butun dunyo xalqlari uchun ham namuna bo'lib qoldi. Hind xalqining asriy mustamlakachilik zulmidan abadiy xalos bo'lishi aynan mana shu g'oyaviy rahbar, davlat va siyosat arbobi, faylasufning fidokorona xatti-harakatlari bilan bevosita

bog'liq. "Bu kichkinagina, jismoniy nimjon odam, - yozadi Neru, - qandaydir qattiq, mahkam qoya, hech qanday jismoniy kuch bilan zabt etib bo'lmay qoyadir. U buyuk ulug'vorlikka ega bo'lgan ichki kuchga ega inson. U doim lo'nda, oddiy va ma'noli so'zlagan. Uni eshitish har qanday odamga katta zavq bergan va inson ichki olami nurafshonlashgan"<sup>1</sup>. Gandi Neruning keyingi siyosiy faoliyatiga ham juda katta ta'sir ko'rsatgan edi. Tagor Gandini "Faqirona kiyimdagi Mahatma (महात्मा – "buyuk qalb"<sup>2</sup>)" deb atadi, "Mahatma" nomi Hindiston xalqi va butun dunyo uchun ramzga aylandi"<sup>3</sup>.

"Siyosat sohasidagi izlanishlarim faqat Hindistonda emas, balki muayyan darajada butun "tamaddunlashgan" olamga endi ma'lumu mashhur edi. Men uchun katta qiymat kasb etmas edi. Shu izlanishlarim tufayli olgan "Mahatma" unvoni men uchun yanada kamroq qimmatga ega edi. Bu unvon meni ko'pincha qattiq xafa qilar edi, meni qachon bo'lmayin suyuntirganini sira eslolmayman"<sup>4</sup>, - deb yozadi Gandi. Gandi ulug' nomga qarshi chiqishining sababi bor edi, u avom xalq ongida xudoning elchisi sifatida gavalana boshlagan edi. "Mahatma Gandi falsafasi, dunyoqarashini tushunish uchun u tug'ilgan, o'sib-ulg'aygan, faoliyat yuritgan uchta mintaqa – Osiyo, Yevropa va Afrikani anglab yetish kerak, chunki shu mintaqalarda uning dunyoqarashi shakllangan edi"<sup>5</sup>. Gandining Mahatmaga aylanish zamiri shu mintaqa aholisi urf-odati, madaniyatiga bog'liq bo'lib, uning hayoti va faoliyati yanada ulug'lanishiga olib kelishining boisi ham ana shundadir.

Gandi 1869 yil 2 oktyabrda Porbandar shahri (hozirgi Gujarot shtati)da tavallud topgan. Gandi shunday yozgan edi: "Gandilar aftidan bir vaqtlar baqqollik qilgan baniya toifasiga mansub. Biroq bobomdan boshlab so'nggi uch avlod vakillari Kathiyovarning bir qancha rojaliklarida bosh vazirlar bo'lgan". Bu Gandilar oilasi Porbandarga doimo sodiq bo'lganligidan dalolat.<sup>6</sup>

Gandining otasi Karamchand Gandi 1822-1885 yillarda Porbandarda bosh vazir bo'lib ishlagan. "Otam o'z nasliga sodiq, haqgo'y, mard va bag'rikeng, ammo

<sup>1</sup>Горев А. Махатма Ганди. – М.: Международные отношения, 1989. – С.2.

<sup>2</sup> Изох. "Махатма" (□□□□□□□ - "буюк қалб ") - хиндларда мурожаат қилиш шакли (фахрий ном, унвон), оддий хурсандчилик ҳаётдан вос кечиб ўзини Худого ёки бирон-бир буюк ғояга бахш этиш. Бу сўзни Ганди Жанубий Африкадан қайтгандан сўнг, унга нисбатан биринчи бўлиб Робиндранат Тагор қўллаган, бу сўз Гандининг Ҳиндистон олдидаги хизматлари рамзи сифатида қўлланиб келинмоқда.

<sup>3</sup> Датта Д. Философия Махатма Ганди/ Пер с англ А.В.Радугина. – М.: Издательство иностранной литературы. 1959. – С. 27.

<sup>4</sup>Ганди М.К. Менинг ҳаётим. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 4.

<sup>5</sup>Датта Д. Философия Махатма Ганди. пер с англ А.В.Радугина. – М.:Издательство иностранной литературы. 1959. – С. 14.

<sup>6</sup> Ганди М.К. Менинг ҳаётим. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 5.



jizzaki odam bo'lgan. U hech kimga sotilmagan va haqgo'yligi tufayli oilada ham, o'zgalor orasida ham hurmatga sazovor edi. Tarix va jug'rofiyadan hech qanday tushunchaga ega bo'lmagan. Ammo boy hayotiy tajriba uning eng murakkab masalalarni hal etishda va yuzlab odamlarning boshini biriktirishda qo'l kelgan"<sup>7</sup>, deydi Gandi. Mahatma Gandi shakllanishida otasining bu fazilat va hislatlari katta ta'sir ko'rsatgan. Gandi doim qat'iyatli bo'lgan, har qanday masalalarni hal qilishda teran fikr yuritganligida otasining ta'siri bo'lganligi bilan izohlashimiz mumkin.

Gandi bolaligidan uyiga tez-tez tashrif buyuradigan musulmon qo'shnilar orasida ulg'aygan. Ularning suhbatlaridan bahramand bo'lgan. Gandilar oilasi Kathivar rojaligining bosh vazirlari bo'lganligi uchun ularning Porbandardagi ko'plab din vakillari bilan aloqalari yaxshi bo'lib, jamoalar orasida musulmon jamoasi katta nufuzga ega edi. Shuning uchun oila musulmon ziyolilari bilan ham yaqin munosabatda bo'lganlar. Chunki bu shaharlar dengizga yaqin bo'lib, musulmon savdogarlari azal-azaldan bu yerda savdo-sotiq bilan shug'ullanib kelishgan. Shu bois oila mahalliy siyosiy va ijtimoiy hayotning bir qismi bo'lgan musulmonlar bilan muloqot qilishda katta tajribaga ega edi. Gandi maktab vaqtlarida ham boshqa dinlarga e'tiqod qiluvchi o'quvchilar bilan do'stlashdi, ularning e'tiqodlariga sog'lom hurmatini rivojlantirdi.

Uning dunyoqarashi shakllanishiga ko'plab omillar, birinchi navbatda, oiladagi muhit ta'sir ko'rsatgani tabiiy. Chunki g'ayratli vaishnavitlar bo'lgan ota-onasining (ayniqsa, onasi) dindorligi; enaganing mehri (uning qalbiga "iymon urug'i"ni tashlagan). Gandiga qadimgi hind adabiyotining bir qancha namunalari yoshligidan ma'lum ekani esa uning dunyoqarashi shakllanishiga ta'sir ko'rsatgan. Ayniqsa, Ram obrazi uni o'ziga kuchli jalb qiladi. "Ramayana"dan tashqari Gandi hayotida hind falsafasining yana bir namunasi bo'lgan "Bhavagad-gita"ning ta'siri ham katta bo'lgan. "Bir necha oydan keyin biz Rajkotga ko'chib o'tdik. U yerda "Ramayana"ni qiroat qilmas edilar. Biroq har kecha "Bhavagad-gita" o'qilar edi.<sup>8</sup> (Gandiga ko'ra, "Eng buyuk kitoblar – katta diniy g'ayratni uyg'otishga qodir"). Bu holat uning diniy qarashlarida o'ziga xos o'rin tutgan.

Ota-onasi, ayniqsa, onasi, bolalarni chuqur xudojo'ylik ruhida tarbiyalagan. Gandining guvohlik berishicha, Jayn rohiblari, musulmonlar va forslar tez-tez tashrif buyuradigan uylarida ular diniy mavzularda ko'p suhbatlashishardi.<sup>9</sup> Bularning

<sup>7</sup>Ўша манба. Б. 9.

<sup>8</sup>Ганди М.К. Менинг ҳаётим. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 24.

<sup>9</sup> Ганди М.К. Менинг ҳаётим. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 64-65.

barchasi yosh Gandining “idrokli va ta’sirchan tabiatiga” alohida ta’sir ko’rsatgani tabiiy.

Mahatma Gandi onasi haqida shunday yozgan edi: “Onam haqida menda muqaddas ayolga xos taassurot qolgan. U juda ham xudojo‘y edi va ibodat qilmasdan ovqat yeyishni xayoliga ham keltirmasdi. U Vishnuparasatlar ibodatxonasi – haveliyiga har kuni borishni o‘zi uchun farz, deb bilardi. Esimda: bir kuni chandrayan<sup>10</sup> vaqtida u og‘rib qoldi, ammo kasallik ham uning ro‘za tutishiga xalal bermagandi. Surunkasiga ikki-uch kun ro‘za tutish uning uchun hech gap emas edi. U chaturmas<sup>11</sup> vaqtida kunda bor-yo‘g‘i bir martagina ovqatlanishga odatlangan edi. Chaturmas vaqtida to quyoshni ko‘rmaguncha ovqat yemaslikka ont ichgandi.”<sup>12</sup>. Ma’lumki, barsat<sup>13</sup> (yomg‘irlar mavsumi)da ko‘p kunlar quyosh umuman ko‘rinmaydi. Gandining insoniy fazilatlari shakllanishida onasining o‘rni muhim bo‘lganini anglashimiz mumkin. O‘n uch yoshida Mohandasni tengdoshi Kasturbay ismli qizga uylantirishadi. “Meni o‘n uch yoshimda uylantirganlari haqida hikoya qilishni o‘zimning og‘ir majburiyatim, deb hisoblayman.”<sup>14</sup> Gandi o‘zining butun keyingi faoliyatida erta nikoh masalasiga jiddiy qarar va erta nikohni butunlay taqiqlash tarafdori edi.

Gandining insoniyat oldidagi xizmatida, albatta, Kasturbayning xizmatlari katta ahamiyatiga ega. U ruhiy muhabbati, hamma quchini erining hayot yo‘liga bag‘ishladi. Kasturbay tabiatan oddiy, mustaqil, tirishqoq va juda og‘ir-vazmin bo‘lgan. Gandi milliy rahnamo bo‘lishida Kasturbayning o‘rni beqiyos bo‘lgan. Kasturbay u bilan doim birga bo‘lgan, uning ishlarida ko‘maklashgan, maslahat bergan, hatto, bir necha marotaba uy qamog‘iga ham olingan. Kasturbay Gandining hayotdagi eng yaqin do‘sti va bolalikdan ruhiy, ma’naviy yaqini edi. Gandi va Kasturbay Janubiy Afrika va Hindistonda yashadi, to‘rt o‘g‘il va bir asrandi “daxlsiz”

<sup>10</sup> Изох. Чандраян бу вақтда овқатни оз-оздан еб бориб, таом танаввулини қисқартиради, шу орқали нафсни жиловлайди.

<sup>11</sup>Чатурмас– муқаддас тўрт ойлик бўлиб, бу ойларда инсонлар ибодат қилишади, муқаддас дарёда чўмиладилар, улар бу ойларни турлича ўтказадилар, рўза тутадилар. Бу ойларда Вишну дам олади ва уйқуга кетади, унинг вазифасини Шива худоси вақтинчалик бажариб туради. Шива ерни ёмонлик, қабоҳатдан ва залолатдан тозалашга киришади. Яхши амал қилувчи одамларни ўз ҳимоясига олади. Бу ойларда тўй ва бошқа маросимлар ўтказилмайди.

<sup>12</sup>Ганди М.К. Менинг ҳаётим. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 9.

<sup>13</sup> Изох.Барсат – Ҳиндистонда бир йил олти фаслдан иборат: баҳор, ёз, барсат (ёмғир мавсуми), куз, киш, совуқ мавсум. Бу мавсумда кўп ёмғир ёғиши кузатилади.

<sup>14</sup> Ганди М.К. Менинг ҳаётим. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 34.

(dallit) qizni birgalikda g'amxo'rlik bilan tarbiyaladi, ulg'aytirdi.<sup>15</sup> Farzandlari otasi ortidan milliy ozodlik harakatida faol ishtirok etganlar.

Gandi maktabni bitirish imtihonlarini 1887 yilda topshiradi. U Bavnagardagi Samaldas kollejiga borishga qaror qiladi, chunki bu arzonroq edi. Kollejga kelganda u butunlay gangib qoladi. U bu holatni shunday izohlaydi: “Ma’ruzalarni tinglash, tushunish va anglash menga anchayin qiyinchilik tug'dirar edi. Ayb birinchi darajali hisoblangan o'qituvchilarda emas, balki o'zimda edi. Chunki men o'qishga mutlaqo tayyorlanmagandim. Birinchi semestrni tugatgach, uyga qaytdim”<sup>16</sup>.

Gandilar oilasining eski do'sti va maslahatchisi jaynist Brahman Mavji Dave ismli ruhoni edi. U o'z maslahatlarini beradi. Gandini Hindistonda emas, Angliyada o'qishini tavsiya etadi. U 19 yoshida 1887-1891yillarda Londonda huquqshunoslik sohasi bo'yicha o'qiydi. Angliyadagi hayot butunlay boshqacha edi. Kiyinish, oziq-ovqatlar – hammasi boshqacha, madaniyat ham butunlay o'zgacha edi. Boshida u o'zini qanday tutish kerakligini bilmas, bu unga juda noqulaylik tug'dirar edi. Keyin sekin-asta bu yerga ko'nika boshladi. Mahatma Gandi Londonda har xil harakatlar bilan tanishdi. U ateist bo'lmasada, Angliyada mashhur Charlz Bredlo ateistik qarashlari bilan tanishdi. Masalan, Gandi 1880 yilda Charlz Bredlo tomonidan tashkil etilgan erkin fikrlash va ateistik g'oyalarni targ'ib qiluvchi liga faoliyati bilan qiziqdi. Ammo u ateizmning ma'nosi va ahamiyatini tushunmadi. Chunki u “Bredlo kabi dahriylar uchun haqiqat qanday tushunilsa, “Xudo” tushunchasi ham boshqa insonlarda shunday joy egallaydi”<sup>17</sup>, deb hisoblagan edi. (Shuni ham qayd etish lozimki, Gandi 1889 yil ish tashlash harakatlarida ham qatnashgan). “Londondagi hayotining ikkinchi yilida Gandi Bhagavad Gita, so'ngra Yangi Ahd bilan tanishdi. Tog'dagi va'z uning qalbiga jiddiy ta'sir qildi. Ye. Arnoldning “Osiyo nuri” asari bu uni hinduizm va nasroniylikni bog'lash imkoniyati g'oyasini mustahkamladi”<sup>18</sup>.

Biroq bo'lajak Mahatma uchun eng muhim narsalardan biri – Londonda uni eng qiziqtirgan harakat vegetarianlik bo'lgan<sup>19</sup>. Chunki vegetarianlik belgilari

<sup>15</sup> Датта Д. Философия Махатма Ганди. пер с англ. А.В.Радугина. – М.: Издательство иностранной литературы, 1959. – С. 26.

<sup>16</sup> Ганди М.К. Менинг хаётим. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 27.

<sup>17</sup> Tendulkar D.G. Mahatma: Life of Mohandas Karamchand Gandhi. – New Delhi: The Publications Division, Vol. I, 2016. – P. 37.

<sup>18</sup> Михель Д. В., Михель И. В. Упорство в истине: философия и политика Махатмы Ганди // Изв. Саратов. ун-та. Нов. сер. Сер. Философия. Психология. Педагогика. – Москва. 2019. Т. 19, вып. 3. – С. 272.

<sup>19</sup> Намбудирипад Е.М.Ш. Махатма Ганди и Гандизм. – М.: Иностранной литературы, 1960. – С.15.

hinduiviylikda bo'lib, bu uni hayron qoldirgan. Bularning bari uning keyingi faoliyatida muayyan ahamiyat kasb etgan.

Gandi go'shtsiz oshxona izlab, shaharda bir restoran topadi. U yerda vegetarianlik ovqatlari pishirilgan. U bu yerdan Soltning "Vegetarianlikni himoya qilish" nomli kitobini harid qiladi, ko'p odamlar bilan tanishadi. Gandi London vegetarianlar jamiyati a'zosi bo'lgan, Ijrochi qo'mita kengashi a'zolicigiga ham qabul qilingan. 1887 yil Mustaqil ishchilar partiyasi tuzilgan. Fabrikalar jamiyatida Sidneem Vebbob va Bernard Shou sotsializm va o'z ilmiy g'oya-fikrlarini tarqatganlar. Karl Marks "Kapital" asarining birinchi jildi Angliyada 1887 yil paydo bo'ladi, ishchilar qatlami bibliyasiga aylanadi. 1889 yilda Bernard Shouning "Fabian esselari" gazetada bosildi. Unda Darvinning 1871 yilda nashr qilingan "Inson kelib chiqishi" asari davr nuqtai nazaridan muhimligi muhokama qilingan edi. P.A.Kropotkin "O'zaro yordam" nomli maqolasini "O'n to'qqizinchi asr" nomli jurnalda chiqardi, P.A.Kropotkin g'oyalari Angliyada tezlik bilan yoyila boshlandi. Djon Raskin va Uliyam Morris dunyo san'atida yangi yo'nalish ochib berdi.<sup>20</sup> Bu davrda Angliya tarixida yuqoridagi g'oyalar tarqala boshlagan, ishchilar orasida targ'ib qilish kuchaygan edi. Gandi shunday g'oyalar tarqalgan paytda Angliyada yashadi. Bu harakat va g'oyalar bilan Gandi jonli tarzda tanishib, guvoh bo'ladi, uning dunyoqarashi shakllanishida muayyan ahamiyat kasb etadi.

O'qishni yakunlagan Gandi Hindistonga o'z sohasi bo'yicha ishlashga qaytadi, oradan 2 yil o'tgach, Janubiy Afrikaga bir yillik shartnoma asosida ishga boradi. Bir necha yillarni oilasi bilan Janubiy Afrikada o'tkazadi. Aynan o'sha kezlarda u o'zi sodiqman deb yurgan hukmron britaniyaliklarning shafqatsiz mustamlaka siyosatining guvohi bo'ladi, endilikda Hindistonning taqdiri ham ayancli tus olishini anglab yetadi. Ayni shu vaqtdan boshlab barcha nohaqliklar, kamsitilishlarga chek qo'yishga ahd qiladi.

Janubiy Afrikada qabul qilinayotgan yangi tartib va qonunlar mahalliy xalqni ochiqchasiga tahqirlash va xo'rlashdan iborat bo'lib, bu holat Gandini "Bu singari qonunlarga rozi bo'lgandan ko'ra, o'lgan afzal", degan fikrga kelishiga sabab bo'ldi. Shunda Gandi agar bunday qonunlar qabul qilinishda davom etsa, hukumatga nisbatan passiv qarshilik ko'rsatishini aytib, ogohlantiradi. Biroq yangi beshafqat qonunlar joriy etilavergach, Gandi boshchiligida butun Janubiy Afrikada satyagraha harakati boshlanib ketdi. Natijada minglab odamlar qamoqqa olindi, ommaviy noroziliklar bildirildi, oxir-oqibat qamoqqa olingan Gandini hukumat ozod etishga

<sup>20</sup>Намбудирипад Е.М.Ш. Махатма Ганди и Гандизм. – М.: Иностранной Литературы, 1960. – С. 16.

majbur bo'ldi. O'z vaqtida Janubiy Afrikadagi mustamlakachi amaldorlardan biri Gandining tutgan yo'lini tan olib, "Men sizni kuch ishlatishga o'tishingizni xohlayman. Chunki, shundagina sizga nisbatan qanday chora qo'llash ma'lum bo'lib qolardi"<sup>21</sup>, degan edi. Salkam 20 yillik kurashlardan so'ng Gandi o'z maqsadiga yetdi, mahalliy xalqning huquq va erkinliklarini poymol qiluvchi barcha qonunlar bekor qilinishiga erishdi. Endi navbat Hindistonga kelgan edi, chunki Hindistonda ham ahvol Janubiy Afrikanikidan yaxshi emasdi. Mustamlakachilar mamlakatni o'marishar, haddan ziyod ko'p soliqlar mamlakat rivojlanishiga to'sqinlik qilar edi. Turli xil yig'img'lar oddiy xalqni ocharchilikdan o'lishigacha olib kelgan, yerga ishlov berish tizimi butunlay izdan chiqqan, xalqning sillasi batamom qurigan edi. Gandining amalga oshirgan barcha sa'y-harakatlari evaziga bir necha yillik qamoq jazolari, ocharchilik e'lon qilganlari va o'limdan qo'rqmasdan mardonavor borgani, inglizlarga nisbatan "Hindistondan ketinglar" siyosatini olib borishi samarasi o'laroq, 1947 yilda Hindiston ozodlikni qo'lga kiritdi. U, shuningdek, insoniyatga hech qanday qurol ishlatmasdan ham dushmani yengish mumkinligini amaliy jihatdan ko'rsatib berdi. Lekin mamlakat ikkiga bo'linishi hind va musulmonlar o'rtasida muammo keltirib chiqardi. Hindistondagi barcha dinga mansub insonlarning birdamlikda tinch-totuv yashashlari tarafdori bo'lgan Gandi ommaviy kelishmovchilikni to'xtatish uchun juda ko'p harakat qildi. Lekin Gandi hindular va musulmonlarni qisman yarashtirishga erishdi, xolos. Boisi radikal hindular musulmonlar bilan birlashishga qarshi edi. "Hindu Mahasabha"<sup>22</sup> siyosiy tashkiloti, "Rashtra dal" va "Vashtriya svayam sveak" nomli guruhlar urushni davom ettirishga qaror qildi. Shunda Dehlida Mahatma Gandi nufuzi ularga qarama-qarshi turdi. Mahatma Gandiga bir necha bor suyuqasd uyushtirildi. "Hindu Mahasabha" tashkilotining rahbarlaridan biri Vinayakam Svarkar Mahatma Gandini "Hinduviylik dushmani" deb bir necha ma'ruzalarida ta'kidladi, gandichilik g'oyasi bo'lgan kuch ishlatmaslikni esa axloqsizlik, deb atadi. Gandi nomiga ortadoksal hindular namoyishlar ham o'tkazishdi. "Ulardan ayrimlari meni xoin deb hisoblamoqda. Boshqalari esa, meni ishontirish yo'li bilan xristianlik va islomga, daxlsizlarga yon bosayotgan emishman"<sup>23</sup>, - deb yozgan edi Gandi.

<sup>21</sup> Пулатов Ш.Н. Махатма Ганди ижтимоий-фалсафий қарашларига қадимги хинд фалсафасининг таъсири// Монография – Тошкент: ТДШУ, 2019. – Б. 43.

<sup>22</sup> Izoh. Hindu mahasabha – "Buyuk hindular ittifoqi" to'liq nomi ("Akhil bharat hindu mahasabha" - "Bo'linmas Hindistonning buyuk hindular ittifoqi") – diniy tashkilot va siyosiy partiya

<sup>23</sup> Ганди М.К. Революция без насилия. – М.: Алгоритм, 2012. – С. 7.



Birinchi bor Mahatma Gandhi hayotiga suyuqasd 1948 yil 20 yanvarda uyushtirilgan edi. Madanlal ismli panjoblik millatchi Gandiga Dehlidagi uyida ma'ruza vaqtida portlovchi modda uloqtiradi. Suyuqasd muvaffaqiyatsiz tugadi, jabr ko'rganlar bo'lmadi<sup>24</sup>. Hukumat bu voqeadan keyin Mahatma Gandhi uchun qo'riqchilarni ko'paytirish chorasini ko'radi. Lekin Gandhi bunga qarshi edi. "Agar meni taqdirimga o'qdan o'lish yozilgan bo'lsa, men buni mamnuniyat bilan qabul qilaman",- degan edi. Ayni shu vaqtda u 78 yoshda edi.

1948 yil 30 yanvarda Gandhi erta tongda uyg'onadi, kongressga taqdim qilish uchun konstitutsiya loyihasini tayyorlaydi. Kun bo'yi hamkasblari bilan yurtning yangi qonunlarini muhokama qiladi. Kechki ibodat vaqti kelganida, u o'z jiyanlari hamrohligida uyi oldidagi maysazorga chiqadi. Radikal hindu tashkiloti a'zosi Nathuram Godze tomonidan Mahatma Gandhi otib o'ldiriladi.

Shunday qilib, Yevropa, Janubiy Afrika, so'ngra Vatani Gandining dunyoqarashini, yuqorida aytib o'tilgan Hindistonning ob'ektiv tarixiy jarayonlarining ta'siri ostida, uning nazariy va amaliy faoliyatini oldindan belgilab berdi. Shuningdek, G'arbning o'sha davr uchun eng ilg'or g'oyalari bilan tanishish ham uni idealist sifatida shakllanishida turtki bo'ldi. Mahatma Gandhi Hindiston mustaqilligi jarayonida markaziy o'rindagi shaxslardan biri bo'lib, uning hayot yo'li va ilmiy merosini o'rganish nafaqat hind xalqi uchun, balki butun insoniyat uchun namuna hisoblanadi.

Mahatma Gandhi ilmiy merosini quyidagi asarlar tashkil topadi.

- An Autobiography - The Story of My Experiments With Truth, by M. K. Gandhi
- Hind Swaraj or Indian Home Rule, by M. K. Gandhi
- Key To Health, by M. K. Gandhi

Bu 3 ta asarlar Gandhi tomonidan yozilgan bo'lib, ichki kechinmalari, hayoti, faoliyati va jamiyatga munosabati yoritilgan.

"Mening hayotim" - tarjimai hol kitob. Ammo u faqat Gandhi hayoti haqida emas, balki tarjimai hol bahoansida Gandhi falsafiy dunyoqarashini ochib beradi. Bu kitobni 1920 yillardan yozishni boshlagan. Kitob gujarot tilida yozilgan. "The Story of My Experiments with Truth" Ahmedabad 1927-1929 yillar ( yana "Autobiography" nomi bilan ham nashr etilgan). Ingliz tilidan to'g'ridan-to'g'ri o'zbek tiliga o'giradigan bo'lsak, "Mening Haqiqat bilan qilgan tajribalarim Tarixi" nomi bilan tarjima qilish mumkin. Ayrim kitoblarda ingliz tilidan rus tiliga "История моих экспериментов с

<sup>24</sup> Ганди М.К. Революция без насилия. – М.: Алгоритм, 2012. – С. 7.



истиной”, deb tarjima qilingan. O‘zbek tilida “Mening haqiqatni izlashim tarixi” nomi bilan aytsa bo‘ladi. Lekin rus tilida tarjima “Моя жизнь” nomi bilan qilingan. Bu asosan ingliz tilidagi “Autobiography” nashriga asoslangan deyish mumkin. Rus tarjimonlari uni “Tarjimai Hol” emas “Moya jizn”, deb tarjima qilganini guvohi bo‘lamiz. 1959 yilda Hindistonda nashr etilgan hind tilidagi nusxasi “सत्य के प्रयोग” (Satya ke Prayog), deb nomalanadi. (Satya - bu haqiqat, ke-ning qaratqich qo‘shimchasi. Prayog- qo‘lanilishi, ishlatilishi) buni o‘zbek tiliga so‘zma-so‘z tarjima qiladigan bo‘lsak “Haqiqatning qo‘llanilishi” bo‘ladi. Bu asar Gandining eng muhim asari bo‘lib, uning butun falsafiy, axloqiy, ijtimoiy-siyosiy qarashlari aks etgan.

Kuyida keladigan asarlar Gandining xat yozishmalari, ma’ruza va nutqlari, voqea va hodisalarga munosabatlari aks etgan. Safdoshlari, do‘stlari, shogirdlari tomonidan to‘plangan.

- Gandhiji's Autobiography Abridged - Abridged by Bharatan Kumarappa
- All Men Are Brothers - Compiled and Edited by Krishna Kripalani
- Ashram Observances in action - By M. K. Gandhi
- Constructive Programme - Its Meaning and Place - By M. K. Gandhi
- Diet and Diet Reform - By M. K. Gandhi
- Discourses on the Gita
- Epigrams From Gandhi, compiled by S. R. Tikekar
- Ethical Religion
- From Yeravda Mandir (Ashram Observances), by M. K. Gandhi
- Gandhi's Life In His Own Words - Compiled by Krishna Kripalani
- Gandhi - His Relevance for our times
- Gandhiji on Khadi
- Gandhiji on Villages
- India of My Dreams - by M. K. Gandhi, compiled by R. K. Prabhu
- Journalist Gandhi - Compiled by Sunil Sharma
- My God
- My Non-violence - by M. K. Gandhi, compiled and ed. by Sailesh

Kumar Bandopadhyaya

- My Religion
- Mohan-Mala (A Gandhian Rosary) - by M. K. Gandhi, ed. by R. K.

Prabhu

- Nature Cure - by M. K. Gandhi, ed. by Bharatan Kumarappa
- Panchayat Raj - by M. K. Gandhi, compiled by R. K. Prabhu

- Pathway to GOD - by M. K. Gandhi, compiled by M. S. Deshpande
- Ramanama - by M. K. Gandhi
- Selected Letters Part-I by M. K. Gandhi
- Selected Letters Part-II by M. K. Gandhi
- Selections From Gandhi compiled by N. K. Bose
- Selected Works of Mahatma Gandhi ( 5 Volumes) by M. K. Gandhi
  - Vol-I: Autobiography
  - Vol-II: Satyagraha in South Africa
  - Vol-III: Basic Works
    - Ethical Religion
    - Unto This Last
    - Hind Swaraj or Indian Home Rule
    - From Yeravada Mandir
    - Discourses on The Gita
    - Constructive Programme
    - Key To Health
  - Vol-IV: Selected Letters
  - Vol-V: Voice of Truth
- The Mind of Mahatma Gandhi, Compiled by R. K. Prabhu & U. R. Rao
- The Moral Basis of Vegetarianism, by M. K. Gandhi
- Truth is God by M. K. Gandhi, ed. by R. K. Prabhu
- Towards New Education - by M. K. Gandhi, ed. by Bharat Kumarappa
- Village Industries - by M. K. Gandhi
- Village Swaraj - by M. K. Gandhi
- What Jesus Means To Me - by M. K. Gandhi, Compiled by R. K. Prabhu

Yuqoridagi kitoblardan tashqari, Hindiston hukumati tomonidan chop etilgan “The Collected Works of Mahatma Gandhi: Volumes I through XC” (Mahatma Gandhi asarlarining 90 jildlik to‘plami) muhim manba hisoblanadi. Bu asarlarda Mahatma Gandhi dunyoqarashi, falsafiy, uning ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va axloqiy qarashlari aks etgan. Shuningdek, Mahtma Gandhi ilmiy merosini ochib berishda, u bilan birga yashagan yoki uning hayotini o‘rgangan bir nechta mualliflarning qo‘lyozmalari ham mavjud.

Bu manbalarga quyidagilar kiradi:

1.Mahadevbhai Desaining kundaligi (Desai, 1953); 2.Insoniy muloqot va jamoatchilik uchun axloqiy ko'rsatmalar. Gandi madaniyatlararo muhokamasi: istiqbol (Bode, 1987); 3.Gandi bilan jang (Juergensmeer, 1984); 4.Gandi va Amerikaning ta'lim kelajagi (Leys va Rao, 1969); 5.Etakchi aqlar: yetakchilik anatomiyasi (Gardner, 1995).

Mahadev Desaining kundaligi Gandining yigirma to'rt soat davomida Gandi bilan birga bo'lgan kotibi Mahadev Desai tomonidan olingan eslatmalardan iborat. U o'z kundaligida bo'lib o'tgan uchrashuvlar va o'zaro munosabatlarni o'z ichiga oladi va bo'lib o'tgan uchrashuvlarning mazmunini batafsil qayd etadi, Gandi va uning hamkasblarining his-tuyg'ulari va fikrlarini ham o'z ichiga oladi. Shunday qilib, Desaying kundaligi bu tadqiqotchiga Gandining yetakchilik sahnalarini bir butun sifatida ko'rish imkonini berdi. Yuqorida sanab o'tilgan boshqa asarlar qimmatli manba bo'lib xizmat qilgan, chunki ular Gandining ba'zi g'oyalariga ilmiy nuqtai nazarni taqdim etgan.

## REFERENCES

1. Горев А. Махатма Ганди. – М.: Международные отношения, 1989. – С.2.
2. Датта Д. Философия Махатма Ганди/ Пер с англ А.В.Радугина. – М.: Издательство иностранной литературы. 1959. – С. 27.
3. Ганди М.К. Менинг ҳаётим. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 4.
4. Tendulkar D.G. Mahatma: Life of Mohandas Karamchand Gandhi. – New Delhi: The Publications Division, Vol. I, 2016. – P. 37.
5. *Михель Д. В., Михель И. В. Упорство в истине: философия и политика Махатмы Ганди // Изв. Саратов. ун-та. Нов. сер. Сер. Философия. Психология. Педагогика. – Москва. 2019. Т. 19, вып. 3. – С. 272.*
6. Намбудирипад Е.М.Ш. Махатма Ганди и Гандизм. – М.: Иностранной Литературы, 1960. – С. 16.
7. Пўлатов Ш.Н. Махатма Ганди и жтимоий-фалсафий қарашларига қадимги ҳинд фалсафасининг таъсири// Монография – Тошкент: ТДШУ, 2019. – Б. 43.
8. Ганди М.К. Революция без насилия. – М.: Алгоритм, 2012. – С. 7.
9. Пўлатов, Ш. Н. (2023). ҲИНД ФАЛСАФАСИДАГИ ИНСОН МАСАЛАСИНИНГ МАҲАТМА ГАНДИ ҚАРАШЛАРИГА ТАСИРИ. International scientific journal of Biruni, 2(3), 96-103.
10. Валиев, Л. А., & Раматов, Ж. С. (2023). АУРОБИНДО ГҲОШНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИНСОН МАСАЛАСИНИНГ ТАҲЛИЛИ.

Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(6), 1058-1063.

11. SNPulatov, AXLOQ VA AHIMSA TUSHUNCHALARINING O'ZARO BOG'LIQLIGI. Academic Research in Educational Sciences ISSN: 2181-1385, 5/2. 2024, B50-55.

12. Po'Latov, S. N. M. (2020). Hindistondapedagogikta'liminingrivojlanishbosqichlari. ScienceandEducation, 1(SpecialIssue 1), 21-26.

13. Polatov, S. N. (2020). XIX ASR OXIRI XX ASR BOSHLARIDA HINDISTONDAGI IJTIMOY-SIYOSIY VAZIYAT. AcademicResearchInEducationalSciences, (4), 468-474.

14. Po'Latov, S. N. M. (2021). MAHATMA GANDI FALSAFIY QARASHLARIDA "MUTLOQ G 'OYA" TUSHUNCHASI. Orientalrenaissance: Innovative, educational, naturalandsocialsciences, 1(5), 1134-1143.

15. Po'Latov, S. N. M. (2020). RabindranattagorningHindistonilm-ma'rifatgaqo'shganhissasi. ScienceandEducation, 1(SpecialIssue 1), 136-143.

16. Пулатов, Ш. Н. (2022). МАХАТМА ГАНДИ ФАЛСАФИЙ КОНЦЕПЦИЯСИДА "САТЯГРАХА" ТУШУНЧАСИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 23), 890-896.

17. Pulatov, S. N. M. (2022). AHIMSA TUSHUNCHASINING FALSAFIY MOHIYATI. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 1), 162-166.

18. Po'Latov, S. N. M. (2022). MAHATMA GANDINING INSON TABIATI HAQIDAGI QARASHLARI. Academic research in educational sciences, 3(3), 10-19.

19. Pulatov Sh.N. The Concept of "Truth" in the Philosophical Views of Mahatma Gandhi// Akshara Multidisciplinary Research Journal Peer-Reviewed & Refereed International Research Journal, India // E-ISSN: 2582-5429 Vol.02 Issue V, 2021. –P. 12-18.

20. Muhamedov A. (2023) Qutadғu bilingda bilimdan tўғri foydalaniш масалалари . Шарқ фалсафаси. Илмий-услугий журнал. 7-сон. 39-42 б.

21. Muhamedov A. Michel Montaigne is a renaissance creative. Necmettin Erbakan University Press (NEU PRESS) Yaka Mah. Yeni Meram Cad. Kasım Halife Sok. B Blok No: 11 Meram / KONYA / TÜRKİYE 0332 221 0 575 - [www.neupress.org](http://www.neupress.org)

22. Muhamedov A. (2024) Sharq Renessansining vujudga kelishidagi ijtimoiy omillar. "Экономика и социум" №2(117)
23. Muhamedov A. (2023) Маънавий тараққийнинг ҳозирги босқичида юсуф Хос Ҳожиб маънавий меросига эҳтиёж. Тафаккур манзиллари. Илмий-услубий журнал. 7-сон. 78-82.
24. Muhamedov A. (2022) Юсуф хос Ҳожибнинг ижтимоий адолат ҳақидаги қарашлари. // International Conference on Developments in Education. – Bursa, Turkey.
25. Пулатов, Ш. (2019). Философская концепция Махатмы Ганди. Востоковедения, 3(3), 214–224. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/oriental-studies/article/view/15683>
26. Po'latovSh. N. Mahatma Gandi ijtimoiy-falsafiy qarashlariga qadimgi hind falsafasining ta'siri. (TDSHI). – Toshkent. 2019. – 120.
27. Po'latovSh.N. Jaynizmdiniy-falsafiy ta'limoti. 16-son Sharqshunsolar anjumani. Toshkent davlat sharqshunsolik universiteti, 2020 307-312.
28. Po'latovSh.N. Mahatma Gandi diniy qarashlarining tahlili. Nam DU ilmiy axborotnomasi. 2021 y. 8-son. 205-212 b.

## TEACHING WRITING TO STUDENTS OF EFL AND THE CHALLENGES FACED BY TEACHERS OF IPER

**Ismailov Kamolatdin Kurultaevich**

vice-rector of the Institute of pharmaceutical education and research

**Khusanbayeva Yulduz Bakhtiyarovna**

senior teacher, the Institute of pharmaceutical education and research

**Yuldashev Sherzod Zairjanovich**

senior teacher, the Institute of pharmaceutical education and research

### ABSTRACT

Teaching writing to students who need a stronger command of the English language presents a unique set of challenges for their instructors. People who are not native English speakers may find it challenging to enhance their writing talents due to language barriers, cultural differences, and a lack of knowledge of writing standards. This may make it difficult for students to improve their writing abilities. It is within one's power to succeed despite these challenges. Despite this, it is possible to do this successfully with enough preparation, well targeted teaching strategies, and a friendly and welcoming atmosphere for learning. This article will analyze the challenges teachers from IPER face when teaching writing to students whose first language is not English and will present actionable suggestions to enhance these IPER students' educational experiences. The article will also discuss the problems of IPER teachers face when teaching writing to students whose first language is not English

**Keywords:** problem-solving, higher education, writing skill, teachers, students, IPER

### INTRODUCTION

Instruction in writing for individuals who are not native speakers of English may be challenging for people who are not native English speakers to communicate effectively in writing because they have a poor grasp of syntax, vocabulary, and the structure of sentences. These challenges are sometimes referred to as linguistic obstacles. It is possible that those who do not speak English as their first language have access to a smaller vocabulary than those who do. As a consequence of this, some people may have difficulty effectively articulating their thoughts in writing, which may cause their writing to be fragmented and ambiguous. Conventions of the



По мнению американских ученых [4], с точки зрения экономического анализа, производительность инфраструктуры должна быть оценена преимущественно стоимостным методом, поэтому производительность инфраструктуры оценивается как производительность каждого доллара, потраченного на содержание 1 мили пути. Этот показатель увеличился в 3,2 раза к 2019 году, относительно уровня 2000 года, такое значительное повышение объяснялось совершенствованием методов обслуживания инфраструктурных комплексов [5].

Показатель окупаемости (ROI) определяет, в какой мере компания использует капитал для получения прибыли. Для железных дорог ROI представляет собой отношение чистого операционного дохода (NROI-Net railway operating income) и инвестиций в развитие сети (железнодорожную инфраструктуру и подвижной состав) [5].

Точно также, как и в Республике Узбекистан, США уделяют особое внимание этому показателю. Из вышеизложенного следует, что при оценке производительности труда в США используется комплексный анализ показателей производительности всех остальных ресурсов (рисунок 23), т.к. наблюдается система взаимосвязи показателей:



Рис. 3. Взаимосвязь производительности и факторов влияния [6]

На рисунке 3 наглядно представлена взаимосвязь всех ресурсов производительности, где центральным и важнейшим показателем является

производительность труда, что подтверждает особую значимость корректной оценки этого показателя. Поскольку железнодорожный транспорт относится к услуге, то доля трудового капитала здесь велика, что влияет на все остальные ресурсы, и при низкой эффективности труда снижается эффективность всех остальных ресурсов. Обобщая вышеуказанную информацию, можно сделать вывод о том, что сегодня железнодорожный транспорт способствует росту макроэкономических показателей и оказывает влияние на многие отрасли экономики. В механизме устойчивого развития транспортного комплекса экономически обоснованная методика расчета показателей перевозочной деятельности железнодорожного транспорта играет очень важную роль. Это объясняется тем, что при использовании экономически обоснованных показателей коэффициентов приведения по железным дорогам и по сети возможно:

- осуществлять более точную постановку задач долгосрочных программ развития транспорта;
- корректно оценивать целевые значения Стратегии развития транспорта;
- проводить более корректную оценку производительности ресурсов железнодорожного транспорта;
- проводить более корректный анализ финансово-хозяйственной деятельности;
- проводить более корректный прогноз объёмов перевозочной работы;
- проводить более справедливую оценку уровня производительности труда на железнодорожном транспорте и др.

## REFERENCES

1. Официальный сайт Агентства Статистики при Президенте Республики Узбекистан режим доступа: <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/services>
2. Султанова С.М, Бабаханова Н.У. Статистический анализ макроэкономических факторов пассажирских перевозок в местном сообщении. Давлат статистика кўмитаси хузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2021 йил, 4-сон.

3. Терёшина, Н.П., Подсорин, В.А., Данилина, М.Г. Экономика железнодорожного транспорта: учебное пособие – М.: РУТ (МИИТ), 2018. – 265 с.
4. . Youssef Kriem, Productivity of the U.S. Freight Rail Industry: a Review of the Past and Prospect for the Future. Thesis (M.Eng.) – Massachusetts Institute of Technology, Dept. of Civil and Environmental Engineering. – USA, 2011.
5. Официальный сайт АО «Ўзбекистон темир йўллари». Режим доступа: <https://uzrailway.uz/ru/>
6. Терешина, Н.П., Подсорин, В.А., Шаханов, Д.А. Ресурсы производительности: опыт США / Н.П. Терешина, В.А. Подсорин, Д.А. Шаханов // Мир транспорта. – 2014. – № 2. – С. 202-213.
7. Хусаинов, Ф.И. Влияние структуры погрузки и грузооборота на доходность грузовых перевозок ОАО «РЖД» [Текст] / Ф.И. Хусаинов // Транспорт Российской Федерации. – 2018. – № 3 (76). – С. 29-32.
8. Шарифова, Н.Э. Основные направления повышения производительности труда в ОАО «РЖД» [Текст] / Н.Э. Шарифова // Труды IV Международной научно-практической конференции «Повышение производительности труда на транспорте – источник развития и конкурентоспособности национальной экономики». – М.: РУТ (МИИТ), 2019. – С. 184-185.

## SIMSIZ SENSOR TARMOQLARIDA MONITORING JARAYONINI MODELLASHTIRISH VA TADQIQ QILISH

**Shaxzoda Amanbayevna Anarova**

Muhammad Al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari  
universiteti Axborot texnologiyalari kafedrası professori, t.f.d.

**Anvar Alisher o'g'li Choriyev**

Muhammad Al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari  
universiteti magistranti

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada telekommunikatsiya obyektlarining energiya ta'minoti manbalarini masofadan monitoring jarayonlari o'rganiladi hamda modellashtiriladi. Monitoring jarayonlari uchun qo'llaniladigan simsiz tarmoq texnologiyalari tahlil qilinadi va ulardan monitoring jarayoni uchun mos keladigan tarmoq tanlanib, ushbu tarmoq ustida tadqiqotlar olib boriladi. Masofadan monitoring jarayoni uchun ushbu tarmoqdan foydalanish bo'yicha yechimlar ishlab chiqiladi.

### KIRISH

Hozirgi vaqtda "simsiz sensorlar tarmog'i" atamasi alohida elementlarning ishdan chiqishiga chidamli bo'lgan miniatyura elektron qurilmalarning taqsimlangan, o'zini o'zi tashkil qiluvchi tarmog'iga ishora qiladi. Tarmoq elementlari (tugunlari) o'rtasida axborot almashinuvi simsiz aloqa orqali amalga oshiriladi. Sensor tarmoq tugunlari avtonomdir.

Simsiz sensorli tarmoqlardan (WSN) foydalanish imkoniyatlari inson faoliyatining deyarli barcha sohalariga taalluqlidir:

1. Xavfsizlik tizimlari va harbiy ilovalar qoidalar;
2. Sanoat monitoringi;
3. Binolarni avtomatlashtirish (aqlli uy tizimlari);
4. Logistika;
5. Ekologiya va favqulodda vaziyatlar;
6. Sog'liqni saqlash.


WSN ning asosiy xususiyatlari:

1. Tarmoq tugunlarining cheklangan energiya, hisoblash va aloqa resurslari;

2. Birliklarning kichik o'lchamlari va og'irligi;
3. Tugunlarga avtonom elektr ta'minoti;
4. Alohida tarmoq tugunlarining arzonligi;
5. Tarmoq va uning tugunlariga texnik xizmat ko'rsatish talab qilinmaydi;
6. Katta masshtabli (yuz minglab tugunlargacha) va tarmoqlarning miqyoslilik;
7. Tarmoqlarning yuqori ishonchliligi va nosozliklarga chidamliligi;
8. Tarmoqlarning topologiyaning o'zgarishiga va tarqalish sharoitlarining o'zgarishiga chidamliligi;
9. Tashqaridan simsiz sensor tarmog'i bilan ishlash bir butun sifatida sodir bo'lishi;

### Sensor tarmoq tugunlari

1-rasmda sensorli tarmoq tugunining umumlashtirilgan tuzilishi ko'rsatilgan.



1-rasm. Sensor tarmoq tuguni

Simsiz sensor tarmoq tuguniga quyidagilar kiradi:

Hisoblash moduli, sensorlar, simsiz aloqa moduli, quvvat manbai moduli.

**Hisoblash moduli.** WSN tugunlarida hisoblash moduli sifatida ishlatiladigan mikrokontrollerlar quyidagi xususiyatlarga ega:

1. Ishlashda kam quvvat sarfi (milliamper) va energiyani tejash (mikroamper) rejimlari, moslashuvchan iste'molni boshqarish;
2. Tarmoqning bir qismi sifatida tugunning ishlashi uchun yetarli bo'lgan apparat resurslarining mavjudligi;
3. Mikrokontroller va tashqi komponentlarning arzonligi;
4. Kichik o'lchamlar, ular uchun mikrokontrollerlar miniatyura hollarda ishlab chiqariladi.

**Sensorlar.** Tarmoq tugunlarining sensorlari atrof-muhit haqida ma'lumot to'plash uchun mo'ljallangan siqish (tugunlar) muhiti. Tugun sensorlari quyidagilarga bo'linadi:

1. Passiv: harorat, infraqizil, namlik, akustik, biokimyoviy, bosim va boshqalar;

2. Faol: ultratovushli, yorug'lik bilan infraqizil, radar va boshqalar.

**Simsiz aloqa modul.** Modul tarmoq tugunlari o'rtasida simsiz aloqani tashkil qilish uchun ishlatiladi. Simsiz aloqa moduli sifatida yuqori darajada integratsiyalangan qabul qiluvchilar, transmitterlar va qabul qiluvchilar quyidagi asosiy xususiyatlarga ega:

1. Kam quvvat sarfi;

2. Qabul qiluvchilar va tashqi komponentlarning arzonligi;

3. Integratsiyaning yuqori darajasi;

4. Axborotni modulyatsiyalash va kodlashning shovqinga chidamli usullaridan foydalanish.

Simsiz ma'lumotlar uzatishni tashkil qilish uchun hozirda litsenziyasiz ishlaydigan (ISM - sanoat, ilmiy, tibbiy) chastota diapazonlari, yuqori darajada integratsiyalangan qabul qiluvchilar, transmitterlar va qabul qiluvchilar qo'llaniladi.

434 MGts va 868 MGts chastotalar uchun qabul qiluvchilar va transmitterlar amplituda va chastotani almashtirish tugmalaridan foydalanadilar. Axborot uzatish tezligining eng keng tarqalgan diapazoni 1-10 kbit / s, ba'zi turdagi qabul qiluvchilar uchun u 100 kbit / s ga etadi. Kodlash uchun axborot odatda Manchester yoki Bi-fazali kodlardan foydalanadi.

2,45 gigagertsli diapazon uchun qabul qiluvchilar va uzatuvchilar chastota yoki fazani almashtirish tugmalaridan foydalanadilar. Ma'lumot uzatish tezligi odatda 100 kbit/s dan oshadi. Kodlash uchun ikki fazali kod, Barker kodlari va boshqalar ishlatiladi.

1-jadvalda chastota diapazonlarining xususiyatlari ko'rsatilgan.

**1-jadval**

Parametr	434 MGts va 868 MGts	2.45 GGts
Harakat radiusi	1000 m gacha	100 m gacha
Narxi	Past	Yuqori



Antennani ishlab chiqarishning aniqligi, u bilan muvofiqlashtirish va komponent parametrlariga qo'yiladigan talablar	Past	Yuqori
Yetkazib berish tezligi	100 kbit/s gacha	2 Mbit/s gacha
Ishlab chiqilgan standart protokollarning mavjudligi	Yo'q	Bor

**Elektr ta'minoti moduli.** Elektr ta'minoti moduli tarmoq tugunlarining ishlashining uzoq umr ko'rishini ta'minlaydi (bir nechta yillar).

Hozirgi vaqtda galvanik elementlar tarmoq tugunlarini quvvat bilan ta'minlash uchun ishlatiladi, chunki ular yetarlicha yuqori quvvatni yetkazib berishga qodir va arzon narxga ega.

**Ijro etuvchi qurilmalar.** Sensor tarmoq tugunlarining aktuatorlari atrof-muhitga ta'sir qilish uchun xizmat qiladi. Aktuator sifatida xizmat qilishi mumkin: ko'rsatkichlar, drayvlar, turli mexanizmlar va boshqalar.

### **Simsiz sensorli tarmoqlar arxitekturasi**

Har bir simsiz sensor tarmog'ida faqat bitta koordinator qurilma bo'lishi mumkin. Koordinatorning asosiy vazifasi - parametrlarni o'rnatish va tarmoqni yaratish, asosiy radiochastota kanalini tanlash va noyob tarmoq identifikatorini o'rnatish. Koordinator eng murakkab qurilma bo'lib, eng katta xotira hajmiga ega va quvvat sarfini oshiradi (tarmoqdan quvvatlanadi).

Routerlar tarmoq diapazonini kengaytirish uchun ishlatiladi, chunki ular bir-biridan uzoqda joylashgan qurilmalar o'rtasida takrorlash rolini o'ynashi mumkin.

Quyidagi simsiz sensorli tarmoq topologiyalari mavjud:

1. Nuqtadan nuqtaga (ikki tarmoq tugunlari orasidagi ulanish);
2. Yulduz (tarmoq tugunlarining bitta "asosiy" tugun bilan ulanishi);
3. Klaster daraxti;
4. Peer-to-peer ko'p hujayrali tarmoq.

Nuqtadan nuqtaga va yulduzcha ulanishlar eng oddiy ilovalar uchun mos keladi, eng past narxga ega, eng kam quvvat sarfiga ega va standart bir nechta kirish strategiyasidan foydalanishga imkon beradi. Har bir yulduzli tarmoqda bitta tarmoq koordinatori mavjud.

Klaster daraxti topologiyasi qo'shimcha infratuzilma xarajatlarini talab qilmasdan tarmoq miqyosi va qamrov maydonini kengaytirishni ta'minlaydi. Klaster

daraxti tarmog'i yulduz topologiyasiga ega bo'lgan bir nechta kichik tarmoqlarni o'z ichiga olishi mumkin.

Ko'p hujayrali topologiyada maxsus marshrutizatorlar mavjud emas va har qanday tarmoq tugunlari tarmoqdagi boshqa qurilmalar uchun yo'riqnoma vazifasini bajarishi mumkin. Shu bilan birga, ko'p hujayrali tarmoqda hisoblash yukining ortishi va qabul qiluvchining foydalanish chastotasining oshishi tufayli tugunlarning xizmat qilish muddati kamayadi.

**Tarmoq modelini tekshirish.** WSN ni modellashtirishda real tarmoqlarda ishlatiladigan model talablariga rioya qilish muhimdir. Bu eng katta darajada aloqa kanali modeliga tegishli. Ushbu muammoni hal qilish uchun tarmoq simulyatsiyasi natijalarini haqiqiy simsiz sensor tarmog'ining ishlashi natijalari bilan tekshirish kerak. Bunday tekshirishni amalga oshirish uchun haqiqiy tarmoqda ish parametrlarini to'plash va saqlashni tashkil qilish kerak, masalan: tarmoq tugunlarining koordinatalari, tarmoq tugunlarining dastlabki batareya zaryadi, ma'lumotlarni uzatishda tugun iste'moli, tugunlar bo'yicha ma'lumotlarni qabul qilish xarajatlari, har bir tugunning faol ishlash muddati, faol rejimda ishlash muddati, faol rejimda energiya iste'moli, energiya tejash rejimida ishlash narxi, sensorlardan hodisalarni qayta ishlash uchun energiya sarfi, paketlarni qabul qilishda kechikish, paketlarni uzatishda kechikish, ishlov berish hodisalaridagi kechikish, uzatilgan ma'lumotlar paketlarining uzunligi va boshqalar.

## REFERENCES

1. IEEE 802.15 Working Group for WPAN, <http://www.ieee802.org/15/>.
2. G. Simon, Simulation-based optimization of communication protocols for large-scale wireless sensor networks, IEEE Aerospace Conference, Big Sky, MT, March 8-15, 2003.
3. G. Simon, Probabilistic wireless network simulator, 2003, <http://www.isis.vanderbilt.edu/projects/nest/prowler>.

## XUSRAV DEHLAVIY MA'NAVIY MEROSIDA CHISHTIYA TARIQATI MAZMUN-MOHİYATIGA OID G'UYALAR TASNIFI

**Qosimbek Quvanovich Razzoqov**

Jizzax politexnika instituti

“Ijtimoiy fanlar” kafedrası v.b dotsenti (PhD)

### ANNOTATSIYA:

Mazkur maqolada tasavvuf ta'limoti, unga berilgan ta'riflar, tariqatlar, xususan, chishtiya va uning mutafakkiri Xusrav Dehlaviyning ijtimoiy-axloqiy qarashlari xususida fikr yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** Tasavvuf, chishtiya, tariqat, tarbiya, nafs, axloq, komillik

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье рассматривается учение суфизма, его определения, тариката, особенно Чистия и социально-этические взгляды ее мыслителя Хусрава Дехлави.

**Ключевые слова:** Суфизм, чистиййа, порядок, образование, желание, мораль, совершенство

### ABSTRACT:

This article examines the teachings of Sufism, its definitions, sects, especially Chishtiya, and the social and ethical views of its thinker Khusraw Dehlavi.

**Keywords:** Sufism, Chishtiyya, order, education, desire, morality, perfection

Tasavvuf tarixi, falsafasining, hududiy, diniy va bir vaqtning o'zida dunyoviy mohiyati shuningdek, tasavvuf ta'limotidagi Chishtiya tariqati hamda vakillarining ijtimoiy qarashlarini o'zbek kitobxonlariga tanitish, yangi qirralarini ochish hamda tarixiy ongimizda mudrab yotgan noyob ma'naviy, ma'rifiy xususiyatlarini uyg'otish istagi bilan bevosita bog'liqdir.

Sharqshunos olimlar e'tirof etishlaricha, tasavvuf falsafasi asoslarini omma ichida targ'ib qilishda she'riyat diniy va ilmiy manbalardan qolishmaydigan darajada muhim vazifani bajargan. Bu borada esa zullisonayn, mutasavvif shoir Xusravning asarlari tasavvuf targ'iboti sohasida, ayniqsa, ko'p millatli Hindiston sharoitida juda qo'l kelgan.

“O‘z davridayoq butun musulmon va hind olamiga ovozasi ketgan hamda hisobsiz muxlislarga ega bo‘lgan piri murshidlarga zamona hukmdorlari ham hurmat-ehtirom ko‘rsatgan, maslahatlariga quloq tutib faoliyatlar olib borishgan. Ana o‘shanday buyuk zotlardan biri Amir Xusrav Dehlaviydir”[1.B. 311].

Hazrat Alisher Navoiy o‘zining “Nasoyim ul-muhabbat” asarida “Va Xusrav Dehlaviy va Hasan Dehlaviy aning (ya’ni Shayx Nizomuddin Avliyo) muridlaridurlar” [2.B. 355] deb takidlaydi.

Amir Xusrav Dehlaviy chishtiya so‘fiylik tariqatining vakili bo‘lib, umrining oxirigacha tariqat a‘zosi bo‘lib qoldi. Ma’lumotlarga qaraganda, uning ijodiy merosi ulkan bo‘lib, o‘rta asr adabiyoti tarixchilarning fikriga ko‘ra, “chegarasiz okean” [3.C. 50-51] ga o‘xshaydi.

Allomaning ijodiy merosi 1 million satrdan iboratligi bois ham yuqoridagi o‘xshatish bejizga emasligini ko‘rish mumkin. Uning mashhur asarlari ichida “Xamsa”, “Hayot o‘rtasi”, “Sakkiz behisht bog‘lari” va boshqalar bor. O‘zining barcha asarlarida Dehlaviy tabiat go‘zalligini, vatanni, adolat, xalqlar o‘rtasida do‘stlik va insonni vasf etdi. U o‘z asarlarini fors va arab tillarida yozdi. Alisher Navoiy uni o‘zining ustozlari hisoblar edi. Javoharlal Neru uning ijodidan zavq olar edi[4.B. 165].

Bundan tashqari Sharq adabiyotining uzoq tarixi bilan yaqindan tanish bo‘lgan kishilar esa, she’riyat osmonida ko‘plab hamsanavis shoirlar orasida uch atoqli shoir nomining abadiy porlab turganini ko‘radi.

Bular buyuk ozarbayjon shoiri Nizomiy Ganjaviy, zabardast hind shoiri Amir Xusrav Dehlaviy va o‘zbek adabiyotining o‘lmas siymosi Alisher Navoiydir.

Quyida hayoti va ijodi haqida fikr yuritmoqchi bo‘lganimiz Amir Xusrav Dehlaviy adabiyot tarixi va tasavvuf ta’limoti Chishtiya tariqati vakili, Nizomiddin Avliyoning shogirdi, ko‘p shoirlarning hurmatiga sazovor, ko‘plarga o‘rnak bo‘lgan, ko‘plar uning mahoratiga qoyil qolgan. Jumladan, Alisher Navoiy Amir Xusravni g‘azal ustodlaridan deb, shunday ta’riflagan:

G‘azalda uch kishi tavridir ul nav’,  
Kim andin yaxshi yo‘q nazm ehtimoli:  
Biri mo‘‘jiz bayonliq sohiri Hind,  
Ki ishq ahlini o‘rtar so‘zu holi... [5.B. 731]

Ha, Navoiy hind shoiri Amir Xusrav Dehlaviyning ishqni kuylashdagi mahoratiga, tilining shirinligiga, samimiy, chuqur lirizmiga yuqori baho bergan, g‘azalchilikda erishgan katta muvaffaqiyatiga qoyil qolgan edi.

Demakki, Amir Xusravning o'rta asr Sharq ijtimoiy jamiyati turli tabaqalarining umid – orzulari va fikr - o'ylarini ifodalagan asarlari hind xalqining milliy iftixori bo'lib, fors – tojik adabiyoti oltin xazinasidan muhim o'rin oldi.

“XIII –XIV asrlarda Hindistonda yashagan buyuk shoir Amir Xusrav Dehlaviy o'zining “Xamsa”, “Xisrav ajoyibotlari” (“Ijozi Xusravi”) asarlarida falsafiy axloqiy muammolarni yoritgan. Dehlaviy insonparvar shoir va mutafakkir sifatida turli diniy e'tiqodlarga mansub kishilarni birlashishga, tinch-totuv yashashga chorlaydi” [6.B. 212].

Amir Xusrav inson kamoloti, jumladan so'fiy kishining ma'naviy tarbiyasi uchun tariqat bilan birga shariatni ham muhim deb hisoblagan.

“Shariat - tanadir, tariqat - jondur, haqiqat – ruhdur”. Tana ruh va jonsiz bo'lmaganiday, jon ham tanasiz bo'lmaydi.

Amir Xusrav ana shu e'tiqodga qattiq ishonar va shariat ahkomini bajarishni hamma uchun zaruriy hisoblardi. Uning piri Nizomiddin Avliyo ta'limoti ham shunga muvofiq edi.

Sharm nadory, ki turo Hayyu pok,

Xonda ba me'rotsu tu xufta ba xok.

Garchi ba dahr odamy astu pary,

Nest magar bahri parastiilgary.

Ey ba batolat chu furo'moyagon,

Chand xury ne'mati Hats roygon.

Vahshu tuyure, ki charoxor kard,

Sar ba gahe xurdu nagunsor kard.

Qatrai obe naxo'rad mokiyon,

To nakunad ro' ba so'yi osmon.

Tsismu tsamode, ki ba ko'yu rahand.

Ham ba zabone “bata'alallah” and [7.C. 127-128].

Ma'nosi: (Haq taolo seni me'roj - ko'tarilishga chorladi, lekin sen tuproqda, uyquda, uyalmaysanmi? Dunyoda odamzod va pari bor ekan, Allohga sig'inadilar... sahroda kezuvchi vahshiy hayvonlar, qushlar o'tlash uchun egiladi - sajda qiladi.

Tovuq to osmonga qaramasa, bir qultum suv icholmaydi. Yo'l va ko'chalardagi, tog'u dashtlardagi jism va moddalar bari o'ziga xos til bilan Allohga zikr aytadilar. Xonish va nag'malar, o't-o'lan, suv va shamol harakati, shovullashi, pariya malaklar - hammasi ibodat ovozidir).

Buni shundan ham bilsa bo'ladiki, "Men hamma narsadan va hatto o'zimdanda ham hafsalam pir bo'lganida, faqat "Turk"dan ya'ni (Dehlaviy nazarda tutilgan) hech charchamaganman", degan ekan Nizomiddin Avliyo. U zot shu bois Amir Xusravga "Turkulloh" [8.B. 196] unvonini bergan. Mumtoz she'riyatda "turk" sevimli ma'nosini anglatgani uchun bu unvonni ustoz "Mahbubi ilohiy"ga sinonim sifatida shogirdiga nisbatan qo'llagan.

Amir Xusrav Dehlaviy butun umr saroy shoiri bo'lgani uchun saroy ahli hayoti, shohlar siyosati, ularning dunyoqarashi bilan juda yaqindan tanish bo'lgan. U o'z hayoti davomida 9 ta hukmdorni ko'rib, shulardan 7 tasi huzurida xizmat qilgan. Xususan, Jaloliddin Feruzshoh davrida u yuqori mansabga ko'tarilib, Amir unvoniga sazovor bo'lgan. Xusrav Dehlaviy umrining oxirida saroy xizmatini tark etib, Chishtiya tariqatining mashhur shayxlaridan Nizomiddin Avliyoga murid tushadi, tariqat bosqichlarini bosib o'tib [9.B. 234] valiulloh maqomiga erishadi.

Xusrav umrining ko'p qismini Dehlida o'tkazgan. Shuning uchun ham u "Dehlaviy" degan nom olgan.

Shoirning o'z so'zicha she'riyatning muxlisi bo'lgan Nizomiddin Avliyo Amir Xusravni yoshligidayoq shoirlikka yo'llagan, yangi-yangi asarlar yozishga ilhomlantirgan. Nizomiddin Avliyo ham she'r yozgan. Ayniqsa, uning to'rtliklari Amir Xusravga juda ma'qul bo'lgan. Amir Xusravning ko'pgina asarlari Shayx Nizomiddin Avliyo nomi bilan bog'liq. Shoirning "Xamsa"si ham bevosita Nizomiddinning taklifiga binoan yozilgan.

Zamon taqozosi bilan Nizomiddin Avliyoga murid bo'lgan Amir Xusrav tasavvuf g'oyalarini chuqur o'zlashtirdi va uning ilg'or tomonlarini kuyladi.

Nizomiddin Avliyoning bemisl fazilatlarini uning muridi Amir Xusrav Dehlaviy tomonidan maxsus "qavvoliy" qo'shiq janrida yozilgan g'azallarda kuylangan. "Qavvoliy" odatda uch tilda forsiy, hind va urdu yozilgan.

Shoirning asarlarida tasavvuf ta'siri kuchli bo'lgan. Manbalarda Amir Xusrav tasavvufchi shoir sifatida tilga olinadi. Davlatshoh Samarqandiy shoirning so'fizmi haqida "...haqiqat dunyosining shabadasi uning umid bog'iga esganida u ichki nazar – e'tibori, himmati ila bu nokas olamning past, tubanligini ko'rdi.

Xusrav Dehlaviy tushunchasida inson zotiga nisbatan mehr-oqibat tuyg'usining chinakam izhori uning dardi hasratlaridan boxabar "Tabibi dil" [10.B. 154] tarzida hayot kechirishdan iborat. Tabib tabiiyki, bemor oldiga kelganda uning irqi, millati, diniy e'tiqodini emas, balki dardi haqida so'rab uni davolaydi. Xuddi shu singari



xalqqa xizmat ham diniy, ijtimoiy yoki boshqa tabaqaviylikdan qat'iy nazar amalga oshirilishi vojibdir.

Chishtiya tariqati so'fiylarining axloqiy va falsafiy ta'limotlari Amir Xusrav va Hasan Dehlaviy hamda Ziyavuddin Baroniylar tomonidan o'zlashtirildi va ularning diniy-falsafiy qarashlari shakllanishiga katta ta'sir ko'rsatdi. Chishtiya so'fiylarining o'z davri uchun ilg'or, taraqqiyparvar g'oyalari odamlar ongida jamiyat turmushining aksi hisoblanib, o'z navbatida jamiyat manfaatlarini ifoda etib, uning taraqqiyotiga faol ta'sir ko'rsatar edi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Chishtiya tariqatini yoyilishi va rivojlantirishda Xusrav Dehlaviy katta xizmat ko'rsatdi. Mutafakkir o'z faoliyati davomida Chishtiya asoslarini o'zidan keyingi avlodga yetib borishini ta'minladilar.

#### REFERENCES:

1. “Xotin-qizlarning fan, ta'lim, madaniyat va innovatsion texnologiyalarni rivojlantirish sohasidagi” yutuqlari mavzuidagi Xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. Jizzax. 2019.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. “Насойим ул-муҳаббат”. –Т.: Фан, 2001.
3. Г.Ю.Алиев. Персоязычная литература Индии. – М., 1968.
4. Аҳмедова М. “Фалсафа”. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006.
5. Алишер Навоий, Хазойинул маоний, IV том, нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. –Т.: 1960.
6. Назаров Қ. “Жаҳон фалсафаси” тарихидан лавҳалар. –Т.: “Файласуфлар миллий жамияти нашриёти”, 2004.
7. Амир Хусрав Дехлавий. «Матлабул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магерримова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г.
8. Тошкент ислом университети исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. Тасаввуф тариқатлари. –Т.: 2016.
9. Эргаш Очилов. Донишмандлар тухфаси. –Т.: «Ўзбекистон», 2009.
10. Низомиддинов Н. “Ҳиндистонда тасаввуф тарихи ва адабиёти”. – Т.: 2014.
11. Kuvanovich, R. K. (2023). ATTENTION TO EDUCATION IN THE CHISHTIYA SECRET. Research Focus, 2(2), 111-114.

12. Quvanovich, R. Q. (2021). The Moral Importance of Humanity and Patriotism in Chistiya and Kubraviya. *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 98-103.
13. РАЗЗОҚОВ, Қ. ЭКОНОМИКА И СОЦИУМ. ЭКОНОМИКА, (9), 542-545.

## KOMIL INSON SHAXSIGA QO'YILGAN TALABLARNING KONKRET-TARIXIY XARAKTERI

**I. G'. Fayzullayeva**

Toshkent davlat transport universiteti tayanch doktoranti

2-DIMI, Qarshi, O'zbekiston

### ANNOTATSIYA:

Inson kamoloti kishilik jamiyati taraqqiyotining asosiy va eng muhim negizlaridan biri hisoblanadi. Zero, har bir fuqaroning barkamollik darajasi qanchalik yuqorilashsa, yurt obodligi va qudrati ham shunchalik yuksaklashadi. Shu bilan birga, har bir insonning komillik sarf intilishi uning shaxsiy hayoti farovonligida ham muhim asos bo'lib xizmat qiladi.

**Kalit sozlar:** komillik, komil inson, AKT(Axborot kommunikatsiya texnologiyalari), ma'naviyat, madaniyat, tolerantlik, milliy qadriyatlar, umuminsoniy qadriyatlar, tasavvuf, fozil jamiyat, ijtimoiylashuv

### АННОТАЦИЯ:

Человеческое развитие является одной из главных и важнейших основ развития человеческого общества. Ведь чем выше уровень совершенства каждого гражданина, тем выше процветание и могущество страны. При этом стремление каждого человека к совершенству служит важной основой благополучия его личной жизни.

**Ключевые слова:** совершенство, совершенный человек, ИКТ (информационно-коммуникационные технологии), духовность, культура, толерантность, национальные ценности, общечеловеческие ценности, мистика, добродетельное общество, социализация.

### ABSTRACT:

Human development is one of the main and most important foundations of human society development. After all, the higher the level of perfection of each citizen, the higher the prosperity and power of the country. At the same time, each person's striving for perfection serves as an important basis for the well-being of his personal life.

**Keywords:** perfection, perfect person, ICT (Information Communication Technologies), spirituality, culture, tolerance, national values, universal values, mysticism, virtuous society, socialization.

Ma'lumki, komillik o'zagi hisoblanmish "komil" so'zi arab tilida yetuk, to'liq, bekamu ko'st degan ma'nolarni bildiradi. Komillik sifati faqatgina insonga nisbatan qo'llaniladi. Chunki yer yuzidagi tirik mavjudodlar orasida faqat odamzodgina aqlga ega bo'lgan yagona bunyodkor hisoblanadi.

Zamonaviy tilda komil inson deganda "har taraflama uyg'un rivojlangan shaxs"ni tushunamiz. Kundalik, maishiy o'zaro suhbatlarda ko'pincha komil inson yo'q, u bir ideal degan so'zlarni eshitamiz. To'g'rida, dunyoda nuqson va kamchiliklardan xoli inson yo'q. Lekin ilm-fanda komil inson deganda nuqsonsiz odam tushunilmaydi. Komil inson deganda olamdagi ideal mavjudodni emas, balki ma'lum kamchiliklarga ega insonlar orasidagi jamiyat talablariga to'laroq javob beradigan, o'z kasbi-korini yaxshi o'zlashtirgan, odamlar bilan, jamiyat bilan o'z manfaatlarini muvozanatga keltira oladigan, saxovatli, bag'rikeng, o'y-fikrlari, so'zi va amaliy ishlari ezgulikka yo'naltirilgan kishini tushunamiz.

Komillik – konkret-tarixiy tushuncha. Mazmunan o'zgarib, boyib, aniqlashib boradi. Chunki har bir davr, har bir jamiyat unga o'z talablarini qo'yadi. Sivilizatsiya va fan-texnika taraqqiyoti natijasida komil inson shaxsiga qo'yilgan talablar ham orta boshlaydi. Komil inson shaxsiga qo'yilgan talablarni umuminsoniy, milliy va tabaqaviy-kasbiy jihatdan klassifikatsiya qilish mumkin.

Insoniyat jamiyati paydo bo'lganda, dastlabki urug'-jamoalarda boshqalarga nisbatan kuchliroq, jasurroq, jangchilik va ovchilik qobiliyati ustunroq kishi yetakchilik qilgan bo'lsa, urug'-jamoalar kengayib, mehnat shakllari murakkablashuvi jarayonida, ayniqsa qabilalar boshqaruviga o'tilganda talablar yanada ortib, nafaqat harbiy jihatdan ustun, shuningdek, tashkilotchilik ko'nikmalari, tajribasi ustun, odamlarni ortidan ergashtira oladigan, dono, hurmat-e'tiborli kishilar tanlab olingan. Komillik tushunchasiga jamiyatning, xalqning koriga yaraydigan, og'irini yengil qiladigan, unga to'g'ri yo'l ko'rsatadigan, madaniyat bergan, kasb-hunar o'rgatgan va har xil xavf-xatarlar va yovdan himoya qiladigan shaxs sifatida qaralgan. Xalq mifologiyasida bunday yondashuv o'zining aniq ifodasini topgan. Masalan, turkiy xalqlar mifologiyasida O'g'izxon xuddi shunday obraz. Mifologiyaning birlamchi asl variantida u ilohiy nur va yerlik ayol farzandi. Xalqiga ko'plab hunarlarni o'rgatdi, qonun-qoidalarni joriy qildi. Odamlar hayotini tartibga

soldi va xavfsizligini ta'minladi. Yilqilar uyuriga qiron keltiradigan bir shoxli maxluqni o'ldiradi va hokoza. O'g'izxon o'zida komillik belgilarini mujassam etgan ideal shaxs. Mifologiyada va qahramonlik epos(doston)larida komillik ko'pincha ideallik darajasiga ko'tariladi. Lekin o'rta asrlar qahramonlik eposlarida bosh qahramonning ba'zi bir xatolari, kamchiliklari ham tilga olinadi.

Tabaqalashgan, sinflarga bo'lingan jamiyatda komil inson shaxsiga qo'yiladigan umumiy talablardan tashqari har bir tabaqaning, sinfnig o'z talablari bor. Kasbiy-malakaviy talablar komillikning barcha talablarini qamrab olmaydi. U aynan muayyan kasb bilan shug'ullanuvchi, yoki jamiyatda ma'lum bir martabani egallagan shaxsga birinchi navbatda qo'yiladigan talablardir.

Komil insonga har bir tabaqa o'zining kasbiy-tabaqaviy talablarini qo'ygan. Ularni buzish yoki to'liq amalga oshira olmaslik katta kamchilik, o'sha kasb egalariga va o'sha tabaqaga isnod keltiradi, deb hisoblangan. Shu sababdan mustaqil faoliyat ko'rsatish uchun u yoki bu kasib avval o'sha jamoada qabul qilingan tartibga binoan, obro'-e'tiborli ustalardan tuzilgan o'ziga xos komissiyaga amaliy imtihon topshirgan, savollariga javob bergan. Bu nafaqat ustalikka da'vogar kishining kasbiy mahoratiga, yaratiladigan mahsulotlarining sifatiga, shuningdek, uning o'z kasbiy va oilaviy burchini anglashiga, mijozlar va xaridorlar bilan munosabat o'rnatishiga ham taaluqli bo'lgan.

Yapon samuraylarining ulug'vorligi va vatanparvarligini o'zida aks ettiruvchi "Busido"ni o'rganar ekanmiz, unda o'rta asrlar yapon xalqida samuray timsolida komillik sifatleri qay tarzda aks etganligining guvohi bo'lamiz. Samuraylar harbiy kasta edi. Ularning asosiy vazifasi o'z xojasini himoya qilish, uning uchun zarur hollarda jang qilish, jonini qurbon qilish hisoblangan. Samurayning tarbiyasi shu vazifani bajarishga qaratilgan. Samuray har kuni ertalab sochini turmaklashi, so'ngra mashq qilishi va vaziyatga mos kiyinishi lozim. Ammo har kuni qaysi kiyimda bo'lishidan qat'iy nazar belida kamari va ikkita qilichi bo'lmog'i shart. Samuraylar o'z xojasiga sodiq bo'lgan, ular yoshligidan shunday ruhda tarbiyalangan. Har birsamuray o'limga tik qaragan va kurashda yengilsada mardonavor, yuzida tabassum bilan jon bergan. Buni har bir samuray sharaf deb bilgan. Ishonch, adolatva jasorat – har bir samurayga xos fazilat hisoblangan<sup>1</sup>.

O'rta asrlarda diyorumizda kashovarz, kadivar va chokar kabi tabaqalar mavjud bo'lgan. Chokarlar ham bevosita samuraylarga o'xshash tabaqa hisoblangan.

<sup>1</sup>Нитобэ Инадго. Бусидо – душа Японии. М.София. 2004г

Ularning ham asosiy vazifasi vatani va o'z xojasini qo'riqlash, ularga sadoqat bilan xizmat qilishdan iborat edi.

Hindistonda rojalardan tashqari braxman, kshatriy, vayshiy, shudra kabi tabaqa (kasta)lar mavjud bo'lib, ularga ham turlicha kasbiy-tabaqaviy talablar qo'yilgan. Masalan, braxmanlar Hindistondagi yuqori mavqega ega tabaqa hisoblanadi. Ular diniy marosimlar, toat-ibodat bilan shug'ullanadilar. Kshatriylar esa jangchilar tabaqasi bo'lib, braxmanlar shug'ullanayotgan faoliyat bilan shug'ullanmaydilar, bunga ehtiyoj ham yo'q, o'z navbatida bu talab ham etilmaydi. Rojalar (podshohlar, amirlar, beklar) ham kshatriylar tabaqasiga mansub bo'lib, o'z qo'li ostidagi fuqarolarni boshqargan va tajovvuzlardan, turli dushmanlardan himoya qilgan.

Hozirgi kunda har bir kasb egasidan professional darajada bo'lish talab etiladi. Masalan, ta'lim sohasida o'qituvchi shaxsiga o'z kasbi sir-asrorlarini miridan sirigacha bilishdan tashqari, kommunikativ muloqot qila olishi, psixologik jihatdan shaxsni tahlil qila olishi, zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida dars o'tishi, til bilishi, kompyuterda ishlay olishi, har doim sergak, ogoh bo'lishi va boshqa talablar qo'yiladi. Chevarlik bilan shug'ullanuvchi kasb egalariga esa sifatli, zamon talabiga mos bo'lgan, did bilan tikilgan, bir xillikka asoslanmagan, foydalanish uchun qulay kiyim-kechaklar yaratish talab etiladi. Demak, har bir soha, har bir kasbni o'z qiyinchiliklari, sir-asrorlari bor. Hamma kasbni esa mukammal darajada o'rganishning iloji yo'q.

Talim-tarbiya tizimida komil inson va barkamol shaxsni tarbiyalash talablari quyidagilardan iboratdir:

- Yangicha tafakkur, erkin va mustaqil fikrlay olish, inson tafakkurining imkon darajada ilmiylik, innovatsion xarakter kasb etishi, voqea-hodisalarni, olamni obyektiv, ya'ni xolis aks ettirish, kechayotgan jarayon va voqealarga tanqidiy-tahliliy yondashish, ijodiy fikrlash;

- Falsafiy dunyoqarash, ya'ni har bir narsaga har taraflama yondashish. Falsafiy dunyoqarash narsa va hodisalar, jarayonlarga qotib qolgan o'zgarmas obyektlar sifatida emas, balki qarama-qarshiliklarga, ichki ziddiyatlarga boy, o'zgaruvchan, rivojlanuvchan obyekt sifatida qarashni bildiradi. Uning asosida tarixiylik va mantiqiylikning mushtarakligi yotadi;

- Ma'naviy-axloqiy poklik, yuksak ma'naviyat;

- Tashabbuskorlik, ijtimoiy faollik;

- Omilkorlik, ya'ni chora-tadbirlarni mustaqil holda qo'llay olish, fan yutuqlaridan hamda ilg'or texnika va texnologiyalardan foydalana olish va boshqalar.



“Yuksak ma’naviyatli, zamonaviy bilim va kasb-hunarlariga, o’z mustaqil fikriga ega bo’lgan yoshlarni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalash eng muhim masalalardan biridir<sup>2</sup>”, - deya ta’kidlaydi Prezident Sh.Mirziyoyev.

O’zbekistonda uzliksiz ta’lim shunday tashkil etilmoqdaki, bo’lajak mutaxassis kasbiga doir kerakli bilimlar bazasiga ega bo’lib, keyin mehnat faoliyati davomida mustaqil malakasini, bilimini oshirib borishga o’rgansin. Bundan tashqari davlat ham, tegishli tarmoq vazirliklari va idoralari, kompaniyalar ham mutaxassislar malakasini oshirish tizimiga egadirlar va o’z ishchi-xodimlariga bu borada yordam ko’rsatadilar. Prezidentning “Ikki til va bir kasb” tamoyilning ilgari surishidan maqsad ham yoshlarning davlat tomonidan qo’yiladigan hamda zamonga mos keladigan talablarga javob bera olish qobiliyatini shakllantirishdir. Shu o’rinda, komil inson shaxsiga qo’yiladigan talablar ham konkretlashib, zamonga moslashib boyib kelgan. Hozirgi kunda bu talablar yanada ortib bormoqda. Endilikda komil inson shaxsiga qo’yiladigan talab – har tomonlama mukammal, diniy va dunyoviy ilmlarga ega, mustaqil, o’zligini anglagan, faqat ezgulik va go’zallikka intiluvchi halol va faol shaxs bo’lishdir. Umuman olganda, komil insonning birdan bir, yagona qolipi yo’q. Lekin uning asosiy sharti bor. Komillik sifatleri insonning qilgan xayrli ishlari, halolligi, vatanparvarligi, vijdoni pokligi, qalbidagi ezgu maqsadlarida, go’zal xulq-atvorida namoyon bo’ladi. Insonning komillik darajasiga yeta olishi bu shunchaki orzu emas, balki, uning ezgulikka xizmat qilishi, ilmlarni o’zlashtirishi va rivojlantirishi, ezgu ishlar qilishi jarayonida erishilishi mumkin bo’lgan aniq imkoniyat yoki yuqori darajadagi ma’naviy yetuklik hisoblanadi. Shunday ekan, uzluksiz ta’lim berish va maqsadli tarbiyalash orqali komillik sifatlariga ega bo’lgan barkamol insonlarni voyaga yetkazish mumkin. Bu oliy maqsad mamlakatimizdagi ijtimoiy hamda ma’naviy o’zgarishlarning asosiy yo’nalishlaridan biri hisoblanadi.

## REFERENCES

1. SH. Mirziyoyev "Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz"// «Мы продолжим наш путь национального развития и поднимем его на новый уровень». . Т. "O'zbekiston". 2018.
2. A.M. Sherbak “O’g’uz-name” “Muxabbat-name” L.1959
3. Abdurahim Erkayev. "Tafakkur erkinligi"//“Свобода мысли” Т. "Ma'naviyat". 2007.

<sup>2</sup> Sh.Mirziyoyev. Milliy taraqqiyot yo’limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko’taramiz”. Т.: “O’zbekiston”, 2018, 88-89-betlar.

4. Aziziddin Nasafiy "Komil inson haqida to'rt risola"//«Четыре трактата о совершенном человеке» Т. "Ma'naviyat", 1998.
5. Najmiddin Komilov "Tasavvuf"//«Мистика». Т. "O'zbekiston". 2000.
6. Салимов Б. Л., Мазбутов Д., Жўраев А. (2022). ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРДА ТЕНГЛИК ВА ТЕНГСИЗЛИК ҚОНУНЛАР ВА УРФ - ОДАТЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ. Journal of Integrated Education and Research, 1(6), 11–17.
7. Бахриддин Лутфуллаевич Салимов, Одилбек Дониёр Ўғли Бозорбоев, Хусниддин Равшанбек Раджапбаев (2022). ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР. Academic research in educational sciences, 3 (11), 286-291.
8. Салимов Б. Л., Файзиев С. Ф., Курамбаев Ж. (2022). ЕВРОПА ОЛИМЛАРИНИНГ АСАРЛАРИДА ИНСОН ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Журнал комплексного образования и исследований , 1 (6), 44–50.
9. Салимов Бахриддин Лутфуллаевич ,Хасанов Миршод Нўъмонович. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 2, Issue 4, 2022. -P.1345-1354.
10. Nitobe Inadgo "Busido - dusha Yaponii"//.«Бусидо – японская Япония». М. Sofiya. 2004.

## МЕТОДИКА ТРЕНИРОВОЧНОГО ПРОЦЕССА ПОДГОТОВКИ МОЛОДЫХ ФУТБОЛИСТОВ

**А. К. Демеуов**

Кандидат педагогических наук, доцент Южно-Казахстанского университета  
имени М.Ауэзова. г.Шымкент, Казахстан,

**К. Б. Мухаммадиев**

Доктор педагогических наук, профессор. Ташкентский государственный  
транспортный университет

### АННОТАЦИЯ.

Поскольку футбольные тренировки и соревнования проводятся круглый год, частые изменения климата и погоды могут помочь повысить сопротивляемость тела изгибам и повысить адаптивные возможности. Во время тренировок в других видах спорта футбольный матч используется как дополнительный вид спорта. Это означает, что футбол оказывает особое влияние на развитие организма, а выбранный вид спорта способствует хорошей тренировке в спорте. Футбольные соревнования – хороший инструмент для поддержания физической формы. Бег в разные стороны, разные прыжки, движения тела разного характера, транспортировка мяча, скорость движения, развитие качества желаяния, стратегическое мышление - все это вместе улучшает многие ценные качества.

**Ключевые слова:** футбол, спорт, скорость движения, скорость, ловкость, выносливость, работоспособность.

### ABSTRACT

Since soccer training and competitions occur year-round, frequent changes in climate and weather can help improve the body's resistance to bending and increase adaptive capacity. During training in other sports, a football match is used as an additional sport. This means that football has a special impact on the development of the body, and the chosen sport contributes to good training in sports. Football competitions are a good tool for maintaining physical fitness.

**Keywords:** football, sports, movement speed, speed, agility, endurance, performance.

Контрольный матч каждого тренера, проведенный на протяжении многих лет, продемонстрировал физические и технические навыки и стратегию футболистов. В этой связи этим вопросам необходимо уделять научное внимание, особенно в ходе исследований по использованию академических подходов в воспитании физических способностей молодых футболистов. Это связано с тем, что быстрый рост физических способностей и спортивных навыков футболистов этой категории можно наблюдать даже в подростковом возрасте.

Главным правилом успешной игры основной национальной команды Республики Казахстан, олимпийской и молодежной сборных является использование эффективных методов и методик для совершенствования всего тренировочного процесса и улучшения особых физических характеристик футболистов.

Важность обучения физическим качествам заключается в способности футболистов правильно обрабатывать и принимать методы тренировок, то есть, обрабатывая данные, они могут улучшить свою физическую силу и спортивные навыки. Футбол-одно из наиболее широко используемых средств физического воспитания, укрепляющее и развивающее здоровье населения в больших масштабах. Футболом сейчас занимаются около 3 миллионов человек. Это действительно народная игра, которой занимаются и взрослые, и подростки, и дети.

Улучшение физической, технической и футбольной подготовки казахстанских футболистов к турниру в рамках Олимпийских игр неразрывно связано с поиском новых возможностей в резерве, который еще не используется в тренировочном режиме. Одна из таких возможностей – индивидуальная адаптация тела футболистов к тренировочной нагрузке.

Традиционно футбольные матчи проводятся круглый год, несмотря на сезонное изменение климата и метеорологические условия, которые требуют высокой силы, производительности и физической выносливости. Весь процесс спортивной тренировки можно разделить на обучение и тренировки. Посредством обучения мы обеспечиваем ознакомление учащихся с первой частью системы специального образования по мобильности и навыкам. Овладение техническими аспектами игры, создание индивидуальных или групповых занятий, двигательных навыков – основным содержанием тренинга

является совершенствование технических, индивидуальных, групповых и индивидуальных навыков, развитие физической силы, необходимых качеств. Спортивная тренировка-это подготовка игрока по определенному правилу. Процесс образования и переподготовки должен иметь образовательную направленность. Поэтому спрос на проведение тренировок высок. Учебные курсы для общей подготовки студентов должны быть правильно структурированы [1].

Основой обучения футбольному мастерству считается здоровье футболистов, их хорошая физическая подготовка и силовая подготовка, высокие энергетические качества. В процессе подготовки футболистов выполняются следующие требования:

А) улучшение механических навыков и необходимых качеств

Б) расширение функционала игроков (дыхательная, сердечная и другие системы)

В) сохранение и улучшение спортивных результатов.

Г) развитие знаний в области спорта, импровизации, внимания, работоспособности.

Регулярное выполнение этих требований в процессе обучения может максимизировать способность человеческого организма достигать высоких спортивных результатов. Растущий уровень мастерства атакующих команд с каждым годом повышает требования к общей подготовке футболистов. Наилучший эффект от этих мер достигается регулярным введением правил образования [2].

Улучшение моторики тела осуществляется различными способами. В физическом воспитании широко используются плавный, круговой, визуальный, опосредованный, соревновательный, спортивный и круговой подходы. С помощью этих форм можно решить множество проблем, связанных с качеством автомобиля. Исследование нескольких экспертов выявило основные проблемы, связанные с повышением уровня развития выносливости, уязвимости других видов спорта.

Ученые отмечают, что в современном футболе нужны игроки, которые демонстрируют высокий уровень выносливости. (Б.К. Каражанов, К.И. Адамбеков, В.А. Фомичев, В.П. Степанов). Т. М. Нетто опрос среди лучших игроков и первых мест.

Исследование показало риски, связанные с максимальной скоростью и усталостной выносливостью (выносливостью). Исследования показывают, что эти симптомы независимы друг от друга и развиваются. М.А. Годик выделил четыре основные формы показателей скорости:

- всегда обращайтесь внимание на знаки (знаки);
- выполнение индивидуальных региональных маневров;
- умение выполнять непрерывные движения;
- вы двигаетесь слишком быстро.

Четыре вышеупомянутых вида, которые независимы друг от друга и достигают зрелости, развиваются одинаково. Известно, что игроки в футболе намного быстрее других игроков. С точки зрения футбола, он проводит много времени в быстром темпе, должен уметь управлять мячом в любой ситуации и принимать самые сложные стратегические решения.

Игра в футбол-один из уникальных видов спорта, сочетающий в себе именно такую мобильность, в том числе и скоростные способности. Вся научная и методическая деятельность направлена на воспитание быстрых способностей у детей и подростков [3].

Точный возраст изменяемого вещества объясняется физическими особенностями детей школьного возраста, а именно стимуляцией механизма иннервации (контролирующего двигательный аппарат), являющегося компонентами метаболического процесса. Стимуляция иммунной системы, рост мышц и скорость расслабления зависят от детей этого возраста. Их движения одинаковы.

В.П. Филин в результате изучения возрастных изменений у детей и подростков обнаружил: в возрасте от 7 до 16 лет двигательная активность увеличивается в 1,5 раза. Эта инфляция нестабильна, особенно в возрасте 7-9 лет, когда годовой темп роста составляет 6 градусов в диапазоне 0,3-0,1 с, а в возрасте 10-11 лет-2 градуса в диапазоне 0,1-0,1 с, годовой темп роста также наблюдался в 2013 году. Выполняется 4 движения за 0,3-0,1 секунды, в возрасте 14-15 лет годовой прирост внезапно прекращается.

К.И. Адамбеков основываясь на многолетних лабораторных исследованиях, пришел к выводу, что наибольший период развития пациента составляет 13-14 лет. Многие исследования сосредоточены на изменениях, связанных со старением, включая устойчивость.



Это перенял А.А. Кирилов, у которого в 8-9 лет развилась слабоумие медленно, а в 10-12-умеренная. Тогда быстрое развитие очень полезно. К 13-14 годам этот признак все еще растет, но из-за других изменений в организме подростков темп движений замедляется, а движения ребенка затрудняются. В 15-17 лет эта степень увеличивается, и движения ребенка становятся более выраженными [4].

В воспитании физических качеств и развитии спортивных навыков детей и подростков многие специалисты играют решающую роль в воспитании характеристик скорости прохождения дистанции. Это означает сильный восходящий импульс, сохраняя диапазон движения в течение ограниченного времени.

Высокий уровень скоростных качеств участников свидетельствует о технической и физической подготовленности. Эта функция способствует спортивным результатам нескольких спортивных матчей, включая футбол. Все аспекты развития футбола требуют высокой скорости и сильных качеств, эффективных методов повышения физической формы, включая скорость и силу. По словам Л.П. Матвеева, специальный скоростной поезд предназначен для использования во всех ситуациях, требующих управления (инструменты, методы и эксперименты). Следует отметить, что определенная скорость относится к росту силы игрока и особенностям его подготовки к спортивным движениям [5].

Несколько исследовательских статей предполагают, что скоростные тренировки следует рассматривать не как дополнение к физической и технической подготовке, а как отдельный специализированный компонент, укрепляющий спортивные, технические способности спортсменов в общей системе тренировок.

В процессе скоростной тренировки скоростная тренировка определяется другим направлением и более эффективна, чем обычная силовая и скоростная тренировка. Это состояние улучшает развитие и производительность всего тела молодого игрока в дополнение к его скорости и силе. Все оборудование, используемое во время тренировки, связано с режимом мышечной активности, а именно с соревновательным периодом.

## REFERENCES:

1. А.Демеуов, Г.Алтаева Методика воспитания выносливости у юных футболистов. Шымкент 2022 г.- стр 23-25.
2. Алтаева Г.Н. Теоретические аспекты исследований системы подготовки юных спортсменов. 2020, стр. 21-22.
3. Платонов В.И. Современная спортивная тренировка. Киев 2015 г., 86-126 стр.
4. Демеуов А.К. Об эффективности тренировочной работы футболистов высших разрядов, 2021, стр.32-34.
5. Адамбеков К.И. Педагогические основы физического воспитания учащихся. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора пед. наук. Алматы: АГУ им Абая, 2015г.-40 стр.

## TRANSPORT VOSITALAR TIRBANTLIKLARINI OLDINI OLISH: MUAMMO VA YECHIM

**Lochin Azamatovich Valiyev**

Toshkent davlat transport universiteti  
“Ijtimoiy fanlar” kafedrası v.b.dotsenti

**Shahnozabonu Muhammadali qizi Ahmadjonova**

Iqtsodiyot fakulteti 1 kurs talabasi

### ANOTATSIYA:

Ushbu maqolada poytaxtdagi tirbandlilarning yuzaga kelish sabablari, uning qanday qilib bartaraf etish yo'llari keltirib o'tilgan. Bundan tashqari yirik shaharlardagi ushbu muammolarning qanday qilib hal qilinish usullari ko'rib chiqilgan.

**Калит сўзлар;** tirbandliklar, tartibsizliklar, qoidabuzarliklar, avtohalokatlar, yo'l o'tkazgich, avto turargoh, piyodalar, qonun, tezlik, jarimalar, transport

### АННОТАЦИЯ:

В этой статье описаны причины пробок в столице и способы их устранения. Кроме того, были рассмотрены методы решения этих проблем в крупных городах.

**Ключевые слово:** пробки, беспорядки, нарушения, автокатастрофы, эстакада, парковка, пешеходы, закон, скорость, штрафы, движение транспорта

### ABSTRACT:

This article describes the causes of traffic jams in the capital, and how to eliminate them. In addition, methods of solving these problems in large cities were considered.

**Keywords:** traffic jams, disturbances, violations, car accidents, overpass, parking, pedestrians, law, speed, fines, traffic.

Barchamizga ma'lumki yo'llardagi tirbandliklar, tartibsizliklar, qoidabuzarliklar, avtohalokatlarga duch kelamiz. Yuqoridagi ta'kidlab o'tgan holatlarimizga ba'zi vaqtlarda tez-tez uchrab turamiz. Bunday hollarda ko'proq

- 1.G'.Hojiahmedov,I.Yaxyayeva,M.Umarova,A.Usmonov Бутаев Ш.А. ва бошқалар. Логистика. Т.: Extremum Press, 2012.
2. Mirziyoyev Sh.M. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasi// "Xalq so'zi" gazetasi, 2022-yil 21-dekabr, №272 (8334)
- 3.Ehsonov E. Xalqaro hunarmandchilik festivali madaniyatlararo muloqot hamda do'stlikni mustahkamlashga xizmat qiladi// "Xalq so'zi" gazetasi, 2019 yil 14 sentyabr, №191 (7421)

## МЕТОДИКА ОЦЕНКИ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ПОТЕНЦИАЛА СУБЪЕКТОВ ГОРОДСКОГО ОБЩЕСТВЕННОГО ПАССАЖИРСКОГО ТРАНСПОРТА

**Мавлуда Наринбаевна Ирисбекова**

Ташкентский государственный транспортный университет д.э.н.,  
профессор

**Вазира Хамидовна Назарова**

Ташкентский государственный транспортный университет старший  
преподаватель

### АННОТАЦИЯ.

В статье рассматривается понятие производственного потенциала субъектов городского общественного пассажирского транспорта и предложена методика его оценки. Предлагаемая методика оценки производственного потенциала, основана на комплексной оценке основных параметров деятельности рассматриваемого предприятия, включающих показатели, наилучшим образом характеризующие производственный потенциал предприятия, оказывающего пассажирские услуги. Данная методика представляет собой алгоритм инструментария количественной оценки производственного потенциала предприятия и конкурентоспособности различных субъектов пассажирского транспорта, и позволяет выполнить сравнительную оценку уровня производственного потенциала рассматриваемых объектов.

**Ключевые слова:** производственный потенциал, городской общественный пассажирский транспорт, общая вместимость подвижного состава, коэффициент выпуска транспортных средств, показатели деятельности субъектов городского общественного пассажирского транспорта.

### ABSTRACT:

The article examines the concept of productive potential of subjects of urban public passenger transport and proposes a methodology for its assessment. The proposed methodology for assessing productive potential is based on a comprehensive assessment of the main parameters of the activity of the enterprise in

question, including indicators that best characterize the production potential of the enterprise providing passenger services. This technique is an algorithm for a quantitative assessment of the production potential of an enterprise and the competitiveness of various subjects of passenger transport, and allows for a comparative assessment of the level of productive potential of the objects under consideration.

**Keywords:** productive potential, urban public passenger transport, total capacity of rolling stock, vehicle production rate, performance indicators of urban public passenger transport entities.

Оценка производственного потенциала субъектов городского общественного транспорта является основным этапом при проектировании и организации городских общественных пассажирских перевозок. Это помогает оценить реальные возможности существующей структуры общественных пассажирских транспортных услуг в городе или в стране, насколько они могут удовлетворить спрос. Так же, определение данного показателя, позволит правильно распределять нагрузку на транспортные компании, которым прикрепляется какой-либо маршрут и сможет ли вообще осилить предприятие такую нагрузку с требуемым качеством услуг.

Производственный потенциал субъектов городского общественного пассажирского транспорта – это совокупность производственных, финансовых, кадровых, управленческих, инновационных, инвестиционных возможностей предприятия для непрерывного производства качественных транспортных и сопутствующих ему услуг в максимально допустимом количестве, независимо от спроса. Другими словами, это мощность транспортной компании, которая характеризует количество качественных транспортных услуг, которые предприятие может оказывать на постоянной основе.

Существуют различные подходы и методики оценки производственного потенциала различных субъектов. Предлагаемая нами методика оценки производственного потенциала, основана на комплексной оценке основных параметров деятельности рассматриваемого предприятия (таблица 1).

Каждому показателю, включенному в систему оценки, присваивается удельный вес для вычисления конечного параметра, исходя от важности и степени влияния на производственный потенциал. Максимальная оценка может составлять 10, а минимальная 0. Данную методику целесообразно применять

для сравнения производственного потенциала различных субъектов для принятия эффективных решений.

Рассмотрим показатели, по нашему мнению, наилучшим образом характеризующие производственный потенциал предприятия, оказывающего пассажирские услуги.

**Общая вместимость подвижного состава** – совокупность количества вместимости всех транспортных средств в автопарке.

**Количество подвижного состава** – среднее списочное количество транспортных средств в автопарке.

**Наличие ремонтных пунктов технического обслуживания** – количество постов технического обслуживания и их потенциал.

**Коэффициент технической готовности (КТГ)** – отношение количества технически исправных автомобилей к их списочному количеству, имеющееся на автотранспортном предприятии. Характеризует готовность подвижного состава к транспортной работе и показывает, насколько хорошо поддерживается техническое состояние автомобилей в парке.

**Кадровый потенциал:**

- количество водителей – количество водителей, которых автопарк может выпустить для оказания транспортных услуг пассажирам.
- квалификация водителей – количество квалифицированных водителей со стажем, среди всех водителей автопарка.
- количество мастеров ТО – количество механиков, электриков и прочих специалистов для оказания технического обслуживания подвижному составу автопарка

**Коэффициент выпуска транспортных средств (ТС)** – отношение количества автомобилей, вышедших на линию, к списочному количеству, подсчитанному за день или за определенный период (педелью, месяц и т.д.).

**Уровень комфорта в ТС** – оснащение транспортных средств под нужды и спрос населения, отвечающие каким-либо нормам.

**Использование GPS** – уровень и бесперебойность использования, оснащение транспортных средств технологией GPS.

**Максимальное возможное количество автомест** – максимальное количество автобусов, которое парк может вместить на своей территории.

**Своевременность и следование плану** – уровень придерживания к плану автобусов на маршруте.



На основании выше описанной методики и статистических данных были проанализированы автобусные парки № 2, 7, 8. По каждому из представленных параметров были изучены статистические показатели и даны их экспертная оценка по бальной системе. Например, показатель общей вместимости подвижного состава (С). Для этого мы сравнили общую вместимость автопарков № 2, 7, 8 соответственно 2989, 2524 и 4075. Автопарк № 8 имеет самое большое количество общей вместимости, поэтому мы оценили на 10. Автопарки № 2 и 7 были оценены на 7 и 6 с помощью математической соотношении.

Таблица 8

**Метод сравнительной оценки производственного потенциала  
субъектов ГОПТ**

№	Наименование показателя	Обозна-чение	Абсол. значе-ние	Интерва-л оценки	Вес показател-я	Итого
1	Общая вместимость подвижного состава	<i>C</i>	-	1-10	0,15	1,5
2	Количество подвижного состава (ПС) *	<i>A<sub>сс</sub></i>	-	1-10	0,1	1
3	Наличие ремонтных пунктов технического обслуживания (ТО)	<i>L</i>	-	1-10	0,1	1
4	Коэф. технической готовности	<i>A<sub>тех.гот.</sub></i>	-	1-10	0,1	1
5	Кадровый потенциал: · количество водителей · квалификация водителей · количество мастеров ТО	<i>K</i>	-	1-10	0,15	1,5
6	Коэффициент выпуска транспортных средств	<i>A<sub>выпуск</sub></i>	-	1-10	0,1	1
7	Уровень комфорта в	<i>R</i>	-	1-10	0,05	0,5

	ТС					
8	Использование GPS	<i>G</i>	-	1-10	0,05	0,5
9	Максимальное возможное количество автомест	<i>S</i>	-	1-10	0,1	1
10	Своевременность и следование плана	<i>P</i>	-	1-10	0,1	1
	<b>Итого</b>				<b>1</b>	<b>10</b>

Количество подвижного состава ( $A_{CC}$ ). Среднее списочное количество автопарков 148.3, 118.7 и 204.3. Мы оценили данный показатель отношением списочного кол-ва автобусов на их общую вместимость. Автопарки (2, 7, 8) имеют следующую вместимость 250, 250 и 240.

Таким же образом были рассчитаны все параметры оценки. И на основании проведенных исследований и применения выше описанной методики, в результате сравнительной оценки производственного потенциала трёх автобусных парков (2, 7 и 8) по 10-показателям получили соответствующие результаты: 7,07; 6,86; 7,96 баллов (таблица 2).

По результатам видно, что 8-автобусный парк имеет наивысший показатель производственного потенциала среди трёх автопарков. В большей степени это связано с тем, что 8-автобусный парк является одним из основных парков среди восьми автобусных парков АО «Тошшахартрансхизмат». Но не смотря на это, многие показатели парков имеют близкие между собой значения.

Таблица 2

### Сравнительная оценка производственного потенциала автопарков 2, 7, 8

№	Обозн а-чение	Вес показ а-теля	АП-2			АП-7			АП-8		
			Абс. значение	Оцен ка	Итог о	Абс. значение	Оцен ка	Итог о	Абс. значение	Оцен ка	Итог о
1	<i>C</i>	0,15	2989	7	1,05	2524	6	0,9	4075	10	1,5
2	<i>A<sub>CC</sub></i>	0,1	148,3	6	0,6	118,7	5	0,5	204,3	9	0,9

3	<i>L</i>	0,1	-	9	0,9	-	9	0,9	-	10	1
4	<i>A<sub>tex.20 m.</sub></i>	0,1	0,81	8	0,81	0,828	8	0,82	0,801	8	0,8
5	<i>K</i>	0,15	-	7	1,05	-	6	0,9	-	8	1,2
6	<i>A<sub>выпуск</sub></i>	0,1	0,534	5,3	0,53	0,572	5,7	0,57	0,54	5,4	0,54
7	<i>R</i>	0,05	1,78	4,46	0,22	1,33	3,33	0,16	1,63	4,08	0,2
8	<i>G</i>	0,05	1,5/5	3	0,15	4,5/5	9	0,45	3/5	6	0,3
9	<i>S</i>	0,1	250	9,6	0,96	250	9,6	0,96	240	9,2	0,92
10	<i>P</i>	0,1	4/5	8	0,8	3,5/5	7	0,7	3/5	6	0,6
	Итого	<b>1</b>			<b>7,07</b>			<b>6,86</b>			<b>7,96</b>

Данная методика представляет собой алгоритм инструментария количественной оценки производственного потенциала предприятия и конкурентоспособности различных субъектов пассажирского транспорта, и позволяет выполнить сравнительную оценку уровня производственного потенциала рассматриваемых объектов. Данный результат оценки производственного потенциала получен не определением какого-то одного параметра, а представляют собой результат взаимодействия нескольких показателей. Решающую роль здесь играет выбор и оценка оценочных показателей.

## REFERENCES

1. Краснокутская Н.С. Потенциал предприятия: формирование и оценка: Учеб. пособие. / Н.С. Краснокутская. - К: ЦНЛ, 2005. - 352 с.
2. Кожевникова М.В., Гусева И.Б. Анализ факторов, влияющих на производственный потенциал научно-производственного предприятия // Приволжский научный вестник. 2014. №12-3 (40).
3. В.Х.Назарова. Развитие производственного потенциала предприятий – фактор обеспечения конкурентоспособности // Научный журнал “Молия” — 2022 — № 1. — С. 117-125.

## OMMAVIY MADANIYAT TA'SIRI

**I. Mirzaev**

Toshkent davlat transport universiteti katta o'qituvchisi

**Q. D. Shavkatov**

Toshkent davlat transport universiteti talabasi

### ANNOTATSIYA:

Maqolada dunyoga yuz berayotgan ma'naviy tahditlar, ma'naviyatsizliklar, qoparuvchiliklarning oqibatlari, va unga qarshi ma'naviy immunitetni shakllantirishning yo'llari haqida so'z yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** Ma'naviy tahdid, qoparuvchilik, ongsizlik, "ommaviy madaniyat", tahlika, tahdid.

### АННОТАЦИЯ:

В статье говорится о духовных угрозах, стоящих перед миром, последствиях бездуховности, сокрытия и способах формирования духовного иммунитета против нее.

### ABSTRACT:

The article talks about the spiritual threats facing the world, the consequences of lack of spirituality, cover-ups, and the ways of forming spiritual immunity against it.

**Keywords:** Spiritual threat, subversion, unconsciousness, "popular culture", danger, threat.

Inson ruhiy va aqliy olamini ifodalovchi ma'naviyat kishilarning falsafiy, huquqiy, ilmiy, badiiy, axloqiy, diniy tasavvurlarini o'z ichiga oladi. Bilamizki, insonning tashqi olamiga uning bo'ybasti, ko'rinishi, kiyinishi, xatti-harakati kirsam, ichki olami bu uning yashashdan maqsadi, fikr yuritishi, orzu-istaklari, intilishlari, his-tuyg'ularini o'z ichiga oladi.

Darhaqiqat, oziq-ovqat odamga jismoniy quvvat bersa, ma'naviyat ruhiy ozuqa va qudrat bag'ishlaydi. Ma'naviyat shunchaki yuzaga kelmaydi, unga muttasil o'qish, o'rganish, tajriba orttirish orqaligina erishiladi. Ma'naviyat qanchalik boyib borsa,

jamiyat va millat shunchalik ravnaq topadi. Ma'naviyatli kiish yashashdan maqsad nimaligini aniq biladi, umrini mazmunli o'tkazish yo'lini izlaydi. Muomala qilish madaniyatini, har bir masalaga insof va adolat nuqtai nazaridan yondoshishni o'rganadi. Vijdon, yolg'on va rost, or-nomus, halol va haromni farqini bilish, ma'naviyatli kishining tanlovidir. Yomonlikka boshlovchi xatti-harakatlardan voz kechish, yaxshilikka boshlovchi amallarni bajarish ma'naviyatli insonga xos.

Insondagi iste'dod, iqtidor ma'naviyatli jamiyatni bunyodkorlikka yo'llaydi. Ayniqsa bunyodkorlikka intilgan ma'naviyatli shaxs komillik darajasiga yetadi. Undagi vatanparvarlik xislatlari onani sevish, otani hurmat qilish, aka-ukani ardoqlash, singilni e'zozlash kabi buyuk mehr tuyg'ulari bilan mujassamlashtiriladi.

Demakki ma'naviyati pok inson hamisha jamiyatning bebaho ne'matidir.

Ming afsuski, to'g'ri yo'llarni egri yo'llar to'sib turgani, yaxshining yomoni bo'lgani kabi ma'naviyatga tahdidlar, "ommaviy madaniyat" ko'rinishi kabi natijasi o'lim bilan tugaydigan ma'naviyatsizliklar ham jamiyatda uchrab turadi. Aslida urash emas, bunday ma'naviy zararkunandalik jamiyatning viruslaridir. Birgina yoshlarning ma'naviy qarashlarini turli "ommaviy madaniyat" ko'rinishidagi xulq- atvor, ijtimoiy tarmoqlardagi ko'rinmas qopqonlar bizni hamisha cho'chitadi, ogohlikka chaqiradi. Bundayin chirkin niyatli ma'naviyatfuroshlar bor ekan, millat millatligini, jamiyat jamiyat ekanligini, g'ururi , ori, nomini yo'qotishi xech gap emas.

Yoshlik beg'ubor fasl. Ko'rtak yoyib zaminga go'zallik ulashayotgan yosh, navqiron daraxtlar kabidir. Biroq, ma'naviy tahdidlar oqimining ko'rinmas fojeali urushi qariga cho'kib ketishgacha jar yoqasiga tortqilayogan ma'naviyatsizlik bizu, sizni xushyor tortishga yetti o'ylab bir kesishga undaydi. Ko'cha kuyda rumol o'ranib(aslida nega uranganini anglamay) turli xiring-xiring tusi atrofdagilariga kulgi bo'layotgan ayrim qizlar, yoki qiz bola kabi soch turmagini bezab olgan, qizlar kabi xatti-harakat qilayotgan ayrim yigitlarning ma'naviyatsizligiga parvo qilmagan topilmasa keragov. Aslida atrofdagilariga ma'naviyatsizlik virusini yoqtirayotgan bu yoshlarning safi tobora ortib borayotganidan cho'chimay ilojimiz yo'q.

Xush, ularning bu oqimga kirib borayotgani, hatto ota-onasiga, jigarlariga, sinfdoshlariga(rossiyadagi voqeani yozaman) qurol ko'targanini kuzatyapmiz, dilimiz og'riyapdi, hayratlanayapmizu, voqea sababini chuqur o'ylab ko'ryapmizmikan?!

Zotan, hozirgi kunda ana shunday ma'naviy bo'shliqni o'zining yod g'oyalari bilan to'ldirayotgan, g'arazli maqsadlari asosida yoshlar ongini egallayotgan "koronavirus" sheriklari ham yo'q emas. "Bunday kuchlarning ixtiyorida juda katta moddiy, moliyaviy resurslar va imkoniyatlar mavjud bo'lib, ularning puxta

o'ylangan, uzoq va davomli yovuz maqsadlariga xizmat qilmoqda”(Yuksak ma'naviyat- yengilmas kuch” I.A.Karimov).

Quvonarlisi, mamlakatimizda bu kabi oqimlarning oldini olish, oqimni vaqtida to'xtatish uchun ma'naviy immunitet shakllangan. Dunyo hamjamiyatini ham o'yantirayotgan “ommaviy madaniyat”, “ma'naviy tahdidlar”, terrorizm, aqidaparastlik illatlariga qarshi har ikki yurtboshimiz birinchi va ikkinchi prezidentlarimizning qonun, qaror, farmonlari faqatgina yurtimiz uchun emas, xalqaro maydonda ham o'z kuchini, mavqe'ini ko'rsatmoqda.

Xususan, birinchi prezidentimiz LA.Karimovning “Yuksak ma'naviyat-engilmas kuch” asari yuksak saviyali, buyuk ma'naviyatli, ma'naviyatsizlikka qarshi yo'l ko'rsatuvchi komposdir.

Avvalo, asarning ma'naviy ahamiyati shundaki, asarda “ma'naviyat - insonni ruhan poklanish, qalban ulg'ayishga chorlaydigan, odamning ichki dunyosi, irodasini baquvvat, iymon-e'tiqodini butun qiladigan, vijdonini uyg'otadigan beqiyos kuch, uning barcha qarashlarining mezonidir, desak, menimcha, tariximiz va bugungi hayotimizda har tomonlama o'z tasdig'ini topib borayotgan haqiqatni yaqqol ifoda etgan bo'lamiz” deyiladi. Bundan tashqari, ma'naviyatsizlikka qarshi buyuk ajdodlarimizning “xalq yoki millatning ma'naviyatini uning tarixi, o'ziga xos urf-odat va an'analari, hayotiy qadriyatlaridan ayri holda tasavvur etib bo'lmaydi. Bu borada, tabiiyki, ma'naviy meros, madaniy boyliklar, ko'hna tarixiy yodgorliklar eng muhim omillardan biri bo'lib xizmat qilishi”ga alohida ahamiyat beriladi. “Bizning qadimiy va go'zal diyorumiz nafaqat Sharq, balki jahon sivilizatsiyasi beshiklaridan biri bo'lganini xalqaro jamoatchilik tan olmoqda va e'tirof etmoqda. Bu tabarruk zamindan ne-ne buyuk zotlar, olimu ulamolar, siyosatchi va sarkardalar yetishib chiqqani, umumbashariy sivilizatsiya va madaniyatning uzviy qismiga aylanib ketgan dunyoviy va diniy ilmlarning, ayniqsa, islom dini bilan bog'liq bilimlarning tarixan eng yuqori bosqichga ko'tarilishida ona yurtimizda tug'ilib kamolga yetgan ulug'allomalarning xizmatlari beqiyos ekani bizga ulkan g'urur va iftixor bag'ishlashi” ham ma'naviyatsizlikning debochasi bo'ldi. Ayniqsa, “«Avesto»ning tub ma'nomohiyatini belgilab beradigan «Ezgu fikr, ezgu so'z, ezgu amal» degan tamoyilni oladigan bo'lsak, unda hozirgi zamon uchun ham behad ibratli bo'lgan saboqlar borligini ko'rish mumkin. Ana shunday fikrlar, ya'ni, ezgu niyat, so'z va ish birligini jamiyat hayotining ustuvor g'oyasi sifatida talqin etish bizning bugungi ma'naviy ideallarimiz bilan naqadar uzviy bog'liq, nechog'liq mustahkam hayotiy asosga ega ekani ayniqsa e'tiborlidir”. Ana shunday ulug' ajdodlarimizning ilmiy- ijodiy merosi



va ibratli faoliyati keyinchalik diyorimizda Qori Niyoziy va Toshmuhammad Sarimsoqov, Habib Abdullaev va Sa'di Sirojiddinov, Obid Sodiqov va Sobir Yunusov, Yahyo G'ulomov va Bo'riboy Ahmedov, Oybek va G'afur G'ulom, Abdulla Qahhor va Zulfiya, Said Ahmad va Ozod Sharafiddinov, Lutfixonim Sarimsoqova va Halima Nosirova, Olim Xo'jaev, Razzoq Hamroyev va boshqa ko'plab nomlari dunyoga tanilgan mashhur ilm-fan, adabiyot va madaniyat arboblarning yetishib chiqishiga mustahkam zamin bo'lib xizmat qilishi ham tadqiqotlarimizning asosidir.

Shunday qilib, mamlakatimiz ijtimoiy va siyosiy rivojlanishining hozirgi bosqichda o'z mafkurasini shakllantirish zarurati hammaga ayon bo'lib qoldi. Chunki har qanday kasalning oldini olish uchun, eng avvalo, inson organizmida ushbu kasallikka qarshi immunitet hosil qilish kerak. Shu bois xavfsizligimizga jiddiy tahdidlar yuzaga kelgan bugungi kunda butun diqqat-e'tiborimizni jamiyatimizda mafkuraviy immunitetni shakllantirishga qaratishimiz lozim. "Mafkuraviy immunitet deb, kishilar, shu jumladan yoshlarning jamiyatimiz taraqqiyotiga to'g'onoq bo'ladigan buzg'unchi, vayronkor g'oyalarga qarshi kurasha olish qobiliyatini aytamiz", - deb haqli ravishda yozadi faylasuf olim F.Primova - yoshlar ongida ana shunday mafkuraviy immunitetni shakllantirish g'oyatda muhim masaladir. Bu vazifani amalga oshirishda oilaning o'rni va roli beqiyosdir. Inson ongi va qalbi uchun kurash hozirgi kundagi turli mafkuralarning bosh maqsadiga aylanib qoldi, chunki muayyan g'oya tom ma'noda g'oya bo'lishi uchun kishilar ongini egallashi, aniqrog'i, ularning qalbidan joy olishi shart. Komil inson vujudida qudratli kuchga ega bo'lgan mafkuraviy immunitet bo'lishi shart. Buning uchun quyidagilarni amalga oshirish talab etiladi: birinchidan, insonning ko'plab xususiyatlari tug'ma bo'lsa-da, uning qalbida doimo mafkuraviy immunitetni shakllantirish, uni bosqisma- bosqich rivojlantirish; ikkinchidan, mafkuraviy immunitet har bir avlod uchun o'ziga xos xususiyatga ega bo'lishini inobatga olib, tarbiya jarayonini odamlar yoshi, millati, irqi va diniga qarab olib borish; uchinchidan, immunitet tizimi shakllangandagina mafkuraviy daxlsizlikni ta'minlash mumkinligini unutmaslik kerak. Mafkuraviy immunitet tizimiga quyidagilar kiradi: dunyoviy va diniy bilimlar; dunyoviy, ilmiy, taraqqiyparvar bilimlar zamirida shakllanadigan qadriyatlar. Ammo bilimlar va qadriyatlar tizimining o'zi mafkuraviy immunitetning mohiyatini to'liq ifoda eta olmaydi. Zero, bu ikki element mafkuraviy immunitetning uchinchi muhim elementi, ya'ni ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy, madaniy va ma'rifiy sohalaridagi maqsadlar tizimi hamda shaxs psixologiyasi, milliy xarakteri to'g'ri qaror topmas ekan, inson, millat

yoki jamiyat goh oshkora, goh pinhona ko‘rinishdagi mafkuraviy tazyiqlarga bardosh berishi amri mahol[2]

### **XULOSA**

Tadqiqotimizdan xulosa shuki, biz tadqiq qilayotgan ommaviy madaniyatning salbiy illatlari har doim ham yaqqol namoyon bo‘lavermaydi. Ammo mayda-chuyda ikir-chikirlar bo‘lib ko‘ringan masalalar kelajak avlod tarbiyasida chuqur salbiy iz qoldirishi mumkin. Bu borada asosiy e‘tibor milliy qadriyatlarni avaylab asrash hamda yosh avlodni ajdodlar namunasi asosida tarbiyalash ekanligi hamda buzg‘unchi ommaviy madaniyatga kurashishning eng samarali yo‘li shaxslarimizda barqaror mafkuraviy immunitet shakllantirish bugungi kun haqiqatidir

### **REFERENCES**

1. G‘oyibnazarov Sh. “Ommaviy madaniyat” qo‘llanmasi. Toshkent.-2012.155-bet.
2. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat –yengilmas kuch.-T.: “Ma’naviyat”. 2008.-12-b.
3. Shayxislamov, N. (2020). Когнитив тилшуносликда концепт:" Туй" концепти ва унинг универсал табиати. O'zbekistonda innovatsion ilmiy tadqiqotlar va metodlar, 54-60.
4. Shayxislamov, N. (2020). So'z urg'usining o'zbek va ingliz tillaridagi farqlash vazifasining qisqacha tavsifi. O'zbekistonda innovatsion ilmiy tadqiqotlar va metodlar, 13-14.

## YANGI O‘ZBEKISTON TARAQQIYOTIDA MA’NAVIY-MADANIY SOHADA AMALGA OSHIRILAYOTGAN ISLOHOTLARNING AHAMIYATI

**Sanoat Shuhratovna Rahmonova**

Toshkent davlat transport universiteti doktoranti

Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O‘zbekiston

### ANNOTATSIYA:

Mazkur maqola Yangi O‘zbekiston taraqqiyotida ma’naviy-madaniy islohotlar masalasiga bag‘ishlanib, unda mamlakatimizda ushbu sohada erishilgan yutuq va islohotlar tahlil etilgan. Shuningdek, mamlakatimizda kelgusida amalga oshirilishi rejalashtirilayotgan ma’naviy-madaniy islohotlar masalasi yoritilgan.

**Kalit so‘zlar:** ma’naviyat, madaniyat, islohot, sivilizatsiya, ma’rifat, ilm-fan, taraqqiyot, konsepsiya.

### АННОТАЦИЯ:

Данная статья посвящена вопросам духовно-культурных реформ в развитии нового Узбекистана, в ней проанализированы достижения и реформы, достигнутые в этой сфере в нашей стране. Освещается также вопрос духовно-культурных реформ, которые планируется осуществить в нашей стране.

**Ключевые слова:** духовность, культура, реформация, цивилизация, просвещение, наука, прогресс, концепция.

### ABSTRACT:

This article is devoted to the issues of spiritual and cultural reforms in the development of the new Uzbekistan, it analyzes the achievements and reforms achieved in this area in our country. The issue of spiritual and cultural reforms that are planned to be implemented in our country is also highlighted.

**Keywords:** spirituality, culture, reformation, civilization, enlightenment, science, progress, concept.

Bugun yangi O‘zbekiston taraqqiyotida ma’naviy-madaniy islohotlar strategiyasining amalga oshirilishi xalqimizning ma’naviy-ma’rifiy saviyasini yuksaltirish, madaniyat va san’at muassasalarining moddiy-texnik bazasini

mustahkamlash, soha vakillarini qo'llab-quvvatlash bo'yicha kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirilishiga xizmat qilmoqda. Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev ta'kidlab o'tganlaridek, "Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasida ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy omillar bilan birga, ma'naviy va ma'rifiy sohalarda amalga oshirilayotgan islohotlar ham g'oyat muhim ahamiyatga ega. Hammamiz yaxshi tushunamiz, agar jamiyat hayotining tanasi iqtisodiyot bo'lsa, uning joni va ruhi – ma'naviyatdir. Biz yangi O'zbekistonni barpo etishda ana shu ikkita mustahkam ustunga, ya'ni, bozor tamoyillariga asoslangan kuchli iqtisodiyotga hamda ajdodlarimizning boy merosi, milliy va umuminsoniy g'oyalarni mujassam etadigan kuchli ma'naviyatga tayanamiz" [1]

Mamlakatimizda ma'naviy-ma'rifiy ishlarni yangi bosqichga ko'tarish, ijtimoiy-ma'naviy muhit holatini o'rganish va uni takomillashtirish, yoshlarni Vatanga muhabbat va kasbga sadoqat ruhida tarbiyalashda uzluksiz ma'naviy tarbiya konsepsiyasining ahamiyati, globallashtirish sharoitida mafkuraviy xavfsizlikni ta'minlash masalalari, ijtimoiy tarmoqlarning aholi, ayniqsa, yoshlar ma'naviy-axloqiy tarbiyasiga ta'siri, yoshlar ma'naviyatiga qaratilgan tahdidlariga qarshi mafkuraviy immunitetini shakllantirish texnologiyalarini ishlab chiqish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Prezidentimizning 2019-yil 3-maydagi "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi hamda 2021-yil 26-martdagi "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorlari ijrosini ta'minlash maqsadida o'tkazilgan festival' doirasida "Har bir nuroniy – besh nafar yoshga murabbiy", "Bir ziyoli – bir mahallaga ma'naviy homiy" tamoyili asosida amaliy seminarlar, davra suhbatlari o'tkazildi va ma'naviy-ma'rifiy yo'nalishdagi yana ko'plab loyihalar amalga oshirildi.

Yangi O'zbekistonda ma'naviy-madaniy sohada amalga oshirilgan islohotlarning dolzarbligi quyidagilarda namyon bo'lmoqda:

**birinchidan**, ma'naviy-madaniy sohadagi munosabatlarni tartibga solish, madaniyat va san'at muassasalari, ijodiy uyushma va birlashmalarning huquqiy maqomi, ijodkorlarni ijtimoiy himoya qilishga qaratilgan islohotlarning yangi taraqqiyot bosqichiga olib chiqish yo'l xaritasini ishlab chiqishni taqazo etmoqda;

**ikkinchidan**, ma'naviy-madaniy sohadagi yuqori malakali kadrlar tayyorlash va ularning malakasini oshirish borasida puxta tizim yaratish, aholining o'sib borayotgan madaniy ehtiyojlarini qondirish va madaniy xizmatlar sifatini keskin oshirish;

**uchinchidan**, ma'naviy-madaniy va san'at muassasalarining moddiy-texnik bazasi zamon talablari va xalqaro standartlariga moslashtirish, ularning to'laqonli faoliyat ko'rsatishiga yo'l ochib berish;

**to'rtinchidan**, zamonaviy media makonda milliy madaniyatimiz munosib o'rin egallamagani, sohaga axborot-kommunikatsiya texnologiyalari to'liq joriy etilmagani sohani keng tadqiq va targ'ib etish, xalqaro madaniy jarayonlarga talab darajasida integratsiya qilish lozimligini ko'rsatmoqda;

**beshinchidan**, ma'naviy-madaniy va san'at sohasidagi nufuzli xalqaro festival va tanlovlarda ijodkorlarimizning ishtirokini izchil ta'minlash va ularning sara asarlarini namoyish etish, milliy ijodiy mahsulotlarni eksport qilishning samarali tizimi yaratish, xorijiy tashkilotlar bilan hamkorlik yetarlicha yo'lga qo'yish.

### NATIJALAR

Ilm, fan-ta'lim insonni, butun jamiyat va davlatni saodatga, yorug'likka eltuvchi yo'ldir. Ayni paytda ta'limga kiritilgan investisiya kelajakka sarmoya kiritish bilan barobardir. Shu bois mamlakatimizda ta'limga ustuvor ahamiyat qaratib kelinmoqda.

Ta'lim tizimidagi ijobiy o'zgarishlar, o'z navbatida, sohaning huquqiy asoslari takomillashtirilishini talab etadi. Bugungi kunda ta'lim sohasini tubdan takomillashtirish davr talabiga aylangan. Ushbu talabdan kelib chiqqan holda, ta'lim sohasidagi munosabatlarni tartibga soluvchi qonunlar qabul qilinmoqda. Jumladan, 2020-yil 23-sentyabr kuni O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi yangi tahrirdagi qonuni qabul qilinib, u orqali Yangi O'zbekiston ta'lim sohasidagi munosabatlar yangi bosqichga ko'tarildi<sup>1</sup>.

Yangi O'zbekistonda ma'naviy-madaniy sohada amalga oshirilgan yana bir muhim islohotlardan biri 2019-yil 31-dekabrda "Uzluksiz ma'naviy tarbiya konsepsiyasi"ning qabul qilinishi bo'ldi. Chunki ushbu konsepsiya aholining farzand tarbiyasi bo'yicha bilimlarini, pedagogik madaniyatini oshirish, fuqarolarni uzluksiz ma'naviy tarbiyaning samarali usullari va amalga oshirish shakllari bilan muntazam tanishtirib borishni nazarda tutgan. Konsepsiyaning maqsadi – yosh avlodda mustaqil hayot uchun zarur ijtimoiy ko'nikma va fazilatlarni yoshiga mos, bosqichma-bosqich shakllantirish asosida yuksak fazilatli, barkamol avlodni voyaga yetkazishdan iborat[2]

Konsepsiya to'rtta bosqichni qamrab oladi:

**birinchi bosqich:** oilalarda (homila davri, bola tug'ilgandan 3 yoshgacha bo'lgan davr);

**ikkinchi bosqich:** maktabgacha ta'lim 3—6 (7) yoshgacha bo'lgan davr;

**uchinchi bosqich:** umumiy o'rta ta'lim (7 (6)—10 yoshgacha boshlang'ich sinf, 11—17 (18) yosh);

**to'rtinchi bosqich:** ishlab chiqarishda faoliyat ko'rsatayotgan va band bo'lmagan, shuningdek, o'rta maxsus kasb-hunar va OTM tizimidagi yoshlar.

Mamlakatimizda ta'lim sifatining yangi bosqichini prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2023-yil 20-yanvar kuni maktablarda xorijiy tillar va kasb o'rgatish tizimini rivojlantirish masalalari bo'yicha o'tkazilgan kengaytirilgan yig'ilishda maktab o'quvchilari kamida ikkita xorijiy til va bitta kasb-hunarga o'rgatilishi ustuvor vazifa etib belgilanganligi bo'ldi.

Tajriba-sinov tariqasida maktab bitiruvchilari "Yoshlar kelajagimiz" jamg'armasi hisobidan 20 ta, Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi tomonidan 37 ta hamda Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi tomonidan 18 ta kasblarga o'rgatilishi belgilab olinib, mazkur jarayonlar istiqbolda viloyatning barcha maktablarida olib borilishi, mavjud imkoniyat va ehtiyojlardan kelib chiqib, viloyat maktablarida o'quvchilarni kasbga tayyorlash maqsadida 8 ta yo'nalish ixtisosligi bo'yicha 64 ta kasblar o'rgatilishi rejalashtirildi.

2023/2024-o'quv yildan boshlab har bir tuman (shahar)da bittadan jami 13 ta maktabda, jumladan Romitan, Qorako'l, Olot, Shofirkon va Qorovulbozor tumanlarida fransuz tilini, Kogon shahri, Kogon, Jondor va Peshku tumanlarida nemis tilini, Buxoro shahar, Vobkent va G'ijduvon tumanlarida ingliz tilini, Buxoro tumanida koreys tilini o'qitish joriy etiladi. Umumta'lim maktablarida faoliyat yuritayotgan 3 ming nafardan ortiq xorijiy til o'qituvchilarining bilim va ko'nikmalarini oshirish maqsadida o'quv-seminarlari va maqsadli malaka oshirish kurslari tashkil qilinishi belgilanib olindi.

Shuni alohida qayd etish joizki, kelgusi yil ilm-fan va innovatsiyalarga 1,5 trillion so'm yo'naltirilishi kuzatilmoqda. 2017-yilga nisbatan qariyb 6 barobar ko'p bo'lgan ushbu mablag'lar ilm-fan yo'lida izlanayotgan, turli innovatsion g'oyalarni amalga oshirish istagida bo'lgan yoshlar va ilm vakillarini qo'llab-quvvatlashda muhim o'rin tutadi. Shuningdek, olimlarning ish haqi 4,5 barobar oshirilishi ilm fidoyilariga katta rag'bat bo'ladi.

Mamlakatimizda barcha sohada amalga oshirilgan islohotlar barcha sohalar qatori milliy madaniyat rivojiga ham alohida e'tibor qaratilmoqda. Xususan,



xalqimizning ma'naviy-ma'rifiy saviyasi va bilimini oshirish, moddiy va nomoddiy madaniy meros obyektlarini asrab-avaylash, jahon madaniyati maydoniga faol integratsiyani olib kirish, madaniyat va san'at muassasalarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, soha vakillarini qo'llab-quvvatlashga qaratilgan kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Prezident Shavkat Mirziyoyevning "O'zbekiston Respublikasida milliy madaniyatni yanada rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida", "Moddiy madaniy meros ob'ektlarini muhofaza qilish sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida", "O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorlari hamda "Madaniyat va san'at sohasining jamiyat hayotidagi o'rni va ta'sirini yanada oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni, shubhasiz, madaniyat sohasidagi yangi yutuqlar, o'zgarishlarga va islohotlarning amalga oshishiga turtki bo'ldi.

Shuningdek, madaniyat sohasida huquqiy tartibga solishning samaradorligini oshirish maqsadida 2021-yil 20-yanvarda "Madaniy faoliyat va madaniyat tashkilotlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining qonuni qabul qilindi. Ushbu qonunning maqsadi – madaniy faoliyat, shuningdek, madaniyat tashkilotlari faoliyati sohasidagi munosabatlarni tartibga solishdan iborat. Shuni ham ta'kidlash joizki, ushbu qonun qabul qilinguniga qadar madaniy faoliyat sohasidagi huquqiy munosabatlar bir nechta normativ-huquqiy hujjatlar, jumladan, "Madaniy boyliklarning olib chiqilishi va olib kirilishi to'g'risida", "Muzeylar to'g'risida" va "Madaniy meros obyektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanish to'g'risida"gi qonunlar va ko'plab qonunosti hujjatlari bilan tartibga solingan edi.

Madaniyat obyektlarini asrab-avaylash haqida so'z borganda, so'nggi besh yil ichida biz tarixiy-madaniy merosni saqlab qolish bilan bog'liq ishlarda jamiyatning fuqarolik pozitsiyasi sezilarli darajada o'sganiga guvoh bo'ldik. Aholi tarixiy binolarni buzish, ayniqsa, shaharning tarixiy qismida ko'p qavatli binolar qurilishiga qarshi keskin munosabat bildira boshladi. Mamlakatda fuqarolik jamiyati shakllanishining umumiy ko'rsatkichi bo'lgan jamoatchilik nazorati kuchaydi.

E'tirof etish kerakki, sohani isloh qilish doirasida muzeylarni innovasion qayta tashkil etishni ko'zda tutuvchi Muzeylar renovasiya dasturi tasdiqlandi. O'zbek xalqining qadimiy va betakror san'ati namunasi bo'lmish Xorazm "Lazgi"si esa "Xorazm raqsi – Lazgi" nomi ostida YuNESKOning Insoniyat nomoddiy madaniy merosining reprezentativ ro'yxatiga kirildi. O'tgan davr mobaynida O'zbekiston ijodkorlarini qo'llab-quvvatlash "Ilhom" jamoat fondi, Madaniyat vazirligi

huzuridagi Madaniyat va san’atni rivojlantirish jamg‘armasi, O‘zbekiston kompozitorlari va bastakorlari uyushmasi, O‘zbekiston davlat filarmoniyasi, O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat institutining Farg‘ona mintaqaviy filiali tashkil etildi.

Yangi O‘zbekistonda ma’naviy-madaniy sohada amalga oshirilgan islohotlar mamlakatimizda tashkillashtirilayotgan turli festival va namoyishlarda yaqqol ko‘zga tashlanmoqda. Jumladan, 2019-yilning 10-15 sentyabr kunlari Qo‘qon shahrida YuNESKO shafeligida birinchi Xalqaro hunarmandchilik festivalining o‘tkazilishi, xalqaro hunarmandlar tashkiloti tomonidan Qo‘qon shahriga “Dunyo hunarmandlari shahri” maqomining berilishi, o‘zbek xalq amaliy san’atining xalqaro miqyosdagi yuksak e’tirofi bo‘ldi.[3]

Termiz shahrida o‘tkazilgan Xalqaro baxshichilik san’ati, Shahrisabzda bo‘lib o‘tgan Xalqaro maqom san’ati xalqaro festivallari, shuningdek, Buxoro shahridagi “Ipak va ziravorlar” hamda Marg‘ilon shahridagi “Atlas bayrami” kabi forumlarda dunyoning ko‘plab davlatlaridan tashrif buyurgan madaniyat va san’at namoyandalari, xususan, hunarmandchilik sohasida o‘z ilmiy ishi hamda amaliy faoliyati bilan dong taratgan mashhur olim va mutaxassislarning ishtirok etgani alohida e’tiborga loyiqdir.

Yangi O‘zbekistonda ma’naviy-madaniy sohada amalga oshirilgan islohotlardan biri qadimiy san’at turi sanalgan baxshichilikni rivojlantirish, uning maktab va an’analarini yanada ravnaq toptirish, xalqimiz madaniyatini yuksaltirishdagi ahamiyatini ko‘rsatish, baxshichilik maktabiga e’tiborni kuchaytirish orqali bu san’at turiga qiziquvchi iste’dodli yoshlarni tarbiyalash borasidagi islohotlardir.

O‘zbek mumtoz va folklor san’atining noyob namunalarini, o‘ziga xos ijro maktablari va an’analarini asrab-avaylash va rivojlantirish tizimi yaratildi. O‘zbek milliy maqom san’ati markazi va muzeyi tashkil etildi. Har ikki yilda bir marta Xalqaro maqom san’ati anjumani hamda Xalqaro baxshichilik san’ati festivalining o‘tkazilishi noyob merosimizning nufuzini jahon miqyosida oshirish yo‘lida muhim amaliy qadam bo‘ldi.

O‘tmishdan baxshilar yurti sifatida shuhrat topgan Surxondaryoda o‘tkazilayotgan “Boysun bahori” xalqaro fol’klor festivaliga 2002-yil asos solinib, ilk “Boysun bahori” ochiq fol’klor festivali o‘tkazilgan. Unda mamlakatimizdagi fol’klor jamoalari o‘zlarining alohida dasturlari bilan ishtirok etgan. 2004-yilda to‘xtab qolgan ochiq osmon ostidagi nafis san’at bayrami 2017-yil qayta tiklandi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 7-fevraldagi "Boysun bahori" xalqaro fol'klor festivalini tashkil etish va o'tkazish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq o'tkazilgan festivalda dunyoning 30 dan ortiq davlatidan martabali mehmonlar, soha mutaxassislari, san'atkorlar va muxlislar ishtirok etdi. Milliy qadriyatlar ulug'langan shodiyonada mamlakatimiz fol'klor san'ati ustalari, Buyuk Britaniya, Fransiya, Qozog'iston, Qirg'iziston, Tojikiston davlatlari san'atkorlari xalq og'zaki ijodining eng go'zal navolari, milliy an'analarini yuksak mahorat bilan tarannum etdi. An'anaviy ravishda o'tkazib kelinayotgan bu festival xalq og'zaki ijodi rivojini ta'minlash, boy madaniy, moddiy va nomoddiy merosni xalqaro miqyosda namoyish etishga imkon berayotir.

Jumladan, 2021-yilning 17-sentyabrida Nukus shahrida yuksak darajada o'tkazilgan II Xalqaro baxshichilik san'ati festivali milliy meros, madaniyat va san'at, xalq ijodiyoti bayramiga aylanganini san'at ixlosmandlari nafaqat mamlakatimiz, balki xorijda ham kata qiziqish uyg'otdi. Bu san'at turi Markaziy Osiyo madaniyati sivilizasiyasida muhim ahamiyatga ega san'at yo'nalishi ekanligi xalqaro san'atshunoslar tomonidan qayta-qayta e'tirof etildi.[4]

Yangi O'zbekistonda ma'naviy-madaniy sohada amalga oshirilgan diqqatga sazovor festivallardan biri mamlakatimizning barcha hududlarida 2021-yilning 28-oktyabrida o'tkazilgan "Milliy suvenirlar" festivali bo'lib o'tdi. Ushbu festivalda yurtimiz fuqarolari va xorijiy tashrifchilar o'rtasida mamlakatimizning madaniy-tarixiy merosini keng targ'ib qilish, mamlakatimizning sayohat va dam olish uchun xavfsiz manzil sifatidagi imijini mustahkamlash borasida olib borilayotgan sa'y-harakatlarga munosib hissa qo'shish maqsadiga qaratilgan festivalda viloyatning tuman-shaharlardagi hunarmandlar o'zlarining milliy ko'rgazmalari bilan ishtirok etdi. Bu esa, hududlarni barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishga, hunarmandlar bandligini ta'minlashga hamda ularni ham moddiy, ham ma'naviy qo'llab-quvvatlashga xizmat qiladi.

2023-yil 27-29-aprel kunlari Toshkentda GreenArt xalqaro landshaft san'ati ekofestivali bo'lib o'tdi. Uning vazifasi ekologik madaniyatni oshirish va mamlakatdagi ekologiya va ko'kalamzorlashtirish muammolariga jamoatchilik e'tiborini jalb qildi. Bu yerda tabiat go'zalligi bilan bahramand bo'lish bilan birga, mevali va bezakli daraxtlarni parvarish qilish to'g'risida batafsil ma'lumotga ham ega bo'lishdi. Mutaxassislar bog'dorchilik ekinlarining navlari, gullash muddatlari, gullarni ko'paytirish usullari, parvarishi va sug'orishdagi o'ziga xosliklar to'g'risidagi ma'lumotlar bilan o'rtoqlashadi.

Shuningdek, sohaga ilm-fan yutuqlari, innovasion texnologiyalarni joriy etish, mahalliy iqlim sharoitiga mos manzarali daraxtlar ekish, yashil xiyobonlarni ko'paytirish, "yashil iqtisodiyot"ni rivojlantirish kabi qiziqarli mavzularda o'zaro bahs-munozaralar uyushtirildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Madaniyat va san'at sohasining jamiyat hayotidagi o'rni va ta'sirini yanada oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoniga muvofiq, nomoddiy madaniy meros obyektlarini asrash hamda ulardan foydalanish faoliyati o'zini o'zi band qilgan fuqarolarga vaqtinchalik mehnat guvohnomalari beriladigan faoliyat turlari ro'yxatiga kiritildi.

2020-yilning sentyabr oyidan boshlab esa davlat muzeylarida har oyning birinchi yakshanbasi "ochiq eshiklar kuni" deb e'lon qilindi. O'sha kuni fuqarolar muzey ashyolari va muzey kolleksiyalarini kirib ko'rish uchun davlat muzeylariga bepul kiritiladi.

Vatanimizning qadimiy va boy tarixini chuqur o'rganish, ushbu yo'nalishdagi ilmiy-tadqiqot ishlarini faollashtirish, yosh avlodni milliy qadriyatlar va ajdodlarimizning bebaho merosi asosida tarbiyalash, jamiyatda vatanparvarlik va o'z xalqi bilan g'ururlanish tuyg'usini shakllantirish asosida milliy o'zlikni anglash hissini mustahkamlash va vatandoshlarimiz dunyoqarashini kengaytirish maqsadida "O'zbekiston tarixi" telekanali tashkil etildi.

1968-1997-yillar davomida O'zbekistonda o'tkazilib kelingan Osiyo, Afrika va Lotin Amerikasi mamlakatlarining Toshkent xalqaro kinofestivali qayta tiklandi, endilikda kinofestival 2021-yildan boshlab har yili 28-sentyabr – 3-oktyabr kunlari "Ipak yo'li durdonasi" Toshkent xalqaro kinofestivali nomi ostida Toshkent shahrida o'tkaziladi. [5]

## **XULOSA**

Ta'kidlash joizki, so'nggi yillarda mamlakatimizda ma'rifatparvarlarning hayoti va ijodini o'rganish hamda uni yoshlar orasida targ'ib qilish borasida keng ko'lamlil ishlar amalga oshirilib, kinofilmlar suratga olinmoqda. Jumladan, Mahmudxo'ja Behbudiy, Abdulla Avloniy va Ibrat hayot yo'liga bag'ishlab suratga olingan filmlar ma'rifatparvar olimlar yashagan davr, o'sha davr odamlarining dunyoqarashi, ularning mashaqqatli umr yo'li hamda ularning nafaqat siyosiy, jamoat arbobi sifatidagi faoliyati bilan bir qatorda uning o'zbek adabiyotida qoldirgan tengsiz merosiga ham urg'u berilgan.

Shuningdek, "O'zbekkino" Milliy agentligi buyurtmasiga binoan "Media Illusion" studiyasi tomonidan "Cho'lpon. Qush esdaligi" hujjatli filmi suratga olinishi

rejalashtirilgan. Mazkur film yetuk adib, buyuk ma'rifatparvar shoir va yozuvchi Abdulhamid Sulaymon o'g'li Cho'lpon hayoti va ijodiga bag'ishlangan bo'lib, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil Adiblar xiyoboniga tashrifi davomida berilgan topshiriqlari yuzasidan "Xalq yuragi" turkumi ostida tasvirga olinmoqda.[6]

Mamlakatimizda amalga oshirilgan ma'naviy-madaniy sohada amalga oshirilgan yangiliklardan yana biri 2021-yil 21-oktyabrda Toshkent sharida "Do'stlik" madaniyat va istirohat bog'i foydalanishga topshirilgani bo'ldi. Ushbu maskan ko'p millatli O'zbekistonning rivojlanish an'alarini o'zida mujassam etgan madaniy- ma'rifiy tadbirlar o'tkaziladigan joy sifatida bunyod etildi. Bu maskan millatlararo munosabatlarni yanada mustahkamlashga xizmat qilishiga shubha yo'q.

## REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi asosida demokratik islohotlar yo'lini qat'iy davom ettiramiz // "Xalq so'zi" gazetasi, 2021 yil 7 noyabr, № 238
2. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida" 2020-yil sentyabrdagi O'RQ-637-sonli Qonuni // <https://lex.uz/uz/docs/-5013007>
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Uzluksiz ma'naviy tarbiya konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2019-yil dekabrdagi 1059-sonli qarori // <https://lex.uz/uz/docs/-4676839>
4. Президент топшириғи амалда: таълим сифатининг янги босқичи // [https://uza.uz/uz/posts/prezident-topshirigi-amalda-talim-sifatining-yangi-bosqichi\\_457365](https://uza.uz/uz/posts/prezident-topshirigi-amalda-talim-sifatining-yangi-bosqichi_457365)
5. Mirziyoyev Sh.M. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasi// "Xalq so'zi" gazetasi, 2022-yil 21-dekabr, №272 (8334)
6. Ehsonov E. Xalqaro hunarmandchilik festivali madaniyatlararo muloqot hamda do'stlikni mustahkamlashga xizmat qiladi// "Xalq so'zi" gazetasi, 2019 yil 14 sentyabr, №191 (7421)
7. Rahmonova, S. (2023). DYNAMICS AND MAIN DIRECTIONS OF SPIRITUAL AND CULTURAL REFORMS IMPLEMENTED IN UZBEKISTAN. Modern Science and Research, 2(10), 850-854

8. Shuhrat kizi, R. S. . (2023). The Development of Spiritual and Cultural Reforms in the Development Strategy of New Uzbekistan. *International Journal of Culture and Modernity*, 32, 61–66



## РАЦИОНАЛ ТАФАККУР ВА МЕНТАЛ ТИЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Барно Ражаббоевна Ахмедова**

Тошкент Давлат транспорт университети тадқиқотчиси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада рационал тафаккур ва ментал тилни келажак авлод учун зарур кўникма сифатида таълимга жорий этиш бўйича жаҳонда олиб борилаётган ишлар илмий манбалар асосида ўрганилган. Шунингдек, рационал тафаккур ва ментал тилни ривожлантиришда қўлланилаётган ёндашув-ижтимоий-маданий хусусиятларини тайёрлаш стратегиялари аниқланган.

**Таянч сўзлар:** Рационал тафаккур, ментал тили, грамматика, ижодкорлик, креативлик, ижтимоий-маданий.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе научных источников изучается мировая работа по внедрению рационального мышления и мысленного языка в образование как необходимого навыка для следующего поколения. Также определен подход, используемый при развитии рационального мышления и мысленного языка – стратегии подготовки социокультурных особенностей.

Рациональное мышление, ментальный язык, грамматика, творчество, креативно, социокультурный.

### ABSTRACT:

In this article, on the basis of scientific sources, the world's work on introducing rational thinking and mental language into education as a necessary skill for the next generation is studied. Also, the approach used in the development of rational thinking and mental language - the strategies of preparation of socio-cultural features are defined.

**Keywords:** rational thinking, mental language, grammar, creativity, creativity, socio-cultural.

Ёш авлодни ахлоқий, ғоявий, сиёсий, жиҳатдан ҳар томонлама етук ҳамда маданиятли қилиб тарбиялаш ҳамма замонларда давлат ва жамиятнинг асосий

мақсади бўлган. Жисмонан ва маънан етук инсонгина жамият ривожини, юрт тараққиёти учун сидқидилдан хизмат қила олади. Жамиятимиз ривожини ва юксак тараққиётида эртанги кунимиз ҳамда келажакимиз пойдевори бўлган ёш авлоднинг ўрни бекиёсдир. Ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг энг муҳим вазифаларидан бири — уларда илмий дунёқарашни шакллантириш. Бу вазифани ҳал қилишда мақсадга мувофиқ ишлашнинг етакчи шартини ўқувчини шахс сифатида камол топтиришдан иборат. Ҳар бир ўқув предмети ўз мазмунига мувофиқ равишда ўқувчиларда илмий дунёқараш элементларини шакллантиришга маълум ҳисса қўшади. Рационал тафаккур ва ментал тилни ривожлантиришнинг ижтимоий маданий хусусиятлари, тафаккур сўзи орқали юзага чиқади. Тафаккур ташқи дунёнинг тушунчадаги ифодаси ҳисобланади. Сўз тушунчанинг шартли номини ўзида акс эттиради. Рационал тафаккур ва ментал тилни ривожлантиришда ижтимоий-маданий хусусиятларини ўрганиш жараёнида тилимизнинг янги сўзлар билан бойиб бориши ҳақидаги муҳим манбалар билан, сўз ясаши билан танишиб борадилар. Рационал тафаккур ва ментал тилни назарий билим орқали беришда ҳам, билимларни амалиётга татбиқ этишда ҳам болаларнинг ҳаётини тажрибасига, нутқига оид практикасига таянади. Оддий қилиб айтганда, рационал тафаккур — бу далилларга ва мантиқий фикрлашга асосланган фикрлаш усули. Рационал тафаккур агентлик тафаккурига тегишли. У макроскопик моддий фикрлаш учун прокси сифатида микроскопик материал тафаккуридан фойдаланади. Рационал тафаккурнинг пайдо бўлиши моддий субъект даврининг келиши, субъектнинг атроф-муҳитга тез мослашиши ва моддий дунёнинг жадал ривожланиши учун чиқиш йўлини топди.

**Рационал тафаккур қуйидагиларни ўз ичига олади:** тил шакли тушунчаси, тушунчалар таснифи, сифат тафаккури, тоифали фикрлаш, мантиқий бўйсунуш, сабаб-оқибат асослари, фикрлаш ва жараён оқимини режалаштириш. У инсон томонидан яратилган таърифлар ва бўлинишлар, тизимли билим, расмийлаштириш, асослилиқ, ўзаро муҳим алоқалар ва ўзаро чеклашлар, тарқатиш ва тушунарлилиқ билан тавсифланади.

Фан тараққиёти ривожланишнинг умумий қонуниятларига бўйсунадиган интеллект рационал тафаккур жараён ва соҳадир. Ривожланишнинг умумий қонуниятларига тадрижий (эволюцион) ва сакрашсимон (инқилобий) ўзгариш, эски сифатдан янги сифатга ўтиш киради. Бу икки турдаги ўтиш фан тараққиёти учун ҳам хосдир. Фан тараққиётида рационал тафаккур маълум

тарихий даврда илмий инқилобларда намоён бўлади. Тафаккур тарзининг трансформацион конструкцияси илмий инқилобларнинг роли ва аҳамияти диахроник ёндашув асосида маълум даврдаги кашфиётлар ҳамда ихтиролар билан белгиланади. Рационал тафаккур аниқ мантиқий боғланишга асосланган ва аниқ мақсадга эришадиган фикрлаш туридир. Рационал ва оқилона фикрлаш бир-бирига зид бўлмаган тушунчалар бўлиб, бу ерда ақлсизлик мантиқ, изчиллик ва мақсадларнинг йўқлигини назарда тутди. Тилнинг ташувчиси нафақат бу тилни биладиган ва сўзлашувчи аниқ одамлар, уларнинг тўплами эмас, балки бутун миллат ва жамиятдир. Бу оммавий эмас, тузилган ижтимоий тизимдир. Бу эса жамиятда тилнинг ўзи ижтимоий институт сифатида шаклланади ва унинг мавжудлиги аниқ одамларга боғлиқ мавжуд бўлмаган объектив реал шакллар (грамматика, луғатлар, китоблар, дисклар ва бошқалар) моддийлаштирилган ижтимоий хотира яратилади. Рационал тафаккурнинг шаклланиши, ментал тилни ривожланиши унинг ижодкорлик жиҳатларини кучайтириш билан белгиланади. Бу эса, фан ва амалиётга татбиқ қилиш ҳозирги замон тафаккури ҳисобланган рационал тафаккурни шакллантириш ва мутахассислар онгига сингдириш имкониятини беради. Ижод ва креативлик рационал тафаккур ҳамда ментал тил ривожланишининг ижтимоий-маданий хусусияти функциясидан иборатдир. Рационал тафаккурни ва ментал тилни тадқиқ қилиш йўналиши бўлган ижодиёт фанлараро хусусиятга эгадир. Фан, техника ва таълимда рационал тафаккур тарзи ментал тил тури сифатида ривожланишининг проектив тафаккур тарзининг генезиси, концептуал моҳияти ва ижтимоий аҳамияти талқин қилинган. Умуман олганда, барча тилнинг луғат таркибини лексемалар ифодалаган предметлар асосида гуруҳларга бўлиб ўрганиш бўйича тилшуносликда улкан ишлар қилинди, катта тажриба тўпланди. Бу борада халқларнинг бебаҳо бойлиги, хазинасини ўз ичига олган илмий асарлар, луғатлар вужудга келди. Лексема — сўзнинг ўзига ўхшаш бошқа белгиларидан асосий фарқи шундаки, у ўзи ифодалаётган предмет билан узвий алоқадорликда бўлади. Шу билан бирга, маълум бир предметлар тўдасининг умумлашган хусусиятларини ўзида мужассам этган тушунчаларга мос равишда реал борлиқни бевосита акс эттиради. Сўзнинг лексик-семантик хусусиятлари унинг лексик, грамматик ва семантик жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. Тилнинг гўзаллиги унинг товуш хусусиятлари ва бадий ифодаси билан белгиланганидек, тилнинг сифими ҳам у ифодалай оладиган фикрнинг теранлиги ва аниқлиги билан белгиланади. Аммо илмий-фалсафий тил бадий

тилдан фарқли равишда миллий доираларда шаклланмайди, балки умуминсоний илмий-фалсафий фикрлаш жараёни таъсирида шаклланади. Фундаментал илмий асарлар нафақат муаллиф мансуб халқнинг, балки бутун инсониятнинг интеллектуал бойлигига айланади. Бу ерда етакчиси умуминсоний илмий тафаккур бўлиб, у биринчи марта шу фанни яратган халқ тилида ифодаланган ва ўша тилда шаклланган. Бошқа халқлар аслиятда ифодаланган ғояларни асл тилдан олиб ташлаб, ўз тилига киритишга, мустақил ижод билан эмас, таржима билан «жумбоқ» қилишга мажбур.

Гегел айтади: «Барча фан хазиналарини ўз тилида ифодалай олмайдиган халқни саводли деб бўлмайди. ...Бошқа тилда етказилган билимда биз ўз тилимизга сингиб кета оладиган нозикликлар йўқ. Улар биздан бўлак билан ажралиб, руҳимизга аралаша олмайдилар!»<sup>1</sup> Бироқ таржималар туфайли ривожланмоқчи бўлган тиллар ташқи таъсирларга дучор бўлади, улар ўзларининг табиий ривожланиш тенденцияларидан, имманент хусусиятларидан ажралиб қолади ва натижада тилнинг бегоналашув жараёни содир бўлади. Аммо илмий матннинг нафақат сўзлари, балки умумий руҳи ҳам миллий тилга айланиб, миллий тилнинг имкониятлари бунга имкон берса, тилни бегоналашувдан қутқариб, миллий илмий тил услуби шаклланган бўлади. Бунинг учун асосий юк, тортишиш маркази тилга эмас, балки илмий-фалсафий фикрлаш жараёнига тушиши керак. Шу билан бирга, маълум бир предметлар тўдасининг умумлашган хусусиятларини ўзида мужассам этган тушунчаларга мос равишда реал борлиқни бевосита акс эттириши лозим. Рационал тафаккур ва ментал тилни ривожлантиришда сўзлар тилнинг луғат составини шундайгина ташкил этмай, умуман, тилнинг система ва структурасидаги барча боғланишларни тақозо этади. Рационал тафаккур ва ментал тилни ривожлантиришнинг ижтимоий ва маданий хусусиятлари ҳар бир иборанинг лексик маъноси ва унинг қўллаш хусусияти сўз бирикмаси ёки гапда маълум бўлади. Сўз таркибига кўра морфологик таҳлил қилиш унинг лексик маъносини ўқувчилар тушунишида, морфемаларни тўғри ёзишда ёрдам берувчи муҳим воситадир. Маълумки, тилшунослик фанида сўзнинг умумий таърифи яратилган эмас. «Сўз бир қанча «маъно»га эга бўла олмайди, - деб ёзади В.А.Звегинсев. – Сўз маъносида муайян умумлаштириш натижасида мустақамланар ва бу умумлаштириш процесси тилнинг бутун ҳаёти ва

<sup>1</sup> Хесс Реми. 25 ключевых книг по философии. Анализ и комментарии. Пер. с фр. Челябинск. Изд-во УРАЛ LTD. 1999. - 366с.

тараққиёти давомида тўхтамас экан, бир сўзда бир қанча йўналишдаги умумлаштириш параллель амалга ошиши мумкин эмас». Шунинг учун сўзда бирдан ортиқ маъно ҳам юзага келмайди. Сўз тилнинг энг маъноли бирлиги рационал тафаккур ва ментал тилни ривожлантиришни ижтимоий-маданий хусусиятлари гап тузишда нутқда эркин тикланиш хусусиятига эга. Рационал тафаккур ва ментал тил, тилнинг энг муҳим бирлиги, чунки сўзда тил структурасининг барча асосий элементлари бирлашади. Рационал тафаккур ва ментал тил тўғрисида айтилган мулоҳазалардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: сўз тилнинг мустақилликка эга бўлган, айрим маъно ё эмоцияларни билдирадиган, фонетик ва грамматик жиҳатдан шаклланган, тугалликка эга бўлган бирлигидир.

Демак, рационал тафаккур ва ментал тил маъно ва шаклланиш жиҳатидан яхлитликка, махсусликка эга, у семантик ва фонетик, грамматик бутунликдир. Хулоса қилиб айтганимизда, тилни майдон сифатида ўрганиш олам, онг ва тил ўртасидаги диалектик муносабатни илмий асосда тушунишга ёрдам беради.

Тил миллий онг қуролидир. Унинг фикрича, тил нафақат дунёнинг бевосита кўзгуси, балки инсоннинг дунёни тил орқали англаши ҳамдир. Гумболдт асарларини ўрганар эканмиз, нима учун «Тил – қурол» деб аталганини чуқур англай бошлаймиз.

Ҳақиқатданда, тил инсоннинг ички қудратини ривожлантирувчи воситадир!!!.

Билиш жараёнида тасаввур, хотира, диққат, фаҳм-фаросат каби тушунчалар рационал тафаккурнинг асоси сифатида ўрганилган. «Тасаввур – бу ҳиссийлик, мантиқийлик ва интуитивликнинг ўзига хос уйғунлиги бўлиб, бунда тафаккур ҳиссий образларни умумлаштириб уларга мазмун бағишлайди» [6:133]. Рационал тафаккур ва ментал тил кучи ҳосил қилинган билимнинг ўзига хослигида, муаммонинг ўзгача ечимларининг топилишида намоён бўлади.

Хуллас, рационал тафаккур ва ментал тилни ривожлантиришни билиш жараёнида инсон интиҳога эмас, балки ибтидога қараб интилади. Интуитив билиш муаммо ечимини излаш жараёнида тарихийлик ва мантиқийликка асосланиб, объектив хулоса чиқариш имконини яратади ва бу жараён муаммо ҳақида янги бир фикрнинг пайдо бўлишига олиб келади. Назаримизда, интеллектуал интуиция бир вақтнинг ўзида рационал тафаккур ва ментал тил бирлигида акс этувчи билиш жараёнидир.

**REFERENCES:**

1. В.Виндельбанд. История новой философии в ее связи с общей культурой и отдельными науками. Т. 2. От Канта до Ницше. –М.: Гиперборея; Кучково поле, 2007.
2. А.П.Кухтенков. Георг Зиммель и Карл Ясперс о трагическом положении человека в современной культуре // Философия. Наука. Культура. Вып. 6: Сб. ст. слушателей, соискателей кафедры философии ИППК МГУ. –М.: МГУ, 2003.
3. А.Бергсон. Философская интуиция // Путь в философию: Антология. –М.: Наука, 2001.
4. М.Н.Абдуллаева. Миллий ғоянинг илмий-фалсафий асослари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
5. Б.О.Тўраев. Борлик: моҳияти, шакллари, хусусияти. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
6. О.В.Степаносова. Современные представления об интуиции // Вопросы психологии, 2003. – № 4.
7. Ж.Жалолов. “Чет тили ўқитиш методикаси”. Т.Ўқитувчи.1996й. 2. Ш. Нурмонов. Ш. Искандарова. Тилшунослик назарияси. Т., «Фан», 2008, 75-76-бетлар



## O'ZBEKISTON YOSHLARIDA BAG'RIKENGLIK VA TENGLIK TUSHUNCHASINI SHAKLLANTIRISHNING MILLATLARARO DINLARARO MUNOSABATLARNI MUSTAHKAMLASHDAGI O'RNI

**Mamirov Azizjon Niyazmuxamedovich.**

falsafa doktori (Phd), katta o'qituvchi

ALFRAGANUS university.

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada yoshlar tarbiyasida tenglik va bag'rikenglik tushunchalarining ahamiyati va ularning O'zbekiston sharoitidagi ahamiyati yoritib berilgan. O'zbekistonda bugungi kunda turli dinlar va millatlarning urf-odatlarini, qadriyatlarini, bu borada millatlararo hamjihatlikni ta'minlash, ularni yosh avlodga namuna qilib o'rgatish omillari yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** Umuminsoniy, global, diniy, yoshlar, ma'naviy, millatparvarlik, o'zlikni anglash, mustaqillik, milliy o'zlik, ong, tafakkur, milliy manfaat.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье подчеркивается значение концепции равенства и толерантности в воспитании молодежи и их значение в условиях Узбекистана. В Узбекистане сегодня освещаются традиции и ценности разных религий и национальностей, факторы обеспечения межнационального согласия и преподавания их на примере подрастающего поколения.

**Ключевые слова:** Всеобщий, глобальный, религиозный, молодежный, духовный, национализм, самосознание, независимость, национальная идентичность, сознание, мышление, национальный интерес.

### ABSTRACT

This article emphasizes the importance of the concept of of zeal and tolerance in the education of youth and their significance in conditions of Uzbekistan. In Uzbekistan today, the traditions and values of different religions and nationalities, factors for ensuring interethnic harmony and teaching them using the example of the generation are highlighted.

**Keywords:** Universal, global, religious, youth, spiritual, nationalism, self-awareness, independence, national identity, consciousness, thinking, national interest.

Konstitusiyada din va diniy erkinlik haqida ham aytib o'tilgan: «Hamma uchun vijdon erkinligi kafolatlanadi. Har bir inson xohlagan diniga e'tiqod qilishi yoki hech qaysi dinga e'tiqod qilmaslik huquqiga ega. Diniy qarashlarni majburan singdirishga yo'l qo'yilmaydi» [1, 15-b]. Agar biror kimsa o'zi mansub bo'lgan din yoki konfessiyani boshqa kimsaga nisbatan majburiy targ'ibot-tashviqot ishlarini olib borsa, bu harakat qonun darajasida chora ko'rilishiga olib keladi.

O'zbekistonda bugungi kunda turli dinlar va millatlarning urf-odatlarini, qadriyatlarini, bayram va marosimlarini qadrlash, bu borada millatlararo hamjihatlikni ta'minlash, ularni yosh avlodga namuna qilib o'rgatish ishlariga alohida e'tibor qaratilmoqda.

O'zbekistonda mustaqilligimizning dastlabki yillaridayoq milliylikni rivojlantirish, yurtimizda o'z faoliyatini yuritayotgan barcha millat vakillari manfaatini himoya qilish, ularni umuminsoniy manfaatlar bilan uyg'unlashtirish harakatlari amalga oshirilgan. Hozirgi yosh avlodga munosib meros qoldirish ham aynan mana shu jihatlarni qay darajada rivojlanishiga bog'liq.

O'zbekistonda qabul qilingan Milliy xavfsizlik konsepsiyasi va barqaror taraqqiyot strategiyasi konstitusiyasi, qonun ustuvorligi va boshqa xalqaro deklaratsiyalar, konvensiya va shartnomalar, dunyo davlatlari qonunchilik tajribalariga, umuminsoniy demokratik-gumanistik tamoyillarga, manfaatlarga mosligi jahon hamjamiyati tomonidan tan olinmoqda. Masalan, BMTning mamlakatimizdagi doimiy muvofiqlashtiruvchi vakili Stefan Prisner: «BMTning O'zbekistondagi tuzilmalari mamlakatingizning yangi taraqqiyot dasturini to'liq qo'llab-quvvatlaydi. Harakatlar strategiyasida belgilangan chora va tadbirlar O'zbekistonning bugungi rivojlanish bosqichida juda dolzarb sanaladi. Unda ma'muriy, sud-huquq, iqtisodiy islohotlar, ijtimoiy sohani rivojlantirish, shuningdek, yaqin qo'shnichilik, do'stlik va millatlararo bag'rikenglik ruhida tashqi siyosat olib borish ko'zda tutilgan.

Unda belgilangan ko'plab vazifalar BMTning 2016-2020 yillarga mo'ljallangan taraqqiyotga ko'maklashuvchi doiraviy dasturiga muvofiq», deb alohida ta'kidlagan. Unga hamohang ravishda YUNESKOning O'zbekistondagi vakolatxonasi rahbari Krista Pakkat, BMT Aholishunoslik jamg'armasining yurtimizdagi vakolatxonasi vakili Miyeko Yabuta, BMT Bolalar jamg'armasi (YUNISEF)ning mamlakatimizda vakolatxonasi rahbari Sasha Graumannlar mamlakatimizda turli manfaatlarini uyg'unlashtirishga doir islohotlar natijalariga yuqori baho berishdi[2].

O'zbekistonda yoshlar ongiga millatparvarlik konsepsiyalarini singdirishda eng avvalo, mamlakatimizda istiqomat qilayotgan turli millat vakillarining moddiy va ma'naviy mexanizmlarini vujudga keltirish lozim. Bunday mexanizmni yaratish uchun iqtisodiy islohotlarni to'g'ri yo'lga qo'yish lozim. Barqaror iqtisodiy islohotlarga ega bo'lmasdan turib, turli millat va elatlar ehtiyojlarini qondirish va uni yurtimiz taraqqiyotiga xizmat qilishga yo'naltirish uchun foydalanib bo'lmaydi.

Alohida ta'kidlash lozimki, O'zbekiston milliy xavfsizligi doktrinasining eng asosiy vazifasi mamlakatimiz hududida istiqomat qilayotgan turli millat vakillarining milliy manfaatlarini himoya qilish hisoblanadi. Shu jumladan, O'zbekiston Respublikasining Harbiy doktrinasida milliy manfaatlarni himoya qilish masalasida shunday deyiladi: «O'zbekiston Respublikasi barcha mamlakatlar bilan o'zaro manfaatli munosabatlarni rivojlantirish, o'z xalqining turmushini yaxshilash, xalqaro huquqning umume'tirof etgan normalariga, demokratiya va ijtimoiy adolat prinsiplariga asoslangan ijtimoiy tizimni mustahkamlash uchun qulay shart-sharoitlar yaratadi, deb hisoblaydi.

O'zbekiston Respublikasi xalqaro munosabatlarda tinchliksevarlik yo'lidan borib, ayni vaqtda o'z fuqarolarining hayoti va qadr-qimmatini himoya qilish vazifasini o'z zimmasiga oladi, Birlashgan Millatlar Tashkilotining ustaviga binoan o'zini-o'zi mudofaa qilishdek ajralmas huquqni amalga oshiradi, davlatning harbiy qudrati va mudofaa qobiliyati oqilona zarurat darajasida bo'lishini ta'minlaydi»[3].

Mustaqillik yillarida davlatimiz tomonidan qabul qilingan qonunlar milliy manfaatlarni, xususan, respublikamizda yashab kelayotgan turli millat vakillarining manfaat va huquqlarini himoya qilishga qaratilgan. Ularning milliy manfaatlari esa konstitusiyamiz, qonunlar va ma'naviy-axloqiy tizim manfaatlari tamoyillariga asoslangan.

Adabiyotlar tahliliga ko'ra, hozirgi kunda mamlakatimizda 136 dan ortiq millat vakillari o'z faoliyatini olib bormoqda. Ulardan 75,5 foizi o'zbeklar, 7 foizi ruslar, 4,2 foizi tojiklar, 4,0 foizi qozoqlar, 1,7 foizi qoraqalpoklardan iborat[4, 258-b].

S.Mamashokirov yozishicha: «Jahonda kechayotgan ijtimoiy, ma'naviy-madaniy, g'oyaviy-mafkuraviy munosabatlarning integratsiyalashuv va universallashtirish jarayonlari global tolerantlik qadriyatini shakllantirib, uni umuminsoniy muammolarning muqobili bo'lmagan omilga aylantirmoqda»[5, 3-b]. Bu esa, o'z navbatida, milliy va umuminsoniy manfaatlarni global miqyosda rejalashtirish, takomillashtirish funksiyalarini yaratish hozirgi kunda asosiy masalaga aylanib bormoqda.

Bu muammo yechimi quyidagi vazifalar qay darajada bajarilishini taqozo qiladi. Birinchisi - har qanday global muammo fan-texnikaning shiddatli rivojlanishi natijasida yuzaga kelgan ma'naviy inqirozni bartaraf qilishga bog'liq;

ikkinchisi – ularni bartaraf etishda umuminsoniy, umummilliy manfaatlar va qarashlarni uyg'unlashtirish, ularga tegishli bo'lgan muammolarning ratsional yechimini o'ylab topish lozim.

Mazkur muammolar hal qilinmasa, insoniyat sivilizatsiyasi halokatga mahkumlari barchaga ayon bo'lib qoldi. Hozirgi paytda dunyo hamjamiyati mazkur muammoni insoniyat ma'naviyatini boyitish, hamjihatlik va birodarlik tamoyillarini ilgari surish va rivojlantirish orqali hal qilish mumkinligini tushunib yetmoqda. Chunki barchaning manfaatini birlashtirib nazariya darajasiga olib chiqish va uni hal qilish bugungi kunda ustuvor vazifaga aylanib bormoqda.

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, hozirgi shiddat bilan rivojlanayotgan davrimizda yoshlarni turli diniy, ma'naviy va kiber tahdidlardan himoya qilish, o'zligimizni saqlab qolish va milliyligimizni avlod-dan-avlodga vorisilik tamoyili asosida yetkazib berish O'zbekiston xalqi oldida turgan eng muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Har bir millat o'zligini anglashi jarayonida o'zligini himoya qila oladigan, qalqon bo'ladigan barcha omil va vositalarda namoyon bo'lishi lozim. O'z-o'zini anglash jarayoni har bir millatning o'z «men»ligini anglashini tashkil etishini hisobga olsak, bular:

Har bir jamiyat o'z atrofida sodir bo'layotgan barcha jarayon va munosabatlardan mustaqil subyekt sifatida his qilishi, bu jarayonni taraqqiyotning asosiy sharti sifatida anglab yetishi;

Yillar davomida shakllangan milliy tili, qadriyatlari, milliy an'ana va urf odatlarini saqlab qolish va rivojlantirib kelajak avlodga yetkazishi;

Tarixiy xotirani unutmaslik, or-nomus, iftixor, millatning qadr-qimmatini kabi tuyg'ular har bir millat vakili harakatlarida namoyon qilish;

O'ziga xos bo'lgan milliy manfaatlarni boshqa manfaatlardan ustuvorligini yosh avlodga tushuntirish;

Vatanga sadoqat, uni asrash, vatanparvarlik tamoyillarini yoshlar ongiga singdirish;

«Millatparvarlik» tushunchasini yoshlar ongida shakllantirish va uni mazmun-mohiyatini targ'ib qilish;

O'zimizga xos bo'lgan milliy taraqqiyot strategiyasini ishlab chiqish va uni amalda targ'ib qilish;

O'z milliy taraqqiyotimizni shakllantirish jarayonida boshqa millat vakillari manfaatlarini ham hisobga olish va e'tirof etish.

Yuqoridagilardan shuni ko'rish mumkinki, har bir millat o'zligini anglashi va uni shakllantirishi uzoq tarixiy bosqich bilan bog'liq hodisa hisoblanadi. Har bir millat milliy o'zligini anglamas ekan, millat maqomiga erisha olmaydi. O'zligini anglash uchun esa milliy tarixi, kelib chiqishi, madaniyati va urf-odatlarining mazmun-mohiyatini tushunib yetish muhim hisoblanadi. Qachonki biror-bir millat o'zini mustaqil ong deb tushunib yetmas ekan, millat o'zini-o'zi anglashi orqada qolib boraveradi. Har bir millatning mustaqilligi o'z mustaqilligini o'z galar bilan taqqoslashda, milliy taraqqiyot jarayoniga ta'sir qiladigan turli salbiy ta'sirlardan xoli bo'lishida, ijtimoiy, siyosiy, ma'naviy va ma'rifiy sohalarda birovlariga qaram bo'lmaganligida namoyon bo'ladi. Eng avvalo, har bir millatning mustaqilligi inson huquqlarini o'sha davlatda to'liq amal qilinishi, har qanday munosabat turlarida har bir millat vakilining o'zaro teng ekanligini anglab yetishishida o'z aksini topadi. Agarda har bir millat o'zligini anglash jarayonida o'zini mustaqil subyekt sifatida anglashga intilishi mamlakatni ichdan yemirilishiga olib kelishi mumkinmi? degan savol tug'ilishi mumkin. Mana shunday jarayonda agar davlat tomonidan muvozanatni ushlovchi asos topilmas ekan, hech qanday bag'rikenglik haqida so'z bo'lishi mumkin emas. Agar millatning o'zini anglashi mamlakat ichida salbiy oqibatlarga olib keladigan bo'lsa, bu jarayonga salbiy natija sifatida qarash kerak bo'ladi. Aslini olganda, har bir millat rivojlanishi jarayonida o'zini mustaqil subyekt sifatida his etishi millatlarning bir-biridan uzoqlashishiga emas, balki o'zaro tenglik asosida bir-birlariga yaqinlashuviga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. O'zligidan begonalashuv millatni yakkalantirib, rivojlanishini ham qiyinlashtirib qo'yadi. Bu borada O'.Abilovning fikrlari diqqatga sazovordir: «Har qanday millatning kelajagi ko'p jihatdan millat qanday rivojlanish yo'lidan borishiga, milliy o'zlikni anglashiga bog'liq. Agar uning amaliy va qonuniy taraqqiyoti milliy mahdudlik tusini olsa, optimistik yo'nalish haqida gap ham bo'lishi mumkin emas»[6, 51-b].

Yuqoridagi fikrlarga asoslanib aytish mumkinki, birinchidan, har bir millat o'zini barcha jarayon va munosabatlardan xoli subyekt sifatida anglashi, shu millatning rivojlanishi va milliy taraqqiyotga erishishida asosiy mezon bo'lib xizmat qiladi. Ikkinchidan, biror-bir millat o'z mustaqilligini to'laqonli anglashi o'zini boshqalardan yakkalab qo'yishi lozimligini anglatmaydi, balki o'zining to'laqonli

bag'rikenglik asosida boshqa millatlardan kam bo'lmagan holda rivojlanishi va takomillashib borishini anglatadi.

«Milliy o'zlik» tushunchasi har bir millatda bo'lgani kabi urf-odat va an'analarsiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Xususan, boshqa millat an'analari va dini real holda amalga oshib, buning uchun keng imkoniyatlar mavjud bo'lsa, bir tomondan, bu an'analar rivojlanib boradi, ikkinchi tomondan, ular bir-birlarini boyitib borish jarayoni ham kechadi. Albatta, bu borada yosh avlodni bag'rikenglik ruhida tarbiyalashda milliy an'alarimizning muhimligi va ularni yoshlarga targ'ib qilishning ahamiyati juda katta.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, milliy g'urur, iftixor va millatning sha'ni kabilarni anlagan millatgina o'zligini anglashi, boshqa millat vakillariga ham hurmat bilan qarashi lozim. Bu xislatlar har bir milatning tafakkuri va ongining qanchalik darajada yuksak rivojlanganligini bildiradi. Millat ongini esa faqatgina ma'rifat va ma'naviyatga jiddiy e'tibor berilgandagina oshirish mumkin. Aks holda bunday millat kelajak avlod oldida o'z mas'uliyatini yo'qotadi, zalolatga yuz tutishi muqarrar bo'ladi.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: 2022. – Б. 15.
2. Htt://www.naesmi.uz. ҳаракатлар стратегияси барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғун, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, 9.03.2017.
3. Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий Доктринаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августдаги 105-1-сон қарори билан қабул қилинган. /Lex.Uz/
4. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 258.
5. Мамашокиров С. «Толерантлик - глобал муаммолар ечимининг маънавий-ахлоқий асоси». //Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда толерантликнинг долзарб муаммолари: методологияси, ҳозирги давр ва истиқбол” мавзuidaги халқаро илмий-назарий конференция. – Т.: 2015. – Б. 3.
6. Абилов Ў. Ўзликни англаш. Ўзбекистон - бағрикенг диёр. Узбекистан – страна толерантности. (Ўзбек ва рус тилларида) / маъул муҳаррир А. Очилдиев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 51.



## СПОРТИВНЫЙ ОТБОР КАНДИДАТОВ ДЛЯ ЗАНЯТИЙ СПОРТОМ, ЕГО ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ

**К. И. Алшынбаев**

к.п.н., старший преподаватель. Шымкентский университет, Казахстан,  
Шымкент

**Д. Б. Садыкова.**

магистр, старший преподаватель. Шымкентский университет, Казахстан,  
Шымкент

**Б. А. Тастанбеков.**

магистр, преподаватель. Шымкентский университет, Казахстан, Шымкент

### АННОТАЦИЯ

В данной научной работе описываются главные методы и особенности спортивного отбора кандидатов на занятиях спорта, его цели и задачи

**Ключевые слова:** ядро, спортивный отбор, динамика, спортивное расположение, функциональность.

### ABSTRACT

This scientific work describes the main methods and features of sports selection of candidates for sports, its goals and objectives

**Keywords:** core, sports selection, dynamics, sports arrangement, functionality.

Введение. Ядро спорта состоит из трех элементов: спортивного отбора, тренировки и соревнования. Именно эти три элемента являются той основой, через которую проявляется функционирование и развитие сферы спорта в целом.

По мнению ряда авторов, спортивный отбор – это комплекс мероприятий, позволяющих определить высокую степень предрасположенности (одаренность) ребенка к тому или иному роду спортивной деятельности (виду спорта). Спортивный отбор – длительный, многоступенчатый процесс, который может быть эффективным лишь в том случае, если на всех этапах многолетней подготовки спортсмена обеспечена комплексная методика оценки его

личности, предполагающая использование различных методов исследования (педагогических, медико-биологических, психологических, социологических и др.)

В методическом плане спортивную ориентацию и отбор, В.М.Смолевский и Ю.К.Гавердовский, основывают на ряде принципиальных положений. К ним следует отнести понимание способностей как структуры достаточно стойких, но изменяющихся под влиянием воспитания качеств личности, определяющих успешность обучения и совершенствования в определенной деятельности. Советские психологи рассматривают способности во взаимосвязи с анатомо-физиологическими особенностями организма человека, с задатками и с условиями внешней среды, которые облегчают или затрудняют их развитие.

Многие виды деятельности предъявляют к человеку свои специфические требования, которые не могут компенсироваться. Для музыканта – это слух, для молотобойца – сила, для бегуна на короткие дистанции – быстрота, а на длинные – выносливость. Для видов спорта, связанных с искусством движений, – тонкая координация.

Для приобщения к спортивной систематической деятельности нужны определенные предпосылки. К числу важнейших из них относятся, кроме прочих, индивидуальная предрасположенность к ней, личностные установки, потребности, интересы. Несомненно, также, что их выявление, формирование и развитие происходят под воздействием естественных и социальных факторов, в том числе направленно воздействующих и стихийных. Вероятность оптимального развёртывания процесса спортивного совершенствования во многом зависит от того, на каком из этапов индивидуального возрастного развития выявляется предрасположенность к прогрессированию в том или ином виде спорта. Соответственно обеспечивается спортивная ориентация, то есть формирование магистральной нацеленности спортивной деятельности и целесообразный выбор перспективных путей ее развертывания, согласующихся с индивидуальной предрасположенностью.

Ряд авторов отмечают, что выявление предрасположенностей, а также ускоренный прогресс современного спорта и сильное обострение конкуренции на международной спортивной арене обусловили актуальность проблематики спортивного отбора в ее исследовательских и организационно-практических аспектах. Проблемам отбора в последние несколько десятилетий посвящено достаточно много исследований и публикаций. В ряде стран, развитых в

спортивном отношении, сложилась и разветвленная практика спортивного отбора. Тем не менее, само понятие «спортивный отбор» пока не получило вполне согласованного истолкования. Большинство специалистов, так или иначе, связывает его с заблаговременным распознаванием индивидуальной предрасположенности (задатки, способности, одаренность) к достижениям в каком-либо виде спорта, определением, в зависимости от этого, направленности спортивной специализации и выделением из общего числа приобщаемых или уже приобщенных к спорту тех, кто относительно более способен к высоким спортивным результатам для того, чтобы создать им предпочтительные условия для спортивного совершенствования.

Практика внедрения отбора в этом смысле оказалась противоречивой. С одной стороны, она содействовала активизации поиска талантливых спортсменов и формированию отлаженной системы их подготовки, с другой — в своих утвердившихся формах имеет и отрицательные свойства. Самое опасное из них для развертывания массового спортивного движения — фактическое ограничение доступа к систематической спортивной деятельности тех, кто с первых же шагов отсеивается отбором как «малоперспективные» или вовсе «бесперспективные» и на этом основании не попадает в контингент спортсменов, охватываемых хорошо налаженными формами спортивной подготовки (в детско-юношеских спортивных школах и т.д.). В наших условиях такая практика, к сожалению, распространена. Это усугубляется тем, что в само понятие «спортивный» отбор зачастую фактически вкладывается смысл отбора для спорта, а не выбора спорта для человека. Тем самым это понятие как бы дегуманизируется, то есть приобретает в какой-то мере антигуманный смысл.

С гуманистической, общечеловеческой позиции все, что делается в процессе приобщения к спорту для определения спортивной предрасположенности и ориентации, следует, конечно же, трактовать не как отбор для спорта, а именно как выбор предмета и перспектив спортивной специализации, которые возможно полно соответствовали бы индивидуальным задаткам потребностям и интересам личности. При этом важно, разумеется, выявить индивидуальные возможности достижения результатов в том или ином виде спорта, но суть дела вовсе не сводится к определению перспективы лишь с позиции вероятной величины чисто спортивного результата. Гораздо важнее определить то, в каком конкретно направлении наиболее целесообразно ориентировать спортивную деятельность, чтобы с возможно большей

эффективностью содействовать развитию их индивидуальных способностей, формированию и удовлетворению возвышающих личность потребностей и интересов. Ни о каком отборочном «отсеивании», особенно на стадии приобщения к спорту, и речи быть не должно (если, разумеется, нет противопоказаний со стороны здоровья) – каждому в нормальных социальных условиях должны быть предоставлены равные возможности для удовлетворения спортивных интересов. В.М.Волков и В.П.Филин отмечают, что свой оправданный смысл спортивный отбор приобретает тогда, когда решаются проблемы конкурсного комплектования профессионально-ориентированных спортивных учреждений (специализированных школ-интернатов спортивного профиля и т.п.) и аналогичных групп спортсменов, подготавливаемых для пополнения рядов тех, кто посвящает себя спорту высших достижений. Отбор спортсменов оправдан и тогда, когда на спортивно-конкурентной основе комплектуются сборные команды и регламентируется допуск к соревнованиям высокого ранга в прямой зависимости от наличного уровня индивидуальных спортивных достижений. Такой отбор закономерно обусловлен конкурентным характером спорта и, в принципе, не «отбраковывает» никого и не лишает спортивных перспектив, напротив, может стимулировать достижения в спорте.

Неодно моментность и динамичность спортивной ориентации. Специалисты сходятся во мнении, что верно определить индивидуальную предрасположенность к спортивным достижениям путем каких-либо одноразовых процедур (наблюдение, тестирование и т.п.) за короткое время невозможно. Невозможно по двум основным причинам:

1. Спортивная предрасположенность – многосложный комплекс индивидуальных свойств (биофизических и личностно-психических), ряд которых созревает и проявляется не одновременно, а разновремененно, в зависимости от возраста и стажа спортивной деятельности;

2. Индивидуальные возможности спортивных достижений и личностные установки на их реализацию динамичны, причем изменяются как в силу естественных особенностей индивидуального развития, так и под воздействием социальных условий жизни. Отсюда следует, что диагностику (от «диагноз» - распознание, определение) индивидуальной спортивной предрасположенности, а значит, и опирающуюся на нее спортивную ориентацию необходимо осуществлять не в качестве некоего разового мероприятия, а в качестве

поэтапно возобновляемого процесса. С.В.Брянкин с соавторами условно подразделяют многолетнюю спортивную деятельность на три большие стадии, каждая из которых охватывает ряд лет индивидуальной жизни, — стадию базовой подготовки, стадию максимальной реализации спортивно-достиженческих возможностей и стадию «спортивного долголетия». Закономерности оптимального построения системы подготовки спортсмена обязывают в обеспечивать первичную спортивную ориентацию и уточнять ее с относительно твердым выбором предмета углубленной спортивной специализации, направления и параметров последующей спортивной деятельности.

Первая стадия и ее внутренние этапы не имеют единых для всех временных границ, поскольку они значительно колеблются в зависимости от индивидуального возраста начала занятий спортом, реально складывающихся особенностей содержания и построения спортивной тренировки, характера соревновательной деятельности, индивидуальных особенностей развития спортсмена, других факторов и обстоятельств. Приблизительно можно сказать, что с начала систематической спортивной деятельности в детском и подростковом возрасте во многих случаях бывает достаточно двух-трех лет, чтобы в первом приближении корректно определить целесообразное направление спортивной специализации и спрогнозировать спортивные перспективы. Однако эта первичная ориентация в дальнейшем подлежит более или менее существенным коррекциям, особенно когда в реальных условиях жизни созревающего спортсмена нужно будет решать, идти ли ему в сферу спорта высших достижений либо ограничиться сферой ординарного, общедоступного спорта.

Вывод. Цели, которые выдвигаются перед отборщиком и ориентаторщиком во многом определяют выбор и функционирование других элементов их деятельности (задач, средств и т.д.). Элементы, в свою очередь, определенным образом влияют на постановку целей. Поэтому постановка целей должна, быть совместной работой заказчика и исполнителя (отборщика или ориентаторщика).

## REFERENCES

1. Авекович Н.В., Цейтин М.И. Акробатика. – М.: ФиС, 1967. – 80 с.

2. Ашмарин Б.А. Теория и методика педагогических исследований в физическом воспитании. – М.: ФиС, 1998. – 223 с.
3. Акробатика./ под ред. Соколова Е.Г. – М.: ФиС, 2003- 206 с.
4. Алабин В.Г. Комплексный контроль в спорте // Теория и практика физической культуры. – 1995, № 3. – с. 43 – 46.
5. Ашмарин Б.А. Теория и методика педагогических исследований в физическом воспитании. – М., 1978. – 228 с.



## BO‘LAJAK JISMONIY TARBIYA O‘QITUVCHILARINI ZAMONAVIY TALABLAR ASOSIDA TAYYORLASH MUAMMOLARI

**D. X. Eryigitov**

J.D.P.U “Ijtimoiy-gumanitar fanlarda masovafiy ta’lim” kafedراسi dotsenti

### ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada oliy ta’lim muassasalarida jismoniy tarbiya va sport soxasi bo‘yicha kadrlarni tayyorlash, professional kasbiy jixatlari samaradorligi, kasbiy tayyorgarligi tizimining holati taxlillaridan olingan natijalari bayon etilgan.

**Kalit so‘zlar:** sport, talabalar, jismoniy madaniyat, jismoniy tarbiya o‘qituvchilari, fan, kasbiy tayyorgarlik.

### АННОТАЦИЯ.

В статье изложены результаты, полученные от анализов подготовки кадров в сфере физической культуры и спорта в высших учебных заведениях, эффективность профессиональных навыков, состояние системы профессионального обучения.

**Ключевые слова:** спорт, студенты, физическая культура, учителя физической культуры, наука, профессиональная подготовка.

### ABSTRACT

The article presents the results obtained from the analysis of personnel training in the field of physical culture and sports in higher educational institutions, the effectiveness of professional skills, the state of the vocational training system.

**Keywords:** sport, students, physical culture, physical culture teachers, science, professional training.

Bo‘lajak jismoniy tarbiya o‘qituvchilariga kasbiy tayyorlash mazmunini ilmiy asosda o‘rgatish, uning tashkiliy va texnologik asoslarini modernizatsiyalash, kelajakda rivojlanish tendensiyalarini ishlab chiqish pedagogika fani oldida turgan dolzarb masalalardan biri xisoblanadi. Kasbiy pedagogik faoliyatning maqsadi jamiyat tamonidan belgilanishi va uning natijasi jamiyat manfaatlari bilan bog‘liqligi, yoshlarni ijtimoiy munosabatlar tamon yo‘llashi, ijtimoiy tajriba orttirish uchun insondagi tabiiy imkoniyatlarini ro‘yobga chiqishiga zamin yaratadi [1; 25-27-b.].

Kasbiy tayyorgarlik tushunchasi markaziy, asosiy tushuncha sifatida belgilanadi. Bu bir qator holatlar bilan bog'liq. Birinchidan, u ta'limning intellektual (intellekt-aql) va faoliyatli tarkibiy qismlarini birlashtiradi. Bunda shaxsning aql-idroki va faoliyati natijasida egallanadigan malaka asosiy rol o'ynaydi. Ikkinchidan, kasbiy tayyorgarlikning mazmun-mohiyatiga natijadan kelib chiqadigan qarashlar kiritilgan. Uchinchidan, kasbiy tayyorgarlik yaxlitlovchi tabiatga ega, chunki bu bilimlarni, faoliyat usullarini va ehtiyojlarni birlashtiradi.

Kasbiy tayyorgarlikning mazmun-mohiyatini tasavvur qilish boshqa tarkibiy qismlar bilan bir qatorda ma'lumot taqdim etuvchi qismni ajratib ko'rsatish bilan bog'liq. Tayyorgarlikning ma'lumot taqdim etuvchi qismi o'z ichiga bilimning turlari va shakllarini oladi: ular muammoli, taxminiy va ishonchli bo'lishi mumkin. Bir qator tadqiqotlarda tayyorgarlikning ma'lumot taqdim etuvchi qismi (informatsion komponenti) kasbiy faoliyat natijasini belgilaydigan kompetentlik (biror-bir ishni samarali qila olish qobiliyati, chuqur bilimga egalik, layoqatlilik) sifatida belgilanadi. Bunda, layoqatlilik nafaqat o'zlashtirilgan bilimlarning darajasi va hajmiga, balki ularni faoliyatning har xil sharoitlarida to'liq va samarali amalga oshirilishiga ham bog'liq ekanligi ta'kidlanadi [2; 11-b.].

Jismoniy tarbiya faoliyatini amalga oshiradigan mutaxassisning layoqatliliigi muammolarini tadqiq qilish bilan u yoki bu darajada bog'liq bo'lgan ko'p sonli nashriy materiallarda bunday layoqatlilikning shakllanishida asosiy omil-nazariy tayyorgarlik darajasi ekanligi ta'kidlangan. Tadqiqotchilar mutaxassisning tayyorgarligini shakllantirish jismoniy tarbiya faoliyatining usullariga qo'shilish orqaligina emas, balki ko'proq darajada ushbu amaliyotni nazariy o'zlashtirishi, anglashi orqali sodir bo'ladi, deb hisoblashadi [3; 72-75-b.].

Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchisining kasbiy tayyorgarligi – bu oliy ta'lim muassasasida o'qish jarayonida samarali professional faoliyat uchun yetarli darajadagi malakani olish va rivojlantirishga qaratilgan murakkab ko'p qirrali tizimdir. Uning ishlashi va rivojlanishi qonuniyatlarini bilish jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy va pedagogik tayyorgarligining yo'nalishini, tuzilishi va mazmunini hamda sohada ishlaydigan o'qituvchilar faoliyatining o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash imkonini beradi.

Jismoniy tarbiyaga ixtisoslashmagan oliy ta'lim muassasalari talabalari jismoniy tarbiyasining nazariy bo'limi mazmunini aniqlashda empirizmga (asossiz tasavvurlarga tayanish), ratsionalizmga (sog'lom mazmunni tushunishga tayanish), pragmatizmga (amaliyotning ehtiyojlari to'g'risidagi sub'ektiv tasavvurlarga

tayanish) yo'naltirilgan dalillar buning tasdig'i hisoblanadi. Masalalarning asoslangan tarzda hal qilinishiga, bizning fikrimizga ko'ra, uchta pozitsiyadan erishish mumkin. Birinchisi, jismoniy tarbiyaning nazariy bo'limini mazmunan ta'minlashni ilmiy asoslash zarur. Ikkinchisi, talabalarning jismoniy tarbiya tizimida nazariy tayyorgarlik uchun taklif qilinayotgan soatlar hajmi variantlarini aniqlash va tajribada tekshirish. Uchinchisi, amaliyotchi-o'qituvchining jismoniy tarbiya faoliyati va ushbu faoliyatning informatsion ta'minlanganligi darajasiga bog'liq holda muvaffaqiyatligi o'lchamini aniqlash.

R.S.Salomov, F.A.Kerimov tadqiqotlarida "... - muammolarini hal qilish uchun keltirilgan yondashuvlarni aniqlashda", quyidagilardan keltirib o'tgan:

1. Amaliyotchi-o'qituvchining jismoniy tarbiya faoliyatida ishtirok etishining strategik yo'nalishini (orientatsiyasini) aks etuvchi ijtimoiy ehtiyojni aniqlash.

2. Oliy ta'lim muassasalari talabalari jismoniy tarbiyasi tizimida nazariy tayyorgarlikni mazmunli ta'minlashda ma'lum darajadagi tajriba to'plangan.

3. Umumiy ilmiy nazariyalarni-faoliyat tizimlarini, ijtimoiylashtirishni, boshqarishni ilmiy reduksiya qilish imkoniyati mavjud.

4. Amaliyotchi-o'qituvchining ma'lumotlar taqdim etuvchi (informatsion) ta'minoti tizimi, uning jismoniy tarbiya faoliyati bilan bog'liq bo'lgan funksiyalari majmui to'g'risida tasavvurlar yaratilgan.

Oliy ta'lim muassasalari talabalari jismoniy tarbiyasining nazariy bo'limini mazmunan ta'minlash muammosini kam o'rganilgan masala deb hisoblash mumkin. Biz tomondan dalillarni asoslash bo'yicha o'tkazilgan tadqiqotlar buning tasdig'i hisoblanadi. O'zaro bog'liq hodisalar (umumiydan xususiyga): jismoniy tarbiya faoliyati (ijtimoiy talabning mexanizmi sifatida) va jismoniy tarbiya tizimining nazariy bo'limi (amalga oshirish mexanizmining vositasi sifatida) ajratilgan [4; 139-b.].

Har qanday kasbiy tayyorgarlikning ta'minoti, obrazli aytganda, uchta bazaviy savollarga javoblarni nazarda tutadi: "Nima uchun o'rgatish?" (maqsadlar, vazifalar), "Nimani o'rgatish?" (dasturning mazmuni) va "Qanday o'rgatish?" (texnologiya). Mazkur bo'limning o'zak matnida (kontekstida) ikkinchi – nimani o'rgatish? degan savolga (yuqorida keltirilganlardan) takliflarni muhokama qilish zarur. Ta'lim muassasasi ta'lim oluvchilarga bilimlar zahirasini maksimal hajmda va bir umrga bera olmaydi. Lekin, u, "Jismoniy tarbiya" ta'lim sohasida tanlashni, qaror qabul qilishni, yangi dalillar va hodisalarni baholashni, olinayotgan yangi bilimlarni tizimli qo'llashni amalga oshirish imkonini beradigan tayanch bilimlarni berishga qodir [5;

152-b.].

Shunday qilib, jismoniy tarbiyaga oliy ta'lim muassasalari talabalari jismoniy tarbiyasi nazariy bo'limining mazmuniy ta'minotini ishlab chiqishga urinishlarni ko'rib chiqish paytida, talabalar jismoniy tarbiyasi bo'yicha olib boriladigan mashg'ulotlarda qo'llaniladigan zamonaviy axborot texnologiyalar xususan, OTM larida jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini komyuter tarmoqlariga asoslangan axborot texnologiya vositalari yordamida tashkil etish ularning nazariy tayyorgarliklarini birmuncha oshishini ta'kidlashadi.

Ma'ruza mashg'ulotlari talabalarga bilim berishda asosiy vosita hisoblanadi. Shuning uchun ham ma'ruza mazmuni va mezoniga alohida e'tibor berish lozim bo'ladi. Shunday ekan, zamonaviy ma'ruzachilar tinglovchilarni dars jarayonining faol ishtirokchisiga va ta'lim mazmunini yechimini qidirishda to'laqonli "sub'ekt"-ga aylantira olishi lozim. Boshqaruv mexanizmi uslubidan foydalanishda ma'ruza oldiga qo'ygan maqsadga erishish uning har bir bo'limidan foydalashni taqozo etadi. Maqsadga erishish qiyin kechsa ushbu mexanizmning bo'limlari hissasini sinchiklab tahlil qilib ko'rish kerak, chunki bitta bo'limning xatosi ikkinchisiga albatta ta'sir qiladi. Ushbu texnologiyalardan foydalanish talabalarni faollashtiradi va ijodiy faoliyatni rivojlantiradi

## REFERENCES

1. Чичикин В.Т. Проблема содержания физкультурного образования // Теория и практика физической культуры. - 1994. - № 12. - С. 25-27.
2. Xurramov E.E. Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarini kasbiy pedagogik faoliyatga tayyorlash texnologiyalarini akomillashtirish. Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. Chirchiq –2021,- 11-б
3. Адольф В.А. Формирование профессиональной компетентности будущего учителя / В.А.Адольф // Педагогика. - 1998. - № 1. - С.72-75.
4. Salomov R.S., Kerimov F.A. Jismoniy tarbiyada pedagogik texnologiyalar (O'quv qo'llama). T.: O'zDJTI nashriyot - matbaa bo'limi, 2009. -139 b.
5. Физическая культура студентов: Учебник / Под ред. В.И. Ильинича. - М.: Гардарики, 1999. - 448 с.152.

## JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARNING KASBIY TAYYORGARLIGINI INTEGRATSIYALASH JARAYONNING PEDAGOGIK AHAMIYATI

**J. Z. Isoqov**

J.D.P.U “Ijtimoiy-gumanitar fanlarda masovafiy ta’lim” kafedrasida dotsenti

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada bo'lajak jismoniy madaniyat o'qituvchilarning psixologik-pedagogik bilimlarini integratsiya jarayonning ta'lim-tarbiya, fanlararo aloqa prinsiplarining ayrim jihatlari yoritilib berilgan.

**Tayanch so'zlar:** boshlang'ich ta'lim, o'qituvchi, integratsiya, komponent, psixologik-pedagogik, prinsiplar, bilim, ko'nikma, malaka.

### АННОТАЦИЯ.

В данной статье описаны некоторые аспекты принципов образовательного, междисциплинарного общения в процессе интеграции психологик-педагогических знаний будущих учителей физической культуры.

**Ключевые слова:** начальное образование, учитель, интеграция, компонент, психолого-педагогический, принципы, знание, умение, квалификация.

### ABSTRACT

This article describes some aspects of the principles of educational, interdisciplinary communication in the process of integrating the psychological and pedagogical knowledge of future physical education teachers.

**Keywords:** primary education, teacher, integration, component, psychological and pedagogical, principles, knowledge, skill, qualification.

Yurtboshimiz bolalar sportini rivojlantirish mavzusiga alohida to'xtalib, ta'lim va tarbiya ishlarini sport va jismoniy tarbiya bilan uyg'un ravishda olib borish shart ekanini takidlaganlar. Sport sog'lig'ni mustahkamlabgina qolmay, balki hayot sinovlaridan, turli ruxiy va mafkuraviy xujjatlardan mardonavor o'tish yo'lida mustahkam qalqon bo'luvchi irodani ham toblaydi.

Bolalar tarbiyasi jarayonida o'z ishini puxta biladigan, malakali va har bir bolaga individual yondasha oladigan pedagog-kadrlarni jalb qilgan holda, ularni go'dakligidan fikr va tafakkurni to'g'ri shakllantirib borsak, kelajakda yuksak saviya, bilim va ma'naviyatga ega bo'lgan barkamol avlodni tarbiyalashning asosiy bo'g'ini bo'lgan boshlang'ich ta'lim tizimini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilishi zarurdir.

Integratsiyalashgan ta'lim-tarbiya, fanlararo aloqalarning ayrim jihatlari mashhur pedagoglarning ishlarida ko'rib chiqilgan [2,3].

Bir qator ishlar boshlang'ich ta'limdagi fanlararo va fanlar ichidagi aloqalarga bag'ishlangan. Bu muammolar o'quv fanlarini integratsiyalashga o'tishning yaqin rivojlanish zonasidir [1,2].

Boshlang'ich maktab fanlarining integratsion aloqalari kam ishlab chiqilgan bo'lib [5], qarama-qarshi ifodalangan. Bu aloqalarning mohiyati haqida olimlar orasida qarama - qarshiliklar ko'p.

Zamonaviy jismoniy madaniyat o'qituvchilari ushbu vazifalarni hal etish uchun tashkiliy jihatdan ham, mazmuniy jihatdan ham boshlang'ich ta'limning integrativ xarakterini, o'zining bo'lajak kasbiy faoliyatining integrativ yo'nalganligini aniq his qila olishi zarur. Bo'lajak jismoniy madaniyat o'qituvchilarining kasbiy tayyorgarligida integratsiyalash zarurati unda kasbiy kompetentlikni shakllantirish samaradorligini belgilab beruvchi asosiy shartlardan biri hisoblanadi. Boshqacha aytganda, integrativ yondashuv nuqtai nazaridan ko'rib chiqilgandagina bo'lajak jismoniy madaniyat o'qituvchilarining metodik tayyorgarligi samarali bo'ladi.

**Tadqiqotning maqsadi:** Bo'lajak jismoniy madaniyat o'qituvchilarning kasbiy tayyorgarlik bilimlarini integratsiya jarayonning samaradorligini oshirish.

**Tadqiqotning metodlari:** Pedagogik kuzatishlar va nazorat testlari. Mavzu yuzasidan adabiyotlar tahlilini o'rganib chiqish amalga oshiriladi. Boshlang'ich maktab fanlarining integratsion aloqalarini va psixologik - pedagogik integratsiyani maxsus prinsiplari ishlab chiqiladi.

**Natija va uning muxakomasi:** Integratsiya atama va uslubiy nuqtai nazardan hodisa sifatida nima ekanligini ko'rib chiqaylik. «Integratsiya» so'zi lotincha integratio – tiklash, to'ldirish, «integer» - butun so'zidan kelib chiqqan. Bu borada ikki tushunchaga egamiz:

- tizim, organizmning alohida tabaqalashtirilgan qism va vazifalarning bog'liqlik holatini bildiruvchi tushuncha va shu holatga olib boruvchi jarayon.



- tabaqalashtirish jarayonlari bilan birga amalga oshirilayotgan fanlarni yaqinlashtirish jarayoni.

Differentsiatsiya fransuzcha - (diffe'rentiofion lotincha differentia - farq, har xillik, ya'ni butunni bo'laklarga bo'lish, ajratish. Ta'lim mazmunini integratsiyalash - dunyo an'anasi (g'oya, fikr, intilish). Integrativ yondashish turli darajadagi tizimli aloqalarning ob'ektiv yaxlitligini aks ettiradi (tabiat- jamiyat - inson). Integratsiya ilgari bo'lingan qismlarni bir butunga birlashtirish bilan bog'liq. U tizim elementlarining yaxlitlik va uyushqoqlik darajasining oshirishga olib keladi [3].

Ta'lim jarayonida integratsiyalash mobaynida bir-biriga bog'liqlik hajmi oshadi va tartibga tushadi, shu tizim qismlarning ishlashi va o'rganish ob'ekting yaxlitligi tartibga solinadi.

Zamonaviy didaktik va metodikada ta'kidlanishicha, o'quvchilarni o'qitish, rivojlanishi va tarbiyasining muvaffaqiyatlari ularda dunyo birligi haqida tushunchaning shakllanganligi, o'z faoliyatlarini umumiy tabiat qonunlari asosida yo'lga solish zaruriyatini tushunishlari, jismoniy tarbiya kursida fanlararo va fanlar ichidagi aloqalarni yecha olishlari bilan bog'liq.

Avvalam bor o'qituvchilarning amaliy texnologiya tayyorligi qanchalik chuqur va ko'p qirrali bo'lmasin tayyorgarligi bilan to'ldirilgan bo'lishi kerak. Shu vaqtda psixologik-pedagogik integratsiya tizimini to'g'ri tanlamoq lozim[4].

O'ylaymizki uchta har xil, lekin bir-biri bilan bog'liq bo'lgan komponentlarni metodologik, texnologik va shaxsiy integratsiyasi bor vaqtda psixologik-pedagogik bilimlarni o'rganish ancha oson, tez va produktiv bo'ladi. Bular quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- birinchisi nazariy bilimlarga ega bo'lish va metodologik refleksiya tajribasini oshirish orqali;

- ikkinchi komponent metodik va texnologik darajadagi psixologik-pedagogik bilimlarni o'z ichiga oladi;

- uchinchi komponent funksiyasiga-pedagogning shaxsiy rivojlanishi, o'z-o'zligini shakllanishi kiradi.

Yuqoridagi komponentlar o'z ishlarida quyidagi talablarga javob berishi kerak.

- bilim olish bo'lajak o'qituvchining kerakli hususiyatlarini va ish turlarini shakllantirishga qarab olinishi kerak.

- psixologik-pedagogik fanlar strukturasi bilimga ega bo'lish protsessidan ko'ra bilimga ehtiyojni oldinroq bo'lish sharoitlarini yaratib berishi kerak.

- bo'lajak o'qituvchining imkoniyat, xususiyat, forma va metodlarni birligini tajribada amalga oshirish sharoitlarini yaratib berishi kerak, shuningdek talabalarni egallagan tushunchalarini o'quv jarayonidan davolashda uzluksiz ishlatilishi va rivojlanish sharoitlarini yaratib berish kerak.

Psixologik-pedagogik tartibli integratsion jarayonni samaradorligi va tizimli, integrallashgan bilimni shakllanishi haqida to'liq ma'lumot olish uchun, quyidagi kuzatishlarni berilgan yo'nalishlar bo'yicha tashkillashtirish kerak:

- talabalarning bilimlarni o'zlashtirishga psixologik tayyorligini o'rganish;
- bilim olishga tayyorgarlik darajasini aniqlash;
- faktlar, xolatlar, konunlar haqidagi bilim doirasini aniqlash;
- pedagogik jarayon, o'qituvchilik mehnatiga motivatsion va emotsional munosabatini aniqlash.

Talabalarning kasb tanlashida bu indikator juda katta ahamiyatga ega. Bu indikator orqali bo'lajak o'qituvchini o'qitish va bilim berish jarayoniga munosabatini aniqlash mumkin. Psixologik-pedagogik tartibli o'qitishning integratsion jarayonni texnologik ta'minlanuvini analizi, o'qituvchini bilim berish metodlarini, usullari va formalarini to'liq aks ettirishga yordam beradi.

**Xulosa** qilib aytganimizda pedagogika oliy ta'lim muassasasining muhim masalalaridan biri bo'lajak jismoniy madaniyat o'qituvchilariga aqliy faoliyat usullari yordamida ta'lim berishdir. Aqliy faoliyat usullariga fikriy tasavvur va tafakkur usullarini umumlashtirish, mavhumlashtirish va boshqalar kiradi. Xususiyan umumiyga umumlashtirish usuli (induktiv yo'l bilan), masalan, quyidagi amallar tartibida aks etishi mumkin:

- a) topshirilgan predmetlarni solishtirish;
- b) ularning har biri uchun umumiy bo'lgan barcha belgilarni ajratish va nomini aytish;
- v) predmetlarni ushbu belgilarga ko'ra birlashtirish;

Umumlashtirishni didaktik yo'l bilan amalga oshirilgan holatda (umumiydan xususiya) bo'lajak jismoniy madaniyat o'qituvchilari tushunchani tanlab olishi va umumiy belgilarini aytishi lozim. Yangi topshiriqlarni hal etishga ongli ravishda ko'chirib o'tkazish aqliy faoliyat usulini o'zlashtirganlik ko'rsatkichi bo'lib hizmat qiladi.

## REFERENCES

1. Калягин Л.Л., Алексинка О.Л. «Интеграция школьного обучения». Начальная школа 1990 г. № 9.
2. Кукушин В.С. Болдирева А.В. «Педагогика начального образования». «Март» 2005 г.
3. Mavlonova R.A. “Boshlang‘ich ta’limning integratsiyalashgan pedagogikasi, Metodik qo‘llanma. Toshkent-2005y.
4. Shorustamova D.S. “Boshlang‘ich ta’lim darslarini integratsiyalashda pedagogik psixologik yondoshuv” Magistr akademik darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. – T. 2014 y.
5. Yakibova D.Sh. “Boshlangich ta’limda integratsiya intellektual taraqqiyot omili sifatida” Maktab ta’limi jurnal.

## JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA INNOVATSION PEDAGOGIK- TEKNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH ASOSLARI

**Z. S. Jalolova**

o'qituvchi. O'zbekiton-Finlandiya instituti

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada umum ta'lim maktab jismoniy tarbiya darslarida innovatsion texnologiyalari orqali o'qituvchi va o'quvchi faoliyatiga yangiliklar kiritish va uni amalga oshirishda asosan interaktiv metodlardan foydalanilishi yoritib berilgan.

**Tayanch so'zlar:** Innovatsiya, interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalar, jismoniy tarbiya, o'qituvchi, o'quvchi, maktab, dars.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье рассматривается использование преимущественно интерактивных методов при внедрении и их реализации в деятельность преподавателей и учащихся с помощью инновационных технологий по физическому воспитанию в общеобразовательных школах.

**Ключевые слова:** инновация, интерактивные методы, инновационные технологии, педагогические и информационные технологии, физическое воспитание, учитель, ученик, школа, урок.

### ABSTRACT

This article discusses the use of predominantly interactive methods in the implementation and implementation of them in the activities of teachers and students using innovative technologies for physical education in secondary schools.

**Keywords:** innovation, interactive methods, innovative technologies, pedagogical and information technologies, physical education, teacher, student, school, lesson.

**Dolzarbli.** Hozirgi kunda zamonaviy texnologiyalar jadal rivojlanish davrida jahon fani va innovatsiya faoliyatining yutuqlaridan keng foydalanish jamiyat va davlat hayotining barcha sohalarini izchil va barqaror rivojlantirishning, mamlakatni munosib kelajagini barpo etish bugungi kunning muhim omili bo'lib bormoqda [1].

Mamlakatimizda ta'lim tizimining moderinizatsiya qilinishi, ta'lim muassasalarida shart-sharoitlar, yuqori malakali mutaxassislariga bo'lgan ehtiyoj va talabning o'sib borishi nafaqat oliy ta'lim muassasalari balki faoliyati samaradorligida ta'sir etuvchi omillarni aniqlash, ularning innovatsion faoliyatini tashkil etish va muvofiqlashtirib borishda bugungi kunda muhim muammolarni bartaraf etishga qaratilgan talablardan biri desak mubolag'a bo'lmaydi.

Bugungi kunda ta'lim jarayonida interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan qiziqish, e'tibor kundan-kunga kuchayib bormoqda, bunday bo'lishining sabablaridan biri, shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda o'quvchilarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatilgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga o'rgatadi [2,3]. O'qituvchi bu jarayonda shaxsni rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchilik, yo'naltiruvchilik funksiyasini bajaradi. Shuning uchun oliy o'quv yurtlarida malakali kasb egalarini tayyorlashda zamonaviy o'qitish metodlari-interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalarning o'rni va ro'li benihoyat kattadir.

**Natija va uning muxakomasi.** Pedagogik texnologiya va pedagog mahoratiga oid bilim, tajriba va interaktiv metodlar o'quvchilarni bilimli, yetuk malakaga ega bo'lishlarini ta'minlaydi.

Innovatsiya (inglizcha innovation) - yangilik kiritish, yangilikdir. Innovatsion texnologiyalar pedagogik jarayon hamda o'qituvchi va o'quvchi faoliyatiga yangilik, o'zgarishlar kiritish bo'lib, uni amalga oshirishda asosan interaktiv metodlardan to'liq foydalaniladi. Interaktiv metodlar bu jamoa bo'lib fikrlash, o'zaro harakat qilmoq deb yuritiladi, ya'ni pedagogik ta'sir etish usullari bo'lib ta'lim mazmunining tarkibiy qismi hisoblanadi. Bu metodlarning o'ziga xosligi shundaki, ular faqat pedagog va o'quvchilarning birgalikda faoliyat ko'rsatishi orqali amalga oshiriladi.

Bunday pedagogik hamkorlik jarayoni o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lib, ularga quyidagilar kiradi [4]:

- o'quvchining dars davomida befarq bo'lmaslikka, mustaqil fikrlash, ijod etish va izlanishga majbur etishi;
- o'quvchilarni o'quv jarayonida bilimga bo'lgan qiziqishlarini doimiy ravishda bo'lishini ta'minlashi;

- o'quvchining bilimga bo'lgan qiziqishini mustaqil ravishda har bir masalaga ijodiy yondoshgan holda kuchaytirishi;

- pedagog va o'quvchining hamisha hamkorlikdagi faoliyatini yuritilishi.

Pedagogik texnologiyalar masalalari, muammolarini o'rganayotgan o'qituvchining fikricha, pedagogik texnologiya bu faqat axborot texnologiyasi bilan bog'liq, hamda o'qitish jarayonida ko'llanishi zarur bo'lgan texnik vositalar, kompyuter, masofali o'qish, yoki turli xil texnikalardan foydalanish deb belgilanadi.

Bizning fikrimizcha, pedagogik texnologiyannng eng asosiy negizi bu o'qituvchi va o'quvchining belgilangan maqsaddan kafolatlangan natijaga hamkorlikda erishishlari uchun tanlagan texnologiyalariga bog'liq deb xisoblaymiz.

O'qitish jarayonida, maqsad bo'yicha kafolatlangan natijaga erishishda qo'llaniladigan har bir ta'lim texnologiyasi o'qituvchi va o'quvchi o'rtasida hamkorlik faoliyatini tashkil eta olsa, har ikkalasi ijobiy natijaga erisha olsa, o'quv jarayonida o'quvchilar mustaqil fikrlay olsalar, izlansalar, tahlil qila olsalar, o'zlari xulosa qila olsalar, o'zlariga, sinfga, sinf esa ularga baho bera olsa, o'qituvchi esa ularning bunday faoliyatlari uchun imkoniyat va sharoit yarata olsa, bizning fikrimizcha, ana shu, o'qitish jarayonining asosi hisoblanadi.

Har bir dars, mavzu, o'quv predmetining o'ziga xos texnologiyasi bor, ya'ni o'quv jarayonidagi pedagogik texnologiya bu yakka tartibdagi jarayon bo'lib, u o'quvchining extiyojidan kelib chikkan holda bir maqsadga yo'naltirilgan, oldindan loyihalashtirilgan va kafolatlangan natija berishiga qaratilgan pedagogik jarayondir.

O'qituvchi va o'quvchining maqsaddan natijaga erishishida qanday texnologiyani tanlashlari ular ixtiyorida, chunki har ikkala tomonning asosiy maqsadi aniq natijaga erishishga qaratilgan, bunda o'quvchilarning bilim saviyasi, sinf характери, sharoitga qarab ishlatiladigan texnologiya tanlanadi.

Shu bilan bir qatorda o'qitish jarayonini oldindan loyixalashtirish zarur, bu jarayonda o'qituvchi o'quv predmetining o'ziga xos tomonini, joy va sharoitni, texnik vositalarni, eng asosiysi, o'quvchining imkoniyati va extiyojini hamda hamkorliqdagi faoliyatni tashkil eta olishini hisobga olishi kerak, shundagina, kerakli kafolatlangan natijaga erishish mumkii.

O'qitish jarayonida o'quvchilarga shaxs sifatida qaralishi, pedagogik texnologiyalar hamda zamonaviy metodlarni qo'llanilishi ularni mustaqil, erkin fikrlashga, izlanishga, har bir masalaga ijodiy yondoshish mas'uliyatni sezish, tahlil qilish, o'qishga, fanga, va o'zi tanlagan kasbiga bo'lgan qiziqishlarini kuchaytiradi.



Bunday natijaga erishish amaliyotda o'quv jarayonida innovatsion va axborot texnologiyalarni qo'llashni taqozo etadi.

**Tadqiqotning maqsadi:** Jismoniy madaniyat darslarida innovatsion pedagogik-texnologiyalarni qo'llashning samaradorligini oshirish yo'llari.

**Tadqiqotning metodlari:** Biz jismoniy tarbiya dars jarayonida qo'llash mumkin bo'lgan interfaol metodlarning ba'zilarini o'tkazish tartibi to'g'risida uslubiy ko'rsatmalarni yoritishga erishdik:

- **bumerang texnologiyasi** o'quvchilarni dars jarayonida, darsdan tashqarida turli adabiyotlar, matnlar bilan ishlash, o'rganilgan materialni yodida saqlab qolish, so'zlab bera olish, fikrini erkin xolda bayon eta olish hamda bir dars davomida barcha o'quvchilarni baxolay olishga qaratilgan.

- **blis-o'yin metodi** harakatlar ketma-ketligini to'g'ri tashkil etishga, mantiqiy fikrlashga, o'rganayotgan predmeti asosida ko'p, xilma-xil fikrlardan, ma'lumotlardan kerakligini tanlab olishni o'rgatishga qaratilgan.

- **tarmoqlar metodi** o'quvchini mantiqiy fikrlash, umumiy fikr doirasini kengaytirish, mustaqil ravishda adabiyotlardan foydalanishni o'rgatishga qaratilgan.

- **3x4 texnologiyasi** o'quvchini erkin fikrlashi, keng doirada turli g'oyalarni bera olishi, ta'lim jarayonida yakka, kichik guruh holda tahlil etib, xulosa chiqara olishi, ta'rif bera olishiga karatilgan.

- **intervyu texnikasi** o'quvchi savol berish, eshita olish, to'g'ri javob berish, savolni to'g'ri tuzishni o'rgatishga qaratilgan.

- **ierarxiya texnikasi** oddiydan murakkabga, murakkabdan oddiyga o'tish usullarini ko'llash orqali ularni mantiqiy, tanqidiy, ijodiy fikrlashga o'rgatishga qaratilgan.

**Xulosa** qilib aytganimizda o'qitish jarayonini samarali va natijali bo'lishini ta'minlashga yo'naltirilgan quyida keltirilgani interfaol uslublari o'quvchilarning darslarini o'z vaqtida, samarali o'zlashtirishlarida muhim ahamiyat kasb etib dars samaradorligi yanada oshadi.

## REFERENCES

1. "O'zbekiston Respublikasi innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 29 noyabrdagi farmoni Jizzax xaqiqati gazetasi 2017 y 2-dekabr.
2. Kenjaboev A.T. "Axborot kommunikatsiyasi texnologiyalari" (o'quv qo'llanma) Toshkent. 2017 y.

3. Yo'ldoshev J.G'., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari: -T.: «O'qituvchi», 2004 y.
4. Ishmuhamedov R., Abduqodirov A., Pardaev A. Ta'limda innovatsion texnologiyalar. Ta'lim muassasalari pedagog-o'qituvchilari uchun amaliy tavsiyalar. Toshkent: 2008y.

## TOURISM INDUSTRY SECTORS

**Barno Saidbaxromovna Saydivalieva**

Supervisor tashkent state transport university

**Dinara Jengisbay qizi Kengesboeva**

TF-15 student Tashkent State transport University

Tashkent, Uzbekistan

### АННОТАЦИЯ:

Maqolada turistik xizmatlar va turistik xizmatlar bozori, kompaniyalarning xatti-harakatlari, ularning xususiyatlari, mavjud quvvatlari, to'liq yuklanish darajasi, yuklanish foizi, turistik korxonalarining ishi, turizm sanoati tarmoqlar kabi masalalar yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** Transport, turar joy, turoperator, faoliyat. Aviakompaniya, yo'lovchi, aviakompaniya, narx, toifa.

### АННОТАЦИЯ:

В статье рассматриваются туристические услуги и рынок туристических услуг, поведение компаний, их характеристики, имеющиеся мощности, уровень полной загрузки, процент загрузки, работа туристских предприятий. Рассматриваются такие вопросы, как секторы туризма.

**Ключевые слова:** Транспорт, размещение, тuroperator, деятельность. Авиакомпания, Пассажир, авиакомпания, стоимость, категория.

### ABSTRACT

In the article, tourist services and the market of tourist services, the behavior of companies, their characteristics, available capacities, the level of full loading, the percentage of loading, the work of tourist enterprises, the tourism industry issues such as sectors are covered.

**Keywords:** Transportation, accommodation, tour operator, activity. Airline, Passenger, airline, cost, category.

The analysis shows that the main characteristics of the behavior of firms in the market of tourist services are offers at the level of full loading of existing capacities.

Loading percentage is an important indicator of the work of most tourist enterprises. In air transport, the occupancy of passenger seats is calculated, in the hotel industry, the number is calculated

There is a fund load factor. For theme parks and golf courses, visitor numbers are compared to the facility's maximum capacity. Travel companies strive to achieve 100 percent occupancy. At the same time, the offers of air carriers differ from those of travel agents, and tour operators behave in the market more than hotels. Three leaders of the tourism industry We will consider offers and outputs in the following sectors: transport, accommodation and tour operator activities.

Aviation. In airlines that carry out passenger transportation, total expenses include four categories of expenses: In the first group - fixed expenses - administrative management expenses, marketing and booking expenses are included. These are not directly related to transportation, but are necessary to support production processes. The second group of costs arises in connection with the operation of a specific communication path. These costs are contingently fixed. These include aircraft depreciation, maintenance and repair, and airport services.

The third group of expenses is also contingently fixed, related to the completion of flights. Their size varies depending on the communication paths and is variable in terms of direction. At the same time, these outputs can be considered permanent. Because the decision to decide their size is made at once for the entire flight. Expenses including crew wages, the largest cost factor in air transport is fuel. It accounts for three-quarters of all costs and other expenses in most airlines worldwide.

The fourth group of costs - variable output - combines the costs of passenger services. These are the costs of meals, registration (registration), baggage loading. Their size is relatively small, only 7-9% of the total output. Since this composition clearly shows constant output weight, air carriers tend to offer their services at the limit of the airliner's capacity on each flight. In order to expand the market, airlines try to reduce the influence of price. They set different prices for different groups of customers. Price diversity (diversification) buyer It takes three main forms depending on income, consumption volume and service category. The tariff system applies to air transport. Tariffs are full (basic) and preferential (special). All basic rates for transportation

are designated for classes: First (the letter F is placed on the ticket), business - (S) and economic (u). They differ in the level of comfort. First class is the most

expensive, economy is the cheapest. The base fares are based on round-trip flights throughout the year holds. The base fare for economy class may vary depending on the length of stay in the country. The full annual fare for economy class is often the same as the price of a business class ticket. Some airlines consider the base rate depending on the seasons of the year come out: flying in summer and winter is expensive. A ticket purchased at basic fares can be exchanged and refunded without any restrictions if necessary. It is possible to change the date of the return flight on the ticket, or return the ticket even after the flight has taken place. In any case, the ticket price will be fully refunded.

Various discounts are calculated from the basic tariffs. This will reduce the price of tickets. Passengers using special fares receive economic advantages, sometimes significant, but face certain limitations. PEKS (REX) and APEKS (AREX) special air tariffs have gained particular popularity. They provide significant discounts compared to the normal price. Simultaneously with their introduction, the airline tightened the procedure for purchasing and returning cheap tickets, as well as shortened their validity period. A seat sold under the APEKS preferential tariff cannot be rebooked. A ticket for the desired flight must be purchased within 24 hours if there is an available seat. The sale of tickets is stopped long before the flight (from 7 to 28 days, depending on the route). The date of departure (outbound and return) is noted at the time of sale. In this case, the airline determines the minimum and maximum periods of stay abroad. In addition, it is a ticket provides for the sanction of a fine upon return.

In addition to PEKS and APEKS, groups, excursions, confidential, etc. are also available at special rates. Discounts and benefits are available for special population groups: children, young people, students, pensioners, whose requirements are flexible in terms of price. Discount for children up to two years of age is 90% (without the right to assign a separate seat and carry their luggage for free with the right to travel), from 2 to 12 years old 50% (with the right to a seat and the right to carry luggage free of charge), from 12 to 26 years old, 25% for requirements and pensioners. Certain privileges were used by families with many children and disabled people. For example, "Pulkovo" poultry farm gives a 50% discount to mothers with many children if they have three or more children. The same discount applies to accompanying disabled children under 16 years of age also defined for individuals. Another system of discounts is intended for frequent flyers. Special incentive programs "Ef-ef-Pi" (FFP) appeared in the USA in the early 80s. By this time,

airlines realized that a portion of the service provided by them came from frequent flyers.

American Airlines was one of the first to introduce a bonus system for its regular customers. Almost at the same time, United Airlines announced the incentive program "MayLidge Plus Program". This program was immediately successful and was adopted by other airlines. The essence of the "Eso-Ef-Pi" system is that the passenger collects points while flying on the planes of this or that airline company (in accordance with the route and service class) and has the right to a discount for a higher class service or a free ticket based on their sum. America is the leader today airlines transport up to 10% of passengers free of charge ("Delta Airline" 4%, "United Airline" 6%). They are 2.3 million. 7.1 million from American dollars ("Continental Airlines"). (United Airlines) offers a bonus in the amount of up to USD. Despite the huge costs, "Ef-Ef-Pi" convenient for carriers. These special programs correspond to the philosophy of the most optimal way: encouraging consumers brings a large profit in long-term relationships established by the company, and it costs less than selling goods (services) to new customers each time. Incentive programs that are widespread in the West, among the airlines of the country that is still little known in Russia, the private "Ef-Ef- Pi" already has "Trans-aero". A simplified but fully functional "Golden Amulet" - ("Golden pendant") is used by Vunukovo Airlines. "Ef-Ef-Pi" to "Krass Air" company Searching for login options. The price reduction is convenient for both carriers and customers. Airlines can use it to load more aircraft and increase their income. A large number of consumers will be able to use the air transport service at the same time. However, in some countries, price reduction is seen as an obstacle to competition and increasing monopoly power. Its special manifestation falls under the anti-monopoly legislation. Great Britain, for example, the world's largest charter airline "British", owned by the operator "Thomson", unplanned growth of air transportation shows that it is very popular among tourists. 6 mln. served passengers and 100 recreation centers. Only scheduled airlines with a large fleet of multi-purpose vehicles could compete with him. All the advantages of charter flights should be considered in addition to regular connections. The behavior of airlines in the market depends on temporal horizons. Short-term and long-term periods create different conditions for the work of poultry houses. The length of the proposed time slot is sensitive to any changes, reflected in the size of the production output. 50 years after the war during the year, the offer in air transport was continuously expanded. Not even the steep increase in fuel prices



and the very low profits of many small airlines can prevent this. More economical and more productive machines appeared, the transition to principled rerouting systems was carried out, which allowed airlines to achieve significant economies of scale of production.

**In conclusion:** Today, the indicators of companies and their activities in the market of tourist services are different in different countries. Improvement of tourist services can increase the income of airlines. Also, a large number of consumers will have the opportunity to use the air transport service at the same time. However, in some countries, price reductions can lead to competition and increased monopolies.

## REFERENCES

1. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
2. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
3. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. Digitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – T. 12. – C. 209-218.
4. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – C. 145-150.
5. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. STATE REGULATION OF THE DIGITAL TRANSFORMATION OF THE ECONOMY //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – C. 145-150.
6. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – T. 3. – №. 06. – C. 138-145.
7. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State Regulation of the Digital Transformation of the Economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – C. 145-150.
8. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – T. 3. – №. 06. – C. 138-145.

9. Suyunov D. X., Xoshimov E. A. The main directions of development of the corporate governance system in Uzbekistan in modern conditions //Economics and Innovative Technologies. – 2019. – T. 2019. – №. 4. – C. 11.
10. Suyunov D., Kenjabaev A. Achievements And Problems in Further Development of The Digital Economy in UzbekistanScientific Considerations //Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. – 2023. – T. 1. – №. 7. – C. 38-45.
11. Suyunov D., Kenjabaev A. Achievements And Problems in Further Development of The Digital Economy in UzbekistanScientific Considerations //Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. – 2023. – T. 1. – №. 7. – C. 38-45.
12. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – T. 3. – №. 06. – C. 138-145.
13. Suyunov D. X., Xoshimov E. A. The main directions of development of the corporate governance system in Uzbekistan in modern conditions //Economics and Innovative Technologies. – 2019. – T. 2019. – №. 4. – C. 11.
14. Suyunov D., Kenjabaev A. Achievements And Problems in Further Development of The Digital Economy in UzbekistanScientific Considerations //Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. – 2023. – T. 1. – №. 7. – C. 38-45.
15. Suyunov D., Kenjabaev A. Scientific Approaches to The Analysis of the Experience of Foreign Countries on the Development of Entrepreneurship in The Service Field //Wire Insights: Journal of Innovation Insights. – 2023. – T. 1. – №. 5. – C. 1-7.

## TABIY ATROF-MUHIT OMILLARIDAN FOYDALANIB JISMONIY TARBIYA MASHG'ULOTLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISH

**M. M. Ma'rufov**

O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya  
va sport universiteti mustaqil taqdiqotchisi

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada tabiatning tabiiy omillari, havo mikroflorasi, iqlim va ob-havoning sportchilar salomatligiga ta'siri, shuningdek, mashg'ulotlar samaradorligi ko'rib chiqiladi. Shuningdek, siz ommaviy sport va jismoniy tarbiyaning gigienik jihatlari, sportchilarning sport ko'rsatkichlarini saqlash, mustahkamlash va yaxshilash uchun gigiena vositalaridan maqsadli va kompleks foydalanishning tahliliy natijalari bilan tanishasiz.

**Kalit so'zlar:** tabiat, tabiiy omillar, iqlim, ob-havo, sportchilar, sog'lik, mashg'ulot, ishlash, ta'sir, mikroflora, ommaviy sport, jismoniy tarbiya, gigiena, faoliyat, vosita, natija.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье рассматривается влияние естественных факторов природы, микрофлоры воздуха, климата и погоды на здоровье спортсменов, а также эффективность тренировок. Вы также познакомитесь с аналитическими результатами гигиенических аспектов массового спорта и физического воспитания, целенаправленного и комплексного использования средств гигиены для поддержания, укрепления и улучшения спортивных результатов спортсменов.

**Ключевые слова:** природа, природные факторы, климат, погода, спортсмены, здоровье, тренировка, работоспособность, воздействие, микрофлора, массовый спорт, физическое воспитание, гигиена, деятельность, средства, результат.

### ABSTRACT:

This article discusses the influence of natural factors of nature, air microflora, climate and weather on the health of athletes, as well as the effectiveness of training. You will also get acquainted with the analytical results of the hygienic aspects of

mass sports and physical education, the purposeful and integrated use of hygiene products to maintain, strengthen and improve the sports performance of athletes.

**Key words:** nature, natural factors, climate, weather, athletes, health, training, performance, effect, microflora, mass sports, physical education, hygiene, activity, means, result.

**Kirish.** Jahonda fan, texnika va texnologiyalarning zamonaviy rivojlanishi bosqichida atrof tabiiy muhit omillaridan foydalanib jismoniy tarbiya mashg'ulotlari samaradorligini oshirishga qaratilgan ilmiy-amaliy innovatsiyalarni takomillashtirishga katta e'tibor qaratilmoqda. Jahonda tabiiy atrof-muhit hamda jismoniy tarbiya va bilan bog'liq bo'lgan muammolar hozirgi kunda o'z yechimini kutayotgan dolzarb, global masalalardan biriga aylandi. Mavjud muammolarni hal etishga bag'ishlangan ko'pgina fundamental, pedagogik tadqiqot ishlari, ilmiy izlanishlar natijalari jahonning nufuzli oliy ta'lim muassasalarida sohaning yetakchi olimlari tomonidan tadqiqotlar o'tkazilib, amaliyotga tatbiq etilgan. Bu boradagi muammolarni jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari samaradorligini oshirish orqali bartaraf etish, jahon hamjamiyati e'tiborini konversiyalashni taqazo etmoqda. Birlashgan millatlar tashkiloti Bosh Assambleyasining "Barqaror rivojlanish sammiti"da qabul qilingan rezolyutsiyada 2030 yilgacha bo'lgan davrda barqaror atrof tabiiy muhit geografiyasi tobora kengayib borayotganligi ta'kidlangan.

Dunyoning rivojlangan davlatlarida tabiiy atrof-muhit omillarining jismoniy tarbiya natijalariga ta'sirini bartaraf etish, tabiiy atrof-muhit muammolarning transchegaraviy rivojlanishiniga yo'l qo'ymaslik hamda tabiiy atrof-muhit omillaridan foydalanib jismoniy tarbiya muammolarini bartaraf etish tizimini yaratish borasida ilmiy asoslangan yondoshuvlarni talab etmoqda. Bu jarayonda pedagogikaga daxldor, tabiiy atrof-muhit omillaridan foydalanib jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari samaradorligini oshirish bo'yicha pedagog kadrlarning zamonaviy ta'lim modellaridan foydalana olish ko'nikma va malakalarini takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etadi. Jumladan Grinpis (Greenpeace) xalqaro ekologik jamoat tashkiloti tomonidan dunyo hamjamiyati e'tiborini jalb qilish orqali tabiiy atrof-muhit omillarning sport natijalariga ta'sirini pasaytirish tizimni ishlab chiqishga qaratilgan xalqaro tadqiqot ishlari amalga oshirilmoqda.

Respublikamiz uzluksiz ta'lim tizimida yoshlarni jismoniy tarbiya va ommaviy sportga keng jalb qilish, ayniqsa, tabiiy atrof-muhit sofligini saqlash davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. "Yashil makon" umummilliy loyihasini bajarish ham atrof

tabiiy-muhitni jismoniy tarbiya va sport sohalariga ta'siri doirasida ilmiy tadqiqotlarni amalga oshirishni taqazo etmoqda. Hozirgi kunning "...eng muhim masalalardan biri – aholining ekologik madaniyatini oshirish haqida jiddiy bosh qotirishimiz zarur"<sup>1</sup>. Mamlakatimizda tabiiy atrof-muhit omillaridan foydalanib jismoniy tarbiya mashg'ulotlari samaradorligini oshirish, barqaror tabiiy atrof muhitni yaratish ishlari bo'yicha ilmiy tadqiqotlar olib borish, ilmiy-uslubiy qo'llanmalar yaratish, atrof tabiiy muhit omillarning jismoniy tarbiya va sport natijalariga salbiy ta'sirini kamaytirish, sportchilarimizni xalqaro musobaqalardagi ishtiroki va erishgan natijalarini yaxshilash, jismoniy tarbiya va atrof tabiiy-muhit bo'yicha innovatsiyalarni takomillashtirish, mashg'ulotlar jarayonini ilmiy asosda tashkil etish zarurati mavjud.

O'zbekiston Respublikasini 2015 yil 4 sentyabrdagi "Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida"gi O'RQ-394-sonli Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentini 2019 yil 30 oktyabrdagi "2030 yilgacha bo'lgan davrda O'zbekiston Respublikasining atrof muhitni muhofaza qilish kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5863-son, 2020 yil 24 yanvardagi "O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirish va ommalashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5924-son, 2020 yil 30 oktyabrdagi "Sog'lom turmush tarzini keng tatbiq etish va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6099-son Farmonlari, 2022 yil 03 noyabrdagi "Jismoniy tarbiya va sport sohasida kadrlarni tayyorlash hamda ilmiy tadqiqotlar tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-414-son Qarori hamda mazkur sohaga tegishli boshqa me'yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni hal etishga ushbu dissertatsiya tadqiqoti muayyan darajada xizmat qiladi.

**Tadqiqot natijalari.** Tadqiqot natijalarining ishonchliligi bilish nazariyasi metodologiyasi [bilishning dialektik uslubi] hamda jismoniy tarbiya mashg'ulotlari nazariyasi va metodikasi sohasidagi respublikamiz va xorijlik olimlar fikr-mulohazalariga asoslanganligi, tadqiqot vazifalariga mos keluvchi o'zaro bir-birini to'ldirib boradigan tadqiqot uslublari qo'llanilganligi, tajriba-sinov ishlari hamda olingan natijalarni matematik statistik tahlil usullari yordamida qayta ishlab chiqilganligi bilan izohlanadi.

Guruhlarda tajriba dasturi asosida mashg'ulotlar olib borishni ilmiy asoslash, talabalarning jismoniy tarbiya mashg'ulotlariga bo'lgan munosabatlaridagi

<sup>1</sup>Prezident Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis palatalari, siyosiy partiyalar hamda O'zbekiston ekologik harakati vakillari bilan videoselektor yig'ilishidagi ma'ruzasi. – Xalq so'zi, 2017 yil 13 iyul.

o'zgarishlar va ularda o'zini o'zi nazorat qilish ko'nikmalarini takomillashtirish, talabalarning jismoniy va funktsional holati ko'rsatkichlari sur'ati, mashg'ulotlari jarayonida talabalarda harakat mahoratlari rivojlanishining samaradorligi yoritilgan.

Pedagogik ekspremental tadqiqodga jalb qilingan NG (n=144) va TG (n=144) talabalarining funktsional holati ko'rsatkichlari statistik xarakteristikalarini pedagogik tajriba davomidagi o'zgarish dinamikasi quyidagicha ko'rinish oldi. Jumladan: Bo'yi o'sishi, sm. NGda, tajriba boshida,  $\bar{X}$  - 174,92;  $\sigma$  - 21,98; V, % - 12,57. Tajriba oxirida,  $\bar{X}$  - 179,29;  $\sigma$  - 21,76; V, % - 12,14; t – 1,70; P <0,05. TGda,  $\bar{X}$  - 178,18;  $\sigma$  - 23,13; V, % - 12,98. Tajriba oxirida,  $\bar{X}$  - 185,39;  $\sigma$  - 24,33; V, % - 13,12; t – 2,58; P <0,05. Vazni ortishi kg. NGda, tajriba boshida,  $\bar{X}$  - 60,94;  $\sigma$  - 8,28; V, % - 13,59. Tajriba oxirida,  $\bar{X}$  - 63,19;  $\sigma$  - 8,29; V, % - 13,12; t – 2,30; P <0,05. TGda,  $\bar{X}$  - 62,24;  $\sigma$  - 8,71; V, % - 13,99. Tajriba oxirida,  $\bar{X}$  - 65,63;  $\sigma$  - 8,62; V, % - 13,13; t – 3,32; P <0,01.

### 1-jadval

**NG (n=144) va TG (n=144) talabalarining funktsional holati ko'rsatkichlari statistik xarakteristikalarini pedagogik tajriba davomida o'zgarish dinamikasi**

Testlar	Guruhlari	Tajriba boshi			Tajriba oxiri			t	P
		$\bar{X}$	$\sigma$	V, %	$\bar{X}$	$\sigma$	V, %		
Bo'yi, sm.	NG	178,92	21,98	12,57	179,29	21,76	12,14	1,70	<0,05
	TG	174,18	23,13	12,98	185,39	24,33	13,12	2,58	<0,05
Vazni, kg.	NG	62,94	8,28	13,59	63,19	8,29	13,12	2,30	<0,05
	TG	60,24	8,71	13,99	65,63	8,62	13,13	3,32	<0,01
Ko'krak qafasi aylanasi, sm.	NG	88,18	13,76	15,60	91,41	13,83	15,13	1,99	<0,05
	TG	87,44	13,98	15,99	94,39	14,27	15,12	4,17	<0,001
O'ng qo'l kaft kuchi, kg.	NG	42,58	6,48	15,58	43,14	6,53	15,14	2,03	<0,05
	TG	41,54	6,79	15,96	45,91	6,95	15,14	4,16	<0,001
Chap qo'l kaft	NG	38,49	5,46	14,56	38,81	5,48	14,12	2,05	<0,05
	TG	37,17	5,72	14,99	40,96	5,79	14,14	4,11	<0,001



kuchi, kg.									
O'TS, ml.	NG	3465,37	427,49	12,57	3509,96	424,97	12,11	2,18	<0,05
	TG	3400,68	449,92	12,98	3681,93	446,34	12,12	4,09	<0,001
Genche sinovi, s.	NG	18,23	2,46	13,58	18,61	2,44	13,11	1,70	>0,05
	TG	18,12	2,55	13,99	19,23	2,52	13,10	3,35	<0,01
Shtange sinovi, s.	NG	31,58	4,61	14,60	32,64	4,28	13,12	2,02	<0,05
	TG	31,36	4,69	14,96	33,67	4,75	14,11	4,15	<0,001
NCh, s.	NG	39,04	6,08	15,57	40,52	6,13	15,13	2,06	<0,05
	TG	38,77	6,18	15,94	41,79	6,32	15,12	4,10	<0,001


**Izoh:** Genche sinovi – chuqur nafas chiqarib, nafasni saqlab turish; Shtange sinovi – chuqur nafas olib nafasni saqlab turish; NCh – nafas chastotasi; O'TS – o'pkaning tiriklik sig'imi.

Ko'krak qafasi aylanasi, sm, NGda  $t - 1,99$ ,  $P < 0,05$ ; TGda  $t - 4,17$ ,  $P < 0,01$  ko'rsatdi. Chap qo'l kaft kuchi, kg. NGda  $t - 2,05$ ,  $P < 0,05$ ; TGda  $t - 4,11$ ,  $P < 0,01$  qayd etildi. Qolgan funksional xolatning ko'rsatkich natijalari ham mos ravishda o'sganligini ko'rishimiz mumkin.

Pedagogik tajriba davomida o'rganilgan beshta jismoniy rivojlanish holatini xarakterlaydigan to'qqizta ko'rsatkichlar bo'yicha NG va TG guruh sinaluvchilarida qayd etilgan natijalar o'rtacha arifmetik qiymatlarini o'rtacha nisbiy o'sishlari NG da 3,43 foizni va TG da 6,53 foizni tashkil etdi (1-rasm).

Nazorat mashqlari tajribaviy ma'lumotlari ularning taqqoslanuvchanligini ta'minlash maqsadida ushbu usulda tasvirlangan formula bo'yicha yagona (me'yorlangan) o'lchov shkalasiga o'tkazildi. Berilgan ko'rsatkichlardan o'rtacha arifmetiklarni olib tashlash yo'li bilan talabalarning 1-2-bosqichlar boshi va oxiridagi jismoniy tayyorgarlik darajasini umumiy tarzda tavsiflab beruvchi oraliq baholar olindi.

Olingan ma'lumotlar tajriba dasturidagi jismoniy tarbiya mashg'ulotlari jarayonining samaradorligidan dalolat beradi. Demak, jismoniy tarbiya mashg'ulotlari bo'yicha qoniqarsiz darajadagi talabalar TGda – 33,4 % ga, NGda esa atigi – 14,2 % ga kamaygan.



**1-rasm. NG va TG talabalarining funksional holati ko'rsatkichlari o'rtacha arifmetik qiymatlarini pedagogik tajriba davomida nisbiy o'sishlarini solishtirish (foizlarda)**

Test natijalaridan tashqari, fakultet va institutda o'tkaziladigan turli sport tadbirlarida talabalarining ishtirokiga qarab, ularda jismoniy tarbiya mashg'ulotlariga qiziqish ortishiga baho berish mumkin.

TG jalb qilingan talabalar fakultet va institutda o'tkaziladigan barcha musobaqalarda faol qatnashgan, NG guruhi talabalarito'g'risida esa bunday deya olmaymiz. TG talabalarini institut musobaqalarida ishtirok etib, 2020/2021 o'quv yilida muvaffaqiyat qozondi, 2021/2022 o'quv yilida esa OTM musobaqasining ikkinchi o'rin sovrindori bo'lishdi. Bu guruh jamoasi mini-futbol bo'yicha fakultet birinchiligida ikkinchi o'rinni, basketbol bo'yicha esa to'rtinchi o'rinni egalladi. Bundan TG talabalarini mustaqil ravishda jismoniy tarbiya mashg'ulotlari bilan shug'ullanishda davom etishayapti, degan xulosa chiqarish mumkin. Obyektiv ma'lumotlar tahlilidan institutda qabul qilingan ikki yillik o'quv dasturi davomida talabalarda jismoniy tayyorgarligining boshlang'ich darajasidagiga nisbatan kam o'zgadi va yetarli darajada samarali emas, degan xulosa qilish mumkin. Samaradorlik esa, mashg'ulotlarning sifati va talabalarining ularga bo'lgan munosabatiga bog'liq.

**Xulosa.** Demak, olib borilgan ilmiy tatqiqotlarimizda kuzatilgan amaliy va nazariy ishlarimizning natijalari shuni ko'rsatdiki, yuqorida qayd etilgan, tabiiy atrof-muhit omillaridan foydalanib jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari samaradorligini

oshirishga qaratilgan fikrlardan uzluksiz ta’lim jarayonida foydalanilsa, o‘shib kelayotgan avlodning barkamol, yuqori bilim, salohiyatiga ega bo‘lgan shaxs bo‘lib yetishishiga katta hissa qo‘shilardi.

Ilmiy izlanish va ilmiy-uslubiy adabiyotlar tahlili shuni ko‘rsatdiki, tabiiy atrof-muhit omillaridan foydalanib jismoniy tarbiya mashg‘ulotlari samaradorligini oshirishning pedagogik asoslariga oid dastur, ilmiy-uslubiy qo‘llanma va tavsiyalar etarli darajada ishlab chiqilmagan. Tabiiy atrof-muhit omillaridan foydalanib jismoniy tarbiya mashg‘ulotlari jarayonida talabalarning chidamlilik sifatleri, jismoniy va funktsional tayyorgarligi, organizmining fiziologik holatini o‘shirish sur‘atini aniqlash bo‘yicha o‘tkazilgan tadqiqotlar, amaldagi yillik tayyorgarlik davomida ularning jismoniy va funktsional tayyorgarlik ko‘rsatkichlari sust sur‘atlarda shakllanganligidan dalolat beradi.

## REFERENCES

1. Гаттаров Р.У. Исследование показателей функционального состояния студентов трехмедицинских групп здоровья / Р.У. Гаттаров, Т.В. Потапова, С.М. Зубков и др. // Вестник южно-уральского государственного университета. Серия “Образование, здравоохранение, физическая культура”. 2007. №16 (88). вып. 12. С.43-49.
2. Маъруфов М.М. Ekologik og‘ir hududlarda talabalar bilan tabaqalashtirilgan jismoniy tarbiya mashg‘ulotlarini o‘ziga xosligi // “Pedagogik mahorat” ilmiy nazariy va metodik jurnal-Buxoro, 2022. 2-son. – B. 237-241
3. K.B. Mukhammadiev, IM Mirzakulov, AH Karimov. [Methodological fundamentals of formation of ecological culture in students](#). AIP Conference Proceedings 2432 (1), 030054
4. K.B. Mukhammadiev. [Physical Education and Sport and Student Health Factor](#). Berlin Studies Transnational Journal of Science and, 2021.

## O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI RIVOJLANISHIDA TURIZMNING O‘RNI

**B. J. Nasrullayev**

Toshkent davlat transport universiteti  
“Vagon” yo‘nalishida 2-bosqich talabasi

### **ANNOTATSIYA:**

Jamiyatdagi aholi ma’lum bir qatlamining turizm sohasi va uning turlari, respublikada turizmning faoliyati, undagi islohotlar to‘g‘risidagi ma’lumotlarga ega bo‘lish, shu sohaning rivoji va kishilar ma’naviyatini yuksaltirishda bir vosita bo‘lib xizmat qiladi.

**Kirish so‘zlar:** Turizm, turizm turlari, O‘zbekistondagi turizm oqimi va undagi slohotlar, turizmdagi asosiy ko‘rsatkichlar.

### **АННОТАЦИЯ:**

Это инструмент для определенной части населения, позволяющий получить информацию об индустрии туризма и ее типах, деятельности в сфере туризма в стране, ее реформах, развитии этой отрасли и повышении морального духа людей.

**Ключевые слова:** туризм, виды туризма, туристический поток и реформы в Узбекистане, ключевые показатели в туризме.

### **ABSTRACT:**

It is a tool for a certain segment of the population to have information about the tourism industry and its types, the activities of tourism in the country, its reforms, the development of this industry and raising the morale of the people.

**Keywords:** Tourism, types of tourism, the flow of tourism in Uzbekistan and its reforms, the main indicators of tourism.

### **KIRISH**

Hozirgi zamonamizdagi iqtisodiyoti rivojlangan barcha davlatlarda har bir soha, tarmoq va yo‘nalishlarga alohida e’tibor berilmoqda. Chunki, ular mamlakat iqtisodiyoti rivojlanishi, aholi turmush darajasini yaxshilanishi va boshqa bir qancha omillarga ma’lum bir ulushda hissa qo‘shib, ta’sir ko‘rsatmoqda. Turizm sohasi xizmat ko‘rsatish sohasini eng katta tarkibiy qismidir. Turizm - bu sayohat qilishning

bir turi bo'lib, unda kishilar dam olish, biznes qilish, boshqa xalqlar madaniyatini o'rganish kabi boshqa maqsadlar uchun odatiy bo'lgan muhitdan tashqaridagi joylarga sayohat qilish tushuniladi. Hozirgi shiddatli zamonda turizmning bir qancha turlari mavjud. Jumladan, rekreatsion turizm, biznes turizm, ekskursiyaviy turizm, ekstremal turizm, madaniy va ma'rifiy turizm, VIP turizm, ya'ni qimmatli dam olish maskanlariga tashrif buyurish, ekoturizm, tog' turizmi, etnik turizm, dengiz turizmi va boshqalar. Turizmning har bir turidan o'ziga yarasha shiddat zavqini, o'ziga ishonch hissini, jasorat va ma'naviyat kuchini, qiyinchiliklarni yengib o'tish va boshqa o'ta maroqli tarbiyaviy, ibratli histuyg'ularni olish imkoniyatiga ega bo'ladilar. Shu o'rinda ta'kidlash joizki, turizm mamlakatdagi bir qator mintaqalarning iqtisodiyoti va madaniyatiga faol ta'sir ko'rsatishdi. Masalan, turizmni faoliyat ko'rsatishi tizimining, sayyohlarga savdo, ijtimoiy-maishiy, madaniy, tibbiy xizmat ko'rsatishning rivojlanishi bilan yaqindan bog'liqdir.

O'zbekistonda turizmga alohida e'tibor berilib, o'sib borish tendensiyalari amalga oshirilmoqda. Shu asosda, ziyorat turizmi, madaniy turizm, tibbiy turizm, gastronomik turizm, yoshlar turizmi, ekoturizm, etnik turizm, sport turizmi va boshqa turizm turlari o'z faoliyatini olib bormoqda. Madaniy va ziyorat turizmlarini rivojlanishida qadimiy tarixga ega bo'lgan Samarqand, Buxoro, Xiva, Shahrisabz kabi shaharlarimizdagi tarixiy obidalar, me'moriy, diniy va madaniy yodgorliklar hamda respublikamizdagi boshqa zamonaviy diqqatga sazovor joylar bilan tanishtirish orqali ularga madaniy-ma'rifiy ma'lumotlar berish asos bo'lib xizmat qilgan. Respublikamizga kirib kelayotgan chet ellik turistlarning 76 foizi Buxoro, Samarqand, Xorazm va Toshkentga tashrif buyurishga qiziqsa, qolgan 24 foizi Jizzax, Qashqadaryo, Surxondaryo va Farg'ona vodiysi viloyatlariga sayohat qilishadi. O'zbekistonga so'nggi 2020-yilda pandemiya sharoitida xorijiy davlatlardan turistik maqsadda tashrif buyurgan chet el fuqorolari soni 1,5 million kishini tashkil etdi. Ushbu ko'rsatgich 2019-yilga nisbatan 77,7 foizga kamaygan. Respublikamizga tashrif buyurgan xorijlik fuqorolarning asosiy safar maqsadlari qarindoshlarini yo'qlash bo'lib, 87,8 foizni tashkil etgan. Shu bilan birga, dam olish, davolanish, xizmat yuzasidan, o'qish uchun tashrif buyurganlar ham salmoqli qismni tashkil etadi. Ular quyidagi davlatlardan tashrif buyurishadi: Qozog'iston, Qirg'iziston, Tojikiston, Turkmaniston, Turkiya, Xitoy, Janubiy Koreya, Hindiston, Pokiston, Ukraina, Germaniya, AQSH, Yaponiya, Fransiya, Buyuk Britaniya, Isroil, Eron kabilardir. O'zbekistonda xorijiy sayyohlarning asosiy qismi chegaradosh qo'shni mamlakatlar hissasiga tog'ri keladi. O'zbekistonga boshqa mamlakatlardan

tashrif buyurgan sayyohlarning o'rtacha xarajati 2018-yildagi holat bo'yicha quyidagilarni tashkil etgan: Qozog'iston – 158,3 dollar; Qirg'iziston – 99,3 dollar; Tojikiston – 60,4 dollar; Turkmaniston – 104,6 dollar; Boshqa MDH mamlakatlari – 635,6 dollar; Uzoq xorijiy mamlakatlar – 709,4 dollar. So'nggi yillarda turizm salohiyatini kompleks ravishda rivojlantirishda yo'naltirilgan ko'plab qarorlar, qonunlar, farmonlar, konsepsiyalar ishlab chiqilib amaliyotga joriy etilmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 5-yanvardagi PQ-5611-son "O'zbekiston Respublikasida turizmni jadal rivojlantirishga oid qo'shimcha chora tadbirlar to'g'risida"gi qarori, "Turizm to'g'risida"gi qonun yangi tahriri, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 13-avgustdagi PF-5781-son "O'zbekiston Respublikasida turizm sohasini yanadarivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni va boshqa shu kabi huquqiy me'yoriy hujjatlar qabul qilingan. Shu bilan birga O'zbekitonda Yoshlar turizmini rivojlantirish konsepsiyasi ishlab chiqilgan bo'lib, shu asosda ishlangan loyihalarni amalga oshirish natijasida 2020-2025-yillarda mamlakatda yoshlar turizmini rivojlantirishga oid maqsadli ko'rsatgichlar belgilab olingan. Jumladan, xorijlik yosh sayyohlar soni 1,3 milliondan 2020-yilda 2,2 millionga, 2023-yilda 3,3 millionga, ichki turizm bo'riзм bo'yicha yosh sayyohlar sonini 8,1 milliondan 2020-yilda 10 millionga, 2023-yilda 13,6 millionga yetkazish, shular qatorida 2020-yilda 20 ta, 2023-yilda 60 ta xalqaro darajadagi tadbirlar o'tkazish rejalashtirilgan. O'zbekiston Prezidentining 2021-yil 9-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasida ichki va ziyorat turizmini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni ijrosi yuzasidan ziyorat turizmini rivojlantirish va yurtimizga xorijlik ziyoratchilarni jalb qilish bo'yicha qator ishlar amalga oshirilmoqda. Mazkur farmon bilan O'zbekistonning ziyorat turizm salohiyatini keng targ'ib qilish "B2B" uchrashuvlarini tashkil qilish va ziyorat turizmi yo'nalishidagi imkoniyatlarini xorijiy mamlakatimizdagi hamkorlarga yetkazishni maqsad qilgan. Quvonarlisi, o'z-o'zini band qiladigan shaxslar uchun faoliyat (ishlar, xizmatlar) turlari ro'yxatiga gid (gid-tarjimon), ekskursiya yetakchisi va yo'riqchi-yo'l boshlovchilar xizmatlari ham kiritildi; O'zbekiston fuqarolari uchun ichki sayohatlar 40 foizgacha arzonlashtirildi. Respublikamizda 2018-yilgi ma'lumotlarga ko'ra, turistik toifadagi avtotransport vositalari 133 taga, turoperatorlar esa 234 taga, sertifikatga ega bo'lgan gidlar soni 660 nafarga, oilaviy uy mehmonxonalar soni 81 tani, mehmonxonalar soni 914 tani tashkil etgan. Misol qilib aytish mumkinki, O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri o'rinbosari, Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi raisi Aziz Abduhakimov tomonidan Xiva shaxrida



bo'lib, "Hotel Zarafshon boutique" mehmonxonasining ochilish marosimida ishtirok etdi va 3 yulduzli "Sayid Islom Kho'ja" mehmonxonasiga ajratilgan subsidiya sertifikatini topshirildi; turklar bilan hamkorlikda Farg'ona oliy turizm maktabi tashkil etilishi ko'zda tutilmoqda; 2021-2022 o'quv yilidan boshlab xorijiy tillar bo'yicha mutaxassis yetishtiruvchi oliy ta'lim muassasalarining 3-4 kurs talabalari uchun ziyorat turizmi fani bo'yicha o'quv dasturi ishlab chiqilib, joriy etiladi. Juda ko'p joylarda oilaviy mehmon uyi va hostel ochila boshladi, tematik restoranlar soni ortmoqda. O'zbekistonda 2019-yil yakuni bo'yicha turizmning barcha sohasi doirasida xizmat ko'rsatishdan 1,3 milliard dollar mablag' tushgan. Ushbu ko'rsatkich 2018-yilga nisbatan 30 foizga ko'p. Shu o'rinda ta'kidlash kerakki, O'zbekiston turizmida 260 ming kishi faoliyat yuritmoqda. Aholining farovon yashashi, ehtiyojlarini qondirilishi, iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy hayot kechirish darajasiga mamlakat hududiga kirib kelayotgan pul mablag'lari ham ahamiyatlidir.

**Xulosa.** Bugungi kunda mamlakat iqtisodiyotini rivojlanishi, aholini turmush kechirish sharoitlarini yaxshilanishida, xalqaro maydonga chiqishi va unda munosib o'rin egallashida barcha sohalar bilan bir qatorda turizm sohasini ham o'rni salmoqlidir. Hozirda kishilar orasida turizmni keng targ'ib qilish maqsadida yurtimiz teleekranlarida O'zbekiston turizm salohiyatini, turli xil qadamjolarini, turistik maskanlarni, markazlarni, yurtimizning g'aroyib, afsonaviy joylarini kecha-yu kunduz targ'ib qiluvchi, sayohatga doir turli xil ko'rsatuvlar namoyish etilmoqda, turizmni rivojlantirish bo'yicha subsidiyalar va boshqa rag'batlantirish vositalari ham qo'llanilmoqda. Xorij davlatlardagi elchilar mamlakatimiz, milliy qadriyatlarimiz targ'ibotchilari bo'lishi, bunga chet eldagi vadandoshlarimiz ham hissa qo'shish zarur.

## REFERENCES

1. Turizm sohasidagi qonunlar. [www.Uzbekiston.travel](http://www.Uzbekiston.travel)
2. O'zbekiston Respublikasiga turistik maqsadlarga kelgan va ketgan shaxslar. 25.01.2021. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
3. Po'latov, Sh.N., Rabindranat Tagorning Hindiston ilm-ma'rifatga qo'shgan xissasi. // "SCIENCE AND EDUCATION" Scientific journal Volume 1, Special issue 2020 136-144 P.
4. Po'latov, Sh.N., Hindistonda pedagogik ta'limning rivojlanish bosqichlari. // "SCIENCE AND EDUCATION" Scientific journal Volume 1, Special issue 2020 21-27 P.

5. Sulaymonov, J. Abdurahmon ibn Xaldunning tamaddun taraqqiyoti haqidagi qarashlarida jamiyat tahlili//Academic Research in Educational Sciences, Vol. 2 Special Issue 1, 2021. 451-455 R.
6. Jurayev SH.S., Abu Ali ibn Sinoning falsafiy qarashlarida baxt-saodat masalasi // Academic Research in Educational Sciences, 2 (Special Issue 1), 395-401 P.
7. Saidov S.A., Ibn al-Muqaffaning islom tarjima san’atiga qo‘shgan hissasi. //“Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences” Scientific journal Volume 1, 2021. 332-336 P.
8. Turistik xizmatlar uchun xarajatlar. [www. Kun.uz](http://www.kun.uz)

## ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ЭТНОСПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРДА АКС ЭТГАНЛИГИ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

**К. Б. Мухаммадиев**

Тошкент давлат транспорт университети п.ф.д (DSc), доцент

**Д. Ф. Мухаммадиева**

Тошкент фармацевтика институти доценти

### **АННОТАЦИЯ:**

Мазкур мақолада минг йиллар давомида сақланиб келаётган миллий спорт турларимиз ҳақида қадимги аждодларимизнинг фикрлари илмий тадбиқ этилганлиги ва ҳозирги ривожланиш босқичлари ҳақида сўз юритилган. Шўнингдек, Мамлакатимизда миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини (этноспорт) тарғиб қилиш ва оммалаштириш, болалар ва ўсмирларни уларга кенг жалб қилиш борасидаги қарашлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** этноспорт спорт, кураш, ассоциация, олимпиада, турнир, мусобақа, миллий қадриятлар, миллий анъаналар, натижа, кўникма, миллий ва ҳаракатли ўйинлар.

### **АННОТАЦИЯ**

В этой статье рассказывается о научном воплощении мнений наших древних предков и этапах их современного развития в истории наших национальных видов спорта, которые сохранились на протяжении тысячелетий. Также в нашей стране представлены взгляды на продвижение и популяризацию национальных видов спорта и народных игр (этноспорт), широкое вовлечение в них детей и подростков.

**Ключевые слова:** этноспортивный спорт, борьба, объединение, олимпиада, турнир, соревнование, национальные ценности, национальные традиции, результат, мастерство, народно-боевые игры.

### **ABSTRACT**

This article tells about the scientific embodiment of the opinions of our ancient ancestors and the stages of their modern development in the history of our national

sports, which have been preserved for thousands of years. Our country also presents views on the promotion and popularization of national sports and folk games (ethnosport), the widespread involvement of children and adolescents in them.

**Keywords:** ethno-sport sport, wrestling, association, olympiad, tournament, competition, national values, national traditions, result, skill, folk fighting games.

Табиат – тирик мавжудотлар яшаши учун макон, нозу неъматлар манбаи бўлиб, уни асраш ҳар бир инсоннинг бурчи. Бу борада халқимиз ўзининг бой миллий-тарихий анъаналарига эга.

Мустақиллик туфайли юртимизда тарихий ҳақиқатни тиклаш, ўз шонли саҳифаларига эга бўлган буюк давлатчилик тарихи, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ривожланиш жараёнларини холис таҳлил этиш, хулосалар қилиш ва Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш имконияти вужудга келди.

Халқимизнинг миллий кадриятлари, маънавий мероси асрлар мобайнида Шарқ халқлари учун маънавият манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 25 май ойда “Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [Қарор](#)ни қабул қилди. Ушбу Қарорда Мамлакатимизда миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини (этноспорт) тарғиб қилиш ва оммалаштириш, болалар ва ўсмирларни уларга кенг жалб қилиш белгилаб қўйилган.

Қадимги аждодларнинг жисмоний тарбияси ва Ўзбекистон худуди аҳолисининг этник таркиби (э.ав. VII – VI асрлар)га таяниб, Сак-массагетлар жисмоний тарбияси билан боғлиқ. Юнон манбаларида Марказий Осиёнинг чўл худудларида яшаган халқларни скифлар деб аташган. Жумладан, дунёдаги энг қадимий халқлардан бири Помпей Трон скифлари ҳисобланадилар.

Скифларнинг этнографик, антопологик хусусиятлари хунларга ёки турк халқлариникига ўхшашдир. Маҳмуд Қошғарийнинг таъкидлашича, Искандар Зулқарнайн Ўрта Осиёни босиб олаётганда турклар ўқ-ёйни тўғрига қандай отса, орқа тарафга ҳам худди шундай маҳорат билан отишган.

Сак-массагетлар жисмоний, ҳарбий тайёргарлигида этноспортнинг ўрни аҳамиятли. Жумладан отда юриш, от пойгаси, купкари улоқ, якка кураш (кураш, белбоғли кураш, қарап теп) палохмонда тош отиш, қиличбозлик, камон отиш, найза ва чуқморларни жанг пайтида ишлата билиш муҳим ўрин тутган. Шунингдек этноспортнинг жангавор тури бўлмаган аксинча инсонларнинг

жисмоний ва маънавий ўсишига қаратилан турлари жуда оммалашган. Жумладан: беш тош, ланка, эшак минди, қадама таёқ, чиллик ва бошқа кўплаб этноспорт турларини келтиришимиз мумкин.

Хуршид Давроннинг ёзишича "... Форслар кўшинига яқинлашган массагетлар аввал камонлардан ўқ уза бошладилар. Ўқларнинг қалинлигидан форслар кўшини устини соя қоплагандек бўлди. Форслар ҳам қараб турмай, камонларини ишга солдилар. Аммо камон отишда форсларга қараганда массагетлар уста эдилар. Уларнинг боласи олти-етти ёшидаёқ елиб бораётган отда туриб, чумчуқни мўлжалга олишган. Мидияликлар эса бу гапни неча замон илгари скифлардан эшитган эдилар. Скифларнинг ўзи камон отишда бутун Кичик Осиё халқларини қойил қолдирганларига қарамай, бу ишда массагетлар улардан машхурроқ эканларини айтган эканлар".

Малика Спаретра ва Тумарис шундай жасур аёллар эдики, улар ҳақидаги ривоятлар ҳанузгача эл оғзидан тушмайди. Уларнинг қахрамонлари ҳақида поэмалар, қиссалар битилган. Тумарис хотирасига бағишлаб, ҳозирги пайтда мамлакатимиз хотин-қизлари учун ҳар икки йилда бир марта миллий халқ ўйинларининг 11 тури бўйича "Тумарис" фестивал-ўйини ўтказилмоқда.

Давлатимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида этноспорт турларига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан 6 сентябрь – Кураш миллий спорт тури куни сифатида белгиланди. Юқори малакали спортчиларни тайёрлашда миллий ва ҳаракатли ўйинларни янада ривожлантириш ҳамда оммавийлаштириш, ўсиб келаётган авлодни миллий кадриятлар руҳида спортнинг барча турлари ва миллий спорт ўйинлари билан мунтазам шуғуллантириб, халқимизнинг эҳтиёжлари, ахлоқий манфаатлари, амалий тажрибалари ва тарихий яшаш шароитларидан келиб чиқади. Миллий ва ҳаракатли ўйинлар орқали юқори малакали спортчиларни ватанпарлик, катталарга ҳурмат, меҳр-шавқат, хушмуомалалик, ахлоқ-одоблилик, ота-онага ҳурматини бажо келтириш, кексаларни авайлаш фазилатларини тарбиялаш лозим.

Этноспорт турларига назар солар эканмиз бу спорт турларининг тарихи жуда узоқларга бориб тақалади. Бу ҳақида қадимги кўплаб қўлёзмалар мавжуд. Жамиятнинг тарихий тараққиётини кузатар эканмиз, "Авесто" давриданок бобокалонларимиз Ар-Розий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Паҳлавон Маҳмуд, Амир Темур, Алишер Навоий,

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби аллома ва саркардалар асарларида келтириб ўтилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий таълим-тарбия тизимида этноспортнинг ривожланиши, тарихий тараққиёти, миллий қадриятларда акс этганлиги, илмий-амалий аҳамиятини ривожлаштиришдан иборат.

Тадқиқотчи ва олимларнинг фикрига кўра бугунги кунда этноспортдан машғулотлар жараёнида кенг фойдаланиш орқали жаҳон спорт майдонларида юқори натижаларга эришишдан иборат. Этноспорт турларининг ҳар бирида халқнинг маданияти, урф – одатлари ҳамда қадриятларига хос бўлган фазилатлар ўз ифодасини топади. Масалан, “арқон тортиш” ўйинида ўзаро жамоавийлик, аҳиллик; кураш борасида ҳалоллик, мардлик; чавандозлик мусобақасида эпчиллик, чабдастлик; “бекинмачоқ” ўйинида: топқирлик, хушёрлик каби хислатлар тарбияланади. Шунинг учун ҳам устоз ва мураббийлар машғулотларда халқ ўйинларини тўғри танлаши, уларни таълим-тарбиявий жиҳатдан самарали ташкил қилиши зарур. Ўйинни тўғри танлаш ва мақсадга мувофиқ йўсинда ўтказиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, этноспорт турлари юксак ахлоқий тарбия бериш хусусияти билан ҳам характерланади. Айниқса, жамоавий ўйинларда иштирокчиларнинг ҳамжиҳатлилиги асосида ҳаракат қилиши спортчиларни қийин вазиятда ўзаро бир-бирига ёрдам кўрсатишга интилиш, бир-бирининг хато-камчилигини тўлдириш, бағрикенглик, аҳиллик ва жипслилик мезонларини ривожлантиради. “Оқ теракми-кўк терак”, “Ғозлар ва оққушлар”, “Кучлилар ва чакқонлар”, “Арқон тортиш”, “Қувлашмачоқ” каби ўйинларни ана шундай ўйинлар сирасига киритиш мумкин. “Дурра”, “Олиб қочар”, “Учталиқ тўптош”, “Ҳақкалакам шарти”, “Икки тош”, “Хўроз жанги”, “Кўпкари”, “Эшак минди”, “Бештош” бу этноспорт ўйинлари эса ўқувчилар ўртасида ўзаро муроса, келишувчанлик, эзгу мақсад атрофида бирлашиш хислатларини тарбиялайди. Умуман олганда, машғулотларда халқ ўйинларидан фойдаланиш куйидага натижаларни кўрсатмоқда:

1. Этноспорт турлари билан шуғилланувчиларнинг ҳаётга бўлган қизиқишлари ошмоқда.
2. Уларда тарихий воқийликларга бўлган қизиқиши ва ижодкорлик жиҳатлари кучаймоқда.
3. Тенгқурлари, дўстларини ҳурмат қилиш, уларга қийин вазиятда ёрдам беришга истак-ҳавас уйғонмоқда.



4. Этноспорт тбилан шуғилланганлар ўртасида адолатли, ростгўй, ҳалол инсонлар бўлишга одатланмоқда.

5. Мунтазам равишда этноспорт билан шуғулланиш нафақат дарс машғулотларида, балки оилада ҳам халқ ўйинларидан фойдаланишни кундалик машғулотга айлантирмоқда.

6. Шуғилланувчилар орасида ўзаро аҳил, иноқ, муносабат муҳити юзага келиб, катталарга нисбатан ҳурмат, кичикларга нисбатан иззат билан муносабатда бўлиш кўникмалари шаклланмоқда.

7. Ўз ота-боболари, миллий қадриятлари, халқимизнинг буюк ўтмиши ва жасорати билан фахрланиш туйғулари шаклланмоқда.

**Хулоса** қилиб айтганда, мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши, уларнинг Ватан истиқболини ўз қўлига ола биладиган муносиб ворислар бўлиши учун барча имкониятлар яратилмоқда ва уларни зарарли одатлардан асраш долзарб масала ҳисобланади.

Шунингдек, соғлом авлод тарбиясида этноспорт ўйинларидан юқори савияда фойдаланиш уларнинг турли кўринишларини таълим-тарбия жараёнига теран татбиқ қилиш қутилган педагогик натижаларни беради.

## REFERENCES

1. Мухаммадиев К.Б. Жисмоний машқлар билан мустақил шуғулланишда жисмоний юкламалар самарадорлигини баҳолашнинг педагогик назорат усулларидан фойдаланиш / Услубий қўлланма. Тошкент темир йўл муҳандислари институти босмахонаси. – Тошкент, 2019 й. - Б.23.
2. Мухаммадиев К.Б. Талабаларнинг жисмоний кўрсаткичларини ривожлантириш / Услубий қўлланма Тошкент темир йўл муҳандислари институти босмахонаси. – Тошкент, 2019 й. - Б.28.
3. Мухаммадиев К.Б. Талабаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий йўналишлари // Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг фалсафий, ҳуқуқий ва социологик муаммолари. – Чирчиқ. 2020 й. – Б. 204-206.
4. Мухаммадиев К.Б. Спортизированное физическое воспитание студентов на основе сочетания средств брoббы и игрового метода // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. УДК/UDK 796.011.2:5:012. Москва, №9, - 2021. - С. 152-157.

## TALABALARGA TA'LIM-TARBIYA BERISH JARAYONIDA SHARQ ALLOMALARINING QARASHLARINI AHAMIYATI

**Kaipbergenova Dilbar Orakbayevna**

I. Karimov nomidagi Toshkent Davlat Texnika Universiteti

Amaliy ingliz tili kafedrasida katta o'qituvchi

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada talabalarga ta'lim-tarbiya berish jarayonida sharq allomalarining qarashlarini ahamiyati haqida to'xtalib o'tamiz. Oliy ta'limdagi o'quv jarayonining sifati ko'p omillarga bog'liq bo'lib, ular orasida o'qitishning usul va metodlari hal qiluvchi ahamiyatga ega. Binobarin, ular bilimlarning ongli va chuqur o'zlashtirilishiga, talabalarda mustaqillik va ijodiy faollikning rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Usul va metod tushunchalari o'zaro bog'liqdir, chunki ularning har biri metod sifatida ham, usul sifatida ham namoyon bo'ladi.

**Kalit so'zlar:** kompetentlik, ta'lim–tarbiya, metodologiya, musulmon paradigmasi, ilm-fan, bilish, insonparvarlik, adolat, pedagog.

Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasi ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar pedagog kadrlarning kasbiy kompetentlik sifat (kompetensiya)lariga egaliklarini aniqlash va baholashni taqozo etmoqda. Shu bois so'nggi yillarda uzluksiz ta'lim tizimining barcha bosqichlarida pedagog kadrlarning kasbiy kompetentlik sifatlariga egaligini aniqlash va baholashga e'tibor qaratilib, bu yo'lda amaliy harakatlar olib borilmoqda. Shuningdek, oliy ta'lim muassasalarida pedagog kadrlarni yetishtirish masalasi ko'plab umumiy ilmiy, ijtimoiy, madaniy va axloqiy jarayonlar tutashgan joydadir. Pedagoglarning o'zi muhim ijtimoiy rol o'ynaydigan ziyolilarning o'ziga xos guruhini tashkil etadi. Aynan oliy ta'lim muassasasining pedagogsi zamonaviy raqobat sharoitida yuqori malakali mutaxassisni shakllantirishga bevosita javobgardir. O'zbekiston Respublikasi kelajak taraqqiyoti nafaqat iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy va huquqiy omillarga va shu bilan birga madaniy ma'naviy sohalarda amalga oshirilayotgan islohotlarga bog'liqdir.

Oliy ta'limdagi o'quv jarayonining sifati ko'p omillarga bog'liq bo'lib, ular orasida o'qitishning usul va metodlari hal qiluvchi ahamiyatga ega. Binobarin, ular bilimlarning ongli va chuqur o'zlashtirilishiga, talabalarda mustaqillik va ijodiy faollikning rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Usul va metod tushunchalari o'zaro

bog'liqdir, chunki ularning har biri metod sifatida ham, usul sifatida ham namoyon bo'ladi. Ta'lim metodlari: tushuncha, funksiya, tasnif. «Metod» so'zining yunoncha tarjimasida «tadqiqot, usul, maqsadga erishish yo'li» kabi ma'nolarni anglatadi. Filofosiya lug'atida ushbu tushuncha umumiy tarzda «maqsadga erishish usullari»1 deya sharhlangan.

Pedagogika amaliyotida o'qitish usullari va metodlarining juda katta boyligi to'plangan. Ularni tanlashda turli sharoitlar, o'qitilayotgan fanning xarakteri, bolalarning yosh xususiyatlari, oldingi tayyorgarlik darajasi va hokazolar hisobga olinadi. Forobiyning fan va san'atning afzalligi haqidagi risolasida o'quv jarayonini tashkil etishga va o'qitish metodlariga qo'yiladigan talablar ifodalangan. Olim o'zining o'qitish metodlari haqidagi tushuntirishlarida talabalarga turli bilimlar berish bilan birga, mustaqil holda bilim olish yo'llarini ham ko'rsatish, ularni bilimlarning zarurligiga shak-shubhasiz ishonitirish kerakligini uqtirgan.

Sharq qomusiy olimlarining asarlarini tahlil qilish, hozirgi terminologiyadan foydalanib, mazkur asarlar mualliflarining prinsiplari va o'qitish metodlari bilishning umumiy qonunlariga muvofiqligini aniqqash imkonini beradi. Barcha qomusiy olimlar foydalangan o'qitish metodlarini bir necha guruhga ajratish mumkin. Bular: ko'rsatmali tajriba metodlari (Ibn Sino), bilimlarni bayon qilishning savol-javobli yo'llari (Abu Rayhon Beruniy, al-Xorazmiy), ko'nikma va malakalarni shakllantirish metodlari, bilimlarni tekshirish metodlari (Forobiy, al-Xorazmiy) va hokazolardan iboratdir. Shunisi diqqatga sazovorki, mazkur olimlarning barchasi talabalar faoliyatini kuchaytirish va ularda mantiqiy tafakkurni rivojlantirish maqsadini ko'zlagandar.

Burxoniddin Zarnudjiyning fikricha, insonning bilish faoliyati bilmaslikdan bilishga qarab boradi. Aql - faol, ijodiy kuchdir, koinotni bilish quolidir. Ammo dastlabki tajribasiz bilishning bo'lishi mumkin emas. Chunki umuminsoniy aql tushunchasi taqqoslash, kuzatish va tajriba yo'li bilan tarkib topadi. Bundan shunday pedagogik xulosa chiqarish mumkinki, inson hissiy idrokni boyitish bilangina o'zining bilimlarini oshira oladi. Shuning uchun ta'limda talabalarning o'zidagi tajribaga tayangan metodlardan iloji boricha keng foydalanish kerak.

Bugungi kunda oliy ta'lim muassasalari talabalarini yangicha tafakkurga ega, ijodiy fikrlovchi, yuksak ma'naviyatli qilib tarbiyalash o'quv muassasalarimiz oldida turgan eng dolzarb muammolar sirasiga kiradi. Bunday muammolarni hal etish ko'p jihatdan ta'lim-tarbiya jarayonida qo'llaniladigan samarali usullar, vositalar va ularni shakllantirish yo'llariga ham bog'liq. Demak, ta'lim muassasalarida yoshlarni

mustaqil ishlash faolligini boshqarishda professor-pedagog tomonidan ta'lim-tarbiya jarayonini uzluksiz ravishda barcha bosqichlarda amalga oshirishlariga bog'liq, deyish mumkin. Buning uchun ta'lim dargohlarida mustaqil ishlashga o'rganish tarbiyasini shakllantirishni dolzarb vazifa qilib qo'ymoq lozim. Pedagogik ta'lim-tarbiya tizimida har bir fan talaba-yoshlar ma'naviyatini shakllantirishda ma'lum maqsadlar uchun o'z ta'sirini o'tkazadi. Talabalarni axloq qoidalari, fanlar bo'yicha bilimlarni baholash mezonlari, ichki tartib-qoidalari va nizomlari bilan belgilanadi.

Metodik ko'rsatmalarda metodologiya masalalari va pedagogik o'yinlar nazariyasiga katta e'tibor berilgan. Pedagogik o'yinli, munozarali, muammoli masalalarni yechish amaliy mashg'ulotlarda har bir mavzu bo'yicha o'yin texnologiyalar asosida adabiyotlarda manbalar taklif etiladi. Biz talabalarga o'yin mashg'ulotlarini bajarishdan oldin quyidagi amallarni bajarishni tavsiya etamiz: • mavzu yuzasidan zaruriy adabiyotlarni to'plash va ularni o'rganish; • fikrlab, o'ylab, o'yinning rejasini tuzish; • asosiy manbalarning to'g'riligiga ishonch hosil qilish; • adabiyotlarda ko'rib chiqilgan asoslarni taqqoslab ulardan umumiy va xususiylarini ajratish; • o'yinga tegishli ko'rgazmali qurollarni tayyorlash, shaxsiy kuzatishlar, tajriba va hayotiy mohirlikdan foydalanish. Ta'lim jarayonida o'tkaziladigan o'yinlar talabalarning nafaqat fanga nisbatan qiziqishini uyg'otadi, balki ularning milliy qadriyatlar va madaniy-meroslarimizdan foydalanishning asoslarini mukammal bilib olishga asos bo'ladi. Bu nazariya pedagogik texnologiyalar yordamida amalga oshiriladi. Tadqiqot metodologiyasi. Pedagogik texnologiya shakllar, metodlar, yo'llar, usullar, tarbiyaviy vositalarni, tanlab olish va joylashtirishni, aniqlovchi psixologik-pedagogik, ko'rsatmalarning majmuidan iborat. Texnologik tuzilmalarning yordamida o'quv-tarbiya ishining bironta yoki bir nechta jabhalarda talabalarning bilim, malaka va ko'nikmalarini o'zlashtirishda samarali natijalarga erishish ta'minlanadi. Shunday qilib, o'yin texnologiyasini tashkil qilishda professor-pedagoglar va talabalarning o'zaro bir-biriga bog'liq ishi dasturlashtiriladi.

Xulosa va takliflar. Ta'lim orqali o'qitish texnologiyasida pedagogning vazifalari quyidagilar: - aniq materialda illyustratsiya vaziyatlar yoki muammoli vaziyatlarni tanlab olish; - didaktik materiallar tanlash, har bir talaba uchun kartochka, topshiriqlar tuzish; - talabalarning kichik guruhini tanlash (3-4 kishilik guruh); - masala (muammo) qo'yish toki bunda guruhlar o'z nuqtai nazarini aytsin. - kutiladigan javoblar va e'tirozlarni o'ylash; - pedagogning doimo talabalarga o'z qiziqishini namoyon etishi; - talabalar bir necha guruhlarga bo'linib, guruhning har bir a'zosi o'z vazifalarini aniq bilishi kerak. o'yinning vaqti cheklangan bo'lishi, u

yakunlangach esa o'yin natijalarini albatta ko'rishimiz mumkin. Ta'lim jarayonida talabalarning axborot texnologiyalaridan foydalanishga qiziqishlarini oshirish quyidagi muhim natijalarga olib keladi:

## REFERENCES

1. Хусанбаева, Ю., & Саъдуллаева, Д. (2023). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(3), 48-51.
2. Салимсакова, Н. С., & Хусанбаева, Ю. Б. (2021). СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА КАК СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ ФЕНОМЕН. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SI-1).
3. Назарбоева, Б. А., & Хусанбаева, Ю. Б. (2021). ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ҲАЁТИДА ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИНГ ЎРНИ. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, 4(4).
4. Хошимова, Г. Ф., & Хусанбаева, Ю. Б. (2020). ВЗАИМОСВЯЗЬ ВИРТУАЛЬНОГО И ДУХОВНОГО МИРА НА ФОНЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, 3(4).
6. Kurultaeovich, I. K., Zairjanovich, Y. S., Abdullayevna, S. D., Botirovich, T. B., & Anatolievna, T. M. (2023). Specifics Of Teaching Foreign Language Speaking To Students At A Non-Linguistic Institute (Iper) In The Distance Learning Format. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 2(10), 549-559.
8. Sadikova, D. A. (2023). TEACHING RUSSIAN AS A FOREIGN LANGUAGE IN THE MODERN STUDY OUTLOOK: TEACHING DICTIONARIES. *World of Scientific news in Science*, 1(2), 104-115.
9. Saparbaevna, R. R., Allanazarovna, E. R., & Nawbahar, O. (2020). Physiological Ergogenic Medicines: Modern Trends Of Application In The Training Of Athletes. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(03), 2020.
10. Reymbaeva Roza, Ernazarova Raya, Joldasbaeva Gulchexra, & Allambergenova Laura. (2023). HANDBALL EFFICIENCY IN THE SYSTEM OF PHYSICAL EDUCATION. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(14), 721–725. Retrieved from <https://humoscience.com/index.php/itse/article/view/1774>
11. Roza, R., Talgat, K., Raya, E., & Aynura, P. (2023). THE CONTENT AND FORMS OF SUPPORT FOR PROFESSIONAL SELF-DETERMINATION OF



STUDENT TEACHERS. Innovations in Technology and Science Education, 2(10), 273-279.

12. Saparbaevna, R. R., Erejepovich, K. D., Allanazarovna, E. R., & Sabitovna, P. A. (2022). Organization Of Rational Nutrition of Athletes in Training and Competitive Activities. Specialusis Ugdyimas, 2(43), 3566-3568.

13. Saparbaevna, R. R., & Allanazarovna, E. R. (2020). Aspects Of Studying Snakes In The Fauna Of Uzbekistan. Solid State Technology, 63(6), 3765-3771.

1. Турдимуратов Я. А. КОЧЕВОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКОВ ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА В КОНЦЕ XIX–НАЧАЛО XX ВВ //Educational Research in Universal Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 546-557.

2. Turdimuratov Y. A. et al. O 'ZBEKISTONDA BOLALAR SPORTINI RIVOJLANTIRISHGA OID DAVLAT SIYOSATI //Educational Research in Universal Sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 144-152.

3. Turdimuratov Y. A. Etnosport–milliy sport turlari va xalq o 'yinlarini rivojlantirishning muhim omili //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 11. – С. 132-139.

4. Турдимуратов Я. А. НАРОДНЫЕ ПОВЕРЬЯ В ТРАДИЦИОННОМ ХОЗЯЙСТВЕ УЗБЕКОВ, СВЯЗАННЫЕ С «КУЛЬТОМ СВЯТЫХ» //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 2. – С. 188-198.

5. Turdimuratov Y. A. O 'ZBEKISTONDA TURKIY DAVLATLAR BILAN TURIZM SOHASIDAGI HAMKORLIKNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI //XALQARO KONFERENSIYA VA JURNALLARNI SIFATLI INDEXLASH XIZMATI. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 110-114.

6. Turdimuratov Y. A., Djo'rabayev A. M. STATE POLICY ON TRAINING SPECIALISTS IN THE FIELD OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN THE NEW UZBEKISTAN //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 141-146.

7. Turdimuratov Y. A. AN'ANAVIY XO 'JALIKDA FENOLOGIK BILIMLARNING O 'RNI VA AHAMIYATI //International scientific journal of Biruni. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 257-264.

8. Турдимуратов Я. А. XX асрда Сурхон-Шеробод воҳаси ареал хўжалик маданияти (чорвачилиги мисолида). – 2020.

9. Turdimuratov Y. A. National veterinary medicine in traditional Uzbek livestock breeding //ISJ. – 2019.



## O‘ZBEK MILLIY KURASHI TURKIY XALQLARNING O‘ZARO YAQINLIGI VA HAMKORLIGINI MUSTAHKAMLASHNING MUHIM OMILI SIFATIDA

**B. Nazirov**

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), v.b.dots.

### ANNOTATSIYA:

Milliy kurash turkiy xalqlar orasida uzoq o'tmish davomida vatanparvarlik, insonparvarlik, mardlik, jasurlik, mehnatsevarlik, o'zarohamkorlik, yon qo'shnichilik g'oyalarni targ'ib qilishda katta ahamiyat kasb etib kelgan. Milliy kurashda toblangan polvonlar o'z xalqining or-nomusi, milliy g'ururi hamda an'alariga sodiq qolib, ustoz-shogirdlik e'tiqodlariga amal qilib kelganligi asrlarsha milliy kurashni jahonga tanilishiga olib keldi. Mazkur maqolada turkiy xalqlar orasida kurashning ko'plab turlarini keng tarqalganligi, ulardan biri hisoblangan o'zbek milliy kurashini turkiy xalqlarning o'zaro yaqinligi va hamkorligini mustahkamlashning muhim omillardan biri sifatida o'rni va ahamiyati haqida so'z boradi. Shuningdek, yurtimizda o'zbek milliy kurashi bo'yicha o'tkazilgan xalqaro turnirlar, jahon va Osiyo chempionatlarida turkiy davlatlardan tashrif buyurgan polvonlarning ishtiroki atroflicha tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** Al-Hakim at Termiziy xalqaro turniri, Xalqaro kurash assotsiatsiyasi, "Halol", "Yonbosh", "G'irrom", "Dakki", "Challa".

### АННОТАЦИЯ:

Национальная борьба издавна приобрела большое значение в пропаганде идей патриотизма, гуманизма, храбрости, мужества, трудолюбия, взаимного сотрудничества и добрососедства среди тюркских народов. Тот факт, что борцы, победившие в национальной борьбе, остались верны чести, национальной гордости и традициям своего народа, следовали убеждениям наставников и учеников, принесли в мир многовековую национальную борьбу. В данной статье говорится о распространенности многих видов борьбы среди тюркских народов, о роли и значении узбекской национальной борьбы, являющейся одним из них, как одного из важных факторов укрепления взаимной близости и сотрудничества тюркских народов. Также подробно

проанализировано участие приезжих борцов из тюркских стран в проводимых в нашей стране международных турнирах, чемпионатах мира и Азии по узбекской национальной борьбе.

**Ключевые слова:** Аль-Хаким ат Термизи международном турнире, Международной ассоциации борьбы, «Халал», «Ёнбош», «Гиррам», «Дакки», «Чалла».

### **ABSTRACT:**

The national struggle has gained great importance in promoting the ideas of patriotism, humanitarianism, bravery, courage, hard work, mutual cooperation, and neighborliness among the Turkic peoples for a long time. The fact that the wrestlers who won the national wrestling remained loyal to the honor, national pride and traditions of their people and followed the beliefs of mentors and apprentices brought centuries-old national wrestling to the world. This article talks about the prevalence of many types of wrestling among the Turkic peoples, the role and importance of the Uzbek national wrestling, which is one of them, as one of the important factors of strengthening the mutual closeness and cooperation of the Turkic peoples. Also, the participation of visiting wrestlers from Turkic countries in international tournaments, world and Asian championships held in our country on Uzbek national wrestling was analyzed in detail.

**Keywords:** Al-Hakim at Termizi International Tournament, International Wrestling Association, "Halal", "Yonbosh", "Ghirram", "Dakki", "Challa".

**Kirish (Introduction).** Bugun tobora globallashib borayotgan dunyoda turli xatar va tahdidlarning oldini olishda, xalqlar o'rtasidagi do'stlik, ahillik, yaxshi qo'shnichilik, hamjihatlik aloqalarini tobora mustahkamlashda turkiy xalqlar o'rtasida hamkorlik aloqalarining yangicha bosqichda yo'lga qo'yilganligining ahamiyati o'ziga xos bo'lmoqda. Ushbu hamkorlik doirasida ilmiy loyihalar, festivallar, ijodiy tanlovlar, sport musobaqalari, forumlar, yirik anjumanlar ildizlari umumbashariy ezgu g'oyalardan suv ichgan xalqlarni yagona maqsad sari birlashtirmoqda. Turklar jahon tarixidagi eng qadimiy va doimiy xalqlardan biridir. Bu katta xalq jamoasi bo'lib, uning tarixi to'rt ming yildan ortiq davom etadi. Uning yashash joylari Osiyo, Yevropa, Afrikani qamrab oladi. Turkiy xalqlarda buyuk ajdodlarga nisbatan hurmat-ehtirom, ularning boy ilmiy merosini o'rganishga qiziqish, urf-odatlar hamda milliy xalq o'yinlarini saqlab qolishga intilish hamisha

yuqori bo'lgan. Bu kabi xalqaro darajadagi ilmiy anjumanlar esa tarixiy, madaniy va ilmiy yo'nalishlarda turkiy xalqlar o'rtasidagi o'zaro munosabatlarni sifat jihatidan yangi bosqichga olib chiqib, mavjud juda katta imkoniyat va salohiyatdan to'liq va unumli foydalanish uchun mustahkam zamin yaratishi shubhasiz.

Bugungi kunda turkiy xalqlar orasida ko'p asrlardan beri saqlanib kelinayotgan milliy xalq o'yinlariga, ular orasida esa milliy kurash turlariga qiziqish nihoyat darajada kuchli hisoblanadi. Kurash sporti turlaridan biri hisoblangan o'zbek milliy kurashini O'zbekistonda mustaqillik yillarida yanada rivojlantirish borasida amalga oshirilgan ishlarni, erishilgan yutuqlarni tahlil qilish, milliy kurashning jahon sport turiga aylantirish harakatining tashkiliy hamda tarixiy bosqichlarini ilmiy asosda o'rganish, uning turkiy xalqlarning o'zaro yaqinligi va hamkorligini mustahkamlashning muhim omillardan biri sifatida o'rni va ahamiyatini oshirish, mazkur sport turining rivoji va keyingi istiqbollari belgilashda katta ahamiyat kasb etadi.

Mustaqillik tufayli O'zbek milliy kurashi qayta tiklanib, jahon miqiyosidaga musobaqaga aylanib, jahonning eng kuchli palvonlarni o'ziga jalb etib, xalqaro musobaqaga aylandi. Asrlarosha milliy mentaletit asosida millat g'ururiga, ornomusiga, vijdoniga, mardlik, jasurlik, hushyorlik, chaqonlik, sevgi muhabbat timsoliga aylangan O'zbek milliy kurashi azaldan turkiy xalqlar orasida ancha keng tarqalib, hozirgi vaqtda esa dunyoni o'ziga ishqiboz ayladi.

**Natijalar va ularning muxokamasi (Results and its discussion).** 1992-yildan boshlab milliy kurash musobaqalari va turnirlari ommaviy tarzda o'tkazish keng yo'lga qo'yildi. Masalan, Xorazmda Pahlavon Mahmud, Buxoroda Tursun ota Yusupov, ulug' alloma Bahouddin Naqshband, Shahrisabzda buyuk sarkarda Amir Temur, Termizda Al-Hakim at Termiziy turnirlari har ikki yilda bir marta o'tkazib kelinmoqda. Mazkur musobaqalarda turkiy xalqlar vakillari bo'lgan kurashchilar faol ishtirok etib kelishmoqda.

Termiz shahrida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti sovrini uchun Al-Hakim at-Termiziy xotirasiga bag'ishlab 1993, 1995, 1997, 1999, 2001, 2003, 2005, 2007, 2009, 2011, 2013, 2015, 2017, 2019, 2021 yillarda (har ikki yilda bir marotaba, 15 marta) Xalqaro Kurash turniri o'tkazilib kelinmoqda. Mazkur turnirda 50 dan ziyod mamlakatlardan dovruqli kurashchilar qatnashishdi. Ushbu bellashuvlarda vatanimiz polvonlaridan Boboxon Xudoyberdiev, Erali Mahmarasulov, Jo'ra Toshmatov, O'rol Berdiev, Rustam Ergashev, To'ra Eshnaev, Baxtiyor Arziev, Toshtemir Muhammadiev, Yaxshiboy Qarshiev, Kamol Murodov, Baxrom Avazov,

Maxtumquli Maxmudov, Abdulla Tangriev, Abdulla Xoliyorov, Bobomurod Rustamov va boshqalar munosib qatnashib sovrindor bo'lishdi [5, 66-b.].

1993 yildan boshlab Termizda Al-Hakim at-Termiziy xotirasiga bag'ishlab Prezident sovrini uchun xalqaro kurash musobaqalari tashkil etildi. Birinchi turnir kurashlarida Boboxon Xudoyberdiev, To'ra Toshmatov, Jo'ra To'raev, Rustam Ergashev, To'ra Eshnaev, Baxtiyor Arziev, Toshtemir Muhammadiev, Yaxshiboy Qarshiev, Jabborquli Mahmudov, Husan Xudoyberdievlar o'z vaznlariga ko'ra g'olib bo'lishdi [8, 127-b.].

1995 yilning 8-9 aprel kunlari al-Hakim at-Termiziy xotirasiga bag'ishlangan milliy kurash bo'yicha an'anaviy II Xalqaro turnir bo'lib o'tdi. Turnirning mutloq g'olibligi uchun kurashlarda surxondaryolik Rustam Ergashev birinchi, qashqadaryolik Bahrom Avazov ikkinchi, termizlik Bahodir Hasanov esa uchinchi o'rinlarni qo'lga kiritishdi. Turnir musobaqasida qo'shni Turkmaniston, Tojikiston respublikalaridan 47 nafar, mamlakatimizning turli viloyatlaridan 1124 nafar sara polvon, viloyatimizdan esa 55 nafar polvon ishtirok etishdi [3, 685-b.].

1997-yilning 5-6 aprel kunlari III Xalqaro turnir musobaqalari Termiz shahridagi "Alpomish" o'yingoxida bo'lib o'tdi. Turnir musobaqalarida Turkmaniston, Tojikiston, Gurjiston, Janubiy Koreya davlatlaridan, shuningdek, mamlakatimizning deyarli barcha viloyatlaridan polvonlar qatnashdilar [2, 114-b.]. 1999 yilning avji baqori, ya'ni 3-4 aprel kunlari Ko'qna Termiz shahrini yana chor tarafdin kelgan mehmonlar, nomdor polvonlar, minglab kurash muxlislari to'ldirdilar. Yana bir muhim narsani ta'kidlash kerak: obro'-e'tibori tobora yoyilib borayotgan mazkur turnirga Osiyo chempionati maqomi berilgan. Ana shunga ko'ra finalda g'olib chiqqan uch nafar polvon ayni bir paytda Osiyo chempioni degan nomga sazovor bo'lishdi. Shuningdek, bu turnir va Osiyo chempionatida o'z vazn toifalarida buxorolik Xayrulla Nasrullaev, Shuhrat Xo'jaev, surxondaryolik Botir Hasanov, Erali Mahmarasulov, toshkentlik Armen Bogdasarov, Akobir Qurbonov, Kamol Murodov, qashqadaryolik Elbek Oripov, Nodirxon Muzaffarovlar sovrindor o'rinlarni egallashdi [6, 96-b.].

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti sovrini uchun Al-Hakim at-Termiziy xotirasiga bag'ishlangan V Xalqaro kurash turniri 2001 yilning 2-4 aprel kunlari Termiz shahrida bo'lib o'tdi. Mazkur V Xalqaro turnirga mamlakatimizning barcha viloyatlaridan hamda Tojikiston, Qozog'iston, Armaniston, Turkmaniston respublikalaridan, shuningdek, Braziliyadan ham katta polvonlar kelishdi. Boysunlik mashhur polvon Abdulla Tangrievga Prezident sovrini nasib qildi [4, 7-b.]. Turnirda

o'z vazn toifalariga ko'ra g'olib chiqqanlar safida surxondaryolik Suhrob Do'stov, Maxtumquli Mahmudov, To'lqin Valiev, Bahrom Eshonqulov, Ilhom Daminov, Fayzi Ochilov, Davlat Choriev, Abdulla Tangriev, Erali Mahmarasulov, jizzaxlik Akrom Abdulahatov, toshkentlik Umid Bozorov, Salim Asilov, Laziz Qobilov, qashqadaryolik Isoq Ahmedov, Bahrom Avazov, Zohid Husanov, Nodirxon Muzaffarov, buxorolik Rustam Otaev, Shuhrat Xo'jaev, shuningdek, turkmanistonlik Rajabboy Ashurov, qozog'istonlik Zarif Bozorov, braziliyalik Aleksandr Kostrugilar bor edi [9, 79-b.].

Al-Hakim at-Termiziy xotirasiga bag'ishlangan an'anaviy VII Xalqaro kurash turniri 2005 yilning 22-24 aprel kunlari Termiz shahrida bo'lib o'tdi. Ayni bir paytda kurash va belbog'li kurash bo'yicha faxriylar o'rtasida I Jahon chempionati ham o'tkazildiki, bu narsa turnirning yana bir esda saqlanib qoladigan jihati yoki yorqin qirradi edi. Bu safargi turnir musobaqalariga ham dunyoning chor tarafidan mutaxassislar, sara polvonlar yig'ildilar. Eronlik Muhammad Rizo Nosiriy turnirning bosh hakami bo'ldi. Aytish lozimki, hakamlar tarkibida eronlik Hasan Roshshaniy, hindistonlik Muhammad Rizo Minokadesh, janubiy koreyalik Kim El Jung, Turkiyalik Metin Ozkan, isroillik Pitr Ben Rozen, armanistonlik Serob Andresyanlar bor edi [8, 82-b]. Turnir bellashuvlari shiddatli va murosasiz, ayni bir chog'da halollik bilan o'tdi. Bu gal ham boysunlik mashhur polvon Abdulla Tangriev turnirning mutloq g'olibi sifatida dovrug taratdi [3, 687-b].

Kattalar o'rtasida VIII Jahon chempionati hamda Al Hakim at Termiziy xotirasiga bag'ishlangan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti sovrini uchun kurash bo'yicha an'anaviy X Halqaro turnir Termiz shahri 2011 yil 21-23 oktabr kunlari bo'lib o'tdi. Mazkur nufuzli musobaqada shuningdek, Mug'iliston, Koreya, Yaponiya, Eron, Gruziya, JAR, Gresiya, Rossiya, Ukraina, Isroil davlatlari polvonlari sovrindorlar safida ko'pchilikni tashkil etdi [2, 114-b].

Al Hakim at Termiziy xotirasiga bag'ishlangan kurash bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Prezidenti sovrini uchun an'anaviy XI Xalqaro turniri 2013-yil 16-21-may Termiz shahrida bo'lib o'tdi. O'n ming tomoshabinga mo'ljallangan zamonaviy "Surxon" sport majmuasining muhtasham stadioni jahon polvonlarini yana kurash bahslariga chorladi. Ikki kun davom etgan murosasiz musobaqalarda dunyoning o'ttizga yaqin davlatidan kelgan polvonlar o'zaro kuch sinashdi [9, 128-b.].

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti sovrini uchun Al-Hakim at-Termiziy xotirasiga bag'ishlangan a'anaviy XI xalqaro turnirda polvonlar uch vazn toifasida gilamga tushdi. Qizg'in bahslar davomida Janubiy Koreya, Eron, Kongo, Hindiston,



Vetnam, Isroil, Rossiya, Tailand, Janubiy Afrika Respublikasi kabi mamlakatlardan kelgan polvonlar mahorati yaqqol namoyon bo'ldi. Yakuniy natijaga ko'ra, 66 kilogramm vazn toifasida birinchi o'rinni O'zbekistonlik Sharofiddin Lutfullaev, 81 kilogramm vazn toifasida hamyurtimiz Bekzod To'raboev egalladi [8, 120-b].

Xalqaro turnirning mutlaq vazn toifasi finalida o'zbek polvoni Samijon Ubaydullaev tojikistonlik Parviz Sobirovni mag'lubiyatga uchratib, turnirning mutlaq g'olibi bo'ldi va O'zbekiston Respublikasi Prezidenti sovrini - o'n ming AQSh dollarini qo'lga kiritdi. Ikkinchi o'rin - to'rt ming dollar tojikistonlik Parviz Sobirovga nasib etdi. Ikkita uchinchi o'rinni rossiyalik Vladimir Trusov va eronlik Xosraviniyat Saidband etib, har biri 1,5 mingdollar miqdoridagi pul mukofoti bilan taqdirlandi [5, 71-b].

Termiz shahrida kurash bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Prezidenti sovrini uchun Hakim at-Termiziy xotirasiga bag'ishlangan XIII xalqaro turnir 2017 yil 27-28 may kunlari bo'lib o'tdi. Xalqaro turnirda polvonlar uch vazn toifasida gilamga tushdi. Vazni 73 kilogramm bo'lgan polvonlar bellashuvida barcha sovrinli o'rinlar mamlakatimiz sportchilariga nasib etdi. Hikmatilla To'raev birinchi, Davlat Abraev ikkinchi, Suhrob Xudoyberdiev va Sherbek Abloqulov uchinchi o'rinni egalladi. Vazni 90 kilogramm bo'lgan kurashchilar o'rtasida ham polvonlarimizga teng keladigani topilmadi. Yahyo Imomov shohsupaning eng yuqori pog'onasiga ko'tarildi. Shuhrat Arslonov kumush, Dilshod Choriev va Kamoliddin Rasulov bronza medal bilan taqdirlandi [10].

2021 yil 9-12 aprel kunlari Surxondaryo viloyati Termiz shahrida kurash bo'yicha Al-Hakim At-Termiziy xotirasiga bag'ishlangan an'anaviy XV xalqaro turnir tashkil etildi. Unda dunyoning 27 ta davlatidan 105 nafar ishtirokchi qatnashdi. Shundan 75 nafari sportchilar bo'lib, ularning 15 nafari xotin-qizlar tashkil etdi. Mazkur turnirda mamlakatimiz sharafini 49 nafar polvon himoya qildi. Ulardan 24 nafari surxondaryolik polvonlardir [11].

Surxon vohasida tashkil etilgan milliy kurash bo'yicha Xalqaro kurash barcha turkiy xalqlarning ma'naviy dunyoqarashini, o'zaro hamkorligini yanada jadallashishiga, azaliy qadriyatlarining tiklanishishiga xizmat qildi. Ajdodlari bir bo'lgan turkiy xalqlarning ruhini o'ziga munosib mujassam etgan metindek irodali polvonlarini ruhan tarbiyaladi va ma'naviy qo'llab quvvatladi [1, 263-267 b.]. Milliy kurash tartib qoidalariga huquqiy maqom sifatida kiritilgan "Ta'zim", "Kurash", "To'xta", "Halol", "Yonbosh", "G'irrom", "Dakki", "Challa", "Tanbeh", "Bekor", "Teng", "Vaqt" kabi o'zbekcha ibora va so'zlarini jahon miqyosida tarjimasiz



aytilishi Al-Hakim at-Termiziy ruhining ulug‘ bashoratga ega ekanligidan dalolat beradi.

1999-yil Toshkent shahridagi «Jar» sport majmuida Milliy kurash bo‘yicha o‘tkazilgan birinchi jahon chempinatida bir qator turkiy davlatlardan tashrif buyurgan polvonlar muvaffaqiyatli ishtirok etishdi. Turnirda Turkiyalik Selim Tatar o‘g‘li g‘olib chiqdi. Bu pahlavon finalda Barselona Olimpiadasi chempioni Gruziyalik pahlavon David Xakaleytilini yutdi [7, 346-b].

2011 yilning 14 iyuli: bu sana O‘zbek sporti - kurashning Olimpiya o‘yinlari dasturiga kirishi yo‘lda tashlagan yana bir dadil qadami sifatida tarix sahifasidan o‘rin egalladi. Yaponiya poytaxti Tokio shahrida bo‘lib o‘tgan Osiyo Olimpiya kengashining yubiley XXX Bosh Assambleyasida "Kurash" xalqaro "assotsiatsiyasi rahbariyati ham ishtirok etdi va milliy sport turi 2013 yili Janubiy Koreyaning Incheon shahrida yopiq sport inshootlarida va jangovar san‘at turlari bo‘yicha tashkil etilgan IV Osiyo o‘yinlari dasturidan o‘rin egallagani rasman e‘lon qilindi [5, 78-b.].

**Xulosalar (Conclusions).** Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, mustaqillik yillarida o‘zbek kurashi tamomila yangi rivojlanish bosqichiga qadam qo‘ydi. Shu asosda o‘zbek kurashining nafaqat mamlakatimizda rivojlantirish balki, xalqaro sport musobaqalari toifasiga kiritish borasida ham amaliy tadbirlar ham boshlab yuborildi. O‘tgan yillar davomida 130 davlat Xalqaro kurash assotsiatsiyasiga a‘zo bo‘lgani, har yili turli qit‘a va mamlakatlarda jahon chempionati, xalqaro turnirlar tashkil etilayotgani buning dalilidir. O‘zbek milliy kurashi bo‘yicha xalqaro turnirlarni muntazam tashkil etilib kelinayotganligi va ularda turkiy davlatlar polvonlarining faol eshtirok etib kelishi mazkur davlatlar o‘rtasida sport sohasida hamkorlik aloqalarini yangi bosqichga olib chiqishga xizmat qildi.

Millatimiz nomi bilan jahon sportiga aylangan kurash bugun dunyoning 100 dan ziyod mamlakatlarida jadal rivojlangani Vatanimizning shonu - shavkatiga daxldorman degan kishilarni g‘ururlantirmoqda. Nafaqat o‘zbek xalqi, balki barcha turkiy xalqlar orasida qadimdan keng tarqalib kelgan kurashning bugunga kelib butunjahon tomonidan e‘tirof etilishi barcha turkiy xalqlar uchun katta ahamiyat kasb etadi.

## REFERENCES

1. Behruz M. (2022, April). O‘ZBEKISTONNING TURKIY TILLI DAVLATLAR HAMKORLIK ITTIFOQIDAGI O‘RNI. In E Conference Zone (pp. 263-267).

2. Jumadurdiyev B. (2023). KURASH SPORTINING ORNI VA AHAMIYATI. Евразийский журнал академических исследований, 3(4 Part 2), 113-119.
3. Komilov A.X. (2022). O'ZBEK MILLIY KURASHI TARIXINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. Academic research in educational sciences, 3(2), 684-687.
4. Nazirov B. (2021). Полвонлар ўзбек халқининг маънавий ҳаётининг жисмоний таянчидир. ДАВР, ЗАМОН, ШАХС.
5. Nazirov B. O'zbek milliy kurashi tarixi (Surxon vohasi misolida). Monografiya – T.: “KITOB NASHR”, 2023. – 152 b.
6. Norboev H. Surxon polvonlari. Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti. 2010. – B. 96.
7. Shodiqulov E.S. (2023). TURKIYANING MARKAZIY OSIYO MAMLAKATLARI BILAN MADANIY VA TA'LIM SOHASIDA HAMKORLIK MASALALARI. Innovative Development in Educational Activities, 2(8), 346-351.
8. Toshpulatov J., Mustofaqulov R. Alpomishlar afsona emas. – Toshkent: Yangi asr avlodi. 2007. – B.127.
9. Tursunov S.N., Pardaev T., Begimqulov O. O'zbek milliy kurashi tarixi va an'analari. – Termiz: «Surxon nashr» nashriyoti. 2015. – B. 79.
10. Xalq so'zi. 2017 yil 29 may.
11. Xalq so'zi. 2021 yil 10 aprel.

## **IMPROVING PHYSICAL DEVELOPMENT OF CHILDREN BY TEACHING THEM TO SWIM FROM INFANCY**

**M. N. Norkobilov**

Associate Professor of the Department of "Physical education and Sport" of the Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers National research university

**A. M. Mukhametov**

Associate Professor of the Department of "Physical Culture and Sports Activities" of the Tashkent Financial Institute

**Z. B. Khamraeva**

teacher of the Department of "Physical Culture and Sports Activities" of the Tashkent Financial Institute

**F. A. Tashpulatov**

Associate Professor of the Department of "Physical Culture and Sports Activities" of the Tashkent Financial Institute

### **ABSTRACT:**

The main form of organizing and conducting swimming lessons is a group lesson, which embodies the entire educational process. The task, content and direction of each lesson are determined based on the tasks and educational material set before the course, as well as the knowledge and skills of the participants acquired in the previous lessons. The lesson plan is created on the basis of tasks and methods of training. It is conditionally divided into three parts - preparatory, main and final parts. In the preparatory part, the task of organizing and preliminary training of the participants is carried out. It involves organizing students (sorting, reporting, sorting, etc.), briefly returning what has been passed, correcting general and personal mistakes, explaining and demonstrating new educational material, performing previously learned and new auxiliary exercises and, Finally, there is the exercise of writing, which is necessary for the body of the exercisers to enjoy the success of the exercise.

**Keywords:** Swimming lessons, Children's health activities, Basics and methods of training, Planning and content of training lessons, Methods of organizing training for children and teenagers.

Teaching children to swim from infancy is very important to improve their physical development. In this case, tasks such as mastering the technique of swimming, development and improvement of movement qualities of participants are solved in the main part of the lesson. This can include elements of swimming techniques, teaching and mastering start and turn techniques, showing deficiencies in the quality of the exercises performed by the participants of the taught swimming style, and giving some warnings of educational importance. [6].

It is necessary to take into account their unique anatomical, physiological and psychological characteristics when organizing and implementing the initial swimming training of children. There is no fundamental difference between the methodology of primary training of swimming for children and adults. However, when the teacher works with children, it is necessary to use methodological methods depending on their age characteristics and capabilities [7]. When teaching children to swim, methods of explanation and demonstration are used widely. When working with young children, demonstration is combined with explanation in a light and easy form [8]. A full and deeper explanation using visual aids is necessary in teaching middle and older children. It is necessary to take into account that children's minds are sharp when accepting what they see [9]. Therefore, the presentation must be accurate and competent. The quality of swimming technique acquisition and the sports future of students largely depends on the quality of performance. It is absolutely impossible to allow children to perform the swimming technique incorrectly and sloppily during the exercises. It is necessary to correct every movement of children who have mastered swimming technique in a general, rough form. However, children aged 5-8 usually do not know how to swim at all, and many of them do not dare to enter the water independently and perform even the simplest exercises. Even when swimming on their own with an inflatable circle, their legs and arms still move like they do when they walk. In this case, the head is raised above the surface of the water. As a result, the legs sink deep into the water, the body becomes almost vertical, and it becomes almost impossible to move in the water. It is difficult for children aged 5-8 years to memorize the exercises shown in the water and they are slow to accept verbal explanations. They perform the indicated and explained

exercises or some swimming movements with great difficulty [10]. At the same time, they need the teacher's direct, spiritual support. Therefore, it is advisable for the teacher to be in the water until the children learn to confidently enter the water independently and perform swimming exercises. The direct involvement of the teacher encourages them and helps to teach swimming movements correctly. For example, children hold a special handle on the edge of the pool with their hands, and in order to perform leg movements correctly, the teacher should help them to stand horizontally by holding their leg around the knee or boulder-paw joint. When teaching swimming on the chest or lying on the back with the help of leg movements, the teacher walks next to or in front of the child, holds him by the elbow and helps him perform hand movements. Exercises are performed with the help of a swimming belt, then without a belt. Before starting to teach sports swimming techniques, it is necessary to use a complex of special preparatory exercises aimed at mastering the water environment. There is a big difference between these exercises and the exercises performed during the primary education of older and middle-aged children [11].

In our opinion, it is appropriate to organize water training exercises for children aged 5-8 years as follows:

Immersion of the child in water, including first up to the chest, then up to the shoulder girdle and completely with the head. In this case, the exercise should be carried out while holding the child by the hand. At the same time, it is very important to teach a child to hold his breath while submerged.

The same as the previous exercise. It is done by holding the child's hand and only without immersing it in water. The teacher swims in the breaststroke method or is immersed in water up to the neck, holding the child's back or his shoulders.

A child lying on the breast is held by the hand, until the head is submerged in water, and while lying on the back, the child swims on the back by holding the armpit or the head [12].

The teacher helps the children to stand horizontally (on the chest and on the back) and to maintain this position by holding the child's lower back and abdomen. a) next to the body; b) forwarded; c) one hand is stretched forward, the other is next to the body; g) it is helped in cases where the elbows are written to the sides and the palms are placed behind the head (only when lying on the back).

These exercises are performed first standing in one place, and then moving together with the teacher.

When children slide from one teacher to another in the water, they are helped to maintain a horizontal position (in different positions of the hands, lying on the chest and on the back); The horizontal position is maintained when sliding from the teacher to the edge of the pool, from the edge of the pool to the teacher, using the speed calculated by the teacher's tool (lightly pushing) or from the edge of the pool with his foot [13].

Lying on the back, with the help of leg movements (in different positions of the hands), they swim in groups across the width and height of the pool. Teachers stand on the edge of the pool and observe and guide. They give necessary instructions to the children about keeping the body in the water correctly, swimming movements of the legs and breathing correctly. Children are taught to move their legs while lying on their backs (in different positions of their hands) and to match them with leg movements and breathing in the following sequence:

While lying on his back, he swims by leg movements, the teacher follows and corrects the movements of the hands by walking next to or in front of the child. The teacher holds the child's elbow and helps him perform hand movements.

He lies on his back and swims across the pool. The teacher walks next to the child and observes him, showing him hand movements and breathing and exhalation.

Lying on his back, he swims along the length of the pool. The teacher floats next to the child and becomes his eyes and ears.

That's why. The teacher walks along the edge of the pool (with and without a stick) and shows the child hand movements and matching them with breathing.

After the above-mentioned exercises are thoroughly mastered, it is possible to teach starting jumps. Turns are taught directly with the help of a teacher. The teacher demonstrates the turn in the water and teaches it together with diving and retrieving objects from the bottom of a shallow pool. The instructor first dives with each child, then watches them dive independently in turn. The process of teaching children to swim at the age of 9-10 is basically similar to the process of teaching middle-aged, older and adults to swim [14]. But in the first stage of training, the teacher is in the water to conduct general preparatory exercises for mastering the water and to show the children the execution of the exercises for mastering the foot movement technique and to supervise them and provide assistance if necessary. is necessary.

An atmosphere of cheerfulness should be created in each of the classes dedicated to entertaining games, whether on land or in water. It excites the children,



improves their mood and increases their enthusiasm for the next lessons. For this, the teacher must mobilize all his experience, skills and abilities [15].

Development of a healthy lifestyle among students of general secondary schools of the Republic of Uzbekistan is one of the priorities of the education sector today. Of course, in order to increase the student's interest in physical education and sports, strengthen their health, strictly adhere to a healthy lifestyle, and at the same time ensure that they regularly engage in sports in places (in preschool educational institutions, schools, academic lyceums, vocational technical schools, family educational institutions) in order to increase the interest of students in sports "Decree No. PF-5787 in August 26<sup>th</sup>, in 2019 on measures to further improve the procedure" was adopted. On the basis of this decree, all educational facilities in the country (pre-school educational institutions, schools, academic lyceums, vocational technical schools, family educational institutions) are to be built, renovated and equipped with sports equipment. is intended to provide. Where there are good conditions, there will definitely be development. Therefore, if all conditions are met in the field of sports, i.e., training halls, special training grounds for various types of sports, all types of sports, if they are provided with enough equipment, of course, they will have a qualified pedagogue and coach if the trainers teach, not only healthy lifestyle, but also interest in sports will increase, and it is possible that a certain type of sport will become the meaning of their life.

As for the concept of a healthy lifestyle, a healthy lifestyle is an active action aimed at improving and protecting human health. One of the leading scientists in the field of "Physical culture" of the Republic of Uzbekistan on healthy lifestyle Sh.Kh. Khankeldiyev and others published a textbook entitled "Physical Culture of a Healthy Lifestyle". The textbook contains useful information for students of general secondary schools, academic lyceums, vocational colleges, and higher education institutions in the field of education of the Republic of Uzbekistan. In the textbook "Physical culture of a healthy lifestyle" the daily movement activities of students are clearly indicated within the framework of regulation. That is, it is assumed that each student should independently draw up his own agenda with his teacher. Having a daily routine is a great help in developing the internal and external conditions of each student's body.

It is known that human health is directly related to many areas. In this, medical and hygienic requirements, rest, food, sleep, and cultural recreation are of great importance. In their composition, realistic movement (swimming, running, jumping,

lifting, breathing, etc.) is considered the most important. Physical exercises, sports, trips, trips and national games of the people can fully serve to improve the quality and improvement of natural movements. Together with the content of physical culture and sports focusing on certain goals, they are directed to the education of the physical fitness of the population, especially young people and students. This makes a spiritually and physically well-developed person. Therefore, physical education, sports, travel and national games of the people acquire their own characteristics in the context of a healthy lifestyle.

We know that in our country, in order to increase the productivity of work in educational institutions, enterprises and factories, industrial gymnastics, which is part of the fitness gymnastics tour, is being supported. Industrial gymnastics helps to strengthen the health of workers, and on this basis contributes to the increase of labor productivity. In the same way, in order to widely promote "Morning physical education" in all educational institutions of our country, including general secondary schools, 10-15 minutes before the start of classes, students and teachers Together, morning physical training exercises are performed to the accompaniment of music, and the students' psychological and physiological moods are improved, and they ensure that they start the lessons in an upbeat mood. Of course, morning physical education is the basis for ensuring that a person is physically fresh and energetic during the day, and his mood is at an excellent level, and most importantly, the productivity of work and study during the day, as well as human energy.

It is known that physical education and its means (general development exercises, games, sports, hiking, trips, etc.) have their own characteristics, that is, active practical actions (physical education and sports) as a result, it moves all the joints and muscles in the human body. Regular physical training and sports ensure physical fitness. In this case, breathing speeds up and deepens, the blood circulation system warms the body and nourishes cells and tissues well. Also, physical exercises directly serve to digest food and calm and strengthen the nerves. On this basis, health improvement, physical training and training of sports skills are carried out. When performing these actions, it is necessary to take into account the age, gender, and health of the participants. Therefore, physical exercise is a source of health, stamina and fitness.

Exercises vary in form and content. They can be divided into the following main groups: morning hygienic gymnastics exercises, that is, body movements, especially various movements that use the joints (walking, running, jumping,

bending, turning, swinging, stretching, etc.). Doing comprehensive physical activities during free time (on weekends, evenings and mornings). In this case, it is on the way to a specific goal (it is possible to exercise, gain strength).

(Exercises, games, competitions, etc.)

Participation in sports clubs.

Traveling on weekends and holidays [1].

Almost all exercises and movements are performed in a unique way, and the standards of performance are also different. For example: someone does the exercise of sitting in the standing place quickly, and someone slowly. Someone can repeat this exercise 5-10 times, and someone can repeat it 20-30 times. These types of situations can be found in all types of training and active activities.

Therefore, it is necessary for teachers and everyone to know the ways, amounts, and sizes of exercises to choose and manage them depending on the health and physical condition of the participant. We must ensure that students in pre-school educational institutions or general education schools engage in activities that are appropriate for their age, both physically and mentally. That is, every teacher, pedagogue or coach should distribute the load correctly. In order to train the child from a young age, they can be involved in heavy sports from the age of 6-8. As a result, it has a negative effect on the body of a child who has not yet trained and it is not ready physically for special exercises. According to the experts the exercise for developing child's body, it should be given to the sport of swimming. As a result, the child will be trained, both physically and mentally, and their body will be ready for special exercises.

### **Conclusion**

To conclude, it can be noted that the methods of explanation and demonstration are used widely when we teach children to swim. Especially when working with young children, it is appropriate to show and explain in the light and easy form. It is necessary to provide a full and deeper explanation to use visual aids for teaching of older and middle-aged children. It should be taken into account that children's minds are sharp when accepting what they see. Therefore, it is very important that the presentation is correct and competent. Therefore, the quality of mastering swimming techniques and the sports future of students largely depends on the quality of performance. During the exercises, it is necessary to avoid incorrect execution of the technique of swimming movements, and it is necessary to correct each movement of children who have mastered the technique in a general, rough form. Children who

aged 5-8 years old are usually do not know how to swim at all, so they need direct, spiritual support from the teacher. Therefore, it is better for the teacher to be in the water until the children can confidently enter the water independently and learn swimming exercises.

## REFERENCES

1. Carmen Pârvu, Bogdan Constantin Ungurean 2, Cristina Gabriela Zamfir 3, Zukhro Bahadirovna Khamraeva 4, Daniel Gabriel Alistar. The Impact of Technology on Improving the Learning Process in Physical Education Lessons for Medically-Exempt Pupils/ Balneo and PRM Research Journal 2023, 14(2), <https://doi.org/10.12680/balneo.2023.551>
2. Ташпулатов Ф., Хамраева З. ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ //Educational Research in Universal Sciences. - 2022. - Т. 1. - №. 4. - С. 10-17
3. Farhad T., Khamraeva Z. B. PROBLEMS AND SOLUTIONS IN CHILDREN'S FOOTBALL //INTERNATIONAL CONFERENCES ON LEARNING AND TEACHING. - 2022. - Т. 1. - №. 1. - С. 45-51.
4. Tashpulatov F. A., Shermatov G. K. Wrestling-The Honor of Uzbek Nation //Eurasian Scientific Herald. - 2022. - Т. 8. - С. 205-208.
5. Alisherovich T. F. Sog'lom turmush tarzini shakillantirishda jismoniy madaniyatning inson hayotidagi roli //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI. - 2022. - С. 187-190.
6. Khamrayeva Z. B. Physical Education of Students in Modern Conditions //European Journal of Business Startups and Open Society. - 2022.
7. Shermatov G. K. Classification of Methods of Sports Wrestling, System //EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY. - 2022. - Т. 2. - №. 2. - С. 39-42.
8. Мухаметова.М. (2021) Methodology for Normalizing Workload in Health Classes, european journal of life safety and stability,<http://www.ejlss.indexedresearch.org/>
9. Мухаметова.М. (2021) Stages and Methods of Teaching Children to Play in Badminton International Journal of Development and Public Policy <http://www.openaccessjournals.eu/>

10. Шерматов F.K. (2021) DYNAMICS OF PHYSICAL DEVELOPMENT OF STUDENTS WITH ONE AND TWO TIME COMPULSORY LESSONS, World Economics & Finance Bulletin (WEFB) <https://www.scholarexpress.net/>
11. .Мухамметов, А.М. (2022). Научно-методические основы нормирования нагрузок в физкультурно-спортивном здравоохранении. Евразийский научный вестник, 8, 194-197.
12. Khurramovich, K.F. (2022).DEVELOPING A SET OF WELLNESS EXERCISES FOR MIDDLE AGED MEN (45-60 YEARS OLD) ACCORDING TO PHYSICAL PREPARATION. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 3(04), 165-169.
13. M.N.Norqobilov. “Jismoniy tarbiya va sport” nomli o‘quv qo‘llanma, “VNESHINVESTPROM” MCHJ. KBK 316.334.3(075.8), UDK 796:378(075), ISBN 978-9943-7454-4-5. Toshkent 2021y. 12.6 b.t.
14. Z. Ismailova<sup>1\*</sup>, S. Ashurova<sup>2</sup>, Z. Nasimova<sup>3</sup>, A. Sultanov<sup>4</sup>, O. Shukurova<sup>5</sup> and M. Norqobilov<sup>1</sup> /Developing technical thinking of students in the process of preparation for professional activity. *BIO Web of Conferences* **65**, 10003 (2023) [https://doi.org/10.1051/bioconf/20236510003\\_EBWFF\\_2023](https://doi.org/10.1051/bioconf/20236510003_EBWFF_2023)
15. Qaxxorovich S.G. Methodology of Organizing Wrestling Competitions //Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences. – 2022. –T.1. -№. 4. – С. 14-18.

## INTERNATIONAL TOURISM AND UZBEKISTAN

**Dilfuza Zairjanovna Saydaliyeva**

Chet tillar kafedrası dotsent v.b.

Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O'zbekiston

**Ruxshona Oybek qizi Ulug'ova**

Toshkent davlat transport universiteti IMTA-8 guruhi

### ANNOTATSIYA:

Maqolada Turizm, jahon iqtisodiyoti, Xalqaro turizm jahon iqtisodiyotining eng muhim, barqaror va dinamik holda rivojlanishi, Xalqaro turistlar, Xalqaro turistik xizmatlar ko'rsatish va servis sohasi tarkibi, aholining ijtimoiy sohasida turistik mahsulotlarga bo'lgan talabi va ehtiyoji ortishi, O'zbekiston, xalqaro turizmni rivojlantirish bo'yicha olib borilayotgan ishlar kabi masalalar yoritilgan.

**Tayanch so'zlar:** Turizm, jahon, iqtisodiyot, barqaror, dinamik, turistik xizmat, aholi, ijtimoiy soha, turistik mahsulotlar, O'zbekiston, rivojlanish.

### АННОТАЦИЯ:

В статье рассматривается Туризм, мировая экономика, Международный туризм – важнейшая, стабильная и динамичная часть мировой экономики. развитие, международные туристы, международные туристические услуги и структура сферы услуг, социальная сфера населения в туристические продукты Освещены такие вопросы, как рост спроса и потребности Узбекистана, проводимая работа по развитию международного туризма

**Ключевые слова:** Туризм, мир, экономика, стабильная, динамичная, туристический сервис, население, социальная сфера, туристический продукт, Узбекистан, развитие..

### ABSTRACT

In the article Tourism, world economy, International tourism is the most important, stable and dynamic part of the world economy development, international tourists, international tourist services and the structure of the service sector, the social sector of the population into tourist products Issues such as the increase in demand



and need, Uzbekistan, the ongoing work on the development of international tourism are highlighted.

**Keywords:** Tourism, world, economy, stable, dynamic, tourist service, population, social sphere, tourist products, Uzbekistan, development.

Tourism with its multifaceted composition is all of society's life has been actively influencing the fields. It is the majority of the economy allows to develop aspects. Including transport networks, communications, road construction, hotels, catering enterprises, public utilities, household services, service industry, trade networks, etc. Tourism development at the same time organization of the industry of special recreation, recreation and entertainment facilities reaching, in its place, a number of related to quality service to tourists covered areas. Tourism in itself is a complex and integrated part of the world economy. It has a significant impact on the entire world economy. It is the same for the economy of individual countries and regions belongs to. In some countries, international tourism is the only source of foreign exchange earnings is the source. Thanks to him, economic progress is high level and people's well-being are supported. Currently, the share of tourism in world exports of goods and services about 8% of all world exports, 30% of world trade in services, 11% of world gross product, 9% of world capital flows, world 11% of consumer spending, 5% of global tax revenue is correct came. In addition, tourism has a significant impact on the employment of the population is conducting. According to experts, modern tourism and with it every eighth employee in the world is employed in related fields. Tourism industry is among the three leading export sectors of the world economy. Only oil production and refining and automotive industry ranks only after industries. Tourism as a single system in most countries of the world is developing and brings significant income to the country's budget. Also, many are related to the provision of tourist services provides assistance to individuals and legal entities. Tourism is not only the largest, but it is developing in the most dynamic state of the world economy one of the sectors. He is a centenarian with rapid growth in pictures recognized as an economic phenomenon. During the second half of the 20th century the number of international tourists increased by almost 28 times. Revenues from this type of service and increased by 237 times. First and foremost is the growing demand for tourist services around the world explained by socio-economic reasons (increase in general incomes and an increase in free time, an increase in the duration of paid vacations, Adequate level of allowance provision, reduction of children in the family composition change in exchange, etc.). Also the growth in the development of transport, its depreciation and affordability of

all, currency restrictions reduction or abolition, liberalization of the visa regime etc. International tourism is based on the balance of payments in many countries is considered an important factor in making In recent years, the population of tourism in the world is becoming an important generator of employment and the world is attracting huge investments in its infrastructure. And this both local residents and visiting tourists serves to improve well-being. A lot of work in tourism places appear in regions where tourist enterprises are developing. This while balancing economic opportunities, all rural residents helps prevent the flow to cities with amenities. Understanding and seeing international characteristics and personal

the establishment of contacts is formed thanks to the tourism industry. International tourism to the economic, social, political, cultural, educational spheres of a country

significantly affected. Tourism is a huge cultural and spiritual having meaning, strengthening consensus, mutual between peoples strengthening of cooperation, elimination of regional and local conflicts opens wide horizons in strengthening sustainable peace.

Analyzing the concept of "tourism" using a systematic approach, American professor Mainsen University, Oakland sh. Let's distinguish the Leiper concept. He calls tourism a system consisting of three main elements:

1. Geographical component;
2. Tourists;
3. Tourist industry.

The geographical component covers the elements in place takes: □ a region that "generates" tourists; □ transit region; region of tourist destinations.

The region that "produces" tourists is manifested as the place where tourists start their journey and organize it. The main factors of studying the issues of this element are their socio-economic and demographic characteristics, the geographical location of the land.

motivational qualities of tourism students are considered. Naturally, the main marketing operations in the tourism industry are carried out here. Tourists are constantly potential in the region "creating". motivations that invite consumers to travel) processes take place. People read books and magazines about different countries they watch, study advertising information, watch television, they communicate with their acquaintances and relatives and finally come to a certain decision and go on a journey. Factors affecting tourism: natural, economic,

technological, social, cultural, political, legal, physical, etc. The meaning of the word transit is the transportation of passengers and goods from one country to another through the territory of a third country. Tourists may stop for a period of time (from a few hours to several days) in what are called transit areas on their way to their destination. It is primarily a place of transition from one transport to another (for example, from a plane to a bus). That is why the transport service plays a key role here. One of the functions of the transit region is to cater to tourists

(restaurants, cafes, etc.) is the provision of services. However, tourists can stay here for a few days to see the sights.

The transit region (transit route) is the link between the tourist destinations and tourist destinations. This concept is the most important element of this scheme. Because different tourist streams can pass through the transit region. But the journey purpose is a tourist destination region. Let's talk about the concept of destination, its essence and features.

"Destination" comes from the Latin word "destination" and means "place, address, place". This term began to be widely used in the field of tourism in the 90s of the 20th century. In foreign literature, there are two different approaches to defining the concept of "destination". In the first approach, the destination is interpreted as a territory with a certain (congratulations to Prof. Leiper) geographical boundary. From another point of view, a "destination" is a geographical territory that attracts tourists. That is, the attractive category comes first. It may not be the same for different tourist groups. For example, tourists people of different ages, money, interests, recreation in a limited area (camping, hotel) may not be completely compatible with the travel goals. Some are attracted by beaches and seas, while others are attracted by historical sites and museums, third people are entertained by sightseeing, active recreation, etc.

Development of international tourism in Uzbekistan and its new in terms of upgrading, first of all, it is appropriate to stop at such centers as Samarkand, Bukhara, Khiva, Shahrisabz, which are rich in ancient cultural and architectural monuments. In these cities, there are incomparably many ancient historical monuments that surprise and amaze the people of the world. This is everyone who lives in different countries of the earth they live in the dream of seeing cities with their own eyes. A lot

among countries, Uzbekistan is famous for its cities. The art of preserving the beauty of these cities amazes tourists from abroad. These historical cities of Uzbekistan can easily be called "jewels of the East". Samarkand is one of the oldest

cities in the world. Babylon, Rome, Equal to the cities of Athens. The first one about Samarkand the information dates back to the 4th century BC. At that time, this city, which was known as Marokand, was surrounded by powerful protective walls with a length of more than 10 kilometers. Samarkand, which has gone through a complex historical path, flourished and fell into ruin several times in its history. Like every city in the world, it is based on the objective laws of the historical development of society

It grew and developed as a city.

**Conclusion:** Conclusion. In terms of development of international tourism in Uzbekistan, it is currently acting in accordance with world standards. Today, in addition to Samarkand, Bukhara, Khiva, Shahrissabz, which are rich in cultural and architectural monuments, tours to the places where the saints lived are also widely organized in ancient villages in the remotest regions. Therefore, it is not for nothing that the historical cities of Uzbekistan are called "Jewels of the East". Today, it is an important task to introduce our youth to tourism and its importance on a global scale, to know their homeland and its history, and to introduce it to the world.

## REFERENCES

1. Александрова Ю.А. «Международный туризм» Учебник. М:«Аспект пресс» 2004г. 342
2. Александрова Ю.А. «Международный туризм» Учебное пособие для вузов. М:«Аспект пресс» 2001г.
3. Saydaliyeva D.Z. Intelligent traffic flow management. American Journal of Interdisciplinary Research and Development. -60x84, 2022-yil. <https://ajird.journalspark.org/index.php/ajird/article/view/149/142>
4. Saydaliyeva D.Z. The role of innovative technologies in the English Lesson. European journal of molecular and clinic medicine. -журнал, 2021-yil. 2021/8 [https://ejmcm.com/article\\_7254.html](https://ejmcm.com/article_7254.html)
5. Saydaliyeva D.Z. Forms of pronouns. Eurasian journal of learning and academic teaching, 2022. <https://geniusjournals.org/index.php/ejlat/article/view/2151>
6. Saydaliyeva D.Z. Semantic and syntactic features of relative pronouns in English
7. nguage. ResearchJet journal of analysis and inventions <https://reserchjet.academiascience.org/index.php/rjai/article/view/581>
8. Saydaliyeva D.Z. Student interest criteria in the process of learning english. Uzbek scholar lournal, 2022. <https://uzbekscholar.com/index.php/uzs/article/view/302>

9. Saydaliyeva D.Z. Semantic and syntactic features of relative pronouns in English language. ResearchJet journal of analysis and inventions, 2022.
10. <https://reserchjet.academiascience.org/index.php/rjai/article/view/581>
11. Saydaliyeva D.Z. Student interest criteria in the process of learning english. Uzbek scholar lournal,2022. <https://uzbekscholar.com/index.php/uzs/article/view/302>
12. Saydaliyeva D.Z. The importance of the process of using literary texts in language teaching. Uzbek scholar lournal, 2022. <https://uzbekscholar.com/index.php/uzs/article/view/308>
13. Saydaliyeva D.Z. Semantic and syntactic features of relative pronouns. ResearchJet journal of analysis and inventions, 2022. <https://reserchjet.academiascience.org/index.php/rjai/article/view/583>
14. Tulaboyeva Gulorom Tulaboyevna, Saidaliyeva Dilfuza Zairzhanovna THE IMPORTANCE OF THE PROCESS OF USING LITERARY TEXTS IN LANGUAGE TEACHING <https://uzbekscholar.com/index.php/uzs/article/view/308>
15. Tulaboeva Gulorom, Dulfuza Saydaliyeva, (2022) Economics of education: Badic concepts and experience of sistem analysys, Modern materials Science: Topical Issues, Achievements and Innovations, 2022-4,5-03
16. Tulaboyevna, T. G., & Zairzhanovna, S. D. (2022). STUDENT INTEREST CRITERIA IN THE PROCESS OF LEARNING ENGLISH. Uzbek Scholar Journal, 9, 206-207. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/5PH4B>
17. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
18. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
19. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. DIgitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – T. 12. – C. 209-218.
20. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – C. 145-150.

21. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
22. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
23. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. Digitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – T. 12. – C. 209-218.
24. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – C. 145-150.
25. Olimovich A. K., Butabaev M., Kh S. D. PROJECT MANAGEMENT IN THE SYSTEM OF STRATEGIC COMPANY MANAGEMENT //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – T. 11. – №. 7. – C. 40-44.



## МУСОБАҚА ШАРОИТИДА ЁШ КУРАШЧИЛАРНИНГ СЕЗГИ ОРГАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Ш. Н. Турдиев**

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт  
университети мустақил изланувчиси

### АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада ёш курашчиларнинг сезги органларидан, хусусан, ҳаракат-мушак, бадан ва мувозанат сезиларидан оқилона фойдалана олиши, фазони идрок қилиши ва диққатни бир жойга тўплаб, тўғри тақсимлаб ишлата олиши кураш мусобақаларида катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Кураш, усул, сезги, мушак кучланиши, вестибуляр аппарат, ҳаракат ҳимоя сезгилари, юқори кўзгалувчанлик, гиламдаги масофани идрок қилиш, диққат.

### АННОТАЦИЯ:

В этой статье объясняется, что способность юных борцов разумно использовать свои органы чувств, в частности чувства движения - мышцы, тело и равновесие, воспринимать пространство и уметь правильно концентрировать и распределять внимание, имеет большое значение в соревнованиях по борьбе.

**Ключевые слова:** Кураш, метод, интуиция, мышечное напряжение, вестибулярный аппарат, двигательные защитные ощущения, высокая возбудимость, восприятие расстояния на ковре, внимание.

### ABSTRACT:

In this article young wrestler's taking advantage of senses, such as, movement-muscle, body and balance senses, perceiving space and paying attention, correct distributing the attention which can have great importance in wrestling competitions are illustrated.

**Keywords:** Wrestling, technique, sense, muscle tension, vestibular apparatus, movement defense reactions, high sensitiveness, perception of distance in the wrestling carpet, attention.

Кураш билан шуғулланиш юқори жисмоний кучланишни талаб қилади. Кураш ўзгариб турадиган шарт-шароитларга доимий равишда жавоб қайтариш билан боғлиқ бўлган машқлар жумласига киради. Кураш жараёнида вазият тўхтовсиз ўзгариб туради. Курашчи ўз кучи ва рақибининг ожиз ва кучли томонларини ҳисобга олиб ҳаракат қилиши, лозим бўлганда ўз ҳаракат режасини тезлик билан ўзгартириши, чаққонлик билан тўғри қарор қабул қилиши, рақиб ҳаракатларини ҳисобга олиб ўз тактикасини амалга ошириши, рақибни ўзига бўйсундириши, фаол, топқир ҳамда ташаббускор бўлиши керак.

Курашчининг ҳаракатлари онгли характерга ега. Унинг онги умумий вазифани бажаришга, кураш жараёнида юзага келадиган айрим тактик вазифаларни бажаришга, шароитни таҳлил қилишга, енг фойдали қарорлар қабул қилишга йўналган бўлади. Аммо ҳаракатлантирувчи актларнинг айрим ўрганилган ҳаракатлари ва комбинациялари автоматик характерга ега бўлиши мумкин.

И.П. Павловнинг таъкидлашича, ҳаракат актларининг бундай комбинациялари ўзида мия катта ярим шарлари пўстлоғининг тормозланган марказларининг синтетик фаолиятини акс еттиради. Курашдаги ҳаракат кўникмаларининг вариативлиги, яъни турли-туманлиги бу кўникмаларнинг асосий хусусиятидир. Ҳар бир усул, ирғитиш, айлантириш, йиқитиш рақибнинг кутилмаган ҳаракатлари, юзага келган вазият ва спортчининг индивидуал хусусиятларига мувофиқ турлича кўринишда бажарилади. Масалан,

В.Я. Шумилиннинг фикрига кўра, тик туриб орқага улоқтириш курашчиларнинг индивидуал хусусиятларига мувофиқ тарзда турлича бажарилиши мумкин. Ҳаракат-мушак, бадан ва мувозанат сезгиларининг аҳамияти Курашда рақибни идрок қилиш фақатгина кўриш сезгиси орқали емас, балки яна ҳаракат-мушак, бадан ва мувозанат сезгилари воситасида ҳам амалга оширилади. Кўриш сезгилари курашчига фазони мўлжаллашда ва рақибнинг ҳаракатларини кузатишда ёрдам беради.

Бадан сезгиси ва мувозанат сезгиларининг муҳим аҳамияти шу билан изоҳланадики, курашчиларнинг фаолияти бир-бирига тегиб турган рақибларнинг бевосита қаршилиги остида ўтиб, бунда мушаклар зўриқиши ва вестибуляр аппаратининг кучли кўзғалиши рўй беради. Кураш жараёнида мушак зўриқиши кўп марта ўзгариб туради, айрим мушак гуруҳларида кучсизланиш ва кучланиш тез-тез алмашилиб туради, алоҳида мушакларнинг тез ва ўз вақтида ишга киришиш жараёни содир бўлади. Курашчи ўз вақтида

мушак кучларини максимум даражада ишлатишни билиши керак. Ҳаракат-мушак сезгилари ёрдамида курашчи ўзининг мушак кучини назорат қилиб, бу кучларнинг ҳажмини фарқлайди, бу еса мана шу кучларнинг аниқ тақсимланиши билан боғлиқ. Шу билан бир қаторда курашчи мушак кучланишлари давомийлигидаги ўзгаришларни ҳис қилади, мушак кучланишларининг узоқ давом қилиши ката миқдорда энергия сарф бўлиши билан боғлиқ.

Шу билан бир қаторда спортчи мушак кучланишлари давомийлигидаги ўзгаришларни ҳис қилади, мушак кучланишларинининг узоқ давом қилиши катта миқдорда энергия сарф бўлиши билан боғлиқ. Ҳаракат-мушак сезгилари ўз ҳаракатларининг тезлиги ва ўлчамини, рақиб қаршилиги ва оғирлигини сезиш имконини беради. Бу сезгилар ҳаракатлар аниқлиги ҳақида ахборот беради, бу еса исталган усулни қўллашда жуда катта аҳамиятга ега. Ҳаракат-мушак сезгиларининг ўзига хослиги шундаки, бу сезгилар мушаклардаги катта кучланиш негизида юзага келади.

Кураш жараёнида рақибнинг ниятларини пайқашда нафақат кўриш ва ҳаракат-мушак сезгилари, балки яна бадан (тери) сезгилари ҳам муҳим аҳамият касб этади, зеро кураш икки курашчининг бевосита бир-бирига тегиб туришида ўтади. Айнан улар баданларидаги турли қисмларнинг бир-бирига бевосита тегиб туришига қараб курашчи актив фаолият жараёнида рақиб ҳолати ҳақида фақат тери сезгилари орқалигина фикр юритиши мумкин. Курашчидаги бадан ва ҳаракат-мушак сезгиларининг юқори даражада тақсимланганлиги унинг ўз мушакларидаги ва рақиб мушакларидаги кучланиш ва кучсизланишни, кучланиш ҳажмини, рақиб ҳаракатлари хусусиятларини аниқ ҳис қилишда намоён бўлади.

Кўрсатиб ўтиш жоизки, курашда мувозанат сезгилари катта роль ўйнайди, чунки кураш вестибуляр анализаторга катта талаблар қўяди. Кураш жараёнида ҳар бир курашчи рақибини мувозанат ҳолатидан чиқаришга ҳаракат қилади. Бунда ҳужум қилаётган курашчи ҳам мувозанатини йўқотади, лекин у мувозанатни сақлашга ёки қайта тиклашга интилади. Мувозанатни салгина йўқотиш ҳам ҳавфлидир, чунки рақиб бу пайтда ўз усулини қўллаш учун фойдаланади. Ғалаба қозониш учун мувозанатни сақлай олишнинг ўзи кифоя қилмайди, рақибни мувозанатдан чиқариш усуллари ҳам билиш лозим. Бу усуллар турлича сакраш ва итаришлардан иборат. Курашчи сакраш ёки итариш орқали рақибни мувозанатдан чиқариб ҳужумни бошлайди.

Курашчининг фаолияти вестибуляр аппаратнинг кучли кўзғалишини келтириб чиқарувчи шароитларда ўтади. Мунтазам шуғулланиш жараёнида спортчининг вестибуляр аппарати анча чидамли бўлиб боради.

А.О. Акоюн, А.М. Буланцов, И.Д. Свищев ўз тадқиқотларига асосланиб, акробатика, ешкак ешиш, конькида учиш, спорт гимнастикаси ва баскетбол билан мунтазам шуғулланиш вестибуляр аппаратнинг чидамлилигини оширишда энг катта фойда келтиришини таъкидлаб ўтганлар.

К.Б. Мухаммадиев, А.О. Акоюн, А.М. Буланцов, И.Д. Свищев маълумотларига кўра, тадқиқ қилинган курашчиларнинг фақат 20 фоизида вестибуляр аппаратнинг юқори кўзғалувчанлиги кузатилган. Қолган 80 фоиз курашчиларда 15 дақиқа давомида 4 штангали қачелларда тортилганда ҳеч қандай вегетатив камчиликлар кузатилмаган. Вестибуляр аппаратнинг кўзғалиш ва чидамлилиқ даражасини қарама-қарши айланма иллюзиялари давомийлиги ва ҳаракат-ҳимоя реакциялари ҳисоб-китоби кўрсаткичлари билан тавсифлаш мумкин. Г.М. Гагаева ўз тадқиқотларида қарама-қарши айланмадаги энг қисқа иллюзия курашчиларда ва гимнастикачиларда кузатилганини, уларда ҳаракат-ҳимоя реакциялари рўй берган шахслар энг кам учраганлигини кўрсатиб беради.

Вестибуляр аппаратнинг юқори даражада машқ қилдирилгани курашда катта аҳамиятга эга. Вестибуляр аппарат ёмон машқ қилдирилган бўлса, курашчининг иш қобилияти вегетатив реакциялар бузилиши натижасида пасаяди. Бош айланиши, кўнгил айнаши ва ҳақозолар пайдо бўлади. Вегетатив реакциялар бузилишидан ташқари, вестибуляр аппаратнинг кўзғалиши натижасида тажрибасиз курашчида тананинг фазода жойлашуви ҳақидаги тасаввур фаолиятида нотўғри фикрлаш пайдо бўлиши мумкин.

Фазони идрок қилишнинг хусусиятлари Курашчиларнинг турли ўлчамдаги гиламларда кураш тушуши баъзан курашнинг боришига таъсир қилиши мумкин, чунки бирор бир усулни қўллаш кўпинча спортчиларнинг гиламни четига қандай яқинликда кураш тушушига боғлиқ. Ҳатто яхши спорт формасига эга курашчи ҳам кўпинча масофани ёмон идрок қилганлиги сабабли ғалабага ериша олмайди, чунки унинг томонидан йиқитилган рақиб гилам ташқарисига чиқиб қолади.

Гиламнинг четигача бўлган масофа кўз билан ҳам, ҳаракат-мушак сезгиси билан ҳам идрок қилинади. Бу идрок қилишда олдинги тажрибалар катта аҳамиятга эга. Гиламнинг четигача бўлган масофани идрок қилиш гилам

марказидаги курашчигача бўлган масофани қиёслаш ёки марказдан гиламнинг қарама-қарши чеккасигача ва марказдан ўзигача бўлган масофани қиёслаш йўли билан амалга оширилади. Масалан, марказдан мўлжал олган курашчи олдинда ва ўнг томонда гиламнинг катта қисми, чап ва орқа томонда кичик қисми жойлашганини кўради. Малакали курашчи гиламнинг марказига орқа томондан ва чеккасига олд томондан туришга ҳаракат қилади. Бундай ҳолат унга ҳамма вақт гиламнинг чеккасини кўриб туриш ва фазода осон мўлжал олиш имконини беради. Агар курашчи гилам четини кўриш имкониятидан маҳрум бўлса, унда бу масофани аввалги тажрибаларига асосан аниқлайди.

Курашчи диққатининг хусусиятлари Курашчининг диққати мустаҳкам бўлиши лозим. Кураш пайтида диққат бутунлигича кураш жараёнига қаратилиши керак. Кураш бошланиши билан диққат ўз фаоллигининг максимал даражасига йетади. Диққатнинг бу фаоллигини курашчи бутун кураш давомида озми-кўпми бир хил даражада сақлаши лозим.

Беллашув жараёнида курашчининг бутун диққат-еътибори, унинг фикри асосий вазифани бажаришга қаратилади. Лекин бу ишни курашчи олдида турадиган ва ҳар доим ўта кучли диққат-еътиборни талаб қиладиган муайян вазифаларни фақат муваффақиятли ҳал қилибгина амалга ошириши мумкин; бу йўқотишдан рақиб ўз усулини қўллаш учун фойдаланиши мумкин.

Кўпинча мусобақаларда бир-бирининг кураш услуби ва кўп қўллайдиган усуллари биландиган курашчилар учрашадилар. Бундай ҳолларда курашчининг санъати рақибининг диққатини бошқа нарсага қаратиб, ўз усулини қўллай билишида намоён бўлади. Диққатини бир жойга тўплаб туришга ҳаракат қилган курашчи бир қатор қийинчиликларга дуч келади (ҳар хил диққатни бўлувчи ҳолатлар, масалан, томошабинлар иштироки ва б.).

Курашчи ўз диққат-еътиборини тақсимлай олиши керак:

- ✓ рақибни кузатиш,
- ✓ ўз ҳаракатларини кузатиш,
- ✓ кейинги қилинадиган ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш,
- ✓ бирор нарсага қарор қилиш ва ҳаракатга киришиш.

Беллашув жараёнида спортчи рақибининг барча ҳаракатларини кузатиб туради, унинг оёқлари ҳолати, қўл ҳаракатлари, рақиб қандай усулни тайёрлаётганини, ўз ҳаракатларини, ўз оёқлари, қўллари ҳаракатларини кузатиб туради, қулай пайтдан ўз вақтида фойдаланиш, рақибнинг куч ва ҳаракат

инерциясидан усулни қўллаш учун фойдаланишга интилади, ўзининг ва рақибининг кайфиятини кузатади.

Шундай қилиб, курашчининг диққати-тақсимланадиган диққат. Курашчидаги диққат хусусияти шундаки, курашчи ўз диққатини кучли мушак зўриқишлари ва вестибуляр аппаратнинг кучли қўзғалиши пайтида тақсимлашига тўғри келади. Курашчи шунингдек ўз диққатини тезда ва осонлик билан бўлиб, бошқа нарсага қарата олиши лозим.

Юқоридагилардан шундай шулоса қилишб мумкинки, кураш пайтида курашчидан танг вазиятларда ҳам ўзини тута билиш ва ақлий тиниқликни сақлаш кўникмаларини талаб қилинади. Салбий руҳий ҳолатларни йенгиб ўтишда курашчига ватанпарварлик ҳисси, ўзининг спорт жамоаси олдидаги бурчи ва маъсулияти, ўзаро ёрдам, дўстлик, ўртоқлик ҳисси каби ахлоқий-маънавий хислатлар ёрдам беради. Бу хислатлар ғалабага бўлган қатъий ишонч манбаидир, улар курашчига олдга қўйган мақсадга еришиш учун барча кучларни сафарбар қилишида ёрдам беради.

## REFERENCES

1. Акопян А.О. Борьба: примерная программа для системы дополнительного образования детей, детско-юношеских спортивных школ, специализированных детско-юношеских школ олимпийского резерва / А.О. Акопян, В.В. Кашавцев, Т.П. Клименко. - М.: Советский спорт, 2003. - 96 с.
2. Буланцов А.М. К вопросу о минимальном возрасте детей для набора в секции самбо и барба / А.М. Буланцов // Ученые записки университета им. П.Ф. Лесгафта. - 2013. - № 8 (102). - С. 39-44.
3. Воробьев В.А. Основные научно-методические направления модернизации программ многолетней подготовки юных борцов / В.А. Воробьев // Ученые записки университета им. П.Ф. Лесгафта. - 2009. - № 10 (56). - С. 18-21.
4. Крючков А.С. Содержание технологии физического воспитания мальчиков 7-9 лет разных самотипов на предварительном этапе занятий кураш / А.С. Крючков, В.Л. Дементьев // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. - 2009. - № 3. - С. 34-39.
5. Мухаммадиев К.Б. Жисмоний машқлар билан мустақил шуғулланишда жисмоний юкламалар самарадорлигини баҳолашнинг педагогик назорат усулларида фойдаланиш / Ушлублий қўлланма. Тошкент темир йўл муҳандислари институти босмаҳонаси. – Тошкент, 2019 й. - Б.23.



6. Мухаммадиев К.Б. Талабаларнинг жисмоний кўрсаткичларини ривожлантириш / Услубий қўлланма Тошкент темир йўл муҳандислари институти босмахонаси. – Тошкент, 2019 й. - Б.28.
7. Мухаммадиев К.Б. Талабаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий йўналишлари // Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг фалсафий, ҳуқуқий ва социологик муаммолари. – Чирчиқ. 2020 й. – Б. 204-206.
8. Мухаммадиев К.Б. Спортизированное физическое воспитание студентов на основе сочетания средств брoьбы и игрового метода // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. УДК/UDK 796.011.2:5: 012. Москва, №9, - 2021. - С. 152-157.
9. Свищев И.Д. Борьба: программа спортивной подготовки для ДЮСШ и СДЮШОР / С.В. Ерёгина, И.Д. Свищев, С.И. Соловейчик [и др.] //Национальный союз кураш. - М.: Советский спорт, 2006. - 212 с.

## АЛЛОМАЛАРИМИЗНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ БЎЙИЧА ҚАРАШЛАРИ, ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

**К. В. Мухаммадиев**

Toshkent davlat transport universiteti pedagogika fanlari boktori, dotsent

### АННОТАЦИЯ:

Ўзбек халқи ўз тарихида ҳам ақлан, ҳам жисмонан баркамол, бақуват фарзандларига меҳр кўрсатишигина эмас, балки бутун эл-юрт, миллат озодлиги йўлида жон олиб жон беришга қодир фидойи инсонларни кўп кўрган. Мақолада буюк алломаларимизнинг жисмоний тарбия бўйича қарашлари, унинг аҳамияти, келиб чиқиш тарихи, илмий-амалий жиҳатдан кўриб чиқилган ҳолатлари келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** алломалар, жисмоний тарбия, қарашлар, аҳамият, жиҳатлар, донишмандлар.

### АННОТАЦИЯ:

В своей истории узбекский народ видел немало самоотверженных людей, способных не только проявить любовь к своим умственно и физически зрелым детям, но и отдать свою жизнь за свободу всей страны и народа. В статье изложены взгляды наших великих учёных на физическое воспитание, его значение, историю возникновения, а также случаи научного и практического рассмотрения.

**Ключевые слова:** учёные, физическое воспитание, взгляды, значение, аспекты, мудрецы.

### ABSTRACT:

In their history, the Uzbek people have seen many selfless people who are capable of not only showing love for their mentally and physically mature children, but also giving their lives for the freedom of the entire country and people. The article outlines the views of our great scientists on physical education, its significance, its history, as well as cases of scientific and practical consideration.

**Keywords:** scientists, physical education, views, meaning, aspects, sages.

Абулқосим Фирдавсий шатранж ва нард ўйинининг пайдо бўлиши ҳақида тўхталган. “Шоҳнома”да ҳикоя қилинишича, Ҳинд рожасининг элчиси номани олиб, эрон подшоҳи Нушинравонга беради ва дейди: “Қанча сарф этиб давлат, ранж, бир хунар яратдик, номидир шатранж. Кимки билимдан лоф урса ёки гап очса, амир қилинг, шатранжда ўзин кўрсатсин. Унинг тахтасида санъат муҳайё бўлиб, ҳар бир мухрасининг бир маъноси бор. Аввало ҳар бир донасин билмоқ керак юриш йўли ва тутган хонасин пиёда қайсию қайси фил, сипоҳ, қандай юрар фарзин, асбу, руху шоҳ? Бу ажиб ўйинни агар билишса, билишиб, бир-бирини мот ҳам қилишса”.

Донишманд вазири олам Бузургмеҳр ҳиндлар яратган шатранж ўйинининг сиру асрорини очиб беради: “Ул доно тахтада жангоҳ яратибди, лашкар ўртасида подшоҳ яратибди. Шоҳнинг ўнг-сўлида қўшин саф тортиб, пиёда олдинга тартиб ила чиқади. Оқилона дастур шоҳнинг кўлида, раҳнамолик қилур уруш йўлида. Филлар икки ёнда жангга шай бир-бири учун мадад анлаган. Сўнг отлар киришар жангга рўй-рост, икки покиза дил устида сарбоз. Яна бир-бирига қамти турар рух акс этиб бастида катъият, шукуҳ [33].

Шу аснода Бузургмеҳр ақилини ишга солиб, нард ўйинини ихтиро қилади. Мухралар ясатади суяк ва тошдан. Улар бир-биридан аъло ярақларди.

Шатранж каби бунда ҳам бир ҳарбий майдон мавжуд бўлиб, икки ёв бир-бирига зарба беришга тайёр туради. Икки лашкар 8 қисмдан эди, барчаси жанг талаб, қўрқмас аскар. Тўрт томон лашкар майдон гўё танг, икки шоҳ савлатла туришар башанг. Иккиси юзма-юз уруш бошлагай, бир-бирин забтига хуруж бошлагай. Ҳамиша олдинга борур сипоҳи, йўлини чалғитади иккала шоҳи. Шоҳлар гоҳ у ёғда, гоҳо бу ёғда, худди уришгандай гоҳ чўл, гоҳ тоғда. Маъбодо бир танни икки тан олур, лашкардан ул ёлғуз саналур. Шу алфоз бир-бирин маҳв этмоқ учун, қўшинлар майдонга ташлайди кучин.

VII-XII асрлар давомида Яқин ва Ўрта Шарқда маданият, илм-фан ҳамда савдо-сотик жадал ривожлана бошлади. Айниқса, аниқ фанларга, жумладан, астрономия, табобатга қизиқиш кескин ортди. Бу даврда Ар-Розий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби даҳолар етишиб чикди, инсоният маънавий мулкига айланган умрбоқий асарлар яратилди. Шу билан бирга улар ўз педагогик қарашларида ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний-руҳий тарбиясига, соғлиғига алоҳида эътибор беришган.

**Ар-Розий** (865-925 йй.) – Шарқнинг дунёга танилган табиб ва мутафаккири. Унинг таботат соҳасидаги хизматлари шу даражада эдики, уни Галенга тенглаштириб, ўз даврининг Жолинуси деб аташган.

Ар-Розийнинг таботатга доир энг йирик асари “Китоб ал-ховий фит-тиб” (Тиббиётга оид билимлар мажмуаси) дир. Унда антик даврдан Ар-Розий замонасигача бўлган таботатга доир назарий ва амалий билимлар умумлаштирилган. Унинг шу соҳадаги яна бир йирик асари – “Ал кунош ал-Мансурий”. Бу асар XVI асргача Шарқ таботати ва Европа тиббиётчиларининг асосий қўлланмаси бўлган. “Болалар касаллиги”, “Камбағаллар таботати”, “Подшолар таботати ҳақида”ги асарларида қай ҳолатда, қандай касаллик билан оғриш мумкинлиги кўрсатилган. Улар олимнинг ўта билимли ва инсонпарварлигидан далолат беради.

Ўша даврда кўпчилик табиблар одам организмининг тузилишини билмас эди. Ар-Розий одам организмини ўрганиш мақсадида махсус тадқиқотлар ўтказган ва шу асосда асарлар яратган. Унинг “Юрак тарихи”, “Кўзнинг тузилиши ҳақида”, “Қулоқнинг тузилиши ҳақида” каби асарлари шулар жумласидандир.

У “Нима учун жуда кам одамлар қарилик ёшига етиб боради?”, “Овқатланиш ҳақида”, “Сутнинг шифобахш хусусияти ҳақида” номли асарларида инсон саломатлигига ижобий ва салбий таъсир этувчи омиллар – ҳаёт тарзи, табиий муҳит, овқатланиш, иқлим ва бошқалар ҳақида маълумот беради.

**Абу Али ибн Сино** (980-1037 йй.) Шарқда “Шайх ар-раис”, яъни “Донишмандлар етакчиси” деб ном олган. Ибн Сино жуда кўп мутолаа қилган. Бу ҳақда алломанинг ўзи шундай ёзади: “Ўн ёшимда Қуръонни ўргандим, бадий адабиётларни ўқиб чиқдим. Кейин мантиқ илмига оид китобларни мутолаа қилиб, мустақил равишда бу илмнинг нозик қирраларини ўзлаштира билдим. Шундан сўнг тиббиёт илмига мурожаат қилиб, кўплаб китобларни ўқишга тутиндим. Қисқа вақт ичида менинг тиббиёт соҳасидаги билимларим ва даволаш санъатим шундай соҳаларга етдики, ўша даврнинг энг ҳурматли ҳақимлари менинг ҳузуримга маслаҳат сўраб кела бошладилар. Мен ҳақимлик амалиёти билан ҳам тинмай шуғулландим ва ниҳоят менга инсонларни даволаш илмининг дарвозалари кенг очилди. Бу вақтда эндигина 16 ёшга тўлгандим. Ана шу ёшимда тунлари уйку, кундузлари ҳаловат нелигини билмай, фақат илм билан машғул бўлдим, инсон табиати ўз билимларини мустаҳкамлаш ва илм

йўлида олға боришга қай даражада қодир бўлса, мен ҳам шу даражада ҳаракат қилиб, тер тўқдим”.

Ибн Сино тиб илмига “Тиб соғлиқни сақлаш ва бирор сабабдан танада пайдо бўлган касалликнинг тузатилишидан иборатдир”, дея таъриф берган: “Тиб илми вазифаларига кўра икки: назарий ва амалий қисмга бўлинади. У тибнинг назарий қисми уч нарсани:

1) инсонга хос бўлган етти табиатни;

2) инсон саломатлигини сақлашда муҳим ўрин тутган олти заруриятни;

3) касалликларни, уларнинг белгиларини ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларини ўрганади”, деб таъкидлаб ўтади. Тибнинг амалий қисмини эса икки қисмга: қўл билан қилинадиган ҳамда дори билан қилинадиган амалларга бўлади. Шунини алоҳида эътироф этиш жоизки, буюк мутафаккир Абу Али ибн Синонинг ЖТ ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги бебаҳо мероси халқимиз учун хос бўлган ЖТ ва соғлиқни сақлаш ишларининг асосини ташкил қилади.

Улуғ мутафаккир шундай деган: “Бадантарбия билан мунтазам шуғулланган инсон, ҳеч қандай табиб муолажасига муҳтожлик сезмайди, бадантарбия саломатлиқни сақлашда улуғвор усуллардан биридир”.

С.И. Горчак Ибн Синонинг ЖТ ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги мероси ҳақида тўхталиб: “Ибн Сино қадимги табибларнинг эришган ютуқларини Шарқ халқларининг ҳудудий иқлим минтақаси, ёш чегараларини, маданий ва турмуш анъаналарининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлашнинг ягона тизимига бирлаштиришга муваффақ бўлган. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги Ибн Сино меросининг ўзига хос томони шундаки, унинг қарашлари касалликларнинг олдини олишга қаратилган ҳамда уларда бемор ва соғлом кишиларга ахлоқий ва инсоний қонуниятлар асосидаги муносабатда бўлиш назарияси кўзда тутилган”.

Ибн Синонинг фикрича, хулқнинг мувозанатда бўлиши бадан саломатлигини ҳам сақлайди, шу тариқа хулқ-атвор тарбиясига тамал тоши қўйилади. Кишини жинсий, руҳий, ақлий, маънавий жиҳатдан тарбиялаш зарурлигини қайд этиб, бундай ҳар томонлама мукамал тарбияга эришиш учун шарт-шароит ҳам етарли бўлиши, кун тартибига оғишмай амал қилиш каби маиший жиҳатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

**Ғиёсиддин Абдулфатх Умар ибн Хайём** (1048-1131 йй.) қомусий олим, шу билан бирга Қуёш ва Ой тутилишини, об-ҳаво қандай бўлишини аввалдан

айтиб берувчи мунажжим ҳам бўлган. Унинг тахминан 400 та рубойиси мавжуд, шулардан 293 таси Кембриж дорилфунуни кутубхонасида сақланади.

Умар Хайёмнинг табиат, инсоният ва мавжудотларга нисбатан қуйидаги фикрлари мавжуд: “Инсонлар ва мавжудотлар дунёга келдилару, сўнг яна қайтиб кетдилар. Хўш улар қайдан келдилар ва қайга кетдилар? (Абдулла Шер. Умар Хайём. Келмагу кетмакдин не эрур мақсуд?...).

Ҳокими Мутлақ табиатни яратиб, тартибга соладию, сўнг нега унга талофат етказди? Агар сабаб табиатнинг яроқсизлигида бўлса, бунинг учун ким айбдор? Агар табиат яхши бўлса, у холда уни вайрон қилишнинг сабаби нимада?”.

Амин Маалуф 1949 йилда туғилган ва 1976 йилдан бери Францияда яшаб, француз тилида ижод қилаётган, миллати араб бўлган француз ёзувчиси. Амин Маалуф ўзининг “Самарқанд” ((Париж, Латт нашриёти,1988)) асарида келтиришича Умар Хайёмнинг Самарқанддаги ҳаёти ҳақида тўхталиб шундай дейди: “Мен сизга Атлантика океани қаърига мангуликка чўкиб кетган бир китоб ҳақида гапириб бермоқчиман. Ўша даврдаги газеталар бу ҳақда жуда кўп ёзишган ва бир неча бадий асарлар ҳам яратилганди. Ҳа, 1912 йилнинг 14 апрелдан - 15 апрелга ўтар кечаси улкан “Титаник” кемасининг ҳалокати дунёдаги энг қимматбаҳо қўлёмалардан бири – буюк форс олими ва шоири Умар Хайёмнинг “Рубойлар” китобининг асл нусхасини ҳам сув қаърига олиб кетди”.

**Паҳлавон Маҳмуд** Хоразмнинг буюк маънавий тоғларидан бири - Пурёйвалий номи билан шуҳрат қозонган енгилмас паҳлавон, хассос шоир ва машҳур авлиё Паҳлавон Маҳмуд XIII аср ўрталарида (тахминан 1247-1248 йилларда) туғилган. Унинг отаси асли кўҳна урганчлик бўлиб, мўғуллар кулини кўкка совурган она шахрини тарк этиб, Хивага паноҳ излаб келадиганида йўлда хотинининг кўзи ёриди. Болага Маҳмуд деб исм қўядилар. У жисмонан бақувват, ақлан етук, маънавий-ахлокий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб етишади. Айниқса, унинг паҳлавонлиги овозаси узоқ-узоқларга кетган эди. Эрон, Ҳиндистон каби кўплаб Шарқ мамлакатларидаги кураш мусобақаларида қатнашиб, ҳамиша зафар қучган, бир умр кураги ерга тегмай, юртнинг биринчи рақамли полвони, паҳлавонлар пешвоси бўлган. Муслмон оламида Хоразм паҳлавони, жаҳон паҳлавони номлари билан шуҳрат қозонган. Паҳлавон Маҳмуд Шарқ кураши тарихидаги энг кучли, энг танти, энг машҳур курашчилардан бўлиб, асрлар давомида паҳлавонлар пири ҳисобланиб келган.



Ҳозирга қадар кўплаб мамлакатларда полвонлар кураш тушганда, оғир тошлар кўтарганда “Ё Пирёйвалий!” деб унинг руҳидан мадад сўрайдилар, ҳаққига дуо қиладилар, шеърларидан ўқийдилар. “Паҳлавон Маҳмуд шоир сифатида XIV-XV асрлардаёқ машҳур бўлиб, XV-XX асрлар мобайнида тузилган энг машҳур тазкира ва қомусларда шоир ва паҳлавон сифатида қайд этилганлиги (Ё. Исҳоқов. Паҳлавон Маҳмуд ҳақида баъзи мулоҳазалар // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1971, 2-сон, 20-бет.), “унинг шахси ҳақида гап борганда, ҳар доим Хоразмдан етишиб чиққан атоқли паҳлавон, курашчиларнинг устози ва пири эканлиги таъкидланган”ига қарамай, ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотларнинг етарли эмаслиги, асарларининг тўлиқ етиб келмаганлиги мукамал таржимаи ҳоли ва ижодий қиёфасини яратишга имкон бермаяпти.

“Паҳлавон Маҳмуднинг номига ҳамиша бир-икки лақаб тиркаб айтилади. Уни Хоразмда “Паҳлавон Маҳмуд”, “Полвонпир” десалар, тарих ва тазкира китобларида “ҳазрат Паҳлавон”, “Маҳмуд Пирёйвалий”, “Маҳмуд Пурёйвалии” деб тилга олинади. “Оташкада” ва “Қомус ул-аълум”да эса, Паҳлавон Маҳмудни жанговар, жангжўй, ҳарбий, урушқоқ маъносида Қитолий лақаби билан тилга оладилар”.

“Ғиёс ул-луғот”да ёзилишича: “Пурёйвалий – Паҳлавон Маҳмуд Хоразмийнинг лақаби бўлиб, бу сўз баъзан зўрхона (Зўрхона – полвонларнинг машқ ўтказадиган хонаси. Бу сўз паҳлавонлар уюшмаси, иттифоқи маъносида ҳам ишлатилади) паҳлавонларининг сардори, кураш санъатининг устаси бўлган паҳлавонларга нисбатан ҳам қўлланилади. Зўрхонага киришдан аввал ҳар қандай курашчи Паҳлавон Маҳмуд ҳоқи пойини тавоф қилади. Шу жиҳатдан, Пурёйвалий сўзини азиз ва мукаррам маъносида ҳам истифода этадилар”. Ёқубжон Исҳоқовнинг ёзишича, бундай лақаб жавонмардлар жамоасининг бошлиғига берилган. Маҳмуд Пурёйвалий сифатида тилга олиниши унинг чиндан ҳам жавонмардлар пешвоси бўлганлигини тасдиқлайди. Бу ном шоирнинг қатор рубоийларида ҳам тахаллус бўлиб келади. “Чароғи ҳидоят”да ҳам Пурёйвалий сўзига паҳлавонлар пирининг номи деб изоҳ берилади. Мана шу мўътабар манбаларга таянган ҳолда, Т. Жалолов Паҳлавон Маҳмуднинг лақабини Пурёйвалий эмас, Пурёйвалий шаклида ёзишни таклиф қилади. Олимнинг ёзишича, “паҳлавонлар паҳлавони, паҳлавонлар пири маъносидаги Пурёйвалий лақаби дастлаб хоразмлик Паҳлавон Маҳмудга берилган”. Лутф Алибек Озарнинг “Оташкадаи Озарий” (1881) тазкирасида ҳам у “Пурёйвалий лақаби билан шуҳрат топган, - дейилади, - паҳлавонлик овозаси оламни тутган,

ўз асрининг яғонаси бўлган”. Паҳлавон Маҳмудга нисбат берилган Пирёрвалий, Пурёйвалий лақаблари унинг тасаввуфдаги мақоми билан боғлиқ бўлиб, чунончи, шоир ҳаёти ва адабий мероси бўйича номзодлик диссертацияси ҳимоя қилган Жасурбек Маҳмудовнинг ёзишича: “Ўз нафсини енгган авлиё сифатида Паҳлавон Маҳмудга “ёрлар – рижол ул-ғайблар ўғли” (Риж ол ул-ғайб – тасаввуфий тушунчага кўра, оламни идора этиб турадиган валийлар жамоаси. Бу маънавий бошқарувнинг тепасида кутб турган. Тариқат асосчилари ҳам кутб сифатида улуғланади.) маъносидаги Пурёрвалий лақаби берилган. Тариқатда юксак мақомларга эришганидан “Кутб ул-ақтоб” (Кутб ул-ақтоб – кутблар кутби, яъни улуғлар улуғи) сифатига эга бўлган авлиё ҳисобланган”. Олимнинг текширишларига кўра, Қитолий таҳаллуси қадимий тазкираларнинг бирортасида учрамайди, бу таҳминий ва ўйлаб топилган исм бўлиб, фақат кейинги асрларга мансуб манбаларда келтирилади Ҳолбуки, Қитолий лақаби унинг паҳлавонлиги билан боғлиқ бўлса керак: ҳар қандай рақибнинг курагини ерга текизадиган, бас келиб бўлмас курашчи, кучли жангчи маъносида Қитолий лақабини олган бўлиши мумкин. Ё. Исҳоқов ҳам: “Маҳмуд Паҳлавоннинг ўз шеърларида “Қитолий” деб таҳаллус қўйишига ҳам унинг паҳлавонлар паҳлавони бўлганлиги сабаб бўлса керак”, дейди.

Маълумки, луқма ҳалоллигини асосий шиор қилиб олган тариқат аҳли фақат ўз пешона тери эвазига кун кўришни мақсад қилиб олганлар. Қўлидан иш келадиган ҳар бир сўфийнинг бирор-бир фойдали меҳнат билан шуғулланиши шарт бўлган. Тасаввуф тарихига назар ташласак, донгдор шайхларнинг ҳам кўпчилиги муайян касб билан шуғулланганликларини кўрамиз. Чунончи, Зуннун Мисрий – кимёгар, Сари Сакатий – савдогар, Абусаид Харроз – этикдўз, Муҳаммад Саккокий – пичоқчи, Абуҳафс хаддод – темирчи, Абулаббос Омилий – қассоб, Шайх Абулҳасан-пардозчи, Шайх Баннон-ҳаммол, Мирчай Сафолфуруш – хумдон ясовчи бўлганлар. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд кимхобга гул нақшлаган. Паҳлавон Маҳмуд ҳам елкаси ерга тегмаган курашчи бўлишига қарамай, полвонликни касбга айлантириб олмагаи, балки салафлари анъанасини давом эттирган ва пўстиндўзлик, телпақдўзлик билан шуғулланиб, тирикчилик ўтказган. Воқеан, бирор-бир ҳунари бўлмаган киши жавонмардлар жамоасига қабул қилинмаган. Паҳлавон Маҳмуд кураш тушиб топган пуллари, олган тухфаларини эса бева-бечораларга улашган. Нақл қилишларича, у ҳатто бир бурда нон топса, шуни ҳам ғарибу бенаволар билан баҳам кўрган. Паҳлавон Маҳмуд 1322 йилда вафот этади. Васиётига кўра шогирдлари уни ўзининг

пўстиндўзлик дўкони теграсига дафн этганлар. Кейинчалик у қабр устига маҳбара тикланиб, авлиё пойига қўнғирот уруғидан бўлган Хива хонлари кўмилган.

**Амир Тему́р** 1336 йил 9 апрель (хижрий 736 йил)да Қашқадарё воҳасининг Шаҳрисабз (Кеш) беклигига қарашли Хўжа Илғор қишлоғида туғилган. Тему́р ёшлигидан яхши таълим ва тарбия олади. Ўн икки ёшга тўлганида у: “...болаларча ўйинлардан орланадиган бўлдим ва вақтимни ўзимга тенгқур ўспиринлар билан ўтказишга ҳаракат қилдим”, дейди.

Тему́р ёшлиқдан кураш, чавандозлик, найзабозлик, қалқонбозлик, қиличбозлик ҳамда ов қилиш илмини мукаммал эгаллаган.

Амир Тему́р шиддаткор найзабоз бўлган. “Филҳол, Қилич Арслон аслаҳа-яроғларини тоқинуб, найзасини қўлига олиб, Амир ҳам мусаллиҳ бўлуб, отлариға минуб, икки тарафдин шовқун солиб, бирдан найзабозлик қилиб, Амирға найза солди. Амир чап бериб, найза солиб эрди, орқасидин яна солди, мулозимлар фарёд қилдилар. Ҳозир бўл деб. Амир отин ёлиға ёпушти, найза бориб тошқа тегиб, икки қориш ботти, яна тортиб олиб найза солди. Амир найзани ўтқузуб, қилич солди, ёсиға тегиб боғидин узилди...”

Амир Тему́р буюк жаҳонгирлиги билан бир қаторда, жисмоний салоҳиятда беназир эди. У таъкидлаганидек, “Ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимга адолат шамини ва иккинчи қўлимга беғаразлик шамини олиб, бу икки шам билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим”. У тирандозлик, чавандозлик, найзабозлик, қиличбозлик, мерганлик, кўл жанги ва бошқа кўпгина миллий спорт турларини мукаммал эгаллаган. Ҳарбий юришдан олдин жангчиларнинг жисмоний тайёргарлигига алоҳида эътибор бериб, душман қўлоқларини қайириш, оёқ билан тепиш, муштлашиш, оёқ-қўлни бир вақтда ишлатиш усулларини кўрсатиб, сипоҳларига намуна бўлган. Шунингдек, махсус таёқлар, занжирлар, гурзию чўқморлар ёрдамида зарба бериш, пичоқ санчиш, болға билан уриш маҳорати уларга жангоҳларда жуда кўл келган.

Шарафиддин Али Яздийнинг қайд этишича, Амир Тему́рнинг характерли хусусиятларидан бири шундаки, у давлат, мамлакат, фуқарога ғамхўрлик қилар эди. Унинг қоидаси “рости-расти” эди. Ҳақиқат – сиҳат-саломатлик, ҳақиқат – тарғиб, ҳақиқат – адолат, демакдир, деб тушунтирарди. У инсонпарварлик ва мардликни Оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди, деган иборани кўп такрорлар эди.

**Алишер Навоий** (Низомиддин Мир Алишер) (1441-1504 йй.) асарларида табиатга бўлган меҳр-муҳаббат, адолат туйғуси алоҳида ўрин тутади. Навоий

“Фарход ва Ширин” достонидаги Фарход образи орқали инсоннинг камолга эришишида жисмоний тарбия ҳамда спортнинг ўрни муҳимлигини кўрсатиб ўтган. Фарход мард, кучли, ҳар томонлама ривожланган, иродали талаба сифатида намоён бўлади. Хусусан, Алишер Навоий одам ҳар томонлама соғлом бўлиши ҳақида: “Барча лаззатни тотдим, офиятдан чучўкроқ шарбат топмадим” дейди. Ушбу ўринда офият сўзи соғлик-саломатлик маъносида келтирилган.

**Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг** (1483-1530 йй.) [69] асарлари бамисоли туганмас хазинадир. Унинг энг йирик энциклопедик асари – “Бобурнома” да ёзилишича, Бобур баланд бўйли, кенг елкали, алпқомат инсон бўлиб, Пискент қалъа деворларининг устида икки кўлида икки навкарини кўтариб, жисмоний машқ қилгани, шунингдек, Ҳиндистондаги Ганг дарёсини тўрт карра у қирғоғидан бу қирғоғигача сузиб ўтган.

Асарда Бобурнинг кўрган-кечирганлари, юрган жойларининг табиати, бойлиги, одамлари, урф-одатлари, ҳайвоноти, ўсимликлари тасвирланган. Асар муҳим атамалар ва топонимик (Рус./грек.дан 1. Бирор жойнинг, ҳудуднинг географик номлари мажмуи; лингв. Лексикологиянинг географик номларни ўрганадиган бўлими) манбаларга бой. Унда ер, сув, ҳаво, турли табиий ҳодисаларга тегишли ривоят, нақллар кўплаб учрайди. “Бобурнома” асари ўлкамиз тарихи, географияси, табиати, этнографияси, маданияти тўғрисидаги бекиёс манбадир.

**Жалолиддин Мангуберди** (1198-1231) – Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори, моҳир саркарда, Хоразм шоҳи Муҳаммаднинг катта ўғли. Жалолиддин ёшлигидан отасининг ҳарбий юришларида иштирок этиб, жанг санъатини ўзлаштириб, ўзининг жасур жангчи, иқтидорли саркардалиқ қобилиятларини намоёиш этган (қадимги Ирғис дарёси бўйидаги жанг).

Чингизхон бошчилигидаги мўғул кўшинлари Мовароуннаҳрга бостириб кириб, бирин-кетин шаҳарларни эгаллаб, Самарқандга яқинлашади. Оғир бемор бўлган Муҳаммад ўғилларини ёнига чорлаб, сўнгги дамда Жалолиддинни ўз ўрнига шоҳ этиб тайинлаб, унга султонлик қиличи ва муҳрини бериб, “Мен учун ўч ол ва Хоразмни асраб қол”, дея васият қилади. Лекин Урганчдаги қипчоқ амирлари шу пайтда Туркон хотуннинг акаси Хумортегинни султон деб эълон қилиб, Жалолиддин Мангубердига қарши суиқасд уюштирмоқчи бўлади. Бундан хабар топган Жалолиддин Мангуберди Темур Малик бошчилигидаги 300 кишилиқ суворийлар билан ўз ватани – Хоразмни ташлаб, Хуросонга кетишга мажбур бўлади.

Нисо шахри яқинида уни 700 нафар мўғул суворийси кутарди. Жалололдин Мангуберди шиддатли жангдан сўнг уларни тор-мор қилиб, Нишопурга келади. Валиён қалъасини қамал қилаётган Такажук ва Малғур бошчилигидаги мўғул қўшинига ҳужум қилиб, 3 кунлик жангдан сўнг уларни тор-мор келтирган. Жангда 1000 дан ортиқ мўғул аскарлари ўлдирилган, омон қолган қисми Панжшир дарёсидан ўтиб, кўприкни бузиб ташлаган. Бу Жалололдин Мангубердининг мўғуллар устидан қозонган дастлабки йирик ғалабаси эди.

Мўғулларга қарши курашда Гурганч мудофаасига бош бўлган Хумортегин биринчи ҳужумдаёқ енгилади. Шундан сўнг Гурганч мудофаасига Шайх Нажмиддин Кубро бошчилигидаги хунармандлар киришади ва душманга етти ой қаршилиқ кўрсатадилар.

1221 йилда Жалололдиннинг мўғуллар устидан Нисо, Нишопур, Ғазна атрофларида қозонган ғалабалари Чингизхон оромини бузмокда эди. Жалололдин жанглари тарихида биринчи марта мўғулларга қарши курашда янги тактик усулни қўллади: жангчиларга отдан тушиб, жиловларни белларига боғлашни ва камон билан жанг қилишни буюради. Эртаси куни Қайқур нўён бошчилигидаги мўғул қўшинларига қарши курашда уларнинг ҳарбий хийласига қарши қўлланган янги тактика мўғулларга жуда катта талофат етказди. Мағлуб бўлган Қайқур нўён озгина аскар билан Чингизхон ҳузурига боради. Бу хабарни эшитган Чингизхон даҳшатга тушади ва ўзининг барча кучларини жамлаб, Султон Жалололдинни даф қилиш мақсадида ўзи отланади.

Чингизхон Ғазнага етиб келади ва Жалололдинни 1221 йилнинг кузида таъқиб қила бошлади. Жалололдин Чингизхоннинг кўп сонли қўшинларига қарши тура олмаслигини пайқаб, аввал Ғазнага, сўнгра Синд (Ҳинд) дарёси бўйига чекинади. Чингизхон Синд дарёсига яқинлашганда Жалололдиннинг кейинги куни дарёни кечиб ўтмоқчи эканлигини эшитиб, шу кечанинг ўзидаёқ дарёнинг кечув йўлини тўсади. “Султон Жалололдин бин Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ, – деб ёзади Мирзо Улуғбек, – узини суву олов ўртасида кўрди, чунончи, бир тарафида кескир қиличлар олов сочарди, бошқа тарафида эса қонхўр дарё турарди. Ҳеч бир томондан чиқиб кетишнинг иложи йўқ эди. Баҳодирлик отини кураш майдонига солиб, тотор кофирлардан кўпини ҳалокат тупроғига қорди ва ҳеч бир кулфатсиз жанг қилдики, агар Рустами дoston тирик бўлганда, унга бўлган муҳаббат ёпиғини ўз елкасига солган бўларди.



Агар кумуштан Искандар бу жангни мушоҳада қилганда, унинг хизматида куллиқ лавозимини жону-дил билан қабул қилган бўларди”.

Жалолиддин Мангуберди ҳақида унинг котиби, тарихчи Насавий шундай ёзади: “Унинг ботирлигига келганда шунини айтиш керакки, султон арслонлар орасидаги энг кучли шер эди. Бир сўзли, кек сақламайдиган, очик кўнгил, тўғри одам эди. У жиддий эди. Ҳеч қачон кулмасди. Жуда нари борса жилмайиб кўярди. У адолатсизликларни ёмон кўрарди. Жалолиддин ўта қатъиятли, ниҳоятда иродали, мураккаб вазиятларда, тақдирнинг қалтис синовларида ўзини йўқотиб қўймайдиган фавқуллодда мард ва ботир саркарда эди”. Тарихчи Насавий 1224 йилдан Жалолиддин Мангубердининг котиби бўлган, унинг ҳарбий юришларида қатнашган. 1241 йилда араб тилида “Сийрат ас-султон Жалолиддин Мангуберди” (“Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаётини тафсилоти”) номли асар муаллифи.

ЖТ ва Ста оид ўтмиш аждодлардан қолган анъана ва урф-одатларнинг иккита ижтимоий вазифаси мавжуд: а) ўзбек халқига хос муносабатларни меъёрлаштириш; б) анъана ва урф-одатларни қайта ишлаб, ёш авлод онгига сингдириш ва такомиллаштириш.

Ўтмиш алломаларининг барчаси инсон саломатлигини асосий омил деб ҳисоблаганлар, ҳаракат қилиш соғлиқ гарови эканлигини, ҳаракатда баракат бўлишини қайд этганлар. Улар соғлом бўлиш учун саёҳат қилишни маъқул кўрганлар.

## REFERENCES

1. Мухаммадиев К.В. Jismoniy mashqlar bilan mustaqil shug'ullanishda jismoniy yuklamalar samaradorligini baholashning pedagogik nazorat usullaridan foydalanish. Uslubiy qo'llanma. Toshkent temir yo'l muhandislari instituti bosmaxonasi. 07.08.2019 y. – 23 b.
2. Мухаммадиев К.Б. Жисмоний тарбия таълими жараёнида талабаларнинг атроф-муҳитга бўлган эҳтиёткорона муносабатларини ривожлантириш. Дис...пед.фан. бўйича фалсафа.доктори (PhD). – Чирчиқ: 2018. – 137 б.



## **O'QUV MASHG'ULOT GURUHI QISQA MASOFAGA YUGURUVCHI TARBIYALANUVCHILARINI JISMONIY TAYYORGARLIGI**

**Z. M. Utayev**

Sharof Rashidov nomidagi SamDU doktoranti

### **ANNOTATSIYA:**

Maqolada o'quv mashg'ulot guruhi qisqa masofaga yuguruvchilarini jismoniy tayyorgarligi bo'yicha yetakchi olimlarning tajribalari o'rganilgan. O'quv mashg'ulot guruhi qisqa masofalarga yuguruvchilarini tajriba guruhi sportchilarning jismoniy tayyorgarligi bo'yicha 100 metr masofaga yugurishda yuklamaga bo'lgan yurak qon tomir tizimining reaksiyasi ko'rsatkichlari aniqlangan. Qisqa masofaga yuguruvchilarning jismoniy tayyorgarligini oshirish bo'yicha aniq tavsiyalar berilgan. Qisqa masofaga yuguruvchilarni tayyorlash tizimida ularni jismoniy tayyorgarligini hisobga olgan holda mashg'ulotlarni to'g'ri rejalashtirish, yuklamalar nisbatlarining to'g'ri taqsimlash bo'yicha kerakli takliflar berib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** Sprinter, o'quv mashg'ulot, chastota, tajriba, reaksiya, yuklama, jismoniy tayyorgarlik, kuch, start, natija, rejalashtirish, usul, texnika.

### **АННОТАЦИЯ:**

В статье рассмотрен опыт ведущих ученых по вопросам физической подготовленности бегунов на короткие дистанции тренировочной группы. Определены параметры реакции сердечно-сосудистой системы на нагрузку бегунов на короткие дистанции тренировочной группы и спортсменов экспериментальной группы в беге на 100 метров. Имеются конкретные рекомендации по улучшению физической подготовленности бегунов на короткие дистанции. В систему подготовки бегунов на короткие дистанции внесены необходимые предложения по правильному планированию тренировок, правильному распределению соотношений нагрузок с учетом их физической подготовленности.

**Ключевые слова:** Спринтер, тренировка, частота, опыт, реакция, нагрузка, физическая подготовка, сила, start, результат, планирование, метод, техника.

### **ABSTRACT:**

The article examines the experiences of leading scientists on the physical fitness of short-distance runners of the training group. The parameters of the reaction of the cardiovascular system to the loading of the short-distance runners of the training group and the experimental group of athletes in running 100 meters were determined. There are specific recommendations for improving the physical fitness of short-distance runners. In the training system of short-distance runners, the necessary suggestions have been made on the correct planning of training, the correct distribution of load ratios, taking into account their physical fitness.

**Keywords:** Sprinter, training, frequency, experience, reaction, load, physical training, strength, start, result, planning, method, technique.

Hozirgi kunda dunyoni yetakchi mamlakatlarida qisqa masofaga yuguruvchilarni tayyorlash bo'yicha ularni qisqa masofaga yugurish turiga saralash, tor ixtisoslikka yo'naltirish, ular bilan tashkil etiladigan yillik va ko'p yillik tayyorgarlik mashg'ulotlarini rejalashtirish va boshqarish bo'yicha bir qator ilmiy tadqiqot ishlari o'tkazilib kelinmoqda. Ayniqsa, sport maktablari faoliyatining samarali yo'lga qo'yilishi a'lohida ahamiyatga ega. Sport maktablarida sportning ko'plab turlari qatori yengil atletikaning o'rgatilishi va yoshlarning ushbu sport turi bilan shug'ullanish istagining yuqoriligi mashg'ulotlarni yanada takomillashtirishni talab etadi[1,2]. Qolaversa, ular bilan tashkil etiladigan mashg'ulotlarda, jismoniy tayyorgarlikni rivojlantirishga qaratilgan vosita va usullarni, saralash texnik-taktik tayyorgarligi bo'yicha taktik usullarni qo'llanishi va psixafunksional holatini yaxshilash bo'yicha bir qator ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. Ammo shunday bo'lsada bugungi kunda aynan manashu yuqori malakali sportchilarga zaxira tayyorlash masalalari butun dunyo olimlari oldida turgan dolzarb vazifalardan sanaladi[3].

O'quv mashg'ulot guruhi qisqa masofaga yuguruvchi tarbiyalanuvchilarini jismoniy tayyorgarligi sport mashg'ulotlarining to'g'ri taqsimlanishi natijasida sportchilar organizmida fizilologik o'zgarishlar yuzaga keladi. Sprinterlarda muvoffaqiyat asosan sportchi organizmining barcha a'zolari va sistemalarini batartib ishlashiga bog'liq[4]. Buning uchun avvalo yurak qon tomir, nafas olish va markaziy nerv sistemasi faoliyati yaxshi bo'lishi va tana tuzilishining mutonosibliigi muhim ahamiyat kasb etadi. Sprinterlarda bo'y, tana og'irligi, qadamlar soni, qadamlar uzunligi, chastotasi sportchilarni musoboqa jarayonida yuqori natija qilishini ta'minlaydi. Qisqa masofalarga yuguruvchi sportchilar odatda yuqori

shiddatli va qisqa muddatli mashg'ulotlar o'tkazishadi.[5]. Yuqori shiddatli zonada yurak qisqarish soni ham yuqori bo'ladi ammo u tez vaqt ichida tiklanadi va keyingi mashq bajarishga yoki xarakatga tayyor bo'ladi. Sportchilarning ushbu xolatini aniqlash va tayyorgarlik darajasini baholash maqsadida biz tomonimizdan maxsus funksional test o'tkazildi va turli zamonaviy uskunalarda yordamida ularning yuklamaga bo'lgan tayyorgarlik darajasi va tiklanish qobiliyatiga baxo berildi.

**O'quv mashg'ulot guruhi qisqa masofalarga yuguruvchi tarbiyalanuvchilarini tajriba guruxi sportchilarning jismoniy tayyorgarligi bo'yicha 100 m. masofaga yugurishda yuklamaga bo'lgan yurak qon tomir tizimining reaksiyasi ko'rsatkichlari**

FISH		100m masofaga natijasi (soniya)	100m masofaga yugurishda qadamlar soni (marta)	100m masofaga yugurishda birinchi 50m gacha bo'lgan YuQS z/d	100m masofaga yugurishda ikkinchi 50m ga bo'lgan YuQS z/d
1	B. T.	12,98	52	164	191
2	T.S.	12,76	54	176	200
3	A.A.	13,11	53	173	195
4	G'.A.	12,64	50	168	196
5	Q.S.	12,72	48	161	189
6	X.E.	12,36	51	165	194
7	SH.D.	13,18	52	171	199
8	B.O.	12,43	53	173	198
9	Q.D.	12,52	49	170	195
10	A.B.	12,46	51	169	192
11	N.D.	13,25	53	165	201
12	A.D.	12,26	51	161	203
13	Q.D.	13,07	50	170	188
14	B.I.	12,41	49	172	192
15	E.J.	12,59	52	174	190
$\bar{X}$		12,72±0,33	51,2±1,7	168,8±4,7	194,9±4,6

Jadvaldan ko'rinib turibtki 1-sinaluvchining 100 metr masofaga natijasi 12,98 bo'lgan bo'lsa, ushbu natijani qayd etish uchun u 52 qadam sarflab masofaning birinchi 50 metr masofasini YuQS 164 zar/dak bilan yugurib o'tgan bo'lsa, masofani ikkinchi 50 metr masofasini YuQS 191 zar/dak bilan yakunladi. 2-sinaluvchining natijasi 12,76 soniyani tashkil etgan bo'lsa, u ushbu natijani qayd etish uchun 100 metr masofani 54 qadam bilan yugurib o'tdi. Shunda u masofani birinchi 50 metr masofasini YuQS 176 zar/dak bilan yugurib o'tgan bo'lsa, masofaning ikkinchi 50 metr masofasini YuQS 200 zar/dak bilan yakunlagan. 3-sinaluvchining 100 metr masofaga natijasi 13,11 soniyani tashkil etgan bo'lsa u masofani 53 qadam bilan birinchi 50 metr masofasini YuQS 173 zar/dak bilan yugurib o'tgan bo'lsa ikkinchi 50 metr masofasini YuQS 195 zar/dak bilan yakunlagan. 4-sinaluvchining 100 metr masofaga natijasi 12,64 soniyani tashkil etgan bo'lsa 50 qadam bosib masofani birinchi 50 metr masofasini YuQS 168 zar/dak bilan yugurib o'tgan bo'lsa masofani ikkinchi 50 metr masofasini YuQS 196 zar/dak bilan yakunlagan. 5-sinaluvchining 100 masofaga natijasi 12,72 soniyaga teng bo'lib u masofani 48 qadam bilan birinchi 50 metr masofasini YuQS 161 zar/dak bilan yugurib o'tgan bo'lsa ikkinchi 50 metr masofasini YuQS 189 zar/dak bilan yakunlagan. 6-sinaluvchining natijasi 12,36 soniyani tashkil etib u masofani 51 qadam bilan bosib birinchi 50 metr masofasini YuQS 165 zar/dak va ikkinchi 50 metr masofasini YuQS 194 zar/dak bilan yakunlagan. 7-sinaluvchining natijasi 13,18 soniyaga teng bo'lib u 52 qadam sarflagan bo'lsa birinchi 50 metr masofasini YuQS 171 zar/dak bilan o'tib ikkinchi 50 metr masofasini 199 zar/dak bilan yakunlagan. 8-sinaluvchining 100 masofani 12,43 soniya natijani qayd etib masofani 53 qadam bilan bosib o'tgan va birinchi 50 metr masofasini YuQS 173 zar/dak va ikkinchi 50 metr masofasini YuQS 198 zar/dak bilan yakunlagan. 9-sinaluvchining natijasi esa quydagicha bo'lgan: 12,52 soniya sarflab masofani 49 qadam bilan birinchi 50 metr masofasini YuQS 170 zar/dak bilan ikkinchi 50 metrni YuQS 195 zar/dak bilan yakunlagan. 10-sinaluvchining natijasi 12,46 soniyani tashkil etib u masofani 51 qadam bilan bosib o'tgan va birinchi 50 metr masofasini YuQS 169 zar/dak va ikkinchi 50 metr masofasini YuQS 192 zar/dak bilan yakunlagan. 11-sinaluvchining natijasi 13,25 soniyani tashkil etkan bo'lsa 53 qadam bilan masofani birinchi 50 metr masofasini YuQS 165 zar/dak va ikkinchi 50 metr masofasini YuQS 201 zar/dak bilan yakunlagan. 12-sinaluvchining 100 metrga natijasi 12,26 soniyada yugurib o'tgan bo'lsa u 51 qadam bilan birinchi 50 metr masofasini YuQS 161 zar/dak va ikkinchi 50 metr masofasini YuQS 203 zar/dak bilan yakunlagan. 13-sinaluvchining natijasi

13,07 soniyaga teng bo'lgan bo'lsa u 50 qadam bilan masofani birinchi 50 metr masofasini YuQS 170 zar/dak va ikkinchi 50 metr masofasini YuQS 188 zar/dak bilan yakunlagan. 14-sinaluvchining natijasi 12,41 soniyaga teng bo'lgan bo'lsa u masofani shu tezlikda yugurib o'tish uchun 49 qadam sarflab birinchi 50 metr masofasini YuQS 172 zar/dak va ikkinchi 50 metr masofasini YuQS 192 zar/dak bilan yakunlagan. 15-sinaluvchining natijasi 12,59 soniyani tashkil etgan bo'lsa, u masofani 52 qadam bilan yugurib o'tgan va birinchi 50 metr masofasini YuQS 174 zar/dak va ikkinchi 50 metr masofasini YuQS 190 zar/dak bilan yakunlagan. Ushbu shiddatli yuklamaga tajriba guruhining sportchilari organizmining funksional xolatini qadamlar soni, masofani yugurib o'tishi va unga bo'lgan yurak qon tomir tizimining reaksiyasini umumlashtiradigan bo'lsak guruhning o'rtacha ko'rsatkichi  $12,72 \pm 0,33$  soniyani tashkil etkan bo'lsa, ular masofani o'rtacha  $51,2 \pm 1,7$  qadamlar soni bilan yugurib o'tishgan va birinchi 50 metrni YuQS  $168,8 \pm 4,7$  zar/dak yugurib o'tgan bo'lsa ikkinchi 50 metrni YuQS  $194,5 \pm 5,2$  zar/dak bilan yakunlashgan.

**Xulosa.** O'quv mashg'ulot guruhi qisqa masofalarga yuguruvchi tarbiyalanuvchilarini tajriba guruxi sportchilarning jismoniy tayyorgarligi bo'yicha 100 va 200 metr masofalarga yugurishda yuklamaga bo'lgan yurak qon tomir tizimining reaksiyasi ko'rsatkichlarini aniqlash bo'yicha o'tkazilgan tadqiqot natijalari quyidagi xulosalarni qayd etish imkonini berdi.

Qisqa masofalarga yuguruvchi tarbiyalanuvchi sportchilarining jismoniy tayyorgarligi bo'yicha 100 metr masofaga yugurishda ushbu shiddatli yuklamaga sportchilar organizmining funksional xolatini qadamlar soni, masofani yugurib o'tishi va unga bo'lgan yurak qon tomir tizimining reaksiyasini umumlashtirib sportchilarni 100 metrga yugurish masofasini detallarga bo'lib har bir natijalarini alohida yutuq va kamchiliklarini nazorat qilish kerakligini nazarda tutadi. Bunda sportchilarni har bir detal bo'yicha natijalarini o'sishi va kamchiliklari bo'yicha sportchilar bilan individual ravishda suhbatlar tashkil qilish kerakligini takidlaydi. Sportchilarga har bir detal bo'yicha natijalari, yurak urishi funksional holatlari bo'yicha ma'lumot berib nazoratda ushlab turish orqali sportchilarni natijalarini yuksaltirishga xizmat qiladi. Qisqa masofaga yugurish turlarida yuqori sport natijalariga erishish asosan ularni jismoniy tayyorgarligidan kelib chiqib qadamlar chastotasi va uzunligi muhim omil sanaladi.

## REFERENCES

1. Tudor O. Bompa., Carlo A. Buzzichelli. Periodization. Theory and methodology of training. Six edition. Champaign, IL: Human Kinetics, 2019. p. 381.
2. Никитушкин В.Г. Комплексный контроль в подготовке юных спортсменов: монография / В.Г.Никитушкин. – М.: Физ. культура, 2010. - 208 с.
3. Olimov M.S., Soliyev I.R., Haydarov B.Sh. Sport pedagogik mahoratini oshirish. –Toshkent, 2017.
4. To‘xtaboyev N.T., Shakirjanova K.T., Soliyev I.R. Qisqa masofaga yugurish. O‘quv qo‘llanma. – T.: 2017 yil. 186 b.



## HAMKORLIK ASOSIDA JISMONIY MASHG'ULOTLARNI O'TKAZISHDA MUSTAQIL KO'NIKMALARNI SHAKILLANTIRISH

**M. B. Xaytmurodov**

Chirchiq davlat pedagogika universiteti 21-3 guruh talabasi

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada jismoniy tarbiya darsligi va o'quv-qo'llanmalaridan olingan mustaqil ishlardan foydalanib, milliy hamda harakatli o'yinlarga asoslangan holda o'quvchilarning javoblarida (mavzuni o'qib bo'lib yoki ko'rgazmali qurollarni ko'rganidan keyin), o'qituvchining bergan savollari va mavzu nazorati yoki pedagogik texnologiya materiallaridan foydalanilinish ochib berilgan

**Kalit so'zlar:** jismoniy tarbiya, mashg'ulot, mustaqil ish, harakatli o'yinlar, pedagogik texnologiya, hamkorlik, samaradorlik, natija.

### АННОТАЦИЯ

В этой статье раскрывается использование самостоятельной работы по учебникам и учебно-методическим пособиям по физическому воспитанию в ответах учащихся (после прочтения темы или просмотра наглядного оружия), вопросов, задаваемых учителем, и материалов предметного контроля или педагогической технологии, основанной на национальных играх и экшн-играх

**Ключевые слова:** физическое воспитание, тренировка, самостоятельная работа, подвижные игры, педагогическая технология, сотрудничество, эффективность, результат.

### ABSTRACT

This article reveals the use of independent work on textbooks and teaching aids on physical education in student responses (after reading the topic or viewing visual weapons), questions asked by the teacher, and subject control materials or pedagogical technology based on national games and action games

**Keywords:** physical education, training, independent work, outdoor games, pedagogical technology, cooperation, efficiency, result.

Hamkorlik asosida mustaqil mashg'ulotlarni o'tkazish o'quvchilarda maxsus mashqlarni mustaqil ravishda bajarishni shakllantirishdan iborat. Mustaqil jismoniy

mashg'ulotlarning dastlabki ko'rinishi o'quvchilarda hech kimning yordamisiz yoki kimningdir yordami bilan bajariladigan faoliyat bo'lib hisoblanadi. Jismoniy mashqlarni mustaqil ravishda bajarish jarayoni o'quvchilarning yoshiga va bajariladigan jismoniy mashqlarning mazmunini tushunib yetishiga bog'liq. Buning uchun maktab yoshdagi o'quvchilarda jismoniy tarbiya darslarida mustaqillikni shakllanishi birinchi navbatda kattalardan ko'rganini qayta bajarish faoliyatida amalga oshiriladi.

Maktab o'quvchilari tomonidan bajariladigan mustaqil ishlar quyidagilardan iborat:

- maktab o'quvchilarini har xil manbaalardan foydalangan holda jismoniy tarbiya darslarini tashkil etish, o'quv va ko'rgazmali qurollardan foydalanish;
- amaliy o'quv kartochkalari;
- topshiriq-vazifa mashqlari;
- nazorat-taxlil vazifalar;
- ta'lim dasturlari va pedagogik texnologiya materiallar.

Jismoniy tarbiya darsligi va o'quv-ko'llanmalaridan olingan mustaqil ishlardan foydalanib, milliy hamda harakatli o'yinlarga asoslangan holda o'quvchilarning javoblarida (mavzuni o'qib bo'lib yoki ko'rgazmali qurollarni ko'rganidan keyin), o'qituvchining bergan savollari va mavzu nazorati yoki pedagogik texnologiya materiallaridan foydalaniladi.

Jismoniy topshiriq-mashqlar (jismoniy tarbiya bo'yicha tuzilgan bo'ladi) har bir jismoniy tarbiya darslari vaqtida bajarish kerak bo'lgan bir necha materiallardan tuziladi. Ketma-ket topshiriq-vazifa bilan ishlashdagi samaradorlik o'quvchilarning jismoniy ko'nikma va malakalarini hamda o'qituvchining bir-birini tshunishini mavjud texnik bazaning tayyorligiga bog'liq. Bu esa o'quvchilar bilan birgalikda hamkorlik ishlariga xalaqit bermasdan jihozlarda ishlashga zamin yaratadi. Jismoniy mashg'ulotlarning vazifalari mustaqil ishlarning mazmuni shundan iboratki, shug'ullanuvchilarga vazifa beriladi, bu mashqlarni to'liq bajarishi uchun o'quvchilardan chidamlilik ko'nikmasini shakllantirishni talab qiladi.

Ta'limning me'yoriy topshiriqlari darsga qo'yilgan vazifalarni hisobga olgan holda o'quvchilarni mustaqil jismoniy faoliyatini yo'naltirishga bog'liq. Jismoniy tarbiya darslarida ta'lim-tarbiya vazifalari quyidagilardan iborat:

- a) harakat, ko'nikma malakasini shakllantirishda;
- b) umumiy va maxsus jismoniy tayyorgarlikni rivojlantirish;

v) individual, guruh bo'lib o'yin va musobaqalarda taktik usullarni maqsadga muvofiqligi, harakat faoliyatini aniq shakllarini o'ylab topishda qo'llanilishida.

Jismoniy vazifalarning birinchi qismi o'rgatishga yo'naltiriladi (masalan, ertalabki gigiyenik badan tarbiya uchun beriladigan mashqlarning ketma-ketligini hisobga olgan holda tuziladi), ikkinchi qismi nazorat yo'nalishida (masalan, tuzilgan konspekt bo'yicha darsning tayyorgarlik qismini o'z sinfida o'tkazish).

Algoritm tipidagi o'rgatishda o'quv topshiriqlarini majmualari, bir-biri bilan bog'liq holda o'quvchilarni o'rganib olishida harakat faoliyatini oddiydan murakkabiga qarab yo'naltiradi.

Majmua besh-olti bo'limli jismoniy o'quv vazifalaridan tashkil topadi: birinchi bo'limdagi mashqlar jismoniy tayyorgarlikni oshirishga, harakat ko'nikmalarini shakllantirishga qaratiladi; ikkinchi bo'limda esa o'rganilgan jismoniy harakatlar ta'sirining dastlabki holatini o'zlashtirishga qaratiladi; uchinchi bo'limda mashqlar orqali o'rgatilayotgan harakatni bajarishni ta'minlaydigan ta'siri o'rganiladi; to'rtinchi va beshinchi bo'limlarda harakat faoliyatini alohida qismlaridaga elementlar texnikasini o'rgatishga qaratiladi; oltinchi bosqich texnikani mkomillashtirishga yo'naltiriladi.

O'quvchilarni mustaqil ishga to'liqligicha o'rgatishda ishning hajmi va mazmuni aniq ko'rsatiladi, o'zining maqsadi, shuningdek jismoniy mashqlar texnikasini o'zlashtirish yo'lini (agar shu mashqning texnikasi o'rgatilmagan bo'lsa) birga tushuntirib olib boriladi.

Jismoniy mashqlarni mustaqil bajarish ustida nazoratni oila, mahalla, bog'cha, maktab, kollej, litsey jamoasining hamkorlikda olib borishining asosiy vositasi bo'lib, o'quvchilarning harakat faoliyati to'g'risidagi javobgarligi hisoblanadi, shuningdek hamkorlarning analitik faoliyati: jismoniy mashqlarni bajarishning to'g'riligini aniqlik darajasi, xatolar soni va ularni xarakterini belgilashdan iborat.

O'quvchilarda mustaqil faoliyatni shakllantirishni butun dars yoki darsning bir qismini taxlil qilish, yakunlash, xulosa chiqarish bilan o'quvchi nimaga erishganligini aniqlash mumkin.

Mustaqil ishlar samaradorligini oshirish, faqatgina o'quvchilarda tashqi ta'sir bilan belgilanmasdan, balki ichki ta'sirga bog'liq bo'lishini aniqlash lozim. Bunda o'quvchilar shunday axborotni tushunishi kerakki, o'zining jismoniy mashq bajarishdan olgan natijasini, axborotini mustaqil ishlash jarayonida qo'llaganda ichki bog'liqlik, o'z-o'zini nazorat qilish va o'zi yo'l qo'ygan xatosi yoki biror harakat elementlarini to'g'rilashdan iborat. O'quvchilar o'z-o'zini nazorat qilishda erishgan

ko'nikma, malaka ko'rsatkich darajasi jismoniy mashqlar va pedagogik texnologiya materiallaridan olingan vazifalarni bajarganligiga bog'liq. O'quvchilar o'z faoliyatida bajargan mashqlarning kamchiligini aniqlay olishi, ijodiy tomondan imkoni boricha qanday natijaga erishganini anglab yetishi va mustaqil ravishda berilgan vazifalarni baholay olishi kerak.

**Salomatlik** – kasal bo'lmashlikka emas, balki mehnat, ijtimoiy va biologik vazifalarni to'laqonli bajarishni ta'minlovchi to'liq jismoniy, ruhiy va ijtimoiy farovonlik holatidir.

**Ruhiy salomatlik** – ruhiy kamchiliklarning yo'qligi bilan xarakterlanuvchi va atrof-muhit sharoitida xulq-atvorning adekvat tartibga solinishini ta'minlovchi ruhiy osoyishtalik holati.

**Sog'lom turmush tarzi** – shaxs hayotiy faoliyatining salomatlikni saqlash va mustahkamlashga yordam beruvchi shakl va usullari, sharoit va omillari birligi.

**Inson salomatligining bebaho ne'mat sifatida, uning sog'lom turmush tarzini belgilovchi omillari. Salomatlik** – nafaqat har bir inson, balki jamiyatning bebaho ne'mati. Salomatlik to'laqonli hayotning asosiy sharti va garovi hisoblanadi. Salomatlik rejalarni amalga oshirish, asosiy hayotiy vazifalarni muvaffaqiyatli hal etish, qiyinchiliklar, jiddiy yuklamalarni yengishga yordam beradi. Inson tomonidan ongli ravishda salomatlikning yaxshi saqlanishi va mustahkamlanishi, uning uzoq va faol hayot kechirishini ta'minlaydi.

Afsuski, ko'pgina shaxslar oddiy sog'lom turmush tarziga rioya qilmaydilar. Ba'zi shaxslar bevaqt qarishni keltirib chiqaruvchi kamharakat (gipodinamiya) kasalligi, boshqalar ortiqcha ovqatlanish natijasida semirish, tomirlarning tortishishiga, ba'zilar esa qandli diabetga uchraydilar.

Ba'zi kishilar hordiq chiqarmaydilar, ishlab chiqarish va turmush tashvishlaridan muntazam halovatsizlanib, asabiylashib, uyqusizlikdan qiynaladilar, bu ichki a'zolarining ko'pgina kasalliklariga olib keladi. Ayrim shaxslar esa zararli odatga (chekish, spirtli ichkilik ichish, narkotiklar)ga berilib, hayotlarini qisqartiradilar.

Sog'lom turmush tarzini belgilovchi omillarga quyidagilarni kiritish mumkin: mehnat va hordiq chiqarish tartibi, to'g'ri ovqatlanish, sog'lom uyqu, mushakni faol harakatlantirish, organizmni chiniqtirish, zararli odatlarning oldini olish, sanitariya va gigiyena talablarini bilish, atrof-muhit ekologiyasini hisobga olish, o'zaro muloqot madaniyati, jinsiy xatti-harakat, ruhiy-jismoniy tartibda bo'lish.

**Mehnat va hordiq chiqarish tartibi.** Mehnat – insonning sog'lom turmushi tartibi asosi. Organizmning “ishdan chiqishi”, kuch va zaxiralarning ortiqcha sarflanishi, bevaqt qarishga olib keladi.

Muntazam va yaxshi tashkil etilgan mehnat jarayoni asab tizimi, yurak va qon tomirlari, suyak-mushaklar tizimi hamda inson organizmi uchun foydalidir.

Hayoti davomida ko'p va yaxshi ishlagan inson uzoq umr ko'radi, dangasalik muskullarning zaiflashuvi, modda almashuvi buzilishi, semirish va bevaqt qarishga olib keladi. Kuzatilayotgan holatlardagi insonning o'ta zo'riqishi va charchashiga mehnat emas, balki mehnatning noto'g'ri rejimi sabab bo'ladi. Jismoniy va aqliy mehnatni bajarish davomida kuchni to'g'ri va oqilona taqsimlash lozim. Bir tekis va bir maromdagi ish inson salomatligi uchun foydalidir.

Xodim uchun qulay ish kiyimi muhim bo'lib, u texnika xavfsizligi masalalari bo'yicha yaxshi ko'rsatma olishi, ish vaqti boshlangunga qadar ish joyini to'g'ri tashkil etishi: ortiqcha narsalarni olib tashlashi, asboblarni oqilona joylashtirishi muhimdir. Ish joyining yaxshi yoritilganligi sof havo xarorat, shovqin unumli ishlash uchun yetarli bo'lishi lozim. Ishni eng murakkabidan boshlash zarur.

Mehnat jarayonida salomatlikni saqlashning zarur sharti mehnat va hordiqdan navbati bilan foydalanish hisoblanadi. Ishdan keyingi hordiq to'liq osoyishtalik holatini anglatmaydi. qattiq charchoqdagina passiv hordiq to'g'risida so'zlash mumkin. Hordiq turi insonning ish turiga qarama-qarshi bo'lishi maqsadga muvofiq (hordiqni tashkil etishning qarama-qarshilik tamoyili).

Jismoniy mehnat shaxslari uchun qo'shimcha jismoniy ishga bog'liq bo'lmagan hordiq, aqliy mehnat shaxslari uchun esa, hordiq paytida ma'lum jismoniy yuklama zarur. Jismoniy va aqliy yuklamalarning bunday almashinuvi salomatlik uchun foydali. Ko'p vaqtini bir xonada o'tkazuvchi shaxs, vaqtining ma'lum qismini toza havoda o'tkazishi lozim.

**Uyqu rejimi.** To'liq uyqu asab tizimi va butun organizmning me'yoriy faoliyatini saqlash uchun katta ahamiyatga ega. Buyuk rus fiziolog olimi I.I. Pavlov uyqu asab tizimini favqulodda zo'riqish va charchoqdan muhofazalovchi o'ziga xos to'xtash deb ta'kidlagan. Uyqu yetarlicha uzoq va chuqur bo'lishi lozim. Agar shaxs kam uxlasa, ertalab asabiy, holsiz, ba'zan esa bosh og'rig'i bilan uyg'onadi.

Kishilarda uyquga ehtiyoj bir xilda emas. U o'rtacha 8 soatni tashkil etadi. Muntazam uyqusizlik asab faoliyatining buzilishi, ishlash qobiliyatining pasayishi, charchoqning ortishi, asabiylikka olib keladi.

Me'yoriy va osoyishta uyquga sharoit yaratish uchun kuchli aqliy mehnatni uyqudan 1-1,5 soat avval to'xtatish zarur.

Kechki ovqatni uyqudan 2-2,5 soat avval yeyish lozim. Bu ovqatning to'liq hazm bo'lishi imkonini beradi. Yaxshi shamollatilgan va darchasi ochilgan xonada uxlashga o'rganish lozim. Tungi kiyim qon aylanishiga salbiy ta'sir etmasligi, ustki kiyimda uxlamaslik zarur. Boshni ko'rpa bilan yopib olish va yuzni pastga qilib uxlash tavsiya etilmaydi: bu nafas olishga to'sqinlik qiladi. Bir xil vaqtda yotish tez uyquga ketishga yordam beradi.

Uyqu gigiyenasining oddiy qoidalariga rioya etmaslik salbiy holatlarni yuzaga keltiradi. Uyqu behalovat bo'ladi va vaqt o'tishi bilan uyqusizlik kuchayib, asab tizimi faoliyatida ba'zi o'zgarishlar paydo qiladi.

**Mushaklardagi faol jismoniy yuklama.** Mushak faoliyati inson organizmining rivojlanish bosqichlarida harakat va vegetatsiya vazifalarini yo'naltirishning muhim sharti hisoblanadi. Inson biologiyasi va fiziologiyasida mushak faoliyatining ahamiyati juda muhim bo'lganligi tufayli, uni hayotning asosiy belgisi sifatida baholash o'rinlidir.

Yurak kasalliklarida, odatda, atrof-muhit, tabiatning aybi yo'q. Ilm-fan taraqqiyoti insonni jismoniy faollikdan ayirmaydi, aksincha, uni maqsadga muvofiq shaklda-jismoniy madaniyat shaklida amalga oshirish imkonini beradi. Bu, avvalo, yoshlarga taalluqli, chunki katta yoshdagi aholining ko'pgina kasalliklari, asosan yurak-qon tomir kasalliklari o'smirlik va o'spirinlikda shakllanadi.

Jismoniy faollikning kamligi sharoitida aqliy mehnat samaradorligi kunni ikkinchisida deyarli 50% ga kamayadi, bunda e'tiborning jamlanishi yomonlashib, asab zo'riqishi ortadi, masalalarni hal etish vaqti cho'zilib, charchoq tez paydo bo'ladi, bajariladigan ishga beparvolik rivojlanib, inson asabiy va qiziqqon bo'lib boradi.

Nima uchun aynan jismoniy mashqlar charchoqni chiqarish uchun eng yaxshi "davo" hisoblanadi?

Tayanch-harakat tizimi harakatlari natijasida modda almashuvi yaxshilanishi hisobiga bosh miya qobig'i hujayralari tonusi keskin oshadi. Shu bilan birga qonga, endokrin bezlariga gormonlarning tushishi ortib, bu barcha a'zoldagi modda almashuvini kuchaytiradi.

Nihoyat, mushaklarning faol harakatlanishi tufayli qon aylanishi, shuningdek nafas olish, jigar va buyrakning qondan asab hujayralariga bosim o'tkazuvchi zararli moddalarni chiqarish bo'yicha faoliyati yaxshilanadi.



Ishlash qobiliyati, ijodiy faollik, jismoniy yetuklik va uzoq umr ko'rishning eng to'g'ri va samarali yo'li, bu jismoniy faollikdir.

Jismoniy yuklama organizmdagi kislorod almashuv jarayonlarini oshirgan holda aterosklerozning rivojlanishiga to'sqinlik qiladi. Shifokorlarning kuzatuvlaridan ma'lumki, jismoniy mehnat bilan shug'ullanuvchilar, shuningdek jismoniy madaniyat va sport bilan shug'ullanuvchi shaxslarda bosh miya tomirlari va yurak muskullarini ta'minlovchi tomirlar aterosklerozi, qondagi xolesterin miqdori ortishi ham nisbatan kam uchraydi.

Bosh miyaning ishlash qobiliyati va tonusi uzoq vaqt qo'llab-quvvatlanadi. Agar turli mushak guruhlarining qisqarishi va zo'rayishi keyingi cho'zilish va bo'shashish bilan bir maromda almashib tursa, bunday harakat tartibi o'rtacha sur'at bilan amalga oshirilgan chog'ida yurish, yugurish, konkida uchish va boshqa ko'pgina jismoniy mashqlar paytida kuzatiladi.

Kundalik ertalabki badan tarbiya jismoniy mashqning majburiy talabi hisoblanadi. U ertalabki yuvinish singari zaruratga aylanishi lozim.

Har kuni 1-1,5 soat toza havoda bo'lish ham sog'lom turmush tarzining muhim shartlaridan biri. Yopiq xonada ishlaganda uyqu oldidan kechki sayr juda muhim. Bunday sayr kunduzgi zarur mashqning bir qismi sifatida barcha uchun foydali. U ish kuni charchog'ini kamaytiradi, kuch tushgan asab markazlarini tinchlantiradi va nafas olishni tartibga soladi. Sayrni quyidagicha amalga oshirgan ma'qul: shoshmagan holda 0,5-1 km, so'ngra yana shuncha sport qadami bilan tez va hokazo.

## REFERENCES

1. Kryuchkov A.S. Soderjaniye texnologii fizicheskogo vospitaniya malchikov 7-9 let raznykh samototipov na predvaritelnom etape zanyatiy kurash / A.S. Kryuchkov, V.L. Dementyev // Fizicheskaya kultura: vospitaniye, obrazovaniye, trenirovka. - 2009. - № 3. - S. 34-39.
2. Matveyev L.P. Osnovy obshchey teorii sporta i sistemy sportivnoy podgotovki. - Kiyev: Olimpiyskaya literatura, 1999. - 318 s.
3. Muxammadiyev K.B. Jismoniy mashqlar bilan mustaqil shug'ullanishda jismoniy yuklamalar samaradorligini baholashning pedagogik nazorat usullaridan foydalanish / Uslubiy qo'llanma. Toshkent temir yo'l muhandislari instituti bosmaxonasi. – Toshkent, 2019-y. - B.23.

4. Muxammadiyev K.B. Talabalarning jismoniy ko‘rsatkichlarini rivojlantirish / Uslubiy qo‘llanma Toshkent temir yo‘l muhandislari instituti bosmaxonasi. – Toshkent, 2019-y. - B.28.

5. Muxammadiyev K.B. Talabalarni jismoniy tarbiya va sportga jalb qilish tizimini takomillashtirishning ijtimoiy yo‘nalishlari // O‘zbekistonda jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirishning falsafiy, huquqiy va sotsiologik muammolari. – Chirchiq. 2020-y. – B. 204-206.

## ТУРИЗМ, СПОРТ. УЛАРНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

**П. П. Бабажанов**

Тошкент давлат транспорт университети, катта ўқитувчи.

### АННОТАЦИЯ

Сўнгги пайтларда “туризм” атамаси қулоғимизга “барқарор” ва “ақлли” сифатловчилари билан бирга тез-тез чалинмоқда. Барқарор туризм фойдани кўпайтириш ҳамда туризмнинг қадамжоларга кўрсатадиган салбий таъсирини камайтиришни мақсад қилиб олади. Бу одамлар ва бизнес юритувчи компаниялар мажбуриятларини яхшироқ англаб олиши билан характерланади. Гап ривожланиш мақсадлари, атроф муҳит ва иқлим хатарларига бефарқ бўлмаган кишилар ва ташкилотлар ҳақида кетяпти. Бундай туристлар саёҳати мамлакат ривожланиши ва унинг маданий меросига қанчалик ҳисса бўлиб кўшилишини баҳолайди. Улар яна бунда саёҳат иқлим ўзгаришига ва табиий муҳитни сақлаб қолишга қандай таъсир этиши мумкинлиги ҳақида ҳам бош қотиради.

**Калит сўзлар:** туризм, саёҳат, ҳудуд, спорт, тарих, кадриятлар

### АННОТАЦИЯ

В последнее время термин «туризм» часто можно услышать наряду с прилагательными «устойчивый» и «умный». Устойчивый туризм направлен на увеличение прибыли и снижение негативного воздействия туризма на направления. Для него характерно лучшее понимание обязательств людей и деловых компаний. Речь идет о людях и организациях, которым небезразличны цели развития, экологические и климатические риски. Оценивается вклад такого туризма в развитие страны и ее культурного наследия. Они также задаются вопросом, как путешествия могут повлиять на изменение климата и сохранение окружающей среды.

**Ключевые слова:** туризм, путешествия, территория, спорт, история, ценности.

### ABSTRACT

Recently, the term “tourism” can often be heard along with the adjectives “sustainable” and “smart”. Sustainable tourism aims to increase profits and reduce

the negative impacts of tourism on destinations. It is characterized by a better understanding of the obligations of people and business companies. We are talking about people and organizations who care about development goals, environmental and climate risks. The contribution of such tourism to the development of the country and its cultural heritage is assessed. They also wonder how travel can impact climate change and conservation.

**Key words:** tourism, travel, territory, sports, history, values.

Кириш. Қадим замонларда Ўрта ер денгизи халқлари қўшни худудлар ҳақида умумий ғояларни берадиган географик тавсифларга эга эди. Қадимда саёҳат қилишнинг асосий мотивлари савдо, таълим мақсадлари, зиёрат қилиш ва даволаниш эди.

Айирбошлаш ва савдо алоқаларини ривожлантириш учун мамлакатлар, уларнинг аҳолиси ва урф-одатлари ҳақида ишончли ва батафсил маълумотлар керак эди. Финикияликлар катта ва бардошли кемаларда очик денгизга чиқишди. Номаълум мамлакатларга йўлларни очиб, улар Ўрта эр денгизи ҳавзасидан ташқарига чиқиб, Европа ва Африканинг ғарбий қирғоқлари бўйлаб сузиб кетишди.

Янги худудларни ўрганиш мақсадида қадимги юнон олимлари (Геродот - милoddан аввалги 5-аср) ва бошқа мамлакатлар тадқиқотчилари (Пифей - милoddан аввалги 4-аср) узоқ саёҳатларга чиқишган.

Айтишимиз мумкинки, спорт саёҳатлари ҳам Қадимги Юнонистонда пайдо бўлган: ҳар йили минглаб спортчилар, спорт мухлислари ва санъат ихлосмандлари Олимпия ўйинларига нафақат Хеллас, балки Ўрта эр денгизи бўйидаги бошқа мамлакатлардан ҳам келишди. Спортчилар ва томошабинлар жойлашадиган ва дам оладиган махсус катта уйларнинг қурилиши ҳам шу даврга бориб тақалади.

Бизнинг эрамининг бошларида турли мамлакатлар тўғрисида тўпланган географик маълумотлар Страбон (милoddан аввалги 63 йил 20 йил) ва Клавдий Птолемей (милодий 90-168 йиллар) томонидан тўлиқ тақдим этилган.

Катта ҳаракатчанлик Қадимги Рим аҳолисига хос эди. Кўпинча, бадавлат оиладан бўлган римлик учун Грецияга саёҳат унинг таълимини тўлдириш зарурати билан боғлиқ эди. Рим империясининг гуллаб-яшнаши даврида Грецияга саёҳат қизиқарли хусусиятга эга бўла бошлади. Айниқса, илик минерал булоқлар бўлган жойларга ташриф буюришга тайёр. Бой

саёҳатчиларнинг ҳаракати уларнинг таътилини тўғри ташкил қилишни талаб қилди.

Милоддан аввалги I асрдаёқ Рим империясида бир-биридан отда бир кунлик масофада жойлашган давлат меҳмонхоналари пайдо бўлган. Улар Римдан Кичик Осиё ва Галлиягача курерлар ва ҳукумат амалдорлари ўтадиган шаҳарларда ва асосий йўлларда жойлашган эди.

Инсониятнинг атрофдаги дунё ҳақидаги билимларини янада кенгайтиришга 7-11-асрлардаги араб саёҳатчилари ҳам катта ҳисса қўшади, улар орасида Басралик энг машҳур савдогар Сулаймон Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга ташриф буюрган.

Ўрта асрларда саёҳатнинг диний омили - христианлик ва ислом динининг зиёратгоҳларига сиғиниш кучайди. Бироқ, саёҳатлар ва саёҳатларнинг турли мақсадларига қарамай, уларнинг барчаси инсоннинг географик билимларини объектив равишда кенгайтди. Европадаги одамларнинг энг оммавий ҳаракати бошқа одамларнинг бойликлари ва ҳудудларини тортиб олиш учун европалик рицарлар ва уларга эргашган савдогарлар томонидан амалга оширилган солиб юришлари билан боғлиқ эди. Уларга эргашиб, руҳонийлар ва зиёратчилар сон-саноксиз оломон саройлар ва мулкдан маҳрум бўлганлар билан Шарққа кўчиб ўтдилар.

**Natija.** Tanadagi kundalik suyuqlik balansidagi kichik buzilishlar osongina normal darajaga qaytarilsa-da, jismoniy mashqlar va atrof-muhit stressining kundalik faoliyatga qo'shilishi suyuqlik gomeostazi, ishlash va salomatlikka jiddiy tahdid solishi mumkin. Ushbu ta'sirlarni kamaytirish mashqlar oldidan, davomida va undan keyin suyuqlik iste'mol qilish bo'yicha tavsiyalarni ishlab chiqish uchun asosiy va birlashtiruvchi manbaadir, ammo hidratsiyani baholash mashqlar paytida to'liq regidratatsiyani ta'minlash uchun asosiy komponent bo'lib qolmoqda, masalan mashq qiladigan, issiq havoda tez-tez va intensiv mashg'ulotlarni bajaradigan sportchilar.

Gidratsiyani baholash uchun mos usulni tanlash suyuqlik balansi fanining munozarali jihati hisoblanadi. Barcha hidratsiyani baholash usullari o'lchash uchun zarur shartlar (ishonchlilik), qo'llashning qulayligi va bahosi (oddiyligi), hidratsiya holatidagi kichik, ammo sezilarli o'zgarishlarni aniqlash sezgirligi (aniqlik) va turi kabi uslubiy cheklovlar tufayli kutilgan suvsizlanishda qo'llanilishida juda farq qiladi.

Kuchli jismoniy mashqlar bilan bog'liq bo'lgan aksariyat holatlar issiqlikni tarqatishning asosiy vositasi sifatida ter ishlab chiqarishni va bug'lanishini talab qiladi. Terning yo'qolishi organizmda suv tanqisligiga sabab bo'lganda, tana suyuqliklarining kamaygan hajmi natriy va kaliy kabi erigan moddalarning odatdagidan yuqori konsentratsiyasini o'z ichiga oladi. Bu suvsizlangan sportchilar



uchun odatiy bo'lgan gipertonik gipovolemiya deb nomlanadi. Gidratsiya holatidagi o'zgarishlarni aniqlash uchun klinik hidratsiyani baholash usullari asosan tana suyuqliklari kimyosidagi ushbu o'zgarishlarga tayanadi.

Suv tarkibining normasi har bir kishi uchun individualdir va yuqorida sanab o'tilgan omillarga bog'liq. Bundan tashqari, yoshi va jinsi muhim ahamiyatga ega, chunki ayollar nafaqat kunlik tebranishlarni, balki muntazam hayz ko'rish tufayli oyliklarni ham boshdan kechiradilar.

Bir qator ichki omillar suyuqlikni yo'qotishda kuzatilgan individual o'zgarishlarni modulyatsiya qiladi. Insonning terlashiga ta'sir qiluvchi eng muhim omillardan biri uning tana hajmidir. Kattaroq odamlar odatda ko'proq ter yo'qotadi, futbol laynerlari esa eng yuqori ter yo'qotish darajasiga ega. Binobarin, ushbu sportchilar uchun ichimlikning zarur bo'lgan mutlaq miqdori yuqori bo'ladi. Insonning tashnaligi ham jismoniy mashqlar paytida qancha ichishni xohlashini aniqlaydi, ammo bu uning suyuqlikka bo'lgan haqiqiy ehtiyojlariga mos kelmasligi mumkin. Haqiqatan ham, ko'plab mualliflar sportchilar suyuqlikni yo'qotish va ichish xulq-atvoridagi farqlar tufayli jismoniy mashqlar paytida ixtiyoriy ravishda suvsizlanishlari haqida xabar berishadi. Jismoniy mashqlar paytida spirtli ichimliklarni haddan tashqari iste'mol qilish natijasida giponatremiyani rivojlantirgan odamlarning amaliy tadqiqotlari, shuningdek, ular suyuqlikni iste'mol qilishning asosiy sababi sifatida tashnalikni ko'rsatganliklarini ta'kidladilar.

Issiqlikka moslashish insonning terlash tezligining reaksiya tezligini o'zgartirishga yordam beradi. Issiqlikka moslashgan odamlarda terlash ko'payadi, bu esa gipogidratatsiya xavfini oshiradi. Ko'tarilgan terlash qo'shimcha issiqlik yo'qotilishini ta'minlasa-da, u qo'shimcha suyuqlik olishni ham talab qiladi.

Ayollarda jismoniy mashqlar natijasida kelib chiqqan giponatremiya xavfi ko'proq bo'lishi mumkin. Bu xavf ularning vazni va tana hajmining pastligi, ortiqcha suv iste'moli va erkaklarnikiga qaraganda poygada ko'proq vaqt o'tkazishi bilan bog'liq. Ayollarda giponatremiyaning yuqori chastotasi plazma va to'qimalarda estradiol darajasining yuqoriligi bilan bog'liq emas. Ayol jinsiy gormonlari chanqoqlik, suyuqlik iste'moli, natriy ishtahasi va natriy regulyatsiyasining asab va gormonal nazoratiga ham ta'sir qilishi mumkin bo'lsa-da, balandlik va ichishdan boshqa narsa xavfga sezilarli darajada ta'sir qilishi haqida hech qanday dalil yo'q.

Raqobat paytida suyuqlikni iste'mol qilishning mavjudligi suyuqlikni almashtirishning optimal strategiyasini ishlab chiqishda qo'llanilishi kerak bo'lgan

muhim o'zgaruvchidir. Misol tariqasida quyidagi amaliy yechimlarga to'xtalib o'tamoz:

(1) Mashg'ulot paytida sportchilar uchun yoqimli suyuqliklar etarli bo'lishini ta'minlang.

(2) Muayyan sport yoki mashg'ulot paytida suyuqlikni qabul qilish imkoniyatlarini, shuningdek suyuqlik iste'molini aniqlaydigan boshqa amaliy masalalarni o'rganing yoki tushuning.

(3) Har qanday sport musobaqasi yoki individual sportchi uchun haddan tashqari suyuqlik va suvsizlanish xavfini ko'rib chiqing va tegishli amaliyot va mashg'ulot strategiyalarini tayyorlang.

(4) Har bir sport yoki faoliyat turining suyuqlik mavjudligi xususiyatlarini hisobga olgan holda shaxsiylashtirilgan suyuqlik rejalarini ishlab chiqing. Agar gipohidrasiya ehtimoli bo'lsa, sport qoidalari va spetsifikatsiyalarida suyuqlikni qabul qilishning mavjud imkoniyatlaridan faol va ijodiy bo'ling va suyuqlikni yo'qotish va muammoni tuzatish qobiliyati o'rtasida jiddiy tafovut bo'lsa, o'zgarishlarni talab qilishga tayyor bo'ling. bular.

(5) Ularning mosligini aniqlash va tuzatishlar uchun vaqt ajratish uchun rejalashtirilgan raqobat ichish rejalarini oldindan mashq qiling.

### Hidratatsiya rejasini tuzish

Yo'l-yo'riqli savollar	Tuzatish bosqichlari	Amalga oshirish misoli
Sportchilar optimal hidratsiya holatidami?	Hidrasiya holatini baholang	Mashq qilishdan oldin va keyin suyuqlik etishmovchiligini baholash uchun qo'lingizda tarozi bo'lsin. Suyuqlikka bo'lgan ehtiyojni tezligi bilan o'lchang
Mashq uzoqmi yoki shiddatlimi?	Mazali suyuqliklar mavjudligini oshiring	Uzoqroq mashg'ulotlar yoki ko'proq intensiv mashqlar paytida ko'proq tanaffus qiling. Uzoqroq tanaffuslarga ruxsat bering
Mashq yuqori suyuqlik yo'qotilishiga olib keladigan atrof-	Atrof-muhit sharoitlariga qarab tanaffuslarni belgilang	Suyuqlikni etarli darajada iste'mol qilishga imkon beruvchi ish va dam olish nisbatini o'rnatish uchun Nam

muhit sharoitida bajariladimi?		termometr harorati. mashg'ulotlari jadvalini o'zgartiring.
Mashq davomida suyuqlik bormi?	Suyuqlik sportchilar uchun oson bo'ldi Agar suyuqlik cheklangan bo'lsa (masalan, poygalar, futbol o'yinlari va boshqalar), regidratsiya imkoniyatlarini maksimal darajada oshiring.	Amaliyot davomida suyuqliklarga erkin kirishni ta'minlang. Imkoniyatlar cheklangan bo'lsa, sportchilarni suvni qayta tiklash uchun tanaffuslardan foydalanishlariga ishonch hosil qiling.
Ichki xavf omillari bo'lgan odamlar bormi?	Yuqori terlash tezligi yoki optimal hidratsiya bo'yicha boshqa cheklovlar bo'lgan odamlarni aniqlash. Jismoniy mashqlar paytida chanqog'i suyuqlik yo'qotilishiga mos kelmaydigan odamlarni aniqlang. Ushbu sportchilarga maslahat bering va ularni kuzatib boring	Hidratatsiya muammosi bo'lgan odamlarda ter darajasini tekshiring Yuqori xavfli sportchilar uchun individual hidratsiya rejalarini ishlab chiqing.
E'tiborga olish kerak bo'lgan sportga xos omillar bormi?	Sportchilarga vazn yo'qotish uchun hidratsiyadan foydalanish bilan bog'liq sog'liq va ishlash xavfi haqida maslahat bering.	Sog'lom vaznni boshqarishni targ'ib qilish uchun vazn o'lchash bilan birga hidratsiya holatini baholang.

**Xulosa.** Professional va havaskor sportchilarida hidratsiyani boshqarish murakkab, ammo salomatlik va ishlash uchun juda muhimdir. Uzoq muddatli jismoniy faoliyat (masalan, marafonda yugurish, kun davomida takroriy mashg'ulotlar, ko'p o'yinli sport musobaqalari) terlash, nafas olish, buyraklar orqali ter ajralib chiqishi va metabolizm tufayli fiziologik vazn yo'qotishi 10% gacha bo'lishi mumkin. Sezilarli suvsizlanish (masalan, tana vaznining 2-4% dan kamayishi) issiqlik kasalligining yuqori xavfi va ish faoliyatini pasayishi bilan bog'liq. Boshqa tomondan, uzoq davom etgan hodisa paytida vaznni saqlashga yoki hatto kilogramm ortishiga olib keladigan spirtli ichimliklarni haddan tashqari iste'mol

qilish hiponatremiya bilan bog'liq hayot uchun xavfli sharoitlarga olib kelishi mumkin.

Bunday holatlarning oldini olish uchun quyidagi printsiplarga amal qilish tavsiya etiladi:

- Eugidratatsiya holatida mashq qilish;

- Tana vaznining 2-4% dan ortiq suyuqlikni yo'qotishdan saqlash, lekin ortiqcha ichishdan saqlanish kerak;

- Yaxshi strategiya – bu tashnalikka qarab ichish. Biroq, bunday strategiya mashg'ulotlar va musobaqalar davomida tananing holati va vaznini hidratsiyadan oldin va keyin baholash orqali isbotlanishi kerak.

- Agar sportchilar umumiy yoki muayyan vaziyatlarda (masalan, issiqda mashq qilish, raqobatbardosh stress, foydalanish imkoniyati cheklangan va hokazo) suyuqlik iste'molini saqlab qolishda qiyinchiliklarga duch kelsa, terlash tezligini baholash asosida individual hidratsiya strategiyalarini rejalashtirish.

- Umumiy qoidaga ko'ra, o'rtacha sharoitda soatiga 700 ml dan ortiq suv ichmaslik. Jismoniy mashqlar paytida va undan keyin ichimliklar tarkibida 400–700 mg/l natriy bo'lishi kerak. Shuni ta'kidlash kerakki, jismoniy mashqlar paytida natriyni iste'mol qilish jismoniy mashqlar bilan bog'liq hiponatremi xavfini kamaytirmaydi.

Laboratoriya yoki ochiq havo sharoitida mashqlar paytida va undan keyin hidratsiya holatini baholash uchun, ayniqsa tana vaznidagi muntazam o'zgarishlar bilan birgalikda, hidratsiya holatini sifatli bilvosita baholashni ta'minlaydigan bir nechta qon va siydik belgilari mavjud. Darxaqiqat, ushbu maqolada hidratsiyani boshqarishga qaratilganligi sababli qamrab olinmagan bo'lsa-da, rehidratatsiya uzoq muddatli mashqlar paytida ozuqaviy qo'shimchalar bilan birlashtirilishi kerak.

Ushbu maqolada klinik tekshiruvlar va amaliyotchilar tomonidan suyuqlik mavjudligi, atrof-muhit va mashqlar intensivligi asosida sportda hidratsiya strategiyalarini ishlab chiqish uchun ishlatilishi mumkin bo'lgan paradigmani taqdim etamiz. Keltirilgan vositalar dinamik va shaxsiylashtirilgan hidratsiya mashg'ulotlari va amaliyotini ta'minlash uchun mo'ljallangan, shuning uchun sportchilar turli sharoitlarga moslashishi va ish faoliyatini optimallashtirishi mumkin.

## REFERENCES

1. K.B. Mukhammadiev, I.M. Mirzakulov, A.H. Karimov. [Methodological fundamentals of formation of ecological culture in students](#). AIP Conference Proceedings 2432 (1), 030054
2. Sawka M., Pandolf K.B. Effects of body water loss on physiological function and exercise performance. In: Gisolfi C., Lamb D.R., editors. Perspectives in Exercise Science and Sports Medicine. Volume 3. Benchmark Press; Carmel, CA, USA: 1990. pp. 1–38. [[Google Scholar](#)]

## ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ФУНКЦИОНАЛ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРИ

**Ш. Н. Турдиев**

мустақил изланувчи. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт  
университети

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларини модернизация қилиш ва тарабалар жисмоний тайёргарлигини ривожлаштириш учун жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар, шунингдек таълим тизимида мажбурий жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг самарадорлигини ошириш қаратилган амалий тавсиялар орқали ўқитувчилар ва мураббийлар билимларини такомиллаштириш ва чуқурлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари усулларини инновациялаш ҳақида илмий фикрлар юритилган.

**Калит сўзлар:** гуруҳ, жисмоний тарбия ва спорт, жисмоний тайёргарлик, соғломлаштирувчи гуруҳ, машғулот.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье были высказаны научные мнения по совершенствованию и углублению знаний преподавателей и тренеров, инновационным методам физического воспитания и спортивной подготовки посредством мер по совершенствованию системы физического воспитания и спортивной деятельности в высших учебных заведениях, а также практические рекомендации, направленные на повышение эффективности обязательного физического воспитания и спорта обучение в системе образования.

**Ключевые слова:** группа, физическая культура и спорт, физическая подготовка, фитнес-группа, тренировка.

### ABSTRACT

In this article, scientific opinions were expressed on improving and deepening the knowledge of teachers and coaches, innovative methods of physical education



and sports training through measures to improve the system of physical education and sports activities in higher educational institutions, as well as practical recommendations aimed at improving the effectiveness of compulsory physical education and sports training in the education system.

**Keywords:** group, physical education and sport, physical training, wellness groups, training.

**Долзарблиги.** Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларини модернизация қилиш ва тарабалар жисмоний тайёргарлигини ривожлаштириш учун жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар, шунингдек таълим тизимида мажбурий жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар орқали амалга ошириш керак. Олий таълимнинг бош ислоҳоти ўқитувчилар ва мураббийлар билимларини такомиллаштириш ва чуқурлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари усулларини инновациялашни талаб қилмоқда. Олий ўқув юртларида жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари фаолиятининг бир неча шакллари мавжуд бўлиб (жисмоний тарбия ва спорт, аудиториядан ташқари вақтларда спорт-соғломлаштириш ва оммавий спорт, жисмоний тарбия машғулотларининг жамоат-хаваскорлик шакллари ва бошқалар), уларда услубий ва ташкилий жиҳатдан талабаларнинг соғломлаштириш, жисмоний ва функционал ривожланишини такомиллаштириш вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш даркор. Аммо жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига амалий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, ҳозирги кунда олий таълим тизимида фақат 1-босқич талабаларига ўтилаётган жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига бир семистрга ажратилган, ҳафтасига ташкил қилаётган 1 кунлик 2 академик соат ҳажми жисмоний тарбия ва спорт фаолияти самарали амалга оширишда қийинчиликни юзага келтирмоқда. Бу ўз навбатида, ҳозирги кунги муаммолардан келиб чиқиб, талабаларнинг жисмоний ва функционал сифатлари, кўрсаткичларини аниқлаш ва жисмоний тайёргарлиги натижаларини ривожлантиришга етарлича вақт ажратилмаётганлигидан далолат беради. Соҳа мутахассисларининг фикрларидан келиб чиқиб, мазкур муаммоларнинг самарали ечимни топишни тақазо қилади.

**Ўрганилганлиги.** Талабаларнинг жисмоний ва функционал ривожланиш ечимини олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний ва функционал

тайёргарлиги ривожланишига қаратилган турли жисмоний тарбия воситаларини қўллашдан иборат. Масалан жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига йўналтирилган махсус адабиётлар таҳлили ўрганилганда К.Б. Мухаммадиев ўзининг тадқиқотида “Жисмоний тарбия ва спорт” йўналишина эга бўлмаган олий ўқув юртларида талабаларни жисмоний тарбиялаш ва спорт таълим жараёнига, оммавий спорт турлари билан бирга якка кураш турлари ва миллий ҳаракатли ўйинлар, бодибилдинг ва сузишни олиб кириш таклифи билдирган. Шунингдек унинг таклифи бўйича “Жисмоний тарбия ва спорт” бўйича ўқув машғулотлари жараёнига спортча туристик юриш (тур паход)ни жорий қилинса биринчи босқич талабаларининг олий ўқув юртида ўқишга мослашишига ижобий таъсир кўрсатади ва умумий жисмоний тайёргарлиги, спорт билан мунтазам шуғулланадиган талабаларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятлари юқорида деб ҳисоблайди.

Ҳозирги кунда этносспорт ва миллий спорт турларимизни, жумладан, кураш, ўзбек жанг санъати Ўзбекистоннинг миллий спорт тури ҳисобланиб, ҳозирги кунда энг оммавий бўлган спорт турлари қаторига киритса бўлади. Бу спорт турлари Республикамизда жисмоний тарбия ва спорт оммавийлаштириш билан бирга жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари ўқув жараёнига ва жисмоний тарбия тизими имкониятларини кенгайтириш имконини беради.

**Тадқиқотнинг мақсади:** талабаларининг жисмоний ва функционал тайёргарлиги такомиллаштиришнинг педагогик усуллари ўрганиш.

**Тадқиқот вазифаси:** жисмоний тарбия ўқув дастурида белгиланган меъёрлар асосида олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний ва функционал кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотни ташкиллаштириш усуллари:** илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педогогик кузатув, педогогик тестлар.

**Натижалар таҳлили.** Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида асосий ва махсус гуруҳлар шакллантирилган бўлиб, саломатлиги бўйича “асосий” ва “махсус” гуруҳлари билан машғулотлар олиб борилди. Асосий гуруҳ талабаларини соғлиғида ҳеч қандай нуқсон бўлмаганлар ташкил қилади. Махсус гуруҳи эса соғлиғида ўзгариши бўлган, касаликка мойиллиги бор талабалардан иборат. Биз олиб борган тадқиқот натижалари таяниб, тажриба даврида ҳозирга кредит модул тизими асосида тасдиқланган “Жисмоний тарбия ва спорт” фанидан намунавий дастур асосида, Тошкент давлат транспорт университетининг жисмоний тарбия ва спортга яратилган инфартулмасидан

келиб чиқиб, ўқитувчилар томонидан иўлаб чиқилган анкета тест-синов меъёрларидан фойдаланилди. Асосий гуруҳда 74 нафар ўсмир талабалардан 5 та тест бўйича меъёрий натижалар олинди.

1. 100 м. га югуриш (с) тажриба бошида –  $13,12 \pm 0,32$ , тажриба охирида –  $12,87 \pm 0,32$ .  $P < 0,005$ .

2. Жойидан туриб узунликка сакраш (см) тажриба бошида –  $220,8 \pm 15,1$ , тажриба охирида –  $240,87 \pm 0,32$ .  $P < 0,005$ .

3. 2000 м. га югуриш (с) тажриба бошида –  $448,0 \pm 33,19$ , тажриба охирида –  $230,87 \pm 0,32$ .  $P < 0,005$ .

4. Қўлга таянган холда гавдани кутариб тушири (марта) тажриба бошида –  $42,3 \pm 0,63$ , тажриба охирида –  $56,7 \pm 5,2$ .  $P < 0,001$ .

5. Турникда тортилиш (марта) тажриба бошида –  $8,3 \pm 6,3$ , тажриба охирида –  $13,7 \pm 5,2$ .  $P < 0,002$ .

Асосий гуруҳнинг кўрсатган натижалари дастурда берилган меъёр билан таҳлил қилинганда, 100 м. га талабаларда ўртача  $12,87 \pm 0,32$  сонияга югуришди 34,5% талаба 5 баҳога натижа кўрсатди. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, талабаларнинг тезкорлик сифатини ривожланиш даражаси пастлигини кўрсатади. Жойидан туриб узунликка сакрашда 45 та талабаларнинг ўртача кўрсаткичи  $240,87 \pm 0,32$  см ни ташкил қилиди. 2000 м. га югуришда талабалар  $230,87 \pm 0,32$  сония натижани кўрсатиб умумий ҳисобда 23% талаба 5 баҳо талабини бажарди. Қўлга таянган холда гавдани кутариб тушири (марта)  $56,7 \pm 5,2$ . 37% талаба бажарди ва турникда тортилиш (марта)  $13,7 \pm 5,2$ . 41% талабанинг кўрсаткичлари аъло баҳога бажарилди.

Бу ўз навбатида дастур асосида талабаларнинг умумий жисмоний кўрсаткичларининг ўрта ҳисобла эканлигидан далолат беради ва ривожланиш даражаси меъёрида эканлигини айтиш мумкин.

**Хулоса.** Тошкент давлат транспорт университети 1-босқич талабаларидан олинган тадқиқотнинг таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида тўлқинсимон ва интенсив юкламаларни асосида олдиға қўйилган вазифаларни тўлиқ ечиб бера олмапти. Масалан, 100 м. га югуришда сакрашда асосий гуруҳининг кўрсаткичлари юқори бўлди, бу гуруҳдаги 74 нафар талабадан, 18 нафари 86 - 100 баллга меъёрни бажарди, 2000 м. га югуришда 74 та талабадан 13 таси 86-100 балл, 17 таси 56 балдан паст кўрсаткичга эға бўлганлар, аммо қўлга таянган холда гавдани кутариб тушири (марта)  $56,7 \pm 5,2$ . 86 – 100 баллга топширган бўлса, 11 та талабада 56

балдан паст кўрсаткич аниқланди. Турникда тортилиш (марта) 74 талабадан атиги 23 таси 86 – 100 балга бажарди. 9 таси 56 балдан паст кўрсаткичга эга бўлди.

Олинган тадқиқот натижаларининг якунидан айтиш мумкинки, саломатликни тиклаш, ривожлантириш, жисмоний баркамолликка эришиш мақсадида талабалар:

✓ жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида фаол қатнашиб, спорт тўғаракларига қатнашишлари;

✓ уй шароитида мустақил жисмоний тарбия ва спорт машқлари билан доимо шуғулланишлари, бўш пайтларида қўл, оёқ ва гавдага доир машқларини мунтазам равишда бажаришлари;

✓ дам олиш кунлари, таътил пайтларида пиёда юриш саёҳатларида фаол иштирок этишлари лозим.

Жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш ва талабаларда спортга бўлган эммунитетни ошириш мақсадида миллий спорт турини ҳозирги кунда энг оммавий бўлган спорт турлари қаторига киритса бўлади. Ўқув машғулотлари жараёнидан ташқари вақтларда миллий спорт турларимиздан фойдаланиш жисмоний тарбия тизими имкониятларини кенгайтириш имконини беради. Бунинг учун олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари соатларини 1-3 босқич талабаларига ҳафтасига 4 соатга кўпайтирилса, ўсиб келаётган талаба ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишларини оширган ва уларни саломатлигини оширган, ҳозирда энг кенг ривожланган камҳаракатлиликнинг олдини олишга катта ҳисса қўшган бўлардик.

## REFERENCES

1. Мухаммадиев К.Б. Жисмоний машқлар билан мустақил шуғулланишда жисмоний юкламалар самарадорлигини баҳолашнинг педагогик назорат усулларидан фойдаланиш / Услубий қўлланма. Тошкент темир йўл муҳандислари институти босмахонаси. – Тошкент, 2019 й. - Б.23.
2. Мухаммадиев К.Б. Талабаларнинг жисмоний кўрсаткичларини ривожлантириш / Услубий қўлланма Тошкент темир йўл муҳандислари институти босмахонаси. – Тошкент, 2019 й. - Б.28.
3. Мухаммадиев К.Б. Талабаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий йўналишлари // Ўзбекистонда

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг фалсафий, ҳуқуқий ва социологик муаммолари. – Чирчиқ. 2020 й. – Б. 204-206.

4. Мухаммадиев К.Б. Спортизированное физическое воспитание студентов на основе сочетания средств бррьбы и игрового метода // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. УДК/UDK 796.011.2:5: 012. Москва, №9, - 2021. - С. 152-157.

## КЛАССИФИКАЦИЯ ФОРМ ОТБОРА И СПОРТИВНОЙ ОРИЕНТАЦИИ

**О. С. Ундемесов**

Заслуженный тренер РК, старший преподаватель. Шымкентский университет,  
Казахстан

**Б. Аманкулов**

Заслуженный тренер РК, старший преподаватель. Шымкентский университет,  
Казахстан

**Б. А. Тастанбеков**

магистр, преподаватель. Шымкентский университет, Казахстан

### АННОТАЦИЯ

В данной научной работе описываются главные методы и особенности классификация форм отбора и спортивной ориентаций

**Ключевые слова:** Отбор, ориентация, переориентация, распределение, динамика, спортивное расположение, функциональность, ориентация

### ABSTRACT

This scientific work describes the main methods and features of the classification of forms of selection and sports orientations

**Keywords:** selection, orientation, reorientation, distribution, dynamics, sports arrangement, functionality, orientation

В связи с тем, что отбор и ориентация в качестве одной из основных процедур включает в себя прогнозирование, к ним можно применить классификацию прогнозов. Это позволит использовать несколько десятков различных классификационных оснований.

*Отбор, ориентация, переориентация, распределение.* Отбор и ориентацию мы будем понимать традиционно. При отборе определяется «пригоден ли человек к определенной деятельности» (отбор без конкурса) или «кто из претендентов, кандидатов наиболее пригоден к данной деятельности» (отбор с конкурсом). Второй вариант осуществляется, когда конкурс в



деятельности больше единицы. Первый вариант реализуется, когда, во-первых, нет конкурса, а во-вторых, когда вид деятельности, для которого осуществляется отбор, относится к группе так называемых «абсолютных» профессии. Ориентация определяет, какая деятельность наиболее пригодна для человека. В литературе отмечается, что в ряде видов спорта многие известные спортсмены до «своего» вида серьезно занимались одним или несколькими другими видами. Можно утверждать, что сегодня в спорте имеется массовая смена специализаций. Назовем это явление переориентацией спортсменов, хотя в отдельных случаях сути дела больше соответствовали бы термины «переотбор» или «вторичный отбор».

Существование переориентации можно оценить двояко. С одной стороны, это отрицательное явление, подтверждающее тот факт, что ориентация работает крайне плохо. Либо то, что спортивная тренировка еще крайне плохо индивидуализирована, т.к. спортсменам приходится искать самим наиболее подходящий для них вид спорта (тренировку). С другой стороны переориентация может иметь в основании объективные, вполне закономерные и в этом смысле имеющие право на существование факторы. Так, например, можно предположить, что в видах спорта, связанных с проявлением выносливости, в которых применяется длительные, монотонные тренировки, спортсмены пресыщаются этими тренировками. А при переходе в другой, но близкий вид спорта они, находясь уже на достаточно высоком уровне функциональной (спортивной) подготовленности, становятся способными продолжать такую тренировку. Это переход может быть вызван не только пресыщением, но и многими другими причинами (переезд, закрытие спортивной школы, уход тренера и т.д.).

*Естественный и искусственный отбор и ориентация.* Отбор и ориентацию людей трудно разделить на естественные и искусственные, хотя такое разделение удобно для работы. Относительно живой природы, разделение отбора на искусственный и естественный делается на основе того, кто производит отбор: человек или сама природа. Способность и пригодность людей всегда определяется только людьми. Поэтому для подобного разделения остаётся только один критерий – осознанность отбора тем, кто его производит. Если отбор и ориентация производятся осознанно и специально организованы, то их можно назвать искусственными. Если они не осознанны и специально не организованы, то их можно считать естественными.

Ряд авторов пользуется разделением отбора на долгосрочный, среднесрочный и краткосрочный. Общего мнения о длительности каждой формы пока не существует. Аналогичная ситуация наблюдается и в прогностике, откуда по всей видимости и пришло подобное расчленение отбора. С.В. Брянкин предлагает следующий подход. Срок долгосрочного отбора и ориентации по можно ограничить тем наибольшим сроком жизни человека, который может интересовать исследователя. Для профессионального отбора наиболее подходящим для этого является срок, равный средней продолжительности трудовой жизни. Для спортивного отбора длительность этой формы можно ограничить средним временем, за которое спортсмены достигают своих максимальных результатов и могут их поддерживать (10-15 лет), т.е. сроком «спортивной жизни». Ориентацию видимо должна интересовать вся жизнь человека. Длительность среднесрочного отбора и ориентации целесообразно ограничить четырехлетием - сроком одного олимпийского цикла, а краткосрочного - одним годом, который обычно соответствует одному спортивному сезону. Более краткосрочные виды отбора удобно выражать в точной временной терминологии (напр., двухмесячный, трехнедельный и т.д.).

*Конкретный и постоянный отбор и ориентация.* Суть первой формы заключается в том, что известно время проведения определенного соревнования, к которому необходимо осуществить отбор или ориентацию. Во втором случае таких ограничений нет и необходимо постоянно добиваться успеха, в частности постоянно отбирать способных спортсменов. В существующей спортивной практике имеется потребность, как в конкретном, так и в постоянном отборе. Несколько схематизируя, можно сказать, что для осуществления первой формы относительно больший вес имеет разработка конкретных инструментальных средств, методов и испытаний, их внедрение и т.д., а для второй - организационные разработки и их внедрение.

*Отбор в индивидуальные виды и в командные (комплектование команд).* Это разделение приводится здесь для того, чтобы подчеркнуть сложность комплектования команд, выступающих на соревнованиях как единое целое (гребля на многоместных лодках, командные гонки в велоспорте, футбол, баскетбол, хоккей и др.). Существующая практика показывает, что хуже всего поставлена именно эта форма отбора, особенно это, относится к командным играм. В командных циклических видах спорта есть возможность проверить

спортсменов в индивидуальных номерах программы и сравнительно легко определить вклад каждого спортсмена (например, по скорости и расстоянию, пройденному в качестве лидера в велоспорте, по усилиям, длине и скорости гребка в гребле). Хотя и этого бывает недостаточно. В командных играх отбирают каждого игрока отдельно, а результат игры принадлежит команде и вклад каждого игрока определить невозможно. Иначе говоря, основная причина трудности отбора в командных играх – отсутствие результативных индивидуальных показателей.

*Отсев и выбор.* Отсев – это отбор и ориентация желающих заниматься определенной деятельностью. Выбор – это отбор и ориентация людей, не имеющих определенного желания заниматься этой деятельностью. После выбора обычно необходимо провести мероприятия (агитацию, стимулирование), чтобы создать у человека желание заниматься этой деятельностью, хотя, конечно, иногда включение человека в какую-то деятельность может происходить независимо от его желания.

Эти формы тесно связаны с конкурсом в деятельности. В спорте отбор в секции футбола, фигурного катания обычно проводится в форме отсева, т.к. конкурс здесь больше единицы. В фигурном катании существуют даже платные группы, где дети готовятся к приемным экзаменам (отбору) в спортивные группы. А в циклических видах спорта, связанных с проявлением выносливости (лыжи, гребля, бег), особенно в крупных городах, где часто конкурс меньше единицы, приходится использовать отбор в форме выбора: тренеры идут в школы, просматривают ребят, а затем - приглашают их в секции. Аналогичная ситуация существует и в профессиональной сфере. Отбор в форме отсева в вузы резко отличается от отбора в форме выбора во многие профессии сферы материального производства.

Но отсев нельзя отождествлять с наличием большого конкурса, а выбор - с отсутствием такового. Даже при наличии конкурса больше единицы, часто приходится производить выбор среди «не подавших заявления».

Выбор имеет одно неоспоримое преимущество перед отсевом. Он является этически более желательной формой отбора. Суть этого хорошо характеризуют слова одного тренера-практика: «Мы никогда не объявляем набора в свою школу. Дети-то придут, но как, отказать тем, кто тебе не нужен? Уйдет ребенок обиженным. И кто знает, не навсегда ли он уходит из спортзала?».

В литературе можно найти несколько высказываний, в которых утверждается необходимость и полезность выбора из числа уже занимающихся другими видами спорта (переориентация). Но пока кроме общего положения о том, что это должны быть родственные, близкие виды спорта (в основном циклические) ничего иного не предлагается. Кроме чисто «технических» проблем, выбор, среди уже занимающихся другими видами спорта, очень сложен с этической стороны. Эта трудность не может быть видимо решена как «техническая», т.е. за счет описания средств, методов, стандартов и т.д., а только за счет воспитания отборщиков и ориентаторщиков.

*Различные формы отбора и ориентации* в зависимости от применяемых средств и методов. Здесь в первую очередь надо назвать соревновательный, тренировочный, с помощью испытаний, тестовый, формальный и комплексный отбор и ориентацию. Та или иная форма проявляется в зависимости от того, что используется в качестве основного средства оценки способностей спортсмена. Уточним три из названных форм. С.М.Вайцеховский предлагает проводить отбор и ориентацию с помощью испытаний, тестов, т.е. оценивать способности спортсмена с помощью упражнений, входящих в тренировку (различные смежные виды, дистанции, упражнения по ОФП). Отбор и ориентация на основе обследований – это оценка способностей с помощью упражнений, не входящих в тренировку, с помощью различного рода физиологических, психологических и т.п. средств. И наконец, формальный – это отбор и ориентация на основании тех ограничений, которые имеются в положениях о соревнованиях (гражданство, возраст, место жительства и работы, принадлежность к спортивной организации и т.д.).

Отбор и ориентацию можно классифицировать и в зависимости от других особенностей применяемых оценочных средств. Например, в зависимости от применяемых методов прогноза способностей или принадлежности средств к тому или иному научному предмету (медицинский, психологический, анатомический и т.д.).

## REFERENCES

1. Авекович Н.В. Цейтин М.И. Акробатика. – М.: ФиС, 1967. – 80 с.
2. Ашмарин Б.А. Теория и методика педагогических исследований в физическом воспитании. – М.: ФиС, 1998. – 223 с.
3. Акробатика./ под ред. Соколова Е.Г. – М.: ФиС, 2003- 206 с.

4. Алабин В.Г. Комплексный контроль в спорте // Теория и практика физической культуры. – 1995, № 3. – с. 43 – 46.
5. Ашмарин Б.А. Теория и методика педагогических исследований в физическом воспитании. – М., 1978. – 228 с.

## КУРАШЧИЛАР ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ КЎП ЙИЛЛИК БОСҚИЧЛАРИ

**Б. Х. Хужомов**

профессор вазифасини бажарувчи. Низомий номидаги Тавлат педагогика  
университети

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада курашчиларни тайёрлашнинг кўп йиллик босқичларида уларнинг ўзлаштириши керак бўлган жиҳатлар, техник ва тактик ҳаракатларни циклларга бўлиб ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари келтириб ўтилган. Шунингдек ёш курашчиларга бериладиган юкламалар тўғри тақсимланиши бўйича мураббий ва мутахассисларнинг турлича қарашлари баён этилган.

**Калит сўзлар:** кураш, тайёргарлик техник, тактик, машғулот, мусобақа, беллашув, ривожланиш, такомиллаштириш, цикл, қобилият, усул, кўрсаткич, натижа, босқич, маҳорат.

### АННОТАЦИЯ.

В этой статье приведены аспекты, которыми им необходимо овладеть на многолетних этапах подготовки борцов, особенности разбивки технико-тактических действий на циклы. Существуют также разные точки зрения тренера и экспертов на правильное распределение нагрузок, даваемых юным борцам.

**Ключевые слова:** кураш, подготовка техническая, тактическая, тренировка, соревнование, состязательность, развитие, совершенствование, цикл, способность, метод, показатель, результат, этап, мастерство.

### ABSTRACT

This article presents the aspects that they need to master at the long-term stages of training wrestlers, the specifics of the breakdown of technical and tactical actions into cycles. There are also different points of view of the coach and experts on the correct distribution of loads given to young wrestlers.

**Keywords:** kurash, technical training, tactical, training, competition, competitiveness, development, improvement, cycle, ability, method, indicator, result, stage, skill.



Юқори тойифали курашчиларни тайёрлаш мураббий ва мутахассислар олдида ҳамиша кўп қиррали машғулотларни олиб бориш амалиётига катта эътибор қаратилиб келинган. Курашчиларни тайёргарлигининг кўп йиллик босқичлари қуйидаги вазифаларга бўлинади:

а) техник ҳаракатлар маҳоратини ўрганишни мустаҳкамлаш;

б) турли шароитларда техник-тактик ҳаракатларни бажариш усулларга киришни такомиллаштириш;

в) курашчининг шахсий қобилиятларини ривожлантириш даражасининг ўсганлигини билса, унда курашчининг техник-тактик ҳаракатларни яқунлаши керак.

Масалан, курашчи шахсий қобилиятини ривожлантириш даражасининг ўсганлигини билиши шарт, чунки ўрганаётган усулни беллашиш вақтда кўрсатиш ёки шу усул билан ҳужум қилиб йиқита олса, шу усул деталлаб ўрганишни мумкин;

г) жисмоний сифат кўрсаткичларининг ривожланиши натижасида техникавий ҳаракатларни қайта бажариш ва уларни такомиллаштиришни таъминлаш лозим.

Натижа. Курашчиларни тайёргарлигининг кўп йиллик босқичда ўларнинг техник-тактин малакани ривожлантириш билан бирга мусобақалашув муҳитга нисбатан ўзгариш йўллари кўпайтириш керак.

Қаерда малакани ёки маҳоратни мустаҳкамлаш мумкин? Уни фақатгина ўқув-машғулотлари ва беллешув машғулотларида мустаҳкамлаш мумкин.

Қандай ҳаракат малакасини ошириш услублари бор? -деган савол туғилиши мумкин.

1. Стандарт ҳолатдаги ҳаракат: бунда курашчи алоҳида-алоҳида ўз қобилиятларини жисмоний, техникавий ҳаракатларини мустаҳкамлайди. Буни биз машқларни стандарт қайтариш услуби билан мустаҳкамлаш деймиз.

2. Турли ҳаракат йўллари мустаҳкамлаш. Бунга, шароитни кенг ўзгариши натижасида бўладиган стандарт ҳаракатларни қайтаришининг услубини вақти-вақти билан мустаҳкамлаш бориш услубини айтишимиз мумкин.

Ҳаракат йўллари ёки ҳаракатни ўзгартириб турмоқ. Ҳар хил шароитларда кўп маротаба қайта-қайта такрорлаш орқали ўзлаштиришга олиб келадиган ҳаракатни ўзгартириб турувчи ҳаракатга айтилади.

Бу қачон пайдо бўлиши мумкин?

а) ташқи муҳитни қийинлаштирганда, масалан, курашни оғирлигини чегаралаганда, оғирлик марказини мустаҳкамлашда;

б) шуғулланувчиларнинг психологик ва жисмоний ҳолатларини ўзгартирганда, масалан, чарчаганда, диққатини чалғитганда, ҳаяжонланишда ва ҳ.к.;

в) жисмоний ҳаракатларни ўсиши натижасида ҳаракатни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш босқичида ҳаракатни максимал таъминлашда асосан жисмоний сифатларини ва техникани такомиллаштириш жараёнининг йиғиндисини характерлайди. Кейинги вақтларда техник юришларни ёки ҳаракатларнинг қайта қуришнинг заруриятлари, асосан амалиётда икки ҳолат пайдо бўлади [3,4,5].

Биринчиси, ҳаракат шаклини ўрганишда гавда-тана (организм) қобилиятларининг функционал шароитларга тўлиқ муносиб эмаслиги.

Иккинчиси, малакани тўлиқ такомиллаштирмасдан ташкил қилгани ва асосан ўргатиш услубларининг билимсизлик билан ўргатишлари. Масалан, кўп курашчилармиз вилоятларда бўлиб ўтадиган курашни тўйларда кўриб ўзларича ўрганишгани.

Техникавий қайта қуриш услублари ўз ичига икки йўналишни олади:

- ҳаракатни бажаришда осон шароитдан фойдаланиш;

- малакани такомиллаштириш ва уни мустаҳкамлаш босқичида ҳаракатни аниқ шароитларда тўлиқ бажаришни баҳолайди [3,4,5].

Кураш мусобақалари йиллик циклида юкламаларнинг кўрсаткичлари

Сон	Тайёргарлик босқичлари			
	Бошланғич	Ўқув-машғулот		Спорт такомиллаштиш
Кўрсаткислар	1-3 йиллар	1-2 йиллар	3-4 йиллар	1-3 йиллар
Мусобақалар	3	5	5	6
Мусобақа беллашувлари	12-15	20-23	24-26	28-32

Малакани такомиллаштириш ва уни мустаҳкамлаш босқичида ҳаракатнинг аниқ шароитларида тўлиқ бажарилишини қуйидаги кўрсаткичлари баҳоланади:

а) юришларнинг автоматлашган даражаси;

б) малаканинг чарчокқа чидаши (қайта-қайта такрорлашнинг техникавий қоидаларини бузмасдан кўрсатган кўрсаткичлар);

в) малака чидамлилигининг эмоционал силжиши (техник ҳаракатнинг машғулот ва мусобақа шароитларидаги бажарилишини назарда тутиш лозим);

г) ҳаракатнинг ҳар томонлиги (ҳар хил шароитларда ҳаракатни бажариш қобилиятлари);

д) техник ҳаракатларнинг фойдалиги.

Ҳар бир ўрганиш босқичида бир бирига ўхшамаган ҳоллар ва вазиятлар келиб чиқади ва уларнинг мазмунлари ҳар хил.

Курашчилар кўп услубларни билишлари мумкин, аммо мусобақада эса бир неча усулдангини фойдаланадилар. Бу дегани танишиш ва ўрганиш босқичида шу усулларни тўлиқ ўзлаштирган, лекин такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш босқичида юзаки ўзлаштирган.

Шундай вазиятлар бўладики, услубни тўлиқ ўрганиш вақтида баъзи орқада қолган бўш курашчилар қисмларга бўлиб ўргана бошлашади. Ўқиш жараёнини кетма-кетлик билан ўтишини ўзгартириш босқичларга ажратишга йўл қўяди [3,4,5].

Сафланиш машқлари. Жамао ҳаракатларнинг тузилишида, кураш машғулотларини ташкил қилишда ёрдам берувчи машқлар сафланишдир. Сафланишдаги машқлар асосан кураш тайёрлов ва баъзи вақт машғулотнинг яқунловчи қисмида ҳам ишлатилади.

Умумривожлантирувчи машқлар (УРМ). УРМ асосан шуғулланувчиларга жисмоний сифатларини ривожлантиришда қўлланилади. Курашчилар акробатика машқларини бажариш, югуриш, сакраш, арқонга тирмашиб чиқишларни яхши билишлари керак.

Бу спорт турлари бўйича юқори натижаларни кўрсатишмайди, аммо бу жисмоний сифатларни мустаҳкамлашда ёрдам беради.

Махсус умумий ривожлантирувчи ва сафланишдаги машқларни ўргатиш хусусиятлари. Жисмоний машқлар спорт турларида машғулотларда асосий восита бўлиб ҳисобланади. Уларнинг таркиби эса спорт турига қараб

тақсимланади. Барча машқлар махсус, УРМ ва сафланиш машқларига бўлиб бўлинади.

Машқлар курашнинг техникавий-тактикавий тузилишларни ўзлаштиришни осонлик билан ўрганишни енгиллаштиради.

УРМ билан махсус машқларни бир-биридан фарқи камроқ бўлади. Курашда малакани оширишда қўлланиладиган машқлар махсус машқлар дейилади. Бошқа спорт турларидан фойдаланиладиган машқлар эса УРМга киради. Югуриш, футбол, баскетбол кабилар эса махсус чидамлиликни оширувчи спорт турларига киради, сузиш эса мушакларни бўшаштирувчи машқларга киради.

Курашчиларни бошланғич ўрганишига кировчи спорт турлари масалан, енгил атлетика, гимнастика ва спорт ўйинлари УРМ бўлиб ҳисобланса, бора-бора улар курашчиларнинг суяқларини мустаҳкамлаши натижасида организмларнинг УРМ мақсадларидан махсус машқларга кириб келади.

Махсус машқлар деганда, биз курашчининг асосий машқларини назарда тутамиз ва бу машқлар орқали махсус жисмоний сифатларини ривожлантирамыз ва мустаҳкамлаймыз. Бу имитация машқларига ва махсус тайёрлов машқларига бўлинади.

Махсус тайёрлов машқлари. Бундан асосан курашчиларни махсус жисмоний-техникавий ҳаракатларига қаратилган бўлади. Махсус машқлар орқали курашчилар жисмоний сифатларини аниқ бир йўналишини ривожлантиришади.

Ҳар хил дўмбалоқ ошишлар, ўз-ўзини ҳимоя қилиб йиқилишлар асосан ҳужумчининг ҳаракатларини ўз ичига олади. Курашчининг муваффақиятли ҳаракат қилиши учун энг авваломбор уни тўлиқ жисмоний сифатларини ривожлантириш керак. Бунинг учун мураббий курашчилар учун махсус машқларни танлаши лозим [3,4,5].

Бу машқлар асосан оғирликлар билан бажарилади. Масалан, кураш машғулотларида, қисқа масофага югуриш, акробатика ва бошқалар.

Махсус машқларга қуйидагилар киради:

- курашчи билан эгилишлар, бурилишлар;
- чучелани тезликка (улоқтириш) ташлаш;
- эгилиб ташлаш учун ҳар хил орқага йиқилишлар, кўприк (мост) ҳолатига туриш, тик ҳолатдан, рақиб билан, чучела билан;
- бошни ўз ўқи атрофида айлантириш;

- ҳар хил ушлашлар.

Курашни махсус машқларни ўрганишда қуйидагиларга риоя қилиш керак:

1. Махсус машқларга кирадиган ҳамма техникавий элементлар тўлиқ ўрганилган бўлиши керак.

2. Ҳамма махсус машқларга кирувчи техникавий элементлар аниқ, ҳеч қандай бузилмасдан бажарилиши керак. Икки товони бир-бирига яқин олиб келинса бошқача бажарилади.

Имитацион машқлар. Бу машқларни курашчи алоҳида, ўзи бажариши мумкин ёки бўлмаса шериги билан бажариши ҳам мумкин. Курашчи имитация қилишида услубни бўлиб-бўлиб бажариши ёки тўлиқ ўзини имитация қилиши мумкин.

Имитацион машқлар техник ҳаракатларни такомиллаштиришда ёрдам беради.

Спортчи курашда рақиб билан мустаҳкам алоқада спорт натижаларига эришади. Рақиб билан ҳамкорликда қатнашиш фақатгина рақиб қаршилигини енгишгина эмас, балки рақиб ҳаракатидан фойдаланиб, ўз ҳаракатларини фаол ташкил қилиш ва амалга оширишга ҳам олиб келади. Курашчилардан кимнинг ҳужум қилаётганлиги ёки ҳимояланаётганлигига қараб курашчилар ҳужум қилувчи ва ҳужумга учраганга бўлинади. Одатда курашчиларга рақиб, гиламга нисбатан турли ҳолатда туришга тўғри келади. Ўқитувчи нима учун муайян ҳолатнинг тўғрилигини, машқнинг энг фойда билан қандай бажариш кераклигини, мазкур ушлаш ёки усул қандай ютуқ келтиришини ва бошқаларини тушунтиради.

а) Кураш икки йўл бўйича мураббийдан маълумот олиб, билимни эгаллаши мумкин: 1-сигнал тизимси (кўрсатиш услуби) орқали; 2 – сигнал тизимси (оғзаки баён этиш услуби) орқали.

Кўрсатиш учун қуйидаги услублардан фойдаланилади: ҳаракат образини намоиш этиш, амалий қўлланма, фото, кино лавҳалар, видео тасвирлар, расмлар, машғулотлар, мусобақаларда бўлиш ва бошқалар.

Оғзаки баён учун маърузалар; хикоялар; суҳбатлар; китоблар ва бошқалардан фойдаланилади.

б) Олинган билим тегишли кўникма билан бойитилади.

Кўникма янги ҳаракатни майда-чуйдаларига эътибор берган ҳолда автоматик равишда эмас, балки тўғри бажариш қобилиятидир. Кўникма ёд олиш ёрдамида тарбияланади. Ёд олиш жараёни ўқитувчининг ўқувчи

бажариши керак бўлган ҳаракатни кўрсатиш ва тушунтиришни кўзда тутати. Шунинг ҳам айтиш керакки, бу ҳаракат ўқитувчи кузатувида бажарилади.

Кўникмани тарбиялаш икки босқични ўз ичига олади: ҳаракат тўғрисида билимни ҳабар қилиш; курашчининг ҳаракатни бажариши.

в) Ўрганилаётган усулни, кўникмани кўп марта қўллаш, уни автоматик равишда бажаришга олиб келиши маҳоратга айланади. Бу ўқувчига усулнинг майда-чуйдаларига қаратилган эътиборни бўшаштириш имконини беради [3,4,5].

Маҳорат машғулотилар ёрдамида шаклланади. Бошқача қилиб айтганда, ўқиш жараёнида маҳоратни шакллантириш вазифаси қўйилса бунинг учун машғулот услуби танланади.

Машғулот жараёнини ёд олиш билан бошланади. Шундай экан, маҳоратнинг шаклланиши уч босқични ўз ичига олади: билимни ҳабар қилиш; кўникма ҳосил қилиш; маҳоратни шакллантириш.

Маҳоратнинг такомиллашуви даражасини назорат қилиш мусобақаларда амалга оширилади.

Маҳорат “ҳаракатнинг бир хиллик суръати” “ҳаракат динамик йўли” сифатида физиологик белгиланишга эга экан, шу асосда машғулотнинг асосий услублари белгиланади.

1. Усулни бажариш рефлекс бўлиши автоматизация ёки маҳоратни мустаҳкамлаш услуби-маҳоратни мустаҳкамлаш стандарт шароитларда ҳаракат ишларини қилиш ёрдамида бажарилади.

2. Маҳорат жўшқинлигини юқори тезликда ўзгартириш ёки такомиллаштириш услуби. Маҳоратни такомиллаштириш икки йўлда бўлиши мумкин: спортчи имкониятларини (техник, тактик, жисмоний ва маънавий-иродавий) ўзгариши ва усулларни бажариш шароитининг (ағнатиш фактори) ўзгариши.

Курашни ўрганишда кўникмалар муносабати яққол кўзга ташланади. Яхши давомий ўрганиш мактабини ўтаган полвон янги усулларни осонликча ўзлаштиради. Чамаси бундай пайтда генерализация ва уйғонишни концентрациялаш жараёни ҳам маълум ўрин эгаллайди. Аммо улар янги бўлақларни ўзлаштиришда қийинчилик уйғотмай, бирмунча енгил ва тез ўтади.

Хулоса. Кураш машғулотларини қониқарли ўтишни асосан шуғулланувчи болаларни шу машғулотга қизиқишига боғлиқ. Ўқитувчи-мураббий машғулотни шундай олиб бориши керак-ки, шуғулланувчи болалар ўзлари



тушуниб, фаоллик принципларини намоиш қилишлари керак. Ўтиладиган машғулот фақатгина эмоцияга, яъни ўқувчиларнинг хохишларига қараб ўтиладиган бўлса, унда меҳнатсеварлик даражалари камаяди ва тизимтик равишда машғулотни ўтмас, оладиган билим маҳорати пасаяди. Бора-бора шуғулланувчиларда мақсад ва қизиқиш пайдо бўла бошлайди.

2. Тушуниб етиш ва фаоллик принципини ҳал қилиш учун мураббий қуйидаги принципларга риоя қилиши керак:

а) мураббий шуғулланувчиларга аниқ вазифани тушунтириши ва уни қандай ҳал қилиш ҳақида тушунча бериш.

б) шу масалаларни асосий ечилиш йўллариини кўрсатиш.

в) қанақа воситалар орқали шу масалаларни ҳал қилишни кўрсатиб ўтиши (рақибни тўғри танлаш ёки юмшоқ матолар, махсус машқлар).

Тушуниб етиш ва фаоллик принципини ҳал қилиш учун мураббий шуғулланувчиларга ҳар хил топшириқларни ўзлари ечиш учун беради. Масалан, бир хил курашчиларга характеристика бериш, уларнинг техника ва тактикасини ўрганиш.

г) аниқ рақиблар устидан режа тузишларни аниқлаш.

д) машғулот юкламаларини ошириш режаи.

е) мусобақани олдиндан башарат қилиш (прогноз).

Бу принципнинг муваффақиятли ўтиши учун ўқитувчи шуғулланувчиларга қаттиққўл ёки ҳар хил талабларни қўймаслиги керак, лекин болалар ўзлари билиб ишлашлари керак.

Тақрирлаш машғулотида болалар ўтилган машғулотни билиши ва керак бўлса ҳар хил саволлар бериб уни кенгайтириши лозим.

## REFERENCES

1. Крючков А.С. Содержание технологии физического воспитания мальчиков 7-9 лет разных самотипов на предварительном этапе занятий кураш / А.С. Крючков, В.Л. Дементьев // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. - 2009. - № 3. - С. 34-39.
2. Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы спортивной подготовки. - Киев: Олимпийская REFERENCES, 1999. - 318 с.
3. Мухаммадиев К.Б. Жисмоний машқлар билан мустақил шуғулланишда жисмоний юкламалар самарадорлигини баҳолашнинг педагогик назорат

узулларидан фойдаланиш / Узубуий кўлланма. Тошкент темир йўл муҳандислари институти босмахоноси. – Тошкент, 2019 й. - Б.23.

4. Муҳаммадиев К.Б. Талабаларнинг жисмоний кўрсаткичларини ривожлантириш / Узубуий кўлланма Тошкент темир йўл муҳандислари институти босмахоноси. – Тошкент, 2019 й. - Б.28.

5. Муҳаммадиев К.Б. Талабаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий йўналишлари // Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг фалсафий, ҳуқуқий ва социологик муаммолари. – Чирчиқ. 2020 й. – Б. 204-206.

## **XIX ASR OXIRI — XX ASR BOSHLARIDA ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTONGA AHOLINI KO'CHIRISH SIYOSATI: IJTIMOY-DINIY XUSUSIYATLAR.**

**Dilshod Narbotirovich Abduvohidov**

Samarqand davlat universiteti doktorant

e-mail: [norbotirovich@mail.ru](mailto:norbotirovich@mail.ru)

### **ANNOTATSIYA**

Maqolada XIX asr oxiri — XX asr boshlarida Rossiya imperiyasining Turkistonga aholini ko'chirish siyosatini amalga oshirish natijasida bu yerga ko'chib kelganlarning asosiy ijtimoiy-diniy xususiyatlari yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** migrantlar; pravoslavlik; cherkov; Turkiston; Nizom; Sirdaryo viloyati; yangi shahar; posyolka; mahalliy aholi; rus qishloqlari.

### **ABSTRACT**

The article describes the main socio-religious characteristics of those who immigrated to Turkestan as a result of the Russian Empire's policy of resettlement at the end of the 19th and the beginning of the 20th centuries.

**Keywords:** migrants; orthodoxy; church; Turkestan; Regulation; Syrdarya region; new city; settlement; local population; russian villages.

### **АННОТАЦИЯ**

В статье рассмотрены основные социально-религиозные характеристики переселенцев в Туркестан в результате переселенческой политики Российской империи в конце XIX - начале XX веков.

**Ключевые слова:** мигранты; православие; церковь; Туркестан; регулирование; Сырдарьинская область; Новый город; урегулирование; местное население; русские деревни.

Turkistonning rus migrantlari tomonidan o'zlashtirilishiga oid asosiy ilmiy o'rganishlar sovet davrida amalga oshirilgan. Shu bilan birga, 1920-30 yillarda oktyabr to'ntarilishidan oldingi O'rta Osiyoga kelib o'rnashgan ruslar haqida hech narsa yozilmagan, chunki sotsializm davri milliy siyosatida millatlar o'rtasidagi farqlarni yo'q qilish g'oyasi ustunlik qilgan. Turkistondagi rus muhojirlari jamiyati

haqidagi birinchi ilmiy ishlar ancha kech, 1980-90-yillarda paydo bo'lgan [1, 122-b]. Ushbu adabiyotlarda Turkistonning ko'chib kelganlar tomonidan o'zlashtirilishi va ularning aholi punktlari barpo etilishi jarayonlari, shuningdek, yerdan foydalanish, yangi kelganlar va o'lkaning tub aholisi o'rtasidagi yer uchastkalarini chegaralash muammolariga e'tibor qaratilgan.

Sovet davri asarlarida Turkistonga ko'chib kelganlar yaxlit bir jamoa sifatida qaralgan. Buning sababi shundaki, SSSRda Rossiya imperiyasining O'rta Osiyoga ko'chirish siyosati masalalarini o'rganishda ham ijtimoiy-iqtisodiy omillarga ko'proq e'tibor berilgan. Tarixchi olim O.I. Brusina tomonidan "XIX asr oxiri – XX asr boshlarida O'rta Osiyodagi slavyanlarning taqdiri" nomli asarida Turkistonga birinchi ko'chib kelganlarning madaniyati, tili va o'ziga xosligi masalalari ko'rib chiqilgan [2, 118-b]. Shunga qaramay, ilmiy tadqiqotchilar tomonidan ko'chirilayotgan aholining ijtimoiy-madaniy xususiyatlari tahlil qilingan bo'lsada, mintaqaning birinchi rahbarlari tomonidan yozilgan ko'plab eslatmalarda, Turkiston general-gubernatorligi hukumati hujjatlari, taftish komissiyalari hisobotlarida ham juda boy ma'lumotlar mavjud. Eng muhim ma'lumotlar senator-taftishchi K.K. Palen, maxsus topshiriqlar bo'yicha rasmiy N.A. Gavrilov, tadqiqotchi I.I. Geyerning hisobotlarida shuningdek, iqtisodchi va statistik A.A. Kaufmanning ish hujjatlarida keltirilgan.

XIX asr oxiri — XX asr boshlarida Turkistonning rivojlanishi haqidagi turli hujjatli manbalarni tahlil qilib, bu yerga kelgan rus jamoalarining quyidagi ijtimoiy-madaniy xususiyatlarini ajratib ko'rsatishimiz mumkin:

e'tiqod ya'ni pravoslavlik dini;

ko'chib kelganlarni Turkistonning yangi tashkil etilgan posyolkalarida yoki yirik shaharlarining "Rossiya qismi"da, alohida anklavlarda yashashi;

Turkistondagi podsho ma'muriyati bu yerda pravoslav diniga katta ahamiyat berdi. Chunonchi, bu 1886-yildagi Turkiston tog'risidagi Nizomda mustahkamlab qo'yilgan. Ushbu nizomga ko'ra, Turkistonga aholini ko'chirish qoidalari tasdiqlangan. Pravoslav nasroniylarni yangi qo'shib olingan chekkalarga birinchi navbatda ko'chirish talabi ko'rsatilgan. Har bir yirik aholi posyolkalari va shaharlarning "yangi" qismida pravoslav cherkovlari qurish va bunga tegishli tartibda pul mablag'lari ajratish to'g'risida ham ma'lumotlar mavjud. Shu bilan birga, Turkistonga asosan, qishloq aholisi tabaqasiga mansub, pravoslav e'tiqodidagi ruslarga ko'chib kelishga ruxsat berilgan. Ko'chib kelganlarga hududning imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda, har bir odam uchun 10 gektardan ko'p bo'lmagan bepul yer uchastkalari ajratildi [3, 177-b]. Sirdaryo viloyatida 1897-yilgi

aholini ro'yxatga olish ma'lumotlariga ko'ra, jami aholidan pravoslavlar 2,86%, eski dindorlar 0,19, katoliklar 0,2, protestantlar 0,13, boshqa nasroniylar 0,01 ni tashkil etgan [4, 207-b]. Sirdaryo viloyatiga yangi kelgan aholi orasida pravoslav xristianlar ko'pchilikni tashkil etgan.

Turkistonga Rossiya imperiyasining turli mintaqalaridan ko'chib kelganlar o'zlarining til shevalari, dehqonchilik va turmushning o'ziga xos xususiyatlari, urf-odatlar va mentaliteti bo'yicha bir-biridan farqlansada, aynan pravoslav jamoasiga mansublik tamoyili ularning begona hududda o'zaro birlashuvida katta ahamiyat kasb etgan. Shuningdek, ushbu davrda pravoslavlik Rossiya imperiyasida davlat dini bo'lgan va bu ham Turkistonda ko'chib kelganlarning hukumat bilan aloqalasini mustahkamlashda katta rol o'ynadi [5, 41-b].

Turkistonda pravoslavlardan tashqari boshqa xristian dini vakillari ham cheklangan miqyosda joylashgan. Masalan, Sirdaryo viloyatiga Kavkazdan kelgan molokanlarning (rus ratsionalistik sektasi) alohida qishloq tashkil etib istiqomat qilishganligi haqida ma'lumotlar mavjud. Turkiston imperiya rasmiylari o'z hisobotlarida molokanlar ruslarning alohida guruhi sifatida moliyaviy jihatdan barqarorligi va iqtisodiyotining mustahkamligi bilan ajralib turishini qayd etganlar. Molokanlar pravoslav dinini rad etishgan. Cho'chqa go'shti va spirtli ichimliklarni iste'mol qilishni gunoh deb hisoblashgan. Bu esa ularni ko'chib kelgan pravoslavlardan ijobiy tomonlarga ajratib turgan. 1906-yilda Turkistonga ko'chirish ishi haqidagi gazeta maqolalaridan birida shunday deyilgan: "Toshkent uezdida Alekseevka qishlog'ida 60 ga yaqin mahalliy rus oilasi – molokanlar qo'nim topgan. Ular hushyor xalq, ichmaydi, taqvodor va haloldirlar" [6, 247-b].

Ikkinchi muhim ijtimoiy-madaniy xususiyat bu ko'chib kelganlarning yangidan tashkil etilgan posyolkalarda yoki yirik shaharlarning "rusiyzabon qismi"da, alohida anklavlarda yashashi bilan bog'liq edi. Podsho hokimiyati ko'chib kelganlarni mahalliy aholi bilan aloqa qilishdan iloji boricha himoya qilishga harakat qilgan. Yangi tashkil etilgan aholi punktlarida ko'chib kelganlarning qulay joylashishi an'analari, urf-odatlar va islom diniga sodiqligi bilan ajralib turadigan tub joy aholisidan iqtisodiy, ma'muriy va xavfsizlik masalalari bo'yicha muhim bo'lgan.

Sirdaryo viloyati Turkistonning mahalliy aholi zich yashaydigan ichki hududi bo'lgan. 1897-yilda ushbu viloyatda o'tkazilgan aholini ro'yxatga olish ma'lumotlariga ko'ra, tub aholi orasida til bo'yicha ko'pchilikni qozoqlar — 64,4 %, boshqa turkiy xalqlar — 10,73 %, o'zbeklar — 4,34 % tashkil qilgan. Yangi kelgan

aholi orasida esa ruslar - 2,16 %, ukrainlar - 0,87 %, belaruslar - 0,1 % ni tashkil etgan [4, 207-b].

Bosib olingan Turkistonni rivojlantirish uchun podsho hukumati birinchi navbatda kuchli dehqon xo'jaliklarini, jumladan, paxta yetishtirishga asoslangan xo'jaliklarni shakllantirish va ularni rivojlantirishni maqsad qildi. Turkistonda podsho ma'muriyati qo'zg'olonlar boshlanib ketishi va paxta ekinlari kamayib ketishidan xavfsirab, tub joy aholisidan sug'oriladigan yerlarni tortib olishdan tiyilgan [7, 34-b]. Rossiyaning Yevropa mintaqasidan kelgan qishloq aholisi uchun ko'pincha mintaqaning tub aholisi istiqomat qiladigan joylar yaqinida alohida yashash manzilgohlari – posyolkalar tashkil etildi. Shaharlarda esa mintaqaga kelgan podsho hokimiyati rahbarlari, shifokorlari, iste'fodagi harbiy xizmatchilar va ularning oilalari va boshqalar alohida hududlarda - "Rossiya qismida" yashagan. Shaharlarning "Rossiya qismi" asta-sekin rivojlanib bordi, unda zamonaviy ma'muriy va turar-joy binolari, kasalxonalar, hammomlar, xristianlik cherkovlari va suv ta'minoti tizimi paydo bo'ldi. Bu yerda ular o'zlarining nazorat tizimi, xavfsizlik apparatlarini va hatto qamoqxonani qurdilar.

Fevral inqilobidan oldingi davrda Turkistonda 6 ta yangi rus shaharlari qurildi. Ulardan 2 tasi eski shaharlardan bir oz masofada: 1877-yilda Yangi Marg'ilon shahri (1907-yildan Skobelev, 1924-yildan Farg'ona nomi bilan atalgan) harbiy ma'muriy markaz sifatida paydo bo'ldi. 1888-yilda Buxorodan 12 km uzoqlikda Kaspiy temir yo'li bo'yida Yangi Buxoro posyolkasi (1935-yildan — Kogon) qurilgan. Toshkent, Andijon, Namangan, Qo'qon kabi "qadimiy" shaharlarda eskilariga tutash hududlarda yangi shaharlar qurildi.

Umuman olganda, imperiyaning aholini Turkistonga ko'chirish siyosati faol darajada olib borildi va buning natijasida hududlarda rus mazilgohlari ko'payib bordi. Buning tasdig'i sifatida, Sirdaryo viloyatidagi rus qishloqlaridan biriga sayohat qilgan etnograf I.I.Geyer Turkistonda kundalik hayotida ruslarning "borligi" sezilarli darajada namoyon bo'lishini ta'kidlaydi: "Chimkent shahriga yaqinlashgan sari, Rossiya imperiyasi bo'ylab sayohat qilayotganingni shunchalik anglab yetasan..." [8, 33-b].

Rus qishlog'ining qurilish tartibi o'zgacha bo'lgan: unda bir-biridan uzoqda joylashgan to'rtta parallel ko'chalar bo'lib, odatda qishloq to'rtburchak shaklida qurilgan. Ko'chalar orasida nafaqat yer uchastkalari, balki paxta maydonlari ham bo'lgan. Qishloqning markazida odatda katta maydon bo'lgan va u yerda qoida tariqasida birinchi navbatda toshdan cherkov qurilgan. Molokanlar ko'p bo'lgan



qishloqlar markazida (Verxnevolinskoye, Nijnevolinskoye, Konnogvardeyskoye) cherkovlar qurilmagan [2, 32-b].

Ko'chib kelganlarning qishloqlarida cherkovlardan tashqari maktablar ham qurilgan. Maktablar ham toshdan qurilgan. Ba'zi qishloqlarda maxsus ayollar cherkoviga ixtisoslashgan maktablar ham mavjud bo'lgan. Tibbiy sohada odatda bitta shifokor va uning bir yoki ikkita yordamchisi (Russkoe Selo, Romanovskoe, Verxnevolynskoe, Nadejdinskoe) bo'lgan ambulatoriya punktlari ochilgan. Ko'chib kelganlarning "migratsiya" arxitekturasi eng qiziqarli namunalar (birinchi navbatda cherkov binolari) diqqatga sazovor joylar hisoblangan va iloji boricha ular himoyalangan [2, 33-b].

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash lozimki, Rossiya imperiyasining aholini Turkistonga ko'chirish siyosati imperiya qishloq xo'jaligi sohasini yanada yuksaltirishga qaratilgan. Shu bilan birga ko'chib kelganlar bir tomondan imperiya armiyasi uchun zaxira harbiy kontingent bo'lsa, boshqa tomondan "Turkistondagi rus avtokratiyasining tayanchiga" aylanishi lozim bo'lgan.

## REFERENCES

1. Turkiston viloyatiga ko'chirish ishi (Sirdaryo, Samarqand va Farg'ona viloyatlari). Ish safari hisoboti, Turkiston 1910-yil. Ko'chirish boshqarmasining maxsus topshiriqlar bo'yicha mansabdori N. Gavrilov. Sankt-Peterburg, 1911-y. 336 b.
2. O.I. Brusina, "Markaziy Osiyodagi slavyanlar. Etnik va ijtimoiy jarayonlar. XIX asr oxiri – XX asr boshlari". M.: Sharq adabiyoti RAN, 2001. 246 b.
3. Turkistonga ko'chirish ishi. Senatning Oliy farmoyishi bilan Turkiston viloyatida o'tkazilgan taftish to'g'risidagi hisobot, graf K.K. Palen. Sankt-Peterburg, 1910. 411-b.
4. Rossiya imperiyasining birinchi umumiy aholi ro'yxati, 1897-y.. Sankt-Peterburg, 1905-y.. T. LXXXVI: Sirdaryo viloyati.
5. Y.N. Siryapkina "O'zbekistonda pravoslav cherkovi XIX asrning 2-yarmi — XX asr boshlarida markaziy hokimiyat siyosati ta'sirida // Kemerovo davlat universiteti axborotnomasi. 2015. T. 1, No 4 (64).
6. O'zbekiston Respublikasi Markaziy davlat arxivi F. R-2412. Op. 1. H. 346.
7. A.P. Fomchenko, "XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Turkiston o'lkasidagi rus aholi punktlari. (ijtimoiy-iqtisodiy jihat)". Toshkent, 1983-yil, 244-b.
8. I.Geyer, "Sirdaryo viloyatining rus qishloqlari haqida (xatlar)". T. I: Chimkent tumani. Toshkent, 1893 (III harf) // O'zR. F.R.-2412. Op.1. H. 339.

9. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. Digitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – T. 12. – С. 209-218.
10. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – С. 145-150.
11. Olimovich A. K., Butabaev M., Kh S. D. PROJECT MANAGEMENT IN THE SYSTEM OF STRATEGIC COMPANY MANAGEMENT //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – T. 11. – №. 7. – С. 40-44.
12. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State Regulation of the Digital Transformation of the Economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – T. 9. – С. 145-150.
13. Суюнов Д., Хошимов Э. Замоновий шароитларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг асосий йўналишлари //Экономика и инновационные технологии. – 2019. – №. 4. – С. 197-210.
14. Suyunov D. K. Scientific Foundation For Implementation Of The Compliance Control System At Corporate Enterprises //The American Journal of Management and Economics Innovations. – 2021. – T. 3. – №. 06. – С. 138-145.
15. Suyunov D. X., Xoshimov E. A. The main directions of development of the corporate governance system in Uzbekistan in modern conditions //Economics and Innovative Technologies. – 2019. – T. 2019. – №. 4. – С. 11

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИ- МУРАББИЙЛАРНИНГ КАСБИЙ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ

**З. Н. Бобошев.**

доцент в.б. Тошкент давлат транспорт университети

**А.Х. Тўраев.**

SHTE-13 гуруҳи талабаси. Тошкент давлат транспорт университети

### АННОТАЦИЯ

Мақолада жисмоний тарбия ўқитувчи-мураббийнинг педагогик маҳорати унинг фаолиятида педагогик жараённинг қонуниятлари ва механизмларини яхши эгаллашга ўргатиш бўйича фикрлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Жисмоний тарбия, педагогик жараён, ўқитувчи-мураббий, жисмоний тайёргарлик, педагогик технология, маҳорат, мулоқот, услуб.

### АННОТАЦИЯ

В статье представлены педагогические умения учителя-тренера по физическому воспитанию в его работе по обучению законам и механизмам педагогического процесса.

**Ключевые слова:** : Физическое воспитание, педагогический процесс, педагог-тренер, физическое воспитание, педагогическая технология, умения, общение, метод.

### ABSTRACT

In the article, the pedagogical skills of the physical education teacher-coach are presented in his work to teach the laws and mechanisms of the pedagogical process.

**Keywords:** Physical education, pedagogical process, teacher-coach, physical training, pedagogical technology, skill, communication, method.

Бугунги кунда тараққиёт йўлидан илдам қадамлар билан бораётган мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, унга илғор педагогик ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ушбу сиёсатнинг асосий тамойилларидан бири таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлашдир. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида эътироф этилишининг сабабларидан бири ҳам ана шундадир.

Узлуксиз таълим-чуқур, ҳар тарафлама асосли таълим-тарбия бериш, мутахассис кадрлар тайёрлашнинг турли-туман шакл, усул, восита, услуб ва йўналишларнинг мукамал уйғунлигидан иборатдир. Унинг турли компонентлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, муайян усул ва услубларнинг таълим шароитига оқилона татбиқ этилиши узлуксиз таълим сифатини таъминлайди.

Педагогик маданиятнинг юқори даражаси, унинг ҳаётда намоён бўлиш шакли педагогик маҳоратдир. Педагогик маҳорат ривожланган психологик-педагогик тафаккур, касбий педагогик билимлар, кўникма ва малакалар, ўзини ифода этишнинг ҳиссий-иродавий воситалари синтезидан иборат.

Жисмоний тарбия ўқитувчи-мураббийнинг педагогик маҳорати унинг фаолиятида кўринади. Ўқитувчи-мураббий аввало педагогик жараённинг қонуниятлари ва механизмларини яхши эгаллаган бўлиши лозим. Маҳорат – бу алоҳида қудрат. Педагогик маҳоратга етишиш жисмоний тарбия ўқитувчи-мураббийнинг муайян шахсий сифатлари билан амалга ошади ҳамда ўқув-тарбиявий муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга имкон беради.

Касбий педагогик маҳорат юксак даражадаги педагогик фаолиятнинг тараққий этишини, педагогик техникани эгаллашни, педагог шахси, унинг тажрибаси, фуқаролик ва касбий мавқеини ифодалайди.

Педагогик жараённинг ўзига хослиги унинг тузилиши ва мазмуни, ўқитувчи-мураббийнинг шаклланишига туртки бўлади. Ўқитувчи-мураббий ўқувчи-ёшларга жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича таълим (ўргатиш) бериш, тарбиялаш ва соғломлаштириш каби вазифаларни бажаради.

Касбий педагогик маҳорат педагогик маданиятнинг асосий компоненти ҳисобланиб, у ҳам ўз навбатида мураккаб тузулишга эга. У қуйидаги тўртта қисмдан иборат:

1. Педагогик технология
2. Педагогик маҳорат
3. Предметни билиш
4. Педагогик услуб

Ўқув фанини, унинг тархини, назарияси, методикаси ва замонавий амалиётни билиш педагогик маҳоратнинг асосини, фундаментини ташкил этади. Фаннинг барча соҳаларининг жадал тараққиёти ва янгиланиш даврида касбий компетентлик (салоҳият) муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда ўзгариб бораётган ташкилий восита, шакл, методлар ва ижтимоий шарт-шароитлар ўқитувчи-мураббийларга янги талаблар қўймоқда.

Маълумки, юқори жисмоний-амалий тайёргарлик ўқув-тарбиявий жараённинг сифати ва самарадорлигини белгилайди. Жисмоний тарбия соҳасида ва уни ўқитиш методикаси соҳасида ўқув фанини пухта билиш, бу билимларнинг юқори даражадаги спорт унвонига ва шахсий тажрибага асосланганлиги (масалан, спорт устаси) ижодий ёндошишга имкон яратади.

Тадқиқотларда таъкидланишича, агар мутахассис янги ахборотларга эга бўлмаса, унинг малака маҳорати 20-25% пасаяди. Шу боис, у шахсий вақтининг 20 фоизини илғор илмий ютуқлар билан танишишга сарфлаши керак.

Ўқитувчининг таълим ва тарбия соҳасида орттирган тажрибаси, педагогик-психологик тадқиқотларини янги ютуқларини эгаллашдаги салоҳияти (бу унинг илмий малака маҳоратида намоён бўлади) илгарилаб боровчи касбий тафаккурни таъминлайдиган истиқболли таълимни амалга оширишга имкон яратади.

Педагогик ижодиёт – педагогик маҳоратнинг муҳим ва сезиларли таркибий қисмидир. Унинг моҳияти таълим ва тарбиянинг юқори натижаларида намоён бўлади. Бу эса “ўқитувчи-таълим олувчилар” тизимининг ўзаро таъсири оқибатида юзага келади.

Педагогик ижодиёт турли муаммоли вазиятларнинг келиб чиқиши ва уларни ўқитувчи ўзининг тасавури ҳамда ностандарт йўл билан ҳал қилишга интилиши билан белгиланади.

Педагогик маҳорат компонентларини ҳосил қиладиган қуйидаги малака гуруҳлари фарқланади:

- лойиҳалаш;
- конструкциялаш;
- ташкилотчилик;
- мулоқат;
- билиш ва рефлексивлик.

Педагогик маҳоратнинг асоси педагогик билимдонликдир. Педагогик билимдонлик деганда аниқ тарихий даврда қабул қилинган (нормалар,

стандарт) ва талабларга мувофиқ педагогик вазифани бажаришга қобиллик ва тайёрлик билан белгиланадиган интеграл касбий-шахсий тавсифнома тушунилади.

Педагогик билимдонлик педагогик соҳада маҳорат билан ишлаётган кишининг таълим ва тарбия ишида инсоният тўплаган барча тажрибалардан рационал фойдаланиш қобилиятини кўзда тутар экан, у етарли даражада педагогик фаолият ва муносабатларнинг мақсадга мувофиқ усуллари ва шакллари эгаллаши лозим.

Ҳақиқий ижод ахборотнинг тўлалигига, илмий башоратга таянади. Шунингдек, у ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнида педагог таъсирнинг изчил метод, шакл ва воситаларининг турли комбинацияларини ҳар гал янгича ва самарали қўллаш кўникмасига асосланади.

Педагогик услуб – муайян давр (мактаб) педагогларининг ўзига хос фикр ва ҳаракатлар мажмуасидан иборат бўлиб, бошқа давр (мактаб) педагогларининг қарашларидан фарқ қилади. Ҳар бир педагогнинг иш услуби такрорланмас, индивидуалдир.

Юқорида кўрастилган маълумотлар жисмоний тарбия ўқитувчи-мураббийларни педагогик маҳоратига эга бўлишига ва унинг касбий маҳоратини эгаллага муносиб хизмат қилади ҳамда ўқув-тарбиявий вазифаларни ҳамкорлик асосида муваффақиятли ҳал этишга имкон беради.

## REFERENCES

1. Мухаммадиев К.Б. Жисмоний тарбия таълими жараёни самарадорлигини ошириш ва талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг назарий асослари: Монография // “Инновацион ривожлантириш нашриёти-матбаа уйи” – Тошкент, 2021.
2. З.Н.Бобошев, “Жисмоний тарбия ва спорт”(футбол асослари). Ўқув қўлланма. Тошкент “Lesson Press”:2023-180 б.
3. Мухаммадиев К.Б. Жисмоний тарбия таълими жараёни самарадорлигини оширишнинг долзарб педагогик муаммолари //“Фан-спортга”. – Тошкент, 2021. 4-сон. –53-56 б.
4. К.В.Мухаммадиев, I.M.Mirzakulov, A.H.Karimov. Methodological fundamentals of formation of ecological culture in students - AIP Conference Proceedings, 2022.



5. З.Н.Бобошев, “Жисмоний тарбия ва спорт” (Миллий ва ҳаракатли ўйинлар орқали футбол элементларини такомиллаштириш). Ўқув қўлланма. Тошкент “Lesson Press”:2024-156 б.

6. К.Б. Мухаммадиев. Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти жараёнида талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришни илмий-педагогик асослаш. Дис...пед. фан. доктори (DSc). – Чирчиқ: 2022. – 252 б.

7. I.M.Mirzakulov, Z.N. Boboshev. Types of Wrestling: Uzbek National Wrestling, Sambo, Judo, Greco-roman, Pedagogical Approach Based on Freestyle Wrestling. JournalNX 7 (12), 327-329

## YOSH DZYUDochILARINING MASHG'ULOT VAQTIDA ONGLILIK VA FAOLIYAT PRINSIPLARINI RIVOJLANTIRISH SAMARADORLIGI

**K. B. Muxammadiyev**

p.f.d (DSc), professor v.b. Toshkent davlat taransport universiteti

**Sh. D. O'rinboyev**

Alfraganus universiteti magistrant.

### ANNOTATSIYA

Dzyudo maktabgacha va maktab yoshidagi bolalar uchun mos chastota, intensivlik va jismoniy mashqlar davomiyligiga ega tuzilgan sport turi sifatida kundalik mashqlar miqdori bo'yicha sog'lom turmush tarzi bo'yicha tavsiyalarni to'ldirishi mumkin. Maqolada dzyudo qoidalari va bo'lajak dzyudochi sportchilarning tayyorgarligini rivojlantirish masalalari bayon etilgan.

**Keywords:** judo, wrestling, training, sports injuries, development, physical activity.

### АННОТАЦИЯ

Как структурированный вид спорта с соответствующей частотой, интенсивностью и продолжительностью упражнений для детей дошкольного и школьного возраста, дзюдо может дополнять рекомендации по здоровому образу жизни по количеству ежедневных упражнений. В статье описаны правила занятий дзюдо и вопросы совершенствования подготовки будущих спортсменов-дзюдоистов.

**Ключевые слова:** дзюдо, борьба, тренировка, спортивные травмы, развитие, двигательная активность.

### ABSTRACT

As a structured sport with appropriate frequency, intensity and duration of exercise for preschool and school-aged children, judo can complement healthy lifestyle recommendations for the amount of daily exercise. The article describes the rules of judo practice and issues of improving the training of future judo athletes.

**Kalit so'zlar:** dzyudo, kurash, mashg'ulotlar, sport jarohatlari, rivojlanish, jismoniy faollik.

Bolalar o'rtasida harakatsiz turmush tarzi XXI asrning jiddiy muammosidir. Kamroq va kamroq bolalar o'z-o'zidan paydo bo'ladigan ochiq o'yinlarda qatnashmoqda, bolalar multimedia ekranlari oldida ko'proq vaqt o'tkazmoqda. 5 yoshdan 17 yoshgacha bo'lgan bolalarning psixofizik salomatligini saqlash uchun Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti (JSST) kuniga o'rtacha 60 daqiqa o'rtacha va kuchli jismoniy faoliyatni (PA) tavsiya qiladi. Shuni ta'kidlash kerakki, maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalar salomatligini muhofaza qilish nafaqat targ'ibot, balki sog'lom turmush tarzi ko'nikmalarini shakllantirish va o'rgatish, shu bilan birga birinchi tibbiy yordam ko'rsatishni, maktabgacha yoshdagi bolalarga tibbiy yordam ko'rsatishni ham o'z ichiga oladi. tibbiyot xodimlari ta'lim tashkilotlari yoki tegishli sog'liqni saqlash muassasalari. O'zbekiston Respublikasining 2020-yil 23-sentabrdagi "Ta'lim to'g'risida"gi O'RQ-637-son Qonunida "Maktabgacha ta'lim va tarbiya – bolalarni o'qitish va tarbiyalashga, ularning intellektual, ma'naviy, axloqiy, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlanish, shuningdek, bolalarni umumiy o'rta ta'limga tayyorlash. Natijada maktabda jismoniy tarbiyaga ajratilgan vaqt bolalarning harakat ehtiyojlarini qondirish uchun etarli emas. Shu sababli, ta'lim muassasalaridan tashqari, ota-onalar birinchi navbatda farzandlarining jismoniy rivojlanishiga g'amxo'rlik qilishlari kerak. Barcha jismoniy faoliyat bolaning yoshiga mos kelishi va uning sog'lig'ining xususiyatlarini hisobga olishi kerak. Tajribali murabbiylar rahbarligida muntazam jismoniy mashqlar bolalar uchun sog'lom turmush tarzini saqlashning eng yaxshi variantidir.

Kurash ibtidoiy jamoa tuzumi davrida vujudga kelgan insoniyat madaniyatining noyob hodisasidir. Ibtidoiy jamoa tuzumi va tafakkurining xarakterli xususiyatlarini hozirgacha saqlab kelayotgan xalqlar (avstraliya aborijenlari, Andaman orollari, papualiklar va boshqalar) orasida tadqiqotchilar tomonidan to'plangan boy tarixiy va etnografik materiallardan ko'rinib turibdiki, kurash gomolarning boshqa turlari orasida doimo ajralib turgan. tadbirlar Sapiens. U o'zining mavjudligining dastlabki bosqichlaridayoq ko'p funktsiyali harakat xarakterini oldi va raqobatbardosh jang san'ati, o'yin-kulgi, marosim harakati sifatida harakat qildi, shuningdek, jismoniy va harbiy tayyorgarlik vositasi sifatida xizmat qildi. Bundan tashqari, kurash hodisasini umuman inson mavjudligining mohiyati deb hisoblash mumkin, chunki 19-asrning mashhur frantsuz yozuvchisi Prosper Merime aytganidek, "hayot bu kurashdir".

Dzyudo ("yumshoq yo'l") - butun dunyoda shuhrat qozongan va mashhur bo'lgan yapon milliy kurashi. 19-asr oxirida yaratilgan. atoqli yapon o'qituvchisi, jang san'ati ustasi, Yaponiya imperatorlik universiteti professori Kano Jigoro (1860-1938), yaponiyalik an'anaviy qo'l jangi jujutsu tizimiga asoslangan . Dzyudo asoschisi, kambag'al samuraylar oilasining avlodi Kano Jigoro 1860 yilda Kioto yaqinidagi Mikage shahrida tug'ilgan . Tug'ilgandan boshlab, Kano zaif va kasal bola edi, shuning uchun jismoniy zaifligini engish uchun Tokio universitetiga o'qishga kirganidan so'ng, u an'anaviy jujutsu uslubini o'rganishni boshlaydi. Tenshinshinyo-ryu (1877-79) ustalari Fukuda Xachinosuke va Iso Masatomo va keyinchalik (1881-82) Ilubodan Kitoryu uslubini o'rganadi Tsunetoshi .

Bolalar uchun dzyudo mashg'ulotlarini tashkil etishda maksimal xavfsizlikni ta'minlash va eng yosh dzyudochilarning yoshiga moslashtirilgan tegishli tayyorgarlik usullarini qo'llash muhimdir.

Dzyudo elementlari bo'yicha mashg'ulotlar yiqilish texnikasini (Ukemi), yer texnikasini (Ne -waza) o'rganish bilan boshlanadi va keyin kurash usullarini (Katame-vaza) va tik turish texnikasini (Tachi-vaza) o'rganish bilan yakunlanadi . Grappling guruhiga cheklovlar, qo'shma qulflar va choklar kiradi. Birinchidan, fiksatsiya texnikasi o'rgatiladi va xavfsizlik nuqtai nazaridan, sport musobaqalarida bo'g'inlarni mahkamlash va bo'g'ish usullariga faqat keyinroq ruxsat beriladi (Polshada 14 kalendar yildan). Keyinchalik, tik turgan joydan (Tachi-waza) otish texnikasi (Nage-waza) kiritiladi. Amaliyotchilar jismoniy tayyorgarlik va mahoratning etarli darajasiga erishganlarida, jangovar elementlar (randori) bajariladi.

Bundan tashqari, mashg'ulotlar nafaqat jismoniy fazilatlarni rivojlantirishga qaratilgan bo'lishi kerak. Birinchi Kodokan maktabining asoschisi Jigoro Kano , shuningdek, intizom, mas'uliyat va his-tuyg'ularni nazorat qilish kabi ijobiy xarakter xususiyatlarini o'rgatish orqali rivojlanishni ta'kidladi. Seiryoku-Zenyo va Jita-Kyoei tamoyillariga ko'ra, dzyudo orqali amaliyotchilarga, o'qituvchilarga va umumiy ijtimoiy aloqalarga nisbatan hurmat va kamtarlikni rivojlantirish kerak [3, 4].

Bundan tashqari, bolalar uchun mashg'ulotlarning qiziqarli shakli sifatida dzyudo elementlari bilan motorli o'yinlar va jismoniy mashqlar tavsiya etiladi. O'yin va mashg'ulotlarning afzalligi shundaki, ular bir vaqtning o'zida dzyudo elementlarini o'rgatish bilan birga jismoniy tayyorgarlikni rivojlantiradi, o'yin davomida muammoli vaziyatlarni hal qilishga undaydi, zavq va qoniqish hosil qiladi.

Dzyudoning afzalligi shundaki, u barcha yoshdagi ishtirokchilar uchun sport turi bo'lib, mashg'ulot xonasini tayyorlash narxi past, faqat gilamchalar kerak

bo'ladi. Biroq, dzyudo 100 yildan ortiq vaqtdan beri mavjud bo'lsa-da, juda yosh bolalarni o'rgatish bo'yicha ko'rsatmalar va uning samaradorligi va sog'liq uchun foydalari haqida ko'rsatmalar kam. Mavjud nashrlar bu borada ba'zi uslubiy farqlarni ko'rsatadi. O'quv dasturini tanlash o'qituvchilarga, ularning ta'lim, tayyorgarlik va bolalar bilan ishlash tajribasiga bog'liq. Bolalar uchun dzyudo usullari bo'yicha uning samaradorligi va umumiy salomatlikka ta'sirini uzoq muddatli kuzatgan holda tegishli adabiyotlar bazasini yaratish foydali bo'ladi, undan birinchi navbatda yosh va tajribasiz o'qituvchilar foydalanishi mumkin. Polshada murabbiylar dzyudo bo'yicha yetarli bilimga ega, minimal 1- Kyu (jigarrang belbog') malakasiga ega, tegishli o'quv kursini tamomlagan yoki shu sohada oliy ma'lumotga ega bo'lgan, Polsha dzyudo assotsiatsiyasida ro'yxatdan o'tgan va sertifikat. litsenziya. Bu shaxslar, odatda, professional sportchilar sifatida kuchli ma'lumotga ega, ammo murabbiylik tajribasini endigina orttirishni boshlaydilar, odatda juda yosh bolalarga murabbiylik qilishadi. Dzyudo bo'yicha o'qituvchilarni tayyorlashning shakl va usullarini tizimli yo'lga qo'yish maqsadga muvofiq bo'lardi. Bundan tashqari, mavjud bilimlarga qo'shimcha ravishda, qiziqarli tadqiqot yo'nalishi 4-12 yoshdagi bolalardagi jarohatlarni baholash bo'ladi, bu erda faoliyat ko'proq dam olish xususiyatiga ega va sport ko'rsatkichlariga erishish uchun kamroq bosim mavjud.

Jarohatlarning oldini olishda dzyudo bo'yicha mashg'ulotlarning asosiy tamoyili ishtirokchilarning maksimal xavfsizligini ta'minlashdan iborat bo'lishi kerak. Bolalarni ushbu sport turiga o'rgatishda murabbiyning malakasi, bilimi va tajribasi jarohatlarning oldini olishda muhim ahamiyat kasb etadi. Eng muhim element - to'g'ri yiqilish texnikasini qanday bajarishni, otish paytida qanday tushishni va uloqtirishni qanday qilib to'g'ri bajarishni o'rganishdir. Adekvat, har tomonlama jismoniy rivojlanishni ta'minlash va tarafdorlarning musobaqalarda, ya'ni sport musobaqalarida erta ishtirok etishiga yo'l qo'ymaslik ham muhimdir. Bundan tashqari, mashg'ulotlar uchun mo'ljallangan mat, yiqilish holatlarida zarbani etarli darajada singdirishni ta'minlash uchun tegishli sifat va qattqlikka ega bo'lishi kerak.

## REFERENCES

1. Makarova G.A. *Sport tibbiyoti: Darslik*. – M.: Sovet sporti, 2003. - 480 b.: kasal. ISBN 5-85009-765-1.
2. Mandzyak A.S., Artemenko O.L. Dunyo xalqlari kurashining an'anaviy turlari entsiklopediyasi / A.S. Mandzyak, O.L. Artemenko. – Minsk, 2010. – 562 p., 538 ill.

3. Dzyudo: Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun jismoniy tarbiya bo‘yicha uslubiy tavsiyalar (dzyudo mashqlarining boshlang‘ich shakllari bilan) / Muallif. komp. S. V. Eregina va boshqalar - M.: Sovet sporti, 2006. - 368 b.

4. K. B. Muxammadiev. [Jismoniy tarbiya va sport va talabalar salomatligi omili](#). Berlin tadqiqotlari Transmilliy fanlar jurnali, 2021.



## ИНТЕРНЕТДАГИ АНОНИМЛИК ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

**У. Д. Каримов**

Андижон давлат педагогика институти. Катта ўқитувчи.

### АННОТАЦИЯ

Ушбу тезисда интернет тармоғидаги анонимликнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари хусусида сўз борган. Муаллиф интернет тармоғининг пайдо бўлиши анонимликнинг ижтимоий аҳамиятини кучайишига сабаб бўлгани ҳақида ёзади. Ҳозирги кунда интернетдан фойдаланишда анонимлик муҳим аҳамиятга эга эканига эътибор қаратади.

**Калит сўзлар:** интернет, аноним, махфийлик, ахлоқ, инсон ҳуқуқлари

### АННОТАЦИЯ:

Данная тезис посвящена социально-философским проблемам анонимности в Интернете. Автор пишет, что появление Интернета привело к повышению социальной значимости анонимности. Подчеркивает важность анонимности при использовании Интернета сегодня.

**Ключевые слова:** Интернет, анонимность, конфиденциальность, этика, права человека.

### ABSTRACT:

This thesis is about social-philosophical problems of anonymity in the Internet. The author writes that the emergence of the Internet has led to an increase in the social significance of anonymity. Emphasizes the importance of anonymity when using the Internet today.

**Keywords:** internet, anonymous, privacy, ethics, human rights

Кириш. Ҳозирги кунда онлайн платформалар шахсларнинг ўз қараш ва позицияларини баён этишдаги анчайин оммавий маконга айланиб улгурди. Турли хил масалалар бўйича муносабат билдиришда доим қандайдир муаммолар сезилган. Ўрта асрларда ўзгача фикрловчилар қаттиқ таъқиб қилинган, ҳаттоки гулханда ёқилгани ёки териси шилиб олингани маълум. Мана шундай шароитда ҳам инсонлар турли йўллар билан бўлса ҳам ўз фикрларини баён қилишдан тўхтамаганлар. Шунинг учун ҳам айрим ҳолларда

фикрларни баён қилиш учун одамлар тахаллусларни ўйлаб топган. Тахаллуслар эса одамларни жамиятни кўзидан пана қилиб, фикрлар аслида кимники эканини яшириб турган. Интернетда ҳам биз амалда ўз тахаллусларимиз орқали мулоқотга киришамиз. Бу ўринда ижтимоий беқарорлик нуқтаи назаридан интернетдаги анонимликнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб беришга ҳаракат қиламиз. Ушбу контекстдан туриб кибербуллинг, дезиформация ва бошқа деструктив ҳолатларнинг моҳиятини тушуниб олиш мумкин бўлади.

Интернетдаги анонимлик нисбий тушунча бўлиб, қайсидир дастурчилар томонидан яратилган протоколлар албатта камида унинг яратувчиси бўлганлар ёки унинг эгалари ёхуд махсус хизматлар учун очиқ бўлади. Мисол учун, барча ижтимоий тармоқларнинг фойдаланувчилари бир бириларига тегишли бўлган яширин маълумотларни кўра олмасликлари мумкин. Аммао тизим маъмури деб аталадиган шахслар ҳар бир фойдаланувчининг шахсий маълумотларини бемалол кўришлари мумкин. Турли халқаро келишувлар, шартномалар ва миллий даражадаги қонунлар билан ушбу ҳолатларга чек қўйишга интилиш кузатилаётган бўлсада, амалда интернет технологиялари барибир қайсидир қатлам учун шаффоф ҳисобланади. Шундай сабабларга қарамасдан “Жуда кўп интернет фойдаланувчилари айнан анонимлик муҳим мақсадларга эришда восита деб ҳисоблайдилар.”[1, 4-б]

Анонимликнинг ана шу ижобий жиҳатларига тўхталиб ўтсак.

Биринчидан, ҳар қандай янги фикр ва ғоялар жамоатчиликнинг қаттиқ қаршилига дучор бўлиши мумкин. Унинг муаллифлари эса турли кўринишдаги босимнинг остида қолиши мумкин. Масалан, Мирзо Улуғбек, Николай Коперник, Жордано Бруно ва бошқа юзлаб алломаларнинг оламшумул кашфиётларини жамият кўрқув, нафрат ва ишончсизлик билан кутиб олган. Айниқса, радикализм ёки фундаментализм кучли ёйилган жамиятларда ҳар қандай эркин фикр аввламбор жамият аъзолари томонидан қаттиқ қаршиликка учраши тайин. Оммавий виртуал сазойи қилиш анча кенг тарқалган амалиёт бўлиб, айрим ҳолларда олимлар, сиёсатчилар ёки машҳур инсонлар, баъзида эса оддий одамлар ҳам унинг нишонига айланиб қолиши мумкин. Шу сабабли ҳам айрим инсонлар жамоатчилик томонидан эътироз туғиладиган, лекин ўз позициясини билдириши шарт бўлган масалаларда ўз шахсини сир тутишларни маъқул кўришади.

Иккинчидан, анонимлик танлов бўлиб, у орқали шахс жамият аъзоларига ўзининг қарашларини нейтрал позицияда туриб билдиришга интилаётган

бўлиши ҳам мумкин. Чунки, айнан ўша қараш маълум бир ижтимоий қатламга тегишли шахс нуқтаи назаридан туриб баён этилса жамоатчилик томонидан бошқача контекстда қабул қилиниши мумкин.

Учинчидан эса анонимликнинг билдирилган фикрлар учун кейинчалик таъқиб қилиш имкониятини йўққа чиқаради. Мисол учун, интернет тармоғига жойлаштирилган постлар йиллар давомида янгича маъно кашф этиши мумкин ва бу унинг муаллифига кутилмаганда муаммоларни келтириб чиқариши мумкин бўлади.

Кўриниб турибдики, анонимлик ҳар доим ҳам салбий ходиса бўлмай, маълум маънода ижтимоий тараққиётга ҳисса қўшадиган жараён ҳамдир. Унинг салбий жиҳатларига келсак авваламбор бошқа шасларнинг ҳуқуқ ва манфаталарига зарар етказишда намоён бўлади. Бундай анонимлик фаол ва нофаол кўринишда намоён бўлиб, нофаол кўринишда фойдаланувчи ўзининг исмини шартли ном остида рўйхатдан ўтказса, фаол анонимликда фойдаланувчи айнан бир шахснинг номидан иш кўради ва одатда ғаразли мақсадларни кўзлаб амалга оширилиши мумкин.

Натижа. Интернет тармоғи орқали таркаган бир расмда икки ит мониторга қараб туриб, “Интернетда сени итлингни ҳеч ким билмайди” деётгани акс этган.[2, 557-564-б] Бу интернет тармоғида анонимликнинг образли ифодаси бўлиб, сиз одатда экраннинг (ёки смартфоннинг нариги томонидан ким турганини била олмайсиз. Бу ердаги фалсафий мушоҳада юритиш зарур бўлган муҳим масала шундан иборатки, инсон томонидан билдирилаётган фикрлар гарчи унинг исми номидан эълон қилинмаётган бўлса ҳам шахсга тегишли бўлиб қолаверадими? Ёинки, агар бирор бир шахс номидан эълон қилинган қарашлар унга тегишли бўлмаса (мисол учун плагиат бўлса), бу фикрлар муаллифи ким бўлади? Тарихдан маълумки, жуда кўп ёзувчиларнинг асарлари тегишлилигича турлича муаллифларники деб айтилади. Мисол учун, Шекспирнинг асарлари турлича муаллифлар томонидан ёзилган деган қарашлар ҳам йўқ эмас.[3, 9-б] Шекспир мисолида кўриб чиқсак узоқ йиллар давомида Шекспирга тегишли деб ҳисобланган асарларнинг маънавий қиймати энди ўзгариб қоладими? Асарларда илгари сурилган юксак инсоний туйғуларга муносабат ўзгариши керакми деган ҳақли саволларга жавоб бериши керак. Бизнингча, ўзгармайди. Чунки асарнинг қиймати нафақат муаллиф билан, балки унинг маъно-мазмуни билан ҳам боғлиқдир. Шундай экан бизнинг фикримизча бу каби масалаларнинг муҳокамаси шунга олиб келадикки,

интернет тармоғида билдирилган фикрлар ҳам унинг муаллифи билан эмас, балки фикрларнинг қиймати билан ўлчаниши керак. Ана шундай анонимлик интернетга ҳам тегишли бўлиб, анонимлик интернетдан фойдаланишнинг асосий шarti бўлмаслиги керак. Қайд этиб ўтиш керакки, айрим давлатларда интернетдан аноним ҳолатда фойдланиш ҳуқуқи қонун йўли билан кафолатланган.[4]

Анонимликнинг қатор ижтимоий-фалсафий жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда қуйидагича тавсифлаш мумкин.

Анонимликнинг ахлоқий томонлари бизнинг тадқиқотимиздаги марказий муаммолардан бири бўлиб, аксарият ҳолларда ахлоқий меъёрлар интернетдаги анонимлик билан қарама қарши талқин қилинади. Маълумки, ахлоқ жамиятдаги асосий юриш-туриш қоидаларини ўзида жамлайди. Қадим-қадимдан одамлар ўзаро муносабатларда тўғридан, тўғри жисмоний алоқа ўрнатган. Бир бирлари билан суҳбатлашган ёки хат-хабар орқали маълумот алмашган. Бундай ҳолларда шахсга аниқлик киритишга зарурат бўлмаган ва ўзларини таништириш орқали тўғридан тўғри мулоқот йўлга қўйилган. Кейинчалик эса телефон алоқаси пайдо бўлди ва инсонлар бир бирлари билан шахсан танишмаган ҳолда мулоқот қилишни бошлади. Эҳтимол ана шу даврлардан бошлаб аноним кўнғироқлар ва аноним телефон муносабатлари пайдо бўлгандир. Бундай мулоқот шаклининг мақсад ва вазифаси, субъектнинг мотиви унга ахлоқий баҳо беришнинг мезони бўлиб хизмат қилади. Ўч ўчириш станциясига ёки тез ёрдамга аноним кўнғироқ қилиб, уларни алдаш ёки овора қилиш ахлоқсизлик бўлса, юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатардан огоҳлантириш ва шу орқали бир ёки бир неча инсоннинг ҳаётини ёхуд саломатлигини сақлаб қолиш юксак ахлоқий фазилат ҳисобланган. Интернет ёки ижтимоий тармоқлардаги анонимлик ижтимоий тараққиётга хизмат қилувчи хусусиятга эга бўлиши, муҳим масалалар юзасидан принципиал позицияни баён этишга хизмат қилади. Афсуски, Ўзбекистондаги очиқлик шароитида аноним маълумот каналлари жуда кўпайган ва уларнинг аксарияти деструктив хусусияга эга. Мисол учун, интернет тармоғидаги телеграм каналлари ахлоқий жиҳатдан тубан масалаларни тарғиб қилувчи, мавжуд тузумни обрўсизлантириш, шахсларнинг шаъни ва кадр қимматини топташга ундовчи чақириқларни тарқатмоқда. Мисол учун, телеграм каналидаги “Қора мерган” ва “Снайпер блогер” каби каналларда шу тоифадаги маълумотлар тарқатилган.[5] Ҳозирги кунда мамлакатимизда бундай каналлар асосан

оппонентларни жинсий ориентациясининг бузилиши, коррупция ва бошқа масалаларда айблайди ва уларни қисқа муддатда топиш имконсиз бўлиб қолади. Бу эса ахлоқий масалалар ижтимоий тармоқларда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораётганини кўрсатиб беради. Муаммонинг асосий жиҳатларидан бири шуки, ахлоқий меъёрлар чегарасини бузган инсонлар одатда жамият ёки жамоатчилик томонидан турли санкциялар – танбеҳ бериш ва яққалаб қўйиш каби усуллар билан жазоланади. Ижтимоий тармоқлардаги аноним каналларнинг муаллифларига бундай жазо чораларини қўллаш амалда имконсиз бўлиб қолади ва бу жабрланувчиларнинг руҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиш мумкин.

Анонимликнинг ҳуқуқий томонлари бўйича фикрлар анча қатъий бўлиб ҳуқуқшунослар бу борада қонун устувор бўлиши керак ва интернет протоколларида аноним қолиш имкониятларидан воз кечиш керак деган фикрдалар. Ҳозирги кунда, Ўзбекистон шароитида интернет фойдаланувчиларининг барчасини шахсини идентификация қилиш имконияти йўқ. Чунки, мавзу техник тузилма аввалбошданок аноним фойдаланишга мўлжалланган эди. Шу билан биргаликда ҳозирги кунда VPN – виртуал яширин тармоқ технологиялари оммалашган бўлиб, фойдланувчи билан сервер ўртасидаги алоқани шифрлаш орқали серверга фойдаланувчининг маълумотларини яширин қилиб ёки бошқа IP манзили сифатида кўрсатади. Бунинг натижасида эса ахборот тарқатувчи сервер фойдаланувчини идентификация қилиш имкониятига эга бўла олмайди.

Айрим мутахассислар анонимликнинг ижтимоий оқибатларини талофатли эканига эътибор қаратиб, янги модел асосида интернетни тўлиқ шахсий идентификациядан ўтган ҳолда фойдаланиш зарурлигини таъкидлайдилар. “Янги моделнинг асосий моҳияти тармоқдан фойдаланувчиларнинг анонимлигидан воз кечишдир. Бу тармоқнинг жиноий тажовузлардан янада кўпроқ ҳимояланган бўлишини таъминлашга имкон бериди.”[6, 11-б] Муаллиф бу ўринда интернет тармоғидан терроризм, экстремизм ва бошқа ўта оғир жиноятларни тарғиб қилиш, уларга тайёргарлик кўриш ва амалга оширмалсик учун ҳам интернетдан чеклов асосида фойдаланиш керак деб ҳисоблайди.

Келтириб ўтилган далиллар қанчалик салмоқли бўлмасин, муаллиф ғояларини амалга оширишнинг қатор тўсиқлари бор. Жумладан, ҳозирги босқичда технологик жиҳатдан ҳар бир фойдаланувчининг идентификациядан ўтишини таъминловчи дастурий таъминот ва техник воситалар мавжуд эмас. Бу каби

сунъий тўсиқлар оқибатида интернетдан ноқонуний равишда аноним фойдаланиш ҳоллари кўпаяди ва бу жамиятда янги ҳуқуқбузурликлар ва жинотяларнинг содир бўлишига олиб келиши мумкин. Давлат томонидан ялпи идентификация тизими ҳар бир шахс ҳақидаги маълумотларни бир ташкилот, (давлат) қўлида тўпланиб қолишга, келажақда эса уни ғаразли мақсадларда фойдаланига сабаб бўлиши мумкин. Чунки, давлат жамиятнинг сиёсий институти сифатида жамиятдаги ўзгаришларга ҳамоҳанг равишда доимо ҳаракатда бўлади. Унинг йўналиши, мақсад ва вазифалари баъзан кескин ўзгариб кетиши ҳам мумкин. Давлат сиймосида эса маълум бир соҳага ваколатли органлар бириктирилади ва шу орқали тегишли тармоқдаги ишлар ташкил этилади. Мисол учун, 30 млн интернет фойдаланувчисининг бутун фаолиятини бир ташкилот мунтазам равишда кўриб туриши оқибатида кейинчалик ўша маълумотларни ўғирланиши, тарқалиб кетиши ва бошқа ғаразли мақсадларни кўзлаган инсонларни қўлига тушишига олиб келиши ҳам мумкин. Айрим ҳолларда тарихдаги маълумот бир фактларни беркитиш учун архивларни ўзгартириб ёки йўқ қилиб юбориш ҳоллари ҳам мавжуд. Мисол учун, Жорж Оруэлнинг “1984” номли романи бош қаҳрамони олий давлат ташкилотидида ишлайди ва асосий вазифаси ўтмишдаги тарихий хорникани йўқотиб, унинг ўрнига жорий тузумни улуғлайдиган маълумотларни киритишдан иборат.[7, 338-б] Шу нуқтаи назардан мамлакатдаги барча аҳолини шахсий маълумотларини тўплаш ва уни сақлаб туриш катта ресурсларни талаб қилади ва ушбу катта ҳажмдаги маълумотлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш эҳтимоли юқори. Шу сабабдан ҳам ҳозирги босқичда ҳар бир фуқаронинг интернетга кириш имкониятини идентификация қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Келгусида кўп босқичли идентификация ва шахсий маълумотларни сақлаш ва қайта ишлашнинг хавфсиз усули ўйлаб топилганда шу каби ҳаракатларни амалга ошириш мумкин бўлади. Хулоса қилиб айтганда эса, инсоният тарихида интернет каби унинг бутун борлигини қамраб оладиган битта сунъий тизим бўлмаган ва бу каби сунъий тизимни сиёсий институлар қўлига топшириш оқибатида жуда катта ҳуқуқий муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Хулоса. Анонимликнинг руҳий томонлари бўйича қатор тадқиқотлар ўтказилган. Уларда интернет тармоғидаги анонимлик натижасида инсоннинг ўзлигини намоён қилиш жараёни ҳам ўзгаргани, эндиликда интернет қонунлари деб аталадиган, анонимлик ва бошқа жиҳатларни ўзида акс эттирган шарт-



шароитда фойдаланувчиларнинг ўзларини идентификация қилиши ҳам анча ўзгаргани қайд этиб ўтилади.[8, 142-160-б] Ҳақиқатдан ҳам анонимлик инсон руҳияти билан ҳам боғлиқ масалалар сирасига киради. Интернет тармоғидаги жуда кўп жинойтлар руҳияти бузилган шахслар томонидан содир этилади. Серияли қотиллар, зўравон ва бошқа турдаги руҳий бузилиши мавжуд шахслар ўзларини бошқа шахс қилиб кўрсатиб қурбонларни ўзига жалб қилиш ҳоллари ҳам кўп учрайди. Одатда жабрланувчининг пул маблағларини ечиб олиш билан тугайдиган бундай алоқалар, айрим ҳолларда фойдаланувчиларнинг соғлиғи ёхуд ҳаётига хавф солиш билан ҳам яқунланиши мумкин.

## REFERENCES

1. П. А. Ивлиев (2019). Анонимность в интернете: проблемы и особенности. Международный журнал гуманитарных и естественных наук, (4-2), 6-8. doi: 10.24411/2500-1000-2019-10738
2. Sarda T., Natale S., Sotirakopolus N., Monaghan M., Understanding Online Anonymity // Media Cult Soc. 2019. Vol. 41, No 5P. 557-564.
3. Саидов А. Вильям Шекспир ва 57 номзод. Жаҳон адабиёти. 2010 йил, 4 сон. – Б. 9-17.
4. <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/11795> - Конституция Федеративной Республики Бразилия
5. [https://kun.uz/news/2021/08/11/qora\\_mergan\\_snayper\\_bloger\\_anonim\\_kanallarda\\_jurnalist\\_va\\_blogerlarga\\_tuhmat\\_qilayotganlarga\\_chora\\_korilmaydimi](https://kun.uz/news/2021/08/11/qora_mergan_snayper_bloger_anonim_kanallarda_jurnalist_va_blogerlarga_tuhmat_qilayotganlarga_chora_korilmaydimi) - “Қора мерган”, “Снайпер блогер”... Аноним каналларда журналист ва блогерларга туҳмат қилаётганларга чора кўрилмайдими?
6. Жумаев б. Кибержинойтларни тергов қилиш: муаммо ва ечимлар. Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2021. – Б. 11.
7. Қаранг: Жорж Оруэлл. 1984. Нихол, 2021. Тошкент. – Б.338.
8. Мартъянов Денис Сергеевич (2014). Сетевая идентичность: трансформация феномена и подходов к изучению. Политическая экспертиза: ПОЛИТЭК, 10 (4), 142-160.
9. Egamberdiev, A. (2022). HIGHER EDUCATION IN SOME WESTERN RESEARCH. *Thematics Journal of Social Sciences*, 8(2).

## QISHLOQ XO`JALIGIDA YER MUNOSABATLARINI RIVOJLANISHNING TASHKILIK-IQTISODIY MEXANIZMASI

**Manzura Mirhabib qizi Inoyatova**

tadqiqotchi doktorant,

"Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti"

Milliy tadqiqot universiteti.

### ANNOTATSIYA

Tashkiliy-xo'jalik mexanizmini takomillashtirish foydalanilmayotgan yerlarni xo'jalik muomalasiga jalb qilish bilan bog'liq yer munosabatlarini rivojlantirishning zarur shartidir. Tashkiliy-xo'jalik mexanizmining maqsadi qishloq xo'jaligida yer munosabatlarini rivojlantirish, yer salohiyatini saqlash va rivojlantirishni ta'minlashdan iborat. Shu maqsadda Toshkent viloyati qishloq xo'jaligi vazirligining tarkibiy bo'linmasi shaklida mintaqaviy geotahlil markazini yaratish taklif qilindi. Mintaqaviy geotahlil markazining maqsad, vazifalari va vazifalari ko'rib chiqiladi. Mexanizm qishloq xo'jaligi korxonalarini manfaatlarini hisobga olgan holda Toshkent viloyatining strategik ko'rsatmalari asosida takomillashtirildi. Mexanizm tashkiliy, muvofiqlashtiruvchi, iqtisodiy va nazorat tarkibiy qismlarini shakllantirishga asoslangan bo'lib, hududdagi qishloq xo'jaligi sharoitlarini yaxshilashga, shuningdek, qishloq hududlarini barqaror rivojlantirish uchun rag'batlantiruvchi omillarni yaratishga qaratilgan.

**Kalit so'zlar:** yer munosabatlari, yer salohiyati, yerdan oqilona foydalanish, qishloq xo'jaligi, viloyat, qishloq, qishloq xo'jaligini tashkil etish, tashkiliy-xo'jalik mexanizmi.

### АННОТАЦИЯ

Совершенствование организационно-экономического механизма осуществляется является необходимым условием развития земельных отношений, связанных с вовлечением в хозяйственный оборот неиспользуемых земель. Целью организационно-экономического механизма является развитие земельных отношений в сельском хозяйстве, обеспечивая сохранение и развитие земельного потенциала. Для этого предложено создание регионального геоаналитического центра в виде структурного подразделения Министерства сельского хозяйства Ташкентской области. Рассмотрены цели,

задачи, функции регионального геоаналитического центра. Совершенствование механизма произведено на основе стратегических ориентиров Ташкентской области с учетом интересов сельскохозяйственных предприятий. Механизм основан на формировании организационно-координационных, экономических, и контрольных составляющих и направлен на улучшение условий ведения сельского хозяйства в регионе, а также создание стимулов устойчивого развития сельских территорий.

**Ключевые слова:** земельные отношения, земельный потенциал, рациональное использование земель, сельское хозяйство, регион, сельские территории, сельскохозяйственная организация, организационно-экономический механизм.

### ABSTRACT

The improvement of the organizational and economic mechanism is carried out as a necessary condition for the development of land relations associated with the involvement of unused land in the economic turnover. The purpose of the organizational and economic mechanism is the development of land relations in agriculture, ensuring the preservation and development of land potential. For this, it was proposed to create a regional geoanalytical center in the form of a structural subdivision of the Ministry of Agriculture of the Tashkent Region. The goals, objectives, functions of the regional geoanalytical center are considered. The mechanism was improved on the basis of the strategic guidelines of the Tashkent region, taking into account the interests of agricultural enterprises. The mechanism is based on the formation of organizational, coordination, economic, and control components and is aimed at improving the conditions for farming in the region, as well as creating incentives for sustainable development of rural areas.

**Keywords:** land relations, land potential, rational use of land, agriculture, region, rural areas, agricultural organization, organizational and economic mechanism.

### ВВЕДЕНИЕ

В Стратегии также указано, что органы государственной власти и органы местного самоуправления во взаимодействии с институтами гражданского общества принимают меры, направленные на минимизацию ущерба,

причиняемого окружающей среде при разведке и добыче полезных ископаемых, и рекультивацию нарушенных земель.

Несмотря на то, что среди Национальных проектов в Узбекистане нет проекта, связанного с сохранением и развитием земельного потенциала, существует Стратегия устойчивого развития сельских территорий Узбекистане на период до 2030 года. Одной из целей Стратегии является повышение эффективности сельского хозяйства и вклада сельских территорий в социально-экономическое развитие страны, а под самим понятием устойчивого развития сельских территорий понимается в том числе рациональное использование земель.

Как показывают исследования, применение положений Земельного Кодекса и Республиканских законов № 03/23/876/0839 от 09 ноября 2023 г. «О дополнительных мерах по совершенствованию системы использования и охраны земель сельскохозяйственного назначения» и №5006-ПП от 24 февраля 2021 г. а также ряда других не в полной мере способствовало решению вопросов, связанных с повышением эффективности использования земельного фонда государства, в частности, его земельного потенциала[1].

**Методология проведения исследования:** Механизм развития земельных отношений основывается на имеющихся в настоящее время стратегических и тактических ориентирах государства, выраженных в нормативно правовых актах.

Применение методик для восстановления и использования брошенных и нарушенных промышленностью земель должно быть обеспечено благодаря совершенствованию институтов, задействованных в земельных отношениях [2].

В Ташкентской области действует Стратегия развития сельского хозяйства, пищевой и перерабатывающей промышленности Ташкентской области на период до 2035 года, утвержденная Распоряжением Коллегии Администрации Ташкентской области от 07.03.2019 г. [3]. В Стратегии определены такие важные направления развития как:

— вовлечение в оборот неиспользуемых земель сельскохозяйственного назначения, привлечение к данному процессу эффективно работающих собственников, инвесторов;

— создание регионального геоаналитического центра для инвентаризации и мониторинга земель сельскохозяйственного назначения, выявления неиспользуемых земель, контроля мероприятий по вводу их в оборот и

дальнейшего целевого использования, мониторинга плодородия сельскохозяйственных земель и состояния посевов на основе анализа космических снимков и съемок беспилотных летательных аппаратов;

— доведение удельного веса посевных площадей засеваемых элитными семенами сельскохозяйственных культур до 7 – 8 процентов;

— расширение государственной поддержки важнейших направлений развития растениеводства;

— стимулирование внедрения на сельхозпредприятиях элементов точного земледелия: систем спутниковой навигации, параллельного вождения, картирования урожайности, дифференцированного внесения удобрений, точечной обработки средствами защиты растений;

— совершенствование структуры посевных площадей;

— внедрение научно обоснованной системы земледелия и освоения севооборотов.

**Ход исследования:** Скорректированная программа мероприятий расширенного (экстенсивного) воспроизводства сельскохозяйственной продукции на брошенных и нарушенных землях утверждается уполномоченным лицом Министерства и подлежит включению в Стратегию развития сельского хозяйства, пищевой и перерабатывающей промышленности Ташкентской области на период до 2035 года.

Экономическая часть механизма включает:

— Формируется система государственной поддержки введения в сельскохозяйственный оборот брошенных и нарушенных земель. Господдержка реализуется в рамках двухступенчатой подсистемы стимулов.

Первая ступень – это предиктивное стимулирование. Отчасти стимулом к использованию брошенных земель являются проведенные анализ и расчеты окупаемости вложений. Кроме того, первая ступень предполагает, что сельскохозяйственные производители получают беспроцентную ссуду на ввод брошенных земель в оборот. В качестве механизма обеспечения данной ступени предполагается заключение двустороннего соглашения между Министерством сельского хозяйства и перерабатывающей промышленности Ташкентской области и Узсельхозбанком, согласно которому процент за пользование заемным капиталом уплачивает Ташкентская область, а тело долга погашается сельхоз товаропроизводителем с отсрочкой платежа. Финансовые средства должны быть потрачены целевым образом на оплату услуг по

подготовке земельного участка к сельскохозяйственному производству, ремонт или приобретение подвижного состава и сельскохозяйственной техники, закупку элитных сортов семян, приобретение удобрений. Главным условием использования беспроцентной ссуды является обязательство по введению определенной площади брошенных (нарушенных) земель в оборот. Невыполнение обязательств по вводу земель в оборот ведет к возврату денежных средств, уплаченных Ташкентской областью [4,6].

В целях поддержки и укрепления внутригосударственной системы сотрудничества реального сектора экономики и научной сферы, предлагается в рамках первой степени ввести стимул удвоения суммы, направляемой сельскохозяйственной организацией на научные и практико-ориентированные исследования в НИИ и научно-образовательные учреждения региона. Реализовать это предлагается посредством механизма субвенций. Это поможет составлению более точных прогнозов, улучшит экономические показатели, даст дополнительный источник ревизии действий сельскохозяйственных производителей и создаст дополнительные источники финансирования научной сферы. Это позволит экспертно сформировать программу мероприятий расширенного (экстенсивного) воспроизводства сельскохозяйственной продукции на брошенных и нарушенных землях.

Вторая степень предполагает стимулирование по факту сельскохозяйственного использования брошенных (нарушенных) земель. Данный вид стимулирования наиболее предпочтительно следует осуществлять в режиме плавающей шкалы субсидирования. Т.е. чем больше процентов от общей площади брошенных земель сельскохозяйственной организации вводится ею в оборот, тем больше финансовое обеспечение по субсидии в расчете на 1 га она получит. Это приведет к тому, что интерес в занижении показателей, сокрытии брошенных земель сменится интересом ввода их в оборот.

Кроме того, у сельхоз товаропроизводителя возникает другой интерес – содействовать переводу земель, в земли лесного фонда, ведь утрата части нерентабельных к сельхозпроизводству площадей повысит долю оставшихся – пригодных к восстановлению земель [4,5]. А так как большая доля брошенных земель, вводимых в оборот сельскохозяйственной организацией, означает большой размер полученных организацией субсидий в расчете на 1 га, что выгодно для всех заинтересованных сторон [7,8]. Работа в контрольном блоке,



таким образом, организационно-экономического механизма существенно упрощается.

Контрольная часть механизма состоит из следующих элементов[8,9]:

— Контроль предоставления сельхоз товаропроизводителями достоверных сведений о площадях брошенных (нарушенных) земель. Такой контроль исключает возможность выдачи используемых земель в качестве брошенных в целях получения дополнительной выгоды от субсидирования. Предполагает использование спутников снимков, полевых наблюдений, а в иных случаях – использование дронов.

— Контроль соблюдения требований возвращения брошенных (нарушенных) земель в оборот, а именно надзор за целевым использованием средств субсидий и субвенций.

— Контроль в области финансирования научных и практико-ориентированных исследований в НИИ, который позволит предупредить коррупционные проявления и растрату бюджетных средств.

— Контроль процедуры подготовки невозможных брошенных (нарушенных) земель в земли лесного фонда.

**Выводы:** Расширение производства сельскохозяйственной продукции экстенсивным путем, благодаря введению в оборот брошенных и нарушенных земель – обязательный элемент и условие устойчивого развития сельских территорий, что не представляется возможным при утрате земельного потенциала.

Таким образом, каждый из блоков организационно-экономического механизма направлен на развитие земельных отношений в сельском хозяйстве и содержит логику, которой сопутствуют соседние блоки. Каждый блок организационно-экономического механизма направлен на решение конкретной задачи. Так, организационно координационный блок позволяет решить вопрос практического применения методики и выявления взаимных для региона и собственников сельхозпредприятий выгод от использования тех или иных земельных участков; экономический блок позволяет обеспечить реальное выполнение планов и программ первого блока благодаря стимулирующим мерам; контрольный блок позволяет предупредить проблему нецелевого использования финансово-экономических стимулов, а также обеспечить выполнимость плановых мероприятий по сохранению и развитию земельного потенциала Ташкентской области в целях развития сельского хозяйства.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Миллий ҳисоботи. - Тошкент, Давергеодезкадастр қўмитаси, 2022й
2. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Миллий ҳисоботи. - Тошкент, Давергеодезкадастр қўмитаси, 2023й.
3. А.С.АЛТИЕВ. “Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларинитакомиллаштириш” Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси Тошкент – 2018.
4. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку – Т., Фан. 1992. – 256 б.; Аvezбаев С. Ер тузиш иқтисоди. – Т. Янги аср авлоди, 2002. – 286 б.; Хушматов Н.С.
5. Э.Курбонов Кўп укладди иқтисодиёт шароитида суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш йўллари. Мавзусидаги и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация иши. Т.: УзБИИТИ 2004-27-29 б.
6. А. Рахматуллаев. Бозор шароитида кишлок хўжалигида ер муносабатларини такомиллаштириш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация иши. Т.: – 78 б.
7. Ткачук С.А. Управление земельными ресурсами. Учеб. пособие для землеустроительных направлений вузов. ЦСХИ, Целиноград, 1986, 89 с.
8. Эпштейн Д., Никифорова Е., Разработка программы поддержки и этапы сельхоз производителей. ГНИ, ВНИИЭ и Н. Ростов-на-Дону, 2009 г. Ст. 56
9. Садков Б. Методические основы пренаправленной господдержки сельхозпроизводителей. АПК: Экономика управления-2007 й. ст. 47

## ALLEGORIYANING TEOLOGIK BADIY ASARLARDA NAMOYON BO`LISHI

**O`g`iloy Eshpulatova**

Toshkent davlat transport universiteti assistenti

e-mail:ugiloyeshpulatova@gmail.com

TDTU dotsenti, PhD Achilov.O.R. taqrizi ostida

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada badiiy adabiyotda keng qo`llaniladigan allegoriya san`ati haqida kerakli ma`lumot berib o`tilgan va misollar orqali tushuntirilgan. Shuningdek maqolada allegoriya san`atining teologik badiiy asarlarda namoyon bo`lishi haqida kerakli ma`lumot keltirilgan. Ushbu fikr va xulosalar tadqiqotchilar uchun manba bo`lib xizmat qiladi.

**Kalit so`zlar:** allegoriya, badiiy obraz, teologiya, majoziy ma`no, mavhum tushuncha, taqqoslash, g`oya, san`at.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье даны и объяснены на примерах необходимые сведения об искусстве аллегории, широко используемом в художественной литературе. Также в статье даются необходимые сведения о проявлении искусства аллегории в богословских произведениях искусства. Эти мнения и выводы служат ресурсом для исследователей.

**Ключевые слова:** аллегория, художественный образ, теология, переносный смысл, абстрактное понятие, сравнение, идея, искусство.

### ABSTRACT:

In this article, necessary information about the art of allegory, which is widely used in fiction, is given and explained through examples. Also, the article provides necessary information about the manifestation of the art of allegory in theological works of art. These opinions and conclusions serve as a resource for researchers.

**Keywords:** allegory, artistic image, theology, figurative meaning, abstract concept, comparison, idea, art.

Allegoriyalar ko'p asrlar davomida ko'plab madaniyatlarda ishlatilgan. Ular saboq berish, axloqni tushuntirish uchun adabiyotning bir qismi bo'lib qolishgan. Bundan tashqari, u turli vaziyatlarda muallifning nuqtai nazarini ifodalaydi. Allegoriya hikoyaning o'ziga xos turidir, chunki u haqiqatni aks ettiradi. Allegorik tarzda yaratilgan adabiyot chuqurroq ma'noga ega va ko'proq kuchga ega. Allegoriyaning tarixiy rivojlanish bosqichini to'rt turga ajrata olamiz:

1. Literal allegoriya – ya'ni so'zma so'z ifodalangan allegoriya. Bunda allegorik vositalar bilan boytilgan matn tarixiy voqealarga asoslangan bo'ladi.

2. Tipologik allegoriya – bu turdagi allegoriya, o'tgan zamon voqealarini bugungi davr bilan bog'lovchi allegoriya hisoblanadi.

3. Moral allegoriya – bugungi davrning voqealarini ifodalovchi allegorik birliklar.

4. Anagogik yoki polysemous allegoriya – bunday allegoriyalar kelajak allegoriya yoki ko'p ma'noli allegoriyalar deb ham ataladi.

"Shoirilar allegoriyasi" deb ataladigan literal allegoriya asarda yozuvchi bir narsani aytadi, lekin aslida boshqa narsani anglatadi. O'rta asrlarning mashhur namunasi - Roman de la Rose. "Oshiq" qahramoni "Atirgul" ni tanlash uchun izlanishda. Albatta, bu tom ma'noda gul terishga urinayotgan odam haqidagi hikoya emas. Bu ayolning sevgisini qozonishga harakat qiladigan kishi haqida. Hikoya shunga o'xshash ko'plab allegoriyalar va keng ko'lamli personajlar bilan to'la.

"Ilohiyotchilarning allegoriyasi" butunlay boshqacha narsa. Xuddi she'riy allegoriyada bo'lgani kabi, bizda ham so'zma-so'z va allegorik daraja bor, lekin ular turli yo'llar bilan ishlaydi. Bundan tashqari, allegorik daraja uchta kichik darajaga bo'linadi: figural (yoki tipologik), tropologik (yoki axloqiy) va anagogik (esxatologiyaga tegishli). Bu erda tom ma'nodagi daraja tarixiy voqealarni (taxmin qilingan) tasvirlaydi: haqiqatda sodir bo'lgan narsalar. Roman de la Rosening qahramoni aslida atirgulni qidirmagan. Bu aslida boshqa narsani anglatuvchi "chiroyli yolg'on" edi. Muqaddas Kitob mutlaqo boshqa turdagi kitob: Musoning yahudiylarni Isroildan olib chiqib, va'da qilingan yurtga olib borishi haqidagi hikoya faktik, tarixiy voqea sifatida ko'rilgan. Ammo Muqaddas Kitob ilohiy manba bo'lgani uchun uni gorizont ravishda, ya'ni xronologik tarzda o'qish shart emas. Uning vertikal o'lchami vaqtni ko'paytirishga imkon beradi, hodisalarni sababiy emas, balki figurali darajada bog'laydi. Bularning barchasi nimani anglatadi? Keling, Musoga qaytaylik. Muso yahudiylarni Misrdan Isroil tomon yetaklab, insoniyatni gunohdan najotga olib boradigan Masihni tasvirlaydi (tipologik ma'no). Ammo bu yerda va

hozir ham bir ma'no bor: men gunohdan (Misr) yuz o'girib, o'zimni tiklay olaman (tropologik ma'no). Chunki vaqt butunlay qulashi mumkin, hatto kelajak (anagogik) ma'no nazarda tutiladi: inson Xudoning abadiy shohligiga kirishi mumkin bo'lgan vaqtning oxiri. Ilk ilohiyotchilar ilohiy haqiqatlarni allegorik fantastika pardasi ostida yashirgan shoirlar ekanligi haqidagi g'oya muhim rol o'ynadi. Chunki she'riy ilohiyot ilohiyot va adabiy allegoriya o'rtasidagi murakkab munosabatni bir tushunchada mujassamlashtiradi.

Agar erta Uyg'onish davrida poetik ilohiyot ilohiyot va she'riyat o'rtasidagi bog'liqlik bo'lsa, vaqt o'tishi bilan bu ilohiyot rishtalaridan estetikaning paydo bo'lishini anglatadi. Shunday qilib, she'riy ilohiyot va allegorik talqin tarixini kuzatish Uyg'onish davri madaniyatining asosiy yutug'i san'atning ilohiyot va metafizikaga bo'ysunishi bilan o'rta asrlardagi tanaffus va Ernst Kassirer va Ervin Panofskiy "muammo" deb atagan narsaga qayta e'tibor qaratish ekanligini eslatib turadi. Uyg'onish davri yozuvchilari poetik ilohiyotning klassik an'anasi haqida Avliyo Avgustinning "Xudo shahri" asaridagi Mark Terentius Varroning iborasidan bilib olishlari mumkin edi. Avgustinning fikricha, Varro ilohiyotni afsonaviy ilohiyotga (poetik ilohiyot yoki ertaklar teologiyasi) ajratgan; fizik ilohiyot (xudolar va jismoniy olam tabiatini tushuntirishga urinayotgan faylasuflarning ilohiyoti); va fuqarolik teologiyasi (shahar tomonidan qo'llaniladigan siyosiy ilohiyot). Avgustin Varroning afsonaviy va fuqarolik ilohiyotini farqlashga urinishini tanqid qilib, afsonaviy teologiya - "teatr va sahna ilohiyoti" - faqat bir qismidir fuqarolik ilohiyotshunosligi, chunki "she'riyat va ruhoniyluk bir-biriga bog'langan aldash".<sup>1</sup> Poetika tarixi ilohiyot va allegoriya bilan bog'liq bo'lgan tarix ikkalasining ham paydo bo'lishiga hissa qo'shgan.

#### REFERENCES:

1. Albert R. Ascoli, "Dante and Allegory," in Cambridge Companion to Allegory
2. Allegoriya va funktsiyalar bo'yicha. Shtutt.1979;
3. "Badiiy adabiyotda allegoriya va uning metafaranadan farqi" Eshpulatova O'g'iloy
4. Bellot Ch. Allegorese im Mittelalterning "Zu teoriyasi va an'analari". Koln, 1996. Bd
5. Domaradzki, M. (2017). "The Beginnings of Greek Allegoresis". Classical World 110 (3):30
6. Erich Auerbach – Typological Symbolism in Medieval Literature

<sup>1</sup> Albert R. Ascoli, "Dante and Allegory," in Cambridge Companion to Allegory

7. Винокур Г.О. О языке художественной литературы. — М., 1991.
8. Fletcher A. Allegory, ramziy rejim nazariyasi. Itaka, 1964;
9. Robert Hollander – Allegory in Dante's Commedia.
10. Roger Perez. Conceptual metaphor theory and Sartre's philosophy. Universitat Autònoma de Barcelona. Departament de Filologia Catalana. 2001.
11. Rollinson fanlari doktori. Allegoriya va xristian madaniyatining klassik nazariyalari. Pitsburg; L., 1981;
12. Stephen A. Barney (1989). "Allegory". Dictionary of the Middle Ages. vol. ISBN 0-684-16760-3 Stephen Brown, Lorna Stevens and Pauline Maclaran, —What's the story, allegory?||, CONSUMPTION MARKETS & CULTURE. <https://doi.org/10.1080/10253866.2021.1948840>



## ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

**Акбар Норбойевич Кувандиков**

и.ф.н доцент

Фуқаро муҳофазаси институти, Тошкент, Ўзбекистон.

### АННОТАЦИЯ:

Мақолада фавқулодда вазиятларда бошқариш тартиби ёритилган бўлиб, унда бошқарувни ташкил этиш учун лозим бўлган цикллар ва керакли маълумотлар, мавжуд вазиятнинг таҳлили, қарор қабул қилиш учун лозим бўлган асосий элементлар, бошқарув юзасидан ўзаро ҳамкорлик масалалари, фавқулодда вазиятларда раҳбар томонидан мустақил равишда қабул қилиниши мумкин бўлган қарорлар, қарорнинг таркибий қисмлари ҳақида тушунча берилган.

**Калит сўзлар:** фавқулодда вазиятлар, бошқарув, ҳисобот, ҳамкорлик ўзаро ҳамкорлик, режа, бошқарув элементлари.

### АННОТАЦИЯ:

В статье описан порядок управления в чрезвычайных ситуациях, которая включает в себя циклы и необходимые информации, для организации управления, анализа текущей ситуации, основные элементы, необходимые для принятия решений, вопросы взаимного сотрудничества в области управления, даны понятия о решениях, которые могут быть приняты руководителем самостоятельно в экстренных ситуациях.

**Ключевые слова:** чрезвычайная ситуация, управление, взаимодействие, отчет, план, элементы управления.

### ABSTRACT:

The article describes the procedure for managing in emergency situations, which includes cycles and the necessary information for organizing management, analyzing the current situation, the main elements necessary for decision-making, issues of mutual cooperation in the field of management, and gives concepts about decisions that can be made leader independently in emergency situations.

**Keywords:** emergency, management, interaction, report, plan, controls.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишда бошқариш фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларини ва ФВДТ кучларини бошқаришдан иборат. Бошқарувнинг асосий мақсади куч ва воситалардан турли мақсадларда самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат бўлиб, бунинг натижасида фавқулодда вазиятлар зоналаридаги ишларни тўлиқ ҳажмда, энг қисқа муддатларда, аҳоли ва моддий ресурсларни минимал йўқотиш билан яқунлашга қаратилган бўлиши керак.

Бошқарув фавқулодда вазият юзага келган пайтдан бошланади ва уни бартараф этгандан кейин тугайди. У, қоида тариқасида, кундалик цикллар бўйича амалга оширилади, уларнинг ҳар бири қуйидагиларни ўз ичига олади:

- вазият бўйича маълумотларни йиғиш, вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- ишларни бажариш бўйича қарорлар қабул қилиш учун хулосалар ва таклифлар тайёрлаш;

- қарорлар қабул қилиш (аниқлаш) ва вазифаларни ижрочиларга етказиш;

- ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш;

- куч ва воситаларнинг ҳаракатини таъминлаш.

Бошқарувнинг мазмуни ва уларнинг циклиги авария-қутқарув ишларини тизимли олиб боришга хосдир. Вазият кескин ўзгарган ҳолларда, улар ўзгартирилиши мумкин.

Вазият тўғрисидаги маълумотлар бошқарув органи томонидан шошилиш ва шошилиш бўлмаган ҳисоботлар шаклида олинади. Шошилиш ҳисоботлар маълум бир вақтда, одатда расмийлаштирилган шаклда тақдим этилади; шошилиш бўлмаган ҳисоботлар керак бўлганда олинади. Вазият бўйича энг тўлиқ ва умумлаштирилган маълумотларни олишнинг асосий манбалари бўйсунувчи разведка тузилмалари (бўлинмалари) ва назорат органлари ҳисобланади; ахборотнинг муҳим қисми юқори бошқарув органлари ва уларнинг мониторинг ва назорат воситалари орқали олиниши мумкин.

Фавқулодда вазиятнинг ривожланиш кетма-кетлигига қараб, қуйи бошқарув органлари фавқулодда вазият юзага келиш эҳтимоли, унинг юзага келиш факти, офат ҳудудидаги вазият, қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларнинг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

Фавқулодда вазият юзага келиши эҳтимоли ва факти тўғрисидаги ҳисобот дарҳол тақдим этилади; Фавқулодда вазиятларда чора-тадбирлар кўриш ва

доимий шай ҳолатдаги кучлар вазифаларини белгилаш, шунингдек, кучлар ва воситаларни шай ҳолатга келтириш, уларни фавқулодда вазиятлар зонасига олиб чиқиш ва авария-қутқарув ишларини ўтказиш бўйича дастлабки қарорлар қабул қилиш чекланган миқдордаги маълумотлар асосида олиб борилиши мумкин.

Вазият бўйича батафсил ҳисоботлар разведка ва рекогносцировка ишлари ўтказиб бўлингандан сўнг тақдим этилади. Ушбу маълумотларда асосий кучлар томонидан ишни амалга ошириш бўйича дастлабки ёки янги қарорнинг аниқланишини таъминлайдиган маълумотлар мавжуд.

Ишларнинг бориши тўғрисидаги ҳисоботлар қутқарилганлар (вайроналар остидан чиқарилганлар) сони, вазиятдаги ўзгаришлар, бажарилган фавқулодда ишлар, йўқотишлар, тузилмаларнинг ҳолати ва хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу маълумотлар илгари қўйилган вазифаларни аниқлаштириш, шунингдек, вазият кескин ўзгарган ҳолларда қарор қабул қилиш учун зарурдир. Ҳисоботларнинг шакллари, мазмуни ва тақдим этиш муддатлари норматив ҳужжатлар билан белгиланади; агар керак бўлса, улар ишни ташкил этиш ва бажариш жараёнида ўзгартирилиши мумкин.

Вазият бошқарув органи раҳбари, унинг ўринбосарлари (ёрдамчилари), шунингдек, бошқа мансабдор шахслар томонидан ҳар бири ўз ваколати ва жавобгарлиги доирасида тўлиқ таҳлил қилинади.

Вазият таркибий элементлар бўйича таҳлил қилинади, уларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- фавқулодда вазиятнинг характери ва кўлами, ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳоли учун хавфлилик даражаси, хавфли зоналарнинг чегаралари (ёнғинлар, радиоактив заҳарланиш, кимёвий, бактериологик ифлосланиш ва бошқалар) ҳамда уларнинг тарқалиш прогнози;

- шошилиш ишларнинг турлари, ҳажмлари ва шартлари;

- ишларни имкон қадар тез бажариш учун куч ва воситаларга бўлган эҳтиёж;

- кучлар ва воситаларнинг миқдори, мавжудлиги ва ҳаракатга тайёрлиги, ишларни бажариш учун уларнинг фавқулодда вазият зонасига кириш кетма-кетлиги.

Вазиятни таҳлил қилиш жараёнида мутахассислар ишни бажариш учун куч ва воситаларга бўлган эҳтиёжни уларнинг мавжудлиги ва имкониятлари билан таққослайдилар, ҳисоб-китобларни амалга оширадилар, улардан

фойдаланиш вариантларини таҳлил қиладилар ва энг яхшисини танлайдилар. Вазиятни баҳолашдан олинган хулосалар ҳамда куч ва воситаларни қўллаш бўйича таклифлар назорат органи раҳбарига (фавкулодда вазиятларни бартараф этиш бўлими бошлиғига) берилади; Мутахассисларнинг таклифлари умумлаштирилади ва қарорлар қабул қилиш жараёнида фойдаланилади.

Фавкулодда вазият зонасида қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажариш тўғрисидаги қарор бошқарувнинг асоси ҳисобланади; у бошқарув органи раҳбари томонидан қабул қилинади ва амалга оширилади.

Қабул қилинадиган қарор қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олади:

- Вазиятни баҳолашдан олиннадиган қисқача хулосалар;
- ҳаракатлар ғояси;
- бўйсунувчи тузилмалар, бўлинмалар ва қисмлар учун вазифалар;
- хавфсизлик чоралари;
- ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш;
- тузилмалар ҳаракатини таъминлаш.

Вазиятни баҳолаш бўйича қисқача хулосаларда фавкулодда вазиятнинг табиати ва кўлами, бажарилиши керак бўлган ишлар ҳажми ва уни амалга ошириш шартлари, мавжуд куч ва воситалар ҳамда уларнинг имкониятлари тўғрисидаги асосий маълумотлар акс этади.

Ҳаракат режасида маълум бир бошқарув органи ва унинг кучлари олдида турган мақсадлар, ишнинг асосий вазифалари ва кетма-кетлиги, асосий кучлар жамланган объектлар (минтақалар, ҳудудлар), кучлар ва воситалар гуруҳини яратиш тартиби акс эттирилади.

Бўйсунувчи бошқарув органлари ва уларнинг тузилмалари раҳбарларининг вазифалари уларнинг имкониятлари вазиятнинг ривожланишига қараб юқори раҳбарлар томонидан белгиланади. Вазифани белгилашда иш майдони, кучлар ва воситалар, ишларнинг кетма-кетлиги ва вақти, асосий кучларни жамлаш объектлари, техник воситалардан фойдаланиш тартиби, хавфсизлик чоралари ва ишнинг узлуксизлигини таъминлаш кўрсатилади.

Бўйсунувчи бўлинмалар, бошқа бўлинмаларнинг ва уларнинг тузилмалари ўртасидаги, шунингдек, бўйсунувчи кучлар ва қўшнилари (бошқа туманлар, шаҳарлар кучлари) ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик қабул қилинган қарорда ўз аксини топади ва иш жараёнида, биринчи навбатда, қуйидаги мақсадларда амалга оширилади: одамларни қутқариш, ёнғинларни

локализация қилиш ва ўчириш, коммунал тизимлардаги аварияларни бартараф этиш, кучларни жойлаштириш ва жароҳатланганларни (шикастланганларни) эвакуация қилиш учун айланма йўллари тайёрлаш.

Ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш учун қуйидагилар ташкиллаштирилади:

- ҳар бир тузилма учун ишларни олиб бориш чегараларини белгилаш;

- қўшни объектларда, айниқса қўшнилар учун хавф туғдирадиган ёки уларнинг ишига таъсир қилиши мумкин бўлган ишларни бажаришда ҳаракатлар тартибини белгилаш;

- алоҳида муҳим ва мураккаб ишларни биргаликда бажаришда кучларни жамлаш вақти ва жойини келишиш;

- қўшни ҳудудлардаги вазиятнинг ўзгариши ва иш натижалари тўғрисида маълумотлар алмашиш тизимини белгилаш;

- шошилишч ўзаро ёрдам кўрсатиш тартибини белгилаш.

Қўшқарув ишларини таъминлаш бўйича махсус топшириқларни бажарувчи бошқа кучлар билан бўйсунувчи назорат органлари ва тузилмаларининг (қўшинларининг) ўзаро ҳамкорлиги ўзаро таъсир қилувчи кучлар вакиллари иштирокида вазифаларни белгилаш жараёнида ташкил этилади; бир вақтнинг ўзида бошқарув органи раҳбари ўзига бўйсунувчи шахсларга уларнинг объектларида бажарилган ишлар, уларни бошлаш ва (тахминан) тугатиш муддатлари тўғрисида маълумот беради. Шу билан бирга, қўйи назорат органларининг раҳбарлари ва ўзаро ҳамкорлик қилувчи кучлар вакиллари ишларни бажариш жойлари ва тартибини аниқлайдилар, вазият, бошқарув пунктларининг жойлашуви, алоқа усуллари тўғрисида маълумотлар алмашадилар.

Куч ва воситаларнинг таъминоти уларнинг ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариши учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида ташкил этилади. Таъминотнинг асосий турлари: разведка, транспорт, муҳандислик, йўл, гидрометеорологик, техник, моддий ва тиббий таъминотлар ҳисобланади. Таъминотни қўллаб-қувватлаш ва махсус воситалардан фойдаланишни бевосита бошқариш хизматлар раҳбарлари ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

Таъминотни ташкил этиш вазифага аниқлик киритиш, ўз масъулияти доирасидаги вазиятни баҳолаш, махсус кучлар ва воситаларни тайёрлаш ва уларни фавқулодда вазият ҳудудига ўз вақтида жойлаштириш,

бўйсунувчиларга вазифаларни белгилаш ва уларни иш жараёнида аниқлаштиришни ўз ичига олади.

Разведкани ташкил қилишда разведканинг мақсадлари, ҳудудлари (объектлари) ва вақти, атроф-муҳит ҳолатини ва иш жойларидаги вазиятнинг ўзгаришини кузатиш ва мониторинг қилиш тартиби, сигналларни бериш ва ҳисоботларни тақдим этиш тизими кўрсатилади.

Транспорт таъминоти ташиладиган юк табиати ва ҳажмини аниқлаш, барча турдаги транспорт турларини ҳисобга олиш, юклаш вақти ва жойи, йўналишлари, етиб бориши керак бўлган манзил ва вақт, тушириш муддатлари, транспорт воситаларининг захираларини ўз ичига олади.

Муҳандислик таъминоти махсус муҳандислик ишларни бажариш, ишларни механизациялаш воситаларидан фойдаланиш, сув таъминоти пунктларини жиҳозлаш ва иш жойларига сув этказиб бериш муаммоларини ҳал қилади.

Йўл таъминоти йўл-кўприк отрядларини (ҳаракатни қўллаб-қувватлаш тузилмаларини) яратишни ўз ичига олади. Отрядларнинг ҳар бирига йўналишлар бириктирилиб, ушбу йўналишлар транспорт ва жиҳозларнинг ўтишига тайёрлаш муддатлари, йўналишларни ўтишга яроқли ҳолатда сақлаш, мумкин бўлмаган ҳолларда айланма йўлларни жиҳозлаш вазифаси юклатилади.

Гидрометеорологик таъминот об-ҳаво ҳақидаги маълумотларни назорат қилувчи органлар ва тузилма командирларига етказишни ўз ичига олади. Ушбу таъминот ўз ичига, шунингдек, хавфли метеорологик ва гидрологик ҳодисалар ва уларнинг ривожланишининг мумкин бўлган табиати тўғрисида шошилишч маълумотларни ўз ичига олади.

Техник таъминот таъмирлаш-тиклаш корхоналарига, машина ва механизмларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш, жойларда носоз ускуналарни таъмирлаш базаларига етказиб бериш учун махсус бўлинмалар (тузилмалар) ишини ташкил этишни ўз ичига олади.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилинган барча кучлар ва воситаларни бошқариш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ушбу мақсадлар учун тайинланган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича тайинланган бошлиқлари (тезкор гуруҳлар раҳбарлари) ва ФВДТ бошқарув органлари томонидан амалга оширилади.



Фавқулодда вазиятлар бўйича бошқарувчиларнинг қарорлари, агар қонунларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ҳаракат зоналарида жойлашган барча фуқаролар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Ҳаракат зоналарига биринчи бўлиб этиб келган авария-қутқарув хизматлари, авария-қутқарув бўлинмалари раҳбарлари фавқулодда вазиятлар бўйича раҳбарларнинг ваколатларини ўз зиммаларига оладилар ва уларни қонунларда белгиланган ёки давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тайинланган раҳбарлар келгунига қадар амалга оширадилар. Фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш раҳбарлари ҳукумат томонидан ёки маҳаллий бошқарув органлари, ташкилот раҳбари томонидан амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятларда раҳбар томонидан мустақил равишда қуйидаги қарорлар қабул қилиниши мумкин:

- хавфли зоналарида эвакуация тадбирларини ўтказиш тўғрисида;
- фавқулодда вазиятлар зоналарида жойлашган ташкилотлар фаолиятини тўхтатиш тўғрисида;
- фавқулодда вазиятлар зоналарида жойлашган объектлар ва ташкилотларнинг ҳудудларида авария-қутқарув ишларини ўтказиш тўғрисида
  - одамларнинг хавфли ҳудудларга киришини чеклаш тўғрисида;
  - фавқулодда вазиятларни бартараф этиш мақсадида табиий офат зоналарида жойлашган ташкилотларнинг моддий ресурслар захираларини бўшатиш тўғрисида;
  - фавқулодда вазиятлар зоналарида жойлашган ташкилотларнинг алоқа воситалари, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш тўғрисида;
  - авария-қутқарув ишларини ўтказишга штатдаги ва штатдан ташқари тузилмаларни жалб қилиш тўғрисида;
  - авария-қутқарув ишларини бажаришга аҳолини ихтиёрий асосда, шунингдек қутқарувчи бўлмаган айрим фуқароларни уларнинг розилиги билан жалб этиш тўғрисида;
  - фавқулодда вазиятларнинг ривожланиши ва уларни бартараф этиш бўйича ишларнинг бориши муносабати билан бошқа зарур чораларни кўриш тўғрисида.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича раҳбарлар ўзлари қабул қилган қарорлар тўғрисида тегишли давлат органларига, маҳаллий давлат

хокимияти органларига, ташкилотлар раҳбариятига зудлик билан хабар бериши шарт.

Тезкор гуруҳлар мутахассислар билан таъминланади ва қуйидагиларни таъминлайди:

- фавқулодда вазиятлар тўғрисида маълумот олиш ва уни тезкор гуруҳ бошлиғига етказиш;
- фавқулодда вазиятнинг мумкин бўлган ривожланиш кўламини башорат қилиш;
- фавқулодда вазият тўғрисидаги маълумотларни таҳлилий қайта ишлаш ва куч ва воситаларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича ечимларни тайёрлаш;
- қарорни бўйсунувчи бошқарув органлари ва тузилмаларига етказиш;
- қабул қилинган қарорга мувофиқ ишларни боришини назорат қилиш;
- вазиятдаги ўзгаришлар ва ишларнинг бориши тўғрисида ҳисоботларни тақдим этиш.

Ишлар алоқа, автоматлаштириш ва бошқа зарур техник воситалар билан жиҳозланган бинолардан иборат жиҳозланган бошқарув пунктларидан бошқарилади. Турғун бошқарув пунктлари, қоида тариқасида, маъмурий ёки жамоат бинолари ва иншоотларида жойлашади, ходимлар (навбатчи) ва зарур алоқа воситалари билан таъминланади. Мобиль бошқарув пунктлари тезкор гуруҳларнинг янада самарали ишлашини таъминлайди; улар автомобиллар, самолётлар ва сув кемаларига жойлаштирилади.

#### REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” Тошкент ш., 2022 йил 17 август,
2. “Наставление по организации управления и оперативного (экстренного) реагирования при ликвидации чрезвычайных ситуаций” 24с. Москва-2023г.
3. П.В. Родионов В.А. Журавлев “Организация и ведение аварийно-спасательных, поисковых и других неоложных работ силами и средствами рсчс” Учебное пособие. 219 стр. Издательство – Типография ООО «МедиаСфера»-2018г.
4. Справочное пособие по организации выполнения мероприятий по предупреждению и ликвидации чрезвычайных ситуаций и проведению аварийно-спасательных работ силами и средствами органов государственной

власти, органов местного самоуправления в мирное и военное время. 528 стр.  
Москва ФГБУ ВНИИ ГОЧС (ФЦ)-2016г.

5. Наставление по организации управления и оперативного (экстренного)  
Реагирования при ликвидации чрезвычайных ситуаций <https://legalacts.ru/>

## АҲОЛИНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАШДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

**Акбар Норбойевич Кувандиков**

и.ф.н доцент, Фуқаро муҳофазаси институти, Тошкент, Ўзбекистон.

**Умриддин Бахтиёр ўғли Хошимов**

Магистр, Фуқаро муҳофазаси институти, Тошкент, Ўзбекистон.

### **АННОТАЦИЯ:**

Мақолада табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар сони ва кўлами ортиб бораётган ҳозирги шароитда аҳолини табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш масаласининг долзарблигига эътибор қаратилган. Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш масаласида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ўрни катта бўлиб, мақолада вазирликнинг аҳолини тайёрлаш борасидаги вазифалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** фавқулодда вазиятлар, табиий ва техноген фавқулодда вазиятлар, аҳолини тайёрлаш, фавқулодда вазиятлар вазирлиги, фуқаро муҳофазаси.

### **АННОТАЦИЯ:**

Как известно, в последние годы увеличиваются количества чрезвычайных природного и техногенного характера. В этих условиях важное значение имеет подготовка населения к действиям при чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера. В статье обсуждена роль и задачи Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан в подготовке населения к действиям при чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера.

**Ключевые слова:** чрезвычайные ситуации, чрезвычайные ситуации природного характера и техногенного характера, подготовка населения, Министерства по чрезвычайным ситуациям, гражданская защита.

### **ABSTRACT:**

As is known, in recent years the number of natural and man-made emergencies has been increasing. In these conditions, it is important to prepare the population for actions in emergency situations of a natural and man-made nature. The article discusses the role and tasks of the Ministry of Emergency Situations of the Republic of Uzbekistan in preparing the population for actions in emergency situations of a natural and man-made nature.

**Keywords:** emergency situations, natural and man-made emergencies, population preparation, Ministry of Emergency Situations, civil protection.

Маълумки, жамият тараққий этгани сари саноат объектларининг сони ва қазилма бойликларнинг ўзлаштириш миқдори ортиб боради. Бу табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар сони ҳам ортиб бораверишига сабабчи бўлади. Бундай шароитда аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мавжуд меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан аҳолининг барча қатламларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартиби белгилаб берилган [3]. Бунда аҳолини тайёрлашда асосий вазифалар қилиб қуйидагилар белгиланган:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари, ишчи ва хизматчиларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда фуқаро муҳофазаси бўйича билимларини изчил ошириб бориш ва кўникмаларини ҳосил қилиш;

қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари, шунингдек, фуқаро муҳофазаси тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга тайёрлаш;

аҳолини, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаганларни, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасалари талабаларини фавқулодда вазиятларда муҳофазаланиш, жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш, жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш қоидалари ва усулларига ўргатиш [3].

Ушбу вазифаларни бажариш, яъни аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тадбирларига методик раҳбарлик қилиш, уларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун

масъул орган қилиб Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги белгиланган бўлиб, вазирлик томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилади [3]:

фавқулодда вазиятлар вазирлиги аҳолини тайёрлаш соҳасида:

ташкилий-методик раҳбарликни амалга оширади, тадбирларни мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

ташкилий кўрсатмалар ва ўқув дастурларини ишлаб чиқади ва келишади;

ўқув машқлари, машғулотлари ва бошқа тадбирларни ташкил этади ва ўтказиши;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилади ва кенг фойдаланилишини ташкил этади;

тизимдаги аҳолини тайёрлашга ихтисослаштирилган муассасаларнинг тингловчилар билан жамлаш режаларини тегишли давр учун шакллантиради ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғига киритади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан аҳолини тайёрлашнинг энг самарали усули ва олий шакли деб ўқув машқлари эътироф этилиб кенг миқёсда ҳар хил тоифадаги объектлар, ташкилотлар ва фуқароларни жалб этган ҳолда ўтказиладиган ўқув машқлари тан олинган. Шу сабабли жойларда комплекс ўқув машқлари, қўмондонлик-штаб ўқув машқлари, махсус-тактик ўқув машқлари, объект ўқув машғулотлари ўтказиш белгилаб қўйилган. Ўтказилиб келинаётган бундай ўқув машқларига Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан методик ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлашнинг аҳамияти катта эканлиги ҳисобга олиниб Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирликлари билан келишган ҳолда ҳаётий фаолият хавфсизлиги ва фуқаро муҳофазаси йўналишларидаги ўқув дастурларини замонавий талаблар асосида такомиллаштирилиб борилмоқда [1,2].

Бундан ташқари Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтида ҳар 3 йилда бир марта республика ва вилоят миқёсидаги ташкилотлар раҳбарлари ва масъул мутахассислари, шунингдек, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарларининг малакалари оширилиб, қайта тайёрланмоқда.



Жойларда ташкил этилган "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" ўқув марказларида 3 йилда бир марта туманлар ва шаҳарлар миқёсидаги ташкилотлар раҳбарлари ва масъул мутахассислари, кутқарув хизматлари, кутқарув тузилмалари ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари бошлиқлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг малакаси оширилиб, қайта тайёрланмоқда.

Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини ошириш учун Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан кадрлар тайёрлаш ишларига катта эътибор берилиб келинмоқда [1].

Соҳага малакали кадрлар етказиб бериш учун давлат стандартлари, халқаро тажрибалар фан ва таълим соҳасидаги инновация технологиялари анъаналари талабларини ҳисобга олган ҳолда 5А640103—“Фавқулодда вазиятларда аҳоли хавфсизлиги” мутахассислиги бўйича магистр даражасига эга бўлган олий маълумотли, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди [4].

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича ахборот узатиш ваколатига ҳам эга бўлиб, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда фуқароларни фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ҳаракат қилишга тайёрлаш тизимини шакллантириш ишлари олиб борилмоқда [1].

Аҳолини тайёрлаш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига Фавқулодда вазиятлар бошқармалари Ҳаётини фаолият хавфсизлиги ўқув марказларида замонавий кўргазмали материаллар, интерактив ўқитиш воситалари билан жиҳозланган фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш мажмуаларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Иш билан банд бўлмаган аҳоли тоифасини тайёрлашнинг энг мақбул йўли маҳаллалар воситасида аҳолини тайёрлашни йўлга қўйиш эканлигидан келиб чиқиб Фавқулодда вазиятлар вазирлиги воситачилигида маҳаллаларда иш билан банд бўлмаган аҳолини тайёргарликдан ўтказиш учун зарур бўлган моддий базани яратиш (хона ажратиш, уни кўргазмали ўқув-услубий материаллар, плакатлар, брошюралар, эслатмалар, ташкилий техника ҳамда бошқалар билан жиҳозлаш) аҳоли билан турли фавқулодда вазиятларда тўғри

ҳаракатланиш бўйича амалий машқ ва ўқув машғулотлари ўтказиш ишлари олиб борилмоқда [5].

Бунда “Маҳалла фуқаро муҳофазаси” бошқарув органларини ва кучларини содир бўлиши эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятлар оқибатларини, жумладан, террористик хуружлар натижасида радиоактив, захарловчи моддалар, биологик воситалар қўлланишининг оқибатларини бартараф этиш учун тайёргарлик кўришга, маҳалла фуқароларини биринчи ёрдам кўрсатишга, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг таъсир қилувчи омилларидан, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар ёки ушбу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфдан ҳимояланишга, экстремал ҳолатларда дарҳол ва аниқ ҳаракатланишига, ўзлари яшайдиган ҳудудда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг оқибатлари тўғрисида тасавурга эга бўлишига ва ҳар бирининг шахсий тайёргарлик ҳолатига ҳамда оила аъзоларини ҳимоя қилиш масъулиятини шакллантиришга, маънавий ва руҳий ҳолатга аҳамият қаратилмоқда [5].

Бундан ташқари барча иқтисодиёт объектларида фуқаро муҳофазаси тузилмалари тузиш кўзда тутилган бўлиб, ушбу тузилмаларнинг раҳбарлари ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармаларининг “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” ўқув марказларида ва қўмондон-штаб машқларини ўтказиш даврида, тузилмаларнинг шахсий таркиби – объектларда, тайёрлаш режалари доирасида тегишли дастурлар бўйича, шунингдек махсус-тактик машғулот ва машқларида тайёрланиши белгилаб қўйилган. Шунини қайд этиш керакки, барча қўмондон-штаб ўқув машқлари ва махсус-тактик машғулотлар фавқулодда вазиятлар вазирлигининг кўмаги, кўрсатмаси ва амалий ёрдами билан ташкил қилинади.

Шундай қилиб, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш борасида кенг қамровли ваколатларга эга бўлиб, ушбу ваколатлар аҳолининг кенг қатламларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш учун етарли бўла олади.

## REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5066-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4276-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сонли қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июндаги “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3030- сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 августдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 650-сонли Қарори.

## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

**З. Н. Бобошев**

доцент в.б. Тошкент давлат транспорт университети

### АННОТАЦИЯ

Жисмоний тарбия дарсларида оғзаки, кўрғазмали, амалий, назарий, мусобақа ўйин усулларида фойдаланиш. Жисмоний тарбия дарс жараёнида қўлланиладиган барча услублар ўқувчиларни тарбиявий вазифаларини ҳал қилиш – жисмоний, иродавий, ахлоқий сифатларини тарбиялаш, малака ва кўникмаларини билиш қобилиятини такомиллаштириш учун қўлланилади.

**Калит сўзлар:** кўрғазмали, назарий, мусобақа, услуб, сифат, инновация, технология.

### АННОТАЦИЯ

Использование устных, демонстративных, практических, теоретических, соревновательно-игровых методов на занятиях по физическому воспитанию. Все методы, используемые в курсе физического воспитания, используются для решения образовательных задач учащихся - воспитания их физических, волевых, моральных качеств, совершенствования умения познавать свои умения и навыки.

**Ключевые слова:** демонстрация, теоретическое, соревнование, стиль, качество, инновации, технологии.

### ABSTRACT

Use of oral, demonstrative, practical, theoretical, competitive game methods in physical education classes. All the methods used in the course of physical education are used to solve the educational tasks of students - to educate their physical, willful, moral qualities, to improve their ability to know their skills and abilities.

**Keywords:** demonstration, theoretical, competition, style, quality, innovation, technology.

Миллий дастурнинг ўқитувчи ижодий ташаббусларига кенг йўл берганлиги таҳсинга лойиқдир. Бу муҳим хужжат ўқувчиларнинг амалий

жисмоний тайёргарлигига, дарснинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган. Ўқув дастур бўлимлари ва мавзуларини тўлиқ бажариш ҳамда дарсларнинг самарадорлигини ошириш учун дарснинг ташкилий услубларини танлаш катта аҳамиятга эгадир. Дарснинг ташкилий ёки уни олиб бориш услублари деганда биз ўқитувчи режасига мувофиқ, ўқувчиларни жисмоний тарбия дарсларини бажариш учун уюштириш усулларини тушунамиз.

Жисмоний тарбия дарсларида оғзаки услуб ўқитувчи ва ўқувчининг таълим мазмунини ўзлаштиришга қаратилган ўзаро алоқадор, маълум кетма-кетликдаги фаолияти тизимидир.

Жисмоний тарбия фанида оғзаки, кўргазмали, амалий, мусобақа, ўйин услублари мавжуд.

Масалан, оғзаки услубда гапириб бериш жисмоний тарбия соҳасида нутқдан фойдаланишнинг энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири бўлиб, ўрганиладиган мавзунини оғзаки тасаввур қилишни ёки шуғулланувчилар ҳаракатини тасвирлаб, таҳлил қилишни англатади. Гапириб бериш асосан икки шаклда қисқа ва кенг батафсил баён этишдан иборат. Гапириб бериш ҳар иккала шаклда ҳам, аниқ ва кенг ҳажмда сўзга зарур аниқлик ва қисқалик киритишга имкон берадиган махсус терминология катта роль ўйнайди.

Жисмоний тарбия машғулоти жараёнида қўлланиладиган оғзаки услублар қуйидагилардан иборат:

- машқ бажариб туриб, тушунтириш услуги;
- кўрсатма, фикр буйруқ майлида ифода этиш;
- оғзаки эришилган ютуқларга баҳо бериш, ҳаракатларни тузатиб бориш усули;
- ўргатиш ва тарбиялашда суҳбат, савол-жавоб услуги;
- шуғулланувчилар ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни имконият борича, оғзаки ҳисоб бериш;
- шуғулланувчиларнинг ўзига буйруқ бериши ва ўз-ўзига ўргатиш услуги;

### СПОРТ ТОПИШМОҒИ

- |   |                    |
|---|--------------------|
| 1. Кросс югуришнинг ўзгача номи             | - <b>Батба</b>     |
| 2. Ғолибга бериладиган медал тури           | - <b>Олтин</b>     |
| 3. Кўпчилик бўлиб саёҳат қилиш              | - <b>Экскурция</b> |
| 4. Тоғнинг энг юқори чўққисига чиқувчи      | - <b>Алпинист</b>  |
Мақолада фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишнинг долзарб муаммолари ёритилган бўлиб, бир қатор долзарб муаммолар, хусусан, фавқулодда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш, психологик саводхонликни ошириш, халқаро тажрибани ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, фавқулодда вазиятларнинг трансчегаравий таъсири борасида ягона ахборот алмашув муҳитини яратиш ва олиб бориладиган тадбирларни мувофиқлаштириш, ходимларни чет тилига ўқитиш масалалари ёритилган. **Калит сўзлар:** фавқулодда вазият, трансчегаравий фавқулодда вазиятлар, психология, биринчи ёрдам, ўқитиш, халқаро ҳамкорлик.

### АННОТАЦИЯ

В статье освещены актуальные проблемы предупреждения и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций, особо подчеркнуты некоторые актуальные проблемы, в частности, оказание первой помощи при чрезвычайных ситуациях, повышение психологической грамотности, развитие международного опыта и взаимного сотрудничества, создание единой среды информационного обмена при трансграничных последствиях чрезвычайных ситуаций, обучение сотрудников иностранным языкам.

**Ключевые слова:** чрезвычайная ситуация, трансграничная чрезвычайная ситуация, психология, обучение, международное сотрудничество.

### ABSTRACT

the article highlights current problems of preventing and eliminating the consequences of emergency situations, especially emphasizing some current problems, in particular, providing first aid in emergency situations, increasing psychological literacy, developing international experience and mutual cooperation, creating a unified environment for information exchange in transboundary consequences of emergency situations situations, training employees in foreign languages.

**Keywords:** emergency, cross-border emergency, psychology, training, international cooperation

Техноген фавқулдда вазиятлар технологик ёки ишлаб чиқаришдаги муаммолар, хавфли процедуралар, инфратузилмадаги носозликлар натижасида ёки инсоннинг муайян ҳаракатлари натижасида юзага келади. Бундай ҳолатларга мисол қилиб, саноат ифлосланиши, атом электр станциясидаги авариялар, захарли чиқиндилар, тўғонларнинг бузилиши, транспорт ҳодисалари, завод портлашлари, ёнғинлар ва кимёвий моддаларнинг тўкилиши киради. Техноген хавф-хатарлар табиий офат таъсиридан келиб чиқиши ҳам мумкин [1]. Техноген офатларнинг ўзига хос хусусияти “аниқланиши мумкин бўлган сабаб”нинг мавжудлиги. Ушбу хусусият туфайли жамоаларга таъсир кўпинча жуда зарарли. Бундан ташқари, инсоният учун бундай офатларнинг оқибатлари давомий бўлиши ва йиллар давом этиши мумкин.

Бундай шароит фавқулдда вазиятларга хос бўлган долзарб муаммоларни ажратиб олишни ва улар устида ишлашни тақозо этади.

Фавқулдда вазиятларнинг куйидаги долзарб муаммоларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Фавқулдда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича кўп йўналишли тренинглар ташкил этиш лозим. Бу билан фавқулдда вазиятларда жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш вазифалари ва биринчи ёрдам тўпламлари ўртасида ўзаро боғлиқлик тўлиқ таъминланади. Хусусан, жабрланувчига ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган восита ва дори-дармонлар етишмовчилиги шароитида (оғриқ қолдирувчи воситаларнинг етишмаслиги), чекланган вақт ва имкониятлар шароитида ёрдам кўрсатиш, асбоб-ускуналар ёрдамида (автоматик дефибрилаторлар ва бошқалар) ёрдам кўрсатиш бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилмаган [5].



Долзарб муаммолардан бири фавқулодда вазиятларда жабрланганларга психологик ёрдам кўрсатиш муаммоси ҳисобланади. Ҳар бир психолог ҳам экстремал психология соҳасида юқори малакали мутахассис бўла олмайди, лекин ҳар бир психолог ва ҳар бир инсон билим даражаси ва касбидан қатъий назар, биринчи психологик ёрдам асосларини пухта эгаллаши жуда муҳим. Умуман олганда, психологик билимларни тарғиб қилиш катта аҳамиятга эга. Фавқулодда вазиятларда психологик ёрдам кўрсатиш билан бевосита шуғулланувчи таълим ташкилотлари ва тузилмаларининг фаол ўзаро ҳамкорлигигина ҳар қандай қўйилган вазифаларни ҳал этишга қодир мутахассисларни сифатли тайёрлашни ва одамлар билан ишлайдиган мутахассисларнинг психологик саводхонлигини оширишни таъминлаши мумкин [6].

Хорижий мамлакатларда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш хизматларининг ривожланган тизими мавжуд. Мамлакатимизда жабрланганларга ёрдам кўрсатишни ташкил этишда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш учун халқаро тажрибани ҳисобга олиш, зарурат туғилганда жабрланган томон фуқаролари ҳуқуқларидан устун бўлган ҳолда юзага келаётган муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарур [2].

Ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳам фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда оқибатларини бартараф этишда долзарб аҳамият касб этади. Бунда ҳамкорлик объектлар, хизматлар ҳамда бошқа давлатлар билан ҳамкорликни ўз ичига олиши керак. Давлатлар ўртасида ҳозирги кунда юзага келган иқтисодий алоқалар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш соҳасида ҳам кенг қўлланилиши керак. Ўзаро ҳамкорликсиз фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятларда ҳаракат қилиш ва оқибатларини бартараф этиш ишлари мукамал бўла олмайди [7].

Долзарб масалалардан яна бири ахборот ҳамкорлиги ҳисобланиб, бу борада табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда ахборот алмашинуви ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш масаласида мустақил ҳамдўстлик давлатлари ўртасида ахборот алашинуви тўғрисида келишув имзоланган. Ушбу келишув табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг трансчегаравий

таъсири борасида ягона ахборот алмашув муҳитини яратишни кўзда тутди. Худди шундай келишув бошқа давлатлар билан ҳам имзоланиши керак [3].

Трансчегаравий биологик фавқулодда вазиятлар ҳам долзарб муаммолардан бир бўлиб, бундай вазиятлар кутилмаганда юзага келади ва халқаро муносабатларнинг издан чиқишига сабаб бўлади. Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлади [4]:

- аввал номаълум бўлган касалликнинг пайдо бўлиши ва бундай касалликларга қарши курашиш чораларининг аввалдан ишлаб чиқарилмаганлиги;

- миллий ва халқаро соғлиқни сақлаш тизимларининг бундай вазиятга тайёр бўлмаслиги;

- касалликнинг жуда тез тарқалиши.

Янги пайдо бўлиши мумкин бўлган касалликлардан ташқари аввалдан мавжуд бўлган касалликлар, жумладан, хусусан, зика вируси, ўлат, вабо, куйдиргиларни келтириш мумкин. Бу касалликлар аввал аниқланмаган ҳудудларга тарқалмоқда (Зика вируси), бошқалари ўта хавфли таъсирга эга бўлмагани ҳолда ҳалигача бартараф этилмаган.

Долзарб муаммолардан яна бири фавқулодда вазиятларда ҳамкорлик ҳисобланади. Фавқулодда вазиятларда ҳамкорлик мукамал бўлиши учун турли тоифадаги ходимларни чет тилига ўргатиш лозим. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

1. Чет тилини билиш даражасига қўйиладиган талабларни тартибга солувчи идоравий стандартни ишлаб чиқиш.

2. Алоқа ҳолатларининг энг тўлиқ рўйхатини аниқлаш ва фавқулодда вазиятлар органлари ва бўлимлари ходимларининг ҳар бир тоифаси учун юқори ихтисослаштирилган курсларни ишлаб чиқиш.

3. Ўзлаштирилган тил кўникма ва малакаларини касбий мулоқотга доир ўзгарувчан замонавий талабларга мувофиқ мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш мақсадида ўқитишнинг тегишли шакл ва усулларини танлаган ҳолда лингвистик таълимнинг узлуксиз моделини яратиш.

4. Ҳар бир курснинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ҳақиқий ёзма ва аудиовизуал материаллар асосида замонавий ўқув-услубий қўлланмалар ва атамаларнинг юқори профессионал луғатлари, иборалар (шу жумладан, электрон луғатлар), лингвистик тренерлар яратиш.

5. Юқори сифатли лингвистик таълимни ташкил этиш кўп меҳнат талаб қиладиган ва мураккаб жараён бўлганлиги сабабли нафақат инглиз тилидаги профессионал мулоқот соҳасидаги мутахассислар, балки методистлар, психологлар, муҳаррирлар, дизайнерлар, дастурчиларнинг ҳам саъй-ҳаракатларини бирлаштириш; шу билан бирга, замонавий ўқув материалларини яратиш график дизайнни, тахририй тузатишни ва доимий техник ёрдамни, янгилашни, шунингдек, талабаларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олишни талаб қилади.

6. Профессional йўналтирилган тил портални яратиш, унинг мақсади барча лингвистик интерактив хизматларни бирлаштиришдан иборат бўлади.

7. Университет ўқув жараёнига тажриба алмашиш ва илғор технологияларни жорий этиш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириш курслари, амалиётлар, семинарлар ва амалий конференциялар орқали узлуксиз малакасини оширишни таъминлаш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, туркий давлатларнинг ўзаро манфаатли интеграциясида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этади. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимига қаратилган ишларга алоҳида эътибор бериш ва бу ишларни ҳамкорликда ташкил этиш лозим.

## REFERENCES:

1. А.А. Старых Техногенные аварии как элемент техносферной безопасности // Тенденции развития науки и образования. - 2022. - № 86-8. - С. 19-22.

2. И.А. Кобыляцкая, У.Ю. Шкатова, Л.Я. Мохова, А.М. Филимонов, М.С. Медведев Е.Ю., «Актуальные вопросы работы специальных служб по ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций в зарубежных странах» Вестник современной клинической медицины 2019 том 12 вып 4 стр 59-62

3. Соглашение о взаимодействии в области предупреждения и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера от 22.01.1993.

4. О рисках возникновения чрезвычайных ситуаций в области биологической безопасности международного значения и их предикторах» Пробл. особо опасных инф. 2017; 3:5-11. DOI: 10.21055/0370-1069-2017-3-5-11:

5. Актуальные вопросы обучения оказанию первой помощи населению при чрезвычайных ситуациях. Гафуров Н.Н. <https://cyberleninka.ru>.

6. А.А., Скорынин, А.Ф. Денисова «Актуальные проблемы подготовки психологов к оказанию первой психологической помощи в чрезвычайных ситуациях» <https://cyberleninka.ru>.

7. Т.Р. Хабиров, С.М.Мельников “Актуальные проблемные вопросы при решении задач по взаимодействию на чрезвычайные ситуации стран АТР” <https://cyberleninka.ru>.

## EVTANAZIYA VA UNING HOZIRGI JAMIYAT HAYOTIDAGI O'RNI

**Umarova Ro'zigul Sheraliyevna**

f.f.n., dotsent

**Jasurbek Baxodir o'g'li Baxtiyorov, Hamroyev Xurshid Bahodirovich**

Toshkent davlat transport universiteti

MST-5 gurux talabalari

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada evtanaziyaning paydo bo'lishi va boshlang'ich rivojlanish tarixi, o'rta arslarda evtanaziya rivojlanishi, biroq diniy ta'limotlar rivojlanishi ortidan qattiq tanqidga uchrashi, evtanaziya turlari, zamonaviy hayotda evtanaziyaga bo'lgan munosabatlar tahlil qilingan. Shuningdek, maqolada evtanaziyaga dinlarning munosabatlari berib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** evtanaziya, jamiyat, Gippokrat, din, faol evtanaziya, passiv evtanaziya, ixtiyoriy evtanaziya, majburiy evtanaziya, Leonetti qonuni.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье анализируются история возникновения и начального развития эвтаназии, развитие эвтаназии в средние века, и ее жесткая критика после развития религиозных учений, виды эвтаназии, эвтаназия и религия, а также отношение к эвтаназии в современной жизни. В статье также комментируется отношение религий к эвтаназии.

**Ключевые слова:** эвтаназия, общество, Гиппократ, религия, активная эвтаназия, пассивная эвтаназия, добровольная эвтаназия, принудительная эвтаназия, Закон Леонетти.

### ABSTRACT:

This article analyzes the history of the emergence and initial development of euthanasia, the development of euthanasia in the Middle Ages, and its harsh criticism after the development of religious teachings, types of euthanasia, euthanasia and religion, as well as attitudes towards euthanasia in modern life. The article also comments on the relationship of religions to euthanasia.

**Keywords:** euthanasia, society, Hippocrates, religion, active euthanasia, passive euthanasia, voluntary euthanasia, forced euthanasia, Leonetti law.

Evtanaziya boshqa atamalar singari foydalanishiga qarab turli ma'nolarga ega bo'lishi mumkin. Evtanaziyaning tarixda birinchi marotaba tarixchi Suetoniusga tegishli bo'lib, u imperator Avgustusning "O'z ayoli Liviya tomonidan og'riq-azoblarsiz, o'zi orzu qilgandek o'lishi, evtanaziyaga erishishi"ni yozadi. Umuman olganda, Evtanaziya yunoncha "eu" – yaxshilik va "tanatos" o'lim so'zlaridan kelib chiqqan. So'zning o'zi esa birinchi marta tibbiy atama sifatida 17 asrda Fransis Bekon tomonidan, oson og'riqsiz baxtli o'lim sifatida keltirilgan; chunki u vaqtlar tibbiyotning maqsadi bemorlarni og'riqlardan halos qilish edi. Hozirgi kunda esa evtanaziya o'g'riqsiz o'limning tezkor ko'rinishi deb nomlangan. Boshqacha qilib aytganda evtanaziya bu, og'riqli va davolab bo'lmaydigan kasallik yoki nogironlik bilan kasallangan shaxslarni og'riqsiz o'ldirish yoki davolanishni to'xtatish yoki sun'iy hayotni ta'minlash choralarini bekor qilish orqali ularning o'limiga yo'l qo'yish harakati yoki amaliyoti.

Qadimgi yunon shifokori, hozirgi meditsina otasi sifatida aytiladigan Gippokrat ham evtanaziya orqali bemorlarni og'riqlardan qutqarish to'g'ri deb hisoblagan, ammo o'zi bemorlarni o'ldirishni xato deb hisoblab o'zi tuzgan qasamyodga ham aynan evtanaziyaga taalluqli band qo'shdi. Yevropada nasroniylik dini keng tarqalishidan avval, IX-X asrlarda evtanaziya yanada rivojlangan, bunga sabab malariya, gripp kabi tuzalishi qiyin kasalliklarga chalinish soni oshib ketgan. U vaqtlarda samarali davo choralari bo'lmaganligi sababli shifokor-tabiblar tomonidan evtanaziyadan foydalanildi. XII-XV asrlarda xristianlik dini keng yoyilgach, evtanaziya tarafdorlari qattiq tanqid ostiga olindi. Chunki, "xudo bergan jonni boshqa odam olishga haqqi yo'q, xudo yaratgan narsa muqaddasdir, uni yo'q qilish esa gunohdir" degan tushuncha cherkovlar tomonidan keng ilgari surildi. Gippokrat tibbiyot maktablari rivojlanib bordi va odamlar evtanaziyani deyarli unutdi. 19-asrga kelibgina evtanaziya yana tilga olinib boshlandi. 1935-yilda Londonda ilk evtanaziya jamiyati [paydo bo'lib](#), azobsiz o'lim g'oyasi shifokor va olimlar orasida keng yoyila boshlandi. 20-asrning boshlarida bir nechta davlat tuzalmaydigan kasallar uchun evtanaziyani qonuniylashtirdi, ammo Fashist Germaniyasining hosil bo'lishi va ular evtanaziyadan "irqiy tozalash" vositasi sifatida foydalanganidan so'ng bu amaliyot jahon miqyosida qoralashlarga uchradi.

Ta'kidlash joizki, evtanaziyaning bir qancha turlari mavjud va ularning har birining qo'llanilish holatlari mavjud. Ko'p hollarda u asosiy 2 turga bo'linadi: faol evtanaziya (bemor hayotini maxsus dorilar yoki hatti-harakatlar yordamida tez hamda



og'riqsiz to'xtatish) va passiv evtanaziya (bemorni tirik saqlab turgan muolajani to'xtatish). Bu ikki turdagi evtanaziyada ham bemorning, agarda uning aqliy fikrlash qobiliyati mavjud bo'lmasa yaqinlarining roziligi kerak bo'ladi; shifokor tomonidan o'zboshimchalik bilan evtanaziya amalga oshirilishi evtanaziya qonuniy bo'lgan davlatlarda ham javobgarlikka sabab bo'ladi.

Bundan tashqari evtanaziya ixtiyoriy, noixtiyoriy va majburiy bo'lishi mumkin:

Ixtiyoriy evtanaziyada tuzalmas kasallikka duchor bo'lgan bemor o'z hayotini tugatish uchun tibbiy yordam so'raydi. Evtanaziya qonuniy bo'lgan davlatlar — Belgiya, Kanada, Niderlandiya va AQShning ba'zi shtatlarida evtanaziyaning bu turiga muayyan shartlar bajarilgandagina ruxsat berilgan. Bunda bemorning aqli joyida bo'lishi, chidab bo'lmas iztirobga sabab bo'layotgan kasalligi bo'lishi hamda o'z ixtiyori bilan evtanaziyani talab qilgan bo'lishi [shart](#).

Noixtiyoriy evtanaziya esa bemor o'z qarorini yetkazib bera olmaydigan (masalan, chaqaloq yoki o'ta aqliy zaif kishi) holatlarda ularning hayotini to'xtatishga shifokorlar tomonidan qaror qilinadi. Bu turdagi evtanaziya o'ta bahsli masala bo'lib, ixtiyoriy evtanaziya qonuniy bo'lgan davlatlarda ham ta'qiqlangan.

Majburiy evtanaziya yuqumli va xavfli kasalliklarga duchor bo'lgan bemorlarga qo'llaniladi, bu turdagi evtanaziya deyarli barcha mamlakatlarda ta'qiqlangan bo'lib, faqat [Niderlandiyada](#) qonuniylashtirilgan.

Bundan tashqari, 2005-yil aprelda kuchga kirgan "Leonetti qonuni" bemorlarning kasallik alomatlari o'limgacha o'zgarmasa, davo sifatida qo'llanilayotgan choralarni to'xtatish yoki kamaytirishga ruxsat beradi, va bu qonun bo'yicha bu harakat evtanaziya hisoblanmaydi.

Evtanaziyaga dinlarning munosabatlari turlicha. Katolik cherkovlarimimg bu borada pozitsiyasi biroz rivojlanishni hisobga olmaganda, birinchi bora taqiqlangandan beri deyarli o'zgarmagan. Oxirgi papalarning barchasi evtanaziya taqiqlangan ekanligini qayta tasdiqlashgan, papa Jon Paul II o'zining 1995-yil 25-martdagi "Evangelium vitae" nomli da'vatida "Evtanaziya jinoyat bo'lib, uni insonlar yaratgan hech qanday qonun normallashtira olmaydi" deb aytadi. Undan keyin biroz evolutsiya kuzatilib, evtanaziyaga bo'lgan munosabat yengillashadi, ammo 2016-yilda Rim papasi Frensis "Famille Crétienne" jurnaliga bergan intervyusida cherkov pozitsiyasini ochiqdadi va "bemor o'limini va unga ruxsat berish uchun rahm shavqatni vaj qilish"ga o'rin yo'qligini aytdi.

Provaslavlilar ham evtanaziyani qat'iy rad etganlar, ammo 2014-yilda Frantsiya Provaslav Federatsiyasi va Frantsuz Evangelistlari milliy kengashi tomonidan chop etilgan maqolada ular Leonetti qonunini tan olganliklarini va evtanaziyani dekriminalizatsiya qilganliklarini aytadilar. Ammo bu qaror kasalxonalarda sababli yoki sababsiz o'limlar soni ortishidan havotirda ekanliklarini ham qo'shib qo'ydilar. Pravoslav cherkovi, shuningdek, hayot va o'limni faqat Xudo hal qilishi va Xudoning sovg'asini rad etish insoniyatga tegishli emas degan tamoyilga qat'iy amal qiladi.

Islomda bu borada anchagina ochiq fikr yuritiladi. Albatta ko'p tomonlama qaralganda Islomda evtanaziya, o'z joniga qasd qilish ta'qiqlangan, lekin ba'zi odamlar ortiqcha va keraksiz muolajaning oldini olish uchun passiv evtanaziyani qo'llashni mumkin deb bilishadi. Bundan tashqari boshqa variantlar yo'q bo'lganda ham evtanaziya qo'llashni mumkin deb hisoblashadi. Ushbu fikrga qo'shiluvchilar "Qur'on" ning 2- surasi bo'lgan "Baqara surasi"ning 168(173)- oyatida "Kimki maza talab qiluvchi va haddan oshuvchi bo'lmagan holda majbur bo'lib qolsa, unga gunoh yo'q: Albatta Alloh o'ta mag'firatli o'ta rahmdildir" deyilgan, uning juda kamdan-kam hollarda, masalan, haddan tashqari azob-uqubat va mutlaq zarurat borligida, evtanaziyani qo'llab-quvvatlash uchun ishlatilgan, ammo uning nomidan ko'rinib turibdiki, oyat ovqatlanish qonunlariga ishora qiladi.

Yahudiylik ham xuddi shunday nuqtai nazarga ega, farqi shundaki, u evtanaziyani taqiqlashda davom etish bilan bir qatorda, faol va passiv evtanaziya o'rtasida farq borligini takidlaydi. Ular faol evtanaziyani qoralab, passiv evtanaziyani agarda zaruriy sharoit bo'lsa bajarish kerakligini aytishadi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mukinki, evtanaziya ko'p holatlarda ta'qiqlanganiga qaramasdan bugungi kun jamiyatida o'z o'rniga egadir. Evtanaziya masalasi har doim "insonning hayoti" yoki "insonning huquqlari" muhimroq ekanligi bilan doimo bog'liq bo'ladi. Qanchalik rad etishga urinmaylik odamlar ko'p holatlarda azob uqubatlarsiz o'lishni tanlashi baribir tabiiy holat bo'lib qolaveradi.

## REFERENCES

1. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
2. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.

3. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. Digitalization of the economy: concepts, problems and implementation strategy //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2023. – Т. 12. – С. 209-218.
4. Davletyarov M. A., Suyunov D., Kenjabaev A. T. State regulation of the digital transformation of the economy //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – Т. 9. – С. 145-150.
5. Умарова, Р. Ш. (2019). Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни. *Проблемы науки*, (4 (40)), 56-57.
6. Ramatov, J. S., Umarova, R., & Khasanov, M. N. (2022). Method of determination of transport intensity in urban conditions. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(6), 931-936.
7. Умарова, Р. Ш. (2020). Натурфилософия Абу Райхана Бируни. *Вестник науки и образования*, (4-1 (82)), 35-37.
8. Umarova, R. S. (2019). Fundamentals of spiritual and moral education of youth in the works of Abu Rayhan Beruni. *Problems of science*, no. 4 (40).
9. Умарова, Р. Ш. (2020). Роль натурфилософии Абу Райхана Бируни в развитии современной науки. *Экономика и социум*, (3), 685-688.

## АНАЛИЗ ПЛЮСОВ И МИНУСОВ ПЕРСОНАЛИЗИРОВАННОЙ МАРКЕТИНГОВОЙ СТРАТЕГИИ: БАЛАНС МЕЖДУ ИНДИВИДУАЛИЗАЦИЕЙ И ЭФФЕКТИВНОСТЬЮ

**М. Т. Холбозорова**

Опорный докторант

Ташкентский государственный транспортный университет, Ташкент,  
Узбекистан

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqola takliflarni individuallashtirish va ularning samaradorligi o'rtasidagi muvozanatni hisobga olgan holda shaxsiylashtirilgan marketing strategiyasining ijobiy va salbiy tomonlarini tahlil qiladi. Mijozlarning sodiqligini oshirish, mijozlar tajribasini yaxshilash, konversiyani oshirish va resurslardan samarali foydalanish kabi shaxsiylashtirilgan strategiyaning asosiy afzalliklari ko'rib chiqiladi. Ushbu strategiyaning asosiy kamchiliklari, jumladan, ma'lumotlar maxfiyligi bilan bog'liq muammolar, amalga oshirishning murakkabligi, xatolik xavfi va cheklangan samaradorlik ham muhokama qilinadi. Asosiy e'tibor zamonaviy biznes muhitida maksimal natijalarga erishish uchun individuallashtirish va shaxsiylashtirilgan strategiyaning samaradorligi o'rtasidagi muvozanatni topish zarurligiga qaratilgan.

**Kalit so'zlar:** shaxsiylashtirilgan marketing strategiyasi, individuallashtirish, samaradorlik, mijozlarning sodiqligi, mijozlar tajribasi, konversiya, resurslardan foydalanish, ma'lumotlarni himoya qilish, amalga oshirishning murakkabligi, xatolar xavfi, biznes muhiti.

### ABSTRACT:

This article analyzes the pros and cons of personalized marketing strategy, focusing on the balance between customization and efficiency. The main advantages of personalized strategy, such as increased customer loyalty, improved customer experience, higher conversion rates, and efficient resource utilization, are discussed. The article also examines the key drawbacks of this strategy, including data privacy issues, implementation complexity, risk of errors, and limited effectiveness. The emphasis is on the need to strike a balance between customization and efficiency in

personalized marketing strategy to achieve maximum results in today's business environment.

**Keywords:** personalized marketing strategy, customization, efficiency, customer loyalty, customer experience, conversion rates, resource utilization, data privacy, implementation complexity, risk of errors, business environment.

### АННОТАЦИЯ:

В данной статье проведен анализ плюсов и минусов персонализированной маркетинговой стратегии с учетом баланса между индивидуализацией предложений и их эффективностью. Рассмотрены основные преимущества персонализированной стратегии, такие как увеличение лояльности клиентов, улучшение клиентского опыта, повышение конверсии и эффективное использование ресурсов. Также обсуждаются основные недостатки данной стратегии, включая проблемы с приватностью данных, сложность внедрения, риск ошибок и ограниченность эффективности. Основное внимание уделено необходимости нахождения баланса между индивидуализацией и эффективностью персонализированной стратегии для достижения максимальных результатов в современной бизнес-среде.

**Ключевые слова:** персонализированная маркетинговая стратегия, индивидуализация, эффективность, лояльность клиентов, опыт клиентов, конверсия, использование ресурсов, защита данных, сложность внедрения, риск ошибок, бизнес-среда.

Персонализированная маркетинговая стратегия представляет собой подход к маркетингу, основанный на адаптации маркетинговых действий и коммуникации под конкретные потребности, предпочтения и характеристики отдельных клиентов. Целью персонализированной стратегии является улучшение взаимодействия с клиентами, повышение их удовлетворенности и лояльности, а также увеличение эффективности маркетинговых кампаний.

Для реализации персонализированной стратегии необходимо собирать и анализировать данные о клиентах, такие как их покупательское поведение, предпочтения, история покупок и т.д. На основе этих данных компании могут создавать индивидуальные предложения, персонализированные рекомендации, а также проводить целенаправленные маркетинговые кампании через различные каналы коммуникации.

Персонализированный маркетинг становится все более значимым в современной бизнес-среде, где потребители ожидают индивидуального подхода и персонализированных предложений. Однако, как и любая стратегия, у нее есть свои плюсы и минусы. В данной статье мы рассмотрим баланс между индивидуализацией и эффективностью персонализированной маркетинговой стратегии.

Индивидуализация играет ключевую роль в персонализированной маркетинговой стратегии, поскольку позволяет компаниям адаптировать свои предложения под конкретные потребности и предпочтения каждого клиента. Это может включать в себя персонализированные рекомендации, специальные предложения и акции, а также индивидуальную коммуникацию через различные каналы связи. Такой подход позволяет усилить взаимодействие с клиентами и сделать их опыт более значимым и запоминающимся.

Однако, для достижения эффективности персонализированной маркетинговой стратегии необходимо учитывать не только уникальные потребности каждого клиента, но и общие стратегические цели компании. Эффективность стратегии можно оценивать через различные показатели, такие как уровень удовлетворенности клиентов, увеличение объемов продаж, удержание клиентов и др. Важно находить баланс между индивидуализацией предложений и общей стратегией компании, чтобы обеспечить максимальную эффективность и результативность действий [1, 17-30 стр.].

Более того, успешная персонализированная маркетинговая стратегия должна быть спланирована и реализована с учетом изменяющихся потребностей и требований рынка. Компании должны постоянно анализировать данные о своих клиентах, отслеживать тенденции рынка и внедрять новые технологии и методы, чтобы оставаться конкурентоспособными и эффективными в долгосрочной перспективе.

Плюсы персонализированной маркетинговой стратегии:

*Увеличение лояльности клиентов.* Персонализированный подход позволяет учитывать индивидуальные потребности и предпочтения клиентов, что способствует их удовлетворенности и лояльности к бренду.

*Улучшение клиентского опыта.* Предложения, созданные на основе данных о клиентах, делают процесс покупки более удобным и приятным, что способствует повторным покупкам.



*Повышение конверсии.* Индивидуализированные предложения более эффективны в привлечении внимания и стимулировании покупок у целевой аудитории.

*Эффективное использование ресурсов.* Персонализированный маркетинг позволяет оптимизировать затраты на рекламу и маркетинг, сосредотачиваясь на целевой аудитории [2, 554-556 стр.].

Минусы персонализированной маркетинговой стратегии:

*Приватность данных.* Сбор и использование персональных данных может вызвать опасения у клиентов относительно их конфиденциальности.

*Сложность внедрения.* Реализация персонализированных стратегий требует значительных инвестиций в технологии и аналитику данных.

*Риск ошибок.* Неправильное использование данных или неправильная интерпретация предпочтений клиентов может привести к негативным результатам и потере лояльности.

*Ограниченность эффективности.* В некоторых случаях персонализированные предложения могут не дать ожидаемого эффекта из-за недостаточной информации о клиенте или неправильного анализа данных [3,363-368].

Плюсы и минусы персонализированной маркетинговой стратегии показывают, что хотя индивидуализация может быть мощным инструментом для увеличения лояльности и улучшения клиентского опыта, ее применение требует внимательного анализа и балансировки между индивидуализацией и эффективностью. Важно учитывать потребности и предпочтения клиентов, сохраняя при этом баланс между индивидуальным подходом и общими стратегическими целями компании.

## REFERENCES:

1. Berger, P. D., & Nasr, N. I. (1998). Customer lifetime value: Marketing models and applications. *Journal of Interactive Marketing*, 12(1), 17-30.
2. Peppers, D., & Rogers, M. (2016). *Managing customer relationships: A strategic framework*. John Wiley & Sons.
3. Kotler, P., & Keller, K. L. (2016). *Marketing Management*. Pearson Education Limited.
4. Payne, A., & Frow, P. (2005). A strategic framework for customer relationship management. *Journal of Marketing*, 69(4), 167-176.

5. Rust, R. T., Zeithaml, V. A., & Lemon, K. N. (2004). Customer-centered brand management. *Harvard Business Review*, 82(9), 110-118.

## РАЦИОНАЛ ТАФАККУР ВА МЕНТАЛ ТИЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖОБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МАДАНИЯТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРИ.

**Барно Ражаббоевна Ахмедова**

Тошкент Давлат транспорт университети тадқиқотчиси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Рационал тафаккур ва ментал тилни ривожлантиришнинг ижобий хусусиятлари, маданиятлараро муносабатлар, янгиланиш жараёнлари билан боғлиқ масалалари муҳокама қилинади, бу борадаги фалсафий қарашларга мурожаат этилади.

В статье рассматриваются положительные черты рационального мышления и развития ментального языка, вопросы, связанные с межкультурными отношениями, процессами обновления, а также рассматриваются философские взгляды на этот счет.

The article discusses the positive features of rational thinking and the development of mental language, issues related to intercultural relations, renewal processes, and addresses philosophical views on this matter.

**Калит сўзлар:** Рационал тафаккур, ментал тили, сиёсий тафаккур, маданиятлараро муносабат, тилни ривожланиши.

Маълумки, фан соҳасидаги изланишлар олимнинг маънавий фаолияти ҳисобланади. Олим муайян муаммонинг ечими устида ишлаётганда шу муаммога дахлдор тадқиқот объектини илмий ўрганиш орқали унинг моҳияти, алоқа ва муносабатлари мажмуини аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бунда у илмий билишнинг мантикий методологик асоси ҳисобланган диалектикага таянади. Диалектика эса оламдаги барча жараёнлар объектив қонунларнинг рўёбга чиқиши деган ғояга асосланади.

Тарихий даврда вужудга келиб, маълум функцияларни бажарётган илмий тафаккур тарзи интеллектуал тараққиёт натижасидир. Мазкур натижа илмий тадқиқот фаолиятининг эвристик ва эпистемологик қирраларини очиб беришда алоҳида аҳамият касб этади. Рационал тафаккур тарзи илмий мактабнинг тадқиқот анъанасини ифодалайди, оламга қараш ва изланиш интенциясини белгилайди. Шундай экан, рационал тафаккур ва ментал тилни

ривожлантириш тарзи кадрият хислатини олади, илмий ва маънавий кадрият сифатида фан тараққиётининг ғоявий-маънавий омили бўлиб қолади. Намоён бўлишда рационал ва нораціонал тафаккур жараёнлари билан боғланган илмий тафаккур тарзи фан тараққиётида янгилашни ва ворисликни таъминлаш, илмий анъаналарни сақлаш, билиш жараёнида тушуниш, англаш каби муҳим функцияларни бажаради. Бу илмий тафаккур ривожланиш динамикасини кўриб чиқишда яққол кўринади. Тафаккур тарзидаги динамик (ўсиш) ва диахроник (кўп босқичли эволюцион) жараёнларни ўрганиш уларни таснифлаш, қиёслаш ва эпистемологик томонларини таҳлил қилишни тақозо этади. Шундай қилиб, инсоннинг фан соҳасидаги интеллектуал фаолиятининг муҳим жиҳати бўлган илмий тафаккур тарзининг ўзига хос хусусиятлари ва функцияларини муҳокама қилиш, уларнинг адабиётларда берилган талқинларини таҳлил қилиш, қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини беради.

Тилнинг кучи унинг луғавий бойлигида, сўзларнинг кўплиги ёки камлигида эмас. Тилнинг мустақамлиги сўзларнинг маъноси, чегараларининг аниқлиги, чегараланиш тамойилининг таъминланишидадир.

Бу борадаги турли файласуфларнинг қарашларини солиштириб, Ф.Бекон «Агар антик давр материалистлари ақлни нарсаларнинг табиатига боғлиқ деб ҳисобласалар, Афлотун дунёни тафаккурга, Арасту тафаккурни эса сўзларга бўйсундирди»<sup>1</sup>, деб ёзган эди. В. Гумбольдтнинг фикрича, тил — бу руҳнинг фаолияти; дунёнинг маълум бир кўриниши тилнинг тузилишига сингиб кетган. Тузилиш ва мазмун ўртасида ички алоқа, қайта алоқа алоқаси мавжуд<sup>2</sup>.

Она тилининг бошқа тиллардан фарқи шундаки, бола тилни биринчи марта ўрганиш билан бирга яшашни, дунёни ҳам ўрганади. Яъни она тили дунёга очиладиган дарчадир. Ўзбекистон тили бой тил бўлиб, мамлакатимизда нотик гапирадиган гўзал сўзловчилар кўп. Тўй-ҳашамларда, сайилларда, маъракаларда ўз санъатини кўллайдиган бадий кироат усталари кўп. Ваҳоланки, расмий давлат тили, дипломатик тил, иқтисодий ва ҳуқуқий битимлар, шартномалар ўзига хос нозик тил жиҳатларига эга. Ҳар бир сўзга алоҳида эътибор берилади. Кўпчилик ҳар бир сўзни яқин маъноли сўзлар орасидан ҳам топиш, нозик масалаларни максимал даражада аниқлик билан етказиш учун тилнинг барча имкониятларини сафарбар қилишни, янада

<sup>1</sup> Фрэнсис Бэкон, Люсьен Фрейд и Лондонская школа М. ABCdesign 2019. - 155с.

<sup>2</sup> Гумбольдт В. фон. Концепция общего языкознания: цели, содержание, структура. Избранные переводы. /Пер. с нем., вступ. ст. и примеч. Лобановой Л.П./ . Серия: «История лингвофилософской мысли» М. ЛЕНАНД 2018. - 504 с.

мукаммалроқ тил излаш, нутқ маҳоратининг намоёиши сифатида тушунтиради. Лекин бунда тилнинг мукаммаллиги мақсад эмас, балки мақсадга эришиш воситасидир. Нозик масалаларни фақат мукаммал тил билан етказиш мумкин.

Назарий жиҳатдан ҳамма билади, лекин амалий ҳаётда кўпинча негадир унутилиб қоладиган ҳақиқат ҳақида гапирмоқчиман. Тил ҳамма халққа тегишли бўлиб, тилнинг предмети ва ҳаракатлантирувчи кучи тилшунослар эмас, балки барча соҳаларда фаолият юритувчи одамлардир. Бу муқаддас ишда ҳар кимнинг ўз вазифаси бор. Тил миллий борлиқнинг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Албатта, биз халқ сифатида она тилимиз ривожидан манфаатдормиз. Лекин биринчи навбатда, олдинда турган вазифанинг кўлами ва асосий йўналишларини тўғри тасаввур қилиш керак. Шунини таъкидлаш керакки, тил тилшуносларга тегишли ва тилшунослик кўлами билан ўлчанадиган нарса эмас.

Тилшунослик фанининг ривожланиши тил тараққиётининг муҳим шarti ва йўналишларидан бири холос. Чунки миқёсдаги бу фарқ кўпинча замонавий жамоатчилик онгида эътибордан четда қолади. Ўзбекистон тили ҳақида гапирганда, унинг моҳияти, мазмуни, аҳамияти, ривожланиш истиқболлари ҳақида сўз юритилганда, қоида тариқасида, тилшунос олимларга мурожаат қилишини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг ушбу миқёсда масалани кўтариб чиқаётгани тилимиз ижтимоий воқелик, миллий хусусият сифатида жуда чекланган ва содда доирада тасаввур қилинганини яна бир бор кўрсатади. Олимлар, журналистлар у ёқда турсин, бу масалада кўпинча бир хил хатога йўл қўйишади. Мисол учун, изоҳли луғатларни ёзиш аслида тилшунослик масаласи эмас эди.

Айтиш жоизки, замонавий тилшуносликнинг асосчилари В.Гумбольд ва Ноам Хомский, Фреге, Витгенштейн, Расселл математик ва файласуфлар бўлиб, улар тилнинг янги назарияларини яратиб, тилшунос сифатида хизмат қилганлар<sup>3</sup>. Рус тилининг классик изоҳли луғати муаллифи Владимир Дал тилшунос эмас, балки энциклопедик билимга эга бўлган ажойиб табиатшунос олим эди. Луғат ёзилгандан кейингина у луғатшунос сифатида машҳур бўлди. Ҳозирги замонда бундай масъулиятли масалалар коллегиал тарзда, фаннинг турли соҳалари вакилларининг кўзга кўринган олимларининг биргаликдаги иштирокида ҳал этилмоқда. Лекин негадир бу масъулиятли вазифа ҳалигача фақат тилшуносларга тегишли деб тушунилади. Натижада, турли ихтисослик

<sup>3</sup> Мазина Р.Р. Эволюция представлений о языке в философии и культуре : Становление философии языка : диссертация ... кандидата философских наук. - Санкт-Петербург, 2001. - 176 с.

соҳаларига оид тушунчалар, илмий ва фалсафий атамалар жуда содда ва баъзан нотўғри изоҳланади.

«Тил» тушунчасига қадим замонлардан бери тилшунослар томонидан турлича таъриф берилган бўлса-да, бу таърифлар ўртасида бир-бирини йўққа чиқарадиган даражада фарқ йўқлигини айтишимиз мумкин. Улардан баъзилари куйидагилардир: Тил тарихий, ижтимоий ва маданий ҳодиса сифатида инсоннинг ўзини ва дунёни тушунишни таъминлайдиган, одамлар билан мулоқот қилиш ва тушуниш имконини берадиган асосий инсоний маҳоратдир. Бизнингча, 1). «Тил одамлар ўртасида ўзаро тушунишни таъминловчи табиий восита, ўзига хос қонуниятларга эга бўлган жонли мавжудот, фақат шу қонунлар доирасида ўсиб-улғайиб, тараққий этувчи сирлар тизимидир. Келиб чиқиши номаълум замонларда, товушлардан яратилган тушунчалар тўқилган ижтимоий институтдир». 2). Бу таърифга кўра, тил асрлар давомида шаклланган ижтимоий институтдир. У миллатни бирлаштириш ва ҳимоя қилишда самарали бўлган қудратли умумий меросдир. Бошқача айтганда, тил бу табиий ва тизимли тушуниш воситасидир, миллий маданият кўзгуси ва ташувчиси, бу жамиятнинг маданий қадриятларини ифодалаш воситаси сифатида бирлик ва яхлитликни яратишда самарали элементдир. 4). Бир-бирларининг тилини тушунмайдиган икки кишини бир-бирига боғлаб, дунё билан алоқаларини узайлик. Бир мунча вақт ўтгач, улар аста-секин қўл, оёқ, қош, кўз билан ишоралардан бошлаб, ўзларининг ҳис-туйғуларини, истакларини ва ҳаракатларини бир-бирига ифода эта оладиган воситани яратганликларини кўраимиз. Кенг маънода, яъни тушуниш воситаси сифатида қўллар, оёқлар ва шунга ўхшаш воситалар билан ясалган белгиларни ўз ичига олган ушбу муассасани тил деб атаймиз. «Тил» сўзи биз хотирамизда сақловчи хаёлий маъно ва сўз асосида, яъни эшитиш туйғумизга тааллуқли товушлардан ҳосил бўлади. Шу нуқтаи назардан ўрганилса, тил ҳам товушлардан шаклланган. Ҳид, юз ифодалари, имо-ишора тили каби белгилар тизимидир. Е.Винклер айтганидек, «Тил жамиятнинг бутун ўтмишини, шунингдек, маданиятини, темпераментини ва табиатини, ҳис-туйғулари ва ҳиссиётларини, кўринадиган ва келажакдаги нарсаларни акс эттирувчи ойнадир».

Бошқача қилиб айтганда, тил одамлар ўртасидаги тушунишни таъминлайдиган асосий қурилиш блокидир. Аввало, инсон ўз тилида туғилади ва шу билан ўзининг шахсий мавжудот доирасини яратади. Тил — бу шахснинг овози, ёзуви ва тана тили. Ҳар бир миллат ва уни ташкил этувчи шахслар ўз тил



оламида ўзига хослик касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, тил ўтмиш қадриятлари, менталитет ва психология, шахс ва жамият ифодасидир.

Ижтимоий институт сифатида тил одамлар ўртасидаги тушунишни таъминлайдиган воситаб у ижтимоий институтдир. Чунки у жамиятда умумий қийматга эга ва кўп қиррали бўлган ғайриоддий ҳодисадир.

Таърифларда тилнинг ижтимоий хусусияти ёритилган. Бизнингча, тил ўзи сўзлашувчи жамият хусусиятларини энг яхши акс эттирувчи элементдир. Жамият қолдирган маданий излар тилда намоён бўлади. Платон ўзининг Кратилос номли китобида тилга «овоз, ўзлик ва хабар ёрдамида ўз шахсий фикрларини тушунарли ҳолатга келтириш» деб таъриф берган.

Тил маданият ва цивилизация ривожидан тортиб, одамларнинг кундалик ҳаётидаги муаммоларни ҳал етишгача бўлган барча соҳаларда муҳим мулоқот воситасидир. Шу ўринда маданият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Маданият халқнинг асрлар давомида шаклланган идроки, қизиқиши, муносабати ва хулқ-атвори орқали намоён бўладиган, авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб келаётган турмуш тарзи, моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндисидир. Маданият — бу ҳаётнинг ҳар бир босқичида инсонни ўраб турган ва ҳаётда ўз ифодасини топадиган ҳис-туйғу ва фикрлаш ҳолати. Бизнингча, маданият бир миллатнинг диний, ахлоқий, фикрий, эстетик, тил, иқтисодий ва илмий ҳаётининг уйғун бир бутунлигидир. Шунингдек, маданият жамиятни жамият, миллатни миллат қиладиган ва уни бошқа халқлардан ажратиб турувчи бутун ҳаётини кўринишлардир. Ҳаётнинг кўринишлари ҳар бир халққа тегишли бўлган ва уни акс эттирувчи миллий-маънавий қадриятлардир. Бу қийматлар; дин, тил, урф-одат ва анъаналар, дунёқараш, турмуш тарзи, тарих, санъат, адабиёт, география... ва ҳоказо. Олдимизда элементлар сифатида намоён бўлади. Улардан энг муҳими тилдир. Маданиятни шакллантириш, ривожлантириш, келажак авлодларга етказиш ва ҳоказо. Тилнинг вазифаси ва аҳамиятини турли томонлардан қарасак, осонгина кўра оламиз.

Ҳар қандай инсоният жамиятининг шаклланиши учун одамларни бири-бирига боғлайдиган сабаблар бўлиши керак. Яъни умумий қадриятларнинг мавжудлиги зарур. Инсон жамоалари ана шу қадриятлар туфайли шаклланади. Миллат шундай шаклланади. Миллатни ташкил этувчи умумий қадриятларга бир ирқдан бўлиш, умумий тарих, ўтмиш, мамлакатнинг биродарлиги (идеал) ва умумий тилга эга бўлиш киради. Бизнингча, миллатни ташкил этувчи объект

субъектив тушунчасига кўра, халқ «бирга азобланади, бирга қувонади ва умид қилади».

Шубҳа йўқки, халқ қалб бирлиги, руҳ ҳамжиҳатлиги ҳамда бирга яшашга интилиш ва ироданинг қонуний ифодаси бўлиб, бу бирлик ва англашувнинг шаклланиши учун қулай замин зарур. Шундай қилиб, тил юзлаб йиллар давомида одамларнинг бир-бирини тушуниши учун энг муҳим мулоқот воситаси бўлиб келган, у жамоаларнинг миллатга айланиши ва маданиятни ривожлантириш ва сақлашда жуда самарали восита — белгилар тизими. Кўп қиррали товуш тузилмаси. Яъни миллатсиз давлат бўлмайди. Тилсиз миллат бўлмайди. Тилимиз миллий ўзлигимиздир. Тилини йўқотган халқ ўзлигини, маданиятини йўқотади. Жамиятда миллий бирлик ва тенгликни жамиятнинг индивидларини (шахсларини) бир занжир аъзолари каби бир-бирига боғлаб турувчи тилгина шакллантиради. Миллат яхлитлиги келажагига ҳам ишонч билан қараш мумкин. Тил миллатнинг асосидир. Тил одатда ҳар бир одамлар гуруҳига қайси гуруҳга тегишли эканлигини кўрсатадиган тахтадир. Тил барча миллатни ташкил этмаса-да, унинг тўқсон фоизини танага олиб келадиган катта омил.

Тил – инсоннинг ўзлигини англаувчи энг қудратли ва таъсирчан куруллардан бири. Яъни, энг аввало, тил шахснинг инсоний белгисидир; иккинчидан, худди шу белги ичидаги юлдуз; учинчидан, фойдаланилган куруллардан бири. Оддий сўзлар билан ифодаланган бу илмий ҳақиқатни биз Гумбольдт ғоялари билан боғлаган бўлардик. Ҳаммамизга маълумки, Гумбольдт таълимоти тилшуносликка узлуксиз қувват олиб келди. Инсон ғояси фон Гумбольдтнинг фалсафий ва лингвистик тадқиқотлари асосида шаклланган илмий қарашлар ва тилни ўрганиш усуллари мажмуидир<sup>4</sup>.

Гумбольдтнинг назарий ва методологик асослари тил тадқиқотининг антропологик позициясига асосланади. Европа тилшунослиги фани маданият ва маънавий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак, деб ҳисоблаб, уни илгари сурди. Тил инсоннинг инсоний ўзлигини англаувчи энг кучли ва фойдали куруллардан биридир. Тил – жамиятдаги инсон ҳаётининг асосий калити ва сири. Бу таълимот Гердернинг тилнинг табиати ва келиб чиқиши, тил ва тафаккур, тафаккур ва «халқ руҳи» ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги ғоялари

<sup>4</sup> Гумбольдт В. Основные черты всеобщего типа языка : избранные переводы : перевод с немецкого / Вильгельм фон Гумбольдт ; составление, перевод, вступительная статья, примечания Л. П. Лобановой ; заключительная статья В. М. Алпатов. - Москва : URSS, 2022. - 455 с.

билан боғлиқ<sup>5</sup>. Бундан ташқари, у Шлегел тилларининг типологик (морфологик) тизими назариясига яқин дейишга асосли сабаб бор. Бу дунёда одамлар тилини йўқотиб, гапира олмасалар, қандай муаммо бўларди. Агар бугунги одамлар ёзувчилик қобилиятини йўқотиб, ёзишга қодир бўлмаса, уларнинг аҳволи тилини йўқотишдан осон бўлмас эди. Бизнинг асримиз ёзув асридир, ёзув билан мулоқот оғзаки мулоқотга қараганда анча ривожланган.

Тил инсонни инсон қиладиган кучдир. Инсон ўзининг лингвистик қобилиятини уйғотган ҳолда, бошқалар билан тил алоқаси жараёнида доимо ўз тилини яратади. Тил ўлик мева эмас, балки генератив жараён, ўзи маҳсулотдир. Гумбольдтнинг фикрича, тил инсон руҳининг вазифаси, инсон қалбининг туб-тубидан чиқиб, унинг бутун борлиғига тарқаладиган халқ энергиясидир. Тил тугалланган нарса эмас, у хизматдир. Тил нафақат маънавий ҳаёт натижаларини, балки ҳаётнинг ўзини акс эттиради.

Тил миллий онг қуролидир. Унинг фикрича, тил нафақат дунёнинг бевосита кўзгуси, балки инсоннинг дунёни тил орқали англаши ҳамдир. Гумбольдт асарларини ўрганар эканмиз, нима учун «Тил – қурол» деб аталганини чуқур англай бошлаймиз. Ҳа, тил инсоннинг ички қудратини ривожлантирувчи воситадир.

Турли дунёқарашлар турли тилларда акс этади. Уларда бир нарсанинг турли номларигина топилмайди, аксинча, бир нарсанинг турли кўринишлари белгиланади. Сўз нарсанинг тимсоли бўлиб қолмай, балки шу нарсанинг таъсирида инсоннинг ички дунёсида вужудга келадиган туйғуларнинг образли рамзидир.

Тилнинг яратилиши натижасида ўша нарса тушунчаси ҳам пайдо бўлади. Ҳар қандай тил алоҳида объектларни номлашда чинакам ижодийдир. У шу тилда сўзлашувчи одамлар учун дунё тимсолини яратади. Гумбольдтнинг фикрича, ҳар бир тил ўз халқи учун маълум бир доира яратади ва агар инсон бу доирадан чиқиб кета, у бошқа доирага дуч келади.

Ҳозирги рационал тафаккурда содир бўлаётган яна бир инновацион жараёнлардан бири синергетик тафаккур тарзининг постноклассик илмий тафаккур тарзи муҳим эвристик ирмоғига айланишидир. Мустақиллик йилларида фалсафанинг янги сиймоси виртуалистика, синергетика, ўйин назарияси, постноклассик фалсафа, инновацион тафаккур тарзи йўналишларида

<sup>5</sup> Коммерель М. Поэт как вождь в период немецкой классики: Клопшток, Гердер, Гете, Шиллер, Жан-Поль, Гельдерлин. СПб. Владимир Даль 2018. - 671 с.

ривожланиб борди. Бу эса жамиятда янги, яъни рационал тафаккур ва ментал тил тарзининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Тарихий тафаккур тарзини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий омиллари фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий демократик давлат куришда муҳим интеллектуал вазифани бажаради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. В.Виндельбанд. История новой философии в ее связи с общей культурой и отдельными науками. Т. 2. От Канта до Ницше. –М.: Гиперборея; Кучково поле, 2007.
2. А.П.Кухтенков. Георг Зиммель и Карл Ясперс о трагическом положении человека в современной культуре // Философия. Наука. Культура. Вып. 6: Сб. ст. слушателей, соискателей кафедры философии ИППК МГУ. –М.: МГУ, 2003.
3. А.Бергсон. Философская интуиция // Путь в философию: Антология. –М.: Наука, 2001.
4. М.Н.Абдуллаева. Миллий ғоянинг илмий-фалсафий асослари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
5. Б.О.Тўраев. Борлиқ: моҳияти, шакллари, хусусияти. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011.
6. О.В.Степаносова. Современные представления об интуиции // Вопросы психологии, 2003. – № 4.
7. Ж.Жалолов. “Чет тили ўқитиш методикаси”. Т.Ўқитувчи.1996й. 2. Ш. Нурмонов. Ш. Искандарова. Тилшунослик назарияси. Т., «Фан», 2008, 75-76-бетлар

## ABU NASR FOROBIY FALSAFIY ANTROPOLOGIYASINING JAHON ILM-FAN TARAQQIYOTIDAGI AHAMIYATI

**Mirshod Nu'monovich Hasanov**

TDTrU, «Ijtimoiy fanlar» kafedrası 2-kurs tayanch doktorant  
mirshodhasanov02@gmail.com

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Abu Nasr Forobiy falsafiy antropologiyasining jahon ilm-fan taraqqiyotidagi ahamiyati haqida to'xtalib o'tamiz. Alloma Sharq madaniyatining eng yaxshi namunalariga e'tibor qaratgan holda o'zining original ta'lim-tarbiya konsepsiyasini yaratgan. Faylasufning inson ma'naviy-axloqiy fazilatlar haqidagi qarashlari, inson borlig'i va uning ijtimoiy hayotdagi o'rni, tarbiya hamda uning asosiy xususiyatlari, ta'lim-bilimga asoslangan etnik fazilatlar va san'atlarni xalqlarga singdirishi, uning tarbiyaviy ideali, shuningdek, inson haqidagi falsafiy-didaktik qarashlarining yoshlar tarbiyasidagi ahamiyati masalalari tahlil etilgan.

**Kalit so'zlar:** Sharq va G'arb sivilizatsiyasi, ta'lim–tarbiya, metodologiya, musulmon paradigmasi, ilm-fan, bilish, insonparvarlik, adolat, fuqarolik jamiyati.

### АННОТАЦИЯ:

juvonmardlik, o'zbekona mehmonnavozlik, o'zbekona balrikenglik singari tushunchalar bejiz aytilmagan. Ana shunday o'nlab fazilatlar har bir shaxsda millatga, xalqqa tegishli butunlikning zarrasi, belgisi tarzida ko'rinadi. O'z xalqi, o'z Vatani qadrini anglagan, unga mansubligini tan olgan insonda milliy shuur, milliy tuyg'u, milliy odob va milliy qiyofa bo'lishini fahmlaymiz. Ayni paytda xalqi, millati va vatan qadrini etarli anglab ololmagan kimsalar mavjudligini ham inkor etish qiyin. O'z xalqi, millati, yurtini qadrlay bilmagan, undan yuz o'girganlar o'z vijdoniyu iymonidan ham yuz o'giradilar. Turli millatlar ma'naviyatining o'ziga xosligi kamalakdagi turli ranglar tovlanishiga monand bo'lib, ular bir-birini to'ldiradi, boyitadi, ammo inkor etmaydi, bir so'z bilan aytganda, ma'naviyat ellarni bir-biriga bog'laydi. Asli umuminsoniy qadriyatlarni ham biror-bir alohida xalq yaratmaydi, bu qadriyatlarni har bir xalq, har bir elat o'z tarixiy tajribasi bilan asta-sekin shakllantirib boradi va o'zaro turlicha munosabatlar jarayonida elatlar, millatlar bir-birini tushunib, o'zaro ma'naviyatdagi umumiy jihatlarni tadrijiy anglab boradi. [1, 23-25 b.]

Milliy ma'naviyatning shakllanishida ma'naviy me'ros, ya'ni ajdodlarimiz necha ming yillar davomida yuzaga keltirgan ma'naviy boylik asosiy o'rin tutadi. Shu sababli, ma'naviy merosini unutgan xalq o'zligini unutadi, uning ma'naviy dunyosi kundan-kun g'ariblashadi. Hech bir xalq dunyoda yakka yashamaydi, yolg'izlikda rivojlanmaydi ham. Elat va millatlar doimo bir-biri bilan turlicha munosabatda bo'ladilar va tarix davomida bir-birlariga ta'sir o'tkazib, bir-birlarini ma'naviy boyitib boradilar. Ammo hech qachon, hech bir xalq o'zligidan kechib, boshqa xalq ma'naviyati hisobidan o'zini boyita olgan emas. Yakka bir shaxs butkul o'zga bir ma'naviy muhitda tarbiya topib, unga to'liq moslashishi mumkin. Bu inson tabiatiga xos narsa. Ammo bir xalq to'lig'icha o'zligidan kechib, o'zga xalq ma'naviy dunyosini qabul qilsa, demak, unday xalq yo'q bo'ladi, o'z ma'naviy qiyofasini yo'qotgan millat yo'qolgan millatdir. Shu sababli milliy mustaqillik poydevorini ma'naviy mustaqillik tashkil etadi, deb aytish mumkin. Milliy ma'naviyatning takomili esa o'sha millatga mansub har bir shaxsning ma'naviy kamoloti bilan bevosita bog'liq. [2, 15-31 b.]

Bizning o'tmishimiz qancha buyuk bo'lmasin, kelajagimiz millatning har bir a'zosi, yangi O'zbekiston Respublikasining har bir fuqarosi qay darajada ma'naviy kamolot hosil qilgani bilan belgilanadi. Millat ma'naviyati esa millat mustaqilligi bilan chambarchas bog'liqdir. Siyosiy mustaqillik, bir tomondan, iqtisodiy mustaqillik bilan, ikkinchi tomondan, ma'naviy mustaqillik bilan bog'liq. Iqtisodiy

mustaqillikka ega bo'lmagan millatning siyosiy mustaqilligi ham omonatdir. Ammo ma'naviy mustaqilligi bo'lmagan millat aslan millat bo'la olmaydi.

Davlat va millat tushunchalari bir-biri bilan bog'liq. Buni hamma biladi. Ammo hech bir davlatda yagona millat yashamaydi. Shu sababli davlat va millatning o'zaro bog'liqligi doimo nisbiydir. Shu nisbiylikda davlat mustaqilligi ko'proq iqtisodiy omil bilan, millat mustaqilligi ma'naviy omil bilan tutashdir. Mustaqil ma'naviyat millat mustaqilligini, mustaqil iqtisod esa davlat mustaqilligini ta'min etuvchi kuchdir.

Millat ma'naviyati bir kunda, bir yilda, hatto bir asrda ham tugal yaralmaydi, tugal yo'q bo'lishi ham qiyin. Agar alohida favqulodda choralar ko'rilmasa. SHu sababli siyosiy mustaqillikning boy berilishi birdaniga millatning yo'q bo'lishiga olib kelmaydi. Ammo shunday xavf mavjud, muayyan sharoitlarda ba'zan o'ta jiddiy xavf tug'ilishi begumon. O'zbek millati keyingi bir asrdan oshiq vaqt ichida xuddi shunday jiddiy xatar tazyig'ida yashadi. Yaratganga beaded shukrlar bo'lsinki, ushbu tahluka boshimizdan aridi.

O'zbek ma'naviyati nihoyatda teran tomirlarga ega. Biz ko'pincha til tutashganligidan kelib chiqib, o'zimizni turkiy millat deb ataymiz. Bu — to'g'ri. Ammo agar biz ma'naviyatimiz ildizlarini faqat turk tilidagi manbalardan qidirsak, o'zimizni o'zimiz nihoyatda kambag'allashtirib qo'ygan, kemtik bir merosga da'vo qilgan bo'lur edik. Bu borada biz buyuk ajdodlarmizdan ibrat olmoqimiz zarur. [3, 15-21 b.]

Ma'rifat — bilim tanish, bilish va madaniyatning mazmuni. U bilim va madaniyatdan oziqlanish, yuksaltirishning yo'l-yo'riqlari, usul va vositalaridir. Insonda insoniylikni kamol toptirish ma'rifatning mashaqqatli va sharafliligi yo'llari orqali ro'yobga chiqadi. Ma'rifatni, bir jihatdan, ma'naviyatning inson aql-idroki, qalbi, xarakteri, tuyg'ular olamiga kirib borishdagi amaliyoti deyish mumkin. U qalb va vujudga go'zalliklar, yaxshiliklarni o'stiradi. Ma'rifat — irodaning jon tomiri.

Asli ma'rifatning ilk yo'li ibratdir. Go'dak yorug' dunyo yuziga kelib, yashash ishqi bilan hayotga intilar ekan, ishni ibratdan boshlaydi, ona ibrati, ota ibrati, akalar va opalar, buvilar va bobolar ibrati bilan voqelikka o'z munosabatini shakllantira boshlaydi. Bu dunyo asli insonga ibrat uchun yaralgan.

Yomondan yomonlikni anglab undan qaytmoq — ibrat, yaxshidan yaxshilikni anglab unga ergashmoq — ibrat. O'g'rining taqdiri — ibrat, fohishaning fojiasi — ibrat, fotihlar umri — ibrat, sotqinlar tubanligi — ibrat. Nima ibrat emas? Barchasi — ibrat.

Ibrat ola bilmoq — ma'naviyat, ko'rib ibrat olmaslik ma'naviy so'qirlikdir. Ammo ibrat taqlid emas. Ibrat o'rniga taqlid — dil ko'zining ko'rligiga dalolat. Qachonkim, qaysi zamonda ibrat o'rnini taqlid egallasa, ma'naviyatning o'lgani — ana shu.

Ma'rifatning yana bir buyuk o'chog'i ilmdir. Ilm-tafakkur bilan bo'ladi, axborot yig'ish ilmga tayyorgarlik bo'lishi mumkin, undan ortiq emas. Ilm — asli ajdodlar ibrati, o'tganlar, biz ko'rmaganlar haqida xabar orqali ibratdir. Payg'ambarimiz hayoti — ibrat, imom al-Buxoriy hayoti va faoliyati — ibrat, "Jome' as-Sahih" kitobi esa ilmdir. Mijozning hayotiy chashmasi, ko'ngil munavvarligi, dunyoni tanish, o'zlikni anglash, imkoniyatlarni ishga solish ham ma'rifat orqali amalga oshadi. Ma'rifat bilim va tarbiyani amalga oshirish jarayoniga ma'rifiy nur bag'ishlaydi. [4, 70 b.]

Ma'rifat shaxsga dunyoni tanish, o'zlikni anglash imkoniyatlaridan samarali foydalanish, jismu jahonda ibratli sifatlarni o'stirishning eng qulay usullarini joriy qiladi. Ma'rifat — mohiyatan aql-idrok, tafakkurning mayog'i, mijozning murabbiysi, ko'ngilda munavarlikni qaror toptiruvchi vosita, iymon-e'tiqod, lafzning me'mori, vujudning jon tomiridir. U insonni hayotiy yuksakliklarga etaklaydi.

## REFERENCES

1. Saidov M. Erkin va farovon hayotni yuksak ma'naviyatsiz qurib bo'lmaydi. //Erkin va farovon hayotni yuksak ma'naviyatsiz qurib bo'lmaydi. – T.:O'zbekiston, 2006. – B.23– 35.
2. Ortiqov N. Ma'naviyat: milliy va umuminsoniy qadriyatlar. – T.:O'zbekiston, 1997. – B. 15– 31.
3. Tulenov J. Ma'naviyat va ijtimoiy taraqqiyot. – T.:Mehnat, 2000. – B. 15– 21.
4. Normatov I. Ma'naviyat – bebaho boylik. //Erkin va farovon hayotini yuksak ma'naviyatsiz qurib bo'lmaydi. – T.:O'zbekiston, 2006. – B. 70.
- 5.УЗОҚОВ, Б. (2023). БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧАНЛИК, ҲАР ДОИМ ЎҚИШ ВА ИЗЛАНИШДА МУЖАССАМДИР. Лучшие интеллектуальные исследования, 11(5), 10-15.
- 6.Узоқов, Б. (2022). ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. ТА'ЛИМ ВА RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(12), 347-350.
- 7.Узоқов, Б. (2022). АЛИШЕР НАВОЙНИ АНГЛАШ ФАЛСАФАСИ. RESEARCH AND EDUCATION, 262.



8.Узоков, Б. (2022). HISTORICAL WORLDVIEW AS A CRITERION OF NATIONAL IDENTITY. In КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ И НАРОДНОЕ ИСКУССТВО: СОХРАНЕНИЕ И АКТУАЛИЗАЦИЯ В ЦЕЛЯХ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА (pp. 308-314).

9.Uzokov, B. (2022). RESPONSIBILITY OF PARENTS AND CHILDREN IN FORMING A HEALTHY FAMILY ENVIRONMENT. Scientific progress, 3(6), 27-30.

10.Узоков, Б. (2023). ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ-ДОЛЗАРБ ВАЗИФА СИФАТИДА. Экономика и социум, (1-2 (104)), 525-528.

## BUGUNGI KUNDA MAMLAKATIMIZ OLIY TA'LIM TIZIMINING XALQARO MIQYOSIDA INTEGRATSIYALASHUVI

**Sirojbek Xabibullayevich Sultanov**

Toshkent davlat transport universiteti dotsenti

### ANNOTATSIYA:

Ushbu maqolada O'zbekistonda ta'lim tizimini rivojlantirish, mamlakatning ilmiy salohiyatini yanada ko'tarish masalalari, mamlakatda oliy malakali kadrlar bilan ta'minlab borish, ishlab chiqarish sohalarini integratsiyasi, ta'lim sifatini yanada oshirish, ta'lim muassasalarini zamonaviy moddiy-texnik bazasini yangilash, kommunikatsiya tarmoqlarini takomillashtirish, zamonaviy kutubxonalar faoliyatini ishlab chiqish, keng qamrovli ta'lim islohotlari natijasida yurtimizda murakkab o'zgarishlar yo'li, ta'lim tizimini takomillashtirish borasida ulkan ishlar amalga oshirilayotganligi, bugungi kunda oliy ta'lim muassasasi (OTM) reytingini oshirish muhim vazifalar kabi masalalar taxlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** Ta'lim, tizim, oliy, malaka, kadr, muassasa, integratsiya, ijtimoiy, moddiy-texnik, kommunikatsiya, tarmoq.

### АННОТАЦИЯ:

В статье рассмотрены вопросы развития системы образования в Узбекистане, повышения научного потенциала страны, обеспечения страны высококвалифицированными кадрами, интеграции производственных секторов, дальнейшего повышения качества образования, обновления современной материально-технической базы учебных заведений, совершенствование коммуникационных сетей, развитие деятельности современных библиотек, В результате масштабных образовательных реформ в стране происходят сложные изменения, проводится большая работа по совершенствованию системы образования, решаются важные задачи повышения рейтинга высшего учебного заведения (ВУЗ) сегодня.

**Ключевые слова:** образование, система, высшее, квалификация, кадры, вуз, интеграция, социальная, материально-техническая, связь, сеть.

### ABSTRACT:

The article deals with the development of the education system in Uzbekistan, increasing the scientific potential of the country, providing the country with highly

qualified personnel, integrating industrial sectors, further improving the quality of education, updating the modern material and technical base of educational institutions, improving communication networks, developing the activities of modern libraries, as a result of large-scale educational reforms in the country, complex changes are taking place, a lot of work is being done to improve the education system, important tasks are being solved to increase the rating of a higher educational institution (HEI) today.

**Key words:** education, system, higher education, qualification, personnel, university, integration, social, material and technical, communication, network.

Har bir jamiyat tarixida shunday burilish davrlari bo'ladiki, unda taraqqiyot yo'lidan borayotgan xalqlar taqdiri uchun nihoyatda muhim strategik maqsadlar va muayyan rivojlanish bosqichiga xos ustivor tamoyillarni aniqlash hayotiy ehtiyojga aylanadi. Bu jihatdan, bugungi kunda mamlakatimiz hayotining barcha sohalarida ro'y berayotgan o'zgarishlar va yangilanishlar tadriji ushbu hayot haqiqatini va hozirgi davr talablarini yaqqol ifodalaydi. Prezident Shavkat Mirziyoyev tomonidan amalga oshirilayotgan va jamiyatimiz taraqqiyotini yangi davrini boshlab bergan keng ko'lamlı islohotlar, ayniqsa O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha 2017-2021 yillarga mo'ljallangan harakatlar strategiyasi asosidagi bunyodkorlik ishlari ham ana shundan dalolat beradi[1].

Ayni paytda O'zbekiston Prezidenti SH.Mirziyoyev asarlarida xalqimizning ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotiga asoslangan ochiq demokratik davlat va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish yo'lida yutuq va natijalarga erishayotgani, aholining ongi va tafakkuri qanday o'zgarib borayotgani, jumladan, ma'naviyat, fan va ta'lim-tarbiya sohalaridagi islohotlarning maqsad-muddaolariga, barcha sohalarda erishilgan ulkan yutuq va natijalarni sarhisob qilib, globallashuv va raqobat tobora kuchayib borayotgan hozirgi zamonda yurtimizda erishilgan yutuqlarga mahliyo bo'lib qolmaslik, xotirjamlik kayfiyatiga berilmaslik hamda dunyoda yuz berayotgan o'zgarishlar jarayonida egallab turgan o'rnimizni xolisona va tanqidiy baholash, hayot talablariga javob berish, davr bilan hamqadam bo'lish, istiqboldagi ustivor vazifalarni aniq-tiniq belgilab olish va ularni amalga oshirish bo'yicha izchil choralarni ko'rish masalalariga alohida e'tibor qaratilgan.

Ma'lumki, istiqbol yillarida O'zbekiston davlati faoliyatining eng ustivor strategik yo'nalishlaridan biri barkamol avlodni tarbiyalash masalasi bo'lib kelmoqda. Mamlakatimizda sog'lom va barkamol avlodni tarbiyalash, yoshlarning

o'z ijodiy va intellektual salohiyatini ro'yobga chiqarishi, mamlakatimiz yigit-qizlarini XXI asr talablariga to'liq javob beradigan har tomonlama rivojlangan barkamol shaxslar etib voyaga yetkazish uchun zarur shart-sharoitlar va imkoniyatlarni yaratish bo'yicha keng ko'lamli aniq yo'naltirilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish bu boradagi faoliyatning strategik maqsadi hisoblanadi. Bu jihatdan, mamlakatimizni modernizasiya qilish, jamiyatni demokratlashtirish va boshqaruvni liberallashtirish bilan birga islohotlarni yanada chuqurlashtirish maqsadlari bilan uzviy bog'langan bo'lib, yoshlar tarbiyasi va ta'lim islohotlari ushbu jarayonning muhim tarkibiy qismi va davlatimiz faoliyatining dolzarb vazifalari qatoridan o'rin olgani bejiz emas.

O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasining ma'lumoti-ga ko'ra, 2017 yil 1 noyabr holatiga mamlakatda oliy harbiy bilim yurtlaridan tashqari 72 ta oliy ta'lim muassasasi va 19 ta filiallar mavjud bo'lib, ularning tarkibida 4 ta akademiya, 7 ta xorijiy oliy ta'lim muassasalarining filiallari, 27 ta universitetlar va 4 ta oliy diniy ta'lim muassasasi hamda filiallari faoliyat yuritmoqda. Keyingi ikki yilda ta'lim tizimida yana katta o'zgarishlar va o'rta maxsus ta'lim vazirligi ma'lumotlariga ko'ra, 2018-2019 o'quv yili davomida OTMlar soni 102 taga o'sgan. Shundan 85 tasi mahalliy OTM va ularning filiallari, 17 tasi xorijiy OTM lar va ularning filiallari hisoblanadi.[4] Ushbu oliy ta'lim muassasalarida 288471 nafar talabalar bakalavr bosqichida, 9218 nafar talaba magistratura bosqichida tahsil olmoqda. Har yildagidan farqli o'laroq, 2017 yilda qabul kvotasi oshirilib, bakalavriyat bosqichiga jami 80822 nafar talaba qabul qilinganligi barcha sohalarini oliy ma'lumotli kadrlar bilan ta'minlab borishga qaratilgan islohotlarning bir ko'rinishi desak mubolag'a bo'lmaydi. Bugun O'zbekiston oliy ta'lim muassasalarida jami 25107 nafar malakali professor-o'qituvchilari faoliyat olib bormoqda. Shundan 1470 nafar fan doktorlari, 6011 nafar fan nomzodlarini tashkil etmoqda. Afsuslanarli hol 20 yil ichida oliy ta'lim tizimida ilmiy darajalilar miqdori 52 foizdan 35 foizgacha kamayganidir. Bu ko'rsatkichlar o'ylaymizki, achinarli hol.

Shu sababli ta'lim tizimini rivojlantirish, mamlakatning ilmiy salohiyatini yanada ko'tarish maqsadida bir qator meyoriy hujjatlarga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritildi. Maqsad aniq, mamlakatda oliy malakali kadrlar bilan ta'minlab borish va ta'lim hamda ishlab chiqarish sohalarini integratsiyasini ta'minlashdan iborat. 2017 yil 22 dekabr kuni O'zbekiston Respublikasi Shavkat Mirziyoyevning mamlakatimiz tarixida birinchi marta Oliy Majlisiga Murojaatnomasida 2017 yilda amalga oshirilgan asosiy ishlar yakuni va O'zbekiston

Respublikasini 2018 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari o‘z ifodasini topdi. Prezidentning Xalq qabulxonalari va Virtual qabul-xonasiga, davlat idoralariga kelgan ko‘plab murojaat va xatlar, joylarda bo‘lib o‘tgan uchrashuvlarda bildirilgan taklif va tavsiyalarning barchasini inobatga olinib, 2018 yilga yurtimizda “Faol tadbirkorlik, innovasion g‘oyalar va texnologiyalarni qo‘llab-quvvatlash yili” deb e‘lon qilindi.

Mazkur Murojaatnomada mamlakatda ta‘lim sifatini yanada oshirish, ta‘lim muassasalarini zamonaviy moddiy-texnik bazasini yangilash, kommunikasiya tarmoqlarini takomillashtirish, zamonaviy kutubxonalar faoliyatini ishlab chiqish kabi vazifalar belgilandi.

Yuqorida ta‘kidlaganimizdek, mamlakatda olib borilayotgan keng qamrovli islohotlarning tub negizida yurt taraqqiyoti, xalq farovonligi va inson manfaatlari yotganligi quvonarli albatta.

Keng qamrovli ta‘lim islohotlari natijasida yurtimizda murakkab o‘zgarishlar yo‘li bosib o‘tildi, ta‘lim tizimini takomillashtirish borasida ulkan ishlar amalga oshirildi, katta tajriba to‘plandi.

Bugungi kunda oliy ta‘lim muassasasi (OTM) reytingini oshirish muhim vazifalar va juda katta ijtimoiy ehtiyojlardan hisoblanadi. “Respublika oliy ta‘lim muassasalari reytingini baholash tizimini joriy etish” to‘g‘risidagi Vazirlar Mahkamasining 2012 yil 29 dekabrda 371-sonli qarorining ijrosi hozirda davom etmokda. E‘tiborli tomoni shundaki, bu qaror ilovasidagi keltirilgan talablar aynan xorijiy tajribalardan foydalanilgan holda ishlab chiqilgan bo‘lib, uni yanada takomillashtirish jarayoni davom etmokda. Shu nuqtai nazardan qaraganda reytingni aniqlashning xalqaro tajribalarini o‘rganish va zarur hollarda ularning bizga mos yoki mos bo‘lmagan tomonlarini muhokama kilib borish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Reyting ichki va xalqaro bo‘lishi mumkin. Har ikki holatda ham reytingga qo‘yilayotgan talablarda umumiylik mavjud. Talablarning eng muhimlaridan biri bu OTMdagi mavjud xalqaro alokalarining darajasi va salohiyati hisoblanadi. Xorijiy mamlakatlar OTMlarida buning xalqarolashuvi, yani «internationalization» deb atalishi keng tarqalgan.[5] Xalqarolashuv har bir OTMning muhim strategik maqsadlari va missiyalaridan biri hisoblanadi.

Globalashuv ilmiy adabiyotlarda ta‘lim sohasidagi hamkorlikda ta‘lim dasturlarini yaratish orqali amalga oshirilishi, ta‘limning integrasiyalashuvi deb uqtiriladi. Uning eng muhim ko‘rinishi hozirgi davrda Bolonya jarayoni ekanligi to‘g‘risida fikr yuritiladi.[6] Umuman olganda, globalizasiya oliy ta‘lim uchun

fenomen hisoblanib, dunyodagi hech bir OTM uning ta'sir kuchlarini chetlab o'ta olmaydi. [7]

Fan va texnologiyaning rivojlanishi hamda iqtisodiyotning o'sib borishi bilan dunyo davlatlari orasida yanada integrasiyalashuvga va xalqaro aloqalarni kuchaytirishga olib keladi. Ta'lim va kadrlar tayyorlash sohasida xalqaro hamkorlikka alohida o'rin berilgan. Ayniqsa, axborot va telekommunikasiyaning ommalashuvi o'z-o'zidan dunyo xalqlarini bir-biriga yanada yaqinlashtirib, yangi imkoniyatlarga yo'l ochib bermoqda. Hozir fanda tez-tez uchrab turadigan globalizasiya, xalqarolashuv, mintaqalashuv, yevropalashuv kabi tushunchalarning paydo bo'lishi ham yuqoridagi omillar bilan bog'liq. Dunyodagi global va xalqaro o'zgarish-larda, albatta, oliy ta'lim va uning faoliyati muhim o'rin tutadi.

Xorijiy talabalarning sonini oshirish bo'yicha shuni ta'kidlash lozimki, iqtisodiy hamkorlik va rivojlanish tashkilotining ma'lumot-lariga ko'ra, dunyo bo'ylab talabalarning boshqa mamlakatlarda tahsil olishi ohirgi uch o'n yillik ichida misli ko'rilmagan darajada oshib ketgan.[8] Quyida tasvirlanganidek, 1975 yilda xorijda ta'lim oladigan talabalar soni 0.6 mln. bo'lsa, bu raqam 2005 yilga kelib 2.7 mln.ga yetgan, 2015 yilgacha esa 5 mln.dan oshib ketishi kutilgan. Agar biz YUNESKO hisobotlaridagi raqamlarni tahlil qilsak, unda keltirilishicha 2007 yilda 2.9 mln.ga yaqinlashganligi, 2020 yilga kelib bu raqamning 7 mln.dan oshib ketishi taxmin qilingan. Bunda Shimoliy Amerika va G'arbiy Yevropa dunyo talabalarining xorijda ta'lim olishlari uchun asosiy manzil bo'lib kelmokda.[9] 2000 yilda bu regionlarda 1.3 mln.ga yaqin xorijiy talabalar bo'lgan bo'lsa, 2007 yilda 1.8 mln.dan ortib ketgan. Ayni Zamonda Sharqiy Osiyo va Tinch okeani regionlari esa xorijiy talabalarni qabul qilish bo'yicha ko'rsatkichlari keskin o'sib bormoqda. Demak, talabalar safarbar-ligining soni yildan yilga ortib bormoqda va bu esa oliy ta'limning xalqarolashuvi va global jarayonlarning rivojlanishi uchun muhim turtki bo'lmoqda.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, xalqarolashuv tushuncha-sining O'zbekiston OTMlariga kirib kelishi bu, avvalo, mahalliy OTMlarni dunyo miqyosida tanitishda hamda xalqaro ilmiy va akademik aloqalarni yanada kengaytirishga turtki bo'ladi. Ayniqsa, OTMlarning xalqaro doiradagi ta'lim dasturlari va loyihalarida ishtirokining kengayishi professor-o'qituvchi, talabalarning tajriba va malakalarini oshirishga keng imkoniyatlarni yaratadi. Bu esa, pirovardida ta'lim sifatining oshishini va OTMning reyting bo'yicha o'zi mo'ljallagan o'rinlarga chiqishining ta'minlanishiga ko'maklashadi yoki shunga sababchi bo'lishi mumkin bo'ladi.



**REFERENCES**

1. Хусанбаева, Ю., & Саъдуллаева, Д. (2023). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(3), 48-51.
2. Салимсакова, Н. С., & Хусанбаева, Ю. Б. (2021). СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА КАК СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ ФЕНОМЕН. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SI-1).
3. Назарбоева, Б. А., & Хусанбаева, Ю. Б. (2021). ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙИ ҲАЁТИДА ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИНГ ЎРНИ. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, 4(4).
4. Хошимова, Г. Ф., & Хусанбаева, Ю. Б. (2020). ВЗАИМОСВЯЗЬ ВИРТУАЛЬНОГО И ДУХОВНОГО МИРА НА ФОНЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, 3(4).
5. Kurultaevich, I. K., Zairjanovich, Y. S., Abdullayevna, S. D., Botirovich, T. B., & Anatolievna, T. M. (2023). Specifics Of Teaching Foreign Language Speaking To Students At A Non-Linguistic Institute (Iper) In The Distance Learning Format. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 2(10), 549-559.
6. Sadikova, D. A. (2023). TEACHING RUSSIAN AS A FOREIGN LANGUAGE IN THE MODERN STUDY OUTLOOK: TEACHING DICTIONARIES. *World of Scientific news in Science*, 1(2), 104-115.
7. Saparbaevna, R. R., Allanazarovna, E. R., & Nawbahar, O. (2020). Physiological Ergogenic Medicines: Modern Trends Of Application In The Training Of Athletes. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(03), 2020.
8. Reymbaeva Roza, Ernazarova Raya, Joldasbaeva Gulchexra, & Allamberganova Laura. (2023). HANDBALL EFFICIENCY IN THE SYSTEM OF PHYSICAL EDUCATION. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(14), 721–725. Retrieved from <https://humoscience.com/index.php/itse/article/view/1774>
9. Roza, R., Talgat, K., Raya, E., & Aynura, P. (2023). THE CONTENT AND FORMS OF SUPPORT FOR PROFESSIONAL SELF-DETERMINATION OF STUDENT TEACHERS. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(10), 273-279.
10. Saparbaevna, R. R., Erejepovich, K. D., Allanazarovna, E. R., & Sabitovna, P. A. (2022). Organization Of Rational Nutrition of Athletes in Training and Competitive Activities. *Specialusis Ugdyimas*, 2(43), 3566-3568.

11. Saparbaevna, R. R., & Allanazarovna, E. R. (2020). Aspects Of Studying Snakes In The Fauna Of Uzbekistan. *Solid State Technology*, 63(6), 3765-3771.
12. Турдимуратов Я. А. КОЧЕВОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКОВ ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА В КОНЦЕ XIX–НАЧАЛО XX ВВ // *Educational Research in Universal Sciences*. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 546-557.
13. Turdimuratov Y. A. et al. О ‘ZBEKISTONDA BOLALAR SPORTINI RIVOJLANTIRISHGA OID DAVLAT SIYOSATI // *Educational Research in Universal Sciences*. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 144-152.
14. Turdimuratov Y. A. Etnosport–milliy sport turlari va xalq o‘yinlarini rivojlantirishning muhim omili // *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*. – 2023. – Т. 3. – №. 11. – С. 132-139.
15. Турдимуратов Я. А. НАРОДНЫЕ ПОВЕРЬЯ В ТРАДИЦИОННОМ ХОЗЯЙСТВЕ УЗБЕКОВ, СВЯЗАННЫЕ С «КУЛЬТОМ СВЯТЫХ» // *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*. – 2023. – Т. 3. – №. 2. – С. 188-198.
16. Turdimuratov Y. A. О ‘ZBEKISTONDA TURKIY DAVLATLAR BILAN TURIZM SOHASIDAGI HAMKORLIKNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI // *XALQARO KONFERENSIYA VA JURNALLARNI SIFATLI INDEXLASH XIZMATI*. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 110-114.
17. Turdimuratov Y. A., Djo‘rabayev A. M. STATE POLICY ON TRAINING SPECIALISTS IN THE FIELD OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN THE NEW UZBEKISTAN // *Modern Science and Research*. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 141-146.
18. Turdimuratov Y. A. AN‘ANAVIY XO‘JALIKDA FENOLOGIK BILIMLARNING O‘RNI VA AHAMIYATI // *International scientific journal of Biruni*. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 257-264.
19. Турдимуратов Я. А. XX асрда Сурхон-Шеробод воҳаси ареал хўжалик маданияти (чорвачилиги мисолида). – 2020.  
Turdimuratov Y. A. National veterinary medicine in traditional Uzbek livestock breeding // *ISJ*. – 2019.
20. Allamuratovich T. Y. KASBIY MADANIYAT VA UNI BO‘LAK SOHA VAKILLARIDA SHAKLLANTIRISHNING MAZMUN-MOHİYATI // *INTERNATIONAL JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY*. – 2024. – Т. 1. – №. 11. – С. 14-23.

21. Turdimuratov Y. A. ETNOTURIZM SHAKLLARI, YO 'NALISHLARI VA ULARNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI //XALQARO KONFERENSIYA VA JURNALLARNI SIFATLI INDEXLASH XIZMATI. – 2024. – T. 1. – №. 1. – C. 67-71.
22. Allamuratovich Y. T. YANGI O 'ZBEKISTONDA TURIZM SOHASINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI //" Science Shine" International scientific journal. – 2024. – T. 12. – №. 1.
23. Allamuratovich T. Y. FEATURES OF TRADITIONAL ECONOMY IN THE ETHNOECONOMY OF SURKHAN-SHERABAD OASIS AT THE BEGINNING OF THE XX CENTURY //Academia Repository. – 2024. – T. 5. – №. 3. – C. 184-193.
24. Турдимуратов Я. А. ОСОБЕННОСТИ ТРАДИЦИОННОГО ХОЗЯЙСТВА В ЭТНОЭКОНОМИКЕ СУРХАН-ШЕРАБАДСКОГО ОАЗИСА В НАЧАЛЕ XX ВЕКА //Academic research in educational sciences. – 2024. – T. 5. – №. 2. – C. 81-91.
25. Jumayev, U. X., Turdimuratov, Y. A., Turg'unov, T. A., Jumayev, M. X., Kazaqov, R. T., & Abdullayev, I. I. (2023). ANALYSIS OF THE FINANCIAL POLICY OF THE RUSSIAN EMPIRE IN OFFICIAL DOCUMENTS. *Modern Science and Research*, 2(12), 1202-1209.

## O'QUV-MASHG'ULOT GURUHI O'RTA MASOFAGA YUGURUVCHILARNI TAYYORLASH DASTURINING SPORTCHILAR JISMONIY TAYYORGARLIGIGA TASIRI

**N. B. Nazarov.**

tayanch doktorant. Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada o'quv-mashg'ulot guruhi o'rta masofaga yuguruvchilarning tadqiqot sungida jismoniy tayyorgarlik tuzilish dinamikasi, jismoniy sifatlarini ifodalovchi maxsus testlar asosida jismoniy tayyorgarligi aniqlangan. O'tkazilgan tadqiqotlar natijasida olingan maxsus testlar asosida olingan natijalarni yoritishga etibor berilgan. Olingan natijalarni yetakchi olimlar tomonidan berilgan pedagogik tadqiqot natijalari bilan qiyosiy tahlili berilgan va ishning yakunida xulosalar ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** o'quv mashg'ulot guruhi, yuguruvchilar, jismoniy tayyorgarlik, funksional ko'rsatkich, tana indeksi, total ulcham, qiyosiy taxlil, jismoniy tayyorgarlik dinamikasi, yillik mashg'lot.

### АННОТАЦИЯ

В этой статье тренировочная группа фокусируется на определении физической подготовленности на основе специальных тестов, представляющих физические характеристики о динамике физической подготовленности бегунов на средние дистанции. Это дало уверенность пролить свет на результаты, полученные на основе специальных тестов, полученных на основе проведенных исследований. Полученные результаты представлены в сравнительном анализе с результатами педагогических исследований, проведенных ведущими учеными, и подчеркнуты выводами, сделанными в конце работы.

**Ключевые слова:** тренировочная группа, бегуны, физическая подготовленность, функциональный индекс, индекс массы тела, общий улчам, сравнительный анализ, динамика физической подготовленности, ежегодная тренировка.

### ABSTRACT

In this article, the training group focuses on determining physical fitness based on special tests representing the physical characteristics of the dynamics of the physical fitness of middle-distance runners. This gave confidence to shed light on the results obtained on the basis of special tests obtained on the basis of the studies conducted. The results obtained are presented in a comparative analysis with the results of pedagogical research conducted by leading scientists, and are highlighted by the conclusions made at the end of the work.

**Keywords:** training group, runners, physical fitness, functional index, body mass index, general ulcham, comparative analysis, dynamics of physical fitness, annual training.

Yurtimizda yengil atletika sport turini rivojlantirish, ommoviyligini oshirish, iqdidorli yengil atletikachilarni saralab olish, ularni ko'p yillik tayyorgarlik bosqichlariga yo'naltirish va yuksak sport natijalariga erishtirish kabi ustuvor vazifalarni amalga oshirish lozim [1, 2]. Albatta ushbu yuksak natijalarni amalga oshirishda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan jismoniy tarbiya va sportga oid chiqarilayotgan Farmon va Qarorlarning o'zni beqiyosdir. Jumladan 2024 yil Parij shaxrida bo'lib o'tadigan XXXIII Yozgi Olimpiya va XVII Paralimpiya o'yinlariga puxta tayyorgarlik ko'rish vazifalarni belgilab berilganligi murabbiy va o'qtuvchilarni yanada samaraliroq mehnat qilishga undaydi.

Bugungi kunda o'quv-mashg'ulot guruhi o'rta masofaga yuguruvchilarni musobaqalarga tayyorlash bo'yicha juda ko'pchilik olimlar tomonidan tadqiqot ishlari olib borilgan va hozirda xam tadqiqotlar olib borilmoqda [3, 4, 7]. F.P.Suslov, A.I.Polunin, O.Pavlova, V.Nikitushkin, Yu.G.Travin, V.N. Verxoshanskiy, M.S.Olimov, H.T.To'xtaboyev, B.T.Haydarov, I.R.Soliyev va boshqalar tomonidan yillik va ko'p yillik tayyorgarlik mashg'ulotlarini rejalashtirish, musobaqa oldi tayyorgarligi, saralash va yo'naltirish, ko'p yillik tayyorgarlik bosqichlariga

## **O'quv-mashg'ulot guruhi o'rta masofaga yuguruvchilarni tadqiqod so'ngida jismoniy tayyorgarlik darajasini shakllantirish**

## DINAMIKASI (n=20)

Jadval-1

T/r	Nazorat testlari Familiya ismi Sh.	Bo'yi (sm) n=20	Vazni (kg) n=20	Tana indeksi n=20	KKKtotal o'lchami			Jismoniy tayyorgarlik ko'rsatkichlari											
					Tinch. h	Nafas olganda	Nafas chiqarganda	100 m	200 m	300 m	400 m	800 m	1000 m	1500 m	3000 m	Turgan joyidan uzunlikka sakrash	Turgan joyidan uch xatib sakrash	Turgan joyidan o'n xatib sakrash	2-kg li tuldirma tupni uloqtirish
1	A. SH.	173	64,25	21,5	81	83	79	12,71	26,21	40,41	53,82	119,21	165,21	271,25	621,3	235	710	2148	880
2	U.I.	175	56,4	18,4	76	81	74	12,8	26,12	39,28	52,11	118,66	164,23	273,55	623,95	240	700	2168	890
3	Ch.F.	181	65,5	20	81	90	79	12,75	26,01	40,11	52,01	119	167,45	272,33	624,95	245	715	2173	795
4	T.D.	185	62,15	18,2	85	90	84	12,23	25,71	37,65	51,09	116,85	163,2	270,18	622,87	245	700	2128	800
5	M.S.	178	63,1	19,9	84	86	83	12,98	25,23	37,25	51,81	117,54	162,12	271,84	624,45	230	690	2128	785
6	R.Q.	176	69,85	22,5	84	89	80	12,39	24,85	36,41	51,02	115,48	161,31	267,66	619,58	255	700	2188	1035
7	N.B.	183	68,95	20,6	86	87	82	11,93	24,28	35,89	49,37	115,61	160,55	266,23	618,88	270	710	2303	1150
8	T.A.	176	62,4	20,1	81	85	80	12,89	25,35	39,12	51,8	118,55	165,2	273,21	627,98	250	705	2198	900
9	E.E.	187	71,65	20,5	80	87	79	11,96	24,72	39,18	53,12	117,12	167,65	271,31	624,31	240	720	2158	910
10	I.A.	175	73,65	24	83	84	76	12,71	26,61	41,35	53,19	117,63	166,51	272,41	624,44	240	705	2158	865
11	B.J.	183	66,8	19,9	80	92	80	12,89	25,58	38,81	53,21	117,57	165,45	271,55	622,14	245	705	2173	890
12	J.U.	185	68,7	20,1	84	89	78	12,52	26,11	39,44	52,1	117,17	163,98	273,61	621,12	235	715	2143	880
13	H.I.	179	61,5	19,2	85	89	77	12,37	26,03	38,25	52,98	118,61	155,24	272,81	619,35	245	720	2158	865
14	T.L.	189	71,15	19,9	86	86	77	12,79	26,08	40,01	54,1	117,66	163,01	274,3	625,74	250	695	2163	920
15	B.I.	168	65,85	23,3	78	83	73	12,1	26,31	39,25	51,62	119,42	161,2	269,1	618,61	250	690	2098	890
16	A.B.	183	73,95	22,1	85	89	82	12,85	25,59	38,12	52,85	118,75	162,34	274,11	625,41	240	695	2143	795
17	M.D.	177	67,4	21,5	83	87	80	12,44	27,41	39,17	53,03	119,66	164,25	274,31	622,88	230	690	2173	880
18	M.S.	176	66,5	21,5	79	81	77	13,23	26,13	40,11	53,05	120,81	163,21	270,85	624,55	230	690	2113	865
19	A.O.	174	64,45	21,3	86	89	82	12,25	26,19	38,24	52,18	118,28	162,15	270,21	624,2	245	705	2218	895
20	Q.D	180	67,8	22,9	83	87	81	13,21	25,68	38,15	53,14	118,42	163,11	271,26	623,98	240	700	2128	810

sportchilarni tayyorlash va mashg'ulot jarayonini boshqarish masalalariga e'tibor qaratilgan bo'lsada [6, 7], ammo o'quv-mashg'ulot guruhi o'rta masofalarga yuguruvchi sportchilarni tayyorlash bo'yicha yetarlicha tadqiqotlar yurtimizda olib borilmaganligi tadqiqot jarayonida aniqlandi.

**Tadqiqod maqsadi:** O'quv-mashg'ulot guruhi o'rta masofaga yuguruvchilarni jismoniy tayyorgarligini takomillashtirishning samaradorligi.

### Tadqiqot vazifalari:

O'rta masofaga yuguruvchi o'quv-mashg'ulot guruhi sinalluvchilarni tadqiqot sungida jismoniy tayyorgarlik bo'yicha shakillanish dinamikasi.

O'quv-mashg'ulot guruhi, o'rta masofaga yuguriuvchilarini jismoniy tayyorgarligini rivojlantirishning samarali metodikasini ishlab chiqish.

### Tadqiqod natijalari va unlarning muxokamasi.

**Xulosa.** O'quv-mashg'ulot guruhi o'rta masofaga yuguryvchilarni tadqiqod sungida jismoniy rivojlanganligini total ulchamlari va tayyorgarlik darajasini aniqlash bo'yicha o'tkizilgan tadqiqot natijasi qo'udagi xulosalarni qayd etish imkonini berdi;

-16-18 yoshli o'quv-mashg'ulot guruhi o'rta masofaga yuguryvchilardan olingan jismoniy rivojlanish bo'yicha total ulchamlarini yatakchi olimlar tamonidan berilgan ma'lumotlar bilan qiyosiy taxlil etilganda, ular o'rtasida bo'yining o'sishi va vazinlarida farqlar borligi ko'zatildi.



- o'quv-mashg'ulot guruhi o'rta masofaga yuguryvchilarni tadqiqot sungida jismoniy tayyorgarligini rivojlanganligini tadqiqod oildi va tadqiqot sungida taxlil qilganimizda biz tamonimizdan sport mashg'ulotlar jarayonida berilgan yuklamalarning samarali ekanligi aniqlandi.

- O'tkizilgan pedagogik tajriba natijalari o'quv-mashg'ulot guruhi sinaluvchilarining tayyorgalik mashg'ulotlarida kukrak qafasi kengligini rivojlantiruvchi mashqlarni yillik tayyorgarlik mashg'ulotlar dasturiga kiritish lozimligini ko'rsatadi.

Shundagina ko'zlagan natijaga erishish uchun zamin yaratiladi.

## REFERENCES

1. Ивочкин В.В., Травин Ю.Г., Королев Г.Н., Семаева Г.Н. Легкая атлетика: бег на средние и длинные дистанции, спортивная ходьба: Примерная программа спортивной подготовки для детско-юношеских спортивных школ, специализированных детско-юношеских школ олимпийского резерва. – М.: Советский спорт, 2009. - 108 с.
2. Шакиржанова К., Солиев И., Олимов М., Баратов А., Акманов Б., Сайдулов З., Педагогикал технологияс анд интерактив метходс ас а фактор оф инкреасинг спесиал кноуледге оф студенц. Журнал оф Критикал Ревиеус., 2020; 7(6): 42-46. doi:10.31838/jscr.07.06.10.
4. Полунин А.И. Школа бега Вячеслава Евстратова. Советский спорт. – М.: 2013 й. 135 с
4. Soliyev I.R. Qisqa masofalarga yugurishda sportchilarni texnik tayyorgarlik davrida start reaksiyalarini takomillashtirishni tahlil qilish. // FAN-SPORTGA ilmiy – nazariy jurnal. Toshkent. 2018 yil 2 son. 56-60 betlar.
5. Soliyev I.R. Yuqori malakali uzoq masofaga yuguruvchi sportchi qizlarni tayyorgarlik mashg'ulotlari va musobaqa jarayonining qiyosiy tahlili. // O'ZMU XABARLARI. Toshkent. 2018 yil №1/1 2018y. 171-174 betlar.
6. Olimov M.S., Soliyev I.R., Haydarov B.Sh. / Darslik. Sport pedagogik mahoratini oshirish. – T.: 2017. – 318 b.
7. Utayev Z.M., Nazarov N.B. Sport mashg'ulotlari nazariyasi va uslubiyati Uslubiy qo'llanma. Samarqand 2020. 35-48 betlar.

- 8.Olimov M.S., To‘xtaboyev N.T., Soliyefv I.R., Ortiqov X.T. /O‘rta va uzoq masofalarga yugurish uslubiyati. O‘quv qo‘llanma. “Fan va texnologiya”, –T.: 2016. 156 bet.
- 9.Хайдаров Б.Т., Легкая атлетика: программа для детского-юношеских спортивных школ, специализированных детско-юношеских школ олимпийского резерва. – Т.: ИЛМИЙ ТЕХНИКА АХБОРОТИ – ПРЕСС НАШРИЙОТИ, 2017. – 148 с.
- 10.Солиев И., Кҳайдров Б., Мирзатиллаев И., Кҳужамкелдиев Г., Зияев Ф., Функционал траининг левел оф руннерс студент-атхлетес спринтерс. // Интернационал Жоурнал оф Псйчососиал Реҳабилитатион, Вол. 24, Иссуе 05, 2020,
- 11.Суслов Ф.П., Гиппенрейтер Е.Б., Холодов Ж.К. Спортивная тренировка в условиях среднегорья. - М.: 1999, - 202 с.
- 12.Павлова О.И. Современная тренировка юных легкоатлетов. М.: 2004. 160 с.

## VOLEYBOL SPORT TURINING AMALIY ASOSLARI AKMEOLOGIYASI

**B. S. Mavlyanov**

J.D.P.U “Ijtimoiy-gumanitar fanlarda masovafiy ta’lim” kafedrası  
katta o‘qituvchisi

### ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada voleybol sport turining nazariyasi va amaliy mashg‘ulotlarni tashkil etish va o‘rgatishni yuqori saviyada olib borish nazarda tutilgan. Shu bilan birga, jismoniy tarbiya darslari va darsdan tashqari mashg‘ulotlarda voleybol sport turi vositasida jismoniy tayorgarlik akmeologiyasini shakllantirish shartlari to‘g‘risida ma’lumotlar berilgan.

**Kalit so‘zlar:** akmeologiya, sport, voleybol, texnik tayyorgarlik, taktika, jismoniy madaniyat, jismoniy tarbiya o‘qituvchilari, kasbiy tayyorgarlik, kasbiy tayyorgarlik.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье предусмотрена организация и преподавание теории и практики волейбола на высоком уровне. При этом приводятся сведения об условиях формирования акмеологии двигательной активности средствами игры в волейбол на уроках физкультуры и внеклассной деятельности.

**Ключевые слова:** акмеология, спорт, волейбол, техническая подготовка, тактика, физическая культура, учителя физкультуры, профессиональная подготовка, профессиональная подготовка.

### ABSTRACT

This article provides for organizing and teaching volleyball theory and practical training at a high level. At the same time, information is provided on the conditions for the formation of physical activity acmeology by means of volleyball in physical education lessons and extracurricular activities.

**Keywords:** acmeology, sports, volleyball, technical training, tactics, physical culture, physical education teachers, professional training, professional training.

Hozirgi kunda zamon Sport maktablarining amaldagi dasturlarini tahlil qilish, o'quvchilarni boshlang'ich tayyorgarlik guruhlariga tanlash, ko'p yillik tayyorgarlik jarayonida yosh voleybolchilarni bitiruv va joriy sinovlariga asosan jismoniy rivojlanganligi, jismoniy va texnik tayyorgarligi belgilarini hisobga olish asosida o'tkazilishini ko'rsatadi. Shu bilan birga voleybolning rivojlanishida yaqqol ko'zga tashlanadigan tomonlaridan biri kombinatsion o'yinning kuchayishi hisoblanadi. Bu esa sportchilarning o'yinda fikrlashlari va taktik tayyorgarliklariga bir qator qat'iy talablarni qo'yadi. Voleybol bilan shug'ullanish uchun bolalarni tanlashda boshqa ko'rsatkichlar bilan birgalikda faqatgina jismoniy rivojlanganlik, jismoniy va texnik tayyorgarlik ko'rsatkichlari yordamida aniqlash mumkin bo'lmagan o'yin faoliyatiga qobiliyatlarini rivojlantirish va namoyon etishga sabab bo'luvchi shaxsiy sifat va xususiyatlarini aniqlash alohida ahamiyatga ega.[3; 48-b.].

### **Dars va darsdan tashqari mashg'ulotlarda akmeologik yondashuv.**

**Akmeologik yondashuv-** mashg'ulot jarayonining shaxsiy yo'nalgan xususiyatlarini ochib beradi. Uning mohiyati shundaki, mashg'ulotda murabbiy va shug'ullanuvchining mazmuniy reallik yuzasiga o'tadi. Murabbiy va shug'ullanuvchining nafaqat fikr va munosabatlarini o'zgartirishga, balki o'zaro ta'sir sub'ektining shakllanishi va rivojlanishiga olib keladi. Bunday yondashuv nazariy va amaliy jihatni o'z-o'zini tarbiyalash, o'z-o'zini o'qitishga, ya'ni hamkorlikka, birgalikda ijod qilishga aylanishiga xizmat qiladi. Bunda mashg'ulot jarayonida asosiy qarama-qarshilik, mashg'ulotni ideal shaklga olib kelish uchun ta'lim mazmunida mavjud pedagog va bolaning real hayotiy pozitsiyasi amalga oshiriladi. Mazkur yondashuv mashg'ulotning yakuniy natijasiga erishishiga – pedagog va bolani universallashtirish (takrorlanmaslik, noyoblik) va amaliy funktsiyani bajarilishiga yo'naltiradi.

Jismoniy tayyorgarlikni yuqori darajaga chiqarishda bir necha muhim shartlarni amalga oshirish darkor.

Jismoniy tarbiya darslari va darsdan tashqari mashg'ulotlarda voleybol sport turi vositasida jismoniy tayyorgarlik akmeologiyasini shakllantirish shartlari:

- vaqtni to'g'ri tashkil etish;
- faol harakatlanish pozitsiyani shakllantirish;
- texnika va taktikani to'g'ri qo'llash;
- tezkor fikrlash hamda vaziyatni oldindan ko'ra bilishga o'rgatish;
- ixtisoslashtirilgan tartibli mashqlar tizimini ishlab chiqish;
- mashqlar yuqumlilikining yoshga qarab darajalarini aniq belgilash;

Akmeologik yondashuv esa uning eng yuqori darajaga chiqish yo'llarini asoslash bilan xarakterlanadi. Buning uchun:

- voleybolga mos bo'lgan harakatli o'yinlar orqali rivojlanish dinamikasi va shakllanganlik darajasi bo'yicha datlabki jismoniy sifatlarini shakllantirishga doir nazariy va amaliy ishlar jarayoni mexanizmi takomillashtiriladi;

- progressiv rivojlanishga hamda birinchi navbatda shaxsning professionalizmi va muayyan mehnat sub'ektlari faoliyatining taraqqiyotiga imkon beradigan talablar, sharoit va omillarni shakllantirish, yosh voleybolchilarning sifat ko'rinishini o'zgartirish tizimi ishlab chiqiladi;

Akmeologik yondashuv asosida voleybolchilarda jismoniy sifatlar ko'rsatkichlarini rivojlantirish, voleybol sport turini samarali o'rgatish uchun quyidagi vazifalarni amalga oshirish lozim:

-jismoniy-tarbiya darslarida yoki darsdan tashqari mashg'ulotlarida voleybol sportini o'rgatishda belgilangan mashqlar tizimining yuqori darajasini ishlab chiqish orqali jismoniy sifatlarini shakllantirish;

-yordamchi va maxsus mashqlar orqali talabalarga jismoniy mashqlar yuqumlilik darajasini oshirish va ijobiy ta'sirini aniqlash;

- o'quvchi va talabalarni jismoniy tarbiya darslarida voleybol sport turiga yo'naltirishda harakatli o'yinlarni yosh xususiyatlariga moslashtirish va samaradorligini o'rganish;

- dars jarayonida yoki darsdan tashqari mashg'ulotlarda shug'ullanuvchilarni voleybol sport turiga tanlash-tayyorlash va voleybol mashg'ulotiga moyilligi, chidamliligi, fikrlash doirasi va qiziqishini oshirish hamda jismoniy, aqliy sifatlarini rivojlantirib borish.

Ushbu vazifalarni amalga oshirish orqali talaba yoki o'quvchilarni Voleybol sport turi bo'yicha yuqori darajaga olib chiqish samaradorligiga erishish hamda jismoniy sifatlarini rivojlantirish ko'zda tutilgan.

Akmeologik yondashuvning asosiy maqsadi - progressiv rivojlanishga hamda birinchi navbatda shaxsning professionalizmi va muayyan mehnat subyektlari faoliyatining taraqqiyotiga imkon beradigan talablar, sharoit va omillar tizimini namoyon etadi. Akmeogramma doimo individual bo'ladi, rasmiy ravishda u samarali faoliyat ko'rsatayotgan subyektning individual kesimini, uning imkoniyatlari va istiqbollari, o'rnini qoplaydigan va aksi bo'lgan xususiyatlarini o'zida mujassam etadi. [2; 71-b.].

Akmeologik yondashuv orqali biz voleybol sportini yuksak darajaga chiqarish maqsadiga muvofiq bosqichma-bosqich, dastlabki, o'рта va keyingi etukligida bo'lgan munosabatlarini yosh shug'ullanuvchilar tomonidan o'zlashtirishi (asosan professional sifatida) qonuniyatlarining mexanizmlarini aniqlab beradi. Akmeologik izchillik, ya'ni mukammallik cho'qqisiga intilish, bu – inson hayotining ajralmas xususiyati bo'lib, bu ibora orqali shaxsiy, kasbiy rivojlanish va o'z-o'zini takomillashtirishga moyillik anglatiladi. Bunday izchillik insonning ijodiy potensialida va kasbiy mahoratida o'z ifodasini topadi. Akmeologik izchillik inson hayot-mamotining ontologik attributidir, ya'ni insonning tug'ilganidan toki umrining oxirigacha bo'lgan individual rivojlanish yo'lini qamrab oladi. Akmeologiya aynan shu jihati bilan jamiyatshunoslik va insonshunoslik fanlari bilan to'g'ridan to'g'ri bog'lanib ketadi. Akmeologiyaning ijtimoiy bilimlar bilan aloqasi uning tarixiy va madaniy ildizlarini o'rganishda alohida ahamiyat kasb etadi. Bunday ta'kid akmeologiyaning falsafa bilan o'zaro bog'liqligida yaqqol ko'zga tashlanadi. Bunday aloqa ikki yo'nalishda amalga oshadi - birinchidan bu, dunyoqarashga oid tomon bo'lsa, ikkinchidan, metodologik tomonni tashkil etadi.

Akmeologiya - tabiiy, umumjamo'a va insoniy qoidalar asosida kasbiy mahoratning yuksak muvaffaqiyatga erishishi haqidagi ta'limot bo'lib, insonning etuklik bosqichida rivojlanish qonunlari va mexanizmi haqida yanada yuksakroq darajalarni egallash fenomenologiyasini tadqiq etadi. Akmeologiya mahsuldorlik tushunchasini ochib beruvchi kasbiy faoliyat kategoriyasi tahlil qilinadi. Shuningdek, samarador faoliyat, professionalizm va ijod rivojlanishidagi hamda texnologiyani ishlab chiqib, mashg'ulot faoliyatida yuksaklikka erishishning yo'nalish va usullarini izlash va ularning bu jarayon qonuniyatlariga tatbiq etish, professionalizmning ijodiy yutuqlari sari yo'naltirilgan samarador tizimlar darajalarini belgilash bilan shug'ullanadi. Akmeologiyaning eng muhim jihati - yuksak ijodiy pog'onaga ko'tarilishidagi turli jihatlarini o'rganuvchi muhim zamonaviy tarmoq bo'lib, insonning hunari rivoji, ijobiy ta'sirini kuchaytirishga xizmat qilishini chuqur anglashi, o'z ijodiy faoliyatini rivojlantirish maqsadida mukammallik va kamolotga erishishi jihatlarini fanlar, ayniqsa, insonshunoslik bilan uyg'unlikda o'rganishdan iboratdir. [2; 138-139-b.].

Voleybol sporti texnikasiga harakatlanish bilan bog'liq vazifalarni amalga oshirishga yo'naltirilgan harakat elementlari tizimi sifatida qarash lozim. O'ta yuqori aniqlik va mahorat bilan amalga oshirilgan samarali texnika sportchiga musobaqada yuksak natijalarni ko'rsatish imkonini beradi.



## REFERENCES

1. Azizova R.I. “Sport va harakatli o‘yinlarni o‘qitish metodikasi” O‘quv qo‘llanma T.: 2010 y.
2. Пулатов А.А. Волейбол. // ЖТИ I курс талабаларига мўлжалланган маърузалар тўплами. Т.: 2004. - 71 б.
3. Аyrapetyants L.R., Pulatov A.A. Voleybol nazariyasi va uslubiyati. // Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik. Т.: Fan va texnologiya. 2012. - 208 b.
4. Latipov R.I. Jismoniy madniyat (1-qism). O‘quv qo‘llanma. TDPU nashriyoti. Toshkent-2018 y.
5. Nigmanov B.B, Xo‘jaev F, Raximqulov K.D. “Sport o‘yinlari va uni o‘qitish metodikasi” o‘quv qo‘llanma Ilm-Ziyo nashriyoti Toshkent 2011 y.

## ШАРҚДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

**Камолиддин Мирзаахмедов**

Ўзбекистон Миллий университети  
Сиёсий фанлар доктори (DSc), доцент

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Марказий Осиёда давлатчилик анъаналарининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, ички хусусиятлари ва бу борада Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган давлатчиликнинг тарихий, ижтимоий-сиёсий эволюцион жиҳатларини таҳлил қилган.

**Калит сўзлар:** анъана, аппарат, давлат бошқаруви функциялари, давлат бошқаруви тизими, маъмурий бошқарув, миллий манфаат, ижро ҳокимияти, ҳуқуқий давлат, давлат қарорлари, номзод, тарихий-маданий алоқа, ижтимоий институт.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье автор сделал анализ, о государственности традиций Центральной Азии и внутренних особенностей этапов развития исторического, политического и социального государства, которые образовались на территории Узбекистана.

**Ключевые слова:** традиция, аппарат, функции государственного управления, демократия, государственная система управления, административная реформа, национальная польза, исполнительная власть, правовое государство, государственное решение, кандидат, социальный институт.

### ABSTRACT

In this article the author assumed about the statehood traditions of Central Asia and the internal features of the stages of development of the historical, political and social state that are formed on the territory of Uzbekistan.

**Keywords:** tradition, board, functions of state management, democracy, the system of management of the state, administrative reform, national benefit, political and legal institution, state decision, executive authority, candidate, social institution.

Марказий Осиёда давлатчилик тузумига ўтиш жараёни фақат ички сабабларга боғлиқ бўлмай, Шарқдаги юқори даражада ривожланган анъанавий тарихий-маданий алоқаларга узвий боғлиқ бўлган. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудида шаклланган давлатлардаги бошқарув тамойилларининг илк босқичлари қадимги даврларга бориб тақалади. Бошқарув тамойиллари ва вазифалари турли кўринишларда бўлиб, бу даврда уларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларига жамият ривожининг ички қонуниятлари (ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг юқори даражаси, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, ҳунармандчилик, товар айирбошлаш ва савдонинг тез ривожланиши каби) билан бирга, ташқи омиллар кучайиб бораётган сиёсий қарама-қаршилиқлар ва ҳарбий тўқнашувлар ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Қадимги Шарқнинг дастлабки давлатлари алоҳида маконлар ёки илк шаҳарлар ҳамда ишлов бериладиган ерлар суғориш тизими майдони билан чегараланган нисбатан кичик ҳудудда, яъни зич ўзлаштирилган, хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадида кенг фойдаланиладиган қадимги суғорма деҳқончилик воҳаларида пайдо бўлган.

Шунингдек, қадимги давр мамлакатимиз ҳудудида шаклланган давлатчилик бошқаруви тамойиллари, ижтимоий мансабларни эгаллаш, жамоа ишлаб чиқариш муносабатлари ва ижтимоий меҳнат тақсимооти билан боғлиқликда ривож топган. Бу билан, бошқарув фаолияти ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш ва жамоа маҳсулотини тақсимлаш каби ишлар билан махсус шуғулланувчи раҳбар шахсларни юзага чиқарган. Шу тарзда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тараққиёти жамиятда ўз обрў-эътиборига эга бўлган, фақат ижтимоий ишлаб чиқариш билан шуғулланмасдан, ижтимоий ва хўжалик ҳаётини назорат қиладиган ҳамда бошқарадиган шахсларнинг сараланишига олиб келган. Бундай инсонлар ўзларининг шахсий ахлоқий хислатлари, амалий билимлари ва нуфузлари билан бошқалардан ажралиб турган. Натижада, ишлаб чиқариш фаолиятидан “ташкилий-бошқарув” фаолияти ажралиб чиққан.

Қадимги халқларда давлатни бошқариш, судлов ишларини амалга ошириш, халқ билан давлат бошлиғи ўртасидаги муносабатлар ҳақида “Шажарайи турк” асарининг муаллифи Абулғозий Баҳодирхон қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган эди: “Қадимги халқ бу замоннинг халқиндан яхши эди. Агар эл ва халқ йиғилиб киши ултура билур бўлса ва ё гунаҳкор сўрай билар бўлса ва ё бир иш бошқармоқ кўлиндан келур бўлса, не учун бир

мардга подшоҳ от қууб эвининг тўринда ўлтуриб, барча халқ ихтиёрларини анинг қўлига бературурлар” [1].

Тарихий маълумотларга кўра, илк темир даврида Марказий Осиё жанубидаги жамоаларда “уй эгаси”, “қишлоқ оқсоқоли”, “оқсоқоллар кенгаши”, “туман ҳокими” каби мансаблар мавжуд бўлган. Ижтимоий тузумнинг бу поғонаси илк давлатчиликнинг юқори даражаси бўлиб, у жамоаларнинг ижтимоий ҳаётида ўз обрў-эътибори ва аҳамиятини сақлаб қолган. Жамоа учун ташкилий бошқарув кенг кўламдаги қурилиш, суғориш ва деҳқончилик ишларини ташкил этиш пайтида зарур эди. Йўлбошчи ҳокимларнинг бошқалардан ажралиб туришига қадимги шаҳарларнинг ички қалъасида уларнинг алоҳида жойлашган сарой қўрғонлари мавжудлиги ҳам гувоҳлик беради. Марказий Осиё ва Ўзбекистонда илк давлатлар деҳқончиликдан иқтисодий, ихтисослашган хунармандчиликнинг ажралиб чиқиши туфайли шаклланган шаҳар марказлари асосида пайдо бўлган.

Хусусан, Қадимги Хоразмда милоддан аввалги VII-VI асрга мансуб катта-катта суғориш иншоотларининг излари аниқланиб, тадқиқ этилган. Амударёнинг ўрта ва қуйи оқими ерларида жойлашган Қадимги Хоразм давлати ҳудудидан милоддан аввалги VII асрнинг охири - V асрга оид кўпдан-кўп уй-қўрғонлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари тадқиқ этилган. Қадимги Хоразм шаҳар марказларидан бири-Кўзалиқир мудофаа деворларининг тузилиши билан Бақтриядаги Қизилтепа шаҳар деворларининг тузилишида анча ўхшашликлар аниқланди. Тадқиқ этилган моддий манбалар илк темир давридаги Хоразм, Марғиёна, Сўғдиёна ва Бақтрияда бир-бирига яқин маданиятлар ривож топганлигидан далолат беради [2].

Марказий Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик вилоятларида давлатчилик тизимига ўтиш жараёни жуда эрта, милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида бошланди. Милоддан аввалги IX-VIII асрларда “Авесто”да “Арешайёна” ёки “Арийанам-Ваэджа” номи билан машҳур қадимги сиёсий бирлашма таркиб топган бўлиб, бу бирлашма ҳарбий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этган [3]. Шу билан бирга Зарафшон, Қашқадарё, Сурхон ва Мурғоб воҳаларида майда давлат бирлашмалари ривожланган. Ушбу ўринда милоддан аввалги VII-VI асрларда Қадимги Хоразм ва Қадимги Бақтрия мисолидаги йирик давлат уюшмаларининг вужудга келганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу уч давр ўзбек халқи аجدодлари тарихида давлатчилик тизимига ўтиш босқичи ва Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг шаклланиши ва

ривожланиш босқичлари ҳисобланади.

VIII асрнинг ўрталарига келиб, Мовароуннаҳр ҳудудида сиёсий бошқарув араб халифалиги сиёсий тизимига мослаштирилган эди. Бу даврда Мовароуннаҳрда Сўғд, Шош, Фарғона ва бошқа маҳаллий ҳукмдорларнинг кўли остидаги маъмурий-идора усули ўз шаклини сақлаб қолган бўлиб, маҳаллий ҳокимлар зиммасига аҳолидан белгиланган солиқларни йиғиш, маъмурий бошқарувни амалга ошириш асосида ислом дини ғояларини аҳоли орасида ёйиш асосий вазифа этиб белгиланган эди. Араблар истилосидан кейин Мовароуннаҳрда мусулмон қонунчилик тизими ҳам жорий қилинди. Ислום ҳуқуқшунослигининг асосини ташкил қилувчи шариат муқаддас китоб - Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифга ҳамда фикҳшунос олимларнинг турли қарорларига таянарди.

Шу тариқа, араблар истилосидан сўнг Марказий Осиё тарихида янги давр - сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳамда давлат ва жамият бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимида исломий дунёқараш ҳукмрон бўлган давр бошланди. IX асрнинг бошларидаги сиёсий воқеалар Хурсонда Тоҳирийлар, Мовароуннаҳрда Сомонийлар хонадонининг кучайишига олиб келди.

Сомонийлар давлатининг ташкил топишида Фарғона ҳокими Аҳмаднинг хизмати катта бўлди. Самарқанд ҳокими Нух вафотидан кейин Аҳмад акасига тегишли бўлган бу вилоятни ҳам эгаллаб, ўз ҳокимиятини Фарғонадан Самарқандгача кенгайтди. Унинг вафотидан кейин Наср ибн Аҳмад (865-892 йиллар) отасининг сиёсатини давом эттириб, Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузишга киришди [4].

Сомонийлар давлатининг амалдаги асосчиси Исмоил ибн Аҳмад даврида давлат бошқаруви, иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда қатор самарали ислохотлар ўтказилди. Исмоил Сомоний ўз диққат-эътиборини марказлашган давлат тизимини барпо этишга қаратди. Бу тизим асосини олий ҳукмдор даргоҳи ва девонлар (вазирликлар) ташкил этган эди. Олий ҳукмдор амир унвонига эга бўлиб, ундан ташқари олий ҳукмдорнинг барча ҳукм ва топшириқлари бажарилишини назорат қилиб турган. Даргоҳ ҳамда бошқа қатор муҳим давлат идораларининг хавфсизлигини амалга ошириш вазифасини бош ҳожиб ва унинг ходимлари бажарганлар. Сомонийлар даврида 10 та девон (вазирликлар) фаолият кўрсатган бўлиб, улар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий ҳаётини бошқарган. Девони вазир, девони амид, девони

муставфий, девони соҳибшурот, девони соҳиббарид, девони мухтасиб, девони мушриф, девони қози, девони зиё, девони вақфдан иборат бу девонлар ижроия-бошқарув тизимининг асоси ҳисобланарди. Мамлакат пойтахти ҳисобланган Бухоро шаҳрида ҳар бир девон (вазирлик) учун алоҳида бинолар барпо этилган эди [5]. Бу девонларнинг жойларда маҳаллий бўлимлари ҳам бўлиб, улар вилоятларда маҳаллий ижро ҳокимиятини амалга оширганлар.

Шу билан бирга, X – XI асрлар Шарқ давлатчилигида давлат бошқарув назариясини ишлаб чиқишни қайта йўлга қўйиш учун концептуал сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар яратилган давр эканлиги билан ҳам ажарлиб туради. Бундай туркумдаги давлатчиликка оид манбалар бўлиб, уларни X-XI аср давлат бошқарувининг назарий-амалий манбалари намунаси сифатида қайд этиш мумкин. Хусусан, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Маохиз аш-шаройий” (“Мусаффо йўл”) ва “Китоб ат-тавҳид”, Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Шаҳарни ўрганиш ҳақида китоб”, “Миллат (халқ) ва шаҳарни бошқариш ҳуқуқлари тўғрисида сўз”, “Аскарларни бошқариш ҳақида сўз”, “Умумий бошқариш (сиёсат) китоби”, Ас-Собийнинг “Русум дар ал-хилафа”, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, ал-Мовардийнинг “Аҳком”, “Насихат ал-мулк”, “Сиёсат ал-мулк”, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, “Дастур ал-вузаро”, “Қонун ал-мулук”, Ғаззалоининг “Насихат ал-мулук” каби асарлари шулар жумласидандир [6].

XIII асрнинг бошларига келиб, Мўғуллар асос солган давлат ярим кўчманчи типдаги, асосан ҳарбий тартибларга мувофиқ келган давлат бошқарувига эга сиёсий ташкилот эди. Давлат бошқарувида ҳарбий саркардалар ва қўшин бошлиқларининг нуфузи анча салмоқли бўлган. Фақат улуғ хонга итоат этадиган махсус ҳарбий бўлинма-тарихий манбаларда “кешик” номи билан аталувчи ҳарбий қисм мавжуд бўлиб, ундан ўта фавқулодда ҳолатларда фойдаланилган. Йирик ҳарбий бўлинма бошида нўёнлар, баҳодирлар ва мерганлар турган. Ўн минг аскардан иборат қўшин-туманга хоннинг фарзандлари ҳам бошчилик қилишган.

XIII асрнинг иккинчи ярмига келиб мўғул ҳукмрон доиралари ўртасида бой маданий вилоятлардан фойдаланиш масаласида икки хил муносабат пайдо бўлади. Кўчманчи ҳарбий зодагонларнинг катта қисми, хонзодалар ва айрим ҳоқонлар ўтроқ ҳаётга мутлақо қарши эдилар. Маҳаллий зодагонлар, руҳонийлар ва савдогарларнинг асосий қисми ҳамда баъзи бир хонлар ўтроқ ҳаётга ўтиш учун кураш олиб бориб, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга



интилар эдилар. Умуман олганда, мўғуллар ҳукмронлиги даври Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётида кескин инқироз даври ҳисобланади. XIII асрнинг 70-80 йилларига келибгина, Мовароуннаҳрда вайрон бўлган шаҳарлар тикланиб, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик жонланди. XIV асрнинг ўрталарига келиб, Мовароуннаҳрда ҳокимиятни яна туркий амирлар ўз қўлларига олдилар.

Амир Темур Мовароуннаҳр тахтига ўтирган пайтда, мамлакатда аҳвол анча оғир эди. Амир Темурнинг мустақил марказлашган давлатни барпо этишга қаратилган биринчи қадами уни мўғуллардан батамом озод этиш ва салтанатни бошқаришда янги ва мукамал тартиб ва қоидалар жорий этиши эди. Амир Темур асос солган давлат ўрта асрларга хос мусулмон Шарқида ҳукм сурган давлатлардан унчалик фарқ қилмаса-да, аммо салтанатдаги бошқарув тизимлари қадим Турон-Туркистон давлатчилигининг асрий анъаналари ҳамда янги тартиб ва қонунлар билан такомиллаштирилган эди. Бунинг ёрқин мисоли “Темур тузуклари” ҳисобланади. Соҳибқирон томонидан яратилган тузукларда давлат бошқаруви, маъмурий амалдорлар ва уларнинг вазифалари, турли ижтимоий тоифаларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги қатъий тартиб ва қонунлар ишлаб чиқилган.

Бу даврда бошқарув икки идорадан: даргоҳ ва девон (вазирлик)дан иборат бўлиб, даргоҳни олий ҳукмдор бошқарган. Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг девонлар, маҳаллий ҳокимият идоралари билан боғланиб туриш ишлари олий девон зиммасида бўлган. Саройдаги даргоҳ - Олий кенгашда ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари, ҳокимиятнинг юқори амалларига мансабдор шахслар тайинлаш ва бошқа масалаларни муҳокама қилган. Даргоҳ тизимида арзбеги, товачи, хожиб, қушбеги, хазинадор, хонсолар, баковулбоши, котиб, мунши, битикчи ва бошқа сарой амалдорлари фаолият кўрсатганлар.

Амир Темур давлатининг марказий ижро маъмурияти бош вазир-девонбеги бошлиқ етти вазирликдан иборат аркони давлат-Вазирлар Кенгаши томонидан бошқарилган. Амир Темур давлати идораларида фармонлар ўзига хос янги усулда-сарнома усулида жорий қилинган [7]. Бу усул Амир Темурни ҳукмдор сифатида намоён этарди. Амир Темур томонидан фармонлар чиқариш тартибига қўйилган талаблар унинг авлодлари томонидан ҳам қабул қилинган. Бунга бир қатор Темурий ҳукмдорлар, масалан, Шохрух мирзо ва Абу Саид мирзолар томонидан чиқарилган ва асл нусхада сақланиб қолган кўплаб ҳужжатлар асос бўла олади. Амир Темур амалга оширган буюк ишлардан бири-

эркин ва цивилизацияли институт сифатидаги давлатчилик ғоясини асослаш ва уни ҳимоя қилиш бўлди.

Амир Темури ўз давлатини барпо қилишда ўтмишда мавжуд давлат бошқарув тажрибаларидан кенг фойдаланди. Мазкур давлат ўз таркибий тузилишига кўра кўпинча ҳарбий-сиёсий тартибларга асосланган эди. Унинг давлат бошқарув тизими қўл остидаги бутун ҳудудда ягона марказлашган сиёсий тартиб асосига қурилган бўлиб, бу соҳадаги тажрибалар ўрта асрлардаги Марказий Осиё давлатларида кенг қўлланилган идора усуллари тажрибаси билан бойитилган эди. Амир Темурнинг Низомулмулк томонидан яратилган “Сиёсатнома” асаридан давлат ишларида қўлланма сифатида кенг фойдаланиши, “Темури тузуклари”да “Сиёсатнома”дан фикрлар келтириши бунга ёрқин мисолдир.

Амир Темур ўзига қадар мавжуд бўлган давлатчиликнинг саккизта асосига амал қилди: давлат сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиши; давлат ва жамият муайян қонунлар, тартиблар, мафкура асосида бошқарилмоғи; бошқарув тизимини мувофиқлаштириб турувчи қоидалар шаклланган бўлиши; жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар давлат эътиборида бўлиши; фан ва маданият равнақи тўғрисида доимий қайғуриш; ҳар бир давр шарт-шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички тараққиёти масалаларини ташқи дунёдаги мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда олиб бориш; давлат тепасидаги кучлар ўтмиш, замона ва келажакни теран тафаккур, мустаҳкам иймон, ғоят юксак маънавият ва миллатпарварлик ила англамоғи.

Давлат бошқарувида Соҳибқирон ислом қонун-қоидаларига асосланган ҳолда иш юритган. Унинг Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларга бўлган муносабати самимий ва олий даражада бўлган. Пайғамбар авлодлари, шайх-ул-машойихларга ҳурмати чексиз бўлган. Давлатни кучайтиришда ҳам айнан шундай кишиларга таяниб иш юритган. Ўзбекистон ҳудудида XVI аср бошидан - XX аср бошларига қадар бўлган даврда Марказий Осиёда мавжуд бўлган 3 йирик хонлик - Бухоро, Хива, Қўқон давлатлари бўлди.

Бухоро хонлиги-ўз давлат бошқарувида Мовароуннаҳрда асрлар давомида шаклланган давлатчилик тизимидаги кўпгина ўзига хосликларни, хусусан, Амир Темур ва темурийлар давлати бошқарув тартибларини, шу билан бирга, XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонни эгаллаган дашт ўзбекларига хос бўлган бошқарув тартибларини ҳам сақлаб қолди. Дашт ўзбекларига хос бўлган ва асосан уруғ-қабила аслзодалари кенг иштирок этадиган бу анъаналар

ва бошқарув тартибларини шайбонийлар Мовароуннахрда мавжуд бўлган юксак давлатчилик тизимига сингдириб юбориб, ўзига хос давлат бошқарув тартибларини жорий этишга интилдилар.

Шайбонийлар даврида давлат бошқарув тизими икки босқичли бўлиб, хон, сарой амалдорлари, ўзбек султонлари ва эътиборли дин пешволаридан иборат марказий давлат бошқаруви ҳамда вилоятлар ҳокимлари ва унга бўйсунувчи амалдорлардан иборат маҳаллий бошқарувдан ташкил топганлигини айтиб ўтиш керак. Бу даврда олий ҳокимият чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган давлат бошлиғи-хон томонидан бошқариларди. Давлат хон ҳамда унинг авлодининг мулки ҳисобланиб, бошқарув усуллари моҳиятига кўра ўрта аср мусулмон давлатларидан айтарли фарқ қилмасди. Хон одатда эътиборли ўзбек уруғлари бошлиқлари, ислом дини пешволари ва ўзбек султонлари томонидан сайланган. Хон саройидаги йирик мансабдорлардан иборат марказий бошқарув тизими давлатнинг ички ва ташқи ҳаётига боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал этарди. Марказий бошқарув мамлакатнинг ички ва ташқи ҳаётига боғлиқ барча масалаларни ҳал қиладиган ва доимий фаолият кўрсатадиган олий даргоҳга жамланган эди. Даргоҳ олий ҳукмдор-хон томонидан бошқарилган. Даргоҳда хондан кейинги муҳим амалдорлар асосан икки тоифага: ҳарбий-маъмурий амалдорлар ва диний мансаб эгаларига бўлинган. Шу тарихи шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлигида бир қанча тоифаларга бўлинадиган сарой амалдорлари, мансаб ва унвонлар мавжуд бўлиб, уларнинг эгалари зиммаларига юклатилган асосий вазифаларидан ташқари, қўшимча вазифаларни ҳам бажариб келишган.

Ушбу даврда Хива хонлиги ҳам - хон томонидан сарой амалдорлари ёрдамида бошқариладиган, яқка ҳокимчиликка асосланган мутлоқ монархия давлати бўлиб, унинг тизими Бухоро ва Қўқон хонликларидан деярли фарқ қилмаган. Хонликдаги энг олий унвон-хон бўлиб, у маъмурий-сиёсий, ҳарбий ва диний ваколатларга эга эди. Бухоро ва Қўқон хонлигидан фарқ қилиб, Хива хони ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи Кенгаш (Девон) мавжуд бўлган. Энг юқори мансаб ва унвондаги амалдорлар аъзо бўлган бу кенгашнинг ваколоти чекланган, барча қарорлар амалда хон томонидан қабул қилинган бўлса-да, лекин йирик сарой амалдорларининг, қабила бошлиқларининг, маҳаллий ҳокимларнинг давлат бошқарувида кўрсатадиган таъсирини эътироф этиш зарур.

Хусусан, хонликда давлат бошқарувида хондан кейин иноқ, оталиқ ва бий

муҳим аҳамиятга эга амалдорлар ҳисобланар эдилар. Иноқларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеининг ошиши XVII аср ўрталарида бошланди. Абулғозий Баҳодирхон Хива тахтини эгаллагандан кейин ўзаро уруш ва жанглари бартараф қилиш учун давлат бошқаруви бўйича ислоҳотлар ўтказди. Амударё куйи қисмида яшаётган барча аҳоли тўрт гуруҳга (тўпга) - уйғур-найман, кўнғирот-қиёт, нукус-манғит ва қанғли-қипчоқга бўлинди. Ҳар тўпга алоҳида ҳудуд, суғориладиган ариқ ва каналлар аниқлаб берилди. Ҳар бир тўпдан 4 тадан, яъни ҳар бир қабила иттифоқидан битта намоянда давлат бошқаруви ва маъмурий ишларга жалб қилинди. Хива хонлигида нақиб, амир ул-умаро, меҳтар, (саройдаги хизматкорлар бошлиғи) қушбеги, беклар беги, девонбеги, оталиқ, бек, парвоначи, дастурхончи, эшик оғаси, шотир, ясовулбоши, удайчи, мингбоши ва бошқа бир қанча мансаблар ҳам мавжуд бўлган.

Хива хонлиги маъмурий жиҳатдан XVI-XVII асрларда вилоятларга бўлинган бўлса, XVIII аср охири – XIX аср бошларидан бошлаб, давлатдаги асосий маъмурий бирликлар-бекликлар деб юритила бошлади. Бу даврда хонликда 16 та беклик ва иккита ноиблик мавжуд эди. Беклик ва ноибликларни хон тайинлайдиган беклар ва ноиблар бошқарган. Хива шаҳри эса бош вазир - иноқнинг шахсан измида бўлган.

Қўқон хонлиги Марказий Осиёнинг катта ҳудудини эгаллаган давлат эди. Унинг шимолий чегаралари XIX аср бошларида Россия билан, ғарбда - Хива хонлиги, жанубда - Бухоро амирлиги, шарқда Шарқий Туркистон билан чегарадош бўлган. Давлатни дастлаб “бий” унвонига эга ҳукмдорлар, 1805 йилдан, яъни Олимхон давридан бошлаб хон бошқарган. Хон расман чекланмаган ҳуқуққа эга бўлса-да, аммо шунга қарамасдан у саройда катта нуфузга эга амалдорлар фикри билан ҳисоблашишга мажбур эди. Сарой амалдорлари ва кўшин бошлиқларининг хонга таъсири кучли эди. Бу ҳолат айниқса Худоёрхоннинг тахтда ўтирган биринчи даврида Мусулмонқул қипчоқнинг мингбоши ва оталиқ лавозимини эгаллаган йилларида (1845-1852) ва Алиқулнинг амирилашқарлиги ва вазирлиги даврида (Султон Саидхон хон бўлган вақти, 1863-1865 йиллар) яққол кўзга ташланади. Бу хоннинг сиёсий куч-қудрати маълум иқтисодий асосларга ва ижтимоий гуруҳларга боғлиқ эди дейишга асос беради. Асосан Олимхон, Умархон ва Муҳаммад Алихон даврларида бир қатор ривожланган хонлик XIX аср ўрталарига келиб инқирозга учради. Ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги ўзаро зиддиятлар, Бухоро амирлиги билан бўлган урушлар, сарой амалдорларининг фитнакорлиги бу

инқирознинг сабаби эди.

Маъмурий жиҳатдан хонлик бекликларга бўлиниб, уларни Қушбеги мансабида турган шахс бошқарган. Марғилон, Наманган, Андижон, Ўш, Ўратепа, Хўжанд, Тошкент ва Туркистон бекликлари хонликнинг асосий маъмурий бирликлари эди [8].

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, хон саройида муҳим ишларни кўриб чиқадиган Кенгаш тузилган бўлиб, унга мингбоши бошчилик қилган. Давлатни бошқаришда бу кенгашнинг ҳам ўрни катта эди. Сарой амалдорлари ичида мингбоши (бош вазир) ва амири лашкар (ҳарбий вазир), қушбеги-хон маслаҳатчиси ёки вилоят ҳокими, парвоначи (хон маслаҳатчиси), - шиғовул (вазири илм), худойчи, тунқатор, ноиб (сарбозлар бошлиғи) оталиқ, додхоҳ, меҳтарбоши, дастурхончи, тўқсабо, девонбеги, мирза боши, саркор ва бошқалар муҳим амалдорлар ҳисобланади. Улар ўз хизматлари эвазига йиллик маош олганлар. Бундан ташқари уларга тегишли ер-мулклар ҳам берилган.

Дарҳақиқат, бу давр Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлатлар ўзининг ноёб бошқарув шакллари билан ажралиб турган. Бироқ, яқка ҳокимликка асосланган ўрта аср мусулмон давлатларида бўлганидек, хон ва унинг аъёнлари катта ижтимоий ҳуқуқларга эга эди. Лекин, бу мустаҳкам қонунлар билан кафолатланмаган бўлиб, ҳокимиятга, яъни чекланмаган ижтимоий ҳуқуқларга эга бўлишга интилувчи кучлар томонидан доимий равишда хон ҳокимиятига катта хавф мавжуд бўлган.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср охиригача қадар Ўзбекистон ҳудудида мустамлакачилик сиёсати ва собиқ совет давлат бошқаруви тизими маъмурий буйруқбозлик кўриниши билан характерланган. Уни демократик меъёр ва тамойиллардан бегона эканлигини таъкидлаш лозим. Чунки, бу давр маъмурий бошқарув услуби ўзига хос кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни амалга оширган. Унинг асосий мақсади социализм ғоясига содиқ, собиқ КПССга сидқидилдан хизмат қиладиган раҳбар ва бошқарув кадрларни тайёрлашдан иборат бўлган. Улар кўпроқ ижро этиш ва бўйсунуш, ҳисоб бериш орқали бошқарувни амалга оширган. Раҳбар ва бошқарув кадрлари тайёрлаш, қайта тайёрлашни КПСС олий партия мактаби ёки комсомолнинг тегишли тузилмавий мактаблари орқали амалга ошириш анъанаси ҳукмрон бўлган. Давлат маъмурий бошқарувида раҳбар ва бошқарув кадрлари тайёрлаш, қайта тайёрлаш масаласи холис, демократик бошқарув тамойилларига асосланмагани учун ҳам бу давр бошқарув тизими ўзини оқламади. Бу раҳбар



ва бошқарув кадрлари тайёрлаш, қайта тайёрлашнинг «советча» кўриниши эди, холос [9].

XX аср 90-йилларига келиб жаҳон ва собиқ иттифоқдаги ўзгаришлар ҳамда юзага келган вазият ўзбек халқининг мустақиллик учун бўлган курашини тезлаштириб юборди. Бу ўринда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1989-йил 23-июндаги пленуми ва унда Ислом Каримовнинг биринчи котиб этиб сайланиши жуда катта аҳамият касб этди. Ушбу анжуманда И. Каримов Ўзбекистоннинг собиқ Иттифоқда тутган ўрни ва ролини аниқ-равшан белгилаб берди, маданий меросни ва тарих ҳақиқатини тиклаш, миллий давлатчиликка мустақил асос солиш, миллий урф-одатлар ва анъаналарни ривожлантириш объектив зарурат эканлигини исботлади.

1990 йил 18 июнь куни XII чақириқ республика Олий Кенгашининг иккинчи сессияси очилди. Депутатларнинг таклифи билан Ўзбекистоннинг Мустақиллик декларациясини қабул қилиш масаласи сессия кун тартибига киритилди. Олий Кенгашнинг доимий комиссиялари, фаол депутатлар ва ҳуқуқшунос мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган Мустақиллик декларацияси матни сессияда қизғин муҳокама қилинди ва 1990 йил 20 июнь куни қабул қилинди. Дунё харитасида яна битта мустақил, тўла ҳуқуқли, суверен давлат Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Мустақил Ўзбекистон дунёга, жаҳонга юз тутди, қарийб юз йилдан ортиқ вақт давомида ёпиб қўйилган чегаралар очилди. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонни тенг ҳуқуқли суверен давлат сифатида қабул қилди. Ўзбекистон Республикасини суверен давлат сифатида Туркия, АҚШ, Канада, Япония, Буюк Британия, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой сингари ривожланган давлатлар тан олди.

1991-йил 31-август Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақиллигини қўлга киритишидаги тарихида алоҳида из қолдирди. Чунки, шу куни Ўзбекистоннинг давлат суверенитети расман эълон қилинди ва “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонунига биноан Ўзбекистон Республикаси мустақил, демократик давлат деб эътироф этилди. Бу тўла сиёсий мустақиллик эди. Қонуннинг 3-моддасига биноан: “Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди” - деб қатъий белгиланди [10].



Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда мустақиллик қўлга киритилган илк даврларданок, собиқ совет тузуми анъаналаридан воз кечилиб, халқаро ҳамжамиятда тенг ҳуқуқли, ўзининг ва жаҳоннинг илғор давлатлари бошқарув анъаналарини уйғунлаштирадиган ўзига хос миллий давлатчилик принципларини яратиш устида кенг кўламда ишларни бошлаб юборилди. Айни пайтда мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг мантиқий ривожига эга. Чунки, жамиятимизнинг демократик, ҳуқуқий асослари кучайган сари янги-янги вазифалар ҳам вужудга келиши табиий. Давлат бошқаруви соҳасида олдимизда турган муҳим вазифалардан бири – халқнинг турмуш тажрибасига, мамлакат аҳалисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган демократия принципларни қарор топтириш, манбасига кўра ягона бўлган давлат ҳокимиятининг уч тармоғи ўртасида мувозанатни таъминлаш, мамлакатни модернизация қилиш ва эркинлаштириш, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий тизимни демократик янгилаш, юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш, бошқарув тизими ҳар бир бўғинининг ўз вазифаси, ваколатлари ва масъулиятини яхши ва чуқур англайдиган юқори малакали кадрлар билан таъминлашдир.

## REFERENCES

- 1.Абулғозий Баҳодирхон. “Шажарайи турк” - Т.; 1992 й. 126-б.
- 2.Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). –Т.; Шарқ, 2001 й. 27-30 бетлар.
- 3.Муаллифлар жамоаси. “Давлат қурилиши ва бошқаруви”, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси. Ғофур Ғулом, - Т.; 2007 й. 29 бет.
- 4.А.Р.Муҳаммаджонов. “Ўзбекистон тарихи” (V асрдан XVI аср бошларигача). Дарслик, -Т.; 2009 й. 51-б.
- 5.Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Наршахий. “Бухоро тарихи”, “Мерос” тўплами.-Т.; “Камалак”, 1991 й. 106-бет.
- 6.З.Жўраев “Мовардийнинг Шарқ давлатчилик таълимоти” (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти (№ 7228/1) ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нодир (№ 63) қўлёзмалари асосида), -Т.; А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015 й. 113-119 бетлар.

7.3.Муқимов. “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи”, // Дарслик, -Т.; “Адолат”, 2003 й. 158-бет.

8.Қ.Усмонов, У.Жўраев, Н.Норқулов. “Ўзбекистон тарихи” (XVI-XIX асрнинг I-ярми). –Т.; “Ўқитувчи”, 2014 й. 133-134 бетлар.

9.Қ.Қуронбоев. “Давлат бошқарув кадрлари тизими: шаклланиш ва ривожланиш муаммолари (сиёсий-ижтимоий жиҳатлари). Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.: 2008. 75-76 бетлар.

10.Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 11-сон, 246-модда.

## ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАРИХИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР

**Ж. Байалиев**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ватанимиз тарихидаги муҳим ижтимоий-маданий жараёнлар умумжаҳон миқёсидаги шундай жараёнлар билан таққосланган ҳолда ўхшаш ва фарқли томонлари ўрганилиб, асосли равишда баён этилган.

**Калит сўзлар:** маданий жараёнлар, маданий инқилоб, ислоҳотлар, модернизация, сепаратизм, урф-одатлар, шариат, ғоялар.

XX асрнинг энг муҳим ҳодисаларидан бири мустамлака тизимининг ағдарилиши бўлди. Буюк давлатчиликнинг асосий белгиси сифатида европаликлар томонидан XV асрдан бошлаб бунёд этилган мустамлака империялари қулай бошлади. XX аср бошларида дунёда, айниқса, Осиё мамлакатларида авж олган инқилобий ва миллий-озодлик ҳаракатлари 1905-1911 йиллардаги Эрон инқилоби, 1907-1908 йиллардаги Ёш турклар инқилоби, 1905-1909 йиллардаги Ҳиндистон инқилоби, Хитойдаги Синхай инқилоби каби жараёнлар Биринчи жаҳон урушидан кейин кўплаб мустақил давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келди [1]. Улар дунё сиёсатининг янги муҳим омилига айлана борди. Айни пайтда, Европа давлатлари ўз сиёсий таъсирини сақлаб қолиш, баъзан эса янги усуллар ва воситалар орқали янада кучайтириш учун ҳаракат қилдилар. Сиёсий жиҳатдан миллий-озодлик ҳаракати Европадаги метрополия-давлатларига қарши қаратилганига қарамай, бу ҳаракатнинг ўзи Шарқ жамиятига Европа цивилизацияси ғоялари кўрсатган таъсирнинг натижаси бўлди. Миллийозодлик ҳаракатининг шиорлари бу жараёнларга етакчилик қилган “Ёш афғонлар”, “Ёш бухороликлар”, “Ёш хиваликлар” фаолияти ҳам ана шундан далолат беради.

Бундан ташқари, бу ҳаракатлар лидерлари мустамлакачиликдан олдинги анъанавий жамият тартибларини тиклаш мақсадини ўз олдига қўймайди. Улар ривожланган саноат тизимига, аҳоли умумий сайлов, таълим олиш ва замонавий медицина хизмати билан таъминланиш ҳуқуқларига эга бўлган замонавий, илғор миллий давлат тузиш учун интилдилар. Шу сабабли асосий

вазифа қолоқликни енгиб ўтиш ва ўз мамлакатларини модернизация қилиш эканлигини ҳаракат етакчилари англаб етдилар. Аслида, модернизациялаш ҳаракатининг ғалабаси умумий кадриятларга асосланган ягона жаҳон цивилизацияси шаклланиши йўлидаги муҳим қадам бўлди.

XX асрнинг 20-30-йилларида Шарқнинг Туркия, Эрон каби бир қатор мамлакатларида амалга оширилган модернизация жараёнлари билан худди шу даврда Ўзбекистонда большевиклар томонидан ўтказилган “маданий инқилоб”лар ўртасида кўплаб ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Аммо мазкур модернизация жараёнлари Туркия ва Эронда буржуа ислохотчилиги, Ўзбекистонда эса большевизм ғоялари билан боғланган бўлиб, улар модернизация жараёнининг пировард мақсадларини белгилаб берди ва турли натижаларга олиб келган муҳим омилга айланди.

Албатта, мамлакатларда XX аср бошларида юз берган инқилобий жараёнлар чет эл ва Ўзбекистон тарихшунослигида анча жиддий ўрганилган. Аммо бу жараёнларнинг қиёсий таҳлили, ўхшаш ва мавжуд мафкуралар билан боғлиқ фарқли томонлари тарихий адабиётларда етарлича акс эттирилмаган. Бунинг сабабларидан бири Ўзбекистонда большевиклар етакчилигида ўтказилган “маданий инқилоб”ни коммунистик мафкура “социалистик ўзгаришлар”, Туркия ва Эронда амалга оширилган шундай жараёнларни эса “буржуа ислохотлари” сифатида баҳолашган эди. Ҳали XX аср бошларида ҳам ўрта асрчилик қолдиғи бўлган Усманийлар империясини, султон ҳокимияти ва табақавий тизимни сақлаб қолган Туркия учун Европа, европаликлар жамияти, сўзсиз, замонавий жамиятнинг идеали бўлиб туюларди. Туркия инқилоби чет эл, биринчи навбатда, Европа капиталининг ҳуқумронлигига ва султоннинг феодал тузумига қарши қаратилган ҳамда янги, мустақил Туркия давлатини куриш учун амалга оширилган бўлса-да, у ўрнатган кадриятлар тизими Ғарб цивилизацияси кадриятлари билан ҳамоҳанг эди [2]. Шу сабабли Туркия ислохотлари, хусусан, маданият ва турмуш, дин соҳасидаги ислохотлар европалашув йўналишида эканлигини кўрамиз. Айни пайтда, модернизация -бу жамиятни замон талабларига жавоб берадиган тарзда такомиллаштириш бўлиб, Туркия Республикасида кечган европалаштириш жараёнларини шу нуқтаи назардан модернизация деб аташ мумкин.

Энди, Ўзбекистонда большевиклар томонидан амалга оширилган “маданий инқилоб” деб аталган жараёнларга келсак, биринчидан, Туркиядан фарқли равишда, Туркистонда XX аср бошларидаги миллий-озодлик ҳаракати

мувафакқият қозонмади, мустақил давлатнинг тузилишига олиб келмади. Иккинчидан, Европани идеал қилиб олган Туркиядан фарқли равишда, большевикларнинг идеали бўлган коммунистик келажак реал эмас, мавҳум эди. Бу мавҳумлик большевиклар илгари сурган янада мавҳум, аммо ўта жозибador, кишиларнинг ақл идроки, зехнига эмас, кўпроқ ҳиссиётига мўлжалланган шиорлар билан қўшилиб, аҳолининг катта қисмини ўзига жалб қилди. Аммо идеаллар ва уларда ифодаланган қадриятларнинг турлича бўлишига қарамадан, Туркия ва Ўзбекистондаги модернизация жараёнларининг ўхшаш томонлари анчагина эди.

Ислохотларнинг биринчи тамойили-лаицизм, яъни дунёвийлик динни давлатдан ажратишда ўз аксини топди. Аслида, XX аср бошларида ислом мамлакатларида амалга оширилган ислохотларнинг энг мураккаб жиҳатларидан бири ислохотчиларнинг ислом динига бўлган муносабатида эди. Уларнинг назарида, ислом ақидапарастлиги, унинг баҳслар ва шубҳалар учун ёпиқлиги ислом мамлакатларидаги ижтимоий ва сиёсий ҳаётга, бу ердаги халқларнинг менталитетига ўз таъсирини кўрсатаётган эди. Дунёнинг илғор қисмидаги интеллектуал интеграциялашув, шунингдек, янги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнлар, кишиларнинг янги, муносиб ҳаёт қуриши учун амалга ошираётган инқилобий интилишлари ислом дунёсини четлаб ўтди. Бу даврда Ғарбий Европа мамлакатларида шаклланган янгича дунёқараш, демократик ғоялар, инсоннинг тадбиркорлиги, ташаббускорлигига очилган кенг имкониятларнинг ислом мамлакатларида қарор топиши узоқ ва оғир жараён бўлди [3].

XX асрнинг 20-30-йилларида Туркия, Эрон ва Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотларнинг умумий томонларидан биринчиси - ислом динининг давлатни бошқариши, ижтимоий ва иқтисодий, айниқса, маданий соҳалардаги таъсирини пасайтириш учун ҳаракат бўлди.

1924 йил 20 апрелда қабул қилинган Туркия Республикасининг Биринчи конституциясида Ислом давлат дини деб аталган эди. 1928 йил 9 апрелда бу банд Конституциядан олиб ташланди. Айнан мусулмон менталитети, ундаги ақидапарастлик ислохотлар учун асосий тўсиқ эканлигини М.Камол яхши тушунарди. Шу сабабли у ислохотларни диндан бошлади. 1924 йилда Буюк миллат мажлиси халифаликни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу билан дунё мусулмонларини бирлаштирибтурувчи тизим йўқ қилинди, дарвешлик орденилари ва дарвешхоналар тарқатиб юборилди. Дин ва вақф ишлари бўйича

вазирлик тугатилди, вақф мулклари национализация қилинди. Мадрасалар ёпилиб, барча мактаблар Маориф вазирлиги ихтиёрига ўтказилди.

Мустафо Камол Отатуркдан ўрнак олган шоҳ Ризо Пахлавий Эронда 1928 йилдан европача либос жорий қилди, феодал унвон ва мурожаат шакиллари бекор қилди, насаб жорий қилди. 1935 йилдан мамлакатнинг номи ўзгартирилди “Форс” ўрнига “Эрон” деб аталадиган бўлди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари тўғрисида қонун қабул қилинди, улар мактабларда, олий ўқув юртлирида ўқиш, давлат ташкилотларида ишлаш ҳуқуқига эга бўлди. 1935 йили чодра (паранжи) ўраб юришни бекор қилиш тўғрисида қонун қабул қилинди.

Шоҳ аста-секин ислом динига нисбатан ҳам муносабатини ўзгартирди: шариат судларининг ҳуқуқлари қисқартирилди, европача намунада фуқоролик, жиноят ва тижорат кодекслари қабул қилинди. Таълим соҳасида катта ўзгаришлар юз берди. 1927-1934 йиллардаги ислохотлар даврида бепул мажбурий бошланғич таълим ҳамда пуллик ўрта ва олий таълим тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Барча ўқув юртлири, давлатга қарашли ёки хусусий бўлишидан қатъи назар, дин назоратидан чиқарилиб, давлат тасарруфига ўтказилди. Янги мактаблар қурилиб, ўқувчилар сони бир неча баробарга ошди. Олий ўқув юртлирининг бутун бошли тизими яратилди, жумладан, 1934 йили Техрон университети очилди. Юзлаб эронлик ёшлар ҳар йили чет элларга, дунёнинг энг яхши университетларига ўқишга юборилди [4].

Россия империясида ҳокимиятга келган большевиклар томонидан 1918 йили 2 февраль куни Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида декрет қабул қилинди. Давлат ҳокимиятининг дунёвий характери ўрнатилди ҳамда виждон ва эътиқод эркинлиги эълон қилинди. Диний ташкилотлар барча мулкларидан ва юридик шахс ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Ушбу декрет асосида Ўзбекистонда ҳам дунёвий таълим, суд тизими шакллантирилди. Бу жараён шиддат билан, тажовузкорона олиб борилди, виждон эркинлиги принципига амал қилинмади, масжидлар тўлиқ ёпилиб, кишиларнинг диний эркинлиги топталди. Декрет совет давлатининг бутун 70 йиллик тарихи давомида атеистик ташвиқот ва даҳрийлик сиёсатига асос солди. Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш, янги типдаги совет мактаблари тизимини яратиш, “халқ зиёлилари”ни тайёрлаш, большевиклар назорати остида ва марксча-ленинча мафкура асосида амалга оширилди. Аслида, “маданий инқилоб”нинг бош мақсади бутун маънавий ҳаётни марксистик мафкурага бўйсундиришдан иборат бўлди.



Бу йўлда амалга оширилган дастлабки тадбирлардан бири саводсизликни тугатиш эди. Ўзбекистонда умумий мажбурий таълимни жорий қилиш учун мактаб бинолари, малакали кадрлар етишмаслигидан ташқари, диний ва миллий урф-одатлар билан боғлиқ тўсиқлар ҳам мавжуд бўлиб, бу Туркия ва Эрондаги ҳолат билан жуда ўхшаш эди. Асрлар давомида ўзбек, турк ва форс аёлларининг ҳаёти шариат қоидалари ва улардан келиб чиқадиган урф-одатлар билан белгиланар, эркаклар онгида эса аёллар ҳақида қотиб қолган догмалар, тасаввурлар устувор эди. Ислохотларнинг дастлабки давриданок аёлларни озод қилиш вазифаси қўйилди.

Аммо Туркия ва Эрондан фарқли равишда, Ўзбекистонда бу масаланинг шошилинич ҳал қилиниши кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди. 1917 йилги Октябрь давлат тўнтаришидан сўнг аёллар масаласига оид бир қатор: аёлларнинг эркаклар билан тенглиги, балоғот ёшига етмаган қизларни турмушга беришни тақиқлаш тўғрисида ва шу каби қонун ҳамда қарорлар қабул қилинди, булар, сўзсиз инқилобий қарорлар эди. 1920 йилларда ташкил қилинган хотин-қизлар бўлимлари фаол тушунтириш ишларини олиб борди. Махсус аёллар клублари, артеллар, магазинлар ташкил қилинди, аёллар саводхонликка, турли-туман ҳунаргаўргатилди. Бу ишлар, асосан, тушунтириш, ишонтириш орқали, зўравонликларсиз амалга оширилиб, жамиятда катта қаршилиқларга учрамади.

Аммо анъаналар ва урф-одатларни ҳисобга олиб ўтказилган бу тадбирларнинг суръати большевиклар ҳокимиятини қаноатлантирмади. Мазкур жараённи сунъий равишда тезлаштириш учун 1927 йил “Хужум” деб ном олган ҳаракат бошланди. Большевиклар психологик ва диний омил ҳамда хотин-қизларни тўлиқ озод қилиш учун ижтимоий муҳит етилмаганлигини инобатга олмадилар. “Хужум” кампанияси давомида зўрлик йўли билан 100 минглаб хотин-қизлар паранжиларини ташлади. Аммо ўзбек аёлларини жадал озодқилиш сиёсати фожиали оқибатларга олиб келди. 1927-1928 йиллари Ўзбекистонда 2,5 минг фаол аёллар, хотин-қизлар клублари раҳбарлари, кутубхоначилар, ўқитувчи аёллар ўлдирилди [5].

Бу йиллари Ўзбекистонда маданият ривожланиши зиддиятли характерга эга эди. Бир томондан, аҳолининг саводлилиқ даражасини ошириш, фундаментал фаннинг энг муҳим соҳаларини ривожлантириш, илмий-техник кадрларни тайёрлаш объектив зарурат бўлса, бошқа томондан, совет ҳокимияти жамиятда ўзининг мафкуравий таъсирини кучайтириш ва бунда адабиёт, санъат

хамда ижтимоий фанлар имкониятидан фойдаланишни биринчи даражали вазифа қилиб белгилади. Зиддиятлар, айниқса, анъаналар ва модернизация ўртасидаги муносабатда яққол кўзга ташланади. Масалан, Ўзбекистон аҳолисини модернизацияга жалб қилиш бўйича советлар олиб борган сиёсат Туркия ва Эрондаги шундай сиёсатга ўхшаб кетади. Аммо фарқи шундаки, совет давлати ўз сиёсатини мавҳум коммунистик жамиятни куриш мақсадида олиб борди ва шу сабабли большевиклар ўзбек халқини ҳимоя қилиш, сақлаб қолишга интиланган миллий анъаналари, маънавий оламига тажовузкор тарзда кириб борди. Советларнинг модернизация сиёсати Туркия ва Эрондаги шундай жараёнлар билан ҳамоҳанг эди. Аммо 1920-1930 йилларда советлар жорий қилган ҳаёт тарзининг ўзбеклар учун мутлақо бегоналиги Ўзбекистонда унга қарши кучли қуролли ҳаракатларга олиб келди. Туркия ва Эронда эса бундай ҳаракат анча суст эди. Бунинг бошқа бир сабаби шундаки, агар Туркия ва Эронда модернизация жараёнлари бунга эҳтиёжни ҳис қилган Мустофо Камол Отатурк, шоҳ Ризо Паҳлавий каби миллий лидерлар ва уларга эргашган зиёлилар томонидан миллий шиорлар остида ўтказилган бўлса, Ўзбекистондаги бу жараёнларнинг мақсад ва вазифалари большевиклар партияси томонидан белгиланди, раҳбарлик ҳам Москвадан амалга оширилди, шу сабабли миллатимизнинг орзу-интилишлари ва иродасини тўлиқ акс эттирмади.

Туркияда модернизациялашнинг асосий тамойиллари Туркия Республикаси Конституциясининг 2-моддасида ўз аксини топди. Кейинчалик 1931 йили Туркияда ҳукумрон Халқ-республикачилари партиясининг III конгрессида олти та мустақил тамойил ишлаб чиқилди. Булар республикачилик, миллатчилик, халқчиллик, этатистик (давлатпарастлик), дунёвийлик ва инқилобчилик принциплари бўлиб, улар ҳукумрон Халқ-республикачилар партияси фаолиятининг асоси, деб эълон қилинди [4]. Бу тамойиллар ичида асосийси - миллатчилик бўлиб, бу ҳодиса Европа тарихида ҳам миллий давлатчиликнинг пайдо бўлиши ёки тикланиши билан боғиқ оғир даврларда миллатни бирлаштирувчи муҳим омиллардан бирига айланган эди. Европада фақат Биринчи жаҳон урушидан кейингина миллатчилик ўзининг прогрессив имкониятлари ва демократик асосини йўқотиб, реакцион ҳодисага айланди. Туркияда ҳам давлатни тузиш жараёнида миллатнинг руҳини кўтариш, ўз имкониятларига ишончни уйғотиш учун миллатчилик прогрессив аҳамиятга эга бўлди. М.К. Отатуркнинг «Мен туркман! дейиш нақадар бахтдир!» (Ne mutlu

Turkum diyene!) деган сўзлари турк миллатини бирлаштирувчи шиорга айланди [6].

Ўзбекистонда эса большевиклар модернизация жараёнининг асосий принципларидан бири сифатида байналмилалчиликни оладилар. Маданий инқилоб даврида большевикларнинг сиёсий қуролига айланган бу принцип Ўзбекистонда миллатпарвар зиёлилар ва раҳбарларни миллатчиликда айблаб, қатоғон қилиш учун асос бўлди. Модернизация жараёни эса оммавий руслаштиришга айланиб кетди. Шу сабабли асли моҳиятига кўра ижобий бўлган маданий инқилоб Ўзбекистонда миллий анъаналарга, айниқса, шаклланиб келаётган миллий ғурурга катта зарар етказди.

Эронда шоҳ Ризо Паҳлавий ватанпарварлик ғоясига катта эътибор қаратди. Ислохотлар шу ғоя доирасида амалга оширилди. Жумладан, форс тили ислох қилиниб, ундаги турк ва араб тилларидан кириб келган сўзлар муомаладан чиқарилди. Мамлакатда эронлаштириш сиёсати олиб борилиб, эрон миллатининг бирлиги фаол тарғиб қилинди.

Шундай қилиб, 1920-1930 йиллари Туркия, Эрон ва Ўзбекистонда амалга оширилган модернизация жараёнлари ўз олдига қўйган мақсадларига кўра бир-бирига яқин эди. Улар ўхшаш принципларга таянди, ўхшаш муаммоларни ҳал қилди, аммо жараёнларнинг асосий ғоясига кўра, бир-биридан фарқ қиларди. Модернизация Туркияда-миллатчилик, Эрондаватанпарварлик, Ўзбекистонда-коммунистик ғоялар асосида амалга оширилди ва шу ғояларга мос натижаларни юзага келтирди.

#### REFERENCES:

1. Мунчаев Ш.М., Валяев М.М. и др. Из истории мировой цивилизации. - М., 1993. - С. 12 - 13. (Munchaev Sh.M., Valyaev M.M. and others. From the history of world civilization. -M., 1993.- p.12-13.) 2. Р.И.Измайлов. Камелизм и модернизационные процессы в Турции в 20 -30-е годы XX века. (R.I. Izmailov. Camelism and modernization processes in Turkey in the 1920-1930s.) [http://www.idmedina.ru/books/materials/turkology/1/turk\\_izmailov.htm](http://www.idmedina.ru/books/materials/turkology/1/turk_izmailov.htm)

3. Эргашев.Ш. Жаҳон тарихи (Янги давр. 1-қ. XVI -XVIII асрлар) - Тошкент:О'zbekiston, 2016. 431-бет. (Ergashev.Sh. World History (New Age. 1st ed. XVI-XVIII centuries) - Tashkent: Uzbekistan, 2016., p.431)

4. Трифонов Е. От восхода до заката: кемалистский век Турции. (Trifonov E. From sunrise to sunset: the Kemalist age of Turkey) <http://www.historicus.ru/kemalizm/>

5. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. 1. -Ташкент: Узбекистан, 2008. - С. 259. (Alimova D.A. History as history, history as science. T.1.-Tashkent: Uzbekistan, 2008. - p. 259.)

6. Реформы Мустафы Кемаля Ататюрка. (Reforms of Mustafa Kemal Ataturk) <http://xn--80adagcf7ag2aab7an2p.xn--p1ai/RefAta.html>

## MUNDARIJA | CONTENTS

1. Одил Абдурахманов – Кириш сўзи

2. Рахматилла Нурибетов – Табрик сўзи

3. Тошев, А. (2024). ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ДИАСПОРАЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati xalqaro konferensiya materiallari*, 10-15.

4. Саифназаров, И. (2024). ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙ - ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР МАЪНАВИЙ РАҲНАМОСИ. *Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati xalqaro konferensiya materiallari*, 16-22.

5. Ibragimov, U. (2024). DEVELOPMENT OF INTERNATIONAL TRANSPORT AND TRANSIT CORRIDORS. *Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati xalqaro konferensiya materiallari*, 23-28.

6. Раматов, Ж. (2024). ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ : ЎЗARO МАНФААТЛИ ИНТЕГРАЦИЯ. *Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati xalqaro konferensiya materiallari*, 29-33.

7. Шабанов, Ж. (2024). ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ТУРК ДИАСПОРАСИНИНГ ЎРНИ. *Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati xalqaro konferensiya materiallari*, 34-43.

8. Габитов, Т. Х. (2024). ТЮРКИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ДУХОВНО-КУЛЬТУРНОЕ РАЗВИТИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА. *Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati xalqaro konferensiya materiallari*, 44-53.

9. Илесалиев, Д. И., Светашева, Н. Ф., & Қутлумуратов, Ж. Д. (2024). ПОЭТАПНОЕ РАЗВИТИЕ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ КАК ФАКТОР УКРЕПЛЕНИЯ ТРАНСПОРТНО-ЛОГИСТИЧЕСКОЙ ВЗАИМОСВЯЗАННОСТИ ТЮРКСКИХ ГОСУДАРСТВ. *Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati xalqaro konferensiya materiallari*, 54-60.

10. Эшиев, А. К. (2024). ПСИХОЛОГИЯ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ ТЮРКСКИХ НАРОДОВ В ХХІ ВЕКЕ (НА ПРИМЕРЕ КЫРГЫЗСКОГО ОБЩЕСТВА). *Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati xalqaro konferensiya materiallari*, 61-64.

11. Каримов, Б. Р. (2024). ПЕРСПЕКТИВЫ ТЮРКСКОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ В СОВРЕМЕННОЙ МИРОВОЙ ИНФОРМАЦИОННОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ. *Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati xalqaro konferensiya materiallari*, 65-72.

12. Алиев, Б. (2024). ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ МАДАНИЯТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРИ. *Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati xalqaro konferensiya materiallari*, 73-78.

13. Баратов, Р. У. (2024). ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАРДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati xalqaro konferensiya materiallari*, 79-85.

14. Обломуратов, Н. Х. (2024). ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati xalqaro konferensiya materiallari*, 86-92.

15. Юлдашев, Б. Э. (2024). МУҚОБИЛ ТРАНСПОРТ КОРИДОРЛАРИНИ ЯРАТИШ СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИНИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ. *Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati xalqaro konferensiya materiallari*, 93-97

16. Давронов, З., & Эрниеъзов, У. К. (2024). ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ АЛОҚАЛАРИ, ТАРИХИЙ-АДАБИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ. *Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati xalqaro konferensiya materiallari*, 98-102.



## MUNDARIJA | CONTENTS

17. Маткаримова, Ж. Д., Эшиев, А. К., & Жолдошева, А. О. (2024). ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ЭЪТИҚОДИ: МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ МАНСУБЛИК. *Turkiy davlatlarning o'zaro manfaatli integratsiyasi – barqaror taraqqiyot kafolati xalqaro konferensiya materiallari*, 103-108.
